

## АЛИШЕР НАВОИЙ

*роман*

### БИРИНЧИ ҚИСМ ҒАРОЙИБУ-С-СИҒАР

#### *Муқаддима*

Ҳирируд<sup>1</sup> ёқасидаги ўланглар кўз етгунча баҳор нақшлари билан ҳайратомуз безалган эди.

Ҳайрат боиси шуки, у безаклар жонли эдилар. Елларда майин чайқалган қизғалдоқлар кўзга яққол ташлангани билан, аслида бу ерда нималар йўқ дейсиз? Тиғиз ўтлоқ узра елган еллар забтида ўйнаган яшил қаболи, қирмизи дасторли ёш толибларга ўхшаб кетувчи қизғалдоқлар қаторида оқ шойи гулларини ёзган печаклар, силлиқ узун баргли ёввойи арпа, кўк гул очган йўнғичқа, ҳар ер-ҳар ерда ғуж ўсган беор ажриқлар, узун пояси эгилиб қолган курмаклар, катта япроқлари солланган бангидевоналар аро яна ўзга тур тириклик барқ уриб, ҳашаротлар визиллаб, ниначилар учиб юради. Ўргимчак гул **шохчалари** орасига тўр тўқибди, кумуш толаси йилтирайди. Бу ажойиб маъвонинг ўз саслари бор бўлиб, уларга пастликда оқаётган дарё шовуллаши ҳам кўшилиб, юзлаб чолғучилар чалаётган тириклик ва ҳаёт мусиқасини ҳосил қиларди.

Бу маъвода ҳеч ким ўзининг не эканини билмайди. Бироқ ўз тириклигидан, теварагидаги ҳаёт жўшқинликларидан ҳайрон-ҳайрон туради.

---

<sup>1</sup> *Ҳирот дарёси*

Барчаси ўзларида рўй бераётган ўзгаришларга ажабланиб, Оламлар Парвардигорига шу тириклик учун сўнгсиз шукроналар айтишади.

Майсалар бир-бири билан томирлари орқали сўзлашишади. Ер остида ўзаро чатишган минглаб оқиш томирчалар ўт-ўлану гиёҳларнинг сўзлашув толаларидир. Тупроқ аро шунчалар кўп неъмат тўпланганки, томирлар у кувватни сўриб олиб, новдалари кучга тўлаётганида, ўзи тун ўтиб сал ўсиб колганида масрурликдан шодланади. Бу ўсиш-улғайиш яна бир улуг ходисага тайёргарлик экани уни маст қилади.

Бениҳоя юксак осмон остидаги шу маконда еллар эсиб, боларилар визиллаб айланишади. Улар учун ҳосил қилинган йўлларда оғишмасдан парвоз қилишади, ўз борлиқлари билан инсон болаларига яшаш тамойилларини кўрсатишади

Куёш янада қиздиради, туғёнлар фасли юз кўрсатади.

Туғёнлар фаслида шамол барча гулчангларни учириб, кўзга кўринмас тўфон ҳосил қилади. У гулчанглар етиб келган бошқа майсаларда мисли кўрилмаган жўшиш содир бўлади. Ер остию устида ғалаён юз беради. Улуг чангланиш жараёни шундай рўй бергач, ҳар бири ўзининг гулларини очиб юборади. Тикан кўк тиғиз гул очиб, Тангрига ҳамду сано айтади. Ажрик кўкиш, тарам-тарам шокила бўлиб гуллайди. Курмак узун бош чиқаради. Момақаймоқ укпарини сочади. Печакдай безори ҳам чирмовуғини узунасига ташлаб, ҳар бўғимида биттадан оқ-сарик дасторли маддох пайдо қилиб кўяди. Беда эса ундай маддохларни ғужлаб тизади. Буларнинг бари ифор таратади, у ифор ҳам чечак ибодатидир. У онда гиёҳ ўзининг умридан, мавжудлигидан рози бўлади, шу дамларга етгани учун яратганга мақтовлар айтади, шу ҳайратлару завқларни кўрсатгани учун “Ахир, мавжуд эмас эдим-ку? Мени бор айладинг, яратганингга шукр” дейди.

Умр қандай ажойиб, ҳаёт қанчалар шодмон!

Улар қанчалар зўр шавқ ичида эканлигини биров билсайди! Ҳаёт тараннуми, тириклик шодлигидир баҳор! Борлиқ яралиш ва яратилиш шавқи аро жўшганини ким кўрибди? Ер тубларидаю гиёҳ бағрида содир бўлаётган

зарра ўйинларига ким назар солибди? Ҳа, кулранг тупроқ аро ётган жонсиз бир уруғни тирилтириб, ипдай гиёҳ толаси чиқардинг. Қандай гўзал қилдинг, Парвардигорим! Уни қувватлантирдинг, ип томирлари тупроқ бағридан неъматларингни сўриб олди, ҳаёт суви бағрида зилол бўлиб югурди, кўкка бўй чўзди. Нечун гўзал қилдинг, Парвардигорим? У пояга ғижим шойи бўлиб япроқ ёзишини буюрдинг, япроғини ёйгач, уни текисладинг, беқиёс рангу тус ва ифор ато этдинг. Кунлар ўтиб, қуёшнинг тифиз ҳарорати-ю кеча мулойимлиги аро унга шундай ажойиб ҳаётни ҳады қилдинг, сўнг унга “Сўзла ва менга ҳамду сано айт!” десанг, уларнинг бари сўз айтиш ўрнига чаман-чаман гул очиб юборишди.

Гиёҳга, майсага, япроғу гулга, қурту қушга шундай бахтиёрлик бердинг. Гўзаллигига, бетакрорлигига, турфа ифорига, борлиғига беқиёс санъатингни ҳам жойладинг. У санъат шунчалар мукамалки, ҳар шаклида сенинг улуғлигинг ва азизлигинг намоён бўлиб туради.

Инсон боласига ҳам ўхшаши йўқ бахтлар ато этдинг, ҳайвон жасад ичра тўлғин қалб яратдинг, уни завқу ҳайратларга, дарду изтиробларга, ўйлару ҳикматларга ошно қилиб қўйдинг, кўз устига яна бир кўз, кулоқ устига яна бир кулоқ, тил устига яна бир тил, юрак устига яна бир юрак бердинг ва унга ҳам “Сўзла!” дединг. Буларнинг барини бир “Бўл” деган сўзинг билан қилдинг, қудратимдан кўрқининг, ҳайратланишинг, завқланишинг ҳам мақтовингдир дединг, уларга ўз чексиз қудратингдан санъаткорликни ҳам ҳады қилдинг. Сон-саноғи йўқ сўзларни ўргатдинг, ҳар сўзга бир тилсим жо айлаб, бағрига ўз даргоҳингдан қудрат жо айладинг. Неъматларинг беқиёс эди, шу неъматни ҳам бердинг, буни нечун қилдинг, Парвардигорим?..

### ***ҲИРИЙ<sup>1</sup>. 849-ЙИЛ.***

Ҳирируд ирмоғи шиддат-ла кўпикланиб, бағридаги тошларни бир-бирига уриштириб оқарди.

---

<sup>1</sup> Ҳирий – хуросонликлар пойтахт Ҳиротни меҳр билан шундай деб аташган.

– Ҳай аттанг, – деди кенг елкали, устига енгсиз тўн – аҳо кийиб, елкасига ёй осган, юзида кулгичи бор Муҳаммад Али тағойи. – Семиз, этли каклик эди-я. Тек турсангиз уриб олиб, қовуриб кабоб қилар эдик.

Сал аввал ёнбағирга бир нечта каклик тушган, тағойи ўқ билан урмоқчи бўлганида жияни – Алишер “Йўқ-йўқ, отманг” деб оттирмаган эди.

– Инида полапони бўлса-чи? – деб жавоб қилди устига калта олача тўн ва бежирим этикча кийиб олган, оқ тиниқ юзли, хиёл қийиқ кўзли, ғайратли болакай. – Қизил оғзини очиб чийиллаб, буларнинг учиб боришини кутаётган бўлса-чи? Бўйнидаги парининг суйрилиб келиб, қанотига туташгани, бошини бурганида у парларнинг қимирлаши, қанот қоқиб учишлари, бир-бирининг ортидан эргашиб юришлари... роса чиройли экан-да.

– Сиз гўзаллигига қарайберинг, мен таъмига қарай, – деди Муҳаммад Али тағойи. – Менинг қорним тўйгай, сиз эса оч қолгайсиз.

Аслида Муҳаммад Али тағойининг ўзи оч қолди-ку? Алишер яйраб кулиб юборди. Беозор қушларни ўлимдан қутқариб қолгани учун шод эди. Тоғажиян қияликдан дарё томон тушиб боришди.

Табиат жонланган, чаппар урган, қувваи табиия<sup>1</sup> борлиқ бағрини гулу гулшанга буркаб, анвойи туслар ила безаб юборибди. Ҳатто тикангача гуллаб, майда тошли қўнғир ерда қизғалдоқлар унибди.

– Мана буни кўринг, тағойи, – деди Алишер завқланиб, бир қизғалдоқ қошига чошиб бориб. – Ўзи жимитгина-ю, дасторини катта ўрабди. Шу туриши билан мактаб муаллимимиз Абу Абдуллоҳ Кулоҳийга ўхшаб қолибди. Тўни яшил, дастори сариқ, хўв нарида эса қизили ҳам бор экан.

– Тангри муни кўз қувнаб, дил баҳра олсин деб яратибди, – дея жавоб қилди тағойи эгилиб, бир лолани қўлига олиб. – Бул тухм эди, лола бўлди. Чечакка “Аллоҳ” дегил десам, гул очиб юборди, дебди бир шоир. Юрақолинг, юз-қўлимизни ювиб олайлик.

Икковлон тошлар оралаб ирмоқ соҳилигача келишди. Сув айқириб оқар, томчилар кумуш тўфони ҳосил қилиб, қирғоқдаги тошларни хўллаб сачрар

---

<sup>1</sup> *Қувваи табиия – табиат қуввати.*

эди. Бир ёнда ёйилиб, сокин оқувчи кўл ҳам ҳосил бўлибди. Алишер япалок тошлардан бирини олиб, отиб кўрган эди, сув бетида жилвалар ҳосил қилиб анча жойгача сакраб борди. Бир-икки кез шундай қилгач, кўлини сувга тикиб кўриб:

– Муздан ҳам совуқ экан, – деди сесканиб. Сўнг сўради: – Тағойи, бу сувда балиқлар тўнғиб қолмайдими?

– Йўқ, Тангри уни тўнғимас қилиб яратибдир. Ҳирируд кичик бир дарё, сиз Жайхун ила Сайхунни кўрмабсиз. Андоқким, кемалар сузгай, наҳанглар гирдоб ургайдир.

– Мундин узоқми?

– Ҳирирдан чиқиб, йўл юрсангиз ҳам мўл юриб Маймана, Андхўй ўтгач, Жайхунга рост келгайсиз. Соҳили кўринмайдиган, ғоят асов бир сув. Икки соҳили аро кемалар қатнагайдир. Кемага чиқолмаган кишилар мешларга ҳаво тўлдириб сузиб ўтарлар. Яна йўл юрсангиз ҳам мўл юриб, бениҳоя кўркли Самарқандга қамти келгайсиз. У темурийлар пойтахти, оламнинг сайқалидир. Ёруғ оламда ундан кўркли, ундан қудратли пойтахт йўқ. Ундан ҳам ўтиб, дашту тоғ ошсангиз, яна бир дарё ила қаршилашурсиз, унда ҳам кемалар сузгай. Ана ўша Сайхундир.

Болакай шоён қизиқиш ила тинглаётганини кўриб, суйиб эркалаб қўйди:

– Муҳтарам отойингиз Султон Шоҳрух Мирзо хизматида у улусларни кадам-бақдам кезгандир. Фурсат бўлганида сўрасангиз, айтиб берадилар.

– Айтмайдилар. Сўзлашиб ўлтурмоққа била фурсатлари йўқ.

– Салтанат хизматлари туфайли вақт топмайдилар, – жавоб қилди тағойи.  
– Қани, юрақолинг. Ҳирирда байрам бўлмоқда, қизиқ жойларига кеч қолмагаймиз. Улусга ош тортилиб, аскарару куштигир<sup>1</sup> тамошоси бўлгайдир, Мирсаид тағойингиз курашга киргайдир. Сиз билан суҳбат қурмоқ хўб, бироқ саволларингиз ҳеч тугаш билмайди.

Тағойи бақувват кўллари билан унинг белидан тутмоқчи эди, Алишер типирчилаб “Ўзим минаман!” дея, бир-икки уринди, аммо узангига оёғини

---

<sup>1</sup> Куштигир – полвон, курашчи.

етказолмади. Шундан сўнг тағойи уни даст кўтариб, отга мингазди, бир сакрашда ўзи ҳам минди-да, икки четида калин ўт ўсган бўзқир йўлидан Ҳирийга қайта қолдилар.

### **ҲАВЗИ МОҲИЁНДА БИР ТАНТАНА**

Ҳирийнинг истехком деворлари узра ранго-ранг матолар ҳилпираб, байроқлар илинган, карнай-сурнай садолари келар, девор усти-ю ости сипоҳ ва одамларга тўлган эди. Аини чоғда жанубдан бир карвон Ҳирийга кириб бораётгани кўринарди. Карвонбоши кентга яқинлашгач туясидан тушиб, жиловидан тутиб етаклаб олибди, ортидан бошқалари бир саф бўлиб тизилишибди.

“Дарбозаи Қипчоқ”дан ўтилиб, бозор оралаб шаҳар ичкараси томон юрилди. Бозор ғала-ғовури авжида эди. Ҳирот бозори Шоҳрух Мирзо даврида кенгайиб, нафақат тегра қишлоқлардан, балки бошқа кенту шаҳарлардан ҳам деҳқону тужжор келадиган катта бозорга айланган эди. Бу ерда туяларини карвонсаройга боғлаб, яёв кезиб юрган баланд бўйли, оқ-сарик Шом савдогарларини, бошига ғутра<sup>1</sup> ўраб, дишдаш<sup>2</sup> кийган олакўз дамашқликларни, узун этакли, кўкси чок-чок нақшин пироханли<sup>3</sup> Машҳад тужжорларини, куфия<sup>4</sup> ёпинган Ироқ савдогарларини-ю Синднинг нариги тарафидан келган қизил саллали, патаксоқол ҳиндуларни, кўк саллали насронийларни-ю бошига сарик мато ташлаб олган яҳудийларни кўрса бўларди.

Бироқ бугунги ғала-ғовур бозорнинг кунда-шунда шовқини эмас, раиятнинг шодлик ва фахру ғурур тўла хитоблари туфайли эди:

- Шайх Нуриддин ила шайх Шамсиддин Каъбадан қайтибди!
- Султон доим омон бўлсин! Тангри ёрлақасин!
- Шошманг-шошманг. Ўзи нима бўляпти бу ерда?

<sup>1</sup> Ғутра – бошга ўраладиган мато парчаси.

<sup>2</sup> Дишдаш – араб эркакларининг узун уст кийими.

<sup>3</sup> Пирохан – Хуросон уст кийими.

<sup>4</sup> Куфия – Ироқликларнинг бош ёпинчиги.

– Хуросон мамоликида<sup>1</sup> улуғ байрам! Шохрух Мирзо бундан икки йил аввал Аллоҳнинг уйига кисва, яъни ёпинчиқ ёпишга изн олгач, нафис ва пишиқ матолардан тайёрлатиб, Шайх Нуриддин ва мавлоно Шамсиддин бирла Каъба устига ёптирган эди. Бугун ўша карвон Маккадан етиб келди. Минг шукр, турк ёпинчиғи энди Каъба устидадир, – деди озғин, баланд бўйли бир хунарманд шодлигини яширолмай.

– Каъбага ёпинчиқ ёпиш давлат куч-қудратини билдиради. Миср султонлари ҳар кимга ҳам изн беравермайдилар. Султон Шохрух Мирзо йигирма йил бу ишни уддалашга уриниб келди, ҳатто орада мусулмон ҳақини нега тан олмайсан деб, Мисрга қўшин тортишга тайёрлигини ҳам айтди. Ниҳоят, бу кутлуғ мақомга эришилди, – деб унинг гапларини қувватлади оқ тайласонли<sup>2</sup> мударрисиқат киши.

Хушхабарни эшитган теварақдаги ёйма дўкон эгалари савоб бўлсин деган илинжда ўтган-кетганни, айниқса болаларни Машҳад ҳалвоси, Дамашқ қуробияси, Жузжон хандон пистаси-ю Шибирғон ширин кулчаси каби неъматлар билан сийлашарди.

Улкан қозонлар олдида қавима тўнларининг олди очиқ бақовуллар бетлари қизариб хушнуд туришар, белбоғини салла қилиб ўраб олган ошчилар шогирдлари билан халойиққа ош тортилиши учун махсус ясалган катта дошқозонлар теграсида айланиб, узун оқиш Ҳирий гуручидан палов пиширмоқда эдилар. Бир четда сопол нишолда кўвалари тизилган, шунингдек, қовоқ устига қиём қуйиб тайёрланадиган “чакрак” деган ширинлик ҳам тайёр, бола-бақра оғизларини сап-сарик қилиб ундан ёб юришарди.

Ҳар замонда карнайлар садоси тиниб, жарчи бугунги тантана сабабини маълум қилиб жар соларди. Айни замонда майдонда шайх Нуриддин карвони олиб келган Замзам суви тарқатиларди.

– Оҳ-оҳ, қудратингдан айланай!

– Ҳой, шошманг, замзамнинг маъносини биласизми?

<sup>1</sup> Мамолик – мамлакат.

<sup>2</sup> Бир учи елкага тушиб турадиган, олимлар ўрайдиган салла.

– Бўлмасам-чи? Ҳожар она сув истаб икки тоғ орасида югурганида кум-тош орасидан ўз-ўзидан қайнаб чиққан зилол-да.

– Ҳа, ер юзида ундай булоқ сира яратилмади. Сув эса шундай қайнаб чиқдики, Ҳожар она кўркқанидан уни “Зам! Зам!” дея ура-ура тўхтатди. Билсангиз, араблар ўз туяларини шундай деб тўхтатишади.

Халойиқ мана шундай ғала-ғовур билан ҳар тарафдан сарой майдонида дарёдай оқиб келарди.

Оқсаройда ҳам, Пули Молон-у Боғи Сафидда, Боғи Жаҳонорода ҳам қирк кулоқли қозонларда ош пишарди. Кўшкка туташ «Ҳавзи Моҳиён»да одам тумонат, шунга яраша шовқин ҳам авжда, Ўрда майдонида эса сипоҳилар ўрда ила издиҳом орасида ўтиб бўлмас жонли тўсиқ ҳосил қилган, аркони давлатнинг чиқишини кутишарди.

Алишер ила тағойи “Ҳавзи Моҳиён”га кириб борар эканлар, кишилар уларни назардан қочиришмади.

– Бу хушсурат болакай ким эмиш?

– Гиёсиддин Мансур баҳодирнинг ўғли Алишербек-ку? Қабатидаги йигит унга тағойи бўлади, уста сарбозлардан.

– Шошманг, Гиёсиддин Кичкинани айтяпсизми?

– Ҳа, ўша киши.

– Аммо, жуссаси сираям кичкина эмас-ку?

– У кишининг отаси Амир Темурнинг ўғли Умаршайх Мирзо билан кўкалдош, яъни эмикдош бўлган эканлар. Ҳар икковининг ҳам Гиёсиддин деган ўғли борлиги учун Гиёсиддин Мансурга “катта”, бу кишига “кичкина” деб лақаб беришган экан, – деди бояги оқ тайласонли киши, салмоқлаб. – Амир Гиёсиддин Кичкина жуда ғайратли, мудом салтанат хизматида бўлиб келган баҳодирлардан саналгайдир.

Алишер билан тағойиси сарой тарафга бормасдан, отдан туша солиб, сипоҳларга яқин ерда қолишди. Сипоҳийлар Муҳаммад Алини таниб, бош ирғаб саломлашишди.



Тўпланганлар орасида арабий, форсий, мўғулий, ҳиндий, афғоний, пашожий, ғабрий, ламғоний, лурий-у ғурийларни кўрса бўларди. Ҳар ой Ҳинду Ажамдан юзлаб карвон келадиган қирқ карвонсаройли пойтахт бугун байрам руҳида кайнаб-тошарди. Гоҳ-гоҳ кишиларнинг ўз тилларидаги калималар янграб қолар, уларнинг ғайри талаффузи кишилар кулгисига сабаб бўларди.

– Ламғонийлар Синд сувининг бизга яқин тарафларида яшайдиган тоғ халқи бўлиб, “ж” ҳарфини айта олмайдилар. Баъзи калималари шундоқки, бизнинг халқ у товушларни ҳосил қила олмайди. Яна уларнинг тилидаги баъзи товушлар бизга тегишли товушларга ўхшамайдиган товушлардан таркиб топган; ҳатто, тил ва оғзимиз уларни ўз жойидан чиқариб айтолмайди, кулоқларимиз уларнинг ўхшаш ва тенгдошларидан ажратиб эшитолмайди.

Ламғонийларнинг узун оқ гилванаси<sup>1</sup>, гулдор қизил камзули, ғалати сариқ салласи, қорамағиз юзию усти қорамтир, ичи оқиш кафти бу ерлардан олисдаги ўзга иқлимлардан дарак бериб турарди.

– Буларнинг муқим ватани йўқ, – деди Муҳаммад Али тағойи. – Синд сувидан Кобулгача, ундан Ҳирийгача сарсон кезадилар. Улус қошида кўшиқ айтиб, рақс тушиб қорин тўйғизиб кетаберадилар. Дунёи дунда ҳеч ким буларга бир парча ерни раво кўрмайди. Ўзлари ҳам шу ҳолга кўникканлар, шундоқ юраберадилар...

Шундай сўзлашиб туришар экан, ўрда ташқарисига чолғучилар чиқиб келишди-да, қатор сафланишди. Карнайлар ўкириб, довуллар гумбурлади, шу тантана садолари остида кўшк дарвозасидан оқ отда устига зар тўн кийиб, сариқ салласига қарқара ўтоғаси қадалган, кўринишидан етмишларга бориб қолган киши етакчилигида аркони давлат кўринди. Шу аснода жарчининг қаттиқ овози янгради:

– Тангри таолонинг ердаги сояси, амирул-мўъминин<sup>2</sup> Абулғозий Шохрух Мирзо ҳазратлари ташриф буюрмоқдалар!

---

<sup>1</sup> Эркалар уст кийими.

<sup>2</sup> Амирул-муъминин – мўминлар амири.

Бошка жарчилар ҳам бу хабарни такрорлаб, султони олий ташрифини элга маълум қилишди.

– Ҳой улус! Султонинг келмоқда, қуллуқ қил! – Раислар шундай деб халқ орасида баъзиларга дакки бериб юришар эди.

Жарчи султон фармонини ўқий бошлади:

– Аллоҳу акбар ва ҳувал карим!

Ғозий султон Шохрух бинни Амир Темур Кўрагон сўзимиз!

Издихом бир тўлқинланиб, тинди. Шунда ҳам оломоннинг нафаси, елкалару либослар бир-бирига тегишидан ҳосил бўлган шовур ҳар ёқни энлаб турарди.

– Тангри азза ва жалла марҳамати ва инояти ила мавлоно Шайх Нуриддин ва мавлоно Шамсиддин давлатимиз зиммасига тушган энг улуғ вазифани адо этиб қайтдилар. Нафис ҳам чиройлик матолардан халқимиз қўли ила тикилган ёпинчиқ бу кун Каъбаи мукаррама устида уни куёш тиғидан ва чангу тўзондан, самонинг ва зиёратга боргувчиларнинг хусронидан ҳимоя қилмоқдадир. Бу эса улуғ Темурбек ҳазратлари танзим этган ҳукму тартиб ила мамлакатда тартиб ва офариниш вуқуъ этганининг исботидир. Ушбу улуғ иноят халқимизга муборак бўлғай! Давлатимизни Тангри таоло ҳар доимо ўз паноҳида сақласин!

– Омин! – деб, халойиқ дуога қўл очди.

– Бу ажаб кун шарофатидан халққа совға-ю икромия берилгайдир! Амирларимиз тадбирини олсинлар! Бутун Хуросон бўйлаб халққа ош тортилсин, байрам қилинсин! Мўминлардан тилак шуқим, салтанатни ва Шохрух Мирзо жанобларини дуо айласинлар!

– Тангри таоло юртимизни ўз паноҳида асрасин!

– Тангри ёрлақасин!

– Омин!

Соқоли кўксига тушган, аммо кўринишидан бардам бир қария дуо қилди:

– Тангри таоло пайғамбаримизга салом ва салаотларимизни еткурсин! Асҳобу ансорга саломлар бўлсин! У зотнинг муборак оиласига, саййидларга

саломлар бўлсин! Темурбек ҳазратларига ва у кишининг аҳли оиласига саломлар бўлсин! Адолат офтоби Шохрух Мирзо ҳазратларига саломлар бўлсин! Бу ишнинг уҳдасини қилган Шайх Нуриддинга ва Шайх Шамсиддинга саломлар бўлсин!

– Омин!

Майдонга йиғилган оломон гувиллаб дуо қиларди. Шундан сўнг довуллар яна чалинди, карнайлар яна ўқирди. Алвон-у яшил ёпинчиқ-ла безатилган аравалардаги хазинабонлар оломон узра қизил тилладан зарб этилган шохрухий динорларни соча бошлашди. Тизилган қатор қозонлар усти очилди. Бояги қорни катта баковуллар бетлари қизариб-қизариб, келгану кетганнинг товоғига тўлдириб-тўлдириб ош солиб беришарди. Аркони давлат саройга қайтар экан, одамлар таомларини ўтириб еб олишлари учун куллар ерга гилам ва палослар тўшай бошлашди.

– Энди полвонлар жангини томоша қилинг. Аммо билингки, бу сираям томоша эмас, жангу жадалдир. Енган ғолиб, енгилган мағлуб, – деди Муҳаммад Али тағойи, жиянининг қулоғига эгилиб.

– Ҳой эл! Мирсаид Кобулийга Абулқосим Барлос чиқади! Қозонганга султон Шохрух Мирзодан бир қорабайир от!

– Шайх Нуриддиндан бир қўй!

– Тағойим! Мирсаид тағойим-ку! – деб қувониб қичқирди Алишер.

Султон Али Чанг қизининг, яъни Алишербек волидасининг икки иниси бўлиб, бири Мирсаид Кобулий, иккинчиси Муҳаммад Али, иккиси ҳам навкар эдилар. Ўртага метин вужудида ёлғиз тўни қолган катта тағойи чиқиб келди. Гиламга чиққач, рўпарасидаги куштигирга яшин тезлигида ташланди-да, бир ҳаракат билан елкасидан ошириб отиб юборди. Бироқ ҳариф куштигир ҳам анойи эмас экан: мушукдай чаққонлик билан бир юмалаб ўрнидан туриб, тагин ҳарифига рўпара бўлганида, осонлик билан кўтариб олиб, ҳавода гир-гир айлантирди. Сўнг яна ерга кўтариб уриб, тиззаси билан кўкрагидан босиб турди. Олқишлар янгради.

– Ҳалол! Ҳалол! – деб ҳайқирарди халқ.

– Ҳой халойиқ! Эшит! Мирсаид Кобулийга бир от, икки қўй!

Нарида черик камон отар, ерга қўнқайтирилиб, устига тўн кийдирилган нишонларга, яъни қамғанакларга от солдириб, қилич уриш маҳоратини намойиш этишарди. Ҳийла шундан иборат эдики, қамғанак ичига пахта калин тикилган бўлиб, тиғ кесақолмасди. Сарбозлардан бири отининг жиловини қаттиқ тортганида от олд оёқларини баланд кўтариб сакради, тушиш асносида “Ё Оллоҳ” деб урилган қилич зарбасидан қамғанак чўрт иккига бўлиниб тушди. Ундан нарида эса тупроқ сачратиш, ёй ва ковок мусобақаси бошланди. Шоҳрух Мирзо қўшинининг ботир беклари, шуҳратли баҳодирлари шамолдай елаётган от устида туриб таёқларга санчиб қўйилган ковокларга ўқ узиш маҳоратини кўрсатишарди. Баъзиларининг ҳунари шу қадар эдики, бир кўрган нишонига қайтиб қарамасдан ёй отиб теккизишарди.

– Андоқ усталар борки, зеҳгирни<sup>1</sup> ҳавога отиб, ўқ билан уриб олғайлар, – деди Муҳаммад Али тағойи. – Яна Чопу барлос, риштани<sup>2</sup> толга бойлаб, от чопиб кетаётганида ришта тортилганида ўзи ҳавода ўмбалоқ ошиб, айланиш асносида ўқни нишонга ургайдир. Ажаб ҳунарлари бордир.

Алишернинг тиниқ нигоҳи теваракни бутун тафсилоти билан кўриб турарди. Сипоҳиларнинг ҳунари, олақуроқ оломоннинг ҳайратлари, икки полвон бир-бирини елкадан ошириб урганида томирларининг ғайритабиий бўртиши, ҳазил-мазахлар, сипоҳларнинг дағал қиёфалари, йўғон овозлари, чарақлаган қуёш, қизгин ҳаво орасидан эсан ёқимли шабада... буларнинг бари бутун бир дунё бўлиб шуурга қуйиларди.

Қирқ қулоқлик қозонлар усти очилганида кишиларнинг ошга ёпирилиши янада ажаб бўлди. Салтанат ошини савобли деб билган халойиқ бир-биридан ўтиб, товоғига емак олмоққа интиларди. Оломон қандолатпазлар теварагига ҳам тўпланди. Алишернинг сариқ, кўк, яшил ширинликларга қараб қолганини кўриб, тағойи деди:

---

<sup>1</sup>Зеҳгир – камон отилганида бармоққа кийиладиган қувурсимон мослама, ўймоқ.

<sup>2</sup>Ришта - ингичка арқон, чилвир.

– Бу кун боғимизда ҳам байрам суфраси тузалгайдир. Ҳалвонинг хар турини кўргайсиз. Бир оздан сўнг дорбозу масхарабоз томошаси бўлгай, уни томоша қилгач, уйга қайтурмиз.

– Мен қандларнинг рангига қарадим. Бежиз қизил, сарик, яшил қилмабди, хар бирининг таъми ўзга бўлса керак?

– Йўғ-э, булар пихини ёрган уста ҳунармандлар, бир қандни уч рангга бўйашган, холос, – деди тағойи.

Шундан сўнг ўзи ҳам қизиқиб, кишилар оралаб қандолатчи ёнига бориб сўраган эди, жияни ҳақ бўлиб чиқди: дарҳақиқат, ҳалволарнинг яшили пистали, қизили бодомли, сариғи эса қовоқли экан.

Тоға жиянининг елкасига қўлини қўйиб, уни шу тарз оломон орасидан олиб чиқди. Икковлон Ўрда майдонидан чиқиб, кунгуралари ярақлаб турган Гавҳаршодбегим мадрасаси ёнида бўлаётган дорбоз томошаси сари йўл олишди.

Шу кичик жуссали, тиниқ нигоҳли болакай келажакда бутун турк мамлакатлари узра фикр қанотини кенг ёядиган, қушлару ҳайвонот оламларидан то ўн саккиз минг олам мўъжизаларигача назар соладиган, маърифат водийларини кезиб, Адам даштидан хабар оладиган авлиё бўлиб етишиши Муҳаммад Али тағойининг ҳам, бошқаларнинг ҳам хаёлига келмасди. Барчаси унинг кун келиб улғайиб, ботир навкар ёки сарой аъёнларидан бўлиб етишишини орзуларди.

### ***ГЎЗАЛ БИР ОҚШОМ***

Халойиқ кўча-кўйда ҳам байрам қиларди. Тоға-жиян эти бориб устихонига ёпишган кишилар, белига зуннор<sup>1</sup> боғлаган ҳинду ва яҳудий саррофлар<sup>2</sup>, матофуруш дўконлари оралаб ўта-ўта, тупроғи ўйнаб ётган кўчалардан ота боғига қайтишди.

Ғиёсиддинбек Боғи Жаҳонорога яқин ерда, шамол бемалол еладиган ва ҳаво тез алмашадиган, Ҳирируд ирмоғи оқиб ўтадиган хушманзара маъвода

<sup>1</sup> Ўзга динга эътиқод қилувчи кишилар қонунга кўра белига ингичка чилвир, яъни зуннор боғлаб юришган.

<sup>2</sup> Сарроф – пул алмаштирувчи.

боғ барпо қилдирган эди. Боғнинг бир тарафи ташқи ва ички ҳовли эса, бошқа тарафи ирмоққа тутшиб кетган, эниш у сахнда хуш чирой касб этган оғочлару гуллар барқ уриб яшнаб турарди.

Ҳирий табиати шундоқки, ҳар сахар кўхсордан ёқимли салқин шабада эсади. Кун қизиганида тек қолиб, шом салқинида кентнинг қизғин ҳавосини яна тоғ этакларига суриб кетади. Қазо фарроши ўзининг сиймин супургиси ила шимолдан адашиб келиб қолган булутларни осмон четига олиб бориб уйди, улар худди сарой товусининг ёйилган парларига ўхшаб қолди. Тозаланган тараф эса ботаётган куёш ёғдулари билан нафис ёришиб, сариқ-қизил тусда яллиғланди.

Кенг тупроқкўчадан тўғри келинса, узун, қалин пахса девор орасида кичик ёғоч эшик ва дарвоза кўринади. Эшикда темир ҳалқа ва кичик тўқмоқча бўлиб, келган киши эркак бўлса ҳалқани, хотин бўлса тўқмоқчани уради. Ҳовли гулу гулзор, мевали оғоч кўп. Чапда катта мураббаъ, яъни тўртбурчак ҳовуз кўринади. Яна, уй ёнида кичикроқ қилиб қурилган обхона ҳам бор, сопол қувуридан жилдираб сув тушиб туради. Обхона ёнида очиқ ва ёпиқ ошхона, ошлиқхона, зерзамин, яъни ертўла. Зерзаминдаги катта сопол кўзалар ичидаги сув жазирама маҳали ҳам муздай бўлади. Унинг ёнбошида усти-ю ичи сомон сувоқ билан сувалган пастак яхчол кўринади. Яхчол шуки, чуқур қазилган ертўла кузда сувга тўлдирилади, қишда у тубига қадар музлайди. Қалин деворлари ва серсомон сувоғи ертўлани жазирама иссиқда ҳам муздай тутиб туради, Ҳирийда ёзда муз бўлишининг сабаби шунда. Шу туфайли эл орасида “Сувнинг таъми муз билан” деган мақол айланиб юради.

Ташқи ҳовли, Ҳирий аҳли таъбирича, “берун” манзараси шундай. “Андарун”, яъни ички ҳовли эса кўздан ниҳон, у ёққа назар ташлаб бўлмайди. Ташқи ҳовли хоналарида гиламлар чўғдай ловуллаиди. Ҳирий одатига кўра, хонага тўрт гилам тўшалган. Бири ўртага, иккитаси икки ёнга ва яна бири тўрга. Бирида пастак курсилар қўйилган, у – ўзига хос қабулхона. Меҳмонхона кенг, нақшли. Токчаларга гул кўзалари, чироқлару шамдонлар терилган. Чапда катта ўчоқ бўлиб, Ҳирийнинг қаттиқ қишида унга йўғон

саржинлар, балут ва ханжак ўтинлари қаланади. Баъзан сандал қурилади, унга тоғорада чўғ ёки кўр қўйилади.

Ҳозир бек боғининг катта дарбозаси очиқ, хизматкор сахни супуриб, сув ҳам уриб бўлган, шу боис теваракни райхон ифори тутган эди. Ўрта бўйли, ўз ишини жуда севадиган бу кишини Алишер яхши кўрарди. У Фиёсиддинбекни амир деб эмас, раис деб атар, “Шайхлар улуғ пирлар хонақосини супуриб савоб олсалар, менга раис ҳовлисини супуриш насиб қилди” дея, ўз ишини ихлос билан бажарарди. У Алишерга қараб бош ирғаб қўйди-да, боғ ичкарисига қараб кетди. Сал нарида баковул ширчай пишириш учун чакмоқтош ила урина-урина ўт ёндиради.

Икки киши катта ғилдиракли аравада Ҳирий ташидаги суюрғол ерларидан келган егулик-ичкуликларни туширмоқда эдилар. Кулранг пироханли ҳаммоллар чангга ботган катта қопларни ошлиқхонага ташишарди.

Бу дарвозадан ичкари кирган киши кенг-мўл боғ сахнини, мулозим хужраларини ва каттагина сайисхонани кўради. У ердаги тартибли охурда бир қанча от ўт чайнайди. Қозикларда от абзаллари – юган, тизгин, нўхта, чилбир, сувлук, солдирға, кўндирма, қуюшқон, узанги, пиштон, тўқим, кўнжи, эгар ва эгарқош, ёпинчиқ, тарилғаю талбоғ осиб қўйилибди. Яна бир оз юрилгач, айвонли катта уйга рост келинади. Ўн олти болорли бу катта уйда беклар зиёфатлари берилади. Ошлиқ-тузлик хоналари шу сабабдан унинг ёнига қурилган. Чиқаверишда яна бир кичик хужра аслаҳахона бўлиб, у ерда бекнинг қилич-ёйлари сақланади. Хизматчилардан бири аҳён-аҳёнда уларни олиб чиқиб, қуёшга солиб тиғини текшириб, ўт поясини ёки кичик бир шохчани ҳавога отиб кесиб ҳам кўради, тозалаб-мой суртиб, яна қинига жойлаб осиб қўяди.

Ундан сўнг ички ҳовлининг кичик эшиги кўринади. Пастак девор ортида ўрик оппоқ гуллабди. Нариди қашанги ангури дейилган узунчоқ узумлар, гилос, олма-ю бодом кўзга ташланади.

Тағойи Алишерни отдан тушириб, жиловни сайисчига бергач, Алишер ички ховлига йўналди. Кириб борганида уни қора қошли, оқ чўзинчок юзли жория – Қутб пешанасидан ўпиб кутиб олди, дарҳол устини алмаштирди. Гўдак Дарвишалини бағрига босган волида бека ҳам шунда эди.

– Кичик бек шошгайдирлар, зиёфатга интиқдирлар, – деди Қутб, чиройли жилмайиб. – Ана, кичик дўппи сизга хўб ярашди. Хўш, байрамда неларни кўрдингиз? Не қизик ишлар бўлди?

– Тумонат киши тўпланибди. Бир ҳинду оғзига қилич тикса, бошқаси оғзидан олов чиқарурмиш. Оғзидан ўт сочиши билан аждаҳога тақлид қилмоқчи бўлармиш! – деб жавоб қилди Алишер. – Бу хунарга машқ қила-қила эришган чиқар. Аммо эл уларни писанд қилмай, тиламчи муомиласини қилар экан.

– Ҳиндуларнинг иши шу, халойиқни ҳайрон қолдиргулик хунарлари бор, – деди волида бека. Яна нимадир демоқчи эди, Дарвишали қўлчаларини ўйнатиб, бир нималар деб вижирлай бошлади.

– Вой, бекачим, яна рўмолингизнинг учини беринг деб хархаша қияптилар, – кулиб юборди Қутб. Дарҳақиқат, волида бека унга бошидаги яшил рўмолингизнинг учини тутган эди, Дарвишали митти бармоқлари билан чангаллаб, оғзига солишга урина бошлади. Буни кўриб, Алишер ҳам кулиб юборди:

– Англаб бўлмайдиган у чуғур-чуғурни қандай тушуниб олдингиз?

– Вой, у фаришталар тили-ку! Волида бекач айтадиларки, гўдаклар малаклар билан шу тилда сўзлашиб-ўйнар эмишлар! – она ўрнига жавоб қилди Қутб, бидирлаб. – Ҳар гўдакнинг ўз тили бўлиб, уни фақат тукқан онасигина англармиш.

– Тағойиларингиз ҳам келдиларми? – деб сўради волида бека, Дарвишалининг бир лаҳза тинчланганидан фойдаланиб.

– Ҳа, бирга келдик.

Шу аснода:



– Алишербек қайда? Алишерни чорлангиз! – ташқи ховлидан Мирсаид тағойининг йўғон овози келди.

Феруза осмон гумбази остида тун соялари сездирмай етиб келди. Қуёш ботган тарафда қизғиш олов ланғилласа-да, қарама-қарши томон бир хилдаги тўқ кулрангдан қорамтирга алмаша борди. Самода бир-икки юлдуз милтиради. Шундан сўнг теварак оқшом қаърига ғарқ бўлиб, боғларда машъалалар ёқилди.

Бир қанча киши байрам баҳонасида Гиёсиддинбек боғига йиғилган эди. Тантаналар шовқини шом намози боис ярим соатча тинди, сўнг қайтадан уд, сетор, даф садолари эшитила бошлади. Майдондаги кишилар чарчаб, уйларига тарқалишган бўлса-да, ўйин-кулги энди боғларда давом этарди. Ҳавони бақовуллар ўтга тоблаб пишираётган шиш қабоб ислари тутиб кетди.

Аммо, зиёфат суҳбати байрам завқига мос бўлмади. Бу кишилар хукмдорлар тутумларидан, ҳаёт ташвишларидан сўзлашар эдилар.

Амир Гиёсиддинбек келиб супага ўтирди. Кенг елкали, бир оз чўтир юзли, кафтлари тиғ-санжақ тутишдан ва бармоқлари ёй ипидан қадок бу киши сўз қотишни ёқтиравермас эди, салтанат сиёсати сўралганида:

– Шохрух Мирзо қабатида Астробод юрилгайдир, – деди қисқа қилиб. – Набира шаҳзода исён кўтариб, бобо исмини хутбадан чиқарибди. Мунча йил ўлпону хирож тўладим, энди бас, улғайиб эр етилдим, ўз мулкимни ўзим бошқарурман дебди.

– Нечук бўлгай, падар қўшин тортиб борса, ўғил черик ёйса, ота-ўғил бир-бирига тиғ кўтарса? Шайхулисом урушга фатво берибдими?

– Отойидир, ҳаққидир. “Сен ҳам, сенинг мол-мулкинг ҳам ота-онангникидир” лафзини ҳали ҳеч ким бекор қилгани йўқ. Ким қўйибди у гўдакка, бобога қарши боришни?

– Ҳай, Оллоҳ! Бу шундай чопқинки, енгганинг ҳам, енгилганинг ҳам боши қуйи эгилгай...

Алишер улар қабатида бу суҳбатга қулоқ солиб ўтираркан, шу маҳал қайдандир – тунги боғларнинг сокин ва қалин шохлари орасиданми, пастда

тўлқин ураётган руд теграсидаги азим толлар тарафиданми, бойқушнинг хунук саси келди. Алишер сесканиб кетди.

– Тағойи, бу ненинг саси? – деб сўради у Мирсаид Кобулийдан.

– Бойқуш, – деб жавоб қилди Мирсаид тағойи. – Уни чуғз ёки ху-ху қуши ҳам дерлар, товуш чиқармай учгай, бошини гир-гир айлантриб ҳар тарафни кўра олгай.

Шундай дея, харобаларда яшайдиган, у келса халойиқ бало-ю мусибат келади, дея ирим қиладиган ўша қуш ҳақида шундай ажойиб ҳикоя қилиб бердики, Алишернинг кўзлари чакнаб, жон қулоғи билан тинглади. У суҳбатнинг яна давом этишини тиларди, бироқ, сўз ўзани яна катталарнинг ўз мавзуларига бурилди. Набира шахзоданинг қилмиши Султон Абусаид Мирзога етиб боргач, у қувониб қаҳ-қаҳ урибди. Чунки ихтилоф туфайли Шоҳрух Мирзо қудрати заифлашса, Хуросонга эга чиқиш истаги амалга ошиши мумкин экан.

– Буйруқ келса, қўшин бугун-эрта юришга чиққай, – деди Гиёсиддинбек.

– Сиз иккинги тайёргарлигингизни кўраберинг.

– Бойқуш вақт кеч бўлганини билдирди, – деди Мирсаид тағойи, жияни бу гап-сўзларга қулоқ солмаслигини истаб. – Борақолинг, эрта саҳар сабоққа кеч қолмагайсиз. Бизлар шу айвонда тунаймиз.

Алишер:

– Хўп бўлади, тағойи, – деб, ўтирганларга орқа ўгирмаслик учун ёнлаб узоқлашди-да, машғалалар ёниб турган саҳн бўйлаб ичкари ҳовлига чошиб кетди. Бугун кўрилган воқеаларнинг таассуротлари онгида алмашар, салтанат қудрати, халойиқ гувлаши, байрам гулдурослари чарчатган ҳам эди. Шу сабаб, хобхонага киргач, Қутб тайёрлаб қўйган ёстикқа боши тегар-тегмас ухлаб қолди.

Шарқдан сезилар-сезилмас энлаб келган зулмат қуюқ ва намчил эди, қасабаю қишлоқларни, шаҳарнинг илонизи кўчаларинию сўлим боғларини бирдай энлади. Тун ҳаёти бошланди. Кеча қаърида киши билмас турли ходисотлар рўй берар, гоҳ-гоҳ миршаб оти туёғининг товуши, садоғининг

шакирлаши эшитилиб қоларди. Вақт ярим тундан ўтгач, фақат кеча товушлари қолди, холос. Ирмоқда гоҳида бир нима шалоплар ҳам эди, балки Алишерни қизиқтирган катта балиқлар бўлса бордир. У балиқлар вақти келганида ўзларининг яратилиш сабабларидан ва ҳали Алишер етиб бормаган турли мазмунлардан дарак берса ажабмас... Боғлар узра товуш чиқармасдан бойқуш учиб ўтди. Шу аснода тепадан қаралса, Ҳавзи Моҳиён ва сарой теграсидаги карвонсаройларда машғалалар, масжид ва мадрасалар томларида қатор шамлар ёнаётгани кўринарди.

Шунингдек, Ҳирий ташида, улкан ялангдаги лашкар ўрдугоҳида ҳам машғалалар ёнарди. Каримут-тарафайн Шохрух Мирзо кўшинининг илғори бир неча ҳафтадирки, Ҳирий шарқида тўпланган, темурий шаҳзодалардан бири – султон Муҳаммад Мирзонинг одобсизлиги боис, Ироққа юриш тадориги кўриларди.

### ***ҲИРИЙДА БИР ТОНГ***

Куёш чиқиб, ёғдуси теваракни зарга бўяганида Мир Гиёсиддинбек саройга отланди. Хизматчилар ёллари ва думи ўриб қўйилган араб отини эгарлашди. Ҳисор юришидаги баҳодирлиги боис Шохрух Мирзо жулду<sup>1</sup> ўлароқ ҳадя қилган бу отни бек саройга борганида мингувчи эди. Муҳаммад Али тағойи эса кечаги ювош тўриқни келтириб, Алишерни даст кўтариб ўтқазди-да, ўзи ҳам ирғиб эгарга миниб:

– Бек жаноблари давлат хизматиға борсалар, биз мактаб бородурмиз, – деди жиянининг ихчам салласини тузатиб. – Бек салтанат дағдағасига, сиз эса илм олмоққа йўл олгайсиз.

Шу тарз Ҳирий кўчалари бўйлаб от йўрттириб кетаберишди.

Гиёсиддинбек боғидан ўтган ирмоқ эшилиб-буралиб, турли боғлар оралаб ўтиб, яна олддан чиқар эди. Қаршида ўрданинг олтин гумбазлари куёшда ярқирар, ундан ҳам баландроқ қурилган масжид мезаналари кўзга ташланар, Ҳирий одатий ҳаёт оғушида бўлиб, пичан, сабзавот-мева ортган аравалар

---

<sup>1</sup> Жулду – урушда кўрсатилган ботирлик учун бериладиган ҳадя.

бозор сари йўл олишган эди. Хунармандлар сахарлаб ишларини бошлаб юборишган, темирчи сандони овози келар, ҳар ер-ҳар ерда иссиқ патир иси буркирарди.

Ҳирий узра заррин тонг отди.

Аркони давлат фарзандлари сабоқ оладиган мактаб саройга туташ, сахнига ҳафсала билан япалоқ тошлар терилган, сахарлаб сув урилгани учун йилтираб турарди. Боғчаси ҳар тонг булбуллар чаҳ-чаҳи ила зийнатланиб, бир четидан оққан ирмоқ йилтир-йилтир нуқра зарраларини ҳосил қиларди. Боғ оғочлари эса меваси мўллигидан ергача эгилиб тушибди. Каттароқ болалар ўзлари той миниб келишса, кичикроқларини аткалари<sup>1</sup> ёки оғолари мингаштириб олиб келишарди.

Мактабга яқинлашилганида Алишер бирданига жонланиб:

– Тағойи, тезроқ борайлик. Мирзо ҳам келмоқда, – деди қўли билан кўрсатиб.

Нарида икки оқ от қўшилган безакли арава мактаб ёнига келиб тўхтаган, ёнида белига қилич таққан мулозимлар кўринарди.

– Хусайн Мирзоми? – деди тағойи ҳанг-манг бўлиб. Жиянининг шаҳзода билан бир мактабда ўқишини билса-да, орада дўстлик иплари боғланганидан беҳабар эди. – Шаҳзода дўстингизмидир?

– Яна қандоқки! – деб жавоб қилди Алишер. – Энг яқин дўстимдир!

– Мошоллоҳ! – деди Мирсаид Кобулий. – Султонлар ёниб турган олов мисолидир, яқинлашсангиз куйиб кетгайдирсиз, узоқлашсангиз совқотурсиз. Мирзо билан доим ҳад сақлаб муомила қилинг!

Сўнг салтанат аробасига яқинлашмасдан жиянини отдан туширди. Алишер у билан хайрлашиб, дўсти томон чопиб кетди.

Келбатидан Алишердан икки-уч ёшга катта шаҳзода Хусайн ҳам уни кутиб турарди. Алишер етиб келгач, икковлон қучоқ очиб кўришишди, сўнг биргалашиб ичкарига қадам қўйишди. Дарсхонага мударрис ҳали кирмаган, икки-уч бола ўз жойини эгалламоқда эди.

---

<sup>1</sup>Атка – мураббий.

Хусайн Мирзо ва Алишер ёнма-ён ўтиришди. Дафтар-қаламлар давог устига қўйилиб, китоблар чиқарилди. Ўрта бўйли хушсурат киши – мавлоно Абу Абдуллоҳ Кулоҳий киргач, унга ҳаммадан аввал Хусайн Мирзо салом берди. Бунинг боиси – кечагина Нурмуҳаммад аткадан дакки эшитганида эди.

Ҳокон Ғиёсиддин Мансурнинг ўғли шахзода Хусайн бир ерда тинч ўтиролмайдиган, ерга урса кўкка сапчидиган бола эди. Шўхлиги ҳаддан ошавергач, мударрис Абу Абдуллоҳ Кулоҳий Нурмуҳаммад аткага шикоят қилди. Шундан сўнг Нурмуҳаммад атка дарсхонага ташриф буюрди. Абу Абдуллоҳ Кулоҳий Хусайн Мирзо дарсларга кулоқ солмаслигини, ўлда-жўлда қолдиришини ва дикқат қилмаслигини айтиб, бунинг учун Нурмуҳаммад аткани қаттиқ изза қилди. Атка кўл қовуштириб, мударриснинг сўзларига бош эгиб “Хўп” деб турар эди. Аткасининг мударрис қошида мулзам бўлиши шахзоданинг эс-хушини дарҳол ўзига келтирди. Абу Абдуллоҳ Кулоҳийга биринчи бўлиб салом беришининг боиси шу эди.

Мударрис алик олиб, дарсини савол билан бошлади:

– Айтинг-чи, Қуръонни не учун ўқийдурмиз?

– Аллоҳ таолонинг ҳукмлари бўлгани боис.

– Балли. Ҳандасани-чи?

– Ҳисобларда хато бўлмаслиги учун.

– Хўш, унда абёту назм-чи?

– Гўзал қўшиқлар куйламоқ учун.

– Хайр, – деб жавоб қилди мударрис. – Шул сабабдинким, эл-улуснинг, раиятнинг улуғлари сўзни гўзал айтмоқлари учундир. Киборларга хуш сўзлилиқ ярашмасми? Сиз муни авом шеъри ила ҳаргиз боғламангиз. Авом сўзи оддий, хат-саводсиз халқ айтадурғон сўздир. Мисоли, “Томга чиқдим ўтин териб, Ул қаради қошин кериб” дегани каби. Ёхуд андхўйликлар усулидир.

– Ул қандоқ усул экан?

– Андхўй кишиларининг “жиги-жиги” деган усули бор, ҳар байтдан сўнг “жиги-жиги” деяберадилар. Мисол учун, муни қаранг:

*Қуриди танда қоним-э, Зулайхожон, жиги-жиги,*

*Қуриди танда жоним-э, Зулайхожон, жиги-жиги...*

Болалар кулиб юборишди. Чунки мударрис бу кўшиқни ажаб ғайри муқом қилиб, қош-кўзини ўйнатиб ижро қилиб берди.

– Энди сизга бутун оламларнинг энг кучли қуроли ҳақида айтиб бераман,  
– деди мударрис. – Топинг-чи, нима экан?

– Манжинақ!

– Хўкизтумшук!

– Фил!

Мударрис ёйилиб жилмайди:

– Йўқ-йўқ, мен айтаётган нарса улардан ҳам кучли. У сўздир.

– Сўз?

– Ҳа, оғзингиздан чиқаётган шу нафас табиатнинг энг улуғ мўъжизаси!

Парвардигор ҳар жон эгасига ўзига керакли даражада сўз айтиш имконини берди, – деб, сўради: – Кимнинг уйида кучук бор?

Болалар илжайишди, чунки, ҳар боғда икки-учтадан кучук бор эди.

– У шундоқки, чақирсангиз шодланиб вовуллагай. Урсангиз, озорланиб ангиллар. Бегона бир ниманинг шарпасини сезса, таҳдид ила ҳурар. Демак, кучукка уч тур товуш берди. Шу уч товуш унинг умр кечирмоғи учун етарли бўлди. Шундай эмасми?

Баъзиларига сўз сира бермади. Баъзисига ҳол тилини берди, у ўзининг ҳолати ила сўзлаб туради. Мисол учун, бир дарахт сувсаса барглари сўлийди, касалланса, қурий бошлайди, шу вазияти ила ўзининг аҳволидан хабар беради, яъни сўзлайди.

Инсонга эса беадад сўзларни ҳадя қилди. “Ва У зот Одамга барча нарсаларнинг исмларини ўргатди”. Сўз недир? Боя айтганимдай, бор-йўғи

оғзингиздан чиқадиган бир ҳовурдир. Лекин мен сизга шу ҳовурнинг канчалар улуғ хазина эканидан хабар берайин.

Шундан сўнг талабаларни шундай бир ажойибот оламига олиб кирдики, болалар нафас олишга ҳайиқиб унинг сўзларини тинглашди.

– Бир вақтки, на ёруғ дунё, на олам аҳли бор эди. Тангри таоло етти кўкни нақш айлаб, уларнинг ҳар бирини бир-бирига вобаста қилишни ихтиёр айлади. Бу биргина “Бўл” сўзи билан рўй берди. Шу сўз билан само юксак, замин паст бўлди. Шу сўз билан қуёшу ойни пайдо қилди, юлдузларни самога зийнат қилиб тизди, еру кўкда учадиган, сузадиган, ўрмалайдиган, судраладиган сон-саноксиз махлуқларни яратди, уларга ўз даргоҳидан жон ва билим ато қилди, бу билан ўзининг чексиз яратувчилик қудратидан баъзи нишонларни кўрсатди.

Шундан сўнг гўё дедикки, менинг бу санъатимни идрок қилиб, ундан завқ оладиган, кўрқадиган, севадиган ва менга мақтовлар айтадиган бир халқни яратай. Инсонни яратиб, уни ер юзига халифа қилганида ва унга абадийлик сифатини берганида барча ҳайрон қолди.

– Абадийлик сифати? – деб сўради бир бек боласи. – У нечукдир?

– Оламда мавжуд барча яратиклар ҳалок бўлиб кетгайдир. Бироқ инсон абадийдир, яъни сира ўлмагайдир.

– Қандоқ ўлмагайдир?

– Кишиларни айрилик кўйида оҳ чекиб ўзларини ҳар ён уришга мажбурлайдиган ажал етгач, қаро ер бағрига кўмиладиган жасад аллақачон инсон бўлмай қолур, чунки у тупроқнинг ҳаққи бўлиб, аслига қайтгандир. Охират замонида эса тупроқдан майса мисоли униб чиққайдир ва абадий яшагайдир. Энди давомини эшитинг.

Унга мангуликни ҳадя қилганида барча ҳайрон қолди, деганимиздаги “барча” сўзига диққат қилинг. Демак, у яралгани он атрофида Парвардигорнинг фақат ўзи биладиган қиёфа-ю санокдаги аллақанча жон эгалари шоҳид бўлиб туришган эди.

Инсонни яратгач, Худои таоло унга ўзи истаган луғатларни ўргатди ва мартабасини олий қилди.

Унинг наздида барча бир бўлса-да, даражалари турли-туман бўлиши учун юзлаб йўллар очди. Занжини<sup>1</sup> кўкка кўтариб, фирдавсдан жой берди. Мўътабар пайғамбар сулоласидан бирини<sup>2</sup> чоҳга кулатди. Бирига олам подшоҳлигини берди-ю, аммо оғзига балчиқ тикди<sup>3</sup>.

Инсонга яралишиданок ўзини танитди<sup>4</sup>. Бироқ, ёруғ оламга келганида у билимни унуттириб, жавҳарига илмга чанқоқликни жойлаб қўйди. У шундай илмки, мангу саодатнинг калитидир.

Шундан сўнг барчанинг юрагида ҳаяжон уйғотган сўзларини айтди:

– Билим, билим! Билиш ва ўрганиш инсонликнинг энг олий вазифасидир! Инсон – ўргана оладиган, англай оладиган ва ярата оладиган хилқатдир. Яратувчанлик қобилияти инсонда бениҳоя етук. Шу сабабли Тангри таоло ўз каломида инсоннинг энг устун жиҳати ақл юритиш эканини қайта-қайта уқтирди. Ақлингиздан фойдаланинг, дея сизга оятларини изоҳлади. Билган билан билмаган тенг бўлурми, деди. Ақллини кўзи очикқа, нодонни кўрга қиёслади. Жоҳил – фақат еб-ичишни ва ўз оромини ўйлайдиган кимсадир. Етук киши эса яратувчи, бунёд қилувчидир! Сиз айрим ўсимликларни кўргансиз, ўсиб-унгай, аммо меваси ер тубида бўлгай. Сизнинг ҳаёт дарахтингиз ҳам шунга ўхшайди, баъзи меваларини бу оламда кўрсангиз, яна аллақанчасини мангулик диёрида кўрасиз. Уларнинг бир қанчаси айтган сўзларингиз туфайли бунёдга келади. Улар туфайли пайдо бўлган боғлар ҳайбатидан ақлингиз шошади. Айтилган салавотларнинг дарёларидан ҳузур топасиз. Берилган саломлару аликлардан, кишилар кўнглини олиш учун айтилган яхши сўзлар боис пайдо бўлган ором масканларини кўриб ҳайратланасиз!

Абу Абдуллоҳ Кулоҳий дарсига шоён берилиб кетди:

---

<sup>1</sup> Ҳабаш Билол назарда тутилмоқда.

<sup>2</sup> Абу Лаҳаб.

<sup>3</sup> Миср фиръавни.

<sup>4</sup> Ал-Мисоқ назарда тутилмоқда.



– Оғочлар, дарёлар, кўллар, йўллар, тоғлар, жонлиқлар, хидлар, ранглар – буларнинг бари Тангри таолонинг оятларидир! Ҳамда барчаси унга шохидлик бериб, у истаган тарзда мавжуддир. Теварагингизга қараб ақл юритинг! Буларнинг барчаси биргина сўзни айтишингиз учун мавжуддир. У сўзнинг қудрати шундайки, ё дўзахга йўллар, ё жаннатга. Айтинг-чи, у не сўз экан? Алишербек?

Алишер жавоб қилди:

– Шаҳодат калимаси!

– Балли! – Мударриснинг юз-кўзи яшнаб кетди. – Шу биргина сўз тақдирнигина эмас, яшаб ўтилган-у ўтилмаган бутун умрни ўзгартириб юборади! Ким кўрибди бундай марҳаматни, биргина сўзга бунча қудрат жойланганини?

У Тангри каломи ва инсон сўзининг қудрати ҳақида турли мисоллар келтирар экан, таом вақти бўлганини билдириб, занг урилди.

– Бу айтганларим ёдингизда қолсин, чунки ҳаёт мазмунидан сўз айтдик, – яқунлади сўзини мударрис. – Энди тин олинг, тушлиқдан сўнг яна шу ҳақда сўзлашурмиз.

Болалар хонақоҳдан боғ ичкарасига ўтишганида, пешанасини қизил рўмол ила танғиб олган баковуллар дастурхон ёйиб, егуликларни келтириб бўлишган экан. Ичига кесма солиб пиширилган умоч ейилди. Бир оз танаффусдан сўнг, дарсинг давомига кирилди.

### ***БИР БОШҚА ОЛАМ***

Абу Абдуллоҳ Кулоҳий аллақачон хужрада, толибларни кутиб турган экан.

– Сизга сўзнинг сифатларидан бир қанчасини айтдик, энди лисонларга келгаймиз, – деди мударрис. – Мисол учун, арабча – фасоҳат ва балоғат сайқали билан зийнатланган бўлиб, Тангри таолонинг каломи шу тилда нозил бўлди. У тилнинг мукамаллигига шубҳа йўқдир. Мисол келтирсам, биргина туянинг юзлаб исми бордир. Чунончи, уруш туясини “жут” дерлар.

Қора рангдагиси “жалма”, оқи “самха”, кулранги “малха”, қора узра сарик йўллиси “сахба”, тариқ ранглиси “сафра”, оқу қора аралаши “зарқа” дейилади. Яна, сийрак тукли туяни “суфра”, сут туяни “халфа”, олти ойлик бўталокни “хувар”, бир яшарлисини “махлул”, икки яшарлигини “мафруд”, уч-тўрт яшарлигини “лиқо”, беш ёшдагисини “жуз”, олти яшарини “саний”, етти яшарини “рабъа” дейдилар. Сафар туяси “хажин”, юк туяси “рихла” бўлиб, “Фалончи рихлат айлади” деган гапнинг маъноси шундан келиб чиқади, яъни ажалнинг юк туясига миниб, маҳшар манзилига равона бўлди. У туяга ортилган юк эса унинг ўзидир.

Модомики арабчанинг мақоми ва камолоти равшан бўлди, ундан сўнг келадиган туркча, форсча ва ҳиндча – асл тилларнинг манбаидир, Нуҳ алайҳиссаломнинг уч ўғлидан тарқагандир. Нуҳ алайҳиссалом тўфон балосидан нажот топгач, ўғилларидан Ёфас Абул-туркни Хито мулкига, Сом Абул-фурсни Эрон ва Турон мамлакатига ва Ҳом Абул-ҳиндни Ҳиндистон тупроқларига юборди. Шу уч пайғамбарзодадан жаҳон халқлари тарқалди.

Энди туркчага келсак, туркчада ҳам жонзотнинг рангу туси, ёшига қараб ўнлаб номлари бор. Мисол учун, отнинг янги туғилган боласи “қулун”, ёшига-ю жинсига қараб “тойчоқ”, “той”, “айғир”, “бия”, тусига қараб “тўриқ”, “саман”, “бўз”, “олача”, “тарлон”, “ғиркўк”, “бойчибор”, “тулпор”, “бедов”, “қашқа” дейилгани каби.

– Ҳақ дини арабчада келгач, бошқа тиллар ўла бошлади, – деб давом этди мударрис. – Даввора олимлари арабийни пухта ўрганишиб, рисолаларини ўша тилда битдилар. Аммо Тангри аzza ва жалла халқларни ва тилларни яратганининг ҳикмати ҳам бор. Яъни, ўзига ўша тил ила ҳамд айтилмоғини ирода айлади. Шундан келиб чиқиб, ўзга лисонларда ҳам арабий санъат ила шеър яралмоққа бошлади. Тингланг, сизга бир мисол айтай:

*Офаринлар унга, ул Яздони пок,*

*Берди фармон, жону иймон тонди хок.*

*Аршни сув узра бунёд айлади,  
Одамий умрин шамолга жойлади.*

*Кўкни юксалтди, забардаст этди ул,  
Ерни тубан айлади, наст этди ул.*

*Ул бирига жону жунбуш берди чун,  
Бул бирига берди орому сукун.*

*Осмонни бесутун чодир қилиб,  
Ерни ёйди остига, ҳозир қилиб...<sup>1</sup>*

– Энди муни шарҳлаб берай, санъатини англаб! Олам сирларини шундай нақшладики, уни англаб етган дил уйқудан уйғонгандай бўлиб баҳра олади. Бу худди зулмат ичида кўркувдан титраган сув узра куёш чиққани маҳал қизил нурлар ўйнагани кабидир, у худди ёнаётгандай кўринади. Бу манзарани сиз дарё сувида ҳам кўра олгайсиз.

Денгизнинг бағри сувга тўла-ю, лекин соҳили куп-курук. Яъни, сувга етиб уни ича олмаётган лаб кабидир.

Тоғу тош ўз мақомида турган аскардай кўринади, у ер юзи мувозанатини сақлаб туради. Уни шундай қолдирсанг ҳам бўларди, бироқ, ўткир қояларни устида тигдай қилиб қўйдинг, дарёни оқизиб белидан ўтказдинг. Тош орасида сув бино қилдинг. У тоғу тош аскарлари ҳар сахар куёш нурларида қизариб ёнгайдирлар.

Гилдан, яъни тупроқдан яшил поя, қизил гулкоса чиқариб, ажойиб бир санъат бунёд қилдинг. Аммо уни яна тупроққа қайтадиган қилдинг. Сенинг кудратинг шундайки, бутун бир қўшинни энг ҳақир чибин ила мағлуб

---

<sup>1</sup> Фаридуддин Аттордан.

этасан<sup>1</sup>, истасанг, заиф қушча тумшуғидаги тош билан бахайбат филларни тумтарақай қиласан<sup>2</sup>.

Бу ишораларнинг ҳар бири алоҳида бир китоб бўлгулик воқеалардир. Биз айни дамда ҳикоятимизнинг шундай бир нуқтасига келдикки, абобил воқеасидан Коинот сарвари мадҳига бурилиб кета оламиз. У муборак зот туғилганларида, кўкдан олтин жом келтирган малаклар унинг кўксини ёриб, дунё чиркинларидан поклашгани воқеасидан Қуръон нозил бўлишигача сўзласак, минг кеча-кундуз ҳам озлик қилгайдир. У ҳикоят сўнгида яна асосий мавзумизга, яъни “Аллоҳу акбар”нинг мазмунларига қайтиб келишимиз ҳам аниқ. У мазмун шунчалар кенгки, айтилган барча сўзлар унинг қаршисида чивин қанотичалик эмас!

Маънолар ҳайбатидан барча жим бўлиб қолган эди. Абу Абдуллоҳ Кулоҳий сўради:

– Тангри таоло мунча нарсани яратиб, бағрига мунча маъно жойлаганидан муддао не экан, Алишербек?

– Гул, қуш, денгиз ёки булут ўзининг қандайлигини англар ҳолатда эмас, – деб жавоб қилди Алишер. – Уни кўриб, англайдиган кимдир учун яралгани ҳақиқатга яқин.

– Худди шундоқ! Тангри таоло махфий эди, билинмоқни истади. Шу сабабли инсонни яратди, завқу ҳайратларга ошно айлади. Ўзини шундай намоён қилдики, инсон унинг ҳар ишидан лол қолди. Бас, бугунча етар. Эрта алассабоҳ шу ерга йиғилгаймиз. Ҳирий ташига, гул сайлига борилгайдир, унутманг! – деб, болаларга тахтага ёзилган ғазални кўчириб олишларини буюриб, дарсни якунлади.

Ҳамма бирин-кетин ташқарига чиқди. Икки дўст тошсаҳндан юриб боришар экан:

– Мударрис айтган маънолардан бирига тушунмадим, – деди Ҳусайн Мирзо. – Ҳар киши мангу эса, ҳарбнинг не зарурати бор? Қаранг, шу

<sup>1</sup> *Фиръавн Намруд қўшинини чивин лашкари мағлуб қилганига ишора.*

<sup>2</sup> *Филлар билан Маккага кирган Абраҳа қўшинини митти абобил қушлари тумшуғидаги тошлар билан ҳалок қилгани воқеасига ишора.*

майдонда қанча киши, бари турли иш билан машғул. Бири олиймақом, бири тупроқдай хор... Мангу киши шундай бўлурми?

– Менимча, аввал ёдлаганиимз “Вал-баъсу баъдал мавт”, яъни ўлгандан сўнг қайта тарилишни айтдилар, – деди Алишер.

– Барибирам орада бир ўлим бор экан-ку? Ҳай майли, эртага гул-чечак сайлига борилгай дейилди, истасангиз хизматчилар бориб сизни олсинлар.

– Йўқ-йўқ, мен ўзим, тонг-ла етиб келгайман! – деб жавоб қилди Алишер. Дўстлар шу ерда хайрлашишди.

### *ГУЛ САЙЛИ*

Гул сайли учун Ҳирий ташига, Шоҳрух Мирзо барпо қилган сўлим боғчаларга борилди. Ҳар доимгидек, уларга бир қанча навкар ҳамроҳ эди.

Ҳирийнинг Қипчоқ дарбозасидан чиқиб бир-икки фарсах юрилгач, оқ тўфондай бўлиб боғлар кўзга ташланди. Яшилга бурканиб, оқ, қизил, кўк, сариқ чечак очган масканлар узра у тўфон бениҳоя чиройли эди. Борурда тепалик устида туғ қадалган бир қанча қабрлар кўринарди. Болалардан бири қизиқиб сўраган эди, Абу Абдуллоҳ Кулоҳий шу теградаги қишлоқларнинг мўътабар кишиларининг қабрлари деб тушунтирди. Шу аснода йўл ёқасида, тарик даласи ёнида жанжаллашиб турган икки кишига дуч келишди.

– Бу не ғавғо? – деб сўради Ҳусайн Мирзо. – Бир нима талашиб уришмоқдаларми?

Сўнг жавоб кутмай отини ниқтаб, улар қошига етиб борди.

Жанжалкашлар кўркам от устидаги суворийларнинг олийнасаб кишилардан эканини билишса-да, келгувчи бола экани боис бас қилишмади.

– Мана бу дурроний, – деди баланд бўйли, қора соқоли қайсарона тиккайган, хиёл қийиқ кўзли, миқти гавдали бири, Абу Абдуллоҳ Кулоҳийга, – панжобийни камситмоқдадир. Эмишки, аҳли муслим жаннат боғларида дурронийда сўзлашар эмишлар. Хўп, панжобча-чи десам, дурроний тилини билмаганинг учун жаннатга кирсанг ҳам тек ўтиргайсан демоқда. Бир уриб, бошингни елкангдан айириб қўяйми?

Дурроний ҳам ўроғини чангаллаб турар эди.

– Отамнинг забонини нега ҳақорат қиласан? – дер эди. – Чопиб ташлайман ҳозир!

Дурронийлар ҳар кимдан отасини устун қўйишлари ҳаммага аён эди.

– Ҳай-ҳай! – деди мударрис. – Шаҳзода қошида нечук одоб бу?

– Иккингишни ҳам таъзирингишни бермасимдан дарҳол тавба қилинг! – деб ҳайқирди навкарлардан бири.

Уришқоқлар дарров ўзларига келишди.

– Шаҳзода? – дурроний ханг-манг бўлиб қолган эди. – Қани, қайда у?

– Бул йигитча шаҳзода Ҳусайн Мирзодур, – деди Абу Абдуллоҳ Кулоҳий, мулойимлик билан.

– Вой-вой! – дея икки қўлини боши узра қовуштирди дурроний. – Отам сенга қурбон бўлсин, шаҳзодалигингни қайдан билай?

Унинг эҳтиром ила қўл қовуштириши-ю “сен”лаб гапириши қизиқ эди.

– Ҳай, шошманг-чи, – деди Кулоҳий. – Лисон ғавғоси қилар экансиз, хўш, илмингиз борми?

– Бор, – деди қора киши.

– Хўш, нимани билгайсиз?

– Ер ишламоқни, тоштарошликни билурман, – деди қора киши.

– Мен эса боғбонлик қилурман, – деди буниси.

Мударрис бош чайқади.

– Шунинг илм деяпсизми? Аттанг... Қалдирғоч лойдан уй қуришни билур. Ўргимчак тўр тўқир, қурт ипак чиқарур... Ҳол буки, иккингида ҳам илм йўқ, аммо талашиб-тортишурсиз. Ҳар лисоннинг ўз гўзаллиги бор, бироқ бу билан мақтанмоқ ақл иши эмас-ку?

Кейин тепадаги қабрларни кўрсатди:

– Уларнинг бир-биридан фарқи не?

– Фарқини кўрмаймиз, – дейишди улар. – Тош-тупроқ, холос.

– Илмингиз йўқ эса, тингланг. Бу қабрлар унда ким ётганига қараб кадрлангайдир. Ақлли билан нодон тенг бўлурми? Улар ҳаргиз тенг

эмасдирлар, икковидан билимдонроғининг иззати баландроқдир. Бирок, гапингиз тўғри, маҳшарда ҳамма ягона тилда сўзлашур, – деди мударрис. – Агар сўзлашга ҳоли бўлса албатта.

– Ростданми? – ҳайрон бўлганидан дурронийнинг оғзи очилиб қолди. – Илмли кишига ўхшайсиз, аммо қиёматда яна бир тилни ўрганмоққа қайдан имкон бўлсин?

Содда дурроний у пайтда одамлар ўз тилларидан бошқа яна бир тилни ўрганишлари керак, деб ўйламоқда эди.

– Аллоҳга қасамки, шундай, – деди мударрис. – Андоқ ўрганмагайсиз, балки билган ҳолда тирилурсиз. У тилни инсонуну малак бирдай билгай.

Булар – содда-жўн кишилар учун жуда ғаройиб, аввал сира эшитилмаган гаплар эди. Оғизлари очилиб, олимни тинглашарди.

– Тилларни турли-туман қилган зот, уни яна бирлаштириб қўя олмайдами? Модомики қиёматда наинки инсон, балки унинг тана аъзолари ҳам сўзласа? – деди Абу Абдуллоҳ Кулоҳий. – Шу сабабли, беҳуда жанжални бас қилинг, Зеро, бирингиз бирингиздансиз. Тангри паноҳида сақласин!

Хайрлашиб жўнашар экан, бири қўлини кўксига қўйиб, бошқаси икки қўлини боши узра жуфтлаб кўтариб, таъзим қилиб қолишди.

Йўлда давом этиларкан:

– Тупроқ ишлаш ё тоштарошликни илм демадингиз, сиз айтган илм қайси? – деб сўради Алишер мударрисдан.

– Булар Тангри таоло азалдан билдирган илмлардир, – деб жавоб қилди мударрис. – Шу сабабли ўрдак боласи туғилгани заҳоти сувга тушиб сузар, шўнғиб емиш топишни билур. Арслон боласи қай этни, бузоқ ёки қўзи қай ўтни ейишини билур. Инсонга ҳам жавҳаридан берилган илмлар бор, улар ҳар кимга бирдай ато этилган. Бирок, таъб ила эрилишадиган билимлар тамомила бошқадир. Улар Тангри таолонинг махфий даргоҳларининг сирларини очгайдир.

Боққа етиб келганларида турфа гилосу олмалар чунон гуллаган, бол арилари визиллаб учар, ҳар тараф гул эди.

– Ё қудратингдан! – дер эди Абу Абдуллоҳ Кулохий, уларни бир-бир искаб. – Буларнинг гўзаллигини кўринг! Бугун мавж-мавж гул, эрта келсангиз, ўрнида кўм-кўк гўра бўлгай. Яна бир кун қарасангиз, таъму маза киргай. Тийрамоҳда япроғини тўкиб, етук мевасигина қолгай, куз совуқларида олтин каби қизариб “Мени ол!” деб тургай...

Мударрис ҳар оғоч олдига бориб сукланар, ҳар майса устига эгилар, ҳайрату завқини яширолмасди.

– Қудратингдан айланай, Аллоҳим! Бу бир олма гули бўлса, уни қандай қилиб тарам-тарам нақшли қизил мевага айлантирасан?! Ўшандай оқиш гулли нокка эса олтин тусини бериб, ичини шарбатга қандай қилиб тўлдирасан?! Буни қандай қиласан, Парвардигорим!?

Шундай деб ёнига ўгирилган эди, эшитгувчиларнинг нари кетиб, ўтлоқ устида ўзаро кураш тушишаётганини кўрди. Ҳусайн Мирзо кучли эди, бироқ Алишер чакқонлик билан унга чап берарди. Салдан кейин Ҳусайн Мирзо уни йиқитиб, босиб олди, Алишер эса қитиғи келиб, кула-кула типирчиларди.

Гул сайлида анча кезилгач, яланг ўтлоққа солинган наматлар устида авому уламо орасида гоҳ-гоҳ вуқуъ бўлгувчи лисон жанжали ҳақида сўз кетди.

– Тилларни бир-биридан устун кўювчиларни ёки камситувчиларни Абу Абдуллоҳ Жунайдий жонзотларнинг энг тубани, дедилар. Ҳатто ваҳший ҳам у ёки бу жонлиқни ўзгасидан устун ёки паст кўрмас. Мен шу дамгача у ёки бу тил устун деган кишидан ёмонроғини кўрмадим. Жавҳарингизда Тангри даргоҳларидан келган, тафаккур қилишни севадиган бир руҳ бор. У намоён бўлмоқни истайдир. Тил ўрганурки, ўзимни кўрсатай дея. Бирини ўрганур, озлик қилгайдир. Иккинчисини ўрганур, яна озлик қилур. Учинчисини ҳам ўрганур, қараса, бу ҳам оз. Барча тилларни ўрганса ҳам “Ўзимни ифода қилмоққа булар етмас” деябергайдир. Сўз ила мамлакатлар бунёд этгай, уммонларни сўзлатгай, куёшни мулозим қилиб, юлдузни девонига хошия қилиб қадагайдир.



Етти иқлим султонлари турли мамлакатларни бўйсундириб, ўз мамлакати довуғини оламга ёйгайлар. Шу билан бирга, салтанат эгалари ўз мулкларининг улуғлиги билан мақтанишни истасалар, қанча қилич чопгани, нечта жангга киргани бир ёнда қолиб, мамлакатининг илму санъатидан сўз очгайлар. Илм ва санъат мукаммал бўлсин дея, турли тилларни ҳам ўрганурлар.

Оламда фасоҳат бобида форсчани олам куёши даражотига чиқариб кўйган икки зот яшаб ўтди. Дунёда уларга тенглашадиган киши ҳануз йўқ. У икки зотнинг бири Низомий Ганжавийдир, у яратган “Хамса” шеърят осмонида куёшдай балқиб, бошқа барча куёшларни хиралаштириб кўйди. Орадан юз йил ўтгач эса, яна бир улуғ зот – Хусрав Дехлавий дунёнинг иккинчи “Хамса”сини битди. Шу тариқа самода икки куёш порлади.

Кўряпсизми? Бир ёнда Ҳинд эли то Баҳри Муҳитгача ёйилгандир ва унда Дехлавий “Хамса”си нур сочади. Бир ёнда Ироқ, уммон каби тўлқинланур ва унда Ганжавий “Хамса”си порлайди. Бу икки “Хамса” ораси юз йилдир. Салтанатлар илму урфони ила шуҳрат топарлар, дедик. Қолдики, иқтидорда улардан сира камчилиги йўқ, ортиқ бўлса ортиқ туркий салтанат бутун шон-шавкати ила кўркланса-да, ундай хазинаси йўқтур, мақтанолмас, ўксик қолмоқдадир. Турк тили оламда улардай қадимий бўлса-да, бу тилни юксакка кўтарадиган киши ҳануз туғилмагандир.

Бу сўзларни Алишер кўзлари порлаб, жон қулоғи ила тинглар эди. Синд дарёсининг у тарафидаги ажойиботлар ҳақида ўйлаб ўтирган Ҳусайн Мирзо савол берди:

– Самода икки куёш порлади дедингиз. Нечун ростни ўтрук ила қувватлангандирингиз?

– Бундай сифатлар улуғлик даражасини билдириш учун айтилади, – деб тушунтирди Абу Абдуллоҳ Кулоҳий. – Шу сабаб, соҳибжамол бир малакни моҳчеҳра дейилгай. Кулса гул ёғилур, йиғласа дур деб таърифланур. Ҳай, ундай кишини қайда кўрдингизки, кулса гул сочилсин, йиғласа дур? У гуллару дурлар киши қалбида сочилгани шу тарз билдирилгай.

– Модомики ҳар не ўшатиш муболағага қурилар экан, ҳиндубачанинг маъноси не? – деб сўради Ҳусайн Мирзо.

– Ҳиндубача деб тан қаролиғи боис айтилур, – деди мударрис. – Бир сўз мазмунини ўзгартирмоқ, унга маъни либосини кийдирмоқ нафис санъатлардандир. Мисол учун, тойчоқ дея чаккон ўсмирни, оху дея хуркак киз-жувонларни, ғаввос деб илм денгизига шўнғувчиларни айтурлар. Ҳинд элининг кишилари қора тусли бўлгани боис, қора тунни ёхуд осмонни, қора кўзни ёки қошни ҳам ҳиндубача дерлар.

– Ҳинд элида ажиб ишлар воқе бўлубтир, – деб давом этди мударрис. – Таассуфки, тамоми кофиристондир. Бутларини яратиб олгандирларки, мисол учун, бир худолари бор, минг кўзли эмиш.

Алишер хаёлида минг кўзли, минг қўлли баҳайбат бир яратикни тасаввур қилиб кўрди. Бу ҳолда унинг ҳаракатланиши нақадар қийин ва теграни кўра олиш учун икки кўз етарли бўлгани ҳолда, минг кўзнинг ҳам, минг қўлнинг ҳам нега кераклиги мантиқсиз эди. Бу сўз замирида Тангри еру кўкларни, замин тубларини, курту қуш, парранда-ю даррандаларни, ўзи яратган оламларнинг ҳар бирини алоҳида қўл ила бошқаради, деган оддий тушунча аксланиб турарди. Ваҳоланки, инсон икки қўли ила не-не ишларни содир этгай! Ушбу жумбоқнинг ечимини топган каби:

– Менимча ундай эмас, – деб ўз мулоҳазасини билдирди.

– Нечукмиш?

– У ерда шундай бир илм бормишки, таққос ила кўрган бўлсалар керак, – деди Алишер. – Ҳар ҳолда, минг кўзли демак – ҳар нарсани кўриб турадурғон демакдан ҳосил бўлган чоғи. Илмдан беҳабар киши Яратган зотни юзта қўли бор, шу сабабдан ҳар ишни бажара олур дея тасаввур қилганмиш. Минг кўзли ёки қўлли демак – ўзидан минг даража юксакдалигини ифода этадур.

– Оллоҳ-оллоҳ, зеҳнингизга балли! – таажжубини яшира олмади мударрис. – Ҳолатга кўра худди шундайдир. Аммо шаръан терсдир.

– Султон Ғазнавий ҳам, бобонгиз Темурбек ҳам у ерларга ҳақ динига чорлаш мақсадида кўшин тортган эдилар. Не ёзуққим, оталаримиздан қолган

динимиз дея бутларига қаттиқ ёпишмишлар. Шу тариқа, ўшандан буён ҳар қанақасига боқсангиз ҳам, бутлари ила қолабермишлар. Зеро, “Улар англамаслар”, – талабаларининг қизиқишидан қувонган мударрис завқини яширмади. – Иншоллох, ҳар иккинги улуғ ишларнинг бошига келгайсиз! Мирзо келгусида салтанат ободлиги учун ғайрат қилсалар, Алишербек илму урфон бўстонларидан дурлар териши аниқ бўлди. Алишербек, мен сизга бир совға берайин, таққос ва мажоз илмига муштоқ кишининг ўқимоғи ҳаргиз шарт, – дея, хуржунидан матога ўроғлиқ бир китобни олди. – Буни ёзган киши мавлоно Фаридуддин Аттордир. Ҳазрати Сулаймондан сўнг қушлар тилини англаган ва кишиларга англаган табаррук зотдир.

– “Мантиқут-тайр”, – деди Алишербек, қизиқиб варақлаб. – Ростдан ҳам қушлар тилидан баҳс этилурми?

– Албатта, – толибининг саволига кулимсиради мударрис. – Ул зот айтмишларки, тегрангизда кўрилганлардан бошқа, ҳар томон потирлаб учгувчи жон қушлари ҳам бордир. Инсонлар қуш каби, ҳаётдан мамотга қараб учарлар. “Мантиқут-тайр” қуш лисони ила тирик жонлар тақдиридан баҳс этар. Кўрдингизми, Атторнинг ўзи сизнинг қошингизга келмоқдадир.

Алишер устозига миннатдорчилик билдириб, китобни авайлаб жуздониға солди.

Гул сайли ниҳоясига етгач, қуёш уфққа ёнбошлар маҳалнинг гўзал манзараларини томоша қила-қила Ҳирий қайтилди.

– Кеча оқшом сиз ҳақингизда Нурмуҳаммад тағойига айтдим, – деди йўлда шаҳзода Ҳусайн. – Ҳарб машқларига келмоғингизга рози бўлдилар. Муҳтарам атойингизни айтганимда суюниб кетдилар, бир қанча чопқинларда бирга эдик, кўмакдош бўлганлар дея салом ҳам йўлладилар.

Ҳирий келингач, дўстлар хайрлашишди. Алишер ота боғига яёв кетди. Муҳтарам атои ҳам, тағойилар ҳам бу кун боғда эмас, бир иш билан Сабзаворга жўнашган, боғчада хизматчилару аҳли аёл қолган эди, холос.

## ***МАНТИҚУ-Т-ТАЙР***

Алишернинг энагаси – оху кўзли Қутб кичик бекнинг келишини томга чиқиб кутиб турарди.

Асли исми Қутбия бўлмиш бу қизалоқни Ғиёсиддинбек Шохрух Мирзонинг Ироқ юришлари вақтида, ҳеч кими бўлмагани учун ўзи билан олиб келиб тарбият қилган, ҳозир ойдай етилиб, оқ тиниқ юзли, узун киприкли малакка айланган эди. Қизлар тўққиз ёшидан чодра ўранмоқлари шарт бўлиб, шундан буён унга ташқиға чиқиш тақиқлаб қўйилган эди. Ҳирийда заифалар берунга чиқсалар ҳам чиммат ила паранжи ёпинурлар. Ички ҳовлида сариғу қизил аралаш қабоси устидан қора тўнини кийиб, чимматини тутиб томга чиққан Қутб, Алишербек кечикаётгани учун хавотирда ҳар ёнга алангларди. Бу ироқ гўзалининг Алишерга меҳри шоён, бир дам кўрмаса ўзини қўярга жой тополмас, унинг беғубор муҳаббатидан хонадондаги барча хабардор эди. Шу сабабли уни бошқа юмушлардан озод қилиб, Алишербекка энага қилиб тайинлашди. Қутбнинг яна бир фазилати – мусиқийни билмоғи бўлиб, гоҳида уд чалиб ироқ кўшиқларидан айтиб берарди. Овози тиниқ, дардчил бўлиб, шунчалар гўзал эдики, одамни сеҳрлаб қўярди.

Ниҳоят, кўча бошида бир мулозим ҳамроҳлигида Алишер кўрингач, “Аллоҳга шукр!” дея пичирлаганича пастга тушиб, у етиб келгунча дарбоза ортида кутиб турди. Алишербек кириб келгани ҳамано кучоқлаб, юз-кўзларидан ўпиб-ўпиб олди.

– Ёқтирурсиз деб сизга бол солиб қуробия<sup>1</sup> пиширган эдим. Кўзимни тўрт, ўзимни интизор қилдингиз, – дея сўзланарди Қутб, обдастани олиб, – Юз-қўлингизни чайинг, бўлақолинг. Анави чол бақириб қолмасин тагин...

“Анави чол” деб у боғбонни айтмоқда эди. Боғбон кўрс, баджаҳл киши бўлиб, канизу жорияларни остона ҳатлагани қўймас, гоҳида биров ташқи ҳовлиға чиқиб қолса, бақириб кесак ғириллатиб қоларди. Қутбнинг хавотири шундан эди.

---

<sup>1</sup>Қуробия - Дамашқ ва Рум ширинлиги.

Алишер ҳам Қутбни яхши кўрарди. Оғачаси<sup>1</sup> бўлмагани учун оғачасидай севар, шу маҳалгача доим у билан бирга, лекин шу баҳорда Алишер аҳли аёл билан эмас, эр кишилар билан кўпроқ мулоқотда бўлсин дея хобхонаси берунга, меҳмонхона ёнбошига кўчирилган эди.

Қутб кичик бекнинг қўлидаги китобни кўриб, сўраб олди-да, варақларини очди. Хат битилган ипак қоғози майин шитирлаб, оғоч иси димоққа урилди. Ҳирийда қоғоз тут оғочидан тайёрланар, шу сабабли, ундан ширин ис анқиб турарди.

– Бу не китоб? – деб сўради хат-саводи йўқ Қутб, оқ юзида ажабланиш сезилиб, шунинг баробарида Алишербекка эҳтиром билан қараб. – Ўзим ўргилай, менинг бек иним шунақа китобларни ўқир эканми?

– “Мантиқ-ут-тайр”, – деб жавоб қилди Алишер, сўнг Қутб худди арабчани тушунмайдигандек, қўшиб қўйди: – Яъни, куш нутқи, куш тилидир.

– Вой тавба! – лол қолди Қутб. – Мактабда одам тили қолиб, куш тилини ҳам ўргатар эканларми?

Алишер кулиб, бунинг бир мажоз эканини айтди. Муддаоси тезроқ ўз хонасига кириб китобни ўқимоқ эди, бироқ Қутб сира кўймасдан ўзи пиширган қуробияларидан егизди. Сўнг яна қўлига сув қуйиб, қониқиш билан деди:

– Ана энди ўқисангиз бўлғай!

Алишер хужрасига кирди-да, тўшакка ўтириб, китобни лавҳга авайлаб жойлаб, илк саҳифасини очди.

Унинг зукко ақли Атторнинг ҳаётбахш сўзлари қатидаги ишораларни дарҳол илғаб олди. Устоз Фаридуддин унинг онгида янги ва сира кўрилмаган ҳайратларни бунёд этарди. Ҳа, инсон ҳам куш каби, ҳаётдан мамотга қараб учгайдир. Кунлару тунлар, ойлар алмашар экан, ҳаёти давомида ўлангу яйловларда дон-дун тера-тера, субҳу шомлар сайроқ ноласи ила Парвардигорга илтижолар қила-қила, омонат инлар қуриб, полопон ҳам очади. Бунчалар содда ҳаёт аро қушларнинг турли-туман яратилиши, рангу

---

<sup>1</sup> Оғача – опа.

тусларининг ва ҳар бирининг сайроғининг ўзгалиги инсонларни тамсил этиб турмоқдадир. Зоҳир шундайдир, ботинда эса жон қуши ҳам бордир, киши жисмида чирқиллаб тургайдир. Унинг учар манзиллари тамомила бошқа, ҳаёл етмас юксаклардадир...

“Илм бир оҳанрабодир, – дер эди мавлоно. – Ичингизда уни талаб қилгувчи бир хусусият мавжуддирки, истасангиз ҳам, истамасангиз ҳам талаб қилмоқдадир. Чунки шу билан овуниб, шу билан шодлангайдир. Қуёш тонгдан шомга қараб ботгайдир, бироқ, онг қуёши сира ботмагайдир. Денгиз Шомдан бошланиб Румда тугаса, илм денгизининг охири йўқдир. “Ва куллун фи фалаки ясбахун” қавлидаги каби, онг ҳам қуёш сингари илм фазосида ловлов ёниб сузгайдир. Ва булар Яратган Парвардигорнинг мутлақ ҳукмлари дир...”

Гўё нур юзли бир зот унинг ёнгинасида, донолик ва меҳр балққан мулойим нигоҳини тикиб, борлиқ ҳолатини шарҳламоқда эди:

*Боқ, фикр қил санъатин, ул подшо,  
Ҳечу ҳечлардан яратмиш не бино!*

*Баски ҳечлардан яралмиш ул, демак,  
Жумла борлиқ ҳеч эрур бешубҳа-шак.*

*Аршу олам баски тилсимдир тамом,  
Барчаси Ундан иборат жисму ном...<sup>1</sup>*

Гўё шу маҳалгача ёпиқ турган ажойиб бир боғ дарвозаси очилиб, маънолар ва тимсоллар бўстони намоён бўлгандек эди.

“Жонни яратган пок Парвардигорга ҳамду санолар бўлсин! – дерди у киши. – Тупроққа ҳаёт бағишлаган ва имон ато этган Удир. Тупроқни сув узра тиклади, тупроқдан бўлганлар умрини елга берди. Осмонни

---

<sup>1</sup> *Жамол Камол таржумаси.*

забардастлик – голибликда, юксакда сақлади. Тупрокни, ерни пастлик даражасида тутди. Ул бирига – осмонга доимий ҳаракат ато этди, бул бирига – ерга сокин, тинч туришни буюрди. Олти кунда етти юлдуз-сайёрани вужудга келтирди, икки ҳарф<sup>1</sup> орқали амр этиб, осмонни яратди. Фалак ҳар кеча у ерда нард ўйнасин деб юлдузлар сокқаси – муҳрасини олтин сандиқчалар шаклида ясади.

Тана тузоғини хилма-хил ҳолатларда қилди. Жон қушининг домини тупроққа қўйди. Денгизни эритиб ўзига таслим айлади, тоғни қўрқувдан қотириб, ҳайрон қилиб қўйди. Чанқоқликдан денгизнинг лабини қуритди, тошни ёқутга ва қонни мушкка айлантди. Ернинг посбони бўлсин деб тоққа ҳам чўққи, ҳам бел берди. Гоҳида олов устида гул дасталади<sup>2</sup>, гоҳида дарё остида кўприк ясади<sup>3</sup>. Душман бошида ярим пашшани тўрт юз йил тутиб турди<sup>4</sup>. Ўргимчакка ҳикмат билан тўр тўқишни ўргатди ва садри олам Муҳаммад Мустафони унда яшириб, осойишта сақлади<sup>5</sup>.

Чумолининг белини қилдай ингичка қилди, аммо унга Сулаймон кафтидан жой берди<sup>6</sup>. Аббос авлодига хилъат – тўн берди<sup>7</sup>. Осмонга тос (то ва син) берди. Исо билан бирга игнани кўргач, ноилож сир фош бўлди<sup>8</sup>. Лоладан қонли қилган тиғни, яъни тоғ чўққисини тутундан нилий гулшан қилди. Тупрокни пора-пора қилиб, қон билан йўғирди, токи қип-қизил лаълни ундан чиқарди. Қуёш ва ой кеча-кундуз унга саждададир, булар ўз манглайларини йўлининг тупроғига суртадилар. Бу уларнинг саждадаги сиймоларидир – саждасиз сиймо мавжуд бўладими ахир?

<sup>1</sup> “Коф” ва “нун”, яъни, “Қун” – “Бўл” амри назарда тутилмоқда.

<sup>2</sup> Намруд буйруғи билан ҳазрат Иброҳимнинг гулханга отилиши, Аллоҳ фармони билан гулхан гулшанга айланиши воқеасига ишора.

<sup>3</sup> Ҳазрат Мусо қавмлари билан Мисрдан қочаётганида Аллоҳ фармони билан денгиз вақтинча иккига бўлиниб, йўл очилишига ишора.

<sup>4</sup> Фиръавн Намруд Аллоҳга қарши уруш очганида, Аллоҳнинг бир нимжон паишаси унинг миясига кириб, азоблайди. Фиръавн бошига гурзи билан уришни буюради.

<sup>5</sup> Макка мушиқлари қувлаб келётганида Муҳаммад с.а.в билан ҳазрат Абубакр горга яширинадилар. Шу пайт Аллоҳ фармони билан бир ўргимчак гор оғзини ўз тўри билан беркитади. Мушиқлар қайтиб кетадилар.

<sup>6</sup> Сулаймон пайгамбар лашкари билан бораётганида чумолиларни босиб кетмаслик учун тўхташи ва чумолилар раҳбари билан суҳбатда унинг акдига қойил қолишига ишора.

<sup>7</sup> Бағдод халифалари — аббосийларга ишора (Мансур, Ҳорун ар-Рашид, ал-Маъмун ва б.)

<sup>8</sup> Ҳазрат Исо А.С. самога кўтарилаётганида кафанидаги бир тўғноғич унинг парвозига тўсқинлик қилади.

Кундуз унинг очик-равшанлигидан оқариб кўринса, кеча Унинг сиқувидан қоронғиликда қуяди. Тўқалга олтин бўйинбоғ боғлади, Худхудга раҳбарлик хабарини берди. Осмон қуши йўлида қанот қоқди, эшигида эшик халқасидай бош уради. У фалакка кеча-кундузда айланиб туришни ўргатди, кечани кетказиб, кундузни келтириб, ризқ-рўз берди.

Лойга нафас тегизса, одам қилади ва кўпик билан тутундан бутун оламни ярата олади. Гоҳи итга тўргача йўл беради, гоҳ бир мушук орқали йўлни очади. Гоҳи Ул, яқинлик, шеримардликни шу итга нисбат беради<sup>1</sup>. Гоҳи бир асо – таёққа Сулаймонлик қудратини ато этади<sup>2</sup>, гоҳида бир чумолига сўзлаш истеъдодини тухфа қилади<sup>3</sup>. Гоҳида асони аждарҳога айлантиради<sup>4</sup> ва тандирдан тўфон чиқаради<sup>5</sup>. Қишда кумушдай қорларни ёғдиради, кузда дарахт шохларидан олтин тўқдиради. Фалакни саркаш от сағрисига айлантиради, унинг ҳилолидан ўт сачровчи тақалар яратади. Тошдан ўрқачли туялар чиқаради<sup>6</sup>, олтин сигирни зорланиб нола қилишга мажбур этади<sup>7</sup>. Агар киши ўқини қон ичига яширса, у ғунчада қонни ўқ ичига яширади. Ёсуманга тўрт тож ясайди, лоланинг бошига қонли қулоқ кийдиради, гоҳи нарғис гули бошига олтин тож кийгизади, гоҳида унинг тожига шабнамдан гавҳар қадайд...

Болакайнинг кўнгли гўё қақроқ тупроқ, бу мўъжиза китоб эса, гўё Замзам суви эди. Қалб уни қониб-қониб ичиб, ўзига сингдириб оларди.

...Жория Қутб тун ярмидан оққанида ҳам кичик бек хонасида шам ўчмаганидан хавотирланиб дарча олдига келганида, Алишер китобга бош кўйиб ухлаб қолганини кўрди-да, сас чиқармай ичкари кириб, авайлаб кўтариб, ўрнига ётқизди. Алишер шунда ҳам уйғонмади. Қутб шамни оҳиста пуфлаб ўчириб, ўз бўлмасига қараб кетди...

<sup>1</sup>Каҳф итига ишора.

<sup>2</sup>Сулаймон пайгамбар суянган асо ҳақида сўз бормоқда.

<sup>3</sup>Сулаймон алайҳиссалом билан сўзлашган чумоли қиссасига ишора.

<sup>4</sup>Мусо А.С. фиръавн сеҳргарлари билан баҳслашган вақтида унинг асоси аждаҳога айланиб, сеҳргарларнинг илонларини мағлубиятга учратади.

<sup>5</sup>Нуҳ пайгамбар дуоси билан Аллоҳ тўфон юборганида осмондан, ердан ва ҳатто тандирдан сув ёпирилиб келганига ишора.

<sup>6</sup>Солиҳ пайгамбарнинг мўъжизаларидан, тош ичидан туя чиқиб, бир вақтда тева тугиб, сут берган.

<sup>7</sup>Мусо а.с. Тур тожига кетганида бир киши олтиндан бузоқ ясайди, у бузоқ ўзидан нола чиқаради.



## ҲИКМАТ ФАЗИЛАТИ ҲАҚИДА

Эртаси кун тоза субҳ маҳали дўсти билан учрашган шаҳзода Ҳусайн Алишернинг бағридаги “Мантику-т-тайр”ни кўриб, кулди:

– Жулду олдингизми дейман, бек жаноблари?

– Шундоқ, – деб тасдиқлади Алишербек. – Бениҳоя қийматли жулду экан.

– Жулду жангу жадалда қаҳрамонлик боис олинмасми? – деди Ҳусайн Мирзо. – Ё қуш черигига чопқин қилдингизми?

– Йўқ, мен фикр майдонида абобил қуши бўлиб жангга кирдим, – деди Алишер ҳозиржавоблик билан, мударриснинг кечаги дарсига ишора қилиб.

Ҳусайн Мирзо дўсти билим ва жаҳолат орасидаги нозик нуқтани дарҳол топиб жавоб берганига кулиб юборди:

– Иккимиз икки тур лашкар бошида бўлар эканмиз-да? Сиз ўз кўшинингизни сўз мулкида ёяберинг, мен эса инсон черигини жангу жадалга йўллай. Ҳар иккисида ҳам ғалаба муқаррар бўлсин.

Бугун ҳикмат дарси бўлиб, Алишер мударрис шарҳларига жуда муштоқ, Ҳусайн Мирзонинг эса хаёли тарқоқ, истар-истамай келар эди.

Дарсхонада болалар кам, Султон Шоҳрух Мирзонинг Ироқ юриши туфайли кўпчилик беклар ўғилларини ҳарбий юришларни кўриб пишиқсин дея ўзлари билан олиб кетишган, шу сабабли мактаб бўшаб, хувиллаб қолган эди.

Абу Абдуллоҳ Кулоҳий ҳар сафаргидай, юз-кўзида табассум билан кириб келди.

– Бир мадрасани хаёл қилинг, – деди болаларга. – Бениҳоя гўзал, кўркли мадраса! Уни наққош хўб безабдир. Унга кирганлар унинг меъморининг усталигидан ҳайратда қолурлар. Безаклари, улуғворлиги, пештоқига битилган оятларнинг кўркамлигига мақтовлар айтурлар, ичкари кирганларида воизга рўпара келурлар. Тўғрими?

– Тўғри.

– Абъёт ҳам шундоқдир, – деди мавлоно. – Сиз унинг ичи-ю ташилини гўзал сўзлар ила безаб, ҳатто пештоқиға оятларни илиб қўйгайдирсиз ва унинг ичидаги воиз ҳам ўзингиздирсиз.

– Мадраса қанчалар безакли бўлмасин, кирганлар қандай ваъз эшитишлари муҳим, – деб давом этди мударрис. – Султонун беклар савоб бўлсин дея йўллар, мадрасалар, хонақоҳлар, кўприклар қурадилар. У йўллару кўприклар Аллоҳ хоҳлаганча вақт туриб, сўнг хароб бўлиб кетгайдир. Сиз сўз ила истанг мадраса қуриб, истанг йўл, истанг кўприк. Йўл десангиз, теграсини сўз безаклари ила хўб безадингиз, бироқ ниҳоясида қайга олиб боради? Кўприк десангиз, қай соҳилга олиб ўтади? Китобу назмга қушойиш кўрсатмоқнинг асл сабаби шудир.

– Масалан, Алишербек “Мантиқу-т-тайр” ўқийдилар, – деб давом этди у. – Бир маҳаллар кишилар Атторнинг бир сўзини эшитмоқ учун юзлаб фарсах йўл босар эдилар. Ёки, Имом Ризони айтайлик. Имом Ризо ила суҳбат қурмоқнинг сира имкони йўқ, чунки Аттор ҳам, Имом Ризо ҳам ғоят олис бир манзилда, яъни барзаҳ оламидадилар. Аммо бугун истанг Аттор, истанг Ризо, истанг олам пайдо бўлганидан буён яшаб ўтган юзлаб олимларнинг ўзлари сизга келмоқдалар. Қандай қилиб? Калом ила! Бугун “Мантиқу-т-тайр” ўқидингиз. Энди мавлоно Шабустарийнинг “Гулшани роз”ини ва шайх Суҳравардийнинг “Ламъаот”ини ўқигаисиз, яъни Шабустарий билан ҳам, шайх Суҳравардий билан ҳам суҳбатлашгаисиз!

– “Ламъаот”нинг маънисини не?

– Нурнинг бир толасини “ламъа” дерлар, – деб жавоб қилди мавлоно. – Кўргандирсиз, тобадондан<sup>1</sup> тушган қуёш нури ламъа-ламъа, яъни толим-толим бўладур. Гоҳида унда нур бағрида ўралашган чанг зарраларигача кўрингай. Тонг сахар кун чиққанида булутлар орасидан ўтган нурлар ҳам шундай ўрилгайдир.

Алишернинг тасавурида мударриснинг айтганлари жонланиб:

---

<sup>1</sup> Нур тушиши учун қилинган кичик дарча.

– “Ламъа”дан ҳам кўра, “толим” демоқ яхшироқ эмасми? – деб сўради. – Лекин, биз сочни ҳам толим деймиз...

– Сиз сураатга эмас, сийратга боқинг. Илм бир қуёш эса, шайх ўз китобини хоксорлик билан “Ламъа” деб атади, – деди мударрис. – Истасангиз, ундан бир мисол келтирай. Қудрату адолатда тенгсиз бир султон бор эди. Унинг икки қули бўлиб, бири айтилган ҳамма ишни бажарар, қолган маҳалда истироҳатини қилиб айшини суриб юраберарди. Иккинчи қулнинг эса султонга муҳаббати ва садоқати бекиёс, ҳар дамда уни ёд этар, саройи эшигидан сира кетмас, кўзи тўрт бўлиб уни кутар, гоҳида султонни кўриб қолса, муҳаббати зўрлигидан ҳушдан кетиб йиқилар эди. Айтинг-чи, қайси қул султон наздида муҳиброқ бўлғай?

– Иккинчиси, албатта.

– Бу ривоятда султон – Тангри, қул эса инсондир. Мен айтган китоблар ўшандай қулларининг ҳолидан огоҳ этар. Билингким, фақир сизга бир калид бермоқдаман. Маъни қулфларининг бир қанчаси шу билан очилгайдир, иншоллоҳ.

Шундай деб, “Гулшани роз”дан яна бир қанча ҳикоят айтиб уларни шарҳлаб берди.

“Мантиқу-т-тайр” бир тараф, мударриснинг шарҳлари бир тараф бўлиб, гўё қалб ичида яна бир кўзни очиб юборди. Теварақдаги жонлию жонсизлар ўзларининг бағридаги санъатлардан сўзлай бошлаган эдилар. Ниначининг тўр-тўр шаффоф қаноти бениҳоя гўзал санъат асари каби туюлар, кўкларнинг мутлақ ҳокими уни ғумбакдан чиқариб, далаю боғлар узра учириб, сўнг лошга айлантриб, тупроққа тиқиб юбормоқда эди. Теградаги барча санъат асарлари шу тарика тупроққа қоришмоқда, гул-чечаклар хазон бўлмоқда, буларнинг бари ҳайбатли чархпалак каби оҳиста айланар ва бола қалбига ҳали англамаган ҳикмат бўлиб қуйилар, онга босим ўтказар, гўдакларча соф хулосаларни ҳосил қиларди. Ҳатто кўкка тиккамасига кўтарилиб, бир нуқтада сайрай-сайрай қулаб тушган сўфитўрғай ҳам ўз ҳамду саносидан

халок бўлган каби эди. “Мантиқу-т-тайр” ҳам, “Гулшани роз” ҳам онгга бол каби қуйиларди.

Волида бека хавотирланиб у китобни ўқишни ман қилганида, Алишер уни бошдан-оёқ ёд олиб бўлган, истаган байтини хаёлида жонлантира олар, энди ҳофизада сийпаланса, ҳар байт бир Солиҳ туяси каби ўрнидан кўзгаларди. Ҳикматлар ва маънолар дунёси жуда яқин, бир ҳимо ила унга ўтилса, ёруғ оламдагидан тамомила бошқа, зийнатли жаннатий оламлар очиларди. Тасаввур оламининг гўзалликлари олдида ёруғ олам туссизу рангсиз, оддийу тартибсиз туюларди.

Шунингдек, воқеа-ҳодисалар ҳам тақдирнинг қай бир нуқталарида аста-секин етилиб, оламини худди булутлар каби энлаб келарди. Бу гўё самода уч тусли булут кўрингани каби бўлиб, қай бирининг бағрида не борлиги билинмасди. Ҳа, кишилар эртанги кун ўз қанотларида нималарни олиб келаётганини билолмайдилар. Келаётган уч булут бағрида марҳаматлар ҳам, ҳалокатлар ҳам бўлиши мумкин...

### ***ШОҲРУХ МИРЗОНИНГ ЎЛИМИ***

Ҳиндикуш тоғлари устидан сурилиб келган булутлар бу гал фалокат ва мусибат хабарларини олиб келишди.

Ғозий султон Шоҳрух Мирзо Ироқ сафарида эди. Невараси Султон Муҳаммад Мирзо бобосига қарши бош кўтариб, Ҳамадону Исфаҳонни босган ва Шерозни қамал қилган, Ҳиротга хирож тўлашдан бош тортган эди. Бундай одобсизликдан ғазабланган кекса султон Ироқ сари келаётганини эшитган Султон Муҳаммад Мирзо дарҳол ўзига келди, қилган ишига пушаймон бўлиб, авф олишига кўзи етмай тоғу тошларга қочди.

Қаҳри қаттиқ бобо ўз неварасини қувиб етмоқ учун борар экан, уни бошқа бир қудратли суворий – ажал суворийси қувиб етди. Шунча киши орасидан мўлжалга аниқ уриб, бир ўқ билан бўйин томирини кесди.

Шундай қилиб, Хуросонни ғам-қайғу булутлари қоплади. Ироқ даштидан эсган тақдир шамоллари ҳар ерни совуққа қотирди. Тўсатдан келган ғам

калбларни музлатгани каби, совуқ ҳам теварак-жавонибни музлатиб қўйди. Балоғат ва илм қуёши теграсини қишда офтоб ўтов тиккани каби, қайғу ўтови эгаллади. Салтанат қуёши, temuрий ворислар орасидаги энг доно ва зийраги саналмиш Шохрух Мирзо абадиятга қовушди.

Халқ не қиларини билмас эди. Одамлар ўзаро сўзлашганларида кўзёшларини яширмасдилар.

– Энди қандоқ кун кечиргаймиз?

– Ҳай аттанг! Хўб фуқаропарвар, адолатли ҳукмдор эди.

– Нур ичида ётсин! Макони жаннат бўлсин!

– Эшитдингизми? Шохрух Мирзо ҳалокати хабари етар-етмас, Султон Абусаид Мирзо черикка “Йиғил” фармонини берибди.

– Абусаид Мирзонинг келмоғи сираям хўб бўлмас. Қаҳри қаттиқ дерлар.

– Қаҳри қаттиқ бўлса-да, қизилбошларга қарши черик созлагай!

– Черик дедингизми? У Ҳирийга қандоқ сиғсин? Халқ уни қандай қилиб боқсин?

– Қўшин Ҳирийга кира олмайди! Шаҳар ташидан бир маконни ўрдугоҳ айлаб, ўша ерда муваққат туради.

– Эй воҳ, Султон Муҳаммад Мирзога Қазвину Рай, Қум вилоятлари суюрғол қилиб берилган эди-ку? – деди бир хунарманд. – Нечук ўзбошимчалик ила Ҳамадону Исфаҳонга кирибди? Мундин сўнгра кекса Шохрух Мирзо адаб бермоқ учун Ироққа отланибдилар. Султон Муҳаммад Мирзо эса кўрқиб тоққа қочиб кетибди.

– Эй воҳ! Зурёд беадаблик қилса, бобо набира устига қўшин тортса...

– Шундан сўнг султон тарафидан жуда ёмон бир иш воқе бўлибди.

– Не эмиш?

– Бу ишга бош қўшган кишиларни жазолаш пайтида саййидларни<sup>1</sup> ҳам қатл эттирибди. Пайғамбар авлодлари адолат юзасидан тафтиш қилишни ёлбориб сўрашса-да, кулоқ осмай қатл фармони бериб юборибди. Ножўяси шуки, саййидлар дор остида туриб, Шохрух Мирзони дуойибад этишибди.

<sup>1</sup> Саййидлар – пайғамбар Муҳаммад алайҳиссалом авлодлари.

– Ҳай дариг!

– Хулласки, Ҳирийга қайтаётиб Райга тўхтаганида тўсатдан тоби қочиб, йўлда вафот этибди. Халқ бу ўлимни саййидларнинг қарғишидан деб билади.

– Эй воҳ! Бир ёқда Каъбага ёпинчиқ ёпса, бошқа ёқда саййидларни қатл қилса...

– Бу ёғи ундан ҳам ажаб, – деди хунарманд. – Малика Гавҳаршодбегим Шохрух Мирзо ила черикда экан. Шохрух Мирзо вафотидан сўнг қўшинни Абдуллатиф Мирзога топшириб, Ҳирийга – набираси Алоуддавлага “Пойтахтни мустаҳкамла” деб нома юборибди. Бундан Абдуллатиф Мирзо хабар топиб, ўз бувиси Гавҳаршодбегимни ҳибсга олиб, Жайхун томон йўл олибди ва Улуғбек Мирзога Шохрух вафоти ҳақида хабар жўнатибди. Алоуддавла эса султон Улуғбекдан ҳайиқиб, ўзини султон деб аташга журъат қилолмай, жумаларда Шохрух Мирзо номини хутбага қўшиб ўқитаверибди. Аммо Абдуллатиф Гавҳаршодбегимни ҳибсга олганидан хабар топгач, унга қарши қўшин йўллабди.

– Тўғри қилибди, чунки тукқан оносидир.

– Шохрух Мирзонинг вафотидан сўнг бир ярим ой ўтгач, Абдуллатиф Мирзо ҳали Нишопурда, тахт можаролари ҳал бўлмагани учун каловланиб турган маҳалда Алоуддавла қўшинига дуч келмиш. Алоуддавла уни асир олиб, Ҳирийга йўл солмиш, Абдуллатифни Ихтиёриддин қалъасига ҳибс қилмиш.

– Э тавба! – деди асноф, ёқа тутиб. – Мирзоларга не бўлган? Қарғиш тутгани рост чоғи?

– Малика Гавҳаршодбегим-чи? У хотиннинг қилмишларига ақл тонг қолади, – у ёқ-бу ёққа аланглади қосиб. – Ҳар иши фитна, ҳар ерни қўлга олмоқ истайди.

– Ундай дема, – деди хунарманд аччиқланиб. – Сен бир қосиб бўлсанг, ақлинг игнаю бигизингдан нари ўтмас. Гавҳаршодбегим маликаи киромдир. Бор-йўғи ўз авлодининг тахтга ўтиришини истайди, холос. Она авзойи ҳар доим шудир.

– Энди не ишлар рўй берар экан?

– Тахтга ё султон Мирзо Улуғбек, ё Абусаид Мирзо ўтиргайдир, чунки энди улардан қудратлироқ ҳеч ким йўқ. Халқ бошига қаттиқ кунлар келгайдир. Мирзо Улуғбек юмшоқ табиатли эди, Абусаид Мирзони эса беҳад қаҳрли, шафқатсиз киши дейдилар.

### ***АБУЛХАЙРХОН***

Қудратли Темучин<sup>1</sup> авлодига мансуб Абулхайрхон шу кез кўз етмас олисларга ясланиб кетган Дашти Қипчоқ овулларида бирида истироҳатда эди.

Абулхайрхон ўрта бўйли, елкалари кенг, пишиқ гавдали, қисик кўзли киши бўлиб, кентларда ўтирмоқни хуш кўрмас, аксар ҳолларда қўшин билан ётиб турар, давлат ишларини ҳам сайёр ҳолда юритарди.

Фақат... Номи шон-шарафга бурканган улуғ Темурбекка қадар улусларни бошқариш Чингиз авлодларига насиб этган бўлса, соҳибқирон Ҳақ раҳматига қовушганидан сўнг бу тупроқларга чингиз авлодлари яна кўз тика бошлашди. Бунинг сабаби Амир Темур салтанатининг сарватлари эди, албатта. Турли бўлукларга парчаланиб кетган Мовароуннаҳр ва Хуросон ўз куч-қудратининг сўнгги кунларини яшарди. Бироқ, шавкатли султонлар номи қаторида Абулхайрхон номи нега янграмасин? Тахту салтанатга чингизийлардан кўра муносиброқ яна ким бор? Бу – Абулхайрхон йиғинларида тез-тез тилга олинадиган мавзу эди.

Абулхайрхон шу тариқа Ёйиқ даштларида улусдан-улусга ўтиб, айёр арслон каби пайт пойлар, Румдан Дамашққача, Ямандан Озар ерларигача, Дашти Қипчоқдан то Ҳироту Самарқандгача ясланган мулкларни ўз ичига олган бир салтанат жорий этмоқни, дунёнинг энг қудратли ҳукмдорларидан бири бўлмоқни орзуларди. Бунинг учун кўкларни тилкаловчи чакмоқ каби кишиларни эсанкиратадиган бир жангу жадални қозониб, икки қудратли давлатни – Мовароуннаҳр-у Хуросонни қўлга киритиши керак бўлиб, шон-

---

<sup>1</sup> Чингизхон.

шараф ва иқтидор тимсоли бўлмиш Самарқанднинг фатҳ этилиши дунё мувозанатини чингизийлар томон оғдириши шубҳасиз. Бу ўйлар Абулхайрхоннинг томирини қиздириб, уйқусини қочирар, туну кун режа тузишга ундарди.

Мовароуннаҳр ва Хуросондаги вазиятни бир Абулхайрхон эмас, ёндош ва олис ўлкаларнинг ҳукмдорлари ҳам диққат билан кузатиб туришарди. Шероз ҳукмдори Жаҳоншоҳнинг ҳам ўй-хаёли Хуросонда бўлиб, дара-қирларни силовсин каби кезарди.

Амир Темурнинг невараси, Мироншоҳ ўғли Султон Абусаид темурий давлатни қаттиққўллик ила тиклаш ниятида эди. Кунлар ўтар, халқ кун кечириш заҳмати ила банд, амирлару беклар у султондан бу султонга ўтиб байъат қилишар, подшоҳлар мулкларни эгаллашар ва бой беришар, алам зўридан изтироб бармоқларини тишлашар, қаҳру ғазаб ва фитна ўтида ёниб, номи шон-шарафга бурканган қаҳрли бобокалон измидаги мулкларни қайтадан эгаллаш пайида тарафдор тўплашар, дунёнинг энг баракотли шу тупроқлари узра фитналар авж олган эди.

Уруш оловини ёқувчилар шафқатсизларча у фитна машъалаларига макр-хийла мойини қуйишар, ҳар бири ўз ҳукмдорини “Бу улуғ тупроқларга муносиб султон албатта сиз!” деб кўкларга кўтаришарди. Султон Шоҳрух Мирзо вафотидан сўнг, таомилга кўра, Хуросон тахтига султон Мирзо Улуғбек келиши лозим эди. Бироқ, Бойсунқур Мирзонинг ўғиллари Алоуддавла ва Абулқосим Бобур Мирзо, султон Улуғбекка қарши оёқланишди.

Ҳижрий 852-йил Хуросон мулкига шундай тартибсиз, бошбошдок кунларни олиб келди.

### ***ЧЎЛИ ИРОҚ***

Шу йили султон Мирзо Улуғбек ва Абдуллатиф Мирзонинг тўқсон минг кишилиқ қўшини Ҳиротга юрди. Тарноб деган жойда Алоуддавла мағлуб бўлди. Абдуллатиф Мирзо Ҳиротга келиб ўтирди. Бироқ, юраги кибру



ғуруга тўлган бу шахзоданинг ичини алам ва кин кемиранди. Сабаби, султон Мирзо Улуғбек Тарноб ғалабасини Абдуллатифнинг эмас, бошқа бир ўғли – Абдулазиз жасорати боис қозонилди деб эълон қилиб юборди, устига устак, Хуросон хазинасидан фойдаланишни ман қилиб қўйди. Бундан Абдуллатиф Мирзо қаттиқ ранжиди, кин ва алам тирноғини тишлаб гир гир айланди ва отасига қарши қўшин тортишни ўйлай бошлади.

Шаҳар-қишлоқларда ўз ҳолича кун кечираётган халқ дарду ҳасрати билан ҳеч кимнинг иши йўқ эди. Самарқанддан Ироққача бўлган мулкларда уруш оловлари ловуллаб ёнди. Гоҳ у, гоҳ бу ҳукмдорнинг қўшини кишилар мол-мулкани, чорва-анжомини сўраб ўтирмай тортиб олишарди. Алоуддавла ҳам, Мирзо Абдуллатиф ҳам эл тинчлиги, фаровонлигини ўйлаб ўтирадиган кишилар эмас эдилар. Шохрух Мирзо хизматидаги беклару амирлар тараддудда қолишди, уруш бекларининг баъзилари бошқа ҳукмдорлар хизматига ўтишган бўлса, бошқалари тарқоқликка юз тута бошлаган мамлакатдан олисроққа бош олиб кетишди. Не-не кишиларнинг азиз боши сиёсат тифи остида ўлим чуқурига юмалади.

Ажал чайқалмаларидан омон қолиш учун Амир Гиёсиддин оиласи ҳам Ироққа кетишни маъқул кўрди.

Ироқ саҳроси тошли-қумли бўлиб, баъзи жойларида шамол забтида тарам-тарам шакл олган сариқ қумлоқлар учрарди. Бу қум сал шабадада кўчиб, сув каби оқар, намни ўзида тутмас экан. Гоҳо ишқ авжида бир-бири билан тиккамасига қовушган илонлар, бадбуруш эчкеларлар, тезчопар қорақўнғизлару чумолилар кўриниб қолади. Кулранг-қизғиш юлғунлар тебранади, шоҳида ўқилон бўлади. Суғурлар имиллаб бораётган карвонга қараб тек туришади, карвон яқинлашганида тўсатдан ғойиб бўлиб қолишади.

Олдда, карвонбоши қаторида белида қиличи, елкасида ёй-садоғи билан кўриқчи навкарлар боришарди. Улардан ортроқдаги юк туяларидан бирида кичик бек Алишер, ёнида отда тағойиси Мирсаид Кобулий, сўнгра хотинлар ва юклар аравалари ортидан яна бир қанча навкар эргашган, дубулғалари гоҳо куёш нурида ярқираб кетарди.

Кун тиккадан ўтиб, саҳро ўзгара бошлаганида карвонбоши қўйнидан най чиқариб, лабига қўйди. Най навоси карвон, улкан ғилдиракли аравалар, хорғин туялар, чарчаган отлар, чайқала-чайқала бораётган кишилар узра ҳаволаниб, ажиб оҳанг пайдо қилди. Қуп-қуруқ қамиш парчасидан туялар кадам ларзониға ҳамоҳанг нола чиқишиға ақл хайрон қолмай илож йўқ, унинг оҳанги ўлим ва ҳалокат шарпасидан ҳайиқиб Ироқ сари йўл олган шу карвондагиларнинг руҳиятиға айни мос эди.

Карвонбоши – бошиға хол-хол куфия ўраб олган киши қоп-қора юзидаги ажинлари тиришиб, баланд, аммо хирқироқ овозда куйлаб юборди:

***Эй сорбон, оҳиста рон, к-ороми жонам меравад,***

***В-он дил, ки бо худ доштам бо дилситонам меравад...<sup>1</sup>***

– Воҳ-воҳ! – деб юборди Мирсаид Кобулий, жонланиб. – Саъдий Шерозий-ку?

Сўзлар завқ пайдо қилди. Гўё “ишқ балоси келиб, дил хунини сипқорди, орзуларимнинг истикболға интилувчи шерлари ҳалок бўлди. Қадахни бошимға қўй, оқшому саҳар куй, дунёи дун ғамини кўксимдан кеткур” демоқда эди оламда қачонлардир яшаб ўтган бир донишманд.

***Баргаиш ёри саркашам, бигзоиш айши нохушам,***

***Чун мижмаре пуроташам, к-аз сар духонам меравад.<sup>2</sup>***

Теварак, само, карвон, саҳро ҳаёти – буларнинг бари маълум-у аммо англономас бир танзим ила айланаётгандай, ғазал бағридаги ҳақиқатларнинг шарпалари билан дилға ҳайбат солишға уринаётгандек эди.

---

<sup>1</sup> *Эй сорбон, оҳиста юр, оромижоним борадур,  
Тандан дилу жоним олиб, ул дилситоним борадур.*

<sup>2</sup> *Саркаш нигоримдан жудо, айшу қарорим бебақо.  
Манқалда оташдек қаро дуд бирла қоним борадур.*

– Хўш, мунга не дерсиз, Қосим Анвор байтидек эмас-ку? – деб сўради Мирсаид Кобулий, жиянидан. Алишербек Қосим Анворнинг мураккаб ғазалларини ёқтирар, тўрт ёшидаёқ унинг бир рубойисини ёд олиб ҳаммани хайрон қолдирган эди. Шайх Саъдий ғазали эса хаётнинг ўзидай содда, нола-изтироблари барчага бирдай тушунарли, нозик санъатни мураккаб каломлар билан эмас, оддий сўзлар билан ҳам ифодалаш мумкинлигини кўрсатиб турарди.

– Манқалда оташдек каро дуд бирла қизил қонни хўб ўхшатмиш, – деб жавоб қилди Алишер. – “Қайт, кўзларимга қўй оёқ, эй дилфириб, кетма йироқ” байти ажойиб, бироқ, тупроқ аро ётиб кўкка кўз тиккан киши ҳолидан огоҳ айлабди-ю, сўнгида байтида барчасини рад қилибди.

Шундай деб, байтни ёддан айтди:

***Саъди, фигон аз дасти мо, лоиқ набуд эй бевафо,  
Тоқат намеорам жафо, кор аз фигонам меравад<sup>1</sup>.***

Мирсаид Кобулий жиянининг хотираси ўткирлигидан ва байтлар бағридаги санъатни тез илғаб олганидан ҳайратланиб, кўзларини катта очиб қолди-да, қўлини пешанасига текизиб:

– Кўз тегмасин, тўғри айтдингиз, – деди<sup>2</sup>.

Шу маҳал аёллар араваси ёпқичи очилиб, жория Қутбнинг тахтача билан арава ёғочини урган товуши эшитилди. Мирсаид Кобулий отини секинлатиб, уларнинг етиб келишини кутиб турди. Ёпқич ортидан оғачасининг овози келди:

– Мирсаид, сувимиз битди. Бир кўза сув келтирсанг эди.

– Хўб, оғачам, – деган эди, яна савол келди:

– Алишерим не қиладир?

---

<sup>1</sup> Қилма фигон, эй Саъдий, ҳеч арзимас ул бевафо,

Тоқатни қўймас бу жафо, ақлу имоним борадур. (Ш.Шомухамедов таржимаси).

<sup>2</sup> Қўл учини пешанага текизиши – Хуросон ва Ироқда ҳайрат ва хурмат ифодаси.

– Эй онамнинг ёдгори оғачам! – деди Мирсаид Кобулий жилмайиб. – Парвардигор сенга шундай ўғлон ато этганига шукр қил! Ҳозиргина Шайх Саъдий ғазалининг маъноларини очиб берди. Шайх Судурнинг дуоси ижобат бўлганга ўхшайди.

Оғачасининг мамнун кулимсираганини кўриб, бош ирғади-да, отини ортдаги юк араваси томон ниқтади.

Шайх Судур Ғиёсиддинбеклар оиласининг пири бўлиб, таомилга кўра, ўғлон туғилганида бир туя ва бир от атаб, ҳузурига борилган эди. Шунда Шайх Судур:

– Бу ўғлон руҳлар оламидан ёруғ дунёга рамазоннинг ўн еттинчи куни келибди. Парвардигори олам унинг жонини айни шу маҳалда ер юзига юборибди, ҳикматига нима ҳам дея олардингиз? Оламнинг сўнгги пайғамбарига ваҳий ва Қуръон шу куни туширилган бўлиб, Бадр ғалабаси ҳам шу куни рўй берган. Шоҳимардоннинг<sup>1</sup> азиз бошига худди шу куни қилич солиниб, шаҳодатга етишган эди...

Шундай деб, бир оз ўйланиб қолди-да, сўнг юзи ёришиб, “Унга гўдаклик чоғидаёқ ҳикмат ва илм ато этдик” оятини ўқиди.

Шайхнинг шу сўзлари сабаб бўлиб, унга Алишер деб исм берилди. Шайх Судур каромат қилганидек, гўдаклигиданоқ ўзининг мазмун ва мулоҳаза тўла сўзлари билан барчани ҳайрон қолдириб улғайди.

\* \* \*

Қум йўлининг ярми сахрою чўл орасидан ўтар экан. Сафар давомида иқлим алмашиб, иссиқсевар оғочлару буталар кўзга ташлана борди. Оламлар Парвардигори ер юзини турли-туман қилиб, ёйиб қўйганини кўринг! Ҳирийдан чиқилганида дурронийлар, пашожийлар, сангойиларга дуч келинган бўлса, энди бир замонлар қудратли Эрон салтанати тупроқларидан ўтиб борилар, то Астрободга қадар ястаниб кетган ушбу мулклар бир қанча вақтдан буён Амир Темур авлодлари ҳукмида эди.

---

<sup>1</sup> Шоҳимардон - Ҳазрат Алининг халқ орасидаги исми.

Сахро қўйнида, олисда масжид мезаналари, мадрасаларнинг улуғвор гумбазлари намоён бўла бошлади. Манзилга яқин қолган эди. Қаршида Язд чўли ўртасида яшилликларга бурканган жаннатмисол Тафт шаҳри кўринди.

Бу шаҳарда илк кўзга ташланган манзара – уйларнинг томларию бўғотларидан чиқиб турган узун ёғочларнинг кўплиги бўлди. Унинг номи “бағдур” экан, катталар шу ҳақда сўзлашиб боришарди.

– Бағдур ҳавони мўътадиллаштиришга қўйилгай, – деди Мирсаид тағойи.  
– Ёғоч намни ўзига сингдириб, ташқарига буғлатиб чиқаргай. Муни ёзда денг. Қишда терси бўлгай, яъни ичкарида қизиган ҳавога ташқарининг намини қўшгай. Тафт кишилари уни “шамол овчиси” деб ҳам атайдилар. Қолдики ҳаво ҳам берадур, чунки ичи бўш оғочлардан қўйилгай.

– Шамол овчиси не қилади?

– Шамолни овлайди, – деб кулди тағойи. – Бул навоҳийда шамол кўп эсади. Кишилари буғдойу тариқ янчмоққа шамол тегирмонлари кургайлар.

– Мунча нарсани сиз қайдан биласиз? – қизиқсинди Алишербек, тағойисининг билимларидан ҳайратланиб.

– Бир маҳаллар бир-икки кез чопқинга келиб эдик, – истамайгина жавоб қилди тағойи.

Карвон Тафт шаҳрига шомдан сўнг келиб қўнди. Карвонсаройда одам кўп эмас, буни четроқдаги бостирма остида бойлиқ турган отлару туялар саноғидан билса бўларди. Юклар туширилиб тамадди қилинганч, тун маликаси хоб чодрасини мусофирлар узра ташлади. Йўл чарчоғи боис, ҳамма тезда ухлаб қолди.

### ***ТАФТ. БИР АЖОЙИБ ЧОЛ***

Алишер тушида туялар кетиб бораётган сариқ саҳрони кўрарди. Шу билан бирга, Тангри таоло иродаси билан тушдан хушга ўта бошлаган онг бунинг сабаби кўзга тушган қуёш нури эканини билдириб, бола руҳидаги хавотирни кетказарди. Тўла уйғонганида қуёш бирмунча кўтарилиб, нур ҳалқоби ётоқдан ердаги гилам томон силжиб қолибди. Болакай ташқарида

бирова қарамасдан юз-қўлини ювиб, шундан сўнггина кичик боғчада маслаҳатга ўтирган тағойиларга салом берди, сўнг ичкари кириб, волида бека ва Қутб қошида нонушта қилгач, ўйинга рухсат олиб, карвонсарой ташқарисига чикди. Ўша ерда ўйнаб юрган, жануб қуёши қорайтирган уч-тўрт болакай Ҳирийнинг нозик табиати оқартирган Алишердан ётсирамай, ўйинларига қўшиб олақолишди. Ўйин “оқтуппи” дейилиб, ип билан ўралган туппак олисга отилар, ким илдам бўлса, биринчи бўлиб олиб келиши керак эди. Қорамағиз болалардан бири туппакни забт ила отган эди, ҳаволаб учиб бориб, бир боғ ичига тушди.

Туппакни излаб боғ ичига киришганида, у ерда ҳовлини айланиб юрган оппоқ соқолли, ҳассали қария уларни кўриб, қошига чорлади. Болалар ҳайиқиб ортга тисарилишди.

– Қочдик, танбеҳ бергайдир! – деди болалардан бири.

Алишер:

– Сабаб недирки, танбеҳ берсин? Балки бир нима сўрмоқ истар? – дея оқсоқолга яқин бориб, салом берди.

– Ваалайкум ассалом, – дея алик олди оқсоқол, қаршисидаги кичкина бежирим кавушчали, Ҳирийнинг “комрон” матосидан тўқилган енгил яхтак устидан юпқа камзул кийиб, ихчам салла ўраган тиниқ юзли, қора кўзларида заковат балқиб турган болакайга қараб кулимсираб. Кейин сўради:

– Юз-кўзингиз бу ер кишиларига ўхшамайди. Машҳадданми келурсиз?

– Йўк, Ҳиротдан, – деб жавоб қилди Алишер.

– Ҳай-ҳай, – дея ҳайратланди чол, гўё Машҳаддан эмас, Ҳирийдан келмоқ фаройиб бир иш каби. – Отойи-онойингиз бормилар?

– Борлар.

– Хўб яхши, – деди чол. – Қайга борурсиз?

– Ироққа.

– Ироқдасиз-ку? – яна кулди чол. – Хўш, мактаб борурмисиз?

– Борурмен.

– Не ўқийдурсиз?

– “Балоғат” ва “Калом” ўқийдурмиз.

– Китобларингиз недир?

– “Мутаввал”, “Ҳошияи тажрид” ва “Шарҳи фароиз”.

– Қуръонда қайси жузга келдингиз?

– “Таборақ”ка.

– “Таборақ” эмас, “Мулк”, – деди чол. – “Ал-Монеъ” ҳам дерларки, монеъ бўлгувчидур. Яна “Ал-Мунжия” деб ҳам атайдилар, нажот бергувчи, қабр азобидан қутқарувчи. Ҳатто дерларки, ўқилгани маҳал қанот қоққай, қаноти ила бандани тўсиб қолгай. Хўп, майли, у ҳолда, биронта кичик сура ўқинг-чи.

– “Таббат”ни ўқисам майлими?

– “Таббат” эмас, “Масад”дир. Унинг маъниси пишиқ ўрилган арқондир, – деди оқсоқол. – Арабчада “нахл”, форсчада кафдаст дейилгувчи оғочдан олинган чилвирдир.

– Мен англашингиз осон бўлиши учун “Таббат” дедим, – деди Алишер, бу сўзи билан чолни яна завқлантириб. Қисқа сура қироат қилинган, чол сўради:

– Нега Абу Лаҳаб тирик чоғидаёқ “ҳалок бўлди” деб айтилди?

Алишер жавоб берди:

– Энди унинг ўлик-тириклигининг аҳамияти йўқ, чунки ҳукми қиёматга қолмасданоқ ўқилиб бўлинди.

– Баракалла! – деб таҳсин айтди чол. – Лекин, “Таббат”даги “те” ҳарфи туя туёқлари остидан сочилган қум саси қаби бўлғайдир, – деб, унинг қироатидаги сезилар-сезилмас сакталиққа ишора қилди.

Шундай суҳбатлашиб туришар экан, Алишерни излаб чиққан тағойилар буларни кўриб яқин келиб салом беришди ва оқсоқолга таъзим қилиб, қўл қовуштиришди.

“Ё Оллоҳ! Ахир, бу киши Шайх ҳазратлари-ку!” деган шивирлар эшитилди.

Катталар билан бир муддат суҳбатлашилган, чол Алишерга ишора қилиб:

– Мен кеча Қум шаҳрига кетмоқчи эдим, бироқ ҳеч кутилмаганда туяларимиз дардга чалиниб қолди, – деди. – Энди билсам, бежиз эмас, мана бу заковатли ўғлон билан кўришмоғим учун экан. Мошоллоҳ, закоси ичига сиғмай, тўлиб-тошиб турибди. Ижозат берсангиз, ҳаққига бир дуо қилсам. Шояд Тангри таолонинг марҳамати билан фазилатли, ардоқли киши бўлиб етишса.

Шундай деб у қўлларини очиб, Алишер ҳаққига узундан-узоқ дуо қилди. Тоғдай-тоғдай тағойиларнинг қуллуқ қилиб туришлари ажаб эди. Гўё улар кичрайиб, чол эса ҳайбат касб этгандай туюларди.

– Кишилар дуо олмоқ учун олислардан йўл босиб келиб, у кишининг хизматига кирурлар, – дер эди Мирсаид Кобулий, бош чайқаб. – Тақдир иноятини қарангки, ўз-ўзидан шундай зотга рўбарў келдингиз, дуосига ҳам муяссар бўлдингиз. Агар мен бу кишининг суҳбатига келмоқ истасам, ё қабул қилардилар, ё йўқ...

Шундагина Алишер у хушсурат чолнинг “Зафарнома”ни битган фасохатда тенги йўқ аллома Шарафиддин Али Яздий эканини билди.

У хушмуомала қария билан яна суҳбат истаги анча вақт юрагини чулғаб юрса-да, бироқ, Тафтда бир неча кун қолиб кетишганига қарамай, қайта кўришиш насиб бўлмади. Гўё тақдир у чолни Алишер ҳаққига дуо этиши учунгина дуч келтирган, фалак муншийси фалокат ва кўргиликларни ўнглаб кўяётган, тақдир ажойиботларини бирин-кетин намоён қилаётгандай эди.

\* \* \*

Йўл узра манзаралар алмаша борди. Тафт уйлари Ҳирийдаги каби пахсали, усти қамишли, “деҳ” деб аталадиган боғу боғчали, айвонли бўлса, Язда қоятош устига қурилар экан. Гилон ва Мозандаронда эса ёғочдан тикланиб, томига похол қубба қилиб босилар экан.

Бир қишлоқда аввалдан ҳозирлаб қўйган кичкина, кўримсиз боғчага тушилди. Ашё-анжомлар жойлаштирилгач, истироҳат вақтида теваракни томоша қилишга фурсат бўлди.



Ироқ шамоллар муттасил эсадиган мамлакат бўлиб, кунчиқардаги Арнан тоғининг оқ қорлари, кўк музлари ёзда ҳам кўриниб турарди. Тоғдан икки дарё оқиб тушар, оти Гармсир ва Сардсир экан. Бу эл кишилари патирни тошга ёпиб “сангак”, ҳурматли меҳмонга атаб ёпиладиган кунжутли кулчани “барбари” дейишармиш. Яздийларнинг паҳлава, хотаб, пашмак, шунингдек, Ҳамадон тариғидан қилинган нони, Исфаҳон, Кирмон ва Шероз ҳалволари машҳур экан.

Яна бири – бу халқ ҳам Ҳирий аҳли сингари мусиқийга ўч, бот-бот танзим этиладиган наво кечаларида даф, най, уд, танбур, ғижжак ва барбат садолари эшитилиб қоларди. Шунингдек, оддий кишилар орасида “бахтиёрий” деган усул машҳур бўлиб, тоғу тошлар манзараларини, оқар дарёлару шамолда чайқалган дарахтлар сасини, сафарга чиққан йўловчи руҳиятини ифодалаш билан бирга, ғамгин эди. Мунгли кўшиқ нечун “бахтиёрий” деб номлансин? Халқ орасида шодон кўшиқлар оз, савтлар нима учундир қайғу-аламларни ифодалар, куй зарби-ю нақшлари Ҳирий зарбига яқин, бироқ ҳаволанишида фарқ бор: Ҳирий мусиқаси бир маромда ҳаволаниб, мавжлана-мавжлана таназул этса, Ироқ мусиқасининг икки-уч авжи бўлиб, булар ўз-ўзидан ушбу мамлакат халқи ҳаётини тамсил этаётганга ўхшарди.

### ***ДУМЛИ ЮЛДУЗ СИРИ***

Ироққа келинганидан сўнг икки-уч ҳафта ўтиб, тағойилар “Хилватда жонимиз сиқилди-ку” дея, ўр-қирга овга чиқишди.

Бир қанча вақт кезишлардан сўнг қуш уриб олишди. Ҳар иккаловининг ҳам чақмоқтоши бор экан, Алишер тағойиларининг майда титилган ип ўрами билан олов ёқишларини томоша қилиб ўтирди. Олов ёқилиб, ўлжалар юлгун шохидан қилинган сихларга тоблаб пиширилди. Бир қанча ов эгарга осиглиқ, аҳли аёлга деб сақлаб қўйилди. То еб бўлингунча осмон юлдузларга тўлиб кетди. Улар гўё қуёш ўз жамолини беркитгани маҳал, само йиғламоққа тушганида пайдо бўлган соф кўз ёшлари каби жимирлашарди.

Бу ўлканинг юлдузлари Ҳирий осмонидагидай эмас, балки янада кўпроқ ва жимирловчироқ экан. Гўё юлдузлар анжуман тузгандек эдилар. Сарик-қизғиш сахро осмони жуда яқин, Сомон йўли эса ранго-ранг экани шу чўлда билинди: Ҳирийда бир тусда туюлган Сомон йўли Ироқда майин-кўкимтир, баъзи ерлари эса қизғиш чангга бурканиб кўринарди.

Бу манзарага ҳайрат ила боқиб турар экан, тўсатдан Сомон йўли орасида ёруғ бир юлдуз пайдо бўлиб, ҳаракатлана бошлади.

– Тағойи, қаранг! – деб қичқирди Алишер. – Анави юлдузнинг худди кучукча каби думи бор экан!

Мирсаид Кобулий у кўрсатган томонга қараб қолди. Ҳақиқатан ҳам ўзга юлдузлар оралаб ёруғроқ бир юлдуз учар, куйруғи тикка кўтарилган эди.

– Во ажаб! – деб хитоб қилди Мирсаид Кобулий. Думли юлдузнинг кўринмоғи киши ўғлига саодат ё фалокат олиб келиши кишининг буржи, буржларнинг фалак тоқидаги вазияти ва юлдуз думининг қай тарзда эканига қараб башорат қилинишидан хабардор эди. Ироқ аҳли юлдуз думининг тепага ёхуд пастга қараганига, қалин-юпқалигига қараб фол очишарди. – Қаранг, юксалгандан юксалмоқда. Барча юлдузларни куйида қолдириб учмоқда!

Ҳақиқатан ҳам, учар юлдузлар аксарият куйига қараб шўнғиса, Ироқ осмонига чиққан бу юлдуз куйидан юксакка қараб интиларди. Бир оздан сўнг Сомон йўлини оралаб ўтиб, буржлар орасида яна учишда давом этди.

– Ёлғизлиги ажаб экан, – деди Алишер, юлдуздан кўзини узмай. – Мунчаси тек туриб, нега биттаси учди экан?

– Хўш, нега?

– Унинг бошқа юлдузларга қараганда ўзга вазифаси бўлса керак, – деб жавоб қилди Алишер.

– Жонимнинг эгаси бўлмиш зотга қасамки, мўъжиза юз берди! – Мирсаид тағойи жиянини маҳкам кучиб, пешанасидан ўпди. – Айтадиларки, ким куйруғи тиккага кўтарилган думли юлдузни ҳаётида уч карра кўрса, фирдавси аълога кирармиш. Тангри ҳеч шубҳасиз, билгувчидир. Жоним-

жигарим, бизлар оддий навкарлармиз. Шояд шундай бўлсаки, Тангри таоло сизни нафақат бизнинг, балки башарнинг хаёлига келмаган мартабаларга кўтарса.

Алишер тағойининг меҳру мухаббатга тўла сўзларига кулиб бош ирғаб кўйди. Ироқ унга мана шундай ғаройиботларни ҳады этди.

Бу ернинг қиши, баҳорию ёзи Ҳирий мавсумларига ўхшамас, бегоналиги билан бирга, ўзига хос гўзалликлари ҳам бор эди. Мисол учун, Ироқ чўли баҳорда турфа анвойи чечак билан то уфққа қадар қопланар, ҳар тарафга оқ, кўк ва сариқ тиканларнинг қоришиқ иси тараларди. Ёз жазирамаларида кумилон судралиб юрганини, суғурлар қаққайиб, саъва учишини, аҳён-аҳён содир бўладиган қум бўронлари аро туяқоринлар юмалашини кўрса бўларди. Кундузлари кумнинг исиши қизиқ туюларди, тунда, совийтган маҳалида ўз бағридан читирлаган саслар чиқарарди.

Дашт болалари чўл янтоғининг илдизи чуқур бўлишини айтиб беришди. Янтоқ танасини кесиб, бағрига ўша ерларда бўладиган “ғумия” дейилган тарвуз уруғини суқиб кўяр эканлар, шунда жонсиз қумлар орасида сувсиз тарвуз етилар эмиш.

### ***ОРАЗИН ЁПҚАЧ...***

Орадан икки-уч кун ўтиб, Мирсаид Кобулий Алишерни ўзи билан Қум саёҳатига олиб кетди.

Пули Гарм, Ризвон каби яшил қишлоқлардан ўтиб борилгач, баҳайбат жуссали, қора қошлари бир-бирига туташиб кетган бир сипоҳийнинг боғига тушилди. Қум шаҳрининг табиати яна ўзгача, бу ернинг кишилари ҳам араблар каби ғалабия кийиб, юз-кўзларини “ғутра” дейилган рўмол ила ўраб, туя миниб юрар эканлар.

Мирсаид Кобулий от устидагидай чайқала-чайқала юришларидан, ёй ипи ва қилич дастаси дағаллаштирган кафтларидан навкар эканлиги билиниб турган кишилар билан ҳар куни бир нималарни муҳокама қилар, суҳбат

асносида гоҳ-гоҳ Ҳирий номи эшитилиб қоларди. Ҳар ҳолда, Ироқ сипоҳийлари ила Хуросондаги вазият муҳокама қилинарди.

– Ҳирий кўчаларини Азроил кезиб юрибди, – дейишарди улар. – Султон Абусаид тўрт кичик мирзони қиличдан ўтказибди. Салтанатга яса бўйича ким даъвогар бўлса, барчасининг бўйин томирини кесишга аҳд қилибди.

Ироқ жазирамалари барчанинг жонига теккан, ҳамма сўлим Ҳирийни кўмсар, бироқ, боришнинг ҳам иложи йўқлигидан сўзлашарди. Алишер бу суҳбатларни эшитгиси келмай, боғ оралаб ўтиб, руд қошига борди.

Ирмоқ кумуш томчиларни сачратиб оқарди. Алишер теваракни томоша қилар экан, кўз ўнгида бир кичик қурт пилла ўраётганини кўрди. Сал нарида эса салласини бошига кўтариб қирмизи-ю сариқ гуллар тизилишибди. Буларни завқ ила томоша қила-қила, боғ четига келган эди, қаршидаги яйдоқлик ва ундан сўнг ястаниб кетган охири йўқ чўл узра қуёш ботаётганининг баҳайбат манзараси қаршисида қолди.

Боягина оламга аланга сочган қуёш олови сўнаёзган, қоқ тиккада оппоқ ловуллаган кун тобора сариққа ўзгариб, ниҳоят қирмизи тус олган, қараган кўзга ловуллаётган гардишию теграсидаги қизил алангаси яққол кўринарди. Қарши тараф кўз етмас олисларга қадар ясланиб кетган, Чўли Ироқ шарқи эса қоронғилашган ва қуюқлашган, ажабки, бу масканлар туни қора эмас, балки кўкимтир тусда бўлиб, у ерда ҳозиргина бир юлдуз ожизона милтирай бошлаган эди.

Учқур хаёл шу митти юлдузчани ўзига, қуёшни эса волида бекага қиёслади. Меҳру шафқат қуёши ботар экан, у юлдуз кўз ёш сингари ожизона милтирамоқда эди. Яна бир оз вақт ўтгач, шамсул-анвор уфқ ортига тамомила ботди, тарам-тарам шафақлари булутлар остини қизғиш ёғдуга бўяди, осмон босиб тушганга ўхшаб қолди.

Шом кундуз босимини озайтириб, енгиллик ола келди. Қизғиш ёғдулар заифлашиб ғойиб бўлар экан, нимтатир-кўкимтир туслар қолганида, юлдузлар кўпая борди. Қушларнинг шом сайроғи тинди. Само юлдузлари қароқдан сизиб чиққан мусаффо ёш томчилари каби бўлиб қолди ва ушбу

кун ботиши, меҳр қуёши, қорамтир-кўкиш само ва жимирловчи юлдузлар унга ажойиб ташбеҳ ҳады этишди. Қуёш ботгач, уни соғиниб йиғлагувчи бола кўзидан сочилган ёшлар тасаввурда юлдузларга айланди.

Бу гўзал ўй энди шеърга айланиши керак эди.

Юлдузлар боқий эмаслар. Вақти келгач, “Бас, қачонки, юлдузлар сўндирилгач” қавлига мувофиқ, чўғ каби сўниб битарлар. Шунингдек, қуёш-у ой, тун-у кун ҳам мангу эмасдир. Маҳшар куни албатта жойларидан силжийдилар ва ўралиб-нурсизланадилар. Тангри таоло мўъжизаларидан бири бўлмиш сўз эса мангуликка айланиб, маҳшардан сўнгра ҳам ҳаётини давом эттиради. Сўз воситасида шу жонсиз юлдузларга-да жон ато этилиши ҳодисаси юз бераётган эди.

Гўё дунёга янги келган бўталоқ каби, янги гул очган чечак каби, ғунча қабоси остидан кўринган гул шойиси каби, денгизлар узра ҳосил бўлган ёмғирли булутлар каби, тухумдан эндигина чиққан куш полапони каби, йўқ-йўқ, Тангри таоло иродаси билан ер юзига келган Исо каби, истеъдод оламларидан ёруғ дунёга янги шеър меҳмон бўлиб келмоқда эди. Манзаралар унинг тасаввурида бирлашиб, илҳом қуюнини ҳосил қилди ва фикрлар шитоб билан сўз либосларига ўралди. Ҳар бир сўз оҳанги, ҳижоси, узун-қисқалигига қараб, вазн мавжларига бир-бир ўрнашди:

***Оразин ёпқач кўзимдин сочилур ҳар лаҳза ёш,***

***Бўйлаким пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлгоч қуёш...***

Ҳозирча бу бор-йўғи бир байт, ёш болакай шуурида пайдо бўлган гўзал бир ўхшатиш бўлса-да, айтилган сўз фалак тоқига юксалганига, котибул-киромлар<sup>1</sup> уни мукамал ёдлаб олишганига шубҳа йўқ. Тафтнинг бағдурию ироқ деҳқонининг пирохани, Қум қуёши-ю қайноқ самум шамоли, боғнинг кўнғир тупроғи узра уруғларини бошларига кўтариб унган, шу туришида лахта-лахта юрак қонига, яъни парголаларга ўхшаб кетадиган лолалар, шу

---

<sup>1</sup> Котибул-киромлар, яъни ҳар инсоннинг икки елкасида бўладиган котиб малаклар.

билан бирга, айна дамга қадар кўрилган, билинган, ҳис қилинган сон-саноксиз таассуротлар қаторида ёш ҳофизадан ўрин олган, мангуликка муҳрланиш фурсатини кутиб, саф-саф тизилиб улгурган эдилар.

Тафт оқшоми Алишер деган болакайга шу тарз шеър ҳадя этди.

### **ҲИРИЙ АЗИМАТИ**

Орадан икки йил ўтди.

Салтанат урушлари тахтасига ўзга шоҳ ва сипоҳлар терилди. Султон Абусаид Дашти Қипчоқ ҳукмдори Абулхайрхон билан иттифоқ тузиб, Самарқандни эгаллагани он, бошқа бир султон – олийжаноб ва нозиктаб Абулқосим Бобур Мирзо Ҳирийга кирди.

Ҳирий аҳли шод, чунки Султон Абулқосимнинг адолатпарварлиги, мазлум бошини силаши тилларда дoston эди.

Шунингдек, Ҳирий бағрида оловдай ёнгувчи, зийраклик ва чакқонлик бобида Искандари соний бўлиб етишгувчи яна бир ёш ҳукмдор – Ҳусайн Мирзо ҳам улғайиб келмоқда, жангу жадал илмининг усталари у йигитчага харбу зарбнинг махфий сирларини ўргатмоқда, илм кишилари фан зилолини олийнасаб ақл косасига қуймоқда эди.

Айна кез эса, бағрида Алишер деган гавҳарни жо айлаган Ғиёсиддинбек карвони бу хушxabардан шодланиб, Ҳирийга қайтарди.

Туялар, отлар ва хачирлардан иборат карвон кун ниҳоятда иссиқ бўлгани учун кечаси юриб, кундуз истироҳатга толарди.

Туя кажавасининг бир томонига юкларни, бир томонига Алишерни жойлаб қўйишди. Сахро ҳайвонининг бир маромда лўкиллаши, турфа товушлар, карвонбошининг ҳар замонда “Таҳ! Таҳ!” деб овоз бериши, туя туёғи остидан чиқаётган қум саслари, кўкка сочилиб кетган юлдузлар, чек-чегарасиз ҳудудларга майин ёғдусини сочаётган тўлин ой... буларнинг бари ихтиёрсиз равишда уни аллалаб, ўз оғушига тортарди. Карвондаги олтмишларга кирган қотма дурроний чол ўзича бир нималарни хиргойи қилиб борарди:

*Ай қавме ба Ҳаж рафта кужоед, кужоед,  
Маъшуқа инжост, биёед, биёед...<sup>1</sup>*

Сўзлар олис сафарга отланган қавм холидан хабар бермоқда эди. Тасаввур тоғлару дарёлар, қумлару сахролар машаққати аро яқинларидан айрилиб йўлга отланган кичик карвонни ҳам жонлантирди. Сарғиш деворлар орасидан чиқиб келган нур юзли бошқа бир киши эса унинг мазмунини шарҳламоқда эди: “Ҳой, ҳажга отланган қавм, қаён бормоқдасиз? Ахир, сиз излаган маъшуқа бу ерда-ку, келинг бу ёна сиз...”

Маъшуқа ким? Унинг ҳаж ила не алоқаси бор? Нечун сафарга отланган бутун бошли бир қавмга “Шошманг ахир, маъшуқангиз бу ерда-ку” дея хитоб қилинмоқда?

Шу маҳалгача кўрилган, эшитилган ўқилгану ҳис қилинган мазмунлар унинг ёш онгида бир саф бўлиб тизилар, “Мантикут-тайр” ҳайратлари, Қосим Анвор байтлари, Саъдий фиғонларию ҳозиргина эшитилган шу ғазал маънолари, сахро тунни, олис юлдузлар, совий бошлаган қум исини олиб эсаётган шабада сезилар-сезилмас айланаётган фалак чархи қонуниятларидан сўзларди.

Шундай сезгилар билан кўзларини тобора уйку чулғаб борар экан, Алишер қумга йиқилиб тушганини ўзи билмай қолди. Бир тўлғониб, иссиқ қум бағрига бошини қўйиб яна уйкуга кетди.

Уйғонганида куёш аллақачон кўтарилиб, теваракни қиздира бошлаган экан.

Не ҳодиса рўй берганини англаёлмай, ҳайрон бўлиб атрофга аланглаб, ён-верида ҳали кўмилиб улгурмаган карвон изларини кўргач, воқеага тушунди. Бепоеъ сахро бағрида бир ўзи, нимадир бўлиб туядан тушиб қолибди-ю, бошқалар буни пайқамасдан йўлда давом этаверибди.

Сахро бутун ҳайбати билан мурғак болакай қаршисида ястаниб ётар эди.

---

<sup>1</sup> Мавлоно Жалолиддин Румий газали.

У аввало юз-қўлини ювиш учун сув излади. Кейин чанқоқ забтига олаётганини сизди. Афсуски, ҳеч қаерда сув йўқ эди. Олисроқда эса, иссиқда живирлаётган сариқ қум ҳовури аро бир нима қорайиб кўринарди.

Алишер ўша қорайиб турган нарсага қараб йўлга тушди.

Қум оёқлар остида сочилиб, майин товуш чиқарар, бу товуш Язддаги машҳур олимнинг “Таббат” сурасини ўқиганидаги ўғитларини ёдга соларди. “Таббат” сўнгидаги “те” товуши худди туя туёғи остидан сочилган қум товуши каби сирғамчил, майин бўлиши керак”, деб уқтирган эди мавлоно.

Аммо “Таббат” бутунлай бошқа ҳодисадан баҳс этгани каби, ҳозир “Ҳалок бўлди Абу Лаҳаб” дея саҳро узра хайқираётганга ўхшарди.

Узоқдаги нарса сувқовоқ экан. Саҳро кичкина нарсаларни олисдан катта қилиб кўрсатишидан хайратга тушди. Сувқовоқдаги сувнинг лаззати гўё Замзам сувидай эди.

У белбоғини ечиб, бошини ўраб олди. Қуёшнинг ранги ўзгарди, сариқдан оқ оловга айланди. Самонинг мовийлиги кетиб, оқарди. Фақат Шом томоннинг қорамтирлиги ҳали кетмаган, гўё тун ўша томонга яшириниб олгандек эди.

Шунингдек, “Мантикут-тайр” саҳроси ҳам ёдга келди. Бироқ, у саҳро қанчалар тор ва зик, бу саҳро эса сўнгсиз ва хайбатли. У саҳронинг қушлари фасоҳатли ва фозил, бу саҳроники эса шиддатли, тез учадиган экан. Жуда баландда бир бургут қанот қоқмай айланарди. Ундан кўз узмай бораётган Алишер бургутнинг тўсатдан пастга шўнғиганини ҳам кўрди. Ўқдай отилиб тушган қуш бир нимани овлаб, тиккамасига ҳавога кўтарилиб кетди.

Яна бир оз юрилгач, олисда жимирлаб сароб пайдо бўлди. Юздан ортик киши туяларда қайгадир йўл олишган эди. Еру осмон оралиғида муаллақ карвон саҳро яллиғида имиллаб йўл босарди.

Саҳро жазирамасининг ҳовури ва нур ёғинлари офат даштига етгандек эди. У навниҳол вужуд намини бирпасда сўриб олди. Оғиз қуруқшаб, хатто кўз ҳам қурий бошлади. Қадам ташлаш оғирлашди. Рўпарада бўй чўзган бута соясига етиб тин олмоқни хаёл қилиб одимлар экан, шу аснода ҳўв узоқда от



чоптириб келаётган отликни элас-элас илғадию онги яна иссиқ ҳовур бағрига чўмиб кетди...

Кўзини очганида у ўзини тағойининг бағрида кўрди. Карвон тўхтаган, отлар ва туялар орасидан “Болам!” деган нидо эшитиларди. Онаизор боласи туядан тушиб қолганини билгач, ҳар тарафни нидога тўлғизиб “Кўзим, ёлғизим” дея, тўққиз пардасидан чиқиб, бурқаю хижоби бир ён бўлиб “Вой, риштаи жонимга пайванд!” дея, кум узра қийнала-қийнала чопиб келарди.

Мир Ғиёсиддинбек завжасининг Алишер ёнига етиб келиши, боласини бағрига босишига қараб турди-да, қисқа қилиб:

– Аравага олингиз! – деб карвон илғорига қараб кетди. Жангу жадаллар устаси, ҳар ишларни кўравериб дийдаси қотиб кетган бу киши туйғуларини ташига чиқармади, зотан, “Ўлмоқ ҳам, қолмоқ ҳам Тангри ихтиёридадир” ҳикмати унинг учун ҳаёт қонуни эди.

Аслида Амир Ғиёсиддинбек бу воқеадан севинди. Ёдига Амир Темур бошдан кечирган бир воқеа тушди. Айтишларича, Темурбек Хуросонга қилган юришларининг бирида Хавоф қасабасида Тангри таоло ўз лутфлари билан тақдирлаган, билимдон, олим, улуғ ва фозил, зоҳир кароматли, ҳадсиз эзгуликлар эгаси, ширинсухан, соф мақом, содиқ кашфиёт, Аллоҳ билан муомалалари сидқидил бир киши борлигини эшитган эди. У Шайх Зайниддин Абу Бакр деб аталиб, унинг ижтиҳод қуши учун Қудс боғида энг олий гўша бордир, дейишарди.

Темурбек шу шайх дуосини ният қилиб, ўз жамоаси-ла унинг ҳузурига юзланди. Шайхга «Темур сенинг дийдорингни кўриш ва баракангни тилаш учун ҳузурингга келаётир», дедилар. Лекин шайх бир сўз ҳам айтишга улгурмасданок Темурбек етиб келди ва отдан тушиб, шайх ҳузурига кирди. Шайх эса ўз одатича гиламчаси устида чуқур фикрга чўмган ҳолда ўтирар эди. Темур унга яқин келганида шайх ўрнидан турди. Темурбек эса жадал бориб шайхнинг оёғига бош урди. Шунда шайх Темурбекнинг елкасига икки қўлини қўйди. Темурбек кейинчалик деди: «Агар шайх елкамдан тезлик билан қўлини олмаганида, чиндан ҳам мени босиб қолади деб ўйлаган эдим.

Мен ўзимни гўё осмон ерга узилиб тушгану еру осмон ўртасида янчилиб кетгандек тасаввур қилдим». Кейин бу мумтоз киши ҳузурда одоб билан тиз чўкди ва ўз суҳбатини мунозара эмас, балки савол тарзида тузиб, лутф билан унга: «Эй мухтарам саййид, шайх! Нега сиз ўз подшоҳларингиз жабру зулм ва ғазабга мойил бўлмай, адолат ва инсоф юзасидан иш тутишларини амр қилмайсиз?» деди.

«Биз уларга шу нарсани амр қилиб, бундан муқаддам шуни изҳор этган эдик, – деди шайх. – Лекин улар бу амрга кулоқ тутмадилар, шу туфайли улар устидан ҳукми сенга топширдик».

Ўша он Темурбек шайх ҳузурдан чикди ва деди: «Каъба эгаси номи билан қасам ичаманки, энди мен бутун дунёга эгалик қилдим!»<sup>1</sup>

Алишербек ҳаётида ҳам шунга ўхшаш ғаройиб ҳодисалар рўй берди. Фалак чархи фалокат чамбари ичидан марҳаматларни чиқариб юборди, худди “Тирикка ўликни, ўликка тирикни киргизгани” каби, кўргиликларни яхшилиқларга айлантириб қўйди. Яъни, жон сақлаш илинжида мол-мулкани қолдириб Ироққа йўл олган кишилар сафидаги кичик болакай мавлоно Али Яздий дуосига мушарраф бўлди, думли юлдуз келажагидан хабар берди. Сахро ўртасида карвондан ажралиб қолиши ва ота-онаси бағрига соғ-омон қайтиши яна бир ғаройиб ишга ишора бўлса ажаб эмас...

\* \* \*

Ўтган вақт мобайнида амир боғи қаровсиз ҳолга келган, ҳар тарафда ёввойи ўтлар ўсиб ётарди. Гиёсиддинбек теваракни айланиб чиққач, хизматкорларга боғни орасталашни тайинлаб, ўзи саройга жўнади. Алишер эса тағойи билан бозор айланиб, рўзғор ашёларини олиб келишга кўмаклашди. Икки йил ичида мадинатус-соний, яъни темурийларнинг иккинчи пойтахти анча путурдан кетган, аввалги озодалигу тартиб йўқ, кишиларнинг юз-кўзларида, либосларида парокандалик сезиларди. Савдога сира қўл урмайдиган тоғ қабилаларининг кишилари тирикчилик боиси бозорга бир нималар олиб келишган, Ҳирийнинг сурбет тужжорлари уларни

---

<sup>1</sup> *Ибн Арабшоҳдан.*

мазахлаб ўтиришарди. Ҳозиргина бир неча қопдаги тоғолчани сувтекинга бериб юборган у кишилар тушунарсиз тилда ўзаро бахслашиб, ёнларидан ўтиб кетишди.

– Булар сангойилар, жуда уришқоқ қабила, – деди Мирсаид Кобулий. – Бир-бирини савдони тушунмасанг сенга Ҳирийда не бор эди, деб маломат қилмоқдалар. Уларнинг нуфузли мухтарам қариялардан оқсоқоли бўлади. Ўша не деса бас, на ўлимга, на қолимга қарайдилар, ҳар офатга кириб кетабергайлар. Кўрмайсизми, замона шундай кишиларни ҳам бозорга йўллабди!

Тоға-жиян рўзғор ашёларини харид қилиб, икки ҳаммолга кўтартириб боққа қайтиб келишди.

Кечга яқин Гиёсиддинбек боғида зиёфат тузалди. Зиёфатга Мансур масхара деган ажаб қилиқли киши ҳам чорланган экан. Гиёсиддинбек масхараларни ёқтирмас эди, шу сабаб узр айтиб қайтариб юборилди. Муסיқий устоди Ғарибий ажиб наволар тузди, боғ узра уднинг нозик садолари ҳаволанди.

Падари бузруквор билан Мирсаид тағойи даврадан четроқда бир нималарни сўзлашиб туришар эди. Салдан кейин улар ҳам тўпга келиб қўшилишди.

– Ҳой кичик баҳодир, келинг мунга, – деди Мирсаид Кобулий, Алишерни чорлаб. – Нафис суҳбатлардан баҳраманд бўлинг.

Ҳирий жамолига яна етишмоқ барчани шодлантирган, шу сабаб, ҳафсала билан мўл-кўл зиёфат тузалган эди. Дастурхонда ҳозир лаззати билан донг таратган Ҳирий қирғовуллари, какликлари ва беданалари қаторида Ироқдан келтирилган норинж, лиму каби нодир мевалар ҳам катта табақларда тўла турар, узун ингичка оғизли кўзачаларда гулоб аралаштирилган шарбатлар пайдар-пай келтирилар, барчанинг кайфияти аъло эди.

Мирсаид Кобулий “Бу фаровон зиёфатга назм ярашурми?” деб сўраган эди, Гиёсиддинбек бош ирғади. Мирсаид Кобулий “Муни тинглангиз” дея, ёддан бир туюк ўқиди:

*Эй муҳиблар, етсангиз гар ёза сиз,  
Гул адоқинда хуморе ёзасиз,  
Гар мен ўлсам, турбатимнинг тошига,  
«Куштаи бир шўх<sup>1</sup> эрур» деб ёзасиз.*

– Сизнинг кушталикларингиз ҳам, шўхлигингиз ҳам эл аро машхурдир, туюқ ила уни яна бир бора айтишга ҳожат йўқ, – деб кулди аҳбоблардан Али Дарвеш. – Шўхликни ҳадеб таъкидламасдан, бир рўзғор қилишнинг айна фурсати.

– Сарбоз ҳаётига рўзғор не даркор? – деди Мирсаид Кобулий. – Икки кунининг бирида ё чопқинда, ё босқинда бўлсак, қолишимиз ё кетишимиз номаълум. Бола-чақа қилиб етим сонини орттириш не ҳожат? Шўхлик эса чўрилару жориялардан ортмас. Бир мени десангиз, Муҳаммад Алининг рўзгори ҳам шундан ортиқ эмас.

Муҳаммад Али бу даврада ёши кичикроқ бўлгани учун одоб сақлаб куйироқда ўтирарди. Давра уни ҳам шеър айтмоққа чорлаган эди, пастроқ овозда шуни ўқиди:

*Дарди ҳолимдин агар гофил, агар огоҳ эсанг,  
Ҳеч гамим йўқ, сен манга гар дилбару дилхоҳ эсанг.*

– Сен ашъорни яхши айтасан, ҳам мусиқий уни-ю усулини офарида айтасан, ҳам хатни хўб битасан. Настаълиқда сендай мукамал хаттот кам. Бироқ, форсча байтинг туркчадан мукамалроқ чикмиш, – деди Мирсаид Кобулий инисига.

Шундан сўнг туркча, форсча ва арабча ҳақида баҳс кетди.

– Сортлар туркчани черик тили дебдилар, – деди Кобулий. – Ҳарбийда иш бир неча сўз ила битгай. Шу боис кимдир шунга қараб, туркчани

---

<sup>1</sup> *Куштаи шўх* – шўх дилдорнинг қурбони.

камситибди. Қолдики, ашъорда эл тилидаги достону равишларни мисол қилиб келтиришади, туркчанинг ўз савти йўқ дея. Вахоланки, туркчанинг шундай хўб ва ажаб сўзлари бордирки, ўзгаларда йўқ, – деб бир байт ўқиди:

*Ўт агар сувни куюрмас бўлса, эй жони жаҳон,  
Не учун бу Лутфийнинг жонин дудоқинг куйдурур?*

– Ўт деб ёр дудоғининг қизиллигига, сув деб ўзининг ҳақирлигига ишора қилибдилар. Бу санъатни кўринг! Ўт сувни куйдирмас эди-ку, менинг жонимни нечун куйдирмоқда?

Алишер бу сўзларни қизиқиб тинглар, ҳар бир айтилган байт ёдида муҳрланиб қолмоқда эди.

– Тағойи, – деди бир оздан сўнг. – Бир нима сўрасам рухсатми?

– Сўрайқолинг.

Тағойи Мирсаид Кобулий бир сўз айтмоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эди, жияни:

– Мен ҳам бир ғазал битиб эдим, – дегач, баланд овозда:

– Эй сўз! – деди икки қўли билан оғзини тўсиб. – Онг тубларида пайдо бўлиб, эндигина дунёга чиқишга чоғланиб эдинг! Кичик бек ғазал айтмоққа чоғланса, сенга йўл бўлсин! Тил устига чиқма, турган жойингда қол!

Даврада яна самимий кулги кўтарилди.

– Куштаи шўх яна бор эканми? Тағойига тортибсиз-да.

– Сиз ҳам соҳибжамоллардан баҳс этдингизми?

Алишер юзи хиёл қизариб, андак тортиниб, ёддан ўқиди:

*Оразин ёпқач кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш,  
Ўйлаким, пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлгач қуёш...*

*Қут бир бодому ерим гўшаи меҳроб эди,  
Форати дин этти ногаҳ бир балолиқ кўзу қош...*

Давра жимиб қолди.

– Мошоллоҳ! Қандай ажойиб! – деб юборди Мирсаид Кобулий. – Такрор ўқинг!

Алишер лаб жуфтлаган эди, Муҳаммад Али тағойи унинг ўрнига такрорлади. Ғазал ўзининг мусаффолиги, тиниқ маънолари ва санъати, тенги йўқ гўзаллиги билан дарҳол ёд бўлиб қолган эди.

***Бу дамодам оҳим ифшо айлар ул ой ишқини,  
Субҳнинг бот-бот дами андоқки айлар меҳр фош.***

Навнихол ўспириннинг бундай санъатга эришиши ҳақиқатан ҳам ҳайратомуз воқеа эди. Ғазалнинг сўнгги мисраси эса барчани ўрnidан кўзгатиб юборди:

***Қоши оллинда Навоий берса жон, айб этмангиз,  
Ғар будур меҳроб, бир-бир қўйгусидур барча бош.***

– Наволарингизга жоним фидо бўлсин, навосозим менинг! – деди тўлқинланиб Мирсаид Кобулий. – Муни битган қўлларингизни узатинг, кўзимга суртай!

Тағойилар аллақачон ўринларидан туриб кетишган, иккови ҳам келиб, Алишерни бир-бир бағирларига босар эдилар. Таъсирчанроқ Мирсаид Кобулийнинг эса кўзига ёш қалқди:

– Айтмаганмидим, Тафтдаги думли юлдуз Алишеримиз учун чиққан эди! Қуйруғи қиличдай типпа-тик, ўзи эса тиккага ўрлаган эди! – дерди у бот-бот миждасини кафти билан артиб. – Муни албатта Ҳирий шоирларига етказиш керак. Боғи Орода не юлдуз чакнаганини барча билсин!

Тағойилар мақтовидан руҳланган Алишер кўзлари чакнаб ўтирарди. Бу ғазал яқинлар кайфиятини аъло даражада кўтариб, руҳлантириб юборди. Яна

анчагача ғазал бағридаги санъатлар, сўзларининг вазн оқимиға узукка кўз кўйилгандай мос ўрнашуви хақида сўз борди. Сўнг хаяжонлар аста-секин тиниб, суҳбат ўз-ўзидан муҳим воқеаларға бурилиб кетди.

### ***МАВЛОНО ЛУТФИЙ***

Эртасиға барча ўз ишиға шўнғиди. Гўё бу боғчада шеърү ғазал мажлиси сира бўлмагандек, чиройли сўзлар айтилмагандек эди. Султон Абулқосим Ғиёсиддинбекни бир қанча беклар билан Балхға юборди, тағойилар эса кўшинға жўнаб кетишди. Маймана ва Шибирғондан бир неча юз ёш аскар черикка кўшилган, уларға харб хунарларини ўргатиш лозим эди.

Орадан бир ойға яқин вақт ўтиб, бошдан-оёқ чангға ботган тағойилар кириб келишди. Ҳориган бўлишса-да, кайфияти чоғ, бир муддат истироҳатға рухсат берилганини, Алишерни мавлоно Лутфий ўз хузурига чорлаганини айтиб, шу сабабли тўппа-тўғри шу ёққа келаверишганини айтишарди.

Хуросон шеър бўстонининг булбули мавлоно Лутфий Ҳирийдан ярим кунлик масофадаги Деҳи Канор деган қишлоқда истиқомат қилар экан. Ғиёсиддинбек ҳануз Балхда эди. Муҳаммад Али тағойи уни кутмасдан, тезроқ йўлга чиқавериш керак, деб қистарди. Ниҳоят, эрталаб бомдоддан сўнг, сахар салқинида Деҳи Канор сари отланишға келишилди.

Деҳи Канор харобгина қишлоқ экан. Бир ёнда тариқ, арпа далалари кўзға ташланар, яланг ҳовлиларда бола-чақа ўйнаб юргани, хотинлар нон ёпаётгани, кўкка тутун ўрлаётгани кўринарди.

Кираверишдаги боғ оралаб юрган хушсурат бир йигит уларни кўриб, ичкариға овоз берган эди, икки-уч киши тез-тез юриб келиб саломлашди-да, меҳмонларға отдан тушишға ёрдамлашди. Сайисчи отларни сайисхона томон етаклаб кетди. Яна бири ичкариға хабар бергани йўналди. Боғ оралаб бироз юрилгач, катта шийпон, тўшакларда чордана қуриб ўтирган бир қанча киши кўринди. Уларни шийпон устунни ёнида узун оқ пирохан устидан сарғиш хирқа кийган, асосиға таянган бир мўйсафид кутиб олди. Этакда бир киши ёғоч рандалар эди, ранда остидан чиққан узун парголалар, яъни пайрахалар

кипиқ исини анқитиб ерга тўкиларди. Меҳмонларни кўрган рандачи ишини бас қилиб, обдастада сув келтирди, юз-қўллар чайилгач, барча билан кўришилди.

Мўйсафиднинг бутун туриш-турмушида дарвишлик тутуми сезилиб турарди. Ашёлар, идиш-оёқ – бари оддий, ҳашамдан холи эди. Сопол косаларда булоқ суви келтирилди. Бояги рандачи киши шарбат ва сут олиб келди.

Ҳол-аҳвол сўрашилиб, меҳмонлар ўзларини таништиришгач:

– Сиз бу ширинликларга қаранг, фақир бошқа бир ширинлик истагидаман, – деди Лутфий, кексаларга хос мулойимлик билан. – Алишербек ўз нозик фикрлари натижаларидан юзага чиққан бир ғазални ўқиш билан бизни баҳраманд қилса бас.

– Мошоллоҳ, мошоллоҳ! – дерди Мирсаид тағойи, бу лутфдан ўнғайсизланганча типирчилаб.

Даврадагилар ҳам Алишерга ёқтириб қараб туришарди. Кичик бек бир оз тортиниб, даврадагиларнинг сир-салобати босиб, аммо босиқлик билан ёддан ўқиди:

*Оразин ёпқач кўзимдин сочилур ҳар лаҳза ёш,*

*Ўйлаким, пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлгач қуёш...*

Ғазал матлаъсидаги бундай гўзал ўхшатиш Лутфий даврасидагиларнинг диққатини тортди. Туркчада “бўйла”, яъни “бундоқ” деб шу яқин орадаги, “ўйла”, яъни ундоқ, андоқ деб олисидаги нарсага айтилади. Илк мисрадаги “ёпқач” билан иккинчи мисрадаги “бўлгач” орасига юлдузлару қуёш жойлангани эса ўзгача бир шеърини кашфиётдан дарак берарди.

*Қут бир бодому ерим гўшайи меҳроб эди,*

*Ғорати дин этти ногаҳ бир балолиғ кўзу қош.*



Хуросоннинг кекса шоири ўспириннинг ғазалини кафтини қулоғига кўйиб тингларди. Бу ерда қўлланилган ифшо санъати аввалги байт руҳиятини янада ранг-баранглаштириб тақдим қилибди, кун бўйи қути, яъни емиши бир бодом, жойи меҳроб, зоҳидлар каби ибодат-ла машғул эди, бироқ бало кўзу кошдан етиб, бутун тоат-ибодатни ғорат қилди. Илғар-илғанмас яна бир ишора қош билан меҳробнинг ўхшашлигида: меҳроб Тангри таолога сиғиниш учун бўлса, унга ўхшаш қош диндан чиқармоққа сабаб бўлгани айтилган эди.

*Бу дамодам оҳим ифшо айлар ул ой ишқини,  
Субҳнинг бот-бот дами андоқки айлар меҳр фош.*

*Бўсае қилмас мурувват асру қаттиқдур лабинг  
Десам, оғзи ичра айтур лаъл ҳам бор навъи тош.*

Шу ерга келганида Лутфий ботиқ елкалари силкиниб-силкиниб кулиб юборди: ёш шоир тўсатдан сўзни суҳбат тарзидаги мутойибага ҳам бурибди, лаълдек лабларинг бир бўса мурувват қилмас даражада қаттиқми десам, дедики, аслида лаъл ҳам бир тош эмасми?

*Новакинг кўнглумга киргач жон талашмоқ бу экин,  
Ким, қилур пайконини кўнглум била жоним талош.*

“Новак “деб ўқнинг ўзи, пайкон деб унинг темир учи айтилади. Пайконни мўлжалга етказиш учун новак даркор, новак кўнгилга келиб тегди-ю, пайкон жонга санчилди. Айни мисрада Алишер ҳалигача ғазалда ҳеч ким ишлатмаган туркча “талош” сўзини қофияга олган, у шунчалик ўз жойига тушган эдики:

*Умри жовид истасанг фард ўлки, бўстон Хизридур,*

*Сарвким, даъб айлади озодалиг бирла маош.*

*Қоши оллинда Навоий берса жон айб этмангиз,  
Гар будур меҳроб, бир-бир қўйғусидур барча бош.*

Сўнгги мисра эса санъатнинг юксак чўққиларига даъво қилгудек даражада гўзал эди: аввалбошда меҳробдаги кишини қош саргардон қилган бўлса, энди у қош олдида Навоий жон берса айбламанинг, модомики меҳроб шу эса, барча бошларнинг келар жойи шудир деб яқунлаган эди.

Лутфий завқу ҳайратидан бошини сарак-сарак қилиб:

– Мошоллоҳ! Истаса чумолини Сулаймонга насиҳатчи айлар, истаса дунё шоҳлигини бир узукка жойлар! – деди кенг пешанасидаги, кўз теграсидаги ажинлари ёйилиб, юзи фавқулудда нурли тус олиб. – Истаса, Лутфий ета олмаган маъноларни шу йигитча тилидан айттирур! Мен туркчада ўзимни куёш деб фаҳмлар эдим, бу ёшимга қадар мен орзулаган латофатни бу ўғлон шул ёшида битибди. Валлоҳ, агар муяссар бўлса эди, ўзимнинг ўн-ўн икки минг форсий ва туркий байтимни шу биргина ғазалга алмаштирардим ва агар Алишербек бунга кўнса, бу ишимни зўр муваффақият деб ҳисоблардим!

Шухрати Хуросону Мовароуннаҳрни тутган шоирнинг бу эътирофи жуда катта баҳо эди. “Валлоҳ” сўзи эса “Тангрига қасамки” деган маънони билдирарди. Даврадагилар “Ҳай-ҳай!” деб юборишди. Муҳаммад Али тағойи эса ўрнидан туриб кетди. Ҳаяжони зўридан мавлонога таъзим қилиб:

– Қуллуқ, куллуқ, – дер эди.

– Менинг форсигўй дўстларим маҳжуб бўлмасинлар, аммо умрим бўйи бунчалар севинмаган эдим. Ахир, она тилим, жон тилим ўлаёзган эди, – деди мавлоно Лутфий, тин олиб. – Неча замонлардир, илму санъат ошуфталари ўзларининг дурларини туркча эмас, арабча-ю форсча ипга тизишни маъқул кўришарди. Аллоҳга шукр, бу йигитча шеърият шоҳлари қилолмаган ишни қилибди, қандай жасорат биланки, ашъорини не-не шоирлар қувватлаган тилларда эмас, дағал саналган турк тилида битиб, даражотини улардан ҳам

юксакка кўтарибди! Худо хоҳласа, элнинг барча улуғлари уни дуо қилгайлар, келгуси наслларга эса пир бўлгайдир, – деб, мавлоно Лутфий дуо қилди. – Жасорати-ю заковати ҳаққи-ҳурмати, бу кеча менинг боғимда қолингиз! Кекса Лутфий шодлигидан сизларга юрак-бағрини дастурхон қилиб тўшагай!

...Дунёга келганига эндигина бир мучал тўлаётган ўғлон шу тариқа, яна бир улуғ зотнинг дуосига мушарраф бўлди. Дуо мустажоби куллий, яъни умумий бўлур. Бунинг мисоли баҳорга ўхшайди. Қиш қаттиқ келганида баҳорни барча орзиқиб кутади. Баҳор эса борликка харорату ором бахш этишидан ташқари, теваракни янгилаб юборади, у туфайли бутун тирикликка ризку рўз етилади. Алишернинг яқинлари, жигарлари, устозлари ва улуғ ёшли кишилар туркий тил салтанатида ўхшаши йўқ бир истеъдод бино бўлажagini орзулашса-да, маъни дуру гавҳарлари хазинасини яратадиган, Хуросон шон-шарафини кўкларга кўтарадиган шоир шу бўлиб чиқишидан ҳали беҳабар эдилар.

Аслида эса, Алишербекнинг қалб хазинасидаги истеъдод эндигина ниш урмоқда, кишиларни ҳайратлантирган санъати у улуғ гул-бўстоннинг бор-йўғи кичик бир куртаги эди, холос. Ҳали у куртак бўй чўзса, гул очса, не чаманзорлар барпо бўлиши ҳеч кимнинг тасаввурига сиғмасди.

### ***КЎШҚДА ИККИ ЮЛДУЗ***

Хуросонга ёз келди. Йигитчаларнинг бўйи чўзилди.

Бу икки дўстга беклару амирлар ҳавас қилиб, куёвликка кўзлай бошлашди. Ҳар иккиси ҳам куёв бўлишга арзигулик кўркам йигитчалар эди-да! Ким қизини шаҳзода ёхуд бек ўғлига беришни истамас экан? Биринчиси мўътабар акобирлар сулоласидан, иккинчиси шон-шарафли Темурбекнинг авлоди эса? Саройнинг баъзи улуғлари, олий хулқли бу йигитчаларга сўз қотишга ҳадди сиғадиганлари шу ҳақда шама қилар бўлдилар.

Аъёнлару беклар фарзандларининг пухта таҳсил олишлари учун машҳур мураббийлар тайин этилган эди. Ҳафтада бир неча кун Булдуруқ баҳодир қилич солишни, найза ишлатишни, кўшинни қай тарз тизишни, шунга ўхшаш

хунарларни ўргатар, унинг буйруғига кўра таёқларга саллақовоқлар қадалиб, ёғий чериги ясалар, у қовоқларни гоҳ болта, гоҳ қилич, гоҳ найза ила уриб ўтиш талаб қилинади. Шунингдек, ичига пахта тикилган тўнлардан ясалмиш гавдаларга тиғ солиш, нишонларга олисдан катта ёй, яқинроқдан кичик ёй ила уриш машқи ҳам қилинар, бу борада Булдуруқ баҳодирнинг топқирлигига қойил қолмай илож йўқ эди. Ҳар дафъа бир ажойиб хунар кўргазмасинми? Елдай учиб кетаётган от устида ортдаги нишонларга уриш, дарахтга каманд ташлаб, каманд тортилганида ҳавода айланаркан, мўлжалга ўқ узиш кабилар Булдуруқ баҳодирнинг оддий хунарлари эди.

Йигитчалар мадрасадан чиқиб, кўшкнинг орқа майдонидаги Булдуруқ баҳодир ёнига кетар эканлар, йўлда баҳайбат бир бек учради. Дарҳол йўл бўшатиб, салом беришди, аммо у бек саломга жавобан пўнғиллабгина кўяқолди. Бу қовоғи солиқ кимсанинг кўриниши ваҳм уйғотарди. Узун қорамтир юзи, бурун ёнидан то жағигача тушган чуқур чизиқлар, пешанаси ва икки қоши ўртасидаги ўйиқлар, қирра бурни, ҳар ён ўсган патак соқоли, кенг елкалари, бошини сал пастга эгиб, худди от устидагидай чайқала-чайқала юришидан голиб бир кўшиннинг лашкарбошисидай туюларди.

Ҳеч кимни писанд қилмай ўтган у ҳайбатли киши ортидан қараб қолган Алишербекка:

– Чопу барлосдир, – деди Ҳусайн Мирзо. – Бул навоҳийда ундан кўпроқ чопқин қилган кимса йўқ. Ҳайбати мундандир. Ҳоло кўшин бирла ётиб, кўшин бирла турадур. Сиз қиёфатига парво қилманг, ўзи оққўнгил, дуруст киши.

– Девнинг худди ўзи! – деди Алишер. – Бир ўзи бутун кўшинни тумтарақай қилиб юборса ажабмас.

– Бу киши Булдуруқ баҳодир билан болалиқдан бирга эмиш, – деди шахзода. – Икковлон абадий дўст бўлишга қатъий аҳд қилишган, дейдилар. Чопу барлос Пули Навда, ўрдугоҳда эди. Бугун барча уруш машваратига чорланди, шу сабабли кўшкка келган бўлса, Булдуруқ баҳодирни кўриб қайтаётган чоғи.

Булдурук баҳодир уларни майдон четида кутиб турган экан. Қайрағоч остидаги супага бир канча пайкон, яъни ўқ учлари териб қўйилибди.

– Ўтган гал сизга муҳиммотлардан ёй турларини кўрсатиб, пайконлардан ҳам сўзлаган эдим, – деб, Булдурук баҳодир уларни супага бошлаб борди-да, хусусиятларини бирма-бир тушунтира кетди. – Уч қиррали пайкон қачон ишлатилгай? Тўрт қирралиси-чи? Мана буниси ён қиррали пайкондир, унда санчилишидан ҳам кўра, кесиш хусусияти устун. Вақтеки, ёв икки бетни ҳам тўсиб турувчи дубулға киймаган бўлса, уни шу ўқ билан ургайсиз, санчилмаса ҳам кесиш ўтгай. Буниси эса атай тескари тишли қилиб ясалган, санчилса, этни кесмай чиқариб бўлмас. Эгри учли пайконларнинг ҳам бир канча тури бор, мисол учун, мана бу билан урсангиз, қийшиқлиги боис санчилган жойини қўпориб чиққай...

Булдурук баҳодир қатор ёйлардан бирини олди, эгри пайконни новакка жойлаб, ҳўв наридаги ичига пахта солиниб, тўн кийдирилган қамғанакни кўзлаб уриб кўрсатди. Ҳақиқатан ҳам қамғанакка бориб теккан ўқ, учи эгрилиги учун кирганида қийшайиб, кирган жойини қўпориб қўйди.

– Муҳиммот қўшин юришида керак бўладиган барча анжомдир, – деди Булдурук баҳодир, машқ тугагач. – Мисол учун, аробаларнинг ғилдиракларини ким ясайди, чароки юзлаб ароба лозим эса? Ғилдиракларга қопланадиган темир керагани-чи? Шу сабаб, муҳиммот борасида ғозий султон Темурбек қўллаган удумни қўллагаймиз. Тегра қишлоқларга вазифаларни тақсимлагаймиз. Бири нон ёпгайдир, бири чорва боққай, яна бири найзаю ўқ ясайдир. Зарбхонада эса ақчадан ташқари совут-анжом ҳам ясалгайдир. Бу кун Султон Абулқосимнинг ўн беш минг мунтазам чериги бордур, холо чопқин бўлмайдурким, у қўшиннинг муҳиммотини қай тарз сақлагайсиз?

– Кунлик ўн беш минг патир ёпилиб, юзлаб қўй-сигир сўйилгайми?

– Мунга улов харжини ҳам кўшинг, – деди Булдурук баҳодир. – Ўн беш минг аскарнинг ўттиз минг улови бўлғай. Шу сабабдан, яна шаҳарга яқин қишлоқлар аҳлидан бир қисми арпа-тариқ етиштирурлар, ўт ўрурлар. Ҳатто

айри-айри ўтинчи қишлоқлари ҳам борки, керак маҳалда ўтин таъминотига киришсинлар.

– Яна, черик машқлари ҳам бор. Аскар муттасил машқ қилмас экан, танбаллашиб, қўлидан яроғи тушиб кетгайдир, – давом этди Булдуруқ баҳодир. – Хўш, баҳодир деб кимга айтамиз?

– Бир чопқинда бир қанча ёвни бир ўзи енгган навкарни баҳодир дерлар. Шунини билингки, бобонгиз Шоҳрух **М**ирзо ўн икки ёшида баҳодир бўлмиш эдилар. Энди ёнлама қилич урмоқ машқларини қилгаймиз. Суйри ёхуд тўғри қилич қандай қўлланилмай, уни ҳам ўрганурсизлар.

Йигитчалар яёв ёхуд от устида қилич сермаш сабоқларидан роса чарчашди. Булдуруқ баҳодир ҳеч тиним бермади. Тўғ урилганида кесмай, суйрилиб кетиши учун силлиқ ишланган биллақбанднинг ўзиёқ анча оғир бўлиб, унга совут оғирлиги ҳам қўшилиб, қилич сермаш кўп қувват талаб қиларди.

– Мен сизга Темурбекнинг машҳур “чаҳоройна”сини ҳам кўрсатай, – деди Булдуруқ баҳодир, шогирдларининг тиришқоқлигидан қаноат ҳосил қилиб.

Йигитчалар унинг ортидан эргашишди. Темурбек кўшинида кунга қарши саф тортилганида ёв кўзини қамаштириш учун махсус ишланган совутни ҳали кўришмаган эди. Чаҳоройна – ўртадан икки кўндаланг чокли, тўрт бўлакка бўлинган ва теваракни ойнадай акслантирадиган совут экан. Қуёш кўшин қаршисида бўлганида бу совут нурни қайтаргани боис, чаҳоройна кийган юзлаб аскар қаршисидаги ёвнинг кўзи қамашиб, ҳеч нимани кўрмай қолар экан.

Чопқин сабоқлари тугагач, Ҳусайн Мирзо Булдуруқ баҳодирдан Чопу барлос ила дўстлиги сабабини сўради.

Булдуруқ баҳодир жавоб қилди:

– Ҳа, Чопу барлосни сиз ҳам кўрдингизми? Дўстлигимизнинг сабабига келсак, бир куни Мозандарон урушида девдай бир навкар отимни йиқитиб, устимга кела бошлади. Энди ўлдим деб калима қайтараётганимда Чопу пайдо бўлди. Навкарни шундай урдик, тўпдай отилиб кетди. Ўша чопқиннинг

Ўзида мен ҳам Чопуни қутқардим, ёв сипоҳи уни кўзлаб ёй тортаётганини кўриб, сакраб отилиб Чопуни ерга юмалатдим. Бир жангда икки киши бир-бирини қутқаргани бежиз эмас, дедик. Чопу кўлидан, мен елкамдан яараланган эдим, қонимизни қонимизга қўшиб, қиёматлик дўст тутиндик.

Булдуруқ баҳодирнинг бу ҳикояси йигитчаларга ёқиб тушди. У билан хайрлашиб, майдондан чиқишаркан, Хусайн Мирзо:

– Мен Нурмуҳаммад аткага айтдим, уруш машваратига сиз ҳам киргайсиз. Майманада бир бек исён кўтарибди, уни бостирмоқ маслаҳати қилингай.

– Мадраса-чи? – деб ҳайрон бўлди Алишер.

– Уни қўятуринг, чопқин, босқин, тебратма, тўлғама не эканини кўринг. Қилич урмоқни, ёй отмоқни, каманд солмоқни беҳуда ўргандингизми? Вақти келса чопқинга кирарсиз, кирмасангиз, ашъорий тўлғама-ю тебратмаларни жорий қилавергайсиз. Йўқ демоғингизга рухсат йўқ, модомики дўстимсиз, ҳар ерда дўст бўлгайсиз. Хаёлимда кўпдан бери бир фикр айланади, шуни айтай, сиз хўп денг! – Шаҳзода Хусайн дўстининг елкасига кўл ташлади. – Боя Булдуруқ баҳодир Чопу барлос билан дўстлигини айтиб берди-я? Бизлар ҳам гўдакликдан буён ҳар доим ҳамдаммиз. Келинг, аҳд қилайликки, қайси биримизнинг бошимизга бахт куши қўнса, бир-биримизни сира унутмагаймиз, доимо қўллаб-қувватлагаймиз. Розимисиз?

Алишер ёйилиб жилмайди. Зеро, бу икки ўғлон орасида дўстлик иплари аллақачон боғланиб улгурган, бир-бирларини бир кун кўрмаса турулмайдиган даражада келишган эди.

– Албатта розиман! Маҳшаргача дўст бўлгаймиз!

Икковлон кучоқлашишди, сўнг саройга қараб йўл олишди. Қўриқчи навкарлар дўстлар орасида не сўз бўлиб ўтганидан беҳабар, лом-мим демай улар ортидан эргашишди.

## ***ЧОПҚИН МАЖЛИСИ***

Мажлисхона тўрида ёқут-жавоҳирлар билан безатилган супа бўш, беклару баҳодирлар икки тарафдаги курсиларини эгалламоқда эдилар.

Супа ортидаги деворга осифлик зийнатли узун қиличда катта бир марварид яшил-қизғиш тусда яракларди. Бу жавоҳир Темурбек вафотидан сўнг маълум вақтга қадар Шоҳруҳ Мирзога бож тўлаб турган Мозандарон султонининг совғаси бўлиб, ўлпон тўловчи султонлар итоат тимсоли ўларок юборган жавоҳирларни қиличга қадаш одати бор эди. Амир Темурдан Абулғозий Шоҳруҳ Мирзога ва ундан султон Абулқосим Мирзога мерос қолган бу қиличга ҳозир Табриз, Қорабоғ, Сейистон, Машҳад, Ироқ ва Пешовар гавҳарлари қадалган эди.

Саҳн тепасига беш тур хатда битилган оятлар наққошларнинг ажойиб хунаридан дарак бериб турарди. Тангри оятлари куфий ва сулс хатида нақшланган бўлиб, остида муҳаққақ усулида Амир Темур Кўрагон лафзи битилган, ундан ҳам пастда эса райҳоний ва риқоъ хатида байт бор эди. Оятларнинг безалиши ҳам ажаб: ҳарф нуқталари ўрнига лаълу ёқут қадалган, фатҳа, касра ва замма каби белгилар кўкиш-яшил яшма тошидан терилган эди.

Эшик оғаси шаҳзодага юқоридан, Алишерга эса қуйидан жой кўрсатди, бироқ, Ҳусайн Мирзо кўрсатилган жойга ўтмай, дўстини саф ўртарағига олиб борди-да, ўша ерда қолди. Беклар бу икки йигитчага бир-бир қараб кўйишса-да, ҳеч ким ҳеч нима демади. Улар жангу жадалларнинг шунқорлари, саваш қарчиғайлари, уруш оловини ёқувчилари, ёвга ўлим келтирувчи бўрилари, чангал солувчи арслонлари эдилар. Учишни эндигина ўрганаётган ёш бургутчалар билан уларнинг не иши бўлсин? Энг тепада кўр тўкиб боя йўлда кўринган тунд қиёфали Чопу барлос турарди. Унинг ёнида кўнғирот, мўғул, барлос, жалойир беклари, ўнгда эса савашларнинг баҳодирлари, сардорлари тизилган эдилар. Ҳар ким оёқда, Султон Абулқосим Мирзонинг ташрифини кутарди.

Эшик оғаси султон ҳазратларининг ташрифини эълон қилган эди, икки тавақа ҳам ланг очилди. Аввал султоннинг ўзи, ортидан Пир Саййид Барака



авлодидан Саййид Будок кўринди. Султон Абулқосим Мирзо дағал матодан қизил ва оқ аралаш тўн кийиб, яшил кичик салла ўраган, пишиқ гавдали киши бўлиб, супа ёнига келдию ўтирмай тик турди.

Уруш беклари қисқа саломдан сўнг дархол Маймана исёнига тўхталақолдилар.

– Тузимизни еб, тузлиғимизга тупурган у кўрнамакнинг даъвоси не эмиш? – деб сўради Султон Абулқосим Бобур, девонбегидан.

– Султон Абусаид Мирзога нома битиб, биз мунда бош кўтариб, қаршилиқ кўргузуб тургаймиз, келиб Хуросонни олинг, демиш.

– Фазлиддин кўрнамакнинг бир ярим минг чериги бор, уч юзи отлиқ, қолгани яёв, – деди чўтир юзли баҳодирлардан бири, Четин бек. – Қалъани ичдан беркитибди. Юборган чопари Андхўйда тутуққа олинди, ёнидан Абусаид Мирзо номига битилган нома чиқди.

– Чопар қайда, келтирилдими?

– Афсуски, қочиш чоғида отдан йиқилиб, бели синиб ўлди. Нома мундадир.

Чўтир юзли баҳодир илдам ҳаракат ила қўйнидан номани чиқариб, икки кўллаб султонга тутди. Султон Абулқосим Мирзо уни ўқир экан, тобора юзи тундлашиб, ғазаби ошиб борарди.

– Адабга чақирмоқнинг сира имкони йўқ, – деди у афсусланиб. – Ўз тақдирига ўзи ҳукм ўқибди. Чопу бек, қанча аскар била борсангиз у исёнчининг адабини бергайсиз?

– Бошини келтирмоққа минг аскар етгай, – деди Чопу барлос, бир туки ўзгармай, қисқа қилиб.

– Исёнчининг бир ярим минг чериги бор эса, салтанат аскарлари минг навқар ила борсинми? – деб сўради Султон Абулқосим. – Сиёсат қилингизким, халқ кўрсин. Беш минг аскар-ла юринг, қудратимиз билинсин. Қамамоққа ҳожат йўқ, қалъа тарафга боргач, қўшинни ёйинг, байроқларни тикинг, кўриб кўркувга тушсинлар. Лузумот бўлса янада қалин черик ила борилсин!

– Хўп бўлади!

Султон Абулқосим беклар каторидан олдинда, баҳодирлардан қуйида турган Ҳусайн Мирзога кўзи тушиб:

– Мана бу ёш арслонни ҳам олингиз, – деган эди, беклар илжайиб кўйишди. – Мирзодир, чопқинни кўрсин. Ёнидаги йигитча Амир Гиёсиддинбекнинг ўғлими?

– Худди шундай, Алишердир, – деди эшик оғаси.

– Гиёсиддин баҳодир сулоламизнинг айнул-муқарраби<sup>1</sup>, мухтарам бекларимиздан, – деди Султон Абулқосим Мирзо. – Бироқ, билишимча, чопқину босқиндан кўбрак илму урфонга, шеър у абётга ҳавасли эмишсиз, шундайми?

– Шундай, – жарангдор овоз ила унинг ўрнига жавоб қилди Ҳусайн Мирзо. – Гўдакликдан мактаб жўрамдир, фасоҳатли шоирдир.

Аслида изоҳга ҳожат йўқ, султоннинг ўткир нигоҳи Алишербекнинг феъл-хўйини ўша заҳотиёқ илғаб олган, чунки сарой хизматидаги ёш беклар ҳақида унга муттасил билги берилиб туриларди.

– Дўст эсангиз, дўстингиз ҳам борсин, – деб, Султон Абулқосим Мирзо. Сўнг Чопу барлосга юзланди: – Қўшин тадоригига уч кун етгайми?

– Мирзом не десалар, шу, – деди Чопу барлос.

– Муҳиммоту лузумоти хазинага билдирилсин! – деди султон. – Ул бадқирдор исёнчига таҳдид мактуби битилсин! Узоқни ўйламай қилган қилмиши боис ўлганларнинг хуни бўйнига тушиши, таслим бўлса омонлик берилиши, йўқса бутун авлод-аждоди қиличдан ўтказилиши маълум қилинсин. Вассалом!

Шундан сўнг шайхулисломга юзланди:

– Ҳазратлари юришга фатво бергаймилар?

Оқ улкан дасторли, юзидан нур ёғилиб турган шайхулислом “Инна фатаҳно”ни ўқиди, сўнг дона-дона қилиб:

---

<sup>1</sup> Айнул-муқарраб – икки томонлама дўст.

– Адолат салтанати устида қойим фотиҳ султонга қарши бош кўтарган исёнчи албатта жазоланур. Фатво берилгайдир ва муқаддас оятларда келган ҳукмлар билан собитлангайдир, – деб жавоб қилди.

– Пирим дуо берсинлар!

Пир Саййид Будоқ Тангри таолонинг зотига, сифатларига ҳамд ва пайғамбар алайҳиссаломга саловот айтгач, баланд овозда “Наср” сурасини охиригача ўқиди. Дуодан сўнг бир овоздан “Аллоҳу акбар” дея юзларга фотиҳа тортилиб, мажлис тарқалди.

Хусайн Мирзо ўзида йўқ шод эди. Томирида жасурлик қони қайнар экан, хаяжондан кўзлари ёниб, дўсти билан хайрлашиб, Чопу барлос ёнига жўнади. Алишер эса саройдан чиқиб, ота боғига йўл олди.

Волида бекага Маймана юришига боришини айтганида, Қутб шодланиб кетди:

– Менинг бек иним энди баҳодир ҳам бўлгай! Аммо урушга кирмагайсиз, хўбми? – деярд эди. – Вой-вой, от туёғи остида қолсангиз ё бирор навкарнинг қамчиси тегиб-негиб кетса? Худо сақласин, чопқинга кирмай четда тамошо қилгайсиз, хўбми?

Содда Қутб Алишерни ҳануз бола ўрнида кўриб, узоқдан муҳораба томошасига боради деб ўйламоқда эди.

Она эса сўз қотмади. Ким билсин, шу тобда хаёлига не ўйлар келди экан? Хожаси ҳам, инилари ҳам неча йиллардан буён турли урушларда ажал чангалида юрибди. Бу фарзандининг қисматига ҳам навкарлик битилган эканми? Қалбидан чуқур хўрсиниқ келди, бу хўрсинишда тақдирга тан бериш аломати сезилар эди. Лаблари пичирлаб дуо қилди-да, яна кичик ўғли билан андармон бўлди.

### ***МАЙМАНА ЖАНГИ***

Маймана амири Мир Фазлиддин укувсиз, кўрқоқ киши бўлиб, Абулқосим Бобур Мирзонинг тахтга келиши унинг кайф-сафосига раҳна солган, адолат ва низом талаб қилган султонга қарши ичида кин ва ғазаб уйғонган эди. Шу

сабабли аввал Абусаид Мирзога хуфя юборди. Абусаид Мирзо бадқаҳр бўлса-да, хулқи тўғри, ҳийлабозлик ва писмиқликдан нафратланадиган киши эди. У Фазлиддинга таҳқир билан жавоб берди, аммо вазиятдан фойдаланиб, Майманани қўлга киритиш режаси устида ҳам бош қотирди. Бундан бир иш чиқмаслигига кўзи етгач, хиёнатдан Султон Абулқосим Бобур Мирзони хабардор қилди.

Бу иш шундайки, ўзаро душманлик кайфиятидаги султонлар магар ташқаридан босқин ёки хос бўлмаган кишилардан исён содир бўлса, дарҳол бир-бирларини қўллаб-қувватлашарди. Қилмиши Абулқосим Бобур Мирзога маълум бўлгач, Фазлиддин афсус ва алам тирноғини кемира бошлади. Ўрдасида ярадор шоқол каби у ёқдан бу ёққа юрар ва бу шармандалиқдан кутулиш йўлларини излар эди. Шу маҳалда унга Султон Абулқосимнинг номаси етиб келди. Қаҳру адоват билан битилган у битик Мир Фазлиддин тақдирига отилган ажал ўқи каби бўлди. Хиёнатчининг ҳоли не кечиши аввалдан маълум, таслим бўлмоқдан, қилич ва садоқни бўйнига осиб, тупроққа беланиб эмаклаб, султондан авф исташдан ўзга чора йўқ эди.

Султон Абулқосим Мирзо кўшини Майманага етиб-етмай тўхтади. Айри-айри бўлук аскарлари от чоптириб келиб, Маймана қалъасига кўз солишар ва бир иш қилмай қайтиб кетишарди. Лашкар қароргоҳида туғлар кўтарилган, кўшин байроқлари ҳилпирар, аслаҳа жаранги-ю от кишнашлари узоқдан эшитилиб турарди. Кўшиннинг ўткир ўқлари садоқларда душман бошига, кўксига ёки қорнига санчилишга шай, барчаси тузли сувга ботириб тобланган бўлиб, маълумки, бундай ўқ совутни осон тешади. Эгри ва ясси қиличлар, узун ёки калта найзалар, узун дастали болталару қисқа ойболталар, панжобийларнинг олти тишли, сангойиларнинг занжирли гурзилари ярқирарди. Маймана амирини чумолидан ҳам ҳақир кўрган бу кўшиннинг туғи ва танзимига қараганда, рўпарада Султон Абулқосимнинг донғи чиққан бекларидан мағлубият билмас Чопу барлос турарди.

У эски беклардан, жангда тулкидай ҳийлакорлиги, шафқатсизлиги ва тадбирлилиги билан ном чиқарган. Маймана амири ким бўлибди, оламнинг

мана-ман деган султонлари ҳам Чопу барлос номини эшитганида зир титрашади. Чопқинга киришса, қаршисида Чопу барлосни эмас, ажални кўргандай бўлишар, ё ўлимни бўйнига олиб олдига сўқишга чиқар ё таслим бўлишар эди. Гўё Азроил шу қахрли бек қиёфасида Маймана амирининг жонини олмоққа келди. У муҳосарага<sup>1</sup> олган ёхуд ёйган кўшинлар олдида Маймана амирининг тарқоқ-сарқоқ аскарлари не? Шу сабабдан Чопу барлос чопқинга киришни ўзига эп билмай, гўё номдор ва улуғ полвонлар каби кўр тўкиб айланарди, холос. Улуғ полвонлар гиламга чиққан тажрибасиз кўрқоқ полвонни мушук боласидай отиб юборишади. Унинг қошига бел ушлашгани эмас, мушукдай миёвлаб чиққан тузук.

Шунингдек, кўшинда шахзодалардан Хусайн Мирзо ҳам борлиги Маймана амирининг умид гулларини тамомила ботқоққа ботирди. Ғам-алам ва пушаймон балчиғидан бошини чиқариб, кўкка қараб нола қилгиси келарди. Айёр Чопу барлос Хусайн Мирзони кўшинга олгани – агар Маймана амири унга қарши чиқса, Темурбек авлодига қарши чиққанини билдирарди. Шу сабабли бутун темурий авлодлар Маймана амирига ҳар ёқдан арслонлардай ташланиб, парча-парча қилиб ташлаши хавфи қаршисида титрарди.

Шу сабабли у, Чопу барлоснинг қаҳрини юмшатмоқ учун дурронийлар одатини қўллашга қарор қилди ва хослари куршовида экан, олдинга ўтиб, Чопу барлос қошига етганида икки қўлини боши устига қўйиб, ерга ўтириб олди. Чопу барлос бу қилиқнинг маъносини яхши англади, бироқ, заиф амирга сўз қотишни эп кўрмади. Ёнидаги суворий ҳануз ерда ўтирган амирни бир каманд солиб арқонлаб, сургаб кетди. Унинг оёқ-қўлини боғлаб, аравага ташладилар. Чопқин хавфидан зир-зир титраётган қий-чувли Майманага кирилгач, Чопу барлос кўшкка қадам босмай, шайхулисломни чорлади.

Маймана амири тавба қилганини кўрган Хусайн Мирзо унинг бунчалар аҳмоқлиги-ю укувсизлигидан лол эди.

---

<sup>1</sup> Муҳосара – қамал.

Уруш куши жангу жадал майдони узра уча-уча, ўзи истаганларни тополмасдан қайтди. Шу билан қўшиннинг бир қисми Майманада қолиб, тажрибали беклардан бири вақтинча амир тайин этилиб, қўшин Ҳирийга қайтақолди.

Уруш оловини ёкқувчи бу қўшинни кўринг эди! Беш минг аскар оти туёғидан кўтарилган чанг-тўзонни, шовқинини эшитинг эди! Мунча жасур, кўркмас сарбозлар тўпи ҳосил қилган жанг руҳини сезган киши кўрибок талвасада титраши тайин. Сел каби оққувчи бу қўшин қишлоқларга кирмасдан, айлана йўллардан ўтарди. Тин олиш учун ўтирса, бир қанча чақиримга ёйиларди. Ортидан келаётган муҳиммот ва аслаҳа аробаларини кўринг эди! Буни кўрган халойиқ салтанат қудратию ҳайбатини англаб, беш минг аскар шундоқ эса, Султон Абулқосимнинг тумонат қўшини қандоқ экан, дер эди. Майманадан Ҳирийга ўн кунда етилди. Қўшин Пули Навда қолди, беклар эса кўшкка йўл олишди.

То юриш бошланишидан сўнгига қадар қичқириб учган уруш куши бошлар қовундай юмалайдиган, болталар умуртқаларнию елка суякларини чўрт узадиган, шиддат-ла отилган ёйлар совутларни қарсиллатиб тешиб, сипоҳнинг жонини оладиган, камандлар одамларни сон-саноксиз от туёқлари остида бақиртириб судраб кетадиган, черик не, ҳатто отлар ҳам бир-бирини тепиб-тишлайдиган муҳорабани кўрмоқ истагида учса-да, кўра олмади.

### ***КЕЛАЖАК БИЛАН УЧРАШУВ***

Майманадан қайтилгач, султон Абулқосим Алишерга ҳам бир чавқар от ҳады қилди.

– Ана энди чин навқар бўлдингиз, – дер эди Мирсаид тағойи, жиянини эркалаб. – Бул орада яна бир жаҳд қилсангиз, баҳодир ҳам бўлгайсиз. Ҳарб хунаридан олган сабоқларингиз беҳуда кетмагай.

Алишер:

– Баҳодир бўлмоқ учун одам ўлдирмоқ лозим-ку? – деган эди, Мирсаид Кобулий бепарволик билан:

– Одам ўлдирмоқдан осон иш борми? – деб, ўз ишига йўл олди.

Бу орада Хусайн Мирзо давлат хизмати ила бир қанча беклар билан Самарқандга, Султон Абусаид Мирзо қошига жўнаб кетди. Алишер дўстини йўлга кузатиб, Боғи Жаҳон Орога кайтганида бу ерда ҳамма шод, жория Қутб елиб-югуриб юрар, очилиб кулар эди.

– Вой, кичик бек беҳабармилар? Ахир, эртага лола сайлига чиқар эканмиз! – дерди гул-гул яшнаб. – Ҳирий ташида ўр-қир тамомила лола ила безалибдир. Уфққа қадар қалин лола эмиш! Волида бека ўтиниб эканлар, бек оғойи рухсат берибдилар. Мен бечора Қутб ҳам лолазор не эканини кўрадиган бўлибман!

Ҳақиқатан ҳам ташқи ҳовлида икки хизматкор эт пиширмоқда, аравалар тайёрланмоқда, йўл тадориги кўрилмоқда эди.

Эртасига аҳли аёл араваларда, қолганлар отда, Ҳирий ташқарисига чиқдилар.

Бу қирдан Ҳирий товланиб кўринар эди. Ғуж яшил оғочлар, пахса уйлариинг сарғишлиги аро Жомеъ масжидининг, Гавҳаршодбегим мақбарасининг олтин кунгуралари ярақлар, наридаги кўк нилий гумбазли сарой кўзни олгудек, худди эртақдаги каби кўринарди.

Шаҳардан олислашилгач, ҳақиқатан ҳам ўр-қирларгача энлаб кетган қизғалдоқлар намоён бўлди. Худонинг қудрати ила жонсиз тупроқлар ўз бағридан гўзалликларни потратиб чиқариб юборган, бир маҳаллар кўрилгани каби, заиф гавдасига улкан қизил дастор ўраган лолалару қизғалдоқлар шабадада чайқалиб турарди. Орасида боларилар ғўнғиллаб учишар, хашаротлар ризқ терар, қайдадир куш сайрар, хуллас, завқли баҳор манзараси юракни яшнатарди. Кўм-кўк самога оппоқ булутлар паға-паға уйилибди, қараб турилса, аста сузаётгани ҳам билинарди. Узоқроқда икки киши тоғ этагида чумолидай ғимирлаб меҳнат қилар, чўкичининг саси элас-элас келиб турарди. Қир бошига чиқиб борилгач, арава тўхтади. Қуллар ерга тўшакларни солиб, ўтиришга жой тайёрлашди. Эрларга алоҳида, аёлларга алоҳида жой қилинди. Егуликлар келтирилди. Қутб гул-чечак териб,

тўшаклар устини даста-даста қизғалдоқларга тўлдириб юборган эди. Волида бека ҳам хушхол, гоҳ тентираб нарига кетиб қолаётган, гоҳ нимадир ейман деб хархаша қилаётган Дарвишалини етаклаб, бир қучоқ лола териб келди.

– Вой, кичик бегим! Шунақанги кўшиқ айтгим келяптики! – деди Қутб, коп-қора кўзлари чакнаб. – Айтолмайман-да! – деди кейин нигоҳи билан сал наридаги Мирсаид тағойини кўрсатиб.

– Тағойига айтайми, рухсат берсинларми?

– Йўқ-йўқ, номахрам бор! – деди Қутб, қоя тубида тош кесаётганларга ишора қилиб. Унинг гапига Алишер кулиб юборди, чунки тош кесувчилар анча олида, у ёққа сас етиб бориши даргумон эди.

Мирсаид тағойи уларнинг сўзлашувини эшитиб, хушламай қараб қўйган эди, Қутб шўрлик нафаси ичига тушиб, саросима ила бекач ёнига кетди. Бунинг сабаби бор эди, чунки онаизор сўз орасида бир-икки кез Қутбни Мирсаид тағойига никоҳлаш ниятида эканини айтган, шу сабабли Қутб тағойини кўрса қизариб, шошиб қоларди.

– Юринг-чи, у кишилар не иш ила машғул эканлар, – деди Мирсаид тағойи, Алишербекка.

Тоға-жиян отга миниб, қоя томон йўл олишди.

Бу жуда қадимги тоғ эди. Қоятошлари ёрилиб, парчалана бошлаган, худди қачонлардир азим бир кўҳсор бўлгану замонлар ўтиши билан тупроқ уни маҳв этгандай, теграсини ўрай-ўрай, ер бетида кичик бир қисмини қолдиргандай кўринарди. Вақти келиб тоғларнинг ҳам умри тугашига бир далил каби, оёқ ости шағал парчалари ила тўлган, кичик япасқи қиррали тошлар қадам остида шиқирларди.

Қоя ёнида коп-қора, ёш икки йигит тош кесаётган экан.

Сангтарош сангойилардан бўлиб, қора сочлари ўсган, тердан усти жикқа хўл бўлиб, баданига ёпишиб қолибди.

– Мунда не қилурсиз? – деб сўради Алишер.



– Нариги томондан бу тоққа бир жилға киргайдир, – деди сангтарош нафасини ростлаб. – Бироқ қайтиб чикмайдир. Отам чўкич билан тошни ура-ура ярмига келганида ер тубига кириб кетишини билди.

– Қай тарз билақолмиш?

– Сувчумчуқ қайда сув борлигини билармиш. Отам унинг тошни чўкишига қараб туриб айтдики, беш-олти қулоч ўйилса, сув чикқай.

– Отангиз неча ёшда?

– Етмишга етдилар. Эрта сахар шу ерда эдилар, бир-икки соат ишлаб, кейин масжидга кетдилар.

Алишер унинг тешаси-ю чўкичига разм қолиб қаради.

– Исфаҳон пўлатидир, – деди йигит изоҳ бериб. – Тошга исфаҳоний пўлатдан бошқаси ярамайди. Отам Темурбек қўшинидан қолган бир қилични эритиб, теша-чўкич ясагирдилар.

– Эҳ, сув чиксайди, – деди кейин, хўрсиниб. – Тупроғини кўринг, бўлиқлигидан порсиллайди, юмшоқлигидан оёқ ботади. Баҳорда намни эмиб шундай яйрайди. Ёз келганида ёмғирлар тингач, қуруқшаб кетади. Бир ариқ сув чикса борми, бу ерлар боғу бўстон бўлгай, ҳосилдорлигига Ҳирий боғлари етолмагай.

– Исмингиз не? – деб сўради Алишер.

Норғул, содда бу йигитнинг иштиёқи уни хуш келган эди.

– Хусрав, – деди йигит. Сухбатдошининг ҳайрон бўлиб қараганини кўриб, изоҳ берди: – Ажабландингизми? Отам кўп китоб ўқийдилар. Хусрав Деҳлавий деган шоирнинг “Хамса”сини ўқиб, хавас қилиб, менга шу отни қўйган эканлар.

– У ҳолда, бу арода Ширин ҳам бўлгайдир, – деди Алишер ҳам, “Хамса”ни эслаб.

– Айтсам инонмайсиз, бироқ улусда ростдан ҳам Ширин деган бир қиз бор. У билан анчадан бери кўз уриштириб юргаймен. Отам ҳам рози, аммо уйланишдан аввал менга сув чиқармоқ шартини қўйди.

– Иншоллоҳ, чиқаргайсиз, – деди Алишер, сидқидилдан.

– Эх, қанийди бир оз ақча бўлсайди, – деди Хусрав, хўрсиниб. – Унга бир хачир олардим. Узун ёғоч учига катта чўкич боғлаб, бошқа учига оғир тош бойлардим. Қачонким хачир ортга тортса, чўкич кўтарилиб, чамбар бир айлангач, тошнинг оғирлигидан чўкич зарб ила уриларди-ю бу меҳнат ниҳоя топарди.

Алишер ўйланиб туриб, ҳамёнида бори – бир неча олтин динорни чиқариб, йигитга узатган эди, у қизариб-бўзариб, “Олмайман” дея тихирлик қилди:

– Ҳай Аллоҳ! Хизрмисиз десам, ёш йигитчасиз. Йўқ десам, мунча ақча ҳада қилиб турибсиз. Кимсиз, Худо хайрингизни берсин?

– Олинг, Аллоҳ йўлига, – деди Алишер. – Сув чиқарсангиз, келиб бир ютум ичгаймиз.

– Мунга хачирми олсам? Ё отамга тўнми олсам? – бемалол илжайди орзуманд йигит.

– Сув чиқаргайсиз, – деди Алишер. – Ёхуд, агар унга қадар сув чиқса, тўйингизга ишлатгайсиз. Тангри бахтингизни берсин!

– Хўб иш қилдингиз, – деди Мирсаид тағойи, қайтар эканлар. – Бироқ, авомга икромия асло жоиз эмас. Қолаверса, мундай савобларни қилаверсангиз, ўзингиз ҳам тош ўювчилардай қашшоқ бўлиб қолгайсиз.

Тағойининг даққисига қарамай, Алишер шод эди. Тийиқсиз тасавури у йигит сув чиқаришини, ўз Ширинига етишишини, бу кичик маъвода шод-хуррамлик бўлишини кўз олдига келтириб, қалби яйрарди.

### ***ҚИЗИЛ, СОРИҒ, ЯШИЛ...***

Куз келди.

Хуросон мулкини қиров-булдуруқлар қоплади, самонинг ранги тўқлашиб, сувлар сокинлашди. Тонг-ла қараган киши тупроқнинг шудрингдан намланиб-қорайганини кўрарди. Қушлар полапонларини учирма қилиб учиб кетишди, яйдоқ дарахтларда бўш инларгина қолди. Ер бетидаги турли-туман хашаротлар қишнинг узоқ уйқусига ҳозирлик кўришди.

Ҳирийга совуқ эрта тушди, халқ ўтин тўплаб, киш тадоригини кўрди. Маймана, Жузжон, Шибирғон кишилари совуқда қийналишди. Шу сабабдан, Султон Абулқосим у худудлар аҳолисига кўмак жўнаттирди.

Совуқ туфайли Султон Абулқосим Бобур қишлаш учун Машҳад боришга азм қилди. Машҳад иқлими юмшоқ, табиати хуш бўлгани учун кишни ўша ерда зтказиш айни муддао эди.

Саройдаги аъён-акобирлар каторида Ҳусайн Мирзога ҳам, Алишербекка ҳам Машҳад сафари ихтиёр қилингани билдирилди.

Икки кундан сўнг, чоршанба куни юз туя, икки юз ароба ила йўлга чиқилди. Султон карвонини минг отлиқ кўриқлаб борар эди.

Асосий черик эса Ҳирийда қолди. Муҳиммоти-ю лузумотиға масъул қилиб Чопу барлос ва Четин баҳодирлар тайинланди.

Машҳад Ҳиротдан етти кеча-кундузлик йўл эди. Орада водий-у яйловлар оралаб, Сарахс тоғларидан ўтилди. Карвондан ярим кунлик масофада илғор сарбозлар боришар, карвон етиб келмасидан тўхташ учун жой ҳозирлаб, теварак қишлоқлардан озуқа-ғанак ва ўтин тўплашар, яна бир тўп сарбоз ов қилар, чодирлар тикишарди. Аравалардаги ўн-йигирма қулоқли улкан қозонлар туширилиб, ер қазиб ўрнатилар, баковуллар бетлари қизариб-қизариб ош дамлашарди. Сафар асносида ҳамманинг кайфияти чоғ, оқшомлари кўнилганида султон чодирдан куй-наво эшитилар, ҳамма бири-бирига ҳазил-мутойиба қилиб юрарди.

Тақдирнинг яна бир ҳадяси мана шу сафар чоғида зухур этди. Кўҳсордан ўтилгач, ўнг тарафда уч хил тусдаги кичик тоғлар намоён бўлди. Уларнинг бири қизил, бири сариқ бўлиб, ҳар иккиси ҳам яйдоқ, устида ўт-ўлан ўсмаган, учинчисини эса ёш арчалар қоплаб олган, яшилликларга бурканиб кўзга ташланиб турарди.

Айни чоғда шом саждасига юмалаган қуёшнинг тавбадан қизариши, кўк тоқида уйилган қорамтир булутлар остидаги сариқлик ва юксак тоғ устидаги яшиллик уч рангнинг самовий аксидай туюлди. Тангри таоло яратган қизил,

сарик ва яшил мўъжизаларининг бундай ажойиб силсиласи йигитча онгида ажойиб ларза пайдо қилди.

Куз санъатида теварак ёқутдай товланарди. Қуёш нурлари катида учиб келган ранго-ранг ёғду қушлари ёнбағирлардаги анвойи боғлар узра канот қоқиб, қавс семурғининг уқпарлари тушган жойлар олтин тус олди. Бу сўзсиз жилвалар мусиқадай жонли бўлиб, гўзал ва ғаройиб товланишлари йигитча хаёлида оҳангу сураат ва таассуроту хайратга бирлашиб, матлаъга айланақолди:

***Хилъатин то айламиш жонон қизил, сориг, яшил,***

***Шуълаи оҳим чиқар ҳар ён қизил, сориг, яшил.***

Бунда жонон – беқиёс табиат, хилъати, яъни либоси у ўранган анвойи безаклар бўлиб, ёдга Тафт чўлида кўрилган манзараларни ҳам солди. Тоғ ёнбағри бир инсон кўкси ўлароқ ясланмиш, ишқ оташида куйган қалб эса саҳронинг ўзгинаси. Бир “жонон” сўзига уч мазмун юкланди ва ғазалнинг иккинчи байтини етаклаб келди:

***Гушан эттим ишқ саҳросин самуми оҳдин,***

***Ким эсар ул дашт аро ҳар ён қизил, сориг, яшил.***

Самум шамолини Тафтда эшитган бўлиб, тафтликлар уни гармсел, яъни қизғин шамол деб ҳам атар эдилар. Ҳароратли ел жонли не борки, барини куйдириб-эритиб эсармиш. Оҳ самуми эса қалбдан эсмоқда, дунёни ғорат айламоқ ўрнига, даштга Исо Масиҳ нафаси каби жон ато этмоқда, ғаройиби шундаки, гўё шамол ҳам уч хил тусда эсмоқда эди.

Қизил шамол нечук бўлгай? Сариги-ю яшили-чи? Оламда ундай шамоллар мавжуд эмас, аммо қалбдан чиқаётган оҳ дудининг уч тусда бўлиши уч хил дарду аламдан дарак бермасинми?

Бу ташбеҳ анбиёлар тарихидан ўқиб-ўргангани – Худ алайҳиссалом замонасидаги уч булут қиссасига ҳам ишора қиларди. Бир тўп киши хароратдан ёнаётган ёз осмонида пайдо бўлган уч булутга қараб, уларнинг қайси бири марҳамат-у қайси бири азоб булути эканини муҳокама қилиб туришгани ёдга келди.

Маъно меъмори эса дашту саҳрода ҳам, тоғу тошда ҳам кўрганларидан бирдай баҳс этарди:

***Шишадек кўнглимдадир гулзори хуснинг ёдидин,  
Тобадонинг аксидек айвон қизил, сориг, яшил.***

Бу мазмунлар шунчалар ажойиб ва нафис эдики, хаёл аро жон олғучи нозанин умр мазмунига айлангач, киши ҳолдан тойиб саҳро аро одимлар экан, ланғиллаган қиёмат қуёши остида теварак турфа ранг олмоқда, у ранглар энди беҳолликдан сўйларди. Бу, саҳрода эшитилган Саъдий мақомига эш бўлиб, оҳанглари ғазал бағрига зилолдай қуйилиб ўтарди.

***Оразу холинг била зулфинг хаёлидан эрур,  
Кўзларимнинг олдида даврон қизил, сориг, яшил.***

У беҳоллигу ташналиқдан қутулишнинг чораси недир? “Мантикут-тайр” уни “май” деб атамоқда, бироқ, у май узум шарбати эмас, мўмин қалблар ташна бўлган илм ва имон зилоли бўлиб, теваракдаги анвойи ҳодисалардан сиқиб олинган хулоса ва илм шарбатига ўхшарди. Кел, эй ёр! Яшил сабза узра базм қурайлик, ярқираган сариқ олтин жом ила ишқ майини тутгил, у май қалб қони, анор суви янглиғ қирмизи бўлсин!

***Лаългун май туткил олтун жом бирла сабзада,  
Ким, булардин яхши йўқ имкон қизил, сориг, яшил.***

Само наққошининг бемисл санъати қаршисида завқ маъноларини илғаган зако эса, ўз яратган ғазалининг қадру қийматини ва манбасини ифода этароқ, шу тусларнинг байтга кўчиб ўтганига ҳам ишора қилақолди:

*Эй Навоий, олтину шингарфу зангор истама,  
Бўлди назминг рангидин девон қизил, сориг, яшил...*

Гўё заковат Исоси ўлик қалбни бир нафас ила тирилтирди. Гўё ҳаракатланмас, сўз сўзламас жасадга бир сигир бўлаги ила урилган эди, унга жон кирди ва акса уриб ўрнидан турди. Тасаввур Солиҳи у тоғларга муборак назарини қаратган эди, улар уч тусдаги туя каби кўзғалишди. Шу дам у ораларга йўл олса эди, тоғдаги қуриган дарахт тилга кириб, махфий сирларни сўзлайдигандай эди. Фикр асоси мулоҳаза илонларига жон ато айлади. Қалбнинг шундай мазмунлардан завқланишининг ўзи ажаб, оламда бундан улуғроқ ганж йўқ, Алишер шу улкан хазинага эга чиққандай эди.

Ҳа, бир хазина шундай яралди. Йўқдан бор бўлди деманг, чунки бордан бор бўлди. Шу дамгача онгга сингган билимлар, манзаралар, туйғулар сўзга айланди, саф-саф тизилди, мавж-мавж оқиб, нақш-нақш безалди ва ғазал шаклини олди. Оламда шеър ҳодисаси рўй берди, янги ғазал дунёга келди. Энди унга ким қандай қиймат берар экан?

\* \* \*

Манзилга етиб келинган, Султон Абулқосим Мирзо Машҳаднинг оқ мармар саройига кўнди. Ҳар жомияга айри-айри боғу боғчалар тайин этилди. Хусайн Мирзога ҳам сарой ёнидан боғ тайин қилинган бўлса-да, у аскар билан Машҳад ташқарисида қолишни маъқул кўрди. Черикка қалин кигиздан ўтов тикиш амри берилган эди. Алишерга эса аркони давлат мулозимлари, мударрислар ва уламо орасидан ўрин тайин этилган экан.

Машҳад Ҳирийдан бор-йўғи бир неча кунлик йўл эса-да, иқлимнинг фарқлилиги ажаб. Бу ернинг кишилари Шом тужжорлари каби, узун пирохан устидан юнг хирқа кийишар, қиш совуғидан сақланиш учун пўстин ёки

чакмон киядиган туркийлардан ажралиб туришарди. Султон аъёнлари безакли тўн кийиб, тумоқ ёки қалпоқ кийсалар, булар қалин жун дуррани салла каби ўрар эканлар. Хотинлар либоси Ҳирийдан кўп фарқ қилмас, бироқ зийнатланишлари Синд дарёси халқларининг тийнатларига мосроқ, кишилари оқ юзли, қалин қора қошли эдилар.

Мадраса уламосининг илғори ҳам Машҳадга ташриф буюришган эди. Сабоқлар энди имом Ризо мадрасасида давом этди. Ҳаёт осойишга кирган ва фаровонлашган кўринса-да, беаёв фалак токида оловли мусибат қиличи етилиб келмоқда эди. Тез орада у қуйи тушганида қанчадан-қанча кишиларнинг ҳаёт ришталари қирқилиб кетади, не шаҳару қишлоқлар вайрон бўлади, не-не йигитлар қулликка, сулувлар чўриликка олиб кетилади – бундан ҳали ҳеч кимнинг хабари йўқ эди...

### ***САЙҲАТУН-ВАҲИДАТУН...***

Гоҳ Дашти Қипчоқда, гоҳ Мовароуннаҳрда, гоҳ эса Пешовару Нишопурда қанот қоққан фалокат хабарчилари сокину осойишта Машҳадга ҳам етиб келди. Қиш оёқлаб, баҳор келиб-келмасидан офат қуши бу шаҳар узра қанот қоқиб, “Фақат биргина қичқириқдан бошқа нарса бўлмади. Бирдан улар сўниб қолдилар” ва “Зулм қилганларни даҳшатли қичқириқ олди. Бас, диёрларида тўкилдилар” дейилгани каби қаттиқ ун тортди.

Гўё ўткир кўзларидан қочиб қутулишга жазм қилгандай, уруш ҳайвонларининг ўкириғи ва фарёди ҳар ёқни тутиб кетган, бири олдинга, бири ортга қараб қочар эди. Бу қочоқликнинг қошки бир нафи бўлса? Зеро, учиб чангал солгувчи ов қушлари тупроқ устидаги ҳар нарсани кўриб тургайлар. Ов қушининг човутидан ер бағрига кириб жон сақлаш мумкин холос, улар яширинишга улгурмасларидан ов қушининг ўзи уларни чангал солиб кўтариб кетади.

Бир қанча вақтдан бери тинчлик қўйнидаги муборак Машҳад кутилмаган нохуш хабардан бир чайқалиб олди.

– Ҳой яхшилар, замонага не бўлди? – деб сўрашарди кишилар биридан.

– Не бўлмиш?

– Султон Абулқосим Бобур Мирзо таомдан захарланиб, жонини Ҳаққа топширибди.

– Эй воҳ... Хуросон яна тебранмага кирмиш.

– Уни демаяпман! Қазою қадар ҳақдир, қайда бўлса етгусидир. Султоннинг қазосини фалокат дема, тахт бўш қолганидан фойдаланиб, Султон Абусаид Мирзо Хуросонга кирганини фалокат де! Султон Абусаид ила мусибат аждари яна Ҳирот тахтига келиб ўтирмиш, оғзидан ҳалокат ўтини сочмиш. Кўзи қонга тўлган, ғазабдан ақлини йўқотган султон маликаи киром Гавҳаршодбегимни болта билан чопиб ташлашга буйруқ бермиш!

– Ё тавба! Нечун?

– Гавҳаршодбегим саксон ёшга борган эса-да, авлодим тахтда қолсин дея бошига фитна рўмолини бойламиш экан, шундан қаҳри келмиш. Қисқаси, кекса маликани қатл эттириб, пойтахтни ўз қўлига олмиш!

Дарҳақиқат, Султон Абулқосим Бобур Мирзо Машҳадда жонини жабборга топширганида, Султон Абусаид Сабзаворда эди. Фалакнинг ишини кўрингки, малика Гавҳаршодбегим буни эшитган заҳоти Хуросонни фарзанди Алоуддавлага олиб беришга аҳд қилди. Султон Абусаид буни эшитгач, черикни Хуросон томон бурди, унинг арслонлару шоқоллари, айиқлари-ю шерлари, йўлбарслари-ю қирғийлари йилдирим шиддати ила Ҳирий томон окдилар. Не-не урушларни кўра-кўра тажрибаси ошган, хийлаю найрангларни пухта билган Абусаид Мирзо билан ёш, навниҳол шахзода қандай тенг бўлсин? Бу шундайки, қари бургут ов қилаётганида қуён зир-зир титрайди. Ёки бўғма илон ўлжа истаб инидан чиққанида суғур ҳаракатсиз қолади.

Шу тарз, салтанат шоҳсупасига ғазабнок шердай бўлиб Абусаид Мирзо келиб ўтирди. Шерда адолат не қилсин? Жонзотлар шоҳи деб аталса-да, бу таъриф унга куч-қудрати боис берилгани маълум. У ахир, худудларни кеза-



кеза, ўз чегараларини белгилаб, ким даф қилса шиддат ила ташланиб ўлдирадиган, табиат ҳукми боис ов қиладигану чангалига тушган тирик жон конини оқизиб, суякларини синдира-синдира ғажиб ташлайдиган бир йиртқич эмасми?

Машҳаддаги Абулқосим Мирзо аёнлари ҳам бошига болта келиб тушган букадай гангиб туришарди. Такдир супургиси Абулқосим Мирзо салтанатини бир онда супуриб ташлади, салтанат устунларию мевали дарахтлари, кўркам шамшодлари энди саратон жазирамасида жизғинаги чиққан хас-хашаклар каби бўлиб қолишди.

Шу куни Ҳусайн Мирзо Алишер қошига келди. Шаҳзоданинг кайфияти бузуқ, аммо боқиши жасоратли, сўзлари кескин эди:

– Сиздан бир нима тиламоқчи эдик.

– Розиман, тиланг.

– Бибим жомеъсини бирга зиёрат этсак. Имом Ризо турбатини ҳам зиёрат қилиб келсак.

Гавҳаршодбегим жомеъси Самарқанд усулида тикланган бўлиб, Имом Ризо мақбарасига туташ, олтин куббаларида нур ўйнарди. Саксон ёшида, пири бадавлат бўлиб давр сурадиган палласида Султон Абусаид Мирзонинг шафқатсиз тиғи остида ўлдирилган бу муаззаз малика ниҳоят, салтанат, мулк ва кадр қиймат ғавғоларидан тин олиб, мангу оромга қовушди.

Фотиҳа ўқилар экан, сўз қотилмади. Шу тобда шаҳзоданинг дилидан нималар кечгани ўзигагина аён эди. Балки севикли аммасининг дийдорини кўмсаган, фалак ва тақдир ўйинларидан безиллаб, Тангридан бу зулмга қарши кўмак ва нусрат сўраган бўлса бордир...

Қайтар чоғда Ҳусайн Мирзо:

– Марв кетгайман! – деди алам билан. – Яхши кишилар замони тугаб битди. Бундан бу ёғига неки бор, жангу жадал ила қўлга киритилгайдир! Султон Абусаид эндиликда Хуросон тахтига мандан ўзга ҳақли киши йўқлигини яхши билур. Шу сабаб, мени йўқ қилиш учун ҳеч нарсадан

тоймас. Тиласангиз сиз ҳам келинг дерман, аммо Машҳадда қолмоғингиз мақбулроқ. Сиздай назм қуёши юзини жанг-жадал тўзони тўсмасин дейман.

Хусайн Мирзо ғазаб ўтида ёнар, сўзларида ҳақли эди. Шоҳрух Мирзога мулк қилиб берилган бу ерлар унинг қармоғида қолмоғи лозим эмасми? Нечук Абусаид Мирзо ўзга мулкларга кўз тикади, ёшу қарига шафқат қилмай, барчасини ўлдиришга жаҳд қилади? Бу ишнинг адолати, дурустлиги қайда?

– Шундай, султон Абусаиддан олисроқда турганингиз маъқул, – деб жавоб қилди Алишер. – Вақти келиб албатта Ҳирийга қайтгайсиз. Энг катта дарбозасидан киргайсизки, оти “Фатҳ” бўлгай.

Бу тилақдан Хусайн Мирзонинг юзи сал ёришди.

– Аллоҳга қасамки, Ҳирийни албатта олгайман!

– Тангри паноҳида асрасин!

– Сизни ҳам паноҳида асрасин!

Шундай деб, икки дўст видолашишди.

Фалак чавғони тақдир тўпини ер юзига итқитди, у тиккадан шом томон юмалаб кетди.

Гоҳида баҳор пайтида шундай ҳол юз беради. Бирдан совуқ шамол туриб, кекса қишнинг қолган-қутган изғиринлари бўй кўрсатади, яшнаган гулу чечакларни совуқ уради. Бу икки ёш ҳаётида ҳам шундай изғирин эсиб ўтди. Ҳар иккиси ҳам номаълумлик шамоли остида, ноаниқ келажак қаршисида қолавердилар.

Тақдир чавғончиси Хусайн Мирзони Самарқанду Марв орасига чавғон тўпи каби отди. Алишерни эса фақирлик ва ғариблик ҳаётига, мадрасалар хужралари томонга итқитиб юборди.

### ***МАШҲАДДА ҚУРБОН ҲАЙИТИ***

Султон Абусаид Мирзо Ғиёсиддинбекка ўз хизматида бўлишни буюрган, волида бекач ва хизматчилар шу сабаб Ҳирийда қолишган, падари бузруквор Алишернинг Ҳирийга қайтмоғини истамаган эди. Султон янги юришларга

ҳозирлик кўраётгани учун кўпдан-кўп маблағ, анжом-аслаҳа лозим, табиийки, буларнинг бир қисмини халқдан йиғиш ирода қилинди. Яғмочилар, доруғалар, ўлпончилар кишиларнинг оҳ-воҳига карамай, зўрлик билан молини тортиб олишарди.

Машҳад Ҳирийга нисбатан осойишта, бунинг боиси олимларининг кўплиги бўлиб, улар кишиларни ҳалолу ҳаромдан, гуноҳу савобдан огоҳлантириб туришарди. Шундай бўлса-да, Алишерни салтанат ва илм орасидаги зиддият қийнаб келарди: олимлар сўзи бошқа, салтанат сўзи бошқа! Султон Абусаид кишилари Машҳадга тез-тез келиб кетишар, бироқ, ҳар келганларида бир мушкулот бошланарди. Султон Абусаид ғабланган шер каби типирчилаб, Узун Ҳасанга қарши урушга тайёрланар, озиқ-овқат, курол-яроғ, эр йигитлар жамланар, лашкарбошилар уруш режасини тузишарди.

Мударрислардан Абу Абдуллоҳ Жунайдий оғир-босиқ, оқ юзли, дилбар киши эди. Салтанат ишларига хуши йўқ, “Олимнинг яхшиси султонлар хузурига бормаганидир” дейишни ёқтирарди. Бир куни у киши Ҳофиз ғазалини шарҳлар экан:

– Шоирларни берган Аллоҳ таолога ҳамдлар бўлсин! – деди. – Бироқ ҳаммасини ҳам эмас, илм билан шеърни бир қилганларини айтдим.

– Қайси бирларини назарда тутдингиз? – деб сўради Алишер.

– Улар самодаги юлдузлардай кўп, аммо ҳозир Ҳофиз Шерозий ёдга келди.

Абу Абдуллоҳ Жунайдий “Ҳофизо, ширин калом айла тилингни борича, Ногаҳон етса ажал, тил сўзга келгай-келмагай” байтини ўқиди-да, хитоб қилди:

– Ҳай-ҳай, маънини кўринг! Ажал етгани он айтиладиган сўз – калимаи шаҳодатдир. Қаранг, у киши Аттор остонасигача келдилар! – деди Жунайдий. – Ортга қайрилиб дунёга қараганида эса нигоҳи ўзгариб қолган эди. У назар ила боққанларида, бутун Коинотнинг мўмин эканини кўрдилар.

Алишер мавлонога қизиқсиниб қараб турарди.

– Чунки, “Осмонлару ердаги бор нарса унга ҳамд айтур” каломининг маъносини англаб колдилар. Сайд ҳам, сайёд ҳам мусулмон эканини, овланувчи ўзининг овланишидан, ов қилувчи эса овидан рози эканини кўрдилар. Шундан сўнг у кишининг қуёши сира ботмади. Бир куни бир киши шу ғазални шарҳлаб “Арғумоқ остингдадур”дан мурод мансаб арғумоғи, бойликдан мурод эса мулку сарват, деди. Мен эса унга эътироз билдириб “У сизнинг вужуд арғумоғингиздир, бойлик эса умрингиздир” деб айтдим. Бундай эътиқоднинг сирини мен сизга очай, зеро ўзингиз интиқ бўлиб турибсиз.

– Қандай сир экан, жуда қизиқтирдингиз?

– Тангри таолонинг барча яратикларини севмоқдир, – деди шайх. – Чибинидан арисигача, майсасидан оғочигача, тоғидан дарёсигача, тунидан кунигача севмоқдир.

– Ё тавба... – деди кейин, бошини чайқаб. – Унинг махлуқлари орасида хунуқларию гўзаллари, ваҳшийларию мулойимлари бор. Олимлардан бири айтдики, уларнинг яралишидан мурод инсон гуноҳу савобларининг қиёфа олиши мумкинлигага ишорадир. Гуноҳлар хунуқ, кўрқинчли, ваҳший яратиклар шаклида, савоблар эса хушсурат қушлар каби ўз эгаси қошига учиб келгайдирлар, деди. Албатта, Тангри билгувчидир. Вақти келиб, теварагингиздаги ҳар нарса ўзининг аҳволидан сўзлаб, хабар бера бошлайди. Билинг, бўтам, мен ёруғ оламда эллик тўрт йил яшадим, ўқидим-ўргандим, ақлим етгани шулар бўлди. Дунё ҳаёти бир фитнадир, уни тарк этганларгина саодатга эришгайлар. Шуни сира ёддан чиқарманг!

– Сиз баъзи кишиларнинг фикрларини жамлаб шундай деб айтдингиз, бироқ, бу дунёдан юз ўгириш даркор эса, бунча ризқлар, завқлар, ҳайратлар, таъмлар, лаззатлар, бўёқлар нечун? – деб сўради Алишер. – Қиёслар, таққослар, инкорлар, завқлар, ҳайратлар, кўрқувлар, хавотирлар, ўзни унутишлар – буларнинг барчаси Тангри ошиқларининг ҳолати эмасми? Менимча, уларга маҳлиё бўлган киши билан оламдан этак силкиган киши ўртасида фарқ бор. Дарвишлар Тангри таолонинг “роҳийм” ва “ғофир”

сифатига муштоқ бўлиб таркидунё қиладилар. Менимча, унинг “карийм” сифатига ошиқ бўлиш кишини янада юксакка кўтарур.

– Тўғри айтдингиз, – деб жавоб қилди Абу Абдуллоҳ Жунайдий. – У икки сифатни барча билади, бошқаларини идрок қилиш эса ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Уни кўра олиш учун басират кўзидан ташқари, кучли истеъдод ҳам зарур. Фикрларингиз билан мени хурсанд қилдингиз! Кўпдан буён халойиқ орасидан шундай сифатларга эга бир олим етишса деб орзу қилар эдим, иншоллоҳ, орзуйимга етишдим шекилли. Танграм сизни ўз паноҳида асрасин!

\* \* \*

Орадан бир қанча вақт ўтиб, баҳор юз кўрсатди. Теварак сабзага бурканди. Қуш-булбуллар саси янграб, Ийд-ал Адҳа келди.

Бу кун эрта тонгдан Машҳад байрам тусини олган эди. Оламлар Хожаси ер юзини баҳор либослари ила безагани каби, кишилар ҳам турфа либослар кийишиб-безанишиб, болаларини етаклаб Қурбон ҳайитига шошиларди.

Алишер бир қанча вақтдан бери хаста, мафосил<sup>1</sup> бўғимларини қаттиқ зирқиратар, гоҳида юришга чоғи қолмай, жони озор чекарди. Абулқосим Мирзо акобирлари ҳар ёнга тарқалиб, кимдир Исфаҳонга, кимдир Кобулга, кимдир Самарқандга йўл олгач, ёш шоирдан ҳол сўрмоққа киши қолмади. Абусаид Мирзо амирлари Машҳадда ўз тартибларини жорий қилганларидан сўнг боғу боғчалар ҳам улар ихтиёрига ўтиб, охир-оқибат Алишер мадраса хужраларидан бирида ўрнашишга мажбур қолди. Биров бировни танимас, ҳар ким ўз дарду жони ташвишида экан, ёш йигитча кимнинг эсига келсин? Оломон орасида мадори қурий-қурий, бир амаллаб Гавҳаршодбегим жомеъсига етиб борди.

Жомеъда, Имом Ризо мақбараси қошидаги майдонда издиҳом тўлқинланар, воиз ваъз қиларди:

– Халойиқ, қулоқ тутингиз. Такбири ташриқа тарихидан сўйланур.

Халойиқ гувиллаб қулоқ тутиб турарди.

---

<sup>1</sup>Мафосил - бўғимларнинг яллиғланиши касаллиги.

– Иброҳим алайҳиссаломга айтилдики, ўғлингни қурбонликқа сўй. Исмоил алайҳиссалом онам изтиробда қолмасинлар дея, волидасига билдирмасдан йўлга чиқдилар. Бир тоғ этагига етганларида Иброҳим алайҳиссалом ўғилларини ерга ётқиздилар. Тиғни бир тортдилар, кесмади. Икки-уч тортдилар, яна кесмади.

– Ё Аллоҳ!

– Ё Муҳаммад!

– Эй воҳ!

Кишилар бу ғаройиб ҳикоятдан таъсирланиб, бошларига ўн икки қат айлана дастор ўраган шиалар “Ё Али” деб, ихчам саллали суннийлар “Ё Расулуллоҳ” деб йиғлашарди.

– Учинчи бор ҳам кесмагач, Ҳазрати Иброҳим жаҳллари чиқиб тиғни отиб юборган эдилар, тиғ бориб бир тошга тегди. Тош ўшал аснода кўчқор бўлиб жойидан қўзғалди. Ул аснода Жаброил алайҳиссалом ҳозир бўлди. Айтдики, Тангри сизни синовдан ўтказди, муборак бўлғай. Шунда Иброҳим алайҳиссалом шул такбирни айтдилар.

Эй жамоат! Ул маҳал Исмоил алайҳиссалом ёш бола эдилар. Отойининг иззати шу қадарким, Иброҳим алайҳиссалом у кишидан сўрадилар: “Эй фарзанди аржуманд! Аллоҳу акбар сизни қурбонликқа сўймоғимни истамоқдадир!” Фарзанди аржуманднинг ахлоқи ғоят муҳсин эрди, айтдики: “Эй муҳтарам отойи! Тангри таоло иродасига ва сизнинг буйруғингизга бир эмас, ўнта жоним фидо бўлсин!”

Ҳой жамоат! Тангри азза ва жалла ҳар он сизни ана шундай синаб, отойи-онойингизни, хешу ақрабоингизни ажал тиғи билан кесиб турадур. Ул тиғ ҳар он умрингиздан бир лаҳзасини кесиб ўтмоқдадир. Такбири шарифани айтингким, лаҳзангиз ибодат ўрнига ўтиб қолсин.

Минглаб киши каби чайқалиб, тўфон каби гувиллаб такбири ташриқани такрорларди.

Ҳайит намози ўқилгач, оломон тарқалиб, расталардаги ширинликлар, ноз-неъматлардан бола-чақасига ола бошлади. Машҳад аҳлининг фозилларида

мадрасаю масжид деворига абъёт осиш одати бор экан, баъзи кишилар унинг каршисига тўпланишиб, мазмунини муҳокама қилишарди. Алишер эзгинлик ва ҳорғинлик ичра, иситма қақшатган холида, шунда ҳам қизиққанидан девор ёнига борди. Байтга кўз ташлади-ю, туришга мажоли қолмай, бир устунга суяниб ўтириб олди.

Байт шундай эди:

*Оники, дар ҳавои сари зулфи ёри мост,  
Аз сар гузашта аввал ва дар охираш ҳабост<sup>1</sup>.*

– Офарин! – дейишарди кишилар бош ирғашиб. – Ажойиб байт экан!

– Шайх Себак абъёти бўлса ажабмас.

– Марворий бўлмасин тагин?

– Йўғ-э, Марворийнинг мундоқ байт битмоғига етти қовун пишиғи бор.

Мавлоно Нишопурий бўлса шояд...

– Мунда бир сир яширин. Яъниким, байт эмас, муаммодир. Жавобини топинг-чи!

Шу ғала-ғовур аро ёши улуғ бир киши тўпланганлар орасига кириб келди-да, уларнинг гапларини эшитиб:

– Бас, сиз муни фаҳмига ета олмадингиз, – деб мулзам қилди. – Албатта муаммодир! Қай бирингиз ечимини топдингиз?

Барча сўз демоққа истиҳола қилиб турар, байтни қайта-қайта ўқишарди. Оддий сўзлар бағрига яширилган муаммони топиш имконсиз, ҳеч бирида унинг асари сезилмасди. Шунда оломон орасидан бир неча киши устунга суяниб ўтирган Алишерни кўрсатиб, “Мана бу бемор йигит ҳам бир нима демоқчи” дейишгач, улуғ киши яқинлашиб, Алишербекнинг хасталик эзган ғариб қиёфасига, иситма қизартирган юзига, киртайган кўзларига қараб:

– Шу дардли ҳолингизда абъётга не бор? – деди кулимсираб.

---

<sup>1</sup>Маъноси: Ул кишиким, ёримизнинг зулфи ҳавосида бўлгай, Аввал бошдан кечиб, сўнг чангу губорга айланиши тайиндир.

– Муаммонинг жавоби “қутб”дир, – деб жавоб қилди Алишер. Сўнг “Мантикут-тайр” ёдига келиб, қўшимча қилди: – Бироқ, мазмунан заиф эмиш. Жон қуши бир қутбдан бошқасига парвоз қиларкан, мудом юксалгай. Тангри қутбларни ҳам турли-туман қилгандир. Келиш қутбидан кетиш қутбига қадар, жоҳилликдан билим қутбига қадар, куфрдан имон қутбига қадар маънини жамласа эди, мукаммал бўлур эди.

Хушсурат киши унинг муддаосини дарҳол тушунди:

– Мошоллоҳ! Буни оддий киши ҳаргиз айта олмас! Кимсиз, қаердансиз?

– Фақир Ҳирийдан, исмим Алишер.

– Ҳай Оллоҳ! Алишермисиз? Навоиймисиз?

Ёши улуғ киши бирданига тўлқинланиб, юзи ёришиб:

– Аллоҳу акбарга минг шукрим, сизни кўрмоқ насиб қилди! – деб унга кучоқ очди. Кейин халойиққа қарата:

– Ҳой яхшилар, кулоқ тутинг! Бу йигитча Ҳиротнинг машҳур шоири Алишер Навоийдир!

Ғала-ғовур орасидан кишилар яқиндагина ғазаллари Машҳадда ҳам шуҳрат топган беназир истеъдод эгаси шу дардманд, ёлғиз йигит эканига ишонқирамай, “Навоий? Йўғ-э?” деб хитоб қилишарди.

– Шу кунгача шеър ва илм аҳли орасида ўз туғилган жойини таҳаллус қилиб олиш урф бўлиб келган эди. Нечукким, бу урфни тарк этиб, барчани умумлаштириб “Навоий” дебсиз? – деди у киши. – Фақир Камол Турбатийдурмен. Ҳолингиз ёмон кўринади, истасангиз, сизга боғимдан бир хужра айирай, у ерда истиқомат қилинг, хотиржам бўлгайсиз.

Алишер Турбатийнинг лутфига жавобан миннатдорчилик билдириб, узрини айтди. Турбатий деди:

– У ҳолда истироҳатда давом этинг, мен сизга табиб юборай.

Машҳад осмони тунд, ёмғир ёққудай ҳаво эди. Турбатий истагига кўра арава ёлладилар. Бир баҳайбат йигит Алишерга аравага минишига ёрдамлашди. Алишер ўз хужрасига кириб тўшакка йиқилди ҳамки, чопар



келди. У келтирган тугунда егуликлар, шарбату мевалар, ёнида яшил саллали кўса бир киши – табиб бор эди.

– Дардингиз енгил, бир қанча кунда ўтади, – деди табиб, йигитнинг суякларини эзиб-эзиб кўргач. – Рутубат тўпланиб, бўғимга йиғилибди. Вужуд баҳори ҳар қандай рутубатни кеткизади. Фақат, истироҳат даркор.

### ***СУЛТОН АБУСАИД МИРЗО ТАШРИФИ***

Пойтахтнинг Қипчоқ дарбозаси олдида салтанат аъёнлари хушомад келтурмак учун карнай-сурнай жорий қилиб туришарди. Салтанатнинг хурматли кишиларидан бир тўпи Абусаид Мирзонинг етиб келишини ярим кун кутишган, султон эса бу маҳалда Ҳирийдан анча олисдаги Пули Нилий деган хушҳаво работда тин олмоқда эди. Бир маҳал туравериб оёқ-қўлларида дармон қолмаган кишилар кўзига олисдан чанг кўринди. Бу – султон карвонининг илғори эди.

Янаям ортда, ундан ҳам йирик чанг булути кўрингани кўшин келаётганидан дарак берарди. Кўпни кўрган оқсоқоллар бош чайқашса, баъзилар оғзига келганини қайтармасди:

– Ўзи келгани етмасми, мунча кўшинни ким боқади?

– Ҳой, мамлакат ҳукмдори тахтга ўлтирмақ учун келмоқда! Икки навқару бир қул ила келсинми?

Султон Абусаид етиб келганида карнай-сурнайчиларни-ю довулчиларни кўриб, гап нимадалигини фаҳмлади-да, “Бас” ишорасини қилди. Зафар садолари тинди.

– Биз жангда ғолиб чиқдикми, бу тарақ-туруқ чалингай? – деди Султон Абусаид Мирзо, қаҳрини яширмай. – Султон Абулқосим Мирзо Ҳақ раҳматига қовушибди, кимнинг ақлига келмиш бу шавқу сафо?

Ҳаммининг нафаси ичига тушиб кетди.

– Ҳайф сизга фотиҳ султонлар! – деди Абусаид. Сўнг аъёнларига бир нимани тайинлаб, отини шитоб чоптириб ўтиб кетди. Йиғилган хушомадчилар турган жойларида қолавердилар.

– Темурий салтанат тўлғанади, фиғон чекади, – деди катта оқ салла ўраган кексароқ бир киши, ёнидаги одамга. – Боиси, ҳар ким ўзини улуғ Амирга тенг кўришида, унингдек султон ўзимман деб хаёл қилишида.

Кейин эгилиб, шивирлади:

– Мундан бошқа таҳликали ишлар ҳам бўлмоқда. Энди салтанат парча-парча бўлиб кетиши тайин!

\* \* \*

Абусаид Мирзо шиддатли, тезкор киши эди. Тез орада унинг қудрат элчилари Машҳаду Кирмон, Исфаҳону Ироққача етиб боришди ва фуқарони зир-зир титратиб, янги тартиб-қоидаларини жорий этиб қайтишди.

Шаҳзода Ҳусайндан хат-хабар йўқ, фақат кимлардир унинг бир канча сарбозлари билан Марвга кириб борганини, Марв султонининг кичик қизи Бека Султонбегимга уйланганини айтар эдилар. Теваракда уруш оловлари ловуллаб ёнар, Алишер қаршисида риёзату ғариблик йўлидан бошқаси кўринмасди. У Машҳад мадрасаларида илм ўрганишда давом этди.

Ҳар ҳафта икки-уч бор шайх Камол Турбатий совға-салом жўнатар, гоҳида арава юбориб, Оро тепалигидаги боғига олиб кетар эди. Бир куни суҳбат чоғида, даврага ҳайит куни Алишерга ёрдамлашган баҳайбат киши кириб келди.

– Бу киши Паҳлавон Муҳаммад, куштигирлардан, – деб таърифлади уни Камол Турбатий. – Султон Абулқосимнинг юздан ошиқ куштигирлари бор бўлиб, улар Работи Соф тарафда истиқоматда эдилар. Юз паҳлавондан ўнтаси талабқаш, йигирмага яқини мерган ва ёш полвонлар, давраларда курашни шоён қиздиришарди.

– Султон ҳазратлари куштигирликни ёқтирардилар, – деди бошқа бир киши. – Ўзлари ҳам гоҳида кураш тушардилар. Афсуски, бу кун полвонлар ҳам парокандаликда қолишди. Баъзилари черикка қўшилиб кетишди.

Шундан сўнг куштигирликдан сўз кетди. Паҳлавон Муҳаммад бундан бир канча йил аввал Шохрух Мирзо элчилари қаторида Чинга борилганини сўзлаб берди.

– Ҳар работтаким, уч юз чоғлик киши кутиб олар, яна шунча киши кейинги работгача кузатиб борарди. Кишиси ингичка суякли, чекик кўзли, майда жуссали бўлар экан. Бироқ от минмоққа хунари йўқ, ўрганса бўлурми десангиз, уқуви ҳам йўқ. Пойтахтга яқин борилганида кўрсак, тумонат одамни бир хилда ясангириб сафга тизибди, кўлларида елпиғичлари бор, гул отиб турар эдилар. То ярим кун шундай йўл босилди. Аммо иқлими ўзга ва сира хуш эмас. Бир араси бўлгаймиш, узун оёқларини осилтириб учгайдир, чакса бир ҳафта шиши кетмас. Ўз одамни чакмас эмиш. Зиёфатлар сўнгида куштигир томошаси бўлишини айтдилар, биздан Мирзо Абдуллоҳ ила мен чиқар бўлдик. Мирзо Абдуллоҳ баҳайбат жуссали, бир мушт ила одам йиқитур эди, зарбидан йиқилмаган йўқ эди. Чин сарбозини ҳам муштлашувга уста дедилар, андоқ ажойиб хунарлар кўрсатишдики, лол қолгайсиз. Мирзо Абдуллоҳ менга деди “Бу чинлиир ҳарчанд серҳаракат бўлса ҳам, бўйнидан тутиб отиб юбораберинг!” Мен дедимки: “Хайр, меҳмонмиз. Суяк-сўнгаги синса не бўлгай?” Мирзо дедикки, кўяберинг. Шундай қилди, кокилли бирови чиқиб эди, дедикки, “Бу менга оз, яна бир-иккиси келсин!” Яна бировини кўшдилар. Мирзо анча уринди, ҳеч тутқич бермас эдилар. Аммо ингичка кўллари билан Мирзога зарар етказолмасдилар. Ниҳоятда Мирзо бирини тутиб олиб, мушукболадай кўтариб шундоқ отдики, одамлар орасига бориб тушди. Курашда енгилса, ерда судралиб йиғлашар эканлар, ўз ҳоқони қошида шундоқ йиғлади.

Қолган олишувларни биз енгавердик. Отда туриб қилич солиш, ёй уришда биров бас келолмади. Қолдики, ҳар турлик ҳуққабозлигу масхарабозлик томошаларида уста эканлар, шу даражадаки, бизлар ундоқ қилолмасмиз.

Бироқ, ҳарчанд ғалаба ила қайтсак ҳам, сафаримизнинг натижаси султонга хуш келмади. Воқеаларни тинглаб, дедикки: “Сиз кучингиз ила мақтанурсиз, ақлингиз ила мақтансангиз қанийди! Аллоҳ таоло кучни филга ё арслонга ҳам берди, аммо ақлдан нишона бермади...” Нега бундай деганларини сира англаёлмадик.

Давра Шохрух Мирзо сўзларини муҳокама қилар экан, орада кўзлари чакнаб турган ўрта бўйли хушсурат йигит ҳам бўлиб, Камол Турбатийнинг хар сўзига бош ирғаб, бесаранжом ўлтирур эди.

– Ҳай майли, сиёсатдур, сизу биз билмаган бир жиҳати бўлса ажабмас... Мен сизга қолганларни ҳам таништирай. Мана бу бесаранжом йигит Шайхим Сухайлий бўладилар, – дея таъриф берди унга Камол Турбатий. – Ғоят закий, ҳазилни ёқтиргайдир. Бироқ эҳтиёт бўлгайсиз, турлук фитналари эл аро машҳурдур.

– Бул киши эса мавлоно Алишоҳ Кирмонийдурлар. Байтида ҳам, дўстликда ҳам ҳазил-мутойибага ўчдир.

Алишербек барча билан янгитдан саломлашар экан, мавлоно шу аснода Алишербекка қараб:

– Бунча киши бу кун боғимизнинг булбуллари дурлар, – деди мулойимлик ила. – Мажлиснинг муддаоси сиздан байт эшитмоқким, бир қанча киши “Ул байтларни битган Алишербек бошқа кишидир, бул эмасдир” деб даъво қилурлар.

Шу яқинда битилган хуш бир ғазал ёдида эди. Алишер мажлис улуғлари қошида ғазал айтмоқ осон иш эмаслигини, магар ўқилса фасоҳат аҳли қиймат бермоғини тилаб, ғазалини ўқиди:

*Фурқатингдин заъфарон узра тўкармен лолалар,  
Лолалар эрмаски, бағримдин эрур парголалар.*

*Дур тишингдин донайи сабрим қолур бебар десам,  
Кулуб айтурким, экиннинг офатидур жоалалар.*

*Барги гул узра ёпишибтур шакар ҳар соридин,  
Ё магар лаълинг уза қайнабтурур табхолалар?*

*Тола-тола най ўқунг кўксумда гўё синдиким,*

### *Теврулубтур нотавон кўнглумда бир-бир толалар...*

Илк байт ўқилганидаёқ барча бир-бирига маънодор қараб қўйди. Ғазал битгач, Камол Турбатий хаста ҳолига қарамай ўрнидан кўзғалиб, Алишербек қошига келди.

– Парголалар? Теврилибтур? Қора халқ ўзаро қўллайдурғон дағал сўзларни ғазалга киритмоқ? Эй мажлис аҳли! Шоҳид бўлингизким, назм жанггоҳига кирган бу ёш навқар барча лашқарбошиларни доғда қолдириб, бир ўқ билан Зухрони урди, баҳодир бўлди!

Ғазал хурмати, барча оёққа туриб, шоирни олқишлашарди.

Машварат тугаб, Мавлоно Камол Турбатий Алишернинг қолишини ҳар қанча тиласа-да, узр-маъзур айтиб ташқарига чиқилди. Паҳлавон Муҳаммад ҳар доимгидай ёнида эди. Мафосил оғриғи бир оз енгиллашган бўлса-да, ҳали дард кетмагани учун:

– Сизни хунарлироқ бир табиб кўрмаса бўлмас, – деди жони ачишиб. – Мафосил асли кексалар дардидир, бўз йигитга нечук илашсин? Сиз баҳузур истироҳат қилаберинг, биз табиб Абдусаломдан ўтингаймиз, иншоллох, шифо топурсиз, – деб лутф қилди.

Илк кўришишдаёқ меҳр қўйган бу паҳлавонга Алишер миннатдорчилик билдириб, хайрлашди.

### ***ПАҲЛАВОН МУҲАММАДНИНГ ЗАРОФАТИ***

Кўр сабоҳда Алишер Навоий бир неча янги ғазаллар битди. Улардан бири шундай эди:

*Ҳар қаён боқсам кўзумга ул қуёшдин нур эрур,*

*Ҳар сори қилсам назар ул ой манга манзур эрур.*

*Чун масал бўлди сочинг зулм ичра, ёшурмоқ не суд,*

*Мушк исин ёшурса бўлмас, – бу масал маишхур эрур.*

*Телбарармен то ани кўрмон, ажойибдур буким,  
Ул пари девона кўзидин доғи мастур эрур.*

*...Гар Навоий сиймбарлар васлин истаб кўрса ранж,  
Йўқ ажаб, невчунки хом этган тамаъ ранжур эрур.*

Бошқа ғазаллар орасида шуниси ўзига кўпроқ марғуб келиб, қоғозга кўчирди-да, жайбига<sup>1</sup> солиб қўйди.

Чошгоҳ маҳали “Алишербек!” деган гумбурлаган чорлов ила Паҳлавон Муҳаммад кириб келди, ёнида ўрта жуссали, оқ юзли бир киши ҳам бор эди.

– Дўстимизни дард полвони ерга ошириб урибтур. Бу киши машҳур табиб Мавлоно Абдусалом Шерозийдирлар.

Мавлоно Абдусалом суякларни эзиб-эзиб кўргач, енгил тин олиб:

– Бу касалликда маразни кеткизгач ҳам бир қанча хилт вужудда қолур. Сабр ила уқалангайки, вақти билан даф бўлгай, – деди.

– У ишни мен адо этгайман, хотиржам бўлаверинг, – деди Паҳлавон Муҳаммад.

– Ҳай-ҳай, – деди мавлоно Шерозий. – Бул қудрат ила суяк эзмокдан эмас, синдирмоғингиздан кўрқамиз.

Табиб Абдусалом хайрлашиб кетгач, Паҳлавон Муҳаммад шу ерда қолди-да, яна ўша шавқ билан:

– Муолажани бошлагаймиз, улуғим, – деди.

Сўнг қалин бармоқлари билан оғритиб-оғритиб уқалай бошлади. Уқалаш асносида сўради:

– Сиз туркий шеърни яхши айтурсиз ва туркий назм айтур элдин эшитиб, бизга бу сўзни мусаллам тутарлар. Бизнинг бир саволимиз бор.

– Жавоб берай, сиз бори саволингизни айтинг.

---

<sup>1</sup>Калта енгли қабонинг ён киссаси.

– Саволимиз шуки, туркигўй шуародин қайси бири шеърни яхшироқ айтибдурлар? Қайси бирини ёқтирасиз?

Алишер жавоб қилди:

– Барчаси яхши айтибдурлар, мен ёқтираман.

Паҳлавон деди:

– Сиз такаллуфни қўйинг, воқеъ юзидан сўз айтинг. Барчасини ёқтираман дедингиз, бари бирдек эмас, албатта тафовут бор.

– Мавлоно Лутфий бу қавмнинг устои ва малик ул-каломидурлар.

– Нечук Саййид Насимий демадингиз?

– Хаёлга келмади, бироқ Саййид Насимийнинг назми ўзга ранг тушубдур, зоҳир аҳли шуаросидек назм айтмайдур, балки ҳақиқат тариқини адо қилибдур.

Паҳлавон кўзида шўх учқунлар чакнаб, киноятомуз деди:

– Ҳол буки, Саййид Насимий борида Лутфий назмини писанд қилгайсиз. Аммо Саййид Насимийнинг назми зоҳир юзидин мажоз, маъни юзидин ҳақиқат тариқиға шомил, дейсиз... Ваҳоланки, сиймбару санавбарлар қасдида ҳам андоқ байтлари борки, ҳайратда қолгайсиз, – деб уқалашдан тўхтаб, шу байтни ёддан ўқиди:

*Гар Насимий сиймбарлар васлин истаб кўрса ранж,*

*Йўқ ажаб, невчунки, хом этган киши ранжур эрур.*

Алишер бугун тонгда ёзган ғазалини унинг оғзидан эшитганига ҳанг-манг бўлиб, сездирмай қўлини жайбига солиб кўрди: йўқ, қоғоз ўз жойида турибди! Таажжуби ортиб сўради:

– Бу шеърни қачон ёд тутиб эдингиз?

Паҳлавон Муҳаммад бамайлихотир жавоб қилди:

– Бир қанча йил бўлғайки, Абулқосим Бобур мирзонинг мажлисида бу шеър ўқилган эди. Менга бағоят хуш келди, битиб олиб ёд туттим.

Шундан сўнг иши борлигини, эрта тонг-ла келишини айтиб ўз уйига жўнаб кетганида ҳам Алишер таажжубда эди. Ҳар қанча эслашга уринса ҳам Насимийнинг ундай ғазали борлиги ёдига келмасди.

Эртасига тонг маҳал Паҳлавоннинг яна гулдурак овози эшитилганида Алишер бедор эди. Бу сафар Паҳлавон Муҳаммад девдай-девдай уч-тўрт полвон билан кириб келди. Давра олиб ўтирилиб, ҳол-аҳвол сўрашилгач, яна ўша у ғазални сўраган эди:

– Келмасимиздан байту ғазал дейсиз, мундоқ ҳол-аҳвол сўрамайсизми? – деди маломат қилиб. Алишер қўймагач, паҳлавонларга юзланди:

– Мен у шеърни ёд тутган маҳалда куштигирлардин ҳам бир нечаси бор эдилар. Ўқинг, андоқки мен билан ўрганиб эдингиз!

Куштигирлар ҳам бир олиб-бири қўйиб, у ғазални бенуқсон ўқиб беришди.

– Қўяберинг, – деди Паҳлавон Муҳаммад, Алишернинг аҳволига зимдан назар солиб. – Мафосилнинг шундоқ зарарлари ҳам бўлар экан, хотирни чайқатармиш.

Алишер бу ишда бир фитна борлигини сезиб турар, аммо ҳали биров кўрмаган махфий ғазални қай тарз Паҳлавон Муҳаммад-у полвонлар билиб олганига ақли етмас эди.

– Оёқ уқаланса бош марази кетишини энди эшитишим, – деди у ҳам.

Паҳлавон Муҳаммад полвонлари билан бир қанча егулик-ичкуликлар келтирган экан, бир муддат зиёфат тузалди. Еб-ичиб бўлингач ва муолажа поёнига етгач, Алишернинг ҳамон пешанасини тириштириб ўтирганини кўриб Паҳлавон Муҳаммад қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди:

– Эгнингизни уқалар чоғ жайбингизда қоғоз кўрдим, – деди кула-кула у. – Оҳисталиқ била ул қоғозни чиқариб қарасам, ул яқинда айтилган шеърдур. Қоғозни ёнимда очиқ қўйиб ёд олдим-да, чирмаб яна жайбингизга солдим. Сўнг атай туркий сўздан гап очдим. Оқшом бориб, бу полвонларга ҳам таклиф била ўргатдимки, лозим чоғда равон ўқиғайлар. Сизга шу тариқа бир хийла емиши ҳозирладим, сиз ҳам балиқ каби едингиз-қўйдингиз.



Алишер ҳам ўзининг ишонувчанлигидану Пахлавоннинг хийласидан завкланиб кулар, бу кулги ила оғриқлари вужуддан сийрилиб чиқиб кетмоқда эди гўё.

### ***ЗУЛМ***

Султон Абусаид Мирзонинг салтанат бошига келиши шусиз ҳам кашшоқлик гирдобида хасдай айланаётган Хуросон ҳаётини янада мушкуллаштириб юборди.

Қисқа муддат ичида мамлакатда уч султон алмашди. Ҳар келган ҳукмдор халққа солиқ солишга уринди. Ажабки, енгган ҳам, енгилган ҳам фуқарога зулм қиларди. Ғолиб ҳукмдор уруш талафотлари ўрнини тўлдириш ва янги урушларга тайёргарлик кўриш учун, мағлуб эса ғолиб талаб қилган ўлпонни тўлаш учун эл бошига янги-янги хирожу яғмо ёмғирини ёғдирарди.

Султонлар қайси бекнинг кимга хизмат қилганини яхши билишар, салтанат ўзгаргач, унга мартаба ёхуд вазифа тайин этишар ёки салтанатдан четлатиб, ҳибсга ёки қатлга юборардилар. Шукрки, Абусаид Мирзо ушбу мулкларда пайдо бўлган учинчи бир қудрат – Абулқосим Мирзо хизматида бўлган бекларга шафқат қилди. Зотан темурий мулк уч давлатга бўлиниш арафасида эди. Гиёсиддинбек оиласи бир-бирига ёвлашган уч қудрат гирдоби ичида қолди.

Абусаид Мирзо мулозимлари султоннинг ўзи каби қаҳр-ғазабли кишилар эдилар. Фуқарони салга жазолаб, аямай уриб-сўкишар, Султон Абусаиднинг хазинани тўлғазиш ҳақидаги қатъий фармонидан сўнг кўзларига не кўринса олиб кетишарди.

– Султон адолат қилсин! – дер эди бир луристонлик киши, ёқа чок этиб. – Бизлар авом кишилармиз, на салтанат арконини, на уруш аҳкомини билурмиз. Қўлимиздан келган ишни қилиб, ризқимизни топиб ўтираемиз. Ишимиз-кучимиз султонга фидо бўлсин, бироқ, шу ишу кучни сарфлаганимизга яраша элга омонлик-фаровонлик берсин.

Бир мулозим:

– Султон муни сендан сўрагайми? – деб қиличининг ёни билан бир урган эди, луристонлик ерга йиқилиб тушди. Халойиқ шов-шув кўтарди.

– Ҳой нодонлар! – деди соқоли кўксига тушган кекса бир чол. – Бу мубоҳасининг ерими? Бозорда сиёсатдан сўзланурми? Бас қилингиз!

– Сен кимсан?

– Бул киши шайх ҳазратларидирлар!

Мулозим шаштидан тушди.

– Шайх эсанг масжидингга бор! Сенга не бор бу майдонда? – деб тўнғиллади.

Ночорлик, умидсизлик ҳаёт гирдобада хасдай ўйнатган юзлаб кишиларнинг аҳволи шундай эди,

Мадрасалару мақбаралар эса ялтираб кўзни оларди. Тангри таоло инояти илинжида барпо этилган ва уззукун тилаклар билдирилиб, дуолар кўкларга ўрласин дея барпо этилган бу азим иморатлар қашшоқлик тоқида янада кўркам ва маҳобатли кўринар, бироқ, гоҳ-гоҳо мадрасалару масжидларда ҳам курулли сипоҳлар кўриниб, ягона Тангридан нажот сўраётган кишиларни бешбаттар қўрқитишарди.

### ***ЛАЪЛ ҲАМ ТОШ, ТОШ ҲАМ ТОШ...***

Дўстлар бир куни кичик бир боғчага тўпланишди. Ҳовлида тошқозон бормиш, тагига ўт ёқилиб, Шайхим Суҳайлий ош пиширмаққа бошлади. Шунда кимдир байт ўқиди:

***Лаъл санг асту дегу сангин санг,***

***Лек андар миён тафовутҳост.***

Бунинг маъносини дарҳол фаҳмлаб олган Шайхим Суҳайлий:

– Юз офарин! – деди. – Тошқозон ва лаъл: иккови ҳам тошдир, лекин орасида тафовут бор. Тошқозондан бировга зарар етмас, унда лазиз таомлар пишгайдир. Лаъл тошидан эса халойиққа зарару кулфат етмоқдадир.

Бу – Султон Абусаид ҳар кимда не жавоҳирот бўлса олиб, бўлмаса ҳар турли муболагаю ҳайбатлар ила элга зулм қилаётганига ишора эди.

– Не ажабки, бизнинг мажлисда ҳам тошқозонда ош пишгайдир, – деди Шайхим Суҳайлий.

Ҳажв ва топқирлик билан айтилган бўлса-да, бу байт Алишернинг кўнглини ёритмади.

– Бир мусичани ини бузилса фарёди оламини тутгай, – деди у, ранж билан.  
– Полопони ўлса, чирқиллаши кўкни бузгай. Инсон шу қадар ҳақирми бу оламда? Бир-икки чепат нони, бир ҳовуч тариғи, бир кўза сувидан бошқа бойлиги йўқ кишиларга мунча зулм қилингайми?

Паҳлавон Муҳаммад унга қараб бош чайқади. Шоҳрух Мирзо сулоласига яқин кишилар оғзидан чиққан мундай сўзлар султон қулоғига етса, бошга бало келиши ҳеч гап эмас эди.

Тасодифни кўрингки, ош пиширилар экан, шаррос ёмғир қуйиб юборди. Ўчоқ томидан шариллаб сув қуйилиб, қозонни сувга тўлдирди-қўйди. Дўстлар оши барибирам пишмади, Шайхим Суҳайлий олиб келган қуруқ нон ва мевалар билан кифояланишди. Ҳар ким вазият ёмонлигини, жон сақлаш қийин бўлишини айтарди. Султон Абусаид мулозимлари халқнинг ғамлаган озуқаси-ю ўтинларигача олиб кетишгач, ҳадемай бошланадиган қиш қаҳратонлари кўпчилик бошига мусибат олиб келиши аён бўлиб қолди.

Лекин, бир-икки кишининг фикри ўзгача эди.

– Мовароуннаҳрда ҳам, Хуросонда ҳам султонлар ўзаро ёвлашиб, тахт талашмоқдалар. Султон Абусаид Мирзони нима десангиз денг, аммо у киши жуда хатарли бўлган қизилбошларга қарши жанг қилишга куч тўпламоқда. Узун Ҳасан неча йилдир Хуросонга кўз тикаётганини унутдингизми?

– Абусаид Мирзо дарҳақиқат, қаҳри қаттиқ султон, бироқ, бу гапингизда жон бор. Салтанатни бирлаштиришга уринмоқдадир.

– Қизилбошлар аввал ҳам Хуросонга кўшин тортиб келишганида қандай қирғин бўлган эди? Абусаид Мирзо элни ўша балодан қутқаришга жаҳд қилмоқда!

– Сиз не дейсиз, Алишербек?

– Бизларнинг биронтамиз бу ерда айтган сўзларимиз билан вазиятни ўзгартира олмаймиз, – деб жавоб берди Алишер. – Султонлар мамлакат тақдирини ўзгартирадилар, биз ўз тақдиримиз ғамини еганимиз маъқул.

Лой кўчалардан тойғона-тойғона қайтилар экан, Паҳлавон Муҳаммад шундай деди:

– Муҳтарам падарингиз, тағойиларингиз Султон Абусаид Мирзо беклари даврасида эканлар. Сиз ҳам Мирзо саройига борсангиз бўлмасмикин?

– Асло йўқ!

– Нечун бормайсиз?

– Фақир шаҳзода Ҳусайн Мирзонинг қиёматлик дўстидирман, – деб жавоб қилди Алишер Навоий. – Гарчи буни Ҳусайн Мирзо хиёнат деб ҳисобламаса ҳам, мен хиёнат деб ҳисоблайман.

– У ҳолда, нима қилмоқчисиз?

– Самарқанд кетгайман! – деди Алишер. – Урушлар ўрнига илм чечаклари бўй чўзган, хануз адолат ва жўмардлик барқ уриб яшнаётган, ер юзининг сайқали олий Самарқандда паноҳ топгайман!

– Тўғри, Мовароуннаҳр Хуросондан кўра осойишта, бироқ, у ерда не юмуш ила машғул бўлурсиз? Бир-икки таниш йигитлар Самарқандга қора черикликка бормоқликни ихтиёр қилмиш эдилар. Тиласангиз, улар қаватида боринг. Ихтиёр қилсангиз черикка кўшилинг, ош-озиғи, ақчаси ёмон бўлмас.

– Ҳа, бошқа чора йўқ, – деди Алишер. – На Ҳирийда, на Машҳадда фаровонлик қолди. Табъим қанчалар илм тилар эса-да, тирикчилик важҳи бошқа йўлларга кирмоқ тақдир эмиш. Сиз йигитлар ила сўзлашинг, мен тайёргарлигимни кўрай.

Эртаси кун Паҳлавон Муҳаммад дўстининг қошига келиб, ақча солинган шойи ҳамённи берар экан, деди:

– Куштигирлар орасида Қора Мўғул деган бири бор. Ўзи кўрсроқ, сўзи дағал, аммо хиёнат нелигини билмас. Ўша йигит билан карвонга кўшилгайсиз.

Тунд, хира кун эди. Бу кун ҳеч нимадан дарак бермасди. Ёшлик завқлари битиб тугагандек, умр навниҳолини турмушнинг лойқа селлари чирпирак қилиб шу осмон, шу булутлар остида оқизиб кетадигандек туюларди.

## **ИККИНЧИ ҚИСМ**

### **НАВОДИРУ-Ш-ШАБОБ**

#### *МАДҲ*

Эй инсонни яратган, уни мукаррам қилган ва осмонлару ердаги нарсаларнинг исмларини ўргатган зот!

Жами инсон болаларининг руҳларини яратиб, уларга руҳлар оламини ватан қилиб бердинг. Ўзинг истаганинг он манзилларидан қўзғатдинг ва у ердан кеткизиб, она қорнида пайдо қилдинг. Уни у ерда тўққиз ой тутиб, у ердан ҳам кеткиздинг у ёруғ оламга йўлладинг. Вақти келиб ёруғ оламдан ҳам кеткизиб, абадият оламида бино қилишингга ҳеч шак-шубҳа йўқ. Унга шундай сафарларни рўпара қилиб, шундай дунёларни кездирдинг.

Қуёшга “Суз” деб хитоб қилган эдинг, у ўша ондан бошлаб фалакда тинимсиз суза кетди. Ойга ер юзини тунда ёритгин дединг, ўша ондан бошлаб ҳукмингни қойимликда бажаришга тушди. Жонсиз тупроқни хазилага айлантирдинг, хазинани эса жонсиз тупроққа. Ҳавони ризқ қилдинг, ўзинг яратган халқларнинг нафасига айлантириб қўйдинг. Яратган оламларимни кўринг дея сув дунёсини ҳам яратдинг, қуруқликда не бор эса, ўхшашини у ерда ҳам бино қилдинг, бу икки олам орасини биргина сатҳ қилдинг. Шамолларингни у ерда ҳам пайдо қилдинг, у халқларга ҳам сафар амрини бердингки, йўқликдан борликқа ва борликдан йўқликка сафари тинимсиз давом этмоқда.

Юз минглаб қуруқлик ҳайвонларинию қушларини, уммонлардаги наҳанглару кўз кўриб қулоқ эшитмаган яратикларингни кўчадиган қилдинг,

юзлаб фарсах йўл босиб етган манзилларини эса улар учун хайрли қилиб кўйдинг.

Дединги, сафарингиздан мурод яхшиликдир. Сизни ҳам умр деган сафарга солдим, ҳузуримга етиб келганингизда йўлдаги ишларингиздан, мен кўрсатган хайру марҳаматлардан сўралгайсиз.

Бир кулингга кишиларни тўплаб, золим мамлакатидан чиқиб кетишини буюрдинг, сон-саноксиз кишиларни шундай қилиб фалокатдан қутқардинг, унга Тур тоғида нидо қилдинг ва асо ато этдинг, бузоққа жон киритдинг, ки бузоқнинг не эканини унга кирган жон нима эканини биров билолмади.

Золимнинг оғзига балчиқ тикдинг, ибрат олсинлар дея уни сақладинг.

Эй оламдаги барча ходисаларнинг Мураббийси! Бандаларинг сафаримизни хайрли қилгин деб ялиниб-ёлворурлар. Ўзинг сори сафарларни хайрли қилгайсан, йўлда учрайдиган барча кишиларни яхшиликларга сабаб айлагайсан, олддан чиқадиган бало-ю мусибатларни хайрларга айлантириб кўйгайсан!

### **САМАРҚАНД. 846-ЙИЛ.**

Самарқандга қиш қаҳрли келди.

Ҳар саҳар далалару ўр-қирлар устини йилтираб қировлар қоплар, йўлларнинг лойлари туни билан яхлаб, ўнқир-чўнқир бўлиб қоларди. Муз шу лойчўққилар орасида ҳам йилтирарди. Офтоб чиққани билан илитмас, кулранг булутлар орасида хира доғдай бўлиб тура-тура ботиб кетарди.

Қашшоқлик ила ҳашам, бойлик ила чорасизлик бир ерда. Бир ёнда озгин, эти бориб устихонига ёпишган ғариб чоракорлар тўп-тўп, оч-наҳор турадилар. Бир ёнда кунжут исини анқитиб машҳур Самарқанд нонлари пишади. Бошига бўз мато ўраб олган новвойлар тиним билмай тариқ, буғдой, жўхори унларидан патир-кулчалар ёпадилар. Моҳирлик ила ёғ суртиб ялтиратгайлар, бетига қатик-қаймоқ чаплаб, жизиллатиб сув ҳам урадилар.

Тери билагайли кўлига қуш кўндириб, Булунғур найманлари ўтиб қолишади. Булар даштнинг моҳиру чаққон овчилари, шамолларда қорайган

япалоқ юзи, қийикқа мойил ўткир кўзлари, жилов тутмоқдан қадок қўллари моҳир чавандозлигидан, ҳаёти ов-чопқин ила ўтишидан дарак беради. Чўғирма кийган хоразмликлару ияксоқол туркманлар кўринади. Одатий яшил тўн кийган саййидлар ҳам бор, ҳар доимгидай, теграсини муридлари қуршаб келишади. Дашт кишилари уларга парво қилишмайди, уларнинг ягона қонунияти жангу жадал! Қўнғиротлар, қипчоқлар, жалойирлар кўзга ташланади, улар бир-биридан чакмону тумоқлари билан фарқланиб туришади. Араблар, форслар, зуннор такқан яҳудийлар, олакўз ҳиндуларни учратса бўлади, уларнинг баъзилари қул қилиб олиб келинган, баъзилари омонлик истагида ўзлари келиб ўрнашишган. Бир шаҳарда мунча турфалик жамлангани ажаб.

Эрталабки қора совуқ боис дарахт шоҳларидаги, йўллардаги қорлар муз қотган, оёқ остида қисирлаб синади. Уйлар мўрисидан чиққан тутун кўкка ўрламасдан, теваракка ёйилиб димоқни ачиштиради. Исига қараб не тур ўтин эканини билса бўлади. У ҳидлар бозордаги темирчилар сандонидан чиқаётган кўмир иси билан қоришиб, бошни оғритади.

Ўрта бўйли, устига юпқа тўн кийиб, салла ўраган оқ юзли ёш бир йигит издиҳом оралаб бозор ёнидаги пастак гумбазли ҳаммом ёнига келди. Жуда совқотгани билиниб турарди. Кичик ёғоч эшик ғийқиллаб очилганида ичкаридаги буғли ҳаво ташқарига бурқираб кетди. Нимқоронғи даҳлиздаги сўриларда беш-олти киши ўтиришган экан. Самарқанд ҳаммомларининг кираверишида истироҳат хоналари бўлади. Ҳаммомдан чиққанлар совуққа чалинмаслик учун шундай хоналарда шарбат ичиб, тин олиб ўтиришарди. Даҳлиз иссиқ, нам, ўтирганларнинг пешанасида тер йилтирарди.

– Бай-бай! – деди улардан бири, патак соқолли қария ичкарига кириб келган йигитнинг титрашини кўриб. – Ушук урибди-ку, болам? Келинг, муни ичиб олинг, – дея, усти қалин мато билан ёпилган сопол кўзачадан иссиқ шарбат қуйиб узатди: – Олақолинг, кекса қўлини қайтарманг, савоб бўлади.

Йигит раҳмат айтиб, косадаги шарбатни бир-икки хўплади. Мижоз кириб келганини кўрган паст бўйли, каллахум тепакал ҳаммомчи:

- Ўтириб тургайсан! Жой йўқ! – деб шанғиллади.
- Ана, бир оз кутгайсиз, – деди оқсоқол. Сўнг йигитнинг кирмоч тўнига, оқ ингичка юзига қараб:
- Хуросониймисиз? – деб сўради форсийда.
- Ҳа, – деб жавоб қилди йигитча.
- Водариғ! – деди оқсоқол, соқолини тараб. – Бу кунларда Ҳирийдан кўп одам келади. Эл жуда қийналган, бу киш совуғида кишилар ўлган отларни ҳам ейишибди дерлар... Не замон келдингиз?
- Икки ойга ёвуқдир...
- Олақолинг, дармон бўлгайдир, – деб, мўйсафид патир ва туршаклар солинган табақни унинг олдига сурди. – Ичингизга иссиқ кирмаса, совуқ ғалаба қилгайдир.
- Бу улуғ Самарқанд ҳар кимга ҳам эшик очмайди, – деди кейин, салмоқлаб. – Бир ишингиз бўлмаса, кунингиз ўтмайди. Пишиққина йигит экансиз, бирор юмуш топмадингизми ё черикликка бормадингизми?
- Бориб эдим, – жавоб қилди йигитча. – Бир ойдирки, айрилдим.
- Қўрқдингизми? – деб пихиллаб кулди унинг ёнидаги мўғулбашара кимса, сариқ қийшиқ тишларини кўрсатиб. – Биламиз, навкарлик ҳар кимга ҳам эмас...
- Сен тек тур, – деб жеркиб берди уни оқсоқол. – Эшитмадингми, бир ой деди? Фаҳмингни ишлатсанг, сабабини англагайсан. Бир ой аввал Қарнак исёни бўлиб эди. Қора черикка исёнчиларга кўмак берган қишлоқлардан иккитадан калла қўпориб келмоққа буюрилиб эди.
- Тўғри айтдингиз, – деди йигит. – Ул иш буюрилгани он черикдан айрилиб Самарқанд келдим.
- Не замонаки, одамнинг на ўлиги иззатлангай, на тириги, – деди оқсоқол.
- Волидайн<sup>1</sup> бормилар?
- Борлар, бироқ аҳволларидан беҳабарман.

---

<sup>1</sup> Волидайн – ота-она.



Йигитчани Ҳирот қочқинларидан деб ўйлаган оқсоқол ўзича тасалли берган бўлди:

– Бу фалак ўғилни падардан, ёрни ёрдан айиргайдир. Аммо Тангри таолонинг марҳамати бениҳоя кенг, – деб, “Бас, албатта ҳар бир оғирлик-машаққат билан бирга, енгиллик ҳам бордир” оятини ўқиди. – Исмингиз не?

– Алишер.

– Хуросонда бундай исм кам учрайди. Демак, темурийзодалар чаргасидан экансиз-да?

Йигитчага унинг меҳри ийиди. Бундайлар озми? Ўтган бир йил ичида Султон Абусаид зулмидан Мовароуннаҳрга қочиб келганлар сон-саноксиз, Тангри таолонинг ўзи уларга шафқат қилмаса, бандасининг қўлидан не келарди?

Шу маҳал ички хона эшиги очилиб, юзлари қизарган бояги ҳаммомчи кўринди.

– Бир киши кирсин! – деди дўнғиллаб.

Алишер оқсоқолга:

– Нон-тузингизга рози бўлгайсиз! – дея, ҳаммомчи сари юрди.

– Одобини кўрдингми, аҳмоқ? – деди оқсоқол ўғлига. – Олийнасабларданга ўхшайдир. Сен бўлсанг пўнғир-пўнғир қиласан, ўйламай жаврайсан? Тур ўрнингдан, нарсаларни ол, уйга кетдик!

Алишер ҳаммомчига яқинлашган эди:

– Ҳа, йигит? – деди ҳаммомчи, кулиб. – Кирақол, сўнгақларингга иссиқ ўтгайдир.

Сўнг қатор териб қўйилган совунлару лунгиларга ишора қилди-да, ҳақини айтди.

Ҳақ тўлаш учун ҳамёнига қараса, ақча йўқ, ҳамён бўм-бўш! Боя карвонсаройга ҳақ тўлаганида бир неча танга қолган эди. Қайда тушган, сира эслолмади.

– Оғойи, – деди ўнғайсизланиб. – Ҳамёнда ақча қолмабди. Сиз шу ҳамённи олсангизу мен ақча топганимда келиб ҳақини тўлаб олиб кетсам?

– Бор-бор, ишингни қил! – деди ҳаммомчи шанғиллаб. – Ҳаммомга пули бор тушади. Пулинг бўлмаса яғиринг чиқиб юрабергайсан!

Алишер бу ночорлик ичра не қиларини билмай, ҳаммомчига бир нима демай карвонсаройга қайтди. Ҳаво очиқ, совуқ янада забтига олган эди.

Карвонсарой ичкараси илиқроқ экан. Талабасифат бу йигитни биров назарга илмас эди. Алишер шифти паст кичкина хужрага кирди, думалоқлаб қўйилган тўшакка суяниб, хўрсинди. Қўноқ келганини кўрган хизматчи бир бўлак матога ўралган патир, бир-икки туршак олиб кирди-да:

– Сабр қилинг, биродар, – деди унинг бу руҳсизлигига раҳми келиб. – Ойнинг ўн беши қоронғу, ўн беши ёруғ деганлар. Бу кунлар ҳам ўтар-кетар. Доғ сувни қозондан оларсиз. Ҳай дариг! – деб, хужрадан чиқди.

\* \* \*

Деярли ҳар куни қор ёғар, кишилар томларни, қорга тўлган кўчаларни ёғоч кураклар билан урина-урина курашар, бир амаллаб одам юргулик йўлаклар очишарди.

Карвонсарой эгаси Алишерга тунд қараш қилар, туриш-турмуши, таври олийнасаб зотларнинг фарзандига ўхшаш бу йигитчанинг не сабабдан ишсиз-юмушсиз кезишини англаёлмас, бироқ ҳар эҳтимолга қарши, фалак чархи бир айланишида эрта бир кун унинг ким бўлиб чиқишини ўйлаб, қаттиқ ҳам гапирмасди.

Эғнидаги Ҳирий тўни совуқдан сақлаёлмасди, ўйлай-ўйлай, уни тўнфурушларга сотишга қарор қилди. Рутубат ва зах туфайли мафосил яна хуруж қилган, бўғимларда оғриқ кўзғалган эди. Ҳунармандлар растасидан ўтиб, тўн бозорини айланар экан, бир-икки кишига айтган эди, ерга уриб жуда оз нарх айтишди.

Шунда тўнфурушлар растасидаги қора қошли, озгин бир йигит:

– Ҳой биродар! Шошманг, ҳой биродар! Тўнни сотгаймисиз?

– Сотмагайман, алиштиргайдирман, – деди Алишер.

– Бу Ҳирот тўни-ку? – деди йигит тўннинг астарини ағдариб, чокларига, матосига разм солиб. – Бу мато Хуросонда тўкилур, авомга хос эмас. Нечун бундай қиммат тўнни сотмоқчисиз?

– Ўрнига одмироқ, иссиқроқ бошқаси бўлса...

– Бул тўнингизга иккита одми тўн берсам оз, – деб самимий жилмайди йигит. Сўнг қозикларга осиб қўйилган дўппилару дасторлар қаватидаги узун тўнларни кўрсатди:

– Истаганингизни танлаб олаверинг.

Ҳақиқатан ҳам, йигитнинг тўнлари одми, дағал, аммо қалин матодан, пахта солиб тикилган экан. Алишер уларни бирма-бир назардан ўтказиб, йирик қавикли қора тўнга тўхталди-да, деди:

– Бир тўн олсам етар, иккинчисининг ҳақини бераверинг.

Тўнфуруш:

– Хоҳишингиз, – деб Алишернинг қўлига бир қанча танга тутқазди. – Менинг исмим Бобур, андижонийдурмен. Бир қанча йилдирки, тўн тикиб сотгаймен. Сиз Ҳирийданми?

– Алишерман. Мадрасада талаба эдим, тақдир тақозоси туфайли бу ёқларга келиб қолдим.

Бобур тагида чўғ ланғиллаб турган мис кўзачадан жийдаю олма қоқи солиниб дамланган дамлама қуйиб узатди:

– Совуқнинг даммини кесгай. Ичиб олинг!

– Афсус, илм олмоқ бизнинг ҳам муродимиз эди, – деди Бобур. Кейин Самарқандга келишининг сабабларини тушунтирди: – Кун кечириш мушкул, халқ қашшоқ. Марғилондан бир-икки аҳбоб Самарқандни таърифлайвериб, ниҳоят келишга кўндирдилар.

– Марғилон йигитлари уришқоқ бўладилар, яхши муштлашурлар. Барчаси қора черикликка кетдилар. Ҳўв нарида рўшдонийлар ҳам бор, созгупроқдан сопол идиш-оёқ ясаб кун ўтказадилар. Баъзилари новвойлик қиладилар, – деб орага қўшилди Бобурнинг ёнидаги ихчам жуссали, кенг пешанали шериги.

Бобур давом этди:

– Кўнгли очик, дилкаш йигитга ўхшайсиз. Ҳар ҳафта жума куни ҳалфана базмимиз бор, ош-палов пиширгаймиз. Тиласангиз сиз ҳам келинг.

– Ақча йўғида нечук келгайман? – деди Алишер кулиб, шу билан бирга йигитларнинг самимияти маъқул келиб.

– Беш кишига етган ош олти кишига етмасми? Қолдики, Тангри баракот берсин. Сиз келаберинг, даврамиз шундоқ, ақчага эмас, кўнгилга қарагаймиз!

Алишер бежирим, аммо фойдасиз либос ўрнига иссиқ тўнга ўраниб олгач, баданга иссиқ ўтди. Соғинч ҳажри бирлаштирган у йигитлар билан бир оз суҳбатлашиб ўтирди. Сўнг фурсат бўлганида келишини айтиб хайрлашиб, карвонсаройга қараб кетди.

### **ҚАЗОЮ ҚАДАР**

Кеч кириб самода юлдузлар милтирагач, шундай совуқ тушдики, ҳужра деворлари ўзидан муз уфураётганга ўхшарди. Хизматчи тоғорада чўғ олиб кирди, яна туршак дамлаб, бир оз сур гўшт, кесма ош келтирди. Овқатдан сўнг хиёл иссиқ ўтгандай бўлиб, тўнига ўраниб олди. Шам аранг липиллар, дарчадан олис-олислардаги тўнғиган ой кўриниб, совуқ шуъласи эски наматга тушиб турарди. Бўлиб ўтган воқеаларни ўйлаб-ўйлаб, кўзи илинганини сезмай қолди.

Шу ҳолида у ғалати бир туш кўрди.

Бир чаманзор эмиш. У чаманзорда икки кабутар “ғу-ғу”лашиб, қанотларини тапирлатиб гоҳ кўкка парвоз қилар, гоҳ кўнар эмишлар. Шу маҳал кўкда икки бургут пайдо бўлиб, ҳар иккисига ҳам чангал солиб, чинқиртириб кўкка кўтариб кетди. Ерда у шўрликларнинг тўзган патлари қолди, холос.

Уйғонганида ташқарида шамол қаҳқаҳа урарди. Карвонсарой бўғотларида хуштак чалар, музлаган қорларни тўзғитиб ўйнарди.

Ғала-ғовур эшитилар, қайсидир карвон сафарга ҳозирланарди. Карвонбоши туяларни жун матолар билан ўраб-чирмагани учун улар

Ўзиюрар мол тўпларидек кўринарди. Умр боғига ёпирилган қақшатқич қаҳратонда юракни иситувчи бир дўсту ёр йўқ! Уммон ўртасида бир ютум чучук сув йўқ! Худди денгиздаги Юнус каби, зулмат устига зулмат ёпирилиб келарди. Тақдир юзини терс ўгирган, нажот кемаси олислашиб кетган, фалокат тўлқинлари ёлғиз жонни хас каби ўйнатмоқда эди.

Отойи ва тағойилар Ҳирийдан султон Абусаид Мирзо чериги ила Сарахсга, Узун Ҳасан билан муҳорабага жўнаб кетишгани хабари узук-юлук эшитилган эди. Онаизор-чи, қондошлар-чи? Қутб-чи? Жонфизо Ҳирий не аҳволда экан?

Хуросондан келгувчиларнинг ҳоли хароб, ачинарлик қиёфада эдилар. Тужжорлар мол-мулки давлатга мусодара бўлиб кетишидан хавфсираб қатнамай қўйишган, Ҳирий гадолару қашшоқларга тўлган, қотиллигу ўғирликлар авж олганини, йўлларда қароқчилар бош кўтарганини, улар аслида қароқчи ҳам эмас, не қиларини билмай бир тишлам нон илинжида талонга чиққан йигитлар экани айтиларди.

Ҳирот-у Машҳаддаги ёр-дўстлар, устозларни бир-бир эслар экан, уларнинг бошига не кунлар келганини билмасди. Қадрдон сиймолар қаторида бағрикенг пир Саййид Ҳасан Ардашер ёдга келди. Улуғ ёшли бу киши теграсидагиларга меҳрибонлиги боис ҳурмати юксак, Абулқосим Мирзо саройида Алишерга доимо “фарзанд” деб хитоб қилар, меҳр кўргузар эди.

Исён унинг қалбидан тўфондай тошиб чиқарди. Ўйлай-ўйлай, Саййид Ҳасан Ардашерга мактуб битмоққа қарор қилди. Хизматчидан қоғоз ва қалам сўраб олди-да, хонтахта олдига чўк тушиб, илк мисраларни битди. Изтиробли номани битар экан, шам ёниб тугади, қолган қисми дарчадан тушган сахар ёруғида битилди. Мактуб, одобга кўра Тангри таоло сифатига ҳамд ила бошланмоғи лозим эди, бироқ, Алишер қоғозга битган ҳамду санолар ҳам тақдир тўфонлари аро қолиб кетган йигит бошига келган қаттиқ кунлардан ҳикоя қилди:

*Сано Ҳаққаким, кошифи ҳол эрур,  
Хирад мушкилотига ҳаллол эрур,*

*Алимеки, йўқтур бидоят анга,  
Азимеки, йўқтур ниҳоят анга;*

*Ҳазар ичра бечоралар ёвари,  
Сафар ичра оворалар раҳбари;*

*Не соликкаким, дашт этиб жилвагоҳ,  
Таваккулни айлаб анга зоди роҳ;*

*Мусофирни йўлдин кеча гум қилиб,  
Ёнига анинг қумни қоқум қилиб;*

*Аниким, қилиб ишқдин ёралиғ,  
Насиб айлабон анга оворалиғ;*

*Бировга неча гурбат изҳор этиб,  
Чу бир ерда кўп тургузуб, хор этиб;*

*Биравниким айлаб бир эл ичра хор,  
Анга чора айлаб ул элдин фирор...*

Туғилиб ўсган юртини тарк этиб, номаълум қисматлар сари йўл олган ёш  
полапон бошига тушган машаққатлардан ҳам сўзлади:

*Сафарни тамугдин нишон айлабон,  
Тамуг ранжин андин аён айлабон;*

*Кўнгулсизга мушфиқ, кишисизга ёр,  
Умиди йўқ эл андин умидвор.*

*Анинг ҳамдидин сўнгра юз минг дуруд,  
Бари фаррухойин ҳумоюнвуруд.*

*Наби равзасизга алайҳиссалом,  
Ҳам олу ҳам асҳобизга бардавом.*

*Адо бўлди чун ҳамду наъту сано,  
Бу оворадин юз туман минг дуо.*

Чорасизлик уфуриб турган мисралардан сўнг, мурувватли Саййид  
Ҳасанга нечун мактуб ёзилгани изҳор қилинди:

*Вафо анга пеша, сахо анга фан,  
Вафову сахо кони Саййид Ҳасан.*

*Зиҳе равзадин хулқунг ортуқ баса,  
Келиб боғи қадрингда тубо хаса.*

*Чу сенсен бугун олам аҳлида фард,  
Ки, ҳолин де олғай санга аҳли дард.*

*Мангаким, видодингга хурсандмен,  
Жанобингга шогирду фарзандмен...*

Сен менга ота ўрнида эдинг, ҳар яхши ишимга қувониб, нуқсонимдан  
изтиробга чўмардинг. Бир-икки мисра битсам, кўксинг осмон қадар бўлиб  
қувониб, мақтовлар айтар эдинг. Сенинг ишончу хайронликларинг менга

канот бағишлар эди. Ўша сен ишонганинг, балчиқ орасидаги дур каби сарсонликларда қолди...

Мактубни тугатганида манқалдаги кўр ҳам сўниб битган, кул орасида бир-икки заиф чўғ милтирарди. Қоғозни чирмади-да, тўнига ўраниб ташқарига чиқди. Тим охиридаги бир карвон эрта тонгда Ироққа жўнашини эшитган эди. Оғзидан ховур бурқиратиб, хизматчиларига бир нималарни бақириб юрган ўсиқ қошли, тунд араб карвонбошига салом бериб, мақсадини билдирди.

– Бул мактуб кимга? – деб сўради карвонбоши, чирмовли қоғозни айлантириб. – Мен ўқиш-ёзишни билмайман, – дея ўша ерда ўралашиб юрган ёрдамчисини чақирди. – Ҳой авлод! Кел, мана буни ўқиб бер-чи!

Ёрдамчи – паст бўйли, кичик гавдали, ёноқлари туртиб чиққан серҳаракат йигитча чопиб келиб, ўрам устидаги ёзувни ҳижжалаб ўқиди:

– Саййид... Ҳасан... Ардашер жаноблари...

– Бул киши Ҳиротдами? – деб сўради карвонбоши.

– Шундай. Саройга етқурилса бас.

– Не дея ёзмишсан?

– Ғазал, – деди Алишер, совуқдан дир-дир титраб. – Ул киши фақирга устоз бўлгайлар. Бир ғазал битиб, назарларидан ўтказмоқни тиладим.

Ўрамни очган карвонбоши мактубнинг ростдан ҳам ғазаллигига ишонч ҳосил қилди-да, “Бу замонада байту ғазалга не бор” деб тўнғиллади. Сўнг:

– Таммат! – деди арабчалаб. – Дафъи саман ал-хидма!<sup>1</sup>

Алишер у айтган ақчани бераётиб арабча жавоб қилган эди, ҳайрон бўлганидан арабнинг оғзи очилиб қолди.

– Оллоҳ-оллоҳ, Қурайш лафзида сўйладинг! Арабийнинг энг мукаммалини қайдан биласан?

Сўнг ўйланиб туриб,

– Ғазални ҳар ким ҳам бита олмайдур. Майли, бир гап бўлар, – дея кўполдан-кўпол бош ирғаб, туяларига қараб кетди.

<sup>1</sup> Арабча: “Хизмат ҳақини тўлаб қўй”.



## *САЙИД ҲАСАН АРДАШЕР*

Хуросоннинг эътиборли кишиларидан бири, фазилатли Саййид Ҳасан Ардашер ўз боғида эди.

Болалигидан Бойсунғур Мирзо саройида билим ва тарбия олган бу олийжаноб кишига султоннинг ҳурмати шунчалар эдики, уни ўз фарзандидай кўрар, баъзан шахзодаларга “Қанийди сенинг феълунг атворинг ҳам Саййид Ҳасанга ўхшаса эди” деб танбех берар экан. Бойсунғур Мирзонинг ўғиллари – подшоҳзодалар Алоуддавла, Султон Муҳаммад ва Абулқосим ундан риоят ва тарбият дарсларини олишган, шу сабабдан ҳам барча аъёну акобир, беклару баҳодирлар Саййид Ҳасанни яхши кўришар, иззатлашарди.

Хусронлар ва салтанат ҳирсу хаволари кишиларни зоту насабига қарамай заҳматлар гирдобига тортар экан, Саййид Ҳасаннинг улуғ иззати боис Абусаид Мирзо унга қарши бир нима қилишга ботинмади. Боғига тегинмади, мулки ҳам мусодара қилинмади. Бироқ, бу воқеалар унинг дил чироғини хиралаштирган, қалбида қайғу-алам ўтини ёққан эди, шу сабабли бир неча ёру аҳбоб суҳбати билангина чекланиб, узлатни ихтиёр қилди.

Шомдан сўнг келган чопар нома келтирганини айтганида, кимдан экани хаёлига келмай, ҳайрон бўлди. Қул келтирган қоғозни очиб, Алишердан эканини билгач, севиниб кетди. Ўзи яхши кўрган у йигитнинг тақдири ҳақида ташвишланиб кўп ўйлаган, Самарқандга бош олиб кетганини эшитиб ўкинган эди. Шундай заковатли, истеъдодли йигитни тақдир ҳар кўйларга солиб ўйнатди, ҳалокат денгизига отиб юборди. Машҳадда эканида бир кун кўришмаса кўмсар, ёш эканига қарамай суҳбатига чорлар, уни фарзандидай кўрарди. Мактубдан унинг соғ-саломат эканини билиб, “Аллоҳга шукр” дея чопарга хизмат ҳақини тўлади-да, шоша-пиша хонага кириб, шамни ёқди. Шам сўхтаси узун қолгани учун тутамокда эди. Микроз билан кесган эди, ёруғ бўлди. Шундан сўнг қоғозни очиб, ўқишга тутинди.

Бу равон, маъни-ю мазмунларни жилвалантирган, ҳар қатидан самимият ва ёш йигитнинг фалак ишлари қаршисида аламлари билиниб турган

мисралар Саййид Ҳасан Ардашер қалбига ҳам шундоққина кўчиб ўтақолди. Кўнгилчан бу киши қароғига қалққан ёшни кафти билан артар экан, кўз олдида овораликлару фалак ишларининг кажравлигидан, ватан фироқи-ю хажридан, бор дарду изтиробидан, шўришу ранжуридан озорда қолган закий шогирди кўрган кунлар гавдаланарди:

*Ғаме етти чархи жафопешадин,  
Ҳамул анжуми хориж андешадин.*

*Ки, бўлмоқ ватан ичра душвор эди,  
Кўнгулга жало дафъи озор эди.*

*Сафар тушти олимга беихтиёр,  
Қазо амрида элга не ихтиёр?!*

Сўнг унинг хуш суҳбатлари, жаннатосо даргоҳида ҳар доим офариниш ва фараҳ ҳукм суришини айтиб, ўз ҳолини яна баён қиларди:

*Мени йўқлабон борча аҳбоб аро,  
Тилаб топмайин хайли асҳоб аро,*

*Дегайсенким, ул зори овораваш,  
Ки, ҳижрон майидин бўлуб журъакаш,*

*Не қилди экин чархи нобахтиёр,  
Ки, саргаиталик айлади ихтиёр?*

*Хаёлига ҳодис не бўлди экан?  
Бу азмига боис не бўлди экан?*

*Чу ҳолимдин аҳбоб огоҳ эмас,  
Дегайлар ҳадисеки, дилхоҳ эмас,*

*Аён бўлғай оллингда ҳангомае,  
Битимак манга фарз эди номае,*

*Санга ҳолатимни аён айламак,  
Бу азми вужуҳин баён айламак.*

*Манга неча навъ ўлди бечоралиғ,  
Ки, оллимга тушти бу оворалиғ.*

Уйим нотавон кишининг кўнгли каби бузилган, у уйда энди андуҳлар-у  
ғам-қайғу озиқланмоқда. Энди ундаги май базмлари юрак қонидан ва  
кўнгилининг **ҳазин** нолаю афғонидан тузилмоқда:

*Десаким, топай эски пулдин фароғ,  
Топилмай жуз аъзосида янги доғ.*

*Маишат учун орзу қилса сийм,  
Ани топқай, аммо эсарда насим,*

*Киши жинси мулкида мардум гийё,  
Дирам синфи авзоида кимиё.*

*Киши бўлса андоғки, ўтти мақол,  
Бу янглиғ кишига бу навъ ўлса ҳол,*

*Нечук майли оворалиғ этмағай,*

*Бошин олибон бир тараф кетмагай?!*

Мактуб сўнгида Алишер не сабаб ила олиймақом Самарқандга бош олиб кетганини изҳор қиларди:

*Дема мулкким, ваҳшатободи зишт,  
Тамуз билгуруб зойиб ўлгач бихишт.*

*Тамошосини кимки, бунёд этиб,  
Сипоҳону Рай мулкидин ёд этиб.*

*Ҳисори аноу тааб маҳбаси,  
Сияҳчолдин тийрарўроқ басе.*

*Иморотида ганжедин йўқ асар,  
Хизона хароба бўлуб сарбасар.*

*Масождда тоат била нур йўқ,  
Хавониқда нон расми дастур йўқ,*

*Ҳам авқофни садр амлок этиб,  
Вале кўпрагин май учун ток этиб,*

*Ҳам эл манзилин шаҳ катакдек бузуб,  
Товуз ўрнига чугз ўлтургузуб.*

*Мадорисда илму салоҳу яқин  
Анингдекки, дайр ичра ислому дин.*

*Кўнгул жамъи аҳли муножот аро,*

*Анингдекки, тақво харобот аро.*

*Элида кишиликдин осор йўқ,  
Шароратдин ўзга надидор йўқ.*

*Не эл, не киши, балки шайтону дев,  
Келиб барчага даъб бедоду рев.*

*Бўлуб ломакон сатҳидин хонлари,  
Адам мулки бугдойидин нонлари.*

*Қора пул учун айлабон қатл фан,  
Ўлуктин тамаъ айлаб аммо кафан,*

*Не вайронда эски танобе билиб,  
Йилон согиниб, ганж даъво қилиб.*

*Қизил олтун истаб қоратоштин,  
Фалак гўйи бир дона хашихоштин.*

*Тутулса бирав ўғридур деб кучун  
Тутубон илиг, лек кесмак учун.*

*Ўлум келса бир зори бедил сари,  
Мадад айлабон лек қотил сари...*

Яна, ўзининг асл ният-мақсадиларидан сўзлаб, агар шу ишлар рўй бермаса эди, нималар қилган бўлишидан сўзларди:

*Мен ул менки, то турк бедодидур,*

*Бу тил бирла то назм бунёдидур.*

*Фалак кўрмади мен киби нодире,  
Низомий киби назм аро қодире.*

*Не назме дер эрсам мени дарднок,  
Ки, ҳар ҳарфи бўлгай анинг дурри пок.*

*Етар Тангридин онча қувват манга,  
Ки, бўлмас битирига фурсат манга.*

*Бу майдонда Фирдавсий ул гурд эрур,  
Ки, гар келса Рустам жавобин берур.*

*Рақам қилди фархунда «Шаҳнома»е,  
Ки, синди жавобида ҳар хоме.*

*Мусалламдурур зоҳиран бу иши,  
Ки, маъразга келмайдурур ҳар киши.*

*Деди ўз тили бирла ул кони ганж:  
Ки, си сол бурдам ба «Шаҳнома» ранж.*

*Ани дерга бўлса қачон рағбатим,  
Эрур онча ҳақ лутфидин қувватим,*

*Ки, ҳар неча нутқ ўлса коҳилсарой,  
Битигаймен ўттуз йилин ўттуз ой.*

*Агар хосса маъно гар ийҳом эрур,*

*Анинг кунда юз байти ҳалвом эрур*

*Вале айт деб, ким манга тутти юз,*

*Ки, мен юз учун демадим икки юз,*

*Не юз, не ики юзки, бу килки тез,*

*Аторуд била қилса зоҳир ситез,*

*Анинг сайри бир давр охир бўла,*

*Фалакни латойифдин этгай тўла...*

Юксак заковат, бадиият ва исён уфуриб турган ушбу мисраларни Саййид Ҳасан Ардашер юм-юм йиғлаб ўқиди. Ҳар байт, ҳар ҳарф ортидан чархи даввора тегирмонтошлари остида тарикдай янчилиб кетаёзган, гавҳар эса кум-кум эзилган, куш эса қанотлари юлинган, навкар эса қиличи синган, кўшин эса мағлубият саждасига бошини қўйган, қуёш эса кесилган бош каби уфққа юмалаган, мусаффо ёмғир эса – томчи бўлиб ботқоққа томган, заковат чечаклари тақдир изғиринида ушук уриб ҳалокатга юзланган олий хулқли Алишер қиёфаси кўринаверди.

Саййид Ҳасан Ардашер Алишернинг Ҳирийдаги мусибатлардан хабари йўқлигини фаҳмлаб бешбаттар эзилди. Бир қанча муддат аввал унинг ҳар икки тағойисини султон Абусаид Мирзо қатл эттирган, падари бузруквори, султонларнинг садоқатли ва жасур ҳабиби, Саййид Ҳасаннинг қадрдон дўсти Ғиёсиддинбек ҳам жангу жадалда Ҳақ раҳматига қовушган, ҳам укалари, ҳам хожаси ўлимидан қайғурган, кенжа ўғлидан бир хат-хабар ололмаган волида бека бу дарду ташвишдан аччиқ кўз ёшларини тўка-тўка, ҳожат намозини ўқиётиб, бошини саждага қўйиб Тангрига нолалар қила-қила жони узилганини қай тил била айтсин?

Саййид Ҳасан Ардашер ўйлай-ўйлай, мавлоно Абдурахмон Жомийга нома битишга қарор қилди. Жомийнинг Самарқандда эътибори жуда

юксаклиги важҳидан, бир сулола парчаланиб йўқ бўлиб кетар экан, у сулоланинг дуру гавҳари Алишербекка меҳру мурувват кўрсатилмаса, у ҳам шу тўфон аро хасдай йўқолиб кетиш хавфи остида эканини баён қилиб, ёрдам қўлини чўзишини ўтинди. Алишер маснавийсини бошқа бир қоғозга кўчириб, Жомийга юборди-да, шунда ҳам дили равшанлашмай, ёлғиз ўтирди.

\* \* \*

Орадан икки-уч ҳафта ўтгач, қаҳратоннинг дами бир оз қирқилди. Бунинг боиси самога булут чиққани эди. Оғир булутлар карвони кўк юзини тўлдириб жануб томон силжирди. У ер юзини кўрпадай ёпди, шу сабабли изғирин сусайди.

Эрталаб нонуштадан сўнг тўнфуруш Бобур зиёратига боришга чоғланиб тургани пайт, дастёр бола чопиб келиб, бир киши йўқлаётганини маълум қилди. У – бошига тулки тумоқ кийиб олган, қалин ола тўнли киши экан.

– Хуросонлик Алишер сизмисиз? – такаллуфсиз сўради у аравадан тушмасдан.

– Менман.

– Сизни бир яхши киши хузурига чорламоқда. Тез бўлинг, мен билан боргайсиз.

– Маъзур тутинг, ким эмиш у яхши киши?

– Борганингизда биласиз!

Чопар икки от қўшилган кичик аравада келган экан. От устида ўтирган, қўй терисидан тикилган юнгли пўстин кийиб олган қипчоқ йигит қўлини енг ичига тортиб, қунишиб турарди. Икки қорабайир устига ҳам кигиз ёпқичлар ташлаб қўйилибди. Ҳайрат ва тараддуд ичра ҳозирланиб чиққан Алишер аравага ўтиргач, Сиёб томон йўл олишди. Кўчалар ҳануз қорга тўла, аравалар юролмас, кишилар қўлларини ушук ура-ура, ёғоч кураклар билан йўл очишарди.

Алишернинг қалтирашини кўрган чопар:

– Ана бу пўстинни елкангизга ташлаб олинг, – деди, аравадаги қалин пўстинга ишора қилиб.



Арава ғичирлай-ғичирлай, мадрасалар ёнидаги бир кўчага бурилиб, нақшли дарбоза ёнида тўхтади. Аравадаги киши “Сиз туратуриг” дея ичкарига кириб кетди. Ҳаво топ-тоза, само нилий тусда тиниқ ёришган, отлар пишқириб, бурнидан паға-паға ҳовур чиқарар, бўғотлару ёғочлардан музсумалаклар шамширдай бўлиб осилиб турарди. Бир муддатдан сўнг ҳалиги киши қайтиб чиқди:

– Кирабергайсиз!

Каттагина ҳовлидан ўтиб даҳлизга кирилгач, бир хизматчи офтобада илиқ сув олиб келиб тутди. Эшик олдида уни келишимли, оппоқ соқолли бир мўйсафид кутиб олди.

– Алишербек сизмисиз? – деб сўради саломлашилгач.

– Менман, тақсир.

– Фақир Фазлуллоҳ Абулайсдирмен, – деб у билан кўришди хонадон эгаси. – Сиз ҳақингизда мавлоно Жомий нома юборибдилар. Аммо, Самарқандга келганингиздан номадан аввал хабар топсак, янада яхши бўлур эди.

Бу сўзлардан Алишер қалбида қуёш порлагандай бўлиб, миннатдорчилик билдиргач, олим уни ўчоғида олов гуриллаб турган, мушк иси анқиган иссиқ меҳмонхонага бошлади. Тўшакка ўтириб дуо қилинган, хизматчилар табақларда мевалар, ширинликлар, косаларда шўрва олиб киришди.

– Аввал таом, баъдаз калом демишлар, – деди мавлоно Фазлуллоҳ. – Сира тортинмасдан марҳамат қилаберинг. Ўзим ҳам хийла очикқан эдим, айбга буюрмайсиз.

Фазлуллоҳ Абулайс йигитнинг саломлашишидан то хонага кириши, ўтириши, луқма ейиши ва миннатдорчилик билдиришигача – ҳар одобни ўз ўрнига қўйишига кўнгли ёришиб разм солиб турарди. Уни мавлоно Жомийдек киши ўз қаноти остига олгани дарҳақиқат бежиз эмас, олий хулқли, юксак ахлоқли йигит экан! Юзларга қизил югуриб, баданга иссиқ ўтгач, Фазлуллоҳ Абулайс:

– Бизни маъзур тутинг. Бир муддат бу шаҳарда фақирликда экансиз, беҳабар қолибмиз, – деди. – Жомий ҳазратлари таърифингизни келтирибдилар. Бир нома Самарқанд ҳоқими Аҳмад Ҳожибекка ҳам етқурилмишдир. Сизга хонақоҳимиздан хужра тайин қилдик, дархол кўчиб келинг. Сабоқ учун эса фақир мударрислик қилмоқда бўлган Қозизода Румий мадрасасига боргайсиз. Таъминотингиз биздан бўлур, – деди мулойимлик билан.

Гўё қишда чарақлаб қуёш чиққандай, баҳор нафаси сезилгандай эди.

Мавлоно илтифотлар кўрсатиб, анча вақт суҳбатлашиб ўтирди. У Алишер ўқиган китоблардан, ўзи таниган-билган олимлардан сўради, суҳбат мавзуси шеърятга келгач эса, “Неча мисра ғазал билурсиз?” деб сўраган эди, “Аниқ ҳисобини айтолмасман. Қирқ-эллик минг мисра бўлса бордир” деган жавобни эшитиб, “Офарин” деб юборди.

Сўнг мавзу Ҳирийдаги вазиятга кўчди. Мавлоно Абулайс Ҳирийда кишилар ўлган ҳайвонларнинг гўштларини ейишгача боришганини, ўғрию талончи кўпайганини айтиб, сўнг кутилмаганда, улуғ кишиларга хос салмоқли тарзда “Ҳар жон борки, ўлимни тотгувчидир” ва “Ўзларининг қазо муддатларини олдга ҳам, ортга ҳам сура олмаслар” оятларини ўқиди.

Зийрак Алишер мавлоно уларни бежиз тилга олмаганини пайқаб:

– Нечук бу оятларни ўқидингиз? – деб сўради, кўнгли хуркиб-ҳайқиқиб. – Бир мусибат рўй бердимми?

– Бардам бўлинг, ўғлим, – деди мавлоно Абулайс. – Тағойиларингиз Сарахсда, падари бузрукворингиз Сабзаворда шаҳидликка қовушибдилар. Навкар қисмати шудир, жангда бўлмаса йўлда, йўлда бўлмаса, чўлда ажал ила юзлашгай.

– Волидам-чи? Иним-чи?

– Ҳам жигарларидан, ҳам хожасидан айрилганига ўртанган волидангиз намоз чоғи бандаликни бажо келтирибдилар. Оғойингиз Баҳлулбек инингиз Дарвишалини олиб, бир қанча яхши кишилар билан Марвга жўнабди. Дарвоқе, у ерда бир оғачангиз ҳам бор эмиш... – Мавлоно пешанасини

тириштириб, исмини эшлагга уриниб, тек қолди, сўнг: – Қутб! Ҳа, исми Қутб экан. Бир карвонга қўшилиб, Ироққа бош олиб кетибди...

Алишернинг ранги қув оқариб кетганини кўриб, унинг елкасига қўлини қўйди.

– Ал-ҳукму лиллах, эгасига кераклик экандурки, элтти, – деди юмшоқлик билан, изтиробда дир-дир титраётган йигитнинг озгин елкаларини силаб. – Ҳол буким, сизу биз борадиган маконга улар бир оз аввал бориб турибдилар. Тангри иродасига бўйсунинг, ҳақларига дуо қилинг.

– Устоз, – деди Алишер, ирода кучи билан ўзини қўлга олиб, лекин миждадан силқиб чиқаётган қайғу-алам ёшларини тўхтата олмай. – Кошкийди, уларнинг ўрнига мен ўлсам эди... Мен энди Ҳирий бораёй. Тириклигида бўлмаса, ўлганида... мозори бошида дуосини қилаёй...

– Ҳирий бормоғингиз сира ақлдан бўлмас, ўғлим, – деди мавлоно Абулайс. – Мархумларни шу ердан туриб дуо қилсангиз ҳам ҳеч бокиси йўқ, чунки жон капалаги аллақачон тан пилласидан учиб кетиб бўлди. Йўлларда қароқчилар ўтган-кетганни талар эмишлар. Ҳирийда хайр қушлари ўрнида ажал бойқушлари макон тутмиш, дейдилар. Фозиллар у шаҳарни тарк этибдилар. Бир оз сабр қилинг, иншоллоҳ, тез фурсатда боргайсиз.

Бундай демоғидан мурод – ҳар қандай оғир мусибат ҳам вақт ўтиши билан унутилиши эди. Ажал бойқушлари деб у Султон Абусаид аъёнларини назарда тутди. Хуросон шу қаҳри қаттиқ султон зулми остида тўлғонаётганини ҳар ким биларди.

Фазлуллоҳ Абулайс хизматчига бир нима деган эди, салдан сўнг бўй-басти келишган кўркама икки йигит кириб келди.

– Булар менинг ўғилларим, Хожа Хованд ва Хожа Абулқосим, – деди мавлоно Абулайс. – Иншоллоҳ, оға-ини тутингайсизлар. Хожа Абулқосим ила ёшингиз тенг кўринадир, биргалашиб сизга айирилган хужрага борингиз. Кам-кўсти бўлса, Абулқосим тартиблагайдир. Қани, овмин, – дея фотиҳага қўл очиб, Алишер ҳаққига дуо қилди.

Алишер унга миннатдорчилик билдириб, Абулқосим билан бирга хонақоҳга қараб йўл олишди.

Айтилган хужрага гилам солиниб, давот, шам, қоғоз-қалам, табақда меваю ҳолвалар, токчада белбоққа ўралган янги либослар қўйилган экан.

– Қиблагоҳимизнинг сизга ҳадяси, – деди Хожа Абулқосим, у билан хайрлашар экан. – Асло рад қилмаслигингизни ўтиндилар. Сизни фарзанд дедилар. Эртага Қозизода Румий мадрасасига борар экансиз.

Баҳорнинг илиқ нафаси сезилиб қолган, ҳали қор кетмаган бўлса-да, дашту туздан эсган шамоллар нафасида сезилар-сезилмас илиқлик бордай эди.

Гоҳида Тангри таоло киш совуқларини юборганида далалардаги курту кушлар ёппасига ҳалок бўлиб кетишади. Тақдири илоҳий Алишернинг бошига шу кунларни солди. Мисли бир лола эди, аёз совуғи ушук урдириб илвиратди. Гул-чечак ёзган бир сулола шу тарз йўқолиб кетаверди. Бор-йўғи бир неча йил ичида шунча иш содир бўлди.

Энди унинг бошида жигар бўлиб ДАДАШ<sup>1</sup> оғойиси Баҳлулбек ва иниси Дарвишали қолган эди, холос. Оға-инилар эндиликда ҳаёт уммонининг чексиз долғаларида ёлғиз сузмоқлари лозим эди.

Вужуд дард исқанжасида қақшарди. Шу ҳолида ҳам, хаёлидан сира чиқмаётган ота-она, жигар изтиробни ила, улар ҳаққига дуо қилиш учун токчага узаниб, Тангри таоло китобини олиб ғилофидан чиқарди-да, лавҳга қўйиб, таваккал бир саҳифани очган эди, шу каломга дуч келди:

***«Эй ўраниб олган зот, туринг ва одамларни огоҳлантиринг ва Роббингизни улуғланг!»***

Уни охиригача ўқиб, савобини марҳумларга бағишлаб, китобни ёпди-да, яна очди. Энди унга бошқа бир мўъжиза рўпара келди:

***“Сенинг кўксингни кенг қилиб қўймадикми? Ва сенинг юкингни енгиллатмадикми? У сенинг елкангни босиб турган эди. Ва сенинг зикрингни юқори кўтардик. Бас, албатта, бир қийинчилик билан осонлик***

---

<sup>1</sup> Дадаш – отанинг бошқа хотинидан тузилган оға ёки уни.

***бордир. Албатта, бир қийинчилик билан осонлик бордир. Фориғ бўлсанг, ибодатига урингин. Ва фақат Роббингга рағбат қилгин!***

Ҳар холда, китобни ҳар ёпиб-очганида ўзининг ахволига ишора қилаётгандай туюлган оятларга рўпара келаётгани қалбини юпатарди. Тангри каломини ҳар гал очганида “Роббингизни улуғланг ва унга рағбат қилинг” сўзларига дуч келди. Уни бу ишларга солган зот, ундан чиқаришнинг йўлини ҳам қилмасми? Бунча можаролару шўришлар бир манзилни – мутлақ ибодат ва имон манзилини кўрсатиб турмаяптими? Тақдир ёй, мусибат ўқ бўлса-ю, уни отгувчи Аллоҳ бўлса, қайга қочиб қутулгайсан? Албатта, отгувчининг ўзига! Бу ўй унинг юрагидаги дарду изтиробни бир оз бўлса-да енгиллаштирди, ўрнидан турди-да, бўлиб ўтган ва бундан сўнг бўладиган барча ишларни хайрли қилишини сўраб, ҳожат намозини ўқишга тутинди.

### ***МАДРАСАДА ИЛК САБОҚ***

Бомдоддан сўнг теварак сахарнинг кўрғошин ёруғи билан аста-секин ёришди. Уйқудаги қушлар уйғониб, чағиллаша-чағиллаша қор устида ризқ излашга тушишди. Уларнинг товуши ёқимсиз, бир увоқ ёки дон топганлари бошқалари билан таллашиб, чийиллаб уришиб қолишарди. Анчагина чумчук новвойхона томида тўпланибди. Бошига белбоғини салла қилиб ўраб олган раҳмдил новвой кафтида увоқларни олиб чиқиб, қор устига сочиб юборган эди, қушлар ундан ҳайиқмай, гур этиб ризққа ёпирилиб, чўқий бошлашди.

Қалин кийиниб олган Алишер новвойхона ёнидан ўтиб, Қозизода Румий мадрасаси томон йўл олди.

Бозордан ўтишда йўл четида дийдираб турган кишилар кўринди. Булар мардикорлар бўлиб, тўн устидан арқонни белбоғ қилиб боғлаб олишган, орада арраю рандаси, пойтешаси-ю андаваси билан усталар кўзга ташланарди. Ҳеч қандай асбобсиз, ҳар қандай ишга рози мардикорлар айниқса кўп, совуқда дийдираб кимдир келиб қолишини кутишарди. Улардан сал нарида каллапазлар тимида остига чўғ қўйилган, ҳовури бурқираб турган

катта тоғораларда қора халқнинг арзон таоми – пиширилган калла-почалар турарди.

– Ҳой йигит, келинг, сувтекинга бераман. Ичингизга иссиқ киради, маза қиласиз! – деб чорлади уни каллапаз.

Алишер нархини сўраган эди, “Бир чақа” деган жавоб бўлди.

– Одам калласи текин бўлган бир шаҳарда қўй калласи бир чақага сотилиши ажаб экан!

Каллапаз бу мутойибага қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди:

– Аслида у ҳам текин, бир чақа меҳнатнинг ҳақи, холос.

– Яхшиси, менга Қозизода Румий мадрасасини кўрсатинг.

– Муллаваҷчасиз чоғи? Тўғрига юриб ўнгга бурилинг, сиз излаган мадраса ўша ерда.

Алишер бош ирғаб, мардикорлар орасидан ўтди-да, ўнгга бурилган эди, кўркам, чиройли мадраса олдидан чиқиб қолди.

Илм олмоқ учун ўз туғилиб ўсган шаҳри – Бурсани тарк этиб Самарқандга келган ва юксак обрў-эътибор қозонган Қозизода Румий номи билан аталган бу мадрасани Султон Мирзо Улуғбек бошқалари қатори куллиёт усулида қурдирган бўлиб, унда Румийнинг ўзи мударрислик қилган, у дунёдан ўтгач эса, номи мадрасага берилган эди. Кун ёришгани сайин ихчам тўнли юпун толиби илмлар китобларини қўлтиқлаб мадраса эшигидан кирмоқда эдилар. Алишер ҳам улар қаторида кириб, кичик оқ салла ўраган жиккак кишига Мавлоно Абулайс ҳузурига келганини айтди.

– Таҳсил олишга келган бўлсангиз, имтиҳон топширгайсиз, – деди жиккак киши. – Мавлоно Абулайс бош мударрис бўладилар, имтиҳонни у кишига эмас, кичик мударрисларга топширасиз.

– Мени у кишининг ўзлари чорладилар. Ҳирийдан Алишер деб айтинг.

Жиккак киши унга ажабланиб қаради-да, бир оз кутишини айтиб, ўзи ичкари хонақоҳлар сари кетди. Салдан кейин сариқ тўнли, каттакон оқ саллали Фазлуллоҳ Абулайснинг ўзи чиқиб келди.

– Келдингизми? Эрта сахардан кўзим тўрт бўлиб сизни кутаман, – дея, Алишерни хужралардан бирига бошлади. Йўл-йўлакай мадраса хизматчиларидан Хожа Мислийни ва Хожа Косонийни чорлашларини айтиб, хужрага кирди-да, хонтахта устидаги кўзадан иссиқ шарбат қуйиб узатди. Бир оздан сўнг хужрага бири тўладан келган, қизил юзли, иккинчиси эса узун бўйли, кушбурун икки киши салом бериб кириб келишди.

– Сизнинг бу ерда дарс олишингизга ҳожат йўқ, ўғлим! Аллақачон мадраса дарслари даражасидан ўтиб бўлибсиз, – деди мавлоно Абулайс, уларни Алишерга таништириб. – Хожа Мислий сизга вақфдан маош тайин қилгайлар. Хожа Косоний эса кутубхоначимиздирлар, мадраса кутубхонасидан бемалол фойдалана олурсиз. Истасангиз, менинг ўз кутубхонам ҳам бор. Тиласангиз ҳандаса, илми нужум, фикҳ дарсларини тингланг, истасангиз менинг боғимга боринг, суҳбатлар қургаймиз. Тангри хайрли айласин. Мавлоно Ризо Афзал шу ердадилар? – деб сўради у Хожа Мислийдан.

– Боягина кутубхонадан бир неча китоб олдилар, дарсни бошладилар чоғи, – деб жавоб қилди Хожа Косоний.

– У ҳолда сабоқларга бир-бир киринг, мударрислару талабалар билан танишинг. Сабоқдан сўнг ёнимга келинг, биргалашиб боғимизга боргаймиз, – деб суҳбатга яқун ясади Фазлуллоҳ Абулайс.

Хожа Мислий Алишерни бошлаб, сабоқхона томон йўл олди.

Кутубхоначи янглишмаган экан: шифти паст, бироқ ёруғ сабоқхонада ўнга яқин толиб дафтар-қалами билан ўтирар, мавлоно Ризо Афзал фикҳ дарсини ўтмоқда эди.

Хожа Мислий уларга Алишерни таништиргач, барча ҳайрат кўзи билан қараб қолди.

– Ҳай, мошоллоҳ! – деб хитоб қилди мавлоно Ризо Афзал, икки кўлини кўксига босиб. – Сизни кўрмоқ фалакнинг ажойиб тухфаси бўлди. Номингизни эшитган, абъётингидан хабаримиз бор эди. Девонингиз

шуҳратини эшитиб, кўлимизга етиб келишини орзулардик, Аллоҳга шукрки, ўзингиз етиб келибсиз!

Мавлоно Алишерга ёнидан жой кўрсатди, бироқ Алишер буни ўзига раво кўрмай, “Ҳаргиз сабоқни тўхтатманг, мен ҳам дарсингизга муштоқман” деб, толиблар каторига ўтиб ўтирди.

– У ҳолда рухсатингиз билан давом этсак,— деди мавлоно. – Демак, аввал ҳам айтганимдек, ер юзидаги энг кўрқинчли ҳақ мўминнинг ҳақидир! Дарсларимизга ҳандаса илми шу сабабдан киритилди. Мовароуннаҳр халқи мусулмондир, демакки, шоҳу гадо ҳам Тангри таоло қонунлари олдида бир бўлмоғи, мўмин ҳақининг энг кичик заррасига ҳам хиёнат қилинмаслиги шарт. Мисол учун, бир одамнинг икки ўғли, бир қизи бор эди, у вафот этгач, ундан ҳилол шаклидаги бир ер мерос қолди. Мерос кимга қандай бўлинишидан барчангизнинг хабарингиз бор. Хўш, ҳилол шаклидаги у сатҳ қандай ўлчаниб, қандай тақсимлангайдир?

Ҳеч ким жавоб бермади.

– Шероздан Жамшид ал-Кошийни чорлатиб, мураккаб сатҳларни ўлчаш мезонлари ҳақидаги рисоаларини ёздиргани учун Султон Мирзо Улуғбекни дуо қилаберинг. Ал-Коший ўз рисоласини шундай мукамал туздики, у келтирган ҳисоб усуллари барча ҳисобларнинг негизига айланди. Масалан, кўп қиррали нақшин гавҳартош қийматини ёки тўрт мезанали айлана мақбаранинг тамалига тушадиган оғирликни ҳисоблашда хатога сира ўрин қолдирмади. Шундан сўнг нафақат мусулмон, балки кофир мамлакатларнинг олимлари ҳам ўз совға-саломларини кўтариб, Самарқандга дарёдай оқиб кела бошлашди. Диёримиз олимларининг бахти ҳам Улуғбек Мирзодай зот Мовароуннаҳрга султон эканлигида бўлди.

– Сиз икки ўлчамли сатҳни айтдингиз, уч ўлчамлисининг ҳисоби қандай бўлгай? – деб сўради талабалардан бири.

– Бу худди тирик бир ҳайвондан қанча тери чиқишини ҳисоблашга ўхшайди. Кейинги сабоқда мен сизга уни қандай ҳисоблашни тушунтириб бераман. Ал-Коший бу билан кифояланмасдан, султон Улуғбек Мирзонинг



рухсати билан юлдузлар ва само жисмларининг ҳаракат йўлларини ҳисоблаш ҳақида ҳам рисола битди. Сизларга бир савол берайин. Фолбинлик ва мунажжимлик ҳаром қилинган бўлса, бундай илмга нечун рухсат берилди, қай бирингиз айта оласиз?

Бу саволга ҳеч ким жавоб бера олмади, чунки бу масала қайси оят ёки ҳадис билан қувватланишини исботлаш лозим эди.

– Биринчи далил шуки, ер юзида содир бўладиган турли-туман ходисаларни, чунончи ҳосил етилиши, шамол эсиши, сувларнинг оқиши ва ер юзи тартибига оид ишларни фаришталар адо этадилар. Улар содир бўлиши ирода қилинган ишларни сўзлашаётган маҳалида эса жинлар кўкка кўтарилиб, уни ўғринча эшитиб олишарди. Бир куни, – бу оламлар сарварига Қуръон нозил бўлгач содир бўлди, – улар кўкка кўтарилишганида ўзларини учар юлдузлар кутиб турганини кўришди. Қай бири бир сирдан воқиф бўлса, учар юлдуз уни албатта қувиб етар ва ҳалок қиларди. Бу хабар қатида шунчалар кўп маъно яширинки, илми нужумнинг барчасини ифодаламоқда. Яъни, юлдузлар турли-туман бўлишидан ташқари, ҳар бирининг ўз вазифаси борлигидан ҳам далолат бермоқда.

Иккинчи далилимиз “Куллун фи фалаки ясбахун”, яъни “Улар фалакда сузиб юргайдирлар” каломи бўлиб, бундан фазонинг муаллақлиги келиб чиққайдир. Ер ҳам, Қуёш ҳам, юлдузлару сайёралар ҳам коинотда муаллақ сузиб юргайлар ва уларнинг ўз қазою қадари мавжуддир.

Учинчи далил – “Юлдузларнинг ботар жойларига қасам” каломидир.

Мана шу уч оят илми нужумнинг жоизлигига далолатдир. Юлдузларнинг жойлашув ўринлари ва ҳолатига қараб ер юзида аниқ, ўзгармас вақтни жорий қилса бўлади деган фикрга кўпчилик рози бўлди. Йўқса, халифа Маъмун бу ишга журъат қилолмаган ва ўрганиладиган фанлар қаторига илми нужумни киритмаган, Абу Райҳоннинг тенги йўқ “Қонуни”<sup>1</sup> ёки Фарғонийнинг «Китоб ал-ҳаракат ас-самавиййа»си яратилмаган бўларди. Ҳар ҳолда, юлдузларнинг чиқиш ва ботиш вақтларининг ўзиёқ барчани бирдай қизиқтириши маълум.

<sup>1</sup> Абу Райҳон Берунийнинг “Қонуни Масъудий” асари.

Демакки, Тангри таоло яратувчилигининг далили ўлароқ, фолбинликка эмас, илми нужумга изн берилди. Ҳандаса бу ижозат билан еру осмонларни қамраб олди ва алоҳида фан бўлишга даъво қилди.

...Бир ёнда жангу жадаллар давом этиб, конлар тўкиларкан, бир ёнда илм-фан гуркираши ажаб эди. Фанларнинг энг маъқул жиҳати адолат учун хизмат қилишида бўлиб, турли ҳисоб-китоб усуллари ортида кишилар тақдири ва меҳнати турарди. Мисол учун, етти фарзандли бир киши кўкламдан ёз охиригача тер тўкиб, эллик ботмон буғдой ҳосил олди, бироқ у тер тўккан ер-сув ижарада бўлиб, ҳўкизлари ва чоракорлари ҳам ёлланма эди. Хўш, соф ҳосил қай тарз ҳисоблангай ва нисоб қандай чиқарилгай? Ёки, нисобдан ортгани қай тарз хазинага ундирилгай? Чорва, парранда, ер-сув нисоби қандай, қайси ҳукмга биноан олингай? Бу ажойиб фан етимдан тортиб кўр, қар, соқов ёки чўлоқ кишининг ҳақларигача маълум қилмоқда ва салтанатлар конунларини Оламлар Парвардигори ҳукмларига бўйсундирмоқда эди.

Мадраса дарслари ва Фазлуллоҳ Абулайс суҳбатлари Алишер ўй-фикрини беҳад кенгайтириб, шу хулосага олиб келди: нафақат ер юзи, балки Коинот ҳам тенги йўқ қудрат кўргазмасидир, унинг ҳақиқатлари эса илм туфайли маълум бўлгай. Ҳар дам, ҳар нафасда бир савоб ҳосил қилишга саъй қилингайдир, савоб эса ниятдан пайдо бўлиши маълум. Машҳадда шайх Абу Абдуллоҳ Жунайдийнинг “Тангри таоло яратган барча яратикларни севмоқ” деган сўзлари шу тариқа ўз маъноларини очди. Авлиёнинг “Ҳар маҳрумият муваффақиятдир, ҳар муваффақият маҳрумиятдир” деган ҳикмати эса у маъно пештоқиға олтин сарлавҳа бўлиб муҳрланди.

### ***ЭЪТИҚОД СИРЛАРИ***

Сабокдан сўнг Фазлуллоҳ Абулайс уни кутиб турган экан, икковлон мадрасадан бирга чиқиб, мавлоно боғига йўл олишди.

– Кеча оқшом Самарқанд ҳокими Аҳмад Ҳожибек билан сиз ҳақингизда суҳбат бўлди, – деди Фазлуллоҳ Абулайс. – Сиз ҳам, у ҳам хуросонийсиз.

Айтилдики, икки қирғоқни бир қилиб, шакар ила сутни қўшибсиз, яъни ширу шакар қилибсиз.

Бу билан Фазлуллоҳ Абулайс Алишернинг туркчада ҳам, форсчада ҳам бирдай ғазал битишига ишора қилмоқда эди. Алишер муддаони дарҳол фаҳмлаб, жавоб берди:

– Бири сут, иккинчиси найшакар қанди, ўзим Хуросон фарзанди бўлсам, улуғларимиз найшакар қанди қўшилган сутни хуш кўрсалар, бундай қилмай иложим борми?

Фазлуллоҳ Абулайсга бу таъриф ёқиб тушди:

– Дарёлар ўзанидан тошса фалокат, маромида оққанида эса баракот келтиради. Бизлар озгина илмимиз билан султонлар ғазабини ўз ўзанида тутишга уриндик, халойиқ бошига фалокат эмас, ризқу рўз ёғилсин дедик. Сиз энди Самарқандда уламо суҳбатида бўлинг, керакли илмларни ўрганинг, Самарқанд сизнинг тақдирингизда илм булоғи бўлиб қолсин.

– У ҳолда менга суфийлар борасида ҳам сўз айтсангиз, – деди Алишер.

– Сиз тариқатдан яхши хабардорсиз, ҳар ҳолда, бу иборанинг келиб чиқишини сўрадингиз чоғи? Суфийлар ҳаким, яъни ҳикмат эгаларидир, – деди Фазлуллоҳ Абулайс. – Абу Райҳонга кўра, араб ҳарфида «син» билан ёзилган юнонча “суф” сўзи бизча ҳикмат демақдир.

Кейин батафсил тушунтирди:

– Сизга Абу Райҳондан мисол келтирай. Мусулмонлардан бир гуруҳи сўфийларнинг ўша тушунчаларига яқин фикрга борганидан улар ҳам “суффия” деб аталдилар. Баъзилар “суффия” сўзининг чин маъносини билмасдан таваккал қилиб, арабча «сод» ҳарфи билан – “суффа” сўзига нисбат бериб, улар пайғамбар алайҳиссалом давридаги суффа суҳбатдошлари – асҳоби суффадан иборат кишилардир, дедилар. Ундан кейингилар эса бу сўзни “суф” – юнг сўзидан қисқартирилган, деб тушунишди. Ҳаттоки Абул Фатҳ Бустий унинг маъносидан яхшигина четга чиқиб, шундай деди: «Одамлар сўфий сўзида тортишишиб, қадимдан турли фикрда бўлишиб, уни суф, яъни жун сўзидан олинган деб гумон қилдилар. Мен суфий сўзини

софий, яъни соф, содда йигитдан бошқа нарса деб билмайман”. Шундай қилиб, ўша «софий» лафзи хато ёзилиб «суфий»га айланиб кетгач, ниҳоят бу сўз бизга маълум сўфийларга лақаб бўлди.

Алишернинг ёдига Абул Фатҳ Бустийнинг Самарқанд хақидаги шеъри келди. Беруний замонасида яшаган у киши олимликдан ҳам кўра, зуллисонайн шоирлиги ва ҳозиржавоблиги билан донг чиқарган бўлиб, ушбу мисралари машҳур эди:

*Ул дунёда жаннат бордир мўминларга аталган,  
Бул дунё жаннатининг номи эрур Самарқанд.*

*Балхни унга тенглаштирган, эй билмаган гофил зот,  
Абу Жаҳл тарвузига тенг келурми, ахир, қанд?!*

– Унинг бу шеъридан беҳабар эканман. Энди, ўғлим, мен сизга улуғ бир сирни очай, диққат билан эшитинг! – деди Фазлуллоҳ Абулайс. – Сон-саноксиз фақру фано ошиқлари яшаб ўтишди. Бироқ уларнинг кўпчилиги ўзлари орзу қилган мартабаларни кўрмадилар. Чунки зикр, муроқаба ёки муноқашадан ҳам улуғроқ бир мартаба борлигидан беҳабар қолишди. Шуни билиб олинг: зикр ва муроқаба, бирор мусулмонга яхшилик бахш этувчи хизмат бўлмаган пайтдагина бажарилади. Инсоннинг кўнглини чароғон этишга сабаб бўладиган хизмат, зикр ва муроқабадан анча олдин келади.

Бу сўзлар Алишер учун янгилик бўлди, чунки бундай изоҳни у аввал эшитмаган эди.

– Баъзилар, нафл ибодати билан машғул бўлиш халққа хизмат қилишдан фойдалироқ деб ўйладилар. Ваҳоланки, хизматнинг самараси кўнгиллардаги муҳаббат ва ҳузурдир. “Қалблар, ўзига яхшилик қилган одамга муҳаббатли бўладиган қилиб яратилганлар” сўзлари буни яхши англатади. Нафл ибодатининг натижаси ва мўъминлар муҳаббатининг ҳосиласи асло бир даражада эмас... Бири дарё бўйидаги ёлғиз дарахт бўлса, иккинчиси яхшилик

кўрган мўминлар саноғичалик улкан бир боғдир. Булар менинг эмас, Хўжа Аҳрор валийнинг сўзларидир. У дедики: “Мен бу ҳақиқатларни тасаввуф китобларидан билиб олганим йўқ, халққа хизмат қилиб ўргандим!”

– Сиз авлиёуллоҳ йўлини тавсия қилдингиз! – деди Алишер, муддаони дарҳол илғаб.

– Офарин, ўғлим! Бу худди Мустафога Тангрининг барча марҳаматлари инъом этилса-да, “Умматим” деб зорланганига ўхшайди. Фалакда сузиб юрувчи ой унинг хизматига ошиққан, дарахт ерни ёриб унинг қошига таъзимга келган эди. Шундай улуғ мақомда туриб, Оламлар Парвардигорига “Умматим” деб нидо қилди! Тангри таоло унинг қалбини ойдаё ярақлатиб, ўз хузурига кўтарди, агар умматига жони ачимаса, шундай юксакка кўтарармиди?

Суҳбат узоқ давом этди. Фазлуллоҳ Абулайс халққа хизмат қилишнинг фойдалари ҳақида яна бир қанча мисоллар келтиргач:

– Буларни сизга айтишдан муддао шуки, ихтиёрингизда беҳад кучли сўз кудрати, ўта теран зако бор. У кудратни мўминлар хизматига сарф қилсангиз янада дуруст бўлгай деб айтдим, айбга буюрмайсиз. Эшигимиз сизга мудом очик, кўнглингиз тилагани он келабергайсиз, – деди суҳбатга яқун ясаб. – Гоҳо чорласак оёғингизни кўлингизга ола чопа келинг, чунки бизлар сизни кўрмоққа муштоқ бўлгаймиз.

Хайрлашиш асносида Алишер устозидан дуо ўтинган эди, мавлоно Абулайс қўлларини очди:

– Қилич бирла қалам тенг бўлурми? Бири йўқ қилгайдир, бири эса яратгайдир! Тангри таоло Мусо алайҳиссаломнинг асосини сизга қалам қилиб тутқазибди, ҳақиқатини ҳам ато этсин!– деб дуо қилди.

Шундан сўнг бир қулга совға-салом ва егуликлар кўтартириб, Алишерни кузатиб қўйдилар.

Вақт кеч бўлган, қайдандир миршаб шақиллоғининг товуши эшитилар, Самарқанд осмонига эса Сомон йўли сочилиб кетган эди. Кўҳак тепалигига етишганида самодаги юлдузлар қўл чўзса етар даражада яқинлашиб

колгандай туюлди. Ҳа, баҳор кўп нарсани ўзгартирган, само пастлагандай, юлдузлар яқинлашиб, ажиб келажакни ваъда қилгандай жимирашарди. Алишер тўхтаб, узок муддат кўкка тикилиб қолди. Самарқанд аҳли бу юлдузларни ўзича номлаган, анави Еттиоғайни, буниси Катта ва Кичик Чўмич... Сомон йўли эса кумуш чангидай ёйилиб кетган эди.

Шу он фалак Қум шаҳрида кўрсатган каромат яна бир бор рўй берди: юлдузлардан бири ўз жойидан кўзғалди-да, шиддат-ла ҳаракатлана бошлади. Бу ҳақиқатан ҳам улуғ ҳодиса эди. Бир оз ҳаракатлангач, тепага қараб супурги монанд ўрлаган куйруқ пайдо қилди. Юлдузни самода сайр қилдириб қўйган Тангрига мактовлар бўлсин! Инсонни ер юзидан юлдуздай кездирган Аллоҳу акбарга ҳамдлар бўлсин! Ажабо, у юлдуз нималардан дарак берган эди? Бу юлдуз-чи?

Ҳар ҳолда, ғавғою шўришларга тўла ер юзидан ғоят юксаклардаги у юлдуз қалбни завқ ва қувончга тўлдириб, фалак тоқида нелардир етилиб келаятигандан дарак бериб учарди.

Алишернинг юраги шодликка тўлди. Қул ҳам самонинг бу ҳодисасига хайрон бўлиб қараб турарди.

– Ё Аллоҳ! – дерди. – Ота-онам фидо бўлсин, қулоғим мундай мўъжизани эшитган, аммо кўзим сира кўрмаган эди! Эй воҳ! Энди не бўлмай?

– Юрақолинг, биродар! – деди Алишер унга, хушҳоллик билан. – Хожангиз мен бўлсам эди, сизни дарҳол озод қилган бўлардим! Ироқликлар айтурларки, думли юлдузнинг куйруғи тепага қараган бўлса, хайру марҳаматларидан дарак эмиш. Иншоллоҳ сизнинг ҳам, менинг ҳам ҳаётимда бундан буёғига яхшиликлар рўй бермай!

Эртасига Фазлуллоҳ Абулайс уни Самарқанд ўрдасига, амир Аҳмад Ҳожибек ҳузурига олиб борди. Миқти гавдали, соқоли икки юзидан ўсган ўрта бўйли бу киши бир неча йил бурун Ҳирот ҳокими бўлган, султон Абусаид замонасига келиб Самарқандга ҳоким этиб тайинланган эди. Амир Ғиёсиддинбекнинг шаҳид бўлганидан хабардор экан, ҳол-аҳвол сўраб, марҳумлар ҳаққига дуо қилгач:

– Бундан бу ёғига салтанат паноҳидасиз, бизни йўқлаб тулинг, – деди ортиқча такаллуфсиз. – Агар майлингиз бор бўлса, нур устига аъло нур, шикорда ҳам биз билан бўлгайдирсиз.

Аҳмад Ҳожибек вақтини кўпинча шаҳардан ташқарида, жангу жадал машқлари-ю куш ови билан ўтказиши ҳаммага маълум эди.

– Ҳурматли ҳожим, Алишербек ўзга кушлар билан ов қилишни кўзлаган, – деб жавоб қилди Фазлуллоҳ Абулайс.

– Ўзга кушлардан муддао не? – кўзларини қисиб, қувлик билан сўради Аҳмад Ҳожибек.

– Шеър аёт куши. Шу ёшидаёқ анча-мунча шоирларни чангал уриб кўкка кўтариб кетадиган қуввати бор.

Аҳмад Ҳожибек кулиб юборди.

– Бизнинг ҳам ундай кушларга қизиқишимиз бор, лекин не тонгки, ов қушимиз машхуррокдир!

Шундай деб, Алишерга не лузумот бўлса тортинмай келаверишини тайинлаб, бир ҳамён ақча, совға-саломлар инъом қилиб хайрлашди.

\* \* \*

Оламнинг сайқали Самарқандда йиллар шеър аётсиз ўтармиди? Шоҳларидан гадосигача шеър ҳавасида жўшган бу азим пойтахтда муаммо илмининг устози Мавлоно Шоший, Мирзо Улуғбек мадрасасининг мударриси Хожа Хурд, султон Улуғбек билан бирга таълим олган Мавлоно Муҳаммад Олим, машхур хаттот Мавлоно Сойилий, мусиқа устози Дарвеш Аҳмад Самарқандий каби шоирлар даврасида янги битилган ғазаллару муаммолар муҳокама қилинар, Алишер ўзининг топқирлиги ва ажойиб таъби билан барчасидан ўзиб кетган эди.

Бир куни мадрасада ғазал муҳокамаси бўлди. Йиғиндагилар орасида феълининг тезлиги билан ном чиқарган Мавлоно Риёзий:

– Бу кеча бир ғазал битдим, маъқул десангиз, эрта алассабоҳ мадраса деворига осмоқчиман, – деб, ғазални ўқиб берди:

*Эрур юлдуз ҳилолқошим қулоғинда магар инжу,  
Хусн ичра қуёш миқёсини даъво қилур, ёху!<sup>1</sup>*

– Икки мисра орасида сабт жиҳатидан бир “ки” лафзи керак, – деди Алишер, оҳангдаги сакталиқни дарҳол илғаб. – Истасангиз, тузатиб ўқий.

– Нимасини тузатардингиз? Ҳай ана, ўқисангиз ўқийберинг, – деди мавлоно Риёзий, тундлашиб.

Алишер жавоб қилди:

– Сиз ёр қулоғидаги инжуларни юлдузга, қошларини ҳилолга, юзини эса қуёшга ўхшатиб, юлдуз-у ой-у қуёшни бир вақтда тасвирлабсиз, бу нотабиийдир. Мана бундай десангиз яхшироқ бўлар эди:

*Хусн ичра ҳилолқошим қулоғинда магар инжу,  
Эрур юлдуз, ки ой миқёсини даъво қилур, ёху!*

Яъни ҳилол қошли ёрнинг қулоғидаги дур-инжу ой билан тенглашмоқчи бўлган юлдузга ўхшайди. Бунда «ой-юлдуз» мутаносиб ва табиий ҳол сифатида қабул қилинади.

– Йўқ-йўқ, менга ўзимники маъқул, сизнинг айтганингиз тўғри келмайди, – деди Риёзий ҳурпайиб.

Ёнидагилар Алишербекнинг тузатиши тўғри бўлганини айтишса ҳам, Риёзий қайсарлик билан ўз сўзида туриб олди.

Андижондан Самарқандга келиб, шу мадрасада таҳсил олаётган шоир Юсуф Бадиий, кўзлари шўх чакнаб луқма ташлади:

– Майли, сўз таъбингизга тараф йўқ, муаммо бобида ҳам бир нима денгчи!

Бу хушчакчак йигитни дўсту ёронлари Бадиий деб эмас, кайф-сафо мажлисларини ёқтиргани учун Сафой деб аташар эди. Таҳсилларда доимо

---

<sup>1</sup> Форсчадан Нодира Афоқова таржимаси.



Алишернинг ёнида эди. Алишер бир оз ўйланиб турди-да, бир муаммо билан жавоб қилди:

***Қасди жонимга чу мужгонинг икки саф тузди,***

***Бири қош ёси, бири гамзанг ўқин кўргузди.***

Муаммонинг мағзини чаққанлар, шу жумладан Юсуф Бадиийнинг ўзи ҳам баракалла дея кулиб юборишди. Чунки биринчи байтдаги “саф” сўзига иккинчи байтдаги “қош ёси” сўзидаги “йо” кўшилса, Сафой келиб чиқарди. Навоийнинг мутойибаси шунда эдики, у ҳам Бадиийни лақаби билан, яъни Сафой деб атади.

Бир Риёзий кулмас, лекин Алишербекка гинаси йўқ, ич-ичидан унинг маслаҳати тўғри эканини тан олса-да ташига чиқармай, гўё ўз ҳурматини кўлдан бермай ўтирарди.

– Дўстлар, бир иш хотирга келди, марғуб кўрсангиз айтай, – деди Алишер. – Орамизда фасоҳатда беназир бир шоир бор эди, Тангри раҳматига ковушди. Мана бу матлаъ унингдир, – деб, ёддан ўқиди:

***Кўзунг не бало қаро бўлубтур,***

***Ким жонга қаро бало бўлубтур.***

– Мирзобек Самарқандий шеъри! – дарҳол таниб олишди даврадагилар. – Эй воҳ, ҳақиқатан ҳам жуда ёш кетди шўрлик. Девон тузишни орзуларди, орзусига етишолмади.

– Мен фақир у дўстимизнинг бир байтини давом эттирдим, унга баҳо беринг.

***Кўзунг не бало қаро бўлубтур,***

***Ким жонга қаро бало бўлубтур.***

*Мажмуъи давони дард қилдинг,  
Дардингки манго даво бўлубтур.*

*Ишқ ичра анинг фидоси юз жон,  
Ҳар жонки сенго фидо бўлубтур.*

*Бегона бўлубтур ошнодин,  
Бегонага ошно бўлубтур.*

*То қилди юзунг ҳавоси жоним,  
Юз сори анго ҳаво бўлубтур.*

*Боқий топар улки бўлди фоний,  
Раҳравга фано бақо бўлубтур.*

*То тузди Навоий ояти ишқ,  
Ишқ аҳли аро наво бўлубтур.*

– Эй воҳ, Мирзобекка аталган марсия бўлмиш, – деди мавлоно Риёзий, бояги гинаси тарқаб, чин дилдан. – Ёдини ғазалга мангуга муҳрлабсиз. Уни менга беринг, мадраса деворига ўзим осиб қўяй.

– Йўқ-йўқ, мадраса деворига эмас, ўрда кираверишига осилса арзийди, – деди Юсуф Бадиий. – Уни менга берсангиз, кўчириб, эрта бориб осиб келгаймен.

**Сўнг:**

– Менинг ғазалларим-чи? – деб сўради. – Ўтган гал сиз маломат қилган ғазални бир оз тузатдим, балки ўшани ҳам мунинг ёнига оссам бўлар?

Чиндан ҳам, бундан аввалги шеър мажлисида Бадиий жуда бўш бир ғазалини ўқиган, Алишер уни қаттиқ танқид қилган эди.

– Менга қолса қалъа деворига у ғазални эмас, ўшандай эътиборсизлик қилганингиз учун ўзингизни осган бўлар эдим! – деди Алишер ҳазиллашиб.

Яна кулги кўтарилди. Ҳеч ким хафа бўлмади, балки топқирлик ва ҳозиржавоблик билан айтилган бу мутойиба барчанинг завқини келтирди.

### ***ТАҚДИР ХУШХАБАРИ***

Орадан бир неча йил ўтди.

Илми нужум, жўғрофия, ҳисоб, тиб, буларнинг барчасини мужассам айлагудек қудратга эга шеър санъати, шунингдек, инсоният тарихи ҳақидаги фанлар Алишерни дунё ишларидан юпатиб, жилвакор фикр оламларига олиб кирди.

Мавлоно Хожа Мислий мусулмон ва маъжусий тарихининг тенги йўқ билимдони бўлиб чиқди. У турфа улусларнинг эътиқоди, урф-одатлари, қавмларнинг қалқиниши ва таназзули ҳақида шунчалар жонли ва ҳаққоний ҳикоялар сўзлаб бердики! Арастунинг “Тарих”, Абу Райҳоннинг “Осору-л-боқия” ва ибн Касирнинг “Ал-бидоя ва-н-нихоя” китобларини бир-бирига қиёслаб, толиблар тасаввурини то Одам Ато замонига қадар етказди.

Одам сафиуллоҳдан Нух нажиуллоҳгача, Иброҳим халилуллоҳдан Мусо калиматуллоҳгача, Исо руҳуллоҳдан Ҳазрати Муҳаммад ҳабибуллоҳгача бўлган даврларда яшаб ўтган турли қавмларнинг хато ва адашишларига бир-бир тўхталиб, устига тоғ келтириб қўйилган ёки самога қараб турган ҳолларида чакмоқ урган қавмлардан, кўкдан неъматлар ёғилиб турган маҳал Тангридан саримсоқ сўраган улус воқеасидан то Расул акрам қошида йиғлаган хурмо дарахтигача шарҳлаб ўтди.

Хожа Мислий ривоятларининг энг ажаб хусусияти – жонлию жонсизнинг инсон каби сўзлаши эди. Ҳазрати Сулаймон қошида Худҳуд қандай сўзона бўлган эса, Тур тоғида қуриган оғоч қандай садо чиқарган бўлса, у ҳолда тоғлару чўллар, денгизу дарёлар, қумлару тошлар одамдай сўз айтмасинми? Бу ҳодисаларнинг бари ер юзининг гавҳари саналган инсон боласи учун рўй бергани, бутун бу коинот бир инсончалик қиймат касб этмаслиги ҳақида

далиллар келтирар экан, хар сўзининг сўнгида “Бас, Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсиз?” деб такрорларди.

Ҳар ҳолда, Хожа Мислий ушбу ҳикматларнинг абётга муҳрланишини ва санъат либосига ўранишини жуда истарди. Шу сабабли, даврада Навоий бўлган кезлари шоён берилиб, севиниб дарс ўтарди

Улуғ Тангри таоло ер тубларидан само тоқига қадар даражотлар бино қилди ва уларга турли-туман яратикларини жойлади. Бу шундайки, бир жон эгаси ер юзида сургалса, бошқаси елдай учади. Бири хурмо оғочи бўйи қадар қанот қоқса, бошқаси булутлар устида парвоз қилади. Булар инсон даражаларини кўрсатиб туриши билан бирга, юзлаб-минглаб судралувчи, сирғалувчи, сузувчи, одимловчи, югурувчи яратикларнинг барчаси ягона бир манзилга ишора қилиб туриши ажаб! Бас, шундай экан, гуноҳлар тирик жонни тилка-пора қилгувчи махлуқлар шаклида нечун қайтадан жонланмасин? Бир кишига етказилган ипдай зарар нечун қаттол илонга айланмасин?

***Кимгаки бир ришта етурдинг зиён,  
Қатлингга ул риштани билгил йилон.***

Фикҳда эса у деярли барча олимларнинг асарларини ўрганиб чиқди, ва мавлоно Абулайснинг ноёб шарҳларини ва бошқа мударрисларнинг таъвилларини хотирасига нақшлади.

Мавлоно Фазлуллоҳ бир куни мўминлик шартлари ҳақида сўз борар экан, толиблардан бирининг “Барча ҳукмларни оғишмай адо этган киши саодат эгасидир” деган сўзларини шарҳлаб:

– Бу ишни дашт қорақуши ҳам бажармоқда, – деди танбеҳ йўсинида. – Шому саҳар сайраши унинг ибодатидир. Қилар иши Тангри ҳукмига тўла бўйсунуш бўлгани учун у албатта мўминдир.

– У ҳолда Тангри наздида янада юксак даражаларга эришиш учун нима қилиш лозим?

– Савоб! – деб жавоб қилди Фазлуллоҳ Абулайс. – Чунки, Тангри таоло яратикларидан фақат инсонгина бунга қодирдир. Савоб қалбнинг ишидир – шу сабабдан ҳатто ниятга ҳам қиймат берилиши таъкидланди. Билинг, Каъба Тангрининг уйи бўлса, қалб – Аллоҳ таолонинг назаргоҳидир!

Бу суҳбатлар Алишернинг зехни ёруғида гўзал мисраларга айланди:

*Солик ани арши муалло деди,  
Суфи ани олами кубро деди.*

*Айни назоҳатда бу аъзам жаҳон,  
Борча жаҳон аҳли кўзидин ниҳон.*

*Каъбаки, оламнинг ўлуб қибласи,  
Қадри йўқ андоқки кўнгул каъбаси.*

*Ким бу халойиққа эрур саждагоҳ,  
Ул бири Холиққа эрур жилвагоҳ...*

\* \* \*

Ҳа, бир неча йил йилдирим тезлигида ўтди. Яна куз келиб, улуф Самарқанд осмони ёмғирли булутларга бурканди. Ҳар тараф лой-балчиқ бўлди.

Айни замонда фалак сувчиси тақдир тегирмонига янги ҳодисотлар сувини кўймоқда эди.

Ёмғирли булутлар Ироқ элидан ўтиб келиб, Хуросон ва Мовароуннаҳр узра бир неча кун туриб қолди. Айни пайтда Сабзаворда Султон Ҳусайн босқин тадоригини кўрмоқда, кўшин юришга тайёрланмоқда, Ҳирийда Султон Абусаид Мирзо чериги Султон Ҳусайн босқинидан ташвишда, у ҳам тайёргарчилик билан машғул, Машҳадда Шоҳрух Мирзо ўғилларидан Музаффар Мирзо амирзодалардан хафа ҳолда Хуросон юришига ҳозирлик кўрар, тафриқа ичра яшаётган темурийзодалар салтанати узра эзиб-эзиб куз ёмғирлари ёғмоқда эди.

Ортидан паға-паға қор ёғди. Шаҳру кентлар, қишлоғу даштлар оқ кўрпа остида қолди. У кузнинг совуқ ва изтиробли манзарасини ўзгартириб, изғиринда дийдираган табиат узра нафис ёпқичини ёпди.

Кобул-у Ҳирий ҳам қорга бурканди. Балх тоғларига шу қадар қалин тушдики, емишсиз қолган қушларни қўл билан тутиб олса бўларди.

873-йил<sup>1</sup> Мовароуннаҳр-у Хуросонга шундай келди.

У ўзи билан турли хатарнок воқеаларни олиб келди. Қорабоғда Узун Ҳасан билан бўлган чопқинда Султон Абусаид Мирзо ҳалок бўлгани хабари келгач, Мовароуннаҳр бир тўлғаниб олди. Кўча-кўйда, давраларда, базмларда-ю бозорларда кишилар шуни гапиришарди:

– Эшитдингизми? Султон Абусаид Мирзо шаҳид бўлибди!

– Шаҳид деб кофирга қарши жангда ҳалок бўлганга айтилгай. Узун Ҳасан кофирмиди?

– Сираям шаҳид бўлмабди, балки Муҳаммад Ёдгор буйруғига кўра ўлдирилибди!

– Интиқом денг! Бир маҳаллар маликаи киром Гавҳаршодбегимни чопиб ўлдиришга буйруқ бермаганмиди? Ана, ўзи ҳам чопиб ўлдирилди.

– Энди Хуросон бошига ким келгай?

– Ким келса ҳам бир хайру марҳамат бўлмагай деб қўрқаман.

– Ҳеч домангир бўлмангиз. Султоннинг валиаҳдлари етарликдир. Шаръий-у тўқол хотунларидан аллақанча ўғли бордир. Мисол учун, тўнғичи Аҳмад Мирзо валиаҳд бўлгайдир.

– Ҳақиқатан ҳам, ҳали султон жасади Хуросонга етиб келмасидан тахтга Аҳмад Мирзо ўтиргани эълон қилиниб, номи жума хутбасига кўшиб ўқилиб бўлибдир.

– Қаранг, бир сулоланинг ўғиллари бир-бирига қарши курашадир.

– Шаҳзода Ҳусайнни айтяпсизми? У бир қанча йилдир Марв султони қошида эди. Сўнг қайинпадар ила куёв орасига совуқчилик тушиб, ўз бошича Кобулу Сабзавор орасида сарсари кезган, дейдилар.

---

<sup>1</sup> Милодий 1469-йил.

– Ана ўша ёш шер Ҳирийга кирибди. У киргач, Аҳмад Мирзо тахтни ташлаб қочибди.

Шу кунларда тақдирларни ўзгартирувчи бир номани қўйнида авайлаб, Ҳирийдан бир чопар икки қул ила Самарқанд сари еларди. У Андхўй, Маймана, Шибирғон орқали Тирмизга етгач ҳам тин олмади. Бир оз нафас ростлагач, отини алмаштириб яна ела кетди. От устида ҳам ухлаб кетаверадиган киши эди. Узундан-узок йўлларда у тўхтаган работ эгалари Султон Ҳусайн Мирзо ёрлиғини кўрган заҳоти ҳориган уловини яхшилаб боқиб-совутилган бошқа отга алмаштириб беришарди. Шу сабаб, чопар олис масофани икки ҳафтада босиб ўтди.

Чопар Самарқандга етиб келганида, нишон устидаги туғрони кўрган соқчилар уни дарҳол ўтказиб юбордилар. У кўшкка қадам қўйганида кун тиккадан ўтган эди. Сарой қўриқчилари унинг отини олиб, ўзини ичкарига олиб киришди. Шу ерда бир оз нафас ростлади, шундан сўнг таомилга кўра мактубларни саломхона бегига топширгач, уни кутиш хоналаридан бирига олдилар.

Саломхона беги ёрликни ички беклар қаторидаги Аҳмад Ҳожибекка топширди. Аҳмад Ҳожибек муҳрни синдириб, ўрамни очди. Унда шундай сўзлар битилган эди:

**“Хувал ғаний.**

**Абул Ғозий Султон Ҳусайн Баҳодир сўзимиз.**

**Вилоятларнинг ҳокимлари ва доруғалари билсинларки, олийжаноб, фазилатли Алишер Навоий Ҳирийга чорланмишдир. Икки қул, икки бош от ила бек Ёдгор юборилди. Уларнинг тилаклари адо этилсин ва хатарнок жойлардан саломатлик ила ўткарилсин. Лузумоти ва муҳиммоти ўринлатилмоғи талаб қилингайдур. Вассалом.**

**Зулқаъда ойи, саккиз юз етмиш бешинчи санада ёзилди”.**

– Муни дарҳол султон Аҳмад Мирзо ҳазратларига билдирмоғимиз лозим эмасми? – деб сўради саломхона беги, ташвишланиб.

Аҳмад Ҳожибек бир оз ўйланиб турди-да, қатъий деди:

– Йўқ, бугунча билдирмай турақол. Икки ҳукмдор Хуросон боис ёвлашиб турибди, Алишер Навоийга бирон захмат етмасин. Мовароуннаҳр мамоликидин чиққунга қадар лузумоти адо қилинсин. Керакли савғоту икромия тайёрлансин, марҳамат ила кузатгаймиз.

– Совға-салом хазинадан қилинсинми?

Аҳмад Ҳожибек бош чайқади:

– Йўқ, менинг номимдан бўлсин.

Кейин кўшиб кўйди:

– Тангрига қасамки, агар жони омонлиқда бўлса, унинг куёши оламда сира ботмас бўлиб порлагай. Умрим бино бўлиб мундай гўзал сўз айтган кишини кўрмаганман. Шоирнинг олими десанг ҳам шу, олимнинг шоири десанг ҳам шудир. Юзлаб бемисл шеърлари бор, бироқ, нимагадир ёдимда мана бу байти қолибди:

*Кут бир бодому ерим гўшаи меҳроб эди,*

*Форати дин этти ногаҳ бир балолиқ кўзу қош...*

– Теранликни кўринг. Хоксорлик важҳидан бир кишининг егулиги биттагина бодом бўлгани қайда кўрилибди? – деб яна бош чайқади у.

Саломхона беги таъзим қилиб, ташқарига йўналди.

## ДАШТИ ҚИПЧОҚ

Баҳор маҳали булутлар қат-қат, уюр-уюр бостириб келгани каби, кўзга кўринмас қазо осмонида яна саркаш булутлар тўпланди. Такдир булутлари ўз бағрида воқеа ва ҳодисаларнинг дўл-у селларини олиб келди.

Кекса бургут Абулхайрхон ҳаётининг сўнгги йилларини яшамокда эди. Бутун умри жангу жадалларда ўтган бу ҳийлакор баҳодир Абусаид Мирзога Самарқандни эгаллашига кўмаклашиб, султон Мирзо Улуғбекнинг қизи Робия бегимга уйлангач, олийнасаб маликадан Кучқунду хон ва Суюнхўжа исмли икки ўғил кўрди. Бироқ, шу йил қалмиқ хони Ўз Темур тайши юрагида



хасад ўти алангаланиб, Абулхайрхоннинг сарватларига эга чиқмоқ мақсадида кўшинни тоблаб, хотинларию бола-чақаси билан Сиғноқ сари йўлга чиқди.

Икки кўшин бир-бирига қамти келганида қалмиқ хони удумга кўра, ўзининг машҳур баҳодирларидан бирини ўртага чиқарди. У бор овози билан қаттиқ кичқирди:

– Қалмиқ хони либослардан тер, баданлардан қон чиқмаслигини тилайди!

Бироқ Абулхайрхон аскарлари бу гапга истехзо билан кулишди ва уруш дарёсининг айқириб оқаётган гирдобларига ўзларини ташлашди. Сафлар қоришиб, аралашиб кетди, ажал наҳанглари гоҳ унинг, гоҳ бунинг навкарларини аямай ютди. Бу жанг кўп вақт давом этди, ниҳоят, омад қалмиқларга кулиб боқди. Абулхайрхон чекиниб, Сиғноқ деворлари ортига бекинганида қалмиқлар Тошкент, Туркистон ва Шоҳрухияни эгаллаб, ҳамма нарсани очқўзлик билан талашди. Кетар чоғи қалмиқ хони Абулхайрхон ила сулҳ тузди, бироқ бу сулҳ Абулхайрхон учун шармандаликнинг нақ ўзи эди: унга Туркистонни ташлаб, Дашти Қипчоққа кетиш талаби кўйилган эди. Бундай қатта мағлубиятдан сўнг у узоқ вақт ўзининг кўчманчиларини тартибга солиши керак бўларди.

Энди унинг Мовароуннаҳрга кўз тикишга қудрати ҳам, фурсати ҳам йўқ эди. Абулхайрхоннинг энг яқин кишилари қипчоқ Қоплонди билан арғин Доирхўжа эди, бир жанжал туфайли қипчоқ бекларидан бири Доирхўжани ўлдиргач, арғинлар Қоплондини хун ўлароқ топширишини талаб қилишди. Абулхайрхон рад қилгач, арғинлар исён қилишиб, Жонибек ва Керей бошчилигида Мўғулистон томон йўл олишди.

Абулхайрхон улар устига юрди, бироқ йўлда дардга чалиниб, жонини Ҳаққа топширди. Шу билан Мовароуннаҳр ва Хуросон дашт тулкисининг ҳийлаларидан тин олди. Бироқ, олисларда чингизийларнинг яна бир бўриси – Муҳаммад Шайбонийхон ҳамлага тайёрланаётганидан ғофил эдилар.

Муҳаммад Шайбонийхон барваста гавдали, юзи дашт шамолларида қорайган, ёноқлари туртиб чиққан, қисик кўзли йигит эди. Айни чоғда у ўн саккиз ёшда бўлиб, чакқонликда ва ўзғирликда Дашти Қипчоқда унга тенг

келадиган бирон киши йўқ. Шайбонийхон чингиз салтанатининг куёши тамомила ботганини кўриб қаттиқ эзилар, эл улуғлари қошига бориб дарду изтиробини тўкиб солиб, уларнинг рухсатини олиб, ўзбек хонлари шуҳратини тиклаш ва барчани қудратли бир қўл остида бирлаштириш орзусида яшарди.

Қудратли улус парчаланишга юз тутгани унинг юрагини эзарди. Бошқа томонда эса, Табриз, Мўсул ва Бағдодни ўз тасарруфига олган яна бир туркий давлат – қорақуюнлилар салтанати бош кўтармоқда эди,

Бу салтанат пайдо бўлганидан буён саксон йилча вақт ўтди. Улуғ жаҳонгир Амир Темур Кўрагон вафотидан сўнг султон Қора Юсуф пайт пойлаб, Аҳмад Жалойирий билан бирга Мироншоҳга қарши қўшин тортди. Аввалига улар Бағдодни олишди, сўнг Аҳмад Жалойирий билан ораларида низо чиққач, Жалойирий темурийлар қаҳридан қўрқиб мамлуклар давлатига қочиб кетди. Бироқ, яна бир оз вақт ўтиб, Мироншоҳ Сардруд деган жойда жангда ўлдирилгач, жалойирийлар давлати яна тикланди.

Улар учун иккинчи қудратли рақиб – темурийлардан султон Шохрух Мирзо эди. Лекин омад яна юз ўғирди: Қора Юсуф Ширвонни олгач, жонини жабборга топширди. Ундан кейинги султонлар ўзларидан сезиларли из қолдиришмади, фақат, тахт бошига Жаҳоншоҳ келгач, вазият ўзгарди. Тарафсиз сиёсат юргизишга уринса ҳам, кўчманчи улуғларининг қаҳрига дучор бўлди, рофизия мазҳабини ўз салтанати асоси қилиб олиши эса сунний уламнинг қаршилигига дуч келди.

Жаҳоншоҳ юришларда давом этаркан, унинг Ҳирийга киргани энг қонли ва аламли босқин бўлиб тарихда қолди. Рофизийлар суннийларни аямай қириб, қонларини дарё қилиб оқиздилар. “Мўминга қўл кўтарган мусулмон эмас” ақидасини шайтон диллардан анор сувидай сиқиб олди, қуриб-бужмайган қалблар эса ўлимга бемалол бораверди. Шайтон яна анча хийлалар кўрсатар эди, аммо “У ҳамиша мағлубдир” қавлига мувофиқ, тўсатдан Жаҳоншоҳнинг ўз ўғли Ҳасан Али исён кўтариб қолди. Шунда у

Абусаид Мирзо билан сулҳ тузиб, чор-ночор ўз юртига қайтиб кетишга мажбур бўлди.

Жалойирийларнинг икки эли – оққуюнли ва қорақуюнли орасида анчадан бери ихтилоф бор эди. Шу йили оққуюнлилар ҳукмдори Узун Ҳасан билан Муш шаҳри яқинидаги муҳорабада Жаҳоншоҳ ҳалок бўлгач, бир салтанат тугади, аммо эвазига иккинчиси қувватланди. Рофизия ва сунния ихтилофига қилич ва қон ила барҳам беришга чоғланган Султон Абусаид Мирзо ана ўша Узун Ҳасан билан бўлган жангдан сўнг ўлдирилди.

Шайбонийхон буларнинг барини билар ва содир бўлаётган воқеаларни ҳушёрлик билан кузатарди. Томирида ҳаяжон ва шавқ жўшар, икки мазҳабдаги бир жамоанинг хунрезликларига қаҳри келар, лекин ҳеч нима қилолмасди.

Мовароуннаҳр ва Хуросондан олисда мана шу шиддатли бўри даштда ёлларини хурпайтириб, пайт пойлаб кезарди.

Дашт унинг ўз уйи эди. Қайга булут чиқди, ёмғир ёғди, қайга сел келди, қайда не ўзгаришлар содир бўлди, самога қараб билақоларди. Сира юмшоқ кўрпа-болишларда ётмас, лозим бўлса отининг эгарини бошига кўйиб, тагига пўстинини тўшаб мизғиб кетаверар, таом ҳам танламас, аскар не еса, у ҳам шуни ерди. Яна, қадим кўшиқларни ҳуш кўрарди, дўмбирачи ёки кўбизчисини чорлаб, халқ дostonларни айттириб ўтирарди. Бу унинг илм ёки бошқа санъатлардан узоқ эмаслигини билдирарди, зотан, ўзи ҳам абётдан яхшигина хабардор ва дуппа-дуруст ғазаллар битарди.

Туркийлардан битта шу қавм от гўштини ер эди. Бир куни Дашти Қипчоққа жуда қаттиқ совуқ тушди, қор бел бўйи ёғди. Қўшин қийналиб, улов ўла бошлаганида Шайбонийхон отларни сўйишга буюриб, қўшинни муқаррар ҳалокатдан сақлаб қолди.

Хотинларини ўзи билан олиб юрарди. Шунингдек, курма масжиди бор эди, барча кўчманчилар каби, ҳуши келса намоз ўқир, йўқса қазога қолдираверар, қўшини эса ғоят тезкор бўлиб, йўл-йўлакай ов қилиб ёки баъзи қишлоқларни талаб ҳам кетаверишарди. Талаб ўтилган қишлоқ аҳли

хонавайрон бўлдик деб ўзларини ўлимга чоғлашганида Шайбоний бир қанча йигитларини қишлоққа юборар ва ҳақини тўлаб кетарди. Унинг йилдирим шиддати ҳақида турли афсоналар юрарди.

873-йил ўз қанотида шу ходисаларни олиб келди. Узун Ҳасан ҳам, Шайбонийхон ҳам хавфсираган ҳол юз кўрсатди: Хуросон тахтига лочиндай учқур, ёшлигидан жангу жадалларда тажриба орттирган, хушёр ва ақлли Ҳусайн Мирзо келиб ўтирди. Мирзолар орасида тахтга энг муносиби шу эди, шу боисдан ҳам унинг салтанат бошига келмоғидан барча кўрқарди. Лекин, “Аллоҳ билур, сизлар билмассиз” қавлидаги каби, ҳеч қутилмаганда омад куши Султон Ҳусайн бошига келиб қўнди ва душманларига қараб қаттиқ қичқирди. У қичқириқ қолган барча душманларини ҳуркитиб юборди, улар пана-пастқамда писиб, Ҳусайн Мирзога қарши фитна тузиш йўлларини излай бошлашди. Биргина Шайбонийхон бу фитнага қўшилмади, бунинг сабаби Хўжа Аҳмад Яссавийни пир тутганида ва темурийларни ҳозирча дўст деб билганида эди. Қолаверса, уларни кўпдан-кўп қардошлик иплари боғлаб турарди, шу сабабли воқеаларга аралашмади, қайтанга, хавф мабодо Шероздан келадиган бўлса, султон Ҳусайн Мирзо тарафини олишни кўзлаб қўйди.

### ***ҲИРИЙ САФАРИ***

Кичик карвон аста-секин илгарилаб борарди.

Баландлиги икки одам бўйи келадиган бақувват туялар тумшуғини чўзиб-чўзиб одимлашар, гоҳ-гоҳ тин олиш учун тўхталганида карвонбоши уларни бир-бирига боғлаб, ўтлоққа қўярди. “Шиғла” деб бақирса, туялар бурилишиб, лўкиллаб етиб келишарди. Бундай мағрур, саркаш жонзотларни Оламлар Парвардигори шу тарз, инсоннинг бир чақирғига бўйсунадиган қилиб қўйгани ажаб эди.

Мовароуннаҳр сарҳадлари Жайхунга қадар бўлиб, ундан у ёғи Хуросон мулки эди. Йўлларда учраган ҳовлиларнинг теграси очик-яйдоқ, ҳар бирида тандирлари кўриниб турар, уларнинг оғзи тепага қаратиб қурилган экан.

Ҳирий тандирлари ётиқ бўлгувчи эди. Шунингдек, боғу боғчалар теграси ўралмас экан, бу Мовароуннаҳр кишиларининг кенг табиатидан, дашту чўл кишиларининг очиқ феъл-хўйидан дарак берарди.

Бухородан ўтилгач, даштнинг қора изғирини эсди. Эрта баҳор бўлишига карамай, тунлари қора совуқлар давом этарди. Саҳар чоғи кўз етгунча кенгликларга нуқра қировлар тушарди. Қуриб қолган кичкина хасгача қоплаб олган булдуруқлар кумушдай товланиб, сўнг эриб кетганида жонсиз у хасдан шаффоф томчилар томганини кўрса бўларди.

Қуш учар баландликдан қаралса, бу кичик карвондагилар орасида пишиқ гавдали, майда қавима тўн кийиб, ихчам салла ўраган йигитни ҳам кўрса бўларди. У Алишер Навоий эди. Нозу неъматини аямаган, зумрад кузи, нуқра киши, забаржад баҳорию симобий ёзи ила ҳар турлук неъматларини беминнат тутган Самарқанд Ҳирийда фасоҳат билимларини олган, қора кунларда чериклик қисматига рози бўлиб келган Алишерни ўз юртига олим қилиб қайтармоқда эди.

Ниҳоят, баҳорларда уммондай тошадиган Жайхун кечилиб, Андхўй келинди. Андхўй кишиларининг кўпчилиги дехқончилик қилар эдилар, ҳозир эрта баҳорда далага қўш солиб, хўкиз қўшиб ер ҳайдаётганлар кўзга ташланар, қўш чуқур ҳайдасин дея устига бировни ўтирғизиб қўйилгани ҳам кўринарди. Андхўй боришда туркман қавмларидан ўтилди. Чўгирма кийиб олган у кишилар олисдан от чоптириб келишарди-да, яқин келгач тўхтаб, бир муддат қараб туришиб, кейин тезчопар отларида ортга қайтиб кетишарди.

Андхўйда Зоғон работига тушилди.

Работ эгаси – турли ҳукмдорларнинг ёрлиқларини кўравериш кўзи пишиб кетган киши отларнинг пешанасидаги ёпқичларда Султон Ҳусайн Мирзо туғросини кўргани заҳоти хос бир хужра айириб, табақ тўла мева-ю ҳалволар киритди, янги тўшаклар солдирди. Ҳайрон бўлиб қараб турган ушоққа:

– Султон ёрлиғини кўрмадингми? – деди қовоқ уйиб. – Дунё беҳабардирсан. Бу кун Ҳусайн Мирзо Хуросон тахтига келмиш. Жонинг бориша югуриб мулозимининг хизматини қилгайсен.

– Эрта бир кун бошқа мирзо келса-чи?

– Унинг мулозимини ҳам шундай иззатлагайсен. Сен билан биз улар қошида чивинча ҳам эмасмиз. Бир нафасда жонингни олгайлар. Нега жон олганини сўрагувчи ҳам бўлмас.

Работ эгаси шундай деб, ортига қайтди. Тут остида кўхсор томондан эсган елларга юзини тутиб турган қора соқолли, оқ юзли хушсурат йигитга кўзи тушиб, азбаройи қизиқувчанлиги туфайли ғимирсилаб келиб, ундан қарвон қаёққа бораётганини сўради.

– Асли Ҳирийданмисиз? – деди кейин, жавоб олгач. – Мундан анча йил бурун бир-икки дўсту ёрон ила мен ҳам Ҳирий бориб эдим. Бир ажойиб байрам бўлиб эди, Ҳирийнинг мўътабар кишиларидан бир қанчаси муқаддас Каъба устига қаъбапўш ёпиб келган эканлар, байрам қилинган эди.

– У байрамда сиз ҳам бормидингиз? – деб сўради ҳамсуҳбати, жилмайиб.  
– Мен у вақтда тўрт-беш яшар гўдак эдим. Тағойиларим билан бирга томошага борган эдим.

– Бўлмасам-чи? – деди работ эгаси. – Ҳаётимдаги энг ажойиб байрам у. Ҳануз тушларимга киради... Бир ёнда мусиқа, бир ёнда сарбоз томошаси, бир ёнда куштигир мусобақаси бўлиб эди...

– Айтмоқчи, Ҳирийда бир шоир бор эмиш, – деди сўнг, жонланиб. – Исми Алишер экан. Андоқ ғазал айтармишки, ҳеч ўхшаши йўқ.

Қўйнидан букланган ипак қоғоз олиб:

– Муни Машҳаддан келган бир қарвон эгаси ҳақ ўрнига берди, – деди мақтаниб.

*Ғурбатда гариб шодмон бўлмас эмиш,*

*Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.*

*Олтун қафас ичра гар қизил гул бутса,*

*Булбулга тикондек ошиён бўлмас эмиш...*

– Байту ғазал ақча ўрнига ўтар бўлибди-да, – деб кулимсиради у йигит.

– Муни битган киши албатта ғарибликнинг каттиқ кунида она Ватанини беҳад соғингандир. Йўкса, мундоқ битармиди? Тавба, олийнасаб шоир бошига нечук бундай кун келди экан?

– Бу рубоийни ёзган киши мендурман, – деди ҳамсухбати.

Карвонсарой эгаси унга бош-оёқ разм солиб, авзойи тундлашди:

– Тилингни тий! – деди ғазабланиб. – Сен ким-у у ким? Отанг тенги одам бирла ҳазил-мазах қилмоққа уялмайсанми? У зот шайхлар каби оқ соқолли, мухтарам кишидир. Қиёфанга қарасам бир фақир муллаваччасан, Навоийман дейсан-а!

Алишер Навоий узр айтиб, хужрасига қайтди. Дўлвор бу кишининг шеъриятга ошнолиги ва ўзи кўрмаган шоирни ҳимоя қилиши завқини келтирган эди. Эрта баҳор ёмғири намлаган саҳндан илдам юриб бораркан, тўсатдан чапдаги тол оғочлари остидан дағал бир овоз келди:

– Алишер? Алишермисиз?

Алишер овоз келган тарафга ўгирилиб, юнглари туллаган тумоқ кийиб олган баҳайбат кишига кўзи тушди.

– Мен Қора Мўғулман! Эсингиздами?

Илдам келиб, икки қўллаб кўришиб:

– Минг шукр! Менга сизни Худо етказди! Зап иш бўлди-да! – дер эди.

Ҳа, бу уринган чакмонли киши бундан бир неча йил аввал Самарқанднинг лойли қирларида биргалашиб черикликка борган ўша Қора Мўғул эди.

– Ё Оллоҳ! Энди танидим! – дея унга қучоқ очди. – Таниб бўлмас даражада ўзгариб кетибсиз!

– Ўшанда, Қора Аҳмад ҳар аскар иккитадан бош келтирсин деб амр берганида черикдан айрилиб кетган эдингиз, эслайсизми? – дея шодланиб сўзларди Қора Мўғул. – Сиз айрилгач, бизлар бир иложини қилиб жонимизни қутқардик. Тирик жонни ўлдирмоқ айб бўлмай дея, бир қанча ўликнинг бошини кесиб келтирдик... Бироқ, ҳар қанча хизмат қилсак ҳам

сипоҳбоши ўнг қарамади. Султон Ҳусайн Ҳирийга кирганини эшитиб, мен ҳам ўша ёққа бормоқдаман. Сизни учратганим зап иш бўлди-да...

– Бек! – деди Қора Мўғул, тўн енгини қўйиб юбормай. – Ҳирийдан келишда сизга кўмак берган эдим. Энди ошиғингиз олчи бўладиган кўринади. Менга ёрдам қилинг, ўлгунимча хизматингизда бўлай! Сиз қалбингиз юмшоқ, шафқатли кишисиз. Сарсонликларда ўлиб кетмай, бек!

Қора Мўғулнинг туруми шоирда шафқат уйғотди.

– Ҳали Ҳирийда не ишлар бўлмоғи маълум эмас, – деди у, чериклик ошносининг елкасига қўлини қўйиб. – Бирок, ошноликни унутадиганлардан эмасмиз. Ҳирий борилгач, қошимга келинг, ота боғида бўлгайман.

Қора Мўғул қўлини кўксига қўйиб, миннатдорлик билдира-билдира узоқлашди.

### ***САЛТАНАТ ТЎҒОНЛАРИ***

Келишда олис ва машаққатли туюлган йўл энди қисқа ва осон бўлиб қолди.

Майманадан ўтилиб, Ҳирийга яқинлашилди. Хур шамоллари турфа ўтлар исини димоққа урган, сигир-бузоқлари ёмғирдан сўнг пайдо бўлган катта кўлмакларда қорнигача сувга ботиб ўтлаб юрган бу ўланглар дилда шодлик уйғотарди.

Баҳор бир неча кун ичида ўлангларга яшил гиламлар тўшаб улгурибди. Нозанин Ҳирий ўзини соғинтирган эди. Ҳавоси енгил ва тоза, салқини жонга хузур бахш этади. Боғи Сафид, Гавҳаршодбегим мадрасаси муаззам ўтмишни эсга соларди. Масжиди Жомеъ кунгуралари ярақлаб кўринганида Навоийнинг юраги севинч ила тўлди. Ҳирируд аввалгидек айқириб оқарди. Мана шу ерда тағойи Мирсаид Кобулий ила эсда қоларли суҳбат бўлиб ўтган эди. Ҳўв нарида Абдуллоҳ Ансорий мадрасаси қуббалари кўзга ташланар, халойиқ ўша-ўша: от-эшак, хачир минган сангойилар, панжобийлар, лурийлару ғурийлар Ҳирий сари оқарди.



Қипчоқ дарвозаси олдида бир тўп суворий турарди. Дарвоза олдида ясанган умаро, бўрк ва пўстин кийган уруш беклари, оқ тўнли уламо тўпланибди. Бир неча оқ гилам узун қилиб тўшалибди.

Бу издиҳом ва тўшалган оппоқ гиламлар юксак рутбали кимнингдир ташрифи учун ёзилгани аниқ. Ақобирлар тўпи орасида бошқалардан тикрок бир суворий ҳам бўлиб, оқ-қизил абришим устидан тўн кийган, салласига қарқара ўтоғаси қадалган, остидаги оқ тулпор тинмай депсинарди.

Бу киши – султон Ҳусайн Мирзо эди!

Қарвон дарвозага яқинлашганида довуллар чалиниб, қарнай-сурнай садолари янграб кетди. Ҳусайн Мирзо Алишер Навоийни ҳарбий иззат-икром билан кутиб олмақда эди. Бек Ёдгор отнинг жиловини тутгач, шоир тараддуд ичра отидан тушди. Оқ отдаги султон ҳам шундай қилди. Сафар ҳоритган, уст-боши чанг Алишер Навоий дўстининг шу томонга тез-тез юриб келаётганини кўриб, гиламга оёқ босди.

Ҳар иккиси ҳам зўр ҳаяжонда эдилар. Мана, бир-бирларининг истиқболига етиб келишди, қучоқ очиб кўришишди. Шунча йилларнинг алами, ғариблик ва айрилиқ озорлари, йўқотишлари кўмсашлар қайғусини зафар ва дийдор шодлиги эгаллади.

– Азиз дўстим! – дер эди бири.

– Кўрар кун бор экан-ку! – дерди бошқаси.

– Бу кунимда ёнимда бўлганингиздан шодман!

– Асли мен ёнингизда бўлишдан шодман!

– Ҳирийга хуш келдингиз, дўстим!

– Йўқ, аслида сиз хуш келдингиз, Мирзом!

Теварақдагилар уларнинг кўришишига ҳавасланиб қараб туришар, фақат айрим бекларгина бесаранжом эдилар. Улар шеър уламо латофатни, илму фасоҳатни тан олмайдиған шижоатли уруш арслонлари бўлиб, маросим тезроқ тугагини кутиб бетоқатланишарди.

Султон Ҳусайн Навоий билан бирга тўп олдида келганида, улар орасида таниш чехралар кўринди. Олд қаторда девдай бўлиб Чопу барлос, Булдурук

Баҳодир, Четин беклар икки дўстни тўлқинлантирган дийдорлашув онларига разм солиб туришарди. Навоий улар билан бир-бир кўришди.

– Сафар хоритгандир, бугун истироҳат қилинг! – деди Ҳусайн Мирзо. – Таъбингизга мос бир боғ ҳозирланди, Мирзо Баҳодир кўрсатгай. Истасангиз, ота боғига кўнинг. Хуллас, ўз ихтиёрингизга кўра иш кўраверинг. Биз уруш беклари билан кўшинни кўздан кечириб қайтгаймиз. Ҳали қилар ишимиз кўп! Жанобларини оқшом Боғи Жаҳонорода кутгаймен.

– Мирзом, фақирга бундай илтифот ҳеч лозим эмас! – деди Алишер Навоий, чин дилдан. – Сизнинг салтанат бошига келганингизни кўрдим, шу бахтиёрлик менга бас.

– Ҳирий аҳли Алишер Навоий нечоғлик эҳтиромга муносиб эканини билсин! – тез жавоб қайтарди Султон Ҳусайн Мирзо. – Тангрига қасамки, энди сизнинг юлдузингиз сира ботмагайдир, муттасил юқори кўтарилгайдир.

Шошиб турган султон шундай деб отига минди. Мирзо Баҳодир Навоийни нарироқдаги сарой аравасига таклиф қилди. Навоий аравага яқинлашганида, у ерда қимтинибгина турган иниси Дарвишалини кўрди.

Дарвишалининг елкалари кенгайиб, икки қоши ўртасида тугун тушибди, бироқ кўзлари маъюслашибди. Одатда, бошига эрта мусибат тушган кишиларнинг кўзлари шундай бўлади. Оға-ини сўзсиз кўришишди. Навоий инисига боқар ва унинг юз-кўзида, гавдасида ўз йўқотганларининг аксини кўрарди. Дарвишали ҳам оғасига қарар, унинг чехрасида ҳам отойининг, ҳам волида беканинг азиз сиймоси балқирди. Бир-бирининг дийдорига тўйишгач, аравага минишди. Алишер Навоий Мирзо Баҳодирга “Ота боғига боргаймиз” дегач, арава йўлга тушди.

### ***ОТА БОҒИ***

Боғ қаровсиз қолгани учун гулу гулзорлар хазон бўлган, қачонлардир ҳаёт барқ урган обхона, ошхона – бари мунғайиб қолган эди.

Алишер Навоий боғни қадам-бақадам одимларкан, шуурида хотиралар куюндай айланарди.

Мана бу супада жон тортгучи дилкушо суҳбатлар бўлиб ўтган, девқомат тағойилар ҳазил-мутойиба базмини яшнатган эдилар. Мана бу ерда у илк ғазалини ўқиган. Бу кичик хобхонада “Мантикут-тайр” воситасида Аттор ила сўзлашилган... Ички ховлига ўтганида эса ўз-ўзидан кўнглидан хўнграк келди, хотирда қуёш юзли волида беканинг меҳрибон саси, жорияларнинг овозлари, Қутбнинг шошқин сўзлари жонланди.

– Волида мазорига боргаймиз, – деди у, Дарвишалига.

Дарвишали йўл-йўлакай бўлиб ўтган воқеаларни қисқа қилиб айтиб берди. Тағойилар урушда шаҳид кетишмабди, балки Абусаид Мирзо уларни қатл қилдирибди. Отойи эса Сабзавордан қайтишда шаҳид бўлибди, мазори Сабзавор йўлида экан. Бу хабарлардан сўнг онаизор жойнамоз устида, бошини саждага қўйиб, Тангрига ёлворган кўйи жон таслим қилибди.

Бу тафсилотларни қайтадан, ўз жигари оғзидан тингларкан, Навоийнинг бошига тоғ йиқилгандай бўлар, ҳарчанд ўзини босишга уринса-да, кўксидан аламли ўксиниш тошиб келаварди.

Она қабрига боришгач, Навоий унинг бошига тиз чўкди. Нам тупроқни сийпалаб, туйғулари дарёдай тошиб, хотиралару соғинч-армонлар кўз ёшига айланиб қароқдан тошиб чиқди. Дарвишали ортда, унинг ҳам мижжаларидан ёш оқар, оғойисига халал бермаслик учун жим турарди.

Навоийнинг ёдига Самарқанднинг муз кунларида кўрилган изтиробли туш келди. Икки каптар бир уйда бола очган, боласининг қанотлари ўсгач, замона уни изтиробга солган эмасмиди? У каптар паришонхотир бўлиб, она-онасидан ажралиб бир муддат саҳродаги жониворларга кўшилмаганмиди? Юқоридан икки бургут учиб келиб у икки каптарни бир луқма қилган эди-ку?

Изтироб худди қиш дарёсидай муз уфуриб, барча туйғуларни ўз гирдобига олиб, надомат долғаларини ҳосил қилиб чунон оқдики, ҳайбатига чидаёлмаган қалб қушдай чирқиради:

**«Эй, жонимнинг қибласи, қибламнинг нури! Қора сочларинг мен берган азобларда оқарди. Жонимнинг севинчи, кўзимнинг чироғи,**

кўнглимнинг хуши, хотирамга роҳат бергувчиси! Каъбам эдингиз мен бутхонани тиладим, атрофингда ҳеч зиёрат қилмадим. Ҳар вақт сени изтиробларга солиб, Каъбамни хароб этдим. Каъбам хароб бўлгач, Тангрига нима деб жавоб бераман? Ўзбошимча фалак жисмингдаги садаф ичига инжу деб тош солибди. Туғилган вақтимдаёқ ўлсам бўлмасми эди? Кошки туғилмаганлар билан тенг бўлсам эди... Мен бахтсиз, қора кунларда қолган, тирик қолиб сенинг жонингга бало бўлдим. Сен менга меҳр қўйиб, қўлинг доим билагимда бўлди. Ҳар кун мени деб қайғу ютдинг, тунларда уйку кўзингга ҳаром бўлди. Кечалари тинмасдан зор-зор йиғлаб, уйқунгни қочирган эдим. Кеча-кундуз менинг азобимда тинчлигингни йўқотиб, ичмоқ-емоқни ҳам унутган эдинг. Бир бурда еган нонинг ҳам менга сут бўлсин учун эди. Умидинг шундай эдию, чарх золи сенга ўчакишиб, азоблар юки билан қаддингни букди, ажинлар тушириб, юзингни тарам-тарам қилиб юборди. Бошинг ёстикқа етиб, бошингга суюнчиқ керак бўлганида мен ҳам букилиб қошингда турсам, осмондек бошингдан ўргилсам, қулдек ўғиллигингни, ўғил бўлиб қуллигингни қилсам! Фалакнинг ҳар хил тузоқларига тушганинда, мен билан кўнглинг хурсанд бўлса.

Ҳақиқатан шундай ишлар бўлдики, сен кучдан кетдинг, мен бўлсам улғайдим. Ҳаста жонинг борган сари қариликка юз тутди, мен ўсиб вояга етдим. Лекин мен бахти қора, лаънати, бир нафас ҳам қошингда ҳозир бўлолмадим. Шафқат билан қўлингни ҳам тутмадим, кўзим билан йўллaringни супурмадим. Тортган азобларингга ҳамдардлик кўрсатолмай ва айтganларингни ҳам жон билан бажаролмай, балки хизматингни кам қилишгина эмас, кўп ношукурликлар қилдим. Туну кун сендан жудо бўлиб. хабар олмасдан бевафолик қилдим. Ўзимни телбаликка солгандек бўлиб, кўнглингни ололмадим. Ўзим дардингга даво қилмадим, не ажабки, мендан сенга ҳар нафасда турли-туман балолар етди. Аламларимни тортиб, жондан ажралдинг. Гўё сен менинг бундай бепоён ранжларимни тортиб, ғам ва дард билан жаҳондан

**чикдинг. Мен даштма-дашт, бехуда наъралар тортиб, оёқ яланг мажнун бўлиб юрдим. Рухингнинг жилвагоҳи жаннат боғларидир, макони – жаннатдир. Ўша боғда ҳам мenden шод эмаслигингни билсам, шу зулм мен учун етарлидир. Бечораман, бошқа нима қила олар эдим, дардимга қандай чора ҳам топардим?..**

Алишер Навоий онаизор қабри устида узундан-узoқ дуo қилди. Ниҳоят, дарду изтироби бир қадар ариб, боши эгик, Ҳирируд ирмоғи томон юрди. Фақат шу ирмоққина ҳаётнинг давомийлигини билдириб, аввалгидай пишқириб оқарди. Сув олдида узoқ ўтирди.

Ота боғига қайтиб, уст-бошини алмаштириб, ювиниб-таранганида куёш ёнбошлаган эди. Иниси тайёрлаб қўйган отга миниб, унинг ҳамроҳлигида саройга йўл олди.

### ***ҲАВЗИ МОҲИЁНДА ИФТОР***

Саройнинг нақшин дарвозалари очик, у ерда қилич-ёйли икки сарбоз турарди. Баҳайбат дарвозадан кирилгач яна сарбозларга дуч келинди, улар ҳам бош эгиб ўтказиб юборишди. Сўнг тош терилган улкан саҳнга рўпара келинди, қаршида пештоқи кўкка етгудай бўлиб султон кўшки қўр тўкиб турарди. Не-не жаҳонгирлар ҳукм юритган бу кўҳна сарой кираверишида, кўшқдан аввал беклар ва амирлар хоналари бўлиб, ўнг тарафда девон, унинг ёнида саломхона, машварат ва маслаҳат хоналари тизилган эди. Чўғдай гиламлар қадам товушларини ютгудай. Ҳар хонанинг гумбази нилий буёк ила бўялиб, оятлар кўфийда битилибди. Бир қатор кичик умаро девон эшиги ёнида қўл қовуштириб турар, уруш беклари ва катта умаро вазмин қадамлар ила ичкари киришарди.

Девон машварат усулида жиҳозланган, тепада Султон Ҳусайннинг супаси ёнида эса яна бир супа қўйилган, пастроқда курсилар тизилган эди.

Султон Ҳусайн Мирзо бу ерда ҳам Алишерни пойгаккача келиб кутиб олди. Уни аҳли мажлис орасидан шоҳ супаси қадар қадар етаклаб бориб,

ўнгдаги кичик супага таклиф қилди. Чап ёнда турган куш бурунли, кориндор киши Алишерга хушламай қараб-қараб қўярди.

– Бисмиллаҳир рохманир роҳийм, – деди Султон Ҳусайн дона-дона қилиб. Шу заҳоти мажлисхонага сув қуйгандек жимлик чўқди. Фақат сарой ташида, дарахтларда сайраётган куш сайроғи элас-элас эшитилди.

– Алҳамдулиллаҳи Роббул-олабийн, – деб давом этди султон – Маълумингизким, Алишербек мактаб ёшимиздан яқин дўстимиз эдилар. Биз Балху Кобул навоҳийсида қазоқилик қилган маҳалларимизда Самарқандда ҳазрат мавлоно Фазлуллоҳ Абулайс даргоҳида таълим олдилар. Ҳам илмда, ҳам абётда устунлик даражасига эришдилар. Бу кишининг мўътабар сулоласидан хонаводамизга кўп хайру марҳаматлар етган, жидду жаҳд ила улуғ хизматлар кўрғазгандир, – деб, у хизматларни бир-бир баён қилиб:

– Шу сабабдан Алишербек Самарқанддан Ҳирийга чорланмишдир. Мундан сўнгра қабатимизда бўлгайлар. Чаргамизга хуш келдилар!

– Тангрим хуш давронлар ато этсин! – деб жавоб қилди Алишер Навоий.

– Кун эътибори ила, Тангри азза ва жалла иродаси ва султонлик ҳукмимиз ила Алишербекка Мир унвони армуғон айладик! Мундин сўнгра инобатга олингайдир! – деди Султон Ҳусайн. Сўнг фармонбардорга бош ирғагач, фармонбардор ҳазрати олийларининг фармонини ўқиб эшиттирди:

– Тангрининг иродаси ва унинг ердаги сояси Султон Ҳусайн ҳазратлари фармонига билан Алишербек Ғиёсиддин ўғлига амир унвони тахсис этилмишдир ва муҳрдор тайин қилинмишдир! Мартаба қутлуғ бўлсин, Тангри ёрлақасин!

Беклар орасидан “Қутлуғ бўлгай! Тангри ёрлақагай!” деган овозлар эшитилди.

– Султон ҳазратларининг салтанати дунё тургунча турсин! – деди Алишер Навоий. – Мирзо жаноблари Хуросон узра ҳилол бўлиб балқдилар. Шу сабабдан, камина ҳам бир армуғон келтириб эдим, эгасига топшириш насиб қилди, – деб, Ҳусайн Мирзога бағишланган қасидани узатди.

Султон ўрамни очиб кўз югуртиргани заҳоти қасиданинг мазмунини англади. Унинг назокат билан “Ҳилолия” деб номланишида турли маънолар жам бўлиб, ҳар ойнинг бошланишида тўлин ой ўз шаклини ҳилолга ўзгартиради, яъни ҳилол – янги ой бошланишидан дарак. Қолаверса, ҳилол шакли ислом динининг тимсоли, коинот сарвари Муҳаммад пайғамбар нубувватининг далолатчиси ҳамдир. Унинг бундай номланиши бу кун Хуросон узра Ҳусайн Мирзо оyi балқиганига ишора бўлиб, тимсол тилида мамлакатда янги давр бошланганини билдирарди.

Султон Ҳусайн Мирзо Навоийга миннатдорчилик билдириб, қасидани кўз-қошига текизиб, муншийга узатди.

Гарчи бу ишлар тантанали тусда ўтаётган бўлса ҳам, машварат аҳли бошқа ҳукмларни кутиб тараддудланиб туришарди.

– Шеър аъён хўб яхши, лекин Муҳаммад Ёдгор Машҳадда, Узун Ҳасан Шерозда черик тўпламоқда, – деди бояги қушбурун кимса. – Уларни зудлик билан бартараф этишнинг чорасини кўрмоқ керак.

Ҳусайн Мирзо бунга шундай жавоб берди:

– Музаффар барлоснинг сўзи тўғри. Аммо чопқин маслаҳатини эртага қилгаймиз. Оқшом усти Алишербек шарофатига Боғи Жаҳонорода ифтор зиёфати тайин қилинди. Бу кун барчангиз ила ифтор маҳали дийдорлашгаймиз.

\* \* \*

Ифтор оддий бўлди. Баъзи аъёнлар мўл-кўл таомлар тортилишини тусмол қилишган бўлса-да, Султон Ҳусайн вазият боис, ундай шоҳона зиёфат тузалишини маъқулламаган эди. Боғи Жаҳоноронинг шимол тарафидаги ҳовуз ёқасида юздан зиёд аъён тезда ифторлик қилгач, Султон Ҳусайн бошқаларга рухсат бериб, бир муддат Алишер Навоий ила холи қолмоқ истагини билдирди. Барча хайрлашиб кетгач, дўстлар суҳбатига ҳалал бермаслик учун қуллар ва хизматчилар ҳам олисроққа чекилишди. Машғалалар ёнган саҳн чароғон, Ҳирийнинг ифтор шамоли гулларни тўқаркан, икковлон сув ёқасида аста-секин одимлаб суҳбат куришди.

Хусайн Мирзо Алишернинг Самарқанддаги ҳаётини сўраб-суриштирди. У кунларнинг қаттиқликларини, Саййид Ҳасан Ардашернинг олийжаноблигини, Фазлуллоҳ Абулайс суҳбатларини кизиқиб тинглади. Навоий қора черикликда изғирин шиддат урган кунларни, шафқатсиз жангу жадаллар воқеаларини қисқача сўзлаб бергач:

– Навкарликнинг нони қаттиқдир, – деди Султон Хусайн. – Сиз Самарқандда, мен Марвда, оғир кунлар кўрдик! – дея, қавс ойида Сабзавордан қайтар экан, Марв беклари унга дарвозаларини очишмаганини, кишни даштда кўп қийинчиликлар билан ўтказганини гапириб берди. Сўнг сафар шамоллари қорайтирган юзига хотиржам ифода иниб, ўзининг ишларидан сўзлаб:

– Сиз Самарқандда экан, бир куни Султон Абдуллатифнинг ўғиллари Муҳаммад Жоку билан Мирзо Аҳмад Балхда исён кўтаришди. Абусаид зудлик билан Балхга келиб, уларни қувиб юборди. Сўнг Балхда қолди, Ҳирий бир муддат бўш турди. Шунда Султон Иброҳим фурсатни ғанимат билиб, Баҳриздан келасолиб, Ҳирийни олди. Султон Алоуддавла Дашти Қипчоқда экан, ғазабланиб черик ила келиб, Ҳирийга кирди. Бул ёқдан қорақуюнли туркман Жаҳоншоҳ бирла ихтилофи бор экан, сиқувдан сўнг яна Дашти Қипчоққа ёнди. Бир йил ўтгач, Султон Абусаид Жаҳоншоҳ туркманни қувиб, Ҳирийга кирди. Қайинпадаримиз Султон Санжар ила Иброҳим Султон унга босқин ясадилар. Абусаид Мирзо яна ғолиб келиб, Астрободу Мозандаронни ҳам эгаллади.

Ул маҳал мен черик тўпламоққа ғайрат қилар эдим. Сейистонда Амир Халил исён кўтарганида фурсат ғанимат билиб, Мозандарондан Хуросон томон юрдим. Бу маҳалда Муҳаммад Жокухон Яса, Тошканд, Сайрам, Ахсикентни олиб бўлган эди. Абусаид Мирзонинг амирлари хиёнат қилиб, Жокухон тарафига ўтишди. Абусаид ихтиёрида Самарқанду Бухоро қолди, холос.

Яна бир йил ўтгач, Абусаид Мирзо бир қисм кўшинга Муизиддин Шерозийни бош қилиб Самарқандга йўллаб, ортидан ўзи ҳам жўнади.



Муҳаммад Жоку қочиб Шоҳрухия қалъасига беркингач, уни тўрт ой қамал қилди, шунда мен олтмиш черик ила бориб Астрободни босдим. Абусаид Мирзонинг беклари Шайх Хўжа билан Оллоҳберди ўша чопқинда ўлди. Абусаиднинг қўшини тарқоқ эди, ундаёқ Жузжонни олиб, Ҳирийни қамал қилдим. Абусаид ўзини ўнглаб, қаҳру ғазаб отига миниб, катта қўшин билан келди. Мозандаронни қўлдан бериб, тушкунлик ичра тагин Марвга қайтдик...

– Тангри нусрат берса чигиртка ҳам қўшин бўлмай эмиш, – деб давом этди Ҳусайн Мирзо. – Ул йилда Машҳадга чигиртка балоси ёпирилди. Султон Абусаид қўшини Шероз борурда чигирткага дуч келди. Ўн-ўн беш йиғоч масофада яшил ўланг қолмаган экан. Аскар хомуш бўлди, отлари ўлди. Беклар орасида ихтилоф чиққач, султон Абусаид Мирзо жангда енгилиб, асирга тушди. Узун Ҳасан уни шаҳзода Муҳаммад Ёдгор Мирзо қошига юборди. Муҳаммад Ёдгор истиқбол шартларини бажо келтириб, икковлон кучоқлашиб, бир-бирларини бағрига босиб кўришишди. Шундан сўнг муҳосиллар султон Абусаид Мирзони ўша лашкаргоҳда қатл қилишди.

– Ўз қилмиши ўзининг бошига келибди, ҳай дариг!

Алишербек дўстидан бўйнидаги жароҳатининг боисини сўраган эди:

– Муни Музаффар барлос айтсин! – деди султон кулиб. – Ул навоҳийда отим яраланиб эди, тушиб пиёда уришар эдим. Жангу жадалда султоннинг пиёда қолиши яхши эмасдир. Музаффар барлос ўз отини менга тортиқ қилди, муқарриблиги шу сабабдандир. Ул замон бир сипоҳий келиб занжирли тўқмоғини отти, тўқмоқ бошимга андоқ тегдики, ҳушимдан кетдим. Занжирининг бир томони ханжардай тилим-тилим экан, бўйнимни кесмоғи шундан бўлди. Ул сипоҳийни қошимга тутуб келтирдилар, қатлига фармон бермоғимни истадилар. Оё, жангда шундай бўлмиш, сипоҳийнинг иши шу, айби йўқдир деб авф қилдим.

Султон Ҳусайн яна бир воқеани кула-кула сўзлаб берди.

– Бир муддат даштда, кун кечирмоқ ғамида гоҳ ул, гоҳ бул улусни босар эдим. Юра-юра Кобул тарафларга кеттим, бир тоғ орасига кирдик, ўти отга созвормиш. Тоғлик улус эмиш, сира уруша олмас эканлар. Шундоқ бўлса-да,

ўзларини химоя қилиб чиқишди. Илғорда Ҳожи Муҳаммад Барлос эди, андоқ чоптики, оз бир вақтда барини ёйди. Янада илгарилаб борурда бир маҳал кўрсак, оғизларида ўт тишлаб келар эдилар. Агар омонлиқ тиласалар, узун ўтларни оғизларига солиб тишлаб, бу билан мен сенинг қўйингдурмен, шафқат қил демоқ бўларканлар. Бори афв этилиб, озодқа қўйилди...

– Қандай ажаб улус экан! – деди Навоий ҳам, у улуснинг ишидан завқланиб.

– Иншоллоҳ, неки орзу қилган бўлсак, барчаси рўёбга чикди! – деди Султон Ҳусайн. – Лекин вазият қалтис, Муҳаммад Ёдгор бизга қарши черик созламоқда. Эрта турлук улусларнинг оқсоқоллари саломга келгайлар. Маълумингизки, уларнинг аксарияти шиалардир. Шу сабаб, шианинг ўн икки имомига истинодан ўн икки қабат дастор боғлатмоқ истадим.

– Ҳай-ҳай, Мирзом! – деди Алишер Навоий, сесканиб. – Тадбири олийни англагандайман, аммо Ҳирийдан то Самарқандга қадар пирлару валийлар жунбушга келгайдирлар! Асло ундай қилманг! Ҳазратларининг ҳар қарорларига бош эгилгайдир, бироқ дарҳол сизни элга рофизий деб эълон қилгайдирлар.

Султон Ҳусайн ўйланиб қолди. Аслида бу фикрни унга Ҳирийнинг баъзи уламолари сиёсат важҳидан айтишган, султонга ҳам маъкул тушган эди. Бироқ, Алишербекнинг келтирган далили барча бошқа далилларни йўққа чиқарди. Дарҳақиқат, Хуросон аҳли оққуюнлилар қилган хунрезликларни унутган эмас, шу сабабли Султон Ҳусайн обрў-эътибори тупроққа тенг бўлмай. Оққуюнлилар қошида эса мартабаси ортмагай, билъакс, Хуросон ҳукмдори кўнглимизни олмоқ истайдур дея ҳадларидан ошмоғи турган гап. Амир Алишернинг таклифи султонга хуш келди.

– Маъкул, – деди қаноат ҳосил қилиб. – Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг тавсияси ҳам шундоқ эди. Не ажабки, пирнинг ҳам, муриднинг ҳам фикри бир бўлди. Энди истироҳат қилайлик. Ёдингиздами, бир маҳаллар ўспирин чоғимиз Маймана беги исёнига қарши Султон Абулқосим мажлисида қатнашиб эдик?

– Ёдда бўлмасми? Беклар шиддати-ю қўшин хайбатидан ақлим титрамиш эди.

– Мен эса илк жанг шавқида титрамиш эдим, – деди Султон Ҳусайн. – Эртага ўшандоқ бир мажлис тузгаймиз. Тарих такрорланмоқдадир, бу машваратда яна баробар бўлгаймиз. Муҳаммад Ёдгорни бартараф қилмоқ энг муҳим ишимиз! – Султоннинг қошлари чимирилди. – Узоқ давом этадиган, уқубатли саваш бўлгай. Қўшинни созламоққа муҳиммот лозим, хазина эса бўм-бўш... Черик улүфаси-ю аслаҳасига, ошлиғию уловига анча-мунча ақча лозим... Халққа солиқ солсакми?

Навоий дарҳол рад қилди:

– Йўқ-йўқ, Мирзом! Абусаид Мирзо замонида халқ бошига шунчалар қаттиқ кунлар келдики, қаҳатчиликда ўт териб емоқча борилди.

Шундай деб, Самарқанд азимати қилмасидан бурун хароба бир боғчада тошқозонда ош пиширилганида айтилган байтни айтиб берди:

*Лаъл санг асту дегу сангин санг,*

*Лек андар миён тафовутҳост...*

Султон Ҳусайн буни эшитиб ўйланиб қолди-да:

– Ҳай, олтмиш навкар ила уч минглик қўшинни енгиб, Астрободни олмиш эдик! – деди ғайрати тошиб. – Нусрат Тангридандир. Биз ҳақ эсак, ғалаба бизники. Муҳаммад Ёдгор ҳақ эса, униқидир. Жўмард бўлмоқ лозим!

Сўнг:

– Аммо, у тамомила ноҳақ! – деди. – Сунний қавм шиани ҳам иззат қилди, аммо рофизияни давлат сиёсати қилмоқ зулмдир. Муҳаммад Ёдгорни бир ёқлик қилсак.... – тез-тез у ёқдан-бу ёққа юрди Ҳусайн Мирзо, қорача юзида шижоат балқиб. – Хуросонни ер юзидаги энг кўркам, энг фаровон мамлакатга айлантиргаймиз! Адолатни мутлақ, халқни рози қилгаймиз!

Алишер Навоий бу сўзларни кулимсираб, қалби ёришиб тинглаб турарди.

– Дарвишали не қиладур? – сўради султон.

– Жомий ҳазратларининг марҳамати ила, кутубхонада китобдорлик билан банд, – деб жавоб қилди Алишер.

– Уни ўз кишимиз билиб, амир тайин этсак уддасидан чиқарми?

– Дарвишали бир оз ёш, аммо ғайратли ва жанобларига бениҳоя садоқатлидир. Албатта уддасидан чиққай.

– Бу иш тамомдир! – қаноат ҳосил қилди Ҳусайн Мирзо. Сўнг гина ила деди: – Мақсудимиз ҳосил бўлганига шодланиб, бир боғ айирган эдик, хануз кадам босмайдирсиз?

Навоий узр айтди:

– Мирзо бир оз фурсат берсалар, ота боғини тартиблаб, ҳақларига дуо қилсам деган ниятда эдим. Марҳаматингиз бошим устига, у боғ қошу тупроғини кўзимга суртгайман.

– У ҳолда сиз ҳады боғда ҳам, ота боғида ҳам риоят айланг, – деди Ҳусайн Мирзо. – Кўнглингиз тусаганини қилинг, ҳар ерда иззатга лойиқдирсиз. Муҳаммад Ёдгор ишини битиргач, шеър у абъёт мушоираси ҳам тартиблагаймиз.

Сўнг четроқда қўл қовуштириб турган ҳудайчига имо қилган эди, у икки букилиб келиб, таъзим ила ўроғлик қоғоз узатди.

– Мирзом? Абъётмидир? – деб юборди Алишер, ўроғлик қоғозни икки қўллаб оларкан.

– Мақбул бир маҳалда кўз ташлагайсиз, – деди Султон Ҳусайн. – Абъётдан айри тушилурми? Фақир Кўҳи Пулда, чодирда уйқум қочиб битмиш эдим. У он хотиримга сиз келдингиз, ният қилдимки, бир кун кўлингизга бергайман. Тангрига шукр, бу кун ҳам насиб этди...

Шу тарз хайрлашилди. Алишер Боғи Жаҳонородан чиқишда Бек Ёдгорни кўрди, у салтанат араваларидан бирини ҳозирлаб Алишернинг чиқишини кутиб турган экан.

– Не азият, фақирга бир от бўлса бас, – деди Алишер Навоий, ўнғайсизланиб.

– Султоннинг буйруқларидир, – деди Бек Ёдгор дўриллаб. – Қулоқларига етса ранжигайлар. Марҳамат қилсинлар.

Чор-ночор икки от қўшилган ҳашамли аравага минишга мажбур қолди. Сарбозлар ҳамроҳлигида ота боғига қайтилди.

### ***УРУШ МАШВАРАТИ***

Ҳарбий мажлисга уруш беклари, баҳодирлар ва лашкарбошиларгина чорланган бўлиб, улар мартабаларига кўра ўз жойларини эгаллаб, султон ташрифини кутиб турар эдилар.

– Салтанатни оламан деб ёвга кўмак истаб борилгайми? – дер эди Четин баҳодир, кенг қорача юзи янада тундлашиб, қийиқ кўзлари чакнаб. – Яна қанақа ёв денг? Жаҳоншоҳ туркман Ҳирий халқини қиличдан ўтказганини билмасмиди?

– Босмоқ энг дурустидир, – деди Чопу барлос. – Шундай бир ерни танлайликки, ул учун қулай кўринсин, бироқ аслида биз учун қулай бўлсин.

– Эски усул қўлланса ҳам бўлур, – деди беклардан бири. – Уч тарафдан қисувга олинса, аммо бир тараф очик қолса. Чопқинга кирганинг ақлида мудом очик қолган тараф туради. Қисувга олсак, ўша томон чекингайдир. Ул замон заҳира лашкарга бақамти келгайдир.

– Ёйчилар молшохи усулида саф тортирилса-чи?

– Сиз Ёдгор ила саф тортиб урушилгай деб хаёл қилдингизми? – деб сўради султон Ҳусайн, жаҳли чиқиб. – Даражотда тенг султонларгина саф тортиб урушишини унутдингизми? Ёдгор ким бўлибдики, унинг қаршисида саф тортилсин?

– Ундай уруш тажрибали, бир қанча урушларни қозонган ғозийларга ярашади, – деб қувватлади Чопу барлос. – Ёдгор ким, бор-йўғи бир гўдак.

– Чопу барлос, кўшин аслаҳасию лузумотини таҳлил қилдингизми? – деб сўради Ҳусайн Мирзо.

– Муҳиммот нуқсонли, Мирзом. Етти минг узун тиғ, беш минг калта тиғ, яна шунча узун-қиска найзамиз бор. Улов нуқсони бартараф этилди, Шибирғон ва Майманадан уч минг от келтирилди.

– Муҳиммот аравалари-чи?

– Ундан камимиз йўқ. Халқдан хўкиз-хачирлар ҳам олинди.

– Беклар черикка ўз оти, силоҳи билан келмоғи амр қилинсин! – деди Ҳусайн Мирзо. – Ҳирий қайтилгач, отининг ҳам, силоҳининг ҳам ҳақи берилгайдир. Кобулийлардан черик олинмасин, уларга ишонч йўқ. Майманадан Андхўйга қадар навоҳийдан қора черик ёллансин. Четин баҳодир, Ёдгорнинг аскар-ю силоҳи маълум бўлдимиди?

– Ҳасан туркман тўрт минг аскарни кўмакка юбормиш. Мўмин баҳодир ила Муъиниддин баҳодир қўшин бошида, қолган беклари мурғи ҳад, – деб жавоб қилди Четин баҳодир. – Танзимотда нуқсони бор, яъниким, кўп ҳолларда отликни найза билан силоҳлантиргай экан.

– Жаҳоншоҳнинг шашпарлари, яъни занжирли тишли гурзилари ҳам бор. Отликқа отса, от туёғига ўралиб йиқитгайдир. Уларни ёй билан уриб олган маъкул.

– Отликқа яна қилич ҳам берилса, – деди Чопу барлос. – Эгри эмас, узун тўғри қилич бўлгани маъкул. Ҳам тиккамасига найзадай санчса бўлур, ҳам ёнлама урса бўлур.

– У ҳолда тўрт бўлукни катта ёй ила қуроллантиргайсиз, – деб ҳукм қилди Ҳусайн Мирзо. – Уч қиррали узун ўқ олсинлар. Мақсадки, совутни теша олсин. Қолгани Чопу барлос билан Четин бек маслаҳатига кўра бўлсин.

Беклар ўйга толишди. Тажрибали лашкарбошилар муҳораба ерининг пасту баландини кўрмасдан жангга кириш номувофиқ эканини айтиб қаршилиқ қилсалар-да, Ҳусайн Мирзо ғанимни зудлик билан бартараф қилиш ўйида эди. Аини маҳалда Муҳаммад Ёдгор Чинорон деган жойда тўхтагани маълум, у ерга Машҳаддан шитоб юрилса тўрт соатда етиб бормок мумкин кўринарди. Бироқ, Сабзавор ҳокими ҳам исён кўтарган, уни бир ёкли қилмасдан Муҳаммад Ёдгорга қарши чиқиб бўлмасди.

– Қўшинга маълум қилинсин, юрилгайдир! – деди у, қатъий қилиб. – Четин баходир ўрдугоҳда қолсин. Муҳиммотни тугал қилиб, ортимиздан боргайдир.

Қўшин Пули Нав лашкаргоҳида эди. Тонг ёришмасидан Ҳирийнинг улкан дарвозалари очилди. Ҳусайн Бойқаро қабатида Алишер Навоий ва ички беклар Пули Нав сари отланишди. Қолган уруш беклари ўша ерда, черикни сафарга тахт қилиб туришарди.

Султон етиб келгач, сурнайлару довуллар қоқилди, юриш забти чалинди. Ҳусайн Мирзо лашкари Сабзавор сари оқди.

Сабзавор Ҳирийдан тахминан юз фарсах масофада эди. Кўҳсан, Тоёбод, Қаландаробод оралаб, бу йўл ўн икки кунда босиб ўтилди. Сабзаворга икки фарсах қолганида маслаҳат учун тўхталинди. Ҳар ҳолда Муҳаммад Ёдгор Ҳусайн Мирзонинг келишидан хабар топган, уруш ҳозирлигини кўрган бўлса керак дея қалъани айланиб ўтиб, Хусравжирд томондан босишга, агар дарбозалар беркитилса, деворларни ҳўкизтумшуқ ила бузиб киришга қарор қилинди. Сабзавор қалъаси икки тепа устида жойлашган, тепанинг баъзи жойлари тик, девор устидагилар отлиғу пиёдани осонлик билан уриб олиши мумкин эди.

Ҳусайн Мирзо қўшин ила келишидан Муҳаммад Ёдгор дарҳол хабар топди. Боғонга етилмасидан унинг Бистом сари қочгани дараги келди.

Таомилга кўра, Сабзавор амири беклари билан келиб Султон Ҳусайнга куллуқ қилиши керак эди. Шундай ҳам бўлди, кент дарбозаси олдида эллик чоғли киши от-аравада совға-салом ила қаршиладилар. Султон Ҳусайн шаҳарга кирмай, уларни чодирда иззатлади. Сабзавор беклари Муҳаммад Ёдгорнинг Бистом сари қочганини тасдиқлашди.

Шундан сўнг Султон Ҳусайн ортга, Машҳадга қайтди. Машҳад кўнилгач, беклар қўшин муҳиммоти билан машғул эканлар, бир қанча киши билан Имом Ризо мақбарасига зиёратга борилди. Гавҳаршодбегим жомеъсида намоз ўқилди.

Хусайн Мирзо тунни Машҳад саройида эмас, қўшин билан ўтказиш ниятини маълум қилгач, кентдан чиқиб қўшинга етдилар. Машъалалар ёкилиб, қўриқчилар тайин қилинган эди. Уруш беклари ухлашмаган, черикни айланиб юришарди.

Тонг-ла маълум бўлдики, бир қанча амирлар Муҳаммад Ёдгорга бориб қўшилиш ниятида қароргоҳни ташлаб қочишибди.

– Қувиб етмоқ энг мақбул ишдир, – деди Чопу барлос, бу юришлар малоллига келганини яширмасдан. – Ким бўлибдурким, она сути оғзидан кетмаган гўдак хархашалари ортидан эргашиб юргаймиз?

Ҳақиқатан ҳам жангларнинг уста савашчилари, ботир қарчиғайларига Муҳаммад Ёдгордай бир болакай ортидан юриш малол келарди. Шаҳзоданинг-ку болакайлиги аниқ, бироқ, ён-варидаги беклари салтанатга ундан багтар кўз тикишган, энг ёмони – улар Ироқ жанубидаги оққуюнлилар билан иттифоқ тузиб олишган эди.

Султон Хусайн ўз амирларининг хиёнатидан дарғазаб бўлиб у ёқдан-бу ёққа юрарди.

Қувиш тадбири шундай эдики, ҳар аскарга икки от берилар, жанг учун керакли аслаҳа ва озуқани ўзи билан олиб, тўхтамай юриларди. Аскар оти ҳориса бошқасига алмаштириб кетаберар, озиғи қоқ гўшт ва қотган нону талқон бўлар, отларга ҳам хўл ўт ўрнига қуруқ сули-арпа берилар, оз сув ичириларди. Бундай юриш билан бир кунда эллик-олтмиш чақирим масофани ўтса бўларди.

Хусайн Мирзо шундай қилди. Аравалар, муҳиммот ва таъминот дасталари ортда қолаверди, улар ўз ҳолларича қўшин ортидан боришлари керак эди. Илғор черик билан Муҳаммад Ёдгор изига тушилди.

## **ҚЎШИН**

Қўшин Чинорон сари борар экан, шовқин чиқмаслиги учун отлар туёғига латта ўралиб, йўртиб юришга амр берилди. Шунда ҳам қўшин гувлаши билинар эди. Султон Хусайн яна бир тадбирли иш қилди, яъни бир қанча



тезчопар отликни аввалдан илгарига юбордики, черикни кўрган кимдир Муҳаммад Ёдгорга бориб хабар бермасин, ундайлар учраса калласи олинсин.

Чинорон даштдаги кичик бир қишлоқ бўлиб чиқди. Ҳар ер-ҳар ерда юлғун тиккайган, отлик жанг қилишга мос ўланг экан. Милтираган машъалалардан билиндики, Муҳаммад Ёдгор Чиноронга кирмай, ўлангда чодир қурибди. Чериги беш минг экани аввалдан маълум эди. Бу хабарни эшитиб, қўшин тўхтади. Бургутдай тез аскарлардан бир нечтаси ўша томонга юборилди, бир соат ўтар-ўтмай қайтиб келганлар унинг ҳақиқатан ҳам Муҳаммад Ёдгор қўшини эканини тасдиқлашди.

Уруш беклари яна султон чодирига йиғилишди. Бироқ, муҳокама бошланақолмас эди. Навоий Хусайн Мирзодан бунинг сабабини сўраган эди, у жавоб қилди:

– Мунажжимни чорлатсак, хужум вақти ва толеъини аниқ белгилаб олсак!

Алишер Навоий эътироз билдирди:

– Мирзом, тақдирда аввалдан Тангрининг лутфи битилган бўлса, юлдузлару осмонларни ишга солишга не ҳожат бор? Ахир, кавсар булоғидан сув ичадиган Тўби дарахти баҳор ёмғирини кутишдан беҳожатдир.

Беклар бу сўзлар нима учун айтилганини тушунолмай туришарди.

– Яъни, мунажжим чақиритилган ва вақтнинг душманга қарши хужум учун омадли ёки омадсиз эканлигини текшириб ўтиришдан ҳеч қандай наф йўқ, – деди Алишер Навоий. – Чунки ҳозирги вақт қўшинларимизнинг душманга қарши хужум бошлаши учун муносиб бўладими-йўқми, бундан қатъи назар, ушбу ишдаги ҳар қандай имиллаш ёки тўхталиш қўшинимизнинг ғалабага эришишига тўсқинлик қилади. Шу сабабли ҳам душманга қарши ҳаракат қилишда шошилиш лозим.

Хусайн Мирзога бу сўзлар маъқул келди. Тайёргарликка бир соат муҳлат берилди. Тўрт бўлук ёй билан, қолганлари узун ва калта сопли болта, қилич, яёв аскар ёй ва найза билан қуроллантирилди. Ёйчилар икки ёндан боришига қарор берилди, чунки шабхун урилганида ёғийнинг диққати фавжга

каратилар, уларни икки тарафдан қисиб, машъала ёруғида ўқ билан уриб олса бўларди. Ёғий отланишга улгуролмаслиги ҳам ҳисобга олинди.

Фалакда юлдузлар милтираган, яйдоқ дашт еллари эсган шу тунда кўшин ёйилди. Куз шамоли шиддат уриб, бет-юзларни чимчилар, отлар бўлажак муҳорабани сезиб, безовта пишқиришарди.

Отлиқлар буйрукка кўра узун ва калта қилич, ёй ва уч қиррали ўқ билан куруллантирилди. Аслаҳа аравалари мабодо курул алмаштириш ёки ўқ зарур бўлганида ҳаялламасин дея яқинга келтирилди. Ҳар бўлук ўз танув белгиларини таққан, бўлукбошилар бўлуклари қошида урушга шай туришарди.

Ҳусайн Мирзо вужудларни кўйдирувчи май каби сархуш қилиб, томирларда қонни жўштирадиган жанг шавқидан маст, от устида вазиятни кузатарди. Бир неча вазир билан Алишер Навоий султон Ҳусайн ёнида эдилар. Эндигина ўттиз бир ёшга кирган султон вужудидан куч-қудрат ва ғайрат ёғилиб турарди. У тилимча совут кийиб, бошига туғли дубулға кўндирган, шу тахлит совутни Алишер Навоий ҳам кийиб олган эди.

Султон илтимосига кўра Навоий отидан тушди, ерга эгилиб, бир қисим тупроқ олди-да, ёв тарафга сочиб, удумга кўра Пир Саид Барака сўзларини такрорлади.

– Илоҳо, ғалаба ёр бўлгай!

– Овми-ин!

– Овми-ин!

Шундан сўнг туғлар баланд кўтарилди, отлиқлар икки ёнда, пиёда аскарни ортда қолдириб, Муҳаммад Ёдгор чериги устига селдай оқди. Уруш аравалари қаторлашиб шиддат билан илгари юрди, ортидан эса яёв аскарлар уларнинг панасида эргашишди.

Муҳаммад Ёдгор кўшини саҳар қоронғисида тўсатдан келган бало қаршисида ўзини ўнглаб ололмади. Йўғилишга фурсат қолмаган эди. Улар ўзларини ўнглаб олгунча бўлмай, Султон Ҳусайн аскарининг фавжи ўртадан ёриб кирди.

Хоҳ бекларнинг кичик, хоҳ даввора ҳукмдорларининг улкан қўшини бўлсин, султон фавжи ҳар доимо ўртага олинади. Теграсидан умаро ва беклар жой олади, баҳодирлар эса аскар орасида бўлади. Шу орада ҳаш-паш дегунча тонг бўзариб қолганида, фавжнинг Муҳаммад Ёдгор чодирига етиб боргани, орқа томонда эса бир гуруҳ аскарнинг от чоптириб қочаётгани кўринди. Муҳаммад Ёдгор ёш, тажрибасиз шахзода бўлса-да, беклари уруш кўрган, пишиқ кишилар бўлиб, кутилмаган ҳамлага дош беролмай, мағлубият шармандалиги ила қочишни афзал кўрган эдилар.

Зафар нашидаси олдида кўнгилларни яшнатувчи май ёки офатижон соҳибжамоллар суҳбати не бўлибди? Ҳар томирга янгитдан ҳаёт ато этувчи, кексани яшартириб, ёшни жўштирувчи бу ҳиссиёт барчани камраб олди. Навоийнинг қалбида ҳам ғалаба қувончи бўй чўзди, бироқ, бу худди мастлик онглари чулғаб олгани каби эди. Теварақда ярадорлар оҳ-воҳи эшитиларди. Сал нарида ўн гулидан бир гули очилмаган ёш бир йигит ер тишлаб “Сув... сув” дея инграрди. Ёй ўқи бечоранинг бўйнидан кириб, энсасидан чиқибди. Нарироқда яна биров ўлим алаҳсираши аро онасини чорларди. Теварақда кўл-оёқларидан жароҳатланган кишилар ётишарди. Навоий отдан тушиб, бўйнидаги рўмолини сувдон суви билан хўллаб, йигитнинг лабларига томизди. Йигитнинг жони чиқаётган эди. Тамшаниб, бир нима демоққа уринаркан, бир типирчилаб, кўзи тепага қараб қолди. Фалак фитнаси тақозоси билан мусулмон қони мана шундай тўкилмоқда эди. Навоий зўр қайғу-алам билан қалби титраб, истиғфор айта-айта яна отига миниб, ортига қайтди.

Султон Ҳусайн беклар қуршовида, юз-кўзи кулар, севинчи ичига сиғмасди. Жунбушга келган отларидан тушаётган, жангу жадал шавқидаги баҳодирлар бирин-кетин султонни табриклашарди:

– Зафар қутлуғ бўлсин!

– Ғалаба муборак бўлсин!

Қайдандир “жўрчи” деб аталадиган ўлаксахўр қушлар етиб келди. Тинчликсевар қушлар аллақачон ғойиб бўлишган, самода калхатлару қузғунларгина пастлаб учишарди.

– Қўшинни йиғингиз, талафотни маълум қилингиз! – деди Ҳусайн Мирзо.

– Йигирма йигитимиз ўлди, жароҳат олганлар ҳали саналмади.

– Ёғий жасад олмоққа келса, тегинилмасин! Ўз майитларимиз таомилга кўра кўмилсин!

– Мирзом, черик улуфа-ўлжа истагида, – деди Чопу барлос. – Ҳаққини не дегаймиз?

– Ўлжага рухсат йўқ! Улуфа Ҳирийга қайтилгач берилиши маълум қилинсин! Очиқ жойда чопишдик, ўлжа маълум эмас. Яроғ-аслаҳа, чодирлар йиғиб олинсин, ўлганларнинг рўзғоридан хабар олинсин, оиласига маош тайин қилинсин!

– Маъқул! – деди Чопу барлос ва бўлукбошиларга султон амрини етказишга кетди. Шу маҳал Султон Ҳусайннинг назари Алишерга тушди-да, кўлларини ёйиб келди:

– Оғир дамларимда ҳар доимо ёнимда бўлдингиз, бир умрга розиман! Мир жаноблари, ғалаба қутлуғ бўлсин!

– Астағфируллоҳ, мирзомизга қутлуғ бўлсин!

Чопқиндан сўнг қўшинга дам бермоқ лозим эди. Бироқ, Султон Ҳусайн қон тўкилган даштда қолишни истамади. Жасадлар йиғиштирилиб кўмилгач, Пули Соён деган жойга келинганида тин олишга изн берди. Қўшин шу яқин ердаги дарёча қошида тўхтаб, ўзини тартибга келтирди. Табиблар чодирма-чодир юриб, ярадорларни муолажа қилар эдилар.

Шундан сўнг лашкар Астробод сари юрди. Аммо кентга кирилмади, нураб кетган Искандар девори олдида тўхталинди. Ҳусайн Мирзо Астрободга ҳўппасемиз, кўса Шайх Ҳасанни амир қилиб тайинлаб, Жожирм сари юришга буйруқ берди. Жожирмга етилиб эдики, Ёдгор Мирзо яна Астрободни эгаллагани, Шайх Ҳасан хиёнат қилиб, ёв тарафига ўтгани хабари келди.

Фалакнинг ишини кўрингки, садоқатли беклар бирин-кетин Ёдгор тарафга қочиб ўтишарди. Ҳусайн Мирзо ночорликда тўлғанарди. Қочиб ўтган амиру бекларни Хуросон тақдири заррача қизиқтирмаслиги, агар омад тарозиси Муҳаммад Ёдгор тарафга оғса, Хуросон окқуюнлилар зулми остида қолишини-ю тамомила вайрон қилиниши мумкинлигини ўйлаб ҳам кўришмас, ақлларига келган ўй Ҳусайн Мирзо хазинасининг заифлиги-ю Ҳасан туркманнинг бой-бадавлатлиги эди, холос.

Пули Хотунга етилганида Ҳирийдан Хожа Абдуллоҳ Аҳзаб етиб келди. Паст бўйли, катта саллали, лапанглаб юрадиган, митти кўзлари ўйнаб турадиган бу киши дарҳол султон ҳузурига етказилди. Хожа Абдуллоҳнинг аҳволига қараб бўлмас, йўлдаги работлар унинг ўзига қараш тугул, отини алмаштиришни ҳам исташмаган эди.

Ҳусайн Мирзо бир неча кун уйқусизлигу ташвишлардан ҳориган ҳолда, сабри чидамай, таомилга хилоф тарзда чодир олдига чиқиб турарди.

Хожа Абдуллоҳнинг бир кўзи чақчайиб қолгани учун уни Дажжולי Ҳирий деб ҳам атар эдилар.

– Қани, эй Дажжולי Ҳирий, – деди Султон Ҳусайн. – Не шумхабар ила келдинг?

– Хос арз тилайдирмен, – деди Хожа Абдуллоҳ, ер ўпиб, султоннинг ёнида турган Алишер Навоийга имо қилиб.

– Амир Алишер айнул-муқаррабимиздир, – деди Султон Ҳусайн. – Сўйлайбер.

– Хожа Қутбиддин Товус Ёдгор Мирзо билан тил бириктирди, – деди Хожа Абдулло. – Фақирга маълум бўлдики, Ёдгорга киши йўлламоқчимиз.

Ҳусайн Мирзо қиличини тутамлаб қаттиқ ҳайқирди. Бу ҳайқирик наридаги тушовланган отларни хуркитиб юборди. Бир неча бек шу тарафга қараб чопди.

– Хиёнат! Хиёнат! Бу қавм орасида садоқатлиси қолмадими? – ғазабу чорасизлик аро тўлғонарди Султон Ҳусайн. – Она сути оғзидан кетмаган гўдак Муҳаммад Ёдгорга нечук инонилгай? Ортида қизилбошлар фитнаси

тургани ҳеч кимни хавотирга солмагай? Ҳасан туркман келса, халқ қони дарё бўлиб оқмагайми! Мақбарлар бузилиб, қатлиом бўлмагайми!

Бу вазиятда Ҳирий борилмоғи асло мақбул эмас эди. Бироқ, пойтахт тўлғамадан чиқарилмаса, қўлдан кетиши ҳеч гап эмас. Ҳусайн Мирзо ўзини босиб, кўзлари шижоатдан чакнаб Хожа Абдуллоҳга:

– Сен қол, – деди. – Биз билан Ҳирий боргайсан!

Сўнг бекларни чорлади-да, Машҳадга эмас, Ҳирийга юрилишини маълум қилди.

Қўшин йўлни ўзгартириб, Ҳирот сари йўл олди.

### ***ҲИРИЙ ИСЁНИ***

Халқнинг кайфияти бузуқ эди.

Султон Ҳусайн Ҳирийга қайтаркан, кишилар уйларида чикмаётганига ёки юзларини терс ўгириб олишаётганига диққат қаратди. Қўшиндан олдда кетаётган илғордаги таъминот дасталари халқдан егулик сотиб олишда қийналишарди. Халқ ўз исёнини, норозилигини шу тариқа изҳор қилмоқда эди.

Ҳирийга талафотсиз келиниб, кўшкка кирилгач, Хожа Товусни тафтиш қилишга буйруқ берилди. Товуснинг ҳибсга олиниши Ҳирий аҳли орасидаги таранг вазиятни бир оз бўлса-да, юмшатди. Хожа Абдуллоҳ девонбеги тайин этилгач, Султон Ҳусайн зудлик билан яна Ҳирийдан чиқди, чунки шимолий сарҳадларни мустаҳкамлаш, Ёдгор хуружини қирқиш керак эди.

Шу сабабли Форёб томон йўлга чиқилди. Халқ босқиндан кўрқиб яшириниб олар, баъзилари кимнинг қўшини келаётганини билолмай, тоғу тошларга қочиб кетишарди. Қўшин кўпинча бўм-бўш қишлоқлардан ўтарди.

Султон Ҳусайн чериги Ҳирийдан олислашгач, ўз-ўзидан яна ғалаён майдонга келди. Девонбеги Хожа Низомиддин билан келишиб, халққа солиқ солишни буюргач, шундай бўлди. Бозор оралаб навкарлар билан кезаётган яғмочилар аввалдан кўниқилгани каби, султон амрига бўйсунмаганларнинг боши олинишини айтиб сиёсат қилар эдилар.

– Инсофинг борми, егани нон йўқ-ку, солиқдан гапирасан?

– Овозингни ўчир! Султон Хусайн Мирзо фармонидур! Фармонни бажармаганинг моли талонда, боши долонда!

– Олсанг ол шу жонни! Эзвординг-ку халқни, ноинсоф!

– Ур бу суллоҳни!

Кимдир катта тош билан яғмочини урган эди, у “воҳ” деганича отининг бўйнига эгилиб қолди. Қолганлар қоча бошлашди.

– Ур ноинсоф золимни!

Яғмочилар тошбўрон қилинган, тобора бир-бирига қўшилиб саноғи ортиб бораётган халойиқ кўшк сари оқди. Кишилар ўроқ-болта, кетмон-паншахалар билан қуролланиган, қўйинларига тош солиб олишган эди. Бу фитна бошида Ҳасан туркман тарафдорлари ҳам бўлиб, одамларни гиж-гижлаб юришарди. Хожа Абдуллоҳ Шохрух Мирзо қурдирган “Дорул-Адолат”да экан, юзлаб киши саройга келиб тошбўрон бошлашди. Хожа Абдуллоҳ қизил қонига бўялиб, орқа тарафдан қочиб чиқди. Ҳирий эгасиз қолди.

Исён дарағи етиб келганида Чопу барлос қўшинни бўлиб, бир қисмини Ҳирийга юбормоқни таклиф қилди. Бироқ, бу вазиятда қўшинни бўлиш ақлдан эмас эди. Музаффар барлос шовқин солиб Чопу барлосни қўллаб-қувватлади:

– Ҳеч нима эмас! Минг навкар билан бориб, исёнчиларни қиличдан ўтказиш керак!

Хусайн Мирзо унга қарши чиқди:

– Халқ устига черик тортгайсизми? Йўқ-йўқ, Ҳирийга бошқа бир қўшин юборгаймиз.

– Кимдир? Не қўшинидир?

– Алишер Навоий! Халқ у кишига қулоқ тутгайдир. Гоҳо қўшин қилолмаган ишни у қилгайдир.

Навоийга ҳам бу иш маъқул эди. Машваратда Хожа Абдуллоҳ Товуснинг қайтадан девонбеги этиб тайинланишига қарор берилди. Шундан сўнг султон ёрлиғи олиниб, бир қанча мулозимлар билан Ҳирийга юрилди.

Пойтахтга яқинлашилмасиданоқ ғалаён аломатлари билиниб турарди. Шаҳар дарбозаларига бир фарсахча масофа қолганида, бир тўда киши чиқиб йўлни тўсиб олди. Булар ўша ердаги қишлоқ одамлари бўлиб, болта-паншаха кўтариб олган эдилар.

Навкарлар мулозимларни кўриклаш учун олға интилар эканлар, Алишер Навоий уларни тўхтатди-да, отидан тушиб, тўпга яқин бориб салом берди.

– Кимсиз? Не учун қуролландингиз?

Аслзода кишининг отидан тушиб салом бериши уларнинг ҳовурини бир оз босгандек эди. Улкан каллали, қоп-қора бир киши ҳамманинг ўрнига:

– Ўзинг кимсан? – деб савол берди. – Туриш-турмушингдан султонларнинг эл қонини ичадиган бекларидан кўринасан?

– Алишер Навоийдирман, – деб жавоб қилди Навоий.

Қора киши тараддудланиб қолди:

– Ё Оллоҳ! Алишер Навоиймисиз?

– Пирим! – деган қичқириқ эшитилди шу маҳал оломон орасидан. Ҳамма овоз келган томонга ўгирилди. Сочлари ўсиқ бир киши одамлар орасини ёриб ўтиб, Алишер Навоийнинг қўлларини ўпиб:

– Худога шукр, сизни кўрар кун бор экан! Ҳой жамоат! Бул зот олийжаноб, фақир кўнглини олгувчи Алишер Навоий-ку? – деб қичқирди. – Пирим, мени танидингизми? Тоғ ёқасида сув чиқарган ўша йигитман, Хусравман! – деди юз-кўзи қувончдан яшнаб. – Ҳой халойиқ, болтангни тушир! Бул киши менинг пиримдирлар!

Алишер Навоий тўлишиб, сочлари оқара бошлаган Хусравни таниб, кучоқ очди:

– Танидим, танидим. Сиз ўша, тоғдан сув чиқармоқ истаган Хусравсиз!

– Сиз берган ақча ила Ширинга уйландим, – деди йигит яшнаб. – Сув ҳам чиқди, гўзал бир боғ бўлди. У боғ сизнинг шарофатингиздан, номи ҳам Боғи Алишерийдир. Сиз шошманг, мен ҳозир отамни чақирай.

Шундан сўнг у оломон ғала-ғовури аро:



- Ота! – дея отасини чорлади у.
- Отойингиз ҳаётмилар? – кулимсиради Алишер Навоий.
- Аллоҳга шукр, ҳаётлар.

Оломон четга айирилиб, орасидан қадди эгик, оппоқ соқолли бир чол чиқиб келди. Навоий билан саломлашиб, қоқсуяк қўлларини очиб уни дуо қилди.

Йиллар аввал юз берган у воқеа қишлоқ аҳли аро машҳур экан, болалигидаёқ шунчалар саховатли бўлган Алишер Навоий деган зот қандай киши эканини кўриш учун устма-уст келишарди.

– Бири келиб, султоннинг фармони дея элни талаб кетгайдир. Бошқаси бошқа султондан фармон келтириб, у ҳам талаб кетгайдир. Алишер Навоий бўлсангиз, айтинг, султонлар ўзлари уришаверишсин, аммо халққа тегишмасин, – деди ўша қора киши, қаҳридан тушмай.

– Ғам чекманг, Хусайн Мирзо адолатни мукамал қилгайлар, – деб жавоб қилди Алишер Навоий, ишонч билан. – У киши халқни ўйлайдиган, эл не еса еб, не ичса ичадиган зотдир. Иншоллоҳ, тез кунда барча фаровонликка қовушгайдир.

– Модомики Навоий экансиз, сўзингизга ишондик! – дейишди кишилар. – У кунларда бизнинг руштага ҳам келгайсиз, меҳмонимиз бўлгайсиз.

– Айтганингиз келсин! – деди Навоий ҳам, сидқидилдан.

Шундан сўнг Ҳирийга кирилди.

Одамлар Ҳавзи Моҳиён майдониға тўпланишган, издиҳом дарёдай тўлқинланиб турарди. Халқ бу ерда ҳам Алишер Навоийни ўраб олди.

– Айтинг, эй марҳаматли зот, – деди ғазабидан кўзлари чакнаган бири. – Салтанатлар не учундир? Халқ учун эмасми? Бунда бири Султон Хусайн келиб эл устига юргай, қирғин қилгай дейди. Нечук қирғин қилгайдир, ахир халқ молинию жонини султонга бераётган бўлса? Авом содда, очик, бир бурда нонимни тинчгина ей, ҳақимга биров тегмаса бас, дейди. Бу ёқда эса беклару навкарлар, амлокчи-ю ўлпончилар ҳар нарсани талаб кетади, бировнинг дамини чиқармайди?

– Тангри таоло адолатлидир, – деди Алишер Навоий. У сўз бошлагач, ғалаён тинчланиб, сўзига кулоқ тутилди. Халқ нур юзли, ғайратли бу кишининг шуҳрати Хуросон-у Мовароуннаҳрни тутган шоир эканини ҳам, Султон Ҳусайннинг яқин дўсти эканини ҳам билар, шу сабабдан эҳтиром билан кулоқ осиб турар эди.

– Султонларнинг яхшиси ўз салтанатида Тангри қонунларини жорий қилганидир! – деди Алишер Навоий. – Тангри бир чивиннинг ҳақини ҳам комил қилгай. Ҳатто оқ қўчқор қорасини сузса, ажрини бергайдир.

Кишилар кулиб юборишди, Алишер Навоий бу сўзи билан оққуюнлилару қорақуюнлилар можаросига ишора қилгандек туюлди.

– Ҳусайн Мирзо ҳам ўшаларнинг бири-да. Майманани талаб кетибди, элдан нима олса ҳақини бермабди!

– Мирзо ҳазратлари бундай қилмаслар, – деб жавоб қилди Алишер Навоий. – Сизга муним ким деган бўлса, бекор депти. Бу гапни тарқатганлар албатта тухматчилардир.

Кишиларнинг эзилган, қашшоқ қиёфаси шоир юрагини эзиб юборган эди. Султон Ҳусайнга қанчалар хайрихоҳ эса-да, қалбидаги иймони шу заҳматкаш, оддий кишилар тарафини олишга ундарди.

– Сиздан Султон Ҳусайннинг келмоғини кутишингизни ўтингайман, – деди Навоий. – Айни чоғда Мирзо жаноблари Форёбдадирлар. Билинг, у киши халқ биландир. Халқсиз салтанат бўлурми?

– Султон Ҳусайн не дерлар? Абусаид Мирзо каби, сўнгги арпасигача тортиб олмасми?

– Асло! – деди Алишер Навоий. – Кулоқ тутинг, у кишининг номларидан мен бир нима айтай!

Сўнг шу байтни ўқиди:

*Менга қилса юз жафо, бир қатла фарёд айламон,*

*Элга қилса бир жафо, юз қатла фарёд айларам!*

Шеър қудрати тўлқинланиб турган оломонни жўштириб юборди, кишилар алами бир оз сусайиб, “Худо рози бўлсин!” деган хитоблар эшитилди. Ҳеч ким тарқалишни истамас, Навоий сўзларини яна ва яна тинглашни исташарди.

– Ҳар ким ўз уйига, ота-онаси, аҳли аёли, фарзандлари қошига борсин! – деди Навоий. – Оз муддатда Ҳусайн Мирзо Ҳирий келгайдирлар. Шунда ҳар иш албатта ҳисоб-китоб қилингайдир.

– Алишер Навоий шу чокқача ўтрук сўзламаган, бировга зулм қилмаган киши, – деди халойиқдан бири. – Ҳой халқ, ғалаёнингдан не наф? Қаҳри келса, чериги билан келиб устинга босгай, уй-жойингни ёқиб, авлоду аждодингни кулини кўкка совургай. Яхшиси, Алишербек сўзига кулоқ ос!

– Чайқалмалардан фойдаланиб кимлардир бойиб олишни кўзлагани маълум, – деди Навоий. – Куни кечаги солиқ султон фармони билан жорий қилинмагани аён бўлди. Балки Хожа Абдуллоҳ ила Хожа Низомиддин Бахтиёр ўзларича шундай амр берибдилар. Ҳусайн Мирзо буни эшитиб қаттиқ ғазабландилар, айбдорларни жазоламоқ, адолатни жорий қилмоқ учун фақирни юбордилар ва то ўзлари келгунга қадар Хожа Абдуллоҳ Товусни қайтадан девонбеги тайин қилдилар. Амрга бўйсунмоғингиз ўтинилгайдир.

– Султоннинг адолатига жонимиз фидо бўлсин!

– Амирнинг ўзлари девонбеги бўлиб қолсинлар! – деб ҳайқирди кимдир оломон орасидан.

– Фақир султоннинг ёнида бўлгайдурман, – деди Навоий, қисқа қилиб. – Иншоллоҳ, зафарли кунларда қошингизга бирга келгайдирмиз...

### ***САБЗАВОР МАСЛАҲАТИ***

Вазият ҳануз ўнганмас, пойтахт бир оз тинчланган бўлса-да, беклару амирлар бирин-кетин Муҳаммад Ёдгор тарафга қочиб ўтишарди.

Кунлару ойлар сафарлару юришлар аро ўтар экан, яна бир фитна рўй берди. Бу шундай содир бўлди.

Султон Ҳусайн Мирзо Нарра тоғ қалъаси сари кетган чоғида, Ёдгор Тус вилоятида эди. Беклару амирлар хиёвати бир ёқда қолиб, тўсатдан малика Поянда Султонбегим Ҳирот қалъаси атрофидаги манзилгоҳидан кўзғалиб пойтахтга кириб, Хуросон ҳукмдори энди Ёдгор Муҳаммад Мирзо эканини жар солдирди. Баҳор гул-чечак очган маҳалда аввал Ҳасан туркманнинг, кейин Ёдгор Муҳаммаднинг номи хутбага қўшиб ўқилди. Ёдгор шитоб билан Тусдан чиқиб, Ҳирийга етиб келди, шу тариқа, пойтахт яна бой берилди.

– Ёдгор-ку, майли, чунки мирзолардан. Бироқ, Ҳасан туркман нечун хутбага қўшилгай?

– Шунчалар ҳам пасткашлик бўладими? Халқни биров ўйламайдими?

Тунд, қоронғи кечада ясовулбеги келиб Султон Ҳусайн Мирзо чорлаётганини айтганида Алишер Навоий бедор эди. Навкар либосидаги Ҳусайн Мирзо уни чодир олдида қарши олди. Тўзон ва от исини анқитиб ёқимсиз шабада эсарди.

Султон Ҳусайн навкарларга “Четроқ борингиз” дея ишора қилган эди, улар нари кетишди. Холи қолингач:

– Киши ўғлига хиёнат ҳар доим йўлдош экан, – деди Султон Ҳусайн, у ёқдан-бу ёққа одимларкан. – Не бахтсизликки, ёв пойтахтга кириб, зулм байроғини кўтарди. Бу ёнда халқ қирилмоқда, Ёдгор эса, ғалаба ғафлатида кайф-сафо майини сипқормоқда. Агар мувофиқ кўрсангиз, у томонга қўшин юборсак, шояд иш илгари босиб, яратувчи Тангрининг омонати бўлган фуқаролар зулму алам чангалидан қутилсалар.

Навоий бу фикрни маъқул топиб, уни мумкин қадар яширин тутишни ўтинди ва илҳом берувчи тил билан:

– Агар бу сўз менга ҳам айтилмаса, яхшироқ бўлур эди, – деди.

Ҳусайн Мирзо сўради:

– Бу ҳақда шу қадар муболаға ва таъкид қилишингизнинг сабаби нима?

Навоий:

– Мирзом маъзур тутсинлар, бироқ, бу сўзларни яширин тутиш ғоят зарур. Чунки ҳар куни бир тўда кишиларимиз Ёдгор томонга қочиб ўтмоқда.

У хиёнаткорлар унга бу хабарни етказишдан кўра қимматлироқ совға тополмаслар. Ақлдан узоқ эмаски, бизнинг фикримизни сезиб қолса, Ёдгор эҳтиёт билан иш кўрар, балки бу томонга қўшин юбориб қолар?

– У ҳолда қўшинга Ҳирий бормоғимиз айтилмасин, – деди Султон Ҳусайнга бу тадбир маъкул келиб. – Чопу барлос билан Музаффар барлосгагина маълум қилгаймиз. Бошқаларга... – у ўйланиб, – Қалъаи Нав борилгай деб айтилсин.

Шу тариқа қўшинга Қалъаи Нав сафари маълум қилинди.

Тун хавотир ила ўтди.

Ҳирийга яқин Лангари Бўкан деган жойга келиниб, тин олмоқ учун тўхталганида, теваракка қўриқчилар қўйилиб тайинландики, хушёр турилсин, кимдир қочиб бориб Ёдгорга режани билдирмасин. Шундан сўнггина Ҳирийга кириш нияти маълум қилинди.

Аксарият беклар ҳужумни туш маҳали бошлашни маъқуллашарди. Бу фикрнинг сабаби – айнан туш маҳали Боғи Зоғон саройи бўш қолар, душман ўз қўшинини йиғиб мустаҳкамланишга фурсат тополмасди. Кўпчилик буни маъқулласа-да, Ҳусайн Мирзо яна Навоийга мурожаат қилди.

Алишер Навоий бу фикрни маъқулламай, шундай деди:

– Тунда шабхун урмоқ энг қулай фурсатдир. Чунки кундуз куни Мирзо Ёдгор Муҳаммаднинг одамлари бизнинг ҳужумимиздан хабар топиб, тезлик билан куч йиғишлари, қаттиқ қаршилик кўрсатишлари мумкин. У ҳолда ғалаба қозонсак ҳам, анча-мунча кишиларимиздан айриламиз. Аммо кечаси ҳужум қилинадиган бўлса, душман навкар тўпламоғи маҳол. Ҳатто кўзлаган мақсадимизга эриша олмасак ҳам, қоронғилик пардасидан фойдаланиб, бирор томонга чекинишимиз осон бўлади. Ваҳоланки, кундуз куни бунинг ҳеч иложи йўқ.

Навоийнинг бу фикри ҳам маъқуллангач, қўшинга дарҳол юриш фармони берилди.

Ироқ дарвозаси ёпиқ эди. Бироқ Султон Ҳусайн навкарларини кўрган соқчилар қаршилик кўрсатмай, ўша заҳоти очиб беришди. Номигагина

чопқин бўлди, холос. Ёдгор қўшини ғафлатда, аскарлар ўзини ўнгламасиданоқ қуролларини ташлаб таслим бўлишар эди. Чопу барлоснинг жасурлиги ва тадбири шунда иш берди, у қўшинни бир қанча айри бўлақларга бўлиб, Ёдгор бекларини ҳибсга олишга юборган эди. Қўшиннинг асосий қисми бир дарбозадан сиғмоғи маҳол, шу сабабли бошқа дарбозалардан ҳам аскар кирар, бу маҳобатли ва қўрқинч манзарадан халойиқ қўрқиб, яна яшириниб олган, боғу боғчаларда тирик жон асари сезилмасди.

Хуфя хабарга кўра Муҳаммад Ёдгор анҳор ёқасидаги Боғи Зоғонда экан. Ҳусайн Мирзо у ерга яқинлашиб, кўшк атрофига чодирлар тикилганини кўргач, ёнидаги ички беклардан бир нечтасига “У ерга киринглар ва ичкарида ким бўлса олиб келинглар” деб буюрди. Беклар чодирга қандай яқинлашишни ўйлаб туришганида, Алишер Навоий ўзининг навкари Бобо Алини чодирларга юборди. Бобо Али бир оздан сўнг қайтиб келиб, “У ерда ҳеч ким йўқ” деди.

Шундан сўнг Ҳусайн Мирзо кўшкни ўраб олиб, мулозимларга тепаликка чиқишни буюрди. Аммо ҳеч кимдан товуш ва сас чиқмади. Чунки мулозимлар қалбини қўрқинч ва ҳадик қамраб олган эди.

Шу чоғда Алишер Навоий жасорат кўрсатди. Теваракка разм солиб, султондан рухсат олгач, отининг жиловини Бобо Алига бериб, қиличини кинидан суғурди ва уни худди ҳассага ўхшатиб ушлаб, одатий йўлдан эмас, балки аввалдан кўзлаб қўйгани овлоқ сўқмоқдан юқори кўтарила бошлади. Унинг ортидан хоқон буйруғи билан Амир Қул Али ҳам эргашди.

Шу аснода меҳтар Исмоил фаррош боғдан чиқиб, бир даста шамни ёқиб, ичкарига қайтиб кирди. Меҳтар ёққан шамлар туфайли боғда киши кўп эмаслиги аён бўлди, бошқа мулозимлар ҳам турли йўллардан боғ сари кўтарилишди. Ичкарига бостириб кирган Алишер Навоий ва навкарлар Ёдгор Муҳаммад Мирзонинг маст уйқуда эканини кўришди. Уни биринчи бўлиб Хожа Али Пиёда қўлга олди. Амир Қул Али эса шаҳзодани унинг қўлидан тортиб олиб, Навоий чиққан йўл орқали пастга судраб тушди.

Ёдгор Муҳаммад Мирзо хануз ўзига келмаган эди.

– Сизлар кимсизлар? – дер эди тили зўрға айланиб. Сўнг тина бошлаган нигоҳи тентираб, Ҳусайн Мирзони аранг таниб:

– Нахотки Ҳусайн Мирзо бўлсалар? Биз... базмимизга Ҳусайн оғойимизни чорлаб эдикми? – деб кулиб юборди. – Чорланмаган ерга нечук келингай, Мирзо?

Амир Қул Али бургутдай човут солиб, Муҳаммад Ёдгорни тиззалатди-да, ханжарини бўйнига тираб, елкасидан босиб турди.

– Нарӣ чекил! – деди Султон Ҳусайн, унга. – Ҳаддингни бил! Шаҳзодани тиззалатмоққа сенга не ҳад?

Ёдгор Муҳаммад бу гапдан сўнг дарҳол қаддини ростлади. Ёш арслон қаби кўзлари ёлқинланиб, тик қараб:

– Сен мени мастликда босдинг, мард бўлсанг майдонда уришгин эди! – деб қичқирди қора кўзларида алам ёши ҳалқаланиб, чорасизлигидан типирчилаб. – Илоё, ажал сени ҳам мастлик чоғингда босгай, хор-зор бўлиб ўлгайсан!

– Муҳаммад Ёдгор маразлиги боис қатл қилинсин! – деди қаҳр билан Султон Ҳусайн. – Чериги тарқатилсин, байъатга келгани черикка олинсин. Ҳарами саройга келтирилсин!

Муҳаммад Ёдгор мағлубият алами бир ёнда, ўлим хабари бошқа ёнда, довдираб:

– Аллоҳ улуғдир! – деди калима қайтариб.

– Қатл этилсин! – деб такрорлади Султон Ҳусайн, шарт бурилиб чиқар экан. – Илондир бу! Вақти келиб аждарга айланмасидан бошини янчмоқ керакки, бошдан бузилғондир!

Амир Алишер султоннинг қалби ачишаётганини, ўз қариндоши бўлмиш шаҳзодани қатл этиш тавқи лаънатини бўйнига олиб, сиёсат учун шундай қилаётганини сезса-да, бир нима демади. Ҳам ғалаба шавқидан сармаст, ҳам ўз надоматларига ғарқ султон ила кўшкка йўл олинди.

Тун бўйи киприк қоқилмади. Ҳусайн Мирзо черигидан Ёдгор тарафга кочиб ўтган беклару амирлар бирин-кетин ҳибсга олиниб, сўроқ қилинар эди. Қочган кочиб қутулди, қочолмаган Ҳусайн Мирзонинг қаҳру ғазабига дучор бўлди. Шу кечасиёқ бир қанча кишининг жасади тўрт пора қилиниб Ҳирий дарбозаларига осиб қўйилди. Ҳусайн Мирзони таниб бўлмади қолди, у ўз рақибларини дарғазаб шердай тилка-пора қилиб ташлади. Шундан сўнггина бир оз тин олди. Эртаси куни жума намозида номи хутбага қўшиб ўқилди. Асосий хавф баргараф этилгандек, салтанат осойишга юз тутгандек эди.

## **УЧИНЧИ ҚИСМ**

### **БАДОЕЪУ-Л-ВАСАТ**

#### **ҲАМД**

“Эй карами кенг Парвардигор, марҳаматинг олдида гуноҳ тоғи бир уқпар ёки сомон парчасидек елга учгайдир. Сомон тоғ-тоғ қилиб уюлган бўлса ҳам, ел олдида қандай қилиб мақтана оларди? Бутун инсоният хатога йўл қўйса ёки бир айбли иш қилиб, тақдирини қора қилса, тақдирини оқ қилиш Сенга осон, амрингда бирон нуқсон бўлиши мумкин эмас. Тун тун бўйи ўзича ўйин-ҳангомасини кўрсатиб, дунё кишиларининг аъмолларини ҳам қора қилади. Лутф қуёши чиқишига изн берганингдан кейин меҳринг билан бор зулматни нурга айлантирдинг. Эл адоватидан санам ясади. Гулни мушкин сунбулидан яширди. Элни юздаги пардани тез учуриб кетувчи қилиб, кеча қоронғилигида Ойни равшан қилдинг, итоатсизлик тунида бирон гуноҳ қилмаса, афв чироғи қачон ёруғ ёниши мумкин?! Агар жиноят ўти кучли ёнмаса, эҳсон булутлари қачон ўз томчиларини тўқади?! Хирқа кийган дарвеш кийимининг этаги кир бўлмаса, денгиздаги илиқ сувга унда ҳожат бўлмайди. Агар май кимларнингдир бошини айлантирмаса, кишидаги саховат қўли кимга ёрдам бериши мумкин?

Зоҳидлик йўлига кириб, баъзилар тақводорликка бериладилар. Шу билан бирга бунинг учун ҳақ талаб қилишлари ҳам бор. Киши хайр йўлида бир иш



қилар экан, мақсади бунинг эвазига у дунёда жаннатни сайр қилишдир. Май билан лабини ҳеч хўл қилмаган одам у дунёда ўша куни кавсар ховузи сувларини талаб қилар экан, бу дунёда бирон гўзал билан бирга бўлишни истамаган киши эса у ерда хурлар жамолини ҳавас қилади. Чет бир вайроналарда кун кечирган киши безатилган қасрда ором олишни хоҳлайди. Ўз ҳолича еб-ичиб юрган одам ҳаққини юз хисса ортиқ олмоқчи бўлади. Художўйман деганлар ҳамма ҳақни олиб қўйса, пешонаси шўр кишилар нима қилади? Уларнинг хатолари бўлса, хатоларини афв этганинг қани? Бундайларга саховат кўрсатиб, уларга атаганларинг қани? Лутф ва эҳсон денгизи тўлиб-тошиб турганда, баъзиларнинг ташналикдан оғизлари куриб, уларни шу ҳолатда ўлдирсанг ёки бу денгиз ёқасидан нарига суриб ташлар экансан, шундай ишга йўл қўйиш мумкинми? Ҳамма ишни қилишинг мумкин, лекин буни эмас. Ҳар бир одам қанча осий ва гуноҳкор бўлмасин, у шунча афв ҳамда мурувватга лойиқдир. Агар тақводорларга мукофот беҳишт бўлса, исёнчи эса дўзах ўтларида танаси куйса! Униси жаннат боғини топиб, фароғатда бўлса! Бунга эса дўзахда дард чекиб, куйиб-ёниш бўлса! Ихтиёрингдаги лутф ва карам хазинасини нима қиласан? Уни марҳамат қилиб кимларга берасан? Юзлари гуноҳлари туфайли еган шапалоқлардан қорайган муҳтожлар, асирлар ҳамда тиланчилар дастурхонингдаги неъматлардан тотинмаса! Наҳот сенинг лутфу караминг шундай бўлса! Сен, ахир, дастурхон ёз очларга! Тўқлар ортиғини ея олмайдилар, акс холда қоринлари шишиб кетиши мумкин. Ахир булутлар чанқаб, куриб ётган экинга ёғмай, денгиз устидан ўтаётганда ёғадими – бундан нима фойда! Кимки оч бўлса, луқма унинг насибасидир. Тўнни ким яланғоч бўлса, ўша кийгани дуруст-ку! Бу гапларимнинг ҳаммаси афсонасифат гаплардир. Кимки Сенга умид боғлаган бўлса – у хотиржамдир.

Эй Тангрим, Сенинг караминг денгизи жўш уриб тураркан, ўша муҳтожлар тўдаси оҳ-фиғон чекиб турган чоғларида гарчи уларнинг гуноҳларининг хадду поёни бўлмаса-да, Сенинг уларга раҳм қилмаслигининг ҳам имкони йўқдир. Лутфининг шоҳона пардасини

тортиб, уларнинг қилган-қилмаган гуноҳларидан кечганингда барчалари навозишинг билан ҳурматга сазовор бўлганларида, бундан мени ҳам махрум этмагайсен! Мен фақир бандангга хур ҳам керак эмас, жаннат ҳам. Менинг учун Сен ўзинг бўлсанг, шунинг ўзи бас!”<sup>1</sup>

### **ҲИРИЙ. 874-ЙИЛ.**

Бу йилнинг ҳам қиши қаттиқ келди.

Халқ ўтин тўплашга чиқди.

Кишилар қийнала-қийнала ханжак, балут, бодомча тўплашар, эшак-хачирларга юклаб уйларига ташишарди. Ханжак кўп ёруғ берадиган, хуш исли, ҳўллигида ҳам осон ёнади, балут – секин тутаб ёнса-да, чўғи узоқ вақт туради, тез олов ёқишга бодомчадан яхшироғи йўқ, дейишарди. Унинг хосияти – ҳўлу қуруғининг бирдай ёнишида эди. Яна тутаб ёнадиган хушбўй санавбар оғочларининг ҳам ён шохлари кесилиб олиб кетилар, ўзагига тегинилмасди.

Султон Ҳусайн салтанатни тартиблашга ғайрат билан киришиб кетди. Аввал кўрилган ишлар яна рўй берди: хиёнаткорликда шубҳаланилган аъёнлар четлатилиб, ҳибсга олинди, баъзилари ўлимга буюрилди. Астрободдан Пешоварга қадар мулклару навоҳийларда адолат жорий этилишини маълум қилиб, чопарлар елдай учишди. Кўзлари ҳорислигу айёрлик ила йилтираган, молу сарват ҳирсида хиёнат йўлига кирган қанча киши жувонмарг қилинди. Навоий маслаҳатига кўра, ҳар иш Тангри таоло адолатига мутлақо мос бўлмоғи Ҳусайн Мирзо сиёсатининг бош мезони ўлароқ белгиланди, амирлар ўз ҳукмларини шайхулислом тасдиғидан ўтказишлари шарт қилинди. Абулқосим Мирзо давридан сўнг бу таомилдан чиқилган, ҳукмдор сўзи мутлақ ҳукм ўлароқ билинарди.

Тарқоқ салтанат аро майда-чуйда амирлар, кичик беклар турли гуруҳларга айрилиб олишган, баъзилари ўз қасабалари, баъзилари яқинлари, яна бошқалари ўз қабиласи теграсида бирлашишган эди. Гоҳ у, гоҳ бу султон

---

<sup>1</sup> “Ҳайратул-аброр”дан.

келиб элнинг топган-тутганини талаб кетавериши одамларни жонидан тўйдирган учун салтанат қонунларини жорий қилиш мушкул бўлиб чиқди. Қабилалар ҳукмларни тан олишни истамас, ўзлари ўйлаб топган қоидаларга риоя қилиб яшашни маъқул кўришарди. Бу ишлардан Навоий ҳам четда қолмади, албатта. Султон Ҳусайн ҳар ишда Навоийга ишонар, ҳар ишнинг бошида туришини истарди. Ундан энг жоҳил, ғаддор навоҳийларга боришни, улус билан мулоқот қилишни илтимос қиларди.

Ниҳоят, давлат ишлари бир қадар тартибга келгач, султон ҳузуридан Боғи Жаҳонорода назм мажлиси тузилиши ҳақида хабар келди.

У нафис базмни тасаввур қилиш учун жаннат боғини кўз олдига келтириш керак. Гўё фирдавс ерга тушгандек эди. Кумуш қадахларда дам-бадам гулоб, шарбату сутлар айлантрилиб туриларди. Қирғовул, қуён, каклик, кийик этлари тортиларди. Бир саҳн ноз-неъмат ила тўлган эса, ёнидаги бошқа бир саҳнда мусиқий мавж урарди. Моҳир машшоқлар духул, нодир, кўс, таблақ, табал, кўшнайн ва сурнай чалиш билан машғул эдилар. Шунингдек, найи Румий, буғ, нафир, тирсакки усталари ўз навбатини кутишарди. Най чунон нола қилдики, ҳар ким сел бўлиб оқди. Уд Шероз гўзаллари фироқидан сўзлади. Чанг Рум ривоятларидан баҳс эди. Духул юрак зарбларидан, кўшнайн ёр васлидан шавқ урди, мусиқа мавж-мавж бўлиб оқиб, фавж-фавж теграга ёйилиб, кўкка ўрлади.

Барча мусиқачиларнинг устоди Хожа Абдуллоҳ Марворий султон Ҳусайн эътиборидан ва совға-саломлардан шод, ҳар кимга илжайиб мулозимат қилиб юрарди.

Мусиқа тиниб, косалар бир-икки айланиб кўзалар бўшатилагач, шеър суҳбатига ўтилди. Ҳусайн Мирзо маснавийда байтлар битишини ҳамма биларди, шу сабабли абёт мажлисини султон бошлаб беришини илтимос қилишди. Бироқ Ҳусайн Мирзо бу таклифни хушламай, мавлоно Абдурахмон Жомийдан сўз айтишини сўради. Бу паллага келиб ёши етмишдан ошган, соч-соқоли оппоқ оқарган мавлоно Жомий ҳам улуғлик, ҳам даражот боиси султон яқинида ўтирар, Алишер Навоий унинг ёнидан жой олган эди.

Жомий қуллуқ қилиб, шундай деди:

– Мирзо жаноблари изн берсалар, ашъорни ўз устасидан, яъни Амир Алишердан ўтинсак.

Абдурахмон Жомийнинг ҳурмати шу қадар улуғ эдики, султон “Сўзимни рад қилманг” демади, балки Навоийга қараб:

– У ҳолда биз ҳам ўтингаймиз, – деди.

– Фақирга мумкин қилсалар, олий ҳазратларига Султон Абулқосим Мирзо хизматида қишлоқ учун Машҳад борилган кунларни эслатсам, – деди Алишер Навоий. – Ўша кез бир нима битилиб эди, мажлис аҳли изн берса, шуни ўқисам, – деб, ўша ғазални ўқиди:

*Дин офати бир муғбачаи моҳлиқодур,  
майхораву бебок,  
Ким, ишқидин онинг ватаним дайри фанодур,  
сармасту яқом чок.*

*Ҳам туррасининг дуди вараъ белига зуннор,  
мен кофири ишқи,  
Ҳам юзи мажус ўти киби шуълафизодур,  
мен ўртанибон пок.*

*Ул чехра фуруги тушубон зор танимга,  
бир навъ куярким,  
Хар кимса ани кўрди, соғиндики, ёнодур  
ўт ичида хошок.*

*Ҳайвон суйи жонимни олур лаълидин айру,  
ул журъаи майким,  
Тегмиш анга майгун лаби жонимга даводур,  
не захру, не тарёк.*

*Бу навъки айлар, майи васли ҳавасидин  
махмур бўлубмен,  
Мушқилки, ёзилгай бу хумореки, мангадур  
созар бўлуб афлок.*

*Сойилмену мақсудум эрур нақди висолинг,  
бухл айлама, жоно —  
Ким, барча мазоҳибдаки ишқ аҳли ародур,  
мазмум эрур имсок.*

*Ҳажрингда юзи саргарибон дам ура олмас  
бечора Навоий,  
Гўёки хазон фаслида беваргу наводур  
ул булбули гамнок.*

– Қандоқ гўзал! – деди Хожа Абдуллоҳ Марворий, ўзига келолмай. –  
Амир Алишербек, сиз бани одаммисиз, ё кўкдан тушган фариштамисиз?

– Ҳай-ҳай! – деди ҳазилкашлиги ва зукколиги билан ном чиқарган  
мавлоно Камолиддин Биноий, тилини тиёлмай, бош солинтирган ҳолича ўнгу  
сўлга бир-бир аланглаб, пастроқ овозда. – Бу абъёт билан Амир Алишер  
бизнинг ёқамизни ҳам тутиб силтаб, чок-чок қилдилар, сўнгра хошок каби  
куйдириб юбордилар!

Ғазал нафосатидан завқланган Султон Ҳусайн:

– Амир Алишербекка бир олтин, бир шингарф, бир яшил тўн ҳадя  
килинсин! – деб амр қилди. Сўнг бу муддаонинг сабабини тушунтирди: – Бир  
маҳаллар у кишининг “қизил, сориг, яшил” ғазали хушимизни шоён олган  
бўлса-да, мукофотимизни беролмаган эдик. Ушбу армуғон билан ҳам у ғазал  
мукофоти берилмиш бўлгай, ҳам яқо чоки беркитилмиш бўлгай!

Гўзал абёт борасида ҳар ким турли фикрлар айтар экан, сўз шеър санъатларига бурилди. Навоий бир пайтлар Лутфий айтиб берган, Мир Хусравнинг ҳиндуча бир ташбеҳини мисол келтириб, деди:

– Махбуб баҳор айёмида бир ён борадурмиш бўлғай ва ёгин жиҳатидин ер балчиқ бўлмиш бўлғай ва анинг аёғи балчиқдин тойиб йиқилур чоғида ғоят нозуклугидин ёгин риштасин мадади била тутуб кўпмиш бўлғай.

Султон Ҳусайн эътироз билдирди:

– Йўқ-йўқ, бу янглиш бўлибди. Ёгин қатраси юқоридан қуйи иниб келадур. Риштаедирким, майли қуйи бўлғай, анинг мадади билан йиқиладурғон ўзин асрамоғи маҳолдир.

Аҳли мажлис бир овоздан Ҳусайн Мирзо мантиғига қўшилишди.

Ҳазил-мутойибани зарофат дер эдилар, навбат зарофатга келгач, надимлар Хуросону Мовароуннаҳр олиму фузалоси ҳаётидаги қизиқ ва кулгили ишлардан айта бошлашди. Ҳозиржавоблик, ўткир қочиримлар, сўз усталарининг ғаройиб жавобларидан ҳамма завқда эди.

Алишер Навоий:

– Мен ҳам Паҳлавон Муҳаммаднинг ҳазилини айтай, – деб, Машҳаддаги киссадан сийрилиб тушган ғазал воқеасини айтиб берди. Даврадагилар Паҳлавон Муҳаммаднинг шумлигига-ю Алишер Навоийнинг ишонувчанлигига қотиб-қотиб кулишди.

– Тангри таоло мундоқ ҳайбатлик жасадга шундоқ қалб ато этибдур, – деди Султон Ҳусайн. – Чопқинга кирса селдай оқадур, ҳар елкасигаки, икки киши сиғар, жанговар қалби эса ашъорга мойил бўлибтур. Бу кишига бир кўйнинг боласини ҳадя этурмиз.

Паҳлавон Муҳаммаднинг тоғдай гавдасига қараб яна кулги кўтарилди.

– Саодатли султон бу улуғ жасадга нечук кичик бир кўзи инъом этдилар?  
– деди Паҳлавон Муҳаммад, ранжиган бўлиб.

– Ҳой Паҳлавон, мен сенга туядай кўй берсам ҳам у бошқа бир кўйнинг боласидир! – деб жавоб қилди Ҳусайн Мирзо. Оламлар сарвари пайғамбар алайҳиссаломнинг бу ҳазилини кўпчилик билар эди, лекин айни маҳалда

Паҳлавон Муҳаммаднинг жуссасигаю мажлис руҳига мос келгани учун яна завқ уйғотди.

– Шайхим Суҳайлий не дерлар?

Қуйироқдан жой олган Шайхим Суҳайлий сўз демокка оғиз жуфтлаган эди, Алишер Навоий мутойиба йўсинида давом этди:

– Шайхим кўрқулик алфоз ва маоний дарж қилурлар. Мисол учун:

***Шаби гам гирдбоди оҳам аз жо бурд гардунро,  
Фурў бурд аждаҳои сели ашкам рубъи маскунро<sup>1</sup>.***

Бир қатла бу байтни Мавлоно Абдурахмон Жомий хизматида ўқибдирлар. Мавлоно айтибтурким: «Ҳой Мирзо, шеър айтасизми ё одам кўрқутасиз?»

Яна кулги кўтарилди. Жомийнинг ўзи ҳам кексаларга хос, силкина-силкина кулар эди.

Хожа Абдуллоҳ Марворий кула-кула чарчаган Ҳусайн Мирзога таъзим қилиб:

– Таъблари тиласа, бир янги мусиқий бор эди, чалсак? – деб ўтинди. Султон Ҳусайн рухсат берди. Навбат Қулмуҳаммад Удийга келган эди. Удни созлаб чордана қуриб ўтирган Қулмуҳаммад ёнидаги йигитчага ишора қилиб эди, у бир ҳаракат ила зарб урди. Унга уд қўшилди, янги бир куй чалиниб, Абу Абдуллоҳнинг ёқимли овози янгради:

***Истаганлар бизни саҳрои балода истангиз,  
Водию ҳижрон ила дашти фанодан истангиз...***

– Воҳ-воҳ! – деб юборди мажлис аҳли, султон ҳузурда ўтирганлари ҳам ёддан чиқиб. Султоннинг ўзи ҳам бу маъни қаршисида лол, маҳлиё бўлиб

---

<sup>1</sup> Мазмуни: “Ғам туни оҳим қуюни фалакни ўрндан суриб юборди. Кўз ёшим селининг аждаҳоси ер қуррасини ютиб юборди”.

қолган эди. Савт ила наво янада юксалар, аммо маъни юксаклиги олдида унинг парвози ҳеч эди.

*Вомиқу Фарҳод Мажнундеклар ул водий аро,  
Бўлсалар пайдо, мани ҳам ул арода истангиз.*

Мажлис узра бошқа бир руҳият қуши қанот қокди. Барча жиддийлашган, кўзлар катта-катта очилиб, бу чўнг ва азим маънилар қаршисида хайрат бармоғини тишлаган эдилар. Ҳатто бундай базмларни хушламайдиган уруш беклари ҳам бир-бирларига қош кериб қараб қўйишди.

*Юз аларнинг ишқича дарду балову ғуссага  
Толиб эл бошига келган можарода истангиз.*

*Эйки, истарсиз саводул ваҷҳ фиддорайиндин,  
Бохабар бўлмоқ мени юзи қорода истангиз.*

*Кўнглум ул зулф ичрадур, зинҳор ишқим шарҳини  
Истаманг мен телбада, ул мубталода истангиз.*

*Нуқта янглиғким, вафо узра қилур котиб рақам,  
Ишқ ўтининг доғини аҳли вафода истангиз.*

*Оғзи шавқидин Навоий итти, ани истар эл,  
Ё адам даштида, ё мулки фанода истангиз.*

Йиғилганлар орасида Султон Абусаид Мирзога таъзир берганлиги билан номи чиққан Саййид Иброҳим Қумий деган кекса бир чол ҳам бор эди. Султон Абусаид Мирзо Муизиддин Санжарни қатл қилишга фармон берган куни Саййид Иброҳим Қумий унинг тахти пойига бош уриб, қатл ҳукмини



бекор қилишини ўтинган, бироқ Абусаид Мирзо унга қараб бақириб, сўзини тингламаган эди. Ҳукм ижро этилгач, эртаси куни султон Абусаид Мирзо уни бир махфий жойга чақириб, узр сўраб “Мирзо Муизиддин Санжар лашкар тўплаб, бошқа бир неча душманларимиз билан биргаликда бизнинг иқбол ниҳолимизни илдизидан кўпориш пайида бўлишган экан. Лекин Тангри таолонинг иродаси билан у бизнинг кўлимизга тушди. Акс ҳолда унинг хатти-ҳаракатлари фитна ва бузғунчиликка сабаб бўларди. Шунга кўра кеча сизнинг илтимосингизни бажо келтиролмадим” дейди. Султон Абусаид Мирзодан кўнгли оғринган Саййид Иброҳим Қумий шундай жавоб беради: “Мирзо Муизиддин Санжарнинг қатл этилиш сабаби маълум бўлдику-я, аммо билмадим, қариб қолган кампир Гавҳаршод Оғонинг нима гуноҳи бор эдики, уни муборак рамазон ойида қатл этдилар?” Султон Абусаид Мирзо бу кинояли гапларни эшитиб нима дейишини билмай, у ердан жўнаб қолади.

Шу жасоратли қария ўрнидан туриб, Алишер Навоий сари юрди. Саййид Иброҳим Қумий етиб келгунча бўлмай, Навоийнинг ўзи унинг қошига бориб кўлтиғидан тутганида, чол кишини довдиратиб қўядиган шундай сўзларни айтди:

– Эй биродаримнинг ўғли, камолингиздан шодман. Сизни бот-бот ўйлар эдим, минг шукр, ўз кўзларим билан кўрдим, энди ўлсам ҳам розиман. Бундай ажойиб ғазалларни битган кўлингизни менга беринг, ўпиб кўзимга суртай!

Навоий ўша заҳоти уни ўзи ўтирган курсига ўтқазди-да, пойгакроққа ўтиб:

– Эй отамнинг биродари, сиз менинг кўлимни ўпишингизнинг ўрнига, мен сизнинг оёқ тупроғингизни ўпсам розиман! – деди.

Барча бу ҳолдан мутаассир бўлиб қолишди.

– Саййид Иброҳим Қумий салтанатимиз улуғларидан, ота кадрдонларимиздандир, у кишига бир пўстин, бир бўрк инъом қилдик! – дея Султон Ҳусайн бу кайфиятга хотима ясаб, чолгучиларга юзланди. – Устод Марворий ила Саййид Бадрдан яна ўтингаймиз, мажлисга завқ ҳадя этишсин.

Шу заҳоти Хожа Абдулло Марворий даф жўрлигида шўх бир нағма бошлаган эди, кичик умародан Саййид Бадр ўрнидан туриб, ғалати ҳаракатлар ила рақсга туша кетди.

– Бисёр зўр ва асру ширин ҳаракот, ажаб соҳиб усул кишидур! – дерди кула-кула Навоийнинг дўстларидан Соҳиб Доро. – Ғариб хўб, ғайри муқаррар рақс қилур. Ғолибо бул рақс ўзининг ихтиросидир. Бул ваҳхдин ҳамиша мулозаматда, доим ҳарифи шароб ва ҳамсухбатдир.

Нафис базм то тонггача давом этди. Бомдод намози вақти етгачгина ҳамма тарқалди. Ҳар кимнинг кайфияти чоғ, руҳи енгил эди.

### ***МУҲРДОР***

Хуросон ҳаёти тартибга тушиб, халқ салтанат талошларидан бир оз тин олди, чунки Ҳусайн Мирзонинг куч-қудратидан ҳайиққан даъвогарларнинг Ҳирийни олмоққа кучи етмаслиги аён бўлиб қолди.

Ҳиёнаткор Поянда Султон бегим бир қанча чўри ва куллар билан Марвга юборилди, қолган умрини ўша ерда ўтказиши ихтиёр қилинди.

Султон Ҳусайн садоқатли бекларига, шунингдек, Алишер Навоийга ҳам бир қанча мулкларни суюрғол қилиб берди.

– Бир шоирга мунча мулк инъом этилурми? – деб тўнғилларди Музаффар барлос. Аёнлар орасида бир шу кишигина султонга типпа-тик гапира олар, султон ҳам унга қарши бир нима демасди.

– Амир Алишербекнинг давлат олдидаги хизматлари барчага аён, – деди Султон Ҳусайн. – Ҳирий исёнини қандай бостирганини, Муҳаммад Ёдгор Мирзони қандай қўлга олганини унутдингизми? Бундай кишининг салтанатимизда бўлмоғи обрў-иззатимизни оширгайдир. Яна улким, Музаффар барлосга берилажак мулклар қаршисида Мир Алишерга берилгани бир кичик боғча ҳам эмасдур.

Музаффар барлоснинг чехраси яшнаб кетди.

– Кулингиз сизга бениҳоя садоқатимни билдириб қўйгим келди, – деди дағал қилиб. – Мен шоирлар каби чиройли сўзлай олмайдурмен, аммо молу мулким ҳам, бошим ҳам сизга фидо!

Бошқалар ҳурмат сақлаб жим туришарди. Гап шундаки, Ҳусайн Мирзонинг каттиқ кунларида ҳамнафас бўлган суртабиат бу кишининг жасурлиги ва бир чоғир мажлисида мастлик боис, шундоқ шарт айтилиб эдики, ҳар вилоятки олинса, учдан бири Музаффарга бўлгай. Олий мартабали кишилар “Бу ажаб шартдир, подшоҳликда қачон рост келгайким, бир қора кишини ўзи билан шерик қилгай? Ини-ўғул орасида ҳам бундай шарт муяссар бўлмас, бек киши ила нечук муяссар бўлсин?” деб хайратланишарди.

– Фармонни ўқингиз!

Ҳудайчи фармонни ўқиди:

**“Хувал азим.**

**Ғозий Султон Ҳусайн Бойқаро фармонимиз.**

**Мир Алишер Навоий бу кун эътибори ила муҳрдор этиб тайинландилар. Вазирлар, девонбеги, мирохур, беклар ва ясавулбошилар диққатга олгайлар. Омонлиқ замонларда ички беклар, беклар ва баҳодирлар ҳам итоат этгайлар. Хазина сарфиёти ва улус шикоятти, додхоҳлик ишлари ҳам ул кишига берилгайдур. Лузумоти вазири аъзам Мажидиддинбекдан талаб қилингайдир”.**

– Муҳрдор? – чидай олмай сўради Музаффар барлос, не-не жангларни кўриб ифодасиз бўлиб кетган кенг япасқи юзида юзида кин балқиб. – Навоий? Муҳрдор?

Султон Ҳусайн унга илтифот қилмади. Аксинча, феълига мос кенглик билан баралла деди:

– Маълум бўлсинки, тўққиз маротабага қадар фармонни қайтармоққа ҳуқуқлари бордир. Кам-кўсти бўлса тартибламоқлари ўтинилгайдир!

Барча Амир Алишер етти таъзим ила султонга куллуқ қилишини кутиб туришарди. Бироқ, Навоий Султон Ҳусайннинг юксак ҳурматини иззатлаб шундай деди:

– Мен ҳозирда сизнинг ноибларингиз ва ички бекларингиз жумласидан ҳисобланаман. Удумга риоя қилмасдан барча амирлардан, барлос уруғининг катталаридан ҳам тўрда ўтираман. Шу жиҳатдан марҳамат кўргизиб мени муҳр босувчилик лавозимидан қутқаришингизни умид қиламан. Токи кўнгилни хотиржам қилиб, ўз хизматимни адо этишда давом этсам.

Султон Ҳусайн кулиб юборди:

– Сизнинг қобилиятингиз қоматини мансаб тўни билан беэмаслигим мумкин эмас. Истиҳолангизга келсак, мен сизнинг тўрда ўтиришингиз тўғрисида фармон чиқараман. Фақатгина, агар хоҳласангиз, сиз билан яқинлик ва дўстлик муносабатида бўлганликдан гапирувчи Амир Музаффар Барлосга сиздан олдин муҳр босишига руҳсат берсангиз. Янаям ихтиёр ўзингизда.

Бундай ёқимли сўзни эшитиб, Музаффар барлос тиржайиб кўйди.

Шундай қилиб, Амир Алишер Навоий билан Амир Саййид Ҳасан Ардашер бир кунда жубба ва кулоҳи наврўзий кийиб, муҳрдорлик ишига киришишлари тўғрисида қарор қилинди.

Ҳаммининг хаёлида муборак фармонга мувофиқ, Амир Алишер барча амирлардан юқорига муҳр босади, деган ўй айланарди. Бироқ ўша куни одатга кўра Навоийнинг ҳузурига муҳр бостириш учун бир фармонни олиб келдилар. Алишер Навоий фармонни олдин муҳр босиши учун Амир Саййид Ҳасан Ардашерга беришларини буюрди. Амир Саййид Ҳасан ҳам ўзининг ҳурматини изҳор этиш маъносида фармонни яна Навоийга қайтарди. Шунда Алишер Навоий қоғозни олиб, ўта камтарлик ва хокисорлик юзасидан шундай бир жойга муҳр босдики, бирор киши ундан қуйироққа муҳр боса олмасди. Амир Саййид Ҳасан бу ҳолатни кўриб хижолатда қолди, бошқалар эса амирлик йиғинларининг тўрида ўтирувчи бу зотнинг бунчалик камтарлигидан ҳайрат денгизига ғарқ бўлдилар.

\* \* \*

Музаффар барлос кучли, чапдаст, довюрак киши бўлиб, чопқинларда ўлим-қолимга қарамай жангга кириб кетаверар, эҳтимол, шу довюраклиги

туфайли ажал куши уни ҳар гал четлаб ўтарди. Бироқ, бу одам салтанатда бир Султон Ҳусайн билан Чопу барлоснигина тан олар, назарида атрофи хуфёна тил бириктириб, хузур-ҳаловатларга эга чиқишни кўзлайдиган душманларга тўладай туюларди. Саройга Алишер Навоийнинг келиши унинг энсасини қотирди. Не эмиш, ҳам шоир, ҳам олим эмиш. Олим китобини ўқисин, шоир ғазалини битсин! Салтанат ишлари шуларга қолибдими? Салтанат, эҳ-ҳе, аввало сиёсатдир. Ҳар кишилар борки, куч қаршисидагина дум қисурлар. Қамчингдан қон томиб турмаса, ёв тугул, ёнингдагилар ҳам сени бир чақага олишмайди. Чиройли сўзлар билан юртни бошқариб бўларканми?

Шуларни ўйлагани сайин баттар ғаши келарди. Қирқ устунли сахн бўйлаб тош йўлакдан тез-тез юриб борар экан, вазири аъзам Мажидиддин девонхона сари бораётганини кўрди-да, у томон илдамлади.

Икковлон саломлашишгач, Музаффар барлоснинг авзойи бузуқлигини кўрган Мажидиддин нимадир юз берганини фаҳмлади-ю, аммо сўрамади.

– Эшитгандирсиз? – деб сўради қаҳрдан юзи қорайиб Музаффар барлос.

– Не бўлмиш?

– Мирзомиз...

– Мирзомиз қай кент олинса, учдан бирини сенга суюрғол этмишлар.

Шуни суюнчиламоқчимидинг?

– Уни бермасалар ҳам майли. Кошки бу иш бўлмаса эди. Мирзо жаноблари Алишер Навоийга муҳрдорлик мансабини ҳадя қилдилар.

– Нима қипти? Муҳрини босиб юравергайдир. Сенга нима?

– Ана ўша шоир султоннинг марҳаматидан фойдаланиб, ўз одамларини саройга олиб келишни ният қилган кўринадир. Паҳлавон Муҳаммад, Шайхим Суҳайлий, Соҳиб Доро деганларини келтирганини кўрмабсизми? Икки сўзида бир мутойиба қилгани қилган. Амир Саййид Ҳасан ҳам доим унинг тарафини олади.

– Булар султон Ҳусайн шаҳзодалик чоғида хизмати сингган кишилар, – деди Мажидиддин. – Лузумот бўлса бошини бир ён, тилини бир ён қилиб кўйгаймиз. Хўш, муддаонг нима?

– Асли мун айтмоқ муддаом эмас эди. Шарафингизга бир зиёфат тузасам, – деди Музаффар барлос, кўзларида айёрона учкун чакнаб. – Қай окшом фурсатлари бўлса, марҳамат этсалар. Салтанат ишлари борасида бир-икки фикрим бор, шуни маслаҳатлашсак.

– Кўрамиз, – деди Мажидиддин пўнғиллаб.

Шу тарз хайрлашдилар.

Мажидиддин одоб-андишадан йироқ, сарсонликларда Ҳусайн Мирзо қабатида юриб, у билан дўстлашиб олган бу одамни жини суймасди. Аслида-ку, нафақат Музаффар барлосни, балки ҳеч кимни ёқтирмасди. Ўйланиб туриб, “Бу барлос мендан шу тарз гап олиб, султонга етказса-я?” деб ташвишга тушди. Амир Алишер Ҳусайн Мирзонинг болалик дўсти экани эсига келгач эса, фикри янада қувватланди. “Манфур Музаффар” деди яниб. Дарҳақиқат, суллоҳ бу киши турли мажлисларда сурбетликларга боришни ўзига эп кўргани билан, Ҳусайн Мирзонинг бир кун ғазаби кўзғаса моли талонда, боши долонда, пишиқ ипга бўйнидан осилган ҳолда осилиб туришига ақли етмайди. Қозоқиликларда Ҳусайн Мирзо султон эмас, шаҳзода эди. Ҳозир аҳвол тамомила ўзга, бул бефаҳм шаҳзода эмас, султони мутлақ қаршисида турганини ҳануз фаҳмламайди.

Мажидиддин эшик оғасига султон ҳузурига кирмоқ истагини билдириб, ўзи баланд равоқли сернақш саломхонада бир оз кутиб қолди. Занжи кул шарбат олиб келди. Шарбатни сипқориб, мўйловини артди-да:

– Қаерликсан? – деб сўради ундан.

– Дамашқдан, муҳтарам вазир, – деб жавоб қилди занжи.

– Дамашқда занжи бўлурми эди?

– Фақир занжи эмасман, арабнинг Бану Тамим қабиласиданман, – деб жавоб қилди кул. – Атойи-анойимни Рум султони кул қилиб олиб кетган

экан. Кўрагон замонида уларни Румдан келтириб эканлар. Султон Абулқосим вақтики, Самарқанддан Ҳирий келмишлардир.

– Бўпти-бўпти, ишингни қилавер.

Шу маҳал эшикоғаси чиқиб, киришга ижозат бўлганини билдирди. Вазири аъзам алпанг-талпанг қадамлар ила ичкари йўналди.

Мажидиддин саломлашгач, дуо ўрнига қисқа қилиб “Овмин! Оллоҳу акбар!” деб қўяқолганини кўриб, Султон Ҳусайн кулиб юборди:

– Ҳой Мажидиддин, дуо ҳам шундоқ қилинурми?.

– Бизнинг боримиз шу, – деди Мажидиддин. – Хос бир мавзу бор, агар рухсат берсалар.

– Хос бир мавзу?

– Бу ёнга келурда Музаффар сурбетни кўрдим. Оқшомга зиёфат таклифини қилди, Мир Алишерни муҳрдор тайин этганингиздан шоён дарғазаб.

– Музаффар барлос неча йилким хизматимизда, биз ҳам иззат қилдик, – деди Султон Ҳусайн. – Нечун норизо эмиш?

– Йилларким, жангу жадал усталари мартаба топар эдилар. Энди бизга шоир бош бўлгайми деб қаҳрланур.

– Ҳузуримизда мунча йил риоят топти, ажаб сурлиқлар қиладир, аммо ҳеч нима демадик. Ҳар ҳолда Музаффар барлоснинг садоқатига инонурмиз, қизгинлик ила сўзлаган бўлса ажабмас. Бошқа не гапинг бор?

– Янглиш туймамиш эсам, Муҳаммад Бурундуқ бек ҳам шу фикрда.

– Муҳаммад Бурундуққа мартаба тайин этмадик, – деди Султон Ҳусайн. – Шундан норизолиғи бўлса ажабмас. Мартаба тайин этмаслигимизнинг боиси қушга кўп майли борлиги. Шу қадарки, бир қуши ё ити ўлса, ўғилларининг отини тутуб айтур эканки, бу қуш ўлгунча сен ўлсанг не эди, ёки фалончининг бўйни синса не эди? Мундоқ кишига мартаба тайин этилурми?

– Султон иродасига қарши борилмас, – деди Мажидиддин. – Яна бир мавзу бор. Мен мунча йил хизматингизда, барча амрларингизни қулоқ

қоқмай адо этдим. Вақтеки, Мозандарон чопқинидан сўзлаган эдингиз. Чопқинга ҳозирликларимизни кўраверсакми?

– Мозандаронда шу он Муҳаммад Тархон ҳукм юритгайдир, – деди ўйланиб Султон Ҳусайн. – Риояти мақбул, эл-улуси рози. Не сабаб ила босилур?

– Уни билмадим. Черик чопқин тилайдир.

– Сен салтанат ишларига боқиш ўрнига, нечук ҳарбий ишларга бошингни котиряпсан? – деб сўради султон. –Тек турсам, Мозандарон тугул, Ҳинд чопқини қилсак деб ҳам айтасан.

Дарҳақиқат, Машҳаддан Ҳирийга келаркан, Мажидиддин гап орасида Синд сувининг нариги томонидаги мамлакатларга босқин қилмоқни орзулашини бир неча бора айтган эди.

– Синднинг у ёғими? – бирдан кўзи ёниб кетди Мажидиддиннинг. – Бағоят мақбул! Қалин олтин-кумуши бормиш. Мирзомизнинг энг оламшумул юришлари шу бўлғайдур!

– Мундан бошқа сўзинг йўқми?

Султон Ҳусайннинг қаттиқ нигоҳидан эти жимирлаб кетган Мажидиддин оғзига не келса қайтармади:

– Бор, албатта, агар рухсат берсалар. Яқин орада қиш келгайдир. Хазинани тўлдирмоқ учун халққа ўтин солиғи солсак..

– Ўтин солиғи? – Ҳусайн Мирзонинг қалин қошлари чимирилди. – Не дея солгайсан у солиқни?

– Мамлакат сизнингдир, – деди Мажидиддин. – Қарқанддан балутгача тасарруфингиздаги мулкларда ўсмоқда. Ёввойи дея кишилар ҳар сафар ҳисоб-китобсиз кесиб ёқиб юбормоқдалар. Агар шундай солиқ жорий қилинса...

– Эл бошига Абусаид замонидан ҳам баттарроқ кунлар келсин, Султон Ҳусайннинг номи эса тарихга “ўтинчи шоҳ” дея кирсин, шундайми? Қай фаройиб бошки, мундай ажаб фикр келмиш?

Мажидиддин бирданига бўйнини букиб, ғумбалоқ бўлиб қолди-да:



– Кулингизман! – деди шоша-пиша.

Мажидиддин тисарила-тисарила ўзини ташқарига уриб, кабулхонада чукур-чукур нафас олди-да “Аллоҳ сақласин” деб қопқадан чиқаркан, лапанглаб келаётган Чопу барлосга тўқнашиб кетди.

– Маъзур тутгайсиз, – дея олди, холос.

– Мунча, ўт теккандай чопасан? – деди Чопу барлос тўнғиллаб, вазири аъзамга йўл бермай ўтаркан.

Мажидиддин танбеҳ эшитган бўлса-да, хурсанд эди. Сабаби, шу баҳона садоқатини изҳор қилиб олди. Қолаверса, Муҳаммад Ёдгор мағлубиятидан сўнг маблағ масаласи муҳокама қилинганида, ўз бойликларини хазинага икки кўллаб топширганини султон унутмаган чиқар? Нима бўлганида ҳам, салтанат хазинасини тўлдирадиган бирор бир ишни ўйлаши керак, шундан сўнг узр тилаб яна қайта кирмоқ ва шон-шарафга бурканмоқ мумкин бўлади. Шуларни ўйлаб бирданига кайфияти яхшиланиб, тез-тез юриб ташқарига йўналди. Ҳали қай таклиф ила кирмоғини билмаса-да, Ҳусайн Мирзони лол қолдирадиган бир режа ила ҳузурига киргани, аъёнлар ҳам шошиб қолгани манзараси хаёлида бино бўлар, шундан ҳузурланиб, ғайрати жўшиб борар экан, дарбозадан чиқишда соқчилардан нарида, дарахт соясида турган кенг жуссали, қорувли йигитга кўзи тушди.

Ичкаридан чиққан улуғ бекларга ўхшаш бировнинг қарашини сезган у йигит дарҳол кўлини кўксига қўйиб, салом берди.

Мажидиддин бирданига хурпайиб, яна вазир қиёфасига кириб:

– Ва-а.. – деб чала алик олди. – Шом маҳали не юмуш ила келдинг бу ерга?

– Амир Алишер жаноблари қошига келган эдим...

– Амир Алишер қошига? – Қорувли жуссаси, қабарган кўллари, ёвқур чехраси унинг сарбоз эканини билдириб турарди. – Навкармисан?

– Ҳа, у зот билан Самарқандда черикда бирга эдик.

Вазири аъзам:

– Ҳай, тузук... – деб ўтиб кетаётиб, бирдан тўхтади. – Шошма! Не дединг?

– Самарқандда, черикда эдик.

– Алишербек Самарқандга таҳсил учун бормаган эканми? Нималар деяпсан?

– Бир-икки ой қора черикда юриб, сўнг шаҳарга кетган эдилар.

– Нечун кетмиш эканлар? – ўйланиб қолди Мажидиддин. Бир оз мулоҳазадан сўнг: – Сен навкар, у киши муҳрдор бўлсалар... Не юмуш тайин этарлар сенга? Отинг нима?

– Қора Мўғул.

– Эрта қошимга кел-чи, кўрармиз.

Мажидиддин шундай деб лапанглаб бориб, аравасига ўтириб жўнаб кетди.

Қора Мўғул шу ердаги ясовулдан у олийнасаб кишининг ким эканини сўраган эди, у аввал Ҳирий амирига хизмат қилиб, энди Ҳусайн Мирзо саройига келган вазир Мажидиддин эканини айтди. Қора Мўғулнинг ақли бунақа маҳаллар тез ишлаб кетарди. Фалак чархи энди унинг тегирмонига сув куймоқда эди. “Амир Алишерми ёхуд вазири аъзамми? Қай бири тузукроқ?” деб ўйлади пешанасини тириштириб.

– Албатта келгайман! – деди у вазири аъзам жўнаб кетган тарафга қараб, – Бажонидил, чопа келгайман!

Сўнг кеча топиб олган улфатлари қошига – Боғи Нав тарафдаги чоғирхона томонга илдам юриб кетди.

### ***ВАЗИРИ АЪЗАМ***

Вазири аъзам – Мажидиддин бир оз қорин кўйган, оқиш хира юзли, қошлари туташ, кулоқлари ичидан ҳам мўй ўсган кўпол, мағрур киши бўлиб, ҳар доим узун тўн, бўрк кийиб юрар, ёз маҳаллари ҳам устидан зар чопонини ташламас, мағрурлиги мансаби ва бойлиги боис дер эдилар. Фақат ўз фароғатинию маишатини ўйлайдиган, бировга қайишмайдиган бўлиб, ҳар кимдан ўзсаму энг бадавлат мен бўлсам дегандай хаёллари борийди. Бу борада бировни юз-хотир қилиб ўтирмасди. Олий рутбага эришгунига қадар

хаммага хушомад қилиб юргани маълум, бироқ мансабга келгач, биров у ҳақда гапиришга ҳайиқиб қолди, чунки ўчкорлиги ва тажовузкорлиги барчага аён эди.

Алишер Навоийга муҳрдорлик мансаби берилиши ортидан унинг иниси Дарвишали Балх амири этиб тайинлангач, Мажидиддин баттар ғазабга минди. “Муҳрдор эмас, мурдор экан-ку” деб ғижинарди у. Султон фармони эълон қилинганида ҳам лом-мим демай тураверди. Султон буни пайқаб, муҳокама пайтидаги қаршиликларига ишора қилиб:

– Тақдирга тан бермоқ керак, муҳтарам вазири аъзам, – деди. Сўнг Дарвишалига юзланди. Дарвишали бош эгиб, қўл қовуштириб турарди. – Уқиб олинг, вазири аъзам жанобларининг сўзи салтанат сўзидир.

– Бош устига!

– Буйруқларимизни қабул қилсалар бас, – деди Мажидиддин қаттиқ овозда. – Албатта у буйруқларда муҳтарам оғойиларининг имзолари бўлғайдирки, ҳақиқат эканига ишончлари том бўлғайдир.

Бу дағал сўз султон ҳузурида айтилди. Лекин Султон Ҳусайн кенглик ила Алишер Навоийга юзланиб:

– Ўзингиз одобу тарбият айлағайсиз, – деди. – Модомики падар ўрнига падарсиз, хулқи сиздан сўралғайдир.

Шундан сўнг Сабзавор, Машҳад, Маймана амирларининг сўзлари тингланди. Уламо эшитуви эртанги кунга, қўшин муҳокамаси индинга белгиланган эди. Мажидиддин наздида уламо эшитуви кераксиз бир иш бўлиб, энг эътиборлиси қўшин муҳиммоти масаласи эди. Сабаби, Рум ва ундан нари ўлкаларда янги тур ўқ-ёйлар, совутлар ясаибди. Чин мамлакатига элчи юбориш масаласи ҳам муҳокама қилиниши керак бўлиб, уларнинг яроғ-аслаҳасидан ўрнак келтириш амри берилган, тез орада етиб келмоғи тахмин қилинар, қўшинни такомиллаштириш ишлари шундан сўнггина бошланиши лозим эди.

## ***УЛАМО ЭШИТУВИ***

Хусайн Мирзо ҳар икки эшитувга ҳам Алишер Навоий кирмоғини истади. Шайхулисом мадрасалар таъмири ҳақида сўзлади, жомеъ мударриси эса шоҳ қаршисида довдираб, ҳамду сано айтишдан нари ўтолмагач, яна шайхулисом сўз ўтиниб, шундай деди:

– Менинг арзим шуки, мамлакатда мактабу мадрасалар қурилса, олис навоҳийларда ҳам болаларга диёнат билимлари ўргатилса. Элнинг фарзандлари илм олсалар!

– Ҳар ким ўз ишини қилгани маъқул. Ҳамма илм олаберса, ваъз-насиҳат қилгувчи кўпайиб, ишлайдиган одам қоладими! – деб қарши чиқди Музаффар барлос. – Чоракорнинг боласи чоракор, бекнинг боласи бек, шундай бўлиб қолаберсин.

– Илмингиздан не наф? – деди Мажидиддин ҳам. – Давлат сиёсатини мустаҳкамламоқ ўрнига юлдузларга қараб фол очилгайми?

Алишер Навоий бу кишиларга қараб, дилидагини тилига чиқармай жим турар эди. Шоҳ унга юзланганида, у шундай деди:

– Одилу оқил подшоҳ ибодуллоҳга зиллулоҳ, яъни Аллоҳга ибодат қилувчилар учун жаноби Ҳақ номидан ер юзини тасарруф этгувчи эотдир. Халифалик мулки анинг фармонида “Мен ер юзида халифа қилмоқчиман” шаънидадир. Бу – одил подшоҳ таърифидан буюкроқ эрур. Хожаи кавнайн дебдиларким, “Адлун саатун хойрун мин-ибадатис-сақалайн” – “Бир соатлик адолат, инсонлару жинларларнинг ибодатидан яхшироқ”.

Одил подшоҳ Ҳақ таолодан халойиққа раҳмат ва мамлакатга тинчлик, турмуш кенгчилиги, омонликка сабаб, асосдир... Баъзи халқлар шу моҳиятни англамагани учун унинг марҳаматидан бебаҳра қолдилар. Элнинг боғларига марҳамат дарёси оқмади ва улус ўз бағридаги гавҳарларини юзага чиқаролмай, қашшоқлик ва меҳнат ичида яшашга мажбур қолди. Шоҳ улуси ўзига мушобих бўлур. Ёдингизга Пирмуҳаммад Мирзо ҳукмдорлиги вақтида юз берган воқеани солмоқчиман. Пирмуҳаммад Мирзо Балхга черик тортганида, уни қалъага кўшин эмас, халқ ўтказмаган эди. Шу сабабли, мен Мирзомиздан салтанат сиёсатида халқ учун қилинадиган ишларни илғорга

кўйишларини сўрайман! Мунча кишига қилинган яхшилик бир дарё бўлса, уларнинг сизни алқаб қилган дуоси шубҳасиз денгиз бўлмай!

Бу сўзларни эшитган Музаффар барлос “У халқ бошқа эди, бу халқ бошқа!” деб тўнғиллаб қўйди. Бу халқ ёв келиб тўндан ўтказмагани учун шуқр қилаберсин! Агар салтанат қудрати бўлмаса эди, кумурсқадай янчилиб кетарди. Мана шу сабаб туфайли ҳам улар салтанатни иззатлашга мажбурдирлар. Буни билган ила билмаган тенг бўлурми? Дарҳақиқат, фақат ақл эгаларигина эслатма олулар, ақли етмаганлар эса ғофилликларича қолавергайлар.

Шу ўйдаги аёнлар азбаройи султон Ҳусайн Мирзо хурмати боис Навоийнинг сўзларини тингласалар-да, қалбларида унинг мулоҳазаларига хайрихоҳ эмас эдилар. Султон эса Амир Алишернинг бирон сўзини ерда қолдирмади, билъақс, арз билан келувчиларнинг шикоятларини тинглаш, кенту қишлоқларда мадраса ва мактаблар барпо қилиш, работлар қурдириш каби эл корига ярайдиган барча ишларга бош қилиб тайинлади.

Уламо эшитувидан сўнг Музаффар барлос Четин бек билан ташқарида сўзлашиб қолди.

– Не дея Мирзонинг бошини оғритурлар? Уламо китобини ўқиб, болаларни ўқитиб юраверсин, асло қаршилиқ йўқ. Аммо султонни юришларга кўндириш лозим. Ер ишлаб, тариқ-арпа эккан билан мамлакат бой бўлар эканми? Душманлик кайфиятидаги ўлкаларни боссак, дунё-дунё олтин-жавоҳирот, кул-чўри, ўлпон келгай. Ҳай, у бўлмаса, Синд дарёсининг у ёғига юриш қилинса ҳам бўлади. Ҳам ғозийлик, ҳам фотиҳлик насиб бўлмай. Сиз ҳам уламонинг сўзларига бош лиқиллатиб ўтиравердингиз, бир нима демадингиз.

– Ҳой Музаффар, – деб жавоб қилди Четин бек. – Бу уламо мажлиси бўлса, урушдан қандай сўз очасан? Қўшин мажлиси бўлса бошқа гап. Менинг ҳам муддаом шу, боғчада ўтиравериб юрагим сиқилди, ўзимни занглаб қолгандай сезаман.

– Уруш бекларига шипшитайлик, бир нима дейишсин, – Музаффар барлос унинг жавобидан қониқиб, илжайди. – Худо хоҳласа, уруш ҳам бўлмай, сизу бизнинг ниятларимиз рўёбга ҳам чиқмай.

### **ҚЎШИН МУҲИММОТИ**

Тушдан сўнг теварак-атрофдаги давлатлар қўшинининг вазияти тингланди. Пойтахти Шероз бўлмиш оққуюнлилар салтанати булар орасида энг муҳими эди.

– Оққуюнлилар ҳозирча пайт пойлаб туришибди, – деди Четин баҳодир. – Уруш чиқадиган бўлса, эллик минг аскар йиға олулар. Қўшинни такомилга еткурмишлар, айтишларича, рум усулида икки ғилдиракли жанг аробалари ясашибдилар. Сейистондан филлар келтирган эмишлар.

– Нусрат Тангридандир, – деди Музаффар барлос тўнғиллаб. – Султонимиз Сабзаворда олтмиш киши ила уч минг черикни енгган эдилар. Араваю филлар ила иш битарми?

– Султонимиз ғалабасидан сўнг энди ҳеч бир ҳукмдор Ҳирийга кўз тика олмас. Бироқ, теваракдаги султонлар ҳам ғофил эмаслар. Бир оз заифлик кўрсатилса, қўшин тортишга шайдирлар.

Мажлис аҳволни муҳокама қилиб, энг хатарли ёв Узун Ҳасан эканига тўхталди. Мовароуннаҳр ҳукмдорлари билан қариндошлик ришталарини мустаҳкамлашга келишиб олинди. Шундан сўнг қўшин муҳиммотини яхшилаш борасида сўз кетди.

– Фарангистонда тўфанг деган бир нима чиқибди, – деди Четин бек. – Бир қувур эмиш, оғзидан темир соққаларни солиб, қувурнинг бошқа учига борут қўйиб ёқсалар, ўқ етадиган жойгача қизгин ҳолда учиб боргаймиш.

– Борут ила мундай ишлар Темурбек замонида ҳам бўлур эди, – деди Султон Ҳусайн. – Сопол кўза ичига тош солиб, ичини борут ила тўлдириб пиликни ёқиб отганларида борут шиддат-ла ўт олиб, қўшин устига майда тош учиб яраларди.

Султон Ҳусайн фаранг кофирининг у тўфангига кизиқиб, барча хусусиятларини сўраб-суриштирди.

– Амир Алишер ҳам бир нима дерларми?

– Борут маълум нарсадир, ҳаддан зиёд қизғинликни бир онда бергайдир, – деди Навоий. – Олимларга айтилсақим, қандай пўлатдан ишланур, қувури қандай бўлгай, қанча миқдор борут солингай, соққачалари қай маъдандан ясалгай, шуларни тадқиқ этсалар.

Мажидиддин яна хурпайиб олди. Тавба, кечагина уламо эшитувида Навоийга гапнинг бўларини, яъни “Олим-полимдан не наф? Табиблару имомлардан бошқа бари пуч” деб айтмадими? Муни кўрингки, орадан бир кун ўтиб, илм-фан масаласи қўшин муҳокамасида ҳам тилга олинмоқда. Навоий эса ғоят айёрлик билан уни ўз йўсинига бурмоқда.

– Қўшин такомилига ақча даркор! От-улов, яроғ-аслаҳа, ош-озик сотиб олмоқ лозим. Халққа солинадиган солиқлар нисобини орттириш керак!

Навоий ўша заҳоти эътироз билдирди:

– Асло! Фуқаро елкасида солиқлар ҳаддан зиёд. Уни тўлашдан бўйин товламоққа кишиларнинг ҳадди йўқ, бироқ, қиш қаттиқ келса ё ҳосил битмаса оч қолгайдир. Эл бой бўлгайки, салтанат обод бўлгай. Хазина харожи ҳисоблатилса, халққа ўша миқдордагина солиқ солинса. Бир-икки йил мундоқ енгиллик берилсаки, ўзини ўнгласа. Сўнгра маълум миқдор орттирилса.

– Баъзи кишилар кўприкларни буздириб, тўғонларни очтирмишлар. Уларни таъмирлаш ёки мадраса-мактаб қуришга ҳам анча-мунча сарф лозим. Улар қайдан олингай?

– Фақир ўзимнинг бисотимни хазинага арз этурман, – деди Алишер Навоий. – Давлатимнинг бахти менинг бахтимдир!

Шундай деб, бир рубой ўқиди:

*То ҳирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас,*

*То нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас,*

*То зулму ситам кўнглига бедод ўлмас,  
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.*

Музаффар барлос:

– Ана... У ерда ҳам шеър, бу ерда ҳам шеър! – деб тўнғиллаган эди, буни ҳамма эшитди.

– Ҳай-ҳай! – деб кулиб юборди бир-икки киши. Султон Ҳусайн жилмайиб:

– Салтанатимизда сизнинг бўлмоғингиз энг катта хазинамиздир! – деди.– Солик, хирож, ўлпон борасида Алишербек ҳақ. Фуқаро қашшоқ. Сабру таҳаммул қилгайдирмиз, вазирларимиз ила хазинани бойитишнинг бошқа йўллари излагаймиз.

“Вазирларимиз” деган гапдан Мажидиддин-у Музаффар барлос юзига мамнуният инди. Улар бу сўзлардан: “Сиз бу ишларга аралашманг, у ўз усталарининг қўлида” деган танбеҳни уққан эдилар. Мажидиддин ён-верига қараб, “Ана!” деб қўйди. Бу ҳам оз келиб, сергўшт оғзини очиб:

– Гўзал жорияларимиздан юборгаймиз, хусни жамолига қараб абётларини битавергайлар! – деди.

Бу ўринсиз дағал сўз ҳеч кимга ёқмади. Лекин Мажидиддин шод эди. Ўзича Амир Алишерни мот қилиб, ўрнини кўрсатиб қўйдим, деб ўйлади.

Алишер Навоий унинг бу луқмасига шу байт билан жавоб берди:

*Дунё аруси<sup>1</sup> зулфини тутқан не огаҳ фақрдин,  
Ганж истамас улким, йилон тутмоқ била хурсанд эрур.*

Аъёнлар ичларидан тошиб келган кулгини яшириб, бир-бирларига маъноли қараб қўйишди. Мажидиддин эса бунга қандай жавоб қайтаришни билмай, тилини тишлаб қолди.

---

<sup>1</sup> Арус – келинчак. Мазмуни: “Дунё келинчаги сочини тутган киши фақрдан қандай огаҳ бўлсин? (Бу ўринда сўз ўйини ҳам бор: ҳам фақру фано, яъни ибодат даражаси кўзда тутилмоқда, ҳам Навоий “фақир” дея ўзига нисбат бермоқда), У ҳақиқий хазинани истамай, илон тутмоқ билан хурсанддир”.



Машварат тугаб, чиқурда улар хайрлашишмади. Мажидиддин девонга, Навоий эса “Унсия”га қараб йўл олди.

Бугун Дарвишали уни кутмоқда, эрта тонгда Балхга жўнаб кетмоғи даркор бўлиб, оғойиси билан хайрлашиш ва дуосини олиш мақсадида интизор турарди.

### ***АВОМ ВА УМАРО***

Алишер Навоий ишни фуқаро арз-додини тинглашдан бошлади.

Эрта тонг-ла ташқарида анча-мунча киши тўпланган, улар учун соя-салқинга курсилар қўйилиб, тўшаклар солинган ва сув-шарбат тарқатилган, кўриқчи навкарлар навбати етган арзчиларни бирин-кетин ичкарига ўтказмоқда эдилар.

Кўринишидан ниҳоятда фақир, эти бориб устихонига ёпишган, бўз-алак кўйлак кийиб, белига арқон боғлаб олган кишини киритдилар. Бу одам Ҳирий биқинидаги Сомон Рўйи қишлоғидан келган экан.

– Ўт! – деди навкар, йўл бериб.

Киши Навоий қаршисига келиб, тараддуд аро салом берди.

– Хизмат? – деб сўради Алишер Навоий, мулойим оҳангда, саломга алик олиб.

– Жанобларига арзим бор эди...

– Арзингиз бўлмаса келмас эдингиз, – кулимсиради Алишер Навоий. – Айтаберинг, қулоқ осгаймиз.

– Султоннинг сипоҳи бир кўза ёғимни тортиб олди, – деб арз қилди у киши. – Беш жўжиғим бор, ўзим чоракорман. Ош-озиксиз қолиб кетдик. Оқсоқолга борсам жонингдан умидинг бўлса, дамнингни чиқарма деди. Жанобларининг қошига минг ҳадик-хавотир ила келдим.

– Султон сипоҳи эмас, Тоёбод амирининг навкари, – деб изоҳ берди шу ердаги амирлардан бири.

– Тоёбод амири кимнингдир? Султон номидан иш кўргайдир. Бас, қайда султон мухрини кўрсак қуллуқ қилурмиз. Бироқ, султон авомнинг ёғини тортиб ол деб фармон бермагандир, ахир?

– Тўғри айтдингиз, – деди Алишер Навоий. – У сипоҳ топилсин, сўраб-суриштирилсин!

Сўнг ўйланиб туриб, яна сўради:

– Ул бадкирдор ёғингизни тортиб олганидан бери неча кун ўтти?

– Бир ҳафта.

– Айби исботланса, жиноятчи бу кишининг рўзғорига бир ҳафтага етгулик ақча ё егулик ё арпа ё тариқ мислини ҳам берсин, – деди Навоий.

– Бош устига!

Чоракор таъзим ила тисарила-тисарила чиққач, ортидан сангойиларнинг қабила бошчиси кирди. Бу баланд бўйли кишининг бутун вужудидан шиддат ёғилиб турарди.

– Таъзим қил! – деб адаб берди унга навкар.

– Кимга?

– Рўпарангдаги Алишер Навоий ҳазратларига!

– Отамдан бошқага таъзим қилмасмен! – деди сангойи.

– Майли, кўяберинг, – деб жилмайди Алишер Навоий, бу кишининг қайсар хулқи хуш келиб. – Гапиринг, тинглагаймиз.

– Ўт солиғи жорий қилинибтур, – арз қилди у. – Сангойилар чорвадордир, яйлову ўлангда чорваси билан кун кечиргайдир. Ўт-ўлан Аллоҳнинг иродаси ила ё мўл бўлмай, ё оз бўлмай. Ўт мўл ё озлигига қараб нечук солиқ бичилсин? Ёки кўҳсордаги ўтни ҳам султон ўстиргайми?

– Ё тавба! – деб ҳайратда қолди Алишер Навоий. – Ўт солиғи дедингизми? Кимнинг номидан амр этилмишдир?

– Шундоқ, эй бузрук, – деб икки қўлини боши устига қўйди сангойи. Сангойилар ўзларидан улуғларга шундай деб мурожаат қилишлари, ҳурматини изҳор қилиш учун икки қўлини бош устига қўйишлари аён эди. – Султон Ҳусайннинг Мажидиддин деган вазири номидан дейилди.

– Бул ишга мен ҳукм этолмайман, – деди Алишербек. – Султон хазратлари билан кенгашмоқ дурустдир. Воқеан, хабарлари йўқ эса эҳтимол.

– Сангойилар давлатга садоқат билан хизмат қилиб келмоқдалар, – деди қабилабоши. – Султонимизга молу жонимиз фидо бўлсин. Аммо фидо бўлмасимиздан аввал адо бўлиб кетмайлик.

Шу тариқа, ҳар киши ўз бошига келган зулму ноҳақликдан шикоят этиб келаверарди.

Шунча кишининг арз-доди эшитилди, бироқ, шикоят ила келгувчиларнинг охири кўринмасди.

Мамлакатда вазият ҳаддан зиёд хароб эди. Тахт талошлари оқибатида адолат ва тенглик жиловни қўлдан чиққан, салтанат кишилари ҳам, мулк эгалари ҳам мўмин ҳаққига тортинмай чанг солишарди. Бир амир деҳқонларнинг далаларига боғларига борадиган сувни тўсиб олибди. Қуйи қишлоқларнинг кишилари ҳар йил ўзаро ақча тўплаб келиб қўлига тутқазишсагина сувни очар, йўқса очмас эмиш. Сабаби, ирмоқ у амирга тегишли мулкдан ўтар экан. Яна бири арава ғилдираги ясовчиларга темир сотиб олишни тақиқлабди, темирчилар қиммат нархга унинг жиянидан сотиб оладиган бўлишибди. Яна бири ўз ҳолича беш-ўн йигитни сарбоз қилиб тайинлабди, у сарбозлар ҳеч иш қилмай ётаберишса-да, сизни хатардан сақламоқдамиз деб, элдан омонлик солиғи йиғиб оладиган бўлишибди. Қисқаси, салтанат билан халқ бир-биридан айру, халқ ўз ҳолича, салтанат ўз ҳолича ҳаёт кечирарди.

Ваҳоланки, Улуғ Хуросон давлатининг поёнсиз қир-адирлари, тоғ-тошлари, дала-ю яйловларида сон-саноксиз кишилар тирикчилик кўйида заҳмат чекмоқдалар. Обкашларда сув ташиб, тегирмонда ун янчиб, бетлари қизара-қизара темирчилик қилиб ё кўш ҳайдаб ҳосил етиштирмоқда, бир нималар ясамоқда. Тоғлар орасидаги овчиси ови билан, бофандаси тўқиган либоси билан, деҳқони ҳосили билан, нажжори ишлов берган ёғочи билан ўз иш-кучини султонга бермоқда. Ҳатто энг кичик тужжорининг ҳам келтирадиган бир фойдаси бор. Элнинг тирикчилик заҳматини давлат

равнақиға йўналтириш лозимки, юрагини бериб ишласин. Қарангки, эл ўзим, болам-чакам, рўзгорим дея ишлайди, доно ҳукмдор эса у меҳнатни салтанат равнақиға йўналтиради. Чунки авом давлат не, салтанат не, билмайди. Меҳнатининг ҳосилини, бир бурда нонини бола-чакаси билан еб-ичиб ўтиришни истайди. Энг олий орзуси – иморат қуриш, бир қанча чорвага эга бўлишу фарзандлари камолини кўриш. Лекин давлат ҳам, олим ҳам шу эл ҳисобидан кун кўради.

Уруш бекларининг орзуси эса янги урушларга киришдан ўзга эмас. Аммо эл равнақи уруш билан эмас, маърифат билан бўлгай. Навоий султон билан суҳбатларда шу мавзуга унинг диққатини қаратишни кўнглига тугиб қўйди. Чунки салтанат теграсидаги ялтоқилар, хушомадгўйлар, бойлик ва мансаб илинжидаги кишилар худди зоғлар каби халқнинг серҳосил боғларига ёпирилган эдилар. Улар дарахтларда яшириниб ётадиган силовсин, ўтлар орасидаги ёввойи мушук, пучмоқларда овини пойлайдиган бўрилар каби ҳар қадамда, ҳар онда ҳозир у нозир, пайт пойлаб ҳамла қилиш фурсатини кутадиган кишилар бўлиб, “Авомга қаттиқ қамчи даркор, – дейишарди. – Авом таёқсиз ишлармиди? Унга бугун нон берсанг, эртага ҳалво сўрайди. Ҳалво берсанг сарёғ, сарёғ берсанг бу Ҳирий сарёғи экан, менга Рум сарёғи келтир, деб талаб қилади. Ҳой, сенинг тақдирингга Рум сарёғи битилмаган, бори ризқингга шукр қил деб бошига бир қамчи урсанггина эси жойига келади. Бойликлар, мулку сарватлар Тангри иродаси боис ато этилгай. Бизлар унинг сийлаган бандалари эканмиз, шу боис олиму фузалоси, шоиру уламози етолмаганга бизлар етдик. Уламо кимдир, диёнат илмини яхшилаб ўрганиб олиб, шунинг ортидан кун кўрадиган бир кишидир. Шоир кимдир? Шеър ёзишни ўрганиб, унга-бунга ҳамду сано айтиб кун кўрадиган бандадир. Навқару сипоҳ ким? Жангга кириб султондан улўфа оладиган эрдир. Бизлар албатта халқнинг гул-чечаклари, Тангри иззатимизни баланд тутиб қўйган зотлармиз ва албатта бизнинг ҳам ичиқора душманларимиз бор!” Мана шу жуда оддий, жоҳилона мантиқ уларнинг кеккайиб юришларига, май ва сафо хилватларида мастона кибрланишларига сабаб бўларди.

Шу сабабли Алишер Навоий аҳбоб даврасини торайтиришга қарор қилди. Султон Ҳусайн дўстини беҳад иззатлагани туфайли теҒрасида турфа кишилар кўпайиб кетган эди. Яқин дўстлар – мавлоно Соҳиб Доро ва Шайхим Суҳайлий ила маслаҳатлашилгач, бир қанча кишини қолдириб, бошқалар билан хос давраларда учрашмасликка келишилди.

– Бу иш маъқул бўлди, – деди Соҳиб Доро. – Жоҳиллар давраси қайда-ю оқиллар суҳбати қайда?

Навоий унинг сўзига жавобан шу байтни айтди:

***Одамийлик кўргузуб қилдинг паривашларни қул,  
Одам улдурким, малоик они масжуд айлади.***

Соҳиб Доро:

– Яъни, покликда малоикалар сенга сажда қиладиган даражада бўл демокчисиз! Ўзингга минг шукр, эй Бирубор Парвардигорим! – деди қаттиқ овоз билан, қўлларини дуога очиб. – Шу Алишерингга, унга қўшиб менга ҳам туганмас сарватларингдан ато этгайсан!

Навоий:

– Мени қўшиб не килар эдингиз, ўзингизни ўзингиз дуо қилиб кўяқолсангиз бўлмайдими?

Соҳиб Доро жавоб қилди:

– Менинг лавандликларим, шўхликларим мўл. Сизнинг этагингизни тутиб кун кечириб юрадирман. Дуода ҳам шундай қилдимки, шояд мустажоб бўлса!

Бу ҳазиломуз лутфга Навоий кулиб юборди. Шундан сўнг дўстлар ҳазил-мутойиба ила хайрлашдилар.

### ***ИККИ ДУНЁ ОРАЛИҒИДА***

Зулм кўрган кишилар тўп-тўп бўлиб арзга келишарди. Золимлар гўё салтанат меваси ичига тушган қурт каби эдилар. Салтанат жавдар даласи эса,

улар занг каби емирандилар. Ваҳоланки, жавдар уруғи далага инсонларга ризқ бўлсин дея сепилади.

Андхўйлик бир киши сарбозлардан бирининг қилмишидан шикоят қилди. Маълум бўлишича, сарбоз унинг завжасини олиб кетибди.

– Завжасини? – деди ҳанг-манг бўлиб Амир Алишер. – Жуфти ҳалолиними?

– Шундоқ, – деб тасдиқлади андхўйлик. – Икки болам бор, иккиси ила ғарибликда қолдим. Мен бир қашшоқ одамман, додимни кимга айтай? Кирасолиб найзаси билан урди, хушимни йўқотибмен. Ўзимга келсам икки болам қошимда, аёлимни отига ўнғариб кетибди.

– Бу ишнинг жазоси ўлимдир! – деди Амир Алишер. – Сира шафқатга ўрин йўқ! Хукм шайхулисломга ҳавола қилинсин, шариатда не хукм раво кўрилган бўлса, оғишмай адо этилсин!

Фуқаро арз-додини тинглаш шундай йўсинда давом этарди. Амир Алишер ҳар ишда адолатни мутлақ қилиш, фуқаро ҳаққи борасида ўта синчковлик билан, ҳар кимнинг ҳуқуқини ўз жойига қўйиб адо этарди.

Бироқ, арзлар орасида ғаройиблари ҳам бўлиб турарди.

Кунларнинг бирида саховатли Амир бир қанча сарой амалдорлари билан арз қилиб келган кишиларнинг шикоятларини тинглаб ўтирганида, тўсатдан садрлик мансабига етишган Мавлоно Мавлавий келиб қолди ва ўта безовта бир ҳолда арзгўйлар орасидан жой олиб, “Олдин менинг арзимга қулоқ солинг!” деб туриб олди.

Навоий ҳол-аҳвол сўраш ва меҳрибончилик кўрсатиш билан Мавлавийнинг ғазабини сўндиришга уринди, уни ўз ёнига ўтиргизиб, нимадан шикоят қилиб келганини сўради. У шундай жавоб берди:

– Хожа Хусайн Кирангий мени қаттиқ ҳақорат қилди. У менга, сен илгари Мавлоно Муҳаммад Муаммой навкарларидан бири эдинг, деди.

Навоий бу гапни эшитиб, ажабланди ва кулиб деди:

– Бу гапдан аччиқланиш ва даъволашишнинг нима кераги бор? Агар ўша Хожани бу ерга чақириб, ушбу даъвони кўриб чиқадиган бўлсак, унинг

айтганлари тўғри бўлиб чиқади. Тўғри гапдан хафа бўлиш эса ақлга тўғри келмайдиган ишдир.

Шундан сўнг ўзи ҳам Султон Абусаид замонида Амир Султон Ҳасан Архангий билан сафда бўлганини айтиб, шундай деди:

– Илгари Амир Султон Ҳасаннинг навкари бўлган мен эндиликда амирлик каби муҳим мансабга эришганимга ва ноиблик каби юқори лавозимга етишганимга қарамасдан, ҳали ҳам у кишининг хизматида бўлишдан ор қилмайман, балки агар имкони бўлса, у кишига олдингидан ҳам кўпроқ хизмат қилиб, ўзимни у кишининг хизматкорлари жумласидан ҳисоблайман.

У ерда ҳозир бўлганлар бу гапларни эшитиб, Навоийнинг бениҳоя камтарлиги ва олий хулқидан ҳайратга тушдилар. Ўша ерда бўлган Амир Султон Ҳасан хижолатда қолди, жаноби Мавлавий эса уялиб, бемаъни даъвосидан воз кечди.

### ***МУҲАММАД ШАЙБОНИЙХОН***

Айни замонда Дашти Қипчоқда ёш бир бўри – икки исм эгаси бўлмиш Муҳаммад Шохбахт Шайбонийхон куч-қувватга тўлиб келмоқда эди.

Ёвқур қабилалардан бир неча минг черик тўплаган бу ўғлоннинг овозаси турли элларга тарқалиб бўлди. Дастлаб у ўз чериги билан маълум ҳақ ва имтиёз эвазига у ёки бу султон хизматиغا ёлланиб юрди.

Жангда унинг тебратма усули машҳур бўлиб, ҳеч қайси лашкарбоши бу усулни унингдек моҳирлик билан қўллай олмасди. Тебратманинг маъноси шуки, гуруҳ-гуруҳ аскар уруш майдонида ҳеч нимага қарамай, маълум бир нишонни, кўпинча хон турган жойни кетма-кет, тўлқин-тўлқин ураверар эдилар. Бу аснода бир қанча даста икки ёндан уларни ҳимоялаб турарди. Бундай шиддатли ўрталама ҳужум натижасида хон ёки султон ё яраланар ёки ортга чекинаар, шу билан аскарнинг руҳи тушиб, кўпинча мағлубиятнинг аччиқ майини сипқоришга рози бўларди.

Бу йил товук йили бўлиб, мунажжимлар унинг омадли келишини, Муҳаммад Шайбонийхон ҳаётидаги энг муҳим сана бўлишини башорат қилишди. Шайбонийхон кўчманчи уруғларнинг хурматга сазовор оқсоқоллари ҳузурига етиб борди. Бу маҳалда улар Сигноқда эдилар.

Пирлар ўзаро кенгашиб, ёш хонни қабул қилишди. Шайбонийхон улар ўтирган улкан ўтовга киргач, аввал салом берди, кейин пойгакда туриб, савол беришларини одоб билан кутиб турди.

Оқсоқолларга унинг бу одоби маъқул тушди. Бир-бирларига қараб бош ирғаб, келмоқдан нияти не эканини сўрашгач, Шайбонийхон қисқа сўзлар билан муддаосини англади. Турк эли пароканда бўлиб кетаётганини, агар оқсоқоллар изн бериб дуо қилишса, улуслар бошини бириктиришга аҳд қилганини баён қилди. У ўзи билан анча-мунча совға-саломлар ҳам олиб келган эди.

Шундан сўнг улуғлар унинг ёшини суриштиришди. “Бир ярим мучал”<sup>1</sup> деган жавобни олишгач, улардан бири:

– Нималар бўлаётганини кўриб-билиб турибмиз! – деди. – Сен бола, неларни хаёл қилиб юрибсан? Ҳали бу ишларга ақлинг етишига анча бор. Боравер, керак бўлганинда сени ўзимиз чақирамиз! – деб жавоб берди.

Муҳаммад Шайбонийхон ҳафсаласи пир бўлиб улуғлар қошидан чиқди-да, Сигноқда ортиқ тургиси келмай, даштига қайтиб кетди. Ўша ерда бир неча ой емай-ичмай режа тузди. Сўнг черигини олиб, Туркистон сари жўнади.

Кеч куз, ҳар тараф пилч-пилч лой эди. Булутлар бошга тегай-тегай деб сурилиб келиб, изғиринли совуқ ёмғирларини тўкарди. Лойга бота-бота, ниҳоят, Яссига келиб тушди. Ювиниб-тараниб, бир неча қўй, хўкиз, туя сўйдириб, ҳазрат Яссавий мақбараси қошида етим-есирларга тарқатди. Сўнг мақбарага кириб, пир қошида ёлворди.

Мақбара ичида ҳеч ким йўқ эди. Шу сабабли нималар дегани маълум эмас. Аммо туркий хоқонликнинг қудратли билаги заифлашганини, турли ёв

---

<sup>1</sup> Ўн саккиз ёш.



турфа тарафдан солдираётганини, удумлар бузилганини, мўминлар қони дарё бўлиб оққанини, у фалокатга қарши бориб, вазиятни ўнгламоқчилигини айтиб ўтинган бўлса ажабмас. Шохидлар Шайбонийхон ичкарида анча вақт қолиб кетганини айтишади.

Бошқалар айтадиларки, мақбара ичида намоз ўқиган чоғида бир қушнинг қордай оппоқ пати ҳавода айлана-айлана жойнамоз устига кўнади. Шайбонийхон уни кўриб кўзларидан ёш чиқиб кетади, илоҳий мужда деб ўйлайди.

Шундан сўнг руҳи енгил бўлиб хотиржам ухлади. Тушига ҳазрат Яссавий кирди. Ҳазрат кўлларини очиб уни дуо қилгач, уйғонди.

Ўша заҳоти отларни эгарлаб, энди бутунлай бошқа руҳият ила манзилига йўл олди. Кўзлаган манзили – Тошкент яқинидаги Шохрухия эди...

Шу тариқа ёш бўри бақувват, ёллари хурпайган кучли-қувватли етакчи бўрига айланди. Ортидан бир неча минг қашқирни эргаштириб борар эди. Улар ҳам жангларда пишиққан, ёй ўқини ярим қарич тахтадан ўтказа оладиган аскарлар эдилар. Дунё шатранж тахтасида Шайбоний деган пиёда фарзинга айланди. Шитоб билан бориб, Мовароуннаҳр султонларига кишт бермоқ учун йўл босди...

У маҳалда Мовароуннаҳр ҳукмдори султон Абусаид Мирзонинг тўнғич ўғли султон Аҳмад Мирзо эди. Хуросонда Султон Ҳусайн салтанати гуллаб-яшнаш бошлади. Султон Ҳусайн номи билан бирга Алишер Навоий номи ҳам қанот қоқди. Салтанатнинг бир қаноти Ҳусайн Мирзо, бошқа қаноти Алишер Навоий деган гапларни эшитса бўларди. Айниқса Ироқ мамлакати фаровонлашди, давлатнинг бу қисми хатардан холи, хавф Мовароуннаҳрдан ёхуд Қорабоғдан келмоғи тахмин қилинарди. Лекин ҳеч ким Султон Ҳусайннинг қудрати боис қимир этгани журъат этолмади, сабаби, теурий султонлар орасида энг қудратлиси шу эди. Мукамал қурол-яроғли юз минг кўшин йиға оларди, у кўшинлар тинчлик даврларида қишлоқларга ёйилиб кетар, хабар келгани заҳоти зудлик билан тўпланиш хусусиятига эга эди. Шунингдек, бир қанча жанговар филлари ҳам бўлиб, ёв кўшинига кўрқув

соларди. Моҳир усталари манжинақларни, темир учли хўкизтумшукларни, устига темир қопланган жанг араваларини доимо соз тутишар, шунингдек, босқиннинг янги, ҳеч кимнинг хаёлига келмаган усулларини ўйлаб топиши билан довруқ қозонган эди.

Шайбонийхон эса, хазрат Яссавийнинг ғойибона дуоси боис энди ишлари ўнгланишини билди. Ҳақиқатан ҳам, шундан сўнг унинг куёши тобора юксакка кўтарилаверди. Бу ўта ақлли, ҳийлакор ўғлон арқонни жуда узун ташлади. Унинг орзуси Мовароуннахру Хуросонни, сўнг Син дарёсининг нариги қирғоғидаги мамлакатларни эгаллаб олиш эди.

Муҳаммад Шайбоний мудрофааси заиф Шохрухияни, Тошкентни ва Ахсикентни осонликча қўлга олгач, давлат тузмоққа киришди.

Унинг ким эканини билмаганлар “У уришқоқ кўчманчи давлат туза олармиди?” деб кулар эдилар. Аммо томирида шавкатли Олтин Ўрда хонлари қони оққан бу жасур ўғлон давлат не эканини, уни қандай тузмоқ кераклигини яхши биларди. Аввало чегараларни аниқлаб, ўз пулини жорий қилди. Тартибларини белгилаб, Чингиз ясасига кўра қонун дарж айлади.

Айтадиларки, уммонлар тубида турли оқимлар оққайдир. Тўлқинланиб турган уммонлар бағрида яна бир оқим пайдо бўлди. Замон ўтиши билан шиддатланиб-кенгайиб, янги-янги мулкларни қамраб оладими ёки заифлашиб, ўзга қудратли оқимлар аро йўқ бўлиб кетадими, ҳозирча маълум эмас эди.

### ***ҲИЙЛА ОҚШОМИ***

Ҳирийнинг сўлим оқшомида Мажидиддин султонлар боғидан қолишмайдиган бўстонидаги чорсупада Музаффар барлосни кутиб ўтирар экан, хизматчи кул дарбозага бир киши келганини маълум қилди. Вазир хушламайгина “Киммиш у, бемаҳалда?” деб сўради.

– Халосийман дер, – деди эшиқбон.

Асли ироқлик бу шоир бир муддат Шерозга кетиб, сўнг яна пойтахтга қайтган, сарой аъёнлари қаторида ўралашиб юришни хуш кўрадиган одам эди.

– Чорланг! – деди Мажидиддин, Халосийнинг ғалати-ғалати воқеаларни сўзлаб беришга моҳирлиги ва барча воқеаларнинг қаҳрамони ўзи бўлиб чиқиши эсига келиб, “Сухбатга маза кирадиган бўлди” деб ўйлади.

– Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва жазакаллоҳу жумлатан! – дея узундан-узоқ салом билан таъзим қилиб келди Халосий, қув кўзлари теваракни олазрак кезиб, қозонлардан чиқаётган ислару ошчиларнинг ҳаракатларидан мартабалироқ бир меҳмон келишини пайқаб. – Адолат осмонининг куёши, саховат водийсининг арслони, хайру марҳамати оламини тутган сиз улуғимизнинг нурли жамолларини кўрмоқ фақирингизга ғоят шарафдир!

Мажидиддин индамай унга ўтиришга жой кўрсатгач, хизматчи ғулом нима ичишини сўраган эди, Халосий:

– Гулоб бўлса йўқ демас эдик... Модомики, оби ангур бўлмаса! – деб қиҳ-қиҳлаб кулди.

– Оби ангурни чоғирхонада ичгайсан, – деди Мажидиддин. – Не юмуш ила келдинг?

– Амир Алишернинг қаҳридан паноҳ истаб келдим, – деди Халосий. – Фақир ундан кўрқиб Шероз қочиб эдим. Не қаттиқ кунлар бошимга тушди. Сояи давлатингизга бош уриб келдимки, чумчуқдан ҳам кичик бошим бор, омон қолса.

– Амир Алишер? – тушунмай сўради Мажидиддин. – Сенга нима қилди Амир Алишер?

– Кеча мажлисда кўрмадингизми? Султон ҳузурда менга жуда ёмон қаради.

– Қараса қарабди, нега кўрқасан?

– У киши ҳақида бир даврада у-бу гаплар оғзимдан чиққан эди, қулоғига етган бўлса, бошим кетади деб қўрқаман. Ахир, мавлоно Сонеъий воқеасини эшитмаган эдингизми?

– Сонеъий ожизларга ва халққа озор бера бошлагани ва бошқа вазирлар устидан чақимчилик қилиб, уларга тузоқ ясаб юргани сабабли Амир Алишернинг дилига маъқул тушмай қолиб, подшоҳ сиёсатига гирифтор бўлди, – деди Мажидиддин, ўша воқеани эслаб, тундлашиб.

Воқеа шундай бўлган эди. Султон саройидаги мажлислардан бирида мавлоно Сонеъий атайданми ёки ҳазил биланми, Алишер Навоийга қараб кутилмаганда:

*Тонг-ла бўлса жанг майдонда шамшир ҳарби,*

*Маълум бўлғай Алишернинг билак зарби, -*

деган байтни ўқиди. Ҳамма ҳайрат бармоғини тишлаб қолди. Хожа Сонеъий эртаси куни тахт олдида вазирлар билан бирга тураркан, олий фармонга биноан ясовуллардан бири хожанинг каттакон салласини бошидан олиб, бўйнига чулғаб қўйди. Шунда Амир Алишер: “Бош юкини енгиллатдинг, энди бўйин юкини ҳам енгиллатақол” мазмунида бир байт айтди.

Мавлоно ўша куниёқ ҳибсга олинди. Мана, бир қанча вақтки, тилининг бемаънилигидану шўр толедан пушаймонлар чека-чека, зиндонда ётибди. Султонга ва Амир Алишерга ёлворишларга тўла номалар юбормоқда, бироқ олий даргоҳдан ҳеч бир жавоб йўқ. Тақдири не бўлиши номаълум...

Мажидиддиннинг ўзи ҳам ўтган галги қўпол сўзидан сўнг Навоий билан юзага келган совуқчиликни бартараф этиш йўлини тополмай юрганини айтгиси келди-ю, тилига чиқармади. Ёқимсиз ҳолатни эсига солгани учун Халосийдан аччиқланиб, илтифотсиз оҳангда сўради:

– Хўш, муддаоинг не?

– Ёқуббек ҳузурида бир навъ истиқомат қилдим, – деди Халосий, кўзлари олазарақ бўлиб. Шу тобда Мажидиддин таъбига ёқадиган сўз изламоқда, аммо ақли қандай лутф қилишини билолмай тентирарди. – Жаноблари вазир тайин этилганларини эшитган заҳотим бир сония ҳам турмай Ҳирийга отландим. Не хизматлари бўлса тайёрман. Шаънингизга бир қасида ҳам битмоқдаман.

– Қасида-масидангни тоқчангга тиқиб қўй, – деди Мажидиддин, ёдига яна Навоий келиб. – Ундай нарсаларни жиним суймагай. Гапнинг бўларини айт.

– Хуросон мулкида Султон Ҳусайн Мирзодан сўнг энг саховатли киши ўзингизсиз! – деди Халосий. – Ҳирийга келгач, ҳолимиз танг бўлиб қолди, бир оз кўмак ўтингайдирман.

– Бир оз деганинг қанча?

– Шу, бир-икки минг динор бўлса...

Мажидиддин унга ҳайратланиб қараб қолди. Бир-икки минг динор? Бу ўзига бино қўйган киши бутун бошли уюр ёки сурув пулини сўрамоқда эди.

– Сен ундан ортиғига ҳам лойиқсан, – деди, ҳар хил мажлисларда ҳажв қилиб юрмаслиги учун, сохта лутф билан. – Бироқ, шу кунларда бизнинг ҳам ҳолимиз жуда танг. Айбга буюрмагайсан.

Сўнг ичига эллик динор солинган ҳамённи унинг олдига ташлаб, “Кези келса, улуғ хазиналарга эга чиққайсан”, деб қўйди.

Халосий зотан бу ишнинг кўзламини олган, Мажидиддин минг сўраса бир беришини хомчўт қилиб келган эди. Хушҳол бўлиб, миннатдорлик билдира-билдира жўнаб кетгач, орадан ярим соатлар ўтиб Музаффар барлос кириб келди. Хос суҳбат бўлгани учун хизматчилар четланиб туришар, бир нима келтиришса, анча наридан туриб белги беришарди.

Музаффар барлос у ёқ-бу ёқдан бир оз сўзлаб:

– Навоий билан муносабатни илиқ тутинг, – деб маслаҳат берди унга. – Не бўлса ҳам султоннинг яқин дўстидир. Мирзо ила хилват суҳбатлар қурадир, бир важ топиб унга сиз ҳаққингизда бир нима деса, бошингизни оғритгайдир.

– Менга кара, Музаффар, – деди Мажидиддин чоғир кайфидан юзи кизариб, тили ҳам ечилиб. – Навоий ким? Абусаид Мирзо билан келишолмай Самарқандга кетган, қора кунларда черикликка ёлланган бир навкар. Султон Ҳусайн бўлмасайди, ўша ёқда ўлиб кетар эди. Сену биз киммиз? – деб давом этди у. – Тангри ёрлақан кишилармиз. Ёрлақани боис ҳам иззат-хурматимиз бор. Сен Султон Ҳусайннинг доимо кабатыда бўлдинг, ҳатто муқаррар ўлимдан қутқардинг. Мен фаҳму фаросатим боис, Тангри хуш кўргани учун вазири аъзам бўлдим. Қолдики, агар Султон Ҳусайн марҳамати бўлмаса ҳам сену бизнинг хурматимиз муқаррар бўлаверарди.

– Навкарлик иши қайдан чиқди? – хайрон бўлиб сўради Музаффар барлос.

– Ҳозир билгайсен! – дея, ғуломлардан бирига “Анави навкарни чорлангиз!” дегач, сахн четида Қора Мўғул кўринди. У супа қошига келиб, ғўдайиб турди.

– Ҳай-ҳай, бу дев ким? – хайрон қолди Музаффар барлос. – Эй йигит, яқинроқ кел-чи. Кафтинг қилич дастасидан қадоқ бўлибди... Навкармисан?

– Фаҳмингга балли! Навкар деб айтиб турибман, анча мушоҳададан сўнг навкардир бу, деб ўзимга қайтариб айтасан! – деди Мажидиддин. – Ҳой Қора Мўғул, Алишербек ила навкарлик воқеасини шул оғойингга сўйла-чи.

– Боя айтдим-ку, – деб жавоб қилди Қора Мўғул. – Яна айтайми?

– Менинг тилимдан эмас, сенинг оғзингдан чиқсин.

Қора Мўғул бундан бир неча йил аввалги изғиринли қиш воқеаларини бирма-бир сўзлаб бергач, орага сукут чўмди.

– Черикдан истеъфо... – деди Музаффар барлос. Мажидиддиннинг кўзлари йилт этганини пайқаб, фикрини яна-да қувватлади: – Ул маҳал кўшин бошида Аҳмад Ҳожибек эди. Муҳаммад Иброҳимга кўмак берган қишлоқлар аҳли ёппасига қатл қилинсин дейилмиш. Ўша қилмиши боис Булунғур даштида ўзи ҳам беиззатона ўлдирилди. Лашкарбошининг иши бошқадир, аммо черикнинг сафдан кетмоғи...

– Навоий черикда эди деган гап қандоқ қилиб ақлингда у навкар сафида бўлган, деган хаёлни уйғотди? – деб сўради Мажидиддин. – Ўша кезларда кўшин бошида ким эди? Алишер Навоий черикда лашкарбошилар қаторида бўлгани ҳақиқатга яқинроқ эмасми?

– Билмадим, – деб кўяқолди Музаффар барлос. – Лекин бу мўғулни тузук топибсиз. Узоқлашмаса маъқул, бирор ишда фойдаси тегиб қолар.

– Дўлвор, ҳийла-ю макрни билмайди, ташқида у-бу юмушни қилиб, бир-икки динорини олиб юраберсин. Хулқига қарайдирмиз, – деб жавоб қилди Мажидиддин. – Демак, мажлисларда Навоий черикдан истеъфо берган деб гап тарқагайми?

– Йўқ, у гапни энди айтиб бўлмайди. Чунки яқиндагина ўз оғзи билан илгари Амир Султон Ҳасан Архангийнинг навкари бўлганини айтибди. Парирўлардан ўзини тортишини гапирақолишсин.

– Ҳай-ҳай, парирўлардан чекилиб бўлурми? – Мажидиддин кулиб юборди. – Бироқ, Навоийга қарши ундай демоқ ҳаддан зиёда бўлмай, чунки эл уни пир деб билади. Эшитмадингми, султоннинг ўзи “этаги пок” деб таърифлабди. Тангри таоло унга Марям ўғли Исо хулқини раво кўрган эмиш. Шундай гаплар ҳам борки... – бошини чайқади Мажидиддин, хаёлига келган фикрдан ўзи ҳам чўчиб. – Ҳа-а, шундай гаплар ҳам борки, айтганинг захоти тилинг куйиб кетади, бошинг ариққа юмалайди!

Музаффар барлос Мажидиддин бу сўзи билан қандай гапларга ишора қилганини фаҳмлаёлмай, ҳайрон бўлиб қараб турарди.

– Тавба, – деди Мажидиддин бир оз жимликдан сўнг, ҳар ишни сақич каби чайнашни хуш кўрадиганлардан аччиқланиб: – Кишиларга қиладиган иш қолмабдими, бировнинг бировга майли бор-йўқлигини суриштиргайлар? Модомики сўз канизагу жориялар ҳақида эмас, даражотда тенг никоҳ, яъни ўта маҳрам мавзуда бўлса, ақлли киши буни қандоқ муҳокама қилсин?

Мажидиддин яна бир коса чоғирни сипқорди-да, хўл бўлган мўйловини кафти билан артди:

– Кечаги воқеани эшитмадингми?

– Йўқ, яна нима бўлмиш?

– Андхўй амирининг навкари бир чоракорнинг завжасини отига ўнгариб олиб кетган экан. Эр не қиларини билмай, Навоий қошига арзга келибди.

– Тавба! Нечук амир ё қозига бош урмасдан, шоирга бош урибди?

– Шуни айт... Навоий бу ишни султонга етказиб, золимнинг қатлини тилабди. Султон Ҳусайн эса ўша заҳоти навкарни тошбўрон қилиб ўлдиришга буйруқ берибди...

– Ҳай-ҳай... Тафтиш ҳам қилмабдиларми? – Музаффар бўшашди: – Халқ Навоийни тенги йўқ олим деб иззатлайди. Дунёдан этак силтаган бўлса, на мол-дунёга, на мансаб-лавозимга ружуъ қўйса, нима ҳам қила олардингиз? Султон эса бир мажлисда унга “Пирим” деб мурожаат қилибди. Мирзо ҳазратларининг энг яқин кишилари биз эмасмидик? Бир нима ўйлаб топиб, Навоийни султондан узоқлаштириш керак.

Мажидиддин ўйланиб қолди. Музаффарнинг сўзлари тўғри, эл шоирини беҳад ардоқлай бошлади. Боз устига султон билан хуфя диловарликлари ҳам бор, ундан-бундан эшитган бўлар-бўлмас гапларни ҳукмдорга гуллаб қўйса не бўлмай? Тез ранжиб қолиши боис мана, бир қанча муддатки, машварату йиғинларда бош ирғаб саломлашишдан нарига ўтилмайди. Унинг ёдига яна мавлоно Сонеъий воқеаси келди: Навоий шаънига гард тегишини истамаган султоннинг қилган ишини қаранг!

– Бир йўли бор! – деди Музаффар барлос, бир кўзини қисиб унга кингайиб қараб. – Астробод!

– Тавба-тавба, ундай қарамасанг-чи? Нима қараш бўлди бу, сақо қушига ўхшаб? – деб уни яна койиб берди Мажидиддин. – Астробод дедингми? Уни Астрободга қандай қилиб юборасан?

– Астробод неча йиллардан буён тинчлик билмайди,– деди Музаффар барлос. – Жаҳоншоҳ замонасида ҳам, ҳозир ҳам чайқалиб турибди. Бироқ, салтанат наздида жуда муҳим навоҳий, ипагу зайтундан келадиган даромадининг ўзи бир дунё. У ердаги ишларни Амир Алишергина тартиблай олиши ҳақида султонга шама қилинса...



– Фикринг ёмон эмас. Муни батафсил мулоҳаза қилиш керак экан. Мен бошқа нарсани ўйлаб эдим. Сен Навоийнинг Амир Ҳайдар деган жиянини танийсанми?

– Эшитганман, бироқ дуч келмаганман.

– У Султон Абусаид Мирзо Сарахсда ўлдирган Мирсаид Кобулийнинг ўғли. Ўлгудай гўл, чоғиру маъжунга муккасидан кетган, боз устига, савдойилиги ҳам бор дейдилар. Ўзига танлаган лақабини кўр: “Сабухий” эмиш. Хуллас, ўша Ҳайдар Сабухийнинг қулоғига: “Султон Ҳусайннинг кишилари Амир Алишерни заҳарламоқчи” деган миш-миш етиб борса... Йўқ-йўқ, ҳозир эмас, сен айтган Астробод иши амалга ошганидан сўнг айтилса. Амир узоқда экан, бу гап ҳамма ёққа тарқалади. Навоийга яқин кишилар дарғазаб бўлишлари аниқ. Албатта, бу ишнинг ҳақиқати тафтишда маълум бўлади, бироқ, оқибатда миш-мишни Навоийнинг ўз жияни тарқатган бўлиб чиқади. Ҳайдар ҳам, Дарвишали ҳам узоқни ўйламайдиган, саёз мулоҳазали кишилар, шу билан шохнинг кўнгли амирдан қолса ажабмас.

Музаффар барлоснинг оғзи очилиб қолди:

– Мошоллоҳ! Бундай иш менинг етти ухлаб тушимга кирмаган бўларди, – деди у соқолини тутамлаб.

– Мен яхшилаб мулоҳаза қилиб кўрай, иншоллоҳ, рўёбга чиқса ажабмас, – Мажидиддин суҳбатни яқунлашни истаб, кафтини дуога очди:

– Овмин! Қасд қилганлар паст бўлаберсин!

Шундай деб кулиб юборган эди, Музаффар сўради:

– Нечун куласиз?

– Соқолингни тутамлашингни кўриб, бир мавлоно эсга келди, – деди Мажидиддин. – Шаҳзодалар суҳбатида чоғир келтирмишлар, қуйқа экан. Мастлик андоқ қилибтурки, соқолини косага солиб чоғирни сузиб ичмишдир.

– Сизу бизни ҳам кексалик чоғи ўшандоқ айёмларга еткурсин, – деб сидқидилдан дуо қилди Музаффар ва хайрлашиб, ўз боғига жўнади.

Мажидиддин кайфи чоғ, ўзича бир куйни пўнғиллаб сахни айланиб юрди, гоҳида илжайиб ҳам кўярди. Музаффар барлоснинг “Бундай иш

менинг етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган бўларди” дегани ёдига келиб, янада кайфияти кўтарилди. Кейин супага қайтиб, бояги гап эсига тушиб, соқолини чоғирга солиб тутамлаган эди, қўли ҳам хўл бўлди. Бу иши ўзига нашъа қилиб кулиб юборди-да, қолган чоғирни ҳам сипқориб, думалок ёстикларга бошини қўйиб ухлаб қолди.

### ***ХИЗР КАБИ БИР ЗОТ***

Яна ёз келди.

Шу иссиқ кунларда муҳрдорликдан вазирлик мартабасига тайинланган Навоий қишлоқларга чиқиб, эл ҳаётини кўриб келмоқни тилади. Султондан рухсат бўлгач, Соҳиб Доро, Паҳлавон Муҳаммад, Шайхим Суҳайлий каби бир қанча яқинлар билан йўлга чиқилди.

Халқ турли йўсинда тирикчилик қилиб кун ўтказарди.

Деҳқонлар, хунармандлар, чорвадорлар келгувчиларнинг аввалгидай дағдағаяу ҳайбат қилмасдан сўзлашишидан ҳайратда эдилар. Улар орасидаги нур юзли бир киши барчасидан хоксорлиги билан ажралиб турарди. Кишилар билан мулойим суҳбатлашар, эл учун нималар қилиш кераклигини суриштирар, Мирзо Баҳодир кишилар истакларини дафтарга битар, шу тариқа кимнинг не муаммоси борлиги маълум бўлиб борарди. Қаерга сув чиқариш, қаерга тўғон ёки кўприк қуриш, қайси масжид ё мадрасани таъмирлаш – бари хатга битиларди.

Аввалбошда бегонасираб турган одамлар бундай суҳбатлар сўнгида баҳри диллари очилиб, бисотида бор нарсалардан совға беришларини айтсангиз! Бири товуғини, бири қўзисини, бири қулунини бу ҳурматли зотларга атар эдилар. Шибирғонда бир деҳқон йўл-йўл матога ўралган тўрт дона нон олиб чиқди.

– Мошоллоҳ, бундай саховат Ҳотами Тойда ҳам йўқ, – деди Алишер Навоий, Соҳиб Дорога. – Кўрдингизми, дунё аслида мана шундай кишилар боис мувозанатда тургай. Мундоқ деҳқон Одам сафиуллоҳнинг фарзанди, ўринбосаридир. Сафийдур, яъни танланган, сараланган, тоза, пок кишидир!

Навоҳийлар кезилар экан, халқ орасида шундай гап-сўзлар пайдо бўлди:

– Подшоҳнинг ғоят адолатли бир вазири бор эмиш, исми Алишер Навоий экан.

– Ўзи шоир ҳам эмиш, ғазаллар битармиш.

– Отойи-онойиси оддий кишилар бўлган экан. Шу боис ҳар не бўлса элга бўлсин, дер эмиш.

– Ламғонга борганларида кишилар билан бирга тариқ янчибди. У тариқдан ёрма пиширилгач, ҳамма билан бирга ўтириб ебди. Сўнг тегирмонингиз эскирибди, иншоллох, бу ерда янги тегирмон куриб берурмиз, дебди.

– Салтанат кишиси бундай бўлмас эди. Валий бўлмасин тағин?

– Ким билсин, балки авлиё деганингиз ростдир?

– Хизри аъзам бўлса-чи? Хизри аъзам жўн кишилар қиёфасида юрт кезади дейдилар-ку?

Ҳа, бу содда улус бир одамга меҳр қўйса, кўкка кўтариб мақтарди.

– Вазир бошини эгиб оддий суфрадан таом егач, мунга ишонмасмисиз?

– Мадраса, работ, йўллар куриш ишларини султонга эслатиб турармишлар.

– Ҳар султон ўз номининг тарихга муҳрланишини истар. Султон Ҳусайннинг ҳам шундай нияти бўлса ажабмас.

– Тангрига минг шукр, эл бошига адолатли шоҳ келди. Аввалгилари каби қирғину чопқин килса, нима қила олардинг?

– Ҳа, рост айтасиз. Бироқ, Алишер Навоий султоннинг энг яқин дўсти экан. Эл учун қилинадиган ишларни ҳар доимо Навоийга маслаҳат солар эмишлар...

Бу гапларда жон бор эди. Алишер Навоий Ҳирийга қайтгач, Ҳусайн Мирзога ўз мулоҳазаларини бир-бир баён этди. Шу куни улар орасида мадрасалару мақбараларни таъмирлаш, работу кўприклар, тўғону тегирмонлар куриш ҳақида маслаҳат бўлиб ўтди. Султон Ҳусайн Навоийнинг сўзларини диққат билан тинглади.

– Аввал буки, жомеъмизни таъмирлатсак, – деди Султон Ҳусайн. – Бу ишда Дамашқ усталари мохирдирлар, устунлар уларга берилса, деб ният қилдик. Кобул ёқасида бўладиган яшил мрамрдан келтирилиб нақш урилса. Мен уста меъмор Мирийни бу иш ила чорлатиб эдим. Мадраса тарҳи ҳам битмишдир.

Саломхонада кутиб ўтирган жиккак гавдали, серҳаракат киши – Мирий таъзим қилиб кириб келди-да, қўлидаги қоғозларини ёйиб, янги барпо этиладиган ва таъмирланадиган даргоҳларнинг режаларини бирма-бир кўрсатди.

– Тўрт юз уч гумбаз, бир юзу ўттиз равоқ, қирқ тўрт устун! – дерди Мирий, тантанали овозда, хурсанд бўлиб. – Ёруғ дунё тарихида бундай улкан масжид фақат султонимизнинг марҳаматлари туфайли қад кўтаргайдир.

– Ўз номимизга ҳам мадрасалар бино қилсак, Гозургоҳдагисини “Мадрасаи Ҳусайний” десак, – деди Ҳусайн Мирзо. – Иккинчисини эса “Боғи Сафо” деб номласак?

– Мирзомизнинг гўзал абъётларидан дарак бермоғи учун “Мадрасаи Бадиия” дейилса, – деди Навоий. – “Боғи Сафо” ўрнига “Боғи Байтул-имон” бўлса. Ёки беш иқлим чаманзорини мужассам этгани боис “Боғи Хамса оройи” дейилса.

Ҳусайн Мирзо табассум билан:

– Ғоят нозик! Каминага ҳам адаб бердингиз! – деди бу гапни кўнглига олмай. Чунки, Амир Алишер “Боғи Сафо” дейилиши дунё кайф-сафосини, “Боғи Байтул-имон” эса имон-эътиқод бўстонларини билдиришига ишора қилмоқда эди.

– Фақирнинг ҳам бу йўсинда бир арзи бор, – деди Алишер Навоий. – Мирзомизнинг мурувватлари боис ихтиёримда бир қанча маблағ тўпланди. Мен ҳам ул сафда бир нималар иншо эттирсам. Бир замонлар, ғурбатли кунларимда устимда тўнимдан бошқа ҳеч нима йўқ, фалакдан бир имдод етишини орзулаб эдим. Тангрига минг шукрки, фаровон кунлар юз очди. Энди дунё-ю охиратни кўзлаб иш қилсаму ҳар ишимда мирзомизнинг ҳам

исмларини зикр этсам, шоядки, менга қилган марҳаматлари боис зиммамга келган бурчларнинг кичик бир қисмини адо этсам.

– Сизнинг тоза қалбингиздан бундан ўзга сўз чиқиши амри маҳол! – деди Султон Ҳусайн. – Бир қанча эзгу ниятларимиз бор, уларни рўёбга чиқаришга бош-қош бўлгулик киши излагай эдик. Пирим ўзлари бош бўлсалар.

– Бош устига! – деб жавоб қилди Амир Алишер. Султон унинг халқ корига ярайдиган хизмат учун ҳар доим тайёрлигини биларди. Навоийнинг жавобидан унинг кўнгли чироқ ёққандай ёришиб кетди.

Суҳбат тугаган бўлса-да, Ҳусайн Мирзо дўстининг тараддудда эканини кўриб, сўради:

– Бизга яна бирор юмушингиз борми?

– Аллоҳ сақласин! Изн берсалар, арзимиз бор! – деди Навоий. – Бир қанча Ҳирий кишисининг Хоразмга кўчмоғи ихтиёр қилинибди.

– Шундоқ, – деб тасдиқлади Ҳусайн Мирзо. – Низомулмулкнинг мулоҳазаси эди. Ўйлаб кўриб, ҳақли дея қарор қилдик.

– Муҳтарам мирзомизга аёнки, Хоразм иқлими Ҳирий иқлимидан кескин фарқ қилади, – деди Алишер Навоий. – Ҳирий кишиси Хоразм табиатини англагунча неча йиллар ўтгайдир. Хотирга келдики, Хоразм элидан бир қанчаси Ҳирий келсалару зироатни ўргансалар, ўзаро муҳокама қилсалар ва шерикчиликда иш қилсалар. Хоразмга ихтиёрий бормоқчи бўлганлар бундан мустасно, албатта.

– У иқлимни мен яхши билурман. Султон Санжарнинг куёви эканимни унутдингизми?– деди Ҳусайн Мирзо, ҳазиллашиб. – Жайхун навоҳийси ўтга созвор, бир таёқ суқилса кўкаргайдир. Қолаверса, шунча киши борса, Шайх Баҳлулбекка ҳам жамоат бўлгайдирлар.

Ҳирий кишилارининг Хоразмга кўчиши ҳақидаги фармондан бир неча ой аввал Навоийнинг оғаси Баҳлулбек Хоразм амири этиб тайинланишига доир фармон имзоланган эди.

– Ўзингининг менга берган буйруғингизга биноан, ҳар бир иш ўринсиз воқеъ бўлса, тўққиз галгача айтишга ҳақлиман, – деди Алишер Навоий. – Қолдики, яна бир қанча марта қайтарсам айбга буюрмагайсиз.

Султон Ҳусайн яна кулиб юборди. Кулгиси қаттиқ, маза қилиб, силкиниб-силкиниб, юракдан куларди.

– Пирнинг муроди бош устига! – деди сўнг. – Бироқ, сиёсатимиз сўзимизни тутмоғимизни тилайдир. Бу иш фармон аввали бўлсайди, тамомила бекор қилардик. Аммо сизнинг сўзингиз мўътабардир. Рухсатингиз ила уч минг эмас, минг хонадон Хоразмга кўчсин.

Навоийга қолса, бир хонадоннинг кўчишига ҳам рози эмас эди. Бироқ, энди ортиқча сўз айтмоққа имкон қолмади. Хайрлашиб кўшқдан чиққанида гўё олам кенгайган, чексиз даражада гўзал кўринарди.

Унинг бу кайфияти эл учун арзирли бир хизмат қилганида эди. Кўз ўнгида шу кунларда ўзи кўриб-сухбатлашган юзлаб кишиларнинг сиймоси турарди. Эл! Бу ардоқли, қадрли эл учун ҳар нарса қилса арзийди. Орасидан қанча олиму авлиё етиштириб чиқазган экан, кўздан ниҳон яна қанчаси ҳозир тоғу тошлар, далаю яйловларда қиймати билинмасдан умри ўтаётгандир? Орасида дуосяю тилаги ижобат бўладиган яна қанчаси бордир?

Навоий “Унсия”га бормасдан, Ҳавзи Моҳиёнга – меъмор Мирий ёнига кетди. Тамал усталари, ғишт урувчилар, безовчилар, меъморлар тайин қилинган, ишлар қизгин тус олган эди. Халқнинг тутуми янада ажиб бўлди: ғарибу қашшоқ кишилар ҳам латта-путталарга ўроғлиқ ақча, мато ёки наMAT кўтариб келишар, асрлар бўйи қад кериб турадиган мадраса иморатида ўз ҳиссаси бўлишини, неча асрлар муттасил савоб етиб туришини орзулашарди. Бундайлар жуда кўп, ҳар куни ўнлаб одам иншоотга бош уриб келарди.

Жомеъ масжиди таъмирланиб, кутилганидан ҳам кўркам бўлиб кўкка бўй чўзганида Султон Ҳусайн Ҳисор ғалаёнини бостириш учун кетган эди. Ғалаба қозониб қайтиб келганида, ўхшаши йўқ ажойиб масжидни кўриб севинди. Шундан сўнг Алишер Навоийга ўз иншоотларини барпо этишга рухсат берди.

Меъмор Мирий аллақачон янги қурилажак масжиду мадрасалар тарҳини чизиб бўлган, Алишер Навоий шоён меҳр қўйган ёш мусаввир Беҳзод бошқа бир қоғозга унинг суратини ҳам чизган, унда бир қанча кишилар масжидга кириб-чиқаётгани, юксакда эса Алишер Навоий аҳбоб ила мажлис қуриб ўтиргани, ундан ҳам юқорида оқ булутлар ва заррин қуёш тасвирланган эди. Навоий Беҳзодни алқаб, мажлис сурати масжиддан юқорида эмас, қуйида бўлмоғи маъқуллигини айтиб, яна меъмор чизган тарҳга қайтди. Гап куббалар саноғи устида қолган эди.

– Ўн икки куббалик қилинсами ёки тўрт куббалими?

Навоий ўйланиб туриб:

– Мирзо жаноблари тўрт куббали қурдирганларида, бизлар ҳам шундай қилмоғимиз одобдан бўлмас, – деди. – Икки кубба, бир гумбазли бўлса бас.

– Мадрасаси тарҳида ҳам баъзи тузатишлар қиламан деган эдингиз...

– Мен таълим олган мадрасаларнинг дарчалари кичик, шу боисдан нимқоронғи бўлар эди, – деди Навоий. – Кўз нури харжланиб илм олингайдир, шул сабаб нурафшон бўлмоғига эътибор қилинг. Кузу қишнинг қора совуқларида иссиқ ҳам бўлсин. Иситмоқ учун Бухорою Самарқандда қўлланилган усул қўлланса маъқул. Яъни, ўчоққа ёқилган ўт тутуни девор орасидаги кичик қувурлардан ўта-ўта, бир неча хужрани иситишини кўзда тутинг.

Иморатларнинг номланишига келинганида, ҳамма бир овоздан бу ишни Алишер Навоийга арз қилдилар. Мадраса ёки жомеъ барпо қилган кишилар унга ўз номини бериши урф эди. Шу сабабли, кимдир “Мадрасаи Алишерий”, кимдир “Навоий” бўлишини таклиф қиларди.

– Йўқ-йўқ, – деди Алишер Навоий. – Толиблар илм истаб, ихлос ила келгайдирлар, “Ихлосия” бўлақолсин. Хонақоҳ эса, дарвишлару тариқатдагилар зикри само ва тафаккурга берилмоқлари учун “Халосия” бўлсинки, олам ташвишларидан халос айласин. Атиббо<sup>1</sup> хаста кўрмоғи ва маъжун ҳозирламоғи боис қулай ҳам ёруғ бўлгайки, элу улус даво истаб

---

<sup>1</sup>Атиббо - табиблар

келса муродига етсин, “Шифоия” бўлсин. Кутубхонанинг номи “Қория” эмас, “Дорул-хуффоз” бўлсин!

Навоий ўзи қурдирган иморатларнинг биронтасига ўз номини бермагани ҳам эл-улуснинг ҳайратига сабаб бўлди.

Ҳирийдан ташқари, Марв-у Машҳадда, Балхда, кичик қишлоқлару қарвон йўлларида ҳам эл қунига ярайдиган бир талай иншоотлар бунёд этилмоқда эди.

Работлар мусофир юкини енгиллатмоқ учун барпо қилинган, чунки мусофир дуоси қабулдир. Турли бўлуқларда сув муаммо бўлгани учун суви доимо алмашиб турадиган ҳовузлар қазилар, ариқлар очиш, тўғонлар кўтариш, кўприқлар қуриш ишлари давом этарди. Хўжа Аҳрор валийнинг “Зикр ва мувоқабат, бирор мусулмонга яхшилик бахш этувчи хизмат бўлмаган пайтдагина бажарилади. Инсоннинг кўнглини чароғон этишга сабаб бўладиган хизмат – зикр ва мувоқабатдан анча олдин келади” деган ўғитининг ҳақиқати мана шундай зухур этди. Эл қорига ярайдиган бунча иншоотлардан келадиган тоғ-тоғ савоблар билан зикру мувоқабатдан келадиган савоб тенг бўла олармиди? Инсонни бениҳоя юксакликларга кўтариб дуо қилувчи мўминлар бўлмаса, ундай яхшиликлар, ундай савоблар қаердан ҳам келсин? Қолдики, шу эл, шу халқ мудом бор бўлсин, дунё тургунча турсин!

Булар – қалбни қуёшдай ёриштирадиган ишлар бўлгани учун Навоийнинг кайфияти чоғ, усталар билан гоҳ ҳазиллашар, гоҳ эса, ич-ичидан тошиб келган ғайрат ила, уларга қўшилиб тер тўкиб ишлар эди.

\* \* \*

Бир куни пешин намозидан сўнг қабул маҳали раият орасида мавлоно Алишоҳ киришга изн сўраётгани айтилди.

– Мавлоно Алишоҳ? – хайрон бўлиб сўради Алишер Навоий. – Тўғридан-тўғри келабермай, нечун додхоҳга<sup>1</sup> келибдилар, хайрдир?

Очиқ эшикдан ўрта бўйли, тўладан келган, қизил юзини қалин мошгуруч соқол қоплаган мавлоно кўрингани ҳамано унинг истиқболига юрди.

---

<sup>1</sup>Додхоҳ – арзу шикоятлар қабулхонаси.



– Бизни маҳжуб қилдингиз, устоз, – деди Навоий унинг қўлидан тутиб, паст курсилардан бирига ўтирғизиб, ўзи ҳам қаршисига чўкиб. – Не юмуш ила келдингиз?

Дарҳақиқат, муддаосини бир мактуб ила билдирмоғи осон бўлган, девонга ҳам, кўшкка ҳам бемалол кириб-чиқа оладиган мавлононинг арзга келмоғи ажаб эди.

– Олий илтифотингиздан ва марҳаматингиздан умид шуки, – деди мавлоно Алишоҳ. – Хазиначилар олти ойлик маошимни бирданига берсалар, токи мен ҳар ойда хизматчиларга бош оғриғи бўлиб юрмасам...

Алишер Навоий кулимсиради:

– Мавлоно, умрингиздан олти кун қолганми-йўқми, маълум эмас. Сиз нима учун омонат ҳаётга мунчалик кўнгил кўйиб, келажак олти ойлик маошни талаб қиласиз?

Алишоҳ кулгисини соқол силаш баҳона бармоқлари билан яшириб, жавоб қилди:

– Сиз фармон беринг, у пулларни бераверсинлар. Борди-ю ўлиб қолсам, гўр-кафанимга яраб кетар.

Навоий, нигоҳида мутойиба учқуни йилт этиб, муншийга қараб буюрди:

– Устоз Алишоҳнинг айтганлари ҳисобланиб, истаги адо қилинсин!

Мавлоно “Куллуқ, куллуқ” деб бош эгган эди, Навоий ҳозиржавоблик билан кўшимча қилди:

– «Ўлиги ҳам бир бало, тириги ҳам бир бало» деганлари сиз экансиз-да...

Бу ўткир ҳазилга ҳамма кулиб юборди. Қабулхона кўриқчилари ҳам, мунший ҳам, додхоҳбеги ҳам кафти билан оғзини бекитиб, пиқ-пиқ кулишарди.

Халқ Навоий мажлисларида улуғ алломалар, шоирлар, фозиллар йиғилишини айтиб ҳавас қиларди. Кўпчилик учун у мажлислар етишиб бўлмас мартаба эди.

Кимдир ҳазрат Навоийнинг юксак мажлисларида қатнашиб бир муаммони еча олдим, у киши мени алқадилар деб кўкрак керса, яна кимдир у

билан қўл бериб кўришганини айтиб мақтанарди. Нозиктаъблигини, тез ранжишини айтиб юришарди. Эл орасида кишилар завқини келтирадиган, Навоийнинг донишмандлигини кўрсатадиган ҳикоятлар кўп, уларни ҳар ерда эшитса бўларди.

– Бир куни бир шоир ҳазратга: “Икки пуллик шам битиб тугагунча бир канча ғазал ёздим”, дебди. Шунда ҳазрат мулоимлик билан дебдилар: “У ҳолда ёзганларингизнинг қиймати ҳам икки пуллик экан-да?”

– Ия! Мавлоно Осафийни айтяптилар-ку?

Кишилар завқланиб-завқланиб кулишарди. Шоирнинг топқирлигига ва ҳозиржавоблигига, илтифотли қочиримларига қойил қолишарди.

Дарҳақиқат, Навоий мажлислари пухта тартиб билан, сайланган кишилардан таркиб топар, бадфеълу бадхулқ ёки ўйламай сўз айтадиган кишилар яқин йўлатилмас эди.

Булардан янада зарофатлироғи мавлоно Восифийнинг ҳикоятлари эди. Зайниддин Восифий турли зиёфат давраларини хуш кўрадиган надим киши бўлиб, ҳар жойда шу ҳикоятни айтиб юрарди.

Бир куни саховат майдонининг эгаси Алишербек бурунги зариф кимсалардан ўзининг қизиқ кўриниши ва ажойиб сўзлари билан машҳур Мавлоно Шаҳобиддин Мудаввинга бир от инъом қилибди. Бу илтифот муносабати билан Мавлоно ўзини олий ҳазратнинг энг яқин кишилари қаторида ҳисоблаб, хизмат ва мулозиматни ҳаддан ошириб юборибди. Масалан, ҳар қачон отга миниб бирор жойга борилса, у киши ҳам бориб хизматда бўлар, қайтиб уйга келинганида эса дарбозадан бир қадам нарига силжимас экан. Шу сабабли лутф ва қарам манбаи Алишер Навоий ундан жуда тангликка келибди. Бироқ ўзининг олий хулқи у кишининг дилини оғритишга ва очикдан-очик ўз мулозиматидан қайтаришга йўл қўймас экан. Шу сабабли хизматчилардан бири Алишербекнинг буйруғи билан, ўғрилиқ тариқасида Мудаввиннинг уйига йўлланибди ва отини олиб, тезлик билан бозорга келтириб сотибди. Мавлоно у одамни ҳақиқатан ўғри ҳисоблаб, орқасидан қидириб, икки тош йўлни пиёда босибди ҳамки, отдан ҳеч асар

топмагач, бу воқеадан ҳайрон бўлиб, яна иззат денгизи Амирнинг мулозиматига югурибди ва ўзининг саргардонлик кайфиятини арз қилибди. Олий ҳазрат дебди:

– Биз отингизнинг баҳосини берамиз, шу шарт биланки, бундан сўнг от сақламайсиз ва отга минган чоғимизда бизга ҳам бош оғриғи бўлмайсиз!

Мудаввин рози бўлибди. Шу чоқда Амир маълум миқдор ақчани Мавлонога берингиз, деб буюрибди. Ҳийлакорлик қилган киши Мавлонога тўқсон тўрт танга санаб берибди. Мавлоно таажжубланиб:

– Инъом қилинган ақча юз танга бўлиши керак, нима учун олти танга кам?

Сухбатда ҳозир бўлганлардан бири жавоб қилибди:

– Мавлоно, афсуски, отингизни шундан ортиққа олмадилар!

Буни эшитганлар қотиб-қотиб кулишарди.

Яна бир миш-миш Навоий билан Султон Ҳусайн дўстлиги ҳақида эди. Эмишки, бир киши саховатли амирдан анча-мунча қарз сўрабди. Амир ўз олижаноблиги юзидан рад қила олмай, айтилган маблағни берибди. Шунда қарз олгувчи киши қарзни қайтариш муддатини сўраган экан, саховатли амир:

– Қачонки Султон Ҳақ раҳматига қовушсалар! – деб жавоб қилибди.

Бу гапни фитначилар дарҳол султонга етказишибди. Энг яқин дўстидан бундай сўз чиққанига ғазаби келиб, амирдан кўнгил узишини, орага совуқчилик тушишини кутишибди.

Бироқ, Султон Ҳусайн Навоийнинг муддаосини дарҳол фаҳмлабди:

– Алишербекка тасанно! – дебди. Сўнг анграйиб қараб турган гап ташувчиларга моҳиятни тушунтирибди: – У гапдан муддао шуки, олган кишининг қарзни қайтаришга ҳали-бери қурби етмагай. Шу боис туну кун Тангрига ёлвориб, бизнинг умримизнинг узоқ бўлишини дуо қилгайдир, Навоийнинг нияти шундоқ бўлгандир!

Эл орасида шундай гап-сўзлар оғиздан-оғизга ўтар экан, айни чоғда “Шифоия”, “Дорул-хуффоз” иншоотлари тамомланмоқда, работлар қошида

жонлиқлар сўйилиб, дуолар қилинмоқда эди. Айниқса, Ҳирий ташидаги кишлоқларга сув чиқарилганида эл шодланар, қариялар у зилолни юз-кўзларига суришарди.

\* \* \*

Бир неча йил ичида иморатлару тимлар, дўконлару хаммомлар, мадрасалар қурилиши ниҳоясига етди. Алишер Навоий уларни бир-бир айланиб чиқди. Сўнг “Ихлосия”га кирилиб, Шайхим Суҳайлий ва Соҳиб Доро билан биргаликда бу даргоҳнинг мударрису хизматчилари муҳокамасини қилдилар.

Шайхим Суҳайлий Навоий ўрнига муҳрдорликка тайинланган, фурсати йўқлигидан доим шошиб-пишиб юрарди. Ҳозир ҳам бир нафасга “Ихлосия”га келган бўлса-да, кўшкка қайтиш мажбурияти қалбида хавотирини ошириб, типирчилаган кўйи дерди:

– Ўқингиз-ўқингиз, вақтни кеткирмангиз!

Навоий бир қанча ипак қоғозга ёзиғлиқ мавзуотни ёйиб:

– Сизларнинг тасдиғингиз муддаомиздир. Сиз тасдиқ қилсангиз, Мирзомизнинг назарларидан ўтказурмиз! – деди. Сўнг бирма-бир тушунтирди:

– Вазифали арбоб икки комил эътиқодли мударрис бўлгай. Ҳар бирининг йиллик маоши бир минг икки юз олтин нақд, йигирма тўрт юк ошлиғким, тўртдан бири арпа, яна тўртдан бири буғдой бўлгай.

Ҳар ҳалқаи дарсада ўн бир толиби илмким, бориси йигирми икки бўлгай, олти аъло; ҳар бирига ойлик йигирми тўрт олтин, йилда беш юк буғдой юк, васат – саккиз, ойлиғ ҳар бирига нақд ўн олти олтин, буғдой - йиллик тўрт юк, адно – саккиз, ойлиғ ҳар бирига нақд ўн икки олтин, ошлиғ йиллик уч юк.

– Ҳай-ҳай! – деб юборди Соҳиб Доро, ҳайратланиб. – Бунча маош! Амир хазратлари мени ҳам мударрис ё мударрис ёрдамчиси, ё ҳеч бўлмаса қоровул қилиб тайинласалар бўлмасми?

– Олти хушовоз Қуръон ҳофизидан мусаддирга йиллик нақд беш юз олтин, муносафа ошлиғ ўн бош юк; сойирдин ҳар бирига йиллик нақд юз саксон олтин, буғдой тўрт юк. Шайхга йиллик нақд минг олтин, муносафа ошлиғ ўн юк.

Шу тарзда воизга, имомга, мутаваллига, ходиму фаррошларгача маоши тайин қилинган:

– Не дерсиз, ёронлар? – деб сўради Алишер Навоий. – Маошлар уларнинг қилган хизматига муқобилми? Рози бўлурларми? Ё бирор бир хусусда нуқсон қилдикми?

– Мадрасаларнинг вақф ҳисобчилари ҳам бунчалик адолат ила тақсимлай олмаслар, хўб маъқул бўлмиш! – хайратини яширмади Шайхим Суҳайлий.

– Бу кунлар эсда қолсин, Шайхим! – Соҳиб Доро хавасланиб, яна сўз кўшди. – Амир жаноблари илтифот қилсалар, ўша кунлар келиб ҳалвою ҳалим еб кетгаймиз.

Навоий хизматчиларнинг йиллик қиладиган ишларини ҳам бирма бир аниқлаб чиққан экан, шуларни баён қилди. “Мутавалли ҳар йил юз пўстин, юз капанак, юз бўрк, юз кафш, юз кўйлак, юз тунбон сотиб олиб, ҳар қайсини муносиб тарзда икки мударрис иттифоқи била эҳтиёжи борларга улашсин. Ва ҳар йил тўрт юз олтин хонақоҳ, гумбаз, мадраса ва масжид ва Дорул-хуффоз учун кигиз-шолча ва ёруғлик учун ажратилгай, қозон-ўчоқ, идиш-оёқ, қошиқ-пиёла ва шу турли неки керак бўлса, тартиб қилиб бергай. Ходим ва фаррошлар ҳар кеча мадраса масжидидаги долонида, дағи «Дорул-хуффоз»да, дағи хонақоҳ гумбазида ва даҳлизларида шам ёндиргайлар. Яна шарт улким, қор аритишда муқри ва ходимлар ва фаррошлар ва табақчилар – барча бир-бирига мадад бўлуб, аритгайлар. Ва ариқ олишдаким, балчиқ била кумни ариғ ёқасига йиғарлар - мутавалли муздур тутиб кўтаргай.

– Қор аритиш-у ёмғир сувини кетказишгача ёддан чиқармабсиз!

– Ниҳоясида мавзуот тартибига рубоий ҳам кўшилди, бу ишлардан муддао-ю тилак англанилди, – деди Навоий. – Деворга осилгайки, ғараз ила биров кирса, ўқиб инсофга келгайдир.

*Олам ишидин мени малул эт, ё Раб,  
Фақр эмгаги тортарга ҳамул эт, ё Раб.  
Бу ишки, сенинг ризонг учун қилмишмен,  
Ҳам айни ризо била қабул эт, ё Раб.*

*Бу қондани кимки тузар, бор бўлсун,  
Тангри бори ҳолатда анга ёр ўлсун.  
Ким бузса, бузуқлуққа сазовор ўлсун.  
Ҳақ лаънату қаҳрига гирифтор ўлсун!*

– Ғоят қаттиғ айтилибди, – жиддийлашиб деди Суҳайлий. – Муни ўқиганлар ўнғайсиз ҳолга тушмаслармикин?

Соҳиб Доро эса ҳар доимги мутойибасини қилди:

– Тақсир мутаваллидан фаррошгача тайин қилибдилар, дўстларнинг ҳоли не кечгай? Йиллик эмас, кунлик бир бурда нону бир коса сув ҳадя этсалар бас, хизматларини қилгаймиз.

Шу тариқа, уч дўст “Ихлосия”дан “Халосия”га, ундан “Шифоия”га ўтиб, куёш ботгунгача қолиб кетишди.

\* \* \*

Навоий “Унсия”га кириб келганида Бектош бобо ариқ бўйида ўтириб, оқ гул очган яшил ялпизларни бирма-бир юлаётган экан.

– Ҳай-ҳай, нималар қияпсиз? – деб уни тўхтатди Навоий.

– Ғовлаб кўзга хунук бўлиб кетибди, ораста қилиб қўймоқчиман, – деб жавоб қилди қария, пешанасидаги терни белбоғи билан артиб.

– Кўяберинг, ўзига яраша кўрки бор. Ҳаддан зиёд ғовлаган бўлса чилпиб қўйсангиз бас, бироқ ҳаргиз илдизидан юлиб қуритманг.

Шундай деб ўтиб кетди-да, ичкари кирмай, сеvimли бинафшазорини бир оз айланиб юрди. Изига қайтаркан, Бектош бобога:

– Бечорани кўринг! Томиридан тупроққа боғланган, заиф, хоксордир. Бу тақдирдан қочай деса, ҳеч қочолмас! Шу ҳолида Тангрига ҳамду сано айтгайдир, худди бизларга ўхшайдир! – деди. – У шўрликка сизу биз шафқат қилмасак, ким қилгай?

Бектош бобо ўнғайсизланиб, бир хожасига, бир ўтларга қараб турарди. Навоий унинг тушунмаётганини сезиб:

– Осмонлардаги ва ердаги бор нарсалар Аллоҳга тасбеҳ айтурлар. Унинг ҳамди ила тасбеҳ айтмаган ҳеч бир нарса йўқ. Раъд, яъни момақалди роқ ҳам унинг ҳамди ила тасбеҳ айтадир, дейилганини эшитмаганмисиз? – деди юмшоқлик билан. – Юлмоқ ила уларнинг ҳамду саносини тўхтатурмисиз?

– Ҳеч хабарим йўқ экан, узр, – деди Бектош бобо ўнғайсизланиб.

Шоир бош ирғаб, кутубхонага йўл олди. Бектош бобо шоирнинг айтганларини мулоҳаза қиларкан, эсига Марвда бўлиб ўтган воқеа келди.

Бултур қишни Марвда ўтказишга қарор қилинган, сарой аъёнлари бир қанча муддат ўша барҳаво масканларда қишлаб қолишган эди. Баҳор келиб, барча Ҳирийга қайтишга тайёрланар экан, Навоий чодирда бир мусича ин куриб, бола очганини кўрди-да, чодирни бузмасликни тайинлаб, мулозимларидан Хожа Ҳасан Бахтиёрни то мусича полапонини учирма қилмагунча кетмаслигини тайинлаб, ўша ерда қолдириб келди. Хожа Ҳасан то мусича полапонини учирма қилиб, ўзи ҳам қайгадир учиб кетмагунча пойлоқчилик қилиб ўтирди. Бўм-бўш ин эса ҳамал шамолларида хасдай сочилди. Хожа Ҳасан Ҳирийга келгач, “Алишер Навоий бу иши билан ҳам мусичага, ҳам менга раҳм қилди. Бўшаб қолган ин менга ўз ҳаётимни эслатди” дея, шуларни айтиб берган эди.

Бироқ, чол бўшаб қолган мусича инининг Хожа Ҳасан ҳаётига ёки раъд қандай қилиб тасбеҳ айтади-ю унинг ғовлаб кетган ўтларга нима алоқаси бор, барибирам тушунолмади. Айтилган сўзларни амирнинг кўнгилчанлигига йўйиб, яна ўз ишига машғул бўлди.

Аслида эса, Алишер Навоий боғбонга кўнглининг тубидагиларни айтди. Тангрига шукр, халқ дуосини олиш учун бир қанча иншоотлар барпо этилди.

Улар Аллоҳ хоҳлаганча вақт ер юзида туради ва вақти келиб тупроққа кўшилиб кетади. Совурилмайдиган мангулик иншоотларини – санъатга йўғрилган билим ва ҳикмат асарларини бунёд этиш вақти аллақачон етган эди. Бунинг учун эса, фурсатни ўтказмасдан, ушбу муддаони султон дилини оғритмайдиган тарзда баён қилиб, изн олиш лозим. Навоий бу борада узил-кесил бир қарорга келиб, эртасигаёқ султон ҳузурига боришни дилига тугиб қўйди.

### **ФИТНА**

Хусайн Мирзо тажрибали ва ақлли лашкарбоши бўлиб, ғалабаларининг барчаси унинг зукколиги ва донолиги боис эди. Урушга кирмасидан аввал ёвни пухта ўрганар, кўшиннинг нима еб, нима ичишидан то аслаҳасининг турларигача, қанча баҳодиру қанча сарбози борлигигача билиб олар, шунингдек, урушга кириладиган ернинг паст-баланди, суви қай томонда эканигача тафтиш қилиб, уни ўз ғалабаси йўлида ишлатарди. Бу муаззам салтанат кенгликларида фақат Астробод билан Ҳисор нотинч бўлиб, шу икки навоҳийда гоҳ-гоҳ ғалаён оловлари ёлқинланиб турарди.

Астробод эскидан Гургон деб аталиб, теурийлардан аввалроқ – Султон Маҳмуд Ғазнавий замонасида “Астаробод”, яъни мулкнинг астари, чети деб номланган эди. Бу муаззам навоҳий Ёқуббек бошлиқ Ироқ салтанатига чегарадош бўлгани учун, вазият у ерга тажрибали, донишманд бир кишини тайинлашни тақозо этарди. Аввалига у ерга Мажидиддинни юборишга кенгашилди, аммо Мажидиддин турли баҳоналар билан Астробод сафаридан қутулиб қолди.

Бир куни у хазина тушумларини ҳисоб-китоб қилиб ўтирар экан, аъёнлар ва бекларнинг мулкларига эътибор қаратди. У мулкларнинг кўпи султон Хусайннинг жўмардлиги боис ҳадя қилинган, улардан келадиган бойлик мислсиз эди. “Сут ҳовузлари, мураббо-ю тотлиқ ҳовузчалари, олтин у кумушдан қуйилган қандлару ҳолвалар шулардан экан-да”, деб ўйлади у хаёлига келган фикрдан шодланиб.



Ҳисоблаб кўриб, ўзининг бойлигию мартабаси янада ошишига амин бўлгач, султонга арз билан киришни тилади. Ҳусайн Мирзо ҳузурига киргач эса, мулоҳазаларини бир-бир баён этди.

– Уруш беклари ила уламо мулкига тегинилмас, ясоқдир! – деди Султон Ҳусайн.

– Албатта тегинилмас, у мулклар ўзларида қолгай, – деб жавоб қилди Мажидиддин. – Фақат солиқ солингай.

Ҳақиқатан ҳам, агар солиқ солинса, хазина даромади деярли икки мисли кўпаяр эди. Вазир султонга ўз ҳисоб-китобларини кўрсатди. Султон ўйлана-ўйлана розилик бергач, енг шимариб ишга киришди.

Яғмочилару навкарлар мулкларни бир-бир кезишарди. Бу – Мажидиддиннинг барча устидан ғалабаси эди. Баъзи беклар совға-саломлар юбориб, мулкларига тегинилмаслигини ўтинишар, қибор вазир эса совғаларни қабул қилмасдан қайтариб юборарди. Таноб-таноб ерлар, боғу роғлар, кишлоқлар эгаси бўлмиш кишилар бу фармондан довдираб қолишди. Солиқ? Суюрғолга ҳам, тархонга ҳам? Ахир, хонавайрон бўламиз-ку?

Мулклар ўлчаниб баҳоланар, ҳосил чамаланиб нисоб чиқарилар, тўлов учун муддат белгиланиб, хат имзолатиб кетиларди. Аввал қора халқ елкасидаги солиқ машаққати энди ўртаҳоллар ва юксак мартабали кишилар зиммасига тушиб, ҳаммани эсанкиратиб қўйди.

– Хазина шу тарз тўлдирилар эканми?

– Удумга кўра, уруш бекларининг мол-мулкига тегинилмас. Чунки жонини гаровга қўйиб, чопишиб-санчишиб қозонгандир. Кимдан чиқибди бу иш?

– Мажидиддиндан дейдилар...

Умаро наздида бу адолатсизлик эди. Ҳақиқатан ҳам, уруш бекларига савашу сўқишлардаги жасорати ва қаҳрамонлиги боис жулду, яъни совға сифатида берилган ер-сувлар дахлсиз эса, уламонинг илми боис берилган мулклар ундан ҳам дахлсизроқ ҳисобланарди. Бу гап юмшоқроқ шаклда

Мажидиддинга ҳам етиб борди. Мажидиддиннинг қаҳри келди, кенг юзига ғазаб булути инди.

– Султон Абусаид замонида гавҳардан кўра тош яхши деб навҳа уриб юрмасмидингиз? – деди ҳурпайиб. – Бу кун маошингиз соз, даромадингиз созвор, аммо кўзингиз тўймайдир? Салтанат боиси рўзгорингиз бой, хазинадан уч-тўрт ақчангизними қизғонурсиз?

– Саййидларнинг мулкларини не қилгаймиз?

– Саййидми-маййидми, барчасига солиқ солингай! – деди Мажидиддин. – Пайғамбар ҳазратлари оламдан кетганларига саккиз юз йил бўлди. У ёғини сўрасангиз, мен ҳам пайғамбар авлодиданман! – деган эди, ҳамма хайрат билан унга қараб қолди.

– Кўзингизни мунча ола-кула қиласиз? Одам Атони айтяпман! – деб тиржайди Мажидиддин. – Кўрдингизми, ҳам ота, ҳам она тарафдан бирмиз. Барча тенг бўлмоғи жоиз эмасми?

Унинг қўпол гапларидан мажлис аҳли ёқа ушлаб қолди. Мажидиддин гап тамом дегандай қилиб девондан чиқди. Чиқишда Қора Мўғулга дуч келди. Қора Мўғул хожаси отининг жilовини тутиб, сўл томонини рўпара қилиб турар эди.

– Сен, – деди Мажидиддин, отга мингач. – Оқшом чоғи қошимга кел. Бир-икки юмуш бергайман.

Қора Мўғул боши ерга теккудай бўлиб таъзим қилди. То Мажидиддин олислашгунча шундай турди, кейин қаддини кўтариб, теградаги сарбозлар олдидан кеккайиб ўтиб, ташқарига йўналди.

\* \* \*

Оқшом чоғи ювиниб-тараниб, соқолига мушк сепиб, ўзича ясан-тусан қилиб Мажидиддин боғига кириб борганида, хизматчи хабарим бор дегандай бош лиқиллатиб ички ҳовлига кириб кетди. Қора Мўғул анча вақт оёқда туриб қолди. Ўтган-кетган қоп-қора бу кишининг ғалати ясан-тусанига хайратланар эди. Бир оз вақтдан сўнг хизматчи қайтиб чиқди-да, ортимдан

кел деб, орқа ҳовлига олиб ўтди. У ерда оғочга бойлаб қўйилган иккита қўй турар эди.

– Муни сўйиб, саранжомлагайсан, – деди у киши, Қора Мўғулга катта пичоқ бериб.

Қора Мўғул ҳафсаласи пир бўлиб қўйларга қараб турарди. Шундай бўлса-да, хизматчидан бир бўлак мато сўраб олиб, эгнига бойлади-да, қўйларни сўйди. Беҳи шохига осиб бўлган эди ҳамки, лапанглаб Мажидиддиннинг ўзи келиб қолди.

– Бу ишни сен уддалайсан деб хато қилмабман, – деди сўйилган қўйларга разм солиб. – Чингиз усулида эт пиширмоқни билурмисан?

– Қайдан билай, Чингизхон дунёдан ўтиб кетган бўлса? – деб жавоб қилди Қора Мўғул пўнғиллаб. Унинг дағаллиги Мажидиддинга ёқди.

– Сен бошингни қотирма, муни ошчилар пиширишсин. Бу ёққа кел!

Ичкари кирилиб, Мажидиддин қават-қават ёстикларга ёнбошлади, Қора Мўғул пойгакка чўқди.

– Умаро, фузало, уламо... – деди Мажидиддин пўнғиллаб. – Ҳаммасининг мулкларига солиқ солинди. Сен ўша солиқларга қарагайсан. Муиниддин сарбоз, яна бир-икки содиқ навқар ила боргайсан. Кими олтин-кумуш ила, кими мол ила тўлагайдир. Сандиқларга солгайсан... – деб маънодор тикилган эди, Қора Мўғул бирданига унинг муддаосини англади. Ҳаяжонини зўрға босиб:

– Қуллуқ, хожа, қуллуқ, – деди.

– Ҳеч кимса пайқамасин! – деди Мажидиддин. – Бу ишдан бир Муиниддин сарбознинг хабари бўлмай. Хатолик чиқарсанг, хазина молига кўз тикди деб каллангни ўзим олдирайман. Жон керак бўлса, ишингни хушёр қилгайсан. Боравер, эрта саҳар Муиниддин қошига кел!

Қора Мўғул хожаси ёнидан юриб эмас, чопиб чиқди. Айтишга осонми? Сарвати осмон қадар қанчадан-қанча беклару амирларнинг мулкидан оламжаҳон солиқ келмай. У орада ерга тушиб қолган бир-икки лаъл-жавоҳирга биров қарармиди? Ана энди фақирнинг елкасига ҳам офтоб

тегадиган бўлди. Қора Мўғул шуларни ўйлаб, илжайиб қушдай учиб борарди.

\* \* \*

Қора Мўғул хожасининг айтганини ортиғи билан ўринлатди. Бу орада ўзини ҳам унутмади, албатта. Мажидиддин унинг садоқатли эканини, ўтрук сўзламаслигини билар эди. Чақчайган кўзларини қаттиқ тикиб сўраса, Қора Мўғул:

– Келурда бир-икки синиқ тошча оёқ остига тушиб эди, жаноблари сандиғини ифлос қилмасин дея бир четга отиб юборақолдим, – дея ростини сўзларди. Мажидиддин бу баҳонасига ковоқ солиб, таҳдид қилиб қўярди.

– Шоири даврон ҳазратларини-чи? – деб сўради Мажидиддин, ғолибона илжайиб. – Тафтиш қилдингизми?

– Қилишга қилдиг-у... – Қора Мўғул тараддудланиб қолди. – Аммо солиқ солишга имкон қолдирмабдилар.

– Нечук?

– Ихтиёрларидаги бор мулкни мадрасаларга ҳадя қилибдилар. Бир ота боғи қолибди, холос, – деди Қора Мўғул. – Таноб-таноб ерлару боғларни вақфга бериб юборибдилар.

– Ҳошо! – дея ўрнидан туриб кетди Мажидиддин. – Маккорликни кўрдингми? Бул замоне вақфга бергайдир, эрта бир кун султонга айтиб қайтариб олгайдир. Бу сафар ҳам молини қутқарибди! Ё... – деб шубҳаланиб тикилди Қора Мўғулга. – Бир маҳаллар дўстинг бўлган эмиш, аввалдан бир нима деддингми?

– Оллоҳ сақласин! – деди Қора Мўғул. – Хожам, мен ҳеч кимга хиёнат қилмайман. Бу ишни айтиш хаёлимга ҳам келмади.

– Дўстинг бўлса ҳам-а?

– У ҳолда... – Қора Мўғул ўйланиб, шарбатни такаллуфсиз олди-да, кулқиллатиб ичиб олиб, кафти билан дудоғини артиб, бепарво жавоб қилди: – Сиздан маслаҳат сўрагайман. Аммо сизга ҳам, унга ҳам хиёнат қилмагайман.

– Бўпти, боравер, – деди Мажидиддин, каноат ҳосил қилиб. – Сен менинг ишончимдаги дуруст йигитсан. Бирок, бир гапни айтиб қўяй. Бу ишлар шундоқ қолмагай. Бунча мол-мулк йиққан киши албатта шубҳага гирифтор бўлгайдир. Ҳушёр бўлиб, у ёқ-бу ёқни кўзлаб тургайсан. Вақти келса, Шероз кетгаймиз.

Қора Мўғул “Хўб” деди, шу билан суҳбат ниҳоя топди. Мажидиддин бугун жуда чарчаган, мияси зўриқиб, ғовлаб кетган эди. Оқшомга раммол, яъни фолчи чорлатган эди, у келганини айтишганида кўл силтаб “Бошқа бир кун келсин” деди-да, ишратхонага йўл олди. Бир оз истироҳат қилмоқни, мусиқа ва айш оғушида онгидаги ўйлардан ором олмоқни тиларди. Гурсиллаб-ҳансираб келаётган гавдани кўрган хизматчилар чопиб қолишди, “Хожа келмоқдалар” дея, ҳар ким ўз ишига югурди.

Қора Мўғул эса кўчага чиққач, “Оббо! Шом бўлиб қолибди-ку? Масжидга борсамми ё чоғирхонагами?” дея иккиланиб турди-да, “Ҳай, вақти келса қазосини ўқирман” деб, чоғирхонага йўл олди.

## **ТЎРТИНЧИ ҚИСМ ФАВОЙИДУ-Л-КИБАР**

### **ҲАЙРАТ**

“Кечаларнинг бирида коинотни қоронғилик босиб, қуёш оби ҳаёт булоғидек яширинган эди. Гарчи у булоқ кўзга кўринмаса ҳам, Хизр кўк узра ундан қатралар сочарди. Тун чангларини анбарга айлантирган, уларни жаннат шабадалари ер узра тарқатарди. Ер юмалоқ шаклдаги хушбўй идишга айланиб, тун қоронғилигидан унда анбар тайёрланаётгандек эди. Ер идиши остида Қуёш ўт ёқаётган, идишни эса Осмон ўз этаги билан ёпиб тургандек кўринарди. Ором ва тинчлик ёмғири ёғиб, юз бераётган ҳодисалар тўзонини пасайтиришга шошарди.

Шу кеча дўстлик гулистонининг сарви дўстлик хонасининг шамъини янада равшанроқ қилди. Учрашув хаёли билан кўнгли хурсанд бўлиб,

денгиздек жўш уриб ҳайқирди. Шу пайт олий мақомли сайёҳ етишиб, кўлида эса қушдек учадиган отнинг жиловини ушлаб турарди. Бу от кўкда сайр этишдан ором олиб, унга ердан осмонгача чиқиш бир қадам бўлди. Аллоҳнинг пок хабарчиси унга салом қилиб, Аллоҳ номидан унга маълумот бериб деди: «Эй шавқли сирларнинг хазинаси! Аллоҳ сени кўришга ўз шавқу истагини билдирмоқда. Чунки пайғамбар жонон хабарини топган экан, унинг жонон хабарини топгани янгидан жон топгандир». Хабарчи унга ёрдам бериб, отга миндириб, отни ўзи келган томонга қайтариб олиб кетди.

Шу равишда бу олижаноб, очик юзли отлик сайр қилар, толеъи баланд оти қушдек учар эди. Бу тез чопишга ўрганган от чанг кўтариб, ақл кўзини кўрмайдиган ҳолатга соларди. Бу от кўтарилиб кўк тоқига етганида, Ой ўтиш учун унга туйнук вазифасини ўтади. Қалам эгаси Аторуд бунда ҳурмат қозонган, буқаламунлиғ – иккиюзламачиликка йўл қўймаётган эди. Зухра хурсандчилик барбатини созлаб, уни замзама билан қўллаш бошлади. Қуёш ўз сояси билан унинг жамолини тўсиб турар, ҳилол эса шуъла остида беркингандек эди. Мехрида Миррих Баҳроми бирсўз бўлиб, шараф тиғи юзига кўзгу каби эди. Унга яқин юришдан Муштарий янада мартабаси ортиб, йўлидаги бир зина унга минбар бўлди. Зухал шамъи қоронғиликни ёритиб, у минган зангдек қора отни оқ қилиб кўрсатди. Унга Ҳамал ҳам, Савр ҳам жонларини бераётгандек, тўғрироғи, иккиси ҳам жонини қурбон этишга тайёр эдилар. Ҳам олдида Жавзо камарини тортиб боғлаган, ҳам Саратон ўзини тик тутиб, жилва қилар эди. Асад шери йўлидан бир гўшани эгаллаб, Сунбула унинг отига йўл озиғи бўлди. Палла йўли гардини қимматбаҳо иксирдай ўлчар, Ақраб орасида ичкизиш, даволаш, уқалаш ишлари олиб боришмоқда. Қавс эса чиллага ўтириб, дуо қилиш пайида. Тоғ эчкиси Жадй унга етиши учун озиқ бўладиган биринчи сутини келтиради. Далвга Юсуф каби назар солмай, Ҳутда Юнус каби тўхтаб ўтирмади. У елдек ҳамма буржларни кесиб ўтди ва Осмоннинг Арш қисмига кўтарила бошлади. Унга пояндоз Арш ҳамда Лавҳу Қалам бўлиб, унинг оти нақ ўшаларга қадам босиши керак эди. У энди Рафрафга миниб, ҳамроҳи ва йўловчи билан

хайрлашди. Энди бораётган йўлида ҳеч қандай макон қолмади. У йўқлик даштини ўзига макон этди. Бунда у олти жиҳат<sup>1</sup> бандидан ташқарига чиқиб, тўрт гавҳарни<sup>2</sup> тарк этиш унга тож кийишдек бўлди. Йўқлик оёғи билан қадам босар экан, аслида йўл ҳам йўқ эди, қадамнинг ўзи ҳам. Ўзлигидан на нақш қолган эди, на бир кўриниш, ҳатто бу айтилган нарсалардан бирон асар ҳам. Шу йўл билан у ўзини ўзидан халос қилиб, шу равишда ўзини иззат пардасига хос, лойиқ деб топди. У ерга етиб қараса, рўпарасида ҳеч нарса йўқ эди. Қанча қарамасин, боқийлик кўзгусини кўрар эди. Кўзгуга боққанда унда суратга ўхшаш бир нарсалар кўринар эди, холос. Нима ўткинчи-фано бўлса, ташқарида қолган эди. Унинг юлдузи шунча баланд кўтарилганида, марҳамат денгизида мавж пайдо бўлди. У Аллоҳ тилидан умматларининг ҳаммасини иштай бошлади ва Аллоҳдан барча мурод-мақсадига эришди. Аллоҳга тупроқдан бўлган тана ҳамроҳлик қилди. Агар: «Шундай бўлди!» дейилса, шундай, бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Чиндан ҳам унинг тани бошидан-охирига қадар жон эди. Лекин унинг жони Жононга етишган эди. У икки дунё раҳматини қўлга киритган бўлиб, нимага эришган бўлса, ҳаммасини ўзи билан бирга қайтариб олиб келган эди. Унинг юзидан у – Илоҳий даргоҳ қандай ёруғ бўлган бўлса, оёғидаги чангларни бу дунё ҳам ўзига сурма қилди. У Аршга ғунча бўлиб борган бўлса, Ерга тоза гулистон бўлиб қайтди; зарра бўлиб борган бўлса, порлаган Қуёш бўлиб қайтди. Унинг Меърожга чиққани ва қайтиб келгани бир онда юз берган бўлиб, ақл бундай тадбирдан хайронликда! Қайда ажойиботлар ва мўъжизалар кўп бўлса, уларни идрок этишда ақл ожиз бўлади. Унинг чиқиши ва қайтишига кетган вақт кичикнинг кичиги бўлиб, бу фурсат таҳлилга арзимамайди.

Бу бахтли сафар шундай тугаб, қутлуғ йўлбошчи руҳсат олди. Олам подшоҳи тахтида ўлтириб, Олам ишини интизомга солишда давом этди. Шариат тили кўчирилган дафтарни ўқиб, тириклик суви эса куфр қоралигини ювар эди”<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> *Олти жиҳат – олти тараф: шимол, жануб, ғарб, шарқ, қуйи ва юқори.*

<sup>2</sup> *Тўрт гавҳар – тўрт унсур: ер, сув, ҳаво ва олов.*

<sup>3</sup> *“Ҳайрату-л-аброр”дан.*

### **ОЛАМ АҲЛИ, БИЛИНГИЗ...**

Бир замонлар жилд-жилд китоблару мударрислар суҳбатлари аро бўй кўрсатган ҳақиқат ва маърифат оламлари мудом ўзига чорлар эди. Кўнгил энди ёру аҳбоб давраларидан олислашишни, билим диёрларига етишмоқ учун тафаккур меърожига чиқиб, у ерда қалбларни покловчи ибодат ила машғул бўлмоқни тиларди. Худдики, туннинг қоқ ярмида зако Жаброили фикр Буроқини етаклаб келишига бир баҳя қолгандай туюларди. Оламда неки бор, барчаси маънидан дарак берар, сўзлар, қичқирар, нолаю фарёд урар, сўзламайдиган ҳеч нима йўқ эди. Даввора олимлари ва фозиллари яратган сон-саноксиз асарлар онгга шарбат каби қуйилган, шоирнинг бетакрор истеъдод зиёсида жилваланиб ва янги мазмунлар касб этиб, қайта намоён бўлмоқни тиларди.

Кўп йиллардан буён ният ва орзуларда, хаёл кенгликларига бўй кўрсатган гўзал асарни яратиш учун барча ҳозирликлар кўриб бўлинган эди гўё.

Ҳаёт гулзор кабидир. Бир асалари баҳор чоғи сон-саноксиз чечаклар узра учиб, зарра-зарра гулчанг тўплаб болга айлантирганидай, бир инсон ҳам ҳаёт гул-чечакларидан баҳра олиб, уни неъмату шифо саналмиш билим ва санъатга айлантирур. Кўриқчи асаларилар номақбул гул чангини олиб келган қавмдошини ҳалок қилгани каби, имон кўриқчилари ҳам фикр уйи олдида ўшандоқ тургайлар. Ул муаззам даргоҳга пок, ҳалол ризққина киргайдир.

Мана шу тўлғин аснода, йигитлик чоғидан буён муддао қилинган шоҳ асарга – “Хамса”га қўл уриш ният қилинган эди.

Лекин, бу улуғ ишнинг ибтидосида Алишер Навоий ҳаётига юксаклик муждасини олиб келган яна бир ҳодиса рўй берди. Ўша тун кўзга уйқу келмай, бинафшазорни айланаркан, тунги самодаги сон-саноксиз юлдузлар орасида ҳаракатланаётган бир ёруғ юлдуз кўринди. У само тоқидан қибла сари шитоб билан учиб, қуйруқ пайдо қилди. Кўкдаги бу мўъжизанинг думи супурги мисол ҳурпайиб, юқорига қараб ўрлаган эди!



Бу манзара болалик чоғи Қумда кўрилган манзарани эсга солди. Софдил тағойи Мирсаид Кобулийнинг “Ироқликларнинг айтишига кўра, ким думли юлдузни уч марта кўрса, фирдавсга кирармиш...” деган шодон хитоби яна янграгандай бўлди.

“Хамса” Навоийнинг жонажон она тилида яратилмоғи лозим эди. Туркий сўзлар гулистонида халигача мисли кўрилмаган беш мезанали, садаф мрамарли саждагоҳ бино этилмоғи орзуланарди. Фалакнинг бу ҳодисаси қўл урилмоғи кўзланган улуғ бир меҳнатнинг хайру марҳаматли бўлиб яқунланишидан дарак каби бўлди.

Инсонга ато этилган ёруғ дунёнинг сон-саноксиз неъматлари аро сўз – ўзга оламнинг, мангулик диёрининг вакилидир. Шунча жон эгалари орасидан угина мангуликка учгайдир. Тоғлару уммонлар, сахро-ю кўллар, мулклару салтанатлар – барининг кули кўкка созурилиб кетар экан, фақат угина киймат топгайдир. Фозиллар айтадиларки, инсон боласи шунчалар мукаррамки, ёруғ дунё унинг биргина нафасига арзимайди! У ҳолда, ўша нафас не? Қай сўзни айтиши учун ато этилмиш?

“Унсия”га яшил қабо кийган нозанин баҳор келинчаги оралаган маҳал шу қутлуғ ишга қўл урилди. Бу, худди араб тилида бир сўздан турли калималар потрагани каби, айна дostonлар, айна йўллару манзиллар узра, барчасидан юксакда яна бир қуёш яратмоқдай мушкул, бениҳоя қувватли билим, фасоҳат ва фикр талаб этадиган юмуш эди.

Шу он эътибори ила дунё тамомила ўзгариб кетди. Хаёл юксаклигидан қаралса, наинки Ҳирий, балки бутун ер юзи кичик қасаба каби бўлиб қолди. Навоийнинг тафаккур қуши замонлар оша учди, адам саҳросида мўлжалини йўқотган киши каби, йўл излаб самога назар солди. Оламда Муҳаммад алайҳиссалом тўлин ойдаи балққани он, муқаддас Каъбаю Мадинадан то Машҳадга қадар узун йўллар самосида юлдузлардай сочилиб кетган алломалар даврасига етиб бориб, пойгакда туриб уларга таъзим қилди.

Самовий у мажлисда пайғамбар даврининг шоирлари Кааб ибн Зухайр, Ҳасан ибн Собит, ал-Жадий ва халифа Умайяд замонининг ал-Ахтал, ал-

Фароз, Жарир сиймолари нур сочарди. Рубоийда Умар ибн Абу Робиъа ва Ал-Ахвос, улардан сўнг Жамл ва Бусайна, Лайли ва Мажнун, Қайс ва Лубна юлдузлари тизилган эди.

Бу само тоқининг яна бир гавҳари – Сурайёдай чакнаган Абу Нувос бўлиб, сўнгра ал-Мутанаббий, унинг ёнида эса ал-Маарий юлдузи нур сочарди. Бу кавкабистонда Фирдавсий, Дехлавий, Ганжавий ва Жомий юлдузи ақлу ҳушни олиб порларди.

Булар – инсоният закосининг пайғамбар алайҳиссалом давридан то шу замонгача чакнаган сўнмас юлдузлари эдилар.

Кеча-кундузнинг алмашиши, қуёш чиқиб ботиши, ойнинг ҳилолдан бадрга қадар ўзгаришлари сезилмасди. Маънолар олами унинг руҳини ўзига тўла сингдириб олди. У олам инсонликнинг энг олий чўққилари сари чорларди. Унинг қаршисида Тангри таоло ҳукми ила мамлакатларни забт этишга ва ҳар ерда Тангрининг мутлақ адолатини жорий қилишга азм айлаган Искандари жўмард намоён бўлди. У “Нафсу ҳориса махлуқлари имон қалъасини бузмаслиги учун ҳар кимнинг бир Садди Искандари бўлмоғи шарт” деди ва оламга ундан Искандар девори мерос бўлиб қолди. “Фарҳод ва Ширин” ҳикоятига эса, ёри талабида тоғдан сув чиқармоқ истаган содда сангойи йигит асос бўлди. “Хамса”нинг Баҳрому Дилороми, Фарҳоду Ширини, Лайлию Мажнуни – барчаси у истагани каби, бутун оламга турк тилида хитоб қила бошлади. Шундай бўлдики, қат-қат маъноларни мужассам этди. Худди баҳор каби яшнади. Тангри таоло баҳорни қишнинг табиби қилиб юборади. Кунлар илиб, қушлар сайраб, гул-чечаклар очилади, буларнинг баридан мурод – ёзда етиладиган ва кузда тўплаб олинадиган ҳосилдир. Гўё билим ва ҳикмат баҳори бу зотлар умри узра барқ урди, Навоий тасавуридаги оламларда улар нозик ҳиссиётлар, теран ўйлар, адолатли тутумлар ва олий фазилатлар ила намоён бўлишди.

Буларнинг бари бир инсон зеҳнида бунёд бўлмоғи ажаб! Буни нечук қилдинг, Парвардигорим? Онгдаги “Мантикут-тайр” қушлари қанот қоқмоққа шай туришарди. У қушлар турк тилининг латофатию гўзаллигини

кўз-кўзламоққа бел боғлаган, Тангрига элтувчи йўллару унинг васфини бениҳоя азиз ва жонажон она тилда мадҳ этишга шай эдилар.

Ёдга Самарқанддаги қора кунларда, карвонсаройнинг қақшатқич совуғида титраб-титраб ёзилган, Саййид Ҳасан Ардашерга юборилган изтиробли маснавий ҳам келди:

*Мен ул менки, то турк бедодидур,  
Бу тил бирла то назм бунёдидур.*

*Фалак кўрмади мен киби нодире,  
Низомий киби назм аро қодире.*

*Не назме дер эрсам мени дарднок,  
Ки, ҳар ҳарфи бўлгай анинг дурри пок.*

*Етар Тангридин онча қувват манга,  
Ки, бўлмас битирига фурсат манга.*

*Бу майдонда Фирдавсий ул гурд эрур,  
Ки, гар келса Рустам жавобин берур.*

*Рақам қилди фархунда «Шаҳнома»е,  
Ки, синди жавобида ҳар хоме.*

*...Ани дерга бўлса қачон рағбатим,  
Эрур онча ҳақ лутфидин қувватим,*

*Ки, ҳар неча нутқ ўлса коҳилсарой,  
Битигаймен ўттуз йилин ўттуз ой.*

*Агар хосса маъно гар ийҳом эрур,  
Анинг кунда юз байти ҳалвом эрур.*

*Вале айт деб, ким манга тутти юз,  
Ки, мен юз учун демадим икки юз,*

*Не юз, не ики юзки, бу килки тез,  
Аторуд била қилса зоҳир ситез,*

*Анинг сайри бир давр охир бўла,  
Фалакни латойифдин этгай тўла...*

Ҳа, истевдод барча томирларда жўшиб, Навоий гўё фалак осмонини латофатга тўлдирувчи Аторуд каби кўкка сайр этмоққа кўтарилди.

Элнинг турли кентларида, ёзлогу қишлоқларида, улусларида яширинган, намоён бўлишни истаган беҳисоб сўзлари бирин-кетин тизилишиб, арабу форс калималари ила қавму қариндошлар каби, саф-саф, елкама-елка, гоҳ кучоқлашиб, гоҳ ўртишиб, гоҳ тизилишиб байту ғазал шаклида маъноларни ҳосил қилишарди. Гоҳида бир байт онг қатларидан сизилиб-ситилиб чиқади, гоҳида эса шалоладай оқади. Навбат “Лайли ва Мажнун”га келганида у шалола шоён қувватланди, Аторуду Зухал ҳам остда қолиб кетди. Ҳадсиз-худудсиз маъволарда арабнинг икки қабиласи аро икки жон дунёга келди ва Тангри таолога нола қила-қила, куш каби чирқиради. Оламлар Парвардигори инсонларни бир-бирисиз мавжуд бўла олмайдиган қилиб яратганига не дейин? “Мен йўқман, сен борсан!” дер эди бири. “Йўқ-йўқ! Асли мен йўқман, фақат сен борсан!” дер эди бошқаси. Буларнинг бир-бирига интизорликлари, бир-бирисиз мавжуд бўла олмасликлари шундай тарзда қоғозга тўкилди.

Мажнун Тангри таоло ризоси учун ҳажга борди, тилидан шундай сўзлар учди:

*Лайли ишқин танимда жон қил,  
Лайли шавқин рангимда қон қил!*

*Дардини нажотим эт, Илоҳий!  
Ёдини ҳаётим эт, Илоҳий!*

*...Дардимга хаёлини табиб эт,  
Жонимга висолини насиб эт.*

*Жаннат сари чекса сарнавиштим,  
Васли ҳарамини қил беҳиштим.*

*Онсиз мени бир дам этма мавжуд,  
Будумни қил онсиз ўлса нобуд!*

Оламлар Мураббийси унинг фарёдини эшитди, ўтинчларини мустажоб айлади. Мажнун Лайли ила дийдорлашди. Бир-бирларини кўришгач, иккаласининг кўнглига изтироб тушди. Лайли ўз севгилисини унинг ноласидан англаб таниган бўлса, Мажнунга дилбари насими эсиб, фироқ хавфидан қутулди. Бир-бирлари томон югуришиб етишдилар. Ҳайҳот, бундай висолни ким кўрди экан? Бир-бирларини таниган чоғданок руҳлари бадан уйидан жой олди, яъни баданлари зору мажруҳ бўлса, маълумки, ўша баданга руҳ бўлади.

*Икки гавҳар ўрни бўлди бир дурж,  
Икки қуёш авжи бўлди бир бурж.*

*Бир соғар аро тушуб ики мул,  
Бир гунча аро бутуб ики гул.*

*Бир жисмда икки рух ўлуб гум,  
Бир кўз аросида икки мардум.*

*...Бу қанд эди, ул зулол монанд,  
Жазб айлади ул зулолни қанд...*

Яъни, бир дуржга икки гавҳар ўрнашди. Икки куёш кўтарилиб, бир буржда бирлашди. Бир ғунчада икки гул битди. Бир жисмга икки рух жо бўлди. Бир кўздан икки қорачиғ боқди. Бири сув-у бири қанд эди, қанд сувга тушиб эриб кетди...

Бу ғаройиб қиссадаги Мажнун ҳам, Лайли ҳам аввал кўрилмаган маъноларни кўз-кўзлаб турмоқда эди. Бўз йигитлар Тангри иродаси ила қизларга эс-хушини йўқотар даражада ошиқ бўладилар. Камон қошлар, қора кўзлар, ақиқ дудоклар ва яна Аллоҳ махфий тутган турфа жилвалар эс-хушини ўғирлагай. У ҳолда уларга нафақат теграсидагилар, балки бутун олам халал бера бошлагай. Ошиққа наинки дўсту аҳбоб, ёр-биродар, балки Коинот ҳам зарар бергай. Аслида уни маҳлиё қилган – Лайли мавжудиятидаги Тангри санъатидир. Озод икки рухнинг бир-бирига интилноғидай ажаб ҳайрат борми оламда? Жон ўз жононига интилар экан, унга ҳам жумла жаҳон халал бергай. Шу сабаб нола қилгайки:

*Сен бўлсангу мен бўлсам мавжуд,  
Бўлса яна Коинот нобуд...*

Лайли ила Мажнун ўлимини тасвирлашда Навоий у маъни денгизига ғарқ бўлиб кетди. Мажнун ҳам, Лайли ҳам, теваракдаги оломон ҳам унинг ўзи эди гўё:

*Кирди икки жисм бир кафанга,  
Йўқ- йўқ, икки рух бир баданга.*

*Бир наъш ила ул икки дилором,  
Андоқ эдиким, ду дона бодом...*

Кеча қоронғусида шам шуъласига ғарқ бўлган хона гўё беҳад кенгайиб кетгандай, бу ерда турфа воқеалар рўй берарди. Қушлар инсон тилида сўзлар, кўк узра сузган куёш ўз тақдирдан ҳикоя қилар, Кўҳи Қоф ортидан мўралаган яъжуж-маъжужлару уларга қарши бораётган имон лашкари ўз мазмунидан сўзлар, гўё ер остидан оппоқ патли мулойим махлуқ чиқиб келиб, ушбу мамлакат кишиларининг юзларини силар, кимларнингдир юзи қорайиб, яна кимлардир нурга чулғаниб, мангулик диёрларига йўл олишарди. Ижод руҳи – дунёда тенги йўқ, инсон ақлу камолотининг энг олий чўққиси, Тангри таоло яратган ўн саккиз минг оламнинг барча назокатини ўзида жамлаган руҳ у кенгликлар узра гоҳ ғамга ботиб, гоҳ шодон қичқириб учар, мунғайган вужуд аллақачон ёруғ дунё аталмиш буғзу адоватлар, урушлару фитналар оламида қолиб кетган, инсон руҳи эришиши мумкин бўлган музайян оламларнинг бепоён маъволари узра озод парвоз қиларди. Унинг бир истаги ила чаманлар бунёд бўлар, у эса умр чаманзорларининг бошидан охирига қараб он шиддати ила ўтиб кетмоқда эди. Бу қувватли илҳом гўё Нух тўфони каби бўлиб, инсон руҳи унинг тўлқинлари узра еларди. Сўзи Довуд қироати каби янграр, самода учиб бораётган қушлар у қироатдан тўхтаб қолар эдилар.

Мажнун ҳаёт саҳросида ўз Лайлиси иштиёқида кезар экан, олис-олисларда нуридийдасига кўз тика-тика “Болам” дея дунёдан интизор ўтган ота-она изтироби юракни селдай оқизиб юборди. Шу аснода Навоийнинг изтироблари Мажнунга кўчиб ўтди, давру даврон ранжу озорлари ва у нурли сиймолар соғинчи силқиб-силқиб, байтларга айланди.

Ҳатто йигитлик даврида Самарқандда кўрилган ўша кўрқинч туш ҳам дostonга кириб келди. Бу ғам базмида дардга тўлган кўнгил ўз дарду изтиробидан шу тарз фарёд урди:

**“...Кунлардан бир куни унинг қайғуси жуда ошиб, кўзига бир нафас уйқу кирган эди. Кўэлар уйқуга ботиб, роҳатлангач, қизик бир туш кўрди: қараса, икки каптар бир уйда бола очган. Каптар боласининг қанотлари ўсгач, замона уни изтиробга солди. Паришонхотир бўлиб, бу каптар бир муддат хавойи бўлиб қолди. Ота-онасидан тамом ажралиб, саҳродаги жониворларга қўшилди. Ота-онаси, яъни нар ва мода каптарлар уни келтириш учун ҳавога парвоз этдилар; уни топсалар ҳам, бола рози бўлмади, ўз уйига қайтмади. Улар иккови ноумид бўлиб қайтганларида, абадий бир балога учраб қолдилар. Юқоридан икки бургут учиб келиб, бу икки каптарни бир луқма қилди...”**

Ёш Алишер кўрган ўша туш энди Мажнун тушига айланиб абадият сари парвоз қилди:

**“Бу тушни кўрган Мажнун кўзини очиб, қонли ёшлар тўкди. Тушининг таъбирини билмоқчи бўлар экан, бу аҳволни ўз ҳолига ўхшатди. Ота-онаси ўлиб, ҳаётининг қуёши қорайганини билди. Тоғдан сапчиб пастга қараб югурди, селдек кўз ёшлар тўкди. Қабиласининг қабристонига оҳ-зор тортиб йиғлаб борди. Қабрларни кўриб юрганида, икки қабрга кўзи тушди: улар янги ясалган, юзи ғам лойидан сувалган эди. Қабрларнинг устини қулфат чанглари босиб, унинг атрофида меҳнат тиканлари ўсган. Қулфат тиканларидан қизил гуллар, машаққат райҳонлари ва дард гуллари очилган. Қабрнинг лоласида эса ҳасрат, фироқ қонлари ва ғам доғлари кўринар эди. Тошлари шодлик пиёласини ушатиб, чанглари хуррамлик чироғини ўчирган эди. Ғам шамоли икки шамни йиқитиб, ўчирганга ўхшарди. Бу қабрда ётганлар худди шам орасидаги пиликдек ғам билан синишган. Буларни ўчган икки шам дема, ошиқ калимасидаги алифлардир...”**

У ота мазорига бош урди, у тошлар эса унинг бошини янчиб йўқотиб юборди. Шундай жон ачитувчи фиғонлар билан яширин сирларини айта бошлади:



«Эй сахро аҳлининг азизи! Ҳимматининг каманди осмон учигача етган! Сахрогина эмас, Маккадан то Шомгача бўлган бутун дашт аҳли сенинг неъматинг дастурхонидан бахраманд эдилар. Араблар ичида ҳурматли кишилар ҳам фармонингда эдилар, сенинг бутун бахтсизликларинг мендан бўлди. Кўнглинг ҳам менинг ғамимда ношод бўлди, умринг ҳам менинг ишим орқасида барбод бўлди. Роҳат топаман деб мени истаган эдинг, лекин ёруғ чироғинг мен туфайли ўчди. Фарзанд деб кўп пуллар садақа қилдинг, лекин мени кўриб аламдан бошқа нарса топмадинг. Гавҳар билан бошингни зийнатламоқчи бўлдинг, у гавҳар бошингга тош бўлиб тегди. Яраларингга қўймоқчи бўлган малҳаминг, уни куйдиришга сабаб бўлди. Покидек ўткир тиг тиладинг, лекин ундан баданларинг тилим-тилим бўлди. Уйингни равшан қилмоқ учун шам тиладинг, лекин у шамдан бутун хонумонинг куйиб кетди. Яъни, мендек мубтало ва икки юзи қорани истадинг. У юзи қора сенинг ором ва қарорингни йўқотди. Ҳаётинг қора кунларга қолди. Эй воҳ, бу ғамларга қандай чидаш берайин, қай тил билан тавба қилайин?! Чунки, амринг билан йўл тутмадим. Рухингни қандай қилиб рози этайин?! Ногоҳ мендан шундай тўйиб, ғам тоғини устимга қўйдинг-да, суякларимни бир-бир ушатиб, танимни тупроққа қўмдинг. Ҳар қанча бадбахт ва толесиз бўлсам ҳам, карам билан гуноҳимни кечиргин, рухингни узрхоҳим қилгин...”

У ота эҳтиромини қилиб, қошида юм-юм йиғлагач, она қабри бошига ўтди.

Онаизор қабрига келиб тўхтагач, фарёд-фиғонлари оламга сиғмай кетди. Ёқа ўрнига кўксини чок қилиб, юрагига раҳмсиз тиглар урди. Кўз ёшининг селидан ерлар денгизга айланиб, қабрлари балиқлар каби кўринди. Оҳининг шиддатидан кум устида тани қовурилган балиққа айланди. Тани қизиган кумда кўкси чок бўлган буғдой донасига ўхшаб кетди. Дард билан тўлган ҳолда, балки жисми чок бўлган ҳолда, баҳор булутидек ўкириб, сол каби

юзига шапалоқ урди. Юз изтироб билан йиғлаб, онасига шундай марсия ўқиди:

**«Эй жонимнинг қибласи, қибламнинг нури! Қора сочларинг менинг берган азобларимда оқарди. Жонимнинг севинчи, кўзимнинг чироғи, кўнглим хуши, хотирамга роҳат бергувчиси! Каъбам эдинг у мен бутхонани тиладим, атрофингда ҳеч зиёрат қилмадим. Ҳар вақт сени изтиробларга солиб, Каъбамни хароб этдим. Каъбам хароб бўлгач, Тангрига нима деб жавоб бераман? Ўзбошимча фалак жисмингдаги садаф ичига инжу деб тош солибди. Туғилган вақтимдаёқ ўлсам бўлмасми эди? Кошки туғилмаганлар билан тенг бўлсам эди... Мен бахтсиз, қора кунларда қолган, тирик қолиб сенинг жонингга бало бўлдим. Сен менга меҳр қўйиб, қўлинг доим билагимда бўлди. Ҳар кун мени дсб қайғу ютдинг, тунларда уйку кўзингга ҳаром бўлди. Кечалари тинмасдан зор-зор йиғлаб, уйқунгни қочирган эдим. Кеча-кундуз менинг азобимда тинчлигингни йўқотиб, ичмоқ-емоқни ҳам унутган эдинг. Бир бурда еган нонинг ҳам менга сут бўлсин учун эди. Умидинг шундай эди-ю, чарх золи сенга ўчакишиб, азоблар юки билан қаддингни букди, ажинлар тушириб, юзингни тарам-тарам қилиб юборди. Бошинг ёстикқа етиб, бошингга суянчиқ керак бўлганида мен ҳам букилиб қошингда турсам, осмондек бошингдан ўргилсам, кулдек ўғиллигингни, ўғил бўлиб қуллигингни қилсам! Фалакнинг ҳар хил тузоқларига тушганинда, мен билан кўнглинг хурсанд бўлса.**

**Ҳақиқатан шундай ишлар бўлдики, сен кучдан кетдинг, мен бўлсам улғайдим. Хаста жонинг борган сари қариликка юз тутди, мен ўсиб вояга етдим. Лекин мен бахти қора, лаънати, бир нафас ҳам қошингда ҳозир бўлолмадим. Шафқат билан қўлингни ҳам тутмадим, кўзим билан йўлларигни супурмадим. Тортган азобларингга ҳамдардлик кўрсатолмай ва айтганларингни ҳам жон билан бажаролмай, балки хизматингни кам қилишгина эмас, кўп ношукурликлар қилдим. Туну кун сендан жудо бўлиб. хабар олмасдан бевафолик қилдим. Ўзимни**

телбаликка солгандек бўлиб, кўнглингни ололмадим. Ўзим дардинга даво қилолмадим, не ажабки, мендан сенга ҳар нафасда турли-туман балолар етди. Аламларимни тортиб, жондан ажралдинг. Гўё сен менинг бундай бепоён ранжларимни тортиб, ғам ва дард билан жаҳондан чиқдинг. Мен даштма- дашт, беҳуда наъралар тортиб, оёқ яланг мажнун бўлиб юрдим. Рухингнинг жилвагоҳи жаннат боғларидир, макони – жаннатдир. Ўша боғда ҳам мендан шод эмаслигингни билсам, шу зулм мен учун етарлидир. Бечораман, бошқа нима қила олар эдим, дардимга қандай чора ҳам топардим».

У шундай ғарибона куйлар билан аза тутиб йиғлади. Шундай сўзларни айтгач, шикаст топган бошини ерга урди. Яна кучсизланиб, охири ҳушсиз ҳолда йиқилди. Шу даражада ўзидан кетдики, гўё она-онасига етишгандек эди.

Эй дўст, бир нафас бошимга келиб. мен мотамзадага бир боқиб, раҳм эт! Бу кимсасиз фақиринг ҳажр доғлари ичида етиминг ва асиринг бўлиб қолди...”

Бу шундай бир ҳаёт ва ишқ қиссаси бўлдики, сири икки хил қилиб айтилди. Аввалгиси рамзий ишқдир. Кимки дард, эриш, куйишдан юзи шуъла билан ёруғланиб, поклик васфига эга бўлса, шундагина бировга ошиқ бўлади. Унинг ишқи ичида тортган фироқ ва дардлари уни ўзлигидан тамом ажратиб, танҳо қилиб қўяди. Сўнгги ишқни ҳақиқий деб билгинки, давлат унга рафиқдир.

*Ҳар сатр келиб ясоли анда,  
Пархои элидин мисоли анда.*

*Йўқким, бори меҳнату ғам аҳли,  
Ғам дашти ичинда мотам аҳли.*

*Мажнун гамидин бори азолиқ,*

*Лайли ўлуми учун қаролик.*

*Яъни бу сифат фироқнома,  
Бўлди манга қатрарез хома.*

*Сўгин нечаким узоттим охир,  
Йиғлай-йиғлай тугаттим охир...*

...Бир дoston битиб-битмас, унга сиғмай қолган дарду аламлар бошқасига кўчиб ўтар, инсон умрининг ранжу озорлари, севинчу шодликлари каби абадият бойликларининг қийматларидан сўзларди. Бу боғда хазон олтин қийматини олар, олтинлар тошчалик кадрга эга эмас. Ушбу гулистонда жаҳолат тоғини тешиб сув чиқарган, Ширин учун “Баҳрун-нажот”, яъни нажот ҳовузини қурган Фарҳод ҳам Навоийнинг ўзи эди. Яшаб ўтилган умрининг афсуслари ва пушаймонликлари бу ўринда ҳам байту ғазалга сиғмай, тўлиб-тошиб оқарди.

Фарҳоднинг Тангри таоло хизматкор қилиб бўйсундирган жон эгаларига билиб-билмай озор етказганларидан ташқари, тақдирларни ўзгартирувчи ва ҳар бир тутумдан ҳисоб сўралгувчи даҳшатли маҳшар куни томон кетар чоғида яна бошқа кўзғалмас хизматкорлардан – тоғу тошдан, сабзаю оғочдан, ҳатто ўз метинию тешасидан ҳам узр сўраши инсон камолотининг энг ёруғ, энг олижаноб тимсоли бўлиб муҳрланақолди.

Язд чўлида онаизорининг этакларига ўралаша-ўралаша, юзидан пардаси учиб, “Қўзим!” дея йиғлаб чошиб келганларини қалам қисмат қоғозига шундай нақшлади:

**“...Сўнг ажал ўз ўқини Фарҳоднинг жонига урди. У ўз умрининг тугаб бораётганини тушуниб, отасини ёдлади ва бир совуқ оҳ тортиб қўйди.**

Онаси кўз олдига келар экан, кўзидан иккита қонли ирмоқ очилгандай бўлди. Гўё фалак унинг бошига ўткир бир шамширни урдию кўксини икки бўлакка бўлиб ташлади. У деди:

“Менинг тўғримдаги хабарни эшитиб онам изтиробга тушиб, менинг қайғумдан тошларга бош уриб, ғавғоси дунёга ўт солгудай оху вовайлоси ҳар томонга етгудай бўлиб, мен ёввойига хитобан “Қўзим!” деб, ҳеч кими йўқни “Ёлғизим” деб соғинса, ғам ва ташвишлари ошиб, юзига тутган пардаси юзидан учиб кетса, ғам билан парвариш топган ўғлини эслаб, тўққиз қават парданинг ичидан югуриб чиқса, “Жоним ипига бойланганим” деб юзларини тилим-тилим қилса, юла-юла сочларидан айрилса, бундан Чин ўлкасига қора мушк ўрнига хидли кофур сочилгандай бўлса, шунда сен, эй тонг ели, менинг нафасимни тутун қилиб бориб, халойиқ кўзидан уни яшир. Унга менинг номимидан шундай дегин: “Эй, юзинг жонимнинг қуввати, изининг гарди кўзимга тўтиё бўлган она! Тангри менинг вужудимни йўқликдан бор қилган экан, менга бу дард ва ҳасратлар ўзи етарли эди. Сен орқамдан эргашиб юрсин деб ажойиб бир фарзанд кўришни жуда ҳам қаттиқ орзу қилдинг. Мендай бир фарзанднинг ташвиши билан бўлиб, бир нафас ҳам кўнглинг севинмади. Ҳамиша интизорликда ва доғда бўлдинг. Бошқа болалар майсазору боғларда ўйнаб юрса, менга кичик ёшимданоқ дарду доғ насиб бўлди. Озғин танинг менинг доғимни тортгани тортган, сен эса менинг доғимда ўртанишни ўзингга шиор қилиб олган эдинг. Ёқут тилаган эдинг, бир парча тош топдинг. Қуёш сўраган эдинг, бир парча ўтга эга бўлдинг. Мен қанча улғайсам, шунча бечора бўлдим, диёримдан, мулкимдан ажралиб овора бўлдим. Менга бу овораликни фалак ўти берган экан, сенинг ишинг фироқимдан ўртаниш бўлди. Сенга бир умр куйишнинг ўзи етмагандек, ташвишимдан куя-куя хасга айландинг, кул бўлдинг. Менинг сенга келтирган шунча азобларим етмагандай, кўз ёшларим сели билан ўз Каъбамни буздим. Мен кимман?”

**Менга ўлим ҳам ҳайф! Мен халқнинг менга куйиши, куйинишига ҳам арзимаيمان...”**

\* \* \*

Гўё пиллага кирган қурт каби, емоқ-ичмоқни бас қилиб, дунё ишларидан чекиндию ипак яратди. Яъни жондан кечиб, ипак бўлди.

Гўё ерга кирган уруғ каби униб, лола бўлиб очилди: чечак бўлди.

Сўз савоб ҳосил қилмоғи шарт! Бу мукаррам оламда инсон боласигина савоб қилмоққа қодир! Тангри таоло малакларига, ҳатто энг қудратли фаришталарига ҳам у ҳадяни иноят этмагандир.

Ёруғ дунё яратиклари инсон даражотларини ифодалаб турмоқдадир. Эй пок киши, кўрмаяпсанми, ер тубидаги кўзсиз бир қуртнинг холини? Ҳой яхшилар, самоларда учган ваҳший бургут сизга неларни билдирмоқда? Юлдузлар яралишининг ҳикмати не? Сайёралар нечун фалак тоқида сузгайдирлар? Фасллар нечун алмашгайдир? Буларнинг бари ҳаётнинг жон томирида, қоқ марказида турган инсонга қарата “Эй Тангримнинг мукаррам яратиғи, тафаккур қилмайсанми?” дея, “Ақл юритмайсанми?” дея қичқирар, йиғлар, ялинар, ёлворар эди.

Шуларнинг бари: фасллардан само ёритқичларигача, тоғу тошлардан уммонларгача, ердан кўккача ораликда яшашга ҳукм этилган сон-саноксиз жон эгалари бир куни еру кўкларни титратиб янграйдиган олий бир ҳайқирик қаршисида ҳавасланиб, мўлтираб, илинж билан тизилиб туришарди.

У ҳайқирик не?

**“Эй хотиржам-сокин нафс, рози бўлган ва рози бўлинган ҳолда Парвардигоринг ҳузурига қайт!”**

Шундай ҳайқирикки, жон эгасини Тангри таоло қаршисида нолавор йиғлаб-сиқтамоғига, ёруғ олам жавру ситамларидан Тангрисига арз қилмоғига ва “Эй воҳ, бениҳоя азиз шу умримни неларга сарф айлаб юбордим?” дея, афсус-надоматлар гирдобида қонли кўз ёшларини тўкаётгани маҳал янграгувчи бахт-нажот ва олий саодат қичқириғидир.

Ана шу энг олий мукофотга элтувчи йўллар не?

“Унсия” шу тариқа Коинот марказига айланиб кетди. Ҳирийда нақадар улуг ходиса рўй берганини ҳеч ким билмас эди. Ваҳоланки, мангулик яралмоқда, бошқа барча инсон болалари каби, бир маҳаллар она қорнидан йиғлай-йиғлай туғилган бир жон, турк улусининг бир ўғлони гўё Ёфас каби, назм Абут-Турки бўлиб, ўзига билимларни ва хулосаларни сингдира-сингдира, кўрган-кечирганларидану тўплаган жавҳарларидан шу тарз дарак берди. Дафина эди, хазина бўлиб ер бетига чиқди. Йўқ-йўқ, чиқди дема, балки юксак оламлардан замин юзига тушди.

Олам бу нодир хазинанинг қадрини билармикин? Мана-ман деган шоҳлар саройини безайдиган буюк у хазинанинг қийматини англагувчилар бормикин? Унинг қанчалар шоҳона эканини олимгина билгай, шоҳлар эса уни ўз хазинасига қўшиб олиш учун минглаб аскарини фидо қилгай. Ҳа, оламда тенги йўқ хазина юрак тубларидаги илмлар, хулосалар ва имон ёғдусида ярақлаб яратилди. Фалакда қуёш бўлиб нур сочди. Бу, жоҳилият бадавийларининг “Бизлар йўлда келар эканмиз, самода икки ой кўрдик” деганлари каби бўлди. Сен самодаги ойга эмас, унинг бўлиниши сабабчисига қарасанг-чи? Ахир, тоғлар ҳам ерни ёра-ёра келиб, унинг қаршисида шаҳодат келтиришди. Унинг оламида шаҳодат келтирмаган бирон мавжудот қолмади. У оламда жонли-ю жонсиз – бари сўз айтди ва оламлар гултожи бўлмиш инсонга таъзим айлади. Бир иблисгина бундан четда қолди ва унинг чиркин васфу таърифи мазкур хазинадан ўрин олмади, чунки у ноумидлардан эди. Одам Ато яратилганидан буён бутун тарих бўйича жамланган мукаммал илмларни ўзида жам айлади. Гавҳар қийматини билмоқ учун заргарликдан хабаринг бўлмоғи даркор, йўқса, сен учун тош нима-ю дур нима?

Бунча ишлар Хуросоннинг Ҳирийсидаги бир инсон боласи қалбида яралди. Эгаллаган билимлари истеъдоди боис шундай нур сочди. Теварак атрофдаги минглаб кишилар у илмларга эга бўлишсаиди, балки юзлаб хазиналар яралмиш бўлгай эди. Афсуски, у иш рўй бермади.

## **“ХАМСА” ҚУВОНЧИ**

890-йилнинг<sup>1</sup> баҳори келди.

Ҳирий яшилга бурканди.

Кўхсордан сарсари еллар эсиб, боғларнинг бултурги хазонларини супурди. Ўт-ўланлар узра мажлис қурди. Само мовийси янада тозариб-тўклашди. Ҳомила булутлар баҳорий ёмғирларини аямай тўқди.

Ҳирий олиму фузалоси орасида шов-шувлар авжда эди.

– Ҳазрат Навоий “Хамса” яратибдилар! Низомий Ганжавий ва Хусрав Деҳлавийга жавоб тариқасида битибдилар, аммо шундай жавоб бўлибдики, савол бергувчи ожиз қолмиш!

– Тангри таолога ҳамду санолар бўлсин!

Жума намозларида воизлар хитоб қилар эдилар:

– Ҳой халқ, кўлингни очиб дуо қил! Тангрига ҳамду санолар айт!

– Нима гап?

– Ҳазрат Навоий туркчада “Хамса” битибдилар!

– Туркчада битса не?

– Султонлар қилолмайдиган ишни қилибдилар, туркчанинг шон-шуҳратини оламга ёйибдилар. Онча айтибдурларким, Ганжавий-у Деҳлавий “Хамса”сидин ортиқ бўлса ортиқ, асло кам эмасдир!

– Шоирликда “Хамса” энг улуғ даражот саналур. Деҳлавий ўттиз йилда ёзган “Хамса”ни Навоий икки йилда тамомлабдилар. Ўз қўллари билан ёзган нусхани султон Ҳусайнга тортиқ қилибдилар.

– Султон не дебди?

– Алишербекка “Бундан буён сиз пир, мен эса муридингизман” дебди. “Бир можаро сиз билан бизнинг орамиздан кўпдан бери ҳал бўлмай келади, шуни бугун бир ёқлик қилайлик”, дебди. Алишер Навоийдан “Пир ким-у, мурид ким?” деб сўрабди. Навоий донолик билан “Пирнинг тилаги – муриднинг тилаги бўлиши керак”, деб жавоб берибди. Шунда Султон Ҳусайн ўзининг Ақзаб лақабли оқ отини олиб келишларини буюриб, айтибди:

---

<sup>1</sup> Милодий 1485 йил.



– Сиз пир, мен мурид бўладиган бўлсам, сиз шу отга минасиз, мен уни етаклайман.

“Пирнинг тилаги муриднинг тилаги бўлиши керак” деган сўзга жавобан айтилган, “У ҳолда, муриднинг тилаги ҳам пир тилаги бўлмоғи лозим” деган мазмунни билдирган ушбу хитобдан сўнг, Навоий ноилож отга минишга мажбур бўлибди. От ғоят асов бўлиб, шохдан бошқани ўзига яқинлаштирмас экан. Навоий оёғини узангига қўйиши билан от типирчилай бошлабди, Султон Ҳусайн отига ўшқирибди, от итоат қилиб, Навоийнинг минишини кутибди. Навоий эгарга ўтириши билан Султон Ҳусайн отининг жиловидан ушлаб етаклай бошлабди. Навоий ҳушидан кетибди. Уни эгардан кўтариб олишибди. Тарихда бундай ҳол сира кўрилган эмас. Ҳеч бир замонда шох шоирга жиловдорлик қилмас эди. Каримут-тарафайн ғозий Султон Ҳусайн шундай қилибдилар.

– Вожаб! Султон Ҳусайн Алишербек ҳазратларидан ёшда ҳам, насабда ҳам улуғ эмасми?

– Ана бу авомнинг сўзи бўлдиким, кесак каби ё тош каби. Тавба.

– Уламо у зотни “Низомиддин” деб ҳурматлабди. Нега денг? Диннинг низомини маҳкам тутганлари учун!

Карвончи кула-кула айтиб берди:

– У кишининг шуҳрати султон шуҳратидан кам эмас. Мовароуннаҳрдан Хуросонгача доврुक тутубдурлар ва бу иш қилич эмас, қалам туфайли юзага чиқмиш. Бир куни ул ҳазратнинг тишлари оғриб, мовий бир матони олиб қиялатиб боғлабдурлар. Муни кўрган Ҳирий хотинлари “Ҳазрат бежиз мундоқ қилмаслар” дея барчаси юзларини ўшандоқ мато ила боғлабдилар. Уни “Нози Алишерий” деб номлашибди.

– Лекин мен султон Ҳусайнга қойил бўлмадим. Нечук султон бир шоир отининг жиловини тутибди?

– Англамайсизми? Туркчада дедик! Султон Ҳусайн Алишербекнинг ёшлиқдан дўсти эди, аммо ҳеч бир вақт мундай қилмамиш эди. Туркийда “Хамса” битганларидан сўнг ўз отига миндуриб, жиловини тутмоқ недир?

– Туркча нуфузини оламга кўз-кўз қилғони учун! Сиз соҳибжамол маъносини англадингизми?

– Англамасмидим?

– Оламда араб соҳибжамоли фусунда устун эди. Сўнг форсий гўзали чиқди, осмонда қуёш иккита бўлди. Алишер Навоий эса турк соҳибжамолининг гўзаллигини мадҳ этдилар.

– Хотинлар гўзаллигини-я?

– Ҳай, ақлингга балли! Турк тилининг гўзаллигини айтмоқдамиз, биродар!

– Мен султон бўлсам ҳам, хизматингиз олдида менинг қийматим андоқким, фақат жиловдорликка ярайдурман демоқчи бўлибдилар.

– Ана, англаганнинг садағаси кетай!

– Тангрига минг шукр, ундай зот турк элида дунёга келди. Агар Фаранг ё Румда таваллуд топса эди, у ҳолда бизлар уларга ҳавас ва пушаймонлик билан боққай эдик. Энди кўксимизни кера-кера юргаймиз. Яна андоқким, эъжоз мақоми ила битмишлар. Ҳар дostonнинг икки, балки уч маъноси бормиш!

Бу ажойиб янгилик то Рум элигача бўлган барча мамлакатларга яшин тезлигида етиб борди. Тангри таолонинг турк миллатига ато этган ноёб ҳадяси – Алишер Навоий битган “Хамса”ни ҳар ким тезроқ ўқигиси келиб сабрсизланарди.

“Хамса” бу пайтга келиб бирлашиб кетган оққуюнлилару қорақуюнлилар салтанати учун ҳам мисли кўрилмаган байрам бўлди, бу салтанат Алишер Навоийни азалдан ўз шоири деб ҳисобларди. Хушхабар қаноти Шомдан ўтиб Румгача етиб борди, Рум олимлари ҳам бу гўзал ижодни байрам қилдилар. Жанубда у ўз қанотларини Ҳинд диёри узра қоқиб, олтин ва жавоҳирларини сочиб юборди.

Олам шоҳлари кўлида икки хазина бор эди, улардан ҳам гўзалроқ, батафсилроқ ва маҳоратда устунроқ бўлиб учинчи хазина яратилдики, аввалгиларининг барча қийматини ўзида мужассам этиб, янги-янги дур-

жавохирлар қўшилди. Шоҳлар у асарнинг Хуросонда яратилганига ҳавасланишар ва “Кошки Амир Алишер бизнинг мамлакатимизда дунёга келиб, бизнинг тилда сўз айтсайди” деб қизғанишар эди.

Бу хабар Дашти Қипчоқ ҳукмдори Муҳаммад Шайбонийхон қулоғига ҳам етиб борди. Чўлу даштларнинг ушбу бўриси “Хамса”нинг бир нусхасини олгач, хурсанд бўлиб кулди ва қўй-туя сўйиб, элга тарқатишни буюрди. Тоғу тош, далаю даштга ёйилиб кетган бошқа кўчманчи беклар ҳам бу хабарни шодланиб қаршилашди, улар наздида ҳам Алишер Навоий беҳад улуг қаҳрамон, етиб бўлмас қуёшдай эди.

У Хамса бир уммон каби яралди, дер эдилар. Уммонни кўрганмисиз? Ғоятда теран, долғаланувчи бепоён сувлари бағрида наҳанглирию илонлари ҳам бордир. Чуқур шўнғувчи ғаввосларгина ундан ер юзида тенги йўқ жавохирларни олиб чиқа оладилар. Саёз ерларнинг ғаввослари олиб чиққан чиғаноқлари эса гоҳида бўш чиққани учун ўзларини айбласинлар!

У шундай уммонки, уч елканли кема ила сузгайсиз. Бир ёки икки елканли кемалар суза олмай бағри тешилиб, чўкиб кетгусидир. У уммонда сузсангиз, Арабистон саҳролари олдидан чиққайсиз ва Лайли ва Мажнун мамлакатига дуч келгайсиз. Яна сузаберсангиз, фалакиёт сари йўл олгайсиз, олам ажойиботларидан баҳраманд бўла-бўла, етти сайёра қошида Шоҳ Баҳром ила қаршилашгайсиз, у билан суҳбат қургайсиз. Яна сузаберсангиз, Искандар деворига дуч келгайсиз, у мустаҳкам девор ортидаги жаннатмонанд маъволарга назар ташлагайсиз. Дашту саҳродан ўтиб келган Фарҳоддан ва тоғу тошлар орасидаги Арманистон диёрининг маликаси Шириндан хабар олгайсиз...

Шундай дейишарди кишилар шодланиб. Содда, ўқиш-ёзишни билмайдиган кишиларнинг севинчи ҳайратланарли эди. Асар маъноларига уларнинг етиб бориши ғоятда мушкул, бироқ, Навоийнинг “Хамса” яратганининг ўзиёқ уларни тўлқинлантирар, Тангри таолога шукр ила ҳамду сано айтишга ундарди.

\* \* \*

“Халосия” мадрасаси толиблари навбатдаги дарсга йиғилиб, мударрисни кутишарди. Мавлоно Қутбиддин Тоёбодий Алишер Навоийнинг яқин кишиларидан бўлиб, бу хурматли ва илмли киши ҳазрат илтимосига кўра Ироқдан Ҳирийга таклиф қилинган эди.

“Хамса” ҳақидаги гап-сўзлар “Халосия”да ҳам давом этарди. Шошганидан терлаб-пишиб кириб келган мавлоно Тоёбодий:

– Ҳой яхшилар, қувончимни сиз билан баҳам кўргим келди, – деди севинчидан юз-кўзи кулиб. – Кеча Мир ҳазратлари ҳузурда эдим. Йиғилганларга “Хамса”ни келтирдилар, мажлис сўнгида мен ёлвора-ёлвора, у кишидан бир парчани кўчириб олишга рухсат сўрадим. Рухсат берганларидан сўнг, мавлоно Имомиддин иккимиз то тонггача қолиб, ажойиб бир қисмини кўчириб олдик.

Толиблар орасида ғала-ғовур кўтарилди. Барча ўша мақталган асардан баҳра олишни истарди.

Мавлоно Тоёбодийнинг бу ишини бошқа мударрислар ҳам эшитишган экан, улар ҳам бирин-кетин кириб тўшакларга ўтиришгач, Тоёбодий кўлидаги бир неча варақни лавҳ устига кўйиб, баралла ўқиди:

**“Менга подшоҳ қўли етакчи бўлиб, бу панжа билан мени зўр имтиҳон қилди. Уни панжа эмас, қаттиқ тош деб, тош ҳам эмас, яхлит пўлат дегин. Панжа кучини синаш учун панжа солдим, у панжага тенг келолмай азобу ранж чекдим. У – донолар, «Панж ганж» деб ном қўйган «Хамса»и ганжсанж эди. У ноёб дурлар хазинаси, офтоб панжаси бўлган «Хамса» эди, кимки унга зўрлигини кўрсатган бўлса, кучи етмай, қўли шикаст топди.**

**Менинг қўлим ҳам беҳад заиф бўлиб, у панжага тенг келолмасди. Қўлимдаги қувват ҳам, панжамдаги куч ҳам панжалар беллашувига имкон бермасди. Бошлаган бу ишдан воз кечишга ҳимматим йўл бермас, кучаниб ишлай десам, қувватим етмасди. Панжамга ҳасрат билан боқиб, бу панжамни у панжамга уриб, ақлу ҳушимни йўқотиб хаёл сурар**

эканман, суруш – бахтиёр фариштанинг тўсатдан нидоси қулоғимга чалинди:

«Эй ожизлик ва ёлбориш денгизига ғарқ бўлган, дардига бир чора қилувчи топилмаган инсон! Ўрнингдан тургин-да, пир даргоҳига етиб боргин, юзингни унинг огоҳ жонига қарат ва унинг кўнглидан дўстлик, буюк ҳимматидан мададкорлик тилагин. Чунки очилиши қийин бўлган ҳар бир кулфга буюк донишмандлар дуоси калит бўла олади».

– Подшоҳ деб султон Ҳусайнни назарда тутганлари аён. Пир деб мавлоно Абдурахмон Жомийни айтмоқдалар! – ишораларни дарҳол илғаб олишди толиблар.

– “Бу сўзни эшитгач, пир остонаси томон йўл олдим. У жаннатий маконга етиб бориб, сажда қилганимда, остонаси тупроғидан кўзим ҳам, кўнглим ҳам ёришди. Эшикка қўлимни уришга журъат қилолмай турар эканман, у ўзидан-ўзи очилиб, «Ниёз аҳли кирсин!» деган овозни эшитдим-да, таъзим билан ичкари кирдим. Пирга дардимни қай тарзда баён қилишни била олмай, гунгу лол бўлиб турар эканман, кўнглимдаги дардларимни пирнинг ўзи сўзлай бошлади, мен унинг айтганларини тасдиқ қилгач, у аввало ишимнинг битиши учун дуога қўл очди-да, сўнг барча ҳожатимни раво қилди.

*Дедиким: «Бу бир иш эди қилгулуқ,  
Бу айтилмагон нукта айтилгулуқ.*

*Бу соатга мавқуф эрди экин,  
Бу дам Тенгри тавфиқ берди экин.*

*Агарчи етишти малолат санга,  
Вале охир ўлди ҳаволат санга.*

*Ким ул ганжлар бошига етгасен,*

*Тилисмотини доғи фатҳ этгасен.*

Оламга назар солиб кўрдикки, турклар орасида бу каби улуғ ишга қўл уриш учун зарур бўлган кишини топиш қийин. Турклар ҳам, ажамликлар ҳам бундай ишга хайрат билан қарайдилар. Олам аҳли ўн кун тинмай меҳнат қилганларида ҳам беш байтли бир ғазални ёзиб тугатолмайдилар. Маснавийгўйлар эса ўн йилда минг байт шеър битишнинг уддасидан чиқолмайдилар.

Бу ўрмонда иккита шер бўлиб, бу денгизда иккитагина шижоатли, жасур наҳанг бордир. Ўрмонга кириш учун шерлар жанг қилиши, денгизда эса қўрқмас наҳанглар олишуви керак. Бу кунларда тез ва нозик фикрловчи фақат сенсан. Мусаллам сўзинг равон, сўз ичра гўё бир паҳлавонсан. Равон қаламингга шунчалик ишонч борки, сўз айтганда шунчалик оби ҳаёт яратадики, унинг Хизрваш сувидан бутун коинот тўяди. Бу ишни бажариш сенга насиб этган экан, сен унинг уддасидан чиқа олишингга умид қиламиз. Тур энди, ишинг ҳақида ўйлагину ҳаёл аҳли зеби жамоли ҳақида фикр сур. Сен бу ишингда хушёрликни унутмаслигинг керак, биз эса дуо билан сенга мададкорлик қилғумиздир».

Мен нотавон бу сўзларни эшитгач, ўлик жисмимга жон киргандек бўлди. Ер ўптим-да, уйим томон йўлга тушдим. Кўнглимда ўйлаган дostonларни яратишга жазм қилдим. Хонамга келгач, қаламим учини сошлаб, сўз хазиналарини бирин-кетин тера бошладим. «Хайрат»га кўнглим қизиқиб, унга эл-улус хайратини уйғотдим. «Фарҳод» ҳақида ўй суриб, тешавор уста бўлиб, тоғ текисладим, «Мажнун» афсонасини қаламга олиб, барча халқни жунун шайдосига айлантирдим, «Сабъа»га таъбим яқин бўлиб, етти чархдан офарин эшитдим, тилимга Искандар номини олиб, дoston отини «Садди Искандарий» деб атадим.

Бу маҳвашлар жамолларини сарв ниҳоли каби безатгач, латофатда юз аъло жаннат, ҳар бирининг ичида минг гўзал хур ўз аксини топди. Бу

беш хазинани очгач, уларни қоғозга туширдим, кейин ёзганларимни жузвдонимга солиб, химмат билан менга мадаккорлик қилган улуғ пирим олдига олиб бориб кўрсатишни кўнглим орзу қилди. Ҳузурига бориб таъзим бажо келтириш ва ишим тугагани ҳақида ул зотга хабар етказиш тўғрисида хаёл суриб борар эканман, «Хамса» яратган қалам соҳибларининг меҳнатларини эслардим.

Бу асарни ёзишга бел боғлаган улуғлар уни тугаллаш учун узоқ умрларини сарф этдилар. Назм аҳлининг устоди бўлган Низомий ўз хазиначиларини, хазина эмас, ихтироларини элдан узоқроқда яшаб, ярим умрини заҳмат чекиб, қон ютиб яратди. Беш хазина калидини қўлга киритгач ҳам бу асарларни таҳрир қилиш учун яна анча вақт сарфлади. Кўп умрини бағишлаб, бу ажойиб ёқимли китобини тугаллади. Неча подшоҳларнинг ғамхўрлиги билан бу давр ичида у халқ хизмати билан шуғулланмай, фақат шу асарни ёзишдан бошқа нарсани хаёлига келтирмай, фақат орада қирқта арбаин битиб, шу беш хазинанинг соҳиби бўлди.

Ҳиндча таҳаллус олган, асли ўзи турк бўлган Хусрав Дехлавий ҳам Ажамдан Арабгача бўлган мамлакатларни сўз билан қўлга киритди. Бу мустаҳкам қўрғонлар эшигини очгунча, анча афсоналарни қисқароқ баён қилган бўлса ҳам, кўпгина вақтини фақат шу дostonларни ёзиш билан ўтказди. Уларга ўз ҳаётининг ўн беш, камида ўн йилини бахшида этди.

Яна кимлар шу соҳада қалам юритган бўлсалар, улар сарфлаган вақтни юқорида айтилганларга қиёс қилиб билиб олса бўлади...”

Мавлоно Тоёбодий шу ерга келганида ўқишдан тўхтади-да, бошини чайқаб:

– Ҳақиқатан ҳам, Амир ҳазратлари элга хизмат қилишдан бўшамас эдилар. Тонгдан оқшомгача халқ дардини тинглаш, кишиларга ёрдам бериш билан банд бўлардилар, баъзида одамлардан малол келувчи сўзлар эшитардилар. Халқ ғавғосидан тинмас, қулоғи халойиқ шовқин-суронидан

тинчимасди. Шундай қийинчиликларга карамай, икки йилдан кўпроқ вақтда “Хамса”ни ниҳоясига етказдилар. Эътибор қилинг, уста бир ҳисобчи ғайрат қилиб, беш дostonни ёзиш учун кетган муддатни ҳисобласа, жами олти ой ҳам бўлмайди. Энди қолганини тингланг, инсонликнинг юксак ўрнақларига шохид бўлинг! – деб, давом этди:

**“Бу китобни аввал айтган улуғларнинг юзларига ажал аллақачон ўз ниқобини ёпган. Улардан ҳар бирининг руҳи жаннат боғида шод бўляпти, деб умид қиламан. Доно пирим булардан ҳам хабар топиб, мени ҳам бохабар қилармикан? Шундай хаёллар билан пирим манзилига етиб бордим, остонасини ўпиб, жузвдонимдан «Хамса»ни чиқардим-да, ёзганларимни кўрсатиб, барчасини унинг оёғига нисор қилдим! Кемам дарёда борар экан, пирим қўлини улардан бирига узатдию ҳар бир варағини очиб, назар ташлар экан, юзига табассум ёйиларди.**

**Бирон сўз ҳақида савол берса, жавобини берганимдан сўнг завқланар, гоҳ таҳсину гоҳ дуо қилар экан, ҳар бир сўзидан шодликка тўлиб, муродим ҳосил бўларди. Ёзганларим ҳақида фикрини айтар экан, мен икки кўзимни ерга тикиб турардим. Сўзимни эшитар экан, юзи бўстондек очилиб, меҳрибонларча енгини эгнимга ташлади, қўлини елкамга қўйди.**

**Шунда ўзимдан кетгандек бўлдим, қизиқ бир ҳолат юз берди: тўсатдан ўзимни ажойиб бир бўстон ичида кўрдим, боғу гулистон аро айланиб юрган эмишман. Боғи Эрамда сайр қилган ҳар бир одам ҳам ушбу жаннатмонанд боққа орзуманд эмиш. Эл Байтул-ҳарамни тавоф қилган каби, мен ҳам чамандан чаманга ўтиб шодланар эмишман. Боғ ичида кўпгина кишилар ҳалқа қуриб, ширин суҳбат қилишар экан. Улардан бири чаманда мен кезиб юрган жойга қараб юриб олдимга келди. Шоирона қиёфали дилкаш ва соҳибжамол бу киши салом бериб, мен билан сўрашгач, «Бу бахтиёр ва қувноқ одамлар сенинг ҳам суҳбатимизга қўшилишингни истамокдалар», деди. Унинг таклифини**



қабул қилиб, ўша томон юрдим. Йўлда борарканмиз, ҳамроҳимга ўзимни таништириб, суҳбатдошларнинг кимлар эканлигини сўрадим. У дедики:

«Улар маснавий назм қилган шоирлар гуруҳидир. Хусусан, улардан бир нечталари «Хамса» яратган, «Хамса»даги конлар хазинасини очган донолардир. Уларнинг барчалари шу ерда, сенга муштоқ бўлиб турибдилар. Сен менинг кимлигимни сўрадинг. Каминанинг оти Ҳасан бўлиб, халқ Дехлавий деб атайди».

Бу сўзни эшитгач, жисмимга иситма тушди, кўнглимни ҳам изтироб эгаллади. Узр сўраб, ҳамроҳим билан қучоқлашиб кўришдим. Йўлда борар эканмиз, Ҳасан тўдадаги шоирлар номини бирма-бир айтиб, ҳар бирларини алоҳида-алоҳида талқин ҳам қилиб берди. Уч киши мажлис раислари экан, ҳамроҳим уларнинг ишларини ҳам шарҳлаб берди. Дедики: «Ўртадаги ёқимли чехрали нуроний пир ҳазрати Шайх бўладилар, огоҳ бўл, ҳурматини эъзозлаб, оёғига бошингни қўй. Ўнг томонидаги донишманд унга пайравлик қилиб «Хамса» ёзган Амир Хусравдирлар. Яна бир ёнларидаги эса сенинг пирингдирлар. Уларнинг икки ёнларидагилар қавмларидир. Барчалари билан ҳурмат сақлаб кўришгил, сўзлаганингда ҳам одоб сақлашни унутмагил!»

Ҳамроҳимнинг барча айтганларини қабул қилдим. Мажлис кетаётган жойга юз қаричча масофа қолганда, базм аҳли ўринларидан турдилар ва мени кутиб олиш учун кела бошладилар. Мен ҳам қадамимни тезлаштириб уларга рўпара бўлдим. Ҳамроҳим бирма-бир ул тўдадагиларнинг отларини айтиб, кўришаётганимда ҳам ёнимда турди. Саъдий, Фирдавсий, Унсурий, Саной, Хоқоний, Анварий... Барча кўришганларим номларини батафсил тилга олсам, сўз узайиб кетади.

Ҳаммаларининг қўлларидан ўпиб эъзозлагач, улар мени ёнларига олиб, келган тарафларига қараб юрдилар. Супада Шайх ва унинг пайрави, яъни Низомий билан Хусрав, шунингдек, бизнинг пири маҳдумимиз ўтиришарди. Биз яқинлашганимизда, улар ҳам ўринларидан туриб биз томон қадам ташладилар. Хусрав ва пирим

Шайхдан бурунроқ юриб келишарди. Мен ҳам улар томон югурдим. Пир ўз ихтиёри билан қўлимни тутиб, ҳамроҳи билан кўриштирди. Мен кўзларимдан ёш тўкиб қўлларини ўпдим. Жомий билан Хусрав икки қўлимдан ушлаб, Низомий сари бошладилар. Мен, ғам асири, қўлимга олам тушганидан кўз ёш тўкардим. Икки қўлимга икки жаҳон кирган эди. Муборак Шайх билан кўришиб, оёқларига бошимни қўйдим, тупроғини ўпиб кўзёш селини тўкдим, буни кўриб турган тўққиз фалак менга рашк қиларди. Шайх меҳрибонлик билан бошимни ердан кўтариб, қайтиб бориб ўз жойига ўтирди. Мени эса кутилмаган бахт беҳуд қилиб қўйган эди. Шайх иккала дўсти билан ўринлашди, мен эса хижолатлик билан қаддимни букиб турардим. Барча гуруҳ аҳли ўз ўринларини эгаллашгач, менга ҳам ўтиришга ишора бўлди.

Шайх мулойимлик билан сўз бошлаб, аввал аҳволимни шафқат билан сўради, мен жавоб берарканман, ҳурматини қилиб ер ўпдим. Кейин яна деди: «Эй олам аҳлининг яғонаси, фалак сени эл ичра нодир айлаб, жаҳон назми соҳасида қодир қилди. Ғазал йўлида шундай юришлар қилдингки, шеър аҳлига сўз айтиш ҳаром бўлди. Назминг жаҳондаги мамлакатларни, жаҳон эмас, жон мамлакатларини тутиб кетган эди, маснавийга шитоб қилиб, қаламингдан соф дурлар тўка бошладинг. Шунда ажойиб иш юз бериб, назминг эл назмига шикаст бера бошлади. Сўзда менга татаббуъ қиларкансан, неча бор илтижолар айладинг. Чунки мен «Хамса»да: «Ҳар кимки, мен билан беллашишга умид қилса, сўзим ўроғидан кескир тиғ ясаб, у тиғ олмоси билан бошига урай!» деб огоҳлантирган эдим. Кўп одамлар бу сўзларимга даъво қилмоқ учун курашишди. Шу даъво йўлида бошларини фидо қилмоқчи ҳам бўлишди. Фарзандим Хусрав Аллоҳга илтижо қилгач, у ганжлар сирини топа олди. Яна бир, икки, уч одам қийналиб меҳнат қилиб, ўз насибаларига эришдилар.

Сен бу йўлга қадам қўйгач, ўзингни унутиб, бор хаёлингни шу ишга бердинг. Баланд мартабанг тоғча бўлса-да, мақсадинг олдида туфроғча

хам бўлмади. Фарзона Жомий каби пир танлаб, Низомий сингари мадакор топиб, поклик билан бу ишга қўл урган чоғингда поклар руҳи олдингда йўл очиб берди.

Саҳар вақтларида руҳимни дуо билан ёд этмай туриб, ёзувингни бошламасдинг, фақат мени эмас, балки барча назм аҳлини пок дуо билан тилингга олиб, хурматинг бизларга беҳисоб бўлиб, биз ҳам сенга ададсиз мадад қилиб турдик. Бўлмаса, икки йилда бир «Хамса» тугатмоқ хом хаёлдан бошқа нарса эмас эди.

«Хамса»ндаги бешта хазинага тўлдирилган гавҳарларни адо қилиб бўлмайди. Улардаги дуру лаъллар барча кўздан яширин бўлиб, дуридаги ипларни ҳам, лаълларидаги тешикларини ҳам кўрмоқ иложсиз. Ҳақ таборак сенга бу дурларни берган экан, умид шулки, улар муборак бўлғай.

Ҳар бир киши сен каби киришса, эвазига шундай натижага эришиши мумкин. Лекин шунча маънолар хазинасини Ҳақ яширинча сенга берган экан, қаерда шундай ҳолатга дуч келсанг, билгилки, унинг сабаби икки ишдир: бири шуки, сен ҳам илтижо қилишга эътибор бердинг, сирлар аҳли сени қабул айладилар ва рағбатлантириб туришга ҳаракат қилдилар, барчалари ҳиммат билан сенга мадад кўрсатдилар. Яна бири шуки, илму ҳунар аҳли ҳар нима қилса, лоф уради-ю, ишни мураббий қилади. Ҳунарпарвар иш буюрувчи бўлса, ҳунарманд лоф ургувчидир. Сенинг шоҳинг соҳибкамол бўлиб, олдида мулку мол қадрсиз эди. Унга мен айтган икки иш насиб этган эди. Унинг ажойиб замонида ажойиб ишларнинг юз бериши ажабланарли эмас. Халққа чорасоз, меҳрибон шоҳ халойиқ фозили Шоҳ Ғозийдур. Тангри унинг давлатини барқарор, мартабасини етти осмондан ҳам юқори, буюк қилсин. Зеро, унинг замонида сендек киши дунёга келди. Сенинг ишинг эса одамзод қила оладиган иш эмасдир».

Сўз шу ерга етганда, мен беихтиёр ўрнимдан турдим-да, «Шоҳга ҳамду сано айтдингиз, энди давлатига ҳам дуо қилсангиз», деб илтимос қилдим.

Сирлар доноси Мир Хусравга қараб: «Сен Шоҳ Ғозийга мадҳ айтувчисан. Сўзингдан баъзи байтлар ёдидадир, асарларинг муборак хислатидадир. Сўзларингдан кўнгли таъсирланиб, нафасингдан дуо ҳам унга асар қилади. Дуо қилгинким, олимлару донишмандлар «омин» десунлар, биз ҳам «омин» дейлик», деди. Даврадаги шеър аҳлига мурожаат қилиб, яна шундай деди: «Сизлар шоирсизлар, у эса хуштабъ шоҳдир. Фарзанд Хусрав дуо айласа, унинг тилакларини Ҳақ раво қилади. Барчангиз дилу жон билан «омин» денгиз. Кўздан оққан ёшларимиз билан дуо қилайлик».

Бу сўзларни эшитганлар маъқуллагач, ҳамма ҳиммат билан шоҳга қилинган дуога «омин» дедилар. Сўз устаси Хусрав ўрнидан туриб, дуосини шундай бошлади: «Ё Раб, то олам бор экан, одам зоти ҳам бўлади. Тахти ҳукмига олам кириб, жинси одамнинг барчаси бандаси бўлсин. Қиёматгача давлати барқарор бўлиб, кунлари ҳамиша шоду хурсандлик билан ўтсин. Адолатидан жаҳон аҳли, хусусан, фазлу камол аҳли тинч-омон яшасин». Шундай дуо тугаллангач, барча илм аҳли қўлларини юзларига суртдилар. Аҳли савоб қилган дуони, ажаб йўқки, Ҳақ мустажоб қилгайдир.

Дуо тугагач, қўйнимдан «Хамса»ни чиқариб, қора тупроққа ўзимни ташлаб, йиғлаб, шундай илтижо қилдим:

*Бу зодаи хотири хастани,*

*Кўнгулдин такаллумга пайвастанни.*

*Ки ҳиммат тутуб эҳтимом эттингиз,*

*Демасменки, мен, сиз тамом эттингиз.*

*Карам бирла туфроғдин ҳам олинг,  
Иноят қилиб бир назар ҳам солинг.*

*Ки эл хотирига нузул айласин,  
Улус кўнгли они қабул айласин.*

Бу сўзларимни эшитган Шайх туфроғ устида ётган асаримни қўлига олди-да, Мавлавий томонга боқиб: «Сен астойдил дуо қилгин. Сўнги фарзандимиз, билим мазраъидан ҳосилимиз сўзга мохирдир. Булар унинг зод пайвандлари, бариси фарзандларимизнинг фарзандларидир. Сенга ҳам шогирддир, ҳам мурид. Сенинг дуо қилишингга умидвормиз».

Маҳдум дуосини бошлагач, барча яна оминга қўл очдилар. Дуоси кўнглимга ёқимли, қалбимга қувончли эди. Давра аҳли “омин” дейишиб, мен маҳзунни шод айладилар. Менга бундай олқиш насиб бўлгач, бу мўътабар зотларга сажда қилдим. Улар: «Шоҳингга дуо дегайсен», деб жавоб қилдилар. Бу сўздан аҳволим ўзгариб, ўзимга келдим.

Қарасам, мен борган хужрада пирим аҳволимга ҳайрон бўлиб турарди. Гўё бу лаҳзада у эгнимдан қўлини олган ва хаёлимни шу ерга йўллаган эди. Олдида бош эгиб, кўзларимдан ёш оқизиб турардим. Пир меҳрибонлик билан: «Не аҳвол юз берди?» деб сўради. Бошимни қуйи солганча: «Менда шундай бир ҳол юз бердики, уни шарҳлаш учун тилим лолдир», деб жавоб қилдим. У дедик: «Бу дам ҳеч кимга берилмаган саодат сенга насиб бўлди. Ўрнингдан тургин-да, Тангрининг эҳсонига, беҳисоб яхшиликларига шукр қил!» деди. Мен ерни ўптим-да, ташқарига қадам қўйдим. Худди бутун олам тамоман меники эди. Мен учун «Хамса»ни тугаллаш бир томон бўлса, бу мақсад ҳосили яна бир томон эди. Охирида бу мақсудимга етказган Тангримга шукримни қайси йўл билан айтай? Аллоҳ муродимга етказган бу кунда базм тузиб, бир дам хурсандлик қилсам арзийди.

**Эй соқий, шодлик қадаҳини тўлдир, негаки кўп фикрлашдан димоғим куруқшаб кетди. Кўзимни шуъласи билан мунаввар қилай, димоғимни исидан муаттар қилай...”<sup>1</sup>**

...Парча ўқиб бўлинганида тиллар сўзга келмас, барчанинг аҳволи руҳияси ўзгариб қолган, бу гўзал сўзлар қатидаги юксак фазилатлар ўтирганлар қалбига ҳам кўчиб кирган эди.

– Сиз бунинг бир жиҳатига эътибор қилинг! – деди мавлоно Тоёбодий. – Амир Алишер бу асарни битиш билан шеър қаҳқашонида ҳам ўзларининг, ҳам мавлоно Абдурахмон Жомийнинг, ҳам Шоҳ Ғозийнинг ўринларини кўрсатибдилар. Тангрига шукрки, сизу биз ушбу мўъжизадан биринчилар қаторида баҳраманд бўлдик! Иншоллоҳ, яқин кунларда унинг бир нусхаси кутубхонамизга етиб келгайдир, истаганингизча баҳра олгайдирсиз. У гўё нури сира тугамайдиган чироқдир, қанча кўп киши ўқиса, ёғдуси шунча қувватлангайдир.

– Иншоллоҳ! – деб сидқидилдан дуо қилишди қолганлар ҳам.

\* \* \*

Мўъжиза кекса мударрис Абу Абдуллоҳ Кулоҳий ҳаётида ҳам рўй берди.

Саксон ёшни қоралаб қолган бу қария мадраса сабоқларини бас қилганидан сўнг, ўзининг Назаргоҳ мавзесидаги эски ҳовлисида ёлғиз ўғли ва набиралари билан истиқомат қиларди. Йиллар ўта-ўта иморат хароб аҳволга келди, сувоқлари тўкилиб, ёғочлари тоб ташлади. Ўғли Хожа Афсариддиннинг мактабда мударрислик қилиб топган маблағи ҳовлини таъмирлашга етмасди. Бироқ, табиатан хоксор, бутун умрини илм олмоқ ва ўргатмоқ билан ўтказган бу қария ҳаётдан сира нолимади, бориға шукр қилиб кун кечирди. Алқисса, кексалик кузи ҳам етиб келди, унинг изғиринлари заифлаша бошлаган сўнгақларини зир қақшатди. Шу сабабли, Абу Абдуллоҳ Кулоҳий ёзда ҳам юнг камзулини ташламасди.

Куз офтобида исиниб ўтирар экан, пахса девор ортидан от дупури эшитилди. Сўнг кимдир қамчи билан дарвозани қаттиқ урди.

---

<sup>1</sup> “Садди Искандарий”дан (Иброҳимжон Сайдуллаев таъдили).

– Келаберинг! – деди Абу Абдуллоҳ Кулоҳий ўтирган жойида, келган ким экан деб бўйнини чўзиб қараб.

Дарвоза тавақаси очилиб, бир неча киши кириб келди.

Абу Абдуллоҳ Кулоҳийнинг хиралашган нигоҳи уларнинг ким эканини илғаёлмай, бурушиқ қўлини кўзига соябон қилиб, келгувчиларга қийналиб термилиб турарди.

Меҳмонлардан илғордагиси – ўрта бўйли, оқ тўн кийган киши тез-тез юриб келиб, Абу Абдуллоҳ Кулоҳийга кучоқ очди:

– Ассалому алайкум, устоз!

Абу Абдуллоҳ Кулоҳий у билан кўришаркан, сарой киборлари киядиган либосдаги бу кишини таниб, каловланиб қолди:

– Ё Оллоҳ! Алишер? Алишермисиз?

Бағир очиш навбати энди чолга келди. У шогирдининг бағрига сингиб кетгандек эди гўё. Ундан ажралишни истамас, икки қўли билан елкаларини сийпаларди.

Мўйсафиднинг заиф ва шогирднинг навқирон гавдаси бир-биридан ажраганида ҳам талабасининг қўлларини кўйиб юбормас, тўйиб-тўйиб қараб:

– Кўзларимга ишонмайман! Алишермисиз? – дерди.

– Ҳа-ҳа, Алишерман, ўша! – дер эди Навоий ҳам.

– Афсариддин, ўғлим!

– Лаббай, ота!

– Ҳурматли меҳмонларга ичкаридан палос-намат олиб чиқинглар, супага болиш қўйинглар. Ҳой, шарбат-егуликка қаранглар!

Навоий табассум билан:

– Шошманг, шошманг! – деди уни тўхтатиб. Сўнг ҳамроҳига қараб:

– Олиб кираверинг! – деди.

Бек Ёдгор очик дарвоза олдидаги хизматкорларга ишора қилган эди, улар матоларга ўроғлиқ бир нималарни ҳовлига таший бошлашди. Бири узун гилам олиб кириб, дарҳол супага тўшади. Яна бири патнисдаги ҳалво-ю ширинликларни курсига кўйиб, устини очиб қўйди. Бек Ёдгор эса қўлидаги

икки совғанинг бирини супага қўйиб, иккинчисини Алишер Навоийга тутқазди-да, ўзи ортига қайтиб, супадаги табақ бетини очган эди, ундаги олтин динорлар ялтираб кетди.

– Ё Оллоҳ! Бу не каромат?

Алишер Навоий қўярда-қўймай устозини супага ўтказиб, ўзи ҳам ёнига ўтириб, қўлидаги совғани очди.

– Устоз! – деди эгилиб. – Бу менга берган таълимларингизнинг кичик бир мевасидир. Қабул қилинг!

Абу Абдулоҳ Кулоҳийнинг мадорсиз қўллари китоб залворидан титраб турарди. Шу ҳолида кўзига яқинлаштириб:

– Хамса? – деди овози титраб. – Хамса?!

– Ҳа, устоз! Шогирдингиз битган Хамсадир.

Абу Абдуллоҳ кўзларига ишонмасди. Шодлиги осмонга сиғмасди. Шу тобда кексалик унинг вужудидан сийрилиб чиқиб кетди, ўзи эса кушдай енгил бўлиб қолди. Гўё икки елкасидан канот ўсиб чиқди, эгик қадди ростланиб, китоб устидаги ипак қоғозда катта ҳарфлар билан ёзилган байтни ўқиди:

*Ҳақ йўлида ким санга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,*

*Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.*

Кекса муаллим шунда йиғлаб юборди.

– Муяссар қилганингга шукр, – деб йиғларди қарияларга хос қалтироқ овоз ила, “Хамса”ни пешанасига текизиб.

Бу фақатгина шодлик йиғиси эмас эди. Умр паллаларининг маҳсули, ўксинишу изтиробларнинг, кўз нури харжлаб олинган таҳсилларнинг, ўқилган китобларининг мазмунини ўзига сингдира-сингдира, юзлаб болаларга эътиқод ва камолот таълимини берган, қаноти остидан ўнлаб баҳодирлару амирлар етишиб чиққан бу киши ҳозир ўз умридан рози бўлиб йиғларди.



– Илоё дунё тургунча тулинг! – дерди. – Мен хоксорни шундай иззат қилибсиз, Тангри таоло сизни яна-да улуғ иззатларга еткурсин!

Бу шундай ажойиб манзара эдики, барчанинг қалби чароғон бўлиб кетди. Хожа Афсариддин ёш боладай қувониб куларди.

– Ота! – деди қаттиқ овоз билан у, отасига эгилиб. – Амир Алишер бизга Султон Ҳусайн номидан бир ҳовли инъом қилдилар. Юлинг, бориб кўлинг!

Бек Ёдгор дўриллаб гапша қўшилди:

– Амир ҳазратлари кексалик айёмида қандай кун кечиряпти эканлар деб, холингизни сўраб-суриштиришни буюрган эдилар. Ўғлингизни топиб, биргаллашиб келиб қарасақ, ҳовлингиз эскириб, таъмирталаб бўлибди. Сизга совға бўлсин дея ўзингизга билдирмасдан, яхши ҳовлиларни излай бошладик. Лекин олийжаноб Амир сизнинг шу мавзегга ўрганиб қолганингизни айтиб, ҳовлини шу тарофдан топишимиз кераклигини айтдилар. Бир қанча ҳовлиларни кўриб, Хожа Афсариддинга маъқул бўлганини сотиб олдик ва ҳамма ишни битиргач, сизга суюнчилашга келдик.

Кекса мударрис ҳаётида мўъжиза шундай рўй берди.

Навоийнинг бу иши тилларда достон бўлдигина эмас, мураббийларни совға-салом билан қутлашни одат тусига киритди. Абу Абдуллоҳ Кулоҳий шаънига битилган байт шунчалар машҳур бўлиб кетдики, Хуросоннинг барча мактаб ва мадрасаларининг кираверишига осиб қўйилди:

***Ҳақ йўлида ким санга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,  
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила<sup>1</sup>.***

### **АСТРОБОД**

Фалаклар султони буюрган махфий ишларни бағрига олиб, 892-йил келди<sup>2</sup>.

Жанубда Ёкуббек туркман бошлиқ сафавийлар тобора кучга тўлмоқда эди. У Астробод жанубидаги бир нечта қишлоқни сурбетларча эгаллаб олди. Мозандарон беклари ўз ихтиёрлари билан Ёкуббек изну ихтиёрига ўтишгач,

<sup>1</sup> Алишер Навоий бу байтни кейинчалик “Маҳбубу-л-қулуб” асарига киритган.

<sup>2</sup> Милодий 1487.

амирларининг сурбетлиги янада зиёда бўлиб, бошқа қишлоқларни ҳам босиб-талаб кетишди. Улар шу тариқа уруш ўчоғига олов ёқишни ва мамлакатни жангу жадал гирдобига тортишни кўзлашди. Султон Ҳусайн аъёнлар билан кенгашиб, саховату хулқда беназир Алишер Навоийни Астрободга ҳоким қилиб тайинлашдан бошқа чора қолмаганини, йўкса совутлар кийилиб, қиличлар қинидан чиқиб, қон тўкилишини тушуниб етди.

Султон Ҳусайн кўнглидаги махфий ниятларини соҳибтадбир Амир Алишер билан маслаҳатлашганида, Амир Алишер хоқонлик ишларининг кафолатини олишга майли йўқлиги ва ибодатга иштиёқи зўрлиги туфайли розилик лафзини сўзламади. Бироқ, ўтинч ва ҳаддан зиёд тилақдан сўнг розилик бошини қимирлатиб, йўналиш юзини ўша томонга қаратди ва зулқаъда ойининг биринчи чоршанбасида икки хожа ва бир қанча мулозим ҳамроҳлигида Астрободга йўл олди.

Нозанин Ҳирий яна тарк этилди.

Навоийни йўлга кузатиб қўйганлар орасида Мажидиддин ва Музаффар ҳам бор эди. Карвон жўнаб кетгач, саройга қайтишда Музаффар барлос Мажиддидиндан фурсатини топиб сўради:

– Юз офарин! Бироқ, буни у кишига, – кўзлари билан юқорига ишора қилиб: – қандай қилиб айтдингиз?

– Йўқ, ўзларидан чиқди, – деб жавоб қилди Мажидиддин, этли юзига мамнун илжайиш ёйилиб. – Энди сен Амир Ҳайдар Сабухийни топ. Қай бир чоғирхонада думалаб ётган чиқар. Ишқилиб, Амир Алишер уни ҳам Астрободга чорлаб қолмасин. Ишингни аста-секин, билиб қилавер. Бу ёғига Тангри мададкор бўлсин!

\* \* \*

Астрободга Тоёбод, Машҳад ва Нишопур йўли орқали Сабзавордан ўтиб бориларди. Юрилгани сайин бўзқирлар ва пасттоғлар аро табиат ўзгара борди, иқлим алмашиб, намлик ортди. Кўп навоҳийларда кишилар чорвасини ёйиб, эчкиларига қўшиб ўтлатиб юришарди. Катта-катта экинзорлар, мош, тарик, ловия, жўхори далалари кўзга ташланарди. Уйлар тобора

баландлашиб, тошлардан тикланган иморатлар кўрина бошлади. Бундай уйлар қурилишининг сабаби ёгин-сочин кўплигидан бўлиб, тошдан қурилган уйларгина рутубатга бардош бера олар экан.

Халқ Астрободни Гургон деб атар, бу “бўрилар” маъносини берарди. Марвликлар уни Табаристон деб аташади. Астробод шойи-ипаги, гавхару марваридлари, от терисидан ишланган анжомлари билан ҳам шуҳрат топган. Тоғларида дунёдаги энг тезучар, қорни-ю бўйни қизил лочинлари бўлармиш, улардан бирон қуш қочиб қутула олмасмиш.

Яна, бу юртнинг сигирлари ғаройиб – баҳайбат ва қордай оқ экан. Юнги калта, силлиқ, бу Астробод жазирамалари туфайли бўлиб, калта шохлари йўғон, бироқ ўтмас эмиш. Кураги орасида икки кафт микдори букриси бўлармиш. Улар жуда кўркам бўлиб, гўё ўликни тирилтириш учун энг кўркли сигирни сўйиб, бир бўлаги билан майитни уришни истаган қадимги кишилар ўзлари истаган сигирни шу ердан топишгандай эди.

Йўлдагилар Астробод жазирамасини ҳам гапириб беришди. Мамлакат иқлими кишига ёмон таъсир қилар, ҳавоси нотоза, рутубат дардчиллик келтириб чиқарар экан. Шу сабабли аҳоли кўпинча ёз маҳаллари Биржанд тарафларга кўчар, Астрободда киши қолмас эмиш.

Кишилари ёзда қай маҳал неча марта қум бўрони кўтарилишини билишаркан. У бўрон одамни ҳалок қилармиш. Ўша маҳаллар боғларга кетиб, сувга кириб жон сақлар эканлар.

Тариқ, буғдой, сулини куз охирида экиб, баҳор бошида йиғиштириб олишармиш. Чунки ёзнинг кучли жазирамаси ҳамма нарсани қуриптиб юборармиш.

Астрободга кўп бора келган Носириддин Мирий деган бек бу навоҳийда туз дарахти ҳам ўсишини айтди. У катта ва қалин, япроқларининг бир тарафи оқиш, бошқа тарафи яшил, меваларининг ичи бўш, танаси сариқ ва қаттиқ бўлармиш. Йўл мобайнида ундан бошқа дарахт учрамас экан. Янаям нарига борилса, туз тоғига рост келингаймиш, у жонибда ҳар тараф тузмиш. Шунчалар кўпмишки, дунё тугагунча тугамасмиш.

Кичик тоғларда жайра кўп бўлиб, овчилар уни кучуклар билан овлашар экан. Аммо жайралар кучукларга игна отишгани ажаб. Тоғларда йўлбарслар ҳам бўлиб, кейинги пайтларда одамларга хужум қила бошлашибди, сабаби ўша жайралар экан. Баъзи йўлбарсларнинг терисига ўнлаб игна санчилгани кўрилмиш, жимжилоқ қалинлигида, бир-бир ярим қаричлик у игналар санчилгач, қайтиб чиқмас экан. Оғриққа чидаёлмаган ваҳшийлар алам ичида инсонларга ташланар эмишлар.

Шу тариқа, иқлим ўзгаришлари кўрила-кўрила, Астробод иқлими ҳақидаги ҳикоятлар эшитила-эшитила, шаҳарга етиб келишди.

Сарой Амир Темур жорий қилган Самарқанд услубида қурилиб тартиб берилган, Шоҳрух Мирзо пайтида қад кўтарган мақбаралар Самарқандни эслатиб турарди. Шаҳар кўчаларининг бари кўшкка бориб туташар экан. Кираверишдаги олти қиррали ҳовузда оққушлар сузар, боғда эса товуслар узум думларини ёйиб айланиб юришарди.

Саройга келиб, умаро билан кўришилгач, Алишер Навоий дарҳол Ёқуббекка мактуб битиб, чопар юборишга қарор қилди. Баҳорнинг латиф тонгларидан бирида учқур от минган икки бек ўн чоғли мулозим билан мактубни ва совға-саломларни олиб, Шероз сари елди. Султон Ҳусайн ёрлиғининг бир нусхаси Ёқуббек туркманга ҳам юборилдики, Астробод ҳокимлигига Амир Алишер тайин этилгани барчага маълум бўлсин, дея.

Олтин-ёқутлар билан безатилган серҳашам Шероз тахтида ўтирган Ёқуббек туркман мактубни олиб ўқигач, узоқ ўйланди. Ҳусайн Мирзо сиёсат шатранж тахтасида зўр юриш қилганини англади, чунки Астрободда Алишер Навоий амирлик қилса, унга қарши қўшин тортишга ҳадди сиғадиган киши топилмасди. Шунингдек, Навоийдек муҳтарам зотнинг унга мактуб битганидан кайфияти чоғ бўлди.

Навоий мактуби туфайли, аъёнлар машваратга йиғилдилар. Йиғин боиси эса қишлоқларни навкарлар тарк этиши эмас, балки Алишер Навоийдек кишига унинг даражасида жавоб ёзмоқ эди.

Навоий шундай битган эди:

**“Диёнат қуёши, ғозий султон Ёқуббек жаноби олийларига маълум бўлғайким, у кишининг қудратлари ва муборак хотирлари қаршисида ҳар қандай мулк оёқ остида бўлмоқдан саодат туйғайдир. Қадамлари етган ерда гул унғай, боғу бўстон бўлғайдир. Фақир Ёқуббек жаноблари шаънига мақтов дурларини қуллуқ ипига шундай тизар. Бироқ, адолатли султонлар изнидаги мен каби амирлар ўз навохийсидаги ҳар тош, ҳар ўланга масъулдирлар, жанобларининг салтанатларидаги низом ҳам худди шундоқдир. Бир қанча навкар сарҳаддаги қишлоқларга кириб-чиққай эмиш. Албатта бу ишлар амирлар назоратининг ўксиклигидан эмас, балки олий зотларининг навкарларига халойиқ эҳтиромидан деб билинмоқдадир. Қуллуқ арзимиз шулким, навкар низомида қатъий турилса, ҳар не истак бўлса бизга мурожаат қилинса. Ушбу ила фақирнинг Абулғозий Султон Ҳусайн қошидаги бурчини ўринлатмоғига қўмак берган бўлардингиз. Вассалом.”**

Бу ажойиб мактубга қандай жавоб берилсин? Ўйлай-ўйлай, машваратга шоирлар ҳам чақирилди. Ниҳоят, шундай битилди:

**“Сўз мулкининг амири, фасоҳат мулкининг зиёси Амир Алишер жанобларигаким, мактуб ипига тизилган сўз дурлари хазинамизни бойитди. Сизнинг Машҳадда Имом Ризо мақбарасини таъмирлаганингиз маълум ва иззатга сазовордир. Ғозий султон Ҳусайн Мирзо ҳукмидаги вилоятларга навкаримиз халойиқ ила муомила учун, қон-қариндошлик вазҳидан кирмишдир ва ул иш айбга олинмаслиги ўтинилғайдир”.**

Нома билан бирга, ҳурмат ва эҳтиром рамзи ўлароқ Алишер Навоийга бир табақ Шероз ширинликлари, иккинчи табақда худди ўша ширинликларга ўхшатиб ишланган олтин ва кумуш қандлар юборилди.

Қиличлар қиндан чиқмоғи тиланган иш шу тариқа, қалам ила ҳал бўлди. Аъёнлар бу фитна урушсиз ҳал қилингани учун Навоийни қутлашарди. Бироқ, Навоий бу ишдан қониқмади. Ёқуббек кишилари ҳали шу ерда экан, **“Мен хоксорнинг номи Султон Ҳусайн номидан аввал зикр этилиши**

**сира мақбул эмас ва фақирни уят ва хижолатга қўйгайдир”** деб битди у. **“Сиз тилга олган ва шоҳона диққатингизни қаратган у ишлар албатта Султон Ҳусайн Мирзонинг саъй-ҳаракатлари ила рўёбга чиқмишдир. Фақир ул ишларда кичик бир ижрочи, холос. Шул сабаб хосиятли мактубингизда фақирни эъзозлаганингиз кўнгилга ғоят хуш, бироқ, майса унмоғининг боиси куёш ва ер-сув бўлгани каби, бундай эҳтиромларда султоннинг исми аввал келгайдир ва фақирнинг номи энг остда бўлгайдир, магар бўлмаса, дағи мақбулдир. Тангри бардавом айласин. Омин!”** деб ёзилган нома Ёқуббекка йўлланди.

Бу нома ила бирга, Астрободда машҳур табиб – ибн Синонинг устози Малҳий мақбарасини таъмирлаш нияти баён этилган мактуб Султон Ҳусайнга ва Ёқуббекка юборилгач, Ёқуббек бу ишни эҳтиром деб қабул қилди ва таъсирланиб, “Кошки шундай бир дўст менинг саройимда ҳам бўлса!” деди. Навоийга миннатдорлик билдириб, зотдор бир тўбчоқ юборди. Шу билан салтанатлар вазияти ўнгланишга юз тутди. Шероз беклари ўзларича эгаллаб олган қишлоқларни тарк этишди.

Бу иш хайрли хотима топгач, Мозандарон амирига ҳам мактуб битилди. Мактуб гина-кудуратсиз, ўта самимий ёзилган бўлиб, унда муҳокама учун кўришиш истаги баён қилинган эди. Чунки вазият аён, Мажидиддин солиқчилари Астробод амирларини ҳам безор қилишган, зулмдан тўйган амирларга Ёқуббек ихтиёрига ўтиш мақбул кўринган эди. Қовоқ уйиб олган амирлар ҳибсдан хавфсираб, саройга навкарлари билан келишарди.

Астробод шоирни хушнудлик билан кутиб олди. Унинг салтанат ишларига ғоят диққат билан қараши, ҳар ишни синчковлик билан пухта тафтиш қилиб, адолат билан ҳал қилиши халқ орасида “Астробод бошига бахт куши кўнди”, деган гап-сўзларга сабаб бўлди. Бу ишлар шундай рўй берди.

Астрободда девон ишлари тартибсиз ва низомсиз, амрлар сўзда берилар ва кўпинча эсдан чиқар, буйруқларнинг бажарилишида ҳам тартиб йўқ экан. Умаро девонга ўзи истаган маҳал келар, гоҳида девон бир неча кунлаб ёпиқ

турармиш. Навоий бу ишларни дарҳол тартибламоққа қарор қилди. Девон мунтазам очик туришини, фуқаро арзи мудом тингланишини маълум қилди.

Авваллари девонга яқинлашишга истиҳола қиладиган ёки “Салтанатдан бир иш чиқмоғи маҳол, ўз кунингни ўзинг кўрабер” дейдиган оддий кишилар бу гапнинг ростлигини ўз кўзи билан кўриш учун саройга ёпирилиб келишарди. Махсус хоналардаги муншийлар уларнинг арз-додини тинглаб, қатъий тартиб-низом асосида хатга олишарди.

– Ортиқча хат-қоғозга не ҳожат?

– Котибул-киромлар не эканини билсангиз керак?

– Албатта. Ҳар инсоннинг икки елкасида туриб, айтган сўздан қилмишигача ёзиб боргувчи малаклардир. Бирининг исми Роқиб, иккинчисининг...

– Исmlарини қўятуринг. Аллоҳ ўз қудрати ила қалблардаги ниятларни билиб тургувчи эса, инсоннинг икки елкасидаги у фаришталарга не ҳожат бор эди? – деб жавоб қилди Алишер Навоий. – Салтанат Тангри таоло низомининг ёруғ оламдаги аксидир. Шу важҳдан султон муслимларга бош бўлди, Тангрининг ердаги сояси деб улуғланди. Қолдики, салтанат ишлари албатта низом ила, хат-қоғози ила юрсин, ҳар иш номаи аъмол каби, исталган онда келтирилсин. Йўқса, инсон боласининг ёдига қандоқ келур?

Алишер Навоий бу ишга қаттиқ киришди. Бу орада Астрободда халқ исёнига сабаб бўлган Хожа Ҳасан Баттол иши ҳал этилмаган эди, уни келтиришларини буюрди. Хожа Ҳасан баланд бўйли, қоп-қора киши экан. Бечора қўрқиб кетган, тинмай калима қайтарар, оёқ-қўллари титраб турарди.

– Зулм Тангри наздидаги энг катта гуноҳлардан биридир, – деди Алишер Навоий. – Миср фиръавни зулми туфайли сувга чўктириб ҳалок қилинди. Шу сабабли золимни диндан чиққан деб ҳукм қилдилар. Хўш, сиз не учун кишилар бошига фалокат келтирдингиз? Хирож тўлашга қурби етмаганларни шип-шийдам қилганингиз етмай, жазоладингиз?

– Султон буйруқларини кулоқ қоқмай адо этдим! – деди Ҳасан Баттол. – Қай йўл билан бўлмасин, ўлпон хазинага ўз вақтида тугал етиб бориши учун қилдим.

– Ўлпон имкон хорижи солинмағайдир, – деб жавоб қилди Навоий. – Шу сабабдан нисоб жорий қилинди. Қолдики, мулкнинг танобини ўлчағайсиз, нисобини чиқарғайсиз. Ҳосил мислини ўлчашда ҳам шундай қилинғайдир. Қачондан буён салтанат ҳукми шариат аҳкомидан устун бўлиб қолди?

– Амир жаноблари, кекса онам, болам-чақам бор, – деб ўтинди Ҳасан Баттол. – Бир қошиқ қонимдан кечсалар...

Алишер Навоий кулиб юборди:

– Нечук қонингиз ғамидадирсизки, уни оқизишга мос гуноҳ қилмаган эсангиз?

– Ростданми? – ҳайрон бўлиб довдираб қолди Ҳасан Баттол. – Амир ҳазратлари сенинг жонингни олмоқчилар, дейишди-ку?

– Жонингизми? – ўйланиб қолди Навоий, сўнг кулимсиради: – Бутун бу ишлар Астробод солиқларини нисобдан кўп ҳисоблаттирган кишиларнинг инсофсизлиги боис содир бўлибтур. Тезда барчаси қайтадан ҳисоб-китоб қилинғай, ортиқча олинган ҳақ ўз эгаларига қайтарилғайдир. Буйруққа итоат қилганингиз учун сиз айбли саналмағайсиз. Уйингизга боринг, волидангизга биздан дуои салом денг, у киши ҳам бизни дуо айласинлар. Ундан сўнг эса, ғазаб қилинган кишилар қошига бориб узр-маъзурингизни қилинг. Бундан сўнг давлат ишига яқинлашманг, ер-сувингиз бор экан, ризқингизни тупроқдан чиқариб яшайберинг! Ҳукмимиз шу!

“Бошим танимдан жудо қилинғайдир” деб йиғи-сиғи ила аҳли оиласи билан видолашиб келган Ҳасан Баттолдай киши тўсатдан тиз чўкиб, тўлқинланиб:

– Илоҳо дунё тургунча турғайсиз! – деди кўзида ёш билан. – Мундай жўмардликни ҳеч кутмаган эдим! Фақирнинг чибиндек жонини бағишладингиз. Не хизматингиз бўлса ўлгунча қилғайман.



– У ҳолда ўлмаслигингизни тилаймиз! – деди Алишер Навоий. – Ҳукмингизда ҳаддан ошганингиз учун эл ўзини мубаттал, яъни ярамасликка гирифтор санаб, сизга Ҳасан Баттол деган лақаб берибди. Энди шундай қилингики, кишилар мубаддаллигингиз туфайли сизни Ҳасан Баддол<sup>1</sup> деб атасин!

Бу ишлар шундай давом этарди. Кимдир ерини эгаллаб олган кўшнисидан, яна кимдир қарзини қайтармаган биродаридан, отини майиб қилган шеригидан, сўзга кирмаган ўғлидан ёки бадахлоқ мулозимлардан шикоят қилиб келар, бундай ҳолатларнинг барчасини кескин ва мутлақ адолат ила ҳукм қилиш лозим бўлиб, аслида улар депара-ю қасабаларнинг қозилари қошида тамомланмоғи лозим бўлган ишлар эди. Золимлар шиддатидан ҳайиқиб қолган кишилар қозиларга ишонмай, саройга арзга келишарди. Айниқса, ер ҳисобларида ва нисоб ўлчовларида қозиларнинг илми етарсиз бўлиб, Навоий улардан бир қанчасини Машҳадга ва Самарқандга, ҳандаса ўрганишга йўллашни ихтиёр қилди. Ки, ер тақсимотларида, мулк ва мерос ҳисобларида бировнинг ҳақи бировга ўтмасин, адолат жорий бўлсин дея, шаклларни ҳисоблашда Қозизода Румий ва Шамсиддин Самарқандий ҳисоб усуллариини ўрганишларини тавсия қилди.

Астрободда чоғир кўп ичилар экан. Кишилар Биржанд ва Кошда етишадиган узумдан бир нав чоғир солиб, “Мусулмон гуноҳ қилгай, аммо тавба ҳам қилгай”, дея ичаверар эканлар. Бу ишда табибларнинг ҳам анчамунча қусури бўлиб, улар “Тангри таоло ҳаром яратмагай, фақат инсонни синамоқ учун айримларини ҳаром қилгандир” ва “Мараз ғалаба қилган чоғда ҳаром жинсидан фойдаланмоқ жоиз”, деган фикрдан келиб чиқиб, баъзи дардларни даволашда мусалласу чоғир қўллашга изн беришгани ҳам сабаб бўлибди. Авом эса “Менинг бир дардим бор, юрагим сиқилиб, кайфиятим бузилади”, дея буни одат қилиб олибди. Бу борада Навоий шайхулислом билан маслаҳатлашди.

---

<sup>1</sup> Навоий сўз ўйини қилмоқда: “баттол” – ярамас, ҳаддан ошувчи, “баддол” – қилмишларининг бадалини тўловчи.

– Киши олдига бир табақда узум, бир кўзада май кўйиб, узум ҳалолмидир деб сўрашибди, – деди Шайхулислом. – Албатта ҳалолдир деган жавоб бўлибди. “У ҳолда ҳалолдан бўлган май нечук ҳаром бўлсин”, дея ичабергайлар.

Навоий бу ишнинг маъсиятини халққа муттасил тушунтириб боришни илтимос қилиб, бошқа мавзуларга ўтди.

Астрободда раммоллик, яъни ромчилик ҳам авж олган, бу куфр ишга дарҳол барҳам берилмоғи лозим эди. Донғи кетган раммоллару фолбинлар бир жойга чорланди. Чорланганлар курси устида бир табақ тўла анор турганини кўришди. Барча йиғилгач, Алишер Навоий кириб келди ва йиғилганлардан:

– Сизлар бўлғуси ҳодисаларни айтиб беришни иддао қилибсизлар? – деб сўради.

Паст бўйли, кичкина кўзлари ўйнаб турадиган, серҳаракат бир киши деди:

– Мен бу кеча устурлоб олиб, фалак ишларига назар солдим. Бошингизга саодат куши кўнибди. Тез орада Ҳирийга қайтмоғингиз тақдир қилинибди.

– Илмингиз бормидир? – деб сўради Навоий.

– Имкон борица илм олгандурмиз, – деб жавоб қилди мунажжим.

– У ҳолда “Фала уқсиму би мавоқиъ-ун-нужум” оятини шарҳлаб берингчи.

– Мавқеъ... Юлдуз... Минг бор узр, – деди мунажжим. – Бундай илмимиз йўқ ҳисоби.

– Илм бўлмагач, тафсир қайдан бўлсин? Дилингизни оғритмоқ ниятим йўқ, аммо қаттиқ сўзлагайман. Ғофилдурсизким, ул асбоб ила ҳангома тутибсиз, Ҳақ таоло қазою қадарини унутибсиз, – шундай деб, табақдаги анорлардан бирини олиб, деди: – Кўлингизда шу анор бўлса, билмассизки, нечта хонасию неча пардаси бор ва ҳар хонасида неча донаси бор ва у дона аччиқмидир ё чучук? Асли шуки, ўн сўзингиздан бири ҳам рост келмагай, бунинг қабоҳатини ё билмассиз ё билиб кўзга илмассиз. “Кизб ал-мунажжимун” қавли ила сўзингиз ёлғондур ва ростлик худудидан четда

колгандир ва басират кўзингизга ғафлат пардаси тutilгандир. Арзингиз тингланмайдир, тинглаувчи топилмагайдир ва бориб тавба қилгайдирсизки, шояд қабул бўлгай. Салтанат номидан айтадиган сўзимиз шудир: тавба қилмасангиз, ҳад урилгайдир, то тавба қилгунингизга қадар!

Мунажжимлар қизариб-бўзариб ташқарига чиқишган эди, Бобо Али сўради:

– Амирим, аммо Самарқандда Мирзо Улуғбек ила мавлоно Али Қушчи ҳам илми нужум ила машғул эдилар-ку?

– Инсон боласи фалак ва юлдузларнинг мавжудлигини зарарли ёки фойдали деб ҳукм қила оладиган билимларга эга эмас, – деб жавоб қилди Алишер Навоий. – Сиз айтган зотлар Тангри яратган само ёритқичларининг хусусиятларига боқиб, ҳаракат жадвалларини туздилар ва бундан фойдалар ҳосил қилдилар, масалан, Қуёш ёхуд Ойнинг ботиб-чиқишига қараб вақт тузугини тузган каби. Уларни бунга ундаган ҳол “Куллун фи фалаки ясбахун” ва “Фала уқсиму би мавоқиъ-ун-нужум” калималари бўлди. Минг тавбаким, “Фала уқсиму” юлдузларнинг ҳам қазоси етиб ботиб кетишини, Коинотнинг маълум бир жойларига дафн этилишини билдирмоқда, – дея, Самарқандда фалакиёт олимлари билан қилган суҳбатларини айтиб берди. – Фақирнинг хулосаси шуки, инсонлар ҳам умр самосида юлдузлардай сузиб, ўз мавқеъларида ботгайлар. Ҳар инсон бир юлдуз каби, моҳиятан эса юлдуздан ҳам юксакдир, буни унутманг.

### **ҲИБС**

Бу орада Хуросонда кўп воқеалар бўлиб ўтди. Шулардан бири – Чин ҳоқони элчиларининг Ҳиротга келмоғи эди. Кичик жуссали, шойи-ҳашамга бурканган юздан ортиқ киши ғалати асбоб-анжомларни, куй чалувчи соат, кушдай сайровчи фаввора каби ғаройиб совғаларни келтиришган эди.

Шунингдек, таҳликали ва мудҳиш ишлар ҳам рўй берди, булар – Балхда Дарвишаланинг исён кўтариши ва вазири аъзам Мажидиддиннинг ҳибсга олиниши бўлди.

Мажидиддиннинг кўпол феъли ва у жорий қилган солиқлар барчанинг тоқатини тоқ қилган эди. Дарвишали Ҳирийда Мажидиддин Алишер Навоийнинг сўзларини писанд қилмас даражага етганини, ҳатто султон ҳазратларининг энг яқин кишиси қай бир ишни амалга оширса, қаршилик ва туғён эшикларини очишини эшитгач, аҳвол шундай давом этаверса, Амир Алишернинг қуёши қуйи иниб, бу иш менинг ҳаётимга ҳам таъсир кўрсатади, деган ҳаёлга борди. Бунинг устига “Салтанатдаги баъзи фитначи кишилар Султон Ҳусайнни Алишер Навоийни Астрободга сургун қилишга ундаган эмиш, фурсати топилганида таомига заҳар солиб беришни режалаштиришганмиш” деган гап-сўзлар тарқалди. Буни ўз жияни Ҳайдар Сабухий оғзидан эшитган Дарвишали шоён ғазабга миниб, ақл ва фаросат тулпори жиловини қўлдан чиқарди ва ҳаётидаги энг бўлмағур ишга кўл урди. Шоир айтгани каби “Мен буни қилмас эдим, аммо шайтон мендан кучлилик қилди”.

Агар иш шу зайлда кетадиган бўлса, исён кўтариши мумкинлигини билдириб қўйиш ниятида, ўша пайт Балхда ҳукмдор бўлиб ўтирган Иброҳим Ҳусайн Мирзони шаҳардан чиқариб юбориш учун шундай ҳийла ишлатди: хоқоннинг қалбаки муҳрини ясаиб, Муҳаммад Иброҳим Ҳирийга чорлангани ҳақидаги сохта фармонга ўша ясама муҳрни урдирди ва фармонни Иброҳим Муҳаммад Мирзога жўнатди.

Иброҳим Муҳаммад Мирзо ўша заҳоти Ҳирийга қараб йўлга чиқди. Дарвишали эса Султон Маҳмуд Мирзога нома юбориб, лозим бўлгани тақдирда унинг томонига ўтишини билдирди.

Иброҳим Муҳаммад Мирзо султон саройига етганидан сўнг, Дарвишалининг макри барчага аён бўлди.

Султон Ҳусайн бундай беадабгарчиликдан ҳайратда эди:

– Қизиқ, шунчалик тарбият ва иноятимизга қарамай, ҳали зиммасидаги бирон яхшилигимиз ҳаққини қайтармай туриб, бу Дарвишали деганлари ҳийлакорлик ва нонкўрлик йўлига кирганига ҳайронман!

Фитначилардан айримлари ўша заҳоти “Бу ишни у оғойиси Амир Алишерсиз қила олиши мумкин эмас” деб валдирашди.

Ана шу пайтда замонанинг донолик, фаҳму идрок, ақлу фаросатда тенгсиз кишиси бўлган Хожа Гиёсиддин Дехдор султоннинг ҳали-хануз тараддудда эканини кўриб, вазиятни юмшатишга уриниб:

– Дарвишали бир китобдор бўлса, унда исён қилмоққа не ҳад? – деди юмшоқлик билан. – Қолдики, кимлардир бир нималарни қулоғига шивирлаган чиқар? Ёки ёшлигига бориб, Амир Алишернинг Астрободга йўлланишидан норизо бўлса ҳам ажабмас.

– Алишербекнинг Астрободга йўлланишидан нега норизо бўлсин?

– Мен буни демадим. Айрим кишилар Султон Ҳусайн Мирзо Алишер Навоийни Астрободга атай сургун қилди, ҳатто заҳарлаб ўлдирмоқчи деган гап тарқатибди. Шундай гап-сўзлар унинг қулоғига етиб борган бўлса ажабмас.

– Ким тарқатибди?

– Амирнинг ўз жияни Ҳайдар Сабухий. Бу гапни Астрободдан Ҳиротга келганида айрим кишилардан эшитган эмиш.

Султоннинг тараддудда эканидан фойдаланиб, ўша заҳоти кўшимча қилди:

– Муҳтарам султоним, бу қулвачча китобдорнинг беадаблиги учун муборак кўнглингизни шунчалик ҳам қайғуга ботирасизми? Мен ҳозирок Балхга бориб, тез фурсатда уни кишанланган ҳолда қошингизга олиб келаман!

Султон Ҳусайн бу сўзларни эшитгач, хафалиги тарқаб, Хожа Гиёсиддин Дехдорга Балхга элчи бўлиб бориш учун рухсат берди. Хожа ўша куниёк Балхга қараб йўлга чиқди. Орадан кўп ўтмай, султоннинг ўзи ҳам Балх сари отланди.

Хожа Гиёсиддин Дехдор Балхга етиб бориб, Дарвишалини роса маломат қилди ва ширин сўзлар билан ҳоқон иноятига умид уйғотиб, уни султон Ҳусайн қошига тавба ва авф учун бош уриб боришга кўндирди. Дехдор ва

мулозимлар Дарвишали билан бирга билан ўрдугоҳга қараб йўл олишди. Ўрдугоҳга етмасларидан аввал Дехдор улардан ўзиб, ҳокон ҳузурига аввалроқ етиб борди, султон қўлини ўпиб, оқиллик ва тадбирлилик фазилатларини намоён қилиб шундай деди:

– Қулвачча китобдорни тахт яқинигача олиб келдим. Аммо афсуски, йўлда кишан ва занжир ясай оладиган бирон темирчи йўлиқмади. Энди рухсат берсангиз, ўрду бозоридан бир темирчи олиб борсаму амирни кишанга солган ва қўл-оёғидаги занжирлари шиқирлаган ҳолида хузурингизга етказсам!

Султон бу ишни яхшилаб мулоҳаза қилиб кўриб, исённинг сабаби бошқа эканини англаб етган эди. Дехдорнинг топқирлигига кулиб юбориб:

– Дарвишалининг гуноҳлари узра авф чизигини тортдик, – деди мурувватпешалик билан. – Энди ҳеч бир қўрқув ва ҳадиксиз хузуримизга келавериши мумкин.

Дарвишалининг тавбалари тинглангач, Ҳайдар Сабухийни ҳам оёғини ерга текизмасдан султон ҳузурига етказиб келишди. Ҳайдар Сабухий захарланиш билан боғлиқ гап-сўзни мастлик чоғи Абдуллоҳ Нойи деган кишидан эшитганига иқроп бўлди. Бу бемулоҳаза йигитга ҳад уриш жазоси белгиланди ва бир умрга салтанат ишларидан четлаштирилди. Абдуллоҳ Нойини истаб борганлар эса уни кимлардир икки кун аввал уйида ўлдириб кетишганидан хабар топишди. У Мажидиддин эшигида хизматчи бўлган экан. Шу тариқа, ип учлари Мажидиддинга бориб тақалди.

Султон Ҳусайн бўлиб ўтган барча ишларни ипидан-игнасиғача тафтиш қилдирди. Бу орада салтанатда эътибори ортиб бораётган Хожа Низомулмулк пайтдан фойдаланиб, султон қулоғига Мажидиддин қилмишлари ҳақидаги қўшиб-чатилган ғийбат сўзларини етказди. Шундан сўнг султон Ҳусайн Амир Муҳаммад Али Аткага уни ҳибсга олиб, мол-мулкини хатлашга буйруқ берди.

\* \* \*

Оқшом чоғи Мажидиддин нима қиларини билмай боши қотиб ўтирарди. Султон билан унинг орасини ислоҳ қилиш учун ҳатто мавлоно Абдурахмон Жомий ҳам уриниб кўрди, лекин султон у зотнинг сўзларини қабул қилгандай кўринса-да, Мажидиддин бошидан хатар булутлари кетмади. Вазир минг турли гумонлар ичра вазиятдан чиқиш йўлини излар экан, хизматчилардан бири келиб, шоша-пиша хабар берди:

– Жаноби хоҷам! Бир тўп сарбоз ила ясовулбеги бу ён келмоқдалар!

Мажидиддин:

– Ясовулбеги?! – дедию оёқ-қўли бўшашиб кетди.

Ташқи боғ гуллаб-яшнаган, олти бурчакли мармар ҳовузларда ғозлар сузар, оқ нилуфаргуллар тароват таратар, теварак мухташам эди. Лекин бу олий иморатлар, гул-гул сахнлар, тим остидаги ажаб сулув арғумоқлар келгувчиларнинг эътиборини тортмади. Улар куюндай шиддатли, булутдай тунд эдилар.

Вазири аъзам боғига бу кишиларнинг келмоғи унинг салтанат осмонидаги куёши ботганидан, юлдузи куйига шўнғиганидан, обрў-эътибор дарёси қуриганидан ва у ерлардан чақиртаканлар ўсиб чиқишидан, ваҳший ҳайвонлар ин қуриб, умр харобаларида бойқушлар учишидан дарак эди.

Мажидиддинни тутқун қилиб, Боғи Жаҳонорога келтиришди. Низомулмулк ва унинг ўғиллари, шунингдек, Султон Аҳмад Мирзо, Амир Носириддин Ферузшоҳ, Аҳмад Барлос ва бошқа амиру вазирлар девонхонадан жой олдилар. Амир Муҳаммад Али Атка Мажидиддинни қўл-оёғига оғир кишанлар урилган ҳолда уларнинг ҳузурига олиб кирди. Айрим баднафс кишилар бу мажлисда тухматга тил чоғлаб, Хожа Мажидиддиннинг айбларини кўпиртира кетишди. Мажидиддин эса уларнинг айбловларига шундай жавоб бердики, ҳеч бир айб ўз исботини топмади.

Низомулмулк бирор айб топишдан ожиз қолгач, Мажидиддин ишдан бўшатган аламзада амалдор Муҳаммад Амруободийни даъвогар сифатида Мажидиддин қаршисига келтирди. Мажидиддин Низомулмулкка юзланиб:

– Даъвогар сифатида менинг обрўйимга тенг келадиган бир одамни топсангиз яхши бўларди, токи бирон қўполроқ сўз айтса, кўтара олай, – деди.

Шунда Муҳаммад Амруободий:

– Эй Мажидиддин! Мен сендан кам эмасман, балки аслзодаликда сендан устунроқ ҳам тураман. Чунки мен хурр-ал-наслман, яъни наслдан-наслга озод кишиман, қулвачча эмасман. Сенинг онанг эса отанг Хожа Пир Аҳмаднинг мамлукаси, яъни канизаги эди!

Мажидиддин бу ҳақоратни эшитгач, қаршисидаги адоватли кишиларга қараб:

– Нима иддаонгиз бўлса, барини бўйнимга оламан. Фақат мени мана бу беадаб Муҳаммад Амруободийдан қутқарсангиз бас! – деди.

Сўнг душманлари айтгани бўйича қуйидаги мазмунда бир неча сатр иқрорнома ёзиб берди: “Мансабда пайтим мендан ёмон ишлар содир бўлди ва мен ўз гуноҳимга иқрорман”.

Низомулмулк тантана қиларди. Аъёнлар Мажидиддин иқрорномасин олиб, уни ўша заҳоти султонга етказишди ва мол-мулкани тафтиш қилишга рухсат олишгач, шундай бойликка дуч келишдики, Қорун хазинасидан кам эмас эди. Сандиқ-сандиқ жавоҳирлар, нафис матолару гиламлар, олтин-кумуш, жавоҳирларнинг адоғи кўринмасди.

– Ана сенга тархону мана сенга суюрғол! – дерди Муҳаммад Али Атка, ханг-манг бўлиб.

Мажидиддин хазинаси уч кун ташилди. Ароба-ароба нафис матолар, зебу зийнатлар, гиламлар, анвойи анжомлар бош айлантлар даражада кўп эди. Мажидиддиннинг сарватларини ақсимлаш борасида сўз чикқанида, Музаффар барлос:

– Бир-иккиси менга ҳам бўлса, – деган эди, Четин баҳодир:

– Кўзинг тўймас экан-да, – деди хўмрайиб. – Ҳой Музаффар, Қорун қадар сарватинг бўлса ҳам уч маҳал ош егайсан. Етти ё етмиш маҳал емайсан.



– Сен нени англардинг? – деб жавоб қилди Музаффар барлос. – У бойликлар менга ҳаётимнинг воқеаларини сўзлаб тургай. Уларга қараб ўтган умримни эслагайман.

Султон Ҳусайн уларнинг сўзларини эшитиб, шундай деди:

– Бас, сўзимни тингланг! Хазинага кўз олайтирмоқнинг ҳукми шуки, давлатнинг моли – халқнинг молидир. Закоту ўлпондан катра-катра тўпланиб келган хазина гарчи тоғ-тоғ уйилиб ётса ҳам, жумла мўминнинг, минглаб фақир уфқаронинг давлатга берган ҳаққидир. Шу сабаб, уни еган киши Хуросонда қанча халқ бўлса, шунча кишининг ҳақини еган ҳисоблангай. Қолдики давлат олдида, балки шунча киши олдида ҳақни қайтариб бермоғи дурустдир. Барча мол-мулки, олтин-кумуши, чорваси, асбоб-анжоми хазинага олинсин!

Бу адолатли ҳукми ҳамма бир овоздан маъқуллади.

– У бадбахтнинг ўзи не дермиш?

– Жонини бағишлашизни истармиш, – деб жавоб қилди Чопу барлос. Бу пайтга келиб у анча кексайган ва султон маслаҳатчиси лавозимига ўтказилган эди. – Ҳажга бормоғимга изн берсалар, умримни тавбаю ибодат ила тамомласам дейди.

Султон Ҳусайннинг юзида бир маҳаллар Муҳаммад Ёдгор тутуқланган пайтдаги каби кескин қаҳр акс этди. Қарчиғайдай нигоҳи ясовулбегига қадалди-да:

– Ҳамтовоқлари қатл қилинсин! – деди. – Ўзи эса... тўғри йўлни танлабди. Умрини тамомламоғига ёрдам бергаймиз!

Кутилмаган бу марҳаматдан ҳамманинг эти жимирлаб кетди. Чунки, ундан ажалнинг совуқ иси келиб турарди. Мажидиддиннинг ҳаж сафарини ҳеч ким хушнуд қаршиламади. Ҳатто зиндондан чиқарилган собиқ вазирнинг ўзи ҳам бу хабарни эшитгач, юзига хомушлик булутлари инди, Султон Ҳусайн билан видолашиб, рози-ризолик сўрашга рухсат истади. Ҳусайн Мирзо уни кўришни истамаганини билгач, юм-юм кўз ёш тўкди ва куз кунларидан бирида ҳажга жўнаб кетди.

Сабзавордан ўтиб, Табриз йўлидан борилар экан, Мажидиддин султон қаҳридан қутулиб қолганига ишонгиси келмасди.

Бутун молу мулк, ер-сувлар мусодара қилинди, ёру аҳбоб ўзини тортди. Яхшики, Майманадан эски бир дўст йўл харжи учун яширинча кўмак берди. Ҳажга борувчилар қарвони аста-секин илгарилаб борарди. Аламу пушаймонликдан собиқ вазирнинг кўзи очилгандек эди. Мулклар етмасмиди, ер-сувлару иззат-эътибор каммиди? Амрига ҳар ким қўл қовуштириб турмасмиди? Эй воҳ, не кунларга қолди?

Лекин бу одам қисматида ўзини эмас, Алишер Навоийни ва Низомулмулкни айбларди. Шулар бўлмасайди, шоҳ беҳабар, айшимни суриб юрардим деб ҳаёл қиларди. Навоий Низомулмулк билан тил бириктириб фитна ўчоғини қуриб, султон қаҳру ғазаби тўфонини Мажидиддин томон бурганини нодон ҳам англайди. Ҳатто ҳаж ниятидан қайтиб, оққуюнлилар салтанатига бош уриб боришни, улар билан бирга Хуросонни эгаллаб, душманларидан бешафқат ўч олишни ҳаёл қиларди.

Бироқ, бунинг учун сарват керак. Бир чақаси йўқ собиқ вазир шу ҳолида гадодан ҳам қашшоқ, уни ким мулозимат ила қарши оларди?

Табризга етар-етмас, шом қўнар-қўнмас шовқин чиқди. Қоронғилик қаҳридан чиқиб келган, юз-кўзларига мато ўралган номаълум отлиқлар қарвонни қуршаб олишди.

– Қарвон дахлсиздир, султон Хусайн Мирзо изни ила ҳажга бормоқдамиз,  
– деди қарвонбоши, султон ёрлиғини кўрсатиб. – Тегинсангиз жазолангайсиз!

– Қарвонинг ўзингга буюрсин! – деди бири. – Мажидиддин деган киши қаерда?

– Ана у!

Мажидиддин қарвоннинг ортроғида, эндигина туядан тушиб, увишган оёқ-қўлини ростлаб турган эди. Бояги суворий яқинлашиб келди-да:

– Мажидиддин сенмисан? – деб сўради.

– Ҳа, менман.

– Дўзахга равона бўл! – деди суворий, илжайиб. Сўнг кўз илғамас тезлик билан елкасидаги узун сопли болтасини чиқариб, Мажидиддиннинг бўйнига урди. Ихраб йиқилган собиқ вазирнинг белига келиб тушган иккинчи зарба унинг умурткасини чўрт узиб юборди, шу билан Мажидиддин ҳаёти ниҳоя топди.

Қароқчилар бошқа ҳеч кимга тегишмади, тун қоронғисида кўздан ғойиб бўлишди. Карвонбоши инсофли киши эди, хизматчиларга айтиб, ўша ердан бир гўр қаздирди, номига жаноза ўқиб, дафн қилиб юборишди.

Шундан сўнг карвон ҳаж сафарида давом этди.

Бу ишлар сўнгида биргина Қора Мўғулнинг жони омон қолди. Бу дағал, кўрс навкарнинг бор бисоти тафтиш қилинса-да, ҳеч нима топилмади. Мўғул ҳақиқатан ҳам бир нима тўпламаган, уйда тўшаги-ю қиличидан бўлак бисоти йўқ экан. Тафтишлар сўнгида ўйлана-ўйлана, “Бор-йўғи бир навкар-ку, унда айб не қилсин” дея ҳибсдан бўшатиб, Пули Нав ўрдугоҳига қора черикка юборақолишди.

### ***САДДИ ИСКАНДАРИЙ***

Астрободдаги ҳаёт бир оз тартибга тушди, бироқ, Навоийнинг кўнгли шод эмас эди.

Бир куни дўстлари Бобо Али, Хожа Абдулло, Хожа Давлатободий ва яна бир қанча кишилар билан Астробод четидаги Искандар Зулқарнайн курдирган Садди Искандарий деворини кўргани отланишди.

Қизғиш сотупроқдан кўтарилган девор ўз ҳайбатини йўқотмаган, аммо кўп жойлари нураб кетган экан. Қачонлардир, ҳақ йўлидаги зафарлар асносида, диёнатсиз кофирлар гала-гала бўлиб ёпирилиб келмаслиги, гуллаб-яшнаган масканларни харобага айлантирмаслиги учун қурилган бу иншоотнинг қалинлиги икки от бўйи, ҳар ер-ҳар ерида ўқчи мезаналари қад ростлаган бўлиб, муаззамлиги ва олис ўтмиш воқеаларидан хабар бериши билан ҳайратли эди.

– Амиримиз султон ҳазратлари билан маслаҳатлашиб, ушбу деворни таъмирлашга жазм қилсалар, улуғ иш бўлур эди, – деди Хожа Давлатободий.

– Камида ўн йил тикланган бўлгайдир... – деди Навоий хаёлчан. – Хийла узун чиқар?

– Ўттиз йиғоч экан, отда уч кун юрилгай эмиш.

– Хайр, – деди Алишер Навоий. – Искандар буйруғи ила тикланмиш эса, шундоқ қолаберсин. Кейинги авлодларга у зотнинг улуғлигидан далолат бериб турсин. Қолаверса, бундан ҳам мустаҳкам девор мўминларнинг қалбида бўлмоғи энг дурустидир.

Алишер Навоий бу сўзларни “Хамса”даги “Садди Искандарий”га ишора қилиб айтганини барча тушуниб турарди. Шундан сўнг улуғ Амир Астробод халқининг тилларида дoston бўлган сўзини айтди:

– Хуросонда энди Искандар деворига сира ҳожат йўқ. Бундан бу ёғига замонанинг Искандари султон Ҳусайн Мирзонинг ўзларидирлар!

Кишилар бу сўзни маъқуллашди, бироқ, Навоийнинг чехраси яна очилмади.

Бунинг сабаби Астробод иқлими унинг сиҳатига ёмон таъсир қилганида эди. Оёқ бўғимларидаги оғриқлар энди бошқа бўғимларга ҳам ўтди, бунинг устига меъда ва бош оғриқлари бошланди. Астробод табибларининг даволари эса, ҳар қанча уринишларга қарамай, кор қилмади.

Бу орада куз келди. Дим ва иссиқ бўлишига қарамай, самода қушлар гала-гала бўлиб жанубга йўл оларди. У қушларнинг таври ажаб эди. Бир-икки кун чуғур-чуғур қилиб бир-бирларига парвоз дарагини беришар, тўда-тўда учиб кўнишарди-ю, бироқ сафар бошланақолмасди. Сўнг худди уларгагина аён бир ҳукми илоҳий ила, кўзга кўринмас бир қудрат чорлагани каби тўсатдан қанот қоқиб, қичқира-қичқира ёппасига учиб кетишарди. Айтишларича, денгиз махлуқлари ҳам шу сингари тўп-тўп бўлиб қайларгадир йўл олармиш. Соҳилга яқин жойлардаги кишилар буни мароқ билан сўзлаб беришар, кўч даври бошланганидаги бемисл овлардан гапиришарди.

Астробод кузида дафна, норинж оғочлари ям-яшил тураверар, аммо хурмолар сарғаяр, анорлару ноклар, олмалар бири қизил, бири сариқ етилиб, олтинга бурканар, қизил, сориг, яшил тўфони шу масканларда ҳам жўш урарди. Ҳатто бир куни денгиз қизғиш тусга киргани кўрилибди, у қизиллик анча вақтгача кетмабди. Сабаби сув тубида бўладиган ғоят майда ўтлар экан. У ўтлар айна маҳал ўзидан кўзга зўрға кўринадиган уруғларини шу қадар кўп сочармишки, уммон қизил тус олармиш.

Фалакнинг бу ажойиботлари Навоийнинг қалбини юпатмас, қалби жонажон Ҳирийни кўмсарди.

Бир куни тонг чоғида шамол эсиб, ёмғир шаррос қуйди, кўчалар сувга тўлиб-тошди. Бир-икки соат ўтиб-ўтмай булутлар тарқалиб, куёш чарақлади. Шунча сувнинг қайга кетгани ажаб эди. Бирпасда теварак исиб, ерлар қуриди. Пешиндан сўнг эса Қум тарафдан совуқ шамол эсди, изғирин шунчалар эдики, тўн киймай илож қолмади. Шу кун девон мажлиси тайин қилинган эди. Кимдир табиатнинг бундай ўйинларидан гапириб:

– Бизнинг Астробод шундоқ, бир кунида тўрт фаслни кўра оласиз, – деган эди, Алишер Навоий:

– Шу сабабдан ҳам бу ерда бир кун бир йилдек ўтар экан-да? – деди ўткир тил билан. Бунга барча кулиб юборди. Зукко ва ҳозиржавоб амирнинг юз-кўзи кулиб турса ҳам, юрак ичида бошқа ғалаёнлар содир бўлаётгани шундан сезилди.

Бошқа бир кун истироҳат учун денгиз ёқасига боришга қарор қилинди.

Денгиз Астрободдан етти фарсах масофада эди. Кета-кетгунча харсанг уйлар, тош ётқизилган кўчалардан, узумзор ва хурмозорлардан ўтиб борилди.

Янада бир оз юрилгач, қаршидан келаётган нам шамол кучайиб, шўр исини димокқа ураверди.

Қумли соҳилда бир қанча киши оёқларига тош бойлашаётган экан. Хожа Давлатободий:

– Булар садаф ва марварид овчиларидирлар, – деб изоҳ берди. – Ўн беш-йигирма қулоч чуқурликда марварид чиғаноқлари не сабабдандир шу ерга

ўрмалаб келурлар. Марварид овчилари қўлтиқларига кичик мешда ҳаво олиб, оёқларига тош бойлаб шўнғиб, чиғаноқларни олиб чиқурлар.

Сўнг тошлоқ ерда ётган бир чиғаноқ парчасини олиб, ичини очиб кўрсатди-да, садаф қай тарз бино бўлишини сўзлаб берди:

– Қаранг, эгаси йўқтур. Аллақачон уйини ташлаб чиқиб кетибдир. Чиғаноқнинг эти юмшоқ, сезувчан бўлгай. Денгиз тубида умр кечирар экан, эт орасига бир қум донаси кириб қолиб, озор бергай. Шунда чиғаноқ уни ўз вужудидан ажралиб чиқадиган суюқлик билан қоплагай, у суюқлик қотиб, садафга ёхуд марваридга айлангай. Қоплагани сайин озори ортавергай. Тавридан фарқлаб бўлмаса-да, Тангрининг қудрати ила бирида марварид, бирида садаф пайдо бўлгай.

Навоий кулимсиради:

– Инсон ҳам шундайдир, – деди у. – Бир зарраи дард қалбига киргай, ранжу озор чеккай, вақти келиб у қалб ичига қарасангиз ё садаф, ё дур кўргайсиз.

Шундан сўнг Хожа Давлатободий кемаларни шарҳлаб берди.

– Балиқчи кемаси бир елканли, олисга сузолмайдиган, япасқи бўлур. Юк кемаси уч елканли, икки қават ёғочдан ясалгай. Ёғочларни бириктиришда темир қўлланмагайлар. Сабаби, тўфонларда сийрилиб чиқиб кетмасин дея. Ҳинд ёнғоғи оғочининг илдизини ура-ура арқон ўрилгай, у шўр сувда намланмагай. Ана ўша арқон билан боғлангай. Кема сиртига балиқ ёғи сурилгай, токи уммон ваҳшийлари уни улкан балиқ деб ўйласинлар...

Сокин тўлқинланиб турган денгиз, унда ҳаёт кечирмоғи ирода қилинган сон-саноксиз жонзотлари ила тимсолий маъноларга айланмоқда эди. Шўр шамол тўнларни, салла печларини юлқилаб, сувларни тўлқинлантириб, кемаларни суриб борар экан, оқ чағалайларнинг чағиллаб учишлари неларнидир ёдга солар, уммон гўё “Унинг фазлидан талаб қилишингиз учун сувни ёриб кетаётган кемаларни кўрурсиз. Шоядки, шукр қилсангиз!” деб шовулларди.

Бир канча вақт соҳилда қолдилар. Сўнг кентга қайтилгач, ҳар ким хайрлашиб, ўз масканига кетди.

Бу кўрилганлар Алишер Навоийга ушбу мисраларни ҳадя этди.

*Ҳар қачонким кемага ул ой сафар рахтин солур,  
Мавжлиг дарё каби ошуфта кўнглим кўзголур.*

Буни ўқиган ёки эшитган ҳар ким диққат қулоғини шу ғазалга жамлар эди:

*Йиглама, эй кўз, недин соҳилга чиқмас кема деб,  
Ким ёшинг дарёсидур ҳар сориким эл кўз солур.*

*Титрабон сиймобдек кўнглим, етар жон оззима,  
Тунд ел таҳриқидин ҳар дамки дарё чайқолур.*

*Сабр кўнгулда, кўнгил ул ойда, ул ой кемада,  
Ваҳки бориб, термулиб кўз, мунграйиб жоним қолур.*

*Дам тугилгандин ўлар элдек етибман ўлгали,  
Сурмасин деб кемасин, баским, нафаслар асролур.*

*Кирма савдо баҳрига оламдан истаб судким,  
Сийм нақди тушса, лекин умр нақди сийголур.*

*Ғарқ етар баҳри фано гам заврақин, эй пири дайр,  
Илгига чунким Навоий бода киштисин олур.*

Форслар дарё, араблар баҳр деб атайдиган бу денгиз унинг умр ва маъни мулкида абётга шу тарз кўчиб, мангуликка муҳрланиб қолди. Эй биродар, бу

олам уммонида сен ҳам ўзингни йўқ деб билақол, ахир, фано денгизи ғам-алам кемасини аёвсиз ғарқ қилиб юборади. Шу сабабли барча оқиллар қилган ишни қил, қўлингга бода киштисини ол, чунки оддий денгизни ҳам, шодлик ва дард-алам уммонини ҳам, нажот кемасини ҳам У яратгандир!

\* \* \*

Астрободнинг нафасларни сикадиган, вужуд намини сўриб оладиган жазирама ёзи тугаб, ғаройиб дарахтлари қизара бошлаганида Алишер Навоий султон марҳаматини ўтиниб мактуб битди.

Мактуб, одобга кўра байт ила бошланган эди:

*Ваҳки, ҳажринг ўти жисми нотавоним ўртади,  
Нотавон жисмимга тушган шуъла жоним ўртади.*

**Кўпдин-кўп дуо ва саломдин сўнгра арзим шуки, бу фақир Хуросонда эканимда ҳам сиздин айру эдим, эндиким, Астрободдамен. Фироқ жиҳатидан иккаласи бирдур, нечунким:**

*Бировки ёрдин айру эрур: асири фироқ,  
Арода хоҳ яқин тут йўлини, хоҳ йироқ.*

Токи бу ерда эканман, баданимга фироқ ўтининг ҳарорати ва кўнгилда иштиёқ суҳбатининг изтиробини кўпроқ бўладир. Сабаб шуки, у ерда эканимда васлингиз давлатига етишмоқ ва сиз билан мулоқотда бўлиб турмоқ саодати мумкинроқ эди. Аммо бундай ҳисоб узоқни кўра олувчи ва чуқур мушоҳада қилувчи ақл тарозусига мос эмас.

*Яна бир ҳисоби дағи бордур,  
Ки ақлу хирад анда нокордур.*

*Эрур сирридин ақли кулл беҳабар,*



*Ким отини дерлар қазоу қадар.*

*Не иш бўлса беҳадду имкон баче,*

*Эрур ул ҳисоб ичра осон баче.*

Умид шуки, Ҳақ субҳонаху ва таоло кўнгулга келмаган восита ва хаёлдан кечмаган сабаб билан мулоқот ҳузурини ва васл сурурини насиб қилгай.

Юборган номангизда битибсизки, “Биз томонга бирон киши юбормадингиз”, деб. Бунинг сабаби шу бўлдики, юборган кишимиз хануз қайтиб келмайди ва олиб борган хатига хануз жавоб келтирмайди.

Яна илтимос шуки, ўз соғлигингизга эътиборни яхши қилингизки, сихат неъматига ҳеч нимани тенглаштириб бўлмас ва ишингизда эҳтиёткорликни унутмангки, нохуш иш воқеъ бўлса, кейинги пушаймонликдан фойда йўқ. Ҳеч вақт кўнгулни Тангри таоло ёдидин холи қилманг ва мусулмонлар арзу додидан ғофил қолманг.

Дўстлар фикридину душманлар макридин бепарволиғ жоиз эмас ва бу иш афсус-надоматдан ўзга натижа бермас.

Подшоҳ давлат ишларини барча ишлардан юқори тутмоғи вожибдир. Тангри таоло амрини ундин ҳам юқори кўрмоқ фарздир.

Сизга бу сўзларни айтмоққа эҳтиёж эрмас, аммо айтмоқдан нуқсон ҳам йўқлиги сабабли шунча сўзга мусаддеъ бўлулди.

*Улким, фироқ мулкида қилмиш мени гариб,*

*Ҳам ул висол давлатини айлагай насиб.*

Шундан сўнг, мактубга ниҳоятда гўзал ва маънос бир ғазал илова қилинган эди:

*То муҳаббат дашти бепоеънида оворамен,*

*Ҳар балият келса ишқ ошубидин бечорамен,*

*Эл нетиб топқай мениким мен ўзумни топманом,  
Буйлаким ишқу жуунун сахросида оворамен.*

*Қайси захмимга қилурсен чора чун мен, эй рафиқ,  
Тийр борони балиятдин саросар ёрамен.*

*Оҳ дуди ичра бир учқун кеби кўрган мени,  
Билдиким ҳижрон тунига кавкаби сайёра мен.*

*Кеча ўртансам, сахар фарёд қилсам, не ажаб,  
Ишқ аро парвонаву булбулга чун ҳамкорамен.*

*Эй харобот аҳли, гар сиз маст ўлуб, мен бўлмасам,  
Айб эмас, невчунки сиз майхора, мен хунхорамен.*

*Эй Навоий, борди деб аҳбоб таъжил этма кўп,  
Ит киби мен эришиб ул корвонни борамен...*

\* \* \*

Султон Ҳусайн Форёбдан жуда чарчаб қайтди. Навоий мактуби шу маҳалда қўлига етди.

Икки дўст – шеъриятга ошно султон ва султонга ошно шоир... Соғинч ва садоқат, донолик ва бадиият уфуриб турган бу битикларни Султон Ҳусайн юраги эзилиб-эзилиб ўқиди. Соф қалбли, нур юзли дўстини бениҳоя соғинганини ҳис қилди. То Навоий бор экан, Астробод тинч-фаровон тургай деган фикридан қайтиб, унинг Ҳирийга қайтишига изн берди.

Зеро, султоннинг ҳам умр куёши пешин қутбидан ўтиб шом сари юмалаган, ҳар икки дўст умрнинг донишмандлик палласига қадам қўйишган эди.

Алишер Навоийнинг Ҳиротга қайтишига рухсат берилгач, бу ҳақда Султон Ёқуббекка мактуб битилди, унда шоирнинг миннатдорлик сўзлари ўрин олди. Ёқуббек мактубни ўқигач, хомуш тортди. Хаёлида яна Хуросон орзуси мавж ураркан, Навоий мактубини зарҳалга ўраб хазинага элтишларини буюрди. Шу тарз, ушбу қийматли мактуб унинг номига Рум, Фаранг, Ускуф қироллари битган мактублар сақланадиган махсус бўлмага – султоннинг хос хазинасига авайлаб жойлаб қўйилди.

Хуросонда ҳам унинг мактублари хазинада эҳтиётлаб сақланарди. Сўнгги ғазални эса Султон Ҳусайн хазинага топширмади, балки ашрафхона деворига ошишларини буюрди. Юксак бадиият тимсоли бўлмиш у ғазал яна анча вақт султон кўзи олдида турди.

### ***АСР ИЗТИРОБИ, ШОМ ҚАЙҒУСИ***

Алишер Навоий Астробод уламози, фузалоси ва умароси ила видолашиб, Ҳирий сари юзланди.

– Шунча ҳурмат, обрў-эътиборни рад қилиб, нечун Ҳиротга қайтишни ихтиёр қилибдилар? – дейишарди Астробод фозиллари. – Ахир, у зотни хирийликлардан зиёда иззат қилмадикми? Девонга ҳам, у кишининг боғу боғчаларига ҳам атай яхчоллар қазилмадимми, ҳар қадамларига фавворалар қурилмадимми? Астрободнинг энг ҳурматли кишилари хизматига етти букилиб турмадимми? Минг афсус...

– Астробод иқлими у кишидаги хилт маразини зиёда қилибди. Саломатликлари ёмонлашиб, ўзлари айтганларидек, ўргимчак ипига оёғи илашса йиқиладиган ҳолга келибдилар.

– Сўзларингиз тўғри, лекин Ҳирий азиматининг сабаби мутлақо бошқа, – деди аъёнлардан Хожа Давлатободий. Навоийнинг Ҳиротга қайтишидан айниқса шу киши кўп ғамгин эди. – Астрободда у зот билан ҳамсуҳбат бўла оладиган биронта киши йўқ! Ҳазрат ўзларининг олий хулқлари боис бошқаларга билдирмасалар ҳам, бундан қаттиқ изтироб чекардилар. Ҳайҳот,

шаҳримиз ўз дур-жавоҳирлари билан эмас, олимлари билан шуҳрат қозонса эди! Афсуски, Астробод бу борада Машҳад-у Ҳиротдан анча ортдадир.

Навоий қарвони Ҳирийга қайтар экан, яна Нишопур ва Машҳад йўлидан юрилди. Йўл узра Фаридиддин Аттор, Имом Ризо ва унинг шоғирдлари Қози Мурод, Қози Робий, Қози Абусалт қабрлари зиёрат қилинди.

Босиб ўтилган йўл узра дов-дарахт, ўт-ўланлар куз маҳсулини кўз-кўзлаб турарди. Боши эгилиб уруғларини сочиб юборган майсалар, полопонларини учирма қилган қушлар, болалаган хайвонлар – барчаси ҳали етиб келмаган, аммо келмоғи муқаррар қишга тайёргарлик кўрмоқда эдилар. Оламлар Парвардигори фаслларни алмаштириш билан, баҳор чоғи яна бир кун қайта тирилмоқ ҳикматига ишора қилмоқда, неъматларини тупроққа қайтадан киритиб юбориши билан ўз қудратини билдирмоқда, тоғу тошлар, дарё-ю денгизлар барчаси чанг зарраси каби кадр-қиймат касб этмаслигини кўрсатиб, шу билан тириклик оламидаги инсон болаларига гўё “Эй дунё аҳли! Ўлиш учун туғилдингиз, сизлар тиклаган иморатлар хароб бўлди. Барчангиз Роббингиз хузурида ҳисоб-китоб қилингайсиз!” деб хитоб қилмоқда эди гўё.

Ҳирийга етиб келишгач, ҳазратни кутиб олишга чиққан мулозимлар қуршовида Боғи Жаҳоноро томон йўл олдилар. Султон Ҳусайн Навоийнинг келишига гиламлар солдириб, ҳар тарафни гуллар билан безаттирган эди. Дўстини у остонада кутиб олди. Астрободнинг рутубатли ҳавоси Навоийнинг силласини қуритган, вужуд қувватини сўриб, соғлигини ёмонлаштиргани учун асо тутиб юришга мажбур бўлиб қолган эди. Султон Ҳусайн унинг заиф гавдасини ва қўлидаги асони кўриб, деди:

– Пирим, бир замонлар қўлингизга қилич тутқазган, бироқ уни қаламга алмаштиришингизга рози бўлган эдик? Бу не ҳол?

Алишер Навоий жавоб қилди:

– Кўрингки, кексалик яқин келиб, фақирнинг ҳолига қараб кемшик оғзини очиб кулди ва қаламни олиб, ўрнига асо тутқазиб қўйди.

Султон Ҳусайн Навоий билан дийдорлашувдан беҳад шод эди. Навоий бу шодлик ортида султон ажойиб бир ишни кўзлаганини сезиб турар, бироқ у ишнинг не эканини билмасди. Улар анча вақт Астробод ишларидан сўзлашиб ўтиришди. Султон Ҳусайн Астрободга Бадиуззамон Мирзони юборишни кўзлаган экан, дўстидан шахзода билан сўзлашиб, у ўлкадаги сиёсат нозикликларини бирма-бир аён қилишини сўради.

Шундан сўнг бу икки дўст орасида шундай ғаройиб бир суҳбат бўлиб ўтдики, давр фозиллари у суҳбат мазмунидан орадан икки йил ўтгачгина хабар топишди.

– Сизга бир арзимиз бор, – деди Султон Ҳусайн ва эшик ортида турган эшикбонларга қарата: – Қопқаларни ёпингиз! – деган эди, эшик олдида турган икки кул ўша заҳоти тавақаларни шовкин чиқармасдан ташқаридан беркитишди.

Орадан ярим соатча вақт ўтгач, султоннинг ўзи эшикни очганида, Алишер Навоийнинг ҳам юз-кўзи кулар эди.

Султон Ҳусайн унинг Ҳирийга қайтиши шарафига тўрт хил шоҳона пўстин ва бўрк ҳозирлатган, бир амир ва уч мулозим уларни қўлларида тутиб туришарди.

– Буларнинг ҳар бири бир мамлакатни тимсол қилса не ажаб? – деб жилмайди Султон Ҳусайн. – Яъни, Мовароуннаҳру Хуросон, Ироқ ва Рум. У иш битса, буларнинг ҳар бирининг бағри тоба-тоба олтин-кумуш, дуржавоҳир ила тўлдирилиб, барчаси қаламингиз пойига сочилгайдир. Аллоҳ муваффақ айласин!

– Тангри таоло Сулаймон алайҳиссаломга ғалаба ато этгач, унинг салтанатидаги қумурсқа ҳам саодатга эришди, – деб жавоб қилди Алишер Навоий унга. Сўнг “Аллоҳ осмондан сув тушириб, у ила ерни ўлимидан кейин тирилтирди” оятини ўқиди. Бу – хижратда қакраган кўнгил тупроғига Султон Ҳусайннинг марҳамати ёмғир бўлиб ёғиб, қайта тирилтиргандек бўлганига ишора эди.

Дўстлар хайрлашишди. Кузги Ҳирий осмони тўқ нилий тусда, оғочларнинг япроқлари бири олтин, бири сарик тус олибди. Баъзиларининг эса ҳали яшиллиги кетмаган, куз бўёқчиси теваракни мохир рассом каби турли ранглар билан анвойи қилиб безаб қўйибди. Бироқ, бу гўзалликка яна бир нохуш ҳолат – ота каби кадрдон ва бузрук пир Абдурахмон Жомийнинг дардга чалиниб, тўшакка ётиб қолгани соя солиб турарди. Саройдан чиққач, Навоий “Унсия” га эмас, Жомий боғи томон йўл олди.

Ҳирий фозиллари орасида шундай одат бўлиб, киши кексайгач, ўзи қалбига яқин тутган пир ёки шайх дафн қилинган жой атрофига кўчиб бориб, сўнгги нафасга қадар ўша ерда умр кечиришарди. Маликул-калом Абдурахмон Жомий ҳам улуғ шайх Саъдиддин Кошғарий мазори ёнида курдирган боғида истиқомат қиларди. Унинг хасталиги дарагини эшитган тумонат одам ҳар куни ҳол сўрмоққа келар, ҳозир ҳам кишилар Жомий боғининг дарбозаси ёнида тўпланиб туришарди.

Навоийни кўришгани заҳоти унга йўл очдилар. Навоий асосига таян-таяна, Жомий ётган меҳмонхонага кирди.

Зотурриё<sup>1</sup> кўққис зўрайиб, кекса шоирни тўшакка йиқитган, ҳозир у аранг нафас олар, лаблари ва кўз-қабоқ ости қорайган, бурни ғалати тарзда тиккайиб, кулоқ солинчоқлари осилиб қолган эди. Ёнидаги хизматчи муз ўралган матони дам-бадам манглайига кўяр, табиб Абдулҳай тирёки аралаштирилган маъжундан оз-оз ичириб турарди.

– Зотурриё шиддатли келди, – деди табиб Абдулҳай. – Худо кўрсатмасин, ишқилиб, олиб кетмасин.

Навоий унга жавоб қилмай, устоз бошига эгилди.

Пир шу ҳолатида устига кимдир келганини сезди, қабоқларини аранг очиб, бир муддат таниб-таниёлмай турди-да, сўнг юзига хиёл табассум югурди.

– Алишербек... – қонсиз лаблардан шу сўзлар учди.

– Пирим! – деди Алишер Навоий унинг елкасини қўлини қўйиб.

---

<sup>1</sup>Зотурриё – зотилжам, ўпканинг яллиғланиши касаллиги.

Жомийнинг дудоклари титрар, буришиқ кўллари Алишер кўлини мажолсиз изларди. Ниҳоят топиб, заифона тутиб тураркан, шивирлади:

– Фақирдан... рози бўлгайсиз! Ҳаққингизни... ҳалол айлагайсиз!

Улуғ шеър куёши сўнмоқда эди.

– Минг бора розиман! – деди Алишер Навоий, устозини бағрига босиб, тириш юзини, қош-кўзларини авайлаб сийпаб. – Иншоллоҳ, Тангрим шифо берсин...

Сўнг устоз хануз кўлини кўйиб юбормай турганидан муддаосини англаб:

– Сиз ҳам ҳаққингизни ҳалол айланг, устоз! – деди овози титраб.

– Ҳалол... бўлгай... – деб шивирлади мавлоно, бошини ўғли томонга хиёл буриб. Зиёвуддин токчадаги ўрам қоғозни олиб, Навоийга тутди:

– Қиблагоҳ бу номани сиз сафарда чоғингиз ёзиб эдилар. Сизни кўп йўқладилар, муштоқ бўлиб йўлингизга кўп кўз тикдилар.

Жомийнинг бармоқлари шогирди кўлини кўйиб юборди, ўзи бир текис нафас ола бошлади. Табиб яқинроқ келиб:

– Бир оз тин олсинлар, – деди. – Икки оғиз сўз айтиш ҳам ҳолдан тойдиргайдир.

Навоий яна бир оз ўтирди-да, сўнг:

– Мен тонг сахар яна келгайман, – деб дуо қилиб ташқарига чиқиб, қоғозни очди.

Улуғ донишманд унинг шаънига меҳру муҳаббат билан шундай сўзларни битган эди:

**“Сен, эй Жомий, умр бўйи машаққат тортиб, кўнглингдан шу беш ганжни дунёга чиқардинг. Сенинг бу «Беш»инг шундай кучли панжа бўлдики, дарёкафлар кўли буралиб кетди... Бироқ, ҳар хазина ўлчови қаламидан бу ўтар дунё «Беш хазина» билан бойигандир. У «Беш»ликларга сенинг «Беш»инг қачон тенглашади? Уларнинг бир хазинаси сенинг юз хазинангдан яхшидир. Хусусан, у панжаки, ганжадан сарпанжа урганга шер каби ўз сарпанжасини урди, туркийда бир ажойиб кўшиқ куйладик, жодунафаслилар оғзи муҳрланди. Бу қаламга**

**фалакдан офаринлар ёғилсин! Чунки бу ёқимли нақшни ўша қалам яратди ва форсий тил эгаларига, форсча назм дурларини тузувчиларга раҳм қилди: у ҳам форсий тилда ёзганида, бошқаларга сўз айтишга мажол қолмасди. Бу мўъжизакор назм тарозиси қаршисида Низомий ким-у, Хисрав ким бўлди?”**

Афсуски, меҳр куёши Абдурахмон Жомий билан қайта кўришиш насиб бўлмади. Субҳ маҳали мурувват ва футувват кутби мавлоно Жомий Ҳақ раҳматига қовушгани хабари келди. Фасллар Азроили жонларни бирин-кетин суғурар экан, унга навбат келганида гўё “Эй хотиржам-сокин жон! Сен рози бўлган ва рози бўлинган ҳолингда жаннатга кир” дея хитоб қилди. Умрининг азиз онлари ўтган Ҳирий узра унинг жонини кўкларга олиб учди.

Жомий жанозасида Навоий кўз ёшларини тия олмасди. Яқинлар бирин-кетин абадий манзилгоҳларига жўнамоқда эдилар. Умр ҳам гўё бир сафар, қиш изғирини вужудларни қақшатгани каби, ўлим совуғи ҳам жонларни қақшатар, тириклар вужудини озорлар, яқинлару устозлар бошига келган бу тақдир аро киши ўғли барибир ам ёлғиз қолгувчи эканини яна бир қарра уқтирмақда эди. Бир қанча йил аввал Мовароуннахрнинг энг улуғ олими Хўжа Аҳрор валийнинг, ортидан кетма-кет Фазлуллоҳ Абулайс ўлимининг хабари келган, фалак чархининг бу таври ҳайбат ва қўрқинч уйғотар экан, тирикларга “Шошилининг, қилар ишингизни қилиб, айтар сўзингизни айтиб қолинг!” деяётгандай эди.

Бу оғир мусибат бўлди, зеро, олимнинг вафоти айрилиқларнинг энг ёмонидир. Жаҳонга унинг каби донишманд яна келгайми экан? Олтин у кумушлар тупроқ кабидир, уларни ер юзининг исталган жойидан супуриб-тўплаб келса бўлур, бироқ бундай бетакрор зотлар сира қайтиб келмаслар. Буни ҳар ким яхши англади. Султон Ҳусайн ҳам Навоийнинг изтиробини кўриб-билиб турарди. У Ҳирий тепасида мавлоно ҳаққи-ҳурматига улуғ бир мақбара қуришни буюрди ва мисли кўрилмаган фармон имзолади – Ҳиротда бир йил мотам эълон қилди.



## *ХАЗОЙИНУ-Л-МАОНИЙ*

Орадан икки йил ўтди. Ҳирий дейилган шўрпешана нозанин бошига яна кора булутлар тўплана бошлади.

Султон Ҳусайн салтанат ишларини вазирлару амирларга топшириб, ўзи ором истаб узлатга чекинар экан, дунё хирсига ружу кўйган кимсалар салтанатни ҳар кўйга солмоққа бошладилар. Ҳар қайси салтанатда шундай хавф бўлмай. Ҳою хавас, бойлигу мартаба илинжидаги каслар зебу зийнатларга бурканиш орзусида салтанат теграсида уймалашурлар. Тоza юракли, садоқатли кишиларни султон эътиборидан олислаштирурларки, виждон саси қулоғига етмасин дея. Алишер Навоий султоннинг виждони эса, у виждон овозини мангу ўчирмоқ ва султондан абадиян жудо айламоқ лозим.

Абдурахмон Жомийнинг мангуликка рихлати, салтанатдаги низо ва фитналар шоир юрагини ўртаб юборган эди. Ҳирий мамоликида мисли кўрилмаган бойлик таназзули бошланган, бир қарашда салтанатда фаровонлик ҳукм сураётгандай кўринса-да, аслида жаҳолат шоми кўнмоқда эди. Нафис йиғинлар барҳам топди. Ҳусайн Мирзонинг кўнгли энди ҳеч нимани тиламас, баъзи ҳолларда ёлғиз Алишер Навоийга суянарди, холос. Лекин Навоий ҳам узлатга чекинди, шоҳ саройидаги машваратлару муҳокамаларга кўшилмай кўйди. Ҳар нарсани назардан қочирмайдиган кишилар яна “Юксак мажлисларда қатнашмаётганига қараганда, султоннинг Навоийдан кўнгли қолганга ўхшайди” деб башоратлар қила бошлашди. Бироқ, бу ишнинг ҳақиқати ёлғиз Навоийга-ю султон Ҳусайннинг ўзигагина аён эди.

Тоғ бошига қор кўнгани каби, бошлар оппоқ қиш чаманзорларига бурканар экан, тақдир гўё “Идрок қил! Ҳатто сочинг ҳам ўзини ўзгартирмоқда” деб хайқирарди. Бир пайтлар қалин ва қайсар бўлган сочлар сийраклашди. Сочлар не экан, қошлар ҳам айни қисматга дучор бўлди. Ҳа, вужуд батамом ўзгарди! Ҳирсу хавас маразлари пок имон уйида қай тарз бузғунчиликлар қилишини кўрсатар каби, тақдир ҳукмдори вужудга ҳам беморлик маразларини сочиб юборди:

*Менки эллик йил чекиб гам, топмадим хушвақтлиг,  
Топгаменму умринг эмдики ўтмиш хушироғи...*

Мавлоно Соҳиб Доро имкон топди дегунча “Унсия”га чопар, Навоий холидан тез-тез хабар олар эди. Боиси, кексалик чоғида юзлашган беморлик ипи ипдай нозик бўлиб қолган танага печакдай чирмашган, на тонгдан оқшомгача бир туз тотар, на оқшомдан тонггача бир дам кўз юмар, гоҳ иситма оловида ёнар, гоҳ дард совуғида музлаб титрарди. Табиб мавлоно Абдулҳай билан мавлоно Риёзий ҳазрат қошида парвона эдилар. Султон Ҳусайннинг буйруғи билан Чинга қатнайдиган карвонлардан бирига турли маъжунлар олиб келиш тайинланган эди, бироқ, у маъжунлар ҳам кор қилмади. Навоийнинг хаста эканидан хабар топган Ҳирот уламози ва фузалоси ҳол-аҳвол сўраб келишар ва хомушланиб, хаққиға дуолар қилиб қайтиб кетишарди.

\* \* \*

Орадан икки йил ўтди.

Икки йилдан сўнг, бир ажойиб кунда саройга келган аъёнлар шоҳ қабулхонасига настаълиқда гўзал хат ила битилган битик осиб қўйилганига шоҳид бўлишди. Султон Ҳусайн шод, юз-кўзи кулар, барчага ўша битикларни ўқишни буюрарди. Кишилар тўп-тўп бўлишиб, ёзувлар бағридаги маъноларнинг мағзини чақишга уринишарди. Бу – Алишер Навоийнинг султон Ҳусайн шаънига битган миннатдорлик сўзлари бўлиб, унда Тангри таолога ҳамду санодан сўнг, шундай дейилган эди.

**“Аммо баъд сўз байт ул-ҳарамининг сахро кезувчиси ва назм шоҳбайгининг зеб берувчиси, фақирларнинг ҳақири Алишер, лақаби Навоий, – Тангри унинг гуноҳларини кечирсин ва айбларини беркитсин, – андоқ арз қилурким, бу хоксори паришонҳол кичик ёшимдан ўзумни шеърнинг паришон савдосига гирифтор бўлганимни-ю болалик**

замонидин бери кўнглимни назмнинг пароканда васвасига ошуфта бўлганини ва аввалги шоирларнинг маликул-каломлари дастури билан жамлаб, тартибга келтиришга киришиб, ҳар навъ шеърга зебу зийнат ва оройишу тартиб берганимнинг кайфиятини аввалги девоним мундарижасида, «Бадойиъ ул-бидоя»да шарҳ билан арз қилиб эдим. Ундан кейин, яна у жамъ-у тартибдан сўнг бошқа бир тахмин билан бошқа шеърлар айтилиб, ҳар хил ғазаллар йиғилиб қолган эди, хаёл кечасининг порлоқ юлдузларини-ю кўнгил хазинасининг ёрқин гавҳарларини иккинчи девонимга киритиб, номини “Наводиру-ниҳоя” деб атадим, эл аро машҳурдир.

Интизом ва тартиб бериб, дебочасида азиз суҳбатдошлару буюк зотларнинг хузурларида арз қилдим.

Ундан кейин хаёлимга келар ва кўнглимда айланар эдики:

*Шоирлиг ила шуҳра қилиб отимни,  
Зойеъ қилдим шеър ила авқотимни.  
Эмди тузайин Тенгрига то отимни,  
Кўп элга мушавваш этмай абётимни.*

*Эллик била олтмишқа етти қадамим,  
Не маъноким, бўлмади эркин рақамим,  
Не турфаки, сабт этмади эркин қаламим,  
Ким, йўқ биридин хотир аро жуз аламим.*

Агарчи бу тасвир топган икки девон тартибида ва ёзишга киришилган икки дафтарни жамлашда ҳам бу номурод хоксорни ўзида ихтиёр йўқ эди. Нима учунки, шоҳона ҳукмлару эҳсону таҳсинлар ва хоқоний амрлару таълиму талқинлар билан эди.

...Бу янглиғ осмондек зийнатланган даргоҳдан ва бу янглиғ аршсурат саройдан таъсирли хитобу ҳайратли ҳукм етишди. Мазмуни шуки, эй

қадимий хос мулозимимиз ва синашта хос биродаримиз, аввалги икки девонким, бизнинг ҳукмимиз билан тартибга келтирдинг ва барча қисмларини бизнинг маслаҳатимиз ва таълимимиз билан тузатдингким, бирининг ишқдан дарак берувчи шеърларидан бу кўхна дунёнинг баланд гумбазида ошиқларнинг ғавғолари эшитилади ва иккинчисининг шавқли ғазалларидан бу кўхна кўк гумбази равоқида муҳаббат аҳлининг шовкин-суронлари келади. Ундан кейин йиғилган шеърларнинг назм ипига тортилган йирик дурлари адади аввалги девонлардан ортиқдир ва бу латофатсифат яхшилар ва малоҳатли маҳбублар билан яна икки девон тартиб берса бўлиши маълум бўлди. Шундай дилга ёқимли ишни нима қилиб бўлса ҳам удалагин ва бу машғулотдан фойдалироқ иш йўқдир.

Энди аълоси шулки, бу ажойиб ишга кўнгил боғлайсан ва балки ҳукм шу эрурким, бу ажойиб ҳукмга қалам сургайсану тафаккур хилватхонасида хаёлингни шўху раънолари билан базм тузгайсан ва токи осмон айланиб турар экан, инсон жинсининг хаёлига келмаган ажойиб нарсаларни ёзасан ва элга кўргузасан.

Ўзинг биласанки, назм саройининг хосларию шеър денгизининг ғаввослариким, руҳларга ором берувчи наволиғ нафасларидан замона базми тўлибди ва хаёл дарёсидан чиқарган қимматли гавҳарларидан даврон либоси жавохирлар билан безанибди. Ҳеч қайсиси сўз оламининг тўрт иқлимини ололмайди ва тўрт унсурдан пайдо бўлган инсон гуруҳини ҳеч қайсинисидан тўрт девон қолмагандир. Ўз асрида маънолар хазиначиси Амир Хусрав Дехлавий Султон Маликшоҳ Алп Арслон ўғлининг номига тўрт девон тартиб қилган дейдилар ва хотимасини унинг оти билан яқунлаган эмиш ва бу иши ўша замонни яхшию ёмонининг қулоғига етгандир ва бу сўзлар зикр қилинган бўлса ҳам, у тўрт девон номаълумдир ва исмлари бор бўлса ҳам, у девонларнинг ўзи йўқдир. Хаёлга келтириб, қоғозга туширмаганмикин ёки тилига кўчириб, тартибга келтирмаганмикин? “Хамса”сию барча

манзумалари ва китобу рисоалари ўз ҳолича мавжуддир, тўрт девони эса замон аҳлидан кетган меҳру вафо ва инсофу мурувват каби ғойиб бўлган.

Чун Оллоҳ сенга тавфиқ ва мадад берибди, бу мақсаднинг ҳеч кимга ато этмаган негизи йиғилибди. Хоҳлаймизки, фурсатни ғанимат билиб, бу муддао ҳосилига рағбат қилгайсан!

Бу ҳукм қулоғимга етишганидан кейин ожизлик ва хорлик ўтининг тутуни кўнглимдан димоғимга етишди, ҳукм қувватли эдию бажарувчи заиф ва амр бағоят катта эдию тобеълик қилувчи ниҳоятда озғин, ва титроқ баданимни ларзага солди ва ҳиссу хаёлим лашкари бир-биридан қўзғалди.

На узр айтишга журъатим бор ва қабул қилишга ҳафсалаю қувватим, агарчи узр айтиш ҳам ёқимли эмас, аммо ўз ожиз ҳолимни айтмасликнинг ҳам иложи йўқ эди.

*Дедимки, бу ишдаким, бўлурмен маъмур,  
Ҳар нечаким тутмасам ўзумни маъзур,  
Лек иштаки, аждаҳога келтургай зўр,  
Зўр эткай ўзига, истаса қилмоқ мўр.*

Ул қутлуғ зотнинг дунёни кўрсатувчи кўнгил ойнасида равшан кўринур ва у покиза кўнгилни жаҳонни безовчи қадаҳида равшану ошкорадурким, бу бандаи фақирга не ожизликлар шикаст бердию бу заррайи ҳақирга не саргардонликлар рўпара келди. Агарчи дардимга тузалиш умиди пайдо бўлибдир, таом билан шарбат ичилади ва ейилади, мисқол тарозуси билан тортилади ва тонгдан оқшомгача соат шишасига кўз тикиб ўтираман ва дардимга қувват имкони бўлса ҳам, аммо ҳануз хароба қошонамдан ташқари чиқишни хоҳласам, осилган ўргимчак иплари дастгирим бўлиб мадад бермагунча, тебранмоққа тобу тоқат ва ҳаракатга қудрат, балки имкон йўқдир. Юз фил тортолмаган юкни

пашша қандай торта олсин? Батаҳқиқ, ўзи мажруҳ бўлиб қолади. Чумоли минг шер қила олмаган ишни қандай қила олсин? Хусусан беморлигу саломатлик тариқидан айрилади.

*Аввал икки девонга чу қилдим разбат,  
Ҳам эрди йигитлик мададим, ҳам сихҳат,  
Бўлдум чу қарию хаста, йўқ ул қувват  
Кўргузгали андоқ нималарга журъат.*

Куллийроғи шуки, аввалги девонларни тартибга солишда Султони Соҳибқироннинг олий таъбининг ислоҳу ихтимомии беҳад ва ҳар қисмларида ўзгартириш ҳам киритган ва насиҳатлари ҳам беадад эканлиги жиҳатидан у ишлар поёнига етди ва бошланишидан охиригача тартибга солинди.

Бу заифлигу нотавонлигим вақтида ва ожизлигу заифлик ва саросима маҳалида Султон Соҳибқироннинг оламга оро берувчи хоҳиши, нурли кўнглининг таъсири гўёки олам мамлакатининг фатҳига азм қилгандек ва баъзи пайтда айшу шодонлик билан кўллари зар сочувчи ва баъзи пайтда тоату ибодат билан кўзларидан гавҳар янглиғ ёш тўкувчи бўлгани учун бу хашак дарёдек кўнглига кирмас-у, бу зарра қуёшдай кўнглида пайдо бўлмас. Ва Султони соҳибқироннинг ҳиммати юзидан саъй ҳаракатда таълими давомли бўлмаганида, бундай оғир иш рўёбга чиқмас, балки хаёлимдан кечирмоғим ҳам узрли бўлар эди.

Шундай ҳукм бўлганидан сўнг гоҳ-гоҳ ҳолимдан огоҳ бўлмаганида, лаҳза-лаҳза аҳволимдан хабар олиб турмаганида мен нима қила олар эдим? Чумоли Сулаймон алайҳиссаломнинг хаёлига келмаганида, таажжубу ҳайрат бўлмаган бўлар эди. Ва Хулқар юлдузи осмон сатҳида кўринмаса, қачон ҳайрату ҳайронлик бўларди?

Бу хоксор дилимдаги дардимни изҳору номуродликларимни ошкор қилдим ва хорлик тупроғига зулм билан йиқилдим. Иноят саройидан

садо келиб, хидоят корхонасидан нидо етишдики, кўнглингни чўктирма ва хаёлингга ҳар хил васвасларни келтирма, биз ҳар қандай ҳолатда ҳам сенинг ҳолингдан ғафлатда қолмаймиз. Аммо сен бизнинг бу холимиздан ғофилсан, сенинг ёдинг ҳаргиз зойил бўлолмайди ва бу маънолар сенинг кўнглингдан зойилдир. Шундайки, аввалги икки девонингни мукаммал бўлишида ҳам ҳеч ғафлатда қолмадик ва инояту раҳнамоликда ҳеч сусткашлик қилмадик, энди яна шу равиш билан, балки ундан ҳам ортиқроқ эътибор берилади ва ўша аввалги қонун билан, балки ундан ҳам афзалроқ ҳолингдан хабар олурмиз ва оз фурсатда мақсадинг ҳосил бўлгусидир.

Сенинг заиф ҳолингдан хабаримиз бор, шафқат ва бечорапарварлик билан қаерда қолсанг ёрдам қилинур ва шикаста ҳолинг бизга аёндир, марҳамату ғамхўрликлар билан ҳар қандай мушкулинг бўлса ҳал қилурмиз.

*Шаҳдин чу бу навъ лутфу эҳсон топтим,*

*Умид дағи беҳаду поён топтим,*

*Зулмат аро эрдим, оби ҳайвон топтим,*

*Йўқ-йўқки, ўлуб эрдим, янги жон топтим.*

Шундан сўнг кўнглимга ўзгача қувват кирди ва табъим яхшилик ва дадилликка мойил бўлдики, қаламимнинг тезлиги ва равонлиги ортиб, хаёлим булутидан чакмоқ чакқанида, ёмғир ўрнига гавҳарлар ёға бошлади.

Шоҳнинг қабул бармоғини кўзимга суртдим ва мақтовлар кўлини кўксимгаю жонпарвар сўзимга қўйдим ва кўнгил хилватгоҳини хавотир ғавғосидан халос қилдим ва васвасалар ҳужумидан покладим. Қаламим учини ўткир қилдим табъим оби ҳаётини оташсимон қилдим. Ва ўтган вақтларда айтилган матлаълар тонгини мақтаълар ниҳоясига пайваста

қилиб, хаёлда кечган паришон шеър гавҳарларини мукамаллик ипига тортмоқ билан зийнатлай бошладим.

*Кун бор эрдиким бир газалу икки газал,  
Бал уч газалу тўрт газал баъзи маҳал.  
Маҳвашилардек бори латофатда масал,  
Боглаб кийибон юзга ҳила тўнга хулал.*

Бу поклик шабистонининг парда ортидагилари юз минг зебу зийнат билан табиатим хилватхонасидан жилваи ноз билан чиқиб, ўз хамхоналарининг сафига кирар эдилар ва бу малоҳат сувратхонасининг гўзаллари минг хил оройишу кўриниш билан хаёл хилватхонасидан дилларга ёқимли юришлар билан ҳаракат кўргузиб, фитна солувчи нозанинларга қўшилар эдилар.

Бу вазн билан ҳаракатланувчи дилкашлару мувофиқ сифатлик шўхвашлар эллик, олтмиш ё юзга яқин бўлсалар эди, бу савдойи фақир бир савдогардек, малик-ут-тужжор<sup>1</sup> деса бўлғай:

*Юз хур сифат барчасининг нозу фани,  
Кашмирийю румийю хитоу хўтаний,  
Ким бир шаҳ учун кетургай ул тойифани,  
Тожир ўзин айларга баҳо бирла гани.*

Кашмирийси сеҳргарликда дилрабою дилкаш ва румийси чакқонликда кофирсимон фарангига ўхшаш ва хитойиси қон тўкувчиликда ўқ отувчи ва шер овловчи ва хўтанийси фитна кўзғашда шердек қувватли оҳу овловчи<sup>2</sup>. Бу шаклу шамойилу тартиб билан ва бу зеболигу зийнатлар билан Султони Соҳибқироннинг ҳарамсаройига

<sup>1</sup> Малик-ут-тужжор – тижоратчиларнинг каттаси.

<sup>2</sup> Хўтан оҳусининг киндигидан “нофа” деб аталадиган мушк олинади, байт шунга ўхшатишмоқда.



киргизар эдим ва битта-биттадан у ҳазратнинг ноёб покиза назаридан ўтказар эдим.

Ва у ҳазрат иноят кўзи билан у раъноларни<sup>1</sup> кўриб ва илтифот назарига солиб, қайси бирини ипак либосида қусури бўлса, ё у ипак либосни бегаб турган жавахирлардан тушиб қолиб, бўш жой қолган бўлса, хос хазинадан муносиб рангли ипак либосларни чиқариб, барча қийматли гавҳарлар билан бегаб, олиб келиб шўхларга кийгизар эдилар. Ва ҳар қайсисини ўз муносабатига кўра тартиб билан ўз олий мажлисида ўтиргизар эди, яъни айтилган шеър барча латифлик ва қайд этилган шеърлар барчаси нозик маъноли, эллиқ, олтмиш ёки юз ғазалга яқин йиғилса эди, ҳазрати Султон Соҳибқироннинг фирдавс боғига ўхшаш суҳбатидаю осмон янглиғ ҳузурига ҳозир қилиб, назаридан ўтказар эдим ва у ҳазрат уларга шафқат юзидан боқиб, қайси маъно шўхининг таркиби либосида ва сўзлари кийимида нуқсон кўринса, ўзининг кўнгил хазинасидан муносиб сўз билан у маъноларни ўзгартириб ва у сўз либосида жавахирлардан номуносиблиқ маълум бўлган бўлса, ўз хотираси хазинасидан ёқуту рангин лаъл ва гавҳару қимматбаҳо дурлар билан зебу зийнатга айлантирар ва ҳар ғазални тартиб билан ўз ўрнига қўяр эди.

Ва бу ожиз фақир бу таълимларни ўзимга дастур қилиб, у тартибни ишғол қилишга киришар эдим. Бундан бошқа яна у ҳазратнинг махсус маънолари хаёлотинию ажойиб мазмунли сўзлари ва дилга ёқимли ўхшатишлари назокатини ва беназир танбеҳлари мустаҳкамлигини аввалги икки девоним дебодасида шарҳ билан батафсил баён қилган эдим. Бу девонларда ҳам яна ўша кўрсатма билан маънолар жавахири аълосидан ва сўзлар нақшу нигоридан ва равонлигию латофатидан ва ширин ҳолату хароратидан ҳеч бир бўлак бир парчасидан йўқдирки, ул ҳазратнинг муборак таъбининг дахли бўлмасин. Балки асли хаёл ул ҳазратники бўлиб, бу банда ҳам ул ҳазратнинг буйруғи ва таълими

---

<sup>1</sup> Ғазаллар “раънолар” деб таърифланмоқда.

билан бир озгина дахлим бордир. Шу сабабли бу девонлар ул ҳазратнинг нозик табъидек беназиру ҳар шоҳбайти ўз бахтли зотидек оламгир бўлгандир. Бу маъно гавҳарлари барчаси ул ҳазратнинг табъи денгизидану зехнининг конидан ҳосил бўлди ва лафзлару ибратлар хазинаси шу маънолар гавҳари билан тўлди, шунинг учун унинг номи “Хазойину-л-маоний”, яъни “Маънолар хазинаси” деб қўйилди.

*Ё Раб, бу хазойинки, мен эттим маъмур,  
Ким, хозини жаннат анга хуштур ганжур.  
Чун келди футурлуқ кўнгулларга сурур,  
Берма андин кўнгул сурурига футур.*

*Бу баҳрки, ганжи ломаконий дедилар,  
Ҳар қатрасин оби зиндагоний дедилар.  
Шаҳ махзани табъидин нишони дедилар  
Ким, ани «Хазойин ул-маоний» дедилар.*

Агарки оламни ёритувчи қуёшнинг ўз йўлида оламни бир айланиб чиқишини бир йил деб атадилар ва бир йил тўрт фаслдан иборатдир. Ҳар фаслга ҳам от қўйибдилар. Бу порлоқ қуёш осмонни бир айланиб чиқиши шунга ўхшайдики, денгизу кону ўсимлигу ҳайвонлар – барчасининг натижаси унда зоҳир бўлади ва ундан ўша тўрт натижадан нишона топса бўлади.

Тўрт фаслнинг муқобилига тўрт девон пайдо бўлиб, ҳар бирига бир муносиб от қўйиш лозим бўлди. Шу сабабдан биринчи девонни болалик баҳори ғунчасининг ажойиб гуллари ва ёшлик гулзори боғчасининг ғаройиб чечаклари билан ораста бўлиб эди, “Ғаройибу-с-сиғар” деб аталди.

Ва иккинчи девонни, йигитлигу шайдолик ёзининг даштидаги воқеалар билан зийнатлаган эди, “Наводиру-ш-шабоб” аталди.

Ва учинчи девонни ўрта ёшда ҳаёт майхонасида ишқ билан шавқ қадахидан пайдо бўлган ширин кайфиятлари ёзилиб эди, “Бадоеъу-л-васат” деб от қўйилди.

Ва тўртинчи девон умр охирларида юзланган ишқ дарду машаққати фойдалариким, жонни куйдирувчи охлару жонни топширмакким, унда қайд этилибди, “Фавойиду-л-кибар” деб лақаб берилди.

Умид улким, шу тўрт девон султон Соҳибқирон номи билан зийнатланган экан, лақаби билан ҳамда унинг оти билан ер юзида тўлсин ҳамда унинг лақабидек, доврўғи ҳам тўртинчи осмонгача кўтарилсин.

Шукрлар бўлсинким, бу бобда назм сабабини шеър воситаси билан бутун умримни ул ҳазратнинг мадҳи билан кечирдим ва барча ҳаётимни унинг дуоси билан ўтказдим. Болалик чоғлариким, етти-саккиз ёшдан йигирма ёшгача ҳисобласа бўлади. Умр фаслларининг навбаҳори ва ҳаёт гулшанининг чечаклар гулзоридир, унинг мадҳини “Ғаройибу-с-сиғар” китобида баён қилдим.

Йигитлик замониким, йигирма ёшдан ўттиз беш ёшгача деса бўлади ва бу фаслларнинг ёзидир. Йигитлик даврининг ҳаётбахшлигининг бошидир ва унинг васфида “Наводиру-ш-шабоб” билан тамомланди.

Ва ўрта ёш вақтиким, ўттиз билан қирқ бешгача деса бўлади, бу фаслларнинг кузидир, тириклик боғининг хазонрезги вақтидир. Унинг таърифини “Бадоеъу-л-васат” билан баён қилдим.

Ва қирқ бешдан олтмиш ёшни яқинигача ва бу фаслларни қиш деса бўлади ва инсонни букилган қомат билан алам йўлига кириб, замон аҳли билан хайрлашадиган вақти келганидир, ва унинг дуосида “Фавойиду-л-кибар” номи билан охирига етказдим.

*Сарф эттим анга умр баҳорин дағи,*

*Бўстони ҳаёту лолазорин дағи,*

*Оллида хазони зарнисорин дағи,*

*Кофурфишон қиш била қорин дағи.*

Ва бу вақт мобайнида бир миқдор фурсат топсам, хоҳ “Хамса” назмига, хоҳ “Назму-л-жавоҳир” ва “Мажолису-н-нафоис” ёки “Зубдату-т-таворих” ва бошқа битиклар билан шуғулландим ва ул ҳазратнинг давлати дуосига вақтимни сарф қилдим. Тангрига ҳамд бўлсин, шундай натижаларга эришдимки, бу ишлар тенгдошларимнинг юздан бирига ҳам насиб этмаган ва шундай мақсадларга эришдимки, мен каби юз, балки минг қуллари бор, биронтасининг орзу қадаҳи менга шодлик келтирган май билан тўлмайди. Оллоҳга мақтовлар бўлсинки, бу вақтларда умр водийсининг кўпроғини унинг давлатидан муродларим ҳосил бўлган ҳолда ўтказдим ва ҳаётимнинг охирига орзуларимга эришиб, бахтиёр бўлган ҳолда етиб келдим.

Кўнгилда ҳеч армон қолмади-ю, ҳеч бир орзу кўнглимда қолганини эслолмайман. Ҳар қанча дунё орзу-ҳаваслари бор, барчасига эришдим ва сўзимнинг садосини унинг мадҳида етти осмонга етказдим. Шунча орзулар сабабидан армон жинси қолмабди, охираат йўлининг енгиллик ва осонлиги ва ботин мулкининг бахтиёрлигидир. Ва бу ишлар Ҳақ субҳанаҳу ва таолонинг тавфиқи билан бўлди ва Расулulloҳ жанобларининг шариатларига бўйсуниб билан охирига етди.

Умидим шулки, ул ҳазратнинг давлати иқболи баланд бўлсину бу саодатдан янада баҳраманд бўлайин.

Бу хусусда арзу ҳолимдан бир неча сўз айтаман ва изҳор қиламанки, у шодлик гули очилса, мен ҳам шодликдан ғунчадек очиламан ва шу аризамнинг қораламасини шу дебочага киргиздим, хаттотларга арзим шуки, бу мундарижадан шу аризамни айирмасликларини васият қиламан, токи сўнгги кунгача бу дебочани ўқиганларга шу аризам билан ўз муддаомга етганим маълум бўлсин ва ошкор далил бўлиб кўриниб турсин.

**Шу сабабли то қиёматгача султон Соҳибқироннинг давлатига дуо қилсинлар ва шафқату одамшавандалигига сано айтсинлар...”<sup>1</sup>**

\* \* \*

Аъёнлар Султон Ҳусайн ушбу битикларни ўқигач, саройда туришга тоқати қолмай, ўша заҳоти Навоий қошига отланганини, дийдорлашгач, уни бағрига босиб йиғлаганини ва бутун Хуросон мулкини Навоийнинг сихҳати учун нисор қилишини айтганини сўзлашарди.

Навоийнинг шоҳ қабулхонасидаги битиклари ёнида эса Султон Ҳусайннинг беқиёс ҳурмат ва эҳтиром ила ёзилган ушбу сўзлари турарди:

**«Не девон, Оллоҳ-оллоҳ, жунгеки<sup>2</sup>, софий алфоздин тўла гавҳар бўлгай ва сипеҳр авроқиким, пок маонийдин мамлу ахтар<sup>3</sup> бўлгай... Назм иқлимида қайси берк қўрғонга куч келтурдиким, эшиги анинг юзига очилмади ва қайси азим кишварга табъ черики била турктоз солдиким, фатҳ қилмади. Турк тилининг ўлган жасадига Масих нафаси билан руҳ киритди ва ул руҳ топқонларға туркий ойин ва ҳунар кийдирди...**

**Бу кун назм арконининг рубъи маскунида қаҳрамон ул турур ва мамолик фатҳига соҳибқирон ани десалар бўлур.**

*Эрур сўз мулкининг кишварситони,*

*Қаю кишварситон, хисрав нишони.*

*Дема хисрав нишонким, қаҳрамони,*

*Эрур гар чин десанг, соҳибқирони.*

Бир пайтлар, йигитлик маҳали бир-бирига доимо садоқатли бўлишга онт ичган икки дўст киборлик палласига шу тарз етиб келишди.

Оламнинг мана-ман деган шоҳлари хазинасини безовчи “Хазойину-л-маоний” яратилганидан Ҳирий шундай хабар топди.

<sup>1</sup> “Ғаройибу-с-сизар”дан (Иброҳимжон Сайдуллаев таъдили).

<sup>2</sup>Жунге – кема.

<sup>3</sup>Мамлу – тўла, ахтар – юлдуз.

## **902-ЙИЛ. ҲАРАМ.**

Султон Ҳусайн Мирзонинг ҳарамсаройи кўшкнинг орқа тарафида, ҳам ичкаридан, ҳам икки ёндан ўтган йўлдан кирилса бўладиган кенг сахнда бўлиб, ўнгда худди девондаги каби саломхона, маслаҳатхона, ашрафхона, ундан сўнгра Хадича бегимнинг, ундан ҳам нарида султоннинг бошқа хотинларининг оромгоҳлари бўлиб, “Маҳди улё” деб шарафланувчи Хадича бегимнинг ҳарами энг каттаси, ўнлаб жория ва қуллардан таркиб топган эди.

Қуллар асосан шомликлар ва дамашқликлар бўлиб, улар қавму қариндоши йўқ ўғлонлардан сайлаб олинар ва гўдаклигидан пухта тарбия бериларди. Жориялар ҳам шундай эдилар, ғунчачилар уларни бирма-бир танлаб, олиймақом зотлар қошида ўзини қандай тутишни ўргатиб боришарди. Ёш канизларга ташқи ҳовлига чиқишга изн берилмас, хоқон хизматиға фақат ёши улуг, тажрибали жориялар юбориларди. Ҳарам ортида эса аввал кўриқчилар, сўнг қуллар, жория ва каниз ҳужралари, шунингдек, таомхона ва анжомхоналар тизилиб кетган эди.

Султон ҳарамга кириш истагида эканининг хабари келгач, ҳамма шошиб қолди. Жориялар маликаи киромға либос танлашда ва зийнатланишда ёрдамлашар эканлар, шаҳзодаларни ҳам ясантиришға буйруқ бўлди. Икки-уч жория уларнинг бўлмасиға чопишди. Ташқи ҳовлиға қирмизи гиламлар тўшалди, икки қул султон йўлакчасиға гул суви сепиб, атиргул барглариғни сочишди, кираверишға эса Ҳинддан келтирилган хуш исли тутатқиларни тутатишди. Султон кўнглиға нима ёқишини маликаи киром жуда яхши биларди. Меҳмонхонадаги катта хонтахтаға ширинликлар, султон ёқтирадиган балх тути шинниси, Кобул қуробиялари ва ҳалволари тартиблаб қўйилди.

Бир соатча вақт ўтгач, қуллар ҳарам ташқи эшигининг тавақаларини кенг очишди. Султон Ҳусайн тез-тез юриб кириб келди. Зийнатланган қуллар султонға қарамасликка уриниб, таъзимда тек қотиб туришарди.

Гуллар барқ урган ва Румнинг хушбўй шамдонлари терилган улкан даҳлизда уни Хадича бегим эгилиб кутиб олди. Бу нозиктаъб малика аслида Султон Абусаид Мирзога ҳадя қилинган канизлардан бири эди. Абусаид Мирзо Ироқда ҳалок бўлгач, бениҳоя гўзаллиги ва ўткир ишваси боис уни Ҳусайн Мирзо ёқтириб қолиб, ўз никоҳига олган, Хадича бегим ҳукмдор кўнглига йўл топа олгани учун ҳам тез орада маликаи киромга айланган бўлиб, султондан икки ўғил кўрган эди.

– Ассалому алайкум, давлатпаноҳ ҳазратлари!

Ҳусайн Мирзо алик олиб, икки қўли билан маликанинг юзидан тутиб, пешанасидан ўпиб қўйди-да, энди қуллар эмас, зийнатланган жориялар очиб турган эшикдан ўтиб, ашрафхонага ўтди. Бу ерда Хўтан оҳуси киндигидан олинадиган нофа мушкининг ёқимли иси анқирди. Зукко Хадича бегим султоннинг тўшакка ўтиришни ёқтиришини билиб, янги тўшакларни қават-қават солдириб, юмалоқ болишларни қўйдирган, унинг қаршисида малика учун солинган тўртбурчак қирмизи гиламча ёнидаги худди шундай қирмизи болиш устида уд чолғуси турарди.

Хадичабегим уд созида тенги йўқ маҳорат эгаси эди. Унинг нозик сеҳргар бармоқлари кўз илғамас ҳаракатлар билан соз торларидан шундай ажойиб садолар чиқарардики, тинглаган киши хуши бошидан учиб, наво афсунига ғарқ бўларди. Зийраклик билан султон кайфиятидаги сезилар-сезилмас ўзгаришни илғаб олар, куй ёки қўшиқни шунга қараб, шўхчану шодонини ёки дарду ҳасратлисини танларди. Муסיқа султон раъйига мос тушгани тақдирда, уни бошқа созлар жўрлигида давом эттириш учун ён хонадаги созанда ва раққоса канизлар нафас чиқармай, маликанинг ишоратини кутишарди.

Султон Ҳусайн тўрга чордана қуриб ўтирди.

Хадича бегим ҳам одоб билан гиламчага чўккалаб, қўл қовуштириб турди. У султоннинг оқ ва яшил тусларни ёқтиришини билар, шу тусли қабо кийиб, бошига ҳам яшил ва оқ аралаш рўмол солган, устидан султон Ҳусайн

Биржандан келтирган мовий марваридни ва турли зийнатларни ярашиғлик қилиб қадаб олган эди.

Султон Ҳусайн Мирзо дуо қилиб юзига фотиҳа тортгач, Хадича бегим эшик олдида кўзача кўтариб турган жорияни изига қайтарди-да, узукли кўллари билан шарбатни ўзи қуйиб, хукмдорга узатди.

– Кўнглимиз сизнинг чеҳрангизни ва шахзодаларни кўрмоқни тилади, – деди Султон Ҳусайн, шарбат учун миннатдорчилик билдириб. – Бир қанча вақтдан бери дийдорлашмағаймиз.

– Мен бечора чўрингизга назар қилмасангиз ҳам, валиахдлар қиблагоҳни кўзлари тўрт бўлиб кутишди, султоним, – деди Хадича бегим, ноз ва ишва билан.

Ҳусайн Мирзо маликанинг муддаосини дарҳол англади.

– Валиахд Мўмин Мирзодир, – деди. – Шохғарибимизга ва Музаффар Мирзомизга энг фаровон кентларни ҳадя этгаймиз, қолдики, баҳодир бўлиб улғайсалар бас.

Бу гапдан Хадича бегимнинг юраги шув этиб кетди. У бир маҳаллар худди арслон каби, босган изидану айтган сўзидан қайтмайдиган жўмард султоннинг кексая бошлаган чоғида кўнгилчан бўлиб қолганини аллақачон пайқаб олган эди. Ичидан ўтганини сездирмай, султон ҳузурида қарс ургани истиҳола қилиб, узр сўраб ўрнидан кўзғалди. Ён эшиклардан бирини очган эди, икки шахзода бирин-кетин кириб келишди.

Аслида болалар ота қучоғига отилиши керак эмасми? Лекин сарой одоби бунга йўл қўймас эди. Шахзодалар тўрда тоғдай бўлиб ўтирган султон қаршисида тўхташди-да, кўнғироқ овозда бурро қилиб салом беришди.

Султон алик олиб:

– Келингиз ёнимга, – дегач, улар қиблагоҳнинг икки ёнига чўккалашди. Ҳусайн Мирзо фарзандларининг ёноғидан бир-бир ўпиб, суфрадаги анвойи неъматларни кўрсатиб, сўради:

– Қуробия ермисиз, ҳалвоми?



Хадича бегим юз-кўзига султон чехраси нақшланган болаларига кўрсатилаётган илтифотдан шод ўтирарди.

– Шохғариб Мирзомизга қоп-қора бир тўбчоқ ҳадямиз бор, – деди Хусайн Мирзо, кичик шаҳзодага. – Унга Марвда кўзим тушиб эди, сиз учун атай айириб келтирдим. Осмонга учгудек шиддатли, ёши ҳам сиз билан тенг. Баробар ўсиб-улғайгайсизлар. Музаффар Мирзомизга эса Дамашқ қиличи ҳадя қилдик.

– Шаҳзодаларнинг волидаси ҳам илтифотингизга интизордир, – деди Хадича бегим, жилмайиб.

– Маҳди улё маликамиз не тиладики, биз адо этмадик? – деб сўради Хусайн Мирзо. – Истагингиз тилга келмасидан буруноқ яхши ҳадялар келтирдик. Бирини амир Алишер Навоий сиз учун Астрободдан келтирибдилар, эҳтиром ила мендан ўтиндилар. Иккинчиси эса Румдан олиб келинди, қошларингиз гўзаллигини иншоллоҳ беркитиб тургайдир.

Султон қўйнидан иккита қизил халтача олиб, Хадича бегимга узатди. Хадича бегим ўзини боса олмай, дарҳол очиб кўрди. Халтачаларнинг бирида ёнғоқ катталигидаги тенги йўқ дур, иккинчисида эса қизил ва сариқ тилладан ишланиб, марваридлар қадалган тиллақош бор экан.

– Султоним! – деди маликаи киром ҳаяжонда, юзи қизариб. – Давлатпаноҳимизга жонимиз фидо бўлсин! Жўмардлингизга жоним фидо бўлсин!

Султоннинг одати шундай, қачонки ҳарамда қолмоқ истаса, ҳадя ила келарди. Хусайн Мирзо бир оз вақт болалар билан суҳбатлашиб ўтирди, от миниш, қилич чопишдаги маҳоратлари, мактабдаги сабоқлари ҳақида сўрагач, бу гал одатига хилоф тарзда ўрнидан турди, ўғилларининг юзидан яна ўпиб, кўшкка қайтди. Хадича бегим бугун оқшом Боғи Жаҳонорода чоғир базми тузалишидан хабардор эди. Ғозий султон аҳли аёл ва фарзандлар суҳбатидан ҳам кўра, чоғир базмини хушлагани уни хомушлантирди, бироқ, бир нима дея олмади. Ёстиқ устидаги удга хомуш қараб қўйиб, меҳмонхонадан чикди.

Ҳа, султон Ҳусайн қартайиб бормоқда. Шу ёшида валиаҳд тайинламоғи албатта шарт. Гоҳ Ироқда, гоҳ Ҳисорда бот-бот уруш олови алангаланиб турибди, султон ҳар гал ўлимни бўйнига олиб чопқинга жўнамоқда. Жангу жадал навқар қисматидир, тирик қайтмоғининг ўзи бир бахт, бироқ, шахид кетиши эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Ўз-ўзидан маълумки, Музаффар Мирзо маликаи киромнинг тўнғич ўғли бўлгани учун тахтга лойиқ. Аммо Султон Ҳусайн Хадича бегимнинг сўзларини тингламайди, Бадиуззамон Мирзонинг ўғли Мўмин Мирзони валиаҳд қилиб тайинлашни истайди. Фалакнинг ишларига хайрон қолмай иложинг йўқ, ахир, ўғил турганида набирага не ҳожат?

Булар қалбни тутундай ачиштирувчи ўйлар эди. Салтанатнинг оқила маликалари келажак тадорикларини кўрмоқлари лозимки, авлоди хор бўлмасин, шахзодалар олам завқлари аро фароғатли ҳаёт кечирсинлар. Вақти келиб улар улғайиб, мулку тахт талошига киргайлар. Маликанинг ўткир ақли Хуросон салтанати валиаҳдларнинг ўзаро низолари туфайли парчаланиб кетишини пайқаб турарди. Келажакда Шероз ҳукмдорларининг қудрати ошса ошадики, сира камаймайди. Бироқ, у кунлар етиб келгунга қадар ҳукмдорни чучук сўзлар билан авраб, тахтни Музаффар Мирзога мерос қолдиришига кўндирмоқ лозим. Лекин, қандай қилиб?

Хадича бегим Ғут лақабли ишончли қулига ҳарам оғоси орқали вазир Низомулмулкни чорлашини айтиб, ўзи машваратхонага кирди. Машваратхонада курсиларгина бўлиб, хонтахта, идиш-оёқ қўйилмаган эди. Хадича бегим у ёқдан-бу ёққа юриб, қулини кута бошлади. Қул бир оздан сўнг қайтиб келди-да, вазир Низомулмулк Сабзаворда эканини, Ҳирийга келганида хабар берилишини айтгач, ҳийлагар малика сўз демай ортига, ўз оромгоҳига қайтди.

### ***МУЗАФФАР БАРЛОС***

Музаффар барлос ҳеч ким чорламаса ҳам саройда нима гаплар бўляпти экан деб, суйканиб келаберадиган киши эди. Аввалги шон-шуҳратига

ишонган бу кишидан энди жасурлигу мардоналик кетган, хою ҳашамга мукка тушиб, базми жамшидларда бир жўра бода ичар-ичмас, эски қахрамонликларини айтиб мақтанадиган қилиқ чиқарган, сурбетлиги шунчалар эдики, чорланмаган жойга ҳам бетакаллуф кириб бораверарди. Андишасизликлари сабабли саройдан ҳам, қудратли барлослар тўпидан ҳам анча узоқлашган, шундай бўлса-да, Султон Ҳусайн эски хизматлари боис, унга марҳамат кўрсатишда давом этарди.

Бугун жума, бозор ғужғон. Кобул дарвозаси тарафда янги расталар қурилганини эшитиб, ўзича кўр-савлат тўкиб у ерларни айланган бўлди. Навоий қурдирган мадрасаларга атай разм солиб узоқ тикилди, ич-ичида тан олиб “Нима бўлганида ҳам кўркли, муносиб иморат бўлибди” деб қўйди. Сўнг Ҳавзи Моҳиён ёнидан ўтиб кўшкка кирганида, ҳарам томондан пешанасини тириштириб ўйланиб келаётган вазир Низомулмулкни кўриб:

– Муни ҳарамда не иши бор? – деб ўйлади.

Ҳарам қаттиқ кўриқланар, энг хос кишиларгина унинг ташқи қисмига кира олишарди. Аркони давлатдаги энг яқин кишилар ҳам ўз ихтиёри билан эмас, балки Султон Ҳусайн руҳсати ёки маликалар чорлови билангина кириши мумкин бўлиб, малика агар бирон гап айтмоқчи бўлса, бошқа хонада туриб, номахрам киши овозини эшитмаслиги учун ишончли қул ёрдамида сўзлаша оларди. Ҳатто табиблар ҳам ичкарига киритилмасди. Музаффарнинг ёдига табиб Абдулҳай айтиб берган воқеа келди. Султоннинг канизларидан бирининг оёғи чиқиб қолганида, не қилишни билмай барчанинг боши қотади. Киритай деса – номахрам. Кирмасин деса, оғриқ азоб бермоқда. Хотун табиб ҳеч ерда йўқ... Ниҳоят, табиб Абдулҳай бир усул ўйлаб топади: канизни отга миндириб, икки оёғини унинг қорнига боғлашни, сўнг отни ҳўл беда ва сув билан боқишни буюради. Беда еб, сув ичган отнинг қорни шишгани сайин, бир маҳал чиққан оёқ қарс этиб жойига тушади... Ҳатто дарду иллат илашгани маҳал табиб ҳам кира олмайдиган маъвога Низомулмулк киргани ажаб эди.

Бу маҳалда султон Боғи Жаҳонорода Самарқанддан келган аъёнлар билан зиёфатда машғул, Музаффар истаса ҳам у йиғинга киролмасди. Низомулмулкни кўргани заҳоти уни Хадича бегим чорлатганини билди. Чунки ундан бошқа ҳеч ким вазири аъзамни чорлаёлмасди.

Низомулмулк ҳам уни кўрди. Четланиб ёки ўзини шошаётгандай кўрсатмоқчи эди, бир нима эсига тушиб, Музаффар барлоснинг қаршисига юрди.

– Нечук шаштингиз паст? – деб сўради саломдан сўнг. – Тундсиз?

– Неча ойки, Мирзомизнинг марҳаматидан олисдаман, мен тунд бўлмай, ким тунд бўлсин? – деб жавоб қилди Музаффар барлос. – Эски дўстларни ёдга олмайдилар, ҳол-хотир сўрамайдилар. Бир айб қилдимми деб тун-кун ўйланаман, айбим ёдимга келмайди.

Низомулмулк мажлислар чоғидаги ажаб сурликлари учун султон Ҳусайн бу кишини хос давралардан узоқлаштирганидан, Музаффар барлос ушбу муаммоли вазиятни ўнглашнинг йўлини тополмай юрганидан хабардор эди.

– Сизнинг иззатингиз кўпчилик наздида жуда юксак. Анча вақтдан бери ҳамфикр эканимизнинг ҳурмати, сизга бир йўл кўрсатай, орзулаган марҳаматингизга эга чиққайсиз, иншоллоҳ.

– Шошманг, шошманг, – деб унинг ортидан эргашиди Музаффар барлос. – Айтсангиз-чи ахир, не юмуш бор менга?

– Муҳим, жуда муҳим, – деди Низомулмулк. – Чопмасангиз-чи ортимдан? Сал четга ўтайлик ахир.

Музаффар барлос Низомулмулукка эргашиб, сарвлар остигача борди, бу ерда, кичик мураббаъ ҳовузда қизил моҳбалиқлар оҳиста сузар эди. Низомулмулкнинг юзи шу моҳбалиқлар каби тарам-тарам эканини кўриб “Э тавба... Чоғирданми, ажабо?” деб қўйди.

– Билишимча, султон ичкичиларидан бири сизнинг жиянингиз эмиш? – деб сўради Низомулмулк.

– Шундай, – деб тасдиқлади Музаффар барлос. – Оти Иқлимиддин, менинг кичик оғачамнинг...

– Пухталиқ ила ёнида ун қилиб янчилган хашхош олиб юрсин, – деди Низомулмулк. – Бировнинг кўзи тушмасин.

– Э тавба, хашхош нечун? – тушунолмади Музаффар.

– Вақти келганида биласиз, – деб кўзини ола-кула қилди Низомулмулк. – Катта ишлар юз бергайдир. Ҳа, жуда катта ишлар бўлгайдир. Хуросоннинг энг хурматли кишиларидан бўлгайсиз!

Шундай деб, терс бурилди-да, “Изимдан келманг” деб кета бошлади.

Музаффар унинг ортидан қараб қолди. Қанақа катта ишни назарда тутди Низомулмулк? Бу сирни баҳам кўрганига қараганда, Низомулмулк Музаффар барлосни ўз ёнида кўришни истайди. Тўсатдан барлоснинг эти увишиб кетди. Йўқ-йўқ, вазири аъзам жуда катта бир сирни айтди. Шундай сирки, ундан фақат Султон Ҳусайннинг яқин кишиларигина хабардор. Низомулмулк эса, у яқинлар сафига Музаффарни ҳам қўшмоқчи!

Низомулмулк Султон Ҳусайн наздида иззатли аъёнлардан. Бир қанча вақт аввал саройда киборлар билан суҳбат маҳалида “юрак лаъл” ҳақида сўз кетди. У қўй юраги катталигида бўлиб, ҳали дунёда ҳеч ким ундай катта лаълни кўрмаган, сиртига ўн саккиз ҳукмдор ўз номини ёздирган экан. Лекин уни Мирзо Бобур Қаландар ўғирда туйдириб, ўз одамларига маъжун қилиб ичириб юборганмиш. Суҳбатда шу каби сўзлар айтилар экан, Ҳусайн Мирзо деди: “Менинг хазинамда шундай бир лаъл бор, биронта подшо хазинасида бўлмаган!” Аъёнлар ҳайрон қолишиб сўрашди: “Шоҳим, биз ҳеч эшитмаган эдик-ку? У лаълнинг вазни қанча?” Султон Ҳусайн жавоб қилди: “Хуросон тоши билан олтмиш ман<sup>1</sup> келади”. Барча ҳайратда қолган бир маҳалда ичкарига Низомулмулк кириб келди. Шунда Султон Ҳусайн кулиб дедик: “Мен тилга олган лаъл мана шу бўлади”.

Султон ардоғига сазовор киши билан дўстлик ришталарини қаттиқ боғламоқ лозим, албатта. Шу оқшом унга эҳтиром юзасидан совға-саломлар юборишни кўнглига тугиб, саройга кирмасдан ортига йўналди.

---

<sup>1</sup> *Оғирлик ўлчов бирлиги, бир Хуросон мани – 2.35 кг.*

## **ЯНА БИР ФИТНА**

Султон Ҳусайн Мирзонинг завжаларию канизларидан ўн тўрт ўғли ва ўн бир қизи бор эди. Тўнғичи Бадиуззамон Мирзо ўз амакиси, Марв ҳокими Султон Санжарнинг қизи Бека Робиябегимдан бўлиб, таомилга кўра валиаҳд хисобланса-да, гўзал ва доғули Хадича бегим ҳар хил гапларни гапиравериб султонни бошқа фарзандларидан совитиб, кўнглини ўз ўғли Музаффар Мирзога мойил қилишга уринарди.

Кейинги йилнинг баҳорида<sup>1</sup> султон Абусаид Мирзонинг ўғли Маҳмуд Мирзо султон Ҳусайнга қарши юриш бошлади. Ҳусайн Мирзо кексайганига қарамай кўшинга ўзи бош бўлиб, Ҳисор сари юрди. Астробод амири Бадиуззамон ўз ўрнига ўн бир яшар ўғли Мўмин Мирзони қолдириб, кўшини билан ота лашкарига келиб қўшилди.

Ҳусайн Мирзонинг жангу жадаллардаги тадбирлилиги бу ерда ҳам овоза бўлган эди. Қўшин бўлажак чопқинни муҳокама қилар экан, султон ғалаба қозонмоқ учун қай усулни танлар экан, деб қизиқишарди. Ҳар қандай жангда кутилмаган бир чора қўллаш усули Султон Ҳусайнга Амир Темурдан мерос экани айтиларди. Масалан, кўшиннинг таъминот бўлуқлари ҳар доим ортда, черикдан бир-икки йиғоч масофада туради. Ҳусайн Мирзо бир урушда жанговар дасталардан бирига майдонни айланиб ўтишни ва ёвнинг таъминот бўлуқларини босишни тайинлади. Икки кўшин ёйлоқда сафга тизилар экан, илғор даста таъминот бўлуғини яқсон қилгани ҳақидаги хабар ёвни эсанкиратиб қўйгани учун жангни осон яқунлагани маълуму машҳур бўлди. Нарра қалъасини олишдаги усули ҳам диққатга сазовор. Тепаликда жойлашган у қалъа деворлари қалинлиги боис яқинлашиш имкони йўқ эди. Султон Ҳусайн қалъага кирадиган ирмоқларни тўсишни ўйлади, аммо Нарра ичида суви олти ойга етарлик ҳовузлар борлигини билгач, бу фикридан қайтди. Шундан сўнг усти ёпиқ аравалар қурдирди, икки юз ўқчи араваларда қалъа теграсини айланиб, шинакдагиларни уриб олаверишди. Тепадагиларнинг отган ўқлари арава томига санчилиб қолар, аравадагилар

---

<sup>1</sup> Милодий 1497.

эса истагани маҳал бош чиқариб, талафотсиз ўқ узишарди. Бу иш бир ойча давом этди. Ниҳоят, Нарра амири чидаёлмай дарбозаларни очди, сабр-тоқати қолмаган қалъа аскарлари Ҳусайн Мирзо чериги томон елар экан, орт тарафдаги ўқчилар ҳам етиб келишгач, Нарра аскарлари икки ўт орасида қолди. Бор-йўғи ярим соатлик жанг Нарра амирининг бутунлай таслим бўлиши билан тугади.

Бироқ, бу сафар урушга кирилмади. Ҳисор ғалаёни сулҳ билан якун топди. Бу натижадан қониққан Султон Ҳусайн Бадиуззамон Мирзони Балхга, Музаффар Мирзони эса Астрободга ҳоким қилиб тайинлади.

Фитна мана шу ердан бошланди.

Султон фармонидан воқиф бўлган Бадиуззамон Мирзо ажабланиб:

– Ахир, Астрободда Мўминим ўтирибди-ку? – деди. – Шаҳзоданинг юзхотири йўқми? Қиблагўҳнинг ўзлари суннат тўйида Астрободни тўёна қилган эдилар-ку?

Қадри топталганидан алами келиб, Мўмин Мирзога Астробод дарбозаларини ёпиб олиш ва Музаффар Мирзони шаҳарга киритмаслик ҳақида буйруқ юборди.

Султон бу пайтда Ҳисордан эндигина қайтган эди. Шом намозидан сўнг Ҳусайн Мирзо Алишер Навоийни чорлаётгани билдирилди. Икки дўст ҳовуз ёқасида, ҳазон сайли вақтида кўришдилар. Ҳазон асру хўб тушган, куз наққоши ҳар япроққа бетакрор ва гўзал нақшларини чизган эди.

– Чорламоқдан мурод Бадиуззамондир, – деди Султон Ҳусайн, ғазабини яширмай. – Саркашлик қилгай, ҳукмимиздан бўйин товлагай. Муни ҳар қандай бек ё амир қилса ҳеч иккиланмай дорга торттирардим. Аммо пуштикамаримиздир... Сиздан Бадиуззамон ила сўзлашмоғингизни ўтинсам, не дерсиз?

Навоий султонга чин дилдан ҳамдарад эди. Шаҳзодалар ўзларига берилган мулкни тўла бошқаришга интилишар, бу ишнинг нозик нуқтаси шу эдики, Мўмин Мирзо тахтда экан, унинг ўрнига Хадича бегимнинг ўғли Музаффар Мирзонинг ҳоким этиб тайинланиши Бадиуззамоннинг ғурурига текканини

пайқаса бўларди. Султон Ҳусайн не учун бу қарорга келганини баён қилмади, Навоий ҳам сўрашнинг мавриди эмас деб билди.

– Бадиуззамон Мирзо оқилу фаросатли йигит, амрингиз беҳуда эмаслигини, не тадбирлар кўзлаганингизни фаҳмлагандир, – деди Навоий. – Истагингиз қошу кўз устига, жону дилим ила адо этгайман!

Шу тариқа, Алишер Навоий Балхга йўл олди. Бу сафар Боло Мурғоб йўлидан юрилди. Яшил санавбарлар ўсган кўҳсорлар оралаб Балхга етилди.

Бадиуззамон ила суҳбат чоғида Навоий куйиниб деди:

– Салтанатда кимки бор, султон амрини дарҳол ўринлатгайдир. Қолдики, сиз зиммангиздагини икки, йўқ, уч ҳисса ўринлатгайсиз, чунки ҳам фуқаро, ҳам ўғил, ҳам валиаҳдсиз.

Бадиуззамон Мирзо устозининг ташрифидан шод эди. Унинг айтганларини тўла адо этишга ваъда бергач, кечга томон Балх уламози-ю фузалосини йиғиб, катта зиёфат тузди. Зиёфатдан сўнг ҳам алламаҳалгача шеър ва илм суҳбати қурилди.

Бу иш битганидан қониқиш ҳосил қилган Навоий Ҳирийга қайтиш ниятида эканини айтса ҳам, Бадиуззамон кўнмай туриб олди. Бироқ, Навоийнинг Балхда қолиш нияти йўқ эди, ниҳоят, шаҳзодани кўндириб, йўлга чиқилди.

Балхдан хийла олислашилганида:

– Ҳазратим, ортда чанг кўринди, – деди ҳамроҳ мулозимлардан Хожа Дурбек. – Бир нима бўлганми дейман, ортимиздан киши юборилибди?

Ҳақиқатан ҳам ортда, икки-уч йиғоч масофада бир қанча киши от елдириб келар эдилар.

Тўхташга буйруқ берилди.

Чопарлар етиб келишиб, бир ғалати иш рўй берганини, Бадиуззамон Мирзо қайта чорлаётганини билдиришгач, чор-ночор ортга қайтишга мажбур бўлинди.

Бадиуззамоннинг юзи қаҳру ғазабдан қорайиб кетган, яраланган шер мисол у ёқдан бу ёққа юрарди.



– Ҳошо! – дея асосига таяниб унинг истиқболига юрди Навоий. – Не иш рўй берди, ўғлим?

– Шуми вафо? Шуми оталиқ! – дея тўлғанар эди Бадуззамон. – Пирим, сизнинг сўзингиз кўзу кош устига, аммо падари бузрук...

Шундай деб, қўлидаги ёрликни Навоийга узатди.

Ёрликда Бадиуззамон Мирзони кишанга солиб, Ҳирийга келтириб зиндонбанд этишга амр берилган эди.

– Ҳай Оллоҳ! – деди Навоий ҳам ханг-манг бўлиб. – Мен бу ишнинг не эканини англаёлмадим!

– Энди не қилай? Мундан қутулмоққа чора борми? Кишан урмоққа келса, бўйнимни эгиб чиқайми? Не ўгит берурсиз, пирим?

Навоийнинг ҳам дарду дунёси зулматга бурканган эди.

– Бир нима демоғим мушкул, болам, – деди у. – Тақдир не ёзмиш эса, у бўлғай.

Бадиуззамон бир нима демади. Навоий ҳам на Ҳирийга қайтишни, на Балхда қолишни билмай тараддудда турарди.

– Сиз Ҳирий қайтаберинг, – деди Бадиуззамон, куйиб-ёниб. – Вазифангизни адо этдингиз. Қолгани тақдирга ҳавола.

Навоий саройдан чиқди. Барчанинг кайфияти ёмон, бунинг устига тўсатдан Балх изғирини эсиб, самога қора булутларни уйиб тўпламоқда, куз камчиси ила булутларни ура-ура таъзир бермоқда эди. Бу таъзир боисидан булутлар бағридаги ёмғирларини ёғдиргач, йўллару яйловлар куз ёмғири остида пилч-пилч лой бўлиб кетди.

Шу лой-балчик аро кичик карвон Ҳирийга қайтди.

\* \* \*

Султон Ҳусайнга Бадуззамон Мирзонинг тутуми маълум қилинган, дарғазаб бўлганидан кўз олди тиниб кетди. Соқолини тутамлаб, чодирини гир-гир кезди. Сўнг кўшинни Балхга бурди. Унга Булдуруқ баходирни бош қилди, аммо ўзи қўшилмади. Черик энди жазо қўшинига айланди.

Бадиуззамон Мирзо ҳам ота юборган кўшинга қарши ўзи бош бўлиб чиқишга ботина олмади. Бекларидан бирини бош қилиб қарши қўйди.

Бу маҳалда тақдир ўзининг бу ўйинларига Хадича бегимнинг фарзанди Музаффар Мирзони қўшмаса не бўларди? Айнан шу шахзода тарих чархпалагини тескари айлантириб юборди. Бадиуззамон бу мусибатангиз воқеалар не билан ниҳоя топишини кутар экан, Музаффар Мирзо Астробод қалъасига кириб, Мўмин Мирзони асирга олди.

Мўмин Мирзони шундай таърифлашарди: қуюқ сочлари бир оз жингалак, қошлари тўғри ва текис, юзи оқ, ёноғи қирмизи, кўзларида жасурлик ўти чақнаган, хуш хулқли, заковатли ўсмир!

Отасини беҳад севарди. Сабаби, узун кечаларда ота севимли ўғлини ёнига олиб, турли ривоятлар айтар, ўғитлар берарди.

Ҳайбатли, шафқатсиз навкарлар Мўмин Мирзони икки кўлидан тутиб туришарди. Шиддат ва кибр ила кириб келган амаки ва жиян ўртасида шундай гап-сўз бўлиб ўтди:

- Ассалому алайкум, амаки.
- Салом бермагайсен, кўрнамак.
- Салом бермасликка ҳаддим сиғмайди. Аммо саволга рухсат сўрайман.
- Не дейсан?
- Нима учун мени тутуққа олдингиз?
- Султон амрига итоатсизлик қилиб кўрнамаклик қилмадингми?
- Ота амрига бўйсундим-ку?
- Ота улуғми, бобоми?
- Ҳар иккиси ҳам улуғдир.
- Амаки-чи?
- Аввал ота, сўнг амакидир.
- Мана шу сабабдан ҳибсга олиндинг!

– Амаки, ахир сизга қарши кўшин тортмадим-ку? Келмоғингиз отам наздида ноўрин бўлибдики, қалъани беркитмоғимни истади. Қиблагоҳ билан маслаҳатлашсангиз бас, саройнинг тўри сизники бўларди.

– Мана бу шеърни сен битдингми? – деб, Музаффар Мирзо чирмалган қоғозни унинг олдига ташлади. – Ана энди ҳибсда шеърингни битиб ётабергайсан.

Дарҳақиқат, бўлиб ўтган жангда енгилган Мўмин Мирзо бир қоғозга:

*Тизим билан завол топди ўрмонда қанча газанфар,  
Аё дўстлар, Худо ёрдам бермай, бўлди ёв Музаффар,*

– деб битган, битик қай йўсиндадир Музаффар Мирзо қўлига етиб борган экан.

Бу ростгўй, жасур ва соф ўсмир Ҳирийга олиб келиниб, Ихтиёриддин қалъасига қамаб қўйилди. Хадича бегим қўшинда, султон билан бирга эди. Мўмин Мирзо бу ихтилофни отаси донолик ва зукколик ила бартараф этишига қатъий ишониб, зиндонда шижоати ичига сиғмай у ёқдан-бу ёққа юраркан, айти пайтда Мурғоб дарёси бўйида катта зиёфат бўлмоқда, маликаи киром Низомулмулк билан бирга султоннинг маст бўлишини пойламоқда эди.

Тун жодугари вақт хуфтондан ўтганидан сўнг, макр-ҳийла тўрини ёйди. Султон чодирни ёнидаги оқ кигизли чодирда базму жамшид авжида эди. Надимлар кулгили воқеаларни айтиб даврани қиздиришар, чоғир косалари пайдар-пай айлантрилиб, раққослару масхаралар бор маҳоратларини кўрсатиб бўлишган, бу лаззат кайфияти ақлларни ўтмаслаштириб, мастлик ороми ҳаммани ўз домига олган эди. Султон Ҳусайн қават-қават болишларга ёнбошлаб олган, теваракда унинг шаънига “Султони Мансур”, “Ғозийи зафарбардор” каби мақтовлар пайдар-пай ёғиларди. Хонкийик, булдуржин, кўзи гўшлари кетма-кет тортилиб, ҳар кишининг олдига тоғдай қилиб уйиб қўйилди, таомилга кўра у одам буларни еёлмаса, ўзи билан олиб кетиши мумкин эди. Айти маҳалда айлантриб турилган бода ичига солинган хашхош тирёкиси ўз ишини қилиб бўлди. Оби ангурнинг ажойиблигини бир неча бор таъкидлаб, ҳаммага яна тарқатилишини мастона овоз ила буюргани

маҳал Низомулмулк юришлар сабабли бир неча кундирки, фармону нишонлар муҳр босилмасдан қолаётганини билдирди. “Тонг-ла кўргаймиз” деган жавобга эса, кечиктириб бўлмайдиган ишлар бор эканини шипшиди.

Султон Ҳусайн тили зўрға айланиб “Келтирингиз” дегач, Низомулмулк буйруғи билан мунший бир қанча фармон келтирди. Султон уларга карамасдан, ўнг кўлининг ўрта бармоғидаги узукдаги муҳрини босгач, Низомулмулк тиззалари дир-дир қалтираб чодирдан чиқди. Тун қоронғи, юлдузлар кўринмас, машъалалар тевааракни ёритмаётгандай туюларди. Девдай уч киши Низомулмулкка хўмрайиб қараб туришарди. Улар – вазирнинг ишончли навкарлари Ёрали Бахши ва Муҳаммад ясовул бўлиб, учинчиси – эски таниши Қора Мўғул эди.

– Муни дарҳол Ихтиёриддин қалъасига еткуринг! – деди Низомулмулк. – Тилингизни маҳкам тишланг, биров хабар топса жасадингизни итларга егизаман!

Қора Мўғулнинг нигоҳида одамни сескантирадиган хунук ёлқин йилт эди. Низомулмулк буни пайқади, эти бир жимирлаб “Кейинчалик бу хосиятсиздан ҳам қутулиш керак... Тавба, қутурган бўри каби!” деб ўйлади.

Қора Мўғул сакраб отига минди-ю, ортидан шерикларини эргаштириб, Ихтиёриддин қалъаси сари йўл олди.

Шундан сўнг тун янада қуюқлашди. Мастлик булутлари зеҳн ойини тугал беркитди. Султон чодирдаги кулгилар тина бошлади. Низомулмулк султоннинг бояги ҳолатини кўз олдига келтириб, боши эгилиб-эгилиб кетаётганини хотирлаб, “Тавба... Ғалати иш бўлди-я” деб ўйлади. Чодирга қайтиб киргани юраги бетламай, оёқлари беихтиёр уни орқа тарафдаги ҳарам чодир томон сургади.

Бу ерда уни букри қул кутиб турарди

– Маликаи киромга айт, ой булутлар орасига кирди. Балки сираям чиқмас! – деди Низомулмулк тўнғиллаб.

Букри қулнинг туруми ҳам ғалати, қаршисида худди иблис турганга ўхшарди. Низомулмулкнинг маст ақли у ўгирилганида яхшилаб қараш керак,

балки думи ҳам бордир деган ўйга етаклади, кейин хаёлига бирдан Алишер Навоий келди. Нега бундай бўлганига ўзиям тушунолмади, лекин у ўйга хулоса бериши кераклиги учун “Яхшиям Машҳадда экан... Бу ерда бўлганида иш расвойи жаҳон бўларди”, деб ўйлади. Шу он ерга тикилиб, кўрганига ақли бовар қилмай серрайиб қолди. Чунки шундоқ оёғи остида улкан бир соя қимир этмай турарди.

– Ё тавба, бу не? – дея ортига ўгирилганида, Чопу барлоснинг юмилмайдиган чағир нигоҳига дуч келди.

Низомулмулк Чопу барлосдан ўлгудай қўрқарди. Тиззалари қалтираб: “Ҳа, Чопу, бунақа ғалати қараб турибсиз?” демоқчи бўлди, лекин бўғзидан:

– Ҳа... Чоп... – деган сас чиқди, холос.

Чопу барлос индамади, бу махфий ишларга идроки етмай, бурилиб кета бошлади. Низомулмулк бирданига уни тўхтатиб, яхши гаплар айтиб аврагиси келди, аммо Чопу барлос – баттолларнинг баттоли, ўлгудай терсфеъл киши, лутфни тушунармиди? Бирданига ўзини Чопу барлос каби хайбат касб этгандай, Азроилга айлангандай ҳис қилиб, “Ўзинг ким бўлибсан?” деб тўнғиллади-да, чодирини томон кетди.

### **ҚОРА ЧОПАР**

Тунда уч чопар Ихтиёриддин қалъаси сари еларди.

Тун қора, чопарлар ундан ҳам қора эдилар. От устида қуюқ шарпа ўтирганга ўхшарди.

Самода булут тўла, шивалаб ёмғир урарди.

Ўлим навкарлари либоси, оти, ёпинчиғи саройга мансублигини билдиргани учун дарбозалардан сўроқсиз ўтишди. Ҳеч кимга сўз қотмас, бошқалар ҳам лом-мим демас эдилар.

Қалъабоши хайрон бўлиб ташриф сабабини сўраганида, кўйнидан ёрликни чиқарди-да:

– Дарҳол бажарилсин! – деди, кўзларини ола-кула қилиб. – Ҳаялласанг бошинг кетгай!

Қалъабоши ёрликни очиб, кўзларига ишонмай чопарга қараб қолди.

– Югур, бефаросат! – деди чопар. – Султон мухрини кўрмаяпсанми?

Қалъабоши “Эй воҳ, эй воҳ!” дея зиндон томон кетди. Ёрали Бахши ва Муҳаммад ясовул унинг ортидан эргашишди.

Машъалалар аранг ёғду таратар, ху-ху кушларининг ҳам саси келмас, хуллас, жуда оғир тун эди.

Ярим соат ўтар-ўтмас, навкарлар қайтиб келишди. Бирининг қўлида марварид қадалган кичкина салла ва камон ипи билан чирмалган қоғоз бор эди.

– Мана, саллачаси, – деди бўғиқ овозда навкар. – Султон буйруғи бажарилди!

Қора Мўғул лом-мим демади. Саллани олиб хуржунига солди-да, отига даст миниб, ланг очик дарбозадан чиқиб, яна қайтиб от чоптириб кетди.

Ихтиёридин қалъасида сақланган шаҳзода бобоси муҳр босган қатл фармонини кўриб, қўлидан ҳеч иш келмаслигини билгач, фаришта масъумияти ила:

– Васиятим шуки, ишингиз битгач, бобом фармонини шу камон ипининг бир қаричи ила боғлаб, ўзларига қайтариб беринг. Айтингки, бу ишнинг сўроғини Тангримнинг даргоҳида албатта сўрагаймен! – дея, жаллод қўлида шаҳид кетди.

Камон ипи билан бўғиб ўлдирилган Мўмин Мирзонинг жасади қалъа деворидан пастга ташлаб юборилди. «Шаҳзода қалъа девори оша ҳибсдан қочаман дея ҳалок бўлди», деган овоза тарқатилди.

Олий хулқли амир Алишер Навоий бу вақтда муқаддас Разавия равзаси тавофига кетган эди. Орадан уч кун ўтгач, у Машҳаддан Ҳиротга қайтиб келди ва аянчли хабарни эшитгач, кўзларидан дув-дув ёш оқиб: “Эй воҳ! Шайх Мажидиддин Бағдодийнинг ўлими воқеасига монанд иш бўлибди!” деб хитоб қилди.

Бу сўзнинг маъносини атрофдагилар яхши тушунишарди. Шайх Мажидиддин Бағдодий мавлоно Фаридуддин Атторнинг отаси бўлиб,

авлиёлардан эди. Хоразмшоҳ Султон Муҳаммад мастлик ва тугён ичида, ақл чироғи хиралашиб, нафсу ҳаво шайтонлари билан айш-ишрат базмини қурган чоғида Мажидиддин Бағдодийнинг бошини танидан жудо қилиб, Амударёга ташлаб юборишга амр беради. Эртасига сархушлиги туман каби тарқаб, ақл куёши юз кўрсатганида, қалбидаги жаҳолат кировлари эригач, фармони бажарилганини билиб, афсус-пушаймонлар чекиб “У бадкирдор мен эмас эдим” деб минг тавбалар ила Шайх Нажмиддин Куброга бир товоқ олтин юборади. Нажмиддин Кубро олтинни қабул қилмай, “У олтин бош минглаб хоразмликларнинг бошини олиб кетгай” деб қайғуга чўмади ва энди бу ишни ўнглаб бўлмаслигини айтади. Кибру ҳавога берилган султон бу гапга парво қилмайди, бироқ, ақли мастдан ҳам ноқис Инолчиқ Чингизхондан совға-саломлар ила келган савдогарларни ўлдиргач, бу тупроқлар устига мусибат булутлари қат-қат ёпирилиб келади. Султон Муҳаммад жуда жасур киши бўлгани тарихдан аён. Ҳатто ёв кийимини кийиб олиб, душман чериги орасида жанг қиларди. Қисмат чамбари уни шундай сиқиб келади: Чингизхон ваҳшатидан зир титраган Султон Муҳаммад ҳар бир кент ўзини ҳимоя қилсин дея фармон бериб, ўзи қалъага яшириниб олади.

Навоий фалокатнинг ўхшашлигидан ўртаниб шундай демоқда эди.

\* \* \*

Музаффар барлос саройга эрта келди. Нима учундир ҳамма тунд, кўзини олиб қочар, четланарди. Гўё сарой узра мусибат қуши учиб юрганга ўхшарди.

У кўшқдан ўтиб ичкарига кирганида ҳам аҳвол ўзгармади. Қуллару кўриқчилар хомуш, тараддудда эдилар.

Барлос мирохурга рўпара бўлиб, сўради:

– Султон девондамилар?

Мирохур кўзини олиб қочиб жавоб қилди:

– Йўқ, амирим!

Султон ҳануз хобгоҳдан чиқмаган, куёш кўтарила бошласа-да, келмоғидан дарак йўқ эди.

Не деярини билмай, кайтарда Чопу барлосга рўпара келди. Чопу барлоснинг авзойи бузук, арслондай пишқириб у ёқдан-бу ёққа юрарди.

Музаффар барлос саломлашган эди, Чопу барлос алик олмади. Қайтанга, чағир кўзларини тикиб:

– Сен қайда эдинг? – деб сўради важоҳат билан, ҳозир қилич суғурғудай алфозда.

– Не бўлмишки?

– Ҳали хабаринг йўқмиди?

– Ўлимдан хабарим бор, нима деяётганингдан хабарим йўқ! – деди барлос истиғфор айтиб.

– Ўлимдан ҳам хабаринг йўқ экан! Иқлимиддин сенинг жиянингмиди? – деб сўради Чопу барлос. Нариди турган тўрт навқарга: – Олинг муни, зиндонга тиқинг, кўл-оёғига кишан уриб, бўйнига ғул кийдириб, устига бир чопулчи кўйинг! – деди.

Қоидага кўра, Чопу барлос Музаффарни ҳибсга олишга буйруқ беролмас эди.

– Жойингиздан қимирламанг! – деб ҳайқирди у навқарларга. – Менинг кимлигимни билмайсизми? Чопу барлос менинг устимдан амр қилолмас!

Лекин навқарлар тартиб-қоидани ўйлаб ўтирадиганлардан эмас эдилар. Булар бош деса бошни, салла деса саллани олиб келадиган, не бўлса бўлсин амирининг истагини адо этишга ўрганган шафқатсиз қарчиғайлар каби, дарҳол Музаффарнинг семиз билакларига чилвир солиб, қайчи қилиб бойлаб кўйишди.

– Зиндонбонга Чопу барлоснинг амри деб айтинг! Бош тортса, у бошни ўзим олгайман!

Шундай деб, сал нарида воқеага ҳайрон қараб турган соқчиларга қарата:

– Қопқаларни очмангиз! – деб, кунни кечгача саройда ўтказди. Мирзони кўрмоқ истарди, аммо Мирзо кечгача ҳам девонга чиқмади.

\* \* \*



Кечга яқин миш-мишлар таркала бошлади. Ҳирий жунбушга келмоқда эди. Эшитган борки бир муддат гангиб қолар, жўмард ва одил шоҳнинг бу тутумига ақллари етмай бош чайқашарди. Ким ўз зурёдини қатл эттиргай? Ҳайвону қуш, қурту хашарот ҳам ўз боласини емас! Ҳақир бир дарахт ўзи қуриб борар экан, мева-уруғини эҳтиётлагай. Не бўлмишки, қариб соқолига оқ тушгани маҳал, донишмандлигу оқиллик тимсоли бўлиб эл-юртни тарбият қиладиган у зот... мастликда ўз неварасини қатл эттирибди?

Бу хабар ниҳоятда тез тарқалди. Оз фурсатда Хуросону Моваруннаҳр, Машҳаду Шероз, Табризу Қумга етиб борди.

– Ҳайҳот! Бу не ваҳшийлик?

– Хадича бегимнинг фитнаси эмиш!

– Зоти паст канизак эди. Пастлигига борибди!

– Энди қатлиом бўлғай!

– Сарой бўм-бўш, хувиллаб ётармиш. Ҳар ким жон сақламоқ илинжида уйдан чиқмас эмиш.

– Йўғ-э! Сарой бўш қолармиди?

– Бир Чопу барлос билан уруш беклари арслондай ёл хурпайтириб, ким кўринса ғажигудек кезармишлар.

– Султон Ҳусайн нима қилармиш?

– Мўмин мирзони камон ипи билан бўғиб ўлдиришга фармон берган экан. Таомилга кўра, ўлдирилувчи хонлар сулоласидан бўлса, қони оқмаслиги учун камон ипи билан ўлдирилгайдир. Кичик шаҳзода фармонни қўйиб, икки ракаат видо намози ўқиб олишга изн сўрабди. Намозидан сўнг кўзида ёши маржондай тизилиб, “Бу билан мени ўлдирганингиздан сўнг, шу ипнинг бир парчаси ила фармонни боғлаб, бобомга олиб бориб берингиз” деб ўтинибди.

– Эй воҳ!

– Низомулмулк тутуқланмиш! Боши долонга, моли талонга олинмиш!

– Музаффар барлос тутуқланмиш!

– Сўроқни Чопу барлос қилармиш!.

\* \* \*

Музаффарни қалъа ертўласидаги зиндонга қамадилар.

Ҳирийда зиндонлар икки турли эди. Бири тошдан терилган, кичкина бир кўл сиккулик тешиги бор хона, иккинчиси эса ерга чуқур қазилган ўра бўлиб, маҳбус егулиги юқоридан ип-арқонга боғлаб тушириларди.

Музаффар кечгача шу зиндонда ётди. Бир маҳал тепада ясовул кўринди, у нарвон ташлагач, инқиллай-синқиллай юқорига кўтарилди. Шу заҳоти икки навкар унинг кўлтиғидан тутиб, ёндош хонага еткурдилар.

Ичкарида Чопу барлос бор экан.

Музаффарнинг кўл-оёғига таҳқир маъносида занглаган кишан урилган эди. Кишанини шарақлатиб:

– Чопу! – деди. – Бу бир фитнадир, мундан мени қутқар, отам ҳаққи ёлвораман!

– Отанг киму сен ким? – деди Чопу барлос. Музаффар:

– Низомулмулк айбдор ҳаммасига! – деди-да, ҳарамдан чиқишдаги воқеаларни, вазир ундан жиянини суриштирганини, султон шаробчилари қаторидаги Иқлимиддинга “Вазир жаноблари не десалар қулоқ қоқмай адо этасан” деб тайинлаганини, лекин иш бундай бўлиб чиқишини хаёлига ҳам келтирмаганини оқизмай-томизмай айтиб берди. Чопу барлос ўйланиб туриб, яна сўради:

– Низомулмулк аҳмоқ эмаски, ўз ҳолича бир нима қилса? Айт, ким билан тил бириктирдинг?

– Айтсам ўламан-ку? Агар қолмоғимга ваъда берсанг...

– Сен зотан ўласан! – деди Чопу барлос. – Айтсанг осонроқ ўлгайсан. Айтмасанг, терингга сомон тиқиб, тўрт бўлагингни Ҳирийнинг тўрт томонига осгайман!

– Ростдан ҳам ҳеч чора йўқми? – сўради Музаффар титраб-қақшаб.

Чопу барлоснинг чағир кўзларига, хумдай калласига қараб “Бул Азроил сира раҳм-шафқат билмайди, албатта жонимни олади” деб:

– Хадича бегим! – деб бақирди. – Ҳаммаси Хадича бегимнинг фитналари! Султон унга валиаҳд Мўмин Мирзодир, дея сўйламиш. Маликанинг алами

келиб, Мўмин Мирзо қатлига фармон тайёрлатмиш. Режа тузмишларки, султон маст чоғи муҳр босгай. Шу тариқа султоннинг ўзи айбдор чиққай!

– Тилинг кесилгур, нималар деяпсан? – деди Чопу барлос. – Маликани ҳам ёмон отлиқ қилмоқчимисан? Ўларингда тоза кетгин, хой хўкиз!

– Рост айтяпман! – деди кишанларини шарақлатиб фитначи. – Менга барибир эмасми?

– Сендайлар ўлар чоғида ҳам зарар келтиришни кўзлагай! – деди Чопу. – Айтганларинг тафтиш қилингайдир. Гапинг ёлғон эса, сўзим ҳақ, бўйин томирингни ўзим кесгайман.

– Чопу! – деди Музаффар барлос. – Ота-онам ҳаққи, бир нима қил. Менинг айбим йўқ.

– Шундай бир иш қилдингки, борар жойинг дўзахнинг тубидир, – деди Чопу барлос унга қарамай ташқарига чиқаркан. – Худодан сўрайбер, шояд салқинроқ жой берса...

\* \* \*

Шумхабар Балхга ҳам яшин тезлигида етиб борди.

Бадиуззамон дарду дунёси қоронғи бўлиб, шунчалик қаттиқ хайқирдики, оҳи фалакка етди. Кўзларидан ёши оқиб, бошига тупроқ соча-соча, черикка кўзғалишни буюрди.

Мағрур бу шаҳзоданинг бошига мусибат тоғлари йиқилди. Эй воҳ! Салтанатлару тахтлар суюкли зурёдининг бир кипригига арзирмиди? Ўша заҳоти кўшин кўтарилиб, Ҳирийга қараб юрди.

Бола отадан хун исташи мумкинми? Ҳа, мумкин. Чунки, бир хур мусулмон қатл этилди. Хун олинмоғи, қони ерда қолмаслиги отанинг ҳаққидир. Зотан, “Сен ҳам, мол-мулкинг ҳам ота-онангникидир”. Ахир, шўрлик балоғатга етиб-етмаган, масъум эди. Нега ўлдирилганини ўзиям билмасдан, зору хайрон, жаннатларга қараб кетди!

Ҳирий тўлғанарди. Халойиқ оҳ-воҳ қилар, бу қатл шиддатидан ҳамма лол, нима бўлганига бировнинг ақли етмасди.

– Бир иш бордирки, шундай бўлмиш. Йўкса, ақлу фаросатли шоҳ ундай қилармиди?

– Бадиуззамон исён кўтаргани учун жазо сифатида Мўмин Мирзони ўлдирмиш.

– Бадиуззамон исён қилса, набира ўлдирилгайми?

Ҳирийда Ҳусайн Мирзо истироҳатгоҳидан ташқарига чиқмас эди. Неча кунки, биров султон юзини кўрмасди.

Ҳарамда ҳам вазият шундай, султоннинг ақли тиниқлашгач, ажал тўфони барчанинг бошига келишини, кишилар узра ўлим ёмғири ёғишини, бу фитнага кимки алоқадор бўлса, мудҳиш қийноқларга солинишини ҳамма биларди.

Алишер Навоий бир неча марта ичкига ўтиб, султон хузурига кирмоқни тилади, бироқ рухсат йўқ эди. Ниҳоят, учинчи кез бош уриб борганида кирмоққа изн берилди.

Навоий тез-тез юриб, деярли югургудай бўлиб меҳмонхонага кирганида Ҳусайн Мирзо оддий кийимларда дарча остида, тўшакда ўтирар, олдида Қуръон турарди.

– Мирзом! – деди Навоий, унинг қаршисига келиб, беҳад ғуссаю таассуф ила. Султоннинг қудратли елкалари чўккан, руҳи суст, тушкун ҳолда эди. – Нечук ахир, Мирзом?

– Сира хотирда йўқки, айтсам... – деди Султон Ҳусайн, бўғиқ овозда. – Вой Мўминим! Вой жонимнинг мадори! – дея, дўстининг елкасига бош қўйиб хўнграб юборди.

– Низомулмулкнинг танаси тўрт пора қилиниб Ҳирий дарвозасига осилгай! – дерди Султон Ҳусайн. – Кимки алоқадор эса, терисига сомон тиқилгай!

– Пирим, – деди кейин, бир оз ўзига келиб. Яна анча муддат тек қолди. Сўнг бошини кўтармасдан:

– Бадиуззамон ўғлимиз ила сўзлашинг, – деди. – Менинг юзлашмоққа юзим йўқдир. Отасидир, хун талаб қилмоққа ҳақлидир, не истаса ўринлатилгайдир. Ўлдирса ҳам розиман. Падарингиз боши эгик, деб айтинг.

Навоий хайрлашиб чиққач, султон ўз ҳарами сари юрди. Ҳарамда уни мотам либосидаги Хадича бегим кутиб турарди. У ғам-ғусса ва сўнгсиз афсус ичидаги султонни ҳар хил гаплар билан овутишга уринди. Ахир, султон бу ишни истабмиди? Кўзининг оқу қорасини-я? Сархушликдан фойдаланиб фармонга қўл қўйдириб олингани фитнанинг нақ ўзи-ку? Бадиуззамон Мирзонинг султон фармониға қарши чиқмоғи-чи, кўрнамаклик эмасми? Падари бузрук шафқат қилгайдир дея, Астрободга атайлаб норасида гўдакни бош қилиб қўймоғи не? Ҳа, бу иш тафтиш қилинмоғи лозим. Не бўлса ҳам мараз бир фитнадир!

Хадича бегим султон кўнглини овлашга ҳаракат қиларкан, яна бир фитна етилиб бўлган, айна дамда Музаффар барлос зиндонда захар солинган таомни еб типирчиламоқда эди. Ҳозирча бу ғавғолар давом этаркан, бугун тунда тарашадай қотгач, эрта кун “масмум бўлди”<sup>1</sup> дея хабар чиққайдир ва кўп ишлар Музаффар барлос бўйниға қўйилгайдир. Сурлиги-ю безбетлиги боис, ажал унинг жонини ҳўл қамчини юнгдан суғургандай қилиб тортиб олгайдир, қилмишлари елкасига ортилиб, қўллари бўйниға боғланган ҳолда, гуноҳларини ўтин каби орқалаб дўзахга киргайдир.

\* \* \*

Султон Ҳусайн тушкунлик ичра ғам-алам ва изтиробда қоврилар экан, шу аснода фарзанд доғида қон ютаётган шаҳзода Бадиуззамон хун алангасида машъаладай ёна-ёна, Ҳирийга етиб келди.

Интиқом истагида жўшган қўшин Пули Нав ўрдугоҳида турарди. Бу иш ҳам дарҳол элга ёйилди. Қозилару шайхулислом не деярини билмас эдилар. Шаръий ҳукм чиқариш лозим бўлиб, тарозунинг бир палласида фарзанднинг ота олдидаги бурчи, бошқа палласида ноҳақ ўлдирилган маъсум фарзанд қони турарди.

---

<sup>1</sup> Масмум бўлди – захарланди.

Бадиуззамон ҳам неча кунки биров билан гаплашмас, гоҳида кўзларидан дув-дув ёш оқиб, қурма масжидига кирганича соатлаб чиқмас, жойнамоz устида нуридийдасини эслаб кўз ёш тўқарди. Шундай маҳаллардан бирида масжидга хослардан бири кириб, ўрдугоҳга Алишер Навоий келганини маълум қилди.

Бадиуззамоннинг кўнгли Алишер Навоийни ҳам тиламас эди. Аммо унинг нуруний сиймоси, қалбга таскин берувчи доно сўзлари ёдга келгач, чор-ночор кирмоғига рухсат берди.

Бошқа пайт бўлганида Бадиуззамон Мирзо Навоий номини эшитгани заҳоти йўлига чиқиб қаршилар эди. Таомилга кўра, ўзига пир деб билган бу зот кирганида қошида юкунмоғи лозим бўларди. Бадиуззамон ўрнидан турди-ю аммо қаршисига юрмади, илтифот ҳам қилмади. Навоий уни бағрига маҳкам босди. Бу бағирда чин меҳр ва оталарча ҳамдардлик борлигини ҳис қилган Бадиуззамон ўзини тутолмади, елкалари титраб, ичидан ҳўнграк келди.

– Ўлим ҳақдир, Мирзом... – дер эди Алишер Навоий, унинг елкаларини силаб. – Балоғатга етмаган болаларга ажал етса, жаннатга киргайдирлар, ўшал ерда туриб отойи-онойи ҳаққига дуо қилгайлар...

– Султон “Неварам жаннатга кирсин” деган ният ила қатл қилибдиларми? – деб сўради Бадиуззамон, бўғиқ сас ила, “ота” сўзини тилга олгиси келмай.

– Ҳошо, мирзом! – хитоб қилди Навоий. – Мирзо сархушлигида муҳр бостирмишлар, бир қанча фармонлар орасида экан. Мирзонинг ҳам хабари йўқмиш.

– Сархушликда авлод ўлдирилгайми, пирим?

– Юзига ҳаргиз боқмасмен! – деди Бадиуззамон Мирзо, қаҳру ғазабда ёниб. – Қасос ҳаққимдир. Айбдорлар бизга берилсин! Мўминимнинг бегуноҳ қони ерда қолмасин!

– Айбдорлар жазоланди, – деди Навоий ва бўлиб ўтган воқеаларни айтиб берди. – Аммо ўзлари ор қиладилар, юзлашмоққа юзим йўқдир, дедилар. Бениҳоя пушаймон, ўзларини ўтдан-чўққа урадилар. Сиздан ўтинчим шу:

кўшинни олиб ортга қайтинг, бир оз вақт ўтгач, бир тўхтамак келгайсиз. Оғир гуноҳ содир бўлди, яна бири содир бўлмасин.

Бадиуззамон тиниқ нигоҳли, нур юзли пирининг сўзини тинглаётгандай кўринса-да, хаёли бир жойда эмас, фикрида хануз ўч олмоқ нияти айланарди. Ниҳоят, ақли туйғусидан устун келди.

– Нима ҳам дей, пирим? – деди изтиробда. – Юрагим йиртилгудай бўлаётир... бўйнида ипи билан кўзимни олдидан кетмай қалқиб турибди. Найлайин... Бир оз вақт ўтсин, хун ишини ортга сургайман.

– Ўғил қони ерда қолмасин дея ота қонини оқизмоқ янада оғир гуноҳдир, – деб жавоб қилди Алишер Навоий, беихтиёр хўрсиниб. – Тангри таоло сизни шундай синов билан синабдир. Бу мусибатни кўтармоқ қанчалар оғирлигини мен билмасми эдим? Ҳар қанча мушкул бўлмасин, имон сўзига қулоқ осинг... – дея, “Аллоҳ махлуқотни йўқдан бор қилади, сўнгра уни яна қайтадан вужудга келтиради”, сўнгра Унга қайтарилурсиз” ва “Улар имон келтирдик дейдилар, Аллоҳ таоло уларни синамасми?” оятини ўқиди.

Яна бир оз вақт ўтгач, Алишер Навоий кўзғалди. Одоб юзасидан бир дона узум ейилган бўлса-да, бошқа лутф қилинмади, бунга ҳожат ҳам йўқ эди. Бадиуззамон бу сафар пирини ташқарига кузатиб чиқди, чодир олдида аъёнлар ва беклар тизилиб туришарди, улар ҳам Навоийга таъзим қилишди. Шаҳзода устози билан унсиз хайрлашди.

Шундан сўнг Бадиуззамон анча ўйланди. Ҳар томонлама ўйласа ҳам Навоий ҳақ бўлиб чиқмоқда эди. Ахийри бир қарорга келиб ҳудайчини чорлади-да, бекларни йиғишни буюрди. Беклар бедор эдилар, улар йиғилгач, Бадиуззамон кўшинни изига қайтаришга амр берди.

Шу тариқа кўшин Ҳирийга кирмасдан, ортга қайтди.

### ***НИЗОМУЛМУЛК ҚАТЛИ***

Бу воқеа бутун салтанатни титратиб юборди.

Фитна шунчалар пухта ўйланган эдики, бу ҳийлага Ҳусайн Мирзо ишонувчанлиги боис алданиб қолганини айтгувчи деярли топилмасди. Ахир,

султон фитналардан ғолиб чиқа олгани учун ҳам султондир. Шу сабабли, бу воқеа падар ва фарзанд орасига абадиян совуқчилик туширишидан ташқари, наинки салтанатда, балки теварак-атроф давлатларида ҳам унинг иззатини сусайтирди.

Султон Ҳусайн ўзига келай демасди. Ғам-ғуссага ботган, фитнага алоқадор кимки бор, барчасини дорга торттирган бўлса-да, алам зўр келмоқда, қалбдаги аёвсиз надомат оловини сўндириш учун шаробу чоғирга ружуъ қўйди. Бу жўмард, бағридарё инсон ўзини сира кечиролмасди. Шаробни эмас, ўзини айбларди. Ахир, чоғир ичганнинг қилмиши учун чоғир эмас, ичган кимса айбдордир. Сичқонни филга, арслонни мушукка айлантирувчи у захри шайтонийга яна ва яна бош урар, сархушлик ичра ақли хиралашса ҳам қалбидан тундлик булутлари кетмас, бошини қуйи солинтириб ўтираберарди. Сарой муҳташамликлари аро саф-саф турадиган хизматчилар бари ғойиб бўлишди, энди Ҳусайн Мирзо хизматида фақат Хадича бегиму бир қанча жориялар қолди, холос.

Қатл ишлари билан эса, қаҳру шиддатда тенги йўқ Чопу барлос шуғулланди. Низомулмулк ўша тундаёқ Ихтиёриддин қалъасига қамаб қўйилган эди. Унинг икки ўғли бор эди: Камолиддин Ҳусайн ва Амирулмулк. Фармон берилдики, ҳар икки ўғлининг ҳам боши олиниб, терисига сомон тиқилсин. Низомиддиннинг териси дарвоза кўприги устида шилинсин! Яқинлари Низомиддин Курд ва Абдулазизнинг пўсти қалъа этагида, Хожа Имодулисломники Сарбозорда, Хожа Маҳмудшоҳ Фараҳийнинг териси эса Чорсу бошида шилинсин!

Фармон ўша заҳоти ўринлатилди. Жасадлар дарбозаларда уч кун осилиб турди. Аллақачон тумшуғи эгри қайрилган, кўзлари чағир, бўйни туксиз ўлаксахўр қушлар етиб келишган, гоҳ-гоҳ одамнинг этини жимирлатиб хунук чағиллашарди. Худои таолонинг бу ғалати яратиклари ўлим исини жуда олисдан сезишади. Аммо тирик жонга сира яқинлашишмайди. Ҳозир бу ўлаксахўр қушлар жасад ён-веридан кишилар кетишини кутиб, узоқдан қараб туришарди.



Бу ходисанинг бир жихати шуки, яна фарзандлар катл қилинди. Низомулмулк-ку, қилмишига яраша жазосини олди, Тангри даргоҳида уни янада одил жазо кутаётган бўлса ажабмас. Бироқ, ўғиллари-чи? Уларда не гуноҳ? Уч кун ўтгач, мусулмонлик қоидаларига амал қилиниб, аркондан ечиб олинди-да, бир овлоққа ном-нишонсиз кўмиб юборилди.

### **ҲИРИЙДА ЧОҒИРБАЗМ**

Ҳирий аҳли орасида чоғирхўрлар кўпайган, овлоқлардаги хуфя чоғирхоналарда кишилар пешиндан ё асрдан сўнг киши билмас май базмларига ружуъ қўйган эдилар.

– Ҳой, дину имонинг йўқми?

– Султоннинг ўзи майга муккадан кетмиш эса, фуқароси қандоқ бўларди?

Чоғирхоналарнинг ертўлаларида Жузжон, Шибирғон, Кандаҳор чоғирлари тўла қатор-қатор хумлар тизилган, чухралар хужраларга пайдар-пай ичкилик тўла кўзаларни ташишарди.

Ҳирий бозорига ёндош пастқам кўчада ҳам аҳвол шундай. Гоҳида юзлари қизарган, мастликдан гандираклаган кишилар чиқиб қолишади. Қош қорая бошлаганида ичкарига уч сипоҳ кириб келди. Учаласи ҳам гавдалик, бирининг бетида қилич зарбидан қолган чандиғи бор, тунд киши эди.

– Ҳой чоғирчи! – деди у қаттиқ овоз билан. – Хос бир хужранг бўлса кўрсат!

Чоғирчи уларни кўриб типирчилаб қолди. Чунки келганлар султон саройининг навкарлари эдилар.

– Куллуқ, куллуқ, – дея дарҳол тўшакларни алмаштиргизиб, янгиларидан солдириб, уларни ичкарига таклиф қилди.

Навкарлар жойлашиб ўтириб олишгач, чоғир ва таом келди. Булар лом-мим демай косаларни сипқорар эканлар, ён хужрадагиларнинг сўзлари эшитилиб турарди.

– Ичимга чироқ ёкса ёришмайдир, – деди ўша чандиқли тунд навкар. – Куй, яна ичгаймиз!

Бошқа навкарлар ҳам бу мусибатни билар эканлар, тек ўтираверишди.

– Султоннинг ўзи ҳам, Амир Алишер ҳам уни жуда яхши кўрар эканлар. Аттанг, Амирнинг саройдан кетмоғи яхши иш бўлмабди.

– Бул ишни ким қилибди?

– Низомулмулк экан. Хадича султон бегимни ҳам қора отлик қилмоқчи бўлибди.

– Эй воҳ...

– Амир Алишер саройда туришни истамай, йиғлай-йиғлай ўз боғига кетибдилар. Отойим, онойим ўлганида ҳам мунчалар куймаган эдим, дебдилар...

– Султон-чи?

– Султон не қилсин, айб ўзида бўлса?

Жимлик чўкди. Шу маҳал ён ҳужрадаги кимнингдир товуши эшитилди:

– Ҳай аттанг, Низомулмулкнинг ўйлагани бўлмади. Бир амаллаб Мажидиддинни йўқ қилиб, барча ишларни ўз илкига олган эди. Режаси амалга ошиб, Султон Ҳусайн ўрнига Шоҳ Исмоил келса эди, бизларнинг ҳам бошимиз бир нав юқори кўтарилиб қолармиди?

Навкарлар ялт этиб бир-бирларига қарашди. Тунд навкарнинг баттар қовоғи уйилди.

– Салтанатга шулар келганидан бери нафасим чиқмайдир. Ашуро кунида уйимни эшикларини маҳкам беркитиб йиғлаб-сиқтайман.

– Оққуюнлилар салтанатида қизилбошлар суннийларни тим-тирс қилмоқдалар. Муни эшитган Ҳусайн Мирзо баттар қутурмиш. Ул мамоликда Шоҳ Исмоил қувватга келмоқдадир. Шояд кун келиб...

Учала навкар ҳам ирғиб ўринларидан туришди. Чоғир оёқ остига тўкилди. Салдан кейин ҳужрага кириб боришганида, ёстиқларга ёнбошлаб олган патак соқолли бир неча кишини кўришди. Улар довдираб қолишган эди. “Ия-ия!” деб ўринларидан кўзғалишга чоғланишгани он тунд навкар қиличини яланғочлаб, тўрда ўтирган, афтидан бояги гапларни гапирган кишига бир урган эди, “Воҳ!” дея икки букланиб йиқилиб тушди. Бошқалар

қочишга улгурмадилар, фақат биттаси жароҳатланган қорнини чангаллаб, букчайганича қочиб чиқиб:

– Ҳой халойиқ! Мусулмонни ўлдирди! Ҳой халойиқ! – деб бақира бошлади.

Қоғирхона ари уясидай тўзғиб кетди. Уч навкар ўлдирилганларнинг кийимига қиличларини артиб, яна қайта ташқарига йўналганларида теваарадаги аснофу ҳунарманд, новвойу темирчи – бари кўчага чиқиб бўлган эди.

\* \* \*

Ҳирий яна чайқалди. Йўқ-йўқ, ғалаён эмас, балки замин ларзага келди.

Аввалига ер тубидан ғалати гулдурос эшитилди. Гўё жуда улкан харсанглар бир-бирига урилиб юмалаётгандай ёки Султон Хусайн филлари бараварига чопаётгандай, ёки жуда баҳайбат бир қўл ерни киндигидан тутиб силтаётгандай бўлди. Айни замонда Машҳад тараф сариқ-қизғиш шуълаланиб ёришиб кетди, у шуъла қуюқ эмас, сийрак бўлиб, орасида қизғиш учқунлар яллиғланар эди.

Шундан сўнг замин кучукларнинг қаттиқ вовиллаши, отларнинг саросимали кишнаши, мушукларнинг зорланиб чинқиришию самога гуриллаб кўтарилган сон-саноксиз қушлар фарёди, полапонлар чийиллашлари аро яна силкинди. Одамлар дод-вой солиб уйларида қочиб чиқишар, кимлардир бақирар, хотин-халаж қулоқларни батанг қиладиган ингичка овозда чуввос солар, болалар чириллаб йиғлар эди. Дов-дарахт ларзонга келди, кишилар кўз ўнгида деворлар ёрилиб, ёриқларидан шувиллаб қум тўкилар, уйлар чанг-тўзон кўтариб гупиллаб қулаб тушарди. Бу фалокатнинг ҳар томонда бирданига рўй бериши шунчалар кўрқинчли ва ваҳимали эдики, одамлар эслари оғиб, маст туялардай дуч келган томонга қочишарди.

Бу фалокат бир ёки икки дақиқа давом этди, холос. Шундан сўнг заминнинг ҳоври сусайди, нафас ростлаб, жимиди. Табиат товушлари тиниб, фақат одам болаларининг дод-фарёдлари қолди.

Ғам-алам исканжасидаги Султон Хусайнни шу зилзила ўзига келтирди. Кўшкнинг шифту деворлари майда дарз кетса ҳам султон ўз жойида тек ўтираверди. Лекин ақли тиниклашиб, зилзила уни ҳушига келтиргандай бўлди. Вужудида ғайрат кўзғалиб, тушкунлик алами тутун каби эриб, тиник ақл ила девонга йўл олди.

Аввалгидек серғайрат, шахдам султонни кўрган аъёнлар ўша заҳоти ўзларига келишди. Султоннинг ҳеч нима рўй бермагандек чиқиб келиши ҳаммани тартибга солиб кўйди. Хусайн Бойқаро офатдан келган талафотларни тафтиш қилишни, зарар кўрганларга ёрдам беришни, табиблар ярадорларга кўмаклашишини буюрди. Сўнг рофизий ишига тутинди. Фалокат рофизий ғалвасини ҳам йўқ қилди. Бу худди бир-бирига қарши йўналган икки тўлқинга ўхшар эди. Табиат ҳодисасининг қудратли тўлқини инсонлар ғалаёнини ўша заҳоти босиб-янчиб, тинчитиб ўтди.

Ясовуллар чоғирхонада иш чиқарган у уч сарбозни дарҳол топиб келишди. Ўз ҳолларича иш тутишгани учун ҳад берилгач, фитначилар ҳам топилди, уларнинг бири ўлган, иккитаси эса Ҳирий ташидаги қишлоқлардан бирида яшириниб ётган экан.

Хусайн Мирзо кўпдан буён кўрилмаган шижоат ичида эди. Эгилган қадди тикланиб, руҳи ўзига келгандай бўлди. Бир ёқда зилзила асоратларини бартараф этишга, бошқа ёқда рофизия деб аталган яна бир хавф ҳақиқатини элга маълум қилишга киришди.

Сарбозлар халқ оралаб, кишиларни майдонга даъват этиб юрар эдилар. Жарчилар “Абулғозий Султон Хусайн Мирзо қон тўкилишини истамайдилар! Кўшин Ҳирий остонасида “Бош қани? Калла қани?” деб тургайдир! Ҳақиқатни билмоқчи эсангиз, қозиюл-қуззот ва шайхулислом сўзига кулоқ осинг!” деб жар солишарди.

Тушга яқин ҳали-ҳануз зилзила асоратлари билиниб турган майдонга одам тўлиб кетди. Айни маҳалда девор устида, уламо даврасида шайхулислом кўринди. Теваракни сарбозлар қуршиб олишган, қалъа шинакларидая деворлар устида ўқчилар ўқларини шай қилиб туришарди.

– Ҳой халойиқ, эшит! – деб сўзлади шайхулислом. – Рофизийлар кимдир?

Унинг сўзларини халфалар ва кизил асоли ҳудайчилар такрорлаб, халққа етказиб туришарди.

– Улар имомийларнинг бир тоифасидир. Улар фақатгина Али ибн Абу Толиб авлодидан ўн икки имомни тан олишади. Алини саҳобаларнинг афзали деб ҳисоблашади. Кўпчилик саҳобаларни мунофиқ дейишади, улар гўё Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам вафотларидан сўнг Қуръонни ўзгартирган эмишлар. Шунингдек, мухтарам Оиша онамизни беҳуда айблашади. Шу сабабли Имом Молик дедилар: «Абу Бакрни ҳақорат қилганга дарра уриш керак, Оиша онамизни ҳақорат қилганни эса қатл этиш керак!» Ундан сўрашди: «Нима учун?» У зот жавоб бердилар: «Чунки Оиша розиаллоҳу анҳуни беҳуда айблаган киши Қуръонни инкор қилибди. Ваҳоланки Аллоҳ айтади: «Уни эшитган пайтингизда: «Буни сўзлаш биз учун жоиз эмасдир. Эй пок Парвардигор, бу улуг бўхтон-ку!» десангиз бўлмасмиди?! Агар мўмин бўлсангизлар, ҳаргиз унга ўхшаган нарсаларга қайтмасликларингизни Аллоҳ сизларга панд-насиҳат қилур».

Рофизаларнинг яна бир хислати борки, улар одамлардан асл эътиқодларини яширишни жоиз санашади. Афсуски, бугунги кунда бу хислат кўпгина мусулмонларда бор. Бир куни бир эътиқодда эканларини эълон қилсалар, бошқа кунда бошқасини. Охирида эса асл эътиқодларини маълум манфаат учун яширганларини эълон қиладилар.

Имом Шофиъий улар ҳақида шундай дедилар: «Мен ҳеч қачон бидъат аҳли орасида рофизалардан кўра ёлғончироғини кўрмадим».

Мусулмонлар ушбу адашган жоҳил оқимдан кўра ёлғончироқ, зарарлироқ ва Исломга қарши кофирларга ёрдам беришга мойилроқ ҳеч кимни билмайдилар. Улар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Улар Ислом аҳлини ўлдирадилар ва бут аҳлини ўз ҳолига қолдирадилар» деб айтган исёнчи хаворижлардан-да зарарлироқдирлар.

Улар яҳудий, насроний ва мушрикларга Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам аҳли байтлари ва мўминлар жамоасига қарши ёрдам

берадилар. Улар мушрик, Ислом душманларига Бағдод ва бошқа шаҳарларда қилган ишларида ёрдам беришди.

Бу рофизийлар фирқаси бошқа фирқа ва оқимлар орасида икки хулофаи рошидин: Абу Бакр ва Умарни, – Аллоҳ барчаларидан рози бўлсин, – ҳақорат қилишни бошлаганлари билан танила бошладилар. Рофизийлар уларни лаънатлашади, нафратланишади ва кофирликда айблашади, Аллоҳ барчамизни бундан сақласин! Шунинг учун ҳам имом Аҳмаддан рофизийлар ким экани ҳақида сўралганида, у киши жавоб бердилар: «Улар Абу Бакрни ва Умарни ҳақорат қиладиганлардир».

Улар рофизий, яъни рад қилувчи маъносидаги бу номни Зайд ибн Алини рад қилишгани ва ундан юз ўгиришгани сабабидан олдилар. Баъзиларнинг айтишича, улар Абу Бакр ва Умардан юз ўгиришгани учун рофизийлар деб номланди.

Шайхулислом Ибн Таймийя ушбу оқимни мана бундай таърифлади: «Рофизийлар – бу на соғлом ақли, на соғлом нақли бўлган жамоатдир. Уларда на Аллоҳ томонидан қабул бўладиган динлари бор, на дунё ҳаётида ғалабалари. Ушбу оқим – ёлғон ва жаҳолатда энг маҳкам ўрнашганлардан биридир. Уларнинг дини мусулмонлар сафига ҳар қандай худосиз ва муртадни киритаверади. Улар аниқ бир мақсадга қаратилган ҳолда Ислом умматининг энг яхши инсонларига душманлик қилишади, яҳудий, насроний ва мушриклардан ташкил топган Аллоҳнинг душманлари билан дўстлашишади. Улар очик ҳақиқатни ва мутавотир матнларни инкор этишади, бироқ ўзининг ёлғони, қалбакилиги ва бузуқлиги билан машҳур бўлган манбаларини қадрлаб, эҳтиром қилишади.

Улар айна Шаъбий роҳимахуллоҳ уларни таърифлаганларидеклар. У киши рофизийларга тааллуқли бўлган нарсаларда энг билимдон бўлганлар: «Агар улар ҳайвон бўлганларида эшак бўлардилар, агарда қуш бўлганларида жўрчи<sup>1</sup> бўлган бўлардилар».

---

<sup>1</sup> Жўрчи – ўлимтик билан озиқланадиган қуш.

Бу сўзлардан сўнг халойиқ жунбушга келиб, гувиллашлар авж олди. Бир канча йиллардан бери рофизий фитнаси хақида бунчалик очиқ-ойдин гапирилмас эди.

– Лекин динимиз фатвосиз ва султонсиз, ҳукмсиз ва адолатсиз бир иш қилишингизни ножоиз санайди, – деб давом этди шайхулисом. – Бу ишнинг асли табиатларида бўлгани каби бир фитна экани ва Шоҳ Исмоил рофизийлардан фойдаланиб, Хуросонга кўз тиккани ҳақиқатдир. Каримут-тарафайн султон Ҳусайн Мирзога уларнинг барчасининг бошини найзага илмоқ ғоят осон бир иш. Бироқ, тилларида Аллоҳ сўзини айтгани учун тавба қилишларига имкон яратиб, олижаноблик истадилар. Келиб тавба қилмоқларига уч кун муҳлат берилгайдир. Уч кундан сўнг ҳар кўй, ҳар депара, ҳар қасаба тафтиш қилиниб, адолат ҳукми ўқилгайдир!

Лекин бу маҳалда пойтахтда рофизий деярли қолмаган, ғалаён кечасидаёқ кўпчилиги Шерозга қочиб кетишган эди. Султон Ҳусайн эълонидан сўнг қолган-қутганлари ҳам Ҳирийдан чиқиб, пана-пастқам йўллар билан Шерозга йўл олишди.

\* \* \*

Қотиллик рўй берган кеча тун қоронғисида яна бир одам Самарқанд сари бораётган тижорат карвонига кўшилиб олди. Ўзини тужжор деб танитган бўлса-да, кўриниши, юриш-туришидан сарбоз экани билиниб турарди. У карвонбошининг шубҳа ила қараб-қараб қўяётганини пайқаб, фурсатини топиб кичик бир ҳамён узатган эди, карвонбоши ҳам уни салмоқлаб кўриб, тусмолдагидан хийла кўплигини сезиб, атрофига аланглаб қўйнига тикди ва узун ола тўн кийган, ихчам оқ салла ўраган бу кишини карвонга кўшиб олақолди. Ихчам оқ саллани талабалар ўрар эдилар, бу кишининг туриш-турмушининг ўзи кулгили эди, қилич ва ёй ипи излари қолган кафту бармоқлари, кенг елкаси, кўзидаги шафқатсиз ифодалар унинг жангу жадал кўрган навкарлигини рўй-рост айтиб турса-да, шуни билатуриб толиб салласини ўрагани ажаб. Шу тариқа карвон ўша кишини ўз бағрига олиб, Мовароуннаҳр сари йўл солди.

У киши Қора Мўғул эди. Низомулмулк ўлгач, Шайбонийхон қошига юкунмоқни кўзлаб борарди.

Шунча киши қолиб, тақдир шу одамнинг жонини омон сақлади. Қанча работлару қалъалардан соғ-омон ўта-ўта, ниҳоят, Мовароуннаҳр тупроқларига етиб келгач, енгил нафас олди, хурсанд бўлиб қаҳ-қаҳ отиб кулди ва карвондан айрилиб, Оқ Ўрда сари йўл олди.

### ***ЭЙ ФАРЗАНД..***

Шайбонийхон бу маҳалда Дашти Қипчоқда қўшин тўпламоқда, туркий тупроқларга ўзини ҳақдор деб ҳисоблагани ҳолда, босқин ва чопқин режасини тузмоқда эди. Баъзилар унинг тахту салтанатга тўла ҳаққи борлигини, чунки Чингиз авлодидан эканини таъкидлаб, Самарқанддаги обрў-эътибори суннийларни жон-жаҳди билан қувватлагани боис эканлигини айтишарди. Унинг ўйига кўра, хуросонийларнинг энг мудҳиш хатоси – салтанатга эга чиқиш истагида қизилбошлар билан иттифоқ тузишга уринишгани бўлиб, уларни ҳукмдорлик тахтидан супуриб ташлаш ҳақидаги гап-сўзлар тобора кўпаярди. Лекин, қаҳру ғазабда улар Шайбонийхон қошида ип ҳам эшолмас эдилар. У шунчалар шафқатсиз эдики, ёшни ҳам қарини ҳам бир туки қилт этмай қиличдан ўтказарди.

Ҳа, қадим ва қутлуғ тупроқлар узра хавф булутлари сузиб, бағрида чақину яшинлари ила уруш тўфони етиб келди. Бундай хатарлар қошида темурийзодаларнинг бир-бирига қўшин тортиши сира ақлдан эмаслиги маълум, бироқ, метин бир билак уларни маҳкам тутиши лозимлиги тобора аниқ бўлиб борар экан, ана шундай қудратли бир қўл – султон Ҳусайн Мирзо шиддати ҳам сусайиб-заифлашмоқда эди.

Баъзан шундай бўладики, ҳар қанча тиришилса ҳам фалак ишлари киши орзу қилганидай кетмайди. Саъй-ҳаракатлар сўнгида не ишлар рўй берганига ақл тонг қолиб, киши ҳайрат бармоғини тишламоқдан ўзга чора тополмайди.

Фалакнинг ишини кўрингки, айна маҳалда Бадиуззамон Мирзодан ҳам шундай бир иш содир бўлди. У ўлпон тўлашдан бош тортиб, Ироқ



вилоятларини ўз амирларига улашиб беришга қарор қилгани ва Султон Ҳусайн номини хутбадан чиқариб ташлагани ҳақида хабар етиб келди. Ҳа, ажаб қисматлар рўй бермоқда, янги насл етилмоқда, ишлар ёши улуғлар истагани каби бўлмаётган эди.

Султон Ҳусайн Алишер Навоийни оқшом чоғи саройга чорлаб, тахтиравон юборди. Қабулхонада бор-йўғи бир қул бор экан, холос. Алишер Навоий асосига таяна-таяна ичкарига кирганида, Султон Ҳусайн у ёқдан-бу ёққа одимлар, деворларида машғалалар ярим ёнган, шамлар битаёзган ушбу хонада ундан ўзга ҳеч ким йўқ эди. Шу кеч Султон Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий то тонггача сўзлашиб чиқишди. Тонг ёришмай, оқ ип қора ипдан ажралмай туриб Навоий “Унсия” сари йўл олди. Бироқ, “Унсия”га келиб ҳам тин олмади. Ўзи севган бинафшазор саҳнида у ёқдан-бу ёққа хомуш кезди. Ниҳоят бир қарорга келиб, Бектош бобога довод-қалам келтиришини буюрди-да, фарзанди аржумандга – ўз тарбиятидаги шахзода Бадиуззамон Мирзога насиҳат мактуби битди.

### *НАСИҲАТ*

**“Пайғамбар саллаллоҳи алайҳи вассалам буюрибдиларки, «Ризо-ур-робби фир-ризаил валиди ва сахатун арроби фи сахатул-валиди», яъни Тангри таоло ризоси ота ризосиға вобастадир ва Тангри таоло ғазаби ҳам ота ғазабиға вобаста. Бас, киши ота розилигини олса, Тангри таоло розилигини топғай, агар ота ғазабига учраса, Тангри таоло ғазабига учрамиш бўлғай. Шундай бўлгач, киши қандай қилиб отаси рози бўлмайдиган сўз сўзлагай ё қадам қўйғай? Ва машойих раҳимаҳумуллоҳларнинг сўзи шуки, «Валадука раббука», яъни отанг Парвардигорингдур, шу жиҳатданким, Тангри таоло сени йўқдин бор қилмоқда отани васила қилибдур ва у сени гўдаклигингдан йигитлик вақтинггача парвариш айлагандир. Ва Ҳаким Сулаймон алайхур-рахмата вал-ғуфрон сўзидурким, ота қудратли ва барқарор зот, она эса**

розики марсум, яъни тўйдирувчидир. Ва Адиб Аҳмад раҳматуллоҳ дебдурким:

*Атодин хато келса кўрма хато,  
Савоб бил хато токи қилса ато.  
Атонинг хатосини билгил савоб,  
Сени юз балодин қутқаргай Худо.*

Иброҳим Халилуллоҳнинг отаси Озар буттарош<sup>1</sup> эди, ул ҳазрат атосига насиҳат қилмоқчи бўлганида нидо келдиким, таъзим ва мулойимлик била насиҳат қил!

Ва Юсуф алайҳиссалом оталари Ёқуб алайҳиссаломга билмасдан бир одобсизлик қилиб қўйгани учун<sup>2</sup> унга хабар келдики, барча набийлардан етмиш йил кейин жаннатга киргай. Нуҳ алайҳиссаломнинг ўғиллари Ҳом оталарига тарки одоб қилиб, ота дуоси туфайли ранги қорайиб, пайғамбарлик унинг наслидан олиб ташланди.

Бу сўзни бошлашдан мақсад шуки, сизга ҳамиша хайрихоҳ бўлганман ва сизни умру давлатдан баҳраманд бўлишингизни тилаганман ва дуо қилганман ва сиздан бирор номуносиб иш содир бўлса, ўзингизга айтганман, балки китобларимда насиҳатномалар назм қилиб, сизга тақдим этганман.

Шу пайтда бир неча иш сизнинг тарафингиздан содир бўлганини эшитдим, сизга айтмоқлик вожиб кўриндики, отангиз Ҳусайн Мирзони риоят қилишдан ғофил бўлганга ўхшайсиз.

Бири шуки, вилоят молини маслаҳатсиз олиб турар экансиз ва бу ишингиз маълум эмас эди. Уч-тўрт кун ўтса ҳам ҳеч бир одамингиз келмади, агар ишора қилиб қўйсангиз эди, монелик қилинмас эди.

---

<sup>1</sup> Буттарош – бут ясовчи.

<sup>2</sup> Юсуф алайҳиссалом оталари билан учрашганида, оталари туядан тушиб истиқболига югурганлар. Юсуф алайҳиссалом эса хаёли фаромуш бўлиб, у зот қошига отда борганлар.

Яна бири шуки, “Астрободга одам юборманг, барибир бермайман” деб хат ёзибсиз. Шу гапни мулойимроқ йўсинда битишингиз мумкин эди. Яна, Ироқ вилоятларини бўлишиб бердим, деб ёзибсиз. Иншооллох, Ироқ қўлга киргайдир. Қўлга кирмасидан бурун отангиз Хусайн Мирзо билан бир-икки марта сўзлашмай, маслаҳатлашмай, бу иш содир бўлса, бу иш бошқалардан содир бўлмай, сиз томонингиздан содир бўлса таажжубдир.

Шариат риоясини қилиб ўзингиз соқолни қирқмасангиз эди ва элингизга соқолларини қирқишга рухсат бермасангиз эди. Мунда кўп сўз бор, айтса бўлмас.

Яна бири шуки, бир нишонингизни келтирдилар, туғросида отангиз Хусайн Мирзо номини ёзмабсиз. Сиздек оқил, хуштаб, мусулмон йигитдан шундай ишлар содир бўладими? Агар шу хатни ўзингиз ёзибсиз, агар мунший ёки бошқалар ёзишда хато қилган бўлсалар, нима учун ўзингиз текшириб кўрмай бу ёққа юбордингиз?

Ота билан ўғил, ўғил билан ота орасида фарқлар бор. Бойсунғур Мирзонинг ўғилларидан Абулқосим Бобурдек эмас эдингизким, кўп шафқат кўрмаган бўлсангиз. Улуғбек Мирзонинг фарзандларидан Абдуллатиф Мирзодек ё Жаҳоншоҳ Мирзо ўғилларидан Ҳасаналидек, – холисаниллох сўзлайдирман.

Сизнинг ишларингиздан бошқалардан кўра кўпроқ хабардорман. Сиз доим шахзодаларнинг улуғи ва Хусайн Мирзонинг суюклиги ва кўз қорачиғи эдингиз. Ўзингиз биласизки, Хусайн Мирзонинг сизга нисбатан кўнгли қандоқлигини ҳеч ким мендан яхшироқ билмайди. Тангри ҳаққи, ушбу ёзганимдек сизга маълум қилиб турибман.

Ваҳоланки, сизга Астрободни бериб, яхши навкарлар қўшиб юбордилар ва шундай хабарлар ва кўмакларнинг Ироқдан келишини умид қилган эдилар. Шахзодалар ва беклар ва сарой ичкилари ва бошқалар кўз тутар эдиларки, Ироқ вилояти фатҳ этилса нафақат хизматкорлик, балки отангизга тобелигингизни янада улуғроқ қилар

эдингиз. Лекин хануз ҳеч ерда ҳеч нима йўқ, сиздан бундай ишларнинг содир бўлиши ҳайфдир.

Қиблагоҳингиз Ҳусайн Мирзо Амир Темурга тўртинчи насабдир. У киши ҳар жума куни хутбада Соҳибқироннинг шариф руҳиға масжиди жомеъда дуо қилдурурлар. Бу ишда Ҳусайн Мирзоға ҳам дуодин ўзга не келгай? Сиз эса мактубингиз туғросидин Мирзонинг муборак исмини чиқарибсиз. Қанийди Ироқдин Маккагача, балки Мағриб замингача олсангиз-у бу воқеа содир бўлмаса эди! Агар қиблагоҳингиз Ҳусайн Мирзони заиф деб ҳаёл қилган бўлсангиз, Тангри таоло қудратлидир. Фарзанд отаси заифлашиб қолганида, хизмат қилиш фурсатини топдим деб жонкуярлик қилиши лозим.

Худо ҳаққи, қиблагоҳингиз Ҳусайн Мирзонинг ва сизнинг азиз бошингиз омон бўлсинким, бу нома битилган кундан йигирма кунча бурунроқ эртадан тушгача, пешиндан оқшомгача тахтда ўтириб, шунча ишлар қилдиларки, неча девон, неча хаттотлар, неча баҳши-ю парвоначилар ўлар ҳолатга келиб, неча хийлалар билан қутулдилар. Бу ишлардан мавлоно Муҳаммад Дарвеш хабардорлар. Шундайки, ҳамма ўз ишини бажариб, қиладиган юмушларини икир-чикиригача охирига етказадилар. Агар аввалдан шу ишлар бўлганида эди, қанча ишлар содир бўлмас эди.

Сиздек соҳиби давлат султон мендек мушфиқ ва сизга хайрихоҳ қулнинг беғараз сўзларига кирибдилар. Ўзингизга маълумки, қиблагоҳингиз Ҳусайн Мирзо ҳузурида сиз учун қандай илтимослар қилмадим! Ўзингизнинг иштирокингизда ҳам бир неча бор шундай ишларни қилдим. Умрингиз узоқ бўлсин. Менинг сўзларимни камдан-кам рад қилгансиз. Шундайки, бу фақирни жони куйганида ўзгаларнинг этаги ҳам куймас.

Бу бир неча сўз густоҳлиқ қилинди, умидим шуки, қабул айлагайсиз. Қабул қилмасангиз ҳам, мен айтишим лозим бўлган сўзларни бўйнимдан адо қилган бўлгайман.

**Тангри таоло шохиддирки, бу мактуб Хусайн Мирзонинг буйруғи билан ёзилмадигина эмас, балки хабарлари ҳам йўқдир. Буйруқ билан битилибди, деган ўй хаёлингизга ҳам келмасин. Чунки сизнинг хузурингизда давлат ишларига тегишли сўзларни айтишга масъулман. Шу жиҳатдан густохлик ила ушбу нома битилди...”**

### ***ЭЙ, ҲАЖГА КЕТАЁТГАН ҚАВМ...***

Бу кўхна дунёнинг ҳоли не бўлса бўлсин, эндиликда барча саъй-ҳаракатларни, яшаб ўтилган умрни, саҳву хатоларни, фазилату нуқсонларни хотималайдиган улуғ бир ишни бажариш фурсати етиб келган эди.

Жон қуши ўз Каъбасига интиларди! Рух кенгликларида дунёга келган фикр Масиҳи хочга парчинланмасидан бурун Каъба мақомига кўтарилиши зарурат бўлди. Зотан жасад Исоси ажал хочига михланадиган фурсат сезилар-сезилмас юз кўрсатар, унинг элчиси бўлмиш дард маразлари хуруж қилар, қувват кирар-кирмас, яна дард тўшагига ётқизарди.

Навоийнинг ҳаж сафари овоза қилинмаслиги кўзланган бўлса-да, Ҳирий аҳлига бу хабар тез ёйилди. Ҳаж сафари рухсати сўралган мактуб султон хузурида сўзлаш ҳуқуқига эга бўлган мавлоно Абдулҳай орқали шу вақтда Марвда бўлган Султон Хусайнга юборилганида, кишилар унинг мазмунидан хабар топиб, бошқаларга хабар беришди. Шу сабабли, йўлга чиқиш олдидан “Унсия”га тумонат одам тўпланди. Барча улуғ шоир билан рози-ризалик сўраб, видолашарди.

Ҳирийдан Машҳад томон борилар экан, аввалги сафарлар чоғида кўрилган манзаралар яна жонланарди. Туя туёқлари остидан сочилаётган қум саси яна “Таббат”ни эсга солар, фақат, бундан эллик йил аввал шу қумлардан ўтган ёш болакай ўрнида энди донишмандлик мақомига етишган кекса бир киши борарди. Карвонбоши ўзга бўлса-да, қўшиқ ўша-ўша эди:

***Ай қавме ба ҳажрафта, кужоед, кужоед,***

***Маъшуқ ҳамин жост, биёед, биёед.***

*Маъшуқи ту ҳамсояи девор ба девор,  
Дар бодия саргашта шумо дар чи ҳавоед?*

Навоий мавлоно Абдулхай султоннинг жавоб мактубини олиб келишини кутиб туриш мақсадида Машҳадда Чашмайи Соф работига тушди. Дард хуруж қилар, ҳорғинлик вужудни қақшатарди. Бир оз ором олингач, малика Гавҳаршодбегим, Имом Ризо ва Камол Турбатий қабрлари зиёрат қилинди. Шундан сўнг Тусга қараб юрилиб, Рашидия тепалигига тўхталинди. Бу ердан бутун Тус шаҳри кафтдагидай кўриниб турар, қадим тупроғи Фирдавсий, имом Ғаззолий, Ҳорун ар-Рашид, Носириддин Тусий, шайх ат-Тоифий, Жобир ибн Хайён каби фозилларнинг табаррук хокларини бағрига жо айлаган эди.

Шу кичик шаҳарда бунча улуғ зот мадфун экани ҳайрат! Уларнинг руҳи покларига дуо қилар экан, ҳазрат Навоий тилидан шундай сўз дурлари сочилди::

*Авлиёulloҳ мозори Тус вайрони аро  
Кўндурур, йўқ бок агар тавфида кўрса кимса ранж.  
Мунчаким вайрона кездим, ганж бир ҳам йўқ эди,  
Бўйла вайрон ким кўрубдур, онда мадфун мунча ганж...*

Шундан сўнг Син тепалигидаги ҳавоси мўътадил ажаб сафоли боғлардан бирига кўндилар. Машҳад улуғлари зиёрат учун йиғилиб келишди. Дўсту ёронларнинг баъзилари Ҳақ даргоҳига қовушган, бошқалари эса нуроний шоирни кўришдан шод эдилар.

Мўл-кўл, тўкин дастурхон теграсида мажлис қурилди. Лиму ила пиширилган булдуржин<sup>1</sup> мафосилга шифо эканини айтиб, табақ тўла келтирдилар. Уламо ва шуаро ўзларига қизиқарли мавзуларда суҳбатлашгач

---

<sup>1</sup> Булдуржин – бедананинг бир тури.

ва айрим саволларга жавоб олишгач, бир хизматчи кириб, мусикий устои Абу Абдуллоҳ Биржандийнинг қулоғига бир нимани шивирлади. Биржандий баланд овоз билан:

– Аҳли мажлис ихтиёр қилса, хазратимизга бир совға тайёрлаб эдик! – деди баланд овозда. – Рухсат берсалар...

– Рухсат, – деди Алишер Навоий, ўйчан ҳолатда.

Биржандий ташқарига сас берган эди, созларини кўтариб чолғучилар кириб келишди. Улар орасидаги кекса ёшли, қошларигача оқ тушган бир кишини кўриб, мажлис аҳли ўрнидан туриб кетди. У Машҳаднинг машхур ҳофизи Лур Нишопурий эди.

Аввал уд садолари якка-якка ҳаволанди. Қизиқки, ҳар мусикийда кўлланилган даф бу сафар йўқ, савт уд ила берилмоқда эди. Бир оздан сўнг унга қонун кўшилди. Қонун мавжи ҳаволай бошлагач, най жўр бўлди-да, мисли йўқ нафис ва дардли оҳанг таралди.

– Мошоллоҳ! – дейишди мажлис аҳли, навонинг бундай жилваларидан ҳанг-манг бўлиб. – Бу не савтдир, ҳеч эшитмабмиз?

– Мир Алишер жаноблари ижод этган куй, оти “исфаҳоний”дир. Биз хазрат ғазалларидан бирини шу куйга солдик, – деди бир лаҳза тўхтаб Лур Нишопурий.

Мусиқага Нишопурийнинг хиёл хирқи, аммо қувватли овози жўр бўлди:

*Дуди оҳимнинг қуюидек печ ила тобин кўрунг,*

*Тийра ҳажрим оқшомининг баҳри гирдобин кўрунг.*

*Қушким ул ойдин кетурмиш нома, ҳар тирноғидин,*

*Чоклар бўлган кўнгул элтурга қуллобин кўрунг.*

Навоий куй-қўшиқни бошини бир ёнга эгиб, дили ёришиб тингларди. Бир неча йил аввал битилган бу ғазал мазмунининг Ҳижоз сафарига мос тушгани ажаб эди.

*Солики маҳрумким, матлубидин тўлмиш жаҳон,  
Оллоҳ-оллоҳ, жонин ўртар дарди ноёбин кўрунг.*

*Ёр кўйин истаб, ўзлукдин Навоий бўлди фард,  
Каъба эҳромига истиъдоду асбобин кўрунг.*

Кўшиқ тугагач, Алишер Навоий табассум қилиб:

– Эй Лур Нишопурий! Ғазални куйга солдим дедингиз-у, аммо бизни не кўйга солдингиз! – деб лутф қилди.

Лур Нишопурий бу лутфга эътибор қилмасдан Навоийнинг ёнига келди-да, эгилиб, тўнининг этагини кўзига сурмоқчи эди, шоир уни елкасидан тутиб тўхтатиб қолди. Кекса ҳофиз бошини кўтарганида кўзлари жикқа ёш эди.

– Пирим! – деди Лур Нишопурий. – Мен оламда энг ардоқлайдиган уч киши бор эди. Бири мавлоно Абдурахмон Жомий, афсуски, Ҳақ даргоҳига кетди ва ундан айрилдим. Бири Саййид Ҳасан, иншоллоҳ, у ҳам жаннатларга қовушган бўлсин! Яна бири сизсиз! Мен ота-онамдан эрта айрилиб, етимлик азобида улғайганман. Пирдан айрилиш ота-онадан айрилишдан ҳам қайғули бўлишини биламан. Худо ҳаққи, сафар чоғи ўзингизни шоён асранг! Илоҳо, зиёратингиз қабул бўлсин, дийдорингизни кўриш мен шўринг қурғурга яна насиб қилсин!

\* \* \*

Тонгда мавлоно Абдулҳай етиб келгани хабари келди.

Мавлоно йўлда жуда чарчаган эди. Лекин тин олишга фурсат йўқ деб, зудлик билан Навоий қошига еткурмоқларини тилади. Истагани қошига келгач эса, ер ўпиб, султон мактубини ҳазрат Навоийга топширди. Унда шу сўзлар ёзилган эди:

**“Мавлоно Абдулҳай мақсади ҳосил наввоб назарига етказган хатдан ул ҳидоят хислатли олий жанобнинг Макка томонга йўналиш хаёли**



борлиги аён бўлди. Гарчи файз аломатли кўнгил риояти бу илтимосни ижобат иззатига етказишимни тақозо этаётган эрса-да, яна бир томондан, муборак сафарни ихтиёр этишда йўл хавфсизлигига қаттиқ риоя қилиш шартлиги ҳам ёрқин хотирга келмоқда. Чунончи, ҳақиқатларни кўрсатувчи ақлга аён бўлсинки, ушбу вақтларда фитна ва тўс-тўполон чанги томчиларининг кетма-кетлиги сабабли иккала Ироқ ва Озарбайжон вилоятлари шу даражада нотинчки, ундан ортиғини тасаввур қилиш қийин. Агар яна бир марта аъло кўнглимиз ризолиги мулоҳазасини қилиб, бу сафарни ҳозирча тўхтатиб туриб, бу тарафга ташриф буюрсалар, бу ишдан ҳам хужастасифат мулоқот замони янгиланар, ҳам қачон йўллардаги хавфсизлик хабари ойдинлашса, шундан сўнггина йўлга тушсалар мақсадга мувофиқ бўларди”.

Бу иноят мактубини ўқигач, ҳазрат Навоий пайғамбар авлодлари ифтихори Имом Ризо мақбарасининг саодатли улуғлари билан маслаҳатлашди. Уларнинг барчаси чин кўнгилдан дин ва давлат манфаати учун тўғри ишни ул жанобнинг зафарли ўрду томон бориши ва бир амаллаб, Султон Ҳусайн мирзо билан Абулмуҳсин Мирзо орасида ярашув сурати юз кўрсатишига эришишда, деб билдилар.

Навоий жавоб мактубини мавлоно Абдулхайга топширгач, йиғилганларга юзланиб, табассум билан шу байтни ўқиди:

***Кимки бир кўнгли бузугнинг хотирин шод айлагай,***

***Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлагай.***

Бу – барчага ёд бўлиб кетган ғазал эди. Ҳазрат Навоий бир маҳаллар Султон Ҳусайн Мирзога Астробод тутқунлигидан озод қилишини сўраб битган бу ажойиб ғазал энди фалакнинг бир айланиши билан қисмат фитналари чангалига тушиб қолган султонни қутқариш мазмунида айтилмоқда эди:

*Гарчи халқ озодасимен, ёр азар бандам деса,  
Андин ортуқ англаким, бир банда озод айлағай.*

*Ёрдин ҳар кимки бир сўз дер, туганмасдин бурун,  
Истарамким, аввалидин ёна бунёд айлағай.*

*Ёр ҳижронидин ўлғумдур, бу навъ эрмиш сазо,  
Ул кишигаким, биравга ўзни муътод айлағай.*

*Неча сабр авроқи ёзғай кўнглуму бир оҳ ила,  
Сарсари ишқинг етиб, борини барбод айлағай.*

*Шайхдин зуҳди рийи касб ўлур, ё Раб, қани  
Дайр пириким, фано расмини иршод айлағай.*

*Одам авлодида камдур одамилиқ шеваси,  
Одам эрмас, улки майли одамизод айлағай.*

*Не балодурким, фалак ҳар кимга чекса тизги кин,  
Ёнгилиб аввал менинг жонимга бедод айлағай.*

*Беша ичра девлар мақтули ўлсун, эй парий,  
Гар Навоий ёна азми Астробод айлағай...*

Шундан сўнг фазилатли Амир ҳаж карвонидагилар билан бирма-бир видолашди. Карвондагилар яна қайтиб юз кўришмоқ насиб бўлурми-йўқми, деб йиғлар эдилар. Ҳаж карвони йўлида давом этди, Навоий эса бир қанча аҳбоб жўрлигида Марв сари юрди.

Дард янада зўрайгани учун Навоийга соябонли арава тайёрланди. Ҳар эҳтимолга қарши, машҳадлик табиб Абу Суҳайлдан ҳазратга ҳамроҳлик қилмоғи, кўз-қулоқ бўлиб турмоғи сўралди.

Карвон Марвга етиб келганида ҳаво очик, кушлар чуғурлаб сайрарди. Султон Ҳусайн қалъа қаршисидаги бўлик ёйлоққа кўнган, чодирлари ёнида тиккайган найзаларнинг туғи черик чопқинга шай эканини билдириб хилпирарди. Муҳиммот бўлуқлари томондан сандон ва болға саслари келар, темирчилар қўллари куя-куя силоҳларни тоблашарди. Бир оздан сўнг қулоқни батанг қилиб қаттиқ ўкирик янгради, бу – Султон Ҳусайннинг жанговар филларининг ўкириғи эди. Бир қанча киши катта идишлар теграида ўралашишар, мабодо филлар жангга киргудай бўлса, хартумига суртиб ғазабга келтириш учун аччиқ қалампир эзмаси тайёрлашарди.

Бир қанча вақтдан буён давом этаётган муҳосара қамали битгулик эмас. Ҳар икки тараф ҳам тараддуду иккиланишда. Боиси, Султон Ҳусайн ўз зурёди устига қаҳру ғазаб ила ташланишга ор қилади. Мунча қалъаларни олган султон учун Марвни олмоқ иш бўлибдими? Бошқа ёқда эса, Абумуҳсин тараддуд қиладики, падар қаршисига кўшин чиқармоқнинг гуноҳи ва маломати оғир бўлмай.

Шундай ўйлар туфайли Ҳазратнинг дилига чироқ ёқса ёришмасди. Улкан оқ чодирга яқинлашганида, уни Бек Мирзо Баҳодир қарши олди.

– Султон ҳазратлари сизни қайта-қайта сўрадилар, – деб, чодирга бошлади.

Алишер Навоий чодирга кирди. Султон Ҳусайн Мирзо ҳам унга пешвоз чиқди. Дўстлар кучоқ очиб кўришишди.

– Қалъага мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифийни юборсам деб эдим, – деди Султон Ҳусайн Мирзо, қисқа ҳол сўрашишдан сўнг. – Абулмуҳсин унинг тарбиясини олмиш, сўзига қулоқ тутуди деган ўйда эдим. Бироқ, шахзода сизнинг элчи бўлмоғингизни истайди.

Асли сабзаворлик Ҳусайн Воиз Кошифий Машҳаднинг машҳур воизларидан бўлиб, мавлоно Абдурахмон Жомий тавсияси билан Ҳиротга

келган ва темурийлар хизматига кирган эди. У Абулмуҳсиннинг мураббийи ва устози бўлиб, шахзодага атаб “Ахлоқи Муҳсиний” деган асар ёзган, Хуросоннинг фазилатли кишилари фарзандларига шу китоб орқали тарбия берар эдилар.

– Каъба сафарингизни бузганимиз учун узр тилаймиз, – деди султон, хўрсиниб. – Узримизни қабул айланг.

– Мирзом, – деди олий ахлоқ эгаси бўлмиш Алишер Навоий. – Мен фақир, бу давлатли остонага тупроқдек тушиб эдим, хаёлим шуки, агар ажалнинг сарсари шамоли тупроғимни бу азиз бўсагадан совурса-ю хас-хашақларимни бу остонадан кўтарса ҳам, давлатингизнинг мудом зиёда бўлмоғини тилайман. Ҳеч бир замон бу ахдимдан, сиз билан дўстлигимдан воз кечмагайман ва салтанатингиз учун ҳар қандай хизмат бўлса, илгимдан келганича ўринлатгайман!

Алишер Навоий қисқа дуодан сўнг ташқарига чиқиб, кутиб турган бошқа аравага ўтириб, қалъа сари йўл олди. Ота юзига ёпилган дарвозаларни, деворлар устидаги мудофаага шай ўқчиларни кўриш изтиробли эди. Навоий араваси қалъага яқинлашишганида олийнасаб мусофир келганини билдириб бурғулар чалинди, дарвоза очилиб, бир тўп отлиқ чиқиб келди. Навоий карвонини қарши олиб, теграсини ўраб, ичкарига олиб киришди.

Халойиқ отлиқларни кўрқа-писа кузатарди. Кўчаларда ҳаёт тўхтаб қолгандай, одам оз, қалъа қаршисида қудратли Султон Ҳусайн турганидан бери халқнинг нафаси ичига тушиб кетган, бу ишнинг қандай тугашини кутишарди. Султон Ҳусайн адолат бобида нафақат ўғилларига, балки ўзига ҳам шафқатсиз экани барчага маълум, чунончи, чопқин маҳалида ёлғиз ўғли ўққа учган бир кампир зурёдиннинг хунини сўраб келганида, султон бўйнини рўмол билан ўраб, бир ёнга қилич, бир ёнга олтин тўла ҳамён қўйиб, “Қасос оламан десанг, мана бошим, мақсадинг тирикчиликка пул олиш бўлса, мана пул. Ўғлингни ўлдириш ҳақида буйруқ берганимда, бошқа иложим қолмаган эди. Нима қилсанг қил, ихтиёр сенда!” дегани тилларда достон бўлган эди<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> “Ҳайрату-л-аброр” достонидаги Шоҳ Ғозий ва кампир воқеаси.

Кўшк олдида, оқ от устида Навоийни Абулмуҳсин Мирзо кутиб турарди. Арава тўхтагач, устозининг қийналиб тушаётганини кўриб, у ҳам отидан тушиб келди-да, кўлтиғидан тутмоқчи эди, Навоий уни елкасидан тутиб, бағрига босди.

– Мирзом! – деди меҳри тошиб. – Нечук баҳодир бўлмишсиз!

Абулмуҳсин Мирзо дарҳақиқат елкалари кенг, қуюқ қошлари жиддият-ла чимрилган, кўркам йигит бўлиб етишган эди.

– Пирим! – деди Абулмуҳсин Мирзо ҳам. – Сизнинг дуои шарифларингиз боис шундоқдир.

Саломлашишдан сўнг улар шу яқиндаги боғча сари юришди. Абулмуҳсин уни ашрафхонага бошламоқчи эди, бироқ Навоий эътироз билдиргач, чаман гуллаган оғочлар остидаги супага ўтиришди.

– Ўғлим, – деди Навоий, чуқур ўй ила. – Мирзо ҳазратлари сизга ҳам падар, ҳам шоҳдир. Бошқалар бир тавозеъ ила хизмат қилса, сиз икки тавозеъ ила хизмат қилишингиз зарур. Атойига қарши черик созламоқ не иш?

Шаҳзода бошини қуйи эгиб ўтирар эди.

– Янглиш ва хато кишилик шартидир, ҳар кимда бўлур,– деди Навоий. – Ақлу адаб ила ечиладиган тугун тиғ ила ечилурми? Сиз мамлакатнинг оқил шаҳзодаларидансиз. Салтанат таври шуки, ҳар тутумингиз, ҳар сўзингиз эл наздидадир. Отага қарши черик ила чиқмоқнинг маломатига ким устланур? Ҳеч вақт ўтмай бутун оламга ошкор бўлғай, етти иқлим султонларининг қулоғига етиб борур, халойиқ бу ишни андоқ шарҳлагайким, маломатига тоғлар чидаёлмас. Ул бузрукка адаб шулким, падар сўз айтганида ҳатто бош кўтарилмас, киприк қоқилмас!

– Пирим, – деди бўғиқ овоз ила Абулмуҳсин Мирзо. – Бизнинг сўзимизни ҳам тингласангиз.

– Ҳай-ҳай, – истиғфор айтди Алишер Навоий. – Ёшда улуғ бўлганимиз ва гўдаклигингиздан буён сизга бўлган меҳримиз боис, аввал сўз айтдик.

– Бу навоҳийни бизга ўзлари ҳадя қилиб эдилар, – деди Абулмуҳсин Мирзо. – Ҳолоки, жавонмардлик рутбасига етибмиз, падар даражасида жангу

жадал қилмаган бўлсак-да, шу навоҳийни ҳукмда ва адолатда тутиб турибмиз. Қолдики, ўз ҳукмимиз, ўз адолатимиз ила иш юритсак. Хоқони Мансурнинг ўзлари йигирма ёшларида тамомила ўзғир ва озод эдилар. Аммо, зурёди қирқ ёшга қараб боргайдир, хануз гўдак муомиласини қилурлар...

Алишер Навоий шахзоданинг аламли сўзларини ўйчан тинглаб ўтирарди. Ёши қирққа яқинлашган бу одам хануз гўдакларча фикр юритар, теградаги арслону йўлбарсларнинг, шоқолу бўриларнинг қудратидан беҳабар, ўзини мисли кўрилмаган жасур баҳодирдай хаёл қилар, Ҳусайн Мирзо қаноти остидан чиққани ҳамоно ёв шиддати остида чивиндай янчилиб кетишини фаҳмламасди. Кибру ҳаволи мирзолар Султон Ҳусайн қўли остида тигиз бирлашмоқлари жуда зарурлигини, бир ёқда Султон Абусаид авлодлари, бошқа ёқда Шероз сафавийлари, яна бир ёнда Шайбонийхон кутку солиб турганини назарга илмас эдилар.

– Нусрат шижоатдан эмас, Тангри таолодандир, – деди Навоий, мулойимлик билан. – Ҳар ерда адолатни ўринлатсангизгина зафар ёр бўлгай. Тангрининг адолати ёшу қарига, катгаю кичикка биргайдир. Инсон не, бутун Коинотга ҳукм қилингандир. Мирзо арзингизни қабул қилмасалар, падар ила ихтилоф қилгаймисиз? Ҳошо! Ҳеч бир маҳалда ундоқ бўлмамиш эса, нечун сиздан бўлсин?

– Мендан сизга бир-икки насиҳат бўлгай, озорга олмагайсиз, – деди сўнг. – Бу ишнинг масъулияти шу қадарки, фақир ҳаж зиёратига борур эдим, қулоғимга етгач, йўлимдан озиб қошингизга келдим. Волидайн абадиятга кетар чоғи дуосини олмоқ мен шўринг қурғурга насиб қилмади, бундан шу улуғ ёшимга қадар изтироб чекурман. Не хайрли иш қилсам, савобини уларга бахш этаман, хаёлимда оз туюлиб, шайхлар дахмаларни супуриб-сидириб, унинг савобини ҳам уларга бағишлагайман. Устозлару пирлар хизматида бўлиб, мени дуо қилсалар, мухтарам отойимнию волидамни дуо қилишларини ўтингайман. Мирзомизнинг давлатхоҳликлариню саховатлари боис бир мунча иморат қурдирган эсам, уларнинг савобини ҳам бағишлагайман, аммо ҳар икковининг бир дийдорига, бир оғиз сўзига зор-

интизорман. Шу ҳолимда Маккаи муаззамага насибам етиб, хажарул-асвадни кўзга сурган ёхуд “Лаббайка” дея кўзимдан ёшим оқа-оқа Тангри таоло ризосини тилаган чоғим, ото ризоси, оно дуосини ололмаганим боис еру кўкдан “Ла лаббайка” деган садо келмоғидан кўрқаман. Мирзо куёши мудом азиз бошингиз устида, фарзандга адаб бермоқ учун қийматли вақтларини зое қилиб бу ёққа келмишлар...

– Қўшин ила келмишлар... – аччиқ кулимсиради Абулмуҳсин Мирзо.

– Ғозий султондирлар, карвон ила келсинларми? – деб жавоб қилди Навоий. – Черик сиз учун эмас, балки бек ва амирларингиз учундир. Чорласа бормаган, ҳукмига риоят этмаган бўлсангиз... Муддао эса маълумдир. Зурёдим дея энг асл неъматларни едириб-ичирибдир, давворанинг энг асл олимларини чорлаб, сизга таълим бермоқларини ўтинибдир, ҳатто бир сафар Биржандда олган жароҳатининг қони қотмай туриб, ўғил-қизларимга дея Ҳирий қайтар чоғида мушмула<sup>1</sup> олмишларки, азиз фарзандларимнинг оғзига етсин деб.

Навоийнинг чин юракдан айтган сўзлари ниҳоят, Абулмуҳсин Мирзонинг қалбини юмшатди.

– Шаҳзодам, – деди Навоий, ҳануз ўша ранжиш ила. – Султонлар сўзи қилич каби бўлғай. Ўғил ила падар қиличи орасида халқ тургайдир. Сиз қилич чиқарсангиз ҳам, Мирзо қилич чиқарса ҳам халқ жабр кўргайдир. Модомики Мирзодан саҳв бўлмиш, ота қошига бормоғингиз ва кенгашмоғингиз энг дурустидир. Сиздан саҳв бўлмиш эса, бош эгмоғингиз яна дурустдир, падардир, авф этгайдир...

– Пирим, – деди мутаассир бўлиб Абулмуҳсин Мирзо. – Мен ўз эркимни яхши билурман. Аммо сўзингизни икки қилолмасман. Амрингиз бошим устига!

– Офарин! – деди Алишер Навоий чехраси ёришиб. – Иншоллоҳ, бу катта муаммонинг тугуни сизнинг пок қалбингиз ила ечилди.

Сўнг шу байтни ўқиди:

---

<sup>1</sup>Иссиқ ўлкаларда ўсадиган мева.

*Бошни фидо айла, ато қошига,  
Жисмни қил садқа ано бошига.*

– Жанобларининг “Хамса”сидан, – бирданига юзи ёришиб кетди  
Абулмуҳсин Мирзонинг. – “Ҳайратул аброр”дан!

*Икки жаҳонингга тиларсен физо,  
Ҳосил эт ушбу икисидин ризо.*

*Тун-кунунгга айлагали нур фош,  
Бирисин ой англа, бирисин қуёш.*

*Сўзларидин чекма қалам ташқари,  
Хатларидин қўйма қадам ташқари.*

*Бўлсун адаб бирла бори хизматинг,  
Хам қил адаб «дол»и киби қоматинг...*

– “Дол” не, “син” каби оқармен<sup>1</sup>, – деди шаҳзода.

Пир ва мурид шу тариқа анча суҳбатлашиб ўтирдилар. Абулмуҳсин Мирзо унинг қалъада яна бир муддат қолмоғини тилар эди, бироқ Навоий тадовиъ<sup>2</sup> сабабли Ҳирийга боришни ихтиёр қилганини айтгач, чор-ночор рози бўлди.

Шу тариқа, алассабоҳ Абулмуҳсин Мирзонинг узр мактуби ила Марв қалъасидан чиқилди. Чодирга келиниб, мактуб эгасига топширилганида султон қаноат ҳосил қилиб, миннатдорчилик билдирди.

– Фарзанд куйдиргиси, ўғил доғи... – деди изтироб билан.

---

<sup>1</sup>Араб ёзувида “дол” қадди эгикликни билдиради, “син” эса сувга ишора.

<sup>2</sup> Тадовиъ - даволаниш



Алишер Навоий Султон Ҳусайннинг дарду аламини яхши англарди. Чунки бир ёнда қиблагоҳ меҳри, бошқа ёнда сиёсат қудрати бир-бирига карама-қарши турарди.

Султон Ҳусайн ўғли билан кенгашиш учун Марвда қолар экан, Алишер Навоий Ҳирийга қайтмоққа изн истади. Дард заҳмати, ёзилажак янги асарлар машаққати, ҳаж истаги барча дунёвий ишлардан чекинишни, пирлар йўлидан бориб, оддий ва одми ҳаёт кечиришни тақозо қиларди. Истакларини сўз ипига маржон каби тизиб, ўз муддаосини шундай баён қилди:

– Бир сафар сизнинг Худо кўнглингизга солган нарсаларни сўзловчи тилингиздан: «Қачонки жаҳондорлик каби ўта масъулиятли бу ишдан зериксам, авлиёларнинг сараси бўлмиш Шайх Нажмиддин Кубронинг ўзидан нурлар таратувчи мақбарасида истиқомат қилувчилардан ёки улут Тангрининг яқини бўлмиш Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг табаррук мақбараси остонасини супурувчилардан бўламан», деган сўз чиққан эди. Бироқ энди сизнинг бу орзуйингиз ушалмайдиган бўлди, менга эса тўла хоҳиш ва рағбат билан ҳаж сафарига боришимга изн бермайсиз. Шунга кўра, сизнинг қутлуғ шахсингиз ваколоти билан қолган умримни Ансорийнинг табаррук мақбараси остонасини супурувчилик билан ўтказишимга ва сарой мулозимлиги ишидан бутунлай бўшашимга рухсат этсангиз. Чунки кексалик заифлиги вужудимга таъсир кўрсатиб, қувватим кетган ва танамда куч қолмаган. Ахир, айтадилар-ку:

***Қулни озод қилгувчи хожалар,***

***Одатда кекса қулни озод қилурлар.***

Султон Ҳусайн Мирзо бу илтимосни инобатга олиб, меҳрибонлик билан шундай жавоб қилди:

– Модомики сиз менинг мамлакатимда ватан тутиб, муқим ва турғун турар экансиз, нимани илтимсо қилсангиз, ўша нарса албатта ижобат иззатини топажак! Чунки бу мамлакат сизнинг муборак вужудингиздан холи

бўлса, юқори ва қуйи табақаларга мансуб бўлган кишиларнинг барча тоифалари ва гуруҳларининг ҳаётида нотинчлик ва беқарорлик юз бериши аниқ!

Султон Ҳусайн олийжаноб Амирнинг муносиб қоматини олтин тугмалар қадалган ва авраси зар иплар билан тикилган қора қундуз пўстин ва мартабасига муносиб бўлган бошқа қимматбаҳо кийимлар билан безатишни буюрди. Шундан сўнг салтанат пойтахти Ҳиротга қайтишга рухсат берилди.

Фақат, хайрлашув чоғи яна бир илтимос бўлди. Илтимос Бадиуззамон Мирзога тааллуқли бўлиб, падар билан ришталарни деярли узиб қўйган қайсар шаҳзода фақат Навоийнинг сўзини олишини, шу сабабли Астробод ислоҳи учун панд-насиҳат қилишини сўради.

Шу тариқа, ҳаж сафари Марвда ниҳоясига етди.

### ***УЛУҒ ЖОРУБКАШ***

Саҳар шамоли булутларни супуриб, самони куёш чиқишига тайёрлаб қўйгани маҳал, шайх Абдуллоҳ Ансорий мақбарасининг хизматчиси бўлмиш кекса киши бомдод намозидан сўнг ҳар доимги одати – китоб ўқишга тутинди.

Бу қария кўп вақтдан бери ушбу даргоҳ хизматида эди. На сиёсатларга, на султонлар раъйига қарарди. Энг қаттиқ замонларда, Абусаид Мирзо эл бошига солган қора кунларда-ю сафавийлар босқинида ҳам ушбу муборак масканга киришга ҳеч ким журъат қилолмаган, баъзи кишилар босқиндан шу даҳмага кириб жон сақлашган, бунинг сабаби шайх Ансорий пок руҳининг иззатидан деб билинарди. Дарҳақиқат, насаби ансорларга бориб тақалган бу улуғ зотни бир Хуросон эмас, Ироқ олимлари ҳам пир деб ҳисоблашарди. У имони комилларнинг гўзал хулқ-атворли йўлбошловчиси бўлиб, «Менинг ишим тоат қилиш ва Тангрининг буйруқларига бўйсунитдан иборат! – дер эди. – Мақсадим одамларни дўзах ўти билан кўрқитиш ҳам эмас, тоатлар эвазига жаннат ваъда қилиш ҳам. Кимки кўрққани учун Худога ибодат қилар экан, у нафси тилаган нарсадан халос бўлиш йўлини қидириб иш тутган

бўлади. Кимки умид билан бечораҳол яшар экан, унинг тилаги жаннатда осудаликка эришишдир. У холда уни ҳам, муни ҳам ҳақиқатдан узоқ, деб бил. Иккаласига ҳам пул топиш учун мардикорлик қилиш, деб кара. Менинг ишим доим сиғинишдан иборат бўлди. Мен кўрқиш ва умидворлик - иккаласини ўзим учун ҳаром деб билдим. Бандалик амрларини бажариш билан аҳволимни яхши деб билиб, туну кун ишларим шундай экан, бунинг учун мен узрлиман. Тоат-ибодатим бунинг учун лойиқ даражада бўлмаслиги мумкин, лекин бир соатим бусиз ҳам бўлмасин!”

Қария у зотнинг бир байтини ўқиб, дили равшанликка тўлиб кетди. Абдуллоҳ Ансорий шундай деб битган эди:

*Ҳақ йўлида икки Каъба бўлмиш ҳосил,  
Бир — Каъбайи суврат эса, бир — Каъбайи дил.  
Сен сайла ва дилларни зиёрат айла,  
Минг Каъбадин ортиқроқ эмишдир бир дил.*

Қария мутолаага давом этаркан, кушларнинг тонгги ҳамду саноси ва ўтган-кетган шовқинлари аро кимдир келганини сизди. Туриб ташқарига чиққанида, енгил тўн кийган, ҳассасига таянган бир кишини кўрди, сочсоқоли оқарган нуроний чеҳраси бениҳоя таниш туюлди.

– Ия? – тили калимага келмай ҳанг-манг бўлиб, шоша-пиша истиқболига юрди. – Наҳотки? Кўзларимга ишонмайман! Ҳазрат Навоий?

Ҳа, келган – назм ва миллат қуёши Алишер Навоий эди.

Ёлғиз, аҳбобу мулозимларсиз, одми кийимдаги Навоий билан саломлашаркан:

– Қадамлари қутлуғ бўлгай! Қадамлари қутлуғ бўлгай! – дер, хайратини ифодалашга бошқа сўз тополмай, “Ҳай Оллоҳ! Ҳай Оллоҳ” деб такрорларди.

– Агар рухсат бўлса, шу мақбарада жорубкашлик қилсам деб келдим, – деди Алишер Навоий. – Тилайманки, қаршилиқ қилмагайсиз.

– Ҳай-хай, жорубкашлик<sup>1</sup> не? – Навоийнинг муддаосидан баттар тонг қолиб, қуллуқ қилди қария. – Худо ҳаққи, мени маҳжуб қилманг! Иззатли меҳмоним бўлинг!

– Фақирни дуо қилсангиз етар, – деди Навоий ва девор тагида турган супургини олиб, дахма теграсини супурмоққа бошлаган эди, қария чидаб туролмади, бошқа супурги ила Навоий қабатига кирди. Шундай зот билан ёнма-ён саҳни супуришдан бахтиёр эди. Икковлон бу ишни бажариб бўлишгач, шоир ушбу хизмат савобини ота-онасига бағишлаб дуо қилганини эшитиб, ўзини тутиб туролмади, кўзларидан ёши тирқираб оқиб:

– Ота-онангизга жоним фидо бўлсин! – деди. – Сизни бир кўрсам, суҳбатингизни олсам деб орзу қилар эдим. Сиз Ансорий ҳазратларининг хизматларини қилинг, мен эса сизнинг хизматингизни қилай.

Навоий чолга миннатдорлик билдириб, бундан сўнг ҳар куни келиб туришини айтиб хайрлашар экан, деди:

– Сиздан бир ўтинчим бор. Кишилар бу ишдан хабар топишмаса. Йўқса жорубкашликдан маҳрум қоламиз. Биздан кўра маҳбуброқ кишилар бу юмушни қизганиб, илкимиздан олиб қўямасинлар.

Чол бу сўзлардан завқланиб, елкалари силкиниб-силкиниб кулди:

– Ҳошо! Ҳаргиз хабар топмаслар!

Шундай улуғ зот жорубкашликка келсину Ҳирий аҳли хабар топмасинми? Бир неча кун ичида бу хабар Ҳирийга ёйилди. Халойиқ таажжуб ва эҳтиром ила бир-бирига шуни сўзлар эди. Орадан бир неча кун ўтгач, Абдуллоҳ Ансорий мақбарасига келган Алишер Навоий бу ерда катта издиҳом тўпланганини кўрди.

– Сиздай киши жорубкашлик қилгайдир, бизлар тек ўтиргаймизми?

– У зот киму мен ким? Унинг қошида хасча эмасман, – дер эди Навоий. – Иззатингиз қошида қарздорман, бироқ ўтинаманки, бу хизматни уддалашимга халал бўлмаса...

---

<sup>1</sup> Жорубкаш — масжид, мадраса, хонақо ва мазорни супурувчи киши.

Шундай эса-да, ўша илк кундаги фароғат бошқа насиб қилмади. Кишилар “Ҳазрат Навоий Ансорий қабрини супуриб-сидирармиш” деган гапни эшитиб, ҳар тонг тўпланиб келар бўлдилар. Ҳар куни тумонат киши у келгунига қадар супуриб-сидириб, Навоийга иш қолдирмай уни кутиб туришарди.

Орадан бир қанча вақт ўтгач, Навоий жорубкашликни бас қилди. Тўпланганлар бир-бирларини маломат қилдилар. Савоб илинжида келган кишини савобдан маҳрум қилмадикми, дея сўзлашарди. Кейинги кунларда ҳам у зотдан дарак бўлмади. Билгувчилар у олий зотнинг узлат ихтиёр қилганини, ўз боғида тоат-ибодатга берилганини айтишарди. Лекин, бу ишнинг ҳақиқати ҳеч кимга аён эмас эди. Ҳақиқатан ҳам Алишер Навоий хизматчиларга меҳмон олишни тақиқлаган, руҳият кенгликлари аро тўлғинлашиб етилиб келаётган улкан ижодга тайёрланарди.

Кишилар бу зот қалбида етилиб келаётган у улкан ҳодисанинг не эканини билишмасди. Ахир, намоз олдидан ҳам таҳорат олинади. Қалб таҳорати-чи, у қандай экан? Жорубкашлик баҳона, Навоий сиймосини кўрмаганлар уни кўрганликларидан шодланиб, “Қаранг-а, нур юзли киши экан” деб ҳайратланиб юришса, бошқалари “Нега нур юзли бўлсин? Ахир, у кишининг бутун вужуди нур-ку” дейишарди. Ва унинг авлиёлик хусусиятидан сўзлашарди. Амирлару қозиларнинг золимлари киши ҳақини бемалол еб ўйнаб-кулиб юрганларида, Навоийнинг қилган ишларига лол қолишарди. Чунончи, бир куни аср намозини ўқиғач, шоша-пиша ўзининг боғчаси томон йўл олибди ва орадан сал вақт ўтиб, тезда қайтиб келибди. Бундан у кишининг хизматида бўлганлар ҳайрон қолишибди. Навоий бу ҳолатни тушуниб, шундай дебди:

– Масжидга келаётган чоғимда фалон жойда тўхтаб, таҳорат қилган эдим. Намоз чоғида жамоат бўлиб сафда турганимда, елкамга ёпишиб олган бир чумолини кўрдим. Билдимки, таҳорат қилган жойимда тўнимга илашиб олган экан. Агар елкамдан тушиб кетиб, унга бирор озор етса ва уйига борадиган йўлни тополмай қолса, уволига қоламанми, деб кўрқдим. Шунинг учун ҳам

намоз тугаганидан сўнг шоша-пиша ўша таҳорат қилган жойимга бориб, уни ўз уяси олдига қўйиб юбордим ва кўнглимни Худонинг бир жониворига жабр-зулм қилиб қўйиш хавотиридан халос қилдим!

– Ҳалимлигини қаранг! Бир чумолига шунча марҳамат!

– Бир чумолини айтасизми? Бутун Хуросон аҳлининг солиқларини ўзлари тўлаганларига не дейсиз?

– Йўқ-йўқ, булар у кишининг авлиёлиги туфайли-ку? Эсингиздами, Сулаймон пайғамбарга насихат қилган ёки Иброҳим Алайҳиссаломни кўйдириш учун ёқилган оловни ўчиришга оғзида сув олиб кетаётган ҳам чумоли қавмидан эди?

– Сиз қайдан билардингиз, ҳазрат Алишер Навоий у пайтда не юксак даражотда эдилару чумоли қай мақомда эди?..

### ***ҲАЛОЛ ВА ЯСОЛ***

Султон Хусайн Абулмуҳсиннинг узрини қабул қилиб, Ҳирийга шод қайтди. Навоий султоннинг Астробод ислоҳи борасидаги илтимосини ўринлатиш баҳонасида, унга ўзининг ўй-хулосаларини баён қилишни фурсат деб билди.

Вазият шундай эди: салтанат беклари, амирлари, айрим фузалою уламонинг фарзандлари лавандликларга, ишратбозликка ғарқ бўлишининг сабаби шоҳ сиёсатининг заифлашганида, нафс ва адабсизлик оти ҳирсу ҳавас яйловларига бетизгин қўйиб юборилганида бўлиб, салтанатга яқин кишилар лаззату ҳашам денгизига чўмишни исташар, мамлакатда адолатсизлигу киши қадрини менсимаслик иллатлари яна урчий бошлаган эди. Бир ёнда олий салтанат гуллаб-яшнар, сарватлар ҳар тарафдан Қулзум дарёсидай бўлиб оқиб келар, бошқа ёқдан эса, шайтоний ғулғулалар адолат низомининг издан чиқишига сабаб бўларди. Кибру ҳаволар шунчалар эдики, бир киши зиёфатга Ҳирийнинг тамоми аркони давлатини, олиму фозилини чорламиш. Чорбоғида хийла катта чортоқ, яъни мураббаъ ҳовуз бор экан, у қанд ила тўлғизилмиш. Ташриф буюрган олийнасаб кишилар у қанд ҳовузига маҳлиё

бўла қолмишлар. Буни эшитган бошқалар ном чиқариш учун ундан ҳам фаройиброқ базми жамшидлар тузишга бел боғлашибди.

Бир маҳаллар очлик мусибатида қийналган Ҳирий энди тўқлик балосидан тўлғанарди!

Чукур мулоҳазалардан сўнг, Алишер Навоий мазкур бошбошдоқликларнинг асл сабабига султон эътиборини қаратишни лозим топди. Чунки кўрилгану идрок қилинган барча ҳодисалар ўша ягона сабаб сари етакламоқда, салтанатнинг энг катта қусурини намоён қилмоқда эди.

Тангри таоло ўз динида ҳалол ва ҳаром чегарасини аниқ белгилаб берди ва салтанат эгаларига ўша дақиқликда, ўша низом асосида иш кўришни буюрди. Оёқ остида ноҳос эзилган чумолининг ҳақиғача кўрсатди, мевачевадан ўт-ўлангача, ҳайвондан инсонгача – барчасининг ҳақи қайдан бошланиб, қайда тугашигача билдирди.

Салтанат таназзулининг энг мудҳиш қусури айнан шу – “ҳалол” ва “ясол” орасидаги фарқда бўлди.

“Яса” деб қонунларни айтар эдилар. Мисол учун, кўча – мўминнинг ҳақи, уни эгаллаш ҳаром. Бироқ, нафақат йўлларни, балки умум мулкани эгаллаб олган, “Нега эгалладинг” дейилса, давлат ёрлиғини кўрсатиб “ясолдир”, яъни қонунийдир деб ўзини ҳақли билгувчи қанчадан-қанча киши айш сурмоқда?! Ваҳоланки, ҳалол ва ҳаром Тангрининг ҳукми, яса эса салтанат буйруғидир. Дарёлару ирмоқларни буриб олган, кишилару давлат ҳақиға тажовуз қилган юзлаб аёну мулозим ўша яса боис ўз тақдирдан хотиржам. Хулоса шуки, яса албатта ҳалолга асосланган бўлғайдир! Ясоқлар, мавзуотлар, ёрлиқлару ҳукмлар Тангри адолатига мос бўлсагина адолат устувор бўлғай. Йўқса, ноҳақ олинган халқ моли чивин қанотича бўлса ҳам жаҳаннамга етаклаб кетгай. Қонунлар Тангри ҳукмларига мос бўлмагач, эл бошига фалокат келмасинми? Юз минглаб ёшу қарининг, эркагу аёлнинг ҳақи қандай адо этилсин? Адолат қай тарз жорий бўлсин?

Алишер Навоий бу ўйларни султон билан тўғридан-тўғри маслаҳатлашиш ниятида эди. Бироқ, Бадиуззамон Мирзога қилинадиган насиҳат айна ечимни

ўз ичига олиши боис, султон Ҳусайн Бойқаро уни ўқигач, мазмунини дарҳол фаҳмлаб олишини биларди.

**“Қуллуқ арзадошт шулким, бир неча сўз хотирга келиб эди, арз қилмоқ вожиб кўрилди”**, деб битди Алишер Навоий, юпқа шойи қоғозга.

\* \* \*

**“Қуллуқ арзадошт шулким, бир неча сўз хотирга келиб эрди, арз қилмоқ вожиб кўрилди.**

Аввало шулким, эрта уйғониб намоз қилинса. Агар эшикда<sup>1</sup> масжид тайин қилиб, фарзлар жамоат била адо этилса – нур устига нур, ва илло беш вақт намоз бори тарк бўлмаса, барчаси масжидда муяссар бўлмаса ҳам, баъзи бори бўлса.

Яна улким, тонгла сабоҳ ҳарамдин чиққач, девонда ўтирилиб арзчи шикоят тингланса, агар бир мазлумга бировдан зулм ўтган бўлса, золимга шундоқ сиёсат қилинсаки, ўзга золимларга ўрнак бўлса.

Яна улким, арз қилувчилар иши тугаганидан сўнг нонушта ҳам баргараф бўлур, ичкихона тайин қилиб, у ерда ўтириб, аркони давлатни тўплаб, мулк ва мол иши муҳокама қилинса, барча ишларга ўзлари етсалар.

Яна бири шулким, давлат арбобларига ҳар иш буюрилса, у иш бир кунда битадими ёки икки-уч кундами, имкон қадар тезроқ битишини талаб қилиб, у ҳақда маълумотлар олиб турилса. Кечроқ битадиган ишни ҳам эрта ё индин ё муддатидан ўтказмасдан ҳар куни қанча миқдор иш битгани ҳақида хабар бериб турсалар. Агар баъзи топшириқлар муддатидан ўтиб кетса ҳам бажарилмаса, шундоқ сиёсат қилинсаки, ўз ишларидан ғофил қолмасинлар.

Яна умид шуки, Ҳақ таоло ичкиликдан қайтишга куллий тавфиқ бергай. Шу пайтда уйқуга шуруъ қилинса, албатта пешиндан бурун бўлмасин. Икки намоз орасида йўлга қўйилиб, белгиланган вақтда

---

<sup>1</sup> Эшикда – саройда дейилмоқда.



ухланса ва бомдод намози вақти ўтиб кетмаса. Бори борча ҳол била ҳар неча ичмоқ ишида эҳтиётлик, балки таъхир вожиб билинса.

Яна бир сўз шуки, молу мулк ишидан ва арзчилар ишларидан фароғат ҳосил бўлгач, чарчоқни даф қилиш учун кутубхона аҳли билан машғул бўлинса. Муносиб кўрилган хизматчилардан бирига тарих ўқиш буюрилса, хусусан “Зафарномани”ни<sup>1</sup>. Агар машойихлар сўзлари ёки баъзи девонлар ҳақида сўзлашилса ҳам номуносиб эмас.

Яна улким, маросимларни бошқарувчига ҳукм қилинсаки, саройда етук имом билан қори тайин қилинса, беш вақт намозни қойим қилинса, яна мухтасиб тайин қилинсаки, элни намозга тарғиб қилиб турса.

Яна улким, ҳафтада икки кун саройда акобирлар йиғилиб, Ҳофиз Муҳаммад Санойига яхши эҳтиром қилинса, балки буюрилсаки, яқинроқ ўтириб, шариат амрларини бажариб берса, токи муборак хотирингизда бу борада етуклик ҳосил бўлса.

Яна шулким, Ироқ мамлакатига фаҳмли, хушфеъл кишилар юбориб, у ердаги аҳволдан доим хабардор бўлиб турилса. Халойиқдан тушган аризаларни ёзма равишда юқорига юборилиб турилса ва у бобда қандай ҳукм жоиз бўлса, шуни қилинса.

Яна бир сўз шулким, шаҳар ҳисоб-китоби ишларига яхши эътибор қаратилса. Шаробхона, фахшхона, қиморхона каби ношаръий ишлар бутунлай тақиқланса. Мухтасиблар ҳафтада икки марта бозор аҳлининг нархларни текшириб туришса.

Яна шуким, ишбошига ҳукм қилинсаки, шаҳар масжидини эҳтиёт қилиб, имом ва муаззиндан маҳалла аҳлини сўраб, балки хат олиб намозга тарғиб этсалар. Агар фисқу фасод аҳли уларнинг амри маъруфларига тўсқинлик қилишса, мутасаддиларга арз қилсалар. Яна ҳар масжиднинг имомига тайинласаларки, мактаб очиб маҳалла аҳли фарзандлари ўқитилса.

---

<sup>1</sup> Шарафиддин Али Яздийнинг Амир Темур зафарларига бағишланган асари.

**Яна шулким, ушбу тартиб бўйича шаҳарда гуруҳ тайин қилинса, Хожа Фахриддинга ўхшаш улуғлар шу дастур бўйича қишлоқма-қишлоқ юриб, шу тариқа амал қилинса.**

**Яна шулким, ишбошига ҳукм қилинсаки, вилоятлардаги вақфлардан хабардор бўлсалар. Бузилганини тuzатсалар, зўравонлар қўлида бўлса тортиб олиб, хосилини ўз жойига сарфласалар. Бу ишлар ишбошига буюрилганидан кейин, Хожа Фалонга<sup>1</sup> яна ҳукм бўлсаки, уларнинг ишидан хабардор бўлиб, уларга ёрдам беришда сусткашлик қилинмаса.**

**Яна улким, Ҳофиз Муҳаммад Санойй ғанимат кишидир. Шариат бобида унинг сўзлари қувватлаб турилсаки, токи шариатга ривож етса. Масжиди жомеъга бормоқ тарк бўлмаса. Шу кўрилган тадбир билан жомеъ масжидида шаръий масалалар зикр қилинса.**

**Яна улким, девон бекларига ҳукм қилинсаки, бир кун девонда ўтириб, мусулмонлар ишини барпо қилсалар, бугунги ишни эртага қўймасалар. Яна халқ ишларини ўзлари қилганча қилиб, қила олмаганларини дафтарга битиб, сизга арз қилсалар ва сиздан ҳукм олсалар.**

**Яна шулким, тавочи бекларига ҳукм бўлсаки, мол-мулк девонида муҳр босувчи беклар тартиб ишига машғул бўлсалар, у ерда ҳам ишлар тўхтаб қолмаса.**

**Яна шулким, шаҳар доруғасидан беклар билан Хожа Фалон шундай хабардор бўлиб турсаларки, озгина иш учун кўп нарса талаб қилмасалар. Ҳар бир айбдордан қилган гуноҳига яраша жарима олсалар.**

**Яна бир сўз шуки, бир муносиб киши тайин қилинсаки, Мирзом давлат ишлари билан девонда ўтирганида содир бўлган ҳар қандай ишни кундалик дафтарга қайд этиб борилса, вақти ҳам ёзилса ва қачон**

---

<sup>1</sup> “Бу ишга муносиб кишини ўзингиз тайин қилинг” маъносида шундай дейилмоқда.

бўлган ишни билишга эҳтиёж бўлса, шундан мазмуни ва тарихи маълум бўлса.

Яна бир сўз шуки, беклар ва девон ходимларига, шунингдек, парвоначи ва мухрдор ва муншийга буюрилсаким, таъма умидида мусулмонларнинг ишени кечиктирмасалар. Шаръий ва қавлий арзномани бир тўртбурчак мухр билан топширилган куниёқ битказиб берсалар. Каттароқ арзномаларни ҳам ҳукмдан кўрқиб тезроқ битказсалар.

Яна шулким, мажлис қуриб майхўрликка кўп хирс қўйилмаса. Агар ҳар замонда зарурат туфайли ичишга тўғри келса, хизматчиларга тайинлаб қўйилсаки, таклиф қилинмаган кишилар даврага мутлақо киргизилмаса, мажлисда тартиб ўрнатилса.

Яна шулким, юқоридан ҳар хил ҳукмлар келса, хоҳ катта, хоҳ кичик, бошқа ишга берилмай, пайсалга солмай, агар қилиниши мумкин бўлса дарҳол бажарилса. Агар бажарилиши имконсиз бўлса, жавоби хат орқали юқорига билдирилса.

Яна шулким, ҳар турли арзларни юқорига ёзилганида “наسخ ва таълиқ” хати билан шундай ёзилсаки, ўқишда ўқувчига ташвиш бўлмаса. Туркча хат<sup>1</sup> билан мутлақо хат-ҳужжат ёзилмаса. Чунки бу борада яна бошқа гап бор. Ҳар қанча мактуб битилса ҳам сўзларни иложи борича шарҳлаб ёзилса, ҳар ишнинг тарихи қайси ой, қайси кунда экандир, токи мактубда ёзилган мақсадни англашда шубҳа қолмаса.

Яна шулким, теварак-атрофдан элнинг арзномалари келса, узоқдан келганларини кўп куттирилмаса. Ҳар қайсисига мартабасига яраша илтифот қилинса. Хусусан, Мир Зайнулобиддинга илтифот қилиш вожибдур, шу ишлар доимо эътибордан четда қолмаса.

Яна шулким, у вилоятларни катта иши – чегараларни тўсиб туришидир. Ҳозирги замонда кўнгил истамас ишнинг ўзи йўқ.

---

<sup>1</sup> *Уйғур хати*

Чегараларга ишончли кишиларни қўйиб, мустаҳкам бир тартиб ўрнатилсаки, Худо сақласин, агар бир нотинчлик содир бўлса, дафъ қилгани шай турилса. Умуман, чегаралар хусусида хотиржамлик бўлса.

Яна бир сўз шулким, давлат ишига куч билан шундай машғул бўлсангизки, ҳар қандай ишнинг тагига етсангиз. Аркони давлатни ҳар қайсисига иш буюрилса, муддатида бажарсалар, ичкиликка берилиб, ғафлат билан буюрилган ишни қила олмай, маълумот беролмай қолмасинлар.

Яна бир сўз шуки, от миниш, қуш овига машғуллик кўп бўлмаса. Бундай ишларда меъёрга риоя қилинса, токи бу машғулотлар туфайли давлат ишлари қолиб кетмаса.

Яна бир сўз шулким, чегараларда қиблагоҳингиз Ҳусайн Мирзо навкарлари хизмат қилмоқда. Улар отангиз навкарлари эканлигини ҳисобга олиб, иноят ва ҳурмат кўрсатиш кам бўлмаса. Аммо агар улар томонидан қоида бузилса, дарҳол текшириб жазоси берилса.

Яна бир сўз шулким, ишбоши бекларга ҳукм бўлсаким, посбонларга қаттиқ тайинланса, посбонлар бошлиғи уларни ҳар куни посбонликка келган ёки келмаганини суриштириб турса, токи посбонлик иши оқсамаса.

Яна шулким, девондагиларга ҳукм бўлсаким, аτροφдан келадиган савдогарларнинг ҳаққини ҳимоя қилсалар. У вилоятда “тамғо”<sup>1</sup> лафзи зикр қилинмаса. Закотни шарият ва ҳукм йўли билан закотчилар уларни халос қилсалар. Закотчилар ишидан ишбошилар ойма-ой, балки ҳафтама-ҳафта хабардор бўлиб турсалар. Жузвий жарима қилганни куллий сиёсат қилинса зарари йўқдир, токи бу овоза бошқа ерларга ҳам ёйилиб, савдогарларнинг келиши кўпайса.

Яна шулким, сизга майда нарсаларни арз қилинганида албатта уларни ўқишда малоллик бўлади. Аммо барча ишда Тангри таолони унутмаслик керак. Шунингдек, қиблагоҳингиз Ҳусайн Мирзони ҳам эсда

---

<sup>1</sup> Бож тамғаси

тутсангиз, токи шу икки иш дунё ва охират саодатини топишингизга сабаб бўлса.

Илтимос шуки, бу мактубни мавлоно Дарвиш Муҳаммадга топширилса. Ҳар икки-уч кунда бир қатла чақириб, ёзилганлар ҳақида мулоҳаза қилиб, яна тайинласангизки, сизнинг хаёлингиздан фаромуш бўлганида унинг ўзи икки-уч кунда бир олиб келиб, эътиборингизга ҳавола қилиб турса. Шунингдек, ушбу ҳаддимдан ошиб ёзганларимдан қайси бири мен айтгандек йўсинда амалга ошса, уни шарҳ билан иноят қилиб, Ҳусайн Мирзога етказилса...”

Бу мактубнинг бир нусхаси Султон Ҳусайнга ҳам юборилди. Умид шу эдики, Астрободдаги вазият Ҳирийда ҳам айни бўлиб, шояд султоннинг ўткир фаҳми уни ақл тарозусига солса, шу васила ила Ҳирий истилоҳи ҳам қилинса...

### ***ШАЙХ БАҒДОДИЙ ЧАМБАРИ***

905-йил<sup>1</sup> келди.

Шу баҳорда Муҳаммад Шайбонийхон Самарқандни эгаллади.

Чингизийлар авлодидан Абулхайрхон невараси бўлмиш бу ҳоқон Чингиз ясасига қатъий амал қиладиган киши эди.

Бу вақтда Самарқандни қўлга киритиш учун кураш бошлаган ёш йўлбарс – Заҳириддин Муҳаммад Бобур султон Ҳусайн Бойқарога ва Бадиуззамон Мирзога нома юбориб, Шайбонийхонга қарши курашда кўмак ўтинди. Умид кўзларини Ҳиротга тикиб, бир қанча вақт интиқ бўлиб жавоб кутди. Аммо, Ҳиротдан садо келмади. Ўн етти яшар ўсмир темурийлар салтанатини сақлаб қолиш учун уринар экан, бениҳоя обрў-эътиборли, тажрибали ғозий султон ҳам, ота изини босаётган Бадиуззамон Мирзо ҳам сукут сақлашни лозим топишди. Бунинг сабабларидан бири эса, маълум бўлгани каби, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг султон Абусаид Мирзо сулоласидан экани эди.

---

<sup>1</sup> *милодий 1500-йил.*

Буни эшитган кишилар бир маҳал Алишер Навоий айтган изтиробли сўзларни эслашар, “Эй воҳ, минг воҳ! Шайх Мажидиддин Бағдодийнинг ўлими воқеасига монанд иш содир бўлди” дер эдилар.

Қисмат чамбари Хуросон салтанатини мана шундай сиқиб келди.

### ***ЛИСОНУ-Т-ТАЙР***

Болалик маҳали қалбга буткул жо бўлган, ҳайрат кўзини очиб юборган “Мантиқу-т-тайр”га бениҳоя эҳтиром ва иззат тимсоли ўлароқ, у маъноларни янада мукамал тарзда ўзига жо айлаган шоҳ асар – “Лисону-т-тайр”нинг яратилиш пайти етиб келди.

Олам янгиланар, ёруғ дунёга келган ҳар жон эгаси ўзидан из қолдириб-қолдирмай йўқлик сари равона бўлар экан, ҳар умр мазмун ва ҳикмат сафарига айланган, йўл мобайнида ҳар лаҳзада Тангри таоло қудрати ва иродасига дуч келинар, шу сабаб, турли мулоҳаза тоғлари ва зако қаноти ила у уммонлару хуноба дарёларидан учиб ўтмоқ дунёда яшаб ўтмоқнинг маънисига тенг эди. “Хазойину-л-маоний” инсон умрининг тўрт палласидан баҳс этувчи хазина эса, “Лисону-т-тайр” ҳазрати Атторнинг “Мантиқу-т-тайр”ига қасида ўлароқ, яна бир хазина бўлмоғи, унда етти тоғ ошиб ўтилмоғи лозим бўлиб, “Хамса”даги “Сабъаи сайёр”, яъни етти сайёра ҳам шуни ифода этар, ёхуд меърож воқеасидаги етти осмон оша учмоқ ҳам баайни шунинг ўзи эди. Аттор қуши ўтган маъволар узра энди Навоий жон қуши ҳам учиб ўтмоғи, Аттор кўрганларига у ҳам назар солмоғи, мушоҳада айламоғи лозим эдики, бу истак ҳар недан қудратли, у кўрилганлар эса албатта ҳикматга айланиши шарт эди. Зотан, ҳаёти дунё ҳам шундан иборат, бу гардуни дунда ҳар ким қуш каби, жиш гўдакликдан кексалик сари қанот қоқар, ризқини топиб-терар, полапон очар... ажал овчиси кўзга кўринмас овлоғидан туриб ўқлаб уриб олар, у ўқлар теккан қушлар питирлаб жон таслим қилар экан, нажот фақат ва фақат Тангри таоло марҳаматига ғарқ бўлиб кетишдагина эди, холос.

Фалак ҳодисаларини-ю улар қатларидаги билимларни ўзига сингдира-сингдира тўлишган ақл энди ўз болини тўқмоқни истарди. Хаёлда асарлар бирин-кетин пайдо бўлар, улардан ҳар бирининг ўз руҳияти, вазни, мақомоти бор бўлиб, олам хазинасидан жой олмоққа даъво қиларди. Оламлар Парвардигори марҳамат қилиб, бундай асар битишга фурсат бергаймикан? Жон куши фарёд ура-ура мангулик диёрларига учиб кетиш олдидан шу оғушларга, дарёю кўлларга, шаҳару қишлоқлар узра қўнаётган ажойиб шомлару тонгларга қараб, яна бир сайрашга улгургаймикан? Ахир, кетилajak диёр сассизлик диёри ҳамдир. У шундайки, биров оҳ урса бошқа карамагай. Арз-додларга ҳеч ким қулоқ солмагай. У маҳалда қилинган дуолару муножотлар мустажоб бўлмагай. Шоҳлару гадолар ёнма-ён, ёруғ оламдан келадиган савобу муждаларига интиқ ётгайлар...

Алишер Навоий энди шу ажаб мўъжиза бўлмиш ижод салтанатининг мутлақ султони эди. Юз минглаб турк, араб, форс сўз лашкари амрига мунтазир, ҳукмига итоат ила бўйсунар ва унинг ихтиёри ила тизилар, маъно кўрғонларини бунёд қилар эдилар. Бу мулкдаги ўзга султонларнинг кўрғонлари эса, дахл қилинмас тарзда, бутун шаън-шавкатию доврўғи билан кўр тўкиб турарди. Жон куши салтанат узра қанот қоққанида, у зотларнинг бетимсол хазиналарига кўзи тушар ва тамоми мутаассирлик ичра, ҳайрату завқларга ошно бўлиб парвозда давом этарди. Етиб борилмаган маъни чангалзорлари гўё Ҳинд элининг фатҳ этилмаган кофиристонлари каби, гулоб ва кофур исини таратиб чаманзорлар ҳосил қилган, Ҳинд эли не, ортида инсон қадами етмаган фасоҳат чангалзорлари барча сирлари ва гўзаллиги билан махфий турарди.

Оламлар Парвардигорининг ҳали ҳеч бир инсон оёғи етмаган, фалак хазиначиси “Орангизда энг пок, энг фазилатли кишигина уларга қадам қўя олади” деган тилсим билан тилсимлаган бу буюк хазиналарини зиёрат айлаш унинг энг бахтиёр қули Алишер Навоийга насиб қилди. Ҳа, фалак тарбиячиси уни шундай тарбият айлади. Замон тупроғи аро ундириб-ўстирди, вужудида истеъдод куртакларини бўрттирди, “Менинг кудратимга,

санъатимга ва тадбирлигимга ҳамд айт” деган эди, у ниҳол қийғос гул очиб юборди! Шундай ҳосил бердики, оламдаги ҳеч бир боғ бундай мўл ва лаззатли ҳосил бермаган!

“Лисону-т-тайр” қоғозга тушар экан, ичкарига киришга фақат Бектош бобогагина руҳсат берилган бўлиб, мункиллаб қолган бу қария Навоий ижодхонасига шам ва сиёҳ-қалам ташийвериб чарчади. Алишер Навоий ўз достонини юксакликнинг етти водийси билан безади, у водийларнинг ҳар бири бир олам бўлиб асарда аксланди. Саодатга тўла у оламларга эришиш ва яна-да юксакдаги кейинги оламга – жаннатларга ўтиш йўлларини бир-бир кўрсатди.

Ниҳоят, хома битди, сиёҳ қуриди, шам ёниб тугади.

*Ё Раб, ушбу турфа шўхи дилфириб,  
Ким онинг васлин манга қилдинг насиб,*

*Эл кўзига доғи маҳбуб айлагил,  
Барча хотирларга марғуб айлагил, –*

деб битди Навоий достон ниҳоясида. Эй жонимнинг эгаси бўлмиш буюк Зот, ушбу маъниларнинг турфа шўх ва дилга фириб солувчи жилвалари васлини менга насиб айладинг. Энди уни элнинг кўзига ҳам маҳбуб, ундан баҳра олгувчи барча кишиларга марғуб айлагин!

*Гарчи мақсудига мубҳамдур баён,  
Қуш тилин эл кўнглига қилгил аён.*

*Кимга ондин ҳосил ўлса муддао,  
Лутф этиб Фонийни ҳам қилса дуо.*



Яъни, ундан баҳра олган кишиларнинг муддаоси ҳосил бўлса-ю, ушбу мисраларни битган Фонийни, яъни дунёдан бошқалар каби тезоб ўтиб кетгувчи кимсани лутф этиб дуо қилсалар:

*Айла онинг ҳам дуосин мустажоб,  
Иккимизни оллидин олғил ҳижоб.*

*Табъима тушса хато бирла залал,  
Килкима саҳв ўлди эрса ё халал.*

*Лутф ила, ё Рабки, борин афв қил,  
Номаи аъмолидин ҳам маҳв қил.*

*Ҳар паришон сўзки ёздим, ё Карим,  
Боридин астазфируллоҳ, ал-Азим.*

Алишер Навоий вужудида ажаб энгиллик ҳис қилиб ҳовлига чиққанида Бектош бобо ухламаган, кўзлари қизариб хожасига боқиб турарди.

Шу он теваракни чаҳ-чаҳга тўлдириб булбул сайрамоққа бошлади. Унинг бетакрор сайроғи тип-тиниқ Ҳирий тонги руҳафзолиги аро завқли ва бетакрор садо бўлиб теваракка ёйилди.

– “Лисону-т-тайр” битди, бек! – деди Навоий, унга қараб. Хушчоғ маҳалларида у Бектошга шундай деб мурожаат қиларди.

– Мошоллоҳ! Муборак бўлсин, пирим! – деди Бектош чол, кексаларга хос хирқи овоз билан.

Шоир ҳорғин табассум қилиб, асосига суяна-суяна юқори айвонга йўналди.

Бу ердан неча йиллардан бери гоҳ худ, гоҳ бехуд оққан Ҳирируд ирмоғи, ёғочлари бўғотларидан чиқиб турган уйлар, у ерда сахар уйғониб, юмушларига уринган кишилар, ўтлоқлару боғлар аниқ кўриниб турарди.

Ҳирий уйғонган, бозор томондан олашовур келар, яна кайдадир туя кўнғироқларининг садоси элас-элас эшитилар, олам узра янги кун бошланмоқда эди.

\* \* \*

Хуросон ва Мовароуннаҳрда **эса** вақт шиддатланди, уруш ва низолар хавфи ортди.

Давру даврон тўлғанар, не-не зотлар оламга келиб, чархи фалак шиддати аро мангулик сари жўнаб кетмоқда эдилар. Орадан юз йил ўтиб-ўтмай бу кишиларнинг биронтаси ер юзида қолмаслиги, ёруғ оламда инсонлар фақат бир-бирларига ёр бўлибгина яшай олишлари тириклик оламнинг мутлак ҳақиқати эди. Ҳа, салтанатлару ер юзини титратган ҳукмдорлар фалакнинг бир айланишида ер тубига қараб кетишди. Хиёнатлару адабсизликлар, май бўстонларининг завқу сафолари-ю мамолик чопқинлари аро Хуросон давлати ҳам оҳиста айланар, унинг тупроқларида ҳаёт кечираётган туман-туман кишилар орасидан етишиб чиққан, Тангри таоло иноят қилгани боис илм булоқларини очган олиму уламо, шоиру шуаро, валию авлиёлар ҳам дунёдан ўтиб боришарди. Бу издиҳомни кузатган ва ақл кўзи билан жаҳон ишларига разм солган зот эса, наинки айни замона аро умр кечираётган кишиларга, балки ҳозир мавжуд ва келажакда ёруғ дунёга келадиган барча инсон болаларига хитоб қилар даражага етиб келди!

*Олам аҳли, билингиз, иш эмас душманлиг,*

*Ёр ўлунг бир-бирингизгаким, эрур ёрлиг иш...*

Бир пайтлар, Ҳирийдан Самарқандга йўл олган ёш Алишер “Умрим мобайнида менга учрайдиган турли ходисаларни мен учун хайру марҳаматларга айлантириб қўйгин”, деб илтижо қилган эди. Улуғ Тангри ул муножотни ҳам зиёдаси билан мустажоб қилди. Шу қутлуғ ёшга қадар турли-туман кишиларга дуч келинди, улар билан гоҳ яқин, гоҳ узоқ бўлинди.

Ораларида қай бири кутб, қай бири абдол, қай бири Хизр эканини билгувчи борми?

Навоий умр хулосалари ҳақида “Махбубу-л-қулуб” деган бир асар ёзиш ҳаёлида эди. Шунингдек “Қиссасу-л-анбиё”, “Насойиму-л-муҳаббат”, “Тарихи мулуки ажам”, “Муҳокамату-л-луғатайн” кабилар ҳам маъни келинчаклари каби юз очар муддатини кутиб, тасаввур ва ақл чимилдиғи аро туришарди.

“Тарихи мулуки ажам” шу чокқача билинган ва исбот топган тарихларнинг қаймоғини жамлаб, нафақат илм аҳлига, балки оддий кишиларга ҳам тушунарли тарзда англаймоғи лозим эди. Зебу ҳашамлар ила безалган ва ҳар турли далил-исботсиз афсоналарни ўзига сингдирган тарихларнинг кўпи султонлару шоҳлар истагига кўра бўрттирилган бўлиб, Алишер Навоий муболағалардан холи, ҳаққоний тарихни акс эттирган асар битишни истарди. “Муҳокамату-л-луғатайн” эса турк қавмининг пайдо бўлиши ва Ёфас Абут-турк фарзандлари ўлароқ дунё бўйлаб ёйилишидан баҳс этароқ, оламнинг турфа халқлари аро шон-шарафга бурканган турк улусининг ўзагини ва турк тилининг виқорини кўрсатиб бериши лозим эди.

Умр сидратул-мунтаҳоси<sup>1</sup> ғоят яқин, ақл қуши у сидрадан ўта олмай, зеҳн Жаброили жон алайҳиссаломига қарата “Мундин у ёғига ўта олмайдурмен” деб узр айтадиган маҳал. Олам узра олтмиш йил қанот қоққан жон қушининг меърожга кўтарилар вақти мана шу эмасми?

Ҳирий боғларининг олтинларига боқар экан, ёдга “Хазойину-л-маоний” келди. Бу кунга қадар неки кўрилган-билинган, ўқилгану ёд олинган, ҳайратланилгану изтироб чекилган эса, барчаси руҳ кимёсидан ўтиб, тоба-тоба олтинга айланди. Воқеалару ҳодисалар дейилдими? Йўқ-йўқ. Алишер Навоий ўзидан юзлаб-минглаб маъно хазиналарини сочиб юборди. “Хазойину-л-маоний” эса, унинг бағридаги хазинанинг ўндан, балки мингдан бири бўлса ажабмас.

---

<sup>1</sup> Оламлар интиҳоси, тугаш жойи. Ундан нарёғи Арш дейилади.

Не ажабки, Ҳирий ҳам ҳозир хазойинул-маоний каби жилва урарди. Ҳирируд ҳамон айқириб оқар, бундан кўп йиллар аввал бўлиб ўтган бир суҳбатни ёдга соларди:

– Суви муздан ҳам совуқ экан... Тағойи, бу сувда балиқлари тўнғиб қолмайдими?

– Тўнғламайди, чунки Тангри шундай яратибдир... Ҳирируд кичик бир анҳор, сиз Жайхун ила Сайхунни кўрмабсиз. Андоқ хайбатлидирки, кемалар сузгайдир, наҳанглар гирдоб ургаيدир...

Ашъор уммони эса бу кун туркий салтанатнинг ҳар ерида мавжланиб, бағрида маъно наҳанглари гирдоб урди:

*Турк назмида чу мен тортиб алам,  
Айладим ул мамлакатни якқалам.*

*Низомий олса Барда бирла Ганжа,  
Қадам Рум аҳлига ҳам қилса ранжа,*

*Чекиб Хусрав доғи тиги забонни,  
Юруб фатҳ айласа Ҳиндустонни,*

*Яна Жомий Ажсамда урса навбат,  
Арабда доғи чолса қўси шавкат,*

*Агар бир қавм, гар юз, йўқса мингдур,  
Муайян турк улуси худ менингдур.*

*Олибмен таҳти фармонимга осон,  
Черик чекмай Хитодин то Хуросон.*

*Хуросон демаким, Шерозу Табрес,*

### *Ки қилмишдур найи килким шакаррез...*

Навоийнинг қалби ниҳоясиз шукрона ила тўлди. Умр паллаларини хотималаш ва ягона Парвардигорга гуноҳларни савобларга айлантиришини сўраб илтижо қилиш вақти келган, у эса “Муножот” бўлиб қоғозга муҳрланиши керак эди...

Чунки қисмат дейилган фалак чолғучиси умр кузининг исфаҳонийсини, қиш бахтиёрийсини чалмоқда эди.

### **ТАНГРИ ТУРК ЭЛИНИ ЁРЛАҚАСИН!**

Кишилар ўз миллати билан мақтанурлар, бу уларнинг ҳаққидир. Тиллар турфа қилинганидан мурод, Оламлар Парвардигори ўзига у тилда ҳамд айтилишини истаганидир. Йўқса, Бобил воқеаси юз бермаган ва барча бир тилда сўзлашган бўлур эди. Ҳар тилда гўзал сўз хазиналари ҳосил бўлишининг сабаби ҳам шудир.

“Муҳокамату-л-луғатайн”да у ўз миллатининг, она тилининг фазилатларини кўкларга кўтарди ва унинг гўзалликларига мақтовлар ёмғирини ёғдириб, шу қутлуғ улус орасида дунёга келтиргани учун Тангри таолога ҳамду санолар айтди.

**“Барчасидан араб тили фасоҳат ойини билан билан мумтоз ва балоғат зийнати билан мўъжизавийдирки, ҳеч бир сўз аҳлининг унга даъвоси йўқдир ва сўзи сидқ, иши таслимиятки, Оламлар Малики Жалла ва Ёлониинг мўъжизавий каломи низоми у тилда нозил ва Расул алайҳиссалоту васалламнинг саодатга элтувчи ҳадислари у лафз билан ворид бўлибдур. Ва улуг авлиёлар ва олий даражали шайхлар (Аллоҳ уларнинг сирларини муқаддас қилсин) – кўпроқ ҳақиқатлар ва маърифат сурибдурлар ва маъно зеболарини оғзаки сўз либосига киюрибдурлар ва ул қутлуғ, фархунда иборалар ва ул саодатли сўзлар ва ишорат била воқе бўлубдур.**

Мундин сўнгра уч нав тилдурким, асл ва мўътабардур ва ул тиллар иборати гавҳари билан сўзловчининг сўзида зевари ва ҳар қайсининг фуруи, яъни шох ва шохчалари бағоят кўпдир. Аммо туркий, форсий ва хиндий асл тилларнинг бошланиши, маншаидирки, Нух пайғамбар салавотуллоҳи алайхнинг уч ўғлиға – Ёфас, Сом ва Ҳомга бориб етишур. Ва бу воқеанинг қисқа тафсили будурки, Нух алайхиссалом тўфон фалокатидан нажот ва унинг ҳалокатидан ҳаёт топди, олам маъмурлигида башар жинсидан асар ва инсон навидан кўриниш қолмайдур эрди. Ёфасники, тарих аҳли Абут-Турк битурлар, Хито мулкига юборди ва Сомники, Абул-Фурс битурлар, Эрон ва Турон мамлакатларининг ўртасида эга қилди ва Ҳомни, Абул-Ҳинд дебдурлар, Ҳиндистон шаҳарларига узатди. Ва бу уч пайғамбарзода авлодлари зикр қилинган мамлакатларда ёйилдилар ва қалин бўлдилар.

Ва Ёфас ўғлонники, Абут-Туркдур, тарих аҳли иттифоқ била дебдурларки, пайғамбарлик тожи билан сарафроз, расуллик мансаби билан қардошларидан мумтоз бўлди. Ва бу уч тилки, туркий, форсий ва хиндий бўлғай, бу учовининг авлод ва тобеълари орасида тарқалди.

Аммо шуур ёшига қадам қўюлди, чун Ҳак Субҳонаҳу ва таоло таъбга ғаройиботлар сари майлни зотий ва диққат ва заҳматкашликка жасоратни туғма қилган эди, – турк алфозига доғи мулоҳазани лозим кўрилди. Шундай бир олам назарга келдики, ўн саккиз минг оламдан ортик, унда зеб ва зийнат осмони таъбга маълум бўлди, тўққиз фалакдан ортик, унда фазилат ва рифъат хазинаси учради, дурлари юлдузлар гавҳарларидан порлоқроқ, ва бир гулшан йўлиқди, гуллари юксак юлдуздан дур сочувчиоқ. Ҳарими атрофи эл оёғи етмоқдан омонда ва гулларининг ғаройиблиги ўзга қўли тегмоғидан маъмун. Аммо хазинасининг илони хунхор ва гулшаниннинг тикони беҳад ва шудгор.

Хаёлга келдики, ҳамоноки, бу илонлар нишу наштаридан таъб аҳли хирадмандлари бу хазинадан баҳра опмай ўтибдурлар. Ва кўнгулга андоқ эврулдиким, гўё бу тиканлар сарзаниши зараридин назм хайли

гулдастабандлари бу гулшандин базм тузгуча гул иликлай олмай йўл тутуптурлар.

Чун бу тарикда ҳиммат олий эди ва таъб – ботир ва бепарво, ўтарга қўймади ва томошасидан тўймади. Ул олам фазосида таъб сипохи турктозликлар тузди ва у фалак хавосида хаёл қуши баланд парвозликлар кўргузди ва ул ганж жавоҳиридан замир саррофи бениҳоя қийматли лаъл ва ноёб дурлар олди. Ва у гулшан райҳонларидан кўнгил гулчиси сон-саноксиз хушбўй гул ва ёсуманни қўйнига солди...”

Эй, қиблагоҳига эҳтиром кўрсатган ва унинг олий дуосини олган ахлоқли эл! Васфинг борасида Алишеринг ўз ҳолича сўз айтди ва мадҳингни тугал айлади. Уни хайр дуоси била ёд қилгайсан ва руҳини шу билан шод қилгайсан! Бағрингдан яна юзлаб алишерларинг етишиб чиққайдирки, улар ҳам сенинг фазилатларингни булбулдай мадҳ этгайлар!

Тоабад шон-шарафга буркангайсан! Тоабад ер юзида яшагайсан! Тоабад улуғингга кўргузган эҳтиромингни зурёдингдан кўргайсан!

Алқисса шуки, бир ниҳол бор эди, ўсиб-унди, гуллади ва чунон мева тугдики, адоғига етиб бўлмади. У худди хурмо каби эди, унга бирон дунёвий иллат яқин йўлай олмади. Ўз она тупроғи бағридаги маъданларни сингдира-сингдира, шундай маъниларни бунёд қилдики, олам аҳли ҳайрат бармоғини тишлаб қолди. Шундай меваларни бердики, ўз элининг Тўби дарахти каби бўлди. Ахир, Абу Умома<sup>1</sup> айтмадими: «Тўби жаннатдаги бир дарахтдир. Жаннатда бу дарахтнинг шохи кирмаган бирорта уй йўқ. Қанча гўзал қушлар бўлса, ҳаммаси ўша дарахтда бўлади, қанчалик чиройли мева бўлса, барчаси ўша дарахтдадир».

\* \* \*

Қиличини яланғочлаб қиш келди.

Вужудда ҳам гўё қаҳратон совуқлари бошланиб, қорлар ёғди. Бир маҳаллар бошига дасторини кўтариб чиққан лоладан завқ олган, гўдакликдан то кексалик киборлигигача етиб келган зот онгида тўлқин урган сирлар

<sup>1</sup> Абу Умома – фозил, зоҳид саҳоба.

хазинасидан айримларигина ёруғ оламга зуҳур этди. Йўқ-йўқ, хазина эмас, балки билим ва бадиият кўшклари барпо бўлди. Тангри иноят айламаса шундай бўлармиди? Тўрт куббали “Хазойину-л-маоний” саройига инсонлар абадул-абад оқиб келгайлар. “Лисону-т-тайр” қароргоҳида умр паллаларининг меърожини кўргайдирларки, хоксор Алишер Навоий халққа у меърожнинг Буруқ оти бўлиб хизмат қилди. У барпо қилган маъно иншоотларининг кенглиги шу қадарки, бир томонидан учган қуш бошқа тарафига етгунича асрлар ўтади. Уларга зиёрату ибодат илинжида келганлар пойгакда у иморатларнинг меъмори, фуқаронинг хоксори, Алишер Навоий деб аталган фақирни ҳам кўргайларки, ҳаққиға бир дуо қилишлари ўтиниб илтимос қилингайдир.

Бу жасур, содда, дуруст, тўғрисиўз турк улуси орасида дунёга келмоғи ирода қилинган экан, у ўз вазифасини тугал уддалай олдими? Эл бўҳронлар, фалокатлар, мусибатлару фитналар аро гоҳ ўксиниб, гоҳ кўксини кера-кера яшаб келаётган экан, унинг Алишери нималар қила олди? Бу элнинг тарихи не, қайлардан келди-ю қаён кетмоқда? Олимлари ва улуғлари бирин-кетин йўқлик диёрига жўнамоқдалар, ўзлари билан шундай бебаҳо хазиналарни олиб кетмоқдаларки, уларнинг қийматини ифодалашга на сўз етар, на фурсат. Сон-саноксиз улуғларни дунёга келтирибди, қолдики, ўзининг кимлигини англасин, кўкси юксалсин, бошини типпа-тик тутсин!

Шундай асарларнинг барчасини “Муножот” яқунламоғи керак эди. Чархи даввора аро бир Алишер ёруғ оламга келди, еди-ичди, ўйнади-кулди, умрини ўтказди. Тиним билмас кўк суворийси ажал ёрлиғини олиб келмоқда. Ортга қаралганда ёғдуларга чулғанган хотиралар, кишилар чехралари, Шоҳрух Мирзо ва бекларининг нурли қиёфалари, Самарқанднинг қаттиқ қишидаги озурда кунларда саховат кўлини чўзган пиру улуғларнинг нурли сиймолари... саф-саф, фавж-фавж тўлқин урмоқда ва уларнинг барчаси кетган жойларидан туриб “Бизлар бу маконларга сендан бир оз эртароқ келдик” деб туришгандай. Шуларнинг барини идрок қилувчи киши, фалак ўқчиси ёйини буриб мўлжалга олишини аниқ билгани он қандай нидо қилсин? Гўё кўкдан



бир бургут яна тушмоқда, ер юзидаги ёлғиз кабутарни йиллар аввал бошқа бургутлар олиб кетган масканларга чангал уриб олиб кетмоқда эди.

Аллақачон макон ҳам, замон ҳам унутилган, теварак гўё адам даштига айланган, мулки фано ортда қолмоқда, толиб киши бошига келган бу можаро ўзининг ҳақиқатларини дур каби кўрсатмоқда эди.

“Илоҳи...” деб бошланган нидо бир инсоннинг Парвардигор олдидаги нола-ю фарёдлари, саждага бош қўйилгани маҳал фақат унгагина айтиладиган ёлворишлари тимсоли бўлиб дунёга келди. Ер юзининг энг юксак мамлакатлари султонларию халқлари қошида иззатланган, кексалик фойдаларидан баҳра олиб, жон қуши бадан қафасидан чиқмоққа уриниб типирчилар чоғига етиб келган Алишер Навоий, – Тангри унинг гуноҳларини кечирсин ва айбларини беркитсин, – шундай деди:

**Илоҳи, акрам ул-акрамин – сен, ва мен – гуноҳкор.**

**Илоҳи, арҳам ар-роҳимин – сен, ва мен тийрарўзгор.**

**Илоҳи, агарчи журму исёндин ўзга ишим йўқ, аммо сендин ўзга ҳам кишим йўқ.**

**Илоҳи, йўқ эрдим - бор эттинг, тифл эрдим, улуғлар жарғасиға қоттинг, аммо нафсу ҳаво елидин зухдум ниҳолин ушоттинг ва офиятим хайлин ёзуқ сипоҳи турктозидин тарқаттинг.**

**Илоҳи, ёмон афъолимдин паришонлиғим чўқтур ва шум нафсимда пушаймонлиқ йўқтур, мундоқ балодин қутулурға уммидим сендин-ўқтур.**

**Илоҳи, ўзлук ёмонлиғидин ўзлугум била ўта олмайдурмен ва яхшиларнинг этагин ёмонлиғим уётидин тута олмайдурмен.**

**Илоҳи, йиллар ибодат қилғонни рад қилсанг, ҳеч ким дахл қила олмас ва қарнлар исён қилғанни қабул қилсанг, ҳикматин ҳеч киши била олмас...**

**Илоҳи, иноятингға уммидворменким, гуноҳим беҳаддур ва раҳматингға сазоворменким, хатову саҳвум беададдур.**

Илоҳи, дарди ҳолимни ҳар кимга айтсам, рад қилса, санга таважжух  
этқаймен ва агар сен рад қилсанг, нетқаймен ва кимга кетқаймен?

Илоҳи, сенинг йўлунгда туфроғ етса, тўтиёдур ва кесак йўлуқса,  
кимёдур, ғайрингдин қизил олтун қора туфроғдек беқадру камбаходур.

Илоҳи, ёмонлиғимдин агарчи кўп аламим бор, ғамхорим сен бўлсанг,  
не ғамим бор.

Илоҳи, дунё майли риштасин кўнглумдин уз ва нафсоният  
тийралиғида ҳидоят шамъи била ўзунг сори йўл кўргуз!..

### ***ҒАРОЙИБ БИР ФАРМОН***

905-йил, зулқаъда ойининг 5-куни<sup>1</sup> султон Ҳусайн Мирзо салтанат қонун-  
қоидаларига мос келмайдиган бир фармон имзолади. У Алишер Навоий  
ҳақида бўлиб, унда у зотнинг сифат ва фазилатларига батафсил ўрин  
берилганлиги кишиларни ҳайратга чўмдирди. Султон Ҳусайн ҳар доимгидай,  
бу гал ҳам салтанат иқтидорини улуғ амирнинг оёқлари остига ташлади.

**«Яхшиликка йўлловчи Зотнинг буюк қудрати ва баъзи кимсаларни  
баъзи кимсалар устидан даражасини кўтарувчи Зотнинг буюк,  
мукаммал қудрати билан!**

**Абулғозий Султон Ҳусайн Баҳодир сўзимиз.**

**Ўтқир билим ва заковат кўзи эгаларининг кўзларга кўринмас  
нарсаларни кўрингувчи қилувчи кўнгиллари кўзлари, шунингдек  
яратгувчи Зотга бўлган эҳтиёжмандлик майдонининг раҳнамолари  
ҳамда ҳақиқат ва мажоз мулкининг подшолари бўлган билимдонлик ва  
ишонч эгаларининг пок юракларидаги қора нуқталарига яширин ва  
махфий қолмасинки, борлиқ олам ҳайрат водийсидаги тавфиқ ва тавҳид  
манзилларига элтувчи карвон сарбони ҳидоят йўли ва Аллоҳнинг  
буюрганларини улуғлаш йўриғини бошлар ҳамда Аллоҳни улуғлаш ва  
мақташ ишига ёрдам берувчилар томонидан амалга оширилган таҳқиқ  
ва таъйид босқичларининг нурли ўтмиши булутлар қоронғулигига «Бас,**

---

<sup>1</sup> 1500 йилнинг 11-июни.

қайси тарафга юзингизни қаратсангиз, ўша томонда Аллоҳнинг «юзи» мавжуддир» ояти нурлари нишонларини бағишлар экан, бир бахтиёрнинг ақл қулоғига «Мендан сўраган борми? Мендан мағфират сўраган борми?» нидоси эшитилади. Бу эса ғайбдан абадий тургувчи давлатнинг кўнглига келган ўй ҳамда ғайбдан кўнгилга келган ва бардавом бўлгувчи иноятдан хабар берадиган фикрга кўра, руҳлар ва жинлар томонидан «Лаббайка Аллоҳумма, лаббайка» деб тил билан айтишга жавоб бўла олади.

Бу сўзларни айтишдан мақсад ва бу гапларни баён этишдан кўзда тутилган нарса шуки, ушбу сулола ҳукмронлиги ёруғ замонининг қуёши бош кўтарган ва ушбу қудратли ва шавкатли хонадон халифалиги дарахтининг униб-ўса бошлаган даврининг бошларидан ушбу улуғвор йўлда бўлган, фаришталар сифатларига ва авлиёлик белгиларига эга бўлган табиатлари муборак жисмлари билан зоҳирий ва ботиний бирликка эга бўлган, ҳар доим абадийликка монанд суҳбатлари ва жаннатни беағувчи учрашувларига катта эҳтиёж пайдо қилган хайрли ишлар асосчиси, эзгу ишларнинг бошловчиси, хоқон ҳукуматининг мададкори, Ҳазрати султоннинг яқин кишиси, қудратли салтанат устунни, тинч ва фаровон мамлакат таянчи, ҳақ, ҳақиқат ва дин ишларини тартибга солувчи олий насабли, ҳидоят нишонли олижаноб Низомиддин Амир Алишер (Аллоҳ таоло ундан ёғиладиган баракаларни доимий қилсин) ҳозирги кунларда асослари мустаҳкам бўлган динимиз раҳнамосининг келтирган далиллари ҳамда «Аллоҳ хоҳлаган кишини тўғри йўлга ҳидоят этади» далилининг тўғри йўл кўрсатиши туфайли бахтиёрлар қаторидан жой олиб, аниқ ишонса бўладиган саодатдан башорат қилувчи «Юзингизни Масжиди Ҳаром томонга ўғиринг!» аниқ-равшан хитоби ҳамда жаҳонни беағувчи «Каъба, яъни Байт ул-Ҳаромни Аллоҳ одамлар учун мақом қилиб қўйди» чақириги эшитилиб турган бир чоғда, ўша муқаддас заминни тавоф этишга рухсат ва Иброҳим Алайҳиссалом тўғрисидаги барча нарсаларни аниқ-равшан баён қилиб

бергувчи оятларда сифатлари баён этилган ва мақтовлари келтирилган ўша муқаддас водийга боришга ижозат олиб, давлатнинг бардавом ҳамда унинг қудрати ва улуғлигининг абадий бўлишини дуо қилиш шарти билан, ўша илоҳий совғанинг қадрига етиш йўлида қадам ташлашни илтимос қилибдилар. Гарчи шу чоққача бир неча бор шу ниятни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган ва шу ишга рухсат берилишини илтимос қилган, бироқ ҳар сафар буюк Яратгувчининг яратганлари ва омонатлари бўлган бандаларнинг манфаатларини кўзда тутиш билан боғлиқ бўлган маълум сабабларга кўра ушбу илтимосни ижобат қилиш имконияти бўлмаган бўлса-да, бу сафар ул жанобнинг биз учун ҳамиша ҳурматли ва азиз бўлган файзли кўнгиллари розилигини олиш мақсадида, у кишининг илтимосларини бажо келтиришга қарор қилдик ва бажарилиши барча учун мажбурий бўлган қуйидаги жаҳоншумул ва қуёшсифат фармон (Аллоҳ уни ер куррасининг шарқида ва ғарбида кучга эга қилсин) чиқарилиш ва кучга кириш шарафига муяссар бўлди.

Ул жаноби олий Ҳижоз томон йўлга тушганликларини назарда тутган ҳолда, ул зот бу йўлда жойлашган мамлакатлардан қай бирига борсалар ҳам, у ердаги ҳокимлар, аъёнлар, аҳоли ва йўл хавфсизлиги қўриқчилари у кишига нисбатан ҳурмат-эҳтиром ва иззат-икром кўрсатиб, бир дақиқа ҳам ул Ҳазратга хизмат кўрсатишни тўхтатиб қўймасинлар, ўзларига тегишли бўлган ҳудуддан у киши ва у кишига ҳамроҳ бўлган кишилар ва мулозимларнинг барчасини соғ-саломат ва эсон-омон ўтказиб, хавф-хатар мавжуд бўлган жойлардан ўтишларида қуролли қўриқчилар билан таъминласинлар, ул Ҳазратнинг қутлуғ қадамларини азиз ва муҳтарам билиб, ул зот томонидан билдирилган ҳар қандай миннатдорчилик ва шикоятни қонуний кучга эга деб билсинлар.

Подшоҳни тахтга чиқарган биродарлар, зафар йўлдоши бўлган Соҳибқироннинг фарзандлари, қудрат фалакининг давлат тузувчи

**амирлари, доруғалар, зодагонлар, аъёнлар, турли навоҳийларда яшовчи барча кишилар ҳамда турли табақалар ва тоифалар вакиллари эътиборига маълум қилинадикки, бажарилиши мажбурий бўлган ушбу фармон асосида иш тутсинлар, ушбу қутлуғ фармон мазмуни ва қоидаларидан четга чиқиш ҳолатларига йўл қўймасинлар ва ушбу фармон улуғ зотнинг муборак имзоси билан безатилган, зийнатланган ва чиқарилганлиги сабабли унга ишонч билдирсинлар.**

**Пайғамбар ҳижратининг 905-йили, зулқаъда ойининг бешинчи куни олий зот, – Аллоҳ таоло унинг мартабасини баланд, нуфузини абадий ва ҳукмронлигини бардавом қилсин, – амри билан ёзилди».**

\* \* \*

Ниҳоят, кўнгилларни ўзига чорловчи Каъба дийдорига етиш, хажарул-асвадни тавоф қилиш ва гоҳи асов, гоҳи сокин шу умрнинг хато-ю нуқсонларидан тавба қилиб, Тангрига ёлвориш насиб қиладиган вақт етиб келгандек эди. Бироқ бу пайтга келиб жавзо охирлаб, ҳаво жуда исиб кетди. Сафарда катта қийинчилик юзага келишини ўйлаб, сунбуланинг бошларида, ҳаво хийла салқинлашган маҳалда йўлга чиқишга қарор қилинди.

Бу маҳалда Астрободда яна бир бебошвоқ шахзода – Муҳаммад Ҳусайн Мирзо исён кўтарди. Султон Ҳусайн Бойқаро Астрободга йўл олди, Навоий эса Ҳиротда қолиб, Тангри таолонинг даъватига “Лаббай” деб жавоб бериш учун тайёргарликларини бошлади.

Муҳаррам ойининг охирги чоршанбасида<sup>1</sup> ҳазрат Алишер Навоий йўлга отланди. Халойиқ ила рози-ризалик сўрашилиб, йўлга тушилди. Ҳирий ортда қолди. Айнул-ҳаёт деган жойга истироҳат учун тушилганида Навоийнинг ҳоли яна ёмонлашди: иситма қақшатиб, мафосил қайтадан бош кўтарди. Юришга дармон йўқ эди, сафарни бир ҳафтадан сўнг давом эттиришни режалаштириб, ортга қайтилди.

Жума куни, яъни сафарга бир кун қолганида Ҳиротнинг олийнасаб машойихлари, олимлари ва иршод аҳлидан бир қанча киши тўпланиб,

---

<sup>1</sup> Милодий 1500 йил, 26 август.

“Унсия”га келишди. Улар орасида Шайх Жалолиддин Абусаид Пуроний, миллат ва диннинг қиличи шайхулисом Сайфиддин Аҳмад ат-Тафтазоний, Шайх Али, Мавлоно Муиниддин, Мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифий, Мавлоно Табодгоний, Хожа Имодиддин Абҳарий, саййидлар ва нақиблардан Амир Қавомиддин, Амир Жамолиддин Асилий, Амир Низомиддин Абдулқодир, Амир Шамсиддин Муҳаммад ибн Розий, Ҳирот ва унинг атрофидаги жойларнинг зодагонлари, аъёнлари, раҳбарлари ва бошқа улуғлари бор эдилар. Улар Навоий боғидаги хушманзара айвонга тўпланишди. Олий ахлоқли Амир асоларига таяниб, бу зотлар хурмати учун тик оёқда турардилар.

– Сизнинг баракалар ёғилиб турган шахсингиз Хуросон мамлакати вилоятларидаги тинчлик ҳамда аҳолининг турли табақа ва гуруҳларига мансуб кишилар ўртасидаги осойишталикка сабаб бўлиб турибди. Ҳозир бу диёр Соҳибқирон Султоннинг саховатли вужудидан холи бўлиб, агар сизнинг ўзидан нурлар сочгувчи вужудингиз куёшидан ҳам холи қолса, фитналар юз бериши, уларни бостириш эса имконият доирасидан ташқарида қолиши мумкин. Айниқса, ҳозирги пайтда Муҳаммад Шайбонийхон Мовароуннаҳрга хужум қилган ва Амударёдан жанубга ўтишни мўлжаллаб турган, Ироқ ва Шомдаги вазият ҳам ўта нотинч, йўллар эса ўта хатарли бўлган бир чоғда, улуғ шариат қонунларига кўра ҳам бундай вазиятда ҳажга бориш вожиб ҳисобланмайди. Биз фақирларнинг сиздан илтимосимиз шуки, яна бир марта хуросонликларнинг жонига ора кириб, бу йил ушбу сафарни амалга ошириш фикридан қайтсангиз ва ушбу эзгу ишнинг савобини пиёда амалга оширилган етмиш ҳажнинг савобидан ортиқ кўрсангиз.

Алишер Навоий дард жонини озорлаб турган бўлса-да, Ҳирий фозилларининг қадрдон чехраларига қараб, кулимсираб деди:

– Субҳоноллоҳ! Сиз менинг эл-юрт учун ҳар недан кечишимни яхши билиб туриб шундай қилибсиз. Мен хоксор, сиздай азизларнинг илтимосига қандай қилиб йўқ дея оламан?

Барчангизга, маълум ва равшанки, узоқ вақтдан ва анчагина муддатдан буён ушбу сафарни амалга ошириш борасидаги шу ўй миядан ва ушбу фикр кўнгилдан жой олган эди. Ҳар сафар имкониятга қараб ўша томонга йўл олишга ният қилинганида тенгсиз Соҳибқирон монелик қилардилар. Ҳозир ҳам ўта чиройли бир тарзда хажга боришимга рухсат берган, бу борада муборак йўл фармони ҳам чиқариб, ушбу сафар учун керакли нарсаларни тайёрлаш ва мулозимларнинг харажатларини таъминлаш учун катта миқдордаги маблағ сарфланган бўлса-да, ҳозир ўзимизнинг истагимизни сизнинг илтимосингиздан устун кўришнинг сира ўрни эмас. Қолаверса, «Мўминлар қалбига хурсандчилик киритиш бутун одамлар ва жинларнинг қилган ибодатидан яхшироқдир», деган ҳадисга асосланиб, сизнинг илтимосингизни ижобат этишга лойиқ деб топдик ва бандаларнинг манфаатини кўзлаб, бу сафар ҳам ушбу истагимиздан қайтдик. Бироқ, Аллоҳ таолонинг мен фақирни Маккадан ҳам олисроқ бир сафарга чорловчи фармони етиб келишидан ҳам кўрқмоқдаман.

– Ҳошо! Оллоҳ сақласин!

Навоийнинг бу сўзлари бир оз хавотир, ва ҳатто, бир оз башорат билан айтилган бўлса-да, барчанинг кўнгли ғоятда ийиб кетди. Улар қувонч ва шодлик билан уйларига қайтдилар, қайтадан шаъни улуғ Амирга бўлган ихлос камарини жон белига боғлаб, тилларига ул Ҳазрат ҳаққига айтиладиган дуолар ва мадҳу саноларни келтирдилар.

Пойтахт ва унинг шаҳару қишлоқларини Ҳазрат Навоий эл-юртни ўйлаб хаж сафаридан воз кечгани овозаси тутиб кетди. Эшитган кимки бор, олий хулқли бу зотнинг саховатидан ҳайратга тушар ва ҳаққига чин кўнгилдан дуолар қилар эдилар.

### **“МАҲБУБУ-Л-ҚУЛУБ”**

Тақдир тақозоси билан бир киши умр қайиғига чиқиб, ҳаёт дарёсига тушди. Гоҳ пўртаналар орасида қолди, гоҳ гирдобларга йўлиқди. Гоҳ шохлари сувгача эгилиб тушган қисмат оғочларининг неъматларидан

ризқланди, гоҳ қайиғи умидсизлик саёзликларига ботиб, чиқолмай қолди. Йўлида унга турли-туман бошқа сузувчилар рўпара келди, баъзилари хуш, баъзилари нохуш таассуротлар қолдиришди. Шундай бўлдики, урушларга ҳам кирди, киши қонини оқизди. Узоқ йиллар суза-суза, турли ишларга ва тақдирларга гувоҳ бўлди. Ўзи дарёга тушмасидан аввал рўй берган ишлардан ҳам хабар топди. Қайиқни ҳам, дарёни ҳам, ўзини-ю ўзгаларни ҳам яратган Зотнинг қудратини мушоҳада қилди, унинг ёдини сира унутмади ва ҳаёт ишларидан хулоса чиқарди.

Бу кўп йиллик сузишларда у мангулик тимсолларига айланган жон эгалари билан рўпара келди. Ҳазрати Сулаймон қошидаги чумоли, пайғамбарнинг содиқ хизматкори Ҳудҳуд уни дуо қилди. Тўрт бўлакка бўлиниб, бўлаклари тўрт тоғ устига қўйилган қушлар унинг қошига тирилиб учиб келишди. Шундай бўлдики, қаршисига Сомирий бузоғи чиқиб келди ва ёлғон ваъдаларни сўзлаб бўқирди. Ҳазрати Мусо билан Тур тоғига биргаллашиб саёҳат қилди, қуриган оғоч бағридан чиққан садони эшитди. Билимсизлик тоғу тошлари аро замзам зилолини излаб зир югурди, ниҳоят, Тангри таоло инояти билан қалбидан Замзам эмас, Кавсар булоғи қайнаб чиқди. Бундай ўхшатишларга давом этилаверса, сўз узаяди.

Жоҳиллик подшоҳлари Иброҳим Халилуллоҳни манжинаққа солиб оловга отиб юборган бўлсалар, тақдир қанчадан-қанча кишиларни ўзининг турли-туман ўйинларига дучор қилиб, ҳодиса ва фалокатлар оловига ҳануз отиб юбормоқда-ку? У дамда қаҳру ғазаб ва жаҳолат фиръавни ёнидан жой олгувчилар кимлару Иброҳим Халилуллоҳ қаторидан ўрин олгувчилар ким?

Ҳарорати кўкларга етган у аланга Тангри таоло қудратини намоён этишидан ташқари, ўша пайтда зоҳир бўлган кишиларнинг аслиятини ҳам ёритиб юбормадимми? Имон эгаларининг қийматини белгиламадимми? Яратганнинг синови шунчалар шиддатлими, ўз ҳабибини оловга отишларигача йўл қўйиб берди? Йўқ-йўқ, жоҳилларнинг кўзигагина шундай кўринди, аслида эса у олов Иброҳим алайҳиссалом учун салқинлик ва омонлик бўлди. Дарҳақиқат, баъзилар сира кўрмаслар. Кимлар учундир



тақдир ўт-алангалари салқинлик ва омонликка айланди, кимларнидир ноз-неъмат боғу бўстонлари жаҳаннам сари йўллади.

Шу сабабли олам аҳли икки фиркага бўлинди: диёнатлилар ва диёнатсизлар. Ер юзидаги барча ёмонликларнинг сабабчиси жаҳолат экани қайта-қайта намоён бўлди. Ёруғ оламда турли қавмлар яшаб ўтишди, “Ақл юритмайсизларми” қонунияти эса сира ўзгармасдан, мутлақ қолаверди! У сузувчи ўз сафари давомида инсонликнинг олий мартабасидан қуйи тушиб, ҳалокатга учраганларнинг бахти қоралигига ҳам, муборакликнинг энг юксак даражасига эришганларнинг саодатига ҳам шоҳид бўлди.

Шундай маъноларни ўзида жамлаган асарини Алишер Навоий “Маҳбубул-кулуб”, яъни “Кўнгилларнинг севгани” деб номлади. **“Аммо баъд, фуқаронинг гадоси ва ғаройиб мастураларининг чехракушони, фақирларнинг ҳақири Алишер, лақаби Навоий (Аллоҳ гуноҳларимни кечирсин ва айбларимни беркитсин!) шундоқ арз қилур”** деб битди у асар муқаддимасига.

\* \* \*

**“Аммо баъд, фуқаронинг гадоси ва ғаройиб мастураларининг чехракушони, фақирларнинг ҳақири Алишер, лақаби Навоий (Аллоҳ гуноҳларимни кечирсин ва айбларимни беркитсин!) шундоқ арз қилур ва адосини ўзига фарз билурким, бу хоксори паришон рўзгор ёшлик замонининг бошланишидан кексалик замонининг ниҳоятигача даврон воқеаларидан ва айланувчи фалак ҳодисаларидан ва даҳри дунёнинг фитначи буқаламунлигидан ва ранго-ранг замонамиз гуногунлигидан узок вақт ва аҳди йироқ ҳар нав бўлак жумбоқ ва суратда қадам урдим, ҳар турли кўриниш ва ҳолатларда югурдим ва ўзимни яхши-ёмоннинг хизмат ва суҳбатига еткурдим. Гоҳ мазаллат ва машаққат вайронида навха уриб йиғладим ва гоҳ иззату ғино бўстонида анжуман туздим.**

*Гоҳе топдим фалакдин нотаваонлиг,*

*Гоҳе кўрдим замондин комронлиг,*

*Басе иссиғ, совуз кўрдум замонда,  
Басе аччиғ, чучук тоттим жаҳонда.*

**Ифлос ва нотавонлик хангомида, яъни фалокат ва номуродлиғ айёмида гоҳ илм мадрасаларида сафлар пойгагида ер тутдим, гоҳ уламо мажлисида илм нуридан кўнгилни ёритдим. Гоҳ тақво масжидларида уларнинг қадами етган ерга юз кўйдум ва сажда касратидин манглайим терисини шилдим. Ва гоҳ сафо хонақоҳи аҳлининг идишига сув қуймоқ билан аржуманд бўлдим ва гоҳ фано дайри хайли соқийлигидан сарбаланд бўлдим. Ва гоҳ пасткашлар олдида хорлик ва гоҳ разиллар қаршисида безътиборлик кўрдим.**

**Ва гоҳ ишқ кўйида жасурлик ва одам ўлдирувчи паричехраларға ҳалоклик кўл берди. Ва гоҳ жунун маҳалласида разиллар бўйнимга шапалоқ урдилар ва болалар бошимға тош ёғдирдилар. Ва гоҳ шаҳрим эли ситамидан ғурбатга тушдим ва ғариб халойиққа қўшилдим ва қовушдим.**

**Ва тоғлар чўққиси оромгоҳим бўлди ва гоҳ сахро этаги паноҳим бўлди. Ва гоҳ ғурбатда алил – ингранувчи ва ғариб элга залил – хор бўлдим. Гоҳ бу шиддатлардан азми ватан қилдим. Ва гоҳ азизлар хизматидан ўзимни баҳраманд ва сўзимни дилписанд ва аржуманд топдим.**

*Гардун гаҳ манга жафоу дунлуқ қилди,  
Бахтим киби ҳар ишта забунлуқ қилди,  
Гаҳ ком сари раҳнамунлуқ қилди,  
Алқисса: басе буқаламунлуқ қилди.*

**Аммо машғуллик ва комронлик чоғида ва кўнгил мулки халқ хужуми булғоғида ва гоҳ амирлик мансабида ўтирдим ва ҳукм ва**

хукумат маҳкамасида арз-ҳол сўрадим, ва гоҳ подшоҳ ноиблигида яқинлик туздим ва тийрак назарли элга ўзимни комрон кўргуздум.

Ва гоҳ ҳурмат ва шараф, иззат ва сахийлик айвонини макон қилдим ва акобир ва шарафли кишиларни таъзим юзидан меҳмон қилдим. Ва гоҳ шодлик боғида базм тарҳи солдим ва соқий ва чолғучи базму садосидан баҳра олдим.

Ва гоҳ султонлар мухолафатларида орага кирдим ва низоларни мувофиқлашга қарор бердим. Гоҳ ҳарб маъракасига ўзимни солдим ва жаҳл ва нодонлик тухматини бўйнимга олдим. Ва гоҳ яхшилик аҳлига ўзумни қотгим ва ҳар навъ хайр ҳужраларини тузатгим, андоқки, саъйимдин работлар барпо бўлди ва андин мусофирларга иншоотлар бўлди.

*Димогима тушубон кўп тасаввуру пиндор,  
Ўзумни жоҳу улуглуққа айладим изҳор.*

Бу муқаддимотдан мақсад шуки, ҳар кўй ва кўчада югурибман ва олам аҳлидан ҳар нав элга ўзимни етқурибман ва яхши-ёмоннинг феълу хулқини билибман ва ёмону яхши хислатларин тажриба қилибман. Яхшилик ва ёмонликдан нўш ва ниш кўксумга етибдир ва хасис яра ва сахий жароҳат малҳамини кўнглим фаҳму идрок ила топибдир. Ва замон аҳлидин баёзи асҳоб ва даврон халқидан баъзи ахбобки, бу ҳоллардан хабарсиз ва кўнгиллари бу яхшилик ва ёмонликлардан асарсиздир.

*Не билгай ул кишиким, шаҳду майни тотмайдур,  
Ки, васлу ҳажр киби ул чучук дурур, бу ачиг.  
Билур залил мусофирки, пўя айларда,  
Қуму тўзонг юмиоғ, тоғу хорадур қатиг.*

Бу нав суҳбатдошларни ва дўстларни уйғотиш ва уларни бу нав холатдин огоҳ қилмоқ вожиб кўриндики, ҳар тоифа хислатларидан воқиф бўлишларига ва ҳар табақа аҳволини англашларига кўмак бўлгайки, муносиб эл хизматиға шитоб қилгайлар ва номуносиб эл суҳбатидан ўзларини четга олишни вожиб деб билгайлар ва бори эл билан махфий розларин сўзлашгайлар ва шайтонлару инсонларнинг макру фирибларига лаққа тушмагайлар. Ва ҳар нав эл суҳбат ва хусусиятики, уларга ҳавас бўлгай, бу фақирнинг тажрибаси уларға етарли бўлгай.

Чун бу битикларнинг қалбларга маҳбублиги маълум бўлди, унга «Маҳбубу-л-қулуб» деб от қўйилди. Ва бу битилган фойдаларнинг кайфияти шундай билиниб, уни уч қисм қилинди: биринчиси – турли тоифа одамларнинг феъл-атвори ва аҳволининг кайфияти, иккинчиси – мактовга сазовор феъллар ва бошқа хусусиятларнинг хосияти, учинчиси – бошқа фарқли фойдалар ва мисолларнинг кўриниши.

Умид улким, ўқигувчилар диққат ва эътибор кўзи билан назар солгайлар ва ҳар қайси ўз фаҳму идроклариға кўра баҳра олгайлар, битгувчига ҳам бир дуо билан баҳра еткургайлар ва руҳини ул дуо футуҳи била севинтиргайлар...”

Юрак тубларидан сизиб чиққан бу сўзлар бағрида видо оҳанглари сезилиб турганини ундан баҳраманд бўлувчилар дарҳол илғаб олурлар, албатта. “Одатда, кекса қулни озод қилурлар” ҳикматидаги қул бу гал дунё қамоғидаги кишини, озодлик эса Парвардигор марҳаматига қовушиш эканини билдирмоқда эди. Умр наҳрида суза-суза, гоҳ хатар ва ҳалокатларга, гоҳ кишини ютиб юборар наҳангларию илонларига, очофат балиқларига дуч кела-кела шунча йил сузган қайиқ дарғаси бундан бошқа қандай сўз айта олсин?

Шу боисдан, инсонларнинг фазилатлари ва нуқсонлари ҳақидаги фикрларнинг қаймоғи бўлмиш “Маҳбубу-л-қулуб” айна оҳангларда, шундай тилаклар билан хотима топди:

*Илоҳи, бу ажзоким, яхши-ёмон сифоти анда мазкурдур, мақбулу мардуд ҳолоти мастур, битгувчиси агарчи ёмонлардиндур ва яхшилардин эмас, аммо сендин яхшилик тамаъига ўзин ёмонлардин демас.*

*Илоҳи, ани яхшилар орасидин ҳавр этма ва ёмонлар хайлига қотма. Тилига келган била кўнглин содиқ тут ва қаламига ёзилгон била замирини мувофиқ тут. Ўзингдин ўзга сўзин кўнглидин чиқар. Ул ён тутким, санга етишгай ва ул йўлга юрутким, санга қоришгай. Тилига ўзунгдин ўзгани ёвутма ва кўнглини ўзунгдин ўзгага овутма. Кўнглини тасаллийи висолинг била овут ва кўзини тажсаллийи жамолинг била ёрут. Бу замири фарзандин кўзларга маҳбуб эт ва бу бағри пайвандин кўнгулларга марғуб эт.*

*Бу номаки, хомасига қилдинг мактуб,  
Қил аҳли қулуб оллида «Маҳбуби қулуб» .  
Эл айб топардин қилма маъюб.  
Ҳар ким ўқуса насиба этгил матлуб.*

*Бу номазаким, лисоним ўлди қойил,  
Килким тили ҳар навъ эл ишига ноқил.  
Тарихи чу хуш лафзидин ўлди ҳосил,  
Ҳар ким ўқуса, илоҳи, ўлгай хушидил<sup>1</sup>.*

### **МАНГУЛИК АЗИМАТИ**

Хуросон узра қиш бахтиёрийси<sup>2</sup> чалинди.

У энди ёруғ оламга хос бўлган гўдаклик, ёшлик ёки киборлик паллаларидан эмас, тамомила ўзга – мангулик диёрларидан хабар бермоқда эди.

Шу кун Андхўй булутлари сурилиб келдилару Ҳирий узра кетмасдан туриб қолдилар. Шундан сўнг фалак ҳудайчиси оламлар Парвардигорининг ҳукмини ўқиб жар солди.

Гўё осмон узра кўзларга кўринмас ажал суворийлари етиб келишди. Тангри таолонинг жон олғувчи фаришталари ҳозир нозир бўлиб, “Эй

<sup>1</sup> Навоий таърих санъатини қўллаб, ушбу асарнинг ёзилиши санасидан хабар бермоқда. Абжсад ҳисобига кўра, “хуш” сўзи ҳижрий 906, милодий 1501-йилга тўғри келади.

<sup>2</sup> Мунгли оҳангдаги халқ қўшиғи.

хотиржам сокин жон! Сен рози бўлган ва рози бўлинган ҳолда жаннатимга кир” оятини ўқишди. Гўё “Қилиб ўтган ишларингнинг ҳар бири, айтган сўзларингу тутумларинг ҳар лаҳзасига қадар номаи аъмолингга битилди. Умрим яна бир оз давом этсайди, яна бир қанча эзгу ишларни қила олсайдим, деб ўкинмагин. Ёруғ оламдаги умринг тамом бўлди, қиёмат диёрига кетишга тайёрлан. Фурсатинг жуда оз, ҳаётингни сарҳисоб қил, Парвардигоринг хузурига жўнаш пайтинг яқинлашди!” дейишарди.

Ғозий султон Ҳусайн 906-йил, жумодул-аввал ойининг охирларида Астробод юришидан пойтахт сари қайтди. Бу хабар Ҳиротга етиб келгач, ҳазрат Алишер Навоий бир қанча ҳамроҳлари билан бирга султонни кутиб олиш учун йўлга чиқди. Жумодул-охир ойининг иккинчи куни<sup>1</sup> у киши Париён работига тушиб, кечани шу ерда ўтказди.

Тонг отганида Ҳазрат Навоий работ ҳовлисига тушди. Қиров-булдуруқлар дарахтларнинг эгик шохлари-ю новдаларида нуқрадай терилиб қолибди. Умр киши ҳам одамнинг соч-соқолида шундай кумуш булдуруқлар пайдо қилади. Навоий ҳовлини бир оз айланиб, айвонга ўтди. Айвон деворига турли шеърлар осиб кетилган экан.

Навоий асосига таяна-таяна яқин борганида, кўзи биринчи бўлиб муаллифи номаълум бир қитъага тушди. Унинг мазмуни шундай эди:

**“Бу пайтда барча табиблар ожиз қолдилар. Одам Тангри қазосига қарши нима ҳам қила оларди? Дарахтнинг томир шохлари танадаги ҳаракатдан узилганида Афлотуннинг оёғи ожизлик лойига ботиб кетди. Соғлиқ ёмонлашиш томон юз бурганида, Абу Алининг кўлидаги «Қонун» ҳам ёрдам беролмади...”**

Ҳазрат Навоий бу битикларни ўқиб, ёнидаги амир Шаҳобиддинга қайғу билан деди:

– Ҳа, тўғри, ҳар қандай киши бир куни у дунёга равона бўлади. Яратгувчининг тириклик ва ўлим борасида белгилаган тақдирини ким ҳам ўзгартира оларди?

---

<sup>1</sup> 1501-йилнинг 2-январь куни.

Қандли сут ва Кўсавия қасабаси кишилари ёпадиган қозонсимон иссиқ нон билан нонушта қилинган, у ердан чиқилиб, Поёб работига юрилди. Пайшанба куни кечаси Мавлоно Вайс муборак ўрдугоҳдан бу ерга етиб келиб, Султон Ҳусайн шу кеча Амиршоҳ работига кўнганини, эртага эрталаб у ердан жўнашини айтди.

Эртасига бомдодни эртароқ адо этиб, ўша заҳоти йўлга отланишди.

Бир тошга яқин масофа босиб ўтилган, Султон Ҳусайннинг улуғлик ва ҳашамат билан безалган тахтиравони кўзга ташланди. Ажабки, теварак манзаралари мунграйиб, бу ишлар тушдагидай рўй бераётгандай, ўз воқелигини йўқотгандай туюларди.

Ҳазрат Навоий шу дамда бирданига боши айланиб, кўз олди тинганидан хавотирланиб, амир Шаҳобиддинга деди:

– Менга кўз-қулоқ бўлиб турунг, ҳолим ёмонлашмоқда.

Ва ғалати бир шошқинлик ичра, бўйсунмай қўя бошлаган тили ҳамда тобора заифлашиб бораётган овози билан, қайта-қайта “Ашҳаду анла илаҳа иллоллоҳу ва ашҳаду анна муҳаммадан абдуҳу ва росулуҳу” деб такрорлай бошлади.

Бу орада султон Ҳусайн тахтиравони яқинлашиб қолган эди. Ҳазрат Навоий дўсти билан кўришиш учун отдан тушди, бироқ, ҳолсизлиги туфайли Амир Шаҳобиддин ва мавлоно Жалолиддин Қосим унинг икки қўлтиғидан тутиб туришарди.

Султон Ҳусайн ҳам ҳазрат билан кўришиш учун тахтиравондан тушди. Икки киши икки қўлтиғидан суяб, уни Султон Ҳусайн қошига еткурдилар. Ҳазратнинг ҳоли шунчалар эдики, аранг етиб, султон елкасига бош қўйган онда ҳушини йўқотди. Икки дўст – болалик онларидан бери ҳамдаму ҳамнафас, турмушнинг аччиқ-чучукларини бирга тотган биродарлар шу тариқа сўнг бор бир-бирларига бағир очдилар.

Султон Ҳусайн Навоийга ҳар қанча савол берса-да, жавоб қила олмас эди. У зот чалинган ўша касаллик фалажга айланиб, олий насабли Алишер Навоий ҳаракатдан ва тилдан қолди.

Хизматкорлар ва мулозимлар Ҳазратни тахтиравонга ётқизиб, улуғлар билан бирга шаҳарга қайтдилар.

Йўлда кетилар экан, Мавлоно Низомиддин Абдулхай ва Мавлоно Шамсиддин Муҳаммад Гилоний маслаҳатлашиб, у кишининг томирларидан кон олишди, бироқ бу иш ҳеч қандай фойда бермади. Гўё фалак шоири табибларга қарата шундай шеър ўқиди: **“Уринма, эй табиб, бу ишнинг вақти ўтди!”**

Шундан сўнг мулозимлар диллари ғам-андухга тўлиб ва кўзларидан ёшлар тўкиб, Ҳазрат ётган тахтиравон ўрнатилган туяни олдинга ҳайдашди ҳамда қайғу ва ҳасрат карвонлари билан бирга, шаҳарга йўл олишди. Ҳар бир ҳаракатнинг энг юқори нуқтаси тўхталишдир, ҳар бир яратилувчи нарсанинг охири эса йўқолишдир. Шоир айтгани каби: **“Эй кўнгил, тўнтарилган фалак зотида тўхталиш йўқ экан, одам қандай қилиб унда тўхтаб тура олсин?”**

Шундай қилиб, жума кечаси ярим тунда эзгулик биноларининг курувчиси ҳазрат Алишер Навоийни ўзларининг муборак уйларига етказдилар. Эрталаб эса Ҳирийнинг аксарият табиблари ул ҳазратнинг бошларига тўпланишди. Бироқ ушбу табиблар у кишини даволаш ва муолажа қилишга қанчалик уринишмасин ва куч-ғайрат сарфлашмасин, Алишер Навоий аҳволида яхшиланиш ва тузалиш юз бермади, балки касаллик зўрайгандан зўрайиб, оғирлашгандан оғирлашиб бораверди.

Ўша куни Соҳибқирон Султон шаҳарга етиб келиб, Алишер Навоийга бўлган чексиз муҳаббати туфайли «Боғи Жаҳоноро»га бормасдан, улуғворлик ва шукуҳ намунаси бўлган Амирни кўргани шошилдилар. Ҳазратнинг касалликлари бениҳоя даражада зўрайгани ва аҳволлари ўта оғирлашганини кўргач, ўпкалари тўлиб, кўзларига ёш келди-да, бир олам ғам-қайғуга чўмган ҳолда боғ томон йўл олдилар. Бироқ ҳар лаҳзада одам жўнатиб, азиз дўстининг аҳволини сўраб турар, қайғу ва изтиробнинг зўрлигидан бир лаҳза бўлса-да, истироҳат тўшагида ором олмасди.



Шанба куни ҳам Алишер Навоийнинг аҳволида ўзгариш юз бермади, балки вақт ўтган сайин танадаги дармонсизлик кучайиб, касаллик зўрайиб борди.

Ниҳоят, шу ойнинг ўн иккинчисида, якшанба куни эрталаб<sup>1</sup> Ҳақ таолонинг «Қайтгин» деган чорловига «Амрингга бўйсунаман» деб жавоб бериб, боқийлик негизини жон олувчи фариштанинг ихтиёрига топширди ва тириклик гулшани булбулини юқори олам боғларига жўнатди. У кишининг азиз руҳи тан ғилофидан зилолдай оқиб чиқди. Уни тоза ва нафис матоларга ўраб, кўк тоқига кўтардилар.

Йўлда учраган малоикалар “Бу гўзал ва пок руҳ кимнинг руҳи?” деб сўрар эдилар.

Фаришталар “Ғиёсиддинбек ўғли Алишер” деб жавоб қилишарди.

Шу тариқа, ҳазрат Алишер Навоий Ҳақ раҳматига қовушди.

### **ХОТИМА**

Хуросон мотамга бурканди.

Мадрасаи Биллурийда мунодий – яъни, бир нидо қилувчи зот баланд ерга чиқиб, қаттиқ овоз билан “Хамса”дан Фарҳоднинг нидосини ўқирди:

*Аномга бу хабардин тушса ошўб,*

*Ғамимдин хора узра бўлса сарқўб.*

*Жаҳонга ўт солиб завгоси ҳар ён,*

*Етардек бўлса вовайлоси ҳар ён.*

*Бу ваҳшийга хитоб этса «Кўзим» деб,*

*Бу бекасни соғинса «Ёлғузим» деб.*

*Анингдек бўлса шўру изтироби,*

---

<sup>1</sup> 1501 йилнинг 3-январи.

*Ки, бўлса бартараф бурқаб ҳижоби.*

*Қилибон ёд ғампарвардасидин,*

*Югурса, чиқса тўққуз пардасидин.*

Не ажабки, жаҳолат ва адолатсизлик, зулм ва кибр тоғини тешиб имон ва инсоф зилолини чиқазган, маъни соҳибжамолига ошуфта бўлиб, ниҳоят, қора тупроққа қоришган зот энди ҳазрат Навоийнинг ўзи эди:

*Добон «Эй риштаи жонимга пайванд»,*

*Узорин айласа парканд-парканд.*

*Сочидин бўлса юлмоқ бирла маҳжур,*

*Ки, Чинда бўлса мушк ўрнида кофур.*

*Дамимдин дуд олиб кетгайсен охир,*

*Халойиққа ҳижоб этгайсен охир.*

*Дегайсен: «Эй, юзунг руҳум гизоси,*

*Изинг гарди кўзумнинг тўтиёси.*

*Манга бас эрди бу дарди ғамандуд,*

*Ки, то Тангри вужудум қилди мавжуд.*

*Буким сен беҳад эрдинг орзуманд,*

*Ки, бўлгай мунисинг бир турфа фарзанд.*

Шу ерга етганида мунодийнинг овозида йиғи оҳанглари сезила бошлади:

*Ғамимдин бўлмадинг бир лаҳза дилхуш,*

*Ҳамиша бор эдинг зору мушавваш.*

*Гар атфол этса майли сабзау боғ,  
Кичикдин эрди қисмим дард ила доғ.*

*Менинг дардимга қолиб жисми зоринг,  
Менинг доғимдин ўртанмак шиоринг.*

*Тилаб ёқут, лахти хора топтинг,  
Тилаб хуршед, оташпора топтинг.*

*Улуг бўлгон сойи бечора бўлдум,  
Диёру мулкдин овора бўлдум.*

*Манга оворалиғ то чарх берди,  
Фироқимдин ишинг ўртанмак эрди.*

*Бас эрмас эрди умре куймакинг бас,  
Куюб-куюб, кул ўлдунг уйлаким хас.*

*Бу хусрон баски, чун гам руди туздум,  
Сиришким селидин Каъбамни буздум.*

*Буким мен-мен, манга ўлмак дағи ҳайф,  
Улус аҳволима кулмак дағи ҳайф...*

Муни эшитган халойиқ юм-юм йиғлаб, Навоий ҳаққига дуолар қилар эдилар.

“Ихлосия”да бошқа бир мунодий кўзёшлари соқолига тома-тома “Муножот”ни ўқирди.

Пешовар сангойилари, Зобулистон гилзойилари ҳам шунда эдилар.  
“Сахар ховар шаҳи чарх узраким хайли ҳашам чекти” ғазалини ўқир эдилар:

*Қазо фарроши чекти субҳнинг сиймин супургисин,  
Музаҳҳаб парларин андоққи товуси ҳарам чекти...*

Ҳа, казо фарроши субҳнинг сиймин супургисин чекиб, музаҳҳаб парларини ҳарам товуси каби урди.

*Китоба сунъ килки сураи ваиш-шамс тафсирин,  
Фалак тоқи ҳавошисида зарҳалдин рақам чекти.*

Не тонгки, айни вақтда “Ваш-шамс” ҳам ўқилмоқда эди:

“Қуёш ва унинг шуъласига, унинг ортидан келган Ойга, у ёритган кунга, уни ўраб олган тунга; осмонларга ва уни тиклаганга, Ерга ва уни ёйганга, нафсга ва уни мукаммал қилганга; унга гуноҳ ва тақвони билдирганга қасамки, Уни поклаган муродига етди...”

Нурлар муаззини Каъба кунгуралари узра гулбонги самад ургани каби, бу тонг ҳам “Унсия”, “Ихлосия”, “Шифоия”, “Қадрия” устини зийнатлар, ҳатто тикбош ва сўз тингламас Кандаҳор пашожийлари ҳам юзларини тирнаб, ўзларини урмоқда эдилар:

*Яқо чок этти гоҳи субҳ ул мотамга ким ошиқ,  
Бу муҳлик шомии ҳижрон ичра юз хуноби гам чекти.*

*Бўлуб матлуб рухсорига маҳв жомидин сармаст,  
Юзин туфроқга қўйди, бошини оллига ҳам чекти.*

Мунча мотамсароликларга сабаб бўлмиш у зот эса Ҳақ раҳматига ковушган, мавж-мавж дуолару фавж-фавж нурлар оғушида хоксорлиги ва

киборлиги, ранжидалиги ва олиймақомлиги ила, ўзи шоён орзу қилган юксак мақомга – оламлар сарвари Расулulloҳнинг азиз дийдорига етишган каби, сокин ётарди:

*Не давлатдурки бу ҳолатда андоқ борди ўздинким,  
Бақо иқлимидин рахтини то мулки адам чекти.*

*Навоий, шояд ул раҳравга бу мақсад насиб ўлғай,  
Ким ул дашти фано қатъ этгали йиллар қадам чекти...*

– Ҳой мусулмонлар! – деб нидо қиларди биров. – Миллат қуёши, сирожул-муслимин, қуддуса-сирруху Низомиддин Мир Алишер Навоийни дуо қилинг! Нур ичида ётсин, мақоми фирдавси аъло, тахти ҳавзи Кавсар бўлсин!

– Миллат дема, инсоният қуёши эдилар! Эй воҳ, бундай зот минг йилда бир келгай, ё келмагай!

– Ҳой эл, сени Тангри ёрлақасин! Дунё тургунча тур, сира бош эгма! Шундай кишиларни бағридан етиштириб чиқарган экан, яна ва яна чиқармоғини Худодан тила!

Кексайиб қолган мавлоно Тоёбодий кўзидан ёшлари оқа-оқа, ичидан селдай тошиб келган изтиробини тўса олмай, ёнида турган мавлоно Ғиёсиддин Хондамирга деди:

– Ҳай аттанг! Не орзулар қилиб эдилар-а!

Мавлоно Ғиёсиддин бу сўзни тушунмай, устозига ажабланиб қараб қолган эди, мавлоно Тоёбодий салласининг учи билан мижжаларини артиб, ўкинч билан яна такрорлади:

– Не орзулар қилиб эдилар-а! Йигитлик чоғидаёқ тақдир Самарқандга отиб юборди, ота-онасидан, жигарларидан айирди. Султон Хусайн салтанат бошига келганидан сўнг, юртни тўқис, элни илмли қиламан деб хўб ғайрат кўрсатдилар, бироқ, истагани бўлмади. Инсонларни бахтли-саодатли кўрай

деб, азиз умрларини сарфлаб юбордилар. Ҳаётларининг сўнгида ҳажга бормокни орзуладилар, лекин, у орзу ҳам ушалмади... Шу сабабли, абётларида элдан дуо ўтинавёрдилар. Илоҳо, Тангри таоло руҳини ўзининг файзли даргоҳларида сайр қилдирсин, фирдавсда Расули акрам соллоллоҳу алайҳи васалламнинг ёнларидан жой берсин!..

\* \* \*

Ҳирий кишнинг нуқра чаманзорларига бурканди.

Қай вилоят бўлмасин, эшитганлар бир муддат каловланиб қолишар, ғам-қайғуга чўмиб, марҳум ҳаққига дуолар қилишарди.

Шеърү ғазал, байту достон, девон масжид кабидир. Андоқким, кишилар масжидга ўз оёқлари билан келсалар, абёт уларнинг қалбларига ўзи кириб боргайдир. Гишту лойдан қурилган иморатлар вақти келиб нурагай, бироқ, илму урфон ва абёт мақбаралари ҳеч бузилмагайдир. Табриздан Румга, Самарқанддан Хўтанга қадар поёнсиз жўғрофиялардаги сон-саноксиз кишилар ҳузурига ўзи етиб боргай, эл хизматида бўлгай ва улуслар қалбида ҳар доим барқ уриб кўкариб, яшнагайдир.

– Эй воҳ! – деди ўсиқ қошли, қиррабурун бир панжобий. – Ул кишини ҳар ким севар, бошида кўтарар эди. Ана, тагин бошида кўтариб кетмоқда.

– Салтанатнинг ақлу заковати эдилар, – деб қўшимча қилди шериги. – Ақл кетгач, қилич ҳоли не бўларди?

Соҳибқирон Султон Ҳусайн ва подшоҳликнинг ҳарам аҳлидан бир неча киши ўша куни “Унсия”га ташриф буюриб, улуғлик курсисидан мотам гиламига ўтирдилар-да, йиғи-сиғи ва нола-фиғон бошладилар ва дафн маросимини саййид ул-мурсалин суннатига мувофиқ ўтказдилар. Зафар ёр бўлган Соҳибқирон, шукуҳ ва ҳашамат намунаси бўлган амирлар, ислом машойихлари, улуғ саййидлар, олимлар, фозиллар ва барча халқ мағфират ёр бўлган ул зот жасади билан биргаликда хиёбон томон юрдилар.

Барчанинг ўтли оҳи эндигина давлатга эришган хасисларнинг манманлик ва кибр байроғи каби осмонга етди. Юракнинг ғам ва қайғудан сув бўлган кони кўз орқали бахтиқаро етимларнинг кўз ёшларидек дам-бадам тупроққа

юмалаб тушарди. Шу пайт ҳавонинг кўзлари шоҳу гадонинг кўнглидагиларга мувофиқ равишда ёш томчиларини ёғдирди. Гўзаллик ва хушбўйлик булути томчилари эса Арш баробар улуғликка эга бўлган ул зот жасадининг у ер-бу ерига тушиб турарди.

Ҳирот ийдгоҳида ўзидан баракалар сочувчи бўлган ул зотнинг жаноза намозлари ўқилди. Сўнгра ўзларининг жоме масжидлари ёнида шу мақсадда қурилган гумбаз остига олиб келиб, дафн қилдилар. Гўё фалак шоири нидо қилдики: **“Эй тупрок, бағрингда нима борлигини қаердан ҳам билардинг?”**

Ўша кечаси кўплаб улуғ саййидлар ва олимлар ул ҳазратнинг файзли қабрлари бошида бедор ўтириб чиқишди, илоҳий калом ҳофизлари тонггача тиловат билан машғул бўлиб, бир лаҳза ҳам мижжа қоқмадилар.

Эртаси куни куёш подшоҳи азадорлар каби осмоннинг кўк кийимини кийиб, юлдузлар тўдаси одамларнинг кўз ёши каби тўкилиб кетгач, вафодор Соҳибқирон ҳам мағфират йўлида бўлган Мир Алишер Навоийнинг уйида азадорлик ўрнини эгаллади. Салтанат пойтахти Ҳиротнинг улуғлари ва асилзодалари ул зотнинг ҳузурларига келиб, кўнгил сўраш расмини бажо келтирдилар.

Ўша куни Ҳирот шаҳрининг аксарият масжидларида аҳолининг турли табақалари ва тоифалари вакиллари мотам гиламига ўтириб, ул олиймақом зотнинг руҳлари шод бўлиши учун барча нарсани билгувчи Зотнинг каломини хатм қилдилар.

Соҳибқирон Султон учинчи кунгача кўнгил аҳли пешвоси бўлган ул зотнинг уйида туриб, кўнгил сўраб келганларга таомлар тортиш ҳамда буюклик ва эзгулик Соҳибининг каломини хатм этишни буюрдилар. Чундан сўнг ул Ҳазратнинг ўзидан нур таратиб турувчи қабри бошига келиб, зиёрат расм-русумларини адо этдилар.

\* \* \*

Ўлим хабари Машҳадга ҳам етиб борди. У ернинг кишилари Имом Ризо мадрасасига тўпланишган, Қуръон тиловат қилиб, савобини марҳумга

бағишлар эдилар. Машҳад не, Тафту Табриз, Шерозу Язд, Хуросону Кобул, Самарқанду Ширвонда ҳам халқ ғойибона дуо учун тўпланди. Қора соқолли ёшгина қори йигит “Қуёш ўралиб қолганида, юлдузлар ҳам тўкилганида” оятини ўқирди.

Ғаройиби Ламғонда рўй берди: содда ламғонийлар ғойиби дуога оғизларида ўт тишлаб келишди. Бу билан Тангри таоло иродаси қаршисида ожизликларини кўрсатиб, “Биз сенинг қўйларинг кабимиз” демоқ истардилар.

Шероз шайхулисломи Ҳирийда таҳсил олган киши эди. Жума ваъзи маҳалида Ҳирийнинг улуғ авлиёларидан бири, Низомиддин Мир Алишер Навоий Ҳақ раҳматига қовушганини айтиб, илоҳий неъмат дея иззатланган ғазалларидан бирини ўқиди ва жумла халойиқдан ҳаққиға дуо қилишини ўтинди.

Жума намозидан қайтган тик қадли, оқ юзли йигит ички ҳовлиға кирганида, йиллар ўта-ўта қартайган мушфиқ онаизори устиға қора бурқаё кийиб, яшил хол-хол рўмол ўраб, чалпаксимон нонларға емак ўраб, уни кутиб турган экан. Ёлғизи, кўзининг оқу қораси кириб келганиға суюниб, гирдикапалак бўлиб олдиға суфра тузади, шарбат келтирди.

– Бу кун бир гап эшитдим, – деди ўғли, маза қилиб онаси тутқазган таомни ер экан. – Хуросонни кўп гапирар эдингиз, ўша ёқдан бир хабар келибди. У ерда Алишер Навоий деган бир авлиё бор экан, оламдан ўтибди...

Онасининг ранги бирданиға оқариб кетганини, қўлидаги коса ерга тушиб синганини кўриб, ҳанг-манг бўлиб:

– Она? – дея сакраб туриб, қўлларини тутди. – Жоним онам, сизға не бўлди?

– Алишер дедингми? – ҳолсиз пичирлади онаизорнинг қонсиз дудоклари.  
– Алишер Навоий дедингми?

– Ҳа, она, нима бўпти?

– Вой, Алишерим... Вой, кичик бегим... – дея ўғлининг қўлиға шилқ этиб тушди.



Бу шўрлик хотин – жория Қутб эди.

Кўп йиллар аввал, Гиёсиддинбек ила тағойилар шаҳид бўлиб, сеvimли бекаси ғам-алам ўтида ҳалок бўлгач, яхши кишилар кўмагида Хирийдан қочган карвонга қўшилиб ўз юртига келган ва қавму қариндошини топган, бир тужжорга эрга тегиб шу ўғлини тукқан, исмини ҳам Алишер қўйган эди. Хожаси сафавийларнинг ўзаро ихтилофларида шаҳид кетгач, бир амаллаб кун ўтказар экан, бот-бот сутдай оқ юзли, ўйчан тиниқ нигоҳли Алишерини кўмсар, билгани – меҳру муҳаббат қўйган суюклиси Хирийда, султон Ҳусайн даргоҳида юксак мартабаларга ноил бўлгани-ю эл таниган бениҳоя ҳурматли шоир бўлиб етишгани эди, холос. Заифа боши билан бозорга чиққанларида хуросонийларни кўриб қолса, ҳар доим ўша кўзининг оқу қорасини сўраб-суриштирарди...

Қутб зор-зор йиғлаб, ўз одатига кўра бир йил мотам тутди. “Алишерим” дея бўзларди. Фарёди фалакка сиғмай кетарди. Гоҳ қўлларини ҳаволатиб, гоҳ юзларини тирнаб-тирнаб, гиря айтиб айланарди. Кўз ёшлари нуқра каби сочилар, улар эса қуёш ниҳон бўлгач пайдо бўладиган юлдузларга ўхшарди:

*Оразин ёпқач кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш,*

*Ўйлаким, пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлгач қуёш...*

\* \* \*

Қиш **Мовароуннаҳрга** қиличини янада қайраб келди. Кўз етмас уфқларга қадар ясланган дашт қалин қиров-булдуруқлар билан қопланди.

Шайбонийхон Ҳисор сари юрган, Боло Ҳисор яқинига чодир тиккан эди. Устига туғ тикилган катта оқ ўтовдан ҳам, бошқа кичикроқларидан ҳам тутун кўкка ўрлар, қалин уст-бош кийган аскар отларига қарар, бир ёнда катта қозонларда таом пишарди.

Баланд бўйли, миқти гавдали, пўстин кийиб олган киши тез-тез юриб ўтов ичкарасига кирди. Ортидан келган беклар ҳам унинг изидан эргашишди. Ўтов ичи ўтгиз-қирқ киши бемалол сиғадиган даражада кенг эди.

Мева-шарбат келтирилди.

Бошқалар тик турар эдилар. “Ўтирингиз” деган амр бўлгач, барча биринкетин тўшакларга ўтирди.

– Хуросонга юриш қилгаймиз! – деди Муҳаммад Шайбонийхон. – Улус улуғлари дуо бердилар.

– Бош устига, хоқоним! – деди қоровулбеги. – Аммо, у ёқдан икки киши келибди. Тун қоронғусида етишиб эдилар. Қабулингизни истайдилар.

– Ким эмиш?

– Бири навкар эмиш, оти Қора Мўғул. Ҳоли анчайин хароб, черикка кўшилмоқни тилайдир.

– Қандай навкар экан, мен билан сўзлашадиган? Синаб, тафтиш қилинг, дуруст эса черикка олинг. Иккинчиси киммиш?

– Ўзини шоир Биноий деб айтди. Хизматингизда юриб, “Шайбонийнома” деган достон ёзмоқчи эмиш. Аммо нохуш хабар ила келгани учун узр сўраб, омонлиқ истади.

– Не нохуш хабар экан?

– Низомиддин Мир Алишер Навоий Ҳирийда бандалиқни бажо келтирибди.

Шайбонийхон ўрнидан туриб кетди.

– Ҳай Оллоҳ! Ҳай Оллоҳ!

– Эй воҳ! – деди сўнг, сийрак сочли бошини қуйи эгиб. – Турк эли бошига келган энг қаттиқ мусибат мана шу бўлмиш. Мен Хуросонни Навоий бўлгани сабабли босмагай эдим.

– Мусибатнинг сопол тошлари улус бошига ёғилибди, – деди Шайбонийхон, қайғуда. – Мундин сўнгра бу эл бошига ундай зот ё келгай, ё келмагай. Ҳай Оллоҳ!

– Биноийни не буюргайсиз? – деб сўради қоровулбеги.

– Яхши шоир деб эшитганман. Юраберсин, – деди Шайбонийхон. – Черикка маълум қилинг, Хуросон юришига ҳозирлик кўрилсин!

\* \* \*

Азизу жонажон Ҳирий етти кун мотам тутди.

Султон Ҳусайн Навоийнинг иззат-эҳтироми учун мақбара барпо қилишни буюрди. Меъморлару усталар зўр иштиёқ ва меҳр-муҳаббат ила ишлашди. Ажабки, ҳеч ким ҳақ олмоқни истамас эди.

Бир кўркам, Навоийнинг ўзи сингари улуғвор мақбара бунёд бўлди. Султон Ҳусайн бир неча кун тонг саҳар келиб, унинг теграсини супуриб-сидирди. Сўнг мақбара қошида ўтириб, руҳига дуолар қилди.

Наққош Мирийнинг шогирди Абдуллоҳ эса бу маҳал Кобул яшма тошига урина-урина нақш битар эди. Ниҳоят, юксак хулқли, адолат ойинаси, меҳру шафқат манбаи, инсоният куёши ҳазрат Алишер Навоий дафн этилган Мусалло майдонининг ўнг тарафидаги мақбара пештоқига куфий хатидаги Тангри оятларидан куйида, ўзга ёзувга ўрин қолдирилмаган тарзда, шоир ёқтирадиган хатти настаълиқда шундай мисралар битилган лавҳ осиб кўйилди:

*Илоҳи, чун ҳар не қилинур – сенга тақдирдур, қилгувчига қилмоқта не тадбирдур.*

*Илоҳи, тақдир қилганингни қилурга не ихтиёр, қилмасман демоққа кимнинг ҳадди бор.*

*Илоҳи, агарчи залолатқа тушибман, аммо ҳидоятингга талабгорман ва агарчи тамуз<sup>1</sup> ўтига тушгали ёвушибман, аммо раҳматингдин умидворман.*

*Илоҳи, кўнглимни дарду шавқинг муҳаббати била овут ва кўзимни надомат ашки селоби била равшан тут.*

*Илоҳи, тилимни неъматини беқийёсингга шокир айла ва кўнглимни ҳамду сипосингга зокир айла.*

*Илоҳи, қаламимга ҳамдинг рақамига машғуллик бер ва рақамимга халойиқ кўнглига мақбуллик бер.*

---

<sup>1</sup>Тамуз – жаҳаннам.

*Илоҳи, замиримга худписандликни ёвутма ва хотиримни эл нафъи айбжўлигига тутма.*

*Илоҳи, хаёлимни ниёзу дард аҳлига мойил тут ва ниёзим кўзин дардмандлар аёғи туфроғи била ёрут.*

*Илоҳи, подшоҳи Исломни муслимин бошига тутқил бардавом, яъни бандаларнинг устига кўланкангни қил мустадом, то шоҳу гадога дуоғўйлик қилмиш бўлгаймен, вассалом...*

2016–2020

## АЛИШЕР НАВОИЙ

*роман*

### БИРИНЧИ ҚИСМ ҒАРОЙИБУ-С-СИҒАР

#### *Муқаддима*

Ҳирируд<sup>1</sup> ёқасидаги ўланглар кўз етгунча баҳор нақшлари билан ҳайратомуз безалган эди.

Ҳайрат боиси шуки, у безаклар жонли эдилар. Елларда майин чайқалган қизғалдоқлар кўзга яққол ташлангани билан, аслида бу ерда нималар йўқ дейсиз? Тиғиз ўтлоқ узра елган еллар забтида ўйнаган яшил қаболи, қирмизи дасторли ёш толибларга ўхшаб кетувчи қизғалдоқлар қаторида оқ шойи гулларини ёзган печаклар, силлиқ узун баргли ёввойи арпа, кўк гул очган йўнғичқа, ҳар ер-ҳар ерда ғуж ўсган беор ажриқлар, узун пояси эгилиб қолган курмаклар, катта япроқлари солланган бангидевоналар аро яна ўзга тур тириклик барқ уриб, ҳашаротлар визиллаб, ниначилар учиб юради. Ўргимчак гул **шохчалари** орасига тўр тўқибди, кумуш толаси йилтирайди. Бу ажойиб маъвонинг ўз саслари бор бўлиб, уларга пастликда оқаётган дарё шовуллаши ҳам қўшилиб, юзлаб чолғучилар чалаётган тириклик ва ҳаёт мусиқасини ҳосил қиларди.

Бу маъвода ҳеч ким ўзининг не эканини билмайди. Бироқ ўз тириклигидан, теварагидаги ҳаёт жўшқинликларидан ҳайрон-ҳайрон туради.

---

<sup>1</sup> *Ҳирот дарёси*

Барчаси ўзларида рўй бераётган ўзгаришларга ажабланиб, Оламлар Парвардигорига шу тириклик учун сўнгсиз шукроналар айтишади.

Майсалар бир-бири билан томирлари орқали сўзлашишади. Ер остида ўзаро чатишган минглаб оқиш томирчалар ўт-ўлану гиёҳларнинг сўзлашув толаларидир. Тупроқ аро шунчалар кўп неъмат тўпланганки, томирлар у кувватни сўриб олиб, новдалари кучга тўлаётганида, ўзи тун ўтиб сал ўсиб колганида масрурликдан шодланади. Бу ўсиш-улғайиш яна бир улуг ҳодисага тайёргарлик экани уни маст қилади.

Бениҳоя юксак осмон остидаги шу маконда еллар эсиб, боларилар визиллаб айланишади. Улар учун ҳосил қилинган йўлларда оғишмасдан парвоз қилишади, ўз борлиқлари билан инсон болаларига яшаш тамойилларини кўрсатишади

Куёш янада қиздиради, туғёнлар фасли юз кўрсатади.

Туғёнлар фаслида шамол барча гулчангларни учириб, кўзга кўринмас тўфон ҳосил қилади. У гулчанглар етиб келган бошқа майсаларда мисли кўрилмаган жўшиш содир бўлади. Ер остию устида ғалаён юз беради. Улуг чангланиш жараёни шундай рўй бергач, ҳар бири ўзининг гулларини очиб юборади. Тикан кўк тиғиз гул очиб, Тангрига ҳамду сано айтади. Ажрик кўкиш, тарам-тарам шокила бўлиб гуллайди. Курмак узун бош чиқаради. Момақаймоқ укпарини сочади. Печакдай безори ҳам чирмовуғини узунасига ташлаб, ҳар бўғимида биттадан оқ-сарик дасторли маддох пайдо қилиб кўяди. Беда эса ундай маддохларни ғужлаб тизади. Буларнинг бари ифор таратади, у ифор ҳам чечак ибодатидир. У онда гиёҳ ўзининг умридан, мавжудлигидан рози бўлади, шу дамларга етгани учун яратганга мақтовлар айтади, шу ҳайратлару завқларни кўрсатгани учун “Ахир, мавжуд эмас эдим-ку? Мени бор айладинг, яратганингга шукр” дейди.

Умр қандай ажойиб, ҳаёт қанчалар шодмон!

Улар қанчалар зўр шавқ ичида эканлигини биров билсайди! Ҳаёт тараннуми, тириклик шодлигидир баҳор! Борлиқ яралиш ва яратилиш шавқи аро жўшганини ким кўрибди? Ер тубларидаю гиёҳ бағрида содир бўлаётган

зарра ўйинларига ким назар солибди? Ҳа, кулранг тупроқ аро ётган жонсиз бир уруғни тирилтириб, ипдай гиёҳ толаси чиқардинг. Қандай гўзал қилдинг, Парвардигорим! Уни қувватлантирдинг, ип томирлари тупроқ бағридан неъматларингни сўриб олди, ҳаёт суви бағрида зилол бўлиб югурди, кўкка бўй чўзди. Нечун гўзал қилдинг, Парвардигорим? У пояга ғижим шойи бўлиб япроқ ёзишини буюрдинг, япроғини ёйгач, уни текисладинг, беқиёс рангу тус ва ифор ато этдинг. Кунлар ўтиб, қуёшнинг тигиз ҳарорати-ю кеча мулойимлиги аро унга шундай ажойиб ҳаётни ҳады қилдинг, сўнг унга “Сўзла ва менга ҳамду сано айт!” десанг, уларнинг бари сўз айтиш ўрнига чаман-чаман гул очиб юборишди.

Гиёҳга, майсага, япроғу гулга, қурту қушга шундай бахтиёрлик бердинг. Гўзаллигига, бетакрорлигига, турфа ифорига, борлиғига беқиёс санъатингни ҳам жойладинг. У санъат шунчалар мукамалки, ҳар шаклида сенинг улуғлигинг ва азизлигинг намоён бўлиб туради.

Инсон боласига ҳам ўхшаши йўқ бахтлар ато этдинг, ҳайвон жасад ичра тўлғин қалб яратдинг, уни завқу ҳайратларга, дарду изтиробларга, ўйлару ҳикматларга ошно қилиб қўйдинг, кўз устига яна бир кўз, кулоқ устига яна бир кулоқ, тил устига яна бир тил, юрак устига яна бир юрак бердинг ва унга ҳам “Сўзла!” деддинг. Буларнинг барини бир “Бўл” деган сўзинг билан қилдинг, қудратимдан кўрқининг, ҳайратланишинг, завқланишинг ҳам мақтовингдир деддинг, уларга ўз чексиз қудратингдан санъаткорликни ҳам ҳады қилдинг. Сон-саноғи йўқ сўзларни ўргатдинг, ҳар сўзга бир тилсим жо айлаб, бағрига ўз даргоҳингдан қудрат жо айладинг. Неъматларинг беқиёс эди, шу неъматни ҳам бердинг, буни нечун қилдинг, Парвардигорим?..

### ***ҲИРИЙ<sup>1</sup>. 849-ЙИЛ.***

Ҳирируд ирмоғи шиддат-ла кўпикланиб, бағридаги тошларни бир-бирига уриштириб оқарди.

---

<sup>1</sup> Ҳирий – хуросонликлар пойтахт Ҳиротни меҳр билан шундай деб аташган.

– Ҳай аттанг, – деди кенг елкали, устига енгсиз тўн – аҳо кийиб, елкасига ёй осган, юзида кулгичи бор Муҳаммад Али тағойи. – Семиз, этли каклик эди-я. Тек турсангиз уриб олиб, қовуриб кабоб қилар эдик.

Сал аввал ёнбағирга бир нечта каклик тушган, тағойи ўқ билан урмоқчи бўлганида жияни – Алишер “Йўқ-йўқ, отманг” деб оттирмаган эди.

– Инида полапони бўлса-чи? – деб жавоб қилди устига калта олача тўн ва бежирим этикча кийиб олган, оқ тиниқ юзли, хиёл қийиқ кўзли, ғайратли болакай. – Қизил оғзини очиб чийиллаб, буларнинг учиб боришини кутаётган бўлса-чи? Бўйнидаги парининг суйрилиб келиб, қанотига туташгани, бошини бурганида у парларнинг қимирлаши, қанот қоқиб учишлари, бир-бирининг ортидан эргашиб юришлари... роса чиройли экан-да.

– Сиз гўзаллигига қарайберинг, мен таъмига қарай, – деди Муҳаммад Али тағойи. – Менинг қорним тўйгай, сиз эса оч қолгайсиз.

Аслида Муҳаммад Али тағойининг ўзи оч қолди-ку? Алишер яйраб кулиб юборди. Беозор қушларни ўлимдан қутқариб қолгани учун шод эди. Тоғажиян қияликдан дарё томон тушиб боришди.

Табиат жонланган, чаппар урган, қувваи табиия<sup>1</sup> борлиқ бағрини гулу гулшанга буркаб, анвойи туслар ила безаб юборибди. Ҳатто тикангача гуллаб, майда тошли қўнғир ерда қизғалдоқлар унибди.

– Мана буни кўринг, тағойи, – деди Алишер завқланиб, бир қизғалдоқ қошига чошиб бориб. – Ўзи жимитгина-ю, дасторини катта ўрабди. Шу туриши билан мактаб муаллимимиз Абу Абдуллоҳ Кулоҳийга ўхшаб қолибди. Тўни яшил, дастори сариқ, хўв нарида эса қизили ҳам бор экан.

– Тангри муни кўз қувнаб, дил баҳра олсин деб яратибди, – дея жавоб қилди тағойи эгилиб, бир лолани қўлига олиб. – Бул тухм эди, лола бўлди. Чечакка “Аллоҳ” дегил десам, гул очиб юборди, дебди бир шоир. Юрақолинг, юз-қўлимизни ювиб олайлик.

Икковлон тошлар оралаб ирмоқ соҳилигача келишди. Сув айқириб оқар, томчилар кумуш тўфони ҳосил қилиб, қирғоқдаги тошларни хўллаб сачрар

---

<sup>1</sup> *Қувваи табиия – табиат қуввати.*



эди. Бир ёнда ёйилиб, сокин оқувчи кўл ҳам ҳосил бўлибди. Алишер япалок тошлардан бирини олиб, отиб кўрган эди, сув бетида жилвалар ҳосил қилиб анча жойгача сакраб борди. Бир-икки кез шундай қилгач, кўлини сувга тикиб кўриб:

– Муздан ҳам совуқ экан, – деди сесканиб. Сўнг сўради: – Тағойи, бу сувда балиқлар тўнғиб қолмайдими?

– Йўқ, Тангри уни тўнғимас қилиб яратибдир. Ҳирируд кичик бир дарё, сиз Жайхун ила Сайхунни кўрмабсиз. Андоқким, кемалар сузгай, наҳанглар гирдоб ургайдир.

– Мундин узоқми?

– Ҳирирдан чиқиб, йўл юрсангиз ҳам мўл юриб Маймана, Андхўй ўтгач, Жайхунга рост келгайсиз. Соҳили кўринмайдиган, ғоят асов бир сув. Икки соҳили аро кемалар қатнагайдир. Кемага чиқолмаган кишилар мешларга ҳаво тўлдириб сузиб ўтарлар. Яна йўл юрсангиз ҳам мўл юриб, бениҳоя кўркли Самарқандга қамти келгайсиз. У темурийлар пойтахти, оламнинг сайқалидир. Ёруғ оламда ундан кўркли, ундан қудратли пойтахт йўқ. Ундан ҳам ўтиб, дашту тоғ ошсангиз, яна бир дарё ила қаршилашурсиз, унда ҳам кемалар сузгай. Ана ўша Сайхундир.

Болакай шоён қизиқиш ила тинглаётганини кўриб, суйиб эркалаб қўйди:

– Муҳтарам отойингиз Султон Шоҳрух Мирзо хизматида у улусларни кадам-бақдам кезгандир. Фурсат бўлганида сўрасангиз, айтиб берадилар.

– Айтмайдилар. Сўзлашиб ўлтурмоққа била фурсатлари йўқ.

– Салтанат хизматлари туфайли вақт топмайдилар, – жавоб қилди тағойи.  
– Қани, юрақолинг. Ҳирирда байрам бўлмоқда, қизиқ жойларига кеч қолмагаймиз. Улусга ош тортилиб, аскару куштигир<sup>1</sup> тамошоси бўлгайдир, Мирсаид тағойингиз курашга киргайдир. Сиз билан суҳбат қурмоқ хўб, бироқ саволларингиз ҳеч тугаш билмайди.

Тағойи бақувват кўллари билан унинг белидан тутмоқчи эди, Алишер типирчилаб “Ўзим минаман!” дея, бир-икки уринди, аммо узангига оёғини

---

<sup>1</sup> Куштигир – полвон, курашчи.

етказолмади. Шундан сўнг тағойи уни даст кўтариб, отга мингазди, бир сакрашда ўзи ҳам минди-да, икки четида калин ўт ўсган бўзқир йўлидан Ҳирийга қайта қолдилар.

### **ҲАВЗИ МОҲИЁНДА БИР ТАНТАНА**

Ҳирийнинг истехком деворлари узра ранго-ранг матолар ҳилпираб, байроқлар илинган, карнай-сурнай садолари келар, девор усти-ю ости сипоҳ ва одамларга тўлган эди. Аини чоғда жанубдан бир карвон Ҳирийга кириб бораётгани кўринарди. Карвонбоши кентга яқинлашгач туясидан тушиб, жиловидан тутиб етаклаб олибди, ортидан бошқалари бир саф бўлиб тизилишибди.

“Дарбозаи Қипчоқ”дан ўтилиб, бозор оралаб шаҳар ичкараси томон юрилди. Бозор ғала-ғовури авжида эди. Ҳирот бозори Шоҳрух Мирзо даврида кенгайиб, нафақат тегра қишлоқлардан, балки бошқа кенту шаҳарлардан ҳам деҳқону тужжор келадиган катта бозорга айланган эди. Бу ерда туяларини карвонсаройга боғлаб, яёв кезиб юрган баланд бўйли, оқ-сарик Шом савдогарларини, бошига ғутра<sup>1</sup> ўраб, дишдаш<sup>2</sup> кийган олакўз дамашқликларни, узун этакли, кўкси чок-чок нақшин пироханли<sup>3</sup> Машҳад тужжорларини, куфия<sup>4</sup> ёпинган Ироқ савдогарларини-ю Синднинг нариги тарафидан келган қизил саллали, патаксоқол ҳиндуларни, кўк саллали насронийларни-ю бошига сарик мато ташлаб олган яҳудийларни кўрса бўларди.

Бироқ бугунги ғала-ғовур бозорнинг кунда-шунда шовқини эмас, раиятнинг шодлик ва фахру ғурур тўла хитоблари туфайли эди:

- Шайх Нуриддин ила шайх Шамсиддин Каъбадан қайтибди!
- Султон доим омон бўлсин! Тангри ёрлақасин!
- Шошманг-шошманг. Ўзи нима бўляпти бу ерда?

<sup>1</sup> Ғутра – бошга ўраладиган мато парчаси.

<sup>2</sup> Дишдаш – араб эркакларининг узун уст кийими.

<sup>3</sup> Пирохан – Хуросон уст кийими.

<sup>4</sup> Куфия – Ироқликларнинг бош ёпинчиги.

– Хуросон мамоликида<sup>1</sup> улуғ байрам! Шохрух Мирзо бундан икки йил аввал Аллоҳнинг уйига кисва, яъни ёпинчиқ ёпишга изн олгач, нафис ва пишиқ матолардан тайёрлатиб, Шайх Нуриддин ва мавлоно Шамсиддин бирла Каъба устига ёптирган эди. Бугун ўша карвон Маккадан етиб келди. Минг шукр, турк ёпинчиғи энди Каъба устидадир, – деди озғин, баланд бўйли бир хунарманд шодлигини яширолмай.

– Каъбага ёпинчиқ ёпиш давлат куч-қудратини билдиради. Миср султонлари ҳар кимга ҳам изн беравермайдилар. Султон Шохрух Мирзо йигирма йил бу ишни уддалашга уриниб келди, ҳатто орада мусулмон ҳақини нега тан олмайсан деб, Мисрга қўшин тортишга тайёрлигини ҳам айтди. Ниҳоят, бу кутлуғ мақомга эришилди, – деб унинг гапларини қувватлади оқ тайласонли<sup>2</sup> мударрисиқат киши.

Хушхабарни эшитган теварақдаги ёйма дўкон эгалари савоб бўлсин деган илинжда ўтган-кетганни, айниқса болаларни Машҳад ҳалвоси, Дамашқ қуробияси, Жузжон хандон пистаси-ю Шибирғон ширин кулчаси каби неъматлар билан сийлашарди.

Улкан қозонлар олдида қавима тўнларининг олди очиқ бақовуллар бетлари қизариб хушнуд туришар, белбоғини салла қилиб ўраб олган ошчилар шогирдлари билан халойиққа ош тортилиши учун махсус ясалган катта дошқозонлар теграсида айланиб, узун оқиш Ҳирий гуручидан палов пиширмоқда эдилар. Бир четда сопол нишолда кўвалари тизилган, шунингдек, қовоқ устига қиём қуйиб тайёрланадиган “чакрак” деган ширинлик ҳам тайёр, бола-бақра оғизларини сап-сарик қилиб ундан ёб юришарди.

Ҳар замонда карнайлар садоси тиниб, жарчи бугунги тантана сабабини маълум қилиб жар соларди. Айни замонда майдонда шайх Нуриддин карвони олиб келган Замзам суви тарқатиларди.

– Оҳ-оҳ, қудратингдан айланай!

– Ҳой, шошманг, замзамнинг маъносини биласизми?

<sup>1</sup> Мамолик – мамлакат.

<sup>2</sup> Бир учи елкага тушиб турадиган, олимлар ўрайдиган салла.

– Бўлмасам-чи? Ҳожар она сув истаб икки тоғ орасида югурганида кум-тош орасидан ўз-ўзидан қайнаб чиққан зилол-да.

– Ҳа, ер юзида ундай булоқ сира яратилмади. Сув эса шундай қайнаб чиқдики, Ҳожар она кўркқанидан уни “Зам! Зам!” дея ура-ура тўхтатди. Билсангиз, араблар ўз туяларини шундай деб тўхтатишади.

Халойиқ мана шундай ғала-ғовур билан ҳар тарафдан сарой майдонида дарёдай оқиб келарди.

Оқсаройда ҳам, Пули Молон-у Боғи Сафидда, Боғи Жаҳонорода ҳам қирк кулоқли қозонларда ош пишарди. Кўшкка туташ «Ҳавзи Моҳиён»да одам тумонат, шунга яраша шовқин ҳам авжда, Ўрда майдонида эса сипоҳилар ўрда ила издиҳом орасида ўтиб бўлмас жонли тўсиқ ҳосил қилган, аркони давлатнинг чиқишини кутишарди.

Алишер ила тағойи “Ҳавзи Моҳиён”га кириб борар эканлар, кишилар уларни назардан қочиришмади.

– Бу хушсурат болакай ким эмиш?

– Гиёсиддин Мансур баҳодирнинг ўғли Алишербек-ку? Қабатидаги йигит унга тағойи бўлади, уста сарбозлардан.

– Шошманг, Гиёсиддин Кичкинани айтяпсизми?

– Ҳа, ўша киши.

– Аммо, жуссаси сираям кичкина эмас-ку?

– У кишининг отаси Амир Темурнинг ўғли Умаршайх Мирзо билан кўкалдош, яъни эмикдош бўлган эканлар. Ҳар икковининг ҳам Гиёсиддин деган ўғли борлиги учун Гиёсиддин Мансурга “катта”, бу кишига “кичкина” деб лақаб беришган экан, – деди бояги оқ тайласонли киши, салмоқлаб. – Амир Гиёсиддин Кичкина жуда ғайратли, мудом салтанат хизматида бўлиб келган баҳодирлардан саналгайдир.

Алишер билан тағойиси сарой тарафга бормасдан, отдан туша солиб, сипоҳларга яқин ерда қолишди. Сипоҳийлар Муҳаммад Алини таниб, бош ирғаб саломлашишди.

Тўпланганлар орасида арабий, форсий, мўғулий, ҳиндий, афғоний, пашожий, ғабрий, ламғоний, лурий-у ғурийларни кўрса бўларди. Ҳар ой Ҳинду Ажамдан юзлаб карвон келадиган қирқ карвонсаройли пойтахт бугун байрам руҳида кайнаб-тошарди. Гоҳ-гоҳ кишиларнинг ўз тилларидаги калималар янграб қолар, уларнинг ғайри талаффузи кишилар кулгисига сабаб бўларди.

– Ламғонийлар Синд сувининг бизга яқин тарафларида яшайдиган тоғ халқи бўлиб, “ж” ҳарфини айта олмайдилар. Баъзи калималари шундоқки, бизнинг халқ у товушларни ҳосил қила олмайди. Яна уларнинг тилидаги баъзи товушлар бизга тегишли товушларга ўхшамайдиган товушлардан таркиб топган; ҳатто, тил ва оғзимиз уларни ўз жойидан чиқариб айтолмайди, кулоқларимиз уларнинг ўхшаш ва тенгдошларидан ажратиб эшитолмайди.

Ламғонийларнинг узун оқ гилванаси<sup>1</sup>, гулдор қизил камзули, ғалати сариқ салласи, қорамағиз юзию усти қорамтир, ичи оқиш кафти бу ерлардан олисдаги ўзга иқлимлардан дарак бериб турарди.

– Буларнинг муқим ватани йўқ, – деди Муҳаммад Али тағойи. – Синд сувидан Кобулгача, ундан Ҳирийгача сарсон кезадилар. Улус қошида кўшиқ айтиб, рақс тушиб қорин тўйғизиб кетаберадилар. Дунёи дунда ҳеч ким буларга бир парча ерни раво кўрмайди. Ўзлари ҳам шу ҳолга кўникканлар, шундоқ юраберадилар...

Шундай сўзлашиб туришар экан, ўрда ташқарисига чолғучилар чиқиб келишди-да, қатор сафланишди. Карнайлар ўкириб, довуллар гумбурлади, шу тантана садолари остида кўшк дарвозасидан оқ отда устига зар тўн кийиб, сариқ салласига қарқара ўтоғаси қадалган, кўринишидан етмишларга бориб қолган киши етакчилигида аркони давлат кўринди. Шу аснода жарчининг қаттиқ овози янгради:

– Тангри таолонинг ердаги сояси, амирул-мўъминин<sup>2</sup> Абулғозий Шохрух Мирзо ҳазратлари ташриф буюрмоқдалар!

---

<sup>1</sup> Эркалар уст кийими.

<sup>2</sup> Амирул-муъминин – мўминлар амири.

Бошка жарчилар ҳам бу хабарни такрорлаб, султони олий ташрифини элга маълум қилишди.

– Ҳой улус! Султонинг келмоқда, қуллуқ қил! – Раислар шундай деб халқ орасида баъзиларга дакки бериб юришар эди.

Жарчи султон фармонини ўқий бошлади:

– Аллоҳу акбар ва ҳувал карим!

Ғозий султон Шохрух бинни Амир Темур Кўрагон сўзимиз!

Издихом бир тўлқинланиб, тинди. Шунда ҳам оломоннинг нафаси, елкалару либослар бир-бирига тегишидан ҳосил бўлган шовур ҳар ёқни энлаб турарди.

– Тангри азза ва жалла марҳамати ва инояти ила мавлоно Шайх Нуриддин ва мавлоно Шамсиддин давлатимиз зиммасига тушган энг улуғ вазифани адо этиб қайтдилар. Нафис ҳам чиройлик матолардан халқимиз қўли ила тикилган ёпинчиқ бу кун Каъбаи мукаррама устида уни куёш тиғидан ва чангу тўзондан, самонинг ва зиёратга боргувчиларнинг хусронидан ҳимоя қилмоқдадир. Бу эса улуғ Темурбек ҳазратлари танзим этган ҳукму тартиб ила мамлакатда тартиб ва офариниш вуқуъ этганининг исботидир. Ушбу улуғ иноят халқимизга муборак бўлғай! Давлатимизни Тангри таоло ҳар доимо ўз паноҳида сақласин!

– Омин! – деб, халойиқ дуога қўл очди.

– Бу ажаб кун шарофатидан халққа совға-ю икромия берилгайдир! Амирларимиз тадбирини олсинлар! Бутун Хуросон бўйлаб халққа ош тортилсин, байрам қилинсин! Мўминлардан тилак шуқим, салтанатни ва Шохрух Мирзо жанобларини дуо айласинлар!

– Тангри таоло юртимизни ўз паноҳида асрасин!

– Тангри ёрлақасин!

– Омин!

Соқоли кўксига тушган, аммо кўринишидан бардам бир қария дуо қилди:

– Тангри таоло пайғамбаримизга салом ва салаотларимизни еткурсин! Асҳобу ансорга саломлар бўлсин! У зотнинг муборак оиласига, саййидларга

саломлар бўлсин! Темурбек ҳазратларига ва у кишининг аҳли оиласига саломлар бўлсин! Адолат офтоби Шоҳрух Мирзо ҳазратларига саломлар бўлсин! Бу ишнинг уҳдасини қилган Шайх Нуриддинга ва Шайх Шамсиддинга саломлар бўлсин!

– Омин!

Майдонга йиғилган оломон гувиллаб дуо қиларди. Шундан сўнг довуллар яна чалинди, карнайлар яна ўқирди. Алвон-у яшил ёпинчиқ-ла безатилган аравалардаги хазинабонлар оломон узра қизил тилладан зарб этилган шоҳрухий динорларни соча бошлашди. Тизилган қатор қозонлар усти очилди. Бояги қорни катта баковуллар бетлари қизариб-қизариб, келгану кетганнинг товоғига тўлдириб-тўлдириб ош солиб беришарди. Аркони давлат саройга қайтар экан, одамлар таомларини ўтириб еб олишлари учун куллар ерга гилам ва палослар тўшай бошлашди.

– Энди полвонлар жангини томоша қилинг. Аммо билингки, бу сираям томоша эмас, жангу жадалдир. Енган ғолиб, енгилган мағлуб, – деди Муҳаммад Али тағойи, жиянининг қулоғига эгилиб.

– Ҳой эл! Мирсаид Кобулийга Абулқосим Барлос чиқади! Қозонганга султон Шоҳрух Мирзодан бир қорабайир от!

– Шайх Нуриддиндан бир қўй!

– Тағойим! Мирсаид тағойим-ку! – деб қувониб қичқирди Алишер.

Султон Али Чанг қизининг, яъни Алишербек волидасининг икки иниси бўлиб, бири Мирсаид Кобулий, иккинчиси Муҳаммад Али, иккиси ҳам навкар эдилар. Ўртага метин вужудида ёлғиз тўни қолган катта тағойи чиқиб келди. Гиламга чиққач, рўпарасидаги куштигирга яшин тезлигида ташланди-да, бир ҳаракат билан елкасидан ошириб отиб юборди. Бироқ ҳариф куштигир ҳам анойи эмас экан: мушукдай чаққонлик билан бир юмалаб ўрнидан туриб, тагин ҳарифига рўпара бўлганида, осонлик билан кўтариб олиб, ҳавода гир-гир айлантирди. Сўнг яна ерга кўтариб уриб, тиззаси билан кўкрагидан босиб турди. Олқишлар янгради.

– Ҳалол! Ҳалол! – деб ҳайқирарди халқ.

– Ҳой халойиқ! Эшит! Мирсаид Кобулийга бир от, икки қўй!

Нарида черик камон отар, ерга қўнқайтирилиб, устига тўн кийдирилган нишонларга, яъни қамғанакларга от солдириб, қилич уриш маҳоратини намойиш этишарди. Ҳийла шундан иборат эдики, қамғанак ичига пахта калин тикилган бўлиб, тиг кесақолмасди. Сарбозлардан бири отининг жилловини қаттиқ тортганида от олд оёқларини баланд кўтариб сакради, тушиш асносида “Ё Оллоҳ” деб урилган қилич зарбасидан қамғанак чўрт иккига бўлиниб тушди. Ундан нарида эса тупроқ сачратиш, ёй ва ковок мусобақаси бошланди. Шоҳрух Мирзо қўшинининг ботир беклари, шуҳратли баҳодирлари шамолдай елаётган от устида туриб таёқларга санчиб қўйилган ковокларга ўқ узиш маҳоратини кўрсатишарди. Баъзиларининг ҳунари шу қадар эдики, бир кўрган нишонига қайтиб қарамасдан ёй отиб теккизишарди.

– Андоқ усталар борки, зеҳгирни<sup>1</sup> ҳавога отиб, ўқ билан уриб олғайлар, – деди Муҳаммад Али тағойи. – Яна Чопу барлос, риштани<sup>2</sup> толга бойлаб, от чопиб кетаётганида ришта тортилганида ўзи ҳавода ўмбалоқ ошиб, айланиш асносида ўқни нишонга ургайдир. Ажаб ҳунарлари бордир.

Алишернинг тиниқ нигоҳи теваракни бутун тафсилоти билан кўриб турарди. Сипоҳиларнинг ҳунари, олақуроқ оломоннинг ҳайратлари, икки полвон бир-бирини елкадан ошириб урганида томирларининг ғайритабиий бўртиши, ҳазил-мазахлар, сипоҳларнинг дағал қиёфалари, йўғон овозлари, чарақлаган қуёш, қизгин ҳаво орасидан эсан ёқимли шабада... буларнинг бари бутун бир дунё бўлиб шуурга қуйиларди.

Қирқ қулоқлик қозонлар усти очилганида кишиларнинг ошга ёпирилиши янада ажаб бўлди. Салтанат ошини савобли деб билган халойиқ бир-биридан ўтиб, товоғига емак олмоққа интиларди. Оломон қандолатпазлар теварагига ҳам тўпланди. Алишернинг сариқ, кўк, яшил ширинликларга қараб қолганини кўриб, тағойи деди:

---

<sup>1</sup>Зеҳгир – камон отилганида бармоққа кийиладиган қувурсимон мослама, ўймоқ.

<sup>2</sup>Ришта - ингичка арқон, чилвир.



– Бу кун боғимизда ҳам байрам суфраси тузалгайдир. Ҳалвонинг хар турини кўргайсиз. Бир оздан сўнг дорбозу масхарабоз томошаси бўлгай, уни томоша қилгач, уйга қайтурмиз.

– Мен қандларнинг рангига қарадим. Бежиз қизил, сариқ, яшил қилмабди, хар бирининг таъми ўзга бўлса керак?

– Йўғ-э, булар пихини ёрган уста ҳунармандлар, бир қандни уч рангга бўйашган, холос, – деди тағойи.

Шундан сўнг ўзи ҳам қизиқиб, кишилар оралаб қандолатчи ёнига бориб сўраган эди, жияни ҳақ бўлиб чиқди: дарҳақиқат, ҳалволарнинг яшили пистали, қизили бодомли, сариғи эса қовоқли экан.

Тоға жиянининг елкасига қўлини қўйиб, уни шу тарз оломон орасидан олиб чиқди. Икковлон Ўрда майдонидан чиқиб, кунгуралари ярақлаб турган Гавҳаршодбегим мадрасаси ёнида бўлаётган дорбоз томошаси сари йўл олишди.

Шу кичик жуссали, тиниқ нигоҳли болакай келажакда бутун турк мамлакатлари узра фикр қанотини кенг ёядиган, қушлару ҳайвонот оламларидан то ўн саккиз минг олам мўъжизаларигача назар соладиган, маърифат водийларини кезиб, Адам даштидан хабар оладиган авлиё бўлиб етишиши Муҳаммад Али тағойининг ҳам, бошқаларнинг ҳам хаёлига келмасди. Барчаси унинг кун келиб улғайиб, ботир навкар ёки сарой аъёнларидан бўлиб етишишини орзуларди.

### ***ГЎЗАЛ БИР ОҚШОМ***

Халойиқ кўча-кўйда ҳам байрам қиларди. Тоға-жиян эти бориб устихонига ёпишган кишилар, белига зуннор<sup>1</sup> боғлаган ҳинду ва яҳудий саррофлар<sup>2</sup>, матофуруш дўконлари оралаб ўта-ўта, тупроғи ўйнаб ётган кўчалардан ота боғига қайтишди.

Ғиёсиддинбек Боғи Жаҳонорога яқин ерда, шамол бемалол еладиган ва ҳаво тез алмашадиган, Ҳирируд ирмоғи оқиб ўтадиган хушманзара маъвода

<sup>1</sup> Ўзга динга эътиқод қилувчи кишилар қонунга қўра белига ингичка чилвир, яъни зуннор боғлаб юришган.

<sup>2</sup> Сарроф – пул алмаштирувчи.

боғ барпо қилдирган эди. Боғнинг бир тарафи ташқи ва ички ҳовли эса, бошқа тарафи ирмоққа тутшиб кетган, эниш у сахнда хуш чирой касб этган оғочлару гуллар барқ уриб яшнаб турарди.

Ҳирий табиати шундоқки, ҳар сахар кўхсордан ёқимли салқин шабада эсади. Кун қизиганида тек қолиб, шом салқинида кентнинг қизғин ҳавосини яна тоғ этакларига суриб кетади. Қазо фарроши ўзининг сиймин супургиси ила шимолдан адашиб келиб қолган булутларни осмон четига олиб бориб уйди, улар худди сарой товусининг ёйилган парларига ўхшаб қолди. Тозаланган тараф эса ботаётган куёш ёғдулари билан нафис ёришиб, сариқ-қизил тусда яллиғланди.

Кенг тупроқкўчадан тўғри келинса, узун, қалин пахса девор орасида кичик ёғоч эшик ва дарвоза кўринади. Эшикда темир ҳалқа ва кичик тўқмоқча бўлиб, келган киши эркак бўлса ҳалқани, хотин бўлса тўқмоқчани уради. Ҳовли гулу гулзор, мевали оғоч кўп. Чапда катта мураббаъ, яъни тўртбурчак ҳовуз кўринади. Яна, уй ёнида кичикроқ қилиб қурилган обхона ҳам бор, сопол қувуридан жилдираб сув тушиб туради. Обхона ёнида очиқ ва ёпиқ ошхона, ошлиқхона, зерзамин, яъни ертўла. Зерзаминдаги катта сопол кўзалар ичидаги сув жазирама маҳали ҳам муздай бўлади. Унинг ёнбошида усти-ю ичи сомон сувоқ билан сувалган пастак яхчол кўринади. Яхчол шуки, чуқур қазилган ертўла кузда сувга тўлдирилади, қишда у тубига қадар музлайди. Қалин деворлари ва серсомон сувоғи ертўлани жазирама иссиқда ҳам муздай тутиб туради, Ҳирийда ёзда муз бўлишининг сабаби шунда. Шу туфайли эл орасида “Сувнинг таъми муз билан” деган мақол айланиб юради.

Ташқи ҳовли, Ҳирий аҳли таъбирича, “берун” манзараси шундай. “Андарун”, яъни ички ҳовли эса кўздан ниҳон, у ёққа назар ташлаб бўлмайди. Ташқи ҳовли хоналарида гиламлар чўғдай ловуллади. Ҳирий одатига кўра, хонага тўрт гилам тўшалган. Бири ўртага, иккитаси икки ёнга ва яна бири тўрга. Бирида пастак курсилар қўйилган, у – ўзига хос қабулхона. Меҳмонхона кенг, нақшли. Токчаларга гул кўзалари, чироқлару шамдонлар терилган. Чапда катта ўчоқ бўлиб, Ҳирийнинг қаттиқ қишида унга йўғон

саржинлар, балут ва ханжак ўтинлари қаланади. Баъзан сандал қурилади, унга тоғорада чўғ ёки кўр қўйилади.

Ҳозир бек боғининг катта дарбозаси очиқ, хизматкор сахни супуриб, сув ҳам уриб бўлган, шу боис теваракни райхон ифори тутган эди. Ўрта бўйли, ўз ишини жуда севадиган бу кишини Алишер яхши кўрарди. У Гиёсиддинбекни амир деб эмас, раис деб атар, “Шайхлар улуғ пирлар хонакосини супуриб савоб олсалар, менга раис ҳовлисини супуриш насиб қилди” дея, ўз ишини ихлос билан бажарарди. У Алишерга қараб бош ирғаб қўйди-да, боғ ичкарисига қараб кетди. Сал нарида баковул ширчай пишириш учун чакмоқтош ила урина-урина ўт ёндиради.

Икки киши катта ғилдиракли аравада Ҳирий ташидаги суюрғол ерларидан келган егулик-ичкуликларни туширмада эдилар. Кулранг пироханли ҳаммоллар чангга ботган катта қопларни ошлиқхонага ташишарди.

Бу дарвозадан ичкари кирган киши кенг-мўл боғ сахнини, мулозим хужраларини ва каттагина сайисхонани кўради. У ердаги тартибли охурда бир қанча от ўт чайнайди. Қозикларда от абзаллари – юган, тизгин, нўхта, чилбир, сувлук, солдирға, кўндирма, қуюшқон, узанги, пиштон, тўқим, кўнжи, эгар ва эгарқош, ёпинчиқ, тарилғаю талбоғ осиб қўйилибди. Яна бир оз юрилгач, айвонли катта уйга рост келинади. Ўн олти болорли бу катта уйда беклар зиёфатлари берилади. Ошлиқ-тузлик хоналари шу сабабдан унинг ёнига қурилган. Чиқаверишда яна бир кичик хужра аслаҳахона бўлиб, у ерда бекнинг қилич-ёйлари сақланади. Хизматчилардан бири аҳён-аҳёнда уларни олиб чиқиб, қуёшга солиб тиғини текшириб, ўт поясини ёки кичик бир шохчани ҳавога отиб кесиб ҳам кўради, тозалаб-мой суртиб, яна қинига жойлаб осиб қўяди.

Ундан сўнг ички ҳовлининг кичик эшиги кўринади. Пастак девор ортида ўрик оппоқ гуллабди. Нариди қашанги ангури дейилган узунчоқ узумлар, гилос, олма-ю бодом кўзга ташланади.

Тағойи Алишерни отдан тушириб, жиловни сайисчига бергач, Алишер ички ховлига йўналди. Кириб борганида уни қора қошли, оқ чўзинчок юзли жория – Қутб пешанасидан ўпиб кутиб олди, дарҳол устини алмаштирди. Гўдак Дарвишалини бағрига босган волида бека ҳам шунда эди.

– Кичик бек шошгайдирлар, зиёфатга интиқдирлар, – деди Қутб, чиройли жилмайиб. – Ана, кичик дўппи сизга хўб ярашди. Хўш, байрамда неларни кўрдингиз? Не қизик ишлар бўлди?

– Тумонат киши тўпланибди. Бир ҳинду оғзига қилич тикса, бошқаси оғзидан олов чиқарурмиш. Оғзидан ўт сочиши билан аждаҳога тақлид қилмоқчи бўлармиш! – деб жавоб қилди Алишер. – Бу хунарга машқ қила-қила эришган чиқар. Аммо эл уларни писанд қилмай, тиламчи муомиласини қилар экан.

– Ҳиндуларнинг иши шу, халойиқни ҳайрон қолдиргулик хунарлари бор, – деди волида бека. Яна нимадир демоқчи эди, Дарвишали қўлчаларини ўйнатиб, бир нималар деб вижирлай бошлади.

– Вой, бекачим, яна рўмолингизнинг учини беринг деб хархаша қияптилар, – кулиб юборди Қутб. Дарҳақиқат, волида бека унга бошидаги яшил рўмолингизнинг учини тутган эди, Дарвишали митти бармоқлари билан чангаллаб, оғзига солишга урина бошлади. Буни кўриб, Алишер ҳам кулиб юборди:

– Англаб бўлмайдиган у чуғур-чуғурни қандай тушуниб олдингиз?

– Вой, у фаришталар тили-ку! Волида бекач айтадиларки, гўдаклар малаклар билан шу тилда сўзлашиб-ўйнар эмишлар! – она ўрнига жавоб қилди Қутб, бидирлаб. – Ҳар гўдакнинг ўз тили бўлиб, уни фақат тукқан онасигина англармиш.

– Тағойиларингиз ҳам келдиларми? – деб сўради волида бека, Дарвишалининг бир лаҳза тинчланганидан фойдаланиб.

– Ҳа, бирга келдик.

Шу аснода:

– Алишербек қайда? Алишерни чорлангиз! – ташқи ховлидан Мирсаид тағойининг йўғон овози келди.

Феруза осмон гумбази остида тун соялари сездирмай етиб келди. Қуёш ботган тарафда қизғиш олов ланғилласа-да, қарама-қарши томон бир хилдаги тўқ кулрангдан қорамтирга алмаша борди. Самода бир-икки юлдуз милтиради. Шундан сўнг теварак оқшом қаърига ғарқ бўлиб, боғларда машғалалар ёқилди.

Бир қанча киши байрам баҳонасида Гиёсиддинбек боғига йиғилган эди. Тантаналар шовқини шом намози боис ярим соатча тинди, сўнг қайтадан уд, сетор, даф садолари эшитила бошлади. Майдондаги кишилар чарчаб, уйларига тарқалишган бўлса-да, ўйин-кулги энди боғларда давом этарди. Ҳавони бақовуллар ўтга тоблаб пишираётган шиш қабоб ислари тутиб кетди.

Аммо, зиёфат суҳбати байрам завқига мос бўлмади. Бу кишилар хукмдорлар тутумларидан, ҳаёт ташвишларидан сўзлашар эдилар.

Амир Гиёсиддинбек келиб супага ўтирди. Кенг елкали, бир оз чўтир юзли, кафтлари тиғ-санжақ тутишдан ва бармоқлари ёй ипидан қадок бу киши сўз қотишни ёқтиравермас эди, салтанат сиёсати сўралганида:

– Шохрух Мирзо қабатида Астробод юрилгайдир, – деди қисқа қилиб. – Набира шаҳзода исён кўтариб, бобо исмини хутбадан чиқарибди. Мунча йил ўлпону хирож тўладим, энди бас, улғайиб эр етилдим, ўз мулкимни ўзим бошқарурман дебди.

– Нечук бўлгай, падар қўшин тортиб борса, ўғил черик ёйса, ота-ўғил бир-бирига тиғ кўтарса? Шайхулислом урушга фатво берибдими?

– Отойидир, ҳаққидир. “Сен ҳам, сенинг мол-мулкинг ҳам ота-онангникидир” лафзини ҳали ҳеч ким бекор қилгани йўқ. Ким қўйибди у гўдакка, бобога қарши боришни?

– Ҳай, Оллоҳ! Бу шундай чопқинки, енгганнинг ҳам, енгилганнинг ҳам боши қуйи эгилгай...

Алишер улар қабатида бу суҳбатга кулоқ солиб ўтираркан, шу маҳал қайдандир – тунги боғларнинг сокин ва қалин шохлари орасиданми, пастда

тўлқин ураётган руд теграсидаги азим толлар тарафиданми, бойқушнинг хунук саси келди. Алишер сесканиб кетди.

– Тағойи, бу ненинг саси? – деб сўради у Мирсаид Кобулийдан.

– Бойқуш, – деб жавоб қилди Мирсаид тағойи. – Уни чуғз ёки ху-ху қуши ҳам дерлар, товуш чиқармай учгай, бошини гир-гир айлантриб ҳар тарафни кўра олгай.

Шундай дея, харобаларда яшайдиган, у келса халойиқ бало-ю мусибат келади, дея ирим қиладиган ўша қуш ҳақида шундай ажойиб ҳикоя қилиб бердики, Алишернинг кўзлари чакнаб, жон қулоғи билан тинглади. У суҳбатнинг яна давом этишини тиларди, бироқ, сўз ўзани яна катталарнинг ўз мавзуларига бурилди. Набира шахзоданинг қилмиши Султон Абусаид Мирзога етиб боргач, у қувониб қаҳ-қаҳ урибди. Чунки ихтилоф туфайли Шоҳрух Мирзо қудрати заифлашса, Хуросонга эга чиқиш истаги амалга ошиши мумкин экан.

– Буйруқ келса, қўшин бугун-эрта юришга чиққай, – деди Гиёсиддинбек.

– Сиз иккинги тайёргарлигингизни кўраберинг.

– Бойқуш вақт кеч бўлганини билдирди, – деди Мирсаид тағойи, жияни бу гап-сўзларга қулоқ солмаслигини истаб. – Борақолинг, эрта саҳар сабоққа кеч қолмагайсиз. Бизлар шу айвонда тунаймиз.

Алишер:

– Хўп бўлади, тағойи, – деб, ўтирганларга орқа ўгирмаслик учун ёнлаб узоқлашди-да, машғалалар ёниб турган саҳн бўйлаб ичкари ҳовлига чошиб кетди. Бугун кўрилган воқеаларнинг таассуротлари онгида алмашар, салтанат қудрати, халойиқ гувлаши, байрам гулдурослари чарчатган ҳам эди. Шу сабаб, хобхонага киргач, Қутб тайёрлаб қўйган ёстикқа боши тегар-тегмас ухлаб қолди.

Шарқдан сезилар-сезилмас энлаб келган зулмат қуюқ ва намчил эди, қасабаю қишлоқларни, шаҳарнинг илонизи кўчаларинию сўлим боғларини бирдай энлади. Тун ҳаёти бошланди. Кеча қаърида киши билмас турли ходисотлар рўй берар, гоҳ-гоҳ миршаб оти туёғининг товуши, садоғининг

шакирлаши эшитилиб қоларди. Вақт ярим тундан ўтгач, фақат кеча товушлари қолди, холос. Ирмоқда гоҳида бир нима шалоплар ҳам эди, балки Алишерни қизиқтирган катта балиқлар бўлса бордир. У балиқлар вақти келганида ўзларининг яратилиш сабабларидан ва ҳали Алишер етиб бормаган турли мазмунлардан дарак берса ажабмас... Боғлар узра товуш чиқармасдан бойқуш учиб ўтди. Шу аснода тепадан қаралса, Ҳавзи Моҳиён ва сарой теграсидаги карвонсаройларда машғалалар, масжид ва мадрасалар томларида қатор шамлар ёнаётгани кўринарди.

Шунингдек, Ҳирий ташида, улкан ялангдаги лашкар ўрдугоҳида ҳам машғалалар ёнарди. Каримут-тарафайн Шохрух Мирзо кўшинининг илғори бир неча ҳафтадирки, Ҳирий шарқида тўпланган, темурий шаҳзодалардан бири – султон Муҳаммад Мирзонинг одобсизлиги боис, Ироққа юриш тадориги кўриларди.

### ***ҲИРИЙДА БИР ТОНГ***

Куёш чиқиб, ёғдуси теваракни зарга бўяганида Мир Гиёсиддинбек саройга отланди. Хизматчилар ёллари ва думи ўриб қўйилган араб отини эгарлашди. Ҳисор юришидаги баҳодирлиги боис Шохрух Мирзо жулду<sup>1</sup> ўлароқ ҳадя қилган бу отни бек саройга борганида мингувчи эди. Муҳаммад Али тағойи эса кечаги ювош тўриқни келтириб, Алишерни даст кўтариб ўтқазди-да, ўзи ҳам ирғиб эгарга миниб:

– Бек жаноблари давлат хизматиға борсалар, биз мактаб бородурмиз, – деди жиянининг ихчам салласини тузатиб. – Бек салтанат дағдағасига, сиз эса илм олмоққа йўл олгайсиз.

Шу тарз Ҳирий кўчалари бўйлаб от йўрттириб кетаберишди.

Гиёсиддинбек боғидан ўтган ирмоқ эшилиб-буралиб, турли боғлар оралаб ўтиб, яна олддан чиқар эди. Қаршида ўрданинг олтин гумбазлари куёшда ярқирар, ундан ҳам баландроқ қурилган масжид мезаналари кўзга ташланар, Ҳирий одатий ҳаёт оғушида бўлиб, пичан, сабзавот-мева ортган аравалар

---

<sup>1</sup> Жулду – урушда кўрсатилган ботирлик учун бериладиган ҳадя.

бозор сари йўл олишган эди. Хунармандлар сахарлаб ишларини бошлаб юборишган, темирчи сандони овози келар, ҳар ер-ҳар ерда иссиқ патир иси буркирарди.

Ҳирий узра заррин тонг отди.

Аркони давлат фарзандлари сабоқ оладиган мактаб саройга туташ, сахнига ҳафсала билан япалоқ тошлар терилган, сахарлаб сув урилгани учун йилтираб турарди. Боғчаси ҳар тонг булбуллар чаҳ-чаҳи ила зийнатланиб, бир четидан оққан ирмоқ йилтир-йилтир нуқра зарраларини ҳосил қиларди. Боғ оғочлари эса меваси мўллигидан ергача эгилиб тушибди. Каттароқ болалар ўзлари той миниб келишса, кичикроқларини аткалари<sup>1</sup> ёки оғолари мингаштириб олиб келишарди.

Мактабга яқинлашилганида Алишер бирданига жонланиб:

– Тағойи, тезроқ борайлик. Мирзо ҳам келмоқда, – деди қўли билан кўрсатиб.

Нарида икки оқ от қўшилган безакли арава мактаб ёнига келиб тўхтаган, ёнида белига қилич таққан мулозимлар кўринарди.

– Хусайн Мирзоми? – деди тағойи ҳанг-манг бўлиб. Жиянининг шаҳзода билан бир мактабда ўқишини билса-да, орада дўстлик иплари боғланганидан беҳабар эди. – Шаҳзода дўстингизмидир?

– Яна қандоқки! – деб жавоб қилди Алишер. – Энг яқин дўстимдир!

– Мошоллоҳ! – деди Мирсаид Кобулий. – Султонлар ёниб турган олов мисолидир, яқинлашсангиз куйиб кетгайдирсиз, узоқлашсангиз совқотурсиз. Мирзо билан доим ҳад сақлаб муомила қилинг!

Сўнг салтанат аробасига яқинлашмасдан жиянини отдан туширди. Алишер у билан хайрлашиб, дўсти томон чопиб кетди.

Келбатидан Алишердан икки-уч ёшга катта шаҳзода Хусайн ҳам уни кутиб турарди. Алишер етиб келгач, икковлон қучоқ очиб кўришишди, сўнг биргалашиб ичкарига қадам қўйишди. Дарсхонага мударрис ҳали кирмаган, икки-уч бола ўз жойини эгалламоқда эди.

---

<sup>1</sup>Атка – мураббий.



Хусайн Мирзо ва Алишер ёнма-ён ўтиришди. Дафтар-қаламлар давог устига қўйилиб, китоблар чиқарилди. Ўрта бўйли хушсурат киши – мавлоно Абу Абдуллоҳ Кулоҳий киргач, унга ҳаммадан аввал Хусайн Мирзо салом берди. Бунинг боиси – кечагина Нурмуҳаммад аткадан дакки эшитганида эди.

Ҳокон Ғиёсиддин Мансурнинг ўғли шахзода Хусайн бир ерда тинч ўтиролмайдиган, ерга урса кўкка сапчидиган бола эди. Шўхлиги ҳаддан ошавергач, мударрис Абу Абдуллоҳ Кулоҳий Нурмуҳаммад аткага шикоят қилди. Шундан сўнг Нурмуҳаммад атка дарсхонага ташриф буюрди. Абу Абдуллоҳ Кулоҳий Хусайн Мирзо дарсларга кулоқ солмаслигини, ўлда-жўлда қолдиришини ва дикқат қилмаслигини айтиб, бунинг учун Нурмуҳаммад аткани қаттиқ изза қилди. Атка кўл қовуштириб, мударриснинг сўзларига бош эгиб “Хўп” деб турар эди. Аткасининг мударрис қошида мулзам бўлиши шахзоданинг эс-хушини дарҳол ўзига келтирди. Абу Абдуллоҳ Кулоҳийга биринчи бўлиб салом беришининг боиси шу эди.

Мударрис алик олиб, дарсини савол билан бошлади:

– Айтинг-чи, Қуръонни не учун ўқийдурмиз?

– Аллоҳ таолонинг ҳукмлари бўлгани боис.

– Балли. Ҳандасани-чи?

– Ҳисобларда хато бўлмаслиги учун.

– Хўш, унда абёту назм-чи?

– Гўзал қўшиқлар куйламоқ учун.

– Хайр, – деб жавоб қилди мударрис. – Шул сабабдинким, эл-улуснинг, раиятнинг улуғлари сўзни гўзал айтмоқлари учундир. Киборларга хуш сўзлилиқ ярашмасми? Сиз муни авом шеъри ила ҳаргиз боғламангиз. Авом сўзи оддий, хат-саводсиз халқ айтадурғон сўздир. Мисоли, “Томга чиқдим ўтин териб, Ул қаради қошин кериб” дегани каби. Ёхуд андхўйликлар усулидир.

– Ул қандоқ усул экан?

– Андхўй кишиларининг “жиги-жиги” деган усули бор, ҳар байтдан сўнг “жиги-жиги” деяберадилар. Мисол учун, муни қаранг:

*Қуриди танда қоним-э, Зулайхожон, жиги-жиги,*

*Қуриди танда жоним-э, Зулайхожон, жиги-жиги...*

Болалар кулиб юборишди. Чунки мударрис бу кўшиқни ажаб ғайри муқом қилиб, қош-кўзини ўйнатиб ижро қилиб берди.

– Энди сизга бутун оламларнинг энг кучли қуроли ҳақида айтиб бераман,  
– деди мударрис. – Топинг-чи, нима экан?

– Манжинақ!

– Хўкизтумшук!

– Фил!

Мударрис ёйилиб жилмайди:

– Йўқ-йўқ, мен айтаётган нарса улардан ҳам кучли. У сўздир.

– Сўз?

– Ҳа, оғзингиздан чиқаётган шу нафас табиатнинг энг улуғ мўъжизаси!

Парвардигор ҳар жон эгасига ўзига керакли даражада сўз айтиш имконини берди, – деб, сўради: – Кимнинг уйида кучук бор?

Болалар илжайишди, чунки, ҳар боғда икки-учтадан кучук бор эди.

– У шундоқки, чақирсангиз шодланиб вовуллагай. Урсангиз, озорланиб ангиллар. Бегона бир ниманинг шарпасини сезса, таҳдид ила ҳурар. Демак, кучукка уч тур товуш берди. Шу уч товуш унинг умр кечирмоғи учун етарли бўлди. Шундай эмасми?

Баъзиларига сўз сира бермади. Баъзисига ҳол тилини берди, у ўзининг ҳолати ила сўзлаб туради. Мисол учун, бир дарахт сувсаса барглари сўлийди, касалланса, қурий бошлайди, шу вазияти ила ўзининг аҳволидан хабар беради, яъни сўзлайди.

Инсонга эса беадад сўзларни ҳадя қилди. “Ва У зот Одамга барча нарсаларнинг исмларини ўргатди”. Сўз недир? Боя айтганимдай, бор-йўғи

оғзингиздан чиқадиган бир ҳовурдир. Лекин мен сизга шу ҳовурнинг канчалар улуғ хазина эканидан хабар берайин.

Шундан сўнг талабаларни шундай бир ажойибот оламига олиб кирдики, болалар нафас олишга ҳайиқиб унинг сўзларини тинглашди.

– Бир вақтки, на ёруғ дунё, на олам аҳли бор эди. Тангри таоло етти кўкни нақш айлаб, уларнинг ҳар бирини бир-бирига вобаста қилишни ихтиёр айлади. Бу биргина “Бўл” сўзи билан рўй берди. Шу сўз билан само юксак, замин паст бўлди. Шу сўз билан қуёшу ойни пайдо қилди, юлдузларни самога зийнат қилиб тизди, еру кўкда учадиган, сузадиган, ўрмалайдиган, судраладиган сон-саноксиз махлуқларни яратди, уларга ўз даргоҳидан жон ва билим ато қилди, бу билан ўзининг чексиз яратувчилик қудратидан баъзи нишонларни кўрсатди.

Шундан сўнг гўё дедикки, менинг бу санъатимни идрок қилиб, ундан завқ оладиган, кўрқадиган, севадиган ва менга мақтовлар айтадиган бир халқни яратай. Инсонни яратиб, уни ер юзига халифа қилганида ва унга абадийлик сифатини берганида барча ҳайрон қолди.

– Абадийлик сифати? – деб сўради бир бек боласи. – У нечукдир?

– Оламда мавжуд барча яратиклар ҳалок бўлиб кетгайдир. Бироқ инсон абадийдир, яъни сира ўлмагайдир.

– Қандоқ ўлмагайдир?

– Кишиларни айрилик кўйида оҳ чекиб ўзларини ҳар ён уришга мажбурлайдиган ажал етгач, қаро ер бағрига кўмиладиган жасад аллақачон инсон бўлмай қолур, чунки у тупроқнинг ҳаққи бўлиб, аслига қайтгандир. Охират замонида эса тупроқдан майса мисоли униб чиққайдир ва абадий яшагайдир. Энди давомини эшитинг.

Унга мангуликни ҳадя қилганида барча ҳайрон қолди, деганимиздаги “барча” сўзига диққат қилинг. Демак, у яралгани он атрофида Парвардигорнинг фақат ўзи биладиган қиёфа-ю санокдаги аллақанча жон эгалари шоҳид бўлиб туришган эди.

Инсонни яратгач, Худои таоло унга ўзи истаган луғатларни ўргатди ва мартабасини олий қилди.

Унинг наздида барча бир бўлса-да, даражалари турли-туман бўлиши учун юзлаб йўллар очди. Занжини<sup>1</sup> кўкка кўтариб, фирдавсдан жой берди. Мўътабар пайғамбар сулоласидан бирини<sup>2</sup> чоҳга кулатди. Бирига олам подшоҳлигини берди-ю, аммо оғзига балчиқ тикди<sup>3</sup>.

Инсонга яралишиданок ўзини танитди<sup>4</sup>. Бироқ, ёруғ оламга келганида у билимни унуттириб, жавҳарига илмга чанқоқликни жойлаб қўйди. У шундай илмки, мангу саодатнинг калитидир.

Шундан сўнг барчанинг юрагида ҳаяжон уйғотган сўзларини айтди:

– Билим, билим! Билиш ва ўрганиш инсонликнинг энг олий вазифасидир! Инсон – ўргана оладиган, англай оладиган ва ярата оладиган хилқатдир. Яратувчанлик қобилияти инсонда бениҳоя етук. Шу сабабли Тангри таоло ўз каломида инсоннинг энг устун жиҳати ақл юритиш эканини қайта-қайта уқтирди. Ақлингиздан фойдаланинг, дея сизга оятларини изоҳлади. Билган билан билмаган тенг бўлурми, деди. Ақллини кўзи очикқа, нодонни кўрга қиёслади. Жоҳил – фақат еб-ичишни ва ўз оромини ўйлайдиган кимсадир. Етук киши эса яратувчи, бунёд қилувчидир! Сиз айрим ўсимликларни кўргансиз, ўсиб-унгай, аммо меваси ер тубида бўлгай. Сизнинг ҳаёт дарахтингиз ҳам шунга ўхшайди, баъзи меваларини бу оламда кўрсангиз, яна аллақанчасини мангулик диёрида кўрасиз. Уларнинг бир қанчаси айтган сўзларингиз туфайли бунёдга келади. Улар туфайли пайдо бўлган боғлар ҳайбатидан ақлингиз шошади. Айтилган салавотларнинг дарёларидан ҳузур топасиз. Берилган саломлару аликлардан, кишилар кўнглини олиш учун айтилган яхши сўзлар боис пайдо бўлган ором масканларини кўриб ҳайратланасиз!

Абу Абдуллоҳ Кулоҳий дарсига шоён берилиб кетди:

---

<sup>1</sup> Ҳабаш Билол назарда тутилмоқда.

<sup>2</sup> Абу Лаҳаб.

<sup>3</sup> Миср фиръавни.

<sup>4</sup> Ал-Мисоқ назарда тутилмоқда.

– Оғочлар, дарёлар, кўллар, йўллар, тоғлар, жонлиқлар, хидлар, ранглар – буларнинг бари Тангри таолонинг оятларидир! Ҳамда барчаси унга шохидлик бериб, у истаган тарзда мавжуддир. Теварагингизга қараб ақл юритинг! Буларнинг барчаси биргина сўзни айтишингиз учун мавжуддир. У сўзнинг қудрати шундайки, ё дўзахга йўллар, ё жаннатга. Айтинг-чи, у не сўз экан? Алишербек?

Алишер жавоб қилди:

– Шаҳодат калимаси!

– Балли! – Мударриснинг юз-кўзи яшнаб кетди. – Шу биргина сўз тақдирнигина эмас, яшаб ўтилган-у ўтилмаган бутун умрни ўзгартириб юборади! Ким кўрибди бундай марҳаматни, биргина сўзга бунча қудрат жойланганини?

У Тангри каломи ва инсон сўзининг қудрати ҳақида турли мисоллар келтирар экан, таом вақти бўлганини билдириб, занг урилди.

– Бу айтганларим ёдингизда қолсин, чунки ҳаёт мазмунидан сўз айтдик, – яқунлади сўзини мударрис. – Энди тин олинг, тушлиқдан сўнг яна шу ҳақда сўзлашурмиз.

Болалар хонақоҳдан боғ ичкарасига ўтишганида, пешанасини қизил рўмол ила танғиб олган баковуллар дастурхон ёйиб, егуликларни келтириб бўлишган экан. Ичига кесма солиб пиширилган умоч ейилди. Бир оз танаффусдан сўнг, дарсинг давомига кирилди.

### ***БИР БОШҚА ОЛАМ***

Абу Абдуллоҳ Кулоҳий аллақачон хужрада, толибларни кутиб турган экан.

– Сизга сўзнинг сифатларидан бир қанчасини айтдик, энди лисонларга келгаймиз, – деди мударрис. – Мисол учун, арабча – фасоҳат ва балоғат сайқали билан зийнатланган бўлиб, Тангри таолонинг каломи шу тилда нозил бўлди. У тилнинг мукамаллигига шубҳа йўқдир. Мисол келтирсам, биргина туянинг юзлаб исми бордир. Чунончи, уруш туясини “жут” дерлар.

Қора рангдагиси “жалма”, оқи “самха”, кулранги “малха”, қора узра сарик йўллиси “сахба”, тариқ ранглиси “сафра”, оқу қора аралаши “зарқа” дейилади. Яна, сийрак тукли туяни “суфра”, сут туяни “халфа”, олти ойлик бўталокни “хувар”, бир яшарлисини “махлул”, икки яшарлигини “мафруд”, уч-тўрт яшарлигини “лиқо”, беш ёшдагисини “жуз”, олти яшарини “саний”, етти яшарини “рабъа” дейдилар. Сафар туяси “хажин”, юк туяси “рихла” бўлиб, “Фалончи рихлат айлади” деган гапнинг маъноси шундан келиб чиқади, яъни ажалнинг юк туясига миниб, маҳшар манзилига равона бўлди. У туяга ортилган юк эса унинг ўзидир.

Модомики арабчанинг мақоми ва камолоти равшан бўлди, ундан сўнг келадиган туркча, форсча ва ҳиндча – асл тилларнинг манбаидир, Нуҳ алайҳиссаломнинг уч ўғлидан тарқагандир. Нуҳ алайҳиссалом тўфон балосидан нажот топгач, ўғилларидан Ёфас Абул-туркни Хито мулкига, Сом Абул-фурсни Эрон ва Турон мамлакатига ва Ҳом Абул-ҳиндни Ҳиндистон тупроқларига юборди. Шу уч пайғамбарзодадан жаҳон халқлари тарқалди.

Энди туркчага келсак, туркчада ҳам жонзотнинг рангу туси, ёшига қараб ўнлаб номлари бор. Мисол учун, отнинг янги туғилган боласи “қулун”, ёшига-ю жинсига қараб “тойчоқ”, “той”, “айғир”, “бия”, тусига қараб “тўриқ”, “саман”, “бўз”, “олача”, “тарлон”, “ғиркўк”, “бойчибор”, “тулпор”, “бедов”, “қашқа” дейилгани каби.

– Ҳақ дини арабчада келгач, бошқа тиллар ўла бошлади, – деб давом этди мударрис. – Даввора олимлари арабийни пухта ўрганишиб, рисолаларини ўша тилда битдилар. Аммо Тангри аzza ва жалла халқларни ва тилларни яратганининг ҳикмати ҳам бор. Яъни, ўзига ўша тил ила ҳамд айтилмоғини ирода айлади. Шундан келиб чиқиб, ўзга лисонларда ҳам арабий санъат ила шеър яралмоққа бошлади. Тингланг, сизга бир мисол айтай:

*Офаринлар унга, ул Яздони пок,*

*Берди фармон, жону иймон тонди хок.*

*Аршни сув узра бунёд айлади,  
Одамий умрин шамолга жойлади.*

*Кўкни юксалтди, забардаст этди ул,  
Ерни тубан айлади, наст этди ул.*

*Ул бирига жону жунбуш берди чун,  
Бул бирига берди орому сукун.*

*Осмонни бесутун чодир қилиб,  
Ерни ёйди остига, ҳозир қилиб...<sup>1</sup>*

– Энди муни шарҳлаб берай, санъатини англаб! Олам сирларини шундай нақшладики, уни англаб етган дил уйқудан уйғонгандай бўлиб баҳра олади. Бу худди зулмат ичида кўркувдан титраган сув узра куёш чиққани маҳал қизил нурлар ўйнагани кабидир, у худди ёнаётгандай кўринади. Бу манзарани сиз дарё сувида ҳам кўра олгайсиз.

Денгизнинг бағри сувга тўла-ю, лекин соҳили куп-курук. Яъни, сувга етиб уни ича олмаётган лаб кабидир.

Тоғу тош ўз мақомида турган аскардай кўринади, у ер юзи мувозанатини сақлаб туради. Уни шундай қолдирсанг ҳам бўларди, бироқ, ўткир қояларни устида тиғдай қилиб қўйдинг, дарёни оқизиб белидан ўтказдинг. Тош орасида сув бино қилдинг. У тоғу тош аскарлари ҳар сахар куёш нурларида қизариб ёнгайдирлар.

Гилдан, яъни тупроқдан яшил поя, қизил гулкоса чиқариб, ажойиб бир санъат бунёд қилдинг. Аммо уни яна тупроққа қайтадиган қилдинг. Сенинг кудратинг шундайки, бутун бир қўшинни энг ҳақир чибин ила мағлуб

---

<sup>1</sup> Фаридуддин Аттордан.

этасан<sup>1</sup>, истасанг, заиф қушча тумшуғидаги тош билан бахайбат филларни тумтарақай қиласан<sup>2</sup>.

Бу ишораларнинг ҳар бири алоҳида бир китоб бўлгулик воқеалардир. Биз айни дамда ҳикоятимизнинг шундай бир нуқтасига келдикки, абобил воқеасидан Коинот сарвари мадҳига бурилиб кета оламиз. У муборак зот туғилганларида, кўкдан олтин жом келтирган малаклар унинг кўксини ёриб, дунё чиркинларидан поклашгани воқеасидан Қуръон нозил бўлишигача сўзласак, минг кеча-кундуз ҳам озлик қилгайдир. У ҳикоят сўнгида яна асосий мавзумизга, яъни “Аллоҳу акбар”нинг мазмунларига қайтиб келишимиз ҳам аниқ. У мазмун шунчалар кенгки, айтилган барча сўзлар унинг қаршисида чивин қанотичалик эмас!

Маънолар ҳайбатидан барча жим бўлиб қолган эди. Абу Абдуллоҳ Кулоҳий сўради:

– Тангри таоло мунча нарсани яратиб, бағрига мунча маъно жойлаганидан муддао не экан, Алишербек?

– Гул, қуш, денгиз ёки булут ўзининг қандайлигини англари ҳолатда эмас, – деб жавоб қилди Алишер. – Уни кўриб, англайдиган кимдир учун яралгани ҳақиқатга яқин.

– Худди шундоқ! Тангри таоло махфий эди, билинмоқни истади. Шу сабабли инсонни яратди, завқу ҳайратларга ошно айлади. Ўзини шундай намоён қилдики, инсон унинг ҳар ишидан лол қолди. Бас, бугунча етар. Эрта алассабоҳ шу ерга йиғилгаймиз. Ҳирий ташига, гул сайлига борилгайдир, унутманг! – деб, болаларга тахтага ёзилган ғазални кўчириб олишларини буюриб, дарсни яқунлади.

Ҳамма бирин-кетин ташқарига чиқди. Икки дўст тошсаҳндан юриб боришар экан:

– Мударрис айтган маънолардан бирига тушунмадим, – деди Ҳусайн Мирзо. – Ҳар киши мангу эса, ҳарбнинг не зарурати бор? Қаранг, шу

<sup>1</sup> *Фиръавн Намруд қўшинини чивин лашкари мағлуб қилганига ишора.*

<sup>2</sup> *Филлар билан Маккага кирган Абраҳа қўшинини митти абобил қушлари тумшуғидаги тошлар билан ҳалок қилгани воқеасига ишора.*



майдонда қанча киши, бари турли иш билан машғул. Бири олиймақом, бири тупроқдай хор... Мангу киши шундай бўлурми?

– Менимча, аввал ёдлаганиимз “Вал-баъсу баъдал мавт”, яъни ўлгандан сўнг қайта тарилишни айтдилар, – деди Алишер.

– Барибир ам орада бир ўлим бор экан-ку? Ҳай майли, эртага гул-чечак сайлига борилгай дейилди, истасангиз хизматчилар бориб сизни олсинлар.

– Йўқ-йўқ, мен ўзим, тонг-ла етиб келгайман! – деб жавоб қилди Алишер.  
Дўстлар шу ерда хайрлашишди.

### *ГУЛ САЙЛИ*

Гул сайли учун Ҳирий ташига, Шохрух Мирзо барпо қилган сўлим боғчаларга борилди. Ҳар доимгидек, уларга бир қанча навкар ҳамроҳ эди.

Ҳирийнинг Қипчоқ дарбозасидан чиқиб бир-икки фарсах юрилгач, оқ тўфондай бўлиб боғлар кўзга ташланди. Яшилга бурканиб, оқ, қизил, кўк, сариқ чечак очган масканлар узра у тўфон бениҳоя чиройли эди. Борурда тепалик устида туғ қадалган бир қанча қабрлар кўринарди. Болалардан бири қизиқиб сўраган эди, Абу Абдуллоҳ Кулоҳий шу теградаги қишлоқларнинг мўътабар кишиларининг қабрлари деб тушунтирди. Шу аснода йўл ёқасида, тарик даласи ёнида жанжаллашиб турган икки кишига дуч келишди.

– Бу не ғавғо? – деб сўради Ҳусайн Мирзо. – Бир нима таллашиб уришмоқдаларми?

Сўнг жавоб кутмай отини ниқтаб, улар қошига етиб борди.

Жанжалкашлар кўркам от устидаги суворийларнинг олийнасаб кишилардан эканини билишса-да, келгувчи бола экани боис бас қилишмади.

– Мана бу дурроний, – деди баланд бўйли, қора соқоли қайсарона тиккайган, хиёл қийиқ кўзли, миқти гавдали бири, Абу Абдуллоҳ Кулоҳийга, – панжобийни камситмоқдадир. Эмишки, аҳли муслим жаннат боғларида дурронийда сўзлашар эмишлар. Хўп, панжобча-чи десам, дурроний тилини билмаганинг учун жаннатга кирсанг ҳам тек ўтиргайсан демоқда. Бир уриб, бошингни елкангдан айириб қўяйми?

Дурроний ҳам ўроғини чангаллаб турар эди.

– Отамнинг забонини нега ҳақорат қиласан? – дер эди. – Чопиб ташлайман ҳозир!

Дурронийлар ҳар кимдан отасини устун қўйишлари ҳаммага аён эди.

– Ҳай-ҳай! – деди мударрис. – Шаҳзода қошида нечук одоб бу?

– Иккингишни ҳам таъзирингишни бермасимдан дарҳол тавба қилинг! – деб ҳайқирди навкарлардан бири.

Уришқоқлар дарров ўзларига келишди.

– Шаҳзода? – дурроний ханг-манг бўлиб қолган эди. – Қани, қайда у?

– Бул йигитча шаҳзода Ҳусайн Мирзодур, – деди Абу Абдуллоҳ Кулоҳий, мулойимлик билан.

– Вой-вой! – дея икки қўлини боши узра қовуштирди дурроний. – Отам сенга қурбон бўлсин, шаҳзодалигингни қайдан билай?

Унинг эҳтиром ила қўл қовуштириши-ю “сен”лаб гапириши қизиқ эди.

– Ҳай, шошманг-чи, – деди Кулоҳий. – Лисон ғавғоси қилар экансиз, хўш, илмингиз борми?

– Бор, – деди қора киши.

– Хўш, нимани билгайсиз?

– Ер ишламоқни, тоштарошликни билурман, – деди қора киши.

– Мен эса боғбонлик қилурман, – деди буниси.

Мударрис бош чайқади.

– Шунинг илм деяпсизми? Аттанг... Қалдирғоч лойдан уй қуришни билур. Ўргимчак тўр тўқир, қурт ипак чиқарур... Ҳол буки, иккингида ҳам илм йўқ, аммо талашиб-тортишурсиз. Ҳар лисоннинг ўз гўзаллиги бор, бироқ бу билан мақтанмоқ ақл иши эмас-ку?

Кейин тепадаги қабрларни кўрсатди:

– Уларнинг бир-биридан фарқи не?

– Фарқини кўрмаймиз, – дейишди улар. – Тош-тупроқ, холос.

– Илмингиз йўқ эса, тингланг. Бу қабрлар унда ким ётганига қараб кадрлангайдир. Ақлли билан нодон тенг бўлурми? Улар ҳаргиз тенг

эмасдирлар, икковидан билимдонроғининг иззати баландроқдир. Бирок, гапингиз тўғри, маҳшарда ҳамма ягона тилда сўзлашур, – деди мударрис. – Агар сўзлашга ҳоли бўлса албатта.

– Ростданми? – ҳайрон бўлганидан дурронийнинг оғзи очилиб қолди. – Илмли кишига ўхшайсиз, аммо қиёматда яна бир тилни ўрганмоққа қайдан имкон бўлсин?

Содда дурроний у пайтда одамлар ўз тилларидан бошқа яна бир тилни ўрганишлари керак, деб ўйламоқда эди.

– Аллоҳга қасамки, шундай, – деди мударрис. – Андоқ ўрганмагайсиз, балки билган ҳолда тирилурсиз. У тилни инсону малак бирдай билгай.

Булар – содда-жўн кишилар учун жуда ғаройиб, аввал сира эшитилмаган гаплар эди. Оғизлари очилиб, олимни тинглашарди.

– Тилларни турли-туман қилган зот, уни яна бирлаштириб қўя олмайдами? Модомики қиёматда наинки инсон, балки унинг тана аъзолари ҳам сўзласа? – деди Абу Абдуллоҳ Кулоҳий. – Шу сабабли, беҳуда жанжални бас қилинг, Зеро, бирингиз бирингиздансиз. Тангри паноҳида сақласин!

Хайрлашиб жўнашар экан, бири қўлини кўксига қўйиб, бошқаси икки қўлини боши узра жуфтлаб кўтариб, таъзим қилиб қолишди.

Йўлда давом этиларкан:

– Тупроқ ишлаш ё тоштарошликни илм демадингиз, сиз айтган илм қайси? – деб сўради Алишер мударрисдан.

– Булар Тангри таоло азалдан билдирган илмлардир, – деб жавоб қилди мударрис. – Шу сабабли ўрдак боласи туғилгани заҳоти сувга тушиб сузар, шўнғиб емиш топишни билур. Арслон боласи қай этни, бузоқ ёки қўзи қай ўтни ейишини билур. Инсонга ҳам жавҳаридан берилган илмлар бор, улар ҳар кимга бирдай ато этилган. Бирок, таъб ила эрилишадиган билимлар тамомила бошқадир. Улар Тангри таолонинг махфий даргоҳларининг сирларини очгайдир.

Боққа етиб келганларида турфа гилосу олмалар чунон гуллаган, бол арилари визиллаб учар, ҳар тараф гул эди.

– Ё кудратингдан! – дер эди Абу Абдуллоҳ Кулохий, уларни бир-бир искаб. – Буларнинг гўзаллигини кўринг! Бугун мавж-мавж гул, эрта келсангиз, ўрнида кўм-кўк гўра бўлгай. Яна бир кун қарасангиз, таъму маза киргай. Тийрамоҳда япроғини тўкиб, етук мевасигина қолгай, куз совуқларида олтин каби қизариб “Мени ол!” деб тургай...

Мударрис ҳар оғоч олдига бориб сукланар, ҳар майса устига эгилар, ҳайрату завқини яширолмасди.

– Қудратингдан айланай, Аллоҳим! Бу бир олма гули бўлса, уни қандай қилиб тарам-тарам нақшли қизил мевага айлантирасан?! Ўшандай оқиш гулли нокка эса олтин тусини бериб, ичини шарбатга қандай қилиб тўлдирасан?! Буни қандай қиласан, Парвардигорим!?

Шундай деб ёнига ўгирилган эди, эшитгувчиларнинг нари кетиб, ўтлоқ устида ўзаро кураш тушишаётганини кўрди. Ҳусайн Мирзо кучли эди, бироқ Алишер чакқонлик билан унга чап берарди. Салдан кейин Ҳусайн Мирзо уни йиқитиб, босиб олди, Алишер эса қитиғи келиб, кула-кула типирчиларди.

Гул сайлида анча кезилгач, яланг ўтлоққа солинган наматлар устида авому уламо орасида гоҳ-гоҳ вуқуъ бўлгувчи лисон жанжали ҳақида сўз кетди.

– Тилларни бир-биридан устун кўювчиларни ёки камситувчиларни Абу Абдуллоҳ Жунайдий жонзотларнинг энг тубани, дедилар. Ҳатто ваҳший ҳам у ёки бу жонлиқни ўзгасидан устун ёки паст кўрмас. Мен шу дамгача у ёки бу тил устун деган кишидан ёмонроғини кўрмадим. Жавҳарингизда Тангри даргоҳларидан келган, тафаккур қилишни севадиган бир руҳ бор. У намоён бўлмоқни истайдир. Тил ўрганурки, ўзимни кўрсатай дея. Бирини ўрганур, озлик қилгайдир. Иккинчисини ўрганур, яна озлик қилур. Учинчисини ҳам ўрганур, қараса, бу ҳам оз. Барча тилларни ўрганса ҳам “Ўзимни ифода қилмоққа булар етмас” деябергайдир. Сўз ила мамлакатлар бунёд этгай, уммонларни сўзлатгай, куёшни мулозим қилиб, юлдузни девонига хошия қилиб қадагайдир.

Етти иқлим султонлари турли мамлакатларни бўйсундириб, ўз мамлакати довуғини оламга ёйгайлар. Шу билан бирга, салтанат эгалари ўз мулкларининг улуғлиги билан мақтанишни истасалар, қанча қилич чопгани, нечта жангга киргани бир ёнда қолиб, мамлакатининг илму санъатидан сўз очгайлар. Илм ва санъат мукамал бўлсин дея, турли тилларни ҳам ўрганурлар.

Оламда фасоҳат бобида форсчани олам куёши даражотига чиқариб кўйган икки зот яшаб ўтди. Дунёда уларга тенглашадиган киши ҳануз йўқ. У икки зотнинг бири Низомий Ганжавийдир, у яратган “Хамса” шеърят осмонида куёшдай балқиб, бошқа барча куёшларни хиралаштириб кўйди. Орадан юз йил ўтгач эса, яна бир улуғ зот – Хусрав Дехлавий дунёнинг иккинчи “Хамса”сини битди. Шу тариқа самода икки куёш порлади.

Кўряпсизми? Бир ёнда Ҳинд эли то Баҳри Муҳитгача ёйилгандир ва унда Дехлавий “Хамса”си нур сочади. Бир ёнда Ироқ, уммон каби тўлқинланур ва унда Ганжавий “Хамса”си порлайди. Бу икки “Хамса” ораси юз йилдир. Салтанатлар илму урфони ила шуҳрат топарлар, дедик. Қолдики, иқтидорда улардан сира камчилиги йўқ, ортиқ бўлса ортиқ туркий салтанат бутун шон-шавкати ила кўркланса-да, ундай хазинаси йўқтур, мақтанолмас, ўксик қолмоқдадир. Турк тили оламда улардай қадимий бўлса-да, бу тилни юксакка кўтарадиган киши ҳануз туғилмагандир.

Бу сўзларни Алишер кўзлари порлаб, жон қулоғи ила тинглар эди. Синд дарёсининг у тарафидаги ажойиботлар ҳақида ўйлаб ўтирган Ҳусайн Мирзо савол берди:

– Самода икки куёш порлади дедингиз. Нечун ростни ўтрук ила қувватлангандирингиз?

– Бундай сифатлар улуғлик даражасини билдириш учун айтилади, – деб тушунтирди Абу Абдуллоҳ Кулоҳий. – Шу сабаб, соҳибжамол бир малакни моҳчеҳра дейилгай. Кулса гул ёғилур, йиғласа дур деб таърифланур. Ҳай, ундай кишини қайда кўрдингизки, кулса гул сочилсин, йиғласа дур? У гуллару дурлар киши қалбида сочилгани шу тарз билдирилгай.

– Модомики ҳар не ўшатиш муболағага қурилар экан, ҳиндубачанинг маъноси не? – деб сўради Ҳусайн Мирзо.

– Ҳиндубача деб тан қаролиғи боис айтилур, – деди мударрис. – Бир сўз мазмунини ўзгартирмоқ, унга маъни либосини кийдирмоқ нафис санъатлардандир. Мисол учун, тойчоқ дея чаккон ўсмирни, оху дея хуркак киз-жувонларни, ғаввос деб илм денгизига шўнғувчиларни айтурлар. Ҳинд элининг кишилари қора тусли бўлгани боис, қора тунни ёхуд осмонни, қора кўзни ёки қошни ҳам ҳиндубача дерлар.

– Ҳинд элида ажиб ишлар воқе бўлубтир, – деб давом этди мударрис. – Таассуфки, тамоми кофиристондир. Бутларини яратиб олгандирларки, мисол учун, бир худолари бор, минг кўзли эмиш.

Алишер хаёлида минг кўзли, минг қўлли баҳайбат бир яратикни тасаввур қилиб кўрди. Бу ҳолда унинг ҳаракатланиши нақадар қийин ва теграни кўра олиш учун икки кўз етарли бўлгани ҳолда, минг кўзнинг ҳам, минг қўлнинг ҳам нега кераклиги мантиқсиз эди. Бу сўз замирида Тангри еру кўкларни, замин тубларини, қурту қуш, парранда-ю даррандаларни, ўзи яратган оламларнинг ҳар бирини алоҳида қўл ила бошқаради, деган оддий тушунча аксланиб турарди. Ваҳоланки, инсон икки қўли ила не-не ишларни содир этгай! Ушбу жумбоқнинг ечимини топган каби:

– Менимча ундай эмас, – деб ўз мулоҳазасини билдирди.

– Нечукмиш?

– У ерда шундай бир илм бормишки, таққос ила кўрган бўлсалар керак, – деди Алишер. – Ҳар ҳолда, минг кўзли демак – ҳар нарсани кўриб турадурғон демакдан ҳосил бўлган чоғи. Илмдан беҳабар киши Яратган зотни юзта қўли бор, шу сабабдан ҳар ишни бажара олур дея тасаввур қилганмиш. Минг кўзли ёки қўлли демак – ўзидан минг даража юксакдалигини ифода этадур.

– Оллоҳ-оллоҳ, зеҳнингизга балли! – таажжубини яшира олмади мударрис. – Ҳолатга кўра худди шундайдир. Аммо шаръан терсдир.

– Султон Ғазнавий ҳам, бобонгиз Темурбек ҳам у ерларга ҳақ динига чорлаш мақсадида кўшин тортган эдилар. Не ёзуққим, оталаримиздан қолган

динимиз дея бутларига қаттиқ ёпишмишлар. Шу тарика, ўшандан буён ҳар канақасига боқсангиз ҳам, бутлари ила қолабермишлар. Зеро, “Улар англамаслар”, – талабаларининг қизиқишидан қувонган мударрис завқини яширмади. – Иншоллох, ҳар иккинги улуғ ишларнинг бошига келгайсиз! Мирзо келгусида салтанат ободлиги учун ғайрат қилсалар, Алишербек илму урфон бўстонларидан дурлар териши аниқ бўлди. Алишербек, мен сизга бир совға берайин, таққос ва мажоз илмига муштоқ кишининг ўқимоғи ҳаргиз шарт, – дея, хуржунидан матога ўроғлиқ бир китобни олди. – Буни ёзган киши мавлоно Фаридуддин Аттордир. Ҳазрати Сулаймондан сўнг қушлар тилини англаган ва кишиларга англаган табаррук зотдир.

– “Мантиқут-тайр”, – деди Алишербек, қизиқиб варақлаб. – Ростдан ҳам қушлар тилидан баҳс этилурми?

– Албатта, – толибининг саволига кулимсиради мударрис. – Ул зот айтмишларки, тегрангизда кўрилганлардан бошқа, ҳар томон потирлаб учгувчи жон қушлари ҳам бордир. Инсонлар қуш каби, ҳаётдан мамотга қараб учарлар. “Мантиқут-тайр” қуш лисони ила тирик жонлар тақдирдан баҳс этар. Кўрдингизми, Атторнинг ўзи сизнинг қошингизга келмоқдадир.

Алишер устозига миннатдорчилик билдириб, китобни авайлаб жуздониға солди.

Гул сайли ниҳоясига етгач, қуёш уфққа ёнбошлар маҳалнинг гўзал манзараларини томоша қила-қила Ҳирий қайтилди.

– Кеча оқшом сиз ҳақингизда Нурмуҳаммад тағойига айтдим, – деди йўлда шаҳзода Ҳусайн. – Ҳарб машқларига келмоғингизга рози бўлдилар. Муҳтарам атойингизни айтганимда суюниб кетдилар, бир қанча чопқинларда бирга эдик, кўмакдош бўлганлар дея салом ҳам йўлладилар.

Ҳирий келингач, дўстлар хайрлашишди. Алишер ота боғига яёв кетди. Муҳтарам атои ҳам, тағойилар ҳам бу кун боғда эмас, бир иш билан Сабзаворга жўнашган, боғчада хизматчилару аҳли аёл қолган эди, холос.

## ***МАНТИҚУ-Т-ТАЙР***

Алишернинг энагаси – оху кўзли Қутб кичик бекнинг келишини томга чиқиб кутиб турарди.

Асли исми Қутбия бўлмиш бу қизалоқни Ғиёсиддинбек Шохрух Мирзонинг Ироқ юришлари вақтида, ҳеч кими бўлмагани учун ўзи билан олиб келиб тарбият қилган, ҳозир ойдай етилиб, оқ тиниқ юзли, узун киприкли малакка айланган эди. Қизлар тўққиз ёшидан чодра ўранмоқлари шарт бўлиб, шундан буён унга ташқиға чиқиш тақиқлаб қўйилган эди. Ҳирийда заифалар берунга чиқсалар ҳам чиммат ила паранжи ёпинурлар. Ички ҳовлида сариғу қизил аралаш қабоси устидан қора тўнини кийиб, чимматини тутиб томга чиққан Қутб, Алишербек кечикаётгани учун хавотирда ҳар ёнга алангларди. Бу ироқ гўзалининг Алишерга меҳри шоён, бир дам кўрмаса ўзини қўярга жой тополмас, унинг беғубор муҳаббатидан хонадондаги барча хабардор эди. Шу сабабли уни бошқа юмушлардан озод қилиб, Алишербекка энага қилиб тайинлашди. Қутбнинг яна бир фазилати – мусиқийни билмоғи бўлиб, гоҳида уд чалиб ироқ кўшиқларидан айтиб берарди. Овози тиниқ, дардчил бўлиб, шунчалар гўзал эдики, одамни сеҳрлаб қўярди.

Ниҳоят, кўча бошида бир мулозим ҳамроҳлигида Алишер кўрингач, “Аллоҳга шукр!” дея пичирлаганича пастга тушиб, у етиб келгунча дарбоза ортида кутиб турди. Алишербек кириб келгани ҳамано кучоқлаб, юз-кўзларидан ўпиб-ўпиб олди.

– Ёқтирурсиз деб сизга бол солиб қуробия<sup>1</sup> пиширган эдим. Кўзимни тўрт, ўзимни интизор қилдингиз, – дея сўзланарди Қутб, обдастани олиб, – Юз-қўлингизни чайинг, бўлақолинг. Анави чол бақириб қолмасин тагин...

“Анави чол” деб у боғбонни айтмоқда эди. Боғбон кўрс, баджаҳл киши бўлиб, канизу жорияларни остона ҳатлагани қўймас, гоҳида биров ташқи ҳовлиға чиқиб қолса, бақириб кесак ғириллатиб қоларди. Қутбнинг хавотири шундан эди.

---

<sup>1</sup>Қуробия - Дамашқ ва Рум ширинлиги.



Алишер ҳам Қутбни яхши кўрарди. Оғачаси<sup>1</sup> бўлмагани учун оғачасидай севар, шу маҳалгача доим у билан бирга, лекин шу баҳорда Алишер аҳли аёл билан эмас, эр кишилар билан кўпроқ мулоқотда бўлсин дея хобхонаси берунга, меҳмонхона ёнбошига кўчирилган эди.

Қутб кичик бекнинг қўлидаги китобни кўриб, сўраб олди-да, варақларини очди. Хат битилган ипак қоғози майин шитирлаб, оғоч иси димоққа урилди. Ҳирийда қоғоз тут оғочидан тайёрланар, шу сабабли, ундан ширин ис анқиб турарди.

– Бу не китоб? – деб сўради хат-саводи йўқ Қутб, оқ юзида ажабланиш сезилиб, шунинг баробарида Алишербекка эҳтиром билан қараб. – Ўзим ўргилай, менинг бек иним шунақа китобларни ўқир эканми?

– “Мантиқ-ут-тайр”, – деб жавоб қилди Алишер, сўнг Қутб худди арабчани тушунмайдигандек, қўшиб қўйди: – Яъни, куш нутқи, куш тилидир.

– Вой тавба! – лол қолди Қутб. – Мактабда одам тили қолиб, куш тилини ҳам ўргатар эканларми?

Алишер кулиб, бунинг бир мажоз эканини айтди. Муддаоси тезроқ ўз хонасига кириб китобни ўқимоқ эди, бироқ Қутб сира кўймасдан ўзи пиширган қуробияларидан егизди. Сўнг яна қўлига сув қуйиб, қониқиш билан деди:

– Ана энди ўқисангиз бўлғай!

Алишер хужрасига кирди-да, тўшакка ўтириб, китобни лавҳга авайлаб жойлаб, илк саҳифасини очди.

Унинг зукко ақли Атторнинг ҳаётбахш сўзлари қатидаги ишораларни дарҳол илғаб олди. Устоз Фаридуддин унинг онгида янги ва сира кўрилмаган ҳайратларни бунёд этарди. Ҳа, инсон ҳам куш каби, ҳаётдан мамотга қараб учгайдир. Кунлару тунлар, ойлар алмашар экан, ҳаёти давомида ўлангу яйловларда дон-дун тера-тера, субҳу шомлар сайроқ ноласи ила Парвардигорга илтижолар қила-қила, омонат инлар қуриб, полопон ҳам очади. Бунчалар содда ҳаёт аро қушларнинг турли-туман яратилиши, рангу

---

<sup>1</sup> Оғача – опа.

тусларининг ва ҳар бирининг сайроғининг ўзгалиги инсонларни тамсил этиб турмоқдадир. Зоҳир шундайдир, ботинда эса жон қуши ҳам бордир, киши жисмида чирқиллаб тургайдир. Унинг учар манзиллари тамомила бошқа, ҳаёл етмас юксаклардадир...

“Илм бир оҳанрабодир, – дер эди мавлоно. – Ичингизда уни талаб қилгувчи бир хусусият мавжуддирки, истасангиз ҳам, истамасангиз ҳам талаб қилмоқдадир. Чунки шу билан овуниб, шу билан шодлангайдир. Қуёш тонгдан шомга қараб ботгайдир, бироқ, онг қуёши сира ботмагайдир. Денгиз Шомдан бошланиб Румда тугаса, илм денгизининг охири йўқдир. “Ва куллун фи фалаки ясбахун” қавлидаги каби, онг ҳам қуёш сингари илм фазосида ловлов ёниб сузгайдир. Ва булар Яратган Парвардигорнинг мутлақ ҳукмлари дир...”

Гўё нур юзли бир зот унинг ёнгинасида, донолик ва меҳр балққан мулойим нигоҳини тикиб, борлиқ ҳолатини шарҳламоқда эди:

*Боқ, фикр қил санъатин, ул подшо,  
Ҳечу ҳечлардан яратмиш не бино!*

*Баски ҳечлардан яралмиш ул, демак,  
Жумла борлиқ ҳеч эрур бешубҳа-шак.*

*Аршу олам баски тилсимдир тамом,  
Барчаси Ундан иборат жисму ном...<sup>1</sup>*

Гўё шу маҳалгача ёпиқ турган ажойиб бир боғ дарвозаси очилиб, маънолар ва тимсоллар бўстони намоён бўлгандек эди.

“Жонни яратган пок Парвардигорга ҳамду санолар бўлсин! – дерди у киши. – Тупроққа ҳаёт бағишлаган ва имон ато этган Удир. Тупроқни сув узра тиклади, тупроқдан бўлганлар умрини елга берди. Осмонни

---

<sup>1</sup> *Жамол Камол таржумаси.*

забардастлик – голибликда, юксакда сақлади. Тупрокни, ерни пастлик даражасида тутди. Ул бирига – осмонга доимий ҳаракат ато этди, бул бирига – ерга сокин, тинч туришни буюрди. Олти кунда етти юлдуз-сайёрани вужудга келтирди, икки ҳарф<sup>1</sup> орқали амр этиб, осмонни яратди. Фалак ҳар кеча у ерда нард ўйнасин деб юлдузлар сокқаси – муҳрасини олтин сандиқчалар шаклида ясади.

Тана тузоғини хилма-хил ҳолатларда қилди. Жон қушининг домини тупроққа қўйди. Денгизни эритиб ўзига таслим айлади, тоғни қўрқувдан қотириб, ҳайрон қилиб қўйди. Чанқоқликдан денгизнинг лабини қуритди, тошни ёқутга ва қонни мушкка айлантди. Ернинг посбони бўлсин деб тоққа ҳам чўққи, ҳам бел берди. Гоҳида олов устида гул дасталади<sup>2</sup>, гоҳида дарё остида кўприк ясади<sup>3</sup>. Душман бошида ярим пашшани тўрт юз йил тутиб турди<sup>4</sup>. Ўргимчакка ҳикмат билан тўр тўқишни ўргатди ва садри олам Муҳаммад Мустафони унда яшириб, осойишта сақлади<sup>5</sup>.

Чумолининг белини қилдай ингичка қилди, аммо унга Сулаймон кафтидан жой берди<sup>6</sup>. Аббос авлодига хилъат – тўн берди<sup>7</sup>. Осмонга тос (то ва син) берди. Исо билан бирга игнани кўргач, ноилож сир фош бўлди<sup>8</sup>. Лоладан қонли қилган тиғни, яъни тоғ чўққисини тутундан нилий гулшан қилди. Тупрокни пора-пора қилиб, қон билан йўғирди, токи қип-қизил лаълни ундан чиқарди. Қуёш ва ой кеча-кундуз унга саждададир, булар ўз манглайларини йўлининг тупроғига суртадилар. Бу уларнинг саждадаги сиймоларидир – саждасиз сиймо мавжуд бўладими ахир?

<sup>1</sup> “Коф” ва “нун”, яъни, “Кун” – “Бўл” амри назарда тутилмоқда.

<sup>2</sup> Намруд буйруғи билан ҳазрат Иброҳимнинг гулханга отилиши, Аллоҳ фармони билан гулхан гулшанга айланиши воқеасига ишора.

<sup>3</sup> Ҳазрат Мусо қавмлари билан Мисрдан қочаётганида Аллоҳ фармони билан денгиз вақтинча иккига бўлиниб, йўл очилишига ишора.

<sup>4</sup> Фиръавн Намруд Аллоҳга қарши уруш очганида, Аллоҳнинг бир нимжон паишаси унинг миясига кириб, азоблайди. Фиръавн бошига гурзи билан уришни буюради.

<sup>5</sup> Макка мушиқлари қувлаб келётганида Муҳаммад с.а.в билан ҳазрат Абубакр горга яширинадилар. Шу пайт Аллоҳ фармони билан бир ўргимчак гор оғзини ўз тўри билан беркитади. Мушиқлар қайтиб кетадилар.

<sup>6</sup> Сулаймон пайгамбар лашкари билан бораётганида чумолиларни босиб кетмаслик учун тўхташи ва чумолилар раҳбари билан суҳбатда унинг акдига қойил қолишига ишора.

<sup>7</sup> Бағдод халифалари — аббосийларга ишора (Мансур, Ҳорун ар-Рашид, ал-Маъмун ва б.)

<sup>8</sup> Ҳазрат Исо А.С. самога кўтарилаётганида кафанидаги бир тўғноғич унинг парвозига тўсқинлик қилади.

Кундуз унинг очик-равшанлигидан оқариб кўринса, кеча Унинг сиқувидан қоронғиликда қуяди. Тўқалга олтин бўйинбоғ боғлади, Худхудга раҳбарлик хабарини берди. Осмон қуши йўлида қанот қоқди, эшигида эшик халқасидай бош уради. У фалакка кеча-кундузда айланиб туришни ўргатди, кечани кетказиб, кундузни келтириб, ризқ-рўз берди.

Лойга нафас тегизса, одам қилади ва кўпик билан тутундан бутун оламни ярата олади. Гоҳи итга тўргача йўл беради, гоҳ бир мушук орқали йўлни очади. Гоҳи Ул, яқинлик, шеримардликни шу итга нисбат беради<sup>1</sup>. Гоҳи бир асо – таёққа Сулаймонлик қудратини ато этади<sup>2</sup>, гоҳида бир чумолига сўзлаш истеъдодини тухфа қилади<sup>3</sup>. Гоҳида асони аждарҳога айлантиради<sup>4</sup> ва тандирдан тўфон чиқаради<sup>5</sup>. Қишда кумушдай қорларни ёғдиради, кузда дарахт шохларидан олтин тўқдиради. Фалакни саркаш от сағрисига айлантиради, унинг ҳилолидан ўт сачровчи тақалар яратади. Тошдан ўрқачли туялар чиқаради<sup>6</sup>, олтин сигирни зорланиб нола қилишга мажбур этади<sup>7</sup>. Агар киши ўқини қон ичига яширса, у ғунчада қонни ўқ ичига яширади. Ёсуманга тўрт тож ясайди, лоланинг бошига қонли қулоқ кийдиради, гоҳи нарғис гули бошига олтин тож кийгизади, гоҳида унинг тожиги шабнамдан гавҳар қадайд...

Болакайнинг кўнгли гўё қақроқ тупроқ, бу мўъжиза китоб эса, гўё Замзам суви эди. Қалб уни қониб-қониб ичиб, ўзига сингдириб оларди.

...Жория Қутб тун ярмидан оққанида ҳам кичик бек хонасида шам ўчмаганидан хавотирланиб дарча олдига келганида, Алишер китобга бош кўйиб ухлаб қолганини кўрди-да, сас чиқармай ичкари кириб, авайлаб кўтариб, ўрнига ётқизди. Алишер шунда ҳам уйғонмади. Қутб шамни оҳиста пуфлаб ўчириб, ўз бўлмасига қараб кетди...

<sup>1</sup>Каҳф итига ишора.

<sup>2</sup>Сулаймон пайгамбар суянган асо ҳақида сўз бормоқда.

<sup>3</sup>Сулаймон алайҳиссалом билан сўзлашган чумоли қиссасига ишора.

<sup>4</sup>Мусо А.С. фиръавн сеҳргарлари билан баҳслашган вақтида унинг асоси аждаҳога айланиб, сеҳргарларнинг илонларини мағлубиятга учратади.

<sup>5</sup>Нуҳ пайгамбар дуоси билан Аллоҳ тўфон юборганида осмондан, ердан ва ҳатто тандирдан сув ёпирилиб келганига ишора.

<sup>6</sup>Солиҳ пайгамбарнинг мўъжизаларидан, тош ичидан туя чиқиб, бир вақтда тева тугиб, сут берган.

<sup>7</sup>Мусо а.с. Тур тожиги кетганида бир киши олтиндан бузоқ ясайди, у бузоқ ўзидан нола чиқаради.

## ҲИКМАТ ФАЗИЛАТИ ҲАҚИДА

Эртаси кун тоза субҳ маҳали дўсти билан учрашган шаҳзода Ҳусайн Алишернинг бағридаги “Мантиқу-т-тайр”ни кўриб, кулди:

– Жулду олдингизми дейман, бек жаноблари?

– Шундоқ, – деб тасдиқлади Алишербек. – Бениҳоя қийматли жулду экан.

– Жулду жангу жадалда қаҳрамонлик боис олинмасми? – деди Ҳусайн Мирзо. – Ё қуш черигига чопқин қилдингизми?

– Йўқ, мен фикр майдонида абобил қуши бўлиб жангга кирдим, – деди Алишер ҳозиржавоблик билан, мударриснинг кечаги дарсига ишора қилиб.

Ҳусайн Мирзо дўсти билим ва жаҳолат орасидаги нозик нуқтани дарҳол топиб жавоб берганига кулиб юборди:

– Иккимиз икки тур лашкар бошида бўлар эканмиз-да? Сиз ўз кўшинингизни сўз мулкида ёяберинг, мен эса инсон черигини жангу жадалга йўллай. Ҳар иккисида ҳам ғалаба муқаррар бўлсин.

Бугун ҳикмат дарси бўлиб, Алишер мударрис шарҳларига жуда муштоқ, Ҳусайн Мирзонинг эса хаёли тарқоқ, истар-истамай келар эди.

Дарсхонада болалар кам, Султон Шоҳрух Мирзонинг Ироқ юриши туфайли кўпчилик беклар ўғилларини ҳарбий юришларни кўриб пишиқсин дея ўзлари билан олиб кетишган, шу сабабли мактаб бўшаб, хувиллаб қолган эди.

Абу Абдуллоҳ Кулоҳий ҳар сафаргидай, юз-кўзида табассум билан кириб келди.

– Бир мадрасани хаёл қилинг, – деди болаларга. – Бениҳоя гўзал, кўркли мадраса! Уни наққош хўб безабдир. Унга кирганлар унинг меъморининг усталигидан ҳайратда қолурлар. Безаклари, улуғворлиги, пештоқига битилган оятларнинг кўркамлигига мақтовлар айтурлар, ичкари кирганларида воизга рўпара келурлар. Тўғрими?

– Тўғри.

– Абъёт ҳам шундоқдир, – деди мавлоно. – Сиз унинг ичи-ю ташилини гўзал сўзлар ила безаб, ҳатто пештоқиға оятларни илиб қўйгайдирсиз ва унинг ичидаги воиз ҳам ўзингиздирсиз.

– Мадраса қанчалар безакли бўлмасин, кирганлар қандай ваъз эшитишлари муҳим, – деб давом этди мударрис. – Султонун беклар савоб бўлсин дея йўллар, мадрасалар, хонақоҳлар, кўприклар қурадилар. У йўллару кўприклар Аллоҳ хоҳлаганча вақт туриб, сўнг хароб бўлиб кетгайдир. Сиз сўз ила истанг мадраса қуриб, истанг йўл, истанг кўприк. Йўл десангиз, теграсини сўз безаклари ила хўб безадингиз, бироқ ниҳоясида қайга олиб боради? Кўприк десангиз, қай соҳилга олиб ўтади? Китобу назмга қушойиш кўрсатмоқнинг асл сабаби шудир.

– Масалан, Алишербек “Мантиқу-т-тайр” ўқийдилар, – деб давом этди у. – Бир маҳаллар кишилар Атторнинг бир сўзини эшитмоқ учун юзлаб фарсах йўл босар эдилар. Ёки, Имом Ризони айтайлик. Имом Ризо ила суҳбат қурмоқнинг сира имкони йўқ, чунки Аттор ҳам, Имом Ризо ҳам ғоят олис бир манзилда, яъни барзаҳ оламидадирлар. Аммо бугун истанг Аттор, истанг Ризо, истанг олам пайдо бўлганидан буён яшаб ўтган юзлаб олимларнинг ўзлари сизга келмоқдалар. Қандай қилиб? Калом ила! Бугун “Мантиқу-т-тайр” ўқидингиз. Энди мавлоно Шабустарийнинг “Гулшани роз”ини ва шайх Суҳравардийнинг “Ламъаот”ини ўқигаисиз, яъни Шабустарий билан ҳам, шайх Суҳравардий билан ҳам суҳбатлашгаисиз!

– “Ламъаот”нинг маънисини не?

– Нурнинг бир толасини “ламъа” дерлар, – деб жавоб қилди мавлоно. – Кўргандирсиз, тобадондан<sup>1</sup> тушган қуёш нури ламъа-ламъа, яъни толим-толим бўладур. Гоҳида унда нур бағрида ўралашган чанг зарраларигача кўрингай. Тонг сахар кун чиққанида булутлар орасидан ўтган нурлар ҳам шундай ўрилгайдир.

Алишернинг тасавурида мударриснинг айтганлари жонланиб:

---

<sup>1</sup> Нур тушиши учун қилинган кичик дарча.

– “Ламъа”дан ҳам кўра, “толим” демоқ яхшироқ эмасми? – деб сўради. – Лекин, биз сочни ҳам толим деймиз...

– Сиз сураатга эмас, сийратга боқинг. Илм бир қуёш эса, шайх ўз китобини хоксорлик билан “Ламъа” деб атади, – деди мударрис. – Истасангиз, ундан бир мисол келтирай. Қудрату адолатда тенгсиз бир султон бор эди. Унинг икки қули бўлиб, бири айтилган ҳамма ишни бажарар, қолган маҳалда истироҳатини қилиб айшини суриб юраберарди. Иккинчи қулнинг эса султонга муҳаббати ва садоқати бекиёс, ҳар дамда уни ёд этар, саройи эшигидан сира кетмас, кўзи тўрт бўлиб уни кутар, гоҳида султонни кўриб қолса, муҳаббати зўрлигидан ҳушдан кетиб йиқилар эди. Айтинг-чи, қайси қул султон наздида муҳиброқ бўлғай?

– Иккинчиси, албатта.

– Бу ривоятда султон – Тангри, қул эса инсондир. Мен айтган китоблар ўшандай қулларининг ҳолидан огоҳ этар. Билингким, фақир сизга бир калид бермоқдаман. Маъни қулфларининг бир қанчаси шу билан очилгайдир, иншоллоҳ.

Шундай деб, “Гулшани роз”дан яна бир қанча ҳикоят айтиб уларни шарҳлаб берди.

“Мантиқу-т-тайр” бир тараф, мударриснинг шарҳлари бир тараф бўлиб, гўё қалб ичида яна бир кўзни очиб юборди. Теварақдаги жонлию жонсизлар ўзларининг бағридаги санъатлардан сўзлай бошлаган эдилар. Ниначининг тўр-тўр шаффоф қаноти бениҳоя гўзал санъат асари каби туюлар, кўкларнинг мутлақ ҳокими уни ғумбакдан чиқариб, далаю боғлар узра учириб, сўнг лошга айлантриб, тупроққа тиқиб юбормоқда эди. Теградаги барча санъат асарлари шу тарика тупроққа қоришмоқда, гул-чечаклар хазон бўлмоқда, буларнинг бари ҳайбатли чархпалак каби оҳиста айланар ва бола қалбига ҳали англамаган ҳикмат бўлиб қуйилар, онга босим ўтказар, гўдакларча соф хулосаларни ҳосил қиларди. Ҳатто кўкка тиккамасига кўтарилиб, бир нуқтада сайрай-сайрай қулаб тушган сўфитўрғай ҳам ўз ҳамду саносидан

халок бўлган каби эди. “Мантиқу-т-тайр” ҳам, “Гулшани роз” ҳам онгга бол каби қуйиларди.

Волида бека хавотирланиб у китобни ўқишни ман қилганида, Алишер уни бошдан-оёқ ёд олиб бўлган, истаган байтини хаёлида жонлантира олар, энди ҳофизада сийпаланса, ҳар байт бир Солиҳ туяси каби ўрнидан кўзгаларди. Ҳикматлар ва маънолар дунёси жуда яқин, бир ҳимо ила унга ўтилса, ёруғ оламдагидан тамомила бошқа, зийнатли жаннатий оламлар очиларди. Тасаввур оламининг гўзалликлари олдида ёруғ олам туссизу рангсиз, оддийу тартибсиз туюларди.

Шунингдек, воқеа-ҳодисалар ҳам тақдирнинг қай бир нуқталарида аста-секин етилиб, оламини худди булутлар каби энлаб келарди. Бу гўё самода уч тусли булут кўрингани каби бўлиб, қай бирининг бағрида не борлиги билинмасди. Ҳа, кишилар эртанги кун ўз қанотларида нималарни олиб келаётганини билолмайдилар. Келаётган уч булут бағрида марҳаматлар ҳам, ҳалокатлар ҳам бўлиши мумкин...

### ***ШОҲРУХ МИРЗОНИНГ ЎЛИМИ***

Ҳиндикуш тоғлари устидан сурилиб келган булутлар бу гал фалокат ва мусибат хабарларини олиб келишди.

Ғозий султон Шоҳрух Мирзо Ироқ сафарида эди. Невараси Султон Муҳаммад Мирзо бобосига қарши бош кўтариб, Ҳамадону Исфаҳонни босган ва Шерозни қамал қилган, Ҳиротга хирож тўлашдан бош тортган эди. Бундай одобсизликдан ғазабланган кекса султон Ироқ сари келаётганини эшитган Султон Муҳаммад Мирзо дарҳол ўзига келди, қилган ишига пушаймон бўлиб, авф олишига кўзи етмай тоғу тошларга қочди.

Қаҳри қаттиқ бобо ўз неварасини қувиб етмоқ учун борар экан, уни бошқа бир қудратли суворий – ажал суворийси қувиб етди. Шунча киши орасидан мўлжалга аниқ уриб, бир ўқ билан бўйин томирини кесди.

Шундай қилиб, Хуросонни ғам-қайғу булутлари қоплади. Ироқ даштидан эсган тақдир шамоллари ҳар ерни совуққа қотирди. Тўсатдан келган ғам



калбларни музлатгани каби, совуқ ҳам теварак-жавонибни музлатиб қўйди. Балоғат ва илм қуёши теграсини қишда офтоб ўтов тиккани каби, қайғу ўтови эгаллади. Салтанат қуёши, temuрий ворислар орасидаги энг доно ва зийраги саналмиш Шохрух Мирзо абадиятга қовушди.

Халқ не қиларини билмас эди. Одамлар ўзаро сўзлашганларида кўзёшларини яширмасдилар.

– Энди қандоқ кун кечиргаймиз?

– Ҳай аттанг! Хўб фуқаропарвар, адолатли ҳукмдор эди.

– Нур ичида ётсин! Макони жаннат бўлсин!

– Эшитдингизми? Шохрух Мирзо ҳалокати хабари етар-етмас, Султон Абусаид Мирзо черикка “Йиғил” фармонини берибди.

– Абусаид Мирзонинг келмоғи сираям хўб бўлмас. Қаҳри қаттиқ дерлар.

– Қаҳри қаттиқ бўлса-да, қизилбошларга қарши черик созлагай!

– Черик дедингизми? У Ҳирийга қандоқ сиғсин? Халқ уни қандай қилиб боқсин?

– Қўшин Ҳирийга кира олмайди! Шаҳар ташидан бир маконни ўрдугоҳ айлаб, ўша ерда муваққат туради.

– Эй воҳ, Султон Муҳаммад Мирзога Қазвину Рай, Қум вилоятлари суюрғол қилиб берилган эди-ку? – деди бир хунарманд. – Нечук ўзбошимчалик ила Ҳамадону Исфаҳонга кирибди? Мундин сўнгра кекса Шохрух Мирзо адаб бермоқ учун Ироққа отланибдилар. Султон Муҳаммад Мирзо эса кўрқиб тоққа қочиб кетибди.

– Эй воҳ! Зурёд беадаблик қилса, бобо набира устига қўшин тортса...

– Шундан сўнг султон тарафидан жуда ёмон бир иш воқе бўлибди.

– Не эмиш?

– Бу ишга бош қўшган кишиларни жазолаш пайтида саййидларни<sup>1</sup> ҳам қатл эттирибди. Пайғамбар авлодлари адолат юзасидан тафтиш қилишни ёлбориб сўрашса-да, кулоқ осмай қатл фармони бериб юборибди. Ножўяси шуки, саййидлар дор остида туриб, Шохрух Мирзони дуойибад этишибди.

<sup>1</sup> Саййидлар – пайғамбар Муҳаммад алайҳиссалом авлодлари.

– Ҳай дариг!

– Хулласки, Ҳирийга қайтаётиб Райга тўхтаганида тўсатдан тоби қочиб, йўлда вафот этибди. Халқ бу ўлимни саййидларнинг қарғишидан деб билади.

– Эй воҳ! Бир ёқда Каъбага ёпинчиқ ёпса, бошқа ёқда саййидларни қатл қилса...

– Бу ёғи ундан ҳам ажаб, – деди хунарманд. – Малика Гавҳаршодбегим Шохрух Мирзо ила черикда экан. Шохрух Мирзо вафотидан сўнг қўшинни Абдуллатиф Мирзога топшириб, Ҳирийга – набираси Алоуддавлага “Пойтахтни мустаҳкамла” деб нома юборибди. Бундан Абдуллатиф Мирзо хабар топиб, ўз бувиси Гавҳаршодбегимни ҳибсга олиб, Жайхун томон йўл олибди ва Улуғбек Мирзога Шохрух вафоти ҳақида хабар жўнатибди. Алоуддавла эса султон Улуғбекдан ҳайиқиб, ўзини султон деб аташга журъат қилолмай, жумаларда Шохрух Мирзо номини хутбага қўшиб ўқитаверибди. Аммо Абдуллатиф Гавҳаршодбегимни ҳибсга олганидан хабар топгач, унга қарши қўшин йўллабди.

– Тўғри қилибди, чунки тукқан оносидир.

– Шохрух Мирзонинг вафотидан сўнг бир ярим ой ўтгач, Абдуллатиф Мирзо ҳали Нишопурда, тахт можаролари ҳал бўлмагани учун каловланиб турган маҳалда Алоуддавла қўшинига дуч келмиш. Алоуддавла уни асир олиб, Ҳирийга йўл солмиш, Абдуллатифни Ихтиёриддин қалъасига ҳибс қилмиш.

– Э тавба! – деди асноф, ёқа тутиб. – Мирзоларга не бўлган? Қарғиш тутгани рост чоғи?

– Малика Гавҳаршодбегим-чи? У хотиннинг қилмишларига ақл тонг қолади, – у ёқ-бу ёққа аланглади қосиб. – Ҳар иши фитна, ҳар ерни қўлга олмоқ истайди.

– Ундай дема, – деди хунарманд аччиқланиб. – Сен бир қосиб бўлсанг, ақлинг игнаю бигизингдан нари ўтмас. Гавҳаршодбегим маликаи киромдир. Бор-йўғи ўз авлодининг тахтга ўтиришини истайди, холос. Она авзойи ҳар доим шудир.

– Энди не ишлар рўй берар экан?

– Тахтга ё султон Мирзо Улуғбек, ё Абусаид Мирзо ўтиргайдир, чунки энди улардан қудратлироқ ҳеч ким йўқ. Халқ бошига қаттиқ кунлар келгайдир. Мирзо Улуғбек юмшоқ табиатли эди, Абусаид Мирзони эса беҳад қаҳрли, шафқатсиз киши дейдилар.

### ***АБУЛХАЙРХОН***

Қудратли Темучин<sup>1</sup> авлодига мансуб Абулхайрхон шу кез кўз етмас олисларга ясланиб кетган Дашти Қипчоқ овулларида бирида истироҳатда эди.

Абулхайрхон ўрта бўйли, елкалари кенг, пишиқ гавдали, қисик кўзли киши бўлиб, кентларда ўтирмоқни хуш кўрмас, аксар ҳолларда қўшин билан ётиб турар, давлат ишларини ҳам сайёр ҳолда юритарди.

Фақат... Номи шон-шарафга бурканган улуғ Темурбекка қадар улусларни бошқариш Чингиз авлодларига насиб этган бўлса, соҳибқирон Ҳақ раҳматига қовушганидан сўнг бу тупроқларга чингиз авлодлари яна кўз тика бошлашди. Бунинг сабаби Амир Темур салтанатининг сарватлари эди, албатта. Турли бўлукларга парчаланиб кетган Мовароуннаҳр ва Хуросон ўз куч-қудратининг сўнгги кунларини яшарди. Бироқ, шавкатли султонлар номи қаторида Абулхайрхон номи нега янграмасин? Тахту салтанатга чингизийлардан кўра муносиброқ яна ким бор? Бу – Абулхайрхон йиғинларида тез-тез тилга олинадиган мавзу эди.

Абулхайрхон шу тариқа Ёйиқ даштларида улусдан-улусга ўтиб, айёр арслон каби пайт пойлар, Румдан Дамашққача, Ямандан Озар ерларигача, Дашти Қипчоқдан то Ҳироту Самарқандгача ясланган мулкларни ўз ичига олган бир салтанат жорий этмоқни, дунёнинг энг қудратли ҳукмдорларидан бири бўлмоқни орзуларди. Бунинг учун кўкларни тилкаловчи чакмоқ каби кишиларни эсанкиратадиган бир жангу жадални қозониб, икки қудратли давлатни – Мовароуннаҳр-у Хуросонни қўлга киритиши керак бўлиб, шон-

---

<sup>1</sup> Чингизхон.

шараф ва иқтидор тимсоли бўлмиш Самарқанднинг фатҳ этилиши дунё мувозанатини чингизийлар томон оғдириши шубҳасиз. Бу ўйлар Абулхайрхоннинг томирини қиздириб, уйқусини қочирар, туну кун режа тузишга ундарди.

Мовароуннаҳр ва Хуросондаги вазиятни бир Абулхайрхон эмас, ёндош ва олис ўлкаларнинг ҳукмдорлари ҳам диққат билан кузатиб туришарди. Шероз ҳукмдори Жаҳоншоҳнинг ҳам ўй-хаёли Хуросонда бўлиб, дара-қирларни силовсин каби кезарди.

Амир Темурнинг невараси, Мироншоҳ ўғли Султон Абусаид темурий давлатни қаттиққўллик ила тиклаш ниятида эди. Кунлар ўтар, халқ кун кечириш заҳмати ила банд, амирлару беклар у султондан бу султонга ўтиб байъат қилишар, подшоҳлар мулкларни эгаллашар ва бой беришар, алам зўридан изтироб бармоқларини тишлашар, қаҳру ғазаб ва фитна ўтида ёниб, номи шон-шарафга бурканган қаҳрли бобокалон измидаги мулкларни қайтадан эгаллаш пайида тарафдор тўплашар, дунёнинг энг баракотли шу тупроқлари узра фитналар авж олган эди.

Уруш оловини ёқувчилар шафқатсизларча у фитна машғалаларига макр-хийла мойини қуйишар, ҳар бири ўз ҳукмдорини “Бу улуғ тупроқларга муносиб султон албатта сиз!” деб кўкларга кўтаришарди. Султон Шоҳрух Мирзо вафотидан сўнг, таомилга кўра, Хуросон тахтига султон Мирзо Улуғбек келиши лозим эди. Бироқ, Бойсунқур Мирзонинг ўғиллари Алоуддавла ва Абулқосим Бобур Мирзо, султон Улуғбекка қарши оёқланишди.

Ҳижрий 852-йил Хуросон мулкига шундай тартибсиз, бошбошдок кунларни олиб келди.

### ***ЧЎЛИ ИРОҚ***

Шу йили султон Мирзо Улуғбек ва Абдуллатиф Мирзонинг тўксон минг кишилиқ қўшини Ҳиротга юрди. Тарноб деган жойда Алоуддавла мағлуб бўлди. Абдуллатиф Мирзо Ҳиротга келиб ўтирди. Бироқ, юраги кибру

ғуруга тўлган бу шахзоданинг ичини алам ва кин кемирарди. Сабаби, султон Мирзо Улуғбек Тарноб ғалабасини Абдуллатифнинг эмас, бошқа бир ўғли – Абдулазиз жасорати боис қозонилди деб эълон қилиб юборди, устига устак, Хуросон хазинасидан фойдаланишни ман қилиб қўйди. Бундан Абдуллатиф Мирзо қаттиқ ранжиди, кин ва алам тирноғини тишлаб гир гир айланди ва отасига қарши қўшин тортишни ўйлай бошлади.

Шаҳар-қишлоқларда ўз ҳолича кун кечираётган халқ дарду ҳасрати билан ҳеч кимнинг иши йўқ эди. Самарқанддан Ироққача бўлган мулкларда уруш оловлари ловуллаб ёнди. Гоҳ у, гоҳ бу ҳукмдорнинг қўшини кишилар мол-мулкани, чорва-анжомини сўраб ўтирмай тортиб олишарди. Алоуддавла ҳам, Мирзо Абдуллатиф ҳам эл тинчлиги, фаровонлигини ўйлаб ўтирадиган кишилар эмас эдилар. Шохрух Мирзо хизматидаги беклару амирлар тараддудда қолишди, уруш бекларининг баъзилари бошқа ҳукмдорлар хизматига ўтишган бўлса, бошқалари тарқоқликка юз тута бошлаган мамлакатдан олисроққа бош олиб кетишди. Не-не кишиларнинг азиз боши сиёсат тифи остида ўлим чуқурига юмалади.

Ажал чайқалмаларидан омон қолиш учун Амир Гиёсиддин оиласи ҳам Ироққа кетишни маъқул кўрди.

Ироқ саҳроси тошли-қумли бўлиб, баъзи жойларида шамол забтида тарам-тарам шакл олган сариқ қумлоқлар учрарди. Бу қум сал шабадада кўчиб, сув каби оқар, намни ўзида тутмас экан. Гоҳо ишқ авжида бир-бири билан тиккамасига қовушган илонлар, бадбуруш эчкеларлар, тезчопар қорақўнғизлару чумолилар кўриниб қолади. Кулранг-қизғиш юлғунлар тебранади, шоҳида ўқилон бўлади. Суғурлар имиллаб бораётган карвонга қараб тек туришади, карвон яқинлашганида тўсатдан ғойиб бўлиб қолишади.

Олдда, карвонбоши қаторида белида қиличи, елкасида ёй-садоғи билан кўриқчи навкарлар боришарди. Улардан ортроқдаги юк туяларидан бирида кичик бек Алишер, ёнида отда тағойиси Мирсаид Кобулий, сўнгра хотинлар ва юклар аравалари ортидан яна бир қанча навкар эргашган, дубулғалари гоҳо куёш нурида ярқираб кетарди.

Кун тиккадан ўтиб, саҳро ўзгара бошлаганида карвонбоши қўйнидан най чиқариб, лабига қўйди. Най навоси карвон, улкан ғилдиракли аравалар, хорғин туялар, чарчаган отлар, чайқала-чайқала бораётган кишилар узра ҳаволаниб, ажиб оҳанг пайдо қилди. Қуп-қурук қамиш парчасидан туялар кадам ларзониға ҳамоҳанг нола чиқишиға ақл хайрон қолмай илож йўқ, унинг оҳанги ўлим ва ҳалокат шарпасидан ҳайиқиб Ироқ сари йўл олган шу карвондагиларнинг руҳиятиға айни мос эди.

Карвонбоши – бошиға хол-хол куфия ўраб олган киши қоп-қора юзидаги ажинлари тиришиб, баланд, аммо хирқироқ овозда куйлаб юборди:

***Эй сорбон, оҳиста рон, к-ороми жонам меравад,***

***В-он дил, ки бо худ доштам бо дилситонам меравад...<sup>1</sup>***

– Воҳ-воҳ! – деб юборди Мирсаид Кобулий, жонланиб. – Саъдий Шерозий-ку?

Сўзлар завқ пайдо қилди. Гўё “ишқ балоси келиб, дил хунини сипқорди, орзуларимнинг истикболға интилувчи шерлари ҳалок бўлди. Қадахни бошимға қўй, оқшому саҳар куй, дунёи дун ғамини кўксимдан кеткур” демоқда эди оламда қачонлардир яшаб ўтган бир донишманд.

***Баргаиш ёри саркашам, бигзоиш айши нохушам,***

***Чун мижмаре пуроташам, к-аз сар духонам меравад.<sup>2</sup>***

Теварак, само, карвон, саҳро ҳаёти – буларнинг бари маълум-у аммо англономас бир танзим ила айланаётгандай, ғазал бағридаги ҳақиқатларнинг шарпалари билан дилға ҳайбат солишға уринаётгандек эди.

---

<sup>1</sup> *Эй сорбон, оҳиста юр, оромижоним борадур,  
Тандан дилу жоним олиб, ул дилситоним борадур.*

<sup>2</sup> *Саркаш нигоримдан жудо, айшу қарорим бебақо.  
Манқалда оташдек қаро дуд бирла қоним борадур.*

– Хўш, мунга не дерсиз, Қосим Анвор байтидек эмас-ку? – деб сўради Мирсаид Кобулий, жиянидан. Алишербек Қосим Анворнинг мураккаб ғазалларини ёқтирар, тўрт ёшидаёқ унинг бир рубойисини ёд олиб ҳаммани хайрон қолдирган эди. Шайх Саъдий ғазали эса хаётнинг ўзидай содда, нола-изтироблари барчага бирдай тушунарли, нозик санъатни мураккаб каломлар билан эмас, оддий сўзлар билан ҳам ифодалаш мумкинлигини кўрсатиб турарди.

– Манқалда оташдек каро дуд бирла қизил қонни хўб ўхшатмиш, – деб жавоб қилди Алишер. – “Қайт, кўзларимга қўй оёқ, эй дилфириб, кетма йироқ” байти ажойиб, бироқ, тупроқ аро ётиб кўкка кўз тиккан киши ҳолидан огоҳ айлабди-ю, сўнгида байтида барчасини рад қилибди.

Шундай деб, байтни ёддан айтди:

***Саъди, фигон аз дасти мо, лоиқ набуд эй бевафо,  
Тоқат намеорам жафо, кор аз фигонам меравад<sup>1</sup>.***

Мирсаид Кобулий жиянининг хотираси ўткирлигидан ва байтлар бағридаги санъатни тез илғаб олганидан ҳайратланиб, кўзларини катта очиб қолди-да, қўлини пешанасига текизиб:

– Кўз тегмасин, тўғри айтдингиз, – деди<sup>2</sup>.

Шу маҳал аёллар араваси ёпқичи очилиб, жория Қутбнинг тахтача билан арава ёғочини урган товуши эшитилди. Мирсаид Кобулий отини секинлатиб, уларнинг етиб келишини кутиб турди. Ёпқич ортидан оғачасининг овози келди:

– Мирсаид, сувимиз битди. Бир кўза сув келтирсанг эди.

– Хўб, оғачам, – деган эди, яна савол келди:

– Алишерим не қиладир?

---

<sup>1</sup> Қилма фигон, эй Саъдий, ҳеч арзимас ул бевафо,

Тоқатни қўймас бу жафо, ақлу имоним борадур. (Ш.Шомухамедов таржимаси).

<sup>2</sup> Қўл учини пешанага текизиши – Хуросон ва Ироқда ҳайрат ва хурмат ифодаси.

– Эй онамнинг ёдгори оғачам! – деди Мирсаид Кобулий жилмайиб. – Парвардигор сенга шундай ўғлон ато этганига шукр қил! Ҳозиргина Шайх Саъдий ғазалининг маъноларини очиб берди. Шайх Судурнинг дуоси ижобат бўлганга ўхшайди.

Оғачасининг мамнун кулимсираганини кўриб, бош ирғади-да, отини ортдаги юк араваси томон ниқтади.

Шайх Судур Ғиёсиддинбеклар оиласининг пири бўлиб, таомилга кўра, ўғлон туғилганида бир туя ва бир от атаб, ҳузурига борилган эди. Шунда Шайх Судур:

– Бу ўғлон руҳлар оламидан ёруғ дунёга рамазоннинг ўн еттинчи куни келибди. Парвардигори олам унинг жонини айни шу маҳалда ер юзига юборибди, ҳикматига нима ҳам дея олардингиз? Оламнинг сўнгги пайғамбарига ваҳий ва Қуръон шу куни туширилган бўлиб, Бадр ғалабаси ҳам шу куни рўй берган. Шоҳимардоннинг<sup>1</sup> азиз бошига худди шу куни қилич солиниб, шаҳодатга етишган эди...

Шундай деб, бир оз ўйланиб қолди-да, сўнг юзи ёришиб, “Унга гўдаклик чоғидаёқ ҳикмат ва илм ато этдик” оятини ўқиди.

Шайхнинг шу сўзлари сабаб бўлиб, унга Алишер деб исм берилди. Шайх Судур каромат қилганидек, гўдаклигиданоқ ўзининг мазмун ва мулоҳаза тўла сўзлари билан барчани ҳайрон қолдириб улғайди.

\* \* \*

Қум йўлининг ярми сахрою чўл орасидан ўтар экан. Сафар давомида иқлим алмашиб, иссиқсевар оғочлару буталар кўзга ташлана борди. Оламлар Парвардигори ер юзини турли-туман қилиб, ёйиб қўйганини кўринг! Ҳирийдан чиқилганида дурронийлар, пашожийлар, сангойиларга дуч келинган бўлса, энди бир замонлар қудратли Эрон салтанати тупроқларидан ўтиб борилар, то Астрободга қадар ястаниб кетган ушбу мулклар бир қанча вақтдан буён Амир Темур авлодлари ҳукмида эди.

---

<sup>1</sup> Шоҳимардон - Ҳазрат Алининг халқ орасидаги исми.



Сахро қўйнида, олисда масжид мезаналари, мадрасаларнинг улуғвор гумбазлари намоён бўла бошлади. Манзилга яқин қолган эди. Қаршида Язд чўли ўртасида яшилликларга бурканган жаннатмисол Тафт шаҳри кўринди.

Бу шаҳарда илк кўзга ташланган манзара – уйларнинг томларию бўғотларидан чиқиб турган узун ёғочларнинг кўплиги бўлди. Унинг номи “бағдур” экан, катталар шу ҳақда сўзлашиб боришарди.

– Бағдур ҳавони мўътадиллаштиришга қўйилгай, – деди Мирсаид тағойи.  
– Ёғоч намни ўзига сингдириб, ташқарига буғлатиб чиқаргай. Муни ёзда денг. Қишда терси бўлгай, яъни ичкарида қизиган ҳавога ташқарининг намини қўшгай. Тафт кишилари уни “шамол овчиси” деб ҳам атайдилар. Қолдики ҳаво ҳам берадур, чунки ичи бўш оғочлардан қўйилгай.

– Шамол овчиси не қилади?

– Шамолни овлайди, – деб кулди тағойи. – Бул навоҳийда шамол кўп эсади. Кишилари буғдойу тариқ янчмоққа шамол тегирмонлари кургайлар.

– Мунча нарсани сиз қайдан биласиз? – қизиқсинди Алишербек, тағойисининг билимларидан ҳайратланиб.

– Бир маҳаллар бир-икки кез чопқинга келиб эдик, – истамайгина жавоб қилди тағойи.

Карвон Тафт шаҳрига шомдан сўнг келиб қўнди. Карвонсаройда одам кўп эмас, буни четроқдаги бостирма остида бойлиқ турган отлару туялар саноғидан билса бўларди. Юклар туширилиб тамадди қилинганч, тун маликаси хоб чодрасини мусофирлар узра ташлади. Йўл чарчоғи боис, ҳамма тезда ухлаб қолди.

### ***ТАФТ. БИР АЖОЙИБ ЧОЛ***

Алишер тушида туялар кетиб бораётган сариқ саҳрони кўрарди. Шу билан бирга, Тангри таоло иродаси билан тушдан хушга ўта бошлаган онг бунинг сабаби кўзга тушган қуёш нури эканини билдириб, бола руҳидаги хавотирни кетказарди. Тўла уйғонганида қуёш бирмунча кўтарилиб, нур ҳалқоби ётоқдан ердаги гилам томон силжиб қолибди. Болакай ташқарида

бирова қарамасдан юз-қўлини ювиб, шундан сўнггина кичик боғчада маслаҳатга ўтирган тағойиларга салом берди, сўнг ичкари кириб, волида бека ва Қутб қошида нонушта қилгач, ўйинга рухсат олиб, карвонсарой ташқарисига чиқди. Ўша ерда ўйнаб юрган, жануб қуёши қорайтирган уч-тўрт болакай Ҳирийнинг нозик табиати оқартирган Алишердан ётсирамай, ўйинларига қўшиб олақолишди. Ўйин “оқтуппи” дейилиб, ип билан ўралган туппак олисга отилар, ким илдам бўлса, биринчи бўлиб олиб келиши керак эди. Қорамағиз болалардан бири туппакни забт ила отган эди, ҳаволаб учиб бориб, бир боғ ичига тушди.

Туппакни излаб боғ ичига киришганида, у ерда ҳовлини айланиб юрган оппоқ соқолли, ҳассали қария уларни кўриб, қошига чорлади. Болалар ҳайиқиб ортга тисарилишди.

– Қочдик, танбеҳ бергайдир! – деди болалардан бири.

Алишер:

– Сабаб недирки, танбеҳ берсин? Балки бир нима сўрмоқ истар? – дея оқсоқолга яқин бориб, салом берди.

– Ваалайкум ассалом, – дея алик олди оқсоқол, қаршисидаги кичкина бежирим кавушчали, Ҳирийнинг “комрон” матосидан тўқилган енгил яхтак устидан юпқа камзул кийиб, ихчам салла ўраган тиниқ юзли, қора кўзларида заковат балқиб турган болакайга қараб кулимсираб. Кейин сўради:

– Юз-кўзингиз бу ер кишиларига ўхшамайди. Машҳадданми келурсиз?

– Йўк, Ҳиротдан, – деб жавоб қилди Алишер.

– Ҳай-ҳай, – дея ҳайратланди чол, гўё Машҳаддан эмас, Ҳирийдан келмоқ фаройиб бир иш каби. – Отойи-онойингиз бормилар?

– Борлар.

– Хўб яхши, – деди чол. – Қайга борурсиз?

– Ироққа.

– Ироқдасиз-ку? – яна кулди чол. – Хўш, мактаб борурмисиз?

– Борурмен.

– Не ўқийдурсиз?

– “Балоғат” ва “Калом” ўқийдурмиз.

– Китобларингиз недир?

– “Мутаввал”, “Ҳошияи тажрид” ва “Шарҳи фароиз”.

– Қуръонда қайси жузга келдингиз?

– “Таборақ”ка.

– “Таборақ” эмас, “Мулк”, – деди чол. – “Ал-Монеъ” ҳам дерларки, монеъ бўлгувчидур. Яна “Ал-Мунжия” деб ҳам атайдилар, нажот бергувчи, қабр азобидан қутқарувчи. Ҳатто дерларки, ўқилгани маҳал қанот қоққай, қаноти ила бандани тўсиб қолгай. Хўп, майли, у ҳолда, биронта кичик сура ўқинг-чи.

– “Таббат”ни ўқисам майлими?

– “Таббат” эмас, “Масад”дир. Унинг маъниси пишиқ ўрилган арқондир, – деди оқсоқол. – Арабчада “нахл”, форсчада кафдаст дейилгувчи оғочдан олинган чилвирдир.

– Мен англашингиз осон бўлиши учун “Таббат” дедим, – деди Алишер, бу сўзи билан чолни яна завқлантириб. Қисқа сура қироат қилинган, чол сўради:

– Нега Абу Лаҳаб тирик чоғидаёқ “ҳалок бўлди” деб айтилди?

Алишер жавоб берди:

– Энди унинг ўлик-тириклигининг аҳамияти йўқ, чунки ҳукми қиёматга қолмасданоқ ўқилиб бўлинди.

– Баракалла! – деб таҳсин айтди чол. – Лекин, “Таббат”даги “те” ҳарфи туя туёқлари остидан сочилган қум саси қаби бўлғайдир, – деб, унинг қироатидаги сезилар-сезилмас сакталиққа ишора қилди.

Шундай суҳбатлашиб туришар экан, Алишерни излаб чиққан тағойилар буларни кўриб яқин келиб салом беришди ва оқсоқолга таъзим қилиб, қўл қовуштиришди.

“Ё Оллоҳ! Ахир, бу киши Шайх ҳазратлари-ку!” деган шивирлар эшитилди.

Катталар билан бир муддат суҳбатлашилган, чол Алишерга ишора қилиб:

– Мен кеча Қум шаҳрига кетмоқчи эдим, бироқ ҳеч кутилмаганда туяларимиз дардга чалиниб қолди, – деди. – Энди билсам, бежиз эмас, мана бу заковатли ўғлон билан кўришмоғим учун экан. Мошоллоҳ, закоси ичига сиғмай, тўлиб-тошиб турибди. Ижозат берсангиз, ҳаққига бир дуо қилсам. Шояд Тангри таолонинг марҳамати билан фазилатли, ардоқли киши бўлиб етишса.

Шундай деб у қўлларини очиб, Алишер ҳаққига узундан-узоқ дуо қилди. Тоғдай-тоғдай тағойиларнинг қуллуқ қилиб туришлари ажаб эди. Гўё улар кичрайиб, чол эса ҳайбат касб этгандай туюларди.

– Кишилар дуо олмоқ учун олислардан йўл босиб келиб, у кишининг хизматига кирурлар, – дер эди Мирсаид Кобулий, бош чайқаб. – Тақдир иноятини қарангки, ўз-ўзидан шундай зотга рўбарў келдингиз, дуосига ҳам муяссар бўлдингиз. Агар мен бу кишининг суҳбатига келмоқ истасам, ё қабул қилардилар, ё йўқ...

Шундагина Алишер у хушсурат чолнинг “Зафарнома”ни битган фасоҳатда тенги йўқ аллома Шарафиддин Али Яздий эканини билди.

У хушмуомала қария билан яна суҳбат истаги анча вақт юрагини чулғаб юрса-да, бироқ, Тафтда бир неча кун қолиб кетишганига қарамай, қайта кўришиш насиб бўлмади. Гўё тақдир у чолни Алишер ҳаққига дуо этиши учунгина дуч келтирган, фалак муншийси фалокат ва кўргиликларни ўнглаб кўяётган, тақдир ажойиботларини бирин-кетин намоён қилаётгандай эди.

\* \* \*

Йўл узра манзаралар алмаша борди. Тафт уйлари Ҳирийдаги каби пахсали, усти қамишли, “деҳ” деб аталадиган боғу боғчали, айвонли бўлса, Язда қоятош устига қурилар экан. Гилон ва Мозандаронда эса ёғочдан тикланиб, томига похол қубба қилиб босилар экан.

Бир қишлоқда аввалдан ҳозирлаб қўйган кичкина, кўримсиз боғчага тушилди. Ашё-анжомлар жойлаштирилгач, истироҳат вақтида теваракни томоша қилишга фурсат бўлди.

Ироқ шамоллар муттасил эсадиган мамлакат бўлиб, кунчиқардаги Арнан тоғининг оқ қорлари, кўк музлари ёзда ҳам кўриниб турарди. Тоғдан икки дарё оқиб тушар, оти Гармсир ва Сардсир экан. Бу эл кишилари патирни тошга ёпиб “сангак”, ҳурматли меҳмонга атаб ёпиладиган кунжутли кулчани “барбари” дейишармиш. Яздийларнинг паҳлава, хотаб, пашмак, шунингдек, Ҳамадон тариғидан қилинган нони, Исфаҳон, Кирмон ва Шероз ҳалволари машҳур экан.

Яна бири – бу халқ ҳам Ҳирий аҳли сингари мусиқийга ўч, бот-бот танзим этиладиган наво кечаларида даф, най, уд, танбур, ғижжак ва барбат садолари эшитилиб қоларди. Шунингдек, оддий кишилар орасида “бахтиёрий” деган усул машҳур бўлиб, тоғу тошлар манзараларини, оқар дарёлару шамолда чайқалган дарахтлар сасини, сафарга чиққан йўловчи руҳиятини ифодалаш билан бирга, ғамгин эди. Мунгли кўшиқ нечун “бахтиёрий” деб номлансин? Халқ орасида шодон кўшиқлар оз, савтлар нима учундир қайғу-аламларни ифодалар, куй зарби-ю нақшлари Ҳирий зарбига яқин, бироқ ҳаволанишида фарқ бор: Ҳирий мусиқаси бир маромда ҳаволаниб, мавжлана-мавжлана таназзул этса, Ироқ мусиқасининг икки-уч авжи бўлиб, булар ўз-ўзидан ушбу мамлакат халқи ҳаётини тамсил этаётганга ўхшарди.

### ***ДУМЛИ ЮЛДУЗ СИРИ***

Ироққа келинганидан сўнг икки-уч ҳафта ўтиб, тағойилар “Хилватда жонимиз сиқилди-ку” дея, ўр-қирга овга чиқишди.

Бир қанча вақт кезишлардан сўнг қуш уриб олишди. Ҳар иккаловининг ҳам чақмоқтоши бор экан, Алишер тағойиларининг майда титилган ип ўрами билан олов ёқишларини томоша қилиб ўтирди. Олов ёқилиб, ўлжалар юлгун шохидан қилинган сихларга тоблаб пиширилди. Бир қанча ов эгарга осиглиқ, аҳли аёлга деб сақлаб қўйилди. То еб бўлингунча осмон юлдузларга тўлиб кетди. Улар гўё қуёш ўз жамолини беркитгани маҳал, само йиғламоққа тушганида пайдо бўлган соф кўз ёшлари каби жимирлашарди.

Бу ўлканинг юлдузлари Ҳирий осмонидагидай эмас, балки янада кўпроқ ва жимирловчироқ экан. Гўё юлдузлар анжуман тузгандек эдилар. Сарик-қизғиш сахро осмони жуда яқин, Сомон йўли эса ранго-ранг экани шу чўлда билинди: Ҳирийда бир тусда туюлган Сомон йўли Ироқда майин-кўкимтир, баъзи ерлари эса қизғиш чангга бурканиб кўринарди.

Бу манзарага ҳайрат ила боқиб турар экан, тўсатдан Сомон йўли орасида ёруғ бир юлдуз пайдо бўлиб, ҳаракатлана бошлади.

– Тағойи, қаранг! – деб қичқирди Алишер. – Анави юлдузнинг худди кучукча каби думи бор экан!

Мирсаид Кобулий у кўрсатган томонга қараб қолди. Ҳақиқатан ҳам ўзга юлдузлар оралаб ёруғроқ бир юлдуз учар, куйруғи тикка кўтарилган эди.

– Во ажаб! – деб хитоб қилди Мирсаид Кобулий. Думли юлдузнинг кўринмоғи киши ўғлига саодат ё фалокат олиб келиши кишининг буржи, буржларнинг фалак тоқидаги вазияти ва юлдуз думининг қай тарзда эканига қараб башорат қилинишидан хабардор эди. Ироқ аҳли юлдуз думининг тепага ёхуд пастга қараганига, қалин-юпқалигига қараб фол очишарди. – Қаранг, юксалгандан юксалмоқда. Барча юлдузларни куйида қолдириб учмоқда!

Ҳақиқатан ҳам, учар юлдузлар аксарият куйига қараб шўнғиса, Ироқ осмонига чиққан бу юлдуз куйидан юксакка қараб интиларди. Бир оздан сўнг Сомон йўлини оралаб ўтиб, буржлар орасида яна учишда давом этди.

– Ёлғизлиги ажаб экан, – деди Алишер, юлдуздан кўзини узмай. – Мунчаси тек туриб, нега биттаси учди экан?

– Хўш, нега?

– Унинг бошқа юлдузларга қараганда ўзга вазифаси бўлса керак, – деб жавоб қилди Алишер.

– Жонимнинг эгаси бўлмиш зотга қасамки, мўъжиза юз берди! – Мирсаид тағойи жиянини маҳкам кучиб, пешанасидан ўпди. – Айтадиларки, ким куйруғи тиккага кўтарилган думли юлдузни ҳаётида уч карра кўрса, фирдавси аълога кирармиш. Тангри ҳеч шубҳасиз, билгувчидир. Жоним-

жигарим, бизлар оддий навкарлармиз. Шояд шундай бўлсаки, Тангри таоло сизни нафақат бизнинг, балки башарнинг хаёлига келмаган мартабаларга кўтарса.

Алишер тағойининг меҳру мухаббатга тўла сўзларига кулиб бош ирғаб кўйди. Ироқ унга мана шундай ғаройиботларни ҳады этди.

Бу ернинг қиши, баҳорию ёзи Ҳирий мавсумларига ўхшамас, бегоналиги билан бирга, ўзига хос гўзалликлари ҳам бор эди. Мисол учун, Ироқ чўли баҳорда турфа анвойи чечак билан то уфққа қадар қопланар, ҳар тарафга оқ, кўк ва сариқ тиканларнинг қоришиқ иси тараларди. Ёз жазирамаларида кумилон судралиб юрганини, суғурлар қаққайиб, саъва учишини, аҳён-аҳён содир бўладиган қум бўронлари аро туяқоринлар юмалашини кўрса бўларди. Кундузлари кумнинг исиши қизиқ туюларди, тунда, совийтган маҳалида ўз бағридан читирлаган саслар чиқарарди.

Дашт болалари чўл янтоғининг илдизи чуқур бўлишини айтиб беришди. Янтоқ танасини кесиб, бағрига ўша ерларда бўладиган “ғумия” дейилган тарвуз уруғини суқиб кўяр эканлар, шунда жонсиз қумлар орасида сувсиз тарвуз етилар эмиш.

### ***ОРАЗИН ЁПҚАЧ...***

Орадан икки-уч кун ўтиб, Мирсаид Кобулий Алишерни ўзи билан Қум саёҳатига олиб кетди.

Пули Гарм, Ризвон каби яшил қишлоқлардан ўтиб борилгач, баҳайбат жуссали, қора қошлари бир-бирига туташиб кетган бир сипоҳийнинг боғига тушилди. Қум шаҳрининг табиати яна ўзгача, бу ернинг кишилари ҳам араблар каби ғалабия кийиб, юз-кўзларини “ғутра” дейилган рўмол ила ўраб, туя миниб юрар эканлар.

Мирсаид Кобулий от устидагидай чайқала-чайқала юришларидан, ёй ипи ва қилич дастаси дағаллаштирган кафтларидан навкар эканлиги билиниб турган кишилар билан ҳар куни бир нималарни муҳокама қилар, суҳбат

асносида гоҳ-гоҳ Ҳирий номи эшитилиб қоларди. Ҳар ҳолда, Ироқ сипоҳийлари ила Хуросондаги вазият муҳокама қилинарди.

– Ҳирий кўчаларини Азроил кезиб юрибди, – дейишарди улар. – Султон Абусаид тўрт кичик мирзони қиличдан ўтказибди. Салтанатга яса бўйича ким даъвогар бўлса, барчасининг бўйин томирини кесишга аҳд қилибди.

Ироқ жазирамалари барчанинг жонига теккан, ҳамма сўлим Ҳирийни кўмсар, бироқ, боришнинг ҳам иложи йўқлигидан сўзлашарди. Алишер бу суҳбатларни эшитгиси келмай, боғ оралаб ўтиб, руд қошига борди.

Ирмоқ кумуш томчиларни сачратиб оқарди. Алишер теваракни томоша қилар экан, кўз ўнгида бир кичик қурт пилла ўраётганини кўрди. Сал нарида эса салласини бошига кўтариб қирмизи-ю сариқ гуллар тизилишибди. Буларни завқ ила томоша қила-қила, боғ четига келган эди, қаршидаги яйдоқлик ва ундан сўнг ястаниб кетган охири йўқ чўл узра қуёш ботаётганининг баҳайбат манзараси қаршисида қолди.

Боягина оламга аланга сочган қуёш олови сўнаёзган, қоқ тиккада оппоқ ловуллаган кун тобора сариққа ўзгариб, ниҳоят қирмизи тус олган, қараган кўзга ловуллаётган гардишию теграсидаги қизил алангаси яққол кўринарди. Қарши тараф кўз етмас олисларга қадар ясланиб кетган, Чўли Ироқ шарқи эса қоронғилашган ва қуюқлашган, ажабки, бу масканлар туни қора эмас, балки кўкимтир тусда бўлиб, у ерда ҳозиргина бир юлдуз ожизона милтирай бошлаган эди.

Учқур хаёл шу митти юлдузчани ўзига, қуёшни эса волида бекага қиёслади. Меҳру шафқат қуёши ботар экан, у юлдуз кўз ёш сингари ожизона милтирамоқда эди. Яна бир оз вақт ўтгач, шамсул-анвор уфқ ортига тамомила ботди, тарам-тарам шафақлари булутлар остини қизғиш ёғдуга бўяди, осмон босиб тушганга ўхшаб қолди.

Шом кундуз босимини озайтириб, енгиллик ола келди. Қизғиш ёғдулар заифлашиб ғойиб бўлар экан, нимтатир-кўкимтир туслар қолганида, юлдузлар кўпая борди. Қушларнинг шом сайроғи тинди. Само юлдузлари қароқдан сизиб чиққан мусаффо ёш томчилари каби бўлиб қолди ва ушбу



кун ботиши, меҳр қуёши, қорамтир-кўкиш само ва жимирловчи юлдузлар унга ажойиб ташбеҳ ҳады этишди. Қуёш ботгач, уни соғиниб йиғлагувчи бола кўзидан сочилган ёшлар тасаввурда юлдузларга айланди.

Бу гўзал ўй энди шеърга айланиши керак эди.

Юлдузлар боқий эмаслар. Вақти келгач, “Бас, қачонки, юлдузлар сўндирилгач” қавлига мувофиқ, чўғ каби сўниб битарлар. Шунингдек, қуёш-у ой, тун-у кун ҳам мангу эмасдир. Маҳшар куни албатта жойларидан силжийдилар ва ўралиб-нурсизланадилар. Тангри таоло мўъжизаларидан бири бўлмиш сўз эса мангуликка айланиб, маҳшардан сўнгра ҳам ҳаётини давом эттиради. Сўз воситасида шу жонсиз юлдузларга-да жон ато этилиши ҳодисаси юз бераётган эди.

Гўё дунёга янги келган бўталоқ каби, янги гул очган чечак каби, ғунча қабоси остидан кўринган гул шойиси каби, денгизлар узра ҳосил бўлган ёмғирли булутлар каби, тухумдан эндигина чиққан куш полапони каби, йўқ-йўқ, Тангри таоло иродаси билан ер юзига келган Исо каби, истеъдод оламларидан ёруғ дунёга янги шеър меҳмон бўлиб келмоқда эди. Манзаралар унинг тасаввурида бирлашиб, илҳом қуюнини ҳосил қилди ва фикрлар шитоб билан сўз либосларига ўралди. Ҳар бир сўз оҳанги, ҳижоси, узун-қисқалигига қараб, вазн мавжларига бир-бир ўрнашди:

***Оразин ёпқач кўзимдин сочилур ҳар лаҳза ёш,***

***Бўйлаким пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлгоч қуёш...***

Ҳозирча бу бор-йўғи бир байт, ёш болакай шуурида пайдо бўлган гўзал бир ўхшатиш бўлса-да, айтилган сўз фалак тоқига юксалганига, котибул-киромлар<sup>1</sup> уни мукамал ёдлаб олишганига шубҳа йўқ. Тафтнинг бағдурию ироқ деҳқонининг пирохани, Қум қуёши-ю қайноқ самум шамоли, боғнинг кўнғир тупроғи узра уруғларини бошларига кўтариб унган, шу туришида лахта-лахта юрак қонига, яъни парголаларга ўхшаб кетадиган лолалар, шу

---

<sup>1</sup> Котибул-киромлар, яъни ҳар инсоннинг икки елкасида бўладиган котиб малаклар.

билан бирга, айна дамга қадар кўрилган, билинган, ҳис қилинган сон-саноксиз таассуротлар қаторида ёш ҳофизадан ўрин олган, мангуликка муҳрланиш фурсатини кутиб, саф-саф тизилиб улгурган эдилар.

Тафт оқшоми Алишер деган болакайга шу тарз шеър ҳадя этди.

### **ҲИРИЙ АЗИМАТИ**

Орадан икки йил ўтди.

Салтанат урушлари тахтасига ўзга шоҳ ва сипоҳлар терилди. Султон Абусаид Дашти Қипчоқ ҳукмдори Абулхайрхон билан иттифоқ тузиб, Самарқандни эгаллагани он, бошқа бир султон – олийжаноб ва нозиктаб Абулқосим Бобур Мирзо Ҳирийга кирди.

Ҳирий аҳли шод, чунки Султон Абулқосимнинг адолатпарварлиги, мазлум бошини силаши тилларда дoston эди.

Шунингдек, Ҳирий бағрида оловдай ёнгувчи, зийраклик ва чакқонлик бобида Искандари соний бўлиб етишгувчи яна бир ёш ҳукмдор – Ҳусайн Мирзо ҳам улғайиб келмоқда, жангу жадал илмининг усталари у йигитчага харбу зарбнинг махфий сирларини ўргатмоқда, илм кишилари фан зилолини олийнасаб ақл косасига қуймоқда эди.

Айна кез эса, бағрида Алишер деган гавҳарни жо айлаган Ғиёсиддинбек карвони бу хушxabардан шодланиб, Ҳирийга қайтарди.

Туялар, отлар ва хачирлардан иборат карвон кун ниҳоятда иссиқ бўлгани учун кечаси юриб, кундуз истироҳатга толарди.

Туя кажавасининг бир томонига юкларни, бир томонига Алишерни жойлаб қўйишди. Сахро ҳайвонининг бир маромда лўкиллаши, турфа товушлар, карвонбошининг ҳар замонда “Таҳ! Таҳ!” деб овоз бериши, туя туёғи остидан чиқаётган қум саслари, кўкка сочилиб кетган юлдузлар, чек-чегарасиз ҳудудларга майин ёғдусини сочаётган тўлин ой... буларнинг бари ихтиёрсиз равишда уни аллалаб, ўз оғушига тортарди. Карвондаги олтмишларга кирган қотма дурроний чол ўзича бир нималарни хиргойи қилиб борарди:

*Ай қавме ба Ҳаж рафта кужоед, кужоед,  
Маъшуқа инжост, биёед, биёед...<sup>1</sup>*

Сўзлар олис сафарга отланган қавм холидан хабар бермоқда эди. Тасаввур тоғлару дарёлар, қумлару сахролар машаққати аро яқинларидан айрилиб йўлга отланган кичик карвонни ҳам жонлантирди. Сарғиш деворлар орасидан чиқиб келган нур юзли бошқа бир киши эса унинг мазмунини шарҳламоқда эди: “Ҳой, ҳажга отланган қавм, қаён бормоқдасиз? Ахир, сиз излаган маъшуқа бу ерда-ку, келинг бу ёна сиз...”

Маъшуқа ким? Унинг ҳаж ила не алоқаси бор? Нечун сафарга отланган бутун бошли бир қавмга “Шошманг ахир, маъшуқангиз бу ерда-ку” дея хитоб қилинмоқда?

Шу маҳалгача кўрилган, эшитилган ўқилгану ҳис қилинган мазмунлар унинг ёш онгида бир саф бўлиб тизилар, “Мантикут-тайр” ҳайратлари, Қосим Анвор байтлари, Саъдий фиғонларию ҳозиргина эшитилган шу ғазал маънолари, сахро тунни, олис юлдузлар, совий бошлаган қум исини олиб эсаётган шабада сезилар-сезилмас айланаётган фалак чархи қонуниятларидан сўзларди.

Шундай сезгилар билан кўзларини тобора уйку чулғаб борар экан, Алишер қумга йиқилиб тушганини ўзи билмай қолди. Бир тўлғониб, иссиқ қум бағрига бошини қўйиб яна уйкуга кетди.

Уйғонганида куёш аллақачон кўтарилиб, теваракни қиздира бошлаган экан.

Не ходиса рўй берганини англаёлмай, ҳайрон бўлиб атрофга аланглаб, ён-верида ҳали кўмилиб улгурмаган карвон изларини кўргач, воқеага тушунди. Бепоен сахро бағрида бир ўзи, нимадир бўлиб туядан тушиб қолибди-ю, бошқалар буни пайқамасдан йўлда давом этаверибди.

Сахро бутун ҳайбати билан мурғак болакай қаршисида ястаниб ётар эди.

---

<sup>1</sup> Мавлоно Жалолиддин Румий газали.

У аввало юз-қўлини ювиш учун сув излади. Кейин чанқоқ забтига олаётганини сизди. Афсуски, ҳеч қаерда сув йўқ эди. Олисроқда эса, иссиқда живирлаётган сариқ қум ҳовури аро бир нима қорайиб кўринарди.

Алишер ўша қорайиб турган нарсага қараб йўлга тушди.

Қум оёқлар остида сочилиб, майин товуш чиқарар, бу товуш Язддаги машҳур олимнинг “Таббат” сурасини ўқиганидаги ўғитларини ёдга соларди. “Таббат” сўнгидаги “те” товуши худди туя туёғи остидан сочилган қум товуши каби сирғамчил, майин бўлиши керак”, деб уқтирган эди мавлоно.

Аммо “Таббат” бутунлай бошқа ҳодисадан баҳс этгани каби, ҳозир “Ҳалок бўлди Абу Лаҳаб” дея саҳро узра хайқираётганга ўхшарди.

Узоқдаги нарса сувқовоқ экан. Саҳро кичкина нарсаларни олисдан катта қилиб кўрсатишидан хайратга тушди. Сувқовоқдаги сувнинг лаззати гўё Замзам сувидай эди.

У белбоғини ечиб, бошини ўраб олди. Қуёшнинг ранги ўзгарди, сариқдан оқ оловга айланди. Самонинг мовийлиги кетиб, оқарди. Фақат Шом томоннинг қорамтирлиги ҳали кетмаган, гўё тун ўша томонга яшириниб олгандек эди.

Шунингдек, “Мантикут-тайр” саҳроси ҳам ёдга келди. Бироқ, у саҳро қанчалар тор ва зик, бу саҳро эса сўнгсиз ва хайбатли. У саҳронинг қушлари фасоҳатли ва фозил, бу саҳроники эса шиддатли, тез учадиган экан. Жуда баландда бир бургут қанот қоқмай айланарди. Ундан кўз узмай бораётган Алишер бургутнинг тўсатдан пастга шўнғиганини ҳам кўрди. Ўқдай отилиб тушган қуш бир нимани овлаб, тиккамасига ҳавога кўтарилиб кетди.

Яна бир оз юрилгач, олисда жимирлаб сароб пайдо бўлди. Юздан ортик киши туяларда қайгадир йўл олишган эди. Еру осмон оралиғида муаллақ карвон саҳро яллиғида имиллаб йўл босарди.

Саҳро жазирамасининг ҳовури ва нур ёғинлари офат даштига етгандек эди. У навниҳол вужуд намини бирпасда сўриб олди. Оғиз қуруқшаб, хатто кўз ҳам қурий бошлади. Қадам ташлаш оғирлашди. Рўпарада бўй чўзган бута соясига етиб тин олмоқни хаёл қилиб одимлар экан, шу аснода ҳўв узоқда от

чоптириб келаётган отликни элас-элас илғадию онги яна иссиқ ҳовур бағрига чўмиб кетди...

Кўзини очганида у ўзини тағойининг бағрида кўрди. Карвон тўхтаган, отлар ва туялар орасидан “Болам!” деган нидо эшитиларди. Онаизор боласи туядан тушиб қолганини билгач, ҳар тарафни нидога тўлғизиб “Кўзим, ёлғизим” дея, тўққиз пардасидан чиқиб, бурқаю хижоби бир ён бўлиб “Вой, риштаи жонимга пайванд!” дея, кум узра қийнала-қийнала чопиб келарди.

Мир Ғиёсиддинбек завжасининг Алишер ёнига етиб келиши, боласини бағрига босишига қараб турди-да, қисқа қилиб:

– Аравага олингиз! – деб карвон илғорига қараб кетди. Жангу жадаллар устаси, ҳар ишларни кўравериб дийдаси қотиб кетган бу киши туйғуларини ташига чиқармади, зотан, “Ўлмоқ ҳам, қолмоқ ҳам Тангри ихтиёридадир” ҳикмати унинг учун ҳаёт қонуни эди.

Аслида Амир Ғиёсиддинбек бу воқеадан севинди. Ёдига Амир Темур бошдан кечирган бир воқеа тушди. Айтишларича, Темурбек Хуросонга қилган юришларининг бирида Хавоф қасабасида Тангри таоло ўз лутфлари билан тақдирлаган, билимдон, олим, улуғ ва фозил, зоҳир кароматли, ҳадсиз эзгуликлар эгаси, ширинсухан, соф мақом, содиқ кашфиёт, Аллоҳ билан муомалалари сидқидил бир киши борлигини эшитган эди. У Шайх Зайниддин Абу Бакр деб аталиб, унинг ижтиҳод қуши учун Қудс боғида энг олий гўша бордир, дейишарди.

Темурбек шу шайх дуосини ният қилиб, ўз жамоаси-ла унинг ҳузурига юзланди. Шайхга «Темур сенинг дийдорингни кўриш ва баракангни тилаш учун ҳузурингга келаётир», дедилар. Лекин шайх бир сўз ҳам айтишга улгурмасданок Темурбек етиб келди ва отдан тушиб, шайх ҳузурига кирди. Шайх эса ўз одатича гиламчаси устида чуқур фикрга чўмган ҳолда ўтирар эди. Темур унга яқин келганида шайх ўрнидан турди. Темурбек эса жадал бориб шайхнинг оёғига бош урди. Шунда шайх Темурбекнинг елкасига икки қўлини қўйди. Темурбек кейинчалик деди: «Агар шайх елкамдан тезлик билан қўлини олмаганида, чиндан ҳам мени босиб қолади деб ўйлаган эдим.

Мен ўзимни гўё осмон ерга узилиб тушгану еру осмон ўртасида янчилик кетгандек тасаввур қилдим». Кейин бу мумтоз киши ҳузурда одоб билан тиз чўкди ва ўз суҳбатини мунозара эмас, балки савол тарзида тузиб, лутф билан унга: «Эй мухтарам саййид, шайх! Нега сиз ўз подшоҳларингиз жабру зулм ва ғазабга мойил бўлмай, адолат ва инсоф юзасидан иш тутишларини амр қилмайсиз?» деди.

«Биз уларга шу нарсани амр қилиб, бундан муқаддам шуни изҳор этган эдик, – деди шайх. – Лекин улар бу амрга кулоқ тутмадилар, шу туфайли улар устидан ҳукми сенга топширдик».

Ўша он Темурбек шайх ҳузурдан чиқди ва деди: «Қаъба эгаси номи билан қасам ичаманки, энди мен бутун дунёга эгалик қилдим!»<sup>1</sup>

Алишербек ҳаётида ҳам шунга ўхшаш ғаройиб ҳодисалар рўй берди. Фалак чархи фалокат чамбари ичидан марҳаматларни чиқариб юборди, худди “Тирикка ўликни, ўликка тирикни киргизгани” каби, кўргиликларни яхшилиқларга айлантириб қўйди. Яъни, жон сақлаш илинжида мол-мулкни қолдириб Ироққа йўл олган кишилар сафидаги кичик болакай мавлоно Али Яздий дуосига мушарраф бўлди, думли юлдуз келажагидан хабар берди. Сахро ўртасида карвондан ажралиб қолиши ва ота-онаси бағрига соғ-омон қайтиши яна бир ғаройиб ишга ишора бўлса ажаб эмас...

\* \* \*

Ўтган вақт мобайнида амир боғи қаровсиз ҳолга келган, ҳар тарафда ёввойи ўтлар ўсиб ётарди. Ғиёсиддинбек теваракни айланиб чиққач, хизматкорларга боғни орасталашни тайинлаб, ўзи саройга жўнади. Алишер эса тағойи билан бозор айланиб, рўзғор ашёларини олиб келишга кўмаклашди. Икки йил ичида мадинатус-соний, яъни темурийларнинг иккинчи пойтахти анча путурдан кетган, аввалги озодалигу тартиб йўқ, кишиларнинг юз-кўзларида, либосларида парокандалик сезиларди. Савдога сира қўл урмайдиган тоғ қабилаларининг кишилари тирикчилик боиси бозорга бир нималар олиб келишган, Ҳирийнинг сурбет тужжорлари уларни

---

<sup>1</sup> *Ибн Арабшоҳдан.*

мазахлаб ўтиришарди. Ҳозиргина бир неча қопдаги тоғолчани сувтекинга бериб юборган у кишилар тушунарсиз тилда ўзаро бахслашиб, ёнларидан ўтиб кетишди.

– Булар сангойилар, жуда уришқоқ қабила, – деди Мирсаид Кобулий. – Бир-бирини савдони тушунмасанг сенга Ҳирийда не бор эди, деб маломат қилмоқдалар. Уларнинг нуфузли мухтарам қариялардан оқсоқоли бўлади. Ўша не деса бас, на ўлимга, на қолимга қарайдилар, ҳар офатга кириб кетабергайлар. Кўрмайсизми, замона шундай кишиларни ҳам бозорга йўллабди!

Тоға-жиян рўзғор ашёларини харид қилиб, икки ҳаммолга кўтартириб боққа қайтиб келишди.

Кечга яқин Гиёсиддинбек боғида зиёфат тузалди. Зиёфатга Мансур масхара деган ажаб қилиқли киши ҳам чорланган экан. Гиёсиддинбек масхараларни ёқтирмас эди, шу сабаб узр айтиб қайтариб юборилди. Муסיқий устоди Ғарибий ажиб наволар тузди, боғ узра уднинг нозик садолари ҳаволанди.

Падари бузруквор билан Мирсаид тағойи даврадан четроқда бир нималарни сўзлашиб туришар эди. Салдан кейин улар ҳам тўпга келиб қўшилишди.

– Ҳой кичик баҳодир, келинг мунга, – деди Мирсаид Кобулий, Алишерни чорлаб. – Нафис суҳбатлардан баҳраманд бўлинг.

Ҳирий жамолига яна етишмоқ барчани шодлантирган, шу сабаб, ҳафсала билан мўл-кўл зиёфат тузалган эди. Дастурхонда ҳозир лаззати билан донг таратган Ҳирий қирғовуллари, какликлари ва беданалари қаторида Ироқдан келтирилган норинж, лиму каби нодир мевалар ҳам катта табақларда тўла турар, узун ингичка оғизли кўзачаларда гулоб аралаштирилган шарбатлар пайдар-пай келтирилар, барчанинг кайфияти аъло эди.

Мирсаид Кобулий “Бу фаровон зиёфатга назм ярашурми?” деб сўраган эди, Гиёсиддинбек бош ирғади. Мирсаид Кобулий “Муни тинглангиз” дея, ёддан бир туюк ўқиди:

*Эй муҳиблар, етсангиз гар ёза сиз,  
Гул адоқинда хуморе ёзасиз,  
Гар мен ўлсам, турбатимнинг тошига,  
«Куштаи бир шўх<sup>1</sup> эрур» деб ёзасиз.*

– Сизнинг кушталикларингиз ҳам, шўхлигингиз ҳам эл аро машхурдир, туюқ ила уни яна бир бора айтишга ҳожат йўқ, – деб кулди аҳбоблардан Али Дарвеш. – Шўхликни ҳадеб таъкидламасдан, бир рўзғор қилишнинг айна фурсати.

– Сарбоз ҳаётига рўзғор не даркор? – деди Мирсаид Кобулий. – Икки кунининг бирида ё чопқинда, ё босқинда бўлсак, қолишимиз ё кетишимиз номаълум. Бола-чақа қилиб етим сонини орттириш не ҳожат? Шўхлик эса чўрилару жориялардан ортмас. Бир мени десангиз, Муҳаммад Алининг рўзгори ҳам шундан ортиқ эмас.

Муҳаммад Али бу даврада ёши кичикроқ бўлгани учун одоб сақлаб куйироқда ўтирарди. Давра уни ҳам шеър айтмоққа чорлаган эди, пастроқ овозда шуни ўқиди:

*Дарди ҳолимдин агар гофил, агар огоҳ эсанг,  
Ҳеч гамим йўқ, сен манга гар дилбару дилхоҳ эсанг.*

– Сен ашъорни яхши айтасан, ҳам мусиқий уни-ю усулини офарида айтасан, ҳам хатни хўб битасан. Настаълиқда сендай мукамал хаттот кам. Бироқ, форсча байтинг туркчадан мукамалроқ чикмиш, – деди Мирсаид Кобулий инисига.

Шундан сўнг туркча, форсча ва арабча ҳақида баҳс кетди.

– Сортлар туркчани черик тили дебдилар, – деди Кобулий. – Ҳарбийда иш бир неча сўз ила битгай. Шу боис кимдир шунга қараб, туркчани

---

<sup>1</sup> *Куштаи шўх* – шўх дилдорнинг қурбони.



камситибди. Қолдики, ашъорда эл тилидаги достону равишларни мисол қилиб келтиришади, туркчанинг ўз савти йўқ дея. Вахоланки, туркчанинг шундай хўб ва ажаб сўзлари бордирки, ўзгаларда йўқ, – деб бир байт ўқиди:

*Ўт агар сувни куюрмас бўлса, эй жони жаҳон,  
Не учун бу Лутфийнинг жонин дудоқинг куйдурур?*

– Ўт деб ёр дудоғининг қизиллигига, сув деб ўзининг ҳақирлигига ишора қилибдилар. Бу санъатни кўринг! Ўт сувни куйдирмас эди-ку, менинг жонимни нечун куйдирмоқда?

Алишер бу сўзларни қизиқиб тинглар, ҳар бир айтилган байт ёдида муҳрланиб қолмоқда эди.

– Тағойи, – деди бир оздан сўнг. – Бир нима сўрасам рухсатми?

– Сўрайқолинг.

Тағойи Мирсаид Кобулий бир сўз айтмоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эди, жияни:

– Мен ҳам бир ғазал битиб эдим, – дегач, баланд овозда:

– Эй сўз! – деди икки қўли билан оғзини тўсиб. – Онг тубларида пайдо бўлиб, эндигина дунёга чиқишга чоғланиб эдинг! Кичик бек ғазал айтмоққа чоғланса, сенга йўл бўлсин! Тил устига чиқма, турган жойингда қол!

Даврада яна самимий кулги кўтарилди.

– Куштаи шўх яна бор эканми? Тағойига тортибсиз-да.

– Сиз ҳам соҳибжамоллардан баҳс этдингизми?

Алишер юзи хиёл қизариб, андак тортиниб, ёддан ўқиди:

*Оразин ёпқач кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш,  
Ўйлаким, пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлгач қуёш...*

*Қут бир бодому ерим гўшаи меҳроб эди,  
Форати дин этти ногаҳ бир балолиқ кўзу қош...*

Давра жимиб қолди.

– Мошоллоҳ! Қандай ажойиб! – деб юборди Мирсаид Кобулий. – Такрор ўқинг!

Алишер лаб жуфтлаган эди, Муҳаммад Али тағойи унинг ўрнига такрорлади. Ғазал ўзининг мусаффолиги, тиниқ маънолари ва санъати, тенги йўқ гўзаллиги билан дарҳол ёд бўлиб қолган эди.

***Бу дамодам оҳим ифшо айлар ул ой ишқини,  
Субҳнинг бот-бот дами андоқки айлар меҳр фош.***

Навнихол ўспириннинг бундай санъатга эришиши ҳақиқатан ҳам ҳайратомуз воқеа эди. Ғазалнинг сўнгги мисраси эса барчани ўрнидан кўзгатиб юборди:

***Қоши оллинда Навоий берса жон, айб этмангиз,  
Ғар будур меҳроб, бир-бир қўйгусидур барча бош.***

– Наволарингизга жоним фидо бўлсин, навосозим менинг! – деди тўлқинланиб Мирсаид Кобулий. – Муни битган қўлларингизни узатинг, кўзимга суртай!

Тағойилар аллақачон ўринларидан туриб кетишган, иккови ҳам келиб, Алишерни бир-бир бағирларига босар эдилар. Таъсирчанроқ Мирсаид Кобулийнинг эса кўзига ёш қалқди:

– Айтмаганмидим, Тафтдаги думли юлдуз Алишеримиз учун чиққан эди! Қуйруғи қиличдай типпа-тик, ўзи эса тиккага ўрлаган эди! – дерди у бот-бот миждасини кафти билан артиб. – Муни албатта Ҳирий шоирларига етказиш керак. Боғи Орода не юлдуз чакнаганини барча билсин!

Тағойилар мақтовидан руҳланган Алишер кўзлари чакнаб ўтирарди. Бу ғазал яқинлар кайфиятини аъло даражада кўтариб, руҳлантириб юборди. Яна

анчагача ғазал бағридаги санъатлар, сўзларининг вазн оқимиға узукка кўз кўйилгандай мос ўрнашуви хақида сўз борди. Сўнг хаяжонлар аста-секин тиниб, суҳбат ўз-ўзидан муҳим воқеаларға бурилиб кетди.

### ***МАВЛОНО ЛУТФИЙ***

Эртасиға барча ўз ишиға шўнғиди. Гўё бу боғчада шеърү ғазал мажлиси сира бўлмагандек, чиройли сўзлар айтилмагандек эди. Султон Абулқосим Ғиёсиддинбекни бир қанча беклар билан Балхға юборди, тағойилар эса кўшинға жўнаб кетишди. Маймана ва Шибирғондан бир неча юз ёш аскар черикка кўшилган, уларға харб хунарларини ўргатиш лозим эди.

Орадан бир ойға яқин вақт ўтиб, бошдан-оёқ чангға ботган тағойилар кириб келишди. Ҳориган бўлишса-да, кайфияти чоғ, бир муддат истироҳатға рухсат берилганини, Алишерни мавлоно Лутфий ўз хузурига чорлаганини айтиб, шу сабабли тўппа-тўғри шу ёққа келаверишганини айтишарди.

Хуросон шеър бўстонининг булбули мавлоно Лутфий Ҳирийдан ярим кунлик масофадаги Деҳи Канор деган қишлоқда истиқомат қилар экан. Ғиёсиддинбек ҳануз Балхда эди. Муҳаммад Али тағойи уни кутмасдан, тезроқ йўлга чиқавериш керак, деб қистарди. Ниҳоят, эрталаб бомдоддан сўнг, сахар салқинида Деҳи Канор сари отланишға келишилди.

Деҳи Канор харобгина қишлоқ экан. Бир ёнда тариқ, арпа далалари кўзға ташланар, яланг ҳовлиларда бола-чақа ўйнаб юргани, хотинлар нон ёпаётгани, кўкка тутун ўрлаётгани кўринарди.

Кираверишдаги боғ оралаб юрган хушсурат бир йигит уларни кўриб, ичкариға овоз берган эди, икки-уч киши тез-тез юриб келиб саломлашди-да, меҳмонларға отдан тушишға ёрдамлашди. Сайисчи отларни сайисхона томон етаклаб кетди. Яна бири ичкариға хабар бергани йўналди. Боғ оралаб бироз юрилгач, катта шийпон, тўшакларда чордана қуриб ўтирган бир қанча киши кўринди. Уларни шийпон устунни ёнида узун оқ пирохан устидан сарғиш хирқа кийган, асосиға таянган бир мўйсафид кутиб олди. Этакда бир киши ёғоч рандалар эди, ранда остидан чиққан узун парголалар, яъни пайрахалар

кипиқ исини анқитиб ерга тўкиларди. Меҳмонларни кўрган рандачи ишини бас қилиб, обдастада сув келтирди, юз-қўллар чайилгач, барча билан кўришилди.

Мўйсафиднинг бутун туриш-турмушида дарвишлик тутуми сезилиб турарди. Ашёлар, идиш-оёқ – бари оддий, ҳашамдан холи эди. Сопол косаларда булоқ суви келтирилди. Бояги рандачи киши шарбат ва сут олиб келди.

Ҳол-аҳвол сўрашилиб, меҳмонлар ўзларини таништиришгач:

– Сиз бу ширинликларга қаранг, фақир бошқа бир ширинлик истагидаман, – деди Лутфий, кексаларга хос мулойимлик билан. – Алишербек ўз нозик фикрлари натижаларидан юзага чиққан бир ғазални ўқиш билан бизни баҳраманд қилса бас.

– Мошоллоҳ, мошоллоҳ! – дерди Мирсаид тағойи, бу лутфдан ўнғайсизланганча типирчилаб.

Даврадагилар ҳам Алишерга ёқтириб қараб туришарди. Кичик бек бир оз тортиниб, даврадагиларнинг сир-салобати босиб, аммо босиқлик билан ёддан ўқиди:

*Оразин ёпқач кўзимдин сочилур ҳар лаҳза ёш,*

*Ўйлаким, пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлгач қуёш...*

Ғазал матлаъсидаги бундай гўзал ўхшатиш Лутфий даврасидагиларнинг диққатини тортди. Туркчада “бўйла”, яъни “бундоқ” деб шу яқин орадаги, “ўйла”, яъни ундоқ, андоқ деб олисидаги нарсага айтилади. Илк мисрадаги “ёпқач” билан иккинчи мисрадаги “бўлгач” орасига юлдузлару қуёш жойлангани эса ўзгача бир шеърий кашфиётдан дарак берарди.

*Қут бир бодому ерим гўшайи меҳроб эди,*

*Ғорати дин этти ногаҳ бир балолиғ кўзу қош.*

Хуросоннинг кекса шоири ўспириннинг ғазалини кафтини қулоғига кўйиб тингларди. Бу ерда қўлланилган ифшо санъати аввалги байт руҳиятини янада ранг-баранглаштириб тақдим қилибди, кун бўйи қути, яъни емиши бир бодом, жойи меҳроб, зоҳидлар каби ибодат-ла машғул эди, бироқ бало кўзу кошдан етиб, бутун тоат-ибодатни ғорат қилди. Илғар-илғанмас яна бир ишора қош билан меҳробнинг ўхшашлигида: меҳроб Тангри таолога сиғиниш учун бўлса, унга ўхшаш қош диндан чиқармоққа сабаб бўлгани айтилган эди.

*Бу дамодам оҳим ифшо айлар ул ой ишқини,  
Субҳнинг бот-бот дами андоқки айлар меҳр фош.*

*Бўсае қилмас мурувват асру қаттиқдур лабинг  
Десам, оғзи ичра айтур лаъл ҳам бор навъи тош.*

Шу ерга келганида Лутфий ботиқ елкалари силкиниб-силкиниб кулиб юборди: ёш шоир тўсатдан сўзни суҳбат тарзидаги мутойибага ҳам бурибди, лаълдек лабларинг бир бўса мурувват қилмас даражада қаттиқми десам, дедики, аслида лаъл ҳам бир тош эмасми?

*Новакинг кўнглумга киргач жон талашмоқ бу экин,  
Ким, қилур пайконини кўнглум била жоним талош.*

“Новак “деб ўқнинг ўзи, пайкон деб унинг темир учи айтилади. Пайконни мўлжалга етказиш учун новак даркор, новак кўнгилга келиб тегди-ю, пайкон жонга санчилди. Айни мисрада Алишер ҳалигача ғазалда ҳеч ким ишлатмаган туркча “талош” сўзини қофияга олган, у шунчалик ўз жойига тушган эдики:

*Умри жовид истасанг фард ўлки, бўстон Хизридур,*

*Сарвким, даъб айлади озодалиг бирла маош.*

*Қоши оллинда Навоий берса жон айб этмангиз,  
Гар будур меҳроб, бир-бир қўйғусидур барча бош.*

Сўнгги мисра эса санъатнинг юксак чўққиларига даъво қилгудек даражада гўзал эди: аввалбошда меҳробдаги кишини қош саргардон қилган бўлса, энди у қош олдида Навоий жон берса айбламанг, модомики меҳроб шу эса, барча бошларнинг келар жойи шудир деб яқунлаган эди.

Лутфий завқу ҳайратидан бошини сарак-сарак қилиб:

– Мошоллоҳ! Истаса чумолини Сулаймонга насиҳатчи айлар, истаса дунё шоҳлигини бир узукка жойлар! – деди кенг пешанасидаги, кўз теграсидаги ажинлари ёйилиб, юзи фавқулудда нурли тус олиб. – Истаса, Лутфий ета олмаган маъноларни шу йигитча тилидан айттирур! Мен туркчада ўзимни куёш деб фаҳмлар эдим, бу ёшимга қадар мен орзулаган латофатни бу ўғлон шул ёшида битибди. Валлоҳ, агар муяссар бўлса эди, ўзимнинг ўн-ўн икки минг форсий ва туркий байтимни шу биргина ғазалга алмаштирардим ва агар Алишербек бунга кўнса, бу ишимни зўр муваффақият деб ҳисоблардим!

Шухрати Хуросону Мовароуннаҳрни тутган шоирнинг бу эътирофи жуда катта баҳо эди. “Валлоҳ” сўзи эса “Тангрига қасамки” деган маънони билдирарди. Даврадагилар “Ҳай-ҳай!” деб юборишди. Муҳаммад Али тағойи эса ўрнидан туриб кетди. Ҳаяжони зўридан мавлонога таъзим қилиб:

– Қуллуқ, куллуқ, – дер эди.

– Менинг форсигўй дўстларим маҳжуб бўлмасинлар, аммо умрим бўйи бунчалар севинмаган эдим. Ахир, она тилим, жон тилим ўлаёзган эди, – деди мавлоно Лутфий, тин олиб. – Неча замонлардир, илму санъат ошуфталари ўзларининг дурларини туркча эмас, арабча-ю форсча ипга тизишни маъқул кўришарди. Аллоҳга шукр, бу йигитча шеърият шоҳлари қилолмаган ишни қилибди, қандай жасорат биланки, ашъорини не-не шоирлар қувватлаган тилларда эмас, дағал саналган турк тилида битиб, даражотини улардан ҳам

юксакка кўтарибди! Худо хоҳласа, элнинг барча улуғлари уни дуо қилгайлар, келгуси наслларга эса пир бўлгайдир, – деб, мавлоно Лутфий дуо қилди. – Жасорати-ю заковати ҳаққи-хурмати, бу кеча менинг боғимда қолингиз! Кекса Лутфий шодлигидан сизларга юрак-бағрини дастурхон қилиб тўшагай!

...Дунёга келганига эндигина бир мучал тўлаётган ўғлон шу тариқа, яна бир улуғ зотнинг дуосига мушарраф бўлди. Дуо мустажоби куллий, яъни умумий бўлур. Бунинг мисоли баҳорга ўхшайди. Қиш қаттиқ келганида баҳорни барча орзиқиб кутади. Баҳор эса борликка харорату ором бахш этишидан ташқари, теваракни янгилаб юборади, у туфайли бутун тирикликка ризку рўз етилади. Алишернинг яқинлари, жигарлари, устозлари ва улуғ ёшли кишилар туркий тил салтанатида ўхшаши йўқ бир истеъдод бино бўлажagini орзулашса-да, маъни дуру гавҳарлари хазинасини яратадиган, Хуросон шон-шарафини кўкларга кўтарадиган шоир шу бўлиб чиқишидан ҳали беҳабар эдилар.

Аслида эса, Алишербекнинг қалб хазинасидаги истеъдод эндигина ниш урмоқда, кишиларни ҳайратлантирган санъати у улуғ гул-бўстоннинг бор-йўғи кичик бир куртаги эди, холос. Ҳали у куртак бўй чўзса, гул очса, не чаманзорлар барпо бўлиши ҳеч кимнинг тасаввурига сиғмасди.

### ***КЎШҚДА ИККИ ЮЛДУЗ***

Хуросонга ёз келди. Йигитчаларнинг бўйи чўзилди.

Бу икки дўстга беклару амирлар ҳавас қилиб, куёвликка кўзлай бошлашди. Ҳар иккиси ҳам куёв бўлишга арзигулик кўркам йигитчалар эди-да! Ким қизини шаҳзода ёхуд бек ўғлига беришни истамас экан? Биринчиси мўътабар акобирлар сулоласидан, иккинчиси шон-шарафли Темурбекнинг авлоди эса? Саройнинг баъзи улуғлари, олий хулқли бу йигитчаларга сўз қотишга ҳадди сиғадиганлари шу ҳақда шама қилар бўлдилар.

Аъёнлару беклар фарзандларининг пухта таҳсил олишлари учун машҳур мураббийлар тайин этилган эди. Ҳафтада бир неча кун Булдуруқ баҳодир қилич солишни, найза ишлатишни, кўшинни қай тарз тизишни, шунга ўхшаш

хунарларни ўргатар, унинг буйруғига кўра таёқларга саллақовоқлар қадалиб, ёғий чериги ясалар, у қовоқларни гоҳ болта, гоҳ қилич, гоҳ найза ила уриб ўтиш талаб қилинади. Шунингдек, ичига пахта тикилган тўнлардан ясалмиш гавдаларга тиғ солиш, нишонларга олисдан катта ёй, яқинроқдан кичик ёй ила уриш машқи ҳам қилинар, бу борада Булдуруқ баҳодирнинг топқирлигига қойил қолмай илож йўқ эди. Ҳар дафъа бир ажойиб хунар кўргазмасинми? Елдай учиб кетаётган от устида ортдаги нишонларга уриш, дарахтга каманд ташлаб, каманд тортилганида ҳавода айланаркан, мўлжалга ўқ узиш кабилар Булдуруқ баҳодирнинг оддий хунарлари эди.

Йигитчалар мадрасадан чиқиб, кўшкнинг орқа майдонидаги Булдуруқ баҳодир ёнига кетар эканлар, йўлда баҳайбат бир бек учради. Дарҳол йўл бўшатиб, салом беришди, аммо у бек саломга жавобан пўнғиллабгина кўяқолди. Бу қовоғи солиқ кимсанинг кўриниши ваҳм уйғотарди. Узун қорамтир юзи, бурун ёнидан то жағигача тушган чуқур чизиқлар, пешанаси ва икки қоши ўртасидаги ўйиқлар, қирра бурни, ҳар ён ўсган патак соқоли, кенг елкалари, бошини сал пастга эгиб, худди от устидагидай чайқала-чайқала юришидан голиб бир кўшиннинг лашкарбошисидай туюларди.

Ҳеч кимни писанд қилмай ўтган у ҳайбатли киши ортидан қараб қолган Алишербекка:

– Чопу барлосдир, – деди Ҳусайн Мирзо. – Бул навоҳийда ундан кўпроқ чопқин қилган кимса йўқ. Ҳайбати мундандир. Ҳоло кўшин бирла ётиб, кўшин бирла турадур. Сиз қиёфатига парво қилманг, ўзи оққўнгил, дуруст киши.

– Девнинг худди ўзи! – деди Алишер. – Бир ўзи бутун кўшинни тумтарақай қилиб юборса ажабмас.

– Бу киши Булдуруқ баҳодир билан болалиқдан бирга эмиш, – деди шахзода. – Икковлон абадий дўст бўлишга қатъий аҳд қилишган, дейдилар. Чопу барлос Пули Навда, ўрдугоҳда эди. Бугун барча уруш машваратига чорланди, шу сабабли кўшкка келган бўлса, Булдуруқ баҳодирни кўриб қайтаётган чоғи.



Булдурук баҳодир уларни майдон четида кутиб турган экан. Қайрағоч остидаги супага бир канча пайкон, яъни ўқ учлари териб қўйилибди.

– Ўтган гал сизга муҳиммотлардан ёй турларини кўрсатиб, пайконлардан ҳам сўзлаган эдим, – деб, Булдурук баҳодир уларни супага бошлаб борди-да, хусусиятларини бирма-бир тушунтира кетди. – Уч қиррали пайкон қачон ишлатилгай? Тўрт қирралиси-чи? Мана буниси ён қиррали пайкондир, унда санчилишидан ҳам кўра, кесиш хусусияти устун. Вақтеки, ёв икки бетни ҳам тўсиб турувчи дубулға киймаган бўлса, уни шу ўқ билан ургайсиз, санчилмаса ҳам кесиш ўтгай. Буниси эса атай тескари тишли қилиб ясалган, санчилса, этни кесмай чиқариб бўлмас. Эгри учли пайконларнинг ҳам бир канча тури бор, мисол учун, мана бу билан урсангиз, қийшиқлиги боис санчилган жойини қўпориб чиққай...

Булдурук баҳодир қатор ёйлардан бирини олди, эгри пайконни новакка жойлаб, ҳўв наридаги ичига пахта солиниб, тўн кийдирилган қамғанакни кўзлаб уриб кўрсатди. Ҳақиқатан ҳам қамғанакка бориб теккан ўқ, учи эгрилиги учун кирганида қийшайиб, кирган жойини қўпориб қўйди.

– Муҳиммот қўшин юришида керак бўладиган барча анжомдир, – деди Булдурук баҳодир, машқ тугагач. – Мисол учун, аробаларнинг ғилдиракларини ким ясайди, чароки юзлаб ароба лозим эса? Ғилдиракларга қопланадиган темир керагани-чи? Шу сабаб, муҳиммот борасида ғозий султон Темурбек қўллаган удумни қўллагаймиз. Тегра қишлоқларга вазифаларни тақсимлагаймиз. Бири нон ёпгайдир, бири чорва боққай, яна бири найзаю ўқ ясайдир. Зарбхонада эса ақчадан ташқари совут-анжом ҳам ясалгайдир. Бу кун Султон Абулқосимнинг ўн беш минг мунтазам чериги бордур, холо чопқин бўлмайдурким, у қўшиннинг муҳиммотини қай тарз сақлагайсиз?

– Кунлик ўн беш минг патир ёпилиб, юзлаб қўй-сигир сўйилгайми?

– Мунга улов харжини ҳам кўшинг, – деди Булдурук баҳодир. – Ўн беш минг аскарнинг ўттиз минг улови бўлғай. Шу сабабдан, яна шаҳарга яқин қишлоқлар аҳлидан бир қисми арпа-тариқ етиштирурлар, ўт ўрурлар. Ҳатто

айри-айри ўтинчи қишлоқлари ҳам борки, керак маҳалда ўтин таъминотига киришсинлар.

– Яна, черик машқлари ҳам бор. Аскар муттасил машқ қилмас экан, танбаллашиб, қўлидан яроғи тушиб кетгайдир, – давом этди Булдуруқ баҳодир. – Хўш, баҳодир деб кимга айтамиз?

– Бир чопқинда бир қанча ёвни бир ўзи енгган навкарни баҳодир дерлар. Шунини билингки, бобонгиз Шоҳрух **М**ирзо ўн икки ёшида баҳодир бўлмиш эдилар. Энди ёнлама қилич урмоқ машқларини қилгаймиз. Суйри ёхуд тўғри қилич қандай қўлланилмай, уни ҳам ўрганурсизлар.

Ўйигитчалар яёв ёхуд от устида қилич сермаш сабоқларидан роса чарчашди. Булдуруқ баҳодир ҳеч тиним бермади. Тўғ урилганида кесмай, суйрилиб кетиши учун силлиқ ишланган биллакбанднинг ўзиёқ анча оғир бўлиб, унга совут оғирлиги ҳам қўшилиб, қилич сермаш кўп қувват талаб қиларди.

– Мен сизга Темурбекнинг машҳур “чаҳоройна”сини ҳам кўрсатай, – деди Булдуруқ баҳодир, шогирдларининг тиришқоқлигидан қаноат ҳосил қилиб.

Ўйигитчалар унинг ортидан эргашишди. Темурбек кўшинида кунга қарши саф тортилганида ёв кўзини қамаштириш учун махсус ишланган совутни ҳали кўришмаган эди. Чаҳоройна – ўртадан икки кўндаланг чокли, тўрт бўлакка бўлинган ва теваракни ойнадай акслантирадиган совут экан. Қуёш кўшин қаршисида бўлганида бу совут нурни қайтаргани боис, чаҳоройна кийган юзлаб аскар қаршисидаги ёвнинг кўзи қамашиб, ҳеч нимани кўрмай қолар экан.

Чопқин сабоқлари тугагач, Ҳусайн Мирзо Булдуруқ баҳодирдан Чопу барлос ила дўстлиги сабабини сўради.

Булдуруқ баҳодир жавоб қилди:

– Ҳа, Чопу барлосни сиз ҳам кўрдингизми? Дўстлигимизнинг сабабига келсак, бир куни Мозандарон урушида девдай бир навкар отимни йиқитиб, устимга кела бошлади. Энди ўлдим деб калима қайтараётганимда Чопу пайдо бўлди. Навкарни шундай урдик, тўпдай отилиб кетди. Ўша чопқиннинг

Ўзида мен ҳам Чопуни қутқардим, ёв сипоҳи уни кўзлаб ёй тортаётганини кўриб, сакраб отилиб Чопуни ерга юмалатдим. Бир жангда икки киши бир-бирини қутқаргани бежиз эмас, дедик. Чопу кўлидан, мен елкамдан яараланган эдим, қонимизни қонимизга қўшиб, қиёматлик дўст тутиндик.

Булдуруқ баҳодирнинг бу ҳикояси йигитчаларга ёқиб тушди. У билан хайрлашиб, майдондан чиқишаркан, Хусайн Мирзо:

– Мен Нурмуҳаммад аткага айтдим, уруш машваратига сиз ҳам киргайсиз. Майманада бир бек исён кўтарибди, уни бостирмоқ маслаҳати қилингай.

– Мадраса-чи? – деб ҳайрон бўлди Алишер.

– Уни қўятуринг, чопқин, босқин, тебратма, тўлғама не эканини кўринг. Қилич урмоқни, ёй отмоқни, каманд солмоқни беҳуда ўргандингизми? Вақти келса чопқинга кирарсиз, кирмасангиз, ашъорий тўлғама-ю тебратмаларни жорий қилавергайсиз. Йўқ демоғингизга рухсат йўқ, модомики дўстимсиз, ҳар ерда дўст бўлгайсиз. Хаёлимда кўпдан бери бир фикр айланади, шуни айтай, сиз хўп денг! – Шаҳзода Хусайн дўстининг елкасига кўл ташлади. – Боя Булдуруқ баҳодир Чопу барлос билан дўстлигини айтиб берди-я? Бизлар ҳам гўдакликдан буён ҳар доим ҳамдаммиз. Келинг, аҳд қилайликки, қайси биримизнинг бошимизга бахт куши қўнса, бир-биримизни сира унутмагаймиз, доимо қўллаб-қувватлагаймиз. Розимисиз?

Алишер ёйилиб жилмайди. Зеро, бу икки ўғлон орасида дўстлик иплари аллақачон боғланиб улгурган, бир-бирларини бир кун кўрмаса туролмайдиган даражада келишган эди.

– Албатта розиман! Маҳшаргача дўст бўлгаймиз!

Икковлон кучоқлашишди, сўнг саройга қараб йўл олишди. Қўриқчи навкарлар дўстлар орасида не сўз бўлиб ўтганидан беҳабар, лом-мим демай улар ортидан эргашишди.

## ***ЧОПҚИН МАЖЛИСИ***

Мажлисхона тўрида ёқут-жавоҳирлар билан безатилган супа бўш, беклару баҳодирлар икки тарафдаги курсиларини эгалламоқда эдилар.

Супа ортидаги деворга осиглиқ зийнатли узун қиличда катта бир марварид яшил-қизғиш тусда яракларди. Бу жавоҳир Темурбек вафотидан сўнг маълум вақтга қадар Шоҳруҳ Мирзога бож тўлаб турган Мозандарон султонининг совғаси бўлиб, ўлпон тўловчи султонлар итоат тимсоли ўларок юборган жавоҳирларни қиличга қадаш одати бор эди. Амир Темурдан Абулғозий Шоҳруҳ Мирзога ва ундан султон Абулқосим Мирзога мерос қолган бу қиличга ҳозир Табриз, Қорабоғ, Сейистон, Машҳад, Ироқ ва Пешовар гавҳарлари қадалган эди.

Саҳн тепасига беш тур хатда битилган оятлар наққошларнинг ажойиб хунаридан дарак бериб турарди. Тангри оятлари куфий ва сулс хатида нақшланган бўлиб, остида муҳаққақ усулида Амир Темур Кўрагон лафзи битилган, ундан ҳам пастда эса райҳоний ва риқоъ хатида байт бор эди. Оятларнинг безалиши ҳам ажаб: ҳарф нуқталари ўрнига лаълу ёқут қадалган, фатҳа, касра ва замма каби белгилар кўкиш-яшил яшма тошидан терилган эди.

Эшик оғаси шаҳзодага юқоридан, Алишерга эса қуйидан жой кўрсатди, бироқ, Ҳусайн Мирзо кўрсатилган жойга ўтмай, дўстини саф ўртарағига олиб борди-да, ўша ерда қолди. Беклар бу икки йигитчага бир-бир қараб кўйишса-да, ҳеч ким ҳеч нима демади. Улар жангу жадалларнинг шунқорлари, саваш қарчиғайлари, уруш оловини ёқувчилари, ёвга ўлим келтирувчи бўрилари, чангал солувчи арслонлари эдилар. Учишни эндигина ўрганаётган ёш бургутчалар билан уларнинг не иши бўлсин? Энг тепада кўр тўкиб боя йўлда кўринган тунд қиёфали Чопу барлос турарди. Унинг ёнида кўнғирот, мўғул, барлос, жалойир беклари, ўнгда эса савашларнинг баҳодирлари, сардорлари тизилган эдилар. Ҳар ким оёқда, Султон Абулқосим Мирзонинг ташрифини кутарди.

Эшик оғаси султон ҳазратларининг ташрифини эълон қилган эди, икки тавақа ҳам ланг очилди. Аввал султоннинг ўзи, ортидан Пир Саййид Барака

авлодидан Саййид Будок кўринди. Султон Абулқосим Мирзо дағал матодан қизил ва оқ аралаш тўн кийиб, яшил кичик салла ўраган, пишиқ гавдали киши бўлиб, супа ёнига келдию ўтирмай тик турди.

Уруш беклари қисқа саломдан сўнг дархол Маймана исёнига тўхталақолдилар.

– Тузимизни еб, тузлиғимизга тупурган у кўрнамакнинг даъвоси не эмиш? – деб сўради Султон Абулқосим Бобур, девонбегидан.

– Султон Абусаид Мирзога нома битиб, биз мунда бош кўтариб, қаршилиқ кўргузуб тургаймиз, келиб Хуросонни олинг, демиш.

– Фазлиддин кўрнамакнинг бир ярим минг чериги бор, уч юзи отлиқ, қолгани яёв, – деди чўтир юзли баҳодирлардан бири, Четин бек. – Қалъани ичдан беркитибди. Юборган чопари Андхўйда тутуққа олинди, ёнидан Абусаид Мирзо номига битилган нома чиқди.

– Чопар қайда, келтирилдими?

– Афсуски, қочиш чоғида отдан йиқилиб, бели синиб ўлди. Нома мундадир.

Чўтир юзли баҳодир илдам ҳаракат ила қўйнидан номани чиқариб, икки кўллаб султонга тутди. Султон Абулқосим Мирзо уни ўқир экан, тобора юзи тундлашиб, ғазаби ошиб борарди.

– Адабга чақирмоқнинг сира имкони йўқ, – деди у афсусланиб. – Ўз тақдирига ўзи ҳукм ўқибди. Чопу бек, қанча аскар била борсангиз у исёнчининг адабини бергайсиз?

– Бошини келтирмоққа минг аскар етгай, – деди Чопу барлос, бир туки ўзгармай, қисқа қилиб.

– Исёнчининг бир ярим минг чериги бор эса, салтанат аскарлари минг навқар ила борсинми? – деб сўради Султон Абулқосим. – Сиёсат қилингизким, халқ кўрсин. Беш минг аскар-ла юринг, қудратимиз билинсин. Қамамоққа ҳожат йўқ, қалъа тарафга боргач, қўшинни ёйинг, байроқларни тикинг, кўриб кўркувга тушсинлар. Лузумот бўлса янада қалин черик ила борилсин!

– Хўп бўлади!

Султон Абулқосим беклар каторидан олдинда, баҳодирлардан қуйида турган Ҳусайн Мирзога кўзи тушиб:

– Мана бу ёш арслонни ҳам олингиз, – деган эди, беклар илжайиб кўйишди. – Мирзодир, чопқинни кўрсин. Ёнидаги йигитча Амир Гиёсиддинбекнинг ўғлими?

– Худди шундай, Алишердир, – деди эшик оғаси.

– Гиёсиддин баҳодир сулоламизнинг айнул-муқарраби<sup>1</sup>, мухтарам бекларимиздан, – деди Султон Абулқосим Мирзо. – Бироқ, билишимча, чопқину босқиндан кўбрак илму урфонга, шеъру абётга ҳавасли эмишсиз, шундайми?

– Шундай, – жарангдор овоз ила унинг ўрнига жавоб қилди Ҳусайн Мирзо. – Гўдакликдан мактаб жўрамдир, фасоҳатли шоирдир.

Аслида изоҳга ҳожат йўқ, султоннинг ўткир нигоҳи Алишербекнинг феъл-хўйини ўша заҳотиёқ илғаб олган, чунки сарой хизматидаги ёш беклар ҳақида унга муттасил билги берилиб туриларди.

– Дўст эсангиз, дўстингиз ҳам борсин, – деб, Султон Абулқосим Мирзо. Сўнг Чопу барлосга юзланди: – Қўшин тадоригига уч кун етгайми?

– Мирзом не десалар, шу, – деди Чопу барлос.

– Муҳиммоту лузумоти хазинага билдирилсин! – деди султон. – Ул бадқирдор исёнчига таҳдид мактуби битилсин! Узоқни ўйламай қилган қилмиши боис ўлганларнинг хуни бўйнига тушиши, таслим бўлса омонлик берилиши, йўқса бутун авлод-аждоди қиличдан ўтказилиши маълум қилинсин. Вассалом!

Шундан сўнг шайхулисломга юзланди:

– Ҳазратлари юришга фатво бергаймилар?

Оқ улкан дасторли, юзидан нур ёғилиб турган шайхулислом “Инна фатаҳно”ни ўқиди, сўнг дона-дона қилиб:

---

<sup>1</sup> Айнул-муқарраб – икки томонлама дўст.

– Адолат салтанати устида қойим фотиҳ султонга қарши бош кўтарган исёнчи албатта жазоланур. Фатво берилгайдир ва муқаддас оятларда келган ҳукмлар билан собитлангайдир, – деб жавоб қилди.

– Пирим дуо берсинлар!

Пир Саййид Будоқ Тангри таолонинг зотига, сифатларига ҳамд ва пайғамбар алайҳиссаломга саловот айтгач, баланд овозда “Наср” сурасини охиригача ўқиди. Дуодан сўнг бир овоздан “Аллоҳу акбар” дея юзларга фотиҳа тортилиб, мажлис тарқалди.

Хусайн Мирзо ўзида йўқ шод эди. Томирида жасурлик қони қайнар экан, хаяжондан кўзлари ёниб, дўсти билан хайрлашиб, Чопу барлос ёнига жўнади. Алишер эса саройдан чиқиб, ота боғига йўл олди.

Волида бекага Маймана юришига боришини айтганида, Қутб шодланиб кетди:

– Менинг бек иним энди баҳодир ҳам бўлгай! Аммо урушга кирмагайсиз, хўбми? – деярд эди. – Вой-вой, от туёғи остида қолсангиз ё бирор навкарнинг қамчиси тегиб-негиб кетса? Худо сақласин, чопқинга кирмай четда тамошо қилгайсиз, хўбми?

Содда Қутб Алишерни ҳануз бола ўрнида кўриб, узоқдан муҳораба томошасига боради деб ўйламоқда эди.

Она эса сўз қотмади. Ким билсин, шу тобда хаёлига не ўйлар келди экан? Хожаси ҳам, инилари ҳам неча йиллардан буён турли урушларда ажал чангалида юрибди. Бу фарзандининг қисматига ҳам навкарлик битилган эканми? Қалбидан чуқур хўрсиниқ келди, бу хўрсинишда тақдирга тан бериш аломати сезилар эди. Лаблари пичирлаб дуо қилди-да, яна кичик ўғли билан андармон бўлди.

### ***МАЙМАНА ЖАНГИ***

Маймана амири Мир Фазлиддин укувсиз, кўрқоқ киши бўлиб, Абулқосим Бобур Мирзонинг тахтга келиши унинг кайф-сафосига раҳна солган, адолат ва низом талаб қилган султонга қарши ичида кин ва ғазаб уйғонган эди. Шу

сабабли аввал Абусаид Мирзога хуфя юборди. Абусаид Мирзо бадқаҳр бўлса-да, хулқи тўғри, ҳийлабозлик ва писмиқликдан нафратланадиган киши эди. У Фазлиддинга таҳқир билан жавоб берди, аммо вазиятдан фойдаланиб, Майманани қўлга киритиш режаси устида ҳам бош қотирди. Бундан бир иш чиқмаслигига кўзи етгач, хиёнатдан Султон Абулқосим Бобур Мирзони хабардор қилди.

Бу иш шундайки, ўзаро душманлик кайфиятидаги султонлар магар ташқаридан босқин ёки хос бўлмаган кишилардан исён содир бўлса, дархол бир-бирларини қўллаб-қувватлашарди. Қилмиши Абулқосим Бобур Мирзога маълум бўлгач, Фазлиддин афсус ва алам тирноғини кемира бошлади. Ўрдасида ярадор шоқол каби у ёқдан бу ёққа юрар ва бу шармандалиқдан кутулиш йўлларини излар эди. Шу маҳалда унга Султон Абулқосимнинг номаси етиб келди. Қаҳру адоват билан битилган у битик Мир Фазлиддин тақдирига отилган ажал ўқи каби бўлди. Хиёнатчининг ҳоли не кечиши аввалдан маълум, таслим бўлмоқдан, қилич ва садоқни бўйнига осиб, тупроққа беланиб эмаклаб, султондан авф исташдан ўзга чора йўқ эди.

Султон Абулқосим Мирзо кўшини Майманага етиб-етмай тўхтади. Айри-айри бўлук аскарлари от чоптириб келиб, Маймана қалъасига кўз солишар ва бир иш қилмай қайтиб кетишарди. Лашкар қароргоҳида туғлар кўтарилган, кўшин байроқлари ҳилпирар, аслаҳа жаранги-ю от кишнашлари узоқдан эшитилиб турарди. Кўшиннинг ўткир ўқлари садоқларда душман бошига, кўксига ёки қорнига санчилишга шай, барчаси тузли сувга ботириб тобланган бўлиб, маълумки, бундай ўқ совутни осон тешади. Эгри ва ясси қиличлар, узун ёки калта найзалар, узун дастали болталару қисқа ойболталар, панжобийларнинг олти тишли, сангойиларнинг занжирли гурзилари ярқирарди. Маймана амирини чумолидан ҳам ҳақир кўрган бу кўшиннинг туғи ва танзимига қараганда, рўпарада Султон Абулқосимнинг донғи чиққан бекларидан мағлубият билмас Чопу барлос турарди.

У эски беклардан, жангда тулкидай ҳийлакорлиги, шафқатсизлиги ва тадбирлилиги билан ном чиқарган. Маймана амири ким бўлибди, оламнинг



мана-ман деган султонлари ҳам Чопу барлос номини эшитганида зир титрашади. Чопқинга киришса, қаршисида Чопу барлосни эмас, ажални кўргандай бўлишар, ё ўлимни бўйнига олиб олдига сўқишга чиқар ё таслим бўлишар эди. Гўё Азроил шу қахрли бек қиёфасида Маймана амирининг жонини олмоққа келди. У муҳосарага<sup>1</sup> олган ёхуд ёйган кўшинлар олдида Маймана амирининг тарқоқ-сарқоқ аскарлари не? Шу сабабдан Чопу барлос чопқинга киришни ўзига эп билмай, гўё номдор ва улуғ полвонлар каби кўр тўкиб айланарди, холос. Улуғ полвонлар гиламга чиққан тажрибасиз кўрқоқ полвонни мушук боласидай отиб юборишади. Унинг қошига бел ушлашгани эмас, мушукдай миёвлаб чиққан тузук.

Шунингдек, кўшинда шахзодалардан Хусайн Мирзо ҳам борлиги Маймана амирининг умид гулларини тамомила ботқоққа ботирди. Ғам-алам ва пушаймон балчиғидан бошини чиқариб, кўкка қараб нола қилгиси келарди. Айёр Чопу барлос Хусайн Мирзони кўшинга олгани – агар Маймана амири унга қарши чиқса, Темурбек авлодига қарши чиққанини билдирарди. Шу сабабли бутун темурий авлодлар Маймана амирига ҳар ёқдан арслонлардай ташланиб, парча-парча қилиб ташлаши хавфи қаршисида титрарди.

Шу сабабли у, Чопу барлоснинг қаҳрини юмшатмоқ учун дурронийлар одатини қўллашга қарор қилди ва хослари куршовида экан, олдинга ўтиб, Чопу барлос қошига етганида икки қўлини боши устига қўйиб, ерга ўтириб олди. Чопу барлос бу қилиқнинг маъносини яхши англади, бироқ, заиф амирга сўз қотишни эп кўрмади. Ёнидаги суворий ҳануз ерда ўтирган амирни бир каманд солиб арқонлаб, сургаб кетди. Унинг оёқ-қўлини боғлаб, аравага ташладилар. Чопқин хавфидан зир-зир титраётган қий-чувли Майманага кирилгач, Чопу барлос кўшкка қадам босмай, шайхулисломни чорлади.

Маймана амири тавба қилганини кўрган Хусайн Мирзо унинг бунчалар аҳмоқлиги-ю укувсизлигидан лол эди.

---

<sup>1</sup> Муҳосара – қамал.

Уруш куши жангу жадал майдони узра уча-уча, ўзи истаганларни тополмасдан қайтди. Шу билан қўшиннинг бир қисми Майманада қолиб, тажрибали беклардан бири вақтинча амир тайин этилиб, қўшин Ҳирийга қайтақолди.

Уруш оловини ёкқувчи бу қўшинни кўринг эди! Беш минг аскар оти туёғидан кўтарилган чанг-тўзонни, шовқинини эшитинг эди! Мунча жасур, кўркмас сарбозлар тўпи ҳосил қилган жанг руҳини сезган киши кўрибок талвасада титраши тайин. Сел каби оққувчи бу қўшин қишлоқларга кирмасдан, айлана йўллардан ўтарди. Тин олиш учун ўтирса, бир қанча чақиримга ёйиларди. Ортидан келаётган муҳиммот ва аслаҳа аробаларини кўринг эди! Буни кўрган халойиқ салтанат қудратию ҳайбатини англаб, беш минг аскар шундоқ эса, Султон Абулқосимнинг тумонат қўшини қандоқ экан, дер эди. Майманадан Ҳирийга ўн кунда етилди. Қўшин Пули Навда қолди, беклар эса кўшкка йўл олишди.

То юриш бошланишидан сўнгига қадар қичқириб учган уруш куши бошлар қовундай юмалайдиган, болталар умуртқаларнию елка суякларини чўрт узадиган, шиддат-ла отилган ёйлар совутларни қарсиллатиб тешиб, сипоҳнинг жонини оладиган, камандлар одамларни сон-саноксиз от туёқлари остида бақиртириб судраб кетадиган, черик не, ҳатто отлар ҳам бир-бирини тепиб-тишлайдиган муҳорабани кўрмоқ истагида учса-да, кўра олмади.

### ***КЕЛАЖАК БИЛАН УЧРАШУВ***

Майманадан қайтилгач, султон Абулқосим Алишерга ҳам бир чавқар от ҳады қилди.

– Ана энди чин навқар бўлдингиз, – дер эди Мирсаид тағойи, жиянини эркалаб. – Бул орада яна бир жаҳд қилсангиз, баҳодир ҳам бўлгайсиз. Ҳарб хунаридан олган сабоқларингиз беҳуда кетмагай.

Алишер:

– Баҳодир бўлмоқ учун одам ўлдирмоқ лозим-ку? – деган эди, Мирсаид Кобулий бепарволик билан:

– Одам ўлдирмоқдан осон иш борми? – деб, ўз ишига йўл олди.

Бу орада Хусайн Мирзо давлат хизмати ила бир қанча беклар билан Самарқандга, Султон Абусаид Мирзо қошига жўнаб кетди. Алишер дўстини йўлга кузатиб, Боғи Жаҳон Орога кайтганида бу ерда ҳамма шод, жория Қутб елиб-югуриб юрар, очилиб кулар эди.

– Вой, кичик бек беҳабармилар? Ахир, эртага лола сайлига чиқар эканмиз! – дерди гул-гул яшнаб. – Ҳирий ташида ўр-қир тамомила лола ила безалибдир. Уфққа қадар қалин лола эмиш! Волида бека ўтиниб эканлар, бек оғойи рухсат берибдилар. Мен бечора Қутб ҳам лолазор не эканини кўрадиган бўлибман!

Ҳақиқатан ҳам ташқи ҳовлида икки хизматкор эт пиширмоқда, аравалар тайёрланмоқда, йўл тадориги кўрилмоқда эди.

Эртасига аҳли аёл араваларда, қолганлар отда, Ҳирий ташқарисига чиқдилар.

Бу қирдан Ҳирий товланиб кўринар эди. Ғуж яшил оғочлар, пахса уйлариинг сарғишлиги аро Жомеъ масжидининг, Гавҳаршодбегим мақбарасининг олтин кунгуралари ярақлар, наридаги кўк нилий гумбазли сарой кўзни олгудек, худди эртақдаги каби кўринарди.

Шаҳардан олислашилгач, ҳақиқатан ҳам ўр-қирларгача энлаб кетган қизғалдоқлар намоён бўлди. Худонинг қудрати ила жонсиз тупроқлар ўз бағридан гўзалликларни потратиб чиқариб юборган, бир маҳаллар кўрилгани каби, заиф гавдасига улкан қизил дастор ўраган лолалару қизғалдоқлар шабадада чайқалиб турарди. Орасида боларилар ғўнғиллаб учишар, хашаротлар ризқ терар, қайдадир куш сайрар, хуллас, завқли баҳор манзараси юракни яшнатарди. Кўм-кўк самога оппоқ булутлар паға-паға уйилибди, қараб турилса, аста сузаётгани ҳам билинарди. Узоқроқда икки киши тоғ этагида чумолидай ғимирлаб меҳнат қилар, чўкичининг саси элас-элас келиб турарди. Қир бошига чиқиб борилгач, арава тўхтади. Қуллар ерга тўшакларни солиб, ўтиришга жой тайёрлашди. Эрларга алоҳида, аёлларга алоҳида жой қилинди. Егуликлар келтирилди. Қутб гул-чечак териб,

тўшаклар устини даста-даста қизғалдоқларга тўлдириб юборган эди. Волида бека ҳам хушхол, гоҳ тентираб нарига кетиб қолаётган, гоҳ нимадир ейман деб хархаша қилаётган Дарвишалини етаклаб, бир қучоқ лола териб келди.

– Вой, кичик бегим! Шунақанги кўшиқ айтгим келяптики! – деди Қутб, коп-қора кўзлари чакнаб. – Айтолмайман-да! – деди кейин нигоҳи билан сал наридаги Мирсаид тағойини кўрсатиб.

– Тағойига айтайми, рухсат берсинларми?

– Йўқ-йўқ, номахрам бор! – деди Қутб, қоя тубида тош кесаётганларга ишора қилиб. Унинг гапига Алишер кулиб юборди, чунки тош кесувчилар анча олида, у ёққа сас етиб бориши даргумон эди.

Мирсаид тағойи уларнинг сўзлашувини эшитиб, хушламай қараб қўйган эди, Қутб шўрлик нафаси ичига тушиб, саросима ила бекач ёнига кетди. Бунинг сабаби бор эди, чунки онаизор сўз орасида бир-икки кез Қутбни Мирсаид тағойига никоҳлаш ниятида эканини айтган, шу сабабли Қутб тағойини кўрса қизариб, шошиб қоларди.

– Юринг-чи, у кишилар не иш ила машғул эканлар, – деди Мирсаид тағойи, Алишербекка.

Тоға-жиян отга миниб, қоя томон йўл олишди.

Бу жуда қадимги тоғ эди. Қоятошлари ёрилиб, парчалана бошлаган, худди қачонлардир азим бир кўҳсор бўлгану замонлар ўтиши билан тупроқ уни маҳв этгандай, теграсини ўрай-ўрай, ер бетида кичик бир қисмини қолдиргандай кўринарди. Вақти келиб тоғларнинг ҳам умри тугашига бир далил каби, оёқ ости шағал парчалари ила тўлган, кичик япасқи қиррали тошлар қадам остида шиқирларди.

Қоя ёнида коп-қора, ёш икки йигит тош кесаётган экан.

Сангтарош сангойилардан бўлиб, қора сочлари ўсган, тердан усти жикқа хўл бўлиб, баданига ёпишиб қолибди.

– Мунда не қилурсиз? – деб сўради Алишер.

– Нариги томондан бу тоққа бир жилға киргайдир, – деди сангтарош нафасини ростлаб. – Бироқ қайтиб чикмайдир. Отам чўкич билан тошни ура-ура ярмига келганида ер тубига кириб кетишини билди.

– Қай тарз билақолмиш?

– Сувчумчуқ қайда сув борлигини билармиш. Отам унинг тошни чўкишига қараб туриб айтдики, беш-олти қулоч ўйилса, сув чикқай.

– Отангиз неча ёшда?

– Етмишга етдилар. Эрта сахар шу ерда эдилар, бир-икки соат ишлаб, кейин масжидга кетдилар.

Алишер унинг тешаси-ю чўкичига разм қолиб қаради.

– Исфаҳон пўлатидир, – деди йигит изоҳ бериб. – Тошга исфаҳоний пўлатдан бошқаси ярамайди. Отам Темурбек қўшинидан қолган бир қилични эритиб, теша-чўкич ясагирдилар.

– Эҳ, сув чиксайди, – деди кейин, хўрсиниб. – Тупроғини кўринг, бўлиқлигидан порсиллайди, юмшоқлигидан оёқ ботади. Баҳорда намни эмиб шундай яйрайди. Ёз келганида ёмғирлар тингач, қуруқшаб кетади. Бир ариқ сув чикса борми, бу ерлар боғу бўстон бўлгай, ҳосилдорлигига Ҳирий боғлари етолмагай.

– Исмингиз не? – деб сўради Алишер.

Норғул, содда бу йигитнинг иштиёқи уни хуш келган эди.

– Хусрав, – деди йигит. Сухбатдошининг ҳайрон бўлиб қараганини кўриб, изоҳ берди: – Ажабландингизми? Отам кўп китоб ўқийдилар. Хусрав Деҳлавий деган шоирнинг “Хамса”сини ўқиб, хавас қилиб, менга шу отни қўйган эканлар.

– У ҳолда, бу арода Ширин ҳам бўлгайдир, – деди Алишер ҳам, “Хамса”ни эслаб.

– Айтсам инонмайсиз, бироқ улусда ростдан ҳам Ширин деган бир қиз бор. У билан анчадан бери кўз уриштириб юргаймен. Отам ҳам рози, аммо уйланишдан аввал менга сув чиқармоқ шартини қўйди.

– Иншоллоҳ, чиқаргайсиз, – деди Алишер, сидқидилдан.

– Эх, қанийди бир оз ақча бўлсайди, – деди Хусрав, хўрсиниб. – Унга бир хачир олардим. Узун ёғоч учига катта чўкич боғлаб, бошқа учига оғир тош бойлардим. Қачонким хачир ортга тортса, чўкич кўтарилиб, чамбар бир айлангач, тошнинг оғирлигидан чўкич зарб ила уриларди-ю бу меҳнат ниҳоя топарди.

Алишер ўйланиб туриб, ҳамёнида бори – бир неча олтин динарни чиқариб, йигитга узатган эди, у қизариб-бўзариб, “Олмайман” дея тихирлик қилди:

– Ҳай Аллоҳ! Хизрмисиз десам, ёш йигитчасиз. Йўқ десам, мунча ақча ҳада қилиб турибсиз. Кимсиз, Худо хайрингизни берсин?

– Олинг, Аллоҳ йўлига, – деди Алишер. – Сув чиқарсангиз, келиб бир ютум ичгаймиз.

– Мунга хачирми олсам? Ё отамга тўнми олсам? – бемалол илжайди орзуманд йигит.

– Сув чиқаргайсиз, – деди Алишер. – Ёхуд, агар унга қадар сув чиқса, тўйингизга ишлатгайсиз. Тангри бахтингизни берсин!

– Хўб иш қилдингиз, – деди Мирсаид тағойи, қайтар эканлар. – Бироқ, авомга икромия асло жоиз эмас. Қолаверса, мундай савобларни қилаверсангиз, ўзингиз ҳам тош ўювчилардай қашшоқ бўлиб қолгайсиз.

Тағойининг даққисига қарамай, Алишер шод эди. Тийиқсиз тасавури у йигит сув чиқаришини, ўз Ширинига етишишини, бу кичик маъвода шод-хуррамлик бўлишини кўз олдига келтириб, қалби яйрарди.

### ***ҚИЗИЛ, СОРИҒ, ЯШИЛ...***

Куз келди.

Хуросон мулкини қиров-булдуруқлар қоплади, самонинг ранги тўқлашиб, сувлар сокинлашди. Тонг-ла қараган киши тупроқнинг шудрингдан намланиб-қорайганини кўрарди. Қушлар полапонларини учирма қилиб учиб кетишди, яйдоқ дарахтларда бўш инларгина қолди. Ер бетидаги турли-туман хашаротлар қишнинг узоқ уйқусига ҳозирлик кўришди.

Ҳирийга совуқ эрта тушди, халқ ўтин тўплаб, киш тадоригини кўрди. Маймана, Жузжон, Шибирғон кишилари совуқда қийналишди. Шу сабабдан, Султон Абулқосим у ҳудудлар аҳолисига кўмак жўнаттирди.

Совуқ туфайли Султон Абулқосим Бобур қишлаш учун Машҳад боришга азм қилди. Машҳад иқлими юмшоқ, табиати хуш бўлгани учун кишни ўша ерда зтказиш айни муддао эди.

Саройдаги аъён-акобирлар каторида Ҳусайн Мирзога ҳам, Алишербекка ҳам Машҳад сафари ихтиёр қилингани билдирилди.

Икки кундан сўнг, чоршанба куни юз туя, икки юз ароба ила йўлга чиқилди. Султон карвонини минг отлиқ кўриқлаб борар эди.

Асосий черик эса Ҳирийда қолди. Муҳиммоти-ю лузумотиға масъул қилиб Чопу барлос ва Четин баҳодирлар тайинланди.

Машҳад Ҳиротдан етти кеча-кундузлик йўл эди. Орада водий-у яйловлар оралаб, Сарахс тоғларидан ўтилди. Карвондан ярим кунлик масофада илғор сарбозлар боришар, карвон етиб келмасидан тўхташ учун жой ҳозирлаб, теварак қишлоқлардан озуқа-ғанак ва ўтин тўплашар, яна бир тўп сарбоз ов қилар, чодирлар тикишарди. Аравалардаги ўн-йигирма қулоқли улкан қозонлар туширилиб, ер қазиб ўрнатилар, баковуллар бетлари қизариб-қизариб ош дамлашарди. Сафар асносида ҳамманинг кайфияти чоғ, оқшомлари кўнилганида султон чодирдан куй-наво эшитилар, ҳамма бир-бирига ҳазил-мутойиба қилиб юрарди.

Тақдирнинг яна бир ҳадяси мана шу сафар чоғида зухур этди. Кўҳсордан ўтилгач, ўнг тарафда уч хил тусдаги кичик тоғлар намоён бўлди. Уларнинг бири қизил, бири сариқ бўлиб, ҳар иккиси ҳам яйдоқ, устида ўт-ўлан ўсмаган, учинчисини эса ёш арчалар қоплаб олган, яшилликларга бурканиб кўзга ташланиб турарди.

Айни чоғда шом саждасига юмалаган қуёшнинг тавбадан қизариши, кўк тоқида уйилган қорамтир булутлар остидаги сариқлик ва юксак тоғ устидаги яшиллик уч рангнинг самовий аксидай туюлди. Тангри таоло яратган қизил,

сарик ва яшил мўъжизаларининг бундай ажойиб силсиласи йигитча онгида ажойиб ларза пайдо қилди.

Куз санъатида теварак ёқутдай товланарди. Қуёш нурлари катида учиб келган ранго-ранг ёғду қушлари ёнбағирлардаги анвойи боғлар узра канот қоқиб, қавс семурғининг уқпарлари тушган жойлар олтин тус олди. Бу сўзсиз жилвалар мусиқадай жонли бўлиб, гўзал ва ғаройиб товланишлари йигитча хаёлида оҳангу сураат ва таассуроту хайратга бирлашиб, матлаъга айланақолди:

*Хилъатин то айламиш жонон қизил, сориг, яшил,*

*Шуълаи оҳим чиқар ҳар ён қизил, сориг, яшил.*

Бунда жонон – беқиёс табиат, хилъати, яъни либоси у ўранган анвойи безаклар бўлиб, ёдга Тафт чўлида кўрилган манзараларни ҳам солди. Тоғ ёнбағри бир инсон кўкси ўлароқ ясланмиш, ишқ оташида куйган қалб эса саҳронинг ўзгинаси. Бир “жонон” сўзига уч мазмун юкланди ва ғазалнинг иккинчи байтини етаклаб келди:

*Гушан эттим ишқ саҳросин самуми оҳдин,*

*Ким эсар ул дашт аро ҳар ён қизил, сориг, яшил.*

Самум шамолини Тафтда эшитган бўлиб, тафтликлар уни гармсел, яъни қизгин шамол деб ҳам атар эдилар. Ҳароратли ел жонли не борки, барини куйдириб-эритиб эсармиш. Оҳ самуми эса қалбдан эсмоқда, дунёни ғорат айламоқ ўрнига, даштга Исо Масиҳ нафаси каби жон ато этмоқда, ғаройиби шундаки, гўё шамол ҳам уч хил тусда эсмоқда эди.

Қизил шамол нечук бўлгай? Сариги-ю яшили-чи? Оламда ундай шамоллар мавжуд эмас, аммо қалбдан чиқаётган оҳ дудининг уч тусда бўлиши уч хил дарду аламдан дарак бермасинми?



Бу ташбеҳ анбиёлар тарихидан ўқиб-ўргангани – Худ алайҳиссалом замонасидаги уч булут қиссасига ҳам ишора қиларди. Бир тўп киши хароратдан ёнаётган ёз осмонида пайдо бўлган уч булутга қараб, уларнинг қайси бири марҳамат-у қайси бири азоб булути эканини муҳокама қилиб туришгани ёдга келди.

Маъно меъмори эса дашту саҳрода ҳам, тоғу тошда ҳам кўрганларидан бирдай баҳс этарди:

***Шишадек кўнглимдадир гулзори хуснинг ёдидин,  
Тобадонинг аксидек айвон қизил, сориг, яшил.***

Бу мазмунлар шунчалар ажойиб ва нафис эдики, хаёл аро жон олғучи нозанин умр мазмунига айлангач, киши ҳолдан тойиб саҳро аро одимлар экан, ланғиллаган қиёмат қуёши остида теварак турфа ранг олмоқда, у ранглар энди беҳолликдан сўйларди. Бу, саҳрода эшитилган Саъдий мақомига эш бўлиб, оҳанглари ғазал бағрига зилолдай қуйилиб ўтарди.

***Оразу холинг била зулфинг хаёлидан эрур,  
Кўзларимнинг олдида даврон қизил, сориг, яшил.***

У беҳоллигу ташналиқдан қутулишнинг чораси недир? “Мантикут-тайр” уни “май” деб атамоқда, бироқ, у май узум шарбати эмас, мўмин қалблар ташна бўлган илм ва имон зилоли бўлиб, теваракдаги анвойи ҳодисалардан сиқиб олинган хулоса ва илм шарбатига ўхшарди. Кел, эй ёр! Яшил сабза узра базм қурайлик, ярқираган сариқ олтин жом ила ишқ майини тутгил, у май қалб қони, анор суви янглиғ қирмизи бўлсин!

***Лаългун май туткил олтун жом бирла сабзада,  
Ким, булардин яхши йўқ имкон қизил, сориг, яшил.***

Само наққошининг бемисл санъати қаршисида завқ маъноларини илғаган зако эса, ўз яратган ғазалининг қадру қийматини ва манбасини ифода этароқ, шу тусларнинг байтга кўчиб ўтганига ҳам ишора қилақолди:

*Эй Навоий, олтину шингарфу зангор истама,  
Бўлди назминг рангидин девон қизил, сориг, яшил...*

Гўё заковат Исоси ўлик қалбни бир нафас ила тирилтирди. Гўё ҳаракатланмас, сўз сўзламас жасадга бир сигир бўлаги ила урилган эди, унга жон кирди ва акса уриб ўрнидан турди. Тасаввур Солиҳи у тоғларга муборак назарини қаратган эди, улар уч тусдаги туя каби кўзғалишди. Шу дам у ораларга йўл олса эди, тоғдаги қуриган дарахт тилга кириб, махфий сирларни сўзлайдигандай эди. Фикр асоси мулоҳаза илонларига жон ато айлади. Қалбнинг шундай мазмунлардан завқланишининг ўзи ажаб, оламда бундан улуғроқ ганж йўқ, Алишер шу улкан хазинага эга чиққандай эди.

Ҳа, бир хазина шундай яралди. Йўқдан бор бўлди деманг, чунки бордан бор бўлди. Шу дамгача онгга сингган билимлар, манзаралар, туйғулар сўзга айланди, саф-саф тизилди, мавж-мавж оқиб, нақш-нақш безалди ва ғазал шаклини олди. Оламда шеър ҳодисаси рўй берди, янги ғазал дунёга келди. Энди унга ким қандай қиймат берар экан?

\* \* \*

Манзилга етиб келинган, Султон Абулқосим Мирзо Машҳаднинг оқ мармар саройига кўнди. Ҳар жомияга айри-айри боғу боғчалар тайин этилди. Хусайн Мирзога ҳам сарой ёнидан боғ тайин қилинган бўлса-да, у аскар билан Машҳад ташқарисида қолишни маъқул кўрди. Черикка қалин кигиздан ўтов тикиш амри берилган эди. Алишерга эса аркони давлат мулозимлари, мударрислар ва уламо орасидан ўрин тайин этилган экан.

Машҳад Ҳирийдан бор-йўғи бир неча кунлик йўл эса-да, иқлимнинг фарқлилиги ажаб. Бу ернинг кишилари Шом тужжорлари каби, узун пирохан устидан юнг хирқа кийишар, қиш совуғидан сақланиш учун пўстин ёки

чакмон киядиган туркийлардан ажралиб туришарди. Султон аъёнлари безакли тўн кийиб, тумоқ ёки қалпоқ кийсалар, булар қалин жун дуррани салла каби ўрар эканлар. Хотинлар либоси Ҳирийдан кўп фарқ қилмас, бироқ зийнатланишлари Синд дарёси халқларининг тийнатларига мосроқ, кишилари оқ юзли, қалин қора қошли эдилар.

Мадраса уламосининг илғори ҳам Машҳадга ташриф буюришган эди. Сабоқлар энди имом Ризо мадрасасида давом этди. Ҳаёт осойишга кирган ва фаровонлашган кўринса-да, беаёв фалак токида оловли мусибат қиличи етилиб келмоқда эди. Тез орада у қуйи тушганида қанчадан-қанча кишиларнинг ҳаёт ришталари қирқилиб кетади, не шаҳару қишлоқлар вайрон бўлади, не-не йигитлар қулликка, сулувлар чўриликка олиб кетилади – бундан ҳали ҳеч кимнинг хабари йўқ эди...

### ***САЙҲАТУН-ВАҲИДАТУН...***

Гоҳ Дашти Қипчоқда, гоҳ Мовароуннаҳрда, гоҳ эса Пешовару Нишопурда қанот қоққан фалокат хабарчилари сокину осойишта Машҳадга ҳам етиб келди. Қиш оёқлаб, баҳор келиб-келмасидан офат қуши бу шаҳар узра қанот қоқиб, “Фақат биргина қичкириқдан бошқа нарса бўлмади. Бирдан улар сўниб қолдилар” ва “Зулм қилганларни даҳшатли қичкириқ олди. Бас, диёрларида тўкилдилар” дейилгани каби қаттиқ ун тортди.

Гўё ўткир кўзларидан қочиб қутулишга жазм қилгандай, уруш ҳайвонларининг ўкириғи ва фарёди ҳар ёқни тутиб кетган, бири олдинга, бири ортга қараб қочар эди. Бу қочоқликнинг қошки бир нафи бўлса? Зеро, учиб чангал солгувчи ов қушлари тупроқ устидаги ҳар нарсани кўриб тургайлар. Ов қушининг човутидан ер бағрига кириб жон сақлаш мумкин холос, улар яширинишга улгурмасларидан ов қушининг ўзи уларни чангал солиб кўтариб кетади.

Бир қанча вақтдан бери тинчлик қўйнидаги муборак Машҳад кутилмаган нохуш хабардан бир чайқалиб олди.

– Ҳой яхшилар, замонага не бўлди? – деб сўрашарди кишилар биридан.

– Не бўлмиш?

– Султон Абулқосим Бобур Мирзо таомдан захарланиб, жонини Ҳаққа топширибди.

– Эй воҳ... Хуросон яна тебранмага кирмиш.

– Уни демаяпман! Қазою қадар ҳақдир, қайда бўлса етгусидир. Султоннинг қазосини фалокат дема, тахт бўш қолганидан фойдаланиб, Султон Абусаид Мирзо Хуросонга кирганини фалокат де! Султон Абусаид ила мусибат аждари яна Ҳирот тахтига келиб ўтирмиш, оғзидан ҳалокат ўтини сочмиш. Кўзи қонга тўлган, ғазабдан ақлини йўқотган султон маликаи киром Гавҳаршодбегимни болта билан чопиб ташлашга буйруқ бермиш!

– Ё тавба! Нечун?

– Гавҳаршодбегим саксон ёшга борган эса-да, авлодим тахтда қолсин дея бошига фитна рўмолини бойламиш экан, шундан қаҳри келмиш. Қисқаси, кекса маликани қатл эттириб, пойтахтни ўз қўлига олмиш!

Дарҳақиқат, Султон Абулқосим Бобур Мирзо Машҳадда жонини жабборга топширганида, Султон Абусаид Сабзаворда эди. Фалакнинг ишини кўрингки, малика Гавҳаршодбегим буни эшитган заҳоти Хуросонни фарзанди Алоуддавлага олиб беришга аҳд қилди. Султон Абусаид буни эшитгач, черикни Хуросон томон бурди, унинг арслонлару шоқоллари, айиқлари-ю шерлари, йўлбарслари-ю қирғийлари йилдирим шиддати ила Ҳирий томон окдилар. Не-не урушларни кўра-кўра тажрибаси ошган, хийлаю найрангларни пухта билган Абусаид Мирзо билан ёш, навниҳол шахзода қандай тенг бўлсин? Бу шундайки, қари бургут ов қилаётганида қуён зир-зир титрайди. Ёки бўғма илон ўлжа истаб инидан чиққанида суғур ҳаракатсиз қолади.

Шу тарз, салтанат шоҳсупасига ғазабнок шердай бўлиб Абусаид Мирзо келиб ўтирди. Шерда адолат не қилсин? Жонзотлар шоҳи деб аталса-да, бу таъриф унга куч-қудрати боис берилгани маълум. У ахир, худудларни кеза-

кеза, ўз чегараларини белгилаб, ким даф қилса шиддат ила ташланиб ўлдирадиган, табиат ҳукми боис ов қиладигану чангалига тушган тирик жон конини оқизиб, суякларини синдира-синдира ғажиб ташлайдиган бир йиртқич эмасми?

Машҳаддаги Абулқосим Мирзо аёнлари ҳам бошига болта келиб тушган букадай гангиб туришарди. Такдир супургиси Абулқосим Мирзо салтанатини бир онда супуриб ташлади, салтанат устунларию мевали дарахтлари, кўркам шамшодлари энди саратон жазирамасида жизғинаги чиққан хас-хашаклар каби бўлиб қолишди.

Шу куни Ҳусайн Мирзо Алишер қошига келди. Шаҳзоданинг кайфияти бузуқ, аммо боқиши жасоратли, сўзлари кескин эди:

– Сиздан бир нима тиламоқчи эдик.

– Розиман, тиланг.

– Бибим жомеъсини бирга зиёрат этсак. Имом Ризо турбатини ҳам зиёрат қилиб келсак.

Гавҳаршодбегим жомеъси Самарқанд усулида тикланган бўлиб, Имом Ризо мақбарасига туташ, олтин куббаларида нур ўйнади. Саксон ёшида, пири бадавлат бўлиб давр сурадиган палласида Султон Абусаид Мирзонинг шафқатсиз тиғи остида ўлдирилган бу муаззаз малика ниҳоят, салтанат, мулк ва кадр қиймат ғавғоларидан тин олиб, мангу оромга қовушди.

Фотиҳа ўқилар экан, сўз қотилмади. Шу тобда шаҳзоданинг дилидан нималар кечгани ўзигагина аён эди. Балки севикли аммасининг дийдорини кўмсаган, фалак ва тақдир ўйинларидан безиллаб, Тангридан бу зулмга қарши кўмак ва нусрат сўраган бўлса бордир...

Қайтар чоғда Ҳусайн Мирзо:

– Марв кетгайман! – деди алам билан. – Яхши кишилар замони тугаб битди. Бундан бу ёғига неки бор, жангу жадал ила қўлга киритилгайдир! Султон Абусаид эндиликда Хуросон тахтига мандан ўзга ҳақли киши йўқлигини яхши билур. Шу сабаб, мени йўқ қилиш учун ҳеч нарсадан

тоймас. Тиласангиз сиз ҳам келинг дерман, аммо Машҳадда қолмоғингиз мақбулроқ. Сиздай назм қуёши юзини жанг-жадал тўзони тўсмасин дейман.

Хусайн Мирзо ғазаб ўтида ёнар, сўзларида ҳақли эди. Шоҳрух Мирзога мулк қилиб берилган бу ерлар унинг қармоғида қолмоғи лозим эмасми? Нечук Абусаид Мирзо ўзга мулкларга кўз тикади, ёшу қарига шафқат қилмай, барчасини ўлдиришга жаҳд қилади? Бу ишнинг адолати, дурустлиги қайда?

– Шундай, султон Абусаиддан олисроқда турганингиз маъқул, – деб жавоб қилди Алишер. – Вақти келиб албатта Ҳирийга қайтгайсиз. Энг катта дарбозасидан киргайсизки, оти “Фатҳ” бўлгай.

Бу тилақдан Хусайн Мирзонинг юзи сал ёришди.

– Аллоҳга қасамки, Ҳирийни албатта олгайман!

– Тангри паноҳида асрасин!

– Сизни ҳам паноҳида асрасин!

Шундай деб, икки дўст видолашишди.

Фалак чавғони тақдир тўпини ер юзига итқитди, у тиккадан шом томон юмалаб кетди.

Гоҳида баҳор пайтида шундай ҳол юз беради. Бирдан совуқ шамол туриб, кекса қишнинг қолган-қутган изғиринлари бўй кўрсатади, яшнаган гулу чечакларни совуқ уради. Бу икки ёш ҳаётида ҳам шундай изғирин эсиб ўтди. Ҳар иккиси ҳам номаълумлик шамоли остида, ноаниқ келажак қаршисида қолавердилар.

Тақдир чавғончиси Хусайн Мирзони Самарқанду Марв орасига чавғон тўпи каби отди. Алишерни эса фақирлик ва ғариблик ҳаётига, мадрасалар хужралари томонга итқитиб юборди.

### ***МАШҲАДДА ҚУРБОН ҲАЙИТИ***

Султон Абусаид Мирзо Ғиёсиддинбекка ўз хизматида бўлишни буюрган, волида бекач ва хизматчилар шу сабаб Ҳирийда қолишган, падари бузруквор Алишернинг Ҳирийга қайтмоғини истамаган эди. Султон янги юришларга

ҳозирлик кўраётгани учун кўпдан-кўп маблағ, анжом-аслаҳа лозим, табиийки, буларнинг бир қисмини халқдан йиғиш ирода қилинди. Яғмочилар, доруғалар, ўлпончилар кишиларнинг оҳ-воҳига карамай, зўрлик билан молини тортиб олишарди.

Машҳад Ҳирийга нисбатан осойишта, бунинг боиси олимларининг кўплиги бўлиб, улар кишиларни ҳалолу ҳаромдан, гуноҳу савобдан огоҳлантириб туришарди. Шундай бўлса-да, Алишерни салтанат ва илм орасидаги зиддият қийнаб келарди: олимлар сўзи бошқа, салтанат сўзи бошқа! Султон Абусаид кишилари Машҳадга тез-тез келиб кетишар, бироқ, ҳар келганларида бир мушкулот бошланарди. Султон Абусаид ғазабланган шер каби типирчилаб, Узун Ҳасанга қарши урушга тайёрланар, озиқ-овқат, курол-яроғ, эр йигитлар жамланар, лашкарбошилар уруш режасини тузишарди.

Мударрислардан Абу Абдуллоҳ Жунайдий оғир-босиқ, оқ юзли, дилбар киши эди. Салтанат ишларига хуши йўқ, “Олимнинг яхшиси султонлар хузурига бормаганидир” дейишни ёқтирарди. Бир куни у киши Ҳофиз ғазалини шарҳлар экан:

– Шоирларни берган Аллоҳ таолога ҳамдлар бўлсин! – деди. – Бироқ ҳаммасини ҳам эмас, илм билан шеърни бир қилганларини айтдим.

– Қайси бирларини назарда тутдингиз? – деб сўради Алишер.

– Улар самодаги юлдузлардай кўп, аммо ҳозир Ҳофиз Шерозий ёдга келди.

Абу Абдуллоҳ Жунайдий “Ҳофизо, ширин калом айла тилингни борича, Ногаҳон етса ажал, тил сўзга келгай-келмагай” байтини ўқиди-да, хитоб қилди:

– Ҳай-ҳай, маънини кўринг! Ажал етгани он айтиладиган сўз – калимаи шаҳодатдир. Қаранг, у киши Аттор остонасигача келдилар! – деди Жунайдий. – Ортга қайрилиб дунёга қараганида эса нигоҳи ўзгариб қолган эди. У назар ила боққанларида, бутун Коинотнинг мўмин эканини кўрдилар.

Алишер мавлонога қизиқсиниб қараб турарди.

– Чунки, “Осмонлару ердаги бор нарса унга ҳамд айтур” каломининг маъносини англаб колдилар. Сайд ҳам, сайёд ҳам мусулмон эканини, овланувчи ўзининг овланишидан, ов қилувчи эса овидан рози эканини кўрдилар. Шундан сўнг у кишининг қуёши сира ботмади. Бир куни бир киши шу ғазални шарҳлаб “Арғумоқ остингдадур”дан мурод мансаб арғумоғи, бойликдан мурод эса мулку сарват, деди. Мен эса унга эътироз билдириб “У сизнинг вужуд арғумоғингиздир, бойлик эса умрингиздир” деб айтдим. Бундай эътиқоднинг сирини мен сизга очай, зеро ўзингиз интиқ бўлиб турибсиз.

– Қандай сир экан, жуда қизиқтирдингиз?

– Тангри таолонинг барча яратикларини севмоқдир, – деди шайх. – Чибинидан арисигача, майсасидан оғочигача, тоғидан дарёсигача, тунидан кунигача севмоқдир.

– Ё тавба... – деди кейин, бошини чайқаб. – Унинг махлуқлари орасида хунуқларию гўзаллари, ваҳшийларию мулойимлари бор. Олимлардан бири айтдики, уларнинг яралишидан мурод инсон гуноҳу савобларининг қиёфа олиши мумкинлигага ишорадир. Гуноҳлар хунуқ, кўрқинчли, ваҳший яратиклар шаклида, савоблар эса хушсурат қушлар каби ўз эгаси қошига учиб келгайдирлар, деди. Албатта, Тангри билгувчидир. Вақти келиб, теварагингиздаги ҳар нарса ўзининг аҳволидан сўзлаб, хабар бера бошлайди. Билинг, бўтам, мен ёруғ оламда эллик тўрт йил яшадим, ўқидим-ўргандим, ақлим етгани шулар бўлди. Дунё ҳаёти бир фитнадир, уни тарк этганларгина саодатга эришгайлар. Шуни сира ёддан чиқарманг!

– Сиз баъзи кишиларнинг фикрларини жамлаб шундай деб айтдингиз, бироқ, бу дунёдан юз ўгириш даркор эса, бунча ризқлар, завқлар, ҳайратлар, таъмлар, лаззатлар, бўёқлар нечун? – деб сўради Алишер. – Қиёслар, таққослар, инкорлар, завқлар, ҳайратлар, кўрқувлар, хавотирлар, ўзни унутишлар – буларнинг барчаси Тангри ошиқларининг ҳолати эмасми? Менимча, уларга маҳлиё бўлган киши билан оламдан этак силкиган киши ўртасида фарқ бор. Дарвишлар Тангри таолонинг “роҳийм” ва “ғофир”



сифатига муштоқ бўлиб таркидунё қиладилар. Менимча, унинг “карийм” сифатига ошиқ бўлиш кишини янада юксакка кўтарур.

– Тўғри айтдингиз, – деб жавоб қилди Абу Абдуллоҳ Жунайдий. – У икки сифатни барча билади, бошқаларини идрок қилиш эса ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Уни кўра олиш учун басират кўзидан ташқари, кучли истеъдод ҳам зарур. Фикрларингиз билан мени хурсанд қилдингиз! Кўпдан буён халойиқ орасидан шундай сифатларга эга бир олим етишса деб орзу қилар эдим, иншоллоҳ, орзуйимга етишдим шекилли. Танграм сизни ўз паноҳида асрасин!

\* \* \*

Орадан бир қанча вақт ўтиб, баҳор юз кўрсатди. Теварак сабзага бурканди. Қуш-булбуллар саси янграб, Ийд-ал Адҳа келди.

Бу кун эрта тонгдан Машҳад байрам тусини олган эди. Оламлар Хожаси ер юзини баҳор либослари ила безагани каби, кишилар ҳам турфа либослар кийишиб-безанишиб, болаларини етаклаб Қурбон ҳайитига шошиларди.

Алишер бир қанча вақтдан бери хаста, мафосил<sup>1</sup> бўғимларини қаттиқ зирқиратар, гоҳида юришга чоғи қолмай, жони озор чекарди. Абулқосим Мирзо акобирлари ҳар ёнга тарқалиб, кимдир Исфаҳонга, кимдир Кобулга, кимдир Самарқандга йўл олгач, ёш шоирдан ҳол сўрмоққа киши қолмади. Абусаид Мирзо амирлари Машҳадда ўз тартибларини жорий қилганларидан сўнг боғу боғчалар ҳам улар ихтиёрига ўтиб, охир-оқибат Алишер мадраса хужраларидан бирида ўрнашишга мажбур қолди. Биров бировни танимас, ҳар ким ўз дарду жони ташвишида экан, ёш йигитча кимнинг эсига келсин? Оломон орасида мадори қурий-қурий, бир амаллаб Гавҳаршодбегим жомеъсига етиб борди.

Жомеъда, Имом Ризо мақбараси қошидаги майдонда издиҳом тўлқинланар, воиз ваъз қиларди:

– Халойиқ, қулоқ тутингиз. Такбири ташриқа тарихидан сўйланур.

Халойиқ гувиллаб қулоқ тутиб турарди.

---

<sup>1</sup>Мафосил - бўғимларнинг яллиғланиши касаллиги.

– Иброҳим алайҳиссаломга айтилдики, ўғлингни қурбонликқа сўй. Исмоил алайҳиссалом онам изтиробда қолмасинлар дея, волидасига билдирмасдан йўлга чиқдилар. Бир тоғ этагига етганларида Иброҳим алайҳиссалом ўғилларини ерга ётқиздилар. Тиғни бир тортдилар, кесмади. Икки-уч тортдилар, яна кесмади.

– Ё Аллоҳ!

– Ё Муҳаммад!

– Эй воҳ!

Кишилар бу ғаройиб ҳикоятдан таъсирланиб, бошларига ўн икки қат айлана дастор ўраган шиалар “Ё Али” деб, ихчам саллали суннийлар “Ё Расулуллоҳ” деб йиғлашарди.

– Учинчи бор ҳам кесмагач, Ҳазрати Иброҳим жаҳллари чиқиб тиғни отиб юборган эдилар, тиғ бориб бир тошга тегди. Тош ўшал аснода кўчқор бўлиб жойидан қўзғалди. Ул аснода Жаброил алайҳиссалом ҳозир бўлди. Айтдики, Тангри сизни синовдан ўтказди, муборак бўлғай. Шунда Иброҳим алайҳиссалом шул такбирни айтдилар.

Эй жамоат! Ул маҳал Исмоил алайҳиссалом ёш бола эдилар. Отойининг иззати шу қадарким, Иброҳим алайҳиссалом у кишидан сўрадилар: “Эй фарзанди аржуманд! Аллоҳу акбар сизни қурбонликқа сўймоғимни истамоқдадир!” Фарзанди аржуманднинг ахлоқи ғоят муҳсин эрди, айтдики: “Эй муҳтарам отойи! Тангри таоло иродасига ва сизнинг буйруғингизга бир эмас, ўнта жоним фидо бўлсин!”

Ҳой жамоат! Тангри азза ва жалла ҳар он сизни ана шундай синаб, отойи-онойингизни, хешу ақрабоингизни ажал тиғи билан кесиб турадур. Ул тиғ ҳар он умрингиздан бир лаҳзасини кесиб ўтмоқдадир. Такбири шарифани айтингким, лаҳзангиз ибодат ўрнига ўтиб қолсин.

Минглаб киши каби чайқалиб, тўфон каби гувиллаб такбири ташриқани такрорларди.

Ҳайит намози ўқилгач, оломон тарқалиб, расталардаги ширинликлар, ноз-неъматлардан бола-чақасига ола бошлади. Машҳад аҳлининг фозилларида

мадрасаю масжид деворига абъёт осиш одати бор экан, баъзи кишилар унинг каршисига тўпланишиб, мазмунини муҳокама қилишарди. Алишер эзгинлик ва ҳорғинлик ичра, иситма қақшатган ҳолида, шунда ҳам қизиққанидан девор ёнига борди. Байтга кўз ташлади-ю, туришга мажоли қолмай, бир устунга суяниб ўтириб олди.

Байт шундай эди:

*Оники, дар ҳавои сари зулфи ёри мост,  
Аз сар гузашта аввал ва дар охираш ҳабост<sup>1</sup>.*

– Офарин! – дейишарди кишилар бош ирғашиб. – Ажойиб байт экан!

– Шайх Себак абъёти бўлса ажабмас.

– Марворий бўлмасин тагин?

– Йўғ-э, Марворийнинг мундоқ байт битмоғига етти қовун пишиғи бор.

Мавлоно Нишопурий бўлса шояд...

– Мунда бир сир яширин. Яъниким, байт эмас, муаммодир. Жавобини топинг-чи!

Шу ғала-ғовур аро ёши улуғ бир киши тўпланганлар орасига кириб келди-да, уларнинг гапларини эшитиб:

– Бас, сиз муни фаҳмига ета олмадингиз, – деб мулзам қилди. – Албатта муаммодир! Қай бирингиз ечимини топдингиз?

Барча сўз демоққа истиҳола қилиб турар, байтни қайта-қайта ўқишарди. Оддий сўзлар бағрига яширилган муаммони топиш имконсиз, ҳеч бирида унинг асари сезилмасди. Шунда оломон орасидан бир неча киши устунга суяниб ўтирган Алишерни кўрсатиб, “Мана бу бемор йигит ҳам бир нима демоқчи” дейишгач, улуғ киши яқинлашиб, Алишербекнинг хасталик эзган ғариб қиёфасига, иситма қизартирган юзига, киртайган кўзларига қараб:

– Шу дардли ҳолингизда абъётга не бор? – деди кулимсираб.

---

<sup>1</sup>Маъноси: Ул кишиким, ёримизнинг зулфи ҳавосида бўлгай, Аввал бошдан кечиб, сўнг чангу губорга айланиши тайиндир.

– Муаммонинг жавоби “қутб”дир, – деб жавоб қилди Алишер. Сўнг “Мантикут-тайр” ёдига келиб, қўшимча қилди: – Бироқ, мазмунан заиф эмиш. Жон қуши бир қутбдан бошқасига парвоз қиларкан, мудом юксалгай. Тангри қутбларни ҳам турли-туман қилгандир. Келиш қутбидан кетиш қутбига қадар, жоҳилликдан билим қутбига қадар, куфрдан имон қутбига қадар маънини жамласа эди, мукаммал бўлур эди.

Хушсурат киши унинг муддаосини дарҳол тушунди:

– Мошоллоҳ! Буни оддий киши ҳаргиз айта олмас! Кимсиз, қаердансиз?

– Фақир Ҳирийдан, исмим Алишер.

– Ҳай Оллоҳ! Алишермисиз? Навоиймисиз?

Ёши улуғ киши бирданига тўлқинланиб, юзи ёришиб:

– Аллоҳу акбарга минг шукрим, сизни кўрмоқ насиб қилди! – деб унга кучоқ очди. Кейин халойиққа қарата:

– Ҳой яхшилар, кулоқ тутинг! Бу йигитча Ҳиротнинг машҳур шоири Алишер Навоийдир!

Ғала-ғовур орасидан кишилар яқиндагина ғазаллари Машҳадда ҳам шуҳрат топган беназир истеъдод эгаси шу дардманд, ёлғиз йигит эканига ишонқирамай, “Навоий? Йўғ-э?” деб хитоб қилишарди.

– Шу кунгача шеър ва илм аҳли орасида ўз туғилган жойини таҳаллус қилиб олиш урф бўлиб келган эди. Нечукким, бу урфни тарк этиб, барчани умумлаштириб “Навоий” дебсиз? – деди у киши. – Фақир Камол Турбатийдурмен. Ҳолингиз ёмон кўринади, истасангиз, сизга боғимдан бир хужра айирай, у ерда истиқомат қилинг, хотиржам бўлгайсиз.

Алишер Турбатийнинг лутфига жавобан миннатдорчилик билдириб, узрини айтди. Турбатий деди:

– У ҳолда истироҳатда давом этинг, мен сизга табиб юборай.

Машҳад осмони тунд, ёмғир ёққудай ҳаво эди. Турбатий истагига кўра арава ёлладилар. Бир баҳайбат йигит Алишерга аравага минишига ёрдамлашди. Алишер ўз хужрасига кириб тўшакка йиқилди ҳамки, чопар

келди. У келтирган тугунда егуликлар, шарбату мевалар, ёнида яшил саллали кўса бир киши – табиб бор эди.

– Дардингиз енгил, бир қанча кунда ўтади, – деди табиб, йигитнинг суякларини эзиб-эзиб кўргач. – Рутубат тўпланиб, бўғимга йиғилибди. Вужуд баҳори ҳар қандай рутубатни кеткизади. Фақат, истироҳат даркор.

### ***СУЛТОН АБУСАИД МИРЗО ТАШРИФИ***

Пойтахтнинг Қипчоқ дарбозаси олдида салтанат аъёнлари хушомад келтурмак учун карнай-сурнай жорий қилиб туришарди. Салтанатнинг хурматли кишиларидан бир тўпи Абусаид Мирзонинг етиб келишини ярим кун кутишган, султон эса бу маҳалда Ҳирийдан анча олисдаги Пули Нилий деган хушҳаво работда тин олмоқда эди. Бир маҳал туравериб оёқ-қўлларида дармон қолмаган кишилар кўзига олисдан чанг кўринди. Бу – султон карвонининг илғори эди.

Янаям ортда, ундан ҳам йирик чанг булути кўрингани кўшин келаётганидан дарак берарди. Кўпни кўрган оқсоқоллар бош чайқашса, баъзилар оғзига келганини қайтармасди:

– Ўзи келгани етмасми, мунча кўшинни ким боқади?

– Ҳой, мамлакат ҳукмдори тахтга ўлтирмоқ учун келмоқда! Икки навқару бир кул ила келсинми?

Султон Абусаид етиб келганида карнай-сурнайчиларни-ю довулчиларни кўриб, гап нимадалигини фаҳмлади-да, “Бас” ишорасини қилди. Зафар садолари тинди.

– Биз жангда ғолиб чиқдикми, бу тарақ-туруқ чалингай? – деди Султон Абусаид Мирзо, қаҳрини яширмай. – Султон Абулқосим Мирзо Ҳақ раҳматига қовушибди, кимнинг ақлига келмиш бу шавқу сафо?

Ҳаммининг нафаси ичига тушиб кетди.

– Ҳайф сизга фотиҳ султонлар! – деди Абусаид. Сўнг аъёнларига бир нимани тайинлаб, отини шитоб чоптириб ўтиб кетди. Йиғилган хушомадчилар турган жойларида қолавердилар.

– Темурий салтанат тўлғанади, фиғон чекади, – деди катта оқ салла ўраган кексароқ бир киши, ёнидаги одамга. – Боиси, ҳар ким ўзини улуғ Амирга тенг кўришида, унингдек султон ўзимман деб хаёл қилишида.

Кейин эгилиб, шивирлади:

– Мундан бошқа таҳликали ишлар ҳам бўлмоқда. Энди салтанат парча-парча бўлиб кетиши тайин!

\* \* \*

Абусаид Мирзо шиддатли, тезкор киши эди. Тез орада унинг қудрат элчилари Машҳаду Кирмон, Исфаҳону Ироққача етиб боришди ва фуқарони зир-зир титратиб, янги тартиб-қоидаларини жорий этиб қайтишди.

Шаҳзода Ҳусайндан хат-хабар йўқ, фақат кимлардир унинг бир канча сарбозлари билан Марвга кириб борганини, Марв султонининг кичик қизи Бека Султонбегимга уйланганини айтар эдилар. Теваракда уруш оловлари ловуллаб ёнар, Алишер қаршисида риёзату ғариблик йўлидан бошқаси кўринмасди. У Машҳад мадрасаларида илм ўрганишда давом этди.

Ҳар ҳафта икки-уч бор шайх Камол Турбатий совға-салом жўнатар, гоҳида арава юбориб, Оро тепалигидаги боғига олиб кетар эди. Бир куни суҳбат чоғида, даврага ҳайит куни Алишерга ёрдамлашган баҳайбат киши кириб келди.

– Бу киши Паҳлавон Муҳаммад, куштигирлардан, – деб таърифлади уни Камол Турбатий. – Султон Абулқосимнинг юздан ошиқ куштигирлари бор бўлиб, улар Работи Соф тарафда истиқоматда эдилар. Юз паҳлавондан ўнтаси талабқаш, йигирмага яқини мерган ва ёш полвонлар, давраларда курашни шоён қиздиришарди.

– Султон ҳазратлари куштигирликни ёқтирардилар, – деди бошқа бир киши. – Ўзлари ҳам гоҳида кураш тушардилар. Афсуски, бу кун полвонлар ҳам парокандалиқда қолишди. Баъзилари черикка қўшилиб кетишди.

Шундан сўнг куштигирликдан сўз кетди. Паҳлавон Муҳаммад бундан бир канча йил аввал Шохрух Мирзо элчилари қаторида Чинга борилганини сўзлаб берди.

– Ҳар работтаким, уч юз чоғлик киши кутиб олар, яна шунча киши кейинги работгача кузатиб борарди. Кишиси ингичка суякли, чекик кўзли, майда жуссали бўлар экан. Бироқ от минмоққа хунари йўқ, ўрганса бўлурми десангиз, уқуви ҳам йўқ. Пойтахтга яқин борилганида кўрсак, тумонат одамни бир хилда ясангириб сафга тизибди, кўлларида елпиғичлари бор, гул отиб турар эдилар. То ярим кун шундай йўл босилди. Аммо иқлими ўзга ва сира хуш эмас. Бир араси бўлгаймиш, узун оёқларини осилтириб учгайдир, чакса бир ҳафта шиши кетмас. Ўз одамини чакмас эмиш. Зиёфатлар сўнгида куштигир томошаси бўлишини айтдилар, биздан Мирзо Абдуллоҳ ила мен чиқар бўлдик. Мирзо Абдуллоҳ баҳайбат жуссали, бир мушт ила одам йиқитур эди, зарбидан йиқилмаган йўқ эди. Чин сарбозини ҳам муштлашувга уста дедилар, андоқ ажойиб хунарлар кўрсатишдики, лол қолгайсиз. Мирзо Абдуллоҳ менга деди “Бу чинлиир ҳарчанд серҳаракат бўлса ҳам, бўйнидан тутиб отиб юбораберинг!” Мен дедимки: “Хайр, меҳмонмиз. Суяк-сўнгаги синса не бўлгай?” Мирзо дедики, кўяберинг. Шундай қилди, кокилли бирови чиқиб эди, дедики, “Бу менга оз, яна бир-иккиси келсин!” Яна бировини кўшдилар. Мирзо анча уринди, ҳеч тутқич бермас эдилар. Аммо ингичка кўллари билан Мирзога зарар етказолмасдилар. Ниҳоятда Мирзо бирини тутиб олиб, мушукболадай кўтариб шундоқ отдики, одамлар орасига бориб тушди. Курашда енгилса, ерда судралиб йиғлашар эканлар, ўз ҳоқони қошида шундоқ йиғлади.

Қолган олишувларни биз енгавердик. Отда туриб қилич солиш, ёй уришда биров бас келолмади. Қолдики, ҳар турлик ҳуққабозлигу масхарабозлик томошаларида уста эканлар, шу даражадаки, бизлар ундоқ қилолмасмиз.

Бироқ, ҳарчанд ғалаба ила қайтсак ҳам, сафаримизнинг натижаси султонга хуш келмади. Воқеаларни тинглаб, дедики: “Сиз кучингиз ила мақтанурсиз, ақлингиз ила мақтансангиз қанийди! Аллоҳ таоло кучни филга ё арслонга ҳам берди, аммо ақлдан нишона бермади...” Нега бундай деганларини сира англаёлмадик.

Давра Шохрух Мирзо сўзларини муҳокама қилар экан, орада кўзлари чакнаб турган ўрта бўйли хушсурат йигит ҳам бўлиб, Камол Турбатийнинг хар сўзига бош ирғаб, бесаранжом ўлтирур эди.

– Ҳай майли, сиёсатдур, сизу биз билмаган бир жиҳати бўлса ажабмас... Мен сизга қолганларни ҳам таништирай. Мана бу бесаранжом йигит Шайхим Сухайлий бўладилар, – дея таъриф берди унга Камол Турбатий. – Ғоят закий, ҳазилни ёқтиргайдир. Бироқ эҳтиёт бўлгайсиз, турлук фитналари эл аро машҳурдур.

– Бул киши эса мавлоно Алишоҳ Кирмонийдурлар. Байтида ҳам, дўстликда ҳам ҳазил-мутойибага ўчдир.

Алишербек барча билан янгитдан саломлашар экан, мавлоно шу аснода Алишербекка қараб:

– Бунча киши бу кун боғимизнинг булбуллари дурлар, – деди мулойимлик ила. – Мажлиснинг муддаоси сиздан байт эшитмоқким, бир қанча киши “Ул байтларни битган Алишербек бошқа кишидир, бул эмасдир” деб даъво қилурлар.

Шу яқинда битилган хуш бир ғазал ёдида эди. Алишер мажлис улуғлари қошида ғазал айтмоқ осон иш эмаслигини, магар ўқилса фасоҳат аҳли қиймат бермоғини тилаб, ғазалини ўқиди:

*Фурқатингдин заъфарон узра тўкармен лолалар,  
Лолалар эрмаски, бағримдин эрур парголалар.*

*Дур тишингдин донайи сабрим қолур бебар десам,  
Кулуб айтурким, экиннинг офатидур жоалалар.*

*Барги гул узра ёпишибтур шакар ҳар соридин,  
Ё магар лаълинг уза қайнабтурур табхолалар?*

*Тола-тола най ўқунг кўксумда гўё синдиким,*



### *Теврулубтур нотавон кўнглумда бир-бир толалар...*

Илк байт ўқилганидаёқ барча бир-бирига маънодор қараб қўйди. Ғазал битгач, Камол Турбатий хаста ҳолига қарамай ўрнидан кўзғалиб, Алишербек қошига келди.

– Парголалар? Теврилибтур? Қора халқ ўзаро қўллайдурғон дағал сўзларни ғазалга киритмоқ? Эй мажлис аҳли! Шоҳид бўлингизким, назм жанггоҳига кирган бу ёш навқар барча лашқарбошиларни доғда қолдириб, бир ўқ билан Зухрони урди, баҳодир бўлди!

Ғазал хурмати, барча оёққа туриб, шоирни олқишлашарди.

Машварат тугаб, Мавлоно Камол Турбатий Алишернинг қолишини ҳар қанча тиласа-да, узр-маъзур айтиб ташқарига чиқилди. Паҳлавон Муҳаммад ҳар доимгидай ёнида эди. Мафосил оғриғи бир оз енгиллашган бўлса-да, ҳали дард кетмагани учун:

– Сизни хунарлироқ бир табиб кўрмаса бўлмас, – деди жони ачишиб. – Мафосил асли кексалар дардидир, бўз йигитга нечук илашсин? Сиз баҳузур истироҳат қилаберинг, биз табиб Абдусаломдан ўтингаймиз, иншоллох, шифо топурсиз, – деб лутф қилди.

Илк кўришишдаёқ меҳр қўйган бу паҳлавонга Алишер миннатдорчилик билдириб, хайрлашди.

### ***ПАҲЛАВОН МУҲАММАДНИНГ ЗАРОФАТИ***

Кўр сабоҳда Алишер Навоий бир неча янги ғазаллар битди. Улардан бири шундай эди:

*Ҳар қаён боқсам кўзумга ул қуёшдин нур эрур,*

*Ҳар сори қилсам назар ул ой манга манзур эрур.*

*Чун масал бўлди сочинг зулм ичра, ёшурмоқ не суд,*

*Мушк исин ёшурса бўлмас, – бу масал маишхур эрур.*

*Телбарармен то ани кўрмон, ажойибдур буким,  
Ул пари девона кўзидин доғи мастур эрур.*

*...Гар Навоий сиймбарлар васлин истаб кўрса ранж,  
Йўқ ажаб, невчунки хом этган тамаъ ранжур эрур.*

Бошқа ғазаллар орасида шуниси ўзига кўпроқ марғуб келиб, қоғозга кўчирди-да, жайбига<sup>1</sup> солиб қўйди.

Чошгоҳ маҳали “Алишербек!” деган гумбурлаган чорлов ила Паҳлавон Муҳаммад кириб келди, ёнида ўрта жуссали, оқ юзли бир киши ҳам бор эди.

– Дўстимизни дард полвони ерга ошириб урибтур. Бу киши машҳур табиб Мавлоно Абдусалом Шерозийдирлар.

Мавлоно Абдусалом суякларни эзиб-эзиб кўргач, енгил тин олиб:

– Бу касалликда маразни кеткизгач ҳам бир қанча хилт вужудда қолур. Сабр ила уқалангайки, вақти билан даф бўлгай, – деди.

– У ишни мен адо этгайман, хотиржам бўлаверинг, – деди Паҳлавон Муҳаммад.

– Ҳай-ҳай, – деди мавлоно Шерозий. – Бул қудрат ила суяк эзмокдан эмас, синдирмоғингиздан кўрқамиз.

Табиб Абдусалом хайрлашиб кетгач, Паҳлавон Муҳаммад шу ерда қолди-да, яна ўша шавқ билан:

– Муолажани бошлагаймиз, улуғим, – деди.

Сўнг қалин бармоқлари билан оғритиб-оғритиб уқалай бошлади. Уқалаш асносида сўради:

– Сиз туркий шеърни яхши айтурсиз ва туркий назм айтур элдин эшитиб, бизга бу сўзни мусаллам тутарлар. Бизнинг бир саволимиз бор.

– Жавоб берай, сиз бори саволингизни айтинг.

---

<sup>1</sup>Калта енгли қабонинг ён киссаси.

– Саволимиз шуки, туркигўй шуародин қайси бири шеърни яхшироқ айтибдурлар? Қайси бирини ёқтирасиз?

Алишер жавоб қилди:

– Барчаси яхши айтибдурлар, мен ёқтираман.

Паҳлавон деди:

– Сиз такаллуфни қўйинг, воқеъ юзидан сўз айтинг. Барчасини ёқтираман дедингиз, бари бирдек эмас, албатта тафовут бор.

– Мавлоно Лутфий бу қавмнинг устои ва малик ул-каломидурлар.

– Нечук Саййид Насимий демадингиз?

– Хаёлга келмади, бироқ Саййид Насимийнинг назми ўзга ранг тушубдур, зоҳир аҳли шуаросидек назм айтмайдур, балки ҳақиқат тариқини адо қилибдур.

Паҳлавон кўзида шўх учқунлар чакнаб, киноятомуз деди:

– Ҳол буки, Саййид Насимий борида Лутфий назмини писанд қилгайсиз. Аммо Саййид Насимийнинг назми зоҳир юзидин мажоз, маъни юзидин ҳақиқат тариқиға шомил, дейсиз... Ваҳоланки, сиймбару санавбарлар қасдида ҳам андоқ байтлари борки, ҳайратда қолгайсиз, – деб уқалашдан тўхтаб, шу байтни ёддан ўқиди:

*Гар Насимий сиймбарлар васлин истаб кўрса ранж,*

*Йўқ ажаб, невчунки, хом этган киши ранжур эрур.*

Алишер бугун тонгда ёзган ғазалини унинг оғзидан эшитганига ҳанг-манг бўлиб, сездирмай қўлини жайбига солиб кўрди: йўқ, қоғоз ўз жойида турибди! Таажжуби ортиб сўради:

– Бу шеърни қачон ёд тутиб эдингиз?

Паҳлавон Муҳаммад бамайлихотир жавоб қилди:

– Бир қанча йил бўлғайки, Абулқосим Бобур мирзонинг мажлисида бу шеър ўқилган эди. Менга бағоят хуш келди, битиб олиб ёд туттим.

Шундан сўнг иши борлигини, эрта тонг-ла келишини айтиб ўз уйига жўнаб кетганида ҳам Алишер таажжубда эди. Ҳар қанча эслашга уринса ҳам Насимийнинг ундай ғазали борлиги ёдига келмасди.

Эртасига тонг маҳал Паҳлавоннинг яна гулдурак овози эшитилганида Алишер бедор эди. Бу сафар Паҳлавон Муҳаммад девдай-девдай уч-тўрт полвон билан кириб келди. Давра олиб ўтирилиб, ҳол-аҳвол сўрашилгач, яна ўша у ғазални сўраган эди:

– Келмасимиздан байту ғазал дейсиз, мундоқ ҳол-аҳвол сўрамайсизми? – деди маломат қилиб. Алишер қўймагач, паҳлавонларга юзланди:

– Мен у шеърни ёд тутган маҳалда куштигирлардин ҳам бир нечаси бор эдилар. Ўқинг, андоқки мен билан ўрганиб эдингиз!

Куштигирлар ҳам бир олиб-бири қўйиб, у ғазални бенуқсон ўқиб беришди.

– Қўяберинг, – деди Паҳлавон Муҳаммад, Алишернинг аҳволига зимдан назар солиб. – Мафосилнинг шундоқ зарарлари ҳам бўлар экан, хотирни чайқатармиш.

Алишер бу ишда бир фитна борлигини сезиб турар, аммо ҳали биров кўрмаган махфий ғазални қай тарз Паҳлавон Муҳаммад-у полвонлар билиб олганига ақли етмас эди.

– Оёқ уқаланса бош марази кетишини энди эшитишим, – деди у ҳам.

Паҳлавон Муҳаммад полвонлари билан бир қанча егулик-ичкуликлар келтирган экан, бир муддат зиёфат тузалди. Еб-ичиб бўлингач ва муолажа поёнига етгач, Алишернинг ҳамон пешанасини тириштириб ўтирганини кўриб Паҳлавон Муҳаммад қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди:

– Эгнингизни уқалар чоғ жайбингизда қоғоз кўрдим, – деди кула-кула у. – Оҳисталиқ била ул қоғозни чиқариб қарасам, ул яқинда айтилган шеърдур. Қоғозни ёнимда очиқ қўйиб ёд олдим-да, чирмаб яна жайбингизга солдим. Сўнг атай туркий сўздан гап очдим. Оқшом бориб, бу полвонларга ҳам таклиф била ўргатдимки, лозим чоғда равон ўқиғайлар. Сизга шу тариқа бир хийла емиши ҳозирладим, сиз ҳам балиқ каби едингиз-қўйдингиз.

Алишер ҳам ўзининг ишонувчанлигидану Пахлавоннинг хийласидан завкланиб кулар, бу кулги ила оғриқлари вужуддан сийрилиб чиқиб кетмоқда эди гўё.

### **ЗУЛМ**

Султон Абусаид Мирзонинг салтанат бошига келиши шусиз ҳам кашшоқлик гирдобида хасдай айланаётган Хуросон ҳаётини янада мушкуллаштириб юборди.

Қисқа муддат ичида мамлакатда уч султон алмашди. Ҳар келган ҳукмдор халққа солиқ солишга уринди. Ажабки, енгган ҳам, енгилган ҳам фуқарога зулм қиларди. Ғолиб ҳукмдор уруш талафотлари ўрнини тўлдириш ва янги урушларга тайёргарлик кўриш учун, мағлуб эса ғолиб талаб қилган ўлпонни тўлаш учун эл бошига янги-янги хирожу яғмо ёмғирини ёғдирарди.

Султонлар қайси бекнинг кимга хизмат қилганини яхши билишар, салтанат ўзгаргач, унга мартаба ёхуд вазифа тайин этишар ёки салтанатдан четлатиб, ҳибсга ёки қатлга юборардилар. Шукрки, Абусаид Мирзо ушбу мулкларда пайдо бўлган учинчи бир қудрат – Абулқосим Мирзо хизматида бўлган бекларга шафқат қилди. Зотан темурий мулк уч давлатга бўлиниш арафасида эди. Гиёсиддинбек оиласи бир-бирига ёвлашган уч қудрат гирдоби ичида қолди.

Абусаид Мирзо мулозимлари султоннинг ўзи каби қаҳр-ғазабли кишилар эдилар. Фуқарони салга жазолаб, аямай уриб-сўкишар, Султон Абусаиднинг хазинани тўлғазиш ҳақидаги қатъий фармонидан сўнг кўзларига не кўринса олиб кетишарди.

– Султон адолат қилсин! – дер эди бир луристонлик киши, ёқа чок этиб. – Бизлар авом кишилармиз, на салтанат арконини, на уруш аҳкомини билурмиз. Қўлимиздан келган ишни қилиб, ризқимизни топиб ўтираемиз. Ишимиз-кучимиз султонга фидо бўлсин, бироқ, шу ишу кучни сарфлаганимизга яраша элга омонлик-фаровонлик берсин.

Бир мулозим:

– Султон муни сендан сўрагайми? – деб қиличининг ёни билан бир урган эди, луристонлик ерга йиқилиб тушди. Халойиқ шов-шув кўтарди.

– Ҳой нодонлар! – деди соқоли кўксига тушган кекса бир чол. – Бу мубоҳасининг ерими? Бозорда сиёсатдан сўзланурми? Бас қилингиз!

– Сен кимсан?

– Бул киши шайх ҳазратларидирлар!

Мулозим шаштидан тушди.

– Шайх эсанг масжидингга бор! Сенга не бор бу майдонда? – деб тўнғиллади.

Ночорлик, умидсизлик ҳаёт гирдобада хасдай ўйнатган юзлаб кишиларнинг аҳволи шундай эди,

Мадрасалару мақбаралар эса ялтираб кўзни оларди. Тангри таоло инояти илинжида барпо этилган ва уззукун тилаклар билдирилиб, дуолар кўкларга ўрласин дея барпо этилган бу азим иморатлар қашшоқлик тоқида янада кўркам ва маҳобатли кўринар, бироқ, гоҳ-гоҳо мадрасалару масжидларда ҳам курулли сипоҳлар кўриниб, ягона Тангридан нажот сўраётган кишиларни бешбаттар қўрқитишарди.

### ***ЛАЪЛ ҲАМ ТОШ, ТОШ ҲАМ ТОШ...***

Дўстлар бир куни кичик бир боғчага тўпланишди. Ҳовлида тошқозон бормиш, тагига ўт ёқилиб, Шайхим Суҳайлий ош пиширмаққа бошлади. Шунда кимдир байт ўқиди:

*Лаъл санг асту дегу сангин санг,*

*Лек андар миён тафовутҳост.*

Бунинг маъносини дарҳол фаҳмлаб олган Шайхим Суҳайлий:

– Юз офарин! – деди. – Тошқозон ва лаъл: иккови ҳам тошдир, лекин орасида тафовут бор. Тошқозондан бировга зарар етмас, унда лазиз таомлар пишгайдир. Лаъл тошидан эса халойиққа зарару кулфат етмоқдадир.

Бу – Султон Абусаид ҳар кимда не жавоҳирот бўлса олиб, бўлмаса ҳар турли муболагаю ҳайбатлар ила элга зулм қилаётганига ишора эди.

– Не ажабки, бизнинг мажлисда ҳам тошқозонда ош пишгайдир, – деди Шайхим Суҳайлий.

Ҳажв ва топқирлик билан айтилган бўлса-да, бу байт Алишернинг кўнглини ёритмади.

– Бир мусичани ини бузилса фарёди оламини тутгай, – деди у, ранж билан.  
– Полопони ўлса, чирқиллаши кўкни бузгай. Инсон шу қадар ҳақирми бу оламда? Бир-икки чепат нони, бир ҳовуч тариғи, бир кўза сувидан бошқа бойлиги йўқ кишиларга мунча зулм қилингайми?

Паҳлавон Муҳаммад унга қараб бош чайқади. Шоҳрух Мирзо сулоласига яқин кишилар оғзидан чиққан мундай сўзлар султон қулоғига етса, бошга бало келиши ҳеч гап эмас эди.

Тасодифни кўрингки, ош пиширилар экан, шаррос ёмғир қуйиб юборди. Ўчоқ томидан шариллаб сув қуйилиб, қозонни сувга тўлдирди-қўйди. Дўстлар оши барибирам пишмади, Шайхим Суҳайлий олиб келган қуруқ нон ва мевалар билан кифояланишди. Ҳар ким вазият ёмонлигини, жон сақлаш қийин бўлишини айтарди. Султон Абусаид мулозимлари халқнинг ғамлаган озуқаси-ю ўтинларигача олиб кетишгач, ҳадемай бошланадиган қиш қаҳратонлари кўпчилик бошига мусибат олиб келиши аён бўлиб қолди.

Лекин, бир-икки кишининг фикри ўзгача эди.

– Мовароуннаҳрда ҳам, Хуросонда ҳам султонлар ўзаро ёвлашиб, тахт талашмоқдалар. Султон Абусаид Мирзони нима десангиз денг, аммо у киши жуда хатарли бўлган қизилбошларга қарши жанг қилишга куч тўпламоқда. Узун Ҳасан неча йилдир Хуросонга кўз тикаётганини унутдингизми?

– Абусаид Мирзо дарҳақиқат, қаҳри қаттиқ султон, бироқ, бу гапингизда жон бор. Салтанатни бирлаштиришга уринмоқдадир.

– Қизилбошлар аввал ҳам Хуросонга кўшин тортиб келишганида қандай қирғин бўлган эди? Абусаид Мирзо элни ўша балодан қутқаришга жаҳд қилмоқда!

– Сиз не дейсиз, Алишербек?

– Бизларнинг биронтамиз бу ерда айтган сўзларимиз билан вазиятни ўзгартира олмаймиз, – деб жавоб берди Алишер. – Султонлар мамлакат тақдирини ўзгартирадилар, биз ўз тақдиримиз ғамини еганимиз маъқул.

Лой кўчалардан тойғона-тойғона қайтилар экан, Паҳлавон Муҳаммад шундай деди:

– Муҳтарам падарингиз, тағойиларингиз Султон Абусаид Мирзо беклари даврасида эканлар. Сиз ҳам Мирзо саройига борсангиз бўлмасмикин?

– Асло йўқ!

– Нечун бормайсиз?

– Фақир шаҳзода Ҳусайн Мирзонинг қиёматлик дўстидирман, – деб жавоб қилди Алишер Навоий. – Гарчи буни Ҳусайн Мирзо хиёнат деб ҳисобламаса ҳам, мен хиёнат деб ҳисоблайман.

– У ҳолда, нима қилмоқчисиз?

– Самарқанд кетгайман! – деди Алишер. – Урушлар ўрнига илм чечаклари бўй чўзган, хануз адолат ва жўмардлик барқ уриб яшнаётган, ер юзининг сайқали олий Самарқандда паноҳ топгайман!

– Тўғри, Мовароуннаҳр Хуросондан кўра осойишта, бироқ, у ерда не юмуш ила машғул бўлурсиз? Бир-икки таниш йигитлар Самарқандга қора черикликка бормоқликни ихтиёр қилмиш эдилар. Тиласангиз, улар қаватида боринг. Ихтиёр қилсангиз черикка кўшилинг, ош-озиғи, ақчаси ёмон бўлмас.

– Ҳа, бошқа чора йўқ, – деди Алишер. – На Ҳирийда, на Машҳадда фаровонлик қолди. Табъим қанчалар илм тилар эса-да, тирикчилик важҳи бошқа йўлларга кирмоқ тақдир эмиш. Сиз йигитлар ила сўзлашинг, мен тайёргарлигимни кўрай.

Эртаси кун Паҳлавон Муҳаммад дўстининг қошига келиб, ақча солинган шойи ҳамённи берар экан, деди:

– Куштигирлар орасида Қора Мўғул деган бири бор. Ўзи кўрсроқ, сўзи дағал, аммо хиёнат нелигини билмас. Ўша йигит билан карвонга кўшилгайсиз.



Тунд, хира кун эди. Бу кун ҳеч нимадан дарак бермасди. Ёшлик завқлари битиб тугагандек, умр навниҳолини турмушнинг лойқа селлари чирпирак қилиб шу осмон, шу булутлар остида оқизиб кетадигандек туюларди.

## **ИККИНЧИ ҚИСМ**

### **НАВОДИРУ-Ш-ШАБОБ**

#### *МАДҲ*

Эй инсонни яратган, уни мукаррам қилган ва осмонлару ердаги нарсаларнинг исмларини ўргатган зот!

Жами инсон болаларининг руҳларини яратиб, уларга руҳлар оламини ватан қилиб бердинг. Ўзинг истаганинг он манзилларидан қўзғатдинг ва у ердан кеткизиб, она қорнида пайдо қилдинг. Уни у ерда тўққиз ой тутиб, у ердан ҳам кеткиздинг у ёруғ оламга йўлладинг. Вақти келиб ёруғ оламдан ҳам кеткизиб, абадият оламида бино қилишингга ҳеч шак-шубҳа йўқ. Унга шундай сафарларни рўпара қилиб, шундай дунёларни кездирдинг.

Қуёшга “Суз” деб хитоб қилган эдинг, у ўша ондан бошлаб фалакда тинимсиз суза кетди. Ойга ер юзини тунда ёритгин дединг, ўша ондан бошлаб ҳукмингни қойимликда бажаришга тушди. Жонсиз тупроқни хазинага айлантирдинг, хазинани эса жонсиз тупроққа. Ҳавони ризқ қилдинг, ўзинг яратган халқларнинг нафасига айлантриб қўйдинг. Яратган оламларимни кўринг дея сув дунёсини ҳам яратдинг, қуруқликда не бор эса, ўхшашини у ерда ҳам бино қилдинг, бу икки олам орасини биргина сатҳ қилдинг. Шамолларингни у ерда ҳам пайдо қилдинг, у халқларга ҳам сафар амрини бердингки, йўқликдан борликқа ва борликдан йўқликка сафари тинимсиз давом этмоқда.

Юз минглаб қуруқлик ҳайвонларинию қушларини, уммонлардаги наҳанглару кўз кўриб қулоқ эшитмаган яратикларингни кўчадиган қилдинг,

юзлаб фарсах йўл босиб етган манзилларини эса улар учун хайрли қилиб кўйдинг.

Дединги, сафарингиздан мурод яхшиликдир. Сизни ҳам умр деган сафарга солдим, ҳузуримга етиб келганингизда йўлдаги ишларингиздан, мен кўрсатган хайру марҳаматлардан сўралгайсиз.

Бир кулингга кишиларни тўплаб, золим мамлакатидан чиқиб кетишини буюрдинг, сон-саноксиз кишиларни шундай қилиб фалокатдан қутқардинг, унга Тур тоғида нидо қилдинг ва асо ато этдинг, бузоққа жон киритдинг, ки бузоқнинг не эканини унга кирган жон нима эканини биров билолмади.

Золимнинг оғзига балчиқ тикдинг, ибрат олсинлар дея уни сақладинг.

Эй оламдаги барча ходисаларнинг Мураббийси! Бандаларинг сафаримизни хайрли қилгин деб ялиниб-ёлворурлар. Ўзинг сори сафарларни хайрли қилгайсан, йўлда учрайдиган барча кишиларни яхшиликларга сабаб айлагайсан, олддан чиқадиган бало-ю мусибатларни хайрларга айлантириб кўйгайсан!

### **САМАРҚАНД. 846-ЙИЛ.**

Самарқандга қиш қаҳрли келди.

Ҳар саҳар далалару ўр-қирлар устини йилтираб қировлар қоплар, йўлларнинг лойлари туни билан яхлаб, ўнқир-чўнқир бўлиб қоларди. Муз шу лойчўққилар орасида ҳам йилтирарди. Офтоб чиққани билан илитмас, кулранг булутлар орасида хира доғдай бўлиб тура-тура ботиб кетарди.

Қашшоқлик ила ҳашам, бойлик ила чорасизлик бир ерда. Бир ёнда озгин, эти бориб устихонига ёпишган ғариб чоракорлар тўп-тўп, оч-наҳор турадилар. Бир ёнда кунжут исини анқитиб машҳур Самарқанд нонлари пишади. Бошига бўз мато ўраб олган новвойлар тиним билмай тариқ, буғдой, жўхори унларидан патир-кулчалар ёпадилар. Моҳирлик ила ёғ суртиб ялтиратгайлар, бетига қатик-қаймоқ чаплаб, жизиллатиб сув ҳам урадилар.

Тери билагайли кўлига қуш кўндириб, Булунғур найманлари ўтиб қолишади. Булар даштнинг моҳиру чаққон овчилари, шамолларда қорайган

япалоқ юзи, қийикқа мойил ўткир кўзлари, жилов тутмоқдан қадок қўллари моҳир чавандозлигидан, ҳаёти ов-чопқин ила ўтишидан дарак беради. Чўғирма кийган хоразмликлару ияксоқол туркманлар кўринади. Одатий яшил тўн кийган саййидлар ҳам бор, ҳар доимгидай, теграсини муридлари қуршаб келишади. Дашт кишилари уларга парво қилишмайди, уларнинг ягона қонунияти жангу жадал! Қўнғиротлар, қипчоқлар, жалойирлар кўзга ташланади, улар бир-биридан чакмону тумоқлари билан фарқланиб туришади. Араблар, форслар, зуннор такқан яҳудийлар, олакўз ҳиндуларни учратса бўлади, уларнинг баъзилари қул қилиб олиб келинган, баъзилари омонлик истагида ўзлари келиб ўрнашишган. Бир шаҳарда мунча турфалик жамлангани ажаб.

Эрталабки қора совуқ боис дарахт шоҳларидаги, йўллардаги қорлар муз қотган, оёқ остида қисирлаб синади. Уйлар мўрисидан чиққан тутун кўкка ўрламасдан, теваракка ёйилиб димоқни ачиштиради. Исига қараб не тур ўтин эканини билса бўлади. У ҳидлар бозордаги темирчилар сандонидан чиқаётган кўмир иси билан қоришиб, бошни оғритади.

Ўрта бўйли, устига юпқа тўн кийиб, салла ўраган оқ юзли ёш бир йигит издиҳом оралаб бозор ёнидаги пастак гумбазли ҳаммом ёнига келди. Жуда совқотгани билиниб турарди. Кичик ёғоч эшик ғийқиллаб очилганида ичкаридаги буғли ҳаво ташқарига бурқираб кетди. Нимқоронғи даҳлиздаги сўриларда беш-олти киши ўтиришган экан. Самарқанд ҳаммомларининг кираверишида истироҳат хоналари бўлади. Ҳаммомдан чиққанлар совуққа чалинмаслик учун шундай хоналарда шарбат ичиб, тин олиб ўтиришарди. Даҳлиз иссиқ, нам, ўтирганларнинг пешанасида тер йилтирарди.

– Бай-бай! – деди улардан бири, патак соқолли қария ичкарига кириб келган йигитнинг титрашини кўриб. – Ушук урибди-ку, болам? Келинг, муни ичиб олинг, – дея, усти қалин мато билан ёпилган сопол кўзачадан иссиқ шарбат қуйиб узатди: – Олақолинг, кекса қўлини қайтарманг, савоб бўлади.

Йигит раҳмат айтиб, косадаги шарбатни бир-икки хўплади. Мижоз кириб келганини кўрган паст бўйли, каллахум тепакал ҳаммомчи:

- Ўтириб тургайсан! Жой йўқ! – деб шанғиллади.
- Ана, бир оз кутгайсиз, – деди оқсоқол. Сўнг йигитнинг кирмоч тўнига, оқ ингичка юзига қараб:
- Хуросониймисиз? – деб сўради форсийда.
- Ҳа, – деб жавоб қилди йигитча.
- Водариғ! – деди оқсоқол, соқолини тараб. – Бу кунларда Ҳирийдан кўп одам келади. Эл жуда қийналган, бу киш совуғида кишилар ўлган отларни ҳам ейишибди дерлар... Не замон келдингиз?
- Икки ойга ёвуқдир...
- Олақолинг, дармон бўлгайдир, – деб, мўйсафид патир ва туршаклар солинган табақни унинг олдига сурди. – Ичингизга иссиқ кирмаса, совуқ ғалаба қилгайдир.
- Бу улуғ Самарқанд ҳар кимга ҳам эшик очмайди, – деди кейин, салмоқлаб. – Бир ишингиз бўлмаса, кунингиз ўтмайди. Пишиққина йигит экансиз, бирор юмуш топмадингизми ё черикликка бормадингизми?
- Бориб эдим, – жавоб қилди йигитча. – Бир ойдирки, айрилдим.
- Қўрқдингизми? – деб пихиллаб кулди унинг ёнидаги мўғулбашара кимса, сариқ қийшиқ тишларини кўрсатиб. – Биламиз, навкарлик ҳар кимга ҳам эмас...
- Сен тек тур, – деб жеркиб берди уни оқсоқол. – Эшитмадингми, бир ой деди? Фаҳмингни ишлатсанг, сабабини англагайсан. Бир ой аввал Қарнак исёни бўлиб эди. Қора черикка исёнчиларга кўмак берган қишлоқлардан иккитадан калла қўпориб келмоққа буюрилиб эди.
- Тўғри айтдингиз, – деди йигит. – Ул иш буюрилгани он черикдан айрилиб Самарқанд келдим.
- Не замонаки, одамнинг на ўлиги иззатлангай, на тириги, – деди оқсоқол.
- Волидайн<sup>1</sup> бормилар?
- Борлар, бироқ аҳволларидан беҳабарман.

---

<sup>1</sup> Волидайн – ота-она.

Йигитчани Ҳирот қочқинларидан деб ўйлаган оқсоқол ўзича тасалли берган бўлди:

– Бу фалак ўғилни падардан, ёрни ёрдан айиргайдир. Аммо Тангри таолонинг марҳамати бениҳоя кенг, – деб, “Бас, албатта ҳар бир оғирлик-машаққат билан бирга, енгиллик ҳам бордир” оятини ўқиди. – Исмингиз не?

– Алишер.

– Хуросонда бундай исм кам учрайди. Демак, темурийзодалар чаргасидан экансиз-да?

Йигитчага унинг меҳри ийиди. Бундайлар озми? Ўтган бир йил ичида Султон Абусаид зулмидан Мовароуннаҳрга қочиб келганлар сон-саноксиз, Тангри таолонинг ўзи уларга шафқат қилмаса, бандасининг қўлидан не келарди?

Шу маҳал ички хона эшиги очилиб, юзлари қизарган бояги ҳаммомчи кўринди.

– Бир киши кирсин! – деди дўнғиллаб.

Алишер оқсоқолга:

– Нон-тузингизга рози бўлгайсиз! – дея, ҳаммомчи сари юрди.

– Одобини кўрдингми, аҳмоқ? – деди оқсоқол ўғлига. – Олийнасабларданга ўхшайдир. Сен бўлсанг пўнғир-пўнғир қиласан, ўйламай жаврайсан? Тур ўрнингдан, нарсаларни ол, уйга кетдик!

Алишер ҳаммомчига яқинлашган эди:

– Ҳа, йигит? – деди ҳаммомчи, кулиб. – Кирақол, сўнгақларингга иссиқ ўтгайдир.

Сўнг қатор териб қўйилган совунлару лунгиларга ишора қилди-да, ҳақини айтди.

Ҳақ тўлаш учун ҳамёнига қараса, ақча йўқ, ҳамён бўм-бўш! Боя карвонсаройга ҳақ тўлаганида бир неча танга қолган эди. Қайда тушган, сира эслолмади.

– Оғойи, – деди ўнғайсизланиб. – Ҳамёнда ақча қолмабди. Сиз шу ҳамённи олсангизу мен ақча топганимда келиб ҳақини тўлаб олиб кетсам?

– Бор-бор, ишингни қил! – деди ҳаммомчи шанғиллаб. – Ҳаммомга пули бор тушади. Пулинг бўлмаса яғиринг чиқиб юрабергайсан!

Алишер бу ночорлик ичра не қиларини билмай, ҳаммомчига бир нима демай карвонсаройга қайтди. Ҳаво очиқ, совуқ янада забтига олган эди.

Карвонсарой ичкараси илиқроқ экан. Талабасифат бу йигитни биров назарга илмас эди. Алишер шифти паст кичкина хужрага кирди, думалоқлаб қўйилган тўшакка суяниб, хўрсинди. Қўноқ келганини кўрган хизматчи бир бўлак матога ўралган патир, бир-икки туршак олиб кирди-да:

– Сабр қилинг, биродар, – деди унинг бу руҳсизлигига раҳми келиб. – Ойнинг ўн беши қоронғу, ўн беши ёруғ деганлар. Бу кунлар ҳам ўтар-кетар. Доғ сувни қозондан оларсиз. Ҳай дариг! – деб, хужрадан чиқди.

\* \* \*

Деярли ҳар куни қор ёғар, кишилар томларни, қорга тўлган кўчаларни ёғоч кураклар билан урина-урина курашар, бир амаллаб одам юргулик йўлаклар очишарди.

Карвонсарой эгаси Алишерга тунд қараш қилар, туриш-турмуши, таври олийнасаб зотларнинг фарзандига ўхшаш бу йигитчанинг не сабабдан ишсиз-юмушсиз кезишини англаёлмас, бироқ ҳар эҳтимолга қарши, фалак чархи бир айланишида эрта бир кун унинг ким бўлиб чиқишини ўйлаб, қаттиқ ҳам гапирмасди.

Эғнидаги Ҳирий тўни совуқдан сақлаёлмасди, ўйлай-ўйлай, уни тўнфурушларга сотишга қарор қилди. Рутубат ва зах туфайли мафосил яна хуруж қилган, бўғимларда оғриқ кўзғалган эди. Ҳунармандлар растасидан ўтиб, тўн бозорини айланар экан, бир-икки кишига айтган эди, ерга уриб жуда оз нарх айтишди.

Шунда тўнфурушлар растасидаги қора қошли, озгин бир йигит:

– Ҳой биродар! Шошманг, ҳой биродар! Тўнни сотгаймисиз?

– Сотмагайман, алиштиргайдирман, – деди Алишер.

– Бу Ҳирот тўни-ку? – деди йигит тўннинг астарини ағдариб, чокларига, матосига разм солиб. – Бу мато Хуросонда тўкилур, авомга хос эмас. Нечун бундай қиммат тўнни сотмоқчисиз?

– Ўрнига одмироқ, иссиқроқ бошқаси бўлса...

– Бул тўнингизга иккита одми тўн берсам оз, – деб самимий жилмайди йигит. Сўнг қозикларга осиб қўйилган дўппилару дасторлар қаватидаги узун тўнларни кўрсатди:

– Истаганингизни танлаб олаверинг.

Ҳақиқатан ҳам, йигитнинг тўнлари одми, дағал, аммо қалин матодан, пахта солиб тикилган экан. Алишер уларни бирма-бир назардан ўтказиб, йирик қавикли қора тўнга тўхталди-да, деди:

– Бир тўн олсам етар, иккинчисининг ҳақини бераверинг.

Тўнфуруш:

– Хоҳишингиз, – деб Алишернинг қўлига бир қанча танга тутқазди. – Менинг исмим Бобур, андижонийдурмен. Бир қанча йилдирки, тўн тикиб сотгаймен. Сиз Ҳирийданми?

– Алишерман. Мадрасада талаба эдим, тақдир тақозоси туфайли бу ёқларга келиб қолдим.

Бобур тагида чўғ ланғиллаб турган мис кўзачадан жийдаю олма қоқи солиниб дамланган дамлама қуйиб узатди:

– Совуқнинг даммини кесгай. Ичиб олинг!

– Афсус, илм олмоқ бизнинг ҳам муродимиз эди, – деди Бобур. Кейин Самарқандга келишининг сабабларини тушунтирди: – Кун кечириш мушкул, халқ қашшоқ. Марғилондан бир-икки аҳбоб Самарқандни таърифлайвериб, ниҳоят келишга кўндирдилар.

– Марғилон йигитлари уришқоқ бўладилар, яхши муштлашурлар. Барчаси қора черикликка кетдилар. Ҳўв нарида рўшдонийлар ҳам бор, созгупроқдан сопол идиш-оёқ ясаб кун ўтказадилар. Баъзилари новвойлик қиладилар, – деб орага қўшилди Бобурнинг ёнидаги ихчам жуссали, кенг пешанали шериги.

Бобур давом этди:

– Кўнгли очик, дилкаш йигитга ўхшайсиз. Ҳар ҳафта жума куни ҳалфана базмимиз бор, ош-палов пиширгаймиз. Тиласангиз сиз ҳам келинг.

– Ақча йўғида нечук келгайман? – деди Алишер кулиб, шу билан бирга йигитларнинг самимияти маъқул келиб.

– Беш кишига етган ош олти кишига етмасми? Қолдики, Тангри баракот берсин. Сиз келаберинг, даврамиз шундоқ, ақчага эмас, кўнгилга қарагаймиз!

Алишер бежирим, аммо фойдасиз либос ўрнига иссиқ тўнга ўраниб олгач, баданга иссиқ ўтди. Соғинч ҳажри бирлаштирган у йигитлар билан бир оз суҳбатлашиб ўтирди. Сўнг фурсат бўлганида келишини айтиб хайрлашиб, карвонсаройга қараб кетди.

### **ҚАЗОЮ ҚАДАР**

Кеч кириб самода юлдузлар милтирагач, шундай совуқ тушдики, ҳужра деворлари ўзидан муз уфураётганга ўхшарди. Хизматчи тоғорада чўғ олиб кирди, яна туршак дамлаб, бир оз сур гўшт, кесма ош келтирди. Овқатдан сўнг хиёл иссиқ ўтгандай бўлиб, тўнига ўраниб олди. Шам аранг липиллар, дарчадан олис-олислардаги тўнғиган ой кўриниб, совуқ шуъласи эски наматга тушиб турарди. Бўлиб ўтган воқеаларни ўйлаб-ўйлаб, кўзи илинганини сезмай қолди.

Шу ҳолида у ғалати бир туш кўрди.

Бир чаманзор эмиш. У чаманзорда икки кабутар “ғу-ғу”лашиб, қанотларини тапирлатиб гоҳ кўкка парвоз қилар, гоҳ кўнар эмишлар. Шу маҳал кўкда икки бургут пайдо бўлиб, ҳар иккисига ҳам чангал солиб, чинқиртириб кўкка кўтариб кетди. Ерда у шўрликларнинг тўзган патлари қолди, холос.

Уйғонганида ташқарида шамол қаҳқаҳа урарди. Карвонсарой бўғотларида хуштак чалар, музлаган қорларни тўзғитиб ўйнарди.

Ғала-ғовур эшитилар, қайсидир карвон сафарга ҳозирланарди. Карвонбоши туяларни жун матолар билан ўраб-чирмагани учун улар



Ўзиюрар мол тўпларидек кўринарди. Умр боғига ёпирилган қақшатқич қаҳратонда юракни иситувчи бир дўсту ёр йўқ! Уммон ўртасида бир ютум чучук сув йўқ! Худди денгиздаги Юнус каби, зулмат устига зулмат ёпирилиб келарди. Тақдир юзини терс ўгирган, нажот кемаси олислашиб кетган, фалокат тўлқинлари ёлғиз жонни хас каби ўйнатмоқда эди.

Отойи ва тағойилар Ҳирийдан султон Абусаид Мирзо чериги ила Сарахсга, Узун Ҳасан билан муҳорабага жўнаб кетишгани хабари узук-юлук эшитилган эди. Онаизор-чи, қондошлар-чи? Қутб-чи? Жонфизо Ҳирий не аҳволда экан?

Хуросондан келгувчиларнинг ҳоли хароб, ачинарлик қиёфада эдилар. Тужжорлар мол-мулки давлатга мусодара бўлиб кетишидан хавфсираб қатнамай қўйишган, Ҳирий гадолару қашшоқларга тўлган, қотиллигу ўғирликлар авж олганини, йўлларда қароқчилар бош кўтарганини, улар аслида қароқчи ҳам эмас, не қиларини билмай бир тишлам нон илинжида талонга чиққан йигитлар экани айтиларди.

Ҳирот-у Машҳаддаги ёр-дўстлар, устозларни бир-бир эслар экан, уларнинг бошига не кунлар келганини билмасди. Қадрдон сиймолар қаторида бағрикенг пир Саййид Ҳасан Ардашер ёдга келди. Улуғ ёшли бу киши теграсидагиларга меҳрибонлиги боис ҳурмати юксак, Абулқосим Мирзо саройида Алишерга доимо “фарзанд” деб хитоб қилар, меҳр кўргузар эди.

Исён унинг қалбидан тўфондай тошиб чиқарди. Ўйлай-ўйлай, Саййид Ҳасан Ардашерга мактуб битмоққа қарор қилди. Хизматчидан қоғоз ва қалам сўраб олди-да, хонтахта олдига чўк тушиб, илк мисраларни битди. Изтиробли номани битар экан, шам ёниб тугади, қолган қисми дарчадан тушган сахар ёруғида битилди. Мактуб, одобга кўра Тангри таоло сифатига ҳамд ила бошланмоғи лозим эди, бироқ, Алишер қоғозга битган ҳамду санолар ҳам тақдир тўфонлари аро қолиб кетган йигит бошига келган қаттиқ кунлардан ҳикоя қилди:

*Сано Ҳаққаким, кошифи ҳол эрур,  
Хирад мушкилотига ҳаллол эрур,*

*Алимеки, йўқтур бидоят анга,  
Азимеки, йўқтур ниҳоят анга;*

*Ҳазар ичра бечоралар ёвари,  
Сафар ичра оворалар раҳбари;*

*Не соликкаким, дашт этиб жилвагоҳ,  
Таваккулни айлаб анга зоди роҳ;*

*Мусофирни йўлдин кеча гум қилиб,  
Ёнига анинг қумни қоқум қилиб;*

*Аниким, қилиб ишқдин ёралиғ,  
Насиб айлабон анга оворалиғ;*

*Бировга неча гурбат изҳор этиб,  
Чу бир ерда кўп тургузуб, хор этиб;*

*Биравниким айлаб бир эл ичра хор,  
Анга чора айлаб ул элдин фирор...*

Туғилиб ўсган юртини тарк этиб, номаълум қисматлар сари йўл олган ёш  
полапон бошига тушган машаққатлардан ҳам сўзлади:

*Сафарни тамугдин нишон айлабон,  
Тамуг ранжин андин аён айлабон;*

*Кўнгулсизга мушфиқ, кишисизга ёр,  
Умиди йўқ эл андин умидвор.*

*Анинг ҳамдидин сўнгра юз минг дуруд,  
Бари фаррухойин ҳумоюнвуруд.*

*Наби равзасизга алайҳиссалом,  
Ҳам олу ҳам асҳобизга бардавом.*

*Адо бўлди чун ҳамду наъту сано,  
Бу оворадин юз туман минг дуо.*

Чорасизлик уфуриб турган мисралардан сўнг, мурувватли Саййид  
Ҳасанга нечун мактуб ёзилгани изҳор қилинди:

*Вафо анга пеша, сахо анга фан,  
Вафову сахо кони Саййид Ҳасан.*

*Зиҳе равзадин хулқунг ортуқ баса,  
Келиб боғи қадрингда тубо хаса.*

*Чу сенсен бугун олам аҳлида фард,  
Ки, ҳолин де олғай санга аҳли дард.*

*Мангаким, видодингга хурсандмен,  
Жанобингга шогирду фарзандмен...*

Сен менга ота ўрнида эдинг, ҳар яхши ишимга қувониб, нуқсонимдан  
изтиробга чўмардинг. Бир-икки мисра битсам, кўксинг осмон қадар бўлиб  
қувониб, мақтовлар айтар эдинг. Сенинг ишончу хайронликларинг менга

канот бағишлар эди. Ўша сен ишонганинг, балчиқ орасидаги дур каби сарсонликларда қолди...

Мактубни тугатганида манқалдаги кўр ҳам сўниб битган, кул орасида бир-икки заиф чўғ милтирарди. Қоғозни чирмади-да, тўнига ўраниб ташқарига чиқди. Тим охиридаги бир карвон эрта тонгда Ироққа жўнашини эшитган эди. Оғзидан ховур бурқиратиб, хизматчиларига бир нималарни бақириб юрган ўсиқ қошли, тунд араб карвонбошига салом бериб, мақсадини билдирди.

– Бул мактуб кимга? – деб сўради карвонбоши, чирмовли қоғозни айлантириб. – Мен ўқиш-ёзишни билмайман, – дея ўша ерда ўралашиб юрган ёрдамчисини чақирди. – Ҳой авлод! Кел, мана буни ўқиб бер-чи!

Ёрдамчи – паст бўйли, кичик гавдали, ёноқлари туртиб чиққан серҳаракат йигитча чопиб келиб, ўрам устидаги ёзувни ҳижжалаб ўқиди:

– Саййид... Ҳасан... Ардашер жаноблари...

– Бул киши Ҳиротдами? – деб сўради карвонбоши.

– Шундай. Саройга етқурилса бас.

– Не дея ёзмишсан?

– Ғазал, – деди Алишер, совуқдан дир-дир титраб. – Ул киши фақирга устоз бўлгайлар. Бир ғазал битиб, назарларидан ўтказмоқни тиладим.

Ўрамни очган карвонбоши мактубнинг ростдан ҳам ғазаллигига ишонч ҳосил қилди-да, “Бу замонада байту ғазалга не бор” деб тўнғиллади. Сўнг:

– Таммат! – деди арабчалаб. – Дафъи саман ал-хидма!<sup>1</sup>

Алишер у айтган ақчани бераётиб арабча жавоб қилган эди, ҳайрон бўлганидан арабнинг оғзи очилиб қолди.

– Оллоҳ-оллоҳ, Қурайш лафзида сўйладинг! Арабийнинг энг мукаммалини қайдан биласан?

Сўнг ўйланиб туриб,

– Ғазални ҳар ким ҳам бита олмайдур. Майли, бир гап бўлар, – дея кўполдан-кўпол бош ирғаб, туяларига қараб кетди.

---

<sup>1</sup> Арабча: “Хизмат ҳақини тўлаб қўй”.

## *САЙИД ҲАСАН АРДАШЕР*

Хуросоннинг эътиборли кишиларидан бири, фазилатли Саййид Ҳасан Ардашер ўз боғида эди.

Болалигидан Бойсунғур Мирзо саройида билим ва тарбия олган бу олийжаноб кишига султоннинг ҳурмати шунчалар эдики, уни ўз фарзандидай кўрар, баъзан шахзодаларга “Қанийди сенинг феълунг атворинг ҳам Саййид Ҳасанга ўхшаса эди” деб танбех берар экан. Бойсунғур Мирзонинг ўғиллари – подшоҳзодалар Алоуддавла, Султон Муҳаммад ва Абулқосим ундан риоят ва тарбият дарсларини олишган, шу сабабдан ҳам барча аъёну акобир, беклару баҳодирлар Саййид Ҳасанни яхши кўришар, иззатлашарди.

Хусронлар ва салтанат ҳирсу хаволари кишиларни зоту насабига қарамай заҳматлар гирдобига тортар экан, Саййид Ҳасаннинг улуғ иззати боис Абусаид Мирзо унга қарши бир нима қилишга ботинмади. Боғига тегинмади, мулки ҳам мусодара қилинмади. Бироқ, бу воқеалар унинг дил чироғини хиралаштирган, қалбида қайғу-алам ўтини ёққан эди, шу сабабли бир неча ёру аҳбоб суҳбати билангина чекланиб, узлатни ихтиёр қилди.

Шомдан сўнг келган чопар нома келтирганини айтганида, кимдан экани хаёлига келмай, ҳайрон бўлди. Қул келтирган қоғозни очиб, Алишердан эканини билгач, севиниб кетди. Ўзи яхши кўрган у йигитнинг тақдири ҳақида ташвишланиб кўп ўйлаган, Самарқандга бош олиб кетганини эшитиб ўкинган эди. Шундай заковатли, истеъдодли йигитни тақдир ҳар кўйларга солиб ўйнатди, ҳалокат денгизига отиб юборди. Машҳадда эканида бир кун кўришмаса кўмсар, ёш эканига қарамай суҳбатига чорлар, уни фарзандидай кўрарди. Мактубдан унинг соғ-саломат эканини билиб, “Аллоҳга шукр” дея чопарга хизмат ҳақини тўлади-да, шоша-пиша хонага кириб, шамни ёқди. Шам сўхтаси узун қолгани учун тутамокда эди. Микроз билан кесган эди, ёруғ бўлди. Шундан сўнг қоғозни очиб, ўқишга тутинди.

Бу равон, маъни-ю мазмунларни жилвалантирган, ҳар қатидан самимият ва ёш йигитнинг фалак ишлари қаршисида аламлари билиниб турган

мисралар Саййид Ҳасан Ардашер қалбига ҳам шундоққина кўчиб ўтақолди. Кўнгилчан бу киши қароғига қалққан ёшни кафти билан артар экан, кўз олдида овораликлару фалак ишларининг кажравлигидан, ватан фироқи-ю хажридан, бор дарду изтиробидан, шўришу ранжуридан озорда қолган закий шогирди кўрган кунлар гавдаланарди:

*Ғаме етти чархи жафопешадин,  
Ҳамул анжуми хориж андешадин.*

*Ки, бўлмоқ ватан ичра душвор эди,  
Кўнгулга жало дафъи озор эди.*

*Сафар тушти олимга беихтиёр,  
Қазо амрида элга не ихтиёр?!*

Сўнг унинг хуш суҳбатлари, жаннатосо даргоҳида ҳар доим офариниш ва фараҳ ҳукм суришини айтиб, ўз ҳолини яна баён қиларди:

*Мени йўқлабон борча аҳбоб аро,  
Тилаб топмайин хайли асҳоб аро,*

*Дегайсенким, ул зори овораваш,  
Ки, ҳижрон майидин бўлуб журъакаш,*

*Не қилди экин чархи нобахтиёр,  
Ки, саргаиталик айлади ихтиёр?*

*Хаёлига ҳодис не бўлди экан?  
Бу азмига боис не бўлди экан?*

*Чу ҳолимдин аҳбоб огоҳ эмас,  
Дегайлар ҳадисеки, дилхоҳ эмас,*

*Аён бўлғай оллингда ҳангомае,  
Битимак манга фарз эди номае,*

*Санга ҳолатимни аён айламак,  
Бу азми вужуҳин баён айламак.*

*Манга неча навъ ўлди бечоралиғ,  
Ки, оллимга тушти бу оворалиғ.*

Уйим нотавон кишининг кўнгли каби бузилган, у уйда энди андуҳлар-у  
ғам-қайғу озиқланмоқда. Энди ундаги май базмлари юрак қонидан ва  
кўнгилининг **ҳазин** нолаю афғонидан тузилмоқда:

*Десаким, топай эски пулдин фароғ,  
Топилмай жуз аъзосида янги доғ.*

*Маишат учун орзу қилса сийм,  
Ани топқай, аммо эсарда насим,*

*Киши жинси мулкида мардум гийё,  
Дирам синфи авзоида кимийё.*

*Киши бўлса андоғки, ўтти мақол,  
Бу янглиғ кишига бу навъ ўлса ҳол,*

*Нечук майли оворалиғ этмағай,*

*Бошин олибон бир тараф кетмагай?!*

Мактуб сўнгида Алишер не сабаб ила олиймақом Самарқандга бош олиб кетганини изҳор қиларди:

*Дема мулкким, ваҳшатободи зишт,  
Тамуз билгуруб зойиб ўлгач бихишт.*

*Тамошосини кимки, бунёд этиб,  
Сипоҳону Рай мулкидин ёд этиб.*

*Ҳисори аноу тааб маҳбаси,  
Сияҳчолдин тийрарўроқ басе.*

*Иморотида ганждин йўқ асар,  
Хизона хароба бўлуб сарбасар.*

*Масождда тоат била нур йўқ,  
Хавониқда нон расми дастур йўқ,*

*Ҳам авқофни садр амлок этиб,  
Вале кўпрагин май учун ток этиб,*

*Ҳам эл манзилин шаҳ катакдек бузуб,  
Товуз ўрнига чугз ўлтургузуб.*

*Мадорисда илму салоҳу яқин  
Анингдекки, дайр ичра ислом дин.*

*Кўнгул жамъи аҳли муножот аро,*



*Анингдекки, тақво харобот аро.*

*Элида кишиликдин осор йўқ,  
Шароратдин ўзга надидор йўқ.*

*Не эл, не киши, балки шайтону дев,  
Келиб барчага даъб бедоду рев.*

*Бўлуб ломакон сатҳидин хонлари,  
Адам мулки бугдойидин нонлари.*

*Қора пул учун айлабон қатл фан,  
Ўлуктин тамаъ айлаб аммо кафан,*

*Не вайронда эски танобе билиб,  
Йилон согиниб, ганж даъво қилиб.*

*Қизил олтун истаб қоратоштин,  
Фалак гўйи бир дона хашихоштин.*

*Тутулса бирав ўғридур деб кучун  
Тутубон илиг, лек кесмак учун.*

*Ўлум келса бир зори бедил сари,  
Мадад айлабон лек қотил сари...*

Яна, ўзининг асл ният-мақсадиларидан сўзлаб, агар шу ишлар рўй бермаса эди, нималар қилган бўлишидан сўзларди:

*Мен ул менки, то турк бедодидур,*

*Бу тил бирла то назм бунёдидур.*

*Фалак кўрмади мен киби нодире,  
Низомий киби назм аро қодире.*

*Не назме дер эрсам мени дарднок,  
Ки, ҳар ҳарфи бўлгай анинг дурри пок.*

*Етар Тангридин онча қувват манга,  
Ки, бўлмас битирига фурсат манга.*

*Бу майдонда Фирдавсий ул гурд эрур,  
Ки, гар келса Рустам жавобин берур.*

*Рақам қилди фархунда «Шаҳнома»е,  
Ки, синди жавобида ҳар хоме.*

*Мусалламдурур зоҳиран бу иши,  
Ки, маъразга келмайдурур ҳар киши.*

*Деди ўз тили бирла ул кони ганж:  
Ки, си сол бурдам ба «Шаҳнома» ранж.*

*Ани дерга бўлса қачон рағбатим,  
Эрур онча ҳақ лутфидин қувватим,*

*Ки, ҳар неча нутқ ўлса коҳилсарой,  
Битигаймен ўттуз йилин ўттуз ой.*

*Агар хосса маъно гар ийҳом эрур,*

*Анинг кунда юз байти ҳалвом эрур*

*Вале айт деб, ким манга тутти юз,*

*Ки, мен юз учун демадим икки юз,*

*Не юз, не ики юзки, бу килки тез,*

*Аторуд била қилса зоҳир ситез,*

*Анинг сайри бир давр охир бўла,*

*Фалакни латойифдин этгай тўла...*

Юксак заковат, бадиият ва исён уфуриб турган ушбу мисраларни Саййид Ҳасан Ардашер юм-юм йиғлаб ўқиди. Ҳар байт, ҳар ҳарф ортидан чархи даввора тегирмонтошлари остида тарикдай янчилиб кетаёзган, гавҳар эса кум-кум эзилган, куш эса қанотлари юлинган, навкар эса қиличи синган, кўшин эса мағлубият саждасига бошини қўйган, қуёш эса кесилган бош каби уфққа юмалаган, мусаффо ёмғир эса – томчи бўлиб ботқоққа томган, заковат чечаклари тақдир изғиринида ушук уриб ҳалокатга юзланган олий хулқли Алишер қиёфаси кўринаверди.

Саййид Ҳасан Ардашер Алишернинг Ҳирийдаги мусибатлардан хабари йўқлигини фаҳмлаб бешбаттар эзилди. Бир қанча муддат аввал унинг ҳар икки тағойисини султон Абусаид Мирзо қатл эттирган, падари бузруквори, султонларнинг садоқатли ва жасур ҳабиби, Саййид Ҳасаннинг қадрдон дўсти Ғиёсиддинбек ҳам жангу жадалда Ҳақ раҳматига қовушган, ҳам укалари, ҳам хожаси ўлимидан қайғурган, кенжа ўғлидан бир хат-хабар ололмаган волида бека бу дарду ташвишдан аччиқ кўз ёшларини тўка-тўка, ҳожат намозини ўқиётиб, бошини саждага қўйиб Тангрига нолалар қила-қила жони узилганини қай тил била айтсин?

Саййид Ҳасан Ардашер ўйлай-ўйлай, мавлоно Абдурахмон Жомийга нома битишга қарор қилди. Жомийнинг Самарқандда эътибори жуда

юксаклиги важҳидан, бир сулола парчаланиб йўқ бўлиб кетар экан, у сулоланинг дуру гавҳари Алишербекка меҳру мурувват кўрсатилмаса, у ҳам шу тўфон аро хасдай йўқолиб кетиш хавфи остида эканини баён қилиб, ёрдам қўлини чўзишини ўтинди. Алишер маснавийсини бошқа бир қоғозга кўчириб, Жомийга юборди-да, шунда ҳам дили равшанлашмай, ёлғиз ўтирди.

\* \* \*

Орадан икки-уч ҳафта ўтгач, қаҳратоннинг дами бир оз қирқилди. Бунинг боиси самога булут чиққани эди. Оғир булутлар қарвони кўк юзини тўлдириб жануб томон силжирди. У ер юзини кўрпадай ёпди, шу сабабли изғирин сусайди.

Эрталаб нонуштадан сўнг тўнфуруш Бобур зиёратига боришга чоғланиб тургани пайт, дастёр бола чопиб келиб, бир киши йўқлаётганини маълум қилди. У – бошига тулки тумоқ кийиб олган, қалин ола тўнли киши экан.

– Хуросонлик Алишер сизмисиз? – такаллуфсиз сўради у аравадан тушмасдан.

– Менман.

– Сизни бир яхши киши хузурига чорламоқда. Тез бўлинг, мен билан боргайсиз.

– Маъзур тутинг, ким эмиш у яхши киши?

– Борганингизда биласиз!

Чопар икки от қўшилган кичик аравада келган экан. От устида ўтирган, қўй терисидан тикилган юнгли пўстин кийиб олган қипчоқ йигит қўлини енг ичига тортиб, қунишиб турарди. Икки қорабайир устига ҳам кигиз ёпқичлар ташлаб қўйилибди. Ҳайрат ва тараддуд ичра ҳозирланиб чиққан Алишер аравага ўтиргач, Сиёб томон йўл олишди. Кўчалар ҳануз қорга тўла, аравалар юролмас, кишилар қўлларини ушук ура-ура, ёғоч кураклар билан йўл очишарди.

Алишернинг қалтирашини кўрган чопар:

– Ана бу пўстинни елкангизга ташлаб олинг, – деди, аравадаги қалин пўстинга ишора қилиб.

Арава ғичирлай-ғичирлай, мадрасалар ёнидаги бир кўчага бурилиб, нақшли дарбоза ёнида тўхтади. Аравадаги киши “Сиз туратуриг” дея ичкарига кириб кетди. Ҳаво топ-тоза, само нилий тусда тиниқ ёришган, отлар пишқириб, бурнидан паға-паға ҳовур чиқарар, бўғотлару ёғочлардан музсумалаклар шамширдай бўлиб осилиб турарди. Бир муддатдан сўнг ҳалиги киши қайтиб чиқди:

– Кирабергайсиз!

Каттагина ҳовлидан ўтиб даҳлизга кирилгач, бир хизматчи офтобада илиқ сув олиб келиб тутди. Эшик олдида уни келишимли, оппоқ соқолли бир мўйсафид кутиб олди.

– Алишербек сизмисиз? – деб сўради саломлашилгач.

– Менман, тақсир.

– Фақир Фазлуллоҳ Абулайсдирмен, – деб у билан кўришди хонадон эгаси. – Сиз ҳақингизда мавлоно Жомий нома юборибдилар. Аммо, Самарқандга келганингиздан номадан аввал хабар топсак, янада яхши бўлур эди.

Бу сўзлардан Алишер қалбида қуёш порлагандай бўлиб, миннатдорчилик билдиргач, олим уни ўчоғида олов гуриллаб турган, мушк иси анқиган иссиқ меҳмонхонага бошлади. Тўшакка ўтириб дуо қилинган, хизматчилар табақларда мевалар, ширинликлар, косаларда шўрва олиб киришди.

– Аввал таом, баъдаз калом демишлар, – деди мавлоно Фазлуллоҳ. – Сира тортинмасдан марҳамат қилаберинг. Ўзим ҳам хийла очикқан эдим, айбга буюрмайсиз.

Фазлуллоҳ Абулайс йигитнинг саломлашишидан то хонага кириши, ўтириши, луқма ейиши ва миннатдорчилик билдиришигача – ҳар одобни ўз ўрнига қўйишига кўнгли ёришиб разм солиб турарди. Уни мавлоно Жомийдек киши ўз қаноти остига олгани дарҳақиқат бежиз эмас, олий хулқли, юксак ахлоқли йигит экан! Юзларга қизил югуриб, баданга иссиқ ўтгач, Фазлуллоҳ Абулайс:

– Бизни маъзур тутинг. Бир муддат бу шаҳарда фақирликда экансиз, беҳабар қолибмиз, – деди. – Жомий ҳазратлари таърифингизни келтирибдилар. Бир нома Самарқанд ҳоқими Аҳмад Ҳожибекка ҳам етқурилмишдир. Сизга хонақоҳимиздан хужра тайин қилдик, дарҳол кўчиб келинг. Сабоқ учун эса фақир мударрислик қилмоқда бўлган Қозизода Румий мадрасасига боргайсиз. Таъминотингиз биздан бўлур, – деди мулойимлик билан.

Гўё кишда чарақлаб қуёш чиққандай, баҳор нафаси сезилгандай эди.

Мавлоно илтифотлар кўрсатиб, анча вақт суҳбатлашиб ўтирди. У Алишер ўқиган китоблардан, ўзи таниган-билган олимлардан сўради, суҳбат мавзуси шеърятга келгач эса, “Неча мисра ғазал билурсиз?” деб сўраган эди, “Аниқ ҳисобини айтолмасман. Қирқ-эллик минг мисра бўлса бордир” деган жавобни эшитиб, “Офарин” деб юборди.

Сўнг мавзу Ҳирийдаги вазиятга кўчди. Мавлоно Абулайс Ҳирийда кишилар ўлган ҳайвонларнинг гўштларини ейишгача боришганини, ўғрию талончи кўпайганини айтиб, сўнг кутилмаганда, улуғ кишиларга хос салмоқли тарзда “Ҳар жон борки, ўлимни тотгувчидир” ва “Ўзларининг қазо муддатларини олдга ҳам, ортга ҳам сура олмаслар” оятларини ўқиди.

Зийрак Алишер мавлоно уларни бежиз тилга олмаганини пайқаб:

– Нечук бу оятларни ўқидингиз? – деб сўради, кўнгли хуркиб-ҳайқиқиб. – Бир мусибат рўй бердимми?

– Бардам бўлинг, ўғлим, – деди мавлоно Абулайс. – Тағойиларингиз Сарахсда, падари бузрукворингиз Сабзаворда шаҳидликка қовушибдилар. Навкар қисмати шудир, жангда бўлмаса йўлда, йўлда бўлмаса, чўлда ажал ила юзлашгай.

– Волидам-чи? Иним-чи?

– Ҳам жигарларидан, ҳам хожасидан айрилганига ўртанган волидангиз намоз чоғи бандаликни бажо келтирибдилар. Оғойингиз Баҳлулбек инингиз Дарвишалини олиб, бир қанча яхши кишилар билан Марвга жўнабди. Дарвоқе, у ерда бир оғачангиз ҳам бор эмиш... – Мавлоно пешанасини

тириштириб, исмини эшлагга уриниб, тек қолди, сўнг: – Қутб! Ҳа, исми Қутб экан. Бир карвонга қўшилиб, Ироққа бош олиб кетибди...

Алишернинг ранги қув оқариб кетганини кўриб, унинг елкасига қўлини қўйди.

– Ал-ҳукму лиллах, эгасига кераклик экандурки, элтти, – деди юмшоқлик билан, изтиробда дир-дир титраётган йигитнинг озгин елкаларини силаб. – Ҳол буким, сизу биз борадиган маконга улар бир оз аввал бориб турибдилар. Тангри иродасига бўйсунинг, ҳақларига дуо қилинг.

– Устоз, – деди Алишер, ирода кучи билан ўзини қўлга олиб, лекин миждадан силқиб чиқаётган қайғу-алам ёшларини тўхтата олмай. – Кошкийди, уларнинг ўрнига мен ўлсам эди... Мен энди Ҳирий бораёй. Тириклигида бўлмаса, ўлганида... мозори бошида дуосини қилаёй...

– Ҳирий бормоғингиз сира ақлдан бўлмас, ўғлим, – деди мавлоно Абулайс. – Мархумларни шу ердан туриб дуо қилсангиз ҳам ҳеч бокиси йўқ, чунки жон капалаги аллақачон тан пилласидан учиб кетиб бўлди. Йўлларда қароқчилар ўтган-кетганни талар эмишлар. Ҳирийда хайр қушлари ўрнида ажал бойқушлари макон тутмиш, дейдилар. Фозиллар у шаҳарни тарк этибдилар. Бир оз сабр қилинг, иншоллоҳ, тез фурсатда боргайсиз.

Бундай демоғидан мурод – ҳар қандай оғир мусибат ҳам вақт ўтиши билан унутилиши эди. Ажал бойқушлари деб у Султон Абусаид аъёнларини назарда тутди. Хуросон шу қаҳри қаттиқ султон зулми остида тўлғонаётганини ҳар ким биларди.

Фазлуллоҳ Абулайс хизматчига бир нима деган эди, салдан сўнг бўй-басти келишган кўркам икки йигит кириб келди.

– Булар менинг ўғилларим, Хожа Хованд ва Хожа Абулқосим, – деди мавлоно Абулайс. – Иншоллоҳ, оға-ини тутингайсизлар. Хожа Абулқосим ила ёшингиз тенг кўринадир, биргалашиб сизга айирилган хужрага борингиз. Кам-кўсти бўлса, Абулқосим тартиблагайдир. Қани, овмин, – дея фотиҳага қўл очиб, Алишер ҳаққига дуо қилди.

Алишер унга миннатдорчилик билдириб, Абулқосим билан бирга хонақоҳга қараб йўл олишди.

Айтилган хужрага гилам солиниб, давот, шам, қоғоз-қалам, табақда меваю ҳолвалар, токчада белбоққа ўралган янги либослар қўйилган экан.

– Қиблагоҳимизнинг сизга ҳадяси, – деди Хожа Абулқосим, у билан хайрлашар экан. – Асло рад қилмаслигингизни ўтиндилар. Сизни фарзанд дедилар. Эртага Қозизода Румий мадрасасига борар экансиз.

Баҳорнинг илиқ нафаси сезилиб қолган, ҳали қор кетмаган бўлса-да, дашту туздан эсган шамоллар нафасида сезилар-сезилмас илиқлик бордай эди.

Гоҳида Тангри таоло киш совуқларини юборганида далалардаги курту кушлар ёппасига ҳалок бўлиб кетишади. Тақдири илоҳий Алишернинг бошига шу кунларни солди. Мисли бир лола эди, аёз совуғи ушук урдириб илвиратди. Гул-чечак ёзган бир сулола шу тарз йўқолиб кетаверди. Бор-йўғи бир неча йил ичида шунча иш содир бўлди.

Энди унинг бошида жигар бўлиб ДАДАШ<sup>1</sup> оғойиси Баҳлулбек ва иниси Дарвишали қолган эди, холос. Оға-инилар эндиликда ҳаёт уммонининг чексиз долғаларида ёлғиз сузмоқлари лозим эди.

Вужуд дард исқанжасида қақшарди. Шу ҳолида ҳам, хаёлидан сира чиқмаётган ота-она, жигар изтиробни ила, улар ҳаққига дуо қилиш учун токчага узаниб, Тангри таоло китобини олиб ғилофидан чиқарди-да, лавҳга қўйиб, таваккал бир саҳифани очган эди, шу каломга дуч келди:

***«Эй ўраниб олган зот, туринг ва одамларни огоҳлантиринг ва Роббингизни улуғланг!»***

Уни охиригача ўқиб, савобини марҳумларга бағишлаб, китобни ёпди-да, яна очди. Энди унга бошқа бир мўъжиза рўпара келди:

***“Сенинг кўксингни кенг қилиб қўймадикми? Ва сенинг юкингни енгиллатмадикми? У сенинг елкангни босиб турган эди. Ва сенинг зикрингни юқори кўтардик. Бас, албатта, бир қийинчилик билан осонлик***

---

<sup>1</sup> Дадаш – отанинг бошқа хотинидан тузилган оға ёки уни.



***бордир. Албатта, бир қийинчилик билан осонлик бордир. Фориз бўлсанг, ибодатига урингин. Ва фақат Роббингга рағбат қилгин!***

Ҳар холда, китобни ҳар ёпиб-очганида ўзининг ахволига ишора қилаётгандай туюлган оятларга рўпара келаётгани қалбини юпатарди. Тангри каломини ҳар гал очганида “Роббингизни улуғланг ва унга рағбат қилинг” сўзларига дуч келди. Уни бу ишларга солган зот, ундан чиқаришнинг йўлини ҳам қилмасми? Бунча можаролару шўришлар бир манзилни – мутлақ ибодат ва имон манзилини кўрсатиб турмаяптими? Тақдир ёй, мусибат ўқ бўлса-ю, уни отгувчи Аллоҳ бўлса, қайга қочиб қутулгайсан? Албатта, отгувчининг ўзига! Бу ўй унинг юрагидаги дарду изтиробни бир оз бўлса-да енгиллаштирди, ўрнидан турди-да, бўлиб ўтган ва бундан сўнг бўладиган барча ишларни хайрли қилишини сўраб, ҳожат намозини ўқишга тутинди.

### ***МАДРАСАДА ИЛК САБОҚ***

Бомдоддан сўнг теварак саҳарнинг кўрғошин ёруғи билан аста-секин ёришди. Уйқудаги қушлар уйғониб, чағиллаша-чағиллаша қор устида ризқ излашга тушишди. Уларнинг товуши ёқимсиз, бир увоқ ёки дон топганлари бошқалари билан таллашиб, чийиллаб уришиб қолишарди. Анчагина чумчук новвойхона томида тўпланибди. Бошига белбоғини салла қилиб ўраб олган раҳмдил новвой кафтида увоқларни олиб чиқиб, қор устига сочиб юборган эди, қушлар ундан ҳайиқмай, гур этиб ризққа ёпирилиб, чўқий бошлашди.

Қалин кийиниб олган Алишер новвойхона ёнидан ўтиб, Қозизода Румий мадрасаси томон йўл олди.

Бозордан ўтишда йўл четида дийдираб турган кишилар кўринди. Булар мардикорлар бўлиб, тўн устидан арқонни белбоғ қилиб боғлаб олишган, орада арраю рандаси, пойтешаси-ю андаваси билан усталар кўзга ташланарди. Ҳеч қандай асбобсиз, ҳар қандай ишга рози мардикорлар айниқса кўп, совуқда дийдираб кимдир келиб қолишини кутишарди. Улардан сал нарида каллапазлар тимида остига чўғ қўйилган, ҳовури бурқираб турган

катта тоғораларда қора халқнинг арзон таоми – пиширилган калла-почалар турарди.

– Ҳой йигит, келинг, сувтекинга бераман. Ичингизга иссиқ киради, маза қиласиз! – деб чорлади уни каллапаз.

Алишер нархини сўраган эди, “Бир чақа” деган жавоб бўлди.

– Одам калласи текин бўлган бир шаҳарда қўй калласи бир чақага сотилиши ажаб экан!

Каллапаз бу мутойибага қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди:

– Аслида у ҳам текин, бир чақа меҳнатнинг ҳақи, холос.

– Яхшиси, менга Қозизода Румий мадрасасини кўрсатинг.

– Муллаваччасиз чоғи? Тўғрига юриб ўнгга бурилинг, сиз излаган мадраса ўша ерда.

Алишер бош ирғаб, мардикорлар орасидан ўтди-да, ўнгга бурилган эди, кўркам, чиройли мадраса олдидан чиқиб қолди.

Илм олмоқ учун ўз туғилиб ўсган шаҳри – Бурсани тарк этиб Самарқандга келган ва юксак обрў-эътибор қозонган Қозизода Румий номи билан аталган бу мадрасани Султон Мирзо Улуғбек бошқалари қатори куллиёт усулида қурдирган бўлиб, унда Румийнинг ўзи мударрислик қилган, у дунёдан ўтгач эса, номи мадрасага берилган эди. Кун ёришгани сайин ихчам тўнли юпун толиби илмлар китобларини қўлтиқлаб мадраса эшигидан кирмоқда эдилар. Алишер ҳам улар қаторида кириб, кичик оқ салла ўраган жиккак кишига Мавлоно Абулайс ҳузурига келганини айтди.

– Таҳсил олишга келган бўлсангиз, имтиҳон топширгайсиз, – деди жиккак киши. – Мавлоно Абулайс бош мударрис бўладилар, имтиҳонни у кишига эмас, кичик мударрисларга топширасиз.

– Мени у кишининг ўзлари чорладилар. Ҳирийдан Алишер деб айтинг.

Жиккак киши унга ажабланиб қаради-да, бир оз кутишини айтиб, ўзи ичкари хонақоҳлар сари кетди. Салдан кейин сариқ тўнли, каттакон оқ саллали Фазлуллоҳ Абулайснинг ўзи чиқиб келди.

– Келдингизми? Эрта сахардан кўзим тўрт бўлиб сизни кутаман, – дея, Алишерни хужралардан бирига бошлади. Йўл-йўлакай мадраса хизматчиларидан Хожа Мислийни ва Хожа Косонийни чорлашларини айтиб, хужрага кирди-да, хонтахта устидаги кўзадан иссиқ шарбат қуйиб узатди. Бир оздан сўнг хужрага бири тўладан келган, қизил юзли, иккинчиси эса узун бўйли, кушбурун икки киши салом бериб кириб келишди.

– Сизнинг бу ерда дарс олишингизга ҳожат йўқ, ўғлим! Аллақачон мадраса дарслари даражасидан ўтиб бўлибсиз, – деди мавлоно Абулайс, уларни Алишерга таништириб. – Хожа Мислий сизга вақфдан маош тайин қилгайлар. Хожа Косоний эса кутубхоначимиздирлар, мадраса кутубхонасидан бемалол фойдалана олурсиз. Истасангиз, менинг ўз кутубхонам ҳам бор. Тиласангиз ҳандаса, илми нужум, фикҳ дарсларини тингланг, истасангиз менинг боғимга боринг, суҳбатлар қургаймиз. Тангри хайрли айласин. Мавлоно Ризо Афзал шу ердадилар? – деб сўради у Хожа Мислийдан.

– Боягина кутубхонадан бир неча китоб олдилар, дарсни бошладилар чоғи, – деб жавоб қилди Хожа Косоний.

– У ҳолда сабоқларга бир-бир киринг, мударрислару талабалар билан танишинг. Сабоқдан сўнг ёнимга келинг, биргалашиб боғимизга боргаймиз, – деб суҳбатга яқун ясади Фазлуллоҳ Абулайс.

Хожа Мислий Алишерни бошлаб, сабоқхона томон йўл олди.

Кутубхоначи янглишмаган экан: шифти паст, бироқ ёруғ сабоқхонада ўнга яқин толиб дафтар-қалами билан ўтирар, мавлоно Ризо Афзал фикҳ дарсини ўтмоқда эди.

Хожа Мислий уларга Алишерни таништиргач, барча ҳайрат кўзи билан қараб қолди.

– Ҳай, мошоллоҳ! – деб хитоб қилди мавлоно Ризо Афзал, икки кўлини кўксига босиб. – Сизни кўрмоқ фалакнинг ажойиб тухфаси бўлди. Номингизни эшитган, абъётингидан хабаримиз бор эди. Девонингиз

шуҳратини эшитиб, кўлимизга етиб келишини орзулардик, Аллоҳга шукрки, ўзингиз етиб келибсиз!

Мавлоно Алишерга ёнидан жой кўрсатди, бироқ Алишер буни ўзига раво кўрмай, “Ҳаргиз сабоқни тўхтатманг, мен ҳам дарсингизга муштоқман” деб, толиблар каторига ўтиб ўтирди.

– У ҳолда рухсатингиз билан давом этсак,— деди мавлоно. – Демак, аввал ҳам айтганимдек, ер юзидаги энг кўрқинчли ҳақ мўминнинг ҳақидир! Дарсларимизга ҳандаса илми шу сабабдан киритилди. Мовароуннаҳр халқи мусулмондир, демакки, шоҳу гадо ҳам Тангри таоло қонунлари олдида бир бўлмоғи, мўмин ҳақининг энг кичик заррасига ҳам хиёнат қилинмаслиги шарт. Мисол учун, бир одамнинг икки ўғли, бир қизи бор эди, у вафот этгач, ундан ҳилол шаклидаги бир ер мерос қолди. Мерос кимга қандай бўлинишидан барчангизнинг хабарингиз бор. Хўш, ҳилол шаклидаги у сатҳ қандай ўлчаниб, қандай тақсимлангайдир?

Ҳеч ким жавоб бермади.

– Шероздан Жамшид ал-Кошийни чорлатиб, мураккаб сатҳларни ўлчаш мезонлари ҳақидаги рисоаларини ёздиргани учун Султон Мирзо Улуғбекни дуо қилаберинг. Ал-Коший ўз рисоласини шундай мукамал туздики, у келтирган ҳисоб усуллари барча ҳисобларнинг негизига айланди. Масалан, кўп қиррали нақшин гавҳартош қийматини ёки тўрт мезанали айлана мақбаранинг тамалига тушадиган оғирликни ҳисоблашда хатога сира ўрин қолдирмади. Шундан сўнг нафақат мусулмон, балки кофир мамлакатларнинг олимлари ҳам ўз совға-саломларини кўтариб, Самарқандга дарёдай оқиб кела бошлашди. Диёримиз оимларининг бахти ҳам Улуғбек Мирзодай зот Мовароуннаҳрга султон эканлигида бўлди.

– Сиз икки ўлчамли сатҳни айтдингиз, уч ўлчамлисининг ҳисоби қандай бўлгай? – деб сўради талабалардан бири.

– Бу худди тирик бир ҳайвондан қанча тери чиқишини ҳисоблашга ўхшайди. Кейинги сабоқда мен сизга уни қандай ҳисоблашни тушунтириб бераман. Ал-Коший бу билан кифояланмасдан, султон Улуғбек Мирзонинг

рухсати билан юлдузлар ва само жисмларининг ҳаракат йўлларини ҳисоблаш ҳақида ҳам рисола битди. Сизларга бир савол берайин. Фолбинлик ва мунажжимлик ҳаром қилинган бўлса, бундай илмга нечун рухсат берилди, қай бирингиз айта оласиз?

Бу саволга ҳеч ким жавоб бера олмади, чунки бу масала қайси оят ёки ҳадис билан қувватланишини исботлаш лозим эди.

– Биринчи далил шуки, ер юзида содир бўладиган турли-туман ходисаларни, чунончи ҳосил етилиши, шамол эсиши, сувларнинг оқиши ва ер юзи тартибига оид ишларни фаришталар адо этадилар. Улар содир бўлиши ирода қилинган ишларни сўзлашаётган маҳалида эса жинлар кўкка кўтарилиб, уни ўғринча эшитиб олишарди. Бир куни, – бу оламлар сарварига Қуръон нозил бўлгач содир бўлди, – улар кўкка кўтарилишганида ўзларини учар юлдузлар кутиб турганини кўришди. Қай бири бир сирдан воқиф бўлса, учар юлдуз уни албатта қувиб етар ва ҳалок қиларди. Бу хабар қатида шунчалар кўп маъно яширинки, илми нужумнинг барчасини ифодаламоқда. Яъни, юлдузлар турли-туман бўлишидан ташқари, ҳар бирининг ўз вазифаси борлигидан ҳам далолат бермоқда.

Иккинчи далилимиз “Куллун фи фалаки ясбахун”, яъни “Улар фалакда сузиб юргайдирлар” каломи бўлиб, бундан фазонинг муаллақлиги келиб чиққайдир. Ер ҳам, Қуёш ҳам, юлдузлару сайёралар ҳам коинотда муаллақ сузиб юргайлар ва уларнинг ўз қазою қадари мавжуддир.

Учинчи далил – “Юлдузларнинг ботар жойларига қасам” каломидир.

Мана шу уч оят илми нужумнинг жоизлигига далолатдир. Юлдузларнинг жойлашув ўринлари ва ҳолатига қараб ер юзида аниқ, ўзгармас вақтни жорий қилса бўлади деган фикрга кўпчилик рози бўлди. Йўқса, халифа Маъмун бу ишга журъат қилолмаган ва ўрганиладиган фанлар қаторига илми нужумни киритмаган, Абу Райҳоннинг тенги йўқ “Қонуни”<sup>1</sup> ёки Фарғонийнинг «Китоб ал-ҳаракат ас-самавиййа»си яратилмаган бўларди. Ҳар ҳолда, юлдузларнинг чиқиш ва ботиш вақтларининг ўзиёқ барчани бирдай қизиқтириши маълум.

<sup>1</sup> Абу Райҳон Берунийнинг “Қонуни Масъудий” асари.

Демакки, Тангри таоло яратувчилигининг далили ўлароқ, фолбинликка эмас, илми нужумга изн берилди. Ҳандаса бу ижозат билан еру осмонларни қамраб олди ва алоҳида фан бўлишга даъво қилди.

...Бир ёнда жангу жадаллар давом этиб, конлар тўкиларкан, бир ёнда илм-фан гуркираши ажаб эди. Фанларнинг энг маъқул жиҳати адолат учун хизмат қилишида бўлиб, турли ҳисоб-китоб усуллари ортида кишилар тақдири ва меҳнати турарди. Мисол учун, етти фарзандли бир киши кўклардан ёз охиригача тер тўкиб, эллик ботмон буғдой ҳосил олди, бироқ у тер тўккан ер-сув ижарада бўлиб, ҳўкизлари ва чоракорлари ҳам ёлланма эди. Хўш, соф ҳосил қай тарз ҳисоблангай ва нисоб қандай чиқарилгай? Ёки, нисобдан ортгани қай тарз хазинага ундирилгай? Чорва, парранда, ер-сув нисоби қандай, қайси ҳукмга биноан олингай? Бу ажойиб фан етимдан тортиб кўр, қар, соқов ёки чўлоқ кишининг ҳақларигача маълум қилмоқда ва салтанатлар қонунларини Оламлар Парвардигори ҳукмларига бўйсундирмоқда эди.

Мадраса дарслари ва Фазлуллоҳ Абулайс суҳбатлари Алишер ўй-фикрини беҳад кенгайтириб, шу хулосага олиб келди: нафақат ер юзи, балки Коинот ҳам тенги йўқ қудрат кўргазмасидир, унинг ҳақиқатлари эса илм туфайли маълум бўлгай. Ҳар дам, ҳар нафасда бир савоб ҳосил қилишга саъй қилингайдир, савоб эса ниятдан пайдо бўлиши маълум. Машҳадда шайх Абу Абдуллоҳ Жунайдийнинг “Тангри таоло яратган барча яратикларни севмоқ” деган сўзлари шу тариқа ўз маъноларини очди. Авлиёнинг “Ҳар маҳрумият муваффақиятдир, ҳар муваффақият маҳрумиятдир” деган ҳикмати эса у маъно пештоқиға олтин сарлавҳа бўлиб муҳрланди.

### ***ЭЪТИҚОД СИРЛАРИ***

Сабобдан сўнг Фазлуллоҳ Абулайс уни кутиб турган экан, икковлон мадрасадан бирга чиқиб, мавлоно боғига йўл олишди.

– Кеча оқшом Самарқанд ҳокими Аҳмад Ҳожибек билан сиз ҳақингизда суҳбат бўлди, – деди Фазлуллоҳ Абулайс. – Сиз ҳам, у ҳам хуросонийсиз.

Айтилдики, икки қирғоқни бир қилиб, шакар ила сутни қўшибсиз, яъни ширу шакар қилибсиз.

Бу билан Фазлуллоҳ Абулайс Алишернинг туркчада ҳам, форсчада ҳам бирдай ғазал битишига ишора қилмоқда эди. Алишер муддаони дарҳол фаҳмлаб, жавоб берди:

– Бири сут, иккинчиси найшакар қанди, ўзим Хуросон фарзанди бўлсам, улуғларимиз найшакар қанди қўшилган сутни хуш кўрсалар, бундай қилмай иложим борми?

Фазлуллоҳ Абулайсга бу таъриф ёқиб тушди:

– Дарёлар ўзанидан тошса фалокат, маромида оққанида эса баракот келтиради. Бизлар озгина илмимиз билан султонлар ғазабини ўз ўзанида тутишга уриндик, халойиқ бошига фалокат эмас, ризқу рўз ёғилсин дедик. Сиз энди Самарқандда уламо суҳбатида бўлинг, керакли илмларни ўрганинг, Самарқанд сизнинг тақдирингизда илм булоғи бўлиб қолсин.

– У ҳолда менга суфийлар борасида ҳам сўз айтсангиз, – деди Алишер.

– Сиз тариқатдан яхши хабардорсиз, ҳар ҳолда, бу иборанинг келиб чиқишини сўрадингиз чоғи? Суфийлар ҳаким, яъни ҳикмат эгаларидир, – деди Фазлуллоҳ Абулайс. – Абу Райҳонга кўра, араб ҳарфида «син» билан ёзилган юнонча “суф” сўзи бизча ҳикмат демақдир.

Кейин батафсил тушунтирди:

– Сизга Абу Райҳондан мисол келтирай. Мусулмонлардан бир гуруҳи сўфийларнинг ўша тушунчаларига яқин фикрга борганидан улар ҳам “суффия” деб аталдилар. Баъзилар “суффия” сўзининг чин маъносини билмасдан таваккал қилиб, арабча «сод» ҳарфи билан – “суффа” сўзига нисбат бериб, улар пайғамбар алайҳиссалом давридаги суффа суҳбатдошлари – асҳоби суффадан иборат кишилардир, дедилар. Ундан кейингилар эса бу сўзни “суф” – юнг сўзидан қисқартирилган, деб тушунишди. Ҳаттоки Абул Фатҳ Бустий унинг маъносидан яхшигина четга чиқиб, шундай деди: «Одамлар сўфий сўзида тортишишиб, қадимдан турли фикрда бўлишиб, уни суф, яъни жун сўзидан олинган деб гумон қилдилар. Мен суфий сўзини

софий, яъни соф, содда йигитдан бошқа нарса деб билмайман”. Шундай қилиб, ўша «софий» лафзи хато ёзилиб «суфий»га айланиб кетгач, ниҳоят бу сўз бизга маълум сўфийларга лақаб бўлди.

Алишернинг ёдига Абул Фатҳ Бустийнинг Самарқанд хақидаги шеъри келди. Беруний замонасида яшаган у киши олимликдан ҳам кўра, зуллисонайн шоирлиги ва ҳозиржавоблиги билан донг чиқарган бўлиб, ушбу мисралари машҳур эди:

*Ул дунёда жаннат бордир мўминларга аталган,  
Бул дунё жаннатининг номи эрур Самарқанд.*

*Балхни унга тенглаштирган, эй билмаган гофил зот,  
Абу Жаҳл тарвузига тенг келурми, ахир, қанд?!*

– Унинг бу шеъридан беҳабар эканман. Энди, ўғлим, мен сизга улуғ бир сирни очай, диққат билан эшитинг! – деди Фазлуллоҳ Абулайс. – Сон-саноксиз фақру фано ошиқлари яшаб ўтишди. Бироқ уларнинг кўпчилиги ўзлари орзу қилган мартабаларни кўрмадилар. Чунки зикр, муроқаб ва ёки муноқашадан ҳам улуғроқ бир мартаба борлигидан беҳабар қолишди. Шуни билиб олинг: зикр ва муроқаб ва, бирор мусулмонга яхшилик бахш этувчи хизмат бўлмаган пайтдагина бажарилади. Инсоннинг кўнглини чароғон этишга сабаб бўладиган хизмат, зикр ва муроқабадан анча олдин келади.

Бу сўзлар Алишер учун янгилик бўлди, чунки бундай изоҳни у аввал эшитмаган эди.

– Баъзилар, нафл ибодати билан машғул бўлиш халққа хизмат қилишдан фойдалироқ деб ўйладилар. Ваҳоланки, хизматнинг самараси кўнгиллардаги муҳаббат ва ҳузурдир. “Қалблар, ўзига яхшилик қилган одамга муҳаббатли бўладиган қилиб яратилганлар” сўзлари буни яхши англатади. Нафл ибодатининг натижаси ва мўъминлар муҳаббатининг ҳосиласи асло бир даражада эмас... Бири дарё бўйидаги ёлғиз дарахт бўлса, иккинчиси яхшилик



кўрган мўминлар саноғичалик улкан бир боғдир. Булар менинг эмас, Хўжа Аҳрор валийнинг сўзларидир. У дедики: “Мен бу ҳақиқатларни тасаввуф китобларидан билиб олганим йўқ, халққа хизмат қилиб ўргандим!”

– Сиз авлиёуллоҳ йўлини тавсия қилдингиз! – деди Алишер, муддаони дарҳол илғаб.

– Офарин, ўғлим! Бу худди Мустафога Тангрининг барча марҳаматлари инъом этилса-да, “Умматим” деб зорланганига ўхшайди. Фалакда сузиб юрувчи ой унинг хизматига ошиққан, дарахт ерни ёриб унинг қошига таъзимга келган эди. Шундай улуғ мақомда туриб, Оламлар Парвардигорига “Умматим” деб нидо қилди! Тангри таоло унинг қалбини ойдаё ярақлатиб, ўз хузурига кўтарди, агар умматига жони ачимаса, шундай юксакка кўтарармиди?

Суҳбат узоқ давом этди. Фазлуллоҳ Абулайс халққа хизмат қилишнинг фойдалари ҳақида яна бир қанча мисоллар келтиргач:

– Буларни сизга айтишдан муддао шуки, ихтиёрингизда беҳад кучли сўз кудрати, ўта теран зако бор. У кудратни мўминлар хизматига сарф қилсангиз янада дуруст бўлмай деб айтдим, айбга буюрмайсиз. Эшигимиз сизга мудом очик, кўнглингиз тилагани он келабергайсиз, – деди суҳбатга яқун ясаб. – Гоҳо чорласак оёғингизни кўлингизга ола чопа келинг, чунки бизлар сизни кўрмоққа муштоқ бўлғаймиз.

Хайрлашиш асносида Алишер устозидан дуо ўтинган эди, мавлоно Абулайс қўлларини очди:

– Қилич бирла қалам тенг бўлурми? Бири йўқ қилгайдир, бири эса яратгайдир! Тангри таоло Мусо алайҳиссаломнинг асосини сизга қалам қилиб тутқазибди, ҳақиқатини ҳам ато этсин!– деб дуо қилди.

Шундан сўнг бир қулга совға-салом ва егуликлар кўтартириб, Алишерни кузатиб қўйдилар.

Вақт кеч бўлган, қайдандир миршаб шақиллоғининг товуши эшитилар, Самарқанд осмонига эса Сомон йўли сочилиб кетган эди. Кўҳак тепалигига етишганида самодаги юлдузлар қўл чўзса етар даражада яқинлашиб

колгандай туюлди. Ҳа, баҳор кўп нарсани ўзгартирган, само пастлагандай, юлдузлар яқинлашиб, ажиб келажакни ваъда қилгандай жимирашарди. Алишер тўхтаб, узок муддат кўкка тикилиб қолди. Самарқанд аҳли бу юлдузларни ўзича номлаган, анави Еттиоғайни, буниси Катта ва Кичик Чўмич... Сомон йўли эса кумуш чангидай ёйилиб кетган эди.

Шу он фалак Қум шаҳрида кўрсатган каромат яна бир бор рўй берди: юлдузлардан бири ўз жойидан кўзғалди-да, шиддат-ла ҳаракатлана бошлади. Бу ҳақиқатан ҳам улуғ ҳодиса эди. Бир оз ҳаракатлангач, тепага қараб супурги монанд ўрлаган куйруқ пайдо қилди. Юлдузни самода сайр қилдириб қўйган Тангрига мактовлар бўлсин! Инсонни ер юзидан юлдуздай кездирган Аллоҳу акбарга ҳамдлар бўлсин! Ажабо, у юлдуз нималардан дарак берган эди? Бу юлдуз-чи?

Ҳар ҳолда, ғавғою шўришларга тўла ер юзидан ғоят юксаклардаги у юлдуз қалбни завқ ва қувончга тўлдириб, фалак тоқида нелардир етилиб келаятигандан дарак бериб учарди.

Алишернинг юраги шодликка тўлди. Қул ҳам самонинг бу ҳодисасига хайрон бўлиб қараб турарди.

– Ё Аллоҳ! – дерди. – Ота-онам фидо бўлсин, қулоғим мундай мўъжизани эшитган, аммо кўзим сира кўрмаган эди! Эй воҳ! Энди не бўлмай?

– Юрақолинг, биродар! – деди Алишер унга, хушҳоллик билан. – Хожангиз мен бўлсам эди, сизни дарҳол озод қилган бўлардим! Ироқликлар айтурларки, думли юлдузнинг куйруғи тепага қараган бўлса, хайру марҳаматларидан дарак эмиш. Иншоллоҳ сизнинг ҳам, менинг ҳам ҳаётимда бундан буёғига яхшиликлар рўй бермай!

Эртасига Фазлуллоҳ Абулайс уни Самарқанд ўрдасига, амир Аҳмад Ҳожибек ҳузурига олиб борди. Миқти гавдали, соқоли икки юзидан ўсган ўрта бўйли бу киши бир неча йил бурун Ҳирот ҳокими бўлган, султон Абусаид замонасига келиб Самарқандга ҳоким этиб тайинланган эди. Амир Ғиёсиддинбекнинг шаҳид бўлганидан хабардор экан, ҳол-аҳвол сўраб, марҳумлар ҳаққига дуо қилгач:

– Бундан бу ёғига салтанат паноҳидасиз, бизни йўқлаб тулинг, – деди ортиқча такаллуфсиз. – Агар майлингиз бор бўлса, нур устига аъло нур, шикорда ҳам биз билан бўлгайдирсиз.

Аҳмад Ҳожибек вақтини кўпинча шаҳардан ташқарида, жангу жадал машқлари-ю куш ови билан ўтказиши ҳаммага маълум эди.

– Ҳурматли ҳожим, Алишербек ўзга кушлар билан ов қилишни кўзлаган, – деб жавоб қилди Фазлуллоҳ Абулайс.

– Ўзга кушлардан муддао не? – кўзларини қисиб, қувлик билан сўради Аҳмад Ҳожибек.

– Шеър аёт куши. Шу ёшидаёқ анча-мунча шоирларни чангал уриб кўкка кўтариб кетадиган қуввати бор.

Аҳмад Ҳожибек кулиб юборди.

– Бизнинг ҳам ундай кушларга қизиқишимиз бор, лекин не тонгки, ов қушимиз машхуррокдир!

Шундай деб, Алишерга не лузумот бўлса тортинмай келаверишини тайинлаб, бир ҳамён ақча, совға-саломлар инъом қилиб хайрлашди.

\* \* \*

Оламнинг сайқали Самарқандда йиллар шеър аётсиз ўтармиди? Шоҳларидан гадосигача шеър ҳавасида жўшган бу азим пойтахтда муаммо илмининг устози Мавлоно Шоший, Мирзо Улуғбек мадрасасининг мударриси Хожа Хурд, султон Улуғбек билан бирга таълим олган Мавлоно Муҳаммад Олим, машхур хаттот Мавлоно Сойилий, мусиқа устози Дарвеш Аҳмад Самарқандий каби шоирлар даврасида янги битилган ғазаллару муаммолар муҳокама қилинар, Алишер ўзининг топқирлиги ва ажойиб таъби билан барчасидан ўзиб кетган эди.

Бир куни мадрасада ғазал муҳокамаси бўлди. Йиғиндагилар орасида феълнинг тезлиги билан ном чиқарган Мавлоно Риёзий:

– Бу кеча бир ғазал битдим, маъқул десангиз, эрта алассабоҳ мадраса деворига осмоқчиман, – деб, ғазални ўқиб берди:

*Эрур юлдуз ҳилолқошим қулоғинда магар инжу,  
Хусн ичра қуёш миқёсини даъво қилур, ёху!*<sup>1</sup>

– Икки мисра орасида сабт жиҳатидан бир “ки” лафзи керак, – деди Алишер, оҳангдаги сакталиқни дарҳол илғаб. – Истасангиз, тузатиб ўқий.

– Нимасини тузатардингиз? Ҳай ана, ўқисангиз ўқийберинг, – деди мавлоно Риёзий, тундлашиб.

Алишер жавоб қилди:

– Сиз ёр қулоғидаги инжуларни юлдузга, қошларини ҳилолга, юзини эса қуёшга ўхшатиб, юлдуз-у ой-у қуёшни бир вақтда тасвирлабсиз, бу нотабиийдир. Мана бундай десангиз яхшироқ бўлар эди:

*Хусн ичра ҳилолқошим қулоғинда магар инжу,  
Эрур юлдуз, ки ой миқёсини даъво қилур, ёху!*

Яъни ҳилол қошли ёрнинг қулоғидаги дур-инжу ой билан тенглашмоқчи бўлган юлдузга ўхшайди. Бунда «ой-юлдуз» мутаносиб ва табиий ҳол сифатида қабул қилинади.

– Йўқ-йўқ, менга ўзимники маъқул, сизнинг айтганингиз тўғри келмайди, – деди Риёзий ҳурпайиб.

Ёнидагилар Алишербекнинг тузатиши тўғри бўлганини айтишса ҳам, Риёзий қайсарлик билан ўз сўзида туриб олди.

Андижондан Самарқандга келиб, шу мадрасада таҳсил олаётган шоир Юсуф Бадиий, кўзлари шўх чакнаб луқма ташлади:

– Майли, сўз таъбингизга тараф йўқ, муаммо бобида ҳам бир нима денгчи!

Бу хушчакчақ йигитни дўсту ёронлари Бадиий деб эмас, кайф-сафо мажлисларини ёқтиргани учун Сафой деб аташар эди. Таҳсилларда доимо

---

<sup>1</sup> Форсчадан Нодира Афоқова таржимаси.

Алишернинг ёнида эди. Алишер бир оз ўйланиб турди-да, бир муаммо билан жавоб қилди:

***Қасди жонимга чу мужгонинг икки саф тузди,***

***Бири қош ёси, бири гамзанг ўқин кўргузди.***

Муаммонинг мағзини чаққанлар, шу жумладан Юсуф Бадиийнинг ўзи ҳам баракалла дея кулиб юборишди. Чунки биринчи байтдаги “саф” сўзига иккинчи байтдаги “қош ёси” сўзидаги “йо” кўшилса, Сафой келиб чиқарди. Навоийнинг мутойибаси шунда эдики, у ҳам Бадиийни лақаби билан, яъни Сафой деб атади.

Бир Риёзий кулмас, лекин Алишербекка гинаси йўқ, ич-ичидан унинг маслаҳати тўғри эканини тан олса-да ташига чиқармай, гўё ўз ҳурматини кўлдан бермай ўтирарди.

– Дўстлар, бир иш хотирга келди, марғуб кўрсангиз айтай, – деди Алишер. – Орамизда фасоҳатда беназир бир шоир бор эди, Тангри раҳматига ковушди. Мана бу матлаъ унингдир, – деб, ёддан ўқиди:

***Кўзунг не бало қаро бўлубтур,***

***Ким жонга қаро бало бўлубтур.***

– Мирзобек Самарқандий шеъри! – дарҳол таниб олишди даврадагилар. – Эй воҳ, ҳақиқатан ҳам жуда ёш кетди шўрлик. Девон тузишни орзуларди, орзусига етишолмади.

– Мен фақир у дўстимизнинг бир байтини давом эттирдим, унга баҳо беринг.

***Кўзунг не бало қаро бўлубтур,***

***Ким жонга қаро бало бўлубтур.***

*Мажмуъи давони дард қилдинг,  
Дардингки манго даво бўлубтур.*

*Ишқ ичра анинг фидоси юз жон,  
Ҳар жонки сенго фидо бўлубтур.*

*Бегона бўлубтур ошнодин,  
Бегонага ошно бўлубтур.*

*То қилди юзунг ҳавоси жоним,  
Юз сори анго ҳаво бўлубтур.*

*Боқий топар улки бўлди фоний,  
Раҳравга фано бақо бўлубтур.*

*То тузди Навоий ояти ишқ,  
Ишқ аҳли аро наво бўлубтур.*

– Эй воҳ, Мирзобекка аталган марсия бўлмиш, – деди мавлоно Риёзий, бояги гинаси тарқаб, чин дилдан. – Ёдини ғазалга мангуга муҳрлабсиз. Уни менга беринг, мадраса деворига ўзим осиб қўяй.

– Йўқ-йўқ, мадраса деворига эмас, ўрда кираверишига осилса арзийди, – деди Юсуф Бадиий. – Уни менга берсангиз, кўчириб, эрта бориб осиб келгаймен.

**Сўнг:**

– Менинг ғазалларим-чи? – деб сўради. – Ўтган гал сиз маломат қилган ғазални бир оз тузатдим, балки ўшани ҳам мунинг ёнига оссам бўлар?

Чиндан ҳам, бундан аввалги шеър мажлисида Бадиий жуда бўш бир ғазалини ўқиган, Алишер уни қаттиқ танқид қилган эди.

– Менга қолса қалъа деворига у ғазални эмас, ўшандай эътиборсизлик қилганингиз учун ўзингизни осган бўлар эдим! – деди Алишер ҳазиллашиб.

Яна кулги кўтарилди. Ҳеч ким хафа бўлмади, балки топқирлик ва ҳозиржавоблик билан айтилган бу мутойиба барчанинг завқини келтирди.

### ***ТАҚДИР ХУШХАБАРИ***

Орадан бир неча йил ўтди.

Илми нужум, жўғрофия, ҳисоб, тиб, буларнинг барчасини мужассам айлагудек қудратга эга шеър санъати, шунингдек, инсоният тарихи ҳақидаги фанлар Алишерни дунё ишларидан юпатиб, жилвакор фикр оламларига олиб кирди.

Мавлоно Хожа Мислий мусулмон ва маъжусий тарихининг тенги йўқ билимдони бўлиб чиқди. У турфа улусларнинг эътиқоди, урф-одатлари, қавмларнинг қалқиниши ва таназули ҳақида шунчалар жонли ва ҳаққоний ҳикоялар сўзлаб бердики! Арастунинг “Тарих”, Абу Райҳоннинг “Осору-л-боқия” ва ибн Касирнинг “Ал-бидоя ва-н-нихоя” китобларини бир-бирига қиёслаб, толиблар тасаввурини то Одам Ато замонига қадар етказди.

Одам сафиуллоҳдан Нух нажиуллоҳгача, Иброҳим халилуллоҳдан Мусо калиматуллоҳгача, Исо руҳуллоҳдан Ҳазрати Муҳаммад ҳабибуллоҳгача бўлган даврларда яшаб ўтган турли қавмларнинг хато ва адашишларига бир-бир тўхталиб, устига тоғ келтириб қўйилган ёки самога қараб турган ҳолларида чакмоқ урган қавмлардан, кўкдан неъматлар ёғилиб турган маҳал Тангридан саримсоқ сўраган улус воқеасидан то Расул акрам қошида йиғлаган хурмо дарахтигача шарҳлаб ўтди.

Хожа Мислий ривоятларининг энг ажаб хусусияти – жонлию жонсизнинг инсон каби сўзлаши эди. Ҳазрати Сулаймон қошида Худҳуд қандай сўзона бўлган эса, Тур тоғида қуриган оғоч қандай садо чиқарган бўлса, у ҳолда тоғлару чўллар, денгизу дарёлар, қумлару тошлар одамдай сўз айтмасинми? Бу ҳодисаларнинг бари ер юзининг гавҳари саналган инсон боласи учун рўй бергани, бутун бу коинот бир инсончалик қиймат касб этмаслиги ҳақида

далиллар келтирар экан, хар сўзининг сўнгида “Бас, Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсиз?” деб такрорларди.

Ҳар ҳолда, Хожа Мислий ушбу ҳикматларнинг абётга муҳрланишини ва санъат либосига ўранишини жуда истарди. Шу сабабли, даврада Навоий бўлган кезлари шоён берилиб, севиниб дарс ўтарди

Улуғ Тангри таоло ер тубларидан само тоқига қадар даражотлар бино қилди ва уларга турли-туман яратикларини жойлади. Бу шундайки, бир жон эгаси ер юзида сургалса, бошқаси елдай учади. Бири хурмо оғочи бўйи қадар қанот қоқса, бошқаси булутлар устида парвоз қилади. Булар инсон даражаларини кўрсатиб туриши билан бирга, юзлаб-минглаб судралувчи, сирғалувчи, сузувчи, одимловчи, югурувчи яратикларнинг барчаси ягона бир манзилга ишора қилиб туриши ажаб! Бас, шундай экан, гуноҳлар тирик жонни тилка-пора қилгувчи махлуқлар шаклида нечун қайтадан жонланмасин? Бир кишига етказилган ипдай зарар нечун қаттол илонга айланмасин?

***Кимгаки бир ришта етурдинг зиён,  
Қатлингга ул риштани билгил йилон.***

Фикҳда эса у деярли барча олимларнинг асарларини ўрганиб чиқди, ва мавлоно Абулайснинг ноёб шарҳларини ва бошқа мударрисларнинг таъвилларини хотирасига нақшлади.

Мавлоно Фазлуллоҳ бир куни мўминлик шартлари ҳақида сўз борар экан, толиблардан бирининг “Барча ҳукмларни оғишмай адо этган киши саодат эгасидир” деган сўзларини шарҳлаб:

– Бу ишни дашт қорақуши ҳам бажармоқда, – деди танбеҳ йўсинида. – Шому саҳар сайраши унинг ибодатидир. Қилар иши Тангри ҳукмига тўла бўйсунуш бўлгани учун у албатта мўминдир.

– У ҳолда Тангри наздида янада юксак даражаларга эришиш учун нима қилиш лозим?



– Савоб! – деб жавоб қилди Фазлуллоҳ Абулайс. – Чунки, Тангри таоло яратикларидан фақат инсонгина бунга қодирдир. Савоб қалбнинг ишидир – шу сабабдан ҳатто ниятга ҳам қиймат берилиши таъкидланди. Билинг, Каъба Тангрининг уйи бўлса, қалб – Аллоҳ таолонинг назаргоҳидир!

Бу суҳбатлар Алишернинг зехни ёруғида гўзал мисраларга айланди:

*Солик ани арши муалло деди,  
Суфи ани олами кубро деди.*

*Айни назоҳатда бу аъзам жаҳон,  
Борча жаҳон аҳли кўзидин ниҳон.*

*Каъбаки, оламнинг ўлуб қибласи,  
Қадри йўқ андоқки кўнгул каъбаси.*

*Ким бу халойиққа эрур саждагоҳ,  
Ул бири Холиққа эрур жилвагоҳ...*

\* \* \*

Ҳа, бир неча йил йилдирим тезлигида ўтди. Яна куз келиб, улуф Самарқанд осмони ёмғирли булутларга бурканди. Ҳар тараф лой-балчиқ бўлди.

Айни замонда фалак сувчиси тақдир тегирмонига янги ҳодисотлар сувини куймоқда эди.

Ёмғирли булутлар Ироқ элидан ўтиб келиб, Хуросон ва Мовароуннаҳр узра бир неча кун туриб қолди. Айни пайтда Сабзаворда Султон Ҳусайн босқин тадоригини кўрмоқда, кўшин юришга тайёрланмоқда, Ҳирийда Султон Абусаид Мирзо чериги Султон Ҳусайн босқинидан ташвишда, у ҳам тайёргарчилик билан машғул, Машҳадда Шоҳрух Мирзо ўғилларидан Музаффар Мирзо амирзодалардан хафа ҳолда Хуросон юришига ҳозирлик кўрар, тафриқа ичра яшаётган темурийзодалар салтанати узра эзиб-эзиб куз ёмғирлари ёғмоқда эди.

Ортидан паға-паға қор ёғди. Шаҳру кентлар, қишлоғу даштлар оқ кўрпа остида қолди. У кузнинг совуқ ва изтиробли манзарасини ўзгартириб, изғиринда дийдираган табиат узра нафис ёпқичини ёпди.

Кобул-у Ҳирий ҳам қорга бурканди. Балх тоғларига шу қадар қалин тушдики, емишсиз қолган қушларни қўл билан тутиб олса бўларди.

873-йил<sup>1</sup> Мовароуннаҳр-у Хуросонга шундай келди.

У ўзи билан турли хатарнок воқеаларни олиб келди. Қорабоғда Узун Ҳасан билан бўлган чопқинда Султон Абусаид Мирзо ҳалок бўлгани хабари келгач, Мовароуннаҳр бир тўлғаниб олди. Кўча-кўйда, давраларда, базмларда-ю бозорларда кишилар шуни гапиришарди:

– Эшитдингизми? Султон Абусаид Мирзо шаҳид бўлибди!

– Шаҳид деб кофирга қарши жангда ҳалок бўлганга айтилгай. Узун Ҳасан кофирмиди?

– Сираям шаҳид бўлмабди, балки Муҳаммад Ёдгор буйруғига кўра ўлдирилибди!

– Интиқом денг! Бир маҳаллар маликаи киром Гавҳаршодбегимни чопиб ўлдиришга буйруқ бермаганмиди? Ана, ўзи ҳам чопиб ўлдирилди.

– Энди Хуросон бошига ким келгай?

– Ким келса ҳам бир хайру марҳамат бўлмагай деб қўрқаман.

– Ҳеч домангир бўлмангиз. Султоннинг валиаҳдлари етарликдир. Шаръий-у тўқол хотунларидан аллақанча ўғли бордир. Мисол учун, тўнғичи Аҳмад Мирзо валиаҳд бўлгайдир.

– Ҳақиқатан ҳам, ҳали султон жасади Хуросонга етиб келмасидан тахтга Аҳмад Мирзо ўтиргани эълон қилиниб, номи жума хутбасига кўшиб ўқилиб бўлибдир.

– Қаранг, бир сулоланинг ўғиллари бир-бирига қарши курашадир.

– Шаҳзода Ҳусайнни айтяпсизми? У бир қанча йилдир Марв султони қошида эди. Сўнг қайинпадар ила куёв орасига совуқчилик тушиб, ўз бошича Кобулу Сабзавор орасида сарсари кезган, дейдилар.

---

<sup>1</sup> Милодий 1469-йил.

– Ана ўша ёш шер Ҳирийга кирибди. У киргач, Аҳмад Мирзо тахтни ташлаб қочибди.

Шу кунларда тақдирларни ўзгартирувчи бир номани қўйнида авайлаб, Ҳирийдан бир чопар икки қул ила Самарқанд сари еларди. У Андхўй, Маймана, Шибирғон орқали Тирмизга етгач ҳам тин олмади. Бир оз нафас ростлагач, отини алмаштириб яна ела кетди. От устида ҳам ухлаб кетаверадиган киши эди. Узундан-узок йўлларда у тўхтаган работ эгалари Султон Ҳусайн Мирзо ёрлиғини кўрган заҳоти ҳориган уловини яхшилаб боқиб-совутилган бошқа отга алмаштириб беришарди. Шу сабаб, чопар олис масофани икки ҳафтада босиб ўтди.

Чопар Самарқандга етиб келганида, нишон устидаги туғрони кўрган соқчилар уни дарҳол ўтказиб юбордилар. У кўшкка қадам қўйганида кун тиккадан ўтган эди. Сарой қўриқчилари унинг отини олиб, ўзини ичкарига олиб киришди. Шу ерда бир оз нафас ростлади, шундан сўнг таомилга кўра мактубларни саломхона бегига топширгач, уни кутиш хоналаридан бирига олдилар.

Саломхона беги ёрликни ички беклар қаторидаги Аҳмад Ҳожибекка топширди. Аҳмад Ҳожибек муҳрни синдириб, ўрамни очди. Унда шундай сўзлар битилган эди:

**“Ҳувал ғаний.**

**Абул Ғозий Султон Ҳусайн Баҳодир сўзимиз.**

**Вилоятларнинг ҳокимлари ва доруғалари билсинларки, олийжаноб, фазилатли Алишер Навоий Ҳирийга чорланмишдир. Икки қул, икки бош от ила бек Ёдгор юборилди. Уларнинг тилаклари адо этилсин ва хатарнок жойлардан саломатлик ила ўткарилсин. Лузумоти ва муҳиммоти ўринлатилмоғи талаб қилингайдур. Вассалом.**

**Зулқаъда ойи, саккиз юз етмиш бешинчи санада ёзилди”.**

– Муни дарҳол султон Аҳмад Мирзо ҳазратларига билдирмоғимиз лозим эмасми? – деб сўради саломхона беги, ташвишланиб.

Аҳмад Ҳожибек бир оз ўйланиб турди-да, қатъий деди:

– Йўқ, бугунча билдирмай турақол. Икки ҳукмдор Хуросон боис ёвлашиб турибди, Алишер Навоийга бирон захмат етмасин. Мовароуннаҳр мамоликидин чиққунга қадар лузумоти адо қилинсин. Керакли савғоту икромия тайёрлансин, марҳамат ила кузатгаймиз.

– Совға-салом хазинадан қилинсинми?

Аҳмад Ҳожибек бош чайқади:

– Йўқ, менинг номимдан бўлсин.

Кейин кўшиб кўйди:

– Тангрига қасамки, агар жони омонлиқда бўлса, унинг куёши оламда сира ботмас бўлиб порлагай. Умрим бино бўлиб мундай гўзал сўз айтган кишини кўрмаганман. Шоирнинг олими десанг ҳам шу, олимнинг шоири десанг ҳам шудир. Юзлаб бемисл шеърлари бор, бироқ, нимагадир ёдимда мана бу байти қолибди:

*Кут бир бодому ерим гўшаи меҳроб эди,*

*Форати дин этти ногаҳ бир балолиқ кўзу қош...*

– Теранликни кўринг. Хоксорлик важҳидан бир кишининг егулиги биттагина бодом бўлгани қайда кўрилибди? – деб яна бош чайқади у.

Саломхона беги таъзим қилиб, ташқарига йўналди.

## ДАШТИ ҚИПЧОҚ

Баҳор маҳали булутлар қат-қат, уюр-уюр бостириб келгани каби, кўзга кўринмас қазо осмонида яна саркаш булутлар тўпланди. Такдир булутлари ўз бағрида воқеа ва ҳодисаларнинг дўл-у селларини олиб келди.

Кекса бургут Абулхайрхон ҳаётининг сўнгги йилларини яшамоқда эди. Бутун умри жангу жадалларда ўтган бу ҳийлакор баҳодир Абусаид Мирзога Самарқандни эгаллашига кўмаклашиб, султон Мирзо Улуғбекнинг қизи Робия бегимга уйлангач, олийнасаб маликадан Кучқунду хон ва Суюнхўжа исмли икки ўғил кўрди. Бироқ, шу йил қалмиқ хони Ўз Темур тайши юрагида

хасад ўти алангаланиб, Абулхайрхоннинг сарватларига эга чиқмоқ мақсадида кўшинни тоблаб, хотинларию бола-чақаси билан Сиғноқ сари йўлга чиқди.

Икки кўшин бир-бирига камти келганида қалмиқ хони удумга кўра, ўзининг машҳур баҳодирларидан бирини ўртага чиқарди. У бор овози билан қаттиқ кичқирди:

– Қалмиқ хони либослардан тер, баданлардан қон чиқмаслигини тилайди!

Бироқ Абулхайрхон аскарлари бу гапга истехзо билан кулишди ва уруш дарёсининг айқириб оқаётган гирдобларига ўзларини ташлашди. Сафлар қоришиб, аралашиб кетди, ажал наҳанглари гоҳ унинг, гоҳ бунинг навкарларини аямай ютди. Бу жанг кўп вақт давом этди, ниҳоят, омад қалмиқларга кулиб боқди. Абулхайрхон чекиниб, Сиғноқ деворлари ортига бекинганида қалмиқлар Тошкент, Туркистон ва Шоҳрухияни эгаллаб, ҳамма нарсани очқўзлик билан талашди. Кетар чоғи қалмиқ хони Абулхайрхон ила сулҳ тузди, бироқ бу сулҳ Абулхайрхон учун шармандалиқнинг нақ ўзи эди: унга Туркистонни ташлаб, Дашти Қипчоққа кетиш талаби кўйилган эди. Бундай катта мағлубиятдан сўнг у узоқ вақт ўзининг кўчманчиларини тартибга солиши керак бўларди.

Энди унинг Мовароуннаҳрга кўз тикишга қудрати ҳам, фурсати ҳам йўқ эди. Абулхайрхоннинг энг яқин кишилари қипчоқ Қоплонди билан арғин Доирхўжа эди, бир жанжал туфайли қипчоқ бекларидан бири Доирхўжани ўлдиргач, арғинлар Қоплондини хун ўлароқ топширишини талаб қилишди. Абулхайрхон рад қилгач, арғинлар исён қилишиб, Жонибек ва Керей бошчилигида Мўғулистон томон йўл олишди.

Абулхайрхон улар устига юрди, бироқ йўлда дардга чалиниб, жонини Ҳаққа топширди. Шу билан Мовароуннаҳр ва Хуросон дашт тулкисининг ҳийлаларидан тин олди. Бироқ, олисларда чингизийларнинг яна бир бўриси – Муҳаммад Шайбонийхон ҳамлага тайёрланаётганидан ғофил эдилар.

Муҳаммад Шайбонийхон барваста гавдали, юзи дашт шамолларида қорайган, ёноқлари туртиб чиққан, қисик кўзли йигит эди. Айни чоғда у ўн саккиз ёшда бўлиб, чакқонликда ва ўзғирликда Дашти Қипчоқда унга тенг

келадиган бирон киши йўқ. Шайбонийхон чингиз салтанатининг куёши тамомила ботганини кўриб қаттиқ эзилар, эл улуғлари қошига бориб дарду изтиробини тўкиб солиб, уларнинг рухсатини олиб, ўзбек хонлари шуҳратини тиклаш ва барчани қудратли бир қўл остида бирлаштириш орзусида яшарди.

Қудратли улус парчаланишга юз тутгани унинг юрагини эзарди. Бошқа томонда эса, Табриз, Мўсул ва Бағдодни ўз тасарруфига олган яна бир туркий давлат – қорақуюнлилар салтанати бош кўтармоқда эди,

Бу салтанат пайдо бўлганидан буён саксон йилча вақт ўтди. Улуғ жаҳонгир Амир Темур Кўрагон вафотидан сўнг султон Қора Юсуф пайт пойлаб, Аҳмад Жалойирий билан бирга Мироншоҳга қарши қўшин тортди. Аввалига улар Бағдодни олишди, сўнг Аҳмад Жалойирий билан ораларида низо чиққач, Жалойирий темурийлар қаҳридан қўрқиб мамлуклар давлатига қочиб кетди. Бироқ, яна бир оз вақт ўтиб, Мироншоҳ Сардруд деган жойда жангда ўлдирилгач, жалойирийлар давлати яна тикланди.

Улар учун иккинчи қудратли рақиб – темурийлардан султон Шохрух Мирзо эди. Лекин омад яна юз ўғирди: Қора Юсуф Ширвонни олгач, жонини жабборга топширди. Ундан кейинги султонлар ўзларидан сезиларли из қолдиришмади, фақат, тахт бошига Жаҳоншоҳ келгач, вазият ўзгарди. Тарафсиз сиёсат юргизишга уринса ҳам, кўчманчи улуғларининг қаҳрига дучор бўлди, рофизия мазҳабини ўз салтанати асоси қилиб олиши эса сунний уламонинг қаршилигига дуч келди.

Жаҳоншоҳ юришларда давом этаркан, унинг Ҳирийга киргани энг қонли ва аламли босқин бўлиб тарихда қолди. Рофизийлар суннийларни аямай қириб, қонларини дарё қилиб оқиздилар. “Мўминга қўл кўтарган мусулмон эмас” ақидасини шайтон диллардан анор сувидай сиқиб олди, қуриб-бужмайган қалблар эса ўлимга бемалол бораверди. Шайтон яна анча хийлалар кўрсатар эди, аммо “У ҳамиша мағлубдир” қавлига мувофиқ, тўсатдан Жаҳоншоҳнинг ўз ўғли Ҳасан Али исён кўтариб қолди. Шунда у

Абусаид Мирзо билан сулҳ тузиб, чор-ночор ўз юртига қайтиб кетишга мажбур бўлди.

Жалойирийларнинг икки эли – оққуюнли ва қорақуюнли орасида анчадан бери ихтилоф бор эди. Шу йили оққуюнлилар ҳукмдори Узун Ҳасан билан Муш шаҳри яқинидаги муҳорабада Жаҳоншоҳ ҳалок бўлгач, бир салтанат тугади, аммо эвазига иккинчиси қувватланди. Рофизия ва сунния ихтилофига қилич ва қон ила барҳам беришга чоғланган Султон Абусаид Мирзо ана ўша Узун Ҳасан билан бўлган жангдан сўнг ўлдирилди.

Шайбонийхон буларнинг барини билар ва содир бўлаётган воқеаларни хушёрлик билан кузатарди. Томирида ҳаяжон ва шавқ жўшар, икки мазҳабдаги бир жамоанинг хунрезликларига қаҳри келар, лекин ҳеч нима қилолмасди.

Мовароуннаҳр ва Хуросондан олисда мана шу шиддатли бўри даштда ёлларини хурпайтириб, пайт пойлаб кезарди.

Дашт унинг ўз уйи эди. Қайга булут чиқди, ёмғир ёғди, қайга сел келди, қайда не ўзгаришлар содир бўлди, самога қараб билақоларди. Сира юмшоқ кўрпа-болишларда ётмас, лозим бўлса отининг эгарини бошига кўйиб, тагига пўстинини тўшаб мизғиб кетаверар, таом ҳам танламас, аскар не еса, у ҳам шуни ерди. Яна, қадим кўшиқларни хуш кўрарди, дўмбирачи ёки кўбизчисини чорлаб, халқ дostonларни айттириб ўтирарди. Бу унинг илм ёки бошқа санъатлардан узоқ эмаслигини билдирарди, зотан, ўзи ҳам абётдан яхшигина хабардор ва дуппа-дуруст ғазаллар битарди.

Туркийлардан битта шу қавм от гўштини ер эди. Бир куни Дашти Қипчоққа жуда қаттиқ совуқ тушди, қор бел бўйи ёғди. Қўшин қийналиб, улов ўла бошлаганида Шайбонийхон отларни сўйишга буюриб, қўшинни муқаррар ҳалокатдан сақлаб қолди.

Хотинларини ўзи билан олиб юрарди. Шунингдек, курма масжиди бор эди, барча кўчманчилар каби, ҳуши келса намоз ўқир, йўқса қазога қолдираверар, қўшини эса ғоят тезкор бўлиб, йўл-йўлакай ов қилиб ёки баъзи қишлоқларни талаб ҳам кетаверишарди. Талаб ўтилган қишлоқ аҳли

хонавайрон бўлдик деб ўзларини ўлимга чоғлашганида Шайбоний бир қанча йигитларини қишлоққа юборар ва ҳақини тўлаб кетарди. Унинг йилдирим шиддати ҳақида турли афсоналар юрарди.

873-йил ўз қанотида шу ходисаларни олиб келди. Узун Ҳасан ҳам, Шайбонийхон ҳам хавфсираган ҳол юз кўрсатди: Хуросон тахтига лочиндай учқур, ёшлигидан жангу жадалларда тажриба орттирган, хушёр ва ақлли Ҳусайн Мирзо келиб ўтирди. Мирзолар орасида тахтга энг муносиби шу эди, шу боисдан ҳам унинг салтанат бошига келмоғидан барча кўрқарди. Лекин, “Аллоҳ билур, сизлар билмассиз” қавлидаги каби, ҳеч қутилмаганда омад куши Султон Ҳусайн бошига келиб қўнди ва душманларига қараб қаттиқ қичқирди. У қичқириқ қолган барча душманларини ҳуркитиб юборди, улар пана-пастқамда писиб, Ҳусайн Мирзога қарши фитна тузиш йўлларини излай бошлашди. Биргина Шайбонийхон бу фитнага қўшилмади, бунинг сабаби Хўжа Аҳмад Яссавийни пир тутганида ва темурийларни ҳозирча дўст деб билганида эди. Қолаверса, уларни кўпдан-кўп қардошлик иплари боғлаб турарди, шу сабабли воқеаларга аралашмади, қайтанга, хавф мабодо Шероздан келадиган бўлса, султон Ҳусайн Мирзо тарафини олишни кўзлаб қўйди.

### ***ҲИРИЙ САФАРИ***

Кичик карвон аста-секин илгарилаб борарди.

Баландлиги икки одам бўйи келадиган бақувват туялар тумшуғини чўзиб-чўзиб одимлашар, гоҳ-гоҳ тин олиш учун тўхталганида карвонбоши уларни бир-бирига боғлаб, ўтлоққа қўярди. “Шиғла” деб бақирса, туялар бурилишиб, лўкиллаб етиб келишарди. Бундай мағрур, саркаш жонзотларни Оламлар Парвардигори шу тарз, инсоннинг бир чақирғига бўйсунадиган қилиб қўйгани ажаб эди.

Мовароуннаҳр сарҳадлари Жайхунга қадар бўлиб, ундан у ёғи Хуросон мулки эди. Йўлларда учраган ҳовлиларнинг теграси очик-яйдоқ, ҳар бирида тандирлари кўриниб турар, уларнинг оғзи тепага қаратиб қурилган экан.



Ҳирий тандирлари ётиқ бўлгувчи эди. Шунингдек, боғу боғчалар теграси ўралмас экан, бу Мовароуннаҳр кишиларининг кенг табиатидан, дашту чўл кишиларининг очиқ феъл-хўйидан дарак берарди.

Бухородан ўтилгач, даштнинг қора изғирини эсди. Эрта баҳор бўлишига карамай, тунлари қора совуқлар давом этарди. Саҳар чоғи кўз етгунча кенгликларга нуқра қировлар тушарди. Қуриб қолган кичкина хасгача қоплаб олган булдуруқлар кумушдай товланиб, сўнг эриб кетганида жонсиз у хасдан шаффоф томчилар томганини кўрса бўларди.

Қуш учар баландликдан қаралса, бу кичик карвондагилар орасида пишиқ гавдали, майда қавима тўн кийиб, ихчам салла ўраган йигитни ҳам кўрса бўларди. У Алишер Навоий эди. Нозу неъматини аямаган, зумрад кузи, нуқра киши, забаржад баҳорию симобий ёзи ила ҳар турлук неъматларини беминнат тутган Самарқанд Ҳирийда фасоҳат билимларини олган, қора кунларда чериклик қисматига рози бўлиб келган Алишерни ўз юртига олим қилиб қайтармоқда эди.

Ниҳоят, баҳорларда уммондай тошадиган Жайхун кечилиб, Андхўй келинди. Андхўй кишиларининг кўпчилиги дехқончилик қилар эдилар, ҳозир эрта баҳорда далага қўш солиб, хўкиз қўшиб ер ҳайдаётганлар кўзга ташланар, қўш чуқур ҳайдасин дея устига бировни ўтирғизиб қўйилгани ҳам кўринарди. Андхўй боришда туркман қавмларидан ўтилди. Чўгирма кийиб олган у кишилар олисдан от чоптириб келишарди-да, яқин келгач тўхтаб, бир муддат қараб туришиб, кейин тезчопар отларида ортга қайтиб кетишарди.

Андхўйда Зоғон работига тушилди.

Работ эгаси – турли ҳукмдорларнинг ёрлиқларини кўравериш кўзи пишиб кетган киши отларнинг пешанасидаги ёпқичларда Султон Ҳусайн Мирзо туғросини кўргани заҳоти хос бир хужра айириб, табақ тўла мева-ю ҳалволар киритди, янги тўшаклар солдирди. Ҳайрон бўлиб қараб турган ушоққа:

– Султон ёрлиғини кўрмадингми? – деди қовоқ уйиб. – Дунё беҳабардирсан. Бу кун Ҳусайн Мирзо Хуросон тахтига келмиш. Жонинг бориша югуриб мулозимининг хизматини қилгайсен.

– Эрта бир кун бошқа мирзо келса-чи?

– Унинг мулозимини ҳам шундай иззатлагайсен. Сен билан биз улар қошида чивинча ҳам эмасмиз. Бир нафасда жонингни олгайлар. Нега жон олганини сўрагувчи ҳам бўлмас.

Работ эгаси шундай деб, ортига қайтди. Тут остида кўхсор томондан эсан елларга юзини тутиб турган қора соқолли, оқ юзли хушсурат йигитга кўзи тушиб, азбаройи қизиқувчанлиги туфайли ғимирсилаб келиб, ундан қарвон қаёққа бораётганини сўради.

– Асли Ҳирийданмисиз? – деди кейин, жавоб олгач. – Мундан анча йил бурун бир-икки дўсту ёрон ила мен ҳам Ҳирий бориб эдим. Бир ажойиб байрам бўлиб эди, Ҳирийнинг мўътабар кишиларидан бир қанчаси муқаддас Каъба устига қаъбапўш ёпиб келган эканлар, байрам қилинган эди.

– У байрамда сиз ҳам бормидингиз? – деб сўради ҳамсуҳбати, жилмайиб.  
– Мен у вақтда тўрт-беш яшар гўдак эдим. Тағойиларим билан бирга томошага борган эдим.

– Бўлмасам-чи? – деди работ эгаси. – Ҳаётимдаги энг ажойиб байрам у. Ҳануз тушларимга киради... Бир ёнда мусиқа, бир ёнда сарбоз томошаси, бир ёнда куштигир мусобақаси бўлиб эди...

– Айтмоқчи, Ҳирийда бир шоир бор эмиш, – деди сўнг, жонланиб. – Исми Алишер экан. Андоқ ғазал айтармишки, ҳеч ўхшаши йўқ.

Қўйнидан букланган ипак қоғоз олиб:

– Муни Машҳаддан келган бир қарвон эгаси ҳақ ўрнига берди, – деди мақтаниб.

*Ғурбатда гариб шодмон бўлмас эмиш,*

*Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.*

*Олтун қафас ичра гар қизил гул бутса,*

*Булбулга тикондек ошиён бўлмас эмиш...*

– Байту ғазал ақча ўрнига ўтар бўлибди-да, – деб кулимсиради у йигит.

– Муни битган киши албатта ғарибликнинг каттиқ кунида она Ватанини беҳад соғингандир. Йўкса, мундоқ битармиди? Тавба, олийнасаб шоир бошига нечук бундай кун келди экан?

– Бу рубоийни ёзган киши мендурман, – деди ҳамсухбати.

Карвонсарой эгаси унга бош-оёқ разм солиб, авзойи тундлашди:

– Тилингни тий! – деди ғазабланиб. – Сен ким-у у ким? Отанг тенги одам бирла ҳазил-мазах қилмоққа уялмайсанми? У зот шайхлар каби оқ соқолли, мухтарам кишидир. Қиёфанга қарасам бир фақир муллаваччасан, Навоийман дейсан-а!

Алишер Навоий узр айтиб, хужрасига қайтди. Дўлвор бу кишининг шеъриятга ошнолиги ва ўзи кўрмаган шоирни ҳимоя қилиши завқини келтирган эди. Эрта баҳор ёмғири намлаган саҳндан илдам юриб бораркан, тўсатдан чапдаги тол оғочлари остидан дағал бир овоз келди:

– Алишер? Алишермисиз?

Алишер овоз келган тарафга ўгирилиб, юнглари туллаган тумоқ кийиб олган баҳайбат кишига кўзи тушди.

– Мен Қора Мўғулман! Эсингиздами?

Илдам келиб, икки қўллаб кўришиб:

– Минг шукр! Менга сизни Худо етказди! Зап иш бўлди-да! – дер эди.

Ҳа, бу уринган чакмонли киши бундан бир неча йил аввал Самарқанднинг лойли қирларида биргалашиб черикликка борган ўша Қора Мўғул эди.

– Ё Оллоҳ! Энди танидим! – дея унга қучоқ очди. – Таниб бўлмас даражада ўзгариб кетибсиз!

– Ўшанда, Қора Аҳмад ҳар аскар иккитадан бош келтирсин деб амр берганида черикдан айрилиб кетган эдингиз, эслайсизми? – дея шодланиб сўзларди Қора Мўғул. – Сиз айрилгач, бизлар бир иложини қилиб жонимизни қутқардик. Тирик жонни ўлдирмоқ айб бўлмай дея, бир қанча ўликнинг бошини кесиб келтирдик... Бироқ, ҳар қанча хизмат қилсак ҳам

сипоҳбоши ўнг қарамади. Султон Ҳусайн Ҳирийга кирганини эшитиб, мен ҳам ўша ёққа бормоқдаман. Сизни учратганим зап иш бўлди-да...

– Бек! – деди Қора Мўғул, тўн енгини қўйиб юбормай. – Ҳирийдан келишда сизга кўмак берган эдим. Энди ошиғингиз олчи бўладиган кўринади. Менга ёрдам қилинг, ўлгунимча хизматингизда бўлай! Сиз қалбингиз юмшоқ, шафқатли кишисиз. Сарсонликларда ўлиб кетмай, бек!

Қора Мўғулнинг туруми шоирда шафқат уйғотди.

– Ҳали Ҳирийда не ишлар бўлмоғи маълум эмас, – деди у, чериклик ошносининг елкасига қўлини қўйиб. – Бироқ, ошноликни унутадиганлардан эмасмиз. Ҳирий борилгач, қошимга келинг, ота боғида бўлгайман.

Қора Мўғул қўлини кўксига қўйиб, миннатдорлик билдира-билдира узоқлашди.

### ***САЛТАНАТ ТЎҒОНЛАРИ***

Келишда олис ва машаққатли туюлган йўл энди қисқа ва осон бўлиб қолди.

Майманадан ўтилиб, Ҳирийга яқинлашилди. Хур шамоллари турфа ўтлар исини димоққа урган, сигир-бузоқлари ёмғирдан сўнг пайдо бўлган катта кўлмакларда қорнигача сувга ботиб ўтлаб юрган бу ўланглар дилда шодлик уйғотарди.

Баҳор бир неча кун ичида ўлангларга яшил гиламлар тўшаб улгурибди. Нозанин Ҳирий ўзини соғинтирган эди. Ҳавоси енгил ва тоза, салқини жонга хузур бахш этади. Боғи Сафид, Гавҳаршодбегим мадрасаси муаззам ўтмишни эсга соларди. Масжиди Жомеъ кунгуралари ярақлаб кўринганида Навоийнинг юраги севинч ила тўлди. Ҳирируд аввалгидек айқириб оқарди. Мана шу ерда тағойи Мирсаид Кобулий ила эсда қоларли суҳбат бўлиб ўтган эди. Ҳўв нарида Абдуллоҳ Ансорий мадрасаси қуббалари кўзга ташланар, халойиқ ўша-ўша: от-эшак, хачир минган сангойилар, панжобийлар, лурийлару ғурийлар Ҳирий сари оқарди.

Қипчоқ дарвозаси олдида бир тўп суворий турарди. Дарвоза олдида ясанган умаро, бўрк ва пўстин кийган уруш беклари, оқ тўнли уламо тўпланибди. Бир неча оқ гилам узун қилиб тўшалибди.

Бу издиҳом ва тўшалган оппоқ гиламлар юксак рутбали кимнингдир ташрифи учун ёзилгани аниқ. Ақобирлар тўпи орасида бошқалардан тикрок бир суворий ҳам бўлиб, оқ-қизил абришим устидан тўн кийган, салласига қарқара ўтоғаси қадалган, остидаги оқ тулпор тинмай депсинарди.

Бу киши – султон Ҳусайн Мирзо эди!

Қарвон дарвозага яқинлашганида довуллар чалиниб, қарнай-сурнай садолари янграб кетди. Ҳусайн Мирзо Алишер Навоийни ҳарбий иззат-икром билан кутиб олмақда эди. Бек Ёдгор отнинг жиловини тутгач, шоир тараддуд ичра отидан тушди. Оқ отдаги султон ҳам шундай қилди. Сафар хоритган, уст-боши чанг Алишер Навоий дўстининг шу томонга тез-тез юриб келаётганини кўриб, гиламга оёқ босди.

Ҳар иккиси ҳам зўр ҳаяжонда эдилар. Мана, бир-бирларининг истиқболига етиб келишди, қучоқ очиб кўришишди. Шунча йилларнинг алами, ғариблик ва айрилиқ озорлари, йўқотишлари кўмсашлар қайғусини зафар ва дийдор шодлиги эгаллади.

– Азиз дўстим! – дер эди бири.

– Кўрар кун бор экан-ку! – дерди бошқаси.

– Бу кунимда ёнимда бўлганингиздан шодман!

– Асли мен ёнингизда бўлишдан шодман!

– Ҳирийга хуш келдингиз, дўстим!

– Йўқ, аслида сиз хуш келдингиз, Мирзом!

Теварақдагилар уларнинг кўришишига ҳавасланиб қараб туришар, фақат айрим бекларгина бесаранжом эдилар. Улар шеър уламо латофатни, илму фасоҳатни тан олмайдиған шижоатли уруш арслонлари бўлиб, маросим тезроқ тугагини кутиб бегоқатланишарди.

Султон Ҳусайн Навоий билан бирга тўп олдида келганида, улар орасида таниш чехралар кўринди. Олд қаторда девдай бўлиб Чопу барлос, Булдурук

Баҳодир, Четин беклар икки дўстни тўлқинлантирган дийдорлашув онларига разм солиб туришарди. Навоий улар билан бир-бир кўришди.

– Сафар хоритгандир, бугун истироҳат қилинг! – деди Ҳусайн Мирзо. – Таъбингизга мос бир боғ ҳозирланди, Мирзо Баҳодир кўрсатгай. Истасангиз, ота боғига кўнинг. Хуллас, ўз ихтиёрингизга кўра иш кўраверинг. Биз уруш беклари билан кўшинни кўздан кечириб қайтгаймиз. Ҳали қилар ишимиз кўп! Жанобларини оқшом Боғи Жаҳонорода кутгаймен.

– Мирзом, фақирга бундай илтифот ҳеч лозим эмас! – деди Алишер Навоий, чин дилдан. – Сизнинг салтанат бошига келганингизни кўрдим, шу бахтиёрлик менга бас.

– Ҳирий аҳли Алишер Навоий нечоғлик эҳтиромга муносиб эканини билсин! – тез жавоб қайтарди Султон Ҳусайн Мирзо. – Тангрига қасамки, энди сизнинг юлдузингиз сира ботмагайдир, муттасил юқори кўтарилгайдир.

Шошиб турган султон шундай деб отига минди. Мирзо Баҳодир Навоийни нарироқдаги сарой аравасига таклиф қилди. Навоий аравага яқинлашганида, у ерда қимтинибгина турган иниси Дарвишалини кўрди.

Дарвишалининг елкалари кенгайиб, икки қоши ўртасида тугун тушибди, бироқ кўзлари маъюслашибди. Одатда, бошига эрта мусибат тушган кишиларнинг кўзлари шундай бўлади. Оға-ини сўзсиз кўришишди. Навоий инисига боқар ва унинг юз-кўзида, гавдасида ўз йўқотганларининг аксини кўрарди. Дарвишали ҳам оғасига қарар, унинг чехрасида ҳам отойининг, ҳам волида беканинг азиз сиймоси балқирди. Бир-бирининг дийдорига тўйишгач, аравага минишди. Алишер Навоий Мирзо Баҳодирга “Ота боғига боргаймиз” дегач, арава йўлга тушди.

### ***ОТА БОҒИ***

Боғ қаровсиз қолгани учун гулу гулзорлар хазон бўлган, қачонлардир ҳаёт барқ урган обхона, ошхона – бари мунғайиб қолган эди.

Алишер Навоий боғни қадам-бақадам одимларкан, шуурида хотиралар куюндай айланарди.

Мана бу супада жон тортгувчи дилкушо суҳбатлар бўлиб ўтган, девқомат тағойилар ҳазил-мутойиба базмини яшнатган эдилар. Мана бу ерда у илк ғазалини ўқиган. Бу кичик хобхонада “Мантикут-тайр” воситасида Аттор ила сўзлашилган... Ички ховлига ўтганида эса ўз-ўзидан кўнглидан хўнграк келди, хотирда қуёш юзли волида беканинг меҳрибон саси, жорияларнинг овозлари, Қутбнинг шошқин сўзлари жонланди.

– Волида мазорига боргаймиз, – деди у, Дарвишалига.

Дарвишали йўл-йўлакай бўлиб ўтган воқеаларни қисқа қилиб айтиб берди. Тағойилар урушда шаҳид кетишмабди, балки Абусаид Мирзо уларни қатл қилдирибди. Отойи эса Сабзавордан қайтишда шаҳид бўлибди, мазори Сабзавор йўлида экан. Бу хабарлардан сўнг онаизор жойнамоз устида, бошини саждага қўйиб, Тангрига ёлворган кўйи жон таслим қилибди.

Бу тафсилотларни қайтадан, ўз жигари оғзидан тингларкан, Навоийнинг бошига тоғ йиқилгандай бўлар, ҳарчанд ўзини босишга уринса-да, кўксидан аламли ўксиниш тошиб келаверарди.

Она қабрига боришгач, Навоий унинг бошига тиз чўқди. Нам тупроқни сийпалаб, туйғулари дарёдай тошиб, хотиралару соғинч-армонлар кўз ёшига айланиб қароқдан тошиб чиқди. Дарвишали ортда, унинг ҳам мижжаларидан ёш оқар, оғойисига халал бермаслик учун жим турарди.

Навоийнинг ёдига Самарқанднинг муз кунларида кўрилган изтиробли туш келди. Икки каптар бир уйда бола очган, боласининг қанотлари ўсгач, замона уни изтиробга солган эмасмиди? У каптар паришонхотир бўлиб, она-онасидан ажралиб бир муддат саҳродаги жониворларга кўшилмаганмиди? Юқоридан икки бургут учиб келиб у икки каптарни бир луқма қилган эди-ку?

Изтироб худди қиш дарёсидай муз уфуриб, барча туйғуларни ўз гирдобига олиб, надомат долғаларини ҳосил қилиб чунон оқдики, ҳайбатига чидаёлмаган қалб қушдай чирқиради:

**«Эй, жонимнинг қибласи, қибламнинг нури! Қора сочларинг мен берган азобларда оқарди. Жонимнинг севинчи, кўзимнинг чироғи,**

кўнглимнинг хуши, хотирамга роҳат бергувчиси! Каъбам эдингиз мен бутхонани тиладим, атрофингда ҳеч зиёрат қилмадим. Ҳар вақт сени изтиробларга солиб, Каъбамни хароб этдим. Каъбам хароб бўлгач, Тангрига нима деб жавоб бераман? Ўзбошимча фалак жисмингдаги садаф ичига инжу деб тош солибди. Туғилган вақтимдаёқ ўлсам бўлмасми эди? Кошки туғилмаганлар билан тенг бўлсам эди... Мен бахтсиз, қора кунларда қолган, тирик қолиб сенинг жонингга бало бўлдим. Сен менга меҳр қўйиб, қўлинг доим билагимда бўлди. Ҳар кун мени деб қайғу ютдинг, тунларда уйку кўзингга ҳаром бўлди. Кечалари тинмасдан зор-зор йиғлаб, уйқунгни қочирган эдим. Кеча-кундуз менинг азобимда тинчлигингни йўқотиб, ичмоқ-емоқни ҳам унутган эдинг. Бир бурда еган нонинг ҳам менга сут бўлсин учун эди. Умидинг шундай эди-ю, чарх золи сенга ўчакишиб, азоблар юки билан қаддингни букди, ажинлар тушириб, юзингни тарам-тарам қилиб юборди. Бошинг ёстикқа етиб, бошингга суюнчиқ керак бўлганида мен ҳам букилиб қошингда турсам, осмондек бошингдан ўргилсам, қулдек ўғиллигингни, ўғил бўлиб қуллигингни қилсам! Фалакнинг ҳар хил тузоқларига тушганинда, мен билан кўнглинг хурсанд бўлса.

Ҳақиқатан шундай ишлар бўлдики, сен кучдан кетдинг, мен бўлсам улғайдим. Хаста жонинг борган сари қариликка юз тутди, мен ўсиб вояга етдим. Лекин мен бахти қора, лаънати, бир нафас ҳам қошингда ҳозир бўлолмадим. Шафқат билан қўлингни ҳам тутмадим, кўзим билан йўлларингни супурмадим. Тортган азобларингга ҳамдардлик кўрсатолмай ва айтганларингни ҳам жон билан бажаролмай, балки хизматингни кам қилишгина эмас, кўп ношукурликлар қилдим. Туну кун сендан жудо бўлиб, хабар олмасдан бевафолик қилдим. Ўзимни телбаликка солгандек бўлиб, кўнглингни ололмадим. Ўзим дардингга даво қилмадим, не ажабки, мендан сенга ҳар нафасда турли-туман балолар етди. Аламларимни тортиб, жондан ажралдинг. Гўё сен менинг бундай бепоён ранжларимни тортиб, ғам ва дард билан жаҳондан



**чикдинг. Мен даштма-дашт, бехуда наъралар тортиб, оёқ яланг мажнун бўлиб юрдим. Рухингнинг жилвагоҳи жаннат боғларидир, макони – жаннатдир. Ўша боғда ҳам мenden шод эмаслигингни билсам, шу зулм мен учун етарлидир. Бечораман, бошқа нима қила олар эдим, дардимга қандай чора ҳам топардим?..**

Алишер Навоий онаизор қабри устида узундан-узoқ дуo қилди. Ниҳоят, дарду изтироби бир қадар ариб, боши эгик, Ҳирируд ирмоғи томон юрди. Фақат шу ирмоққина ҳаётнинг давомийлигини билдириб, аввалгидай пишқириб оқарди. Сув олдида узoқ ўтирди.

Ота боғига қайтиб, уст-бошини алмаштириб, ювиниб-таранганида куёш ёнбошлаган эди. Иниси тайёрлаб қўйган отга миниб, унинг ҳамроҳлигида саройга йўл олди.

### ***ҲАВЗИ МОҲИЁНДА ИФТОР***

Саройнинг нақшин дарвозалари очик, у ерда қилич-ёйли икки сарбоз турарди. Баҳайбат дарвозадан кирилгач яна сарбозларга дуч келинди, улар ҳам бош эгиб ўтказиб юборишди. Сўнг тош терилган улкан саҳнга рўпара келинди, қаршида пештоқи кўкка етгудай бўлиб султон кўшки қўр тўкиб турарди. Не-не жаҳонгирлар ҳукм юритган бу кўҳна сарой кираверишида, кўшқдан аввал беклар ва амирлар хоналари бўлиб, ўнг тарафда девон, унинг ёнида саломхона, машварат ва маслаҳат хоналари тизилган эди. Чўғдай гиламлар қадам товушларини ютгудай. Ҳар хонанинг гумбази нилий буёк ила бўялиб, оятлар кўфийда битилибди. Бир қатор кичик умаро девон эшиги ёнида қўл қовуштириб турар, уруш беклари ва катта умаро вазмин қадамлар ила ичкари киришарди.

Девон машварат усулида жиҳозланган, тепада Султон Ҳусайннинг супаси ёнида эса яна бир супа қўйилган, пастроқда курсилар тизилган эди.

Султон Ҳусайн Мирзо бу ерда ҳам Алишерни пойгаккача келиб кутиб олди. Уни аҳли мажлис орасидан шоҳ супаси қадар қадар етаклаб бориб,

ўнгдаги кичик супага таклиф қилди. Чап ёнда турган куш бурунли, кориндор киши Алишерга хушламай қараб-қараб қўярди.

– Бисмиллаҳир рохманир роҳийм, – деди Султон Ҳусайн дона-дона қилиб. Шу заҳоти мажлисхонага сув қуйгандек жимлик чўкди. Фақат сарой ташида, дарахтларда сайраётган куш сайроғи элас-элас эшитилди.

– Алҳамдулиллаҳи Роббул-олаийн, – деб давом этди султон – Маълумингизким, Алишербек мактаб ёшимиздан яқин дўстимиз эдилар. Биз Балху Кобул навоҳийсида қазоқилик қилган маҳалларимизда Самарқандда ҳазрат мавлоно Фазлуллоҳ Абулайс даргоҳида таълим олдилар. Ҳам илмда, ҳам абётда устунлик даражасига эришдилар. Бу кишининг мўътабар сулоласидан хонаводамизга кўп хайру марҳаматлар етган, жидду жаҳд ила улуғ хизматлар кўрғазгандир, – деб, у хизматларни бир-бир баён қилиб:

– Шу сабабдан Алишербек Самарқанддан Ҳирийга чорланмишдир. Мундан сўнгра қабатимизда бўлғайлар. Чаргамизга хуш келдилар!

– Тангрим хуш давронлар ато этсин! – деб жавоб қилди Алишер Навоий.

– Кун эътибори ила, Тангри азза ва жалла иродаси ва султонлик ҳукмимиз ила Алишербекка Мир унвони армуғон айладик! Мундин сўнгра инобатга олингайдир! – деди Султон Ҳусайн. Сўнг фармонбардорга бош ирғагач, фармонбардор ҳазрати олийларининг фармонини ўқиб эшиттирди:

– Тангрининг иродаси ва унинг ердаги сояси Султон Ҳусайн ҳазратлари фармонига билан Алишербек Ғиёсиддин ўғлига амир унвони тахсис этилмишдир ва муҳрдор тайин қилинмишдир! Мартаба қутлуғ бўлсин, Тангри ёрлақасин!

Беклар орасидан “Қутлуғ бўлғай! Тангри ёрлақагай!” деган овозлар эшитилди.

– Султон ҳазратларининг салтанати дунё тургунча турсин! – деди Алишер Навоий. – Мирзо жаноблари Хуросон узра ҳилол бўлиб балқдилар. Шу сабабдан, камина ҳам бир армуғон келтириб эдим, эгасига топшириш насиб қилди, – деб, Ҳусайн Мирзога бағишланган қасидани узатди.

Султон ўрамни очиб кўз югуртиргани заҳоти қасиданинг мазмунини англади. Унинг назокат билан “Ҳилолия” деб номланишида турли маънолар жам бўлиб, ҳар ойнинг бошланишида тўлин ой ўз шаклини ҳилолга ўзгартиради, яъни ҳилол – янги ой бошланишидан дарак. Қолаверса, ҳилол шакли ислом динининг тимсоли, коинот сарвари Муҳаммад пайғамбар нубувватининг далолатчиси ҳамдир. Унинг бундай номланиши бу кун Хуросон узра Ҳусайн Мирзо оyi балқиганига ишора бўлиб, тимсол тилида мамлакатда янги давр бошланганини билдирарди.

Султон Ҳусайн Мирзо Навоийга миннатдорчилик билдириб, қасидани кўз-қошига текизиб, муншийга узатди.

Гарчи бу ишлар тантанали тусда ўтаётган бўлса ҳам, машварат аҳли бошқа ҳукмларни кутиб тараддудланиб туришарди.

– Шеър аъён хўб яхши, лекин Муҳаммад Ёдгор Машҳадда, Узун Ҳасан Шерозда черик тўпламоқда, – деди бояги қушбурун кимса. – Уларни зудлик билан бартараф этишнинг чорасини кўрмоқ керак.

Ҳусайн Мирзо бунга шундай жавоб берди:

– Музаффар барлоснинг сўзи тўғри. Аммо чопқин маслаҳатини эртага қилгаймиз. Оқшом усти Алишербек шарофатига Боғи Жаҳонорода ифтор зиёфати тайин қилинди. Бу кун барчангиз ила ифтор маҳали дийдорлашгаймиз.

\* \* \*

Ифтор оддий бўлди. Баъзи аъёнлар мўл-кўл таомлар тортилишини тусмол қилишган бўлса-да, Султон Ҳусайн вазият боис, ундай шоҳона зиёфат тузалишини маъқулламаган эди. Боғи Жаҳоноронинг шимол тарафидаги ҳовуз ёқасида юздан зиёд аъён тезда ифторлик қилгач, Султон Ҳусайн бошқаларга рухсат бериб, бир муддат Алишер Навоий ила холи қолмоқ истагини билдирди. Барча хайрлашиб кетгач, дўстлар суҳбатига ҳалал бермаслик учун қуллар ва хизматчилар ҳам олисроққа чекилишди. Машғалалар ёнган саҳн чароғон, Ҳирийнинг ифтор шамоли гулларни тўқаркан, икковлон сув ёқасида аста-секин одимлаб суҳбат куришди.

Хусайн Мирзо Алишернинг Самарқанддаги ҳаётини сўраб-суриштирди. У кунларнинг қаттиқликларини, Саййид Ҳасан Ардашернинг олийжаноблигини, Фазлуллоҳ Абулайс суҳбатларини кизиқиб тинглади. Навоий қора черикликда изғирин шиддат урган кунларни, шафқатсиз жангу жадаллар воқеаларини қисқача сўзлаб бергач:

– Навкарликнинг нони қаттиқдир, – деди Султон Хусайн. – Сиз Самарқандда, мен Марвда, оғир кунлар кўрдик! – дея, қавс ойида Сабзавордан қайтар экан, Марв беклари унга дарвозаларини очишмаганини, қишни даштда кўп қийинчиликлар билан ўтказганини гапириб берди. Сўнг сафар шамоллари қорайтирган юзига хотиржам ифода иниб, ўзининг ишларидан сўзлаб:

– Сиз Самарқандда экан, бир куни Султон Абдуллатифнинг ўғиллари Муҳаммад Жоку билан Мирзо Аҳмад Балхда исён кўтаришди. Абусаид зудлик билан Балхга келиб, уларни қувиб юборди. Сўнг Балхда қолди, Ҳирий бир муддат бўш турди. Шунда Султон Иброҳим фурсатни ғанимат билиб, Баҳриздан келасолиб, Ҳирийни олди. Султон Алоуддавла Дашти Қипчоқда экан, ғазабланиб черик ила келиб, Ҳирийга кирди. Бул ёқдан қорақуюнли туркман Жаҳоншоҳ бирла ихтилофи бор экан, сиқувдан сўнг яна Дашти Қипчоққа ёнди. Бир йил ўтгач, Султон Абусаид Жаҳоншоҳ туркманни қувиб, Ҳирийга кирди. Қайинпадаримиз Султон Санжар ила Иброҳим Султон унга босқин ясадилар. Абусаид Мирзо яна ғолиб келиб, Астрободу Мозандаронни ҳам эгаллади.

Ул маҳал мен черик тўпламоққа ғайрат қилар эдим. Сейистонда Амир Халил исён кўтарганида фурсат ғанимат билиб, Мозандарондан Хуросон томон юрдим. Бу маҳалда Муҳаммад Жокухон Яса, Тошканд, Сайрам, Ахсикентни олиб бўлган эди. Абусаид Мирзонинг амирлари хиёнат қилиб, Жокухон тарафига ўтишди. Абусаид ихтиёрида Самарқанду Бухоро қолди, холос.

Яна бир йил ўтгач, Абусаид Мирзо бир қисм кўшинга Муизиддин Шерозийни бош қилиб Самарқандга йўллаб, ортидан ўзи ҳам жўнади.

Муҳаммад Жоку қочиб Шоҳрухия қалъасига беркингач, уни тўрт ой қамал қилди, шунда мен олтмиш черик ила бориб Астрободни босдим. Абусаид Мирзонинг беклари Шайх Хўжа билан Оллоҳберди ўша чопқинда ўлди. Абусаиднинг қўшини тарқоқ эди, ундаёқ Жузжонни олиб, Ҳирийни қамал қилдим. Абусаид ўзини ўнглаб, қаҳру ғазаб отига миниб, катта қўшин билан келди. Мозандаронни қўлдан бериб, тушкунлик ичра тагин Марвга қайтдик...

– Тангри нусрат берса чигиртка ҳам қўшин бўлмай эмиш, – деб давом этди Ҳусайн Мирзо. – Ул йилда Машҳадга чигиртка балоси ёпирилди. Султон Абусаид қўшини Шероз борурда чигирткага дуч келди. Ўн-ўн беш йиғоч масофада яшил ўланг қолмаган экан. Аскар хомуш бўлди, отлари ўлди. Беклар орасида ихтилоф чиққач, султон Абусаид Мирзо жангда енгилиб, асирга тушди. Узун Ҳасан уни шахзода Муҳаммад Ёдгор Мирзо қошига юборди. Муҳаммад Ёдгор истиқбол шартларини бажо келтириб, икковлон кучоқлашиб, бир-бирларини бағрига босиб кўришишди. Шундан сўнг муҳосиллар султон Абусаид Мирзони ўша лашкаргоҳда қатл қилишди.

– Ўз қилмиши ўзининг бошига келибди, ҳай дариг!

Алишербек дўстидан бўйнидаги жароҳатининг боисини сўраган эди:

– Муни Музаффар барлос айтсин! – деди султон кулиб. – Ул навоҳийда отим яраланиб эди, тушиб пиёда уришар эдим. Жангу жадалда султоннинг пиёда қолиши яхши эмасдир. Музаффар барлос ўз отини менга тортиқ қилди, муқарриблиги шу сабабдандир. Ул замон бир сипоҳий келиб занжирли тўқмоғини отти, тўқмоқ бошимга андоқ тегдики, ҳушимдан кетдим. Занжирининг бир томони ханжардай тилим-тилим экан, бўйнимни кесмоғи шундан бўлди. Ул сипоҳийни қошимга тутуб келтирдилар, қатлига фармон бермоғимни истадилар. Оё, жангда шундай бўлмиш, сипоҳийнинг иши шу, айби йўқдир деб авф қилдим.

Султон Ҳусайн яна бир воқеани кула-кула сўзлаб берди.

– Бир муддат даштда, кун кечирмоқ ғамида гоҳ ул, гоҳ бул улусни босар эдим. Юра-юра Кобул тарафларга кеттим, бир тоғ орасига кирдик, ўти отга созвормиш. Тоғлик улус эмиш, сира уруша олмас эканлар. Шундоқ бўлса-да,

ўзларини химоя қилиб чиқишди. Илғорда Ҳожи Муҳаммад Барлос эди, андоқ чоптики, оз бир вақтда барини ёйди. Янада илгарилаб борурда бир маҳал кўрсак, оғизларида ўт тишлаб келар эдилар. Агар омонлиқ тиласалар, узун ўтларни оғизларига солиб тишлаб, бу билан мен сенинг қўйингдурмен, шафқат қил демоқ бўларканлар. Бори афв этилиб, озодқа қўйилди...

– Қандай ажаб улус экан! – деди Навоий ҳам, у улуснинг ишидан завқланиб.

– Иншоллоҳ, неки орзу қилган бўлсак, барчаси рўёбга чикди! – деди Султон Ҳусайн. – Лекин вазият қалтис, Муҳаммад Ёдгор бизга қарши черик созламоқда. Эрта турлук улусларнинг оқсоқоллари саломга келгайлар. Маълумингизки, уларнинг аксарияти шиалардир. Шу сабаб, шианинг ўн икки имомига истинодан ўн икки қабат дастор боғлатмоқ истадим.

– Ҳай-ҳай, Мирзом! – деди Алишер Навоий, сесканиб. – Тадбири олийни англагандайман, аммо Ҳирийдан то Самарқандга қадар пирлару валийлар жунбушга келгайдирлар! Асло ундай қилманг! Ҳазратларининг ҳар қарорларига бош эгилгайдир, бироқ дарҳол сизни элга рофизий деб эълон қилгайдирлар.

Султон Ҳусайн ўйланиб қолди. Аслида бу фикрни унга Ҳирийнинг баъзи уламолари сиёсат важҳидан айтишган, султонга ҳам маъкул тушган эди. Бироқ, Алишербекнинг келтирган далили барча бошқа далилларни йўққа чиқарди. Дарҳақиқат, Хуросон аҳли оққуюнлилар қилган хунрезликларни унутган эмас, шу сабабли Султон Ҳусайн обрў-эътибори тупроққа тенг бўлмай. Оққуюнлилар қошида эса мартабаси ортмагай, билъакс, Хуросон ҳукмдори кўнглимизни олмоқ истайдур дея ҳадларидан ошмоғи турган гап. Амир Алишернинг таклифи султонга хуш келди.

– Маъкул, – деди қаноат ҳосил қилиб. – Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг тавсияси ҳам шундоқ эди. Не ажабки, пирнинг ҳам, муриднинг ҳам фикри бир бўлди. Энди истироҳат қилайлик. Ёдингиздами, бир маҳаллар ўспирин чоғимиз Маймана беги исёнига қарши Султон Абулқосим мажлисида қатнашиб эдик?

– Ёдда бўлмасми? Беклар шиддати-ю қўшин хайбатидан ақлим титрамиш эди.

– Мен эса илк жанг шавқида титрамиш эдим, – деди Султон Ҳусайн. – Эртага ўшандоқ бир мажлис тузгаймиз. Тарих такрорланмоқдадир, бу машваратда яна баробар бўлгаймиз. Муҳаммад Ёдгорни бартараф қилмоқ энг муҳим ишимиз! – Султоннинг қошлари чимирилди. – Узоқ давом этадиган, уқубатли саваш бўлгай. Қўшинни созламоққа муҳиммот лозим, хазина эса бўм-бўш... Черик улүфаси-ю аслаҳасига, ошлиғию уловига анча-мунча ақча лозим... Халққа солиқ солсакми?

Навоий дарҳол рад қилди:

– Йўқ-йўқ, Мирзом! Абусаид Мирзо замонида халқ бошига шунчалар қаттиқ кунлар келдики, қаҳатчиликда ўт териб емоқча борилди.

Шундай деб, Самарқанд азимати қилмасидан бурун хароба бир боғчада тошқозонда ош пиширилганида айтилган байтни айтиб берди:

*Лаъл санг асту дегди сангин санг,*

*Лек андар миён тафовутҳост...*

Султон Ҳусайн буни эшитиб ўйланиб қолди-да:

– Ҳай, олтмиш навкар ила уч минглик қўшинни енгиб, Астрободни олмиш эдик! – деди ғайрати тошиб. – Нусрат Тангридандир. Биз ҳақ эсак, ғалаба бизники. Муҳаммад Ёдгор ҳақ эса, уникидир. Жўмард бўлмоқ лозим!

Сўнг:

– Аммо, у тамомила ноҳақ! – деди. – Сунний қавм шиани ҳам иззат қилди, аммо рофизияни давлат сиёсати қилмоқ зулмдир. Муҳаммад Ёдгорни бир ёқлик қилсак.... – тез-тез у ёқдан-бу ёққа юрди Ҳусайн Мирзо, қорача юзида шижоат балқиб. – Хуросонни ер юзидаги энг кўркам, энг фаровон мамлакатга айлантиргаймиз! Адолатни мутлақ, халқни рози қилгаймиз!

Алишер Навоий бу сўзларни кулимсираб, қалби ёришиб тинглаб турарди.

– Дарвишали не қиладур? – сўради султон.

– Жомий ҳазратларининг марҳамати ила, кутубхонада китобдорлик билан банд, – деб жавоб қилди Алишер.

– Уни ўз кишимиз билиб, амир тайин этсак уддасидан чиқарми?

– Дарвишали бир оз ёш, аммо ғайратли ва жанобларига бениҳоя садоқатлидир. Албатта уддасидан чиққай.

– Бу иш тамомдир! – қаноат ҳосил қилди Ҳусайн Мирзо. Сўнг гина ила деди: – Мақсудимиз ҳосил бўлганига шодланиб, бир боғ айирган эдик, хануз кадам босмайдирсиз?

Навоий узр айтди:

– Мирзо бир оз фурсат берсалар, ота боғини тартиблаб, ҳақларига дуо қилсам деган ниятда эдим. Марҳаматингиз бошим устига, у боғ қошу тупроғини кўзимга суртгайман.

– У ҳолда сиз ҳадя боғда ҳам, ота боғида ҳам риоят айланг, – деди Ҳусайн Мирзо. – Кўнглингиз тусаганини қилинг, ҳар ерда иззатга лойиқдирсиз. Муҳаммад Ёдгор ишини битиргач, шеър у абъёт мушоираси ҳам тартиблагаймиз.

Сўнг четроқда қўл қовуштириб турган ҳудайчига имо қилган эди, у икки букилиб келиб, таъзим ила ўроғлик қоғоз узатди.

– Мирзом? Абъётмидир? – деб юборди Алишер, ўроғлик қоғозни икки қўллаб оларкан.

– Мақбул бир маҳалда кўз ташлагайсиз, – деди Султон Ҳусайн. – Абъётдан айри тушилурми? Фақир Кўҳи Пулда, чодирда уйқум қочиб битмиш эдим. У он хотиримга сиз келдингиз, ният қилдимки, бир кун кўлингизга бергайман. Тангрига шукр, бу кун ҳам насиб этди...

Шу тарз хайрлашилди. Алишер Боғи Жаҳонородан чиқишда Бек Ёдгорни кўрди, у салтанат араваларидан бирини ҳозирлаб Алишернинг чиқишини кутиб турган экан.

– Не азият, фақирга бир от бўлса бас, – деди Алишер Навоий, ўнғайсизланиб.



– Султоннинг буйруқларидир, – деди Бек Ёдгор дўриллаб. – Қулоқларига етса ранжигайлар. Марҳамат қилсинлар.

Чор-ночор икки от қўшилган ҳашамли аравага минишга мажбур қолди. Сарбозлар ҳамроҳлигида ота боғига қайтилди.

### ***УРУШ МАШВАРАТИ***

Ҳарбий мажлисга уруш беклари, баҳодирлар ва лашкарбошиларгина чорланган бўлиб, улар мартабаларига кўра ўз жойларини эгаллаб, султон ташрифини кутиб турар эдилар.

– Салтанатни оламан деб ёвга кўмак истаб борилгайми? – дер эди Четин баҳодир, кенг қорача юзи янада тундлашиб, қийиқ кўзлари чакнаб. – Яна қанақа ёв денг? Жаҳоншоҳ туркман Ҳирий халқини қиличдан ўтказганини билмасмиди?

– Босмоқ энг дурустидир, – деди Чопу барлос. – Шундай бир ерни танлайликки, ул учун қулай кўринсин, бироқ аслида биз учун қулай бўлсин.

– Эски усул қўлланса ҳам бўлур, – деди беклардан бири. – Уч тарафдан қисувга олинса, аммо бир тараф очиқ қолса. Чопқинга кирганнинг ақлида мудом очиқ қолган тараф туради. Қисувга олсак, ўша томон чекингайдир. Ул замон заҳира лашкарга бақамти келгайдир.

– Ёйчилар молшохи усулида саф тортирилса-чи?

– Сиз Ёдгор ила саф тортиб урушилгай деб хаёл қилдингизми? – деб сўради султон Ҳусайн, жаҳли чиқиб. – Даражотда тенг султонларгина саф тортиб урушишини унутдингизми? Ёдгор ким бўлибдики, унинг қаршисида саф тортилсин?

– Ундай уруш тажрибали, бир қанча урушларни қозонган ғозийларга ярашади, – деб қувватлади Чопу барлос. – Ёдгор ким, бор-йўғи бир гўдак.

– Чопу барлос, кўшин аслаҳасию лузумотини таҳлил қилдингизми? – деб сўради Ҳусайн Мирзо.

– Муҳиммот нуқсонли, Мирзом. Етти минг узун тиғ, беш минг калта тиғ, яна шунча узун-қиска найзамиз бор. Улов нуқсони бартараф этилди, Шибирғон ва Майманадан уч минг от келтирилди.

– Муҳиммот аравалари-чи?

– Ундан камимиз йўқ. Халқдан хўкиз-хачирлар ҳам олинди.

– Беклар черикка ўз оти, силоҳи билан келмоғи амр қилинсин! – деди Ҳусайн Мирзо. – Ҳирий қайтилгач, отининг ҳам, силоҳининг ҳам ҳақи берилгайдир. Кобулийлардан черик олинмасин, уларга ишонч йўқ. Майманадан Андхўйга қадар навоҳийдан қора черик ёллансин. Четин баҳодир, Ёдгорнинг аскар-ю силоҳи маълум бўлдимиди?

– Ҳасан туркман тўрт минг аскарни кўмакка юбормиш. Мўмин баҳодир ила Муъиниддин баҳодир қўшин бошида, қолган беклари мурғи ҳад, – деб жавоб қилди Четин баҳодир. – Танзимотда нуқсони бор, яъниким, кўп ҳолларда отликни найза билан силоҳлантиргай экан.

– Жаҳоншоҳнинг шашпарлари, яъни занжирли тишли гурзилари ҳам бор. Отликқа отса, от туёғига ўралиб йиқитгайдир. Уларни ёй билан уриб олган маъкул.

– Отликқа яна қилич ҳам берилса, – деди Чопу барлос. – Эгри эмас, узун тўғри қилич бўлгани маъкул. Ҳам тиккамасига найзадай санчса бўлур, ҳам ёнлама урса бўлур.

– У ҳолда тўрт бўлукни катта ёй ила қуроллантиргайсиз, – деб ҳукм қилди Ҳусайн Мирзо. – Уч қиррали узун ўқ олсинлар. Мақсадки, совутни теша олсин. Қолгани Чопу барлос билан Четин бек маслаҳатига кўра бўлсин.

Беклар ўйга толишди. Тажрибали лашкарбошилар муҳораба ерининг пасту баландини кўрмасдан жангга кириш номувофиқ эканини айтиб қаршилиқ қилсалар-да, Ҳусайн Мирзо ғанимни зудлик билан бартараф қилиш ўйида эди. Аини маҳалда Муҳаммад Ёдгор Чинорон деган жойда тўхтагани маълум, у ерга Машҳаддан шитоб юрилса тўрт соатда етиб бормоқ мумкин кўринарди. Бироқ, Сабзавор ҳокими ҳам исён кўтарган, уни бир ёкли қилмасдан Муҳаммад Ёдгорга қарши чиқиб бўлмасди.

– Қўшинга маълум қилинсин, юрилгайдир! – деди у, қатъий қилиб. – Четин баходир ўрдугоҳда қолсин. Муҳиммотни тугал қилиб, ортимиздан боргайдир.

Қўшин Пули Нав лашкаргоҳида эди. Тонг ёришмасидан Ҳирийнинг улкан дарвозалари очилди. Ҳусайн Бойқаро қабатида Алишер Навоий ва ички беклар Пули Нав сари отланишди. Қолган уруш беклари ўша ерда, черикни сафарга тахт қилиб туришарди.

Султон етиб келгач, сурнайлару довуллар қоқилди, юриш забти чалинди. Ҳусайн Мирзо лашкари Сабзавор сари оқди.

Сабзавор Ҳирийдан тахминан юз фарсах масофада эди. Кўҳсан, Тоёбод, Қаландаробод оралаб, бу йўл ўн икки кунда босиб ўтилди. Сабзаворга икки фарсах қолганида маслаҳат учун тўхталинди. Ҳар ҳолда Муҳаммад Ёдгор Ҳусайн Мирзонинг келишидан хабар топган, уруш ҳозирлигини кўрган бўлса керак дея қалъани айланиб ўтиб, Хусравжирд томондан босишга, агар дарбозалар беркитилса, деворларни ҳўкизтумшуқ ила бузиб киришга қарор қилинди. Сабзавор қалъаси икки тепа устида жойлашган, тепанинг баъзи жойлари тик, девор устидагилар отлиғу пиёдани осонлик билан уриб олиши мумкин эди.

Ҳусайн Мирзо қўшин ила келишидан Муҳаммад Ёдгор дарҳол хабар топди. Боғонга етилмасидан унинг Бистом сари қочгани дараги келди.

Таомилга кўра, Сабзавор амири беклари билан келиб Султон Ҳусайнга куллуқ қилиши керак эди. Шундай ҳам бўлди, кент дарбозаси олдида эллик чоғли киши от-аравада совға-салом ила қаршиладилар. Султон Ҳусайн шаҳарга кирмай, уларни чодирда иззатлади. Сабзавор беклари Муҳаммад Ёдгорнинг Бистом сари қочганини тасдиқлашди.

Шундан сўнг Султон Ҳусайн ортга, Машҳадга қайтди. Машҳад кўнилгач, беклар қўшин муҳиммоти билан машғул эканлар, бир қанча киши билан Имом Ризо мақбарасига зиёратга борилди. Гавҳаршодбегим жомеъсида намоз ўқилди.

Хусайн Мирзо тунни Машҳад саройида эмас, қўшин билан ўтказиш ниятини маълум қилгач, кентдан чиқиб қўшинга етдилар. Машъалалар ёкилиб, қўриқчилар тайин қилинган эди. Уруш беклари ухлашмаган, черикни айланиб юришарди.

Тонг-ла маълум бўлдики, бир қанча амирлар Муҳаммад Ёдгорга бориб қўшилиш ниятида қароргоҳни ташлаб қочишибди.

– Қувиб етмоқ энг мақбул ишдир, – деди Чопу барлос, бу юришлар малолига келганини яширмасдан. – Ким бўлибдурким, она сути оғзидан кетмаган гўдак хархашалари ортидан эргашиб юргаймиз?

Ҳақиқатан ҳам жангларнинг уста савашчилари, ботир қарчиғайларига Муҳаммад Ёдгордай бир болакай ортидан юриш малол келарди. Шаҳзоданинг-ку болакайлиги аниқ, бироқ, ён-варидаги беклари салтанатга ундан багтар кўз тикишган, энг ёмони – улар Ироқ жанубидаги оққуюнлилар билан иттифоқ тузиб олишган эди.

Султон Хусайн ўз амирларининг хиёнатидан дарғазаб бўлиб у ёқдан-бу ёққа юрарди.

Қувиш тадбири шундай эдики, ҳар аскарга икки от берилар, жанг учун керакли аслаҳа ва озуқани ўзи билан олиб, тўхтамай юриларди. Аскар оти ҳориса бошқасига алмаштириб кетаберар, озиғи қоқ гўшт ва қотган нону талқон бўлар, отларга ҳам хўл ўт ўрнига қуруқ сули-арпа берилар, оз сув ичириларди. Бундай юриш билан бир кунда эллик-олтмиш чақирим масофани ўтса бўларди.

Хусайн Мирзо шундай қилди. Аравалар, муҳиммот ва таъминот дасталари ортда қолаверди, улар ўз ҳолларича қўшин ортидан боришлари керак эди. Илғор черик билан Муҳаммад Ёдгор изига тушилди.

## **ҚЎШИН**

Қўшин Чинорон сари борар экан, шовқин чиқмаслиги учун отлар туёғига латта ўралиб, йўртиб юришга амр берилди. Шунда ҳам қўшин гувлаши билинар эди. Султон Хусайн яна бир тадбирли иш қилди, яъни бир қанча

тезчопар отликни аввалдан илгарига юбордики, черикни кўрган кимдир Муҳаммад Ёдгорга бориб хабар бермасин, ундайлар учраса калласи олинсин.

Чинорон даштдаги кичик бир қишлоқ бўлиб чиқди. Ҳар ер-ҳар ерда юлғун тиккайган, отлик жанг қилишга мос ўланг экан. Милтираган машъалалардан билиндики, Муҳаммад Ёдгор Чиноронга кирмай, ўлангда чодир қурибди. Чериги беш минг экани аввалдан маълум эди. Бу хабарни эшитиб, қўшин тўхтади. Бургутдай тез аскарлардан бир нечтаси ўша томонга юборилди, бир соат ўтар-ўтмай қайтиб келганлар унинг ҳақиқатан ҳам Муҳаммад Ёдгор қўшини эканини тасдиқлашди.

Уруш беклари яна султон чодирига йиғилишди. Бироқ, муҳокама бошланақолмас эди. Навоий Хусайн Мирзодан бунинг сабабини сўраган эди, у жавоб қилди:

– Мунажжимни чорлатсак, ҳужум вақти ва толеъини аниқ белгилаб олсак!

Алишер Навоий эътироз билдирди:

– Мирзом, тақдирда аввалдан Тангрининг лутфи битилган бўлса, юлдузлару осмонларни ишга солишга не ҳожат бор? Ахир, кавсар булоғидан сув ичадиган Тўби дарахти баҳор ёмғирини кутишдан беҳожатдир.

Беклар бу сўзлар нима учун айтилганини тушунолмай туришарди.

– Яъни, мунажжим чақиритилган ва вақтнинг душманга қарши ҳужум учун омадли ёки омадсиз эканлигини текшириб ўтиришдан ҳеч қандай наф йўқ, – деди Алишер Навоий. – Чунки ҳозирги вақт қўшинларимизнинг душманга қарши ҳужум бошлаши учун муносиб бўладими-йўқми, бундан қатъи назар, ушбу ишдаги ҳар қандай имиллаш ёки тўхталиш қўшинимизнинг ғалабага эришишига тўсқинлик қилади. Шу сабабли ҳам душманга қарши ҳаракат қилишда шошилиш лозим.

Хусайн Мирзога бу сўзлар маъқул келди. Тайёргарликка бир соат муҳлат берилди. Тўрт бўлук ёй билан, қолганлари узун ва калта сопли болта, қилич, яёв аскар ёй ва найза билан қуроллантирилди. Ёйчилар икки ёндан боришига қарор берилди, чунки шабхун урилганида ёғийнинг диққати фавжга

каратилар, уларни икки тарафдан қисиб, машъала ёруғида ўқ билан уриб олса бўларди. Ёғий отланишга улгуролмаслиги ҳам ҳисобга олинди.

Фалакда юлдузлар милтираган, яйдоқ дашт еллари эсган шу тунда кўшин ёйилди. Куз шамоли шиддат уриб, бет-юзларни чимчилар, отлар бўлажак муҳорабани сезиб, безовта пишқиришарди.

Отлиқлар буйруққа кўра узун ва калта қилич, ёй ва уч қиррали ўқ билан куруллантирилди. Аслаҳа аравалари мабодо курул алмаштириш ёки ўқ зарур бўлганида ҳаялламасин дея яқинга келтирилди. Ҳар бўлук ўз танув белгиларини таққан, бўлукбошилар бўлуклари қошида урушга шай туришарди.

Ҳусайн Мирзо вужудларни кўйдирувчи май каби сархуш қилиб, томирларда қонни жўштирадиган жанг шавқидан маст, от устида вазиятни кузатарди. Бир неча вазир билан Алишер Навоий султон Ҳусайн ёнида эдилар. Эндигина ўттиз бир ёшга кирган султон вужудидан куч-қудрат ва ғайрат ёғилиб турарди. У тилимча совут кийиб, бошига туғли дубулға кўндирган, шу тахлит совутни Алишер Навоий ҳам кийиб олган эди.

Султон илтимосига кўра Навоий отидан тушди, ерга эгилиб, бир қисим тупроқ олди-да, ёв тарафга сочиб, удумга кўра Пир Саид Барака сўзларини такрорлади.

– Илоҳо, ғалаба ёр бўлгай!

– Овми-ин!

– Овми-ин!

Шундан сўнг туғлар баланд кўтарилди, отлиқлар икки ёнда, пиёда аскарни ортда қолдириб, Муҳаммад Ёдгор чериги устига селдай оқди. Уруш аравалари қаторлашиб шиддат билан илгари юрди, ортидан эса яёв аскарлар уларнинг панасида эргашишди.

Муҳаммад Ёдгор кўшини саҳар қоронғисида тўсатдан келган бало қаршисида ўзини ўнглаб ололмади. Йиғилишга фурсат қолмаган эди. Улар ўзларини ўнглаб олгунча бўлмай, Султон Ҳусайн аскарининг фавжи ўртадан ёриб кирди.

Хоҳ бекларнинг кичик, хоҳ даввора ҳукмдорларининг улкан қўшини бўлсин, султон фавжи ҳар доимо ўртага олинади. Теграсидан умаро ва беклар жой олади, баҳодирлар эса аскар орасида бўлади. Шу орада ҳаш-паш дегунча тонг бўзариб қолганида, фавжнинг Муҳаммад Ёдгор чодирига етиб боргани, орқа томонда эса бир гуруҳ аскарнинг от чоптириб қочаётгани кўринди. Муҳаммад Ёдгор ёш, тажрибасиз шахзода бўлса-да, беклари уруш кўрган, пишиқ кишилар бўлиб, кутилмаган ҳамлага дош беролмай, мағлубият шармандалиги ила қочишни афзал кўрган эдилар.

Зафар нашидаси олдида кўнгилларни яшнатувчи май ёки офатижон соҳибжамоллар суҳбати не бўлибди? Ҳар томирга янгитдан ҳаёт ато этувчи, кексани яшартириб, ёшни жўштирувчи бу ҳиссиёт барчани камраб олди. Навоийнинг қалбида ҳам ғалаба қувончи бўй чўзди, бироқ, бу худди мастлик онглари чулғаб олгани каби эди. Теварақда ярадорлар оҳ-воҳи эшитиларди. Сал нарида ўн гулидан бир гули очилмаган ёш бир йигит ер тишлаб “Сув... сув” дея инграрди. Ёй ўқи бечоранинг бўйнидан кириб, энсасидан чиқибди. Нарироқда яна биров ўлим алаҳсираши аро онасини чорларди. Теварақда кўл-оёқларидан жароҳатланган кишилар ётишарди. Навоий отдан тушиб, бўйнидаги рўмолини сувдон суви билан хўллаб, йигитнинг лабларига томизди. Йигитнинг жони чиқаётган эди. Тамшаниб, бир нима демоққа уринаркан, бир типирчилаб, кўзи тепага қараб қолди. Фалак фитнаси тақозоси билан мусулмон қони мана шундай тўкилмоқда эди. Навоий зўр қайғу-алам билан қалби титраб, истиғфор айта-айта яна отига миниб, ортига қайтди.

Султон Ҳусайн беклар қуршовида, юз-кўзи кулар, севинчи ичига сиғмасди. Жунбушга келган отларидан тушаётган, жангу жадал шавқидаги баҳодирлар бирин-кетин султонни табриклашарди:

– Зафар қутлуғ бўлсин!

– Ғалаба муборак бўлсин!

Қайдандир “жўрчи” деб аталадиган ўлаксахўр қушлар етиб келди. Тинчликсевар қушлар аллақачон ғойиб бўлишган, самода калхатлару қузғунларгина пастлаб учишарди.

– Қўшинни йиғингиз, талафотни маълум қилингиз! – деди Ҳусайн Мирзо.

– Йигирма йигитимиз ўлди, жароҳат олганлар ҳали саналмади.

– Ёғий жасад олмоққа келса, тегинилмасин! Ўз майитларимиз таомилга кўра кўмилсин!

– Мирзом, черик улуфа-ўлжа истагида, – деди Чопу барлос. – Ҳаққини не дегаймиз?

– Ўлжага рухсат йўқ! Улуфа Ҳирийга қайтилгач берилиши маълум қилинсин! Очиқ жойда чопишдик, ўлжа маълум эмас. Яроғ-аслаҳа, чодирлар йиғиб олинсин, ўлганларнинг рўзғоридан хабар олинсин, оиласига маош тайин қилинсин!

– Маъқул! – деди Чопу барлос ва бўлукбошиларга султон амрини етказишга кетди. Шу маҳал Султон Ҳусайннинг назари Алишерга тушди-да, кўлларини ёйиб келди:

– Оғир дамларимда ҳар доимо ёнимда бўлдингиз, бир умрга розиман! Мир жаноблари, ғалаба қутлуғ бўлсин!

– Астағфируллоҳ, мирзомизга қутлуғ бўлсин!

Чопқиндан сўнг қўшинга дам бермоқ лозим эди. Бироқ, Султон Ҳусайн қон тўкилган даштда қолишни истамади. Жасадлар йиғиштирилиб кўмилгач, Пули Соён деган жойга келинганида тин олишга изн берди. Қўшин шу яқин ердаги дарёча қошида тўхтаб, ўзини тартибга келтирди. Табиблар чодирма-чодир юриб, ярадорларни муолажа қилар эдилар.

Шундан сўнг лашкар Астробод сари юрди. Аммо кентга кирилмади, нураб кетган Искандар девори олдида тўхталинди. Ҳусайн Мирзо Астрободга ҳўппасемиз, кўса Шайх Ҳасанни амир қилиб тайинлаб, Жожирм сари юришга буйруқ берди. Жожирмга етилиб эдики, Ёдгор Мирзо яна Астрободни эгаллагани, Шайх Ҳасан хиёнат қилиб, ёв тарафига ўтгани хабари келди.



Фалакнинг ишини кўрингки, садоқатли беклар бирин-кетин Ёдгор тарафга қочиб ўтишарди. Ҳусайн Мирзо ночорликда тўлғанарди. Қочиб ўтган амиру бекларни Хуросон тақдири заррача қизиқтирмаслиги, агар омад тарозиси Муҳаммад Ёдгор тарафга оғса, Хуросон окқуюнлилар зулми остида қолишини-ю тамомила вайрон қилиниши мумкинлигини ўйлаб ҳам кўришмас, ақлларига келган ўй Ҳусайн Мирзо хазинасининг заифлиги-ю Ҳасан туркманнинг бой-бадавлатлиги эди, холос.

Пули Хотунга етилганида Ҳирийдан Хожа Абдуллоҳ Аҳзаб етиб келди. Паст бўйли, катта саллали, лапанглаб юрадиган, митти кўзлари ўйнаб турадиган бу киши дарҳол султон ҳузурига етказилди. Хожа Абдуллоҳнинг аҳволига қараб бўлмас, йўлдаги работлар унинг ўзига қараш тугул, отини алмаштиришни ҳам исташмаган эди.

Ҳусайн Мирзо бир неча кун уйқусизлигу ташвишлардан ҳориган ҳолда, сабри чидамай, таомилга хилоф тарзда чодир олдига чиқиб турарди.

Хожа Абдуллоҳнинг бир кўзи чақчайиб қолгани учун уни Дажжоли Ҳирий деб ҳам атар эдилар.

– Қани, эй Дажжоли Ҳирий, – деди Султон Ҳусайн. – Не шумхабар ила келдинг?

– Хос арз тилайдирмен, – деди Хожа Абдуллоҳ, ер ўпиб, султоннинг ёнида турган Алишер Навоийга имо қилиб.

– Амир Алишер айнул-муқаррабимиздир, – деди Султон Ҳусайн. – Сўйлайбер.

– Хожа Қутбиддин Товус Ёдгор Мирзо билан тил бириктирди, – деди Хожа Абдулло. – Фақирга маълум бўлдики, Ёдгорга киши йўлламоқчимиз.

Ҳусайн Мирзо қиличини тутамлаб қаттиқ ҳайқирди. Бу ҳайқирик наридаги тушовланган отларни хуркитиб юборди. Бир неча бек шу тарафга қараб чопди.

– Хиёнат! Хиёнат! Бу қавм орасида садоқатлиси қолмадими? – ғазабу чорасизлик аро тўлғонарди Султон Ҳусайн. – Она сути оғзидан кетмаган гўдак Муҳаммад Ёдгорга нечук инонилгай? Ортида қизилбошлар фитнаси

тургани ҳеч кимни хавотирга солмагай? Ҳасан туркман келса, халқ қони дарё бўлиб оқмагайми! Мақбарлар бузилиб, қатлиом бўлмагайми!

Бу вазиятда Ҳирий борилмоғи асло мақбул эмас эди. Бироқ, пойтахт тўлғамадан чиқарилмаса, қўлдан кетиши ҳеч гап эмас. Ҳусайн Мирзо ўзини босиб, кўзлари шижоатдан чакнаб Хожа Абдуллоҳга:

– Сен қол, – деди. – Биз билан Ҳирий боргайсан!

Сўнг бекларни чорлади-да, Машҳадга эмас, Ҳирийга юрилишини маълум қилди.

Қўшин йўлни ўзгартириб, Ҳирот сари йўл олди.

### ***ҲИРИЙ ИСЁНИ***

Халқнинг кайфияти бузуқ эди.

Султон Ҳусайн Ҳирийга қайтаркан, кишилар уйларидан чиқмаётганига ёки юзларини терс ўгириб олишаётганига диққат қаратди. Қўшиндан олдда кетаётган илғордаги таъминот дасталари халқдан егулик сотиб олишда қийналишарди. Халқ ўз исёнини, норозилигини шу тариқа изҳор қилмоқда эди.

Ҳирийга талафотсиз келиниб, кўшкка кирилгач, Хожа Товусни тафтиш қилишга буйруқ берилди. Товуснинг ҳибсга олиниши Ҳирий аҳли орасидаги таранг вазиятни бир оз бўлса-да, юмшатди. Хожа Абдуллоҳ девонбеги тайин этилгач, Султон Ҳусайн зудлик билан яна Ҳирийдан чиқди, чунки шимолий сарҳадларни мустаҳкамлаш, Ёдгор хуружини қирқиш керак эди.

Шу сабабли Форёб томон йўлга чиқилди. Халқ босқиндан кўрқиб яшириниб олар, баъзилари кимнинг қўшини келаётганини билолмай, тоғу тошларга қочиб кетишарди. Қўшин кўпинча бўм-бўш қишлоқлардан ўтарди.

Султон Ҳусайн чериги Ҳирийдан олислашгач, ўз-ўзидан яна ғалаён майдонга келди. Девонбеги Хожа Низомиддин билан келишиб, халққа солиқ солишни буюргач, шундай бўлди. Бозор оралаб навкарлар билан кезаётган яғмочилар аввалдан кўниқилгани каби, султон амрига бўйсунмаганларнинг боши олинишини айтиб сиёсат қилар эдилар.

– Инсофинг борми, егани нон йўқ-ку, солиқдан гапирасан?

– Овозингни ўчир! Султон Ҳусайн Мирзо фармонидур! Фармонни бажармаганинг моли талонда, боши долонда!

– Олсанг ол шу жонни! Эзвординг-ку халқни, ноинсоф!

– Ур бу суллоҳни!

Кимдир катта тош билан яғмочини урган эди, у “воҳ” деганича отининг бўйнига эгилиб қолди. Қолганлар қоча бошлашди.

– Ур ноинсоф золимни!

Яғмочилар тошбўрон қилинган, тобора бир-бирига қўшилиб саноғи ортиб бораётган халойиқ кўшк сари оқди. Кишилар ўроқ-болта, кетмон-паншахалар билан қуролланиган, қўйинларига тош солиб олишган эди. Бу фитна бошида Ҳасан туркман тарафдорлари ҳам бўлиб, одамларни гиж-гижлаб юришарди. Хожа Абдуллоҳ Шохрух Мирзо курдирган “Дорул-Адолат”да экан, юзлаб киши саройга келиб тошбўрон бошлашди. Хожа Абдуллоҳ қизил қонига бўялиб, орқа тарафдан қочиб чиқди. Ҳирий эгасиз қолди.

Исён дарағи етиб келганида Чопу барлос қўшинни бўлиб, бир қисмини Ҳирийга юбормоқни таклиф қилди. Бироқ, бу вазиятда қўшинни бўлиш ақлдан эмас эди. Музаффар барлос шовқин солиб Чопу барлосни қўллаб-қувватлади:

– Ҳеч нима эмас! Минг навкар билан бориб, исёнчиларни қиличдан ўтказиш керак!

Ҳусайн Мирзо унга қарши чиқди:

– Халқ устига черик тортгайсизми? Йўқ-йўқ, Ҳирийга бошқа бир қўшин юборгаймиз.

– Кимдир? Не қўшинидир?

– Алишер Навоий! Халқ у кишига қулоқ тутгайдир. Гоҳо қўшин қилолмаган ишни у қилгайдир.

Навоийга ҳам бу иш маъқул эди. Машваратда Хожа Абдуллоҳ Товуснинг қайтадан девонбеги этиб тайинланишига қарор берилди. Шундан сўнг султон ёрлиғи олиниб, бир қанча мулозимлар билан Ҳирийга юрилди.

Пойтахтга яқинлашилмасиданоқ ғалаён аломатлари билиниб турарди. Шаҳар дарбозаларига бир фарсахча масофа қолганида, бир тўда киши чиқиб йўлни тўсиб олди. Булар ўша ердаги қишлоқ одамлари бўлиб, болта-паншаха кўтариб олган эдилар.

Навкарлар мулозимларни кўриклаш учун олға интилар эканлар, Алишер Навоий уларни тўхтатди-да, отидан тушиб, тўпга яқин бориб салом берди.

– Кимсиз? Не учун қуролландингиз?

Аслзода кишининг отидан тушиб салом бериши уларнинг ҳовурини бир оз босгандек эди. Улкан каллали, қоп-қора бир киши ҳамманинг ўрнига:

– Ўзинг кимсан? – деб савол берди. – Туриш-турмушингдан султонларнинг эл қонини ичадиган бекларидан кўринасан?

– Алишер Навоийдирман, – деб жавоб қилди Навоий.

Қора киши тараддудланиб қолди:

– Ё Оллоҳ! Алишер Навоиймисиз?

– Пирим! – деган қичқириқ эшитилди шу маҳал оломон орасидан. Ҳамма овоз келган томонга ўгирилди. Сочлари ўсиқ бир киши одамлар орасини ёриб ўтиб, Алишер Навоийнинг қўлларини ўпиб:

– Худога шукр, сизни кўрар кун бор экан! Ҳой жамоат! Бул зот олийжаноб, фақир кўнглини олгувчи Алишер Навоий-ку? – деб қичқирди. – Пирим, мени танидингизми? Тоғ ёқасида сув чиқарган ўша йигитман, Хусравман! – деди юз-кўзи қувончдан яшнаб. – Ҳой халойиқ, болтангни тушир! Бул киши менинг пиримдирлар!

Алишер Навоий тўлишиб, сочлари оқара бошлаган Хусравни таниб, кучоқ очди:

– Танидим, танидим. Сиз ўша, тоғдан сув чиқармоқ истаган Хусравсиз!

– Сиз берган ақча ила Ширинга уйландим, – деди йигит яшнаб. – Сув ҳам чиқди, гўзал бир боғ бўлди. У боғ сизнинг шарофатингиздан, номи ҳам Боғи Алишерийдир. Сиз шошманг, мен ҳозир отамни чақирай.

Шундан сўнг у оломон ғала-ғовури аро:

- Ота! – дея отасини чорлади у.
- Отойингиз ҳаётмилар? – кулимсиради Алишер Навоий.
- Аллоҳга шукр, ҳаётлар.

Оломон четга айирилиб, орасидан қадди эгик, оппоқ соқолли бир чол чиқиб келди. Навоий билан саломлашиб, қоқсуяк қўлларини очиб уни дуо қилди.

Йиллар аввал юз берган у воқеа қишлоқ аҳли аро машҳур экан, болалигидаёқ шунчалар саховатли бўлган Алишер Навоий деган зот қандай киши эканини кўриш учун устма-уст келишарди.

– Бири келиб, султоннинг фармони дея элни талаб кетгайдир. Бошқаси бошқа султондан фармон келтириб, у ҳам талаб кетгайдир. Алишер Навоий бўлсангиз, айтинг, султонлар ўзлари уришаверишсин, аммо халққа тегишмасин, – деди ўша қора киши, қаҳридан тушмай.

– Ғам чекманг, Хусайн Мирзо адолатни мукамал қилгайлар, – деб жавоб қилди Алишер Навоий, ишонч билан. – У киши халқни ўйлайдиган, эл не еса еб, не ичса ичадиган зотдир. Иншоллоҳ, тез кунда барча фаровонликка қовушгайдир.

– Модомики Навоий экансиз, сўзингизга ишондик! – дейишди кишилар. – У кунларда бизнинг руштага ҳам келгайсиз, меҳмонимиз бўлгайсиз.

– Айтганингиз келсин! – деди Навоий ҳам, сидқидилдан.

Шундан сўнг Ҳирийга кирилди.

Одамлар Ҳавзи Моҳиён майдонига тўпланишган, издиҳом дарёдай тўлқинланиб турарди. Халқ бу ерда ҳам Алишер Навоийни ўраб олди.

– Айтинг, эй марҳаматли зот, – деди ғазабидан кўзлари чакнаган бири. – Салтанатлар не учундир? Халқ учун эмасми? Бунда бири Султон Хусайн келиб эл устига юргай, қирғин қилгай дейди. Нечук қирғин қилгайдир, ахир халқ молинию жонини султонга бераётган бўлса? Авом содда, очик, бир бурда нонимни тинчгина ей, ҳақимга биров тегмаса бас, дейди. Бу ёқда эса беклару навкарлар, амлокчи-ю ўлпончилар ҳар нарсани талаб кетади, бировнинг дамини чиқармайди?

– Тангри таоло адолатлидир, – деди Алишер Навоий. У сўз бошлагач, ғалаён тинчланиб, сўзига кулоқ тутилди. Халқ нур юзли, ғайратли бу кишининг шуҳрати Хуросон-у Мовароуннаҳрни тутган шоир эканини ҳам, Султон Ҳусайннинг яқин дўсти эканини ҳам билар, шу сабабдан эҳтиром билан кулоқ осиб турар эди.

– Султонларнинг яхшиси ўз салтанатида Тангри қонунларини жорий қилганидир! – деди Алишер Навоий. – Тангри бир чивиннинг ҳақини ҳам комил қилгай. Ҳатто оқ қўчқор қорасини сузса, ажрини бергайдир.

Кишилар кулиб юборишди, Алишер Навоий бу сўзи билан оққуюнлилару қорақуюнлилар можаросига ишора қилгандек туюлди.

– Ҳусайн Мирзо ҳам ўшаларнинг бири-да. Майманани талаб кетибди, элдан нима олса ҳақини бермабди!

– Мирзо ҳазратлари бундай қилмаслар, – деб жавоб қилди Алишер Навоий. – Сизга муним ким деган бўлса, бекор депти. Бу гапни тарқатганлар албатта тухматчилардир.

Кишиларнинг эзилган, қашшоқ қиёфаси шоир юрагини эзиб юборган эди. Султон Ҳусайнга қанчалар хайрихоҳ эса-да, қалбидаги иймони шу заҳматкаш, оддий кишилар тарафини олишга ундарди.

– Сиздан Султон Ҳусайннинг келмоғини кутишингизни ўтингайман, – деди Навоий. – Айни чоғда Мирзо жаноблари Форёбдадирлар. Билинг, у киши халқ биландир. Халқсиз салтанат бўлурми?

– Султон Ҳусайн не дерлар? Абусаид Мирзо каби, сўнгги арпасигача тортиб олмасми?

– Асло! – деди Алишер Навоий. – Кулоқ тутинг, у кишининг номларидан мен бир нима айтай!

Сўнг шу байтни ўқиди:

*Менга қилса юз жафо, бир қатла фарёд айламон,*

*Элга қилса бир жафо, юз қатла фарёд айларам!*

Шеър қудрати тўлқинланиб турган оломонни жўштириб юборди, кишилар алами бир оз сусайиб, “Худо рози бўлсин!” деган хитоблар эшитилди. Ҳеч ким тарқалишни истамас, Навоий сўзларини яна ва яна тинглашни исташарди.

– Ҳар ким ўз уйига, ота-онаси, аҳли аёли, фарзандлари қошига борсин! – деди Навоий. – Оз муддатда Ҳусайн Мирзо Ҳирий келгайдирлар. Шунда ҳар иш албатта ҳисоб-китоб қилингайдир.

– Алишер Навоий шу чокқача ўтрук сўзламаган, бировга зулм қилмаган киши, – деди халойиқдан бири. – Ҳой халқ, ғалаёнингдан не наф? Қаҳри келса, чериги билан келиб устинга босгай, уй-жойингни ёқиб, авлоду аждодингни кулини кўкка совургай. Яхшиси, Алишербек сўзига кулоқ ос!

– Чайқалмалардан фойдаланиб кимлардир бойиб олишни кўзлагани маълум, – деди Навоий. – Куни кечаги солиқ султон фармони билан жорий қилинмагани аён бўлди. Балки Хожа Абдуллоҳ ила Хожа Низомиддин Бахтиёр ўзларича шундай амр берибдилар. Ҳусайн Мирзо буни эшитиб қаттиқ ғазабландилар, айбдорларни жазоламоқ, адолатни жорий қилмоқ учун фақирни юбордилар ва то ўзлари келгунга қадар Хожа Абдуллоҳ Товусни қайтадан девонбеги тайин қилдилар. Амрга бўйсунмоғингиз ўтинилгайдир.

– Султоннинг адолатига жонимиз фидо бўлсин!

– Амирнинг ўзлари девонбеги бўлиб қолсинлар! – деб ҳайқирди кимдир оломон орасидан.

– Фақир султоннинг ёнида бўлгайдурман, – деди Навоий, қисқа қилиб. – Иншоллоҳ, зафарли кунларда қошингизга бирга келгайдирмиз...

### ***САБЗАВОР МАСЛАҲАТИ***

Вазият ҳануз ўнганмас, пойтахт бир оз тинчланган бўлса-да, беклару амирлар бирин-кетин Муҳаммад Ёдгор тарафга қочиб ўтишарди.

Кунлару ойлар сафарлару юришлар аро ўтар экан, яна бир фитна рўй берди. Бу шундай содир бўлди.

Султон Ҳусайн Мирзо Нарра тоғ қалъаси сари кетган чоғида, Ёдгор Тус вилоятида эди. Беклару амирлар хиёвати бир ёқда қолиб, тўсатдан малика Поянда Султонбегим Ҳирот қалъаси атрофидаги манзилгоҳидан кўзғалиб пойтахтга кириб, Хуросон ҳукмдори энди Ёдгор Муҳаммад Мирзо эканини жар солдирди. Баҳор гул-чечак очган маҳалда аввал Ҳасан туркманнинг, кейин Ёдгор Муҳаммаднинг номи хутбага қўшиб ўқилди. Ёдгор шитоб билан Тусдан чиқиб, Ҳирийга етиб келди, шу тариқа, пойтахт яна бой берилди.

– Ёдгор-ку, майли, чунки мирзолардан. Бироқ, Ҳасан туркман нечун хутбага қўшилгай?

– Шунчалар ҳам пасткашлик бўладими? Халқни биров ўйламайдими?

Тунд, қоронғи кечада ясовулбеги келиб Султон Ҳусайн Мирзо чорлаётганини айтганида Алишер Навоий бедор эди. Навкар либосидаги Ҳусайн Мирзо уни чодир олдида қарши олди. Тўзон ва от исини анқитиб ёқимсиз шабада эсарди.

Султон Ҳусайн навкарларга “Четроқ борингиз” дея ишора қилган эди, улар нари кетишди. Холи қолингач:

– Киши ўғлига хиёнат ҳар доим йўлдош экан, – деди Султон Ҳусайн, у ёқдан-бу ёққа одимларкан. – Не бахтсизликки, ёв пойтахтга кириб, зулм байроғини кўтарди. Бу ёнда халқ қирилмоқда, Ёдгор эса, ғалаба ғафлатида кайф-сафо майини сипқормоқда. Агар мувофиқ кўрсангиз, у томонга қўшин юборсак, шояд иш илгари босиб, яратувчи Тангрининг омонати бўлган фуқаролар зулму алам чангалидан қутилсалар.

Навоий бу фикрни маъқул топиб, уни мумкин қадар яширин тутишни ўтинди ва илҳом берувчи тил билан:

– Агар бу сўз менга ҳам айтилмаса, яхшироқ бўлур эди, – деди.

Ҳусайн Мирзо сўради:

– Бу ҳақда шу қадар муболаға ва таъкид қилишингизнинг сабаби нима?

Навоий:

– Мирзом маъзур тутсинлар, бироқ, бу сўзларни яширин тутиш ғоят зарур. Чунки ҳар куни бир тўда кишиларимиз Ёдгор томонга қочиб ўтмоқда.



У хиёнаткорлар унга бу хабарни етказишдан кўра қимматлироқ совға тополмаслар. Ақлдан узоқ эмаски, бизнинг фикримизни сезиб қолса, Ёдгор эҳтиёт билан иш кўрар, балки бу томонга қўшин юбориб қолар?

– У ҳолда қўшинга Ҳирий бормоғимиз айтилмасин, – деди Султон Ҳусайнга бу тадбир маъкул келиб. – Чопу барлос билан Музаффар барлосгагина маълум қилгаймиз. Бошқаларга... – у ўйланиб, – Қалъаи Нав борилгай деб айтилсин.

Шу тариқа қўшинга Қалъаи Нав сафари маълум қилинди.

Тун хавотир ила ўтди.

Ҳирийга яқин Лангари Бўкан деган жойга келиниб, тин олмоқ учун тўхталганида, теваракка қўриқчилар қўйилиб тайинландики, хушёр турилсин, кимдир қочиб бориб Ёдгорга режани билдирмасин. Шундан сўнггина Ҳирийга кириш нияти маълум қилинди.

Аксарият беклар ҳужумни туш маҳали бошлашни маъқуллашарди. Бу фикрнинг сабаби – айнан туш маҳали Боғи Зоғон саройи бўш қолар, душман ўз қўшинини йиғиб мустаҳкамланишга фурсат тополмасди. Кўпчилик буни маъқулласа-да, Ҳусайн Мирзо яна Навоийга мурожаат қилди.

Алишер Навоий бу фикрни маъқулламай, шундай деди:

– Тунда шабхун урмоқ энг қулай фурсатдир. Чунки кундуз куни Мирзо Ёдгор Муҳаммаднинг одамлари бизнинг ҳужумимиздан хабар топиб, тезлик билан куч йиғишлари, қаттиқ қаршилик кўрсатишлари мумкин. У ҳолда ғалаба қозонсак ҳам, анча-мунча кишиларимиздан айриламиз. Аммо кечаси ҳужум қилинадиган бўлса, душман навкар тўпламоғи маҳол. Ҳатто кўзлаган мақсадимизга эриша олмасак ҳам, қоронғилик пардасидан фойдаланиб, бирор томонга чекинишимиз осон бўлади. Ваҳоланки, кундуз куни бунинг ҳеч иложи йўқ.

Навоийнинг бу фикри ҳам маъқуллангач, қўшинга дарҳол юриш фармони берилди.

Ироқ дарвозаси ёпиқ эди. Бироқ Султон Ҳусайн навкарларини кўрган соқчилар қаршилик кўрсатмай, ўша заҳоти очиб беришди. Номигагина

чопқин бўлди, холос. Ёдгор қўшини ғафлатда, аскарлар ўзини ўнгламасиданоқ қуролларини ташлаб таслим бўлишар эди. Чопу барлоснинг жасурлиги ва тадбири шунда иш берди, у қўшинни бир қанча айри бўлақларга бўлиб, Ёдгор бекларини ҳибсга олишга юборган эди. Қўшиннинг асосий қисми бир дарбозадан сиғмоғи маҳол, шу сабабли бошқа дарбозалардан ҳам аскар кирар, бу маҳобатли ва қўрқинч манзарадан халойиқ қўрқиб, яна яшириниб олган, боғу боғчаларда тирик жон асари сезилмасди.

Хуфя хабарга кўра Муҳаммад Ёдгор анҳор ёқасидаги Боғи Зоғонда экан. Ҳусайн Мирзо у ерга яқинлашиб, кўшк атрофига чодирлар тикилганини кўргач, ёнидаги ички беклардан бир нечтасига “У ерга киринглар ва ичкарида ким бўлса олиб келинглар” деб буюрди. Беклар чодирга қандай яқинлашишни ўйлаб туришганида, Алишер Навоий ўзининг навкари Бобо Алини чодирларга юборди. Бобо Али бир оздан сўнг қайтиб келиб, “У ерда ҳеч ким йўқ” деди.

Шундан сўнг Ҳусайн Мирзо кўшкни ўраб олиб, мулозимларга тепаликка чиқишни буюрди. Аммо ҳеч кимдан товуш ва сас чиқмади. Чунки мулозимлар қалбини қўрқинч ва ҳадик қамраб олган эди.

Шу чоғда Алишер Навоий жасорат кўрсатди. Теваракка разм солиб, султондан рухсат олгач, отининг жиловини Бобо Алига бериб, қиличини кинидан суғурди ва уни худди ҳассага ўхшатиб ушлаб, одатий йўлдан эмас, балки аввалдан кўзлаб қўйгани овлоқ сўқмоқдан юқори кўтарила бошлади. Унинг ортидан хоқон буйруғи билан Амир Қул Али ҳам эргашди.

Шу аснода меҳтар Исмоил фаррош боғдан чиқиб, бир даста шамни ёқиб, ичкарига қайтиб кирди. Меҳтар ёққан шамлар туфайли боғда киши кўп эмаслиги аён бўлди, бошқа мулозимлар ҳам турли йўллардан боғ сари кўтарилишди. Ичкарига бостириб кирган Алишер Навоий ва навкарлар Ёдгор Муҳаммад Мирзонинг маст уйқуда эканини кўришди. Уни биринчи бўлиб Хожа Али Пиёда қўлга олди. Амир Қул Али эса шаҳзодани унинг қўлидан тортиб олиб, Навоий чиққан йўл орқали пастга судраб тушди.

Ёдгор Муҳаммад Мирзо хануз ўзига келмаган эди.

– Сизлар кимсизлар? – дер эди тили зўрға айланиб. Сўнг тина бошлаган нигоҳи тентираб, Ҳусайн Мирзони аранг таниб:

– Наҳотки Ҳусайн Мирзо бўлсалар? Биз... базмимизга Ҳусайн оғойимизни чорлаб эдикми? – деб кулиб юборди. – Чорланмаган ерга нечук келингай, Мирзо?

Амир Қул Али бургутдай човут солиб, Муҳаммад Ёдгорни тиззалатди-да, ханжарини бўйнига тираб, елкасидан босиб турди.

– Нарӣ чекил! – деди Султон Ҳусайн, унга. – Ҳаддингни бил! Шаҳзодани тиззалатмоққа сенга не ҳад?

Ёдгор Муҳаммад бу гапдан сўнг дарҳол қаддини ростлади. Ёш арслон қаби кўзлари ёлқинланиб, тик қараб:

– Сен мени мастликда босдинг, мард бўлсанг майдонда уришгин эди! – деб қичқирди қора кўзларида алам ёши ҳалқаланиб, чорасизлигидан типирчилаб. – Илоё, ажал сени ҳам мастлик чоғингда босгай, хор-зор бўлиб ўлгайсан!

– Муҳаммад Ёдгор маразлиги боис қатл қилинсин! – деди қаҳр билан Султон Ҳусайн. – Чериги тарқатилсин, байъатга келгани черикка олинсин. Ҳарами саройга келтирилсин!

Муҳаммад Ёдгор мағлубият алами бир ёнда, ўлим хабари бошқа ёнда, довдираб:

– Аллоҳ улуғдир! – деди калима қайтариб.

– Қатл этилсин! – деб такрорлади Султон Ҳусайн, шарт бурилиб чиқар экан. – Илондир бу! Вақти келиб аждарга айланмасидан бошини янчмоқ керакки, бошдан бузилғондир!

Амир Алишер султоннинг қалби ачишаётганини, ўз қариндоши бўлмиш шаҳзодани қатл этиш тавқи лаънатини бўйнига олиб, сиёсат учун шундай қилаётганини сезса-да, бир нима демади. Ҳам ғалаба шавқидан сармаст, ҳам ўз надоматларига ғарқ султон ила кўшкка йўл олинди.

Тун бўйи киприк қоқилмади. Ҳусайн Мирзо черигидан Ёдгор тарафга кочиб ўтган беклару амирлар бирин-кетин ҳибсга олиниб, сўроқ қилинар эди. Қочган кочиб қутулди, қочолмаган Ҳусайн Мирзонинг қаҳру ғазабига дучор бўлди. Шу кечасиёқ бир қанча кишининг жасади тўрт пора қилиниб Ҳирий дарбозаларига осиб қўйилди. Ҳусайн Мирзони таниб бўлмайд қолди, у ўз рақибларини дарғазаб шердай тилка-пора қилиб ташлади. Шундан сўнггина бир оз тин олди. Эртаси куни жума намозида номи хутбага қўшиб ўқилди. Асосий хавф баргараф этилгандек, салтанат осойишга юз тутгандек эди.

## **УЧИНЧИ ҚИСМ**

### **БАДОЕЪУ-Л-ВАСАТ**

#### **ҲАМД**

“Эй карами кенг Парвардигор, марҳаматинг олдида гуноҳ тоғи бир уқпар ёки сомон парчасидек елга учгайдир. Сомон тоғ-тоғ қилиб уюлган бўлса ҳам, ел олдида қандай қилиб мақтана оларди? Бутун инсоният хатога йўл қўйса ёки бир айбли иш қилиб, тақдирини қора қилса, тақдирини оқ қилиш Сенга осон, амрингда бирон нуқсон бўлиши мумкин эмас. Тун тун бўйи ўзича ўйин-ҳангомасини кўрсатиб, дунё кишиларининг аъмолларини ҳам қора қилади. Лутф қуёши чиқишига изн берганингдан кейин меҳринг билан бор зулматни нурга айлантирдинг. Эл адоватидан санам ясади. Гулни мушкин сунбулидан яширди. Элни юздаги пардани тез учираб кетувчи қилиб, кеча қоронғилигида Ойни равшан қилдинг, итоатсизлик тунида бирон гуноҳ қилмаса, афв чироғи қачон ёруғ ёниши мумкин?! Агар жиноят ўти кучли ёнмаса, эҳсон булутлари қачон ўз томчиларини тўқади?! Хирқа кийган дарвеш кийимининг этаги кир бўлмаса, денгиздаги илиқ сувга унда ҳожат бўлмайди. Агар май кимларнингдир бошини айлантирмаса, кишидаги саховат қўли кимга ёрдам бериши мумкин?

Зоҳидлик йўлига кириб, баъзилар тақводорликка бериладилар. Шу билан бирга бунинг учун ҳақ талаб қилишлари ҳам бор. Киши хайр йўлида бир иш

қилар экан, мақсади бунинг эвазига у дунёда жаннатни сайр қилишдир. Май билан лабини ҳеч хўл қилмаган одам у дунёда ўша куни кавсар ховузи сувларини талаб қилар экан, бу дунёда бирон гўзал билан бирга бўлишни истамаган киши эса у ерда хурлар жамолини ҳавас қилади. Чет бир вайроналарда кун кечирган киши безатилган қасрда ором олишни хоҳлайди. Ўз ҳолича еб-ичиб юрган одам ҳаққини юз хисса ортиқ олмоқчи бўлади. Художўйман деганлар ҳамма ҳақни олиб қўйса, пешонаси шўр кишилар нима қилади? Уларнинг хатолари бўлса, хатоларини афв этганинг қани? Бундайларга саховат кўрсатиб, уларга атаганларинг қани? Лутф ва эҳсон денгизи тўлиб-тошиб турганда, баъзиларнинг ташналикдан оғизлари куриб, уларни шу ҳолатда ўлдирсанг ёки бу денгиз ёқасидан нарига суриб ташлар экансан, шундай ишга йўл қўйиш мумкинми? Ҳамма ишни қилишинг мумкин, лекин буни эмас. Ҳар бир одам қанча осий ва гуноҳкор бўлмасин, у шунча афв ҳамда мурувватга лойиқдир. Агар тақводорларга мукофот беҳишт бўлса, исёнчи эса дўзах ўтларида танаси куйса! Униси жаннат боғини топиб, фароғатда бўлса! Бунга эса дўзахда дард чекиб, куйиб-ёниш бўлса! Ихтиёрингдаги лутф ва карам хазинасини нима қиласан? Уни марҳамат қилиб кимларга берасан? Юзлари гуноҳлари туфайли еган шапалоқлардан қорайган муҳтожлар, асирлар ҳамда тиланчилар дастурхонингдаги неъматлардан тотинмаса! Наҳот сенинг лутфу караминг шундай бўлса! Сен, ахир, дастурхон ёз очларга! Тўқлар ортиғини ея олмайдилар, акс холда қоринлари шишиб кетиши мумкин. Ахир булутлар чанқаб, куриб ётган экинга ёғмай, денгиз устидан ўтаётганда ёғадими – бундан нима фойда! Кимки оч бўлса, луқма унинг насибасидир. Тўнни ким яланғоч бўлса, ўша кийгани дуруст-ку! Бу гапларимнинг ҳаммаси афсонасифат гаплардир. Кимки Сенга умид боғлаган бўлса – у хотиржамдир.

Эй Тангрим, Сенинг караминг денгизи жўш уриб тураркан, ўша муҳтожлар тўдаси оҳ-фиғон чекиб турган чоғларида гарчи уларнинг гуноҳларининг ҳадду поёни бўлмаса-да, Сенинг уларга раҳм қилмаслигининг ҳам имкони йўқдир. Лутфининг шоҳона пардасини

тортиб, уларнинг қилган-қилмаган гуноҳларидан кечганингда барчалари навозишинг билан ҳурматга сазовор бўлганларида, бундан мени ҳам махрум этмагайсен! Мен фақир бандангга хур ҳам керак эмас, жаннат ҳам. Менинг учун Сен ўзинг бўлсанг, шунинг ўзи бас!”<sup>1</sup>

### **ҲИРИЙ. 874-ЙИЛ.**

Бу йилнинг ҳам қиши қаттиқ келди.

Халқ ўтин тўплашга чиқди.

Кишилар қийнала-қийнала ханжак, балут, бодомча тўплашар, эшак-хачирларга юклаб уйларига ташишарди. Ханжак кўп ёруғ берадиган, хуш исли, ҳўллигида ҳам осон ёнади, балут – секин тутаб ёнса-да, чўғи узоқ вақт туради, тез олов ёқишга бодомчадан яхшироғи йўқ, дейишарди. Унинг хосияти – ҳўлу қуруғининг бирдай ёнишида эди. Яна тутаб ёнадиган хушбўй санавбар оғочларининг ҳам ён шохлари кесилиб олиб кетилар, ўзагига тегинилмасди.

Султон Ҳусайн салтанатни тартиблашга ғайрат билан киришиб кетди. Аввал кўрилган ишлар яна рўй берди: хиёнаткорликда шубҳаланилган аъёнлар четлатилиб, ҳибсга олинди, баъзилари ўлимга буюрилди. Астрободдан Пешоварга қадар мулклару навоҳийларда адолат жорий этилишини маълум қилиб, чопарлар елдай учишди. Кўзлари ҳорислигу айёрлик ила йилтираган, молу сарват ҳирсида хиёнат йўлига кирган қанча киши жувонмарг қилинди. Навоий маслаҳатига кўра, ҳар иш Тангри таоло адолатига мутлақо мос бўлмоғи Ҳусайн Мирзо сиёсатининг бош мезони ўлароқ белгиланди, амирлар ўз ҳукмларини шайхулислом тасдиғидан ўтказишлари шарт қилинди. Абулқосим Мирзо давридан сўнг бу таомилдан чиқилган, ҳукмдор сўзи мутлақ ҳукм ўлароқ билинарди.

Тарқоқ салтанат аро майда-чуйда амирлар, кичик беклар турли гуруҳларга айрилиб олишган, баъзилари ўз қасабалари, баъзилари яқинлари, яна бошқалари ўз қабиласи теграсида бирлашишган эди. Гоҳ у, гоҳ бу султон

---

<sup>1</sup> “Ҳайратул-аброр”дан.

келиб элнинг топган-тутганини талаб кетавериши одамларни жонидан тўйдирган учун салтанат қонунларини жорий қилиш мушкул бўлиб чиқди. Қабилалар ҳукмларни тан олишни истамас, ўзлари ўйлаб топган қоидаларга риоя қилиб яшашни маъқул кўришарди. Бу ишлардан Навоий ҳам четда қолмади, албатта. Султон Ҳусайн ҳар ишда Навоийга ишонар, ҳар ишнинг бошида туришини истарди. Ундан энг жоҳил, ғаддор навоҳийларга боришни, улус билан мулоқот қилишни илтимос қиларди.

Ниҳоят, давлат ишлари бир қадар тартибга келгач, султон ҳузуридан Боғи Жаҳонорода назм мажлиси тузилиши ҳақида хабар келди.

У нафис базмни тасаввур қилиш учун жаннат боғини кўз олдига келтириш керак. Гўё фирдавс ерга тушгандек эди. Кумуш қадахларда дамбадам гулоб, шарбату сутлар айлантрилиб туриларди. Қирғовул, қуён, каклик, кийик этлари тортиларди. Бир саҳн ноз-неъмат ила тўлган эса, ёнидаги бошқа бир саҳнда мусиқий мавж урарди. Моҳир машшоқлар духул, нодир, кўс, таблақ, табал, кўшнайн ва сурнай чалиш билан машғул эдилар. Шунингдек, найи Румий, буғ, нафир, тирсакки усталари ўз навбатини кутишарди. Най чунон нола қилдики, ҳар ким сел бўлиб оқди. Уд Шероз гўзаллари фироқидан сўзлади. Чанг Рум ривоятларидан баҳс эди. Духул юрак зарбларидан, кўшнайн ёр васлидан шавқ урди, мусиқа мавж-мавж бўлиб оқиб, фавж-фавж теграга ёйилиб, кўкка ўрлади.

Барча мусиқачиларнинг устоди Хожа Абдуллоҳ Марворий султон Ҳусайн эътиборидан ва совға-саломлардан шод, ҳар кимга илжайиб мулозимат қилиб юрарди.

Мусиқа тиниб, косалар бир-икки айланиб кўзалар бўшатилагач, шеър суҳбатига ўтилди. Ҳусайн Мирзо маснавийда байтлар битишини ҳамма биларди, шу сабабли абёт мажлисини султон бошлаб беришини илтимос қилишди. Бироқ Ҳусайн Мирзо бу таклифни хушламай, мавлоно Абдурахмон Жомийдан сўз айтишини сўради. Бу паллага келиб ёши етмишдан ошган, соч-соқоли оппоқ оқарган мавлоно Жомий ҳам улуғлик, ҳам даражот боиси султон яқинида ўтирар, Алишер Навоий унинг ёнидан жой олган эди.

Жомий қуллуқ қилиб, шундай деди:

– Мирзо жаноблари изн берсалар, ашъорни ўз устасидан, яъни Амир Алишердан ўтинсак.

Абдурахмон Жомийнинг ҳурмати шу қадар улуғ эдики, султон “Сўзимни рад қилманг” демади, балки Навоийга қараб:

– У ҳолда биз ҳам ўтингаймиз, – деди.

– Фақирга мумкин қилсалар, олий ҳазратларига Султон Абулқосим Мирзо хизматида қишлоқ учун Машҳад борилган кунларни эслатсам, – деди Алишер Навоий. – Ўша кез бир нима битилиб эди, мажлис аҳли изн берса, шуни ўқисам, – деб, ўша ғазални ўқиди:

*Дин офати бир муғбачаи моҳлиқодур,  
майхораву бебок,  
Ким, ишқидин онинг ватаним дайри фанодур,  
сармасту яқом чок.*

*Ҳам туррасининг дуди вараъ белига зуннор,  
мен кофири ишқи,  
Ҳам юзи мажус ўти киби шуълафизодур,  
мен ўртанибон пок.*

*Ул чехра фуруги тушубон зор танимга,  
бир навъ куярким,  
Хар кимса ани кўрди, соғиндики, ёнодур  
ўт ичида хошок.*

*Ҳайвон суйи жонимни олур лаълидин айру,  
ул журъаи майким,  
Тегмиш анга майгун лаби жонимга даводур,  
не захру, не тарёк.*



*Бу навъки айлар, майи васли ҳавасидин  
махмур бўлубмен,  
Мушқилки, ёзилгай бу хумореки, мангадур  
созар бўлуб афлок.*

*Сойилмену мақсудум эрур нақди висолинг,  
бухл айлама, жоно —  
Ким, барча мазоҳибдаки ишқ аҳли ародур,  
мазмум эрур имсок.*

*Ҳажрингда юзи саргарибон дам ура олмас  
бечора Навоий,  
Гўёки хазон фаслида беваргу наводур  
ул булбули гамнок.*

– Қандоқ гўзал! – деди Хожа Абдуллоҳ Марворий, ўзига келолмай. –  
Амир Алишербек, сиз бани одаммисиз, ё кўкдан тушган фариштамисиз?

– Ҳай-ҳай! – деди ҳазилкашлиги ва зукколиги билан ном чиқарган  
мавлоно Камолиддин Биноий, тилини тиёлмай, бош солинтирган ҳолича ўнгу  
сўлга бир-бир аланглаб, пастроқ овозда. – Бу абъёт билан Амир Алишер  
бизнинг ёқамизни ҳам тутиб силтаб, чок-чок қилдилар, сўнгра хошок каби  
куйдириб юбордилар!

Ғазал нафосатидан завқланган Султон Ҳусайн:

– Амир Алишербекка бир олтин, бир шингарф, бир яшил тўн ҳадя  
килинсин! – деб амр қилди. Сўнг бу муддаонинг сабабини тушунтирди: – Бир  
маҳаллар у кишининг “қизил, сориг, яшил” ғазали хушимизни шоён олган  
бўлса-да, мукофотимизни беролмаган эдик. Ушбу армуғон билан ҳам у ғазал  
мукофоти берилмиш бўлгай, ҳам яқо чоки беркитилмиш бўлгай!

Гўзал абёт борасида ҳар ким турли фикрлар айтар экан, сўз шеър санъатларига бурилди. Навоий бир пайтлар Лутфий айтиб берган, Мир Хусравнинг ҳиндуча бир ташбеҳини мисол келтириб, деди:

– Махбуб баҳор айёмида бир ён борадурмиш бўлғай ва ёгин жиҳатидин ер балчиқ бўлмиш бўлғай ва анинг аёғи балчиқдин тойиб йиқилур чоғида ғоят нозуклугидин ёгин риштасин мадади била тутуб кўпмиш бўлғай.

Султон Ҳусайн эътироз билдирди:

– Йўқ-йўқ, бу янглиш бўлибди. Ёгин қатраси юқоридан қуйи иниб келадур. Риштаедирким, майли қуйи бўлғай, анинг мадади билан йиқиладурғон ўзин асрамоғи маҳолдир.

Аҳли мажлис бир овоздан Ҳусайн Мирзо мантиғига қўшилишди.

Ҳазил-мутойибани зарофат дер эдилар, навбат зарофатга келгач, надимлар Хуросону Мовароуннаҳр олиму фузалоси ҳаётидаги қизиқ ва кулгили ишлардан айта бошлашди. Ҳозиржавоблик, ўткир қочиримлар, сўз усталарининг ғаройиб жавобларидан ҳамма завқда эди.

Алишер Навоий:

– Мен ҳам Паҳлавон Муҳаммаднинг ҳазилини айтай, – деб, Машҳаддаги киссадан сийрилиб тушган ғазал воқеасини айтиб берди. Даврадагилар Паҳлавон Муҳаммаднинг шумлигига-ю Алишер Навоийнинг ишонувчанлигига қотиб-қотиб кулишди.

– Тангри таоло мундоқ ҳайбатлик жасадга шундоқ қалб ато этибдур, – деди Султон Ҳусайн. – Чопқинга кирса селдай оқадур, ҳар елкасигаки, икки киши сиғар, жанговар қалби эса ашъорга мойил бўлибтур. Бу кишига бир кўйнинг боласини ҳадя этурмиз.

Паҳлавон Муҳаммаднинг тоғдай гавдасига қараб яна кулги кўтарилди.

– Саодатли султон бу улуғ жасадга нечук кичик бир кўзи инъом этдилар?  
– деди Паҳлавон Муҳаммад, ранжиган бўлиб.

– Ҳой Паҳлавон, мен сенга туядай кўй берсам ҳам у бошқа бир кўйнинг боласидир! – деб жавоб қилди Ҳусайн Мирзо. Оламлар сарвари пайғамбар алайҳиссаломнинг бу ҳазилини кўпчилик билар эди, лекин айни маҳалда

Паҳлавон Муҳаммаднинг жуссасигаю мажлис руҳига мос келгани учун яна завқ уйғотди.

– Шайхим Суҳайлий не дерлар?

Қуйироқдан жой олган Шайхим Суҳайлий сўз демокка оғиз жуфтлаган эди, Алишер Навоий мутойиба йўсинида давом этди:

– Шайхим кўрқулик алфоз ва маоний дарж қилурлар. Мисол учун:

***Шаби гам гирдбоди оҳам аз жо бурд гардунро,  
Фурў бурд аждаҳои сели ашкам рубъи маскунро<sup>1</sup>.***

Бир қатла бу байтни Мавлоно Абдурахмон Жомий хизматида ўқибдирлар. Мавлоно айтибтурким: «Ҳой Мирзо, шеър айтасизми ё одам кўрқутасиз?»

Яна кулги кўтарилди. Жомийнинг ўзи ҳам кексаларга хос, силкина-силкина кулар эди.

Хожа Абдуллоҳ Марворий кула-кула чарчаган Ҳусайн Мирзога таъзим қилиб:

– Таъблари тиласа, бир янги мусиқий бор эди, чалсак? – деб ўтинди. Султон Ҳусайн рухсат берди. Навбат Қулмуҳаммад Удийга келган эди. Удни созлаб чордана қуриб ўтирган Қулмуҳаммад ёнидаги йигитчага ишора қилиб эди, у бир ҳаракат ила зарб урди. Унга уд қўшилди, янги бир куй чалиниб, Абу Абдуллоҳнинг ёқимли овози янгради:

***Истаганлар бизни саҳрои балода истангиз,  
Водию ҳижрон ила дашти фанодан истангиз...***

– Воҳ-воҳ! – деб юборди мажлис аҳли, султон ҳузурда ўтирганлари ҳам ёддан чиқиб. Султоннинг ўзи ҳам бу маъни қаршисида лол, маҳлиё бўлиб

---

<sup>1</sup> Мазмуни: “Ғам туни оҳим қуюни фалакни ўрндан суриб юборди. Кўз ёшим селининг аждаҳоси ер қуррасини ютиб юборди”.

қолган эди. Савт ила наво янада юксалар, аммо маъни юксаклиги олдида унинг парвози ҳеч эди.

*Вомиқу Фарҳод Мажнундеклар ул водий аро,  
Бўлсалар пайдо, мани ҳам ул арода истангиз.*

Мажлис узра бошқа бир руҳият қуши қанот қокди. Барча жиддийлашган, кўзлар катта-катта очилиб, бу чўнг ва азим маънилар қаршисида хайрат бармоғини тишлаган эдилар. Ҳатто бундай базмларни хушламайдиган уруш беклари ҳам бир-бирларига қош кериб қараб қўйишди.

*Юз аларнинг ишқича дарду балову ғуссага  
Толиб эл бошига келган можарода истангиз.*

*Эйки, истарсиз саводул ваҷҳ фиддорайиндин,  
Бохабар бўлмоқ мени юзи қорода истангиз.*

*Кўнглум ул зулф ичрадур, зинҳор ишқим шарҳини  
Истаманг мен телбада, ул мубталода истангиз.*

*Нуқта янглиғким, вафо узра қилур котиб рақам,  
Ишқ ўтининг доғини аҳли вафода истангиз.*

*Оғзи шавқидин Навоий итти, ани истар эл,  
Ё адам даштида, ё мулки фанода истангиз.*

Йиғилганлар орасида Султон Абусаид Мирзога таъзир берганлиги билан номи чиққан Саййид Иброҳим Қумий деган кекса бир чол ҳам бор эди. Султон Абусаид Мирзо Муизиддин Санжарни қатл қилишга фармон берган куни Саййид Иброҳим Қумий унинг тахти пойига бош уриб, қатл ҳукмини

бекор қилишини ўтинган, бироқ Абусаид Мирзо унга қараб бақириб, сўзини тингламаган эди. Ҳукм ижро этилгач, эртаси куни султон Абусаид Мирзо уни бир махфий жойга чақириб, узр сўраб “Мирзо Муизиддин Санжар лашкар тўплаб, бошқа бир неча душманларимиз билан биргаликда бизнинг иқбол ниҳолимизни илдизидан кўпориш пайида бўлишган экан. Лекин Тангри таолонинг иродаси билан у бизнинг кўлимизга тушди. Акс ҳолда унинг хатти-харакатлари фитна ва бузғунчиликка сабаб бўларди. Шунга кўра кеча сизнинг илтимосингизни бажо келтиролмадим” дейди. Султон Абусаид Мирзодан кўнгли оғринган Саййид Иброҳим Қумий шундай жавоб беради: “Мирзо Муизиддин Санжарнинг қатл этилиш сабаби маълум бўлдику-я, аммо билмадим, қариб қолган кампир Гавҳаршод Оғонинг нима гуноҳи бор эдики, уни муборак рамазон ойида қатл этдилар?” Султон Абусаид Мирзо бу кинояли гапларни эшитиб нима дейишини билмай, у ердан жўнаб қолади.

Шу жасоратли қария ўрнидан туриб, Алишер Навоий сари юрди. Саййид Иброҳим Қумий етиб келгунча бўлмай, Навоийнинг ўзи унинг қошига бориб кўлтиғидан тутганида, чол кишини довдиратиб қўядиган шундай сўзларни айтди:

– Эй биродаримнинг ўғли, камолингиздан шодман. Сизни бот-бот ўйлар эдим, минг шукр, ўз кўзларим билан кўрдим, энди ўлсам ҳам розиман. Бундай ажойиб ғазалларни битган кўлингизни менга беринг, ўпиб кўзимга суртай!

Навоий ўша заҳоти уни ўзи ўтирган курсига ўтқазди-да, пойгакроққа ўтиб:

– Эй отамнинг биродари, сиз менинг кўлимни ўпишингизнинг ўрнига, мен сизнинг оёқ тупроғингизни ўпсам розиман! – деди.

Барча бу ҳолдан мутаассир бўлиб қолишди.

– Саййид Иброҳим Қумий салтанатимиз улуғларидан, ота кадрдонларимиздандир, у кишига бир пўстин, бир бўрк инъом қилдик! – дея Султон Ҳусайн бу кайфиятга хотима ясаб, чолгучиларга юзланди. – Устод Марворий ила Саййид Бадрдан яна ўтингаймиз, мажлисга завқ ҳадя этишсин.

Шу заҳоти Хожа Абдулло Марворий даф жўрлигида шўх бир нағма бошлаган эди, кичик умародан Саййид Бадр ўрнидан туриб, ғалати ҳаракатлар ила рақсга туша кетди.

– Бисёр зўр ва асру ширин ҳаракот, ажаб соҳиб усул кишидур! – дерди кула-кула Навоийнинг дўстларидан Соҳиб Доро. – Ғариб хўб, ғайри муқаррар рақс қилур. Ғолибо бул рақс ўзининг ихтиросидир. Бул ваҳхдин ҳамиша мулозаматда, доим ҳарифи шароб ва ҳамсухбатдир.

Нафис базм то тонггача давом этди. Бомдод намози вақти етгачгина ҳамма тарқалди. Ҳар кимнинг кайфияти чоғ, руҳи енгил эди.

### ***МУҲРДОР***

Хуросон ҳаёти тартибга тушиб, халқ салтанат талошларидан бир оз тин олди, чунки Ҳусайн Мирзонинг куч-қудратидан ҳайиққан даъвогарларнинг Ҳирийни олмоққа кучи етмаслиги аён бўлиб қолди.

Ҳиёнаткор Поянда Султон бегим бир қанча чўри ва куллар билан Марвга юборилди, қолган умрини ўша ерда ўтказиши ихтиёр қилинди.

Султон Ҳусайн садоқатли бекларига, шунингдек, Алишер Навоийга ҳам бир қанча мулкларни суюрғол қилиб берди.

– Бир шоирга мунча мулк инъом этилурми? – деб тўнғилларди Музаффар барлос. Аёнлар орасида бир шу кишигина султонга типпа-тик гапира олар, султон ҳам унга қарши бир нима демасди.

– Амир Алишербекнинг давлат олдидаги хизматлари барчага аён, – деди Султон Ҳусайн. – Ҳирий исёнини қандай бостирганини, Муҳаммад Ёдгор Мирзони қандай қўлга олганини унутдингизми? Бундай кишининг салтанатимизда бўлмоғи обрў-иззатимизни оширгайдир. Яна улким, Музаффар барлосга берилажак мулклар қаршисида Мир Алишерга берилгани бир кичик боғча ҳам эмасдур.

Музаффар барлоснинг чехраси яшнаб кетди.

– Кулингиз сизга бениҳоя садоқатимни билдириб қўйгим келди, – деди дағал қилиб. – Мен шоирлар каби чиройли сўзлай олмайдурмен, аммо молу мулким ҳам, бошим ҳам сизга фидо!

Бошқалар ҳурмат сақлаб жим туришарди. Гап шундаки, Ҳусайн Мирзонинг каттиқ кунларида ҳамнафас бўлган суртабиат бу кишининг жасурлиги ва бир чоғир мажлисида мастлик боис, шундоқ шарт айтилиб эдики, ҳар вилоятки олинса, учдан бири Музаффарга бўлгай. Олий мартабали кишилар “Бу ажаб шартдир, подшоҳликда қачон рост келгайким, бир қора кишини ўзи билан шерик қилгай? Ини-ўғул орасида ҳам бундай шарт муяссар бўлмас, бек киши ила нечук муяссар бўлсин?” деб хайратланишарди.

– Фармонни ўқингиз!

Ҳудайчи фармонни ўқиди:

**“Хувал азим.**

**Ғозий Султон Ҳусайн Бойқаро фармонимиз.**

**Мир Алишер Навоий бу кун эътибори ила муҳрдор этиб тайинландилар. Вазирлар, девонбеги, мирохур, беклар ва ясавулбошилар диққатга олгайлар. Омонлик замонларда ички беклар, беклар ва баҳодирлар ҳам итоат этгайлар. Хазина сарфиёти ва улус шикоят, додхоҳлик ишлари ҳам ул кишига берилгайдур. Лузумоти вазири аъзам Мажидиддинбекдан талаб қилингайдир”.**

– Муҳрдор? – чидай олмай сўради Музаффар барлос, не-не жангларни кўриб ифодасиз бўлиб кетган кенг япаски юзида юзида кин балқиб. – Навоий? Муҳрдор?

Султон Ҳусайн унга илтифот қилмади. Аксинча, феълига мос кенглик билан баралла деди:

– Маълум бўлсинки, тўққиз маротабага қадар фармонни қайтармоққа ҳуқуқлари бордир. Кам-кўсти бўлса тартибламоқлари ўтинилгайдир!

Барча Амир Алишер етти таъзим ила султонга қуллуқ қилишини кутиб туришарди. Бироқ, Навоий Султон Ҳусайннинг юксак ҳурматини иззатлаб шундай деди:

– Мен ҳозирда сизнинг ноибларингиз ва ички бекларингиз жумласидан ҳисобланаман. Удумга риоя қилмасдан барча амирлардан, барлос уруғининг катталаридан ҳам тўрда ўтираман. Шу жиҳатдан марҳамат кўргизиб мени муҳр босувчилик лавозимидан қутқаришингизни умид қиламан. Токи кўнгилни хотиржам қилиб, ўз хизматимни адо этишда давом этсам.

Султон Ҳусайн кулиб юборди:

– Сизнинг қобилиятингиз қоматини мансаб тўни билан беэмаслигим мумкин эмас. Истиҳолангизга келсак, мен сизнинг тўрда ўтиришингиз тўғрисида фармон чиқараман. Фақатгина, агар хоҳласангиз, сиз билан яқинлик ва дўстлик муносабатида бўлганликдан гапирувчи Амир Музаффар Барлосга сиздан олдин муҳр босишига руҳсат берсангиз. Янаям ихтиёр ўзингизда.

Бундай ёқимли сўзни эшитиб, Музаффар барлос тиржайиб кўйди.

Шундай қилиб, Амир Алишер Навоий билан Амир Саййид Ҳасан Ардашер бир кунда жубба ва кулоҳи наврўзий кийиб, муҳрдорлик ишига киришишлари тўғрисида қарор қилинди.

Ҳаммининг хаёлида муборак фармонга мувофиқ, Амир Алишер барча амирлардан юқорига муҳр босади, деган ўй айланарди. Бироқ ўша куни одатга кўра Навоийнинг ҳузурига муҳр бостириш учун бир фармонни олиб келдилар. Алишер Навоий фармонни олдин муҳр босиши учун Амир Саййид Ҳасан Ардашерга беришларини буюрди. Амир Саййид Ҳасан ҳам ўзининг ҳурматини изҳор этиш маъносида фармонни яна Навоийга қайтарди. Шунда Алишер Навоий қоғозни олиб, ўта камтарлик ва хокисорлик юзасидан шундай бир жойга муҳр босдики, бирор киши ундан қуйроққа муҳр боса олмасди. Амир Саййид Ҳасан бу ҳолатни кўриб хижолатда қолди, бошқалар эса амирлик йиғинларининг тўрида ўтирувчи бу зотнинг бунчалик камтарлигидан ҳайрат денгизига ғарқ бўлдилар.

\* \* \*

Музаффар барлос кучли, чапдаст, довюрак киши бўлиб, чопқинларда ўлим-қолимга қарамай жангга кириб кетаверар, эҳтимол, шу довюраклиги



туфайли ажал қуши уни ҳар гал четлаб ўтарди. Бироқ, бу одам салтанатда бир Султон Ҳусайн билан Чопу барлоснигина тан олар, назарида атрофи хуфёна тил бириктириб, хузур-ҳаловатларга эга чиқишни кўзлайдиган душманларга тўладай туюларди. Саройга Алишер Навоийнинг келиши унинг энсасини қотирди. Не эмиш, ҳам шоир, ҳам олим эмиш. Олим китобини ўқисин, шоир ғазалини битсин! Салтанат ишлари шуларга қолибдими? Салтанат, эҳ-ҳе, аввало сиёсатдир. Ҳар кишилар борки, куч қаршисидагина дум қисурлар. Қамчингдан қон томиб турмаса, ёв тугул, ёнингдагилар ҳам сени бир чақага олишмайди. Чиройли сўзлар билан юртни бошқариб бўларканми?

Шуларни ўйлагани сайин баттар ғаши келарди. Қирқ устунли сахн бўйлаб тош йўлакдан тез-тез юриб борар экан, вазири аъзам Мажидиддин девонхона сари бораётганини кўрди-да, у томон илдамлади.

Икковлон саломлашишгач, Музаффар барлоснинг авзойи бузуқлигини кўрган Мажидиддин нимадир юз берганини фаҳмлади-ю, аммо сўрамади.

– Эшитгандирсиз? – деб сўради қаҳрдан юзи қорайиб Музаффар барлос.

– Не бўлмиш?

– Мирзомиз...

– Мирзомиз қай кент олинса, учдан бирини сенга суюрғол этмишлар.

Шуни суюнчиламоқчимидинг?

– Уни бермасалар ҳам майли. Кошки бу иш бўлмаса эди. Мирзо жаноблари Алишер Навоийга муҳрдорлик мансабини ҳадя қилдилар.

– Нима қипти? Муҳрини босиб юравергайдир. Сенга нима?

– Ана ўша шоир султоннинг марҳаматидан фойдаланиб, ўз одамларини саройга олиб келишни ният қилган кўринадир. Паҳлавон Муҳаммад, Шайхим Суҳайлий, Соҳиб Доро деганларини келтирганини кўрмабсизми? Икки сўзида бир мутойиба қилгани қилган. Амир Саййид Ҳасан ҳам доим унинг тарафини олади.

– Булар султон Хусайн шахзодалик чоғида хизмати сингган кишилар, – деди Мажидиддин. – Лузумот бўлса бошини бир ён, тилини бир ён қилиб кўйгаймиз. Хўш, муддаонг нима?

– Асли муни айтмоқ муддаом эмас эди. Шарафингизга бир зиёфат тузасам, – деди Музаффар барлос, кўзларида айёрона учкун чакнаб. – Қай окшом фурсатлари бўлса, марҳамат этсалар. Салтанат ишлари борасида бир-икки фикрим бор, шуни маслаҳатлашсак.

– Кўрамиз, – деди Мажидиддин пўнғиллаб.

Шу тарз хайрлашдилар.

Мажидиддин одоб-андишадан йироқ, сарсонликларда Хусайн Мирзо кабатыда юриб, у билан дўстлашиб олган бу одамни жини суймасди. Аслида-ку, нафақат Музаффар барлосни, балки ҳеч кимни ёқтирмасди. Ўйланиб туриб, “Бу барлос мендан шу тарз гап олиб, султонга етказса-я?” деб ташвишга тушди. Амир Алишер Хусайн Мирзонинг болалик дўсти экани эсига келгач эса, фикри янада қувватланди. “Манфур Музаффар” деди яниб. Дарҳақиқат, суллоҳ бу киши турли мажлисларда сурбетликларга боришни ўзига эп кўргани билан, Хусайн Мирзонинг бир кун ғазаби кўзғаса моли талонда, боши долонда, пишиқ ипга бўйнидан осилган ҳолда осилиб туришига ақли етмайди. Қозоқиликларда Хусайн Мирзо султон эмас, шахзода эди. Ҳозир аҳвол тамомила ўзга, бул бефаҳм шахзода эмас, султони мутлақ қаршисида турганини ҳануз фаҳмламайди.

Мажидиддин эшик оғасига султон ҳузурига кирмоқ истагини билдириб, ўзи баланд равоқли сернақш саломхонада бир оз кутиб қолди. Занжи кул шарбат олиб келди. Шарбатни сипқориб, мўйловини артди-да:

– Қаерликсан? – деб сўради ундан.

– Дамашқдан, мухтарам вазир, – деб жавоб қилди занжи.

– Дамашқда занжи бўлурми эди?

– Фақир занжи эмасман, арабнинг Бану Тамим қабиласиданман, – деб жавоб қилди кул. – Атойи-анойимни Рум султони кул қилиб олиб кетган

экан. Кўрагон замонида уларни Румдан келтириб эканлар. Султон Абулқосим вақтики, Самарқанддан Ҳирий келмишлардир.

– Бўпти-бўпти, ишингни қилавер.

Шу маҳал эшикоғаси чиқиб, киришга ижозат бўлганини билдирди. Вазири аъзам алпанг-талпанг қадамлар ила ичкари йўналди.

Мажидиддин саломлашгач, дуо ўрнига қисқа қилиб “Овмин! Оллоҳу акбар!” деб қўяқолганини кўриб, Султон Ҳусайн кулиб юборди:

– Ҳой Мажидиддин, дуо ҳам шундоқ қилинурми?.

– Бизнинг боримиз шу, – деди Мажидиддин. – Хос бир мавзу бор, агар рухсат берсалар.

– Хос бир мавзу?

– Бу ёнга келурда Музаффар сурбетни кўрдим. Оқшомга зиёфат таклифини қилди, Мир Алишерни муҳрдор тайин этганингиздан шоён дарғазаб.

– Музаффар барлос неча йилким хизматимизда, биз ҳам иззат қилдик, – деди Султон Ҳусайн. – Нечун норизо эмиш?

– Йилларким, жангу жадал усталари мартаба топар эдилар. Энди бизга шоир бош бўлгайми деб қаҳрланур.

– Ҳузуримизда мунча йил риоят топти, ажаб сурлиқлар қиладир, аммо ҳеч нима демадик. Ҳар ҳолда Музаффар барлоснинг садоқатига инонурмиз, қизгинлик ила сўзлаган бўлса ажабмас. Бошқа не гапинг бор?

– Янглиш туймамиш эсам, Муҳаммад Бурундуқ бек ҳам шу фикрда.

– Муҳаммад Бурундуққа мартаба тайин этмадик, – деди Султон Ҳусайн. – Шундан норизолиғи бўлса ажабмас. Мартаба тайин этмаслигимизнинг боиси қушга кўп майли борлиги. Шу қадарки, бир қуши ё ити ўлса, ўғилларининг отини тутуб айтур эканки, бу қуш ўлгунча сен ўлсанг не эди, ёки фалончининг бўйни синса не эди? Мундоқ кишига мартаба тайин этилурми?

– Султон иродасига қарши борилмас, – деди Мажидиддин. – Яна бир мавзу бор. Мен мунча йил хизматингизда, барча амрларингизни қулоқ

қоқмай адо этдим. Вақтеки, Мозандарон чопқинидан сўзлаган эдингиз. Чопқинга ҳозирликларимизни кўраверсакми?

– Мозандаронда шу он Муҳаммад Тархон ҳукм юритгайдир, – деди ўйланиб Султон Ҳусайн. – Риояти мақбул, эл-улуси рози. Не сабаб ила босилур?

– Уни билмадим. Черик чопқин тилайдир.

– Сен салтанат ишларига боқиш ўрнига, нечук ҳарбий ишларга бошингни котиряпсан? – деб сўради султон. –Тек турсам, Мозандарон тугул, Ҳинд чопқини қилсак деб ҳам айтасан.

Дарҳақиқат, Машҳаддан Ҳирийга келаркан, Мажидиддин гап орасида Синд сувининг нариги томонидаги мамлакатларга босқин қилмоқни орзулашини бир неча бора айтган эди.

– Синднинг у ёғими? – бирдан кўзи ёниб кетди Мажидиддиннинг. – Бағоят мақбул! Қалин олтин-кумуши бормиш. Мирзомизнинг энг оламшумул юришлари шу бўлғайдур!

– Мундан бошқа сўзинг йўқми?

Султон Ҳусайннинг қаттиқ нигоҳидан эти жимирлаб кетган Мажидиддин оғзига не келса қайтармади:

– Бор, албатта, агар рухсат берсалар. Яқин орада қиш келгайдир. Хазинани тўлдирмоқ учун халққа ўтин солиғи солсак..

– Ўтин солиғи? – Ҳусайн Мирзонинг қалин қошлари чимирилди. – Не дея солгайсан у солиқни?

– Мамлакат сизнингдир, – деди Мажидиддин. – Қарқанддан балутгача тасарруфингиздаги мулкларда ўсмоқда. Ёввойи дея кишилар ҳар сафар ҳисоб-китобсиз кесиб ёқиб юбормоқдалар. Агар шундай солиқ жорий қилинса...

– Эл бошига Абусаид замонидан ҳам баттарроқ кунлар келсин, Султон Ҳусайннинг номи эса тарихга “ўтинчи шоҳ” дея кирсин, шундайми? Қай фаройиб бошки, мундай ажаб фикр келмиш?

Мажидиддин бирданига бўйнини букиб, ғумбалоқ бўлиб қолди-да:

– Кулингизман! – деди шоша-пиша.

Мажидиддин тисарила-тисарила ўзини ташқарига уриб, кабулхонада чукур-чукур нафас олди-да “Аллоҳ сақласин” деб қопқадан чиқаркан, лапанглаб келаётган Чопу барлосга тўқнашиб кетди.

– Маъзур тутгайсиз, – дея олди, холос.

– Мунча, ўт теккандай чопасан? – деди Чопу барлос тўнғиллаб, вазири аъзамга йўл бермай ўтаркан.

Мажидиддин танбеҳ эшитган бўлса-да, хурсанд эди. Сабаби, шу баҳона садоқатини изҳор қилиб олди. Қолаверса, Муҳаммад Ёдгор мағлубиятидан сўнг маблағ масаласи муҳокама қилинганида, ўз бойликларини хазинага икки кўллаб топширганини султон унутмаган чиқар? Нима бўлганида ҳам, салтанат хазинасини тўлдирадиган бирор бир ишни ўйлаши керак, шундан сўнг узр тилаб яна қайта кирмоқ ва шон-шарафга бурканмоқ мумкин бўлади. Шуларни ўйлаб бирданига кайфияти яхшиланиб, тез-тез юриб ташқарига йўналди. Ҳали қай таклиф ила кирмоғини билмаса-да, Хусайн Мирзони лол қолдирадиган бир режа ила ҳузурига киргани, аъёнлар ҳам шошиб қолгани манзараси хаёлида бино бўлар, шундан ҳузурланиб, ғайрати жўшиб борар экан, дарбозадан чиқишда соқчилардан нарида, дарахт соясида турган кенг жуссали, қорувли йигитга кўзи тушди.

Ичкаридан чиққан улуғ бекларга ўхшаш бировнинг қарашини сезган у йигит дарҳол кўлини кўксига қўйиб, салом берди.

Мажидиддин бирданига хурпайиб, яна вазир қиёфасига кириб:

– Ва-а.. – деб чала алик олди. – Шом маҳали не юмуш ила келдинг бу ерга?

– Амир Алишер жаноблари қошига келган эдим...

– Амир Алишер қошига? – Қорувли жуссаси, қабарган кўллари, ёвқур чехраси унинг сарбоз эканини билдириб турарди. – Навкармисан?

– Ҳа, у зот билан Самарқандда черикда бирга эдик.

Вазири аъзам:

– Ҳай, тузук... – деб ўтиб кетаётиб, бирдан тўхтади. – Шошма! Не дединг?

– Самарқандда, черикда эдик.

– Алишербек Самарқандга таҳсил учун бормаган эканми? Нималар деяпсан?

– Бир-икки ой қора черикда юриб, сўнг шаҳарга кетган эдилар.

– Нечун кетмиш эканлар? – ўйланиб қолди Мажидиддин. Бир оз мулоҳазадан сўнг: – Сен навкар, у киши муҳрдор бўлсалар... Не юмуш тайин этарлар сенга? Отинг нима?

– Қора Мўғул.

– Эрта қошимга кел-чи, кўрармиз.

Мажидиддин шундай деб лапанглаб бориб, аравасига ўтириб жўнаб кетди.

Қора Мўғул шу ердаги ясовулдан у олийнасаб кишининг ким эканини сўраган эди, у аввал Ҳирий амирига хизмат қилиб, энди Ҳусайн Мирзо саройига келган вазир Мажидиддин эканини айтди. Қора Мўғулнинг ақли бунақа маҳаллар тез ишлаб кетарди. Фалак чархи энди унинг тегирмонига сув куймоқда эди. “Амир Алишерми ёхуд вазири аъзамми? Қай бири тузукроқ?” деб ўйлади пешанасини тириштириб.

– Албатта келгайман! – деди у вазири аъзам жўнаб кетган тарафга қараб, – Бажонидил, чопа келгайман!

Сўнг кеча топиб олган улфатлари қошига – Боғи Нав тарафдаги чоғирхона томонга илдам юриб кетди.

### ***ВАЗИРИ АЪЗАМ***

Вазири аъзам – Мажидиддин бир оз қорин кўйган, оқиш хира юзли, қошлари туташ, кулоқлари ичидан ҳам мўй ўсган кўпол, мағрур киши бўлиб, ҳар доим узун тўн, бўрк кийиб юрар, ёз маҳаллари ҳам устидан зар чопонини ташламас, мағрурлиги мансаби ва бойлиги боис дер эдилар. Фақат ўз фароғатинию маишатини ўйлайдиган, бировга қайишмайдиган бўлиб, ҳар кимдан ўзсаму энг бадавлат мен бўлсам дегандай хаёллари борийди. Бу борада бировни юз-хотир қилиб ўтирмасди. Олий рутбага эришгунига қадар

хаммага хушомад қилиб юргани маълум, бироқ мансабга келгач, биров у ҳақда гапиришга ҳайиқиб қолди, чунки ўчкорлиги ва тажовузкорлиги барчага аён эди.

Алишер Навоийга муҳрдорлик мансаби берилиши ортидан унинг иниси Дарвишали Балх амири этиб тайинлангач, Мажидиддин баттар ғазабга минди. “Муҳрдор эмас, мурдор экан-ку” деб ғижинарди у. Султон фармони эълон қилинганида ҳам лом-мим демай тураверди. Султон буни пайқаб, муҳокама пайтидаги қаршиликларига ишора қилиб:

– Тақдирга тан бермоқ керак, муҳтарам вазири аъзам, – деди. Сўнг Дарвишалига юзланди. Дарвишали бош эгиб, қўл қовуштириб турарди. – Уқиб олинг, вазири аъзам жанобларининг сўзи салтанат сўзидир.

– Бош устига!

– Буйруқларимизни қабул қилсалар бас, – деди Мажидиддин қаттиқ овозда. – Албатта у буйруқларда муҳтарам оғойиларининг имзолари бўлғайдирки, ҳақиқат эканига ишончлари том бўлғайдир.

Бу дағал сўз султон ҳузурида айтилди. Лекин Султон Ҳусайн кенглик ила Алишер Навоийга юзланиб:

– Ўзингиз одобу тарбият айлағайсиз, – деди. – Модомики падар ўрнига падарсиз, хулқи сиздан сўралғайдир.

Шундан сўнг Сабзавор, Машҳад, Маймана амирларининг сўзлари тингланди. Уламо эшитуви эртанги кунга, қўшин муҳокамаси индинга белгиланган эди. Мажидиддин наздида уламо эшитуви кераксиз бир иш бўлиб, энг эътиборлиси қўшин муҳиммоти масаласи эди. Сабаби, Рум ва ундан нари ўлкаларда янги тур ўқ-ёйлар, совутлар ясаибди. Чин мамлакатига элчи юбориш масаласи ҳам муҳокама қилиниши керак бўлиб, уларнинг яроғ-аслаҳасидан ўрнак келтириш амри берилган, тез орада етиб келмоғи тахмин қилинар, қўшинни такомиллаштириш ишлари шундан сўнггина бошланиши лозим эди.

## ***УЛАМО ЭШИТУВИ***

Хусайн Мирзо ҳар икки эшитувга ҳам Алишер Навоий кирмоғини истади. Шайхулисом мадрасалар таъмири ҳақида сўзлади, жомеъ мударриси эса шоҳ қаршисида довдираб, ҳамду сано айтишдан нари ўтолмагач, яна шайхулисом сўз ўтиниб, шундай деди:

– Менинг арзим шуки, мамлакатда мактабу мадрасалар қурилса, олис навоҳийларда ҳам болаларга диёнат билимлари ўргатилса. Элнинг фарзандлари илм олсалар!

– Ҳар ким ўз ишини қилгани маъқул. Ҳамма илм олаберса, ваъз-насиҳат қилгувчи кўпайиб, ишлайдиган одам қоладими! – деб қарши чиқди Музаффар барлос. – Чоракорнинг боласи чоракор, бекнинг боласи бек, шундай бўлиб қолаберсин.

– Илмингиздан не наф? – деди Мажидиддин ҳам. – Давлат сиёсатини мустаҳкамламоқ ўрнига юлдузларга қараб фол очилгайми?

Алишер Навоий бу кишиларга қараб, дилидагини тилига чиқармай жим турар эди. Шоҳ унга юзланганида, у шундай деди:

– Одилу оқил подшоҳ ибодуллоҳга зиллулоҳ, яъни Аллоҳга ибодат қилувчилар учун жаноби Ҳақ номидан ер юзини тасарруф этгувчи эотдир. Халифалик мулки анинг фармонида “Мен ер юзида халифа қилмоқчиман” шаънидадир. Бу – одил подшоҳ таърифидан буюкроқ эрур. Хожаи кавнайн дебдиларким, “Адлун саатун хойрун мин-ибадатис-сақалайн” – “Бир соатлик адолат, инсонлару жинларларнинг ибодатидан яхшироқ”.

Одил подшоҳ Ҳақ таолодан халойиққа раҳмат ва мамлакатга тинчлик, турмуш кенгчилиги, омонликка сабаб, асосдир... Баъзи халқлар шу моҳиятни англамагани учун унинг марҳаматидан бебаҳра қолдилар. Элнинг боғларига марҳамат дарёси оқмади ва улус ўз бағридаги гавҳарларини юзага чиқаролмай, қашшоқлик ва меҳнат ичида яшашга мажбур қолди. Шоҳ улуси ўзига мушобих бўлур. Ёдингизга Пирмуҳаммад Мирзо ҳукмдорлиги вақтида юз берган воқеани солмоқчиман. Пирмуҳаммад Мирзо Балхга черик тортганида, уни қалъага кўшин эмас, халқ ўтказмаган эди. Шу сабабли, мен Мирзомиздан салтанат сиёсатида халқ учун қилинадиган ишларни илғорга



кўйишларини сўрайман! Мунча кишига қилинган яхшилик бир дарё бўлса, уларнинг сизни алқаб қилган дуоси шубҳасиз денгиз бўлмай!

Бу сўзларни эшитган Музаффар барлос “У халқ бошқа эди, бу халқ бошқа!” деб тўнғиллаб қўйди. Бу халқ ёв келиб тўндан ўтказмагани учун шуқр қилаберсин! Агар салтанат қудрати бўлмаса эди, кумурсқадай янчилиб кетарди. Мана шу сабаб туфайли ҳам улар салтанатни иззатлашга мажбурдирлар. Буни билган ила билмаган тенг бўлурми? Дарҳақиқат, фақат ақл эгаларигина эслатма олулар, ақли етмаганлар эса ғофилликларича қолавергайлар.

Шу ўйдаги аъёнлар азбаройи султон Ҳусайн Мирзо хурмати боис Навоийнинг сўзларини тингласалар-да, қалбларида унинг мулоҳазаларига хайрихоҳ эмас эдилар. Султон эса Амир Алишернинг бирон сўзини ерда қолдирмади, билъақс, арз билан келувчиларнинг шикоятларини тинглаш, кенту қишлоқларда мадраса ва мактаблар барпо қилиш, работлар қурдириш каби эл корига ярайдиган барча ишларга бош қилиб тайинлади.

Уламо эшитувидан сўнг Музаффар барлос Четин бек билан ташқарида сўзлашиб қолди.

– Не дея Мирзонинг бошини оғритурлар? Уламо китобини ўқиб, болаларни ўқитиб юраверсин, асло қаршилик йўқ. Аммо султонни юришларга кўндириш лозим. Ер ишлаб, тариқ-арпа эккан билан мамлакат бой бўлар эканми? Душманлик кайфиятидаги ўлкаларни боссак, дунё-дунё олтин-жавоҳирот, кул-чўри, ўлпон келгай. Ҳай, у бўлмаса, Синд дарёсининг у ёғига юриш қилинса ҳам бўлади. Ҳам ғозийлик, ҳам фотиҳлик насиб бўлмай. Сиз ҳам уламонинг сўзларига бош лиқиллатиб ўтиравердингиз, бир нима демадингиз.

– Ҳой Музаффар, – деб жавоб қилди Четин бек. – Бу уламо мажлиси бўлса, урушдан қандай сўз очасан? Қўшин мажлиси бўлса бошқа гап. Менинг ҳам муддаом шу, боғчада ўтиравериб юрагим сиқилди, ўзимни занглаб қолгандай сезаман.

– Уруш бекларига шипшитайлик, бир нима дейишсин, – Музаффар барлос унинг жавобидан қониқиб, илжайди. – Худо хоҳласа, уруш ҳам бўлмай, сизу бизнинг ниятларимиз рўёбга ҳам чиқмай.

### **ҚЎШИН МУҲИММОТИ**

Тушдан сўнг теварак-атрофдаги давлатлар қўшинининг вазияти тингланди. Пойтахти Шероз бўлмиш оққуюнлилар салтанати булар орасида энг муҳими эди.

– Оққуюнлилар ҳозирча пайт пойлаб туришибди, – деди Четин баҳодир. – Уруш чиқадиган бўлса, эллик минг аскар йиға олулар. Қўшинни такомилга еткурмишлар, айтишларича, рум усулида икки ғилдиракли жанг аробалари ясашибдилар. Сейистондан филлар келтирган эмишлар.

– Нусрат Тангридандир, – деди Музаффар барлос тўнғиллаб. – Султонимиз Сабзаворда олтмиш киши ила уч минг черикни енгган эдилар. Араваю филлар ила иш битарми?

– Султонимиз ғалабасидан сўнг энди ҳеч бир ҳукмдор Ҳирийга кўз тика олмас. Бироқ, теваракдаги султонлар ҳам ғофил эмаслар. Бир оз заифлик кўрсатилса, қўшин тортишга шайдирлар.

Мажлис аҳволни муҳокама қилиб, энг хатарли ёв Узун Ҳасан эканига тўхталди. Мовароуннаҳр ҳукмдорлари билан қариндошлик ришталарини мустаҳкамлашга келишиб олинди. Шундан сўнг қўшин муҳиммотини яхшилаш борасида сўз кетди.

– Фарангистонда тўфанг деган бир нима чиқибди, – деди Четин бек. – Бир қувур эмиш, оғзидан темир соққаларни солиб, қувурнинг бошқа учига борут қўйиб ёқсалар, ўқ етадиган жойгача қизгин ҳолда учиб боргаймиш.

– Борут ила мундай ишлар Темурбек замонида ҳам бўлур эди, – деди Султон Ҳусайн. – Сопол кўза ичига тош солиб, ичини борут ила тўлдириб пиликни ёқиб отганларида борут шиддат-ла ўт олиб, қўшин устига майда тош учиб яраларди.

Султон Ҳусайн фаранг кофирининг у тўфангига кизиқиб, барча хусусиятларини сўраб-суриштирди.

– Амир Алишер ҳам бир нима дерларми?

– Борут маълум нарсадир, ҳаддан зиёд қизғинликни бир онда бергайдир, – деди Навоий. – Олимларга айтилсаким, қандай пўлатдан ишланур, қувури қандай бўлгай, қанча миқдор борут солингай, соққачалари қай маъдандан ясалгай, шуларни тадқиқ этсалар.

Мажидиддин яна хурпайиб олди. Тавба, кечагина уламо эшитувида Навоийга гапнинг бўларини, яъни “Олим-полимдан не наф? Табиблару имомлардан бошқа бари пуч” деб айтмадими? Муни кўрингки, орадан бир кун ўтиб, илм-фан масаласи кўшин муҳокамасида ҳам тилга олинмоқда. Навоий эса ғоят айёрлик билан уни ўз йўсинига бурмоқда.

– Кўшин такомилига ақча даркор! От-улов, яроғ-аслаҳа, ош-озик сотиб олмоқ лозим. Халққа солинадиган солиқлар нисобини орттириш керак!

Навоий ўша заҳоти эътироз билдирди:

– Асло! Фуқаро елкасида солиқлар ҳаддан зиёд. Уни тўлашдан бўйин товламоққа кишиларнинг ҳадди йўқ, бироқ, қиш қаттиқ келса ё ҳосил битмаса оч қолгайдир. Эл бой бўлгайки, салтанат обод бўлгай. Хазина харожи ҳисоблатилса, халққа ўша миқдордагина солиқ солинса. Бир-икки йил мундоқ енгиллик берилсаки, ўзини ўнгласа. Сўнгра маълум миқдор орттирилса.

– Баъзи кишилар кўприкларни буздириб, тўғонларни очтирмишлар. Уларни таъмирлаш ёки мадраса-мактаб қуришга ҳам анча-мунча сарф лозим. Улар қайдан олингай?

– Фақир ўзимнинг бисотимни хазинага арз этурман, – деди Алишер Навоий. – Давлатимнинг бахти менинг бахтимдир!

Шундай деб, бир рубой ўқиди:

*То ҳирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас,*

*То нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас,*

*То зулму ситам кўнглига бедод ўлмас,  
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.*

Музаффар барлос:

– Ана... У ерда ҳам шеър, бу ерда ҳам шеър! – деб тўнғиллаган эди, буни ҳамма эшитди.

– Ҳай-хай! – деб кулиб юборди бир-икки киши. Султон Ҳусайн жилмайиб:

– Салтанатимизда сизнинг бўлмоғингиз энг катта хазинамиздир! – деди.– Солик, хирож, ўлпон борасида Алишербек ҳақ. Фуқаро қашшоқ. Сабру таҳаммул қилгайдирмиз, вазирларимиз ила хазинани бойитишнинг бошқа йўллари излагаймиз.

“Вазирларимиз” деган гапдан Мажидиддин-у Музаффар барлос юзига мамнуният инди. Улар бу сўзлардан: “Сиз бу ишларга аралашманг, у ўз усталарининг қўлида” деган танбеҳни уққан эдилар. Мажидиддин ён-верига қараб, “Ана!” деб қўйди. Бу ҳам оз келиб, сергўшт оғзини очиб:

– Гўзал жорияларимиздан юборгаймиз, хусни жамолига қараб абётларини битавергайлар! – деди.

Бу ўринсиз дағал сўз ҳеч кимга ёқмади. Лекин Мажидиддин шод эди. Ўзича Амир Алишерни мот қилиб, ўрнини кўрсатиб қўйдим, деб ўйлади.

Алишер Навоий унинг бу луқмасига шу байт билан жавоб берди:

*Дунё аруси<sup>1</sup> зулфини тутқан не огаҳ фақрдин,  
Ганж истамас улким, йилон тутмоқ била хурсанд эрур.*

Аъёнлар ичларидан тошиб келган кулгини яшириб, бир-бирларига маъноли қараб қўйишди. Мажидиддин эса бунга қандай жавоб қайтаришни билмай, тилини тишлаб қолди.

---

<sup>1</sup> Арус – келинчак. Мазмуни: “Дунё келинчаги сочини тутган киши фақрдан қандай огаҳ бўлсин? (Бу ўринда сўз ўйини ҳам бор: ҳам фақру фано, яъни ибодат даражаси кўзда тутилмоқда, ҳам Навоий “фақир” дея ўзига нисбат бермоқда), У ҳақиқий хазинани истамай, илон тутмоқ билан хурсанддир”.

Машварат тугаб, чиқурда улар хайрлашишмади. Мажидиддин девонга, Навоий эса “Унсия”га қараб йўл олди.

Бугун Дарвишали уни кутмоқда, эрта тонгда Балхга жўнаб кетмоғи даркор бўлиб, оғойиси билан хайрлашиш ва дуосини олиш мақсадида интизор турарди.

### ***АВОМ ВА УМАРО***

Алишер Навоий ишни фуқаро арз-додини тинглашдан бошлади.

Эрта тонг-ла ташқарида анча-мунча киши тўпланган, улар учун соя-салқинга курсилар қўйилиб, тўшаклар солинган ва сув-шарбат тарқатилган, кўриқчи навкарлар навбати етган арзчиларни бирин-кетин ичкарига ўтказмоқда эдилар.

Кўринишидан ниҳоятда фақир, эти бориб устихонига ёпишган, бўз-алак кўйлак кийиб, белига арқон боғлаб олган кишини киритдилар. Бу одам Ҳирий биқинидаги Сомон Рўйи қишлоғидан келган экан.

– Ўт! – деди навкар, йўл бериб.

Киши Навоий қаршисига келиб, тараддуд аро салом берди.

– Хизмат? – деб сўради Алишер Навоий, мулойим оҳангда, саломга алик олиб.

– Жанобларига арзим бор эди...

– Арзингиз бўлмаса келмас эдингиз, – кулимсиради Алишер Навоий. – Айтаберинг, қулоқ осгаймиз.

– Султоннинг сипоҳи бир кўза ёғимни тортиб олди, – деб арз қилди у киши. – Беш жўжиғим бор, ўзим чоракорман. Ош-озиксиз қолиб кетдик. Оқсоқолга борсам жонингдан умидинг бўлса, дамнингни чиқарма деди. Жанобларининг қошига минг ҳадик-хавотир ила келдим.

– Султон сипоҳи эмас, Тоёбод амирининг навқари, – деб изоҳ берди шу ердаги амирлардан бири.

– Тоёбод амири кимнингдир? Султон номидан иш кўргайдир. Бас, қайда султон мухрини кўрсак қуллуқ қилурмиз. Бироқ, султон авомнинг ёғини тортиб ол деб фармон бермагандир, ахир?

– Тўғри айтдингиз, – деди Алишер Навоий. – У сипоҳ топилсин, сўраб-суриштирилсин!

Сўнг ўйланиб туриб, яна сўради:

– Ул бадкирдор ёғингизни тортиб олганидан бери неча кун ўтти?

– Бир ҳафта.

– Айби исботланса, жиноятчи бу кишининг рўзғорига бир ҳафтага етгулик ақча ё егулик ё арпа ё тариқ мислини ҳам берсин, – деди Навоий.

– Бош устига!

Чоракор таъзим ила тисарила-тисарила чиққач, ортидан сангойиларнинг қабила бошчиси кирди. Бу баланд бўйли кишининг бутун вужудидан шиддат ёғилиб турарди.

– Таъзим қил! – деб адаб берди унга навкар.

– Кимга?

– Рўпарангдаги Алишер Навоий ҳазратларига!

– Отамдан бошқага таъзим қилмасмен! – деди сангойи.

– Майли, кўяберинг, – деб жилмайди Алишер Навоий, бу кишининг қайсар хулқи хуш келиб. – Гапиринг, тинглагаймиз.

– Ўт солиғи жорий қилинибтур, – арз қилди у. – Сангойилар чорвадордир, яйлову ўлангда чорваси билан кун кечиргайдир. Ўт-ўлан Аллоҳнинг иродаси ила ё мўл бўлмай, ё оз бўлмай. Ўт мўл ё озлигига қараб нечук солиқ бичилсин? Ёки кўҳсордаги ўтни ҳам султон ўстиргайми?

– Ё тавба! – деб ҳайратда қолди Алишер Навоий. – Ўт солиғи дедингизми? Кимнинг номидан амр этилмишдир?

– Шундоқ, эй бузрук, – деб икки қўлини боши устига қўйди сангойи. Сангойилар ўзларидан улуғларга шундай деб мурожаат қилишлари, ҳурматини изҳор қилиш учун икки қўлини бош устига қўйишлари аён эди. – Султон Ҳусайннинг Мажидиддин деган вазири номидан дейилди.

– Бул ишга мен ҳукм этолмайман, – деди Алишербек. – Султон хазратлари билан кенгашмоқ дурустдир. Воқеан, хабарлари йўқ эса эҳтимол.

– Сангойилар давлатга садоқат билан хизмат қилиб келмоқдалар, – деди қабилабоши. – Султонимизга молу жонимиз фидо бўлсин. Аммо фидо бўлмасимиздан аввал адо бўлиб кетмайлик.

Шу тариқа, ҳар киши ўз бошига келган зулму ноҳақликдан шикоят этиб келаверарди.

Шунча кишининг арз-доди эшитилди, бироқ, шикоят ила келгувчиларнинг охири кўринмасди.

Мамлакатда вазият ҳаддан зиёд хароб эди. Тахт талошлари оқибатида адолат ва тенглик жиловни қўлдан чиққан, салтанат кишилари ҳам, мулк эгалари ҳам мўмин ҳаққига тортинмай чанг солишарди. Бир амир деҳқонларнинг далаларига боғларига борадиган сувни тўсиб олибди. Қуйи қишлоқларнинг кишилари ҳар йил ўзаро ақча тўплаб келиб қўлига тутқазишсагина сувни очар, йўқса очмас эмиш. Сабаби, ирмоқ у амирга тегишли мулкдан ўтар экан. Яна бири арава ғилдираги ясовчиларга темир сотиб олишни тақиқлабди, темирчилар қиммат нархга унинг жиянидан сотиб оладиган бўлишибди. Яна бири ўз ҳолича беш-ўн йигитни сарбоз қилиб тайинлабди, у сарбозлар ҳеч иш қилмай ётаберишса-да, сизни хатардан сақламоқдамиз деб, элдан омонлик солиғи йиғиб оладиган бўлишибди. Қисқаси, салтанат билан халқ бир-биридан айру, халқ ўз ҳолича, салтанат ўз ҳолича ҳаёт кечирарди.

Ваҳоланки, Улуғ Хуросон давлатининг поёнсиз қир-адирлари, тоғ-тошлари, дала-ю яйловларида сон-саноксиз кишилар тирикчилик кўйида заҳмат чекмоқдалар. Обкашларда сув ташиб, тегирмонда ун янчиб, бетлари қизара-қизара темирчилик қилиб ё кўш ҳайдаб ҳосил етиштирмоқда, бир нималар ясамоқда. Тоғлар орасидаги овчиси ови билан, бофандаси тўқиган либоси билан, деҳқони ҳосили билан, нажжори ишлов берган ёғочи билан ўз иш-кучини султонга бермоқда. Ҳатто энг кичик тужжорининг ҳам келтирадиган бир фойдаси бор. Элнинг тирикчилик заҳматини давлат

равнақига йўналтириш лозимки, юрагини бериб ишласин. Қарангки, эл ўзим, болам-чакам, рўзгорим дея ишлайди, доно ҳукмдор эса у меҳнатни салтанат равнақига йўналтиради. Чунки авом давлат не, салтанат не, билмайди. Меҳнатининг ҳосилини, бир бурда нонини бола-чакаси билан еб-ичиб ўтиришни истайди. Энг олий орзуси – иморат қуриш, бир қанча чорвага эга бўлишу фарзандлари камолини кўриш. Лекин давлат ҳам, олим ҳам шу эл ҳисобидан кун кўради.

Уруш бекларининг орзуси эса янги урушларга киришдан ўзга эмас. Аммо эл равнақи уруш билан эмас, маърифат билан бўлгай. Навоий султон билан суҳбатларда шу мавзуга унинг диққатини қаратишни кўнглига тугиб қўйди. Чунки салтанат теграсидаги ялтоқилар, хушомадгўйлар, бойлик ва мансаб илинжидаги кишилар худди зоғлар каби халқнинг серҳосил боғларига ёпирилган эдилар. Улар дарахтларда яшириниб ётадиган силовсин, ўтлар орасидаги ёввойи мушук, пучмоқларда овини пойлайдиган бўрилар каби ҳар қадамда, ҳар онда ҳозир у нозир, пайт пойлаб ҳамла қилиш фурсатини кутадиган кишилар бўлиб, “Авомга қаттиқ қамчи даркор, – дейишарди. – Авом таёқсиз ишлармиди? Унга бугун нон берсанг, эртага ҳалво сўрайди. Ҳалво берсанг сарёғ, сарёғ берсанг бу Ҳирий сарёғи экан, менга Рум сарёғи келтир, деб талаб қилади. Ҳой, сенинг тақдирингга Рум сарёғи битилмаган, бори ризқингга шукр қил деб бошига бир қамчи урсанггина эси жойига келади. Бойликлар, мулку сарватлар Тангри иродаси боис ато этилгай. Бизлар унинг сийлаган бандалари эканмиз, шу боис олиму фузалоси, шоиру уламози етолмаганга бизлар етдик. Уламо кимдир, диёнат илмини яхшилаб ўрганиб олиб, шунинг ортидан кун кўрадиган бир кишидир. Шоир кимдир? Шеър ёзишни ўрганиб, унга-бунга ҳамду сано айтиб кун кўрадиган бандадир. Навқару сипоҳ ким? Жангга кириб султондан улўфа оладиган эрдир. Бизлар албатта халқнинг гул-чечаклари, Тангри иззатимизни баланд тутиб қўйган зотлармиз ва албатта бизнинг ҳам ичиқора душманларимиз бор!” Мана шу жуда оддий, жоҳилона мантиқ уларнинг кеккайиб юришларига, май ва сафо хилватларида мастона кибрланишларига сабаб бўларди.



Шу сабабли Алишер Навоий аҳбоб даврасини торайтиришга қарор қилди. Султон Ҳусайн дўстини беҳад иззатлагани туфайли теҒрасида турфа кишилар кўпайиб кетган эди. Яқин дўстлар – мавлоно Соҳиб Доро ва Шайхим Суҳайлий ила маслаҳатлашилгач, бир қанча кишини қолдириб, бошқалар билан хос давраларда учрашмасликка келишилди.

– Бу иш маъқул бўлди, – деди Соҳиб Доро. – Жоҳиллар давраси қайда-ю оқиллар суҳбати қайда?

Навоий унинг сўзига жавобан шу байтни айтди:

***Одамийлик кўргузуб қилдинг паривашларни қул,  
Одам улдурким, малоик они масжуд айлади.***

Соҳиб Доро:

– Яъни, покликда малоикалар сенга сажда қиладиган даражада бўл демокчисиз! Ўзингга минг шукр, эй Бирубор Парвардигорим! – деди қаттиқ овоз билан, қўлларини дуога очиб. – Шу Алишерингга, унга қўшиб менга ҳам туганмас сарватларингдан ато этгайсан!

Навоий:

– Мени қўшиб не килар эдингиз, ўзингизни ўзингиз дуо қилиб кўяқолсангиз бўлмайдими?

Соҳиб Доро жавоб қилди:

– Менинг лавандликларим, шўхликларим мўл. Сизнинг этагингизни тутиб кун кечириб юрадирман. Дуода ҳам шундай қилдимки, шояд мустажоб бўлса!

Бу ҳазиломуз лутфга Навоий кулиб юборди. Шундан сўнг дўстлар ҳазил-мутойиба ила хайрлашдилар.

### ***ИККИ ДУНЁ ОРАЛИҒИДА***

Зулм кўрган кишилар тўп-тўп бўлиб арзга келишарди. Золимлар гўё салтанат меваси ичига тушган қурт каби эдилар. Салтанат жавдар даласи эса,

улар занг каби емирандилар. Ваҳоланки, жавдар уруғи далага инсонларга ризқ бўлсин дея сепилади.

Андхўйлик бир киши сарбозлардан бирининг қилмишидан шикоят қилди. Маълум бўлишича, сарбоз унинг завжасини олиб кетибди.

– Завжасини? – деди ҳанг-манг бўлиб Амир Алишер. – Жуфти ҳалолиними?

– Шундоқ, – деб тасдиқлади андхўйлик. – Икки болам бор, иккиси ила ғарибликда қолдим. Мен бир қашшоқ одамман, додимни кимга айтай? Кирасолиб найзаси билан урди, хушимни йўқотибмен. Ўзимга келсам икки болам қошимда, аёлимни отига ўнғариб кетибди.

– Бу ишнинг жазоси ўлимдир! – деди Амир Алишер. – Сира шафқатга ўрин йўқ! Хукм шайхулисломга ҳавола қилинсин, шариатда не хукм раво кўрилган бўлса, оғишмай адо этилсин!

Фуқаро арз-додини тинглаш шундай йўсинда давом этарди. Амир Алишер ҳар ишда адолатни мутлақ қилиш, фуқаро ҳаққи борасида ўта синчковлик билан, ҳар кимнинг ҳуқуқини ўз жойига қўйиб адо этарди.

Бироқ, арзлар орасида ғаройиблари ҳам бўлиб турарди.

Кунларнинг бирида саховатли Амир бир қанча сарой амалдорлари билан арз қилиб келган кишиларнинг шикоятларини тинглаб ўтирганида, тўсатдан садрлик мансабига етишган Мавлоно Мавлавий келиб қолди ва ўта безовта бир ҳолда арзгўйлар орасидан жой олиб, “Олдин менинг арзимга қулоқ солинг!” деб туриб олди.

Навоий ҳол-аҳвол сўраш ва меҳрибончилик кўрсатиш билан Мавлавийнинг ғазабини сўндиришга уринди, уни ўз ёнига ўтиргизиб, нимадан шикоят қилиб келганини сўради. У шундай жавоб берди:

– Хожа Хусайн Кирангий мени қаттиқ ҳақорат қилди. У менга, сен илғари Мавлоно Муҳаммад Муаммой навкарларидан бири эдинг, деди.

Навоий бу гапни эшитиб, ажабланди ва кулиб деди:

– Бу гапдан аччиқланиш ва даъволашишнинг нима кераги бор? Агар ўша Хожани бу ерга чақириб, ушбу даъвони кўриб чиқадиган бўлсак, унинг

айтганлари тўғри бўлиб чиқади. Тўғри гапдан хафа бўлиш эса ақлга тўғри келмайдиган ишдир.

Шундан сўнг ўзи ҳам Султон Абусаид замонида Амир Султон Ҳасан Архангий билан сафда бўлганини айтиб, шундай деди:

– Илгари Амир Султон Ҳасаннинг навкари бўлган мен эндиликда амирлик каби муҳим мансабга эришганимга ва ноиблик каби юқори лавозимга етишганимга қарамасдан, ҳали ҳам у кишининг хизматида бўлишдан ор қилмайман, балки агар имкони бўлса, у кишига олдингидан ҳам кўпроқ хизмат қилиб, ўзимни у кишининг хизматкорлари жумласидан ҳисоблайман.

У ерда ҳозир бўлганлар бу гапларни эшитиб, Навоийнинг бениҳоя камтарлиги ва олий хулқидан ҳайратга тушдилар. Ўша ерда бўлган Амир Султон Ҳасан хижолатда қолди, жаноби Мавлавий эса уялиб, бемаъни даъвосидан воз кечди.

### ***МУҲАММАД ШАЙБОНИЙХОН***

Айни замонда Дашти Қипчоқда ёш бир бўри – икки исм эгаси бўлмиш Муҳаммад Шохбахт Шайбонийхон куч-қувватга тўлиб келмоқда эди.

Ёвқур қабилалардан бир неча минг черик тўплаган бу ўғлоннинг овозаси турли элларга тарқалиб бўлди. Дастлаб у ўз чериги билан маълум ҳақ ва имтиёз эвазига у ёки бу султон хизматига ёлланиб юрди.

Жангда унинг тебратма усули машҳур бўлиб, ҳеч қайси лашкарбоши бу усулни унингдек моҳирлик билан қўллай олмасди. Тебратманинг маъноси шуки, гуруҳ-гуруҳ аскар уруш майдонида ҳеч нимага қарамай, маълум бир нишонни, кўпинча хон турган жойни кетма-кет, тўлқин-тўлқин ураверар эдилар. Бу аснода бир қанча даста икки ёндан уларни ҳимоялаб турарди. Бундай шиддатли ўрталама ҳужум натижасида хон ёки султон ё яраланар ёки ортга чекинаар, шу билан аскарнинг руҳи тушиб, кўпинча мағлубиятнинг аччиқ майини сипқоришга рози бўларди.

Бу йил товук йили бўлиб, мунажжимлар унинг омадли келишини, Муҳаммад Шайбонийхон ҳаётидаги энг муҳим сана бўлишини башорат қилишди. Шайбонийхон кўчманчи уруғларнинг хурматга сазовор оқсоқоллари ҳузурига етиб борди. Бу маҳалда улар Сигноқда эдилар.

Пирлар ўзаро кенгашиб, ёш хонни қабул қилишди. Шайбонийхон улар ўтирган улкан ўтовга киргач, аввал салом берди, кейин пойгакда туриб, савол беришларини одоб билан кутиб турди.

Оқсоқолларга унинг бу одоби маъқул тушди. Бир-бирларига қараб бош ирғаб, келмоқдан нияти не эканини сўрашгач, Шайбонийхон қисқа сўзлар билан муддаосини англади. Турк эли пароканда бўлиб кетаётганини, агар оқсоқоллар изн бериб дуо қилишса, улуслар бошини бириктиришга аҳд қилганини баён қилди. У ўзи билан анча-мунча совға-саломлар ҳам олиб келган эди.

Шундан сўнг улуғлар унинг ёшини суриштиришди. “Бир ярим мучал”<sup>1</sup> деган жавобни олишгач, улардан бири:

– Нималар бўлаётганини кўриб-билиб турибмиз! – деди. – Сен бола, неларни хаёл қилиб юрибсан? Ҳали бу ишларга ақлинг етишига анча бор. Боравер, керак бўлганинда сени ўзимиз чақирамиз! – деб жавоб берди.

Муҳаммад Шайбонийхон ҳафсаласи пир бўлиб улуғлар қошидан чиқди-да, Сигноқда ортиқ тургиси келмай, даштига қайтиб кетди. Ўша ерда бир неча ой емай-ичмай режа тузди. Сўнг черигини олиб, Туркистон сари жўнади.

Кеч куз, ҳар тараф пилч-пилч лой эди. Булутлар бошга тегай-тегай деб сурилиб келиб, изғиринли совуқ ёмғирларини тўкарди. Лойга бота-бота, ниҳоят, Яссига келиб тушди. Ювиниб-тараниб, бир неча қўй, хўкиз, туя сўйдириб, ҳазрат Яссавий мақбараси қошида етим-есирларга тарқатди. Сўнг мақбарага кириб, пир қошида ёлворди.

Мақбара ичида ҳеч ким йўқ эди. Шу сабабли нималар дегани маълум эмас. Аммо туркий хоқонликнинг қудратли билаги заифлашганини, турли ёв

---

<sup>1</sup> Ўн саккиз ёш.

турфа тарафдан солдираётганини, удумлар бузилганини, мўминлар қони дарё бўлиб оққанини, у фалокатга қарши бориб, вазиятни ўнгламоқчилигини айтиб ўтинган бўлса ажабмас. Шохидлар Шайбонийхон ичкарида анча вақт қолиб кетганини айтишади.

Бошқалар айтадиларки, мақбара ичида намоз ўқиган чоғида бир қушнинг қордай оппоқ пати ҳавода айлана-айлана жойнамоз устига кўнади. Шайбонийхон уни кўриб кўзларидан ёш чиқиб кетади, илоҳий мужда деб ўйлайди.

Шундан сўнг руҳи енгил бўлиб хотиржам ухлади. Тушига ҳазрат Яссавий кирди. Ҳазрат кўлларини очиб уни дуо қилгач, уйғонди.

Ўша заҳоти отларни эгарлаб, энди бутунлай бошқа руҳият ила манзилига йўл олди. Кўзлаган манзили – Тошкент яқинидаги Шохрухия эди...

Шу тариқа ёш бўри бақувват, ёллари хурпайган кучли-қувватли етакчи бўрига айланди. Ортидан бир неча минг қашқирни эргаштириб борар эди. Улар ҳам жангларда пишиққан, ёй ўқини ярим қарич тахтадан ўтказа оладиган аскарлар эдилар. Дунё шатранж тахтасида Шайбоний деган пиёда фарзинга айланди. Шитоб билан бориб, Мовароуннаҳр султонларига кишт бермоқ учун йўл босди...

У маҳалда Мовароуннаҳр ҳукмдори султон Абусаид Мирзонинг тўнғич ўғли султон Аҳмад Мирзо эди. Хуросонда Султон Ҳусайн салтанати гуллаб-яшнаш бошлади. Султон Ҳусайн номи билан бирга Алишер Навоий номи ҳам қанот қоқди. Салтанатнинг бир қаноти Ҳусайн Мирзо, бошқа қаноти Алишер Навоий деган гапларни эшитса бўларди. Айниқса Ироқ мамлакати фаровонлашди, давлатнинг бу қисми хатардан холи, хавф Мовароуннаҳрдан ёхуд Қорабоғдан келмоғи тахмин қилинарди. Лекин ҳеч ким Султон Ҳусайннинг қудрати боис қимир этгани журъат этолмади, сабаби, теурий султонлар орасида энг қудратлиси шу эди. Мукамал қурол-яроғли юз минг кўшин йиға оларди, у кўшинлар тинчлик даврларида қишлоқларга ёйилиб кетар, хабар келгани заҳоти зудлик билан тўпланиш хусусиятига эга эди. Шунингдек, бир қанча жанговар филлари ҳам бўлиб, ёв қўшинига кўрқув

соларди. Моҳир усталари манжинақларни, темир учли хўкизтумшукларни, устига темир қопланган жанг араваларини доимо соз тутишар, шунингдек, босқиннинг янги, ҳеч кимнинг хаёлига келмаган усулларини ўйлаб топиши билан довруқ қозонган эди.

Шайбонийхон эса, хазрат Яссавийнинг ғойибона дуоси боис энди ишлари ўнгланишини билди. Ҳақиқатан ҳам, шундан сўнг унинг куёши тобора юксакка кўтарилаверди. Бу ўта ақлли, ҳийлакор ўғлон арқонни жуда узун ташлади. Унинг орзуси Мовароуннахру Хуросонни, сўнг Син дарёсининг нариги қирғоғидаги мамлакатларни эгаллаб олиш эди.

Муҳаммад Шайбоний мудофааси заиф Шохрухияни, Тошкентни ва Ахсикентни осонликча қўлга олгач, давлат тузмоққа киришди.

Унинг ким эканини билмаганлар “У уришқоқ кўчманчи давлат туза олармиди?” деб кулар эдилар. Аммо томирида шавкатли Олтин Ўрда хонлари қони оққан бу жасур ўғлон давлат не эканини, уни қандай тузмоқ кераклигини яхши биларди. Аввало чегараларни аниқлаб, ўз пулини жорий қилди. Тартибларини белгилаб, Чингиз ясасига кўра қонун дарж айлади.

Айтадиларки, уммонлар тубида турли оқимлар оққайдир. Тўлқинланиб турган уммонлар бағрида яна бир оқим пайдо бўлди. Замон ўтиши билан шиддатланиб-кенгайиб, янги-янги мулкларни қамраб оладими ёки заифлашиб, ўзга қудратли оқимлар аро йўқ бўлиб кетадими, ҳозирча маълум эмас эди.

### ***ҲИЙЛА ОҚШОМИ***

Ҳирийнинг сўлим оқшомида Мажидиддин султонлар боғидан қолишмайдиган бўстонидаги чорсупада Музаффар барлосни кутиб ўтирар экан, хизматчи кул дарбозага бир киши келганини маълум қилди. Вазир хушламайгина “Киммиш у, бемаҳалда?” деб сўради.

– Халосийман дер, – деди эшиқбон.

Асли ироқлик бу шоир бир муддат Шерозга кетиб, сўнг яна пойтахтга қайтган, сарой аъёнлари қаторида ўралашиб юришни хуш кўрадиган одам эди.

– Чорланг! – деди Мажидиддин, Халосийнинг ғалати-ғалати воқеаларни сўзлаб беришга моҳирлиги ва барча воқеаларнинг қаҳрамони ўзи бўлиб чиқиши эсига келиб, “Сухбатга маза кирадиган бўлди” деб ўйлади.

– Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва жазакаллоҳу жумлатан! – дея узундан-узоқ салом билан таъзим қилиб келди Халосий, қув кўзлари теваракни олазрак кезиб, қозонлардан чиқаётган ислару ошчиларнинг ҳаракатларидан мартабалироқ бир меҳмон келишини пайқаб. – Адолат осмонининг куёши, саховат водийсининг арслони, хайру марҳамати оламини тутган сиз улуғимизнинг нурли жамолларини кўрмоқ фақирингизга ғоят шарафдир!

Мажидиддин индамай унга ўтиришга жой кўрсатгач, хизматчи ғулом нима ичишини сўраган эди, Халосий:

– Гулоб бўлса йўқ демас эдик... Модомики, оби ангур бўлмаса! – деб қиҳ-қиҳлаб кулди.

– Оби ангурни чоғирхонада ичгайсан, – деди Мажидиддин. – Не юмуш ила келдинг?

– Амир Алишернинг қаҳридан паноҳ истаб келдим, – деди Халосий. – Фақир ундан кўрқиб Шероз қочиб эдим. Не қаттиқ кунлар бошимга тушди. Сояи давлатингизга бош уриб келдимки, чумчуқдан ҳам кичик бошим бор, омон қолса.

– Амир Алишер? – тушунмай сўради Мажидиддин. – Сенга нима қилди Амир Алишер?

– Кеча мажлисда кўрмадингизми? Султон ҳузурда менга жуда ёмон қаради.

– Қараса қарабди, нега кўрқасан?

– У киши ҳақида бир даврада у-бу гаплар оғзимдан чиққан эди, қулоғига етган бўлса, бошим кетади деб қўрқаман. Ахир, мавлоно Сонеъий воқеасини эшитмаган эдингизми?

– Сонеъий ожизларга ва халққа озор бера бошлагани ва бошқа вазирлар устидан чақимчилик қилиб, уларга тузоқ ясаб юргани сабабли Амир Алишернинг дилига маъқул тушмай қолиб, подшоҳ сиёсатига гирифтор бўлди, – деди Мажидиддин, ўша воқеани эслаб, тундлашиб.

Воқеа шундай бўлган эди. Султон саройидаги мажлислардан бирида мавлоно Сонеъий атайданми ёки ҳазил биланми, Алишер Навоийга қараб кутилмаганда:

*Тонг-ла бўлса жанг майдонда шамшир ҳарби,*

*Маълум бўлғай Алишернинг билак зарби, -*

деган байтни ўқиди. Ҳамма ҳайрат бармоғини тишлаб қолди. Хожа Сонеъий эртаси куни тахт олдида вазирлар билан бирга тураркан, олий фармонга биноан ясовуллардан бири хожанинг каттакон салласини бошидан олиб, бўйнига чулғаб қўйди. Шунда Амир Алишер: “Бош юкини енгиллатдинг, энди бўйин юкини ҳам енгиллатақол” мазмунида бир байт айтди.

Мавлоно ўша куниёқ ҳибсга олинди. Мана, бир қанча вақтки, тилининг бемаънилигидану шўр толедан пушаймонлар чека-чека, зиндонда ётибди. Султонга ва Амир Алишерга ёлворишларга тўла номалар юбормоқда, бироқ олий даргоҳдан ҳеч бир жавоб йўқ. Тақдири не бўлиши номаълум...

Мажидиддиннинг ўзи ҳам ўтган галги қўпол сўзидан сўнг Навоий билан юзага келган совуқчиликни бартараф этиш йўлини тополмай юрганини айтгиси келди-ю, тилига чиқармади. Ёқимсиз ҳолатни эсига солгани учун Халосийдан аччиқланиб, илтифотсиз оҳангда сўради:

– Хўш, муддаоинг не?



– Ёқуббек ҳузурида бир навъ истиқомат қилдим, – деди Халосий, кўзлари олазарақ бўлиб. Шу тобда Мажидиддин таъбига ёқадиган сўз изламоқда, аммо ақли қандай лутф қилишини билолмай тентирарди. – Жаноблари вазир тайин этилганларини эшитган заҳотим бир сония ҳам турмай Ҳирийга отландим. Не хизматлари бўлса тайёрман. Шаънингизга бир қасида ҳам битмоқдаман.

– Қасида-масидангни тоқчангга тиқиб қўй, – деди Мажидиддин, ёдига яна Навоий келиб. – Ундай нарсаларни жиним суймагай. Гапнинг бўларини айт.

– Хуросон мулкида Султон Ҳусайн Мирзодан сўнг энг саховатли киши ўзингизсиз! – деди Халосий. – Ҳирийга келгач, ҳолимиз танг бўлиб қолди, бир оз кўмак ўтингайдирман.

– Бир оз деганинг қанча?

– Шу, бир-икки минг динор бўлса...

Мажидиддин унга ҳайратланиб қараб қолди. Бир-икки минг динор? Бу ўзига бино қўйган киши бутун бошли уюр ёки сурув пулини сўрамоқда эди.

– Сен ундан ортиғига ҳам лойиқсан, – деди, ҳар хил мажлисларда ҳажв қилиб юрмаслиги учун, сохта лутф билан. – Бироқ, шу кунларда бизнинг ҳам ҳолимиз жуда танг. Айбга буюрмагайсан.

Сўнг ичига эллик динор солинган ҳамённи унинг олдига ташлаб, “Кези келса, улуғ хазиналарга эга чиққайсан”, деб қўйди.

Халосий зотан бу ишнинг кўзламини олган, Мажидиддин минг сўраса бир беришини хомчўт қилиб келган эди. Хушҳол бўлиб, миннатдорлик билдира-билдира жўнаб кетгач, орадан ярим соатлар ўтиб Музаффар барлос кириб келди. Хос суҳбат бўлгани учун хизматчилар четланиб туришар, бир нима келтиришса, анча наридан туриб белги беришарди.

Музаффар барлос у ёқ-бу ёқдан бир оз сўзлаб:

– Навоий билан муносабатни илиқ тутинг, – деб маслаҳат берди унга. – Не бўлса ҳам султоннинг яқин дўстидир. Мирзо ила хилват суҳбатлар курадир, бир важ топиб унга сиз ҳаққингизда бир нима деса, бошингизни оғритгайдир.

– Менга кара, Музаффар, – деди Мажидиддин чоғир кайфидан юзи кизариб, тили ҳам ечилиб. – Навоий ким? Абусаид Мирзо билан келишолмай Самарқандга кетган, қора кунларда черикликка ёлланган бир навкар. Султон Ҳусайн бўлмасайди, ўша ёқда ўлиб кетар эди. Сену биз киммиз? – деб давом этди у. – Тангри ёрлақаган кишилармиз. Ёрлақагани боис ҳам иззат-хурматимиз бор. Сен Султон Ҳусайннинг доимо кабатыда бўлдинг, ҳатто муқаррар ўлимдан қутқардинг. Мен фаҳму фаросатим боис, Тангри хуш кўргани учун вазири аъзам бўлдим. Қолдики, агар Султон Ҳусайн марҳамати бўлмаса ҳам сену бизнинг хурматимиз муқаррар бўлаверарди.

– Навкарлик иши қайдан чиқди? – хайрон бўлиб сўради Музаффар барлос.

– Ҳозир билгайсен! – дея, ғуломлардан бирига “Анави навкарни чорлангиз!” дегач, сахн четида Қора Мўғул кўринди. У супа қошига келиб, ғўдайиб турди.

– Ҳай-ҳай, бу дев ким? – хайрон қолди Музаффар барлос. – Эй йигит, яқинроқ кел-чи. Кафтинг қилич дастасидан қадоқ бўлибди... Навкармисан?

– Фаҳмингга балли! Навкар деб айтиб турибман, анча мушоҳададан сўнг навкардир бу, деб ўзимга қайтариб айтасан! – деди Мажидиддин. – Ҳой Қора Мўғул, Алишербек ила навкарлик воқеасини шул оғойингга сўйла-чи.

– Боя айтдим-ку, – деб жавоб қилди Қора Мўғул. – Яна айтайми?

– Менинг тилимдан эмас, сенинг оғзингдан чиқсин.

Қора Мўғул бундан бир неча йил аввалги изғиринли қиш воқеаларини бирма-бир сўзлаб бергач, орага сукут чўмди.

– Черикдан истеъфо... – деди Музаффар барлос. Мажидиддиннинг кўзлари йилт этганини пайқаб, фикрини яна-да қувватлади: – Ул маҳал кўшин бошида Аҳмад Ҳожибек эди. Муҳаммад Иброҳимга кўмак берган қишлоқлар аҳли ёппасига қатл қилинсин дейилмиш. Ўша қилмиши боис Булунғур даштида ўзи ҳам беиззатона ўлдирилди. Лашкарбошининг иши бошқадир, аммо черикнинг сафдан кетмоғи...

– Навоий черикда эди деган гап қандоқ қилиб ақлингда у навкар сафида бўлган, деган хаёлни уйғотди? – деб сўради Мажидиддин. – Ўша кезларда кўшин бошида ким эди? Алишер Навоий черикда лашкарбошилар қаторида бўлгани ҳақиқатга яқинроқ эмасми?

– Билмадим, – деб кўяқолди Музаффар барлос. – Лекин бу мўғулни тузук топибсиз. Узоқлашмаса маъқул, бирор ишда фойдаси тегиб қолар.

– Дўлвор, ҳийла-ю макрни билмайди, ташқида у-бу юмушни қилиб, бир-икки динорини олиб юраберсин. Хулқига қарайдирмиз, – деб жавоб қилди Мажидиддин. – Демак, мажлисларда Навоий черикдан истеъфо берган деб гап тарқагайми?

– Йўқ, у гапни энди айтиб бўлмайди. Чунки яқиндагина ўз оғзи билан илгари Амир Султон Ҳасан Архангийнинг навқари бўлганини айтибди. Парирўлардан ўзини тортишини гапирақолишсин.

– Ҳай-ҳай, парирўлардан чекилиб бўлурми? – Мажидиддин кулиб юборди. – Бироқ, Навоийга қарши ундай демоқ ҳаддан зиёда бўлмай, чунки эл уни пир деб билади. Эшитмадингми, султоннинг ўзи “этаги пок” деб таърифлабди. Тангри таоло унга Марям ўғли Исо хулқини раво кўрган эмиш. Шундай гаплар ҳам борки... – бошини чайқади Мажидиддин, хаёлига келган фикрдан ўзи ҳам чўчиб. – Ҳа-а, шундай гаплар ҳам борки, айтганинг заҳоти тилинг куйиб кетади, бошинг ариққа юмалайди!

Музаффар барлос Мажидиддин бу сўзи билан қандай гапларга ишора қилганини фаҳмлаёлмай, ҳайрон бўлиб қараб турарди.

– Тавба, – деди Мажидиддин бир оз жимликдан сўнг, ҳар ишни сақич каби чайнашни хуш кўрадиганлардан аччиқланиб: – Кишиларга қиладиган иш қолмабдими, бировнинг бировга майли бор-йўқлигини суриштиргайлар? Модомики сўз канизагу жориялар ҳақида эмас, даражотда тенг никоҳ, яъни ўта маҳрам мавзуда бўлса, ақлли киши буни қандоқ муҳокама қилсин?

Мажидиддин яна бир коса чоғирни сипқорди-да, хўл бўлган мўйловини кафти билан артди:

– Кечаги воқеани эшитмадингми?

– Йўқ, яна нима бўлмиш?

– Андхўй амирининг навкари бир чоракорнинг завжасини отига ўнгариб олиб кетган экан. Эр не қиларини билмай, Навоий қошига арзга келибди.

– Тавба! Нечук амир ё қозига бош урмасдан, шоирга бош урибди?

– Шуни айт... Навоий бу ишни султонга етказиб, золимнинг қатлини тилабди. Султон Ҳусайн эса ўша заҳоти навкарни тошбўрон қилиб ўлдиришга буйруқ берибди...

– Ҳай-ҳай... Тафтиш ҳам қилмабдиларми? – Музаффар бўшашди: – Халқ Навоийни тенги йўқ олим деб иззатлайди. Дунёдан этак силтаган бўлса, на мол-дунёга, на мансаб-лавозимга ружуъ қўйса, нима ҳам қила олардингиз? Султон эса бир мажлисда унга “Пирим” деб мурожаат қилибди. Мирзо ҳазратларининг энг яқин кишилари биз эмасмидик? Бир нима ўйлаб топиб, Навоийни султондан узоқлаштириш керак.

Мажидиддин ўйланиб қолди. Музаффарнинг сўзлари тўғри, эл шоирини беҳад ардоқлай бошлади. Боз устига султон билан хуфя диловарликлари ҳам бор, ундан-бундан эшитган бўлар-бўлмас гапларни ҳукмдорга гуллаб қўйса не бўлмай? Тез ранжиб қолиши боис мана, бир қанча муддатки, машварату йиғинларда бош ирғаб саломлашишдан нарига ўтилмайди. Унинг ёдига яна мавлоно Сонеъий воқеаси келди: Навоий шаънига гард тегишини истамаган султоннинг қилган ишини қаранг!

– Бир йўли бор! – деди Музаффар барлос, бир кўзини қисиб унга қинғайиб қараб. – Астробод!

– Тавба-тавба, ундай қарамасанг-чи? Нима қараш бўлди бу, сақо қушига ўхшаб? – деб уни яна койиб берди Мажидиддин. – Астробод дедингми? Уни Астрободга қандай қилиб юборасан?

– Астробод неча йиллардан буён тинчлик билмайди,– деди Музаффар барлос. – Жаҳоншоҳ замонасида ҳам, ҳозир ҳам чайқалиб турибди. Бироқ, салтанат наздида жуда муҳим навоҳий, ипагу зайтундан келадиган даромадининг ўзи бир дунё. У ердаги ишларни Амир Алишергина тартиблай олиши ҳақида султонга шама қилинса...

– Фикринг ёмон эмас. Муни батафсил мулоҳаза қилиш керак экан. Мен бошқа нарсани ўйлаб эдим. Сен Навоийнинг Амир Ҳайдар деган жиянини танийсанми?

– Эшитганман, бироқ дуч келмаганман.

– У Султон Абусаид Мирзо Сарахсда ўлдирган Мирсаид Кобулийнинг ўғли. Ўлгудай гўл, чоғиру маъжунга муккасидан кетган, боз устига, савдойилиги ҳам бор дейдилар. Ўзига танлаган лақабини кўр: “Сабухий” эмиш. Хуллас, ўша Ҳайдар Сабухийнинг қулоғига: “Султон Ҳусайннинг кишилари Амир Алишерни заҳарламоқчи” деган миш-миш етиб борса... Йўқ-йўқ, ҳозир эмас, сен айтган Астробод иши амалга ошганидан сўнг айтилса. Амир узоқда экан, бу гап ҳамма ёққа тарқалади. Навоийга яқин кишилар дарғазаб бўлишлари аниқ. Албатта, бу ишнинг ҳақиқати тафтишда маълум бўлади, бироқ, оқибатда миш-мишни Навоийнинг ўз жияни тарқатган бўлиб чиқади. Ҳайдар ҳам, Дарвишали ҳам узоқни ўйламайдиган, саёз мулоҳазали кишилар, шу билан шохнинг кўнгли амирдан қолса ажабмас.

Музаффар барлоснинг оғзи очилиб қолди:

– Мошоллоҳ! Бундай иш менинг етти ухлаб тушимга кирмаган бўларди, – деди у соқолини тутамлаб.

– Мен яхшилаб мулоҳаза қилиб кўрай, иншоллоҳ, рўёбга чиқса ажабмас, – Мажидиддин суҳбатни яқунлашни истаб, кафтини дуога очди:

– Овмин! Қасд қилганлар паст бўлаберсин!

Шундай деб кулиб юборган эди, Музаффар сўради:

– Нечун куласиз?

– Соқолингни тутамлашингни кўриб, бир мавлоно эсга келди, – деди Мажидиддин. – Шаҳзодалар суҳбатида чоғир келтирмишлар, қуйқа экан. Мастлик андоқ қилибтурки, соқолини косага солиб чоғирни сузиб ичмишдир.

– Сизу бизни ҳам кексалик чоғи ўшандоқ айёмларга еткурсин, – деб сидқидилдан дуо қилди Музаффар ва хайрлашиб, ўз боғига жўнади.

Мажидиддин кайфи чоғ, ўзича бир куйни пўнғиллаб сахни айланиб юрди, гоҳида илжайиб ҳам кўярди. Музаффар барлоснинг “Бундай иш

менинг етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган бўларди” дегани ёдига келиб, янада кайфияти кўтарилди. Кейин супага қайтиб, бояги гап эсига тушиб, соқолини чоғирга солиб тутамлаган эди, қўли ҳам хўл бўлди. Бу иши ўзига нашъа қилиб кулиб юборди-да, қолган чоғирни ҳам сипқориб, думалок ёстиқларга бошини қўйиб ухлаб қолди.

### ***ХИЗР КАБИ БИР ЗОТ***

Яна ёз келди.

Шу иссиқ кунларда муҳрдорликдан вазирлик мартабасига тайинланган Навоий қишлоқларга чиқиб, эл ҳаётини кўриб келмоқни тилади. Султондан рухсат бўлгач, Соҳиб Доро, Паҳлавон Муҳаммад, Шайхим Суҳайлий каби бир қанча яқинлар билан йўлга чиқилди.

Халқ турли йўсинда тирикчилик қилиб кун ўтказарди.

Деҳқонлар, хунармандлар, чорвадорлар келгувчиларнинг аввалгидай дағдағаяу ҳайбат қилмасдан сўзлашишидан ҳайратда эдилар. Улар орасидаги нур юзли бир киши барчасидан хоксорлиги билан ажралиб турарди. Кишилар билан мулойим суҳбатлашар, эл учун нималар қилиш кераклигини суриштирар, Мирзо Баҳодир кишилар истакларини дафтарга битар, шу тариқа кимнинг не муаммоси борлиги маълум бўлиб борарди. Қаерга сув чиқариш, қаерга тўғон ёки кўприк қуриш, қайси масжид ё мадрасани таъмирлаш – бари хатга битиларди.

Аввалбошда бегонасираб турган одамлар бундай суҳбатлар сўнгида баҳри диллари очилиб, бисотида бор нарсалардан совға беришларини айтсангиз! Бири товуғини, бири қўзисини, бири қулунини бу ҳурматли зотларга атар эдилар. Шибирғонда бир деҳқон йўл-йўл матога ўралган тўрт дона нон олиб чиқди.

– Мошоллоҳ, бундай саховат Ҳотами Тойда ҳам йўқ, – деди Алишер Навоий, Соҳиб Дорога. – Кўрдингизми, дунё аслида мана шундай кишилар боис мувозанатда тургай. Мундоқ деҳқон Одам сафиуллоҳнинг фарзанди, ўринбосаридир. Сафийдур, яъни танланган, сараланган, тоза, пок кишидир!

Навоҳийлар кезилар экан, халқ орасида шундай гап-сўзлар пайдо бўлди:

– Подшоҳнинг ғоят адолатли бир вазири бор эмиш, исми Алишер Навоий экан.

– Ўзи шоир ҳам эмиш, ғазаллар битармиш.

– Отойи-онойиси оддий кишилар бўлган экан. Шу боис ҳар не бўлса элга бўлсин, дер эмиш.

– Ламғонга борганларида кишилар билан бирга тариқ янчибди. У тариқдан ёрма пиширилгач, ҳамма билан бирга ўтириб ебди. Сўнг тегирмонингиз эскирибди, иншоллох, бу ерда янги тегирмон куриб берурмиз, дебди.

– Салтанат кишиси бундай бўлмас эди. Валий бўлмасин тағин?

– Ким билсин, балки авлиё деганингиз ростдир?

– Хизри аъзам бўлса-чи? Хизри аъзам жўн кишилар қиёфасида юрт кезади дейдилар-ку?

Ҳа, бу содда улус бир одамга меҳр қўйса, кўкка кўтариб мақтарди.

– Вазир бошини эгиб оддий суфрадан таом егач, мунга ишонмасмисиз?

– Мадраса, работ, йўллар куриш ишларини султонга эслатиб турармишлар.

– Ҳар султон ўз номининг тарихга муҳрланишини истар. Султон Ҳусайннинг ҳам шундай нияти бўлса ажабмас.

– Тангрига минг шукр, эл бошига адолатли шоҳ келди. Аввалгилари каби қирғину чопқин килса, нима қила олардинг?

– Ҳа, рост айтасиз. Бироқ, Алишер Навоий султоннинг энг яқин дўсти экан. Эл учун қилинадиган ишларни ҳар доимо Навоийга маслаҳат солар эмишлар...

Бу гапларда жон бор эди. Алишер Навоий Ҳирийга қайтгач, Ҳусайн Мирзога ўз мулоҳазаларини бир-бир баён этди. Шу куни улар орасида мадрасалару мақбараларни таъмирлаш, работу кўприклар, тўғону тегирмонлар куриш ҳақида маслаҳат бўлиб ўтди. Султон Ҳусайн Навоийнинг сўзларини диққат билан тинглади.

– Аввал буки, жомеъмизни таъмирлатсак, – деди Султон Ҳусайн. – Бу ишда Дамашқ усталари мохирдирлар, устунлар уларга берилса, деб ният қилдик. Кобул ёқасида бўладиган яшил мрамрдан келтирилиб нақш урилса. Мен уста меъмор Мирийни бу иш ила чорлатиб эдим. Мадраса тарҳи ҳам битмишдир.

Саломхонада кутиб ўтирган жиккак гавдали, серҳаракат киши – Мирий таъзим қилиб кириб келди-да, қўлидаги қоғозларини ёйиб, янги барпо этиладиган ва таъмирланадиган даргоҳларнинг режаларини бирма-бир кўрсатди.

– Тўрт юз уч гумбаз, бир юзу ўттиз равоқ, қирқ тўрт устун! – дерди Мирий, тантанали овозда, хурсанд бўлиб. – Ёруғ дунё тарихида бундай улкан масжид фақат султонимизнинг марҳаматлари туфайли қад кўтаргайдир.

– Ўз номимизга ҳам мадрасалар бино қилсак, Гозургоҳдагисини “Мадрасаи Ҳусайний” десак, – деди Ҳусайн Мирзо. – Иккинчисини эса “Боғи Сафо” деб номласак?

– Мирзомизнинг гўзал абъётларидан дарак бермоғи учун “Мадрасаи Бадиия” дейилса, – деди Навоий. – “Боғи Сафо” ўрнига “Боғи Байтул-имон” бўлса. Ёки беш иқлим чаманзорини мужассам этгани боис “Боғи Хамса оройи” дейилса.

Ҳусайн Мирзо табассум билан:

– Ғоят нозик! Каминага ҳам адаб бердингиз! – деди бу гапни кўнглига олмай. Чунки, Амир Алишер “Боғи Сафо” дейилиши дунё кайф-сафосини, “Боғи Байтул-имон” эса имон-эътиқод бўстонларини билдиришига ишора қилмоқда эди.

– Фақирнинг ҳам бу йўсинда бир арзи бор, – деди Алишер Навоий. – Мирзомизнинг мурувватлари боис ихтиёримда бир қанча маблағ тўпланди. Мен ҳам ул сафда бир нималар иншо эттирсам. Бир замонлар, ғурбатли кунларимда устимда тўнимдан бошқа ҳеч нима йўқ, фалакдан бир имдод етишини орзулаб эдим. Тангрига минг шукрки, фаровон кунлар юз очди. Энди дунё-ю охиратни кўзлаб иш қилсаму ҳар ишимда мирзомизнинг ҳам



исмларини зикр этсам, шоядки, менга қилган марҳаматлари боис зиммамга келган бурчларнинг кичик бир қисмини адо этсам.

– Сизнинг тоза қалбингиздан бундан ўзга сўз чиқиши амри маҳол! – деди Султон Ҳусайн. – Бир қанча эзгу ниятларимиз бор, уларни рўёбга чиқаришга бош-қош бўлгулик киши излагай эдик. Пирим ўзлари бош бўлсалар.

– Бош устига! – деб жавоб қилди Амир Алишер. Султон унинг халқ корига ярайдиган хизмат учун ҳар доим тайёрлигини биларди. Навоийнинг жавобидан унинг кўнгли чироқ ёққандай ёришиб кетди.

Суҳбат тугаган бўлса-да, Ҳусайн Мирзо дўстининг тараддудда эканини кўриб, сўради:

– Бизга яна бирор юмушингиз борми?

– Аллоҳ сақласин! Изн берсалар, арзимиз бор! – деди Навоий. – Бир қанча Ҳирий кишисининг Хоразмга кўчмоғи ихтиёр қилинибди.

– Шундоқ, – деб тасдиқлади Ҳусайн Мирзо. – Низомулмулкнинг мулоҳазаси эди. Ўйлаб кўриб, ҳақли дея қарор қилдик.

– Муҳтарам мирзомизга аёнки, Хоразм иқлими Ҳирий иқлимидан кескин фарқ қилади, – деди Алишер Навоий. – Ҳирий кишиси Хоразм табиатини англагунча неча йиллар ўтгайдир. Хотирга келдики, Хоразм элидан бир қанчаси Ҳирий келсалару зироатни ўргансалар, ўзаро муҳокама қилсалар ва шерикчиликда иш қилсалар. Хоразмга ихтиёрий бормоқчи бўлганлар бундан мустасно, албатта.

– У иқлимни мен яхши билурман. Султон Санжарнинг куёви эканимни унутдингизми?– деди Ҳусайн Мирзо, ҳазиллашиб. – Жайхун навоҳийси ўтга созвор, бир таёқ суқилса кўқаргайдир. Қолаверса, шунча киши борса, Шайх Баҳлулбекка ҳам жамоат бўлгайдирлар.

Ҳирий кишилارининг Хоразмга кўчиши ҳақидаги фармондан бир неча ой аввал Навоийнинг оғаси Баҳлулбек Хоразм амири этиб тайинланишига доир фармон имзоланган эди.

– Ўзингизнинг менга берган буйруғингизга биноан, ҳар бир иш ўринсиз воқеъ бўлса, тўққиз галгача айтишга ҳақлиман, – деди Алишер Навоий. – Қолдики, яна бир қанча марта қайтарсам айбга буюрмагайсиз.

Султон Ҳусайн яна кулиб юборди. Кулгиси қаттиқ, маза қилиб, силкиниб-силкиниб, юракдан куларди.

– Пирнинг муроди бош устига! – деди сўнг. – Бироқ, сиёсатимиз сўзимизни тутмоғимизни тилайдир. Бу иш фармон аввали бўлсайди, тамомила бекор қилардик. Аммо сизнинг сўзингиз мўътабардир. Рухсатингиз ила уч минг эмас, минг хонадон Хоразмга кўчсин.

Навоийга қолса, бир хонадоннинг кўчишига ҳам рози эмас эди. Бироқ, энди ортиқча сўз айтмоққа имкон қолмади. Хайрлашиб кўшқдан чиққанида гўё олам кенгайган, чексиз даражада гўзал кўринарди.

Унинг бу кайфияти эл учун арзирли бир хизмат қилганида эди. Кўз ўнгида шу кунларда ўзи кўриб-сухбатлашган юзлаб кишиларнинг сиймоси турарди. Эл! Бу ардоқли, қадрли эл учун ҳар нарса қилса арзийди. Орасидан қанча олиму авлиё етиштириб чиқазган экан, кўздан ниҳон яна қанчаси ҳозир тоғу тошлар, далаю яйловларда қиймати билинмасдан умри ўтаётгандир? Орасида дуосяю тилаги ижобат бўладиган яна қанчаси бордир?

Навоий “Унсия”га бормасдан, Ҳавзи Моҳиёнга – меъмор Мирий ёнига кетди. Тамал усталари, ғишт урувчилар, безовчилар, меъморлар тайин қилинган, ишлар қизгин тус олган эди. Халқнинг тутуми янада ажиб бўлди: ғарибу қашшоқ кишилар ҳам латта-путталарга ўроғлиқ ақча, мато ёки наMAT кўтариб келишар, асрлар бўйи қад кериб турадиган мадраса иморатида ўз ҳиссаси бўлишини, неча асрлар муттасил савоб етиб туришини орзулашарди. Бундайлар жуда кўп, ҳар куни ўнлаб одам иншоотга бош уриб келарди.

Жомеъ масжиди таъмирланиб, кутилганидан ҳам кўркам бўлиб кўкка бўй чўзганида Султон Ҳусайн Ҳисор ғалаёнини бостириш учун кетган эди. Ғалаба қозониб қайтиб келганида, ўхшаши йўқ ажойиб масжидни кўриб севинди. Шундан сўнг Алишер Навоийга ўз иншоотларини барпо этишга рухсат берди.

Меъмор Мирий аллақачон янги қурилажак масжиду мадрасалар тарҳини чизиб бўлган, Алишер Навоий шоён меҳр қўйган ёш мусаввир Беҳзод бошқа бир қоғозга унинг суратини ҳам чизган, унда бир қанча кишилар масжидга кириб-чиқаётгани, юксакда эса Алишер Навоий аҳбоб ила мажлис қуриб ўтиргани, ундан ҳам юқорида оқ булутлар ва заррин қуёш тасвирланган эди. Навоий Беҳзодни алқаб, мажлис сурати масжиддан юқорида эмас, қуйида бўлмоғи маъқуллигини айтиб, яна меъмор чизган тарҳга қайтди. Гап куббалар саноғи устида қолган эди.

– Ўн икки куббалик қилинсами ёки тўрт куббалими?

Навоий ўйланиб туриб:

– Мирзо жаноблари тўрт куббали қурдирганларида, бизлар ҳам шундай қилмоғимиз одобдан бўлмас, – деди. – Икки кубба, бир гумбазли бўлса бас.

– Мадрасаси тарҳида ҳам баъзи тузатишлар қиламан деган эдингиз...

– Мен таълим олган мадрасаларнинг дарчалари кичик, шу боисдан нимқоронғи бўлар эди, – деди Навоий. – Кўз нури харжланиб илм олингайдир, шул сабаб нурафшон бўлмоғига эътибор қилинг. Кузу қишнинг қора совуқларида иссиқ ҳам бўлсин. Иситмоқ учун Бухорою Самарқандда қўлланилган усул қўлланса маъқул. Яъни, ўчоққа ёқилган ўт тутуни девор орасидаги кичик қувурлардан ўта-ўта, бир неча хужрани иситишини кўзда тутинг.

Иморатларнинг номланишига келинганида, ҳамма бир овоздан бу ишни Алишер Навоийга арз қилдилар. Мадраса ёки жомеъ барпо қилган кишилар унга ўз номини бериши урф эди. Шу сабабли, кимдир “Мадрасаи Алишерий”, кимдир “Навоий” бўлишини таклиф қиларди.

– Йўқ-йўқ, – деди Алишер Навоий. – Толиблар илм истаб, ихлос ила келгайдирлар, “Ихлосия” бўлақолсин. Хонақоҳ эса, дарвишлару тариқатдагилар зикри само ва тафаккурга берилмоқлари учун “Халосия” бўлсинки, олам ташвишларидан халос айлосин. Атиббо<sup>1</sup> хаста кўрмоғи ва маъжун ҳозирламоғи боис қулай ҳам ёруғ бўлгайки, элу улус даво истаб

---

<sup>1</sup>Атиббо - табиблар

келса муродига етсин, “Шифоия” бўлсин. Кутубхонанинг номи “Қория” эмас, “Дорул-хуффоз” бўлсин!

Навоий ўзи қурдирган иморатларнинг биронтасига ўз номини бермагани ҳам эл-улуснинг ҳайратига сабаб бўлди.

Ҳирийдан ташқари, Марв-у Машҳадда, Балхда, кичик қишлоқлару қарвон йўлларида ҳам эл қунига ярайдиган бир талай иншоотлар бунёд этилмоқда эди.

Работлар мусофир юкини енгиллатмоқ учун барпо қилинган, чунки мусофир дуоси қабулдир. Турли бўлуқларда сув муаммо бўлгани учун суви доимо алмашиб турадиган ҳовузлар қазилар, ариқлар очиш, тўғонлар кўтариш, кўприқлар қуриш ишлари давом этарди. Хўжа Аҳрор валийнинг “Зикр ва мувоқабат, бирор мусулмонга яхшилик бахш этувчи хизмат бўлмаган пайтдагина бажарилади. Инсоннинг кўнглини чароғон этишга сабаб бўладиган хизмат – зикр ва мувоқабатдан анча олдин келади” деган ўғитининг ҳақиқати мана шундай зухур этди. Эл қорига ярайдиган бунча иншоотлардан келадиган тоғ-тоғ савоблар билан зикру мувоқабатдан келадиган савоб тенг бўла олармиди? Инсонни бениҳоя юксакликларга кўтариб дуо қилувчи мўминлар бўлмаса, ундай яхшиликлар, ундай савоблар қаердан ҳам келсин? Қолдики, шу эл, шу халқ мудом бор бўлсин, дунё тургунча турсин!

Булар – қалбни қуёшдай ёриштирадиган ишлар бўлгани учун Навоийнинг кайфияти чоғ, усталар билан гоҳ ҳазиллашар, гоҳ эса, ич-ичидан тошиб келган ғайрат ила, уларга қўшилиб тер тўкиб ишлар эди.

\* \* \*

Бир куни пешин намозидан сўнг қабул маҳали раият орасида мавлоно Алишоҳ киришга изн сўраётгани айтилди.

– Мавлоно Алишоҳ? – хайрон бўлиб сўради Алишер Навоий. – Тўғридан-тўғри келабермай, нечун додхоҳга<sup>1</sup> келибдилар, хайрдир?

Очиқ эшикдан ўрта бўйли, тўладан келган, қизил юзини қалин мошгуруч соқол қоплаган мавлоно кўрингани ҳамано унинг истиқболига юрди.

---

<sup>1</sup>Додхоҳ – арзу шикоятлар қабулхонаси.

– Бизни маҳжуб қилдингиз, устоз, – деди Навоий унинг қўлидан тутиб, паст курсилардан бирига ўтирғизиб, ўзи ҳам қаршисига чўкиб. – Не юмуш ила келдингиз?

Дарҳақиқат, муддаосини бир мактуб ила билдирмоғи осон бўлган, девонга ҳам, кўшкка ҳам бемалол кириб-чиқа оладиган мавлононинг арзга келмоғи ажаб эди.

– Олий илтифотингиздан ва марҳаматингиздан умид шуки, – деди мавлоно Алишоҳ. – Хазиначилар олти ойлик маошимни бирданига берсалар, токи мен ҳар ойда хизматчиларга бош оғриғи бўлиб юрмасам...

Алишер Навоий кулимсиради:

– Мавлоно, умрингиздан олти кун қолганми-йўқми, маълум эмас. Сиз нима учун омонат ҳаётга мунчалик кўнгил кўйиб, келажак олти ойлик маошни талаб қиласиз?

Алишоҳ кулгисини соқол силаш баҳона бармоқлари билан яшириб, жавоб қилди:

– Сиз фармон беринг, у пулларни бераверсинлар. Борди-ю ўлиб қолсам, гўр-кафанимга яраб кетар.

Навоий, нигоҳида мутойиба учқуни йилт этиб, муншийга қараб буюрди:

– Устоз Алишоҳнинг айтганлари ҳисобланиб, истаги адо қилинсин!

Мавлоно “Куллуқ, куллуқ” деб бош эгган эди, Навоий ҳозиржавоблик билан қўшимча қилди:

– «Ўлиги ҳам бир бало, тириги ҳам бир бало» деганлари сиз экансиз-да...

Бу ўткир ҳазилга ҳамма кулиб юборди. Қабулхона кўриқчилари ҳам, мунший ҳам, додхоҳбеги ҳам кафти билан оғзини бекитиб, пиқ-пиқ кулишарди.

Халқ Навоий мажлисларида улуғ алломалар, шоирлар, фозиллар йиғилишини айтиб ҳавас қиларди. Кўпчилик учун у мажлислар етишиб бўлмас мартаба эди.

Кимдир ҳазрат Навоийнинг юксак мажлисларида қатнашиб бир муаммони еча олдим, у киши мени алқадилар деб кўкрак керса, яна кимдир у

билан қўл бериб кўришганини айтиб мақтанарди. Нозиктаъблигини, тез ранжишини айтиб юришарди. Эл орасида кишилар завқини келтирадиган, Навоийнинг донишмандлигини кўрсатадиган ҳикоятлар кўп, уларни ҳар ерда эшитса бўларди.

– Бир куни бир шоир ҳазратга: “Икки пуллик шам битиб тугагунча бир канча ғазал ёздим”, дебди. Шунда ҳазрат мулоимлик билан дебдилар: “У ҳолда ёзганларингизнинг қиймати ҳам икки пуллик экан-да?”

– Ия! Мавлоно Осафийни айтяптилар-ку?

Кишилар завқланиб-завқланиб кулишарди. Шоирнинг топқирлигига ва ҳозиржавоблигига, илтифотли қочиримларига қойил қолишарди.

Дарҳақиқат, Навоий мажлислари пухта тартиб билан, сайланган кишилардан таркиб топар, бадфеълу бадхулқ ёки ўйламай сўз айтадиган кишилар яқин йўлатилмас эди.

Булардан янада зарофатлироғи мавлоно Восифийнинг ҳикоятлари эди. Зайниддин Восифий турли зиёфат давраларини хуш кўрадиган надим киши бўлиб, ҳар жойда шу ҳикоятни айтиб юрарди.

Бир куни саховат майдонининг эгаси Алишербек бурунги зариф кимсалардан ўзининг қизиқ кўриниши ва ажойиб сўзлари билан машҳур Мавлоно Шаҳобиддин Мудаввинга бир от инъом қилибди. Бу илтифот муносабати билан Мавлоно ўзини олий ҳазратнинг энг яқин кишилари қаторида ҳисоблаб, хизмат ва мулозиматни ҳаддан ошириб юборибди. Масалан, ҳар қачон отга миниб бирор жойга борилса, у киши ҳам бориб хизматда бўлар, қайтиб уйга келинганида эса дарбозадан бир қадам нарига силжимас экан. Шу сабабли лутф ва қарам манбаи Алишер Навоий ундан жуда тангликка келибди. Бироқ ўзининг олий хулқи у кишининг дилини оғритишга ва очикдан-очик ўз мулозиматидан қайтаришга йўл қўймас экан. Шу сабабли хизматчилардан бири Алишербекнинг буйруғи билан, ўғрилиқ тариқасида Мудаввиннинг уйига йўлланибди ва отини олиб, тезлик билан бозорга келтириб сотибди. Мавлоно у одамни ҳақиқатан ўғри ҳисоблаб, орқасидан қидириб, икки тош йўлни пиёда босибди ҳамки, отдан ҳеч асар

топмагач, бу воқеадан ҳайрон бўлиб, яна иззат денгизи Амирнинг мулозиматига югурибди ва ўзининг саргардонлик кайфиятини арз қилибди. Олий ҳазрат дебди:

– Биз отингизнинг баҳосини берамиз, шу шарт биланки, бундан сўнг от сақламайсиз ва отга минган чоғимизда бизга ҳам бош оғриғи бўлмайсиз!

Мудаввин рози бўлибди. Шу чоқда Амир маълум миқдор ақчани Мавлонога берингиз, деб буюрибди. Ҳийлакорлик қилган киши Мавлонога тўқсон тўрт танга санаб берибди. Мавлоно таажжубланиб:

– Инъом қилинган ақча юз танга бўлиши керак, нима учун олти танга кам?

Сухбатда ҳозир бўлганлардан бири жавоб қилибди:

– Мавлоно, афсуски, отингизни шундан ортиққа олмадилар!

Буни эшитганлар қотиб-қотиб кулишарди.

Яна бир миш-миш Навоий билан Султон Ҳусайн дўстлиги ҳақида эди. Эмишки, бир киши саховатли амирдан анча-мунча қарз сўрабди. Амир ўз олижаноблиги юзидан рад қила олмай, айтилган маблағни берибди. Шунда қарз олгувчи киши қарзни қайтариш муддатини сўраган экан, саховатли амир:

– Қачонки Султон Ҳақ раҳматига қовушсалар! – деб жавоб қилибди.

Бу гапни фитначилар дарҳол султонга етказишибди. Энг яқин дўстидан бундай сўз чиққанига ғазаби келиб, амирдан кўнгил узишини, орага совуқчилик тушишини кутишибди.

Бироқ, Султон Ҳусайн Навоийнинг муддаосини дарҳол фаҳмлабди:

– Алишербекка тасанно! – дебди. Сўнг анграйиб қараб турган гап ташувчиларга моҳиятни тушунтирибди: – У гапдан муддао шуки, олган кишининг қарзни қайтаришга ҳали-бери қурби етмагай. Шу боис туну кун Тангрига ёлвориб, бизнинг умримизнинг узоқ бўлишини дуо қилгайдир, Навоийнинг нияти шундоқ бўлгандир!

Эл орасида шундай гап-сўзлар оғиздан-оғизга ўтар экан, айни чоғда “Шифоия”, “Дорул-хуффоз” иншоотлари тамомланмоқда, работлар қошида

жонлиқлар сўйилиб, дуолар қилинмоқда эди. Айниқса, Ҳирий ташидаги кишлоқларга сув чиқарилганида эл шодланар, қариялар у зилолни юз-кўзларига суришарди.

\* \* \*

Бир неча йил ичида иморатлару тимлар, дўконлару хаммомлар, мадрасалар қурилиши ниҳоясига етди. Алишер Навоий уларни бир-бир айланиб чикди. Сўнг “Ихлосия”га кирилиб, Шайхим Суҳайлий ва Соҳиб Доро билан биргаликда бу даргоҳнинг мударрису хизматчилари муҳокамасини қилдилар.

Шайхим Суҳайлий Навоий ўрнига муҳрдорликка тайинланган, фурсати йўқлигидан доим шошиб-пишиб юрарди. Ҳозир ҳам бир нафасга “Ихлосия”га келган бўлса-да, кўшкка қайтиш мажбурияти қалбида хавотирини ошириб, типирчилаган кўйи дерди:

– Ўқингиз-ўқингиз, вақтни кеткирмангиз!

Навоий бир қанча ипак қоғозга ёзиғлиқ мавзуотни ёйиб:

– Сизларнинг тасдиғингиз муддаомиздир. Сиз тасдиқ қилсангиз, Мирзомизнинг назарларидан ўтказурмиз! – деди. Сўнг бирма-бир тушунтирди:

– Вазифали арбоб икки комил эътиқодли мударрис бўлгай. Ҳар бирининг йиллик маоши бир минг икки юз олтин нақд, йигирма тўрт юк ошлиғким, тўртдан бири арпа, яна тўртдан бири буғдой бўлгай.

Ҳар ҳалқаи дарсада ўн бир толиби илмким, бориси йигирми икки бўлгай, олти аъло; ҳар бирига ойлик йигирми тўрт олтин, йилда беш юк буғдой юк, васат – саккиз, ойлиғ ҳар бирига нақд ўн олти олтин, буғдой - йиллик тўрт юк, адно – саккиз, ойлиғ ҳар бирига нақд ўн икки олтин, ошлиғ йиллик уч юк.

– Ҳай-ҳай! – деб юборди Соҳиб Доро, ҳайратланиб. – Бунча маош! Амир хазратлари мени ҳам мударрис ё мударрис ёрдамчиси, ё ҳеч бўлмаса қоровул қилиб тайинласалар бўлмасми?



– Олти хушовоз Қуръон ҳофизидан мусаддирга йиллик нақд беш юз олтин, муносафа ошлиғ ўн бош юк; сойирдин ҳар бирига йиллик нақд юз саксон олтин, буғдой тўрт юк. Шайхга йиллик нақд минг олтин, муносафа ошлиғ ўн юк.

Шу тарзда воизга, имомга, мутаваллига, ходиму фаррошларгача маоши тайин қилинган:

– Не дерсиз, ёронлар? – деб сўради Алишер Навоий. – Маошлар уларнинг қилган хизматига муқобилми? Рози бўлурларми? Ё бирор бир хусусда нуқсон қилдикми?

– Мадрасаларнинг вақф ҳисобчилари ҳам бунчалик адолат ила тақсимлай олмаслар, хўб маъқул бўлмиш! – хайратини яширмади Шайхим Суҳайлий.

– Бу кунлар эсда қолсин, Шайхим! – Соҳиб Доро хавасланиб, яна сўз кўшди. – Амир жаноблари илтифот қилсалар, ўша кунлар келиб ҳалвою ҳалим еб кетгаймиз.

Навоий хизматчиларнинг йиллик қиладиган ишларини ҳам бирма бир аниқлаб чиққан экан, шуларни баён қилди. “Мутавалли ҳар йил юз пўстин, юз капанак, юз бўрк, юз кафш, юз кўйлак, юз тунбон сотиб олиб, ҳар қайсини муносиб тарзда икки мударрис иттифоқи била эҳтиёжи борларга улашсин. Ва ҳар йил тўрт юз олтин хонақоҳ, гумбаз, мадраса ва масжид ва Дорул-хуффоз учун кигиз-шолча ва ёруғлик учун ажратилгай, қозон-ўчоқ, идиш-оёқ, қошиқ-пиёла ва шу турли неки керак бўлса, тартиб қилиб бергай. Ходим ва фаррошлар ҳар кеча мадраса масжидидаги долонида, дағи «Дорул-хуффоз»да, дағи хонақоҳ гумбазида ва даҳлизларида шам ёндиргайлар. Яна шарт улким, қор аритишда муқри ва ходимлар ва фаррошлар ва табақчилар – барча бир-бирига мадад бўлуб, аритгайлар. Ва ариқ олишдаким, балчиқ била кумни ариғ ёқасига йиғарлар - мутавалли муздур тутиб кўтаргай.

– Қор аритиш-у ёмғир сувини кетказишгача ёддан чиқармабсиз!

– Ниҳоясида мавзуот тартибига рубоий ҳам кўшилди, бу ишлардан муддао-ю тилак англанилди, – деди Навоий. – Деворга осилгайки, ғараз ила биров кирса, ўқиб инсофга келгайдир.

*Олам ишидин мени малул эт, ё Раб,  
Фақр эмгаги тортарга ҳамул эт, ё Раб.  
Бу ишки, сенинг ризонг учун қилмишмен,  
Ҳам айни ризо била қабул эт, ё Раб.*

*Бу қондани кимки тузар, бор бўлсун,  
Тангри бори ҳолатда анга ёр ўлсун.  
Ким бузса, бузуқлуққа сазовор ўлсун.  
Ҳақ лаънату қаҳрига гирифтор ўлсун!*

– Ғоят қаттиғ айтилибди, – жиддийлашиб деди Суҳайлий. – Муни ўқиганлар ўнғайсиз ҳолга тушмаслармикин?

Соҳиб Доро эса ҳар доимги мутойибасини қилди:

– Тақсир мутаваллидан фаррошгача тайин қилибдилар, дўстларнинг ҳоли не кечгай? Йиллик эмас, кунлик бир бурда нону бир коса сув ҳадя этсалар бас, хизматларини қилгаймиз.

Шу тариқа, уч дўст “Ихлосия”дан “Халосия”га, ундан “Шифоия”га ўтиб, куёш ботгунгача қолиб кетишди.

\* \* \*

Навоий “Унсия”га кириб келганида Бектош бобо ариқ бўйида ўтириб, оқ гул очган яшил ялпизларни бирма-бир юлаётган экан.

– Ҳай-ҳай, нималар қияпсиз? – деб уни тўхтатди Навоий.

– Ғовлаб кўзга хунук бўлиб кетибди, ораста қилиб қўймоқчиман, – деб жавоб қилди қария, пешанасидаги терни белбоғи билан артиб.

– Кўяберинг, ўзига яраша кўрки бор. Ҳаддан зиёд ғовлаган бўлса чилпиб қўйсангиз бас, бироқ ҳаргиз илдизидан юлиб қуритманг.

Шундай деб ўтиб кетди-да, ичкари кирмай, сеvimли бинафшазорини бир оз айланиб юрди. Изига қайтаркан, Бектош бобога:

– Бечорани кўринг! Томиридан тупроққа боғланган, заиф, хоксордир. Бу тақдирдан қочай деса, ҳеч қочолмас! Шу ҳолида Тангрига ҳамду сано айтгайдир, худди бизларга ўхшайдир! – деди. – У шўрликка сизу биз шафқат қилмасак, ким қилгай?

Бектош бобо ўнғайсизланиб, бир хожасига, бир ўтларга қараб турарди. Навоий унинг тушунмаётганини сезиб:

– Осмонлардаги ва ердаги бор нарсалар Аллоҳга тасбеҳ айтурлар. Унинг ҳамди ила тасбеҳ айтмаган ҳеч бир нарса йўқ. Раъд, яъни момақалди роқ ҳам унинг ҳамди ила тасбеҳ айтадир, дейилганини эшитмаганмисиз? – деди юмшоқлик билан. – Юлмоқ ила уларнинг ҳамду саносини тўхтатурмисиз?

– Ҳеч хабарим йўқ экан, узр, – деди Бектош бобо ўнғайсизланиб.

Шоир бош ирғаб, кутубхонага йўл олди. Бектош бобо шоирнинг айтганларини мулоҳаза қиларкан, эсига Марвда бўлиб ўтган воқеа келди.

Бултур қишни Марвда ўтказишга қарор қилинган, сарой аъёнлари бир қанча муддат ўша барҳаво масканларда қишлаб қолишган эди. Баҳор келиб, барча Ҳирийга қайтишга тайёрланар экан, Навоий чодирда бир мусича ин куриб, бола очганини кўрди-да, чодирни бузмасликни тайинлаб, мулозимларидан Хожа Ҳасан Бахтиёрни то мусича полапонини учирма қилмагунча кетмаслигини тайинлаб, ўша ерда қолдириб келди. Хожа Ҳасан то мусича полапонини учирма қилиб, ўзи ҳам қайгадир учиб кетмагунча пойлоқчилик қилиб ўтирди. Бўм-бўш ин эса ҳамал шамолларида хасдай сочилди. Хожа Ҳасан Ҳирийга келгач, “Алишер Навоий бу иши билан ҳам мусичага, ҳам менга раҳм қилди. Бўшаб қолган ин менга ўз ҳаётимни эслатди” дея, шуларни айтиб берган эди.

Бироқ, чол бўшаб қолган мусича инининг Хожа Ҳасан ҳаётига ёки раъд қандай қилиб тасбеҳ айтади-ю унинг ғовлаб кетган ўтларга нима алоқаси бор, барибирам тушунолмади. Айтилган сўзларни амирнинг кўнгилчанлигига йўйиб, яна ўз ишига машғул бўлди.

Аслида эса, Алишер Навоий боғбонга кўнглининг тубидагиларни айтди. Тангрига шукр, халқ дуосини олиш учун бир қанча иншоотлар барпо этилди.

Улар Аллоҳ хоҳлаганча вақт ер юзида туради ва вақти келиб тупроққа кўшилиб кетади. Совурилмайдиган мангулик иншоотларини – санъатга йўғрилган билим ва ҳикмат асарларини бунёд этиш вақти аллақачон етган эди. Бунинг учун эса, фурсатни ўтказмасдан, ушбу муддаони султон дилини оғритмайдиган тарзда баён қилиб, изн олиш лозим. Навоий бу борада узил-кесил бир қарорга келиб, эртасигаёқ султон ҳузурига боришни дилига тугиб қўйди.

### **ФИТНА**

Хусайн Мирзо тажрибали ва ақлли лашкарбоши бўлиб, ғалабаларининг барчаси унинг зукколиги ва донолиги боис эди. Урушга кирмасидан аввал ёвни пухта ўрганар, кўшиннинг нима еб, нима ичишидан то аслаҳасининг турларигача, қанча баҳодиру қанча сарбози борлигигача билиб олар, шунингдек, урушга кириладиган ернинг паст-баланди, суви қай томонда эканигача тафтиш қилиб, уни ўз ғалабаси йўлида ишлатарди. Бу муаззам салтанат кенгликларида фақат Астробод билан Ҳисор нотинч бўлиб, шу икки навоҳийда гоҳ-гоҳ ғалаён оловлари ёлқинланиб турарди.

Астробод эскидан Гургон деб аталиб, теурийлардан аввалроқ – Султон Маҳмуд Ғазнавий замонасида “Астаробод”, яъни мулкнинг астари, чети деб номланган эди. Бу муаззам навоҳий Ёқуббек бошлиқ Ироқ салтанатига чегарадош бўлгани учун, вазият у ерга тажрибали, донишманд бир кишини тайинлашни тақозо этарди. Аввалига у ерга Мажидиддинни юборишга кенгашилди, аммо Мажидиддин турли баҳоналар билан Астробод сафаридан қутулиб қолди.

Бир куни у хазина тушумларини ҳисоб-китоб қилиб ўтирар экан, аъёнлар ва бекларнинг мулкларига эътибор қаратди. У мулкларнинг кўпи султон Хусайннинг жўмардлиги боис ҳадя қилинган, улардан келадиган бойлик мислсиз эди. “Сут ҳовузлари, мураббо-ю тотлиқ ҳовузчалари, олтину кумушдан қуйилган қандлару ҳолвалар шулардан экан-да”, деб ўйлади у хаёлига келган фикрдан шодланиб.

Ҳисоблаб кўриб, ўзининг бойлигию мартабаси янада ошишига амин бўлгач, султонга арз билан киришни тилади. Ҳусайн Мирзо ҳузурига киргач эса, мулоҳазаларини бир-бир баён этди.

– Уруш беклари ила уламо мулкига тегинилмас, ясоқдир! – деди Султон Ҳусайн.

– Албатта тегинилмас, у мулклар ўзларида қолгай, – деб жавоб қилди Мажидиддин. – Фақат солиқ солингай.

Ҳақиқатан ҳам, агар солиқ солинса, хазина даромади деярли икки мисли кўпаяр эди. Вазир султонга ўз ҳисоб-китобларини кўрсатди. Султон ўйлана-ўйлана розилик бергач, енг шимариб ишга киришди.

Яғмочилару навкарлар мулкларни бир-бир кезишарди. Бу – Мажидиддиннинг барча устидан ғалабаси эди. Баъзи беклар совға-саломлар юбориб, мулкларига тегинилмаслигини ўтинишар, қибор вазир эса совғаларни қабул қилмасдан қайтариб юборарди. Таноб-таноб ерлар, боғу роғлар, кишлоқлар эгаси бўлмиш кишилар бу фармондан довдираб қолишди. Солиқ? Суюрғолга ҳам, тархонга ҳам? Ахир, хонавайрон бўламиз-ку?

Мулклар ўлчаниб баҳоланар, ҳосил чамаланиб нисоб чиқарилар, тўлов учун муддат белгиланиб, хат имзолатиб кетиларди. Аввал қора халқ елкасидаги солиқ машаққати энди ўртаҳоллар ва юксак мартабали кишилар зиммасига тушиб, ҳаммани эсанкиратиб қўйди.

– Хазина шу тарз тўлдирилар эканми?

– Удумга кўра, уруш бекларининг мол-мулкига тегинилмас. Чунки жонини гаровга қўйиб, чопишиб-санчишиб қозонгандир. Кимдан чиқибди бу иш?

– Мажидиддиндан дейдилар...

Умаро наздида бу адолатсизлик эди. Ҳақиқатан ҳам, уруш бекларига савашу сўқишлардаги жасорати ва қаҳрамонлиги боис жулду, яъни совға сифатида берилган ер-сувлар дахлсиз эса, уламонинг илми боис берилган мулклар ундан ҳам дахлсизроқ ҳисобланарди. Бу гап юмшоқроқ шаклда

Мажидиддинга ҳам етиб борди. Мажидиддиннинг қаҳри келди, кенг юзига ғазаб булути инди.

– Султон Абусаид замонида гавҳардан кўра тош яхши деб навҳа уриб юрмасмидингиз? – деди ҳурпайиб. – Бу кун маошингиз соз, даромадингиз созвор, аммо кўзингиз тўймайдир? Салтанат боиси рўзгорингиз бой, хазинадан уч-тўрт ақчангизними қизғонурсиз?

– Саййидларнинг мулкларини не қилгаймиз?

– Саййидми-маййидми, барчасига солиқ солингай! – деди Мажидиддин. – Пайғамбар ҳазратлари оламдан кетганларига саккиз юз йил бўлди. У ёғини сўрасангиз, мен ҳам пайғамбар авлодиданман! – деган эди, ҳамма хайрат билан унга қараб қолди.

– Кўзингизни мунча ола-кула қиласиз? Одам Атони айтяпман! – деб тиржайди Мажидиддин. – Кўрдингизми, ҳам ота, ҳам она тарафдан бирмиз. Барча тенг бўлмоғи жоиз эмасми?

Унинг қўпол гапларидан мажлис аҳли ёқа ушлаб қолди. Мажидиддин гап тамом дегандай қилиб девондан чиқди. Чиқишда Қора Мўғулга дуч келди. Қора Мўғул хожаси отининг жиловини тутиб, сўл томонини рўпара қилиб турар эди.

– Сен, – деди Мажидиддин, отга мингач. – Оқшом чоғи қошимга кел. Бир-икки юмуш бергайман.

Қора Мўғул боши ерга теккудай бўлиб таъзим қилди. То Мажидиддин олислашгунча шундай турди, кейин қаддини кўтариб, теградаги сарбозлар олдидан кеккайиб ўтиб, ташқарига йўналди.

\* \* \*

Оқшом чоғи ювиниб-тараниб, соқолига мушк сепиб, ўзича ясан-тусан қилиб Мажидиддин боғига кириб борганида, хизматчи хабарим бор дегандай бош лиқиллатиб ички ҳовлига кириб кетди. Қора Мўғул анча вақт оёқда туриб қолди. Ўтган-кетган қоп-қора бу кишининг ғалати ясан-тусанига хайратланар эди. Бир оз вақтдан сўнг хизматчи қайтиб чиқди-да, ортимдан

кел деб, орқа ҳовлига олиб ўтди. У ерда оғочга бойлаб қўйилган иккита қўй турар эди.

– Муни сўйиб, саранжомлагайсан, – деди у киши, Қора Мўғулга катта пичоқ бериб.

Қора Мўғул ҳафсаласи пир бўлиб қўйларга қараб турарди. Шундай бўлса-да, хизматчидан бир бўлак мато сўраб олиб, эгнига бойлади-да, қўйларни сўйди. Беҳи шохига осиб бўлган эди ҳамки, лапанглаб Мажидиддиннинг ўзи келиб қолди.

– Бу ишни сен уддалайсан деб хато қилмабман, – деди сўйилган қўйларга разм солиб. – Чингиз усулида эт пиширмоқни билурмисан?

– Қайдан билай, Чингизхон дунёдан ўтиб кетган бўлса? – деб жавоб қилди Қора Мўғул пўнғиллаб. Унинг дағаллиги Мажидиддинга ёқди.

– Сен бошингни қотирма, муни ошчилар пиширишсин. Бу ёққа кел!

Ичкари кирилиб, Мажидиддин қават-қават ёстикларга ёнбошлади, Қора Мўғул пойгакка чўқди.

– Умаро, фузало, уламо... – деди Мажидиддин пўнғиллаб. – Ҳаммасининг мулкларига солиқ солинди. Сен ўша солиқларга қарагайсан. Муиниддин сарбоз, яна бир-икки содиқ навқар ила боргайсан. Кими олтин-кумуш ила, кими мол ила тўлагайдир. Сандиқларга солгайсан... – деб маънодор тикилган эди, Қора Мўғул бирданига унинг муддаосини англади. Ҳаяжонини зўрға босиб:

– Қуллуқ, хожа, қуллуқ, – деди.

– Ҳеч кимса пайқамасин! – деди Мажидиддин. – Бу ишдан бир Муиниддин сарбознинг хабари бўлмай. Хатолик чиқарсанг, хазина молига кўз тикди деб каллангни ўзим олдиргайман. Жон керак бўлса, ишингни хушёр қилгайсан. Боравер, эрта саҳар Муиниддин қошига кел!

Қора Мўғул хожаси ёнидан юриб эмас, чопиб чиқди. Айтишга осонми? Сарвати осмон қадар қанчадан-қанча беклару амирларнинг мулкидан оламжаҳон солиқ келмай. У орада ерга тушиб қолган бир-икки лаъл-жавоҳирга биров қарармиди? Ана энди фақирнинг елкасига ҳам офтоб

тегадиган бўлди. Қора Мўғул шуларни ўйлаб, илжайиб қушдай учиб борарди.

\* \* \*

Қора Мўғул хожасининг айтганини ортиғи билан ўринлатди. Бу орада ўзини ҳам унутмади, албатта. Мажидиддин унинг садоқатли эканини, ўтрук сўзламаслигини билар эди. Чақчайган кўзларини қаттиқ тикиб сўраса, Қора Мўғул:

– Келурда бир-икки синиқ тошча оёқ остига тушиб эди, жаноблари сандиғини ифлос қилмасин дея бир четга отиб юборақолдим, – дея ростини сўзларди. Мажидиддин бу баҳонасига ковоқ солиб, таҳдид қилиб қўярди.

– Шоири даврон ҳазратларини-чи? – деб сўради Мажидиддин, ғолибона илжайиб. – Тафтиш қилдингизми?

– Қилишга қилдиг-у... – Қора Мўғул тараддудланиб қолди. – Аммо солиқ солишга имкон қолдирмабдилар.

– Нечук?

– Ихтиёрларидаги бор мулкни мадрасаларга ҳадя қилибдилар. Бир ота боғи қолибди, холос, – деди Қора Мўғул. – Таноб-таноб ерлару боғларни вақфга бериб юборибдилар.

– Ҳошо! – дея ўрнидан туриб кетди Мажидиддин. – Маккорликни кўрдингми? Бул замоне вақфга бергайдир, эрта бир кун султонга айтиб қайтариб олгайдир. Бу сафар ҳам молини қутқарибди! Ё... – деб шубҳаланиб тикилди Қора Мўғулга. – Бир маҳаллар дўстинг бўлган эмиш, аввалдан бир нима деддингми?

– Оллоҳ сақласин! – деди Қора Мўғул. – Хожам, мен ҳеч кимга хиёнат қилмайман. Бу ишни айтиш хаёлимга ҳам келмади.

– Дўстинг бўлса ҳам-а?

– У ҳолда... – Қора Мўғул ўйланиб, шарбатни такаллуфсиз олди-да, кулқиллатиб ичиб олиб, кафти билан дудоғини артиб, бепарво жавоб қилди: – Сиздан маслаҳат сўрагайман. Аммо сизга ҳам, унга ҳам хиёнат қилмагайман.



– Бўпти, боравер, – деди Мажидиддин, каноат ҳосил қилиб. – Сен менинг ишончимдаги дуруст йигитсан. Бирок, бир гапни айтиб қўяй. Бу ишлар шундоқ қолмагай. Бунча мол-мулк йиққан киши албатта шубҳага гирифтор бўлгайдир. Ҳушёр бўлиб, у ёқ-бу ёқни кўзлаб тургайсан. Вақти келса, Шероз кетгаймиз.

Қора Мўғул “Хўб” деди, шу билан суҳбат ниҳоя топди. Мажидиддин бугун жуда чарчаган, мияси зўриқиб, ғовлаб кетган эди. Оқшомга раммол, яъни фолчи чорлатган эди, у келганини айтишганида кўл силтаб “Бошқа бир кун келсин” деди-да, ишратхонага йўл олди. Бир оз истироҳат қилмоқни, мусиқа ва айш оғушида онгидаги ўйлардан ором олмоқни тиларди. Гурсиллаб-ҳансираб келаётган гавдани кўрган хизматчилар чопиб қолишди, “Хожа келмоқдалар” дея, ҳар ким ўз ишига югурди.

Қора Мўғул эса кўчага чиққач, “Оббо! Шом бўлиб қолибди-ку? Масжидга борсамми ё чоғирхонагами?” дея иккиланиб турди-да, “Ҳай, вақти келса қазосини ўқирман” деб, чоғирхонага йўл олди.

## **ТЎРТИНЧИ ҚИСМ ФАВОЙИДУ-Л-КИБАР**

### **ҲАЙРАТ**

“Кечаларнинг бирида коинотни қоронғилик босиб, қуёш оби ҳаёт булоғидек яширинган эди. Гарчи у булоқ кўзга кўринмаса ҳам, Хизр кўк узра ундан қатралар сочарди. Тун чангларини анбарга айлантирган, уларни жаннат шабадалари ер узра тарқатарди. Ер юмалоқ шаклдаги хушбўй идишга айланиб, тун қоронғилигидан унда анбар тайёрланаётгандек эди. Ер идиши остида Қуёш ўт ёқаётган, идишни эса Осмон ўз этаги билан ёпиб тургандек кўринарди. Ором ва тинчлик ёмғири ёғиб, юз бераётган ҳодисалар тўзонини пасайтиришга шошарди.

Шу кеча дўстлик гулистонининг сарви дўстлик хонасининг шамъини янада равшанроқ қилди. Учрашув хаёли билан кўнгли хурсанд бўлиб,

денгиздек жўш уриб ҳайқирди. Шу пайт олий мақомли сайёҳ етишиб, кўлида эса қушдек учадиган отнинг жоловини ушлаб турарди. Бу от кўкда сайр этишдан ором олиб, унга ердан осмонгача чиқиш бир қадам бўлди. Аллоҳнинг пок хабарчиси унга салом қилиб, Аллоҳ номидан унга маълумот бериб деди: «Эй шавқли сирларнинг хазинаси! Аллоҳ сени кўришга ўз шавқу истагини билдирмоқда. Чунки пайғамбар жонон хабарини топган экан, унинг жонон хабарини топгани янгидан жон топгандир». Хабарчи унга ёрдам бериб, отга миндириб, отни ўзи келган томонга қайтариб олиб кетди.

Шу равишда бу олижаноб, очик юзли отлик сайр қилар, толеъи баланд оти қушдек учар эди. Бу тез чопишга ўрганган от чанг кўтариб, ақл кўзини кўрмайдиган ҳолатга соларди. Бу от кўтарилиб кўк тоқига етганида, Ой ўтиш учун унга туйнук вазифасини ўтади. Қалам эгаси Аторуд бунда ҳурмат қозонган, буқаламунлиғ – иккиюзламачиликка йўл қўймаётган эди. Зухра хурсандчилик барбатини созлаб, уни замзама билан қўллаб бошлади. Қуёш ўз сояси билан унинг жамолини тўсиб турар, ҳилол эса шуъла остида беркингандек эди. Меҳрида Миррих Баҳроми бирсўз бўлиб, шараф тиғи юзига кўзгу каби эди. Унга яқин юришдан Муштарий янада мартабаси ортиб, йўлидаги бир зина унга минбар бўлди. Зухал шамъи қоронғиликни ёритиб, у минган зангдек қора отни оқ қилиб кўрсатди. Унга Ҳамал ҳам, Савр ҳам жонларини бераётгандек, тўғрироғи, иккиси ҳам жонини қурбон этишга тайёр эдилар. Ҳам олдида Жавзо камарини тортиб боғлаган, ҳам Саратон ўзини тик тутиб, жилва қилар эди. Асад шери йўлидан бир гўшани эгаллаб, Сунбула унинг отига йўл озиғи бўлди. Палла йўли гардини қимматбаҳо иксирдай ўлчар, Ақраб орасида ичкизиш, даволаш, уқалаш ишлари олиб боришмоқда. Қавс эса чиллага ўтириб, дуо қилиш пайида. Тоғ эчкиси Жадй унга етиши учун озиқ бўладиган биринчи сутини келтиради. Далвга Юсуф каби назар солмай, Ҳутда Юнус каби тўхтаб ўтирмади. У елдек ҳамма буржларни кесиб ўтди ва Осмоннинг Арш қисмига кўтарила бошлади. Унга пояндоз Арш ҳамда Лавҳу Қалам бўлиб, унинг оти нақ ўшаларга қадам босиши керак эди. У энди Рафрафга миниб, ҳамроҳи ва йўловчи билан

хайрлашди. Энди бораётган йўлида ҳеч қандай макон қолмади. У йўқлик даштини ўзига макон этди. Бунда у олти жиҳат<sup>1</sup> бандидан ташқарига чиқиб, тўрт гавҳарни<sup>2</sup> тарк этиш унга тож кийишдек бўлди. Йўқлик оёғи билан қадам босар экан, аслида йўл ҳам йўқ эди, қадамнинг ўзи ҳам. Ўзлигидан на нақш қолган эди, на бир кўриниш, ҳатто бу айтилган нарсалардан бирон асар ҳам. Шу йўл билан у ўзини ўзидан халос қилиб, шу равишда ўзини иззат пардасига хос, лойиқ деб топди. У ерга етиб қараса, рўпарасида ҳеч нарса йўқ эди. Қанча қарамасин, боқийлик кўзгусини кўрар эди. Кўзгуга боққанда унда суратга ўхшаш бир нарсалар кўринар эди, холос. Нима ўткинчи-фано бўлса, ташқарида қолган эди. Унинг юлдузи шунча баланд кўтарилганида, марҳамат денгизида мавж пайдо бўлди. У Аллоҳ тилидан умматларининг ҳаммасини иштай бошлади ва Аллоҳдан барча мурод-мақсадига эришди. Аллоҳга тупроқдан бўлган тана ҳамроҳлик қилди. Агар: «Шундай бўлди!» дейилса, шундай, бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Чиндан ҳам унинг тани бошидан-охирига қадар жон эди. Лекин унинг жони Жононга етишган эди. У икки дунё раҳматини қўлга киритган бўлиб, нимага эришган бўлса, ҳаммасини ўзи билан бирга қайтариб олиб келган эди. Унинг юзидан у – Илоҳий даргоҳ қандай ёруғ бўлган бўлса, оёғидаги чангларни бу дунё ҳам ўзига сурма қилди. У Аршга ғунча бўлиб борган бўлса, Ерга тоза гулистон бўлиб қайтди; зарра бўлиб борган бўлса, порлаган Қуёш бўлиб қайтди. Унинг Меърожга чиққани ва қайтиб келгани бир онда юз берган бўлиб, ақл бундай тадбирдан хайронликда! Қайда ажойиботлар ва мўъжизалар кўп бўлса, уларни идрок этишда ақл ожиз бўлади. Унинг чиқиши ва қайтишига кетган вақт кичикнинг кичиги бўлиб, бу фурсат таҳлилга арзимади.

Бу бахтли сафар шундай тугаб, қутлуғ йўлбошчи руҳсат олди. Олам подшоҳи тахтада ўлтириб, Олам ишини интизомга солишда давом этди. Шариат тили кўчирилган дафтарни ўқиб, тириклик суви эса куфр қоралигини ювар эди”<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> *Олти жиҳат – олти тараф: шимол, жануб, ғарб, шарқ, қуйи ва юқори.*

<sup>2</sup> *Тўрт гавҳар – тўрт унсур: ер, сув, ҳаво ва олов.*

<sup>3</sup> *“Ҳайрату-л-аброр”дан.*

### **ОЛАМ АҲЛИ, БИЛИНГИЗ...**

Бир замонлар жилд-жилд китоблару мударрислар суҳбатлари аро бўй кўрсатган ҳақиқат ва маърифат оламлари мудом ўзига чорлар эди. Кўнгил энди ёру аҳбоб давраларидан олислашишни, билим диёрларига етишмоқ учун тафаккур меърожига чиқиб, у ерда қалбларни покловчи ибодат ила машғул бўлмоқни тиларди. Худдики, туннинг қоқ ярмида зако Жаброили фикр Буроқини етаклаб келишига бир баҳя қолгандай туюларди. Оламда неки бор, барчаси маънидан дарак берар, сўзлар, қичқирар, нолаю фарёд урар, сўзламайдиган ҳеч нима йўқ эди. Даввора олимлари ва фозиллари яратган сон-саноксиз асарлар онгга шарбат каби қуйилган, шоирнинг бетакрор истеъдод зиёсида жилваланиб ва янги мазмунлар касб этиб, қайта намоён бўлмоқни тиларди.

Кўп йиллардан буён ният ва орзуларда, хаёл кенгликлариди бўй кўрсатган гўзал асарни яратиш учун барча ҳозирликлар кўриб бўлинган эди гўё.

Ҳаёт гулзор кабидир. Бир асалари баҳор чоғи сон-саноксиз чечаклар узра учиб, зарра-зарра гулчанг тўплаб болга айлантирганидай, бир инсон ҳам ҳаёт гул-чечакларидан баҳра олиб, уни неъмату шифо саналмиш билим ва санъатга айлантирур. Кўриқчи асаларилар номақбул гул чангини олиб келган қавмдошини ҳалок қилгани каби, имон кўриқчилари ҳам фикр уйи олдида ўшандоқ тургайлар. Ул муаззам даргоҳга пок, ҳалол ризққина киргайдир.

Мана шу тўлғин аснода, йигитлик чоғидан буён муддао қилинган шоҳ асарга – “Хамса”га қўл уриш ният қилинган эди.

Лекин, бу улуғ ишнинг ибтидосида Алишер Навоий ҳаётига юксаклик муждасини олиб келган яна бир ҳодиса рўй берди. Ўша тун кўзга уйқу келмай, бинафшазорни айланаркан, тунги самодаги сон-саноксиз юлдузлар орасида ҳаракатланаётган бир ёруғ юлдуз кўринди. У само тоқидан қибла сари шитоб билан учиб, қуйруқ пайдо қилди. Кўкдаги бу мўъжизанинг думи супурги мисол ҳурпайиб, юқорига қараб ўрлаган эди!

Бу манзара болалик чоғи Қумда кўрилган манзарани эсга солди. Софдил тағойи Мирсаид Кобулийнинг “Ироқликларнинг айтишига кўра, ким думли юлдузни уч марта кўрса, фирдавсга кирармиш...” деган шодон хитоби яна янграгандай бўлди.

“Хамса” Навоийнинг жонажон она тилида яратилмоғи лозим эди. Туркий сўзлар гулистонида халигача мисли кўрилмаган беш мезанали, садаф мрамарли саждагоҳ бино этилмоғи орзуланарди. Фалакнинг бу ҳодисаси кўл урилмоғи кўзланган улуғ бир меҳнатнинг хайру марҳаматли бўлиб яқунланишидан дарак каби бўлди.

Инсонга ато этилган ёруғ дунёнинг сон-саноксиз неъматлари аро сўз – ўзга оламнинг, мангулик диёрининг вакилидир. Шунча жон эгалари орасидан угина мангуликка учгайдир. Тоғлару уммонлар, сахро-ю кўллар, мулклару салтанатлар – барининг кули кўкка созурилиб кетар экан, фақат угина киймат топгайдир. Фозиллар айтадиларки, инсон боласи шунчалар мукаррамки, ёруғ дунё унинг биргина нафасига арзимайди! У ҳолда, ўша нафас не? Қай сўзни айтиши учун ато этилмиш?

“Унсия”га яшил қабо кийган нозанин баҳор келинчаги оралаган маҳал шу қутлуғ ишга кўл урилди. Бу, худди араб тилида бир сўздан турли калималар потрагани каби, айна дostonлар, айна йўллару манзиллар узра, барчасидан юксакда яна бир қуёш яратмоқдай мушкул, бениҳоя қувватли билим, фасоҳат ва фикр талаб этадиган юмуш эди.

Шу он эътибори ила дунё тамомила ўзгариб кетди. Хаёл юксаклигидан қаралса, наинки Ҳирий, балки бутун ер юзи кичик қасаба каби бўлиб қолди. Навоийнинг тафаккур қуши замонлар оша учди, адам саҳросида мўлжалини йўқотган киши каби, йўл излаб самога назар солди. Оламда Муҳаммад алайҳиссалом тўлин ойдаи балққани он, муқаддас Каъбаю Мадинадан то Машҳадга қадар узун йўллар самосида юлдузлардай сочилиб кетган алломалар даврасига етиб бориб, пойгакда туриб уларга таъзим қилди.

Самовий у мажлисда пайғамбар даврининг шоирлари Кааб ибн Зухайр, Ҳасан ибн Собит, ал-Жадий ва халифа Умайяд замонининг ал-Ахтал, ал-

Фароз, Жарир сиймолари нур сочарди. Рубоийда Умар ибн Абу Робиъа ва Ал-Ахвос, улардан сўнг Жамл ва Бусайна, Лайли ва Мажнун, Қайс ва Лубна юлдузлари тизилган эди.

Бу само тоқининг яна бир гавҳари – Сурайёдай чакнаган Абу Нувос бўлиб, сўнгра ал-Мутанаббий, унинг ёнида эса ал-Маарий юлдузи нур сочарди. Бу кавкабистонда Фирдавсий, Дехлавий, Ганжавий ва Жомий юлдузи ақлу ҳушни олиб порларди.

Булар – инсоният закосининг пайғамбар алайҳиссалом давридан то шу замонгача чакнаган сўнмас юлдузлари эдилар.

Кеча-кундузнинг алмашиши, қуёш чиқиб ботиши, ойнинг ҳилолдан бадрга қадар ўзгаришлари сезилмасди. Маънолар олами унинг руҳини ўзига тўла сингдириб олди. У олам инсонликнинг энг олий чўққилари сари чорларди. Унинг қаршисида Тангри таоло ҳукми ила мамлакатларни забт этишга ва ҳар ерда Тангрининг мутлақ адолатини жорий қилишга азм айлаган Искандари жўмард намоён бўлди. У “Нафсу ҳориса махлуқлари имон қалъасини бузмаслиги учун ҳар кимнинг бир Садди Искандари бўлмоғи шарт” деди ва оламга ундан Искандар девори мерос бўлиб қолди. “Фарҳод ва Ширин” ҳикоятига эса, ёри талабида тоғдан сув чиқармоқ истаган содда сангойи йигит асос бўлди. “Хамса”нинг Баҳрому Дилороми, Фарҳоду Ширини, Лайлию Мажнуни – барчаси у истагани каби, бутун оламга турк тилида хитоб қила бошлади. Шундай бўлдики, қат-қат маъноларни мужассам этди. Худди баҳор каби яшнади. Тангри таоло баҳорни қишнинг табиби қилиб юборади. Кунлар илиб, қушлар сайраб, гул-чечаклар очилади, буларнинг баридан мурод – ёзда етиладиган ва кузда тўплаб олинадиган ҳосилдир. Гўё билим ва ҳикмат баҳори бу зотлар умри узра барқ урди, Навоий тасаввуридаги оламларда улар нозик ҳиссиётлар, теран ўйлар, адолатли тутумлар ва олий фазилатлар ила намоён бўлишди.

Буларнинг бари бир инсон зеҳнида бунёд бўлмоғи ажаб! Буни нечук қилдинг, Парвардигорим? Онгдаги “Манتيкут-тайр” қушлари қанот қоқмоққа шай туришарди. У қушлар турк тилининг латофатию гўзаллигини

кўз-кўзламоққа бел боғлаган, Тангрига элтувчи йўллару унинг васфини бениҳоя азиз ва жонажон она тилда мадҳ этишга шай эдилар.

Ёдга Самарқанддаги қора кунларда, карвонсаройнинг қақшатқич совуғида титраб-титраб ёзилган, Саййид Ҳасан Ардашерга юборилган изтиробли маснавий ҳам келди:

*Мен ул менки, то турк бедодидур,  
Бу тил бирла то назм бунёдидур.*

*Фалак кўрмади мен киби нодире,  
Низомий киби назм аро қодире.*

*Не назме дер эрсам мени дарднок,  
Ки, ҳар ҳарфи бўлгай анинг дурри пок.*

*Етар Тангридин онча қувват манга,  
Ки, бўлмас битирига фурсат манга.*

*Бу майдонда Фирдавсий ул гурд эрур,  
Ки, гар келса Рустам жавобин берур.*

*Рақам қилди фархунда «Шаҳнома»е,  
Ки, синди жавобида ҳар хоме.*

*...Ани дерга бўлса қачон рағбатим,  
Эрур онча ҳақ лутфидин қувватим,*

*Ки, ҳар неча нутқ ўлса коҳилсарой,  
Битигаймен ўттуз йилин ўттуз ой.*

*Агар хосса маъно гар ийҳом эрур,  
Анинг кунда юз байти ҳалвом эрур.*

*Вале айт деб, ким манга тутти юз,  
Ки, мен юз учун демадим икки юз,*

*Не юз, не ики юзки, бу килки тез,  
Аторуд била қилса зоҳир ситез,*

*Анинг сайри бир давр охир бўла,  
Фалакни латойифдин этгай тўла...*

Ҳа, истевдод барча томирларда жўшиб, Навоий гўё фалак осмонини латофатга тўлдирувчи Аторуд каби кўкка сайр этмоққа кўтарилди.

Элнинг турли кентларида, ёзлогу қишлоқларида, улусларида яширинган, намоён бўлишни истаган беҳисоб сўзлари бирин-кетин тизилишиб, арабу форс калималари ила қавму қариндошлар каби, саф-саф, елкама-елка, гоҳ кучоқлашиб, гоҳ ўртишиб, гоҳ тизилишиб байту ғазал шаклида маъноларни ҳосил қилишарди. Гоҳида бир байт онг қатларидан сизилиб-ситилиб чиқади, гоҳида эса шалоладай оқади. Навбат “Лайли ва Мажнун”га келганида у шалола шоён қувватланди, Аторуду Зухал ҳам остда қолиб кетди. Ҳадсиз-худудсиз маъволарда арабнинг икки қабиласи аро икки жон дунёга келди ва Тангри таолога нола қила-қила, куш каби чирқиради. Оламлар Парвардигори инсонларни бир-бирисиз мавжуд бўла олмайдиган қилиб яратганига не дейин? “Мен йўқман, сен борсан!” дер эди бири. “Йўқ-йўқ! Асли мен йўқман, фақат сен борсан!” дер эди бошқаси. Буларнинг бир-бирига интизорликлари, бир-бирисиз мавжуд бўла олмасликлари шундай тарзда қоғозга тўкилди.

Мажнун Тангри таоло ризоси учун ҳажга борди, тилидан шундай сўзлар учди:



*Лайли ишқин танимда жон қил,  
Лайли шавқин рангимда қон қил!*

*Дардини нажотим эт, Илоҳий!  
Ёдини ҳаётим эт, Илоҳий!*

*...Дардимга хаёлини табиб эт,  
Жонимга висолини насиб эт.*

*Жаннат сари чекса сарнавиштим,  
Васли ҳарамини қил беҳиштим.*

*Онсиз мени бир дам этма мавжуд,  
Будумни қил онсиз ўлса нобуд!*

Оламлар Мураббийси унинг фарёдини эшитди, ўтинчларини мустажоб айлади. Мажнун Лайли ила дийдорлашди. Бир-бирларини кўришгач, иккаласининг кўнглига изтироб тушди. Лайли ўз севгилисини унинг ноласидан англаб таниган бўлса, Мажнунга дилбари насими эсиб, фироқ хавфидан қутулди. Бир-бирлари томон югуришиб етишдилар. Ҳайҳот, бундай висолни ким кўрди экан? Бир-бирларини таниган чоғданок руҳлари бадан уйидан жой олди, яъни баданлари зору мажруҳ бўлса, маълумки, ўша баданга руҳ бўлади.

*Икки гавҳар ўрни бўлди бир дурж,  
Икки қуёш авжи бўлди бир бурж.*

*Бир соғар аро тушуб ики мул,  
Бир гунча аро бутуб ики гул.*

*Бир жисмда икки рух ўлуб гум,  
Бир кўз аросида икки мардум.*

*...Бу қанд эди, ул зулол монанд,  
Жазб айлади ул зулолни қанд...*

Яъни, бир дуржга икки гавҳар ўрнашди. Икки куёш кўтарилиб, бир буржда бирлашди. Бир ғунчада икки гул битди. Бир жисмга икки рух жо бўлди. Бир кўздан икки қорачиғ боқди. Бири сув-у бири қанд эди, қанд сувга тушиб эриб кетди...

Бу ғаройиб қиссадаги Мажнун ҳам, Лайли ҳам аввал кўрилмаган маъноларни кўз-кўзлаб турмоқда эди. Бўз йигитлар Тангри иродаси ила қизларга эс-хушини йўқотар даражада ошиқ бўладилар. Камон қошлар, қора кўзлар, ақиқ дудоклар ва яна Аллоҳ махфий тутган турфа жилвалар эс-хушини ўғирлагай. У ҳолда уларга нафақат теграсидагилар, балки бутун олам халал бера бошлагай. Ошиққа наинки дўсту аҳбоб, ёр-биродар, балки Коинот ҳам зарар бергай. Аслида уни маҳлиё қилган – Лайли мавжудиятидаги Тангри санъатидир. Озод икки рухнинг бир-бирига интилноғидай ажаб ҳайрат борми оламда? Жон ўз жононига интилар экан, унга ҳам жумла жаҳон халал бергай. Шу сабаб нола қилгайки:

*Сен бўлсангу мен бўлсам мавжуд,  
Бўлса яна Коинот нобуд...*

Лайли ила Мажнун ўлимини тасвирлашда Навоий у маъни денгизига ғарқ бўлиб кетди. Мажнун ҳам, Лайли ҳам, теваракдаги оломон ҳам унинг ўзи эди гўё:

*Кирди икки жисм бир кафанга,  
Йўқ- йўқ, икки рух бир баданга.*

*Бир наъш ила ул икки дилором,  
Андоқ эдиким, ду дона бодом...*

Кеча қоронғусида шам шуъласига ғарқ бўлган хона гўё беҳад кенгайиб кетгандай, бу ерда турфа воқеалар рўй берарди. Қушлар инсон тилида сўзлар, кўк узра сузган куёш ўз тақдирдан ҳикоя қилар, Кўҳи Қоф ортидан мўралаган яъжуж-маъжужлару уларга қарши бораётган имон лашкари ўз мазмунидан сўзлар, гўё ер остидан оппоқ патли мулойим махлуқ чиқиб келиб, ушбу мамлакат кишиларининг юзларини силар, кимларнингдир юзи қорайиб, яна кимлардир нурга чулғаниб, мангулик диёрларига йўл олишарди. Ижод руҳи – дунёда тенги йўқ, инсон ақлу камолотининг энг олий чўққиси, Тангри таоло яратган ўн саккиз минг оламнинг барча назокатини ўзида жамлаган руҳ у кенгликлар узра гоҳ ғамга ботиб, гоҳ шодон қичқириб учар, мунғайган вужуд аллақачон ёруғ дунё аталмиш буғзу адоватлар, урушлару фитналар оламида қолиб кетган, инсон руҳи эришиши мумкин бўлган музайян оламларнинг бепоён маъволари узра озод парвоз қиларди. Унинг бир истаги ила чаманлар бунёд бўлар, у эса умр чаманзорларининг бошидан охирига қараб он шиддати ила ўтиб кетмоқда эди. Бу қувватли илҳом гўё Нух тўфони каби бўлиб, инсон руҳи унинг тўлқинлари узра еларди. Сўзи Довуд қироати каби янграр, самода учиб бораётган қушлар у қироатдан тўхтаб қолар эдилар.

Мажнун ҳаёт саҳросида ўз Лайлиси иштиёқида кезар экан, олис-олисларда нуридийдасига кўз тика-тика “Болам” дея дунёдан интизор ўтган ота-она изтироби юракни селдай оқизиб юборди. Шу аснода Навоийнинг изтироблари Мажнунга кўчиб ўтди, давру даврон ранжу озорлари ва у нурли сиймолар соғинчи силқиб-силқиб, байтларга айланди.

Ҳатто йигитлик даврида Самарқандда кўрилган ўша кўрқинч туш ҳам дostonга кириб келди. Бу ғам базмида дардга тўлган кўнгил ўз дарду изтиробидан шу тарз фарёд урди:

**“...Кунлардан бир куни унинг қайғуси жуда ошиб, кўзига бир нафас уйқу кирган эди. Кўэлар уйқуга ботиб, роҳатлангач, қизик бир туш кўрди: қараса, икки каптар бир уйда бола очган. Каптар боласининг қанотлари ўсгач, замона уни изтиробга солди. Паришонхотир бўлиб, бу каптар бир муддат хавойи бўлиб қолди. Ота-онасидан тамом ажралиб, саҳродаги жониворларга қўшилди. Ота-онаси, яъни нар ва мода каптарлар уни келтириш учун ҳавога парвоз этдилар; уни топсалар ҳам, бола рози бўлмади, ўз уйига қайтмади. Улар иккови ноумид бўлиб қайтганларида, абадий бир балога учраб қолдилар. Юқоридан икки бургут учиб келиб, бу икки каптарни бир луқма қилди...”**

Ёш Алишер кўрган ўша туш энди Мажнун тушига айланиб абадият сари парвоз қилди:

**“Бу тушни кўрган Мажнун кўзини очиб, қонли ёшлар тўкди. Тушининг таъбирини билмоқчи бўлар экан, бу аҳволни ўз ҳолига ўхшатди. Ота-онаси ўлиб, ҳаётининг қуёши қорайганини билди. Тоғдан сапчиб пастга қараб югурди, селдек кўз ёшлар тўкди. Қабиласининг қабристонига оҳ-зор тортиб йиғлаб борди. Қабрларни кўриб юрганида, икки қабрга кўзи тушди: улар янги ясалган, юзи ғам лойидан сувалган эди. Қабрларнинг устини қулфат чанглари босиб, унинг атрофида меҳнат тиканлари ўсган. Қулфат тиканларидан қизил гуллар, машаққат райҳонлари ва дард гуллари очилган. Қабрнинг лоласида эса ҳасрат, фироқ қонлари ва ғам доғлари кўринар эди. Тошлари шодлик пиёласини ушатиб, чанглари хуррамлик чироғини ўчирган эди. Ғам шамоли икки шамни йиқитиб, ўчирганга ўхшарди. Бу қабрда ётганлар худди шам орасидаги пиликдек ғам билан синишган. Буларни ўчган икки шам дема, ошиқ калимасидаги алифлардир...”**

У ота мазорига бош урди, у тошлар эса унинг бошини янчиб йўқотиб юборди. Шундай жон ачитувчи фиғонлар билан яширин сирларини айта бошлади:

«Эй сахро аҳлининг азизи! Ҳимматининг каманди осмон учигача етган! Сахрогина эмас, Маккадан то Шомгача бўлган бутун дашт аҳли сенинг неъматинг дастурхонидан бахраманд эдилар. Араблар ичида ҳурматли кишилар ҳам фармонингда эдилар, сенинг бутун бахтсизликларинг мендан бўлди. Кўнглинг ҳам менинг ғамимда ношод бўлди, умринг ҳам менинг ишим орқасида барбод бўлди. Роҳат топаман деб мени истаган эдинг, лекин ёруғ чироғинг мен туфайли ўчди. Фарзанд деб кўп пуллар садақа қилдинг, лекин мени кўриб аламдан бошқа нарса топмадинг. Гавҳар билан бошингни зийнатламоқчи бўлдинг, у гавҳар бошингга тош бўлиб тегди. Яраларингга қўймоқчи бўлган малҳаминг, уни куйдиришга сабаб бўлди. Покидек ўткир тиг тиладинг, лекин ундан баданларинг тилим-тилим бўлди. Уйингни равшан қилмоқ учун шам тиладинг, лекин у шамдан бутун хонумонинг куйиб кетди. Яъни, мендек мубтало ва икки юзи қорани истадинг. У юзи қора сенинг ором ва қарорингни йўқотди. Ҳаётинг қора кунларга қолди. Эй воҳ, бу ғамларга қандай чидаш берайин, қай тил билан тавба қилайин?! Чунки, амринг билан йўл тутмадим. Рухингни қандай қилиб рози этайин?! Ногоҳ мендан шундай тўйиб, ғам тоғини устимга қўйдинг-да, суякларимни бир-бир ушатиб, танимни тупроққа қўмдинг. Ҳар қанча бадбахт ва толесиз бўлсам ҳам, карам билан гуноҳимни кечиргин, рухингни узрхоҳим қилгин...”

У ота эҳтиромини қилиб, қошида юм-юм йиғлагач, она қабри бошига ўтди.

Онаизор қабрига келиб тўхтагач, фарёд-фиғонлари оламга сиғмай кетди. Ёқа ўрнига кўксини чок қилиб, юрагига раҳмсиз тиглар урди. Кўз ёшининг селидан ерлар денгизга айланиб, қабрлари балиқлар каби кўринди. Оҳининг шиддатидан кум устида тани қовурилган балиққа айланди. Тани қизиган кумда кўкси чок бўлган буғдой донасига ўхшаб кетди. Дард билан тўлган ҳолда, балки жисми чок бўлган ҳолда, баҳор булутидек ўкириб, сол каби

юзига шапалоқ урди. Юз изтироб билан йиғлаб, онасига шундай марсия ўкиди:

**«Эй жонимнинг қибласи, қибламнинг нури! Қора сочларинг менинг берган азобларимда оқарди. Жонимнинг севинчи, кўзимнинг чироғи, кўнглим хуши, хотирамга роҳат бергувчиси! Каъбам эдинг мен бутхонани тиладим, атрофингда ҳеч зиёрат қилмадим. Ҳар вақт сени изтиробларга солиб, Каъбамни хароб этдим. Каъбам хароб бўлгач, Тангрига нима деб жавоб бераман? Ўзбошимча фалак жисмингдаги садаф ичига инжу деб тош солибди. Туғилган вақтимдаёқ ўлсам бўлмасми эди? Кошки туғилмаганлар билан тенг бўлсам эди... Мен бахтсиз, қора кунларда қолган, тирик қолиб сенинг жонингга бало бўлдим. Сен менга меҳр қўйиб, қўлинг доим билагимда бўлди. Ҳар кун мени дсб қайғу ютдинг, тунларда уйку кўзингга ҳаром бўлди. Кечалари тинмасдан зор-зор йиғлаб, уйқунгни қочирган эдим. Кеча-кундуз менинг азобимда тинчлигингни йўқотиб, ичмоқ-емоқни ҳам унутган эдинг. Бир бурда еган нонинг ҳам менга сут бўлсин учун эди. Умидинг шундай эдию, чарх золи сенга ўчакишиб, азоблар юки билан қаддингни букди, ажинлар тушириб, юзингни тарам-тарам қилиб юборди. Бошинг ёстикқа етиб, бошингга суянчиқ керак бўлганида мен ҳам букилиб қошингда турсам, осмондек бошингдан ўргилсам, кулдек ўғиллигингни, ўғил бўлиб қуллигингни қилсам! Фалакнинг ҳар хил тузоқларига тушганинда, мен билан кўнглинг хурсанд бўлса.**

**Ҳақиқатан шундай ишлар бўлдики, сен кучдан кетдинг, мен бўлсам улғайдим. Хаста жонинг борган сари қариликка юз тутди, мен ўсиб вояга етдим. Лекин мен бахти қора, лаънати, бир нафас ҳам қошингда ҳозир бўлолмадим. Шафқат билан қўлингни ҳам тутмадим, кўзим билан йўлларигни супурмадим. Тортган азобларингга ҳамдардлик кўрсатолмай ва айтганларингни ҳам жон билан бажаролмай, балки хизматингни кам қилишгина эмас, кўп ношукурликлар қилдим. Туну кун сендан жудо бўлиб. хабар олмасдан бевафолик қилдим. Ўзимни**

телбаликка солгандек бўлиб, кўнглингни ололмадим. Ўзим дардинга даво қилолмадим, не ажабки, мендан сенга ҳар нафасда турли-туман балолар етди. Аламларимни тортиб, жондан ажралдинг. Гўё сен менинг бундай бепоён ранжларимни тортиб, ғам ва дард билан жаҳондан чиқдинг. Мен даштма- дашт, беҳуда наъралар тортиб, оёқ яланг мажнун бўлиб юрдим. Рухингнинг жилвагоҳи жаннат боғларидир, макони – жаннатдир. Ўша боғда ҳам мендан шод эмаслигингни билсам, шу зулм мен учун етарлидир. Бечораман, бошқа нима қила олар эдим, дардимга қандай чора ҳам топардим».

У шундай ғарибона куйлар билан аза тутиб йиғлади. Шундай сўзларни айтгач, шикаст топган бошини ерга урди. Яна кучсизланиб, охири ҳушсиз ҳолда йиқилди. Шу даражада ўзидан кетдики, гўё она-онасига етишгандек эди.

Эй дўст, бир нафас бошимга келиб. мен мотамзадага бир боқиб, раҳм эт! Бу кимсасиз фақиринг ҳажр доғлари ичида етиминг ва асиринг бўлиб қолди...”

Бу шундай бир ҳаёт ва ишқ қиссаси бўлдики, сири икки хил қилиб айтилди. Аввалгиси рамзий ишқдир. Кимки дард, эриш, куйишдан юзи шуъла билан ёруғланиб, поклик васфига эга бўлса, шундагина бировга ошиқ бўлади. Унинг ишқи ичида тортган фироқ ва дардлари уни ўзлигидан тамом ажратиб, танҳо қилиб қўяди. Сўнгги ишқни ҳақиқий деб билгинки, давлат унга рафиқдир.

*Ҳар сатр келиб ясоли анда,  
Пархош элидин мисоли анда.*

*Йўқким, бори меҳнату ғам аҳли,  
Ғам дашти ичинда мотам аҳли.*

*Мажнун гамидин бори азолиқ,*

*Лайли ўлуми учун қаролик.*

*Яъни бу сифат фироқнома,  
Бўлди манга қатрарез хома.*

*Сўгин нечаким узоттим охир,  
Йиғлай-йиғлай тугаттим охир...*

...Бир дoston битиб-битмас, унга сиғмай қолган дарду аламлар бошқасига кўчиб ўтар, инсон умрининг ранжу озорлари, севинчу шодликлари каби абадият бойликларининг қийматларидан сўзларди. Бу боғда хазон олтин қийматини олар, олтинлар тошчалик кадрга эга эмас. Ушбу гулистонда жаҳолат тоғини тешиб сув чиқарган, Ширин учун “Баҳрун-нажот”, яъни нажот ҳовузини қурган Фарҳод ҳам Навоийнинг ўзи эди. Яшаб ўтилган умрининг афсуслари ва пушаймонликлари бу ўринда ҳам байту ғазалга сиғмай, тўлиб-тошиб оқарди.

Фарҳоднинг Тангри таоло хизматкор қилиб бўйсундирган жон эгаларига билиб-билмай озор етказганларидан ташқари, тақдирларни ўзгартирувчи ва ҳар бир тутумдан ҳисоб сўралгувчи даҳшатли маҳшар куни томон кетар чоғида яна бошқа кўзғалмас хизматкорлардан – тоғу тошдан, сабзаю оғочдан, ҳатто ўз метинию тешасидан ҳам узр сўраши инсон камолотининг энг ёруғ, энг олижаноб тимсоли бўлиб муҳрланақолди.

Язд чўлида онаизорининг этакларига ўралаша-ўралаша, юзидан пардаси учиб, “Қўзим!” дея йиғлаб чошиб келганларини қалам қисмат қоғозига шундай нақшлади:

**“...Сўнг ажал ўз ўқини Фарҳоднинг жонига урди. У ўз умрининг тугаб бораётганини тушуниб, отасини ёдлади ва бир совуқ оҳ тортиб қўйди.**



Онаси кўз олдига келар экан, кўзидан иккита қонли ирмоқ очилгандай бўлди. Гўё фалак унинг бошига ўткир бир шамширни урдию кўксини икки бўлакка бўлиб ташлади. У деди:

“Менинг тўғримдаги хабарни эшитиб онам изтиробга тушиб, менинг қайғумдан тошларга бош уриб, ғавғоси дунёга ўт солгудай оху вовайлоси ҳар томонга етгудай бўлиб, мен ёввойига хитобан “Қўзим!” деб, ҳеч кими йўқни “Ёлғизим” деб соғинса, ғам ва ташвишлари ошиб, юзига тутган пардаси юзидан учиб кетса, ғам билан парвариш топган ўғлини эслаб, тўққиз қават парданинг ичидан югуриб чиқса, “Жоним ипига бойланганим” деб юзларини тилим-тилим қилса, юла-юла сочларидан айрилса, бундан Чин ўлкасига қора мушк ўрнига хидли кофур сочилгандай бўлса, шунда сен, эй тонг ели, менинг нафасимни тутун қилиб бориб, халойиқ кўзидан уни яшир. Унга менинг номимидан шундай дегин: “Эй, юзинг жонимнинг қуввати, изининг гарди кўзимга тўтиё бўлган она! Тангри менинг вужудимни йўқликдан бор қилган экан, менга бу дард ва ҳасратлар ўзи етарли эди. Сен орқамдан эргашиб юрсин деб ажойиб бир фарзанд кўришни жуда ҳам қаттиқ орзу қилдинг. Мендай бир фарзанднинг ташвиши билан бўлиб, бир нафас ҳам кўнглинг севинмади. Ҳамиша интизорликда ва доғда бўлдинг. Бошқа болалар майсазору боғларда ўйнаб юрса, менга кичик ёшимданоқ дарду доғ насиб бўлди. Озғин танинг менинг доғимни тортгани тортган, сен эса менинг доғимда ўртанишни ўзингга шиор қилиб олган эдинг. Ёқут тилаган эдинг, бир парча тош топдинг. Қуёш сўраган эдинг, бир парча ўтга эга бўлдинг. Мен қанча улғайсам, шунча бечора бўлдим, диёримдан, мулкимдан ажралиб овора бўлдим. Менга бу овораликни фалак ўти берган экан, сенинг ишинг фироқимдан ўртаниш бўлди. Сенга бир умр куйишнинг ўзи етмагандек, ташвишимдан куя-куя хасга айландинг, кул бўлдинг. Менинг сенга келтирган шунча азобларим етмагандай, кўз ёшларим сели билан ўз Каъбамни буздим. Мен кимман?”

**Менга ўлим ҳам ҳайф! Мен халқнинг менга куйиши, куйинишига ҳам арзимаيمان...”**

\* \* \*

Гўё пиллага кирган қурт каби, емоқ-ичмоқни бас қилиб, дунё ишларидан чекиндию ипак яратди. Яъни жондан кечиб, ипак бўлди.

Гўё ерга кирган уруғ каби униб, лола бўлиб очилди: чечак бўлди.

Сўз савоб ҳосил қилмоғи шарт! Бу мукаррам оламда инсон боласигина савоб қилмоққа қодир! Тангри таоло малакларига, ҳатто энг қудратли фаришталарига ҳам у ҳадяни иноят этмагандир.

Ёруғ дунё яратиклари инсон даражотларини ифодалаб турмоқдадир. Эй пок киши, кўрмаяпсанми, ер тубидаги кўзсиз бир қуртнинг холини? Ҳой яхшилар, самоларда учган ваҳший бургут сизга неларни билдирмоқда? Юлдузлар яралишининг ҳикмати не? Сайёралар нечун фалак тоқида сузгайдирлар? Фасллар нечун алмашгайдир? Буларнинг бари ҳаётнинг жон томирида, қоқ марказида турган инсонга қарата “Эй Тангримнинг мукаррам яратиғи, тафаккур қилмайсанми?” дея, “Ақл юритмайсанми?” дея қичқирар, йиғлар, ялинар, ёлворар эди.

Шуларнинг бари: фасллардан само ёритқичларигача, тоғу тошлардан уммонларгача, ердан кўккача ораликда яшашга ҳукм этилган сон-саноксиз жон эгалари бир куни еру кўкларни титратиб янграйдиган олий бир ҳайқирик қаршисида ҳавасланиб, мўлтираб, илинж билан тизилиб туришарди.

У ҳайқирик не?

**“Эй хотиржам-сокин нафс, рози бўлган ва рози бўлинган ҳолда Парвардигоринг ҳузурига қайт!”**

Шундай ҳайқирикки, жон эгасини Тангри таоло қаршисида нолавор йиғлаб-сиқтамоғига, ёруғ олам жавру ситамларидан Тангрисига арз қилмоғига ва “Эй воҳ, бениҳоя азиз шу умримни неларга сарф айлаб юбордим?” дея, афсус-надоматлар гирдобида қонли кўз ёшларини тўкаётгани маҳал янграгувчи бахт-нажот ва олий саодат қичқириғидир.

Ана шу энг олий мукофотга элтувчи йўллар не?

“Унсия” шу тариқа Коинот марказига айланиб кетди. Ҳирийда нақадар улуг ходиса рўй берганини ҳеч ким билмас эди. Ваҳоланки, мангулик яралмоқда, бошқа барча инсон болалари каби, бир маҳаллар она қорнидан йиғлай-йиғлай туғилган бир жон, турк улусининг бир ўғлони гўё Ёфас каби, назм Абут-Турки бўлиб, ўзига билимларни ва хулосаларни сингдира-сингдира, кўрган-кечирганларидану тўплаган жавҳарларидан шу тарз дарак берди. Дафина эди, хазина бўлиб ер бетига чиқди. Йўқ-йўқ, чиқди дема, балки юксак оламлардан замин юзига тушди.

Олам бу нодир хазинанинг қадрини билармикин? Мана-ман деган шоҳлар саройини безайдиган буюк у хазинанинг қийматини англагувчилар бормикин? Унинг қанчалар шоҳона эканини олимгина билгай, шоҳлар эса уни ўз хазинасига қўшиб олиш учун минглаб аскарини фидо қилгай. Ҳа, оламда тенги йўқ хазина юрак тубларидаги илмлар, хулосалар ва имон ёғдусида ярақлаб яратилди. Фалакда қуёш бўлиб нур сочди. Бу, жоҳилият бадавийларининг “Бизлар йўлда келар эканмиз, самода икки ой кўрдик” деганлари каби бўлди. Сен самодаги ойга эмас, унинг бўлиниши сабабчисига қарасанг-чи? Ахир, тоғлар ҳам ерни ёра-ёра келиб, унинг қаршисида шаҳодат келтиришди. Унинг оламида шаҳодат келтирмаган бирон мавжудот қолмади. У оламда жонли-ю жонсиз – бари сўз айтди ва оламлар гултожи бўлмиш инсонга таъзим айлади. Бир иблисгина бундан четда қолди ва унинг чиркин васфу таърифи мазкур хазинадан ўрин олмади, чунки у ноумидлардан эди. Одам Ато яратилганидан буён бутун тарих бўйича жамланган мукаммал илмларни ўзида жам айлади. Гавҳар қийматини билмоқ учун заргарликдан хабаринг бўлмоғи даркор, йўқса, сен учун тош нима-ю дур нима?

Бунча ишлар Хуросоннинг Ҳирийсидаги бир инсон боласи қалбида яралди. Эгаллаган билимлари истеъдоди боис шундай нур сочди. Теварак атрофдаги минглаб кишилар у илмларга эга бўлишсаиди, балки юзлаб хазиналар яралмиш бўлгай эди. Афсуски, у иш рўй бермади.

## **“ХАМСА” ҚУВОНЧИ**

890-йилнинг<sup>1</sup> баҳори келди.

Ҳирий яшилга бурканди.

Кўхсордан сарсари еллар эсиб, боғларнинг бултурги хазонларини супурди. Ўт-ўланлар узра мажлис қурди. Само мовийси янада тозариб-тўклашди. Ҳомила булутлар баҳорий ёмғирларини аямай тўқди.

Ҳирий олиму фузалоси орасида шов-шувлар авжда эди.

– Ҳазрат Навоий “Хамса” яратибдилар! Низомий Ганжавий ва Хусрав Деҳлавийга жавоб тариқасида битибдилар, аммо шундай жавоб бўлибдики, савол бергувчи ожиз қолмиш!

– Тангри таолога ҳамду санолар бўлсин!

Жума намозларида воизлар хитоб қилар эдилар:

– Ҳой халқ, кўлингни очиб дуо қил! Тангрига ҳамду санолар айт!

– Нима гап?

– Ҳазрат Навоий туркчада “Хамса” битибдилар!

– Туркчада битса не?

– Султонлар қилолмайдиган ишни қилибдилар, туркчанинг шон-шуҳратини оламга ёйибдилар. Онча айтибдурларким, Ганжавий-у Деҳлавий “Хамса”сидин ортиқ бўлса ортиқ, асло кам эмасдир!

– Шоирликда “Хамса” энг улуғ даражот саналур. Деҳлавий ўттиз йилда ёзган “Хамса”ни Навоий икки йилда тамомлабдилар. Ўз қўллари билан ёзган нухани султон Ҳусайнга тортиқ қилибдилар.

– Султон не дебди?

– Алишербекка “Бундан буён сиз пир, мен эса муридингизман” дебди. “Бир можаро сиз билан бизнинг орамиздан кўпдан бери ҳал бўлмай келади, шуни бугун бир ёқлик қилайлик”, дебди. Алишер Навоийдан “Пир ким-у, мурид ким?” деб сўрабди. Навоий донолик билан “Пирнинг тилаги – муриднинг тилаги бўлиши керак”, деб жавоб берибди. Шунда Султон Ҳусайн ўзининг Ақзаб лақабли оқ отини олиб келишларини буюриб, айтибди:

---

<sup>1</sup> Милодий 1485 йил.

– Сиз пир, мен мурид бўладиган бўлсам, сиз шу отга минасиз, мен уни етаклайман.

“Пирнинг тилаги муриднинг тилаги бўлиши керак” деган сўзга жавобан айтилган, “У ҳолда, муриднинг тилаги ҳам пир тилаги бўлмоғи лозим” деган мазмунни билдирган ушбу хитобдан сўнг, Навоий ноилож отга минишга мажбур бўлибди. От ғоят асов бўлиб, шохдан бошқани ўзига яқинлаштирмас экан. Навоий оёғини узангига қўйиши билан от типирчилай бошлабди, Султон Ҳусайн отига ўшқирибди, от итоат қилиб, Навоийнинг минишини кутибди. Навоий эгарга ўтириши билан Султон Ҳусайн отининг жиловидан ушлаб етаклай бошлабди. Навоий ҳушидан кетибди. Уни эгардан кўтариб олишибди. Тарихда бундай ҳол сира кўрилган эмас. Ҳеч бир замонда шох шоирга жиловдорлик қилмас эди. Каримут-тарафайн ғозий Султон Ҳусайн шундай қилибдилар.

– Вожаб! Султон Ҳусайн Алишербек ҳазратларидан ёшда ҳам, насабда ҳам улуғ эмасми?

– Ана бу авомнинг сўзи бўлдиким, кесак каби ё тош каби. Тавба.

– Уламо у зотни “Низомиддин” деб ҳурматлабди. Нега денг? Диннинг низомини маҳкам тутганлари учун!

Карвончи кула-кула айтиб берди:

– У кишининг шуҳрати султон шуҳратидан кам эмас. Мовароуннаҳрдан Хуросонгача довруқ тутубдурлар ва бу иш қилич эмас, қалам туфайли юзага чиқмиш. Бир куни ул ҳазратнинг тишлари оғриб, мовий бир матони олиб қиялатиб боғлабдурлар. Муни кўрган Ҳирий хотинлари “Ҳазрат бежиз мундоқ қилмаслар” дея барчаси юзларини ўшандоқ мато ила боғлабдилар. Уни “Нози Алишерий” деб номлашибди.

– Лекин мен султон Ҳусайнга қойил бўлмадим. Нечук султон бир шоир отининг жиловини тутибди?

– Англамайсизми? Туркчада дедик! Султон Ҳусайн Алишербекнинг ёшлиқдан дўсти эди, аммо ҳеч бир вақт мундай қилмамиш эди. Туркийда “Хамса” битганларидан сўнг ўз отига миндуриб, жиловини тутмоқ недир?

– Туркча нуфузини оламга кўз-кўз қилғони учун! Сиз соҳибжамол маъносини англадингизми?

– Англамасмидим?

– Оламда араб соҳибжамоли фусунда устун эди. Сўнг форсий гўзали чиқди, осмонда қуёш иккита бўлди. Алишер Навоий эса турк соҳибжамолининг гўзаллигини мадҳ этдилар.

– Хотинлар гўзаллигини-я?

– Ҳай, ақлингга балли! Турк тилининг гўзаллигини айтмоқдамиз, биродар!

– Мен султон бўлсам ҳам, хизматингиз олдида менинг қийматим андоқким, фақат жиловдорликка ярайдурман демоқчи бўлибдилар.

– Ана, англаганнинг садағаси кетай!

– Тангрига минг шукр, ундай зот турк элида дунёга келди. Агар Фаранг ё Румда таваллуд топса эди, у ҳолда бизлар уларга ҳавас ва пушаймонлик билан боққай эдик. Энди кўксимизни кера-кера юргаймиз. Яна андоқким, эъжоз мақоми ила битмишлар. Ҳар дostonнинг икки, балки уч маъноси бормиш!

Бу ажойиб янгилик то Рум элигача бўлган барча мамлакатларга яшин тезлигида етиб борди. Тангри таолонинг турк миллатига ато этган ноёб ҳадяси – Алишер Навоий битган “Хамса”ни ҳар ким тезроқ ўқигиси келиб сабрсизланарди.

“Хамса” бу пайтга келиб бирлашиб кетган оққуюнлилару қорақуюнлилар салтанати учун ҳам мисли кўрилмаган байрам бўлди, бу салтанат Алишер Навоийни азалдан ўз шоири деб ҳисобларди. Хушхабар қаноти Шомдан ўтиб Румгача етиб борди, Рум олимлари ҳам бу гўзал ижодни байрам қилдилар. Жанубда у ўз қанотларини Ҳинд диёри узра қоқиб, олтин ва жавоҳирларини сочиб юборди.

Олам шоҳлари кўлида икки хазина бор эди, улардан ҳам гўзалроқ, батафсилроқ ва маҳоратда устунроқ бўлиб учинчи хазина яратилдики, аввалгиларининг барча қийматини ўзида мужассам этиб, янги-янги дур-

жавохирлар қўшилди. Шоҳлар у асарнинг Хуросонда яратилганига ҳавасланишар ва “Кошки Амир Алишер бизнинг мамлакатимизда дунёга келиб, бизнинг тилда сўз айтсайди” деб қизғанишар эди.

Бу хабар Дашти Қипчоқ ҳукмдори Муҳаммад Шайбонийхон қулоғига ҳам етиб борди. Чўлу даштларнинг ушбу бўриси “Хамса”нинг бир нусхасини олгач, хурсанд бўлиб кулди ва қўй-туя сўйиб, элга тарқатишни буюрди. Тоғу тош, далаю даштга ёйилиб кетган бошқа кўчманчи беклар ҳам бу хабарни шодланиб қаршилашди, улар наздида ҳам Алишер Навоий беҳад улуг қаҳрамон, етиб бўлмас қуёшдай эди.

У Хамса бир уммон каби яралди, дер эдилар. Уммонни кўрганмисиз? Ғоятда теран, долғаланувчи бепоён сувлари бағрида наҳанглирию илонлари ҳам бордир. Чуқур шўнғувчи ғаввосларгина ундан ер юзида тенги йўқ жавохирларни олиб чиқа оладилар. Саёз ерларнинг ғаввослари олиб чиққан чиғаноқлари эса гоҳида бўш чиққани учун ўзларини айбласинлар!

У шундай уммонки, уч елканли кема ила сузгайсиз. Бир ёки икки елканли кемалар суза олмай бағри тешилиб, чўкиб кетгусидир. У уммонда сузсангиз, Арабистон саҳролари олдидан чиққайсиз ва Лайли ва Мажнун мамлакатига дуч келгайсиз. Яна сузаберсангиз, фалакиёт сари йўл олгайсиз, олам ажойиботларидан баҳраманд бўла-бўла, етти сайёра қошида Шоҳ Баҳром ила қаршилашгайсиз, у билан суҳбат қургайсиз. Яна сузаберсангиз, Искандар деворига дуч келгайсиз, у мустаҳкам девор ортидаги жаннатмонанд маъволарга назар ташлагайсиз. Дашту саҳродан ўтиб келган Фарҳоддан ва тоғу тошлар орасидаги Арманистон диёрининг маликаси Шириндан хабар олгайсиз...

Шундай дейишарди кишилар шодланиб. Содда, ўқиш-ёзишни билмайдиган кишиларнинг севинчи ҳайратланарли эди. Асар маъноларига уларнинг етиб бориши ғоятда мушкул, бироқ, Навоийнинг “Хамса” яратганининг ўзиёқ уларни тўлқинлантирар, Тангри таолога шукр ила ҳамду сано айтишга ундарди.

\* \* \*

“Халосия” мадрасаси толиблари навбатдаги дарсга йиғилиб, мударрисни кутишарди. Мавлоно Қутбиддин Тоёбодий Алишер Навоийнинг яқин кишиларидан бўлиб, бу хурматли ва илмли киши ҳазрат илтимосига кўра Ироқдан Ҳирийга таклиф қилинган эди.

“Хамса” ҳақидаги гап-сўзлар “Халосия”да ҳам давом этарди. Шошганидан терлаб-пишиб кириб келган мавлоно Тоёбодий:

– Ҳой яхшилар, қувончимни сиз билан баҳам кўргим келди, – деди севинчидан юз-кўзи кулиб. – Кеча Мир ҳазратлари хузурда эдим. Йиғилганларга “Хамса”ни келтирдилар, мажлис сўнгида мен ёлвора-ёлвора, у кишидан бир парчани кўчириб олишга рухсат сўрадим. Рухсат берганларидан сўнг, мавлоно Имомиддин иккимиз то тонггача қолиб, ажойиб бир қисмини кўчириб олдик.

Толиблар орасида ғала-ғовур кўтарилди. Барча ўша мақталган асардан баҳра олишни истарди.

Мавлоно Тоёбодийнинг бу ишини бошқа мударрислар ҳам эшитишган экан, улар ҳам бирин-кетин кириб тўшакларга ўтиришгач, Тоёбодий кўлидаги бир неча варақни лавҳ устига кўйиб, баралла ўқиди:

**“Менга подшоҳ қўли етакчи бўлиб, бу панжа билан мени зўр имтиҳон қилди. Уни панжа эмас, қаттиқ тош деб, тош ҳам эмас, яхлит пўлат дегин. Панжа кучини синаш учун панжа солдим, у панжага тенг келолмай азобу ранж чекдим. У – донолар, «Панж ганж» деб ном қўйган «Хамса»и ганжсанж эди. У ноёб дурлар хазинаси, офтоб панжаси бўлган «Хамса» эди, кимки унга зўрлигини кўрсатган бўлса, кучи етмай, қўли шикаст топди.**

**Менинг қўлим ҳам беҳад заиф бўлиб, у панжага тенг келолмасди. Қўлимдаги қувват ҳам, панжамдаги куч ҳам панжалар беллашувига имкон бермасди. Бошлаган бу ишдан воз кечишга ҳимматим йўл бермас, кучаниб ишлай десам, қувватим етмасди. Панжамга ҳасрат билан боқиб, бу панжамни у панжамга уриб, ақлу ҳушимни йўқотиб хаёл сурар**



эканман, суруш – бахтиёр фариштанинг тўсатдан нидоси қулоғимга чалинди:

«Эй ожизлик ва ёлбориш денгизига ғарқ бўлган, дардига бир чора қилувчи топилмаган инсон! Ўрнингдан тургин-да, пир даргоҳига етиб боргин, юзингни унинг огоҳ жонига қарат ва унинг кўнглидан дўстлик, буюк ҳимматидан мададкорлик тилагин. Чунки очилиши қийин бўлган ҳар бир кулфга буюк донишмандлар дуоси калит бўла олади».

– Подшоҳ деб султон Ҳусайнни назарда тутганлари аён. Пир деб мавлоно Абдурахмон Жомийни айтмоқдалар! – ишораларни дарҳол илғаб олишди толиблар.

– “Бу сўзни эшитгач, пир остонаси томон йўл олдим. У жаннатий маконга етиб бориб, сажда қилганимда, остонаси тупроғидан кўзим ҳам, кўнглим ҳам ёришди. Эшикка қўлимни уришга журъат қилолмай турар эканман, у ўзидан-ўзи очилиб, «Ниёз аҳли кирсин!» деган овозни эшитдим-да, таъзим билан ичкари кирдим. Пирга дардимни қай тарзда баён қилишни била олмай, гунгу лол бўлиб турар эканман, кўнглимдаги дардларимни пирнинг ўзи сўзлай бошлади, мен унинг айтганларини тасдиқ қилгач, у аввало ишимнинг битиши учун дуога қўл очди-да, сўнг барча ҳожатимни раво қилди.

*Дедиким: «Бу бир иш эди қилгулуқ,  
Бу айтилмагон нукта айтилгулуқ.*

*Бу соатга мавқуф эрди экин,  
Бу дам Тенгри тавфиқ берди экин.*

*Агарчи етишти малолат санга,  
Вале охир ўлди ҳаволат санга.*

*Ким ул ганжлар бошига етгасен,*

*Тилисмотини доғи фатҳ этгасен.*

Оламга назар солиб кўрдикки, турклар орасида бу каби улуғ ишга қўл уриш учун зарур бўлган кишини топиш қийин. Турклар ҳам, ажамликлар ҳам бундай ишга хайрат билан қарайдилар. Олам аҳли ўн кун тинмай меҳнат қилганларида ҳам беш байтли бир ғазални ёзиб тугатолмайдилар. Маснавийгўйлар эса ўн йилда минг байт шеър битишнинг уддасидан чиқолмайдилар.

Бу ўрмонда иккита шер бўлиб, бу денгизда иккитагина шижоатли, жасур наҳанг бордир. Ўрмонга кириш учун шерлар жанг қилиши, денгизда эса қўрқмас наҳанглар олишуви керак. Бу кунларда тез ва нозик фикрловчи фақат сенсан. Мусаллам сўзинг равон, сўз ичра гўё бир паҳлавонсан. Равон қаламингга шунчалик ишонч борки, сўз айтганда шунчалик оби ҳаёт яратадики, унинг Хизрваш сувидан бутун коинот тўяди. Бу ишни бажариш сенга насиб этган экан, сен унинг уддасидан чиқа олишингга умид қиламиз. Тур энди, ишинг ҳақида ўйлагину хаёл аҳли зеби жамоли ҳақида фикр сур. Сен бу ишингда хушёрликни унутмаслигинг керак, биз эса дуо билан сенга мададкорлик қилғумиздир».

Мен нотавон бу сўзларни эшитгач, ўлик жисмимга жон киргандек бўлди. Ер ўптим-да, уйим томон йўлга тушдим. Кўнглимда ўйлаган дostonларни яратишга жазм қилдим. Хонамга келгач, қаламим учини сошлаб, сўз хазиналарини бирин-кетин тера бошладим. «Хайрат»га кўнглим қизиқиб, унга эл-улус хайратини уйғотдим. «Фарҳод» ҳақида ўй суриб, тешавор уста бўлиб, тоғ текисладим, «Мажнун» афсонасини қаламга олиб, барча халқни жунун шайдосига айлантирдим, «Сабъа»га таъбим яқин бўлиб, етти чархдан офарин эшитдим, тилимга Искандар номини олиб, дoston отини «Садди Искандарий» деб атадим.

Бу маҳвашлар жамолларини сарв ниҳоли каби безатгач, латофатда юз аъло жаннат, ҳар бирининг ичида минг гўзал хур ўз аксини топди. Бу

**беш хазинани очгач, уларни қоғозга туширдим, кейин ёзганларимни жузвдонимга солиб, химмат билан менга мадаккорлик қилган улуғ пирим олдига олиб бориб кўрсатишни кўнглим орзу қилди. Ҳузурига бориб таъзим бажо келтириш ва ишим тугагани ҳақида ул зотга хабар етказиш тўғрисида хаёл суриб борар эканман, «Хамса» яратган қалам соҳибларининг меҳнатларини эслардим.**

**Бу асарни ёзишга бел боғлаган улуғлар уни тугаллаш учун узоқ умрларини сарф этдилар. Назм аҳлининг устоди бўлган Низомий ўз хазиначиларини, хазина эмас, ихтироларини элдан узоқроқда яшаб, ярим умрини заҳмат чекиб, қон ютиб яратди. Беш хазина калидини қўлга киритгач ҳам бу асарларни таҳрир қилиш учун яна анча вақт сарфлади. Кўп умрини бағишлаб, бу ажойиб ёқимли китобини тугаллади. Неча подшоҳларнинг ғамхўрлиги билан бу давр ичида у халқ хизмати билан шуғулланмай, фақат шу асарни ёзишдан бошқа нарсани хаёлига келтирмай, фақат орада қирқта арбаин битиб, шу беш хазинанинг соҳиби бўлди.**

**Ҳиндча таҳаллус олган, асли ўзи турк бўлган Хусрав Дехлавий ҳам Ажамдан Арабгача бўлган мамлакатларни сўз билан қўлга киритди. Бу мустаҳкам қўрғонлар эшигини очгунча, анча афсоналарни қисқароқ баён қилган бўлса ҳам, кўпгина вақтини фақат шу дostonларни ёзиш билан ўтказди. Уларга ўз ҳаётининг ўн беш, камида ўн йилини бахшида этди.**

**Яна кимлар шу соҳада қалам юритган бўлсалар, улар сарфлаган вақтни юқорида айтилганларга қиёс қилиб билиб олса бўлади...”**

Мавлоно Тоёбодий шу ерга келганида ўқишдан тўхтади-да, бошини чайқаб:

– Ҳақиқатан ҳам, Амир ҳазратлари элга хизмат қилишдан бўшамас эдилар. Тонгдан оқшомгача халқ дардини тинглаш, кишиларга ёрдам бериш билан банд бўлардилар, баъзида одамлардан малол келувчи сўзлар эшитардилар. Халқ ғавғосидан тинмас, қулоғи халойиқ шовқин-суронидан

тинчимасди. Шундай қийинчиликларга карамай, икки йилдан кўпроқ вақтда “Хамса”ни ниҳоясига етказдилар. Эътибор қилинг, уста бир ҳисобчи ғайрат қилиб, беш дostonни ёзиш учун кетган муддатни ҳисобласа, жами олти ой ҳам бўлмайди. Энди қолганини тингланг, инсонликнинг юксак ўрнақларига шохид бўлинг! – деб, давом этди:

**“Бу китобни аввал айтган улуғларнинг юзларига ажал аллақачон ўз ниқобини ёпган. Улардан ҳар бирининг руҳи жаннат боғида шод бўляпти, деб умид қиламан. Доно пирим булардан ҳам хабар топиб, мени ҳам бохабар қилармикан? Шундай хаёллар билан пирим манзилига етиб бордим, остонасини ўпиб, жузвдонимдан «Хамса»ни чиқардим-да, ёзганларимни кўрсатиб, барчасини унинг оёғига нисор қилдим! Кемам дарёда борар экан, пирим қўлини улардан бирига узатдию ҳар бир варағини очиб, назар ташлар экан, юзига табассум ёйиларди.**

**Бирон сўз ҳақида савол берса, жавобини берганимдан сўнг завқланар, гоҳ таҳсину гоҳ дуо қилар экан, ҳар бир сўзидан шодликка тўлиб, муродим ҳосил бўларди. Ёзганларим ҳақида фикрини айтар экан, мен икки кўзимни ерга тикиб турардим. Сўзимни эшитар экан, юзи бўстондек очилиб, меҳрибонларча енгини эгнимга ташлади, қўлини елкамга қўйди.**

**Шунда ўзимдан кетгандек бўлдим, қизиқ бир ҳолат юз берди: тўсатдан ўзимни ажойиб бир бўстон ичида кўрдим, боғу гулистон аро айланиб юрган эмишман. Боғи Эрамда сайр қилган ҳар бир одам ҳам ушбу жаннатмонанд боққа орзуманд эмиш. Эл Байтул-ҳарамни тавоф қилган каби, мен ҳам чамандан чаманга ўтиб шодланар эмишман. Боғ ичида кўпгина кишилар ҳалқа қуриб, ширин суҳбат қилишар экан. Улардан бири чаманда мен кезиб юрган жойга қараб юриб олдимга келди. Шоирона қиёфали дилкаш ва соҳибжамол бу киши салом бериб, мен билан сўрашгач, «Бу бахтиёр ва қувноқ одамлар сенинг ҳам суҳбатимизга қўшилишингни истамокдалар», деди. Унинг таклифини**

қабул қилиб, ўша томон юрдим. Йўлда борарканмиз, ҳамроҳимга ўзимни таништириб, суҳбатдошларнинг кимлар эканлигини сўрадим. У дедики:

«Улар маснавий назм қилган шоирлар гуруҳидир. Хусусан, улардан бир нечталари «Хамса» яратган, «Хамса»даги конлар хазинасини очган донолардир. Уларнинг барчалари шу ерда, сенга муштоқ бўлиб турибдилар. Сен менинг кимлигимни сўрадинг. Каминанинг оти Ҳасан бўлиб, халқ Дехлавий деб атайди».

Бу сўзни эшитгач, жисмимга иситма тушди, кўнглимни ҳам изтироб эгаллади. Узр сўраб, ҳамроҳим билан қучоқлашиб кўришдим. Йўлда борар эканмиз, Ҳасан тўдадаги шоирлар номини бирма-бир айтиб, ҳар бирларини алоҳида-алоҳида талқин ҳам қилиб берди. Уч киши мажлис раислари экан, ҳамроҳим уларнинг ишларини ҳам шарҳлаб берди. Дедики: «Ўртадаги ёқимли чехрали нуроний пир ҳазрати Шайх бўладилар, огоҳ бўл, ҳурматини эъзозлаб, оёғига бошингни қўй. Ўнг томонидаги донишманд унга пайравлик қилиб «Хамса» ёзган Амир Хусравдирлар. Яна бир ёнларидаги эса сенинг пирингдирлар. Уларнинг икки ёнларидагилар қавмларидир. Барчалари билан ҳурмат сақлаб кўришгил, сўзлаганингда ҳам одоб сақлашни унутмагил!»

Ҳамроҳимнинг барча айтганларини қабул қилдим. Мажлис кетаётган жойга юз қаричча масофа қолганда, базм аҳли ўринларидан турдилар ва мени кутиб олиш учун кела бошладилар. Мен ҳам қадамимни тезлаштириб уларга рўпара бўлдим. Ҳамроҳим бирма-бир ул тўдадагиларнинг отларини айтиб, кўришаётганимда ҳам ёнимда турди. Саъдий, Фирдавсий, Унсурий, Саной, Хоқоний, Анварий... Барча кўришганларим номларини батафсил тилга олсам, сўз узайиб кетади.

Ҳаммаларининг қўлларидан ўпиб эъзозлагач, улар мени ёнларига олиб, келган тарафларига қараб юрдилар. Супада Шайх ва унинг пайрави, яъни Низомий билан Хусрав, шунингдек, бизнинг пири маҳдумимиз ўтиришарди. Биз яқинлашганимизда, улар ҳам ўринларидан туриб биз томон қадам ташладилар. Хусрав ва пирим

Шайхдан бурунроқ юриб келишарди. Мен ҳам улар томон югурдим. Пир ўз ихтиёри билан қўлимни тутиб, ҳамроҳи билан кўриштирди. Мен қўзларимдан ёш тўкиб қўлларини ўпдим. Жомий билан Хусрав икки қўлимдан ушлаб, Низомий сари бошладилар. Мен, ғам асири, қўлимга олам тушганидан қўз ёш тўкардим. Икки қўлимга икки жаҳон кирган эди. Муборак Шайх билан кўришиб, оёқларига бошимни қўйдим, тупроғини ўпиб қўзёш селини тўкдим, буни кўриб турган тўққиз фалак менга рашк қиларди. Шайх меҳрибонлик билан бошимни ердан кўтариб, қайтиб бориб ўз жойига ўтирди. Мени эса кутилмаган бахт беҳуд қилиб қўйган эди. Шайх иккала дўсти билан ўринлашди, мен эса хижолатлик билан қаддимни букиб турардим. Барча гуруҳ аҳли ўз ўринларини эгаллашгач, менга ҳам ўтиришга ишора бўлди.

Шайх мулойимлик билан сўз бошлаб, аввал аҳволимни шафқат билан сўради, мен жавоб берарканман, ҳурматини қилиб ер ўпдим. Кейин яна деди: «Эй олам аҳлининг яғонаси, фалак сени эл ичра нодир айлаб, жаҳон назми соҳасида қодир қилди. Ғазал йўлида шундай юришлар қилдингки, шеър аҳлига сўз айтиш ҳаром бўлди. Назминг жаҳондаги мамлакатларни, жаҳон эмас, жон мамлакатларини тутиб кетган эди, маснавийга шитоб қилиб, қаламингдан соф дурлар тўка бошладинг. Шунда ажойиб иш юз бериб, назминг эл назмига шикаст бера бошлади. Сўзда менга татаббуъ қиларкансан, неча бор илтижолар айладинг. Чунки мен «Хамса»да: «Ҳар кимки, мен билан беллашишга умид қилса, сўзим ўроғидан кескир тиғ ясаб, у тиғ олмоси билан бошига урай!» деб огоҳлантирган эдим. Кўп одамлар бу сўзларимга даъво қилмоқ учун курашишди. Шу даъво йўлида бошларини фидо қилмоқчи ҳам бўлишди. Фарзандим Хусрав Аллоҳга илтижо қилгач, у ганжлар сирини топа олди. Яна бир, икки, уч одам қийналиб меҳнат қилиб, ўз насибаларига эришдилар.

Сен бу йўлга қадам қўйгач, ўзингни унутиб, бор хаёлингни шу ишга бердинг. Баланд мартабанг тоғча бўлса-да, мақсадинг олдида туфроғча

хам бўлмади. Фарзона Жомий каби пир танлаб, Низомий сингари мадакор топиб, поклик билан бу ишга қўл урган чоғингда поклар руҳи олдингда йўл очиб берди.

Саҳар вақтларида руҳимни дуо билан ёд этмай туриб, ёзувингни бошламасдинг, фақат мени эмас, балки барча назм аҳлини пок дуо билан тилингга олиб, хурматинг бизларга беҳисоб бўлиб, биз ҳам сенга ададсиз мадад қилиб турдик. Бўлмаса, икки йилда бир «Хамса» тугатмоқ хом хаёлдан бошқа нарса эмас эди.

«Хамса»ндаги бешта хазинага тўлдирилган гавҳарларни адо қилиб бўлмайди. Улардаги дуру лаъллар барча кўздан яширин бўлиб, дуридаги ипларни ҳам, лаълларидаги тешикларини ҳам кўрмоқ иложсиз. Ҳақ таборак сенга бу дурларни берган экан, умид шулки, улар муборак бўлғай.

Ҳар бир киши сен каби киришса, эвазига шундай натижага эришиши мумкин. Лекин шунча маънолар хазинасини Ҳақ яширинча сенга берган экан, қаерда шундай ҳолатга дуч келсанг, билгилки, унинг сабаби икки ишдир: бири шуки, сен ҳам илтижо қилишга эътибор бердинг, сирлар аҳли сени қабул айладилар ва рағбатлантириб туришга ҳаракат қилдилар, барчалари ҳиммат билан сенга мадад кўрсатдилар. Яна бири шуки, илму ҳунар аҳли ҳар нима қилса, лоф уради-ю, ишни мураббий қилади. Ҳунарпарвар иш буюрувчи бўлса, ҳунарманд лоф ургувчидир. Сенинг шоҳинг соҳибкамол бўлиб, олдида мулку мол қадрсиз эди. Унга мен айтган икки иш насиб этган эди. Унинг ажойиб замонида ажойиб ишларнинг юз бериши ажабланарли эмас. Халққа чорасоз, меҳрибон шоҳ халойиқ фозили Шоҳ Ғозийдур. Тангри унинг давлатини барқарор, мартабасини етти осмондан ҳам юқори, буюк қилсин. Зеро, унинг замонида сендек киши дунёга келди. Сенинг ишинг эса одамзод қила оладиган иш эмасдир».

Сўз шу ерга етганда, мен беихтиёр ўрнимдан турдим-да, «Шоҳга ҳамду сано айтдингиз, энди давлатига ҳам дуо қилсангиз», деб илтимос қилдим.

Сирлар доноси Мир Хусравга қараб: «Сен Шоҳ Ғозийга мадҳ айтувчисан. Сўзингдан баъзи байтлар ёдидадир, асарларинг муборак хислатидадир. Сўзларингдан кўнгли таъсирланиб, нафасингдан дуо ҳам унга асар қилади. Дуо қилгинким, олимлару донишмандлар «омин» десунлар, биз ҳам «омин» дейлик», деди. Даврадаги шеър аҳлига мурожаат қилиб, яна шундай деди: «Сизлар шоирсизлар, у эса хуштабъ шоҳдир. Фарзанд Хусрав дуо айласа, унинг тилакларини Ҳақ раво қилади. Барчангиз дилу жон билан «омин» денгиз. Кўздан оққан ёшларимиз билан дуо қилайлик».

Бу сўзларни эшитганлар маъқуллагач, ҳамма ҳиммат билан шоҳга қилинган дуога «омин» дедилар. Сўз устаси Хусрав ўрнидан туриб, дуосини шундай бошлади: «Ё Раб, то олам бор экан, одам зоти ҳам бўлади. Тахти ҳукмига олам кириб, жинси одамнинг барчаси бандаси бўлсин. Қиёматгача давлати барқарор бўлиб, кунлари ҳамиша шоду хурсандлик билан ўтсин. Адолатидан жаҳон аҳли, хусусан, фазлу камол аҳли тинч-омон яшасин». Шундай дуо тугаллангач, барча илм аҳли қўлларини юзларига суртдилар. Аҳли савоб қилган дуони, ажаб йўқки, Ҳақ мустажоб қилгайдир.

Дуо тугагач, қўйнимдан «Хамса»ни чиқариб, қора тупроққа ўзимни ташлаб, йиғлаб, шундай илтижо қилдим:

*Бу зодаи хотири хастани,*

*Кўнгулдин такаллумга пайвастанни.*

*Ки ҳиммат тутуб эҳтимом эттингиз,*

*Демасменки, мен, сиз тамом эттингиз.*



*Карам бирла туфроғдин ҳам олинг,  
Иноят қилиб бир назар ҳам солинг.*

*Ки эл хотирига нузул айласин,  
Улус кўнгли они қабул айласин.*

Бу сўзларимни эшитган Шайх туфроғ устида ётган асаримни кўлига олди-да, Мавлавий томонга боқиб: «Сен астойдил дуо қилгин. Сўнгги фарзандимиз, билим мазраъидан ҳосилимиз сўзга мохирдир. Булар унинг зод пайвандлари, бариси фарзандларимизнинг фарзандларидир. Сенга ҳам шогирддир, ҳам мурид. Сенинг дуо қилишингга умидвормиз».

Маҳдум дуосини бошлагач, барча яна оминга кўл очдилар. Дуоси кўнглимга ёқимли, қалбимга қувончли эди. Давра аҳли “омин” дейишиб, мен маҳзунни шод айладилар. Менга бундай олқиш насиб бўлгач, бу мўътабар зотларга сажда қилдим. Улар: «Шоҳингга дуо дегайсен», деб жавоб қилдилар. Бу сўздан аҳволим ўзгариб, ўзимга келдим.

Қарасам, мен борган хужрада пирим аҳволимга ҳайрон бўлиб турарди. Гўё бу лаҳзада у эгнимдан кўлини олган ва хаёлимни шу ерга йўллаган эди. Олдида бош эгиб, кўзларимдан ёш оқизиб турардим. Пир меҳрибонлик билан: «Не аҳвол юз берди?» деб сўради. Бошимни қуйи солганча: «Менда шундай бир ҳол юз бердики, уни шарҳлаш учун тилим лолдир», деб жавоб қилдим. У дедик: «Бу дам ҳеч кимга берилмаган саодат сенга насиб бўлди. Ўрнингдан тургин-да, Тангрининг эҳсонига, беҳисоб яхшиликларига шукр қил!» деди. Мен ерни ўптим-да, ташқарига қадам қўйдим. Худди бутун олам тамоман меники эди. Мен учун «Хамса»ни тугаллаш бир томон бўлса, бу мақсад ҳосили яна бир томон эди. Охирида бу мақсудимга етказган Тангримга шукримни қайси йўл билан айтай? Аллоҳ муродимга етказган бу кунда базм тузиб, бир дам хурсандлик қилсам арзийди.

**Эй соқий, шодлик қадаҳини тўлдир, негаки кўп фикрлашдан димоғим куруқшаб кетди. Кўзимни шуъласи билан мунаввар қилай, димоғимни исидан муаттар қилай...”<sup>1</sup>**

...Парча ўқиб бўлинганида тиллар сўзга келмас, барчанинг аҳволи руҳияси ўзгариб қолган, бу гўзал сўзлар қатидаги юксак фазилатлар ўтирганлар қалбига ҳам кўчиб кирган эди.

– Сиз бунинг бир жиҳатига эътибор қилинг! – деди мавлоно Тоёбодий. – Амир Алишер бу асарни битиш билан шеър қаҳқашонида ҳам ўзларининг, ҳам мавлоно Абдурахмон Жомийнинг, ҳам Шоҳ Ғозийнинг ўринларини кўрсатибдилар. Тангрига шукрки, сизу биз ушбу мўъжизадан биринчилар қаторида баҳраманд бўлдик! Иншоллоҳ, яқин кунларда унинг бир нусхаси кутубхонамизга етиб келгайдир, истаганингизча баҳра олгайдирсиз. У гўё нури сира тугамайдиган чироқдир, қанча кўп киши ўқиса, ёғдуси шунча қувватлангайдир.

– Иншоллоҳ! – деб сидқидилдан дуо қилишди қолганлар ҳам.

\* \* \*

Мўъжиза кекса мударрис Абу Абдуллоҳ Кулоҳий ҳаётида ҳам рўй берди.

Саксон ёшни қоралаб қолган бу қария мадраса сабоқларини бас қилганидан сўнг, ўзининг Назаргоҳ мавзесидаги эски ҳовлисида ёлғиз ўғли ва набиралари билан истиқомат қиларди. Йиллар ўта-ўта иморат хароб аҳволга келди, сувоқлари тўкилиб, ёғочлари тоб ташлади. Ўғли Хожа Афсариддиннинг мактабда мударрислик қилиб топган маблағи ҳовлини таъмирлашга етмасди. Бироқ, табиатан хоксор, бутун умрини илм олмоқ ва ўргатмоқ билан ўтказган бу қария ҳаётдан сира нолимади, бориға шукр қилиб кун кечирди. Алқисса, кексалик кузи ҳам етиб келди, унинг изғиринлари заифлаша бошлаган сўнгақларини зир қақшатди. Шу сабабли, Абу Абдуллоҳ Кулоҳий ёзда ҳам юнг камзулини ташламасди.

Куз офтобида исиниб ўтирар экан, пахса девор ортидан от дупури эшитилди. Сўнг кимдир қамчи билан дарвозани қаттиқ урди.

---

<sup>1</sup> “Садди Искандарий”дан (Иброҳимжон Сайдуллаев таъдбири).

– Келаберинг! – деди Абу Абдуллоҳ Кулоҳий ўтирган жойида, келган ким экан деб бўйнини чўзиб қараб.

Дарвоза тавақаси очилиб, бир неча киши кириб келди.

Абу Абдуллоҳ Кулоҳийнинг хиралашган нигоҳи уларнинг ким эканини илғаёлмай, бурушиқ қўлини кўзига соябон қилиб, келгувчиларга қийналиб термилиб турарди.

Меҳмонлардан илғордагиси – ўрта бўйли, оқ тўн кийган киши тез-тез юриб келиб, Абу Абдуллоҳ Кулоҳийга кучоқ очди:

– Ассалому алайкум, устоз!

Абу Абдуллоҳ Кулоҳий у билан кўришаркан, сарой киборлари киядиган либосдаги бу кишини таниб, каловланиб қолди:

– Ё Оллоҳ! Алишер? Алишермисиз?

Бағир очиш навбати энди чолга келди. У шогирдининг бағрига сингиб кетгандек эди гўё. Ундан ажралишни истамас, икки қўли билан елкаларини сийпаларди.

Мўйсафиднинг заиф ва шогирднинг навқирон гавдаси бир-биридан ажраганида ҳам талабасининг қўлларини кўйиб юбормас, тўйиб-тўйиб қараб:

– Кўзларимга ишонмайман! Алишермисиз? – дерди.

– Ҳа-ҳа, Алишерман, ўша! – дер эди Навоий ҳам.

– Афсариддин, ўғлим!

– Лаббай, ота!

– Ҳурматли меҳмонларга ичкаридан палос-намат олиб чиқинглар, супага болиш қўйинглар. Ҳой, шарбат-егуликка қаранглар!

Навоий табассум билан:

– Шошманг, шошманг! – деди уни тўхтатиб. Сўнг ҳамроҳига қараб:

– Олиб кираверинг! – деди.

Бек Ёдгор очик дарвоза олдидаги хизматкорларга ишора қилган эди, улар матоларга ўроғлиқ бир нималарни ҳовлига таший бошлашди. Бири узун гилам олиб кириб, дарҳол супага тўшади. Яна бири патнисдаги ҳалво-ю ширинликларни курсига кўйиб, устини очиб қўйди. Бек Ёдгор эса қўлидаги

икки совғанинг бирини супага қўйиб, иккинчисини Алишер Навоийга тутқазди-да, ўзи ортига қайтиб, супадаги табақ бетини очган эди, ундаги олтин динарлар ялтираб кетди.

– Ё Оллоҳ! Бу не каромат?

Алишер Навоий қўярда-қўймай устозини супага ўтқазиб, ўзи ҳам ёнига ўтириб, қўлидаги совғани очди.

– Устоз! – деди эгилиб. – Бу менга берган таълимларингизнинг кичик бир мевасидир. Қабул қилинг!

Абу Абдулоҳ Кулоҳийнинг мадорсиз қўллари китоб залворидан титраб турарди. Шу ҳолида кўзига яқинлаштириб:

– Хамса? – деди овози титраб. – Хамса?!

– Ҳа, устоз! Шогирдингиз битган Хамсадир.

Абу Абдуллоҳ кўзларига ишонмасди. Шодлиги осмонга сиғмасди. Шу тобда кексалик унинг вужудидан сийрилиб чиқиб кетди, ўзи эса кушдай енгил бўлиб қолди. Гўё икки елкасидан канот ўсиб чиқди, эгик қадди ростланиб, китоб устидаги ипак қоғозда катта ҳарфлар билан ёзилган байтни ўқиди:

*Ҳақ йўлида ким санга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,*

*Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.*

Кекса муаллим шунда йиғлаб юборди.

– Муяссар қилганингга шукр, – деб йиғларди қарияларга хос қалтироқ овоз ила, “Хамса”ни пешанасига текизиб.

Бу фақатгина шодлик йиғиси эмас эди. Умр паллаларининг маҳсули, ўксинишу изтиробларнинг, кўз нури харжлаб олинган таҳсилларнинг, ўқилган китобларининг мазмунини ўзига сингдира-сингдира, юзлаб болаларга эътиқод ва камолот таълимини берган, қаноти остидан ўнлаб баҳодирлару амирлар етишиб чиққан бу киши ҳозир ўз умридан рози бўлиб йиғларди.

– Илоё дунё тургунча тулинг! – дерди. – Мен хоксорни шундай иззат қилибсиз, Тангри таоло сизни яна-да улуғ иззатларга еткурсин!

Бу шундай ажойиб манзара эдики, барчанинг қалби чароғон бўлиб кетди. Хожа Афсариддин ёш боладай қувониб куларди.

– Ота! – деди қаттиқ овоз билан у, отасига эгилиб. – Амир Алишер бизга Султон Ҳусайн номидан бир ҳовли инъом қилдилар. Юлинг, бориб кўлинг!

Бек Ёдгор дўриллаб гапша қўшилди:

– Амир ҳазратлари кексалик айёмида қандай кун кечиряпти эканлар деб, холингизни сўраб-суриштиришни буюрган эдилар. Ўғлингизни топиб, биргаллашиб келиб қарасак, ҳовлингиз эскириб, таъмирталаб бўлибди. Сизга совға бўлсин дея ўзингизга билдирмасдан, яхши ҳовлиларни излай бошладик. Лекин олийжаноб Амир сизнинг шу мавзегга ўрганиб қолганингизни айтиб, ҳовлини шу тарофдан топишимиз кераклигини айтдилар. Бир қанча ҳовлиларни кўриб, Хожа Афсариддинга маъқул бўлганини сотиб олдик ва ҳамма ишни битиргач, сизга суюнчилашга келдик.

Кекса мударрис ҳаётида мўъжиза шундай рўй берди.

Навоийнинг бу иши тилларда достон бўлдигина эмас, мураббийларни совға-салом билан қутлашни одат тусига киритди. Абу Абдуллоҳ Кулоҳий шаънига битилган байт шунчалар машҳур бўлиб кетдики, Хуросоннинг барча мактаб ва мадрасаларининг кираверишига осиб қўйилди:

***Ҳақ йўлида ким санга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,  
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила<sup>1</sup>.***

### **АСТРОБОД**

Фалаклар султони буюрган махфий ишларни бағрига олиб, 892-йил келди<sup>2</sup>.

Жанубда Ёкуббек туркман бошлиқ сафавийлар тобора кучга тўлмоқда эди. У Астробод жанубидаги бир нечта қишлоқни сурбетларча эгаллаб олди. Мозандарон беклари ўз ихтиёрлари билан Ёкуббек изну ихтиёрига ўтишгач,

<sup>1</sup> Алишер Навоий бу байтни кейинчалик “Маҳбубу-л-қулуб” асарига киритган.

<sup>2</sup> Милодий 1487.

амирларининг сурбетлиги янада зиёда бўлиб, бошқа қишлоқларни ҳам босиб-талаб кетишди. Улар шу тариқа уруш ўчоғига олов ёқишни ва мамлакатни жангу жадал гирдобига тортишни кўзлашди. Султон Ҳусайн аъёнлар билан кенгашиб, саховату хулқда беназир Алишер Навоийни Астрободга ҳоким қилиб тайинлашдан бошқа чора қолмаганини, йўкса совутлар кийилиб, қиличлар қинидан чиқиб, қон тўкилишини тушуниб етди.

Султон Ҳусайн кўнглидаги махфий ниятларини соҳибтадбир Амир Алишер билан маслаҳатлашганида, Амир Алишер хоқонлик ишларининг кафолатини олишга майли йўқлиги ва ибодатга иштиёқи зўрлиги туфайли розилик лафзини сўзламади. Бироқ, ўтинч ва ҳаддан зиёд тилақдан сўнг розилик бошини қимирлатиб, йўналиш юзини ўша томонга қаратди ва зулқаъда ойининг биринчи чоршанбасида икки хожа ва бир қанча мулозим ҳамроҳлигида Астрободга йўл олди.

Нозанин Ҳирий яна тарк этилди.

Навоийни йўлга кузатиб қўйганлар орасида Мажидиддин ва Музаффар ҳам бор эди. Карвон жўнаб кетгач, саройга қайтишда Музаффар барлос Мажиддидиндан фурсатини топиб сўради:

– Юз офарин! Бироқ, буни у кишига, – кўзлари билан юқорига ишора қилиб: – қандай қилиб айтдингиз?

– Йўқ, ўзларидан чиқди, – деб жавоб қилди Мажидиддин, этли юзига мамнун илжайиш ёйилиб. – Энди сен Амир Ҳайдар Сабухийни топ. Қай бир чоғирхонада думалаб ётган чиқар. Ишқилиб, Амир Алишер уни ҳам Астрободга чорлаб қолмасин. Ишингни аста-секин, билиб қилавер. Бу ёғига Тангри мададкор бўлсин!

\* \* \*

Астрободга Тоёбод, Машҳад ва Нишопур йўли орқали Сабзавордан ўтиб бориладди. Юрилгани сайин бўзқирлар ва пасттоғлар аро табиат ўзгара борди, иқлим алмашиб, намлик ортди. Кўп навоҳийларда кишилар чорвасини ёйиб, эчкиларига қўшиб ўтлатиб юришарди. Катта-катта экинзорлар, мош, тарик, ловия, жўхори далалари кўзга ташланарди. Уйлар тобора

баландлашиб, тошлардан тикланган иморатлар кўрина бошлади. Бундай уйлар қурилишининг сабаби ёгин-сочин кўплигидан бўлиб, тошдан қурилган уйларгина рутубатга бардош бера олар экан.

Халқ Астрободни Гургон деб атар, бу “бўрилар” маъносини берарди. Марвликлар уни Табаристон деб аташади. Астробод шойи-ипаги, гавхару марваридлари, от терисидан ишланган анжомлари билан ҳам шуҳрат топган. Тоғларида дунёдаги энг тезучар, қорни-ю бўйни қизил лочинлари бўлармиш, улардан бирон қуш қочиб қутула олмасмиш.

Яна, бу юртнинг сигирлари ғаройиб – баҳайбат ва қордай оқ экан. Юнги калта, силлиқ, бу Астробод жазирамалари туфайли бўлиб, калта шохлари йўғон, бироқ ўтмас эмиш. Кураги орасида икки кафт микдори букриси бўлармиш. Улар жуда кўркам бўлиб, гўё ўликни тирилтириш учун энг кўркли сигирни сўйиб, бир бўлаги билан майитни уришни истаган қадимги кишилар ўзлари истаган сигирни шу ердан топишгандай эди.

Йўлдагилар Астробод жазирамасини ҳам гапириб беришди. Мамлакат иқлими кишига ёмон таъсир қилар, ҳавоси нотоза, рутубат дардчиллик келтириб чиқарар экан. Шу сабабли аҳоли кўпинча ёз маҳаллари Биржанд тарафларга кўчар, Астрободда киши қолмас эмиш.

Кишилари ёзда қай маҳал неча марта қум бўрони кўтарилишини билишаркан. У бўрон одамни ҳалок қилармиш. Ўша маҳаллар боғларга кетиб, сувга кириб жон сақлар эканлар.

Тариқ, буғдой, сулини куз охирида экиб, баҳор бошида йиғиштириб олишармиш. Чунки ёзнинг кучли жазирамаси ҳамма нарсани қуриптиб юборармиш.

Астрободга кўп бора келган Носириддин Мирий деган бек бу навоҳийда туз дарахти ҳам ўсишини айтди. У катта ва қалин, япроқларининг бир тарафи оқиш, бошқа тарафи яшил, меваларининг ичи бўш, танаси сариқ ва қаттиқ бўлармиш. Йўл мобайнида ундан бошқа дарахт учрамас экан. Янаям нарига борилса, туз тоғига рост келингаймиш, у жонибда ҳар тараф тузмиш. Шунчалар кўпмишки, дунё тугагунча тугамасмиш.

Кичик тоғларда жайра кўп бўлиб, овчилар уни кучуклар билан овлашар экан. Аммо жайралар кучукларга игна отишгани ажаб. Тоғларда йўлбарслар ҳам бўлиб, кейинги пайтларда одамларга хужум қила бошлашибди, сабаби ўша жайралар экан. Баъзи йўлбарсларнинг терисига ўнлаб игна санчилгани кўрилмиш, жимжилоқ қалинлигида, бир-бир ярим қаричлик у игналар санчилгач, қайтиб чиқмас экан. Оғриққа чидаёлмаган ваҳшийлар алам ичида инсонларга ташланар эмишлар.

Шу тариқа, иқлим ўзгаришлари кўрила-кўрила, Астробод иқлими ҳақидаги ҳикоятлар эшитила-эшитила, шаҳарга етиб келишди.

Сарой Амир Темур жорий қилган Самарқанд услубида қурилиб тартиб берилган, Шоҳрух Мирзо пайтида қад кўтарган мақбаралар Самарқандни эслатиб турарди. Шаҳар кўчаларининг бари кўшкка бориб туташар экан. Кираверишдаги олти қиррали ҳовузда оққушлар сузар, боғда эса товуслар узум думларини ёйиб айланиб юришарди.

Саройга келиб, умаро билан кўришилгач, Алишер Навоий дарҳол Ёқуббекка мактуб битиб, чопар юборишга қарор қилди. Баҳорнинг латиф тонгларидан бирида учқур от минган икки бек ўн чоғли мулозим билан мактубни ва совға-саломларни олиб, Шероз сари елди. Султон Ҳусайн ёрлиғининг бир нусхаси Ёқуббек туркманга ҳам юборилдики, Астробод ҳокимлигига Амир Алишер тайин этилгани барчага маълум бўлсин, дея.

Олтин-ёқутлар билан безатилган серҳашам Шероз тахтида ўтирган Ёқуббек туркман мактубни олиб ўқигач, узоқ ўйланди. Ҳусайн Мирзо сиёсат шатранж тахтасида зўр юриш қилганини англади, чунки Астрободда Алишер Навоий амирлик қилса, унга қарши қўшин тортишга ҳадди сиғадиган киши топилмасди. Шунингдек, Навоийдек муҳтарам зотнинг унга мактуб битганидан кайфияти чоғ бўлди.

Навоий мактуби туфайли, аъёнлар машваратга йиғилдилар. Йиғин боиси эса қишлоқларни навкарлар тарк этиши эмас, балки Алишер Навоийдек кишига унинг даражасида жавоб ёзмоқ эди.

Навоий шундай битган эди:



**“Диёнат қуёши, ғозий султон Ёқуббек жаноби олийларига маълум бўлғайким, у кишининг қудратлари ва муборак хотирлари қаршисида ҳар қандай мулк оёқ остида бўлмоқдан саодат туйғайдир. Қадамлари етган ерда гул унғай, боғу бўстон бўлғайдир. Фақир Ёқуббек жаноблари шаънига мақтов дурларини қуллуқ ипига шундай тизар. Бироқ, адолатли султонлар изнидаги мен каби амирлар ўз навохийсидаги ҳар тош, ҳар ўланга масъулдирлар, жанобларининг салтанатларидаги низом ҳам худди шундоқдир. Бир қанча навкар сарҳаддаги қишлоқларга кириб-чиққай эмиш. Албатта бу ишлар амирлар назоратининг ўксиклигидан эмас, балки олий зотларининг навкарларига халойиқ эҳтиромидан деб билинмоқдадир. Қуллуқ арзимиз шулким, навкар низомида қатъий турилса, ҳар не истак бўлса бизга мурожаат қилинса. Ушбу ила фақирнинг Абулғозий Султон Ҳусайн қошидаги бурчини ўринлатмоғига қўмак берган бўлардингиз. Вассалом.”**

Бу ажойиб мактубга қандай жавоб берилсин? Ўйлай-ўйлай, машваратга шоирлар ҳам чақирилди. Ниҳоят, шундай битилди:

**“Сўз мулкининг амири, фасоҳат мулкининг зиёси Амир Алишер жанобларигакам, мактуб ипига тизилган сўз дурлари хазинамизни бойитди. Сизнинг Машҳадда Имом Ризо мақбарасини таъмирлаганингиз маълум ва иззатга сазовордир. Ғозий султон Ҳусайн Мирзо ҳукмидаги вилоятларга навкаримиз халойиқ ила муомила учун, қон-қариндошлик вазҳидан кирмишдир ва ул иш айбга олинмаслиги ўтинилғайдир”.**

Нома билан бирга, ҳурмат ва эҳтиром рамзи ўлароқ Алишер Навоийга бир табақ Шероз ширинликлари, иккинчи табақда худди ўша ширинликларга ўхшатиб ишланган олтин ва кумуш қандлар юборилди.

Қиличлар қиндан чиқмоғи тиланган иш шу тариқа, қалам ила ҳал бўлди. Аъёнлар бу фитна урушсиз ҳал қилингани учун Навоийни қутлашарди. Бироқ, Навоий бу ишдан қониқмади. Ёқуббек кишилари ҳали шу ерда экан, **“Мен хоксорнинг номи Султон Ҳусайн номидан аввал зикр этилиши**

**сира мақбул эмас ва фақирни уят ва хижолатга қўйгайдир”** деб битди у. **“Сиз тилга олган ва шоҳона диққатингизни қаратган у ишлар албатта Султон Ҳусайн Мирзонинг саъй-ҳаракатлари ила рўёбга чиқмишдир. Фақир ул ишларда кичик бир ижрочи, холос. Шул сабаб хосиятли мактубингизда фақирни эъзозлаганингиз кўнгилга ғоят хуш, бироқ, майса унмоғининг боиси куёш ва ер-сув бўлгани каби, бундай эҳтиромларда султоннинг исми аввал келгайдир ва фақирнинг номи энг остда бўлгайдир, магар бўлмаса, дағи мақбулдир. Тангри бардавом айласин. Омин!”** деб ёзилган нома Ёқуббекка йўлланди.

Бу нома ила бирга, Астрободда машҳур табиб – ибн Синонинг устози Малҳий мақбарасини таъмирлаш нияти баён этилган мактуб Султон Ҳусайнга ва Ёқуббекка юборилгач, Ёқуббек бу ишни эҳтиром деб қабул қилди ва таъсирланиб, “Кошки шундай бир дўст менинг саройимда ҳам бўлса!” деди. Навоийга миннатдорлик билдириб, зотдор бир тўбчоқ юборди. Шу билан салтанатлар вазияти ўнгланишга юз тутди. Шероз беклари ўзларича эгаллаб олган қишлоқларни тарк этишди.

Бу иш хайрли хотима топгач, Мозандарон амирига ҳам мактуб битилди. Мактуб гина-кудуратсиз, ўта самимий ёзилган бўлиб, унда муҳокама учун кўришиш истаги баён қилинган эди. Чунки вазият аён, Мажидиддин солиқчилари Астробод амирларини ҳам безор қилишган, зулмдан тўйган амирларга Ёқуббек ихтиёрига ўтиш мақбул кўринган эди. Қовоқ уйиб олган амирлар ҳибсдан хавфсираб, саройга навкарлари билан келишарди.

Астробод шоирни хушнудлик билан кутиб олди. Унинг салтанат ишларига ғоят диққат билан қараши, ҳар ишни синчковлик билан пухта тафтиш қилиб, адолат билан ҳал қилиши халқ орасида “Астробод бошига бахт куши кўнди”, деган гап-сўзларга сабаб бўлди. Бу ишлар шундай рўй берди.

Астрободда девон ишлари тартибсиз ва низомсиз, амрлар сўзда берилар ва кўпинча эсдан чиқар, буйруқларнинг бажарилишида ҳам тартиб йўқ экан. Умаро девонга ўзи истаган маҳал келар, гоҳида девон бир неча кунлаб ёпиқ

турармиш. Навоий бу ишларни дарҳол тартибламoққа қарор қилди. Девон мунтазам очик туришини, фуқаро арзи мудом тингланишини маълум қилди.

Авваллари девонга яқинлашишга истиҳола қиладиган ёки “Салтанатдан бир иш чиқмоғи маҳол, ўз кунингни ўзинг кўрабер” дейдиган оддий кишилар бу гапнинг ростлигини ўз кўзи билан кўриш учун саройга ёпирилиб келишарди. Махсус хоналардаги муншийлар уларнинг арз-додини тинглаб, қатъий тартиб-низом асосида хатга олишарди.

– Ортиқча хат-қоғозга не ҳожат?

– Котибул-киромлар не эканини билсангиз керак?

– Албатта. Ҳар инсоннинг икки елкасида туриб, айтган сўздан қилмишигача ёзиб боргувчи малаклардир. Бирининг исми Роқиб, иккинчисининг...

– Исmlарини қўятуринг. Аллоҳ ўз қудрати ила қалблардаги ниётларни билиб тургувчи эса, инсоннинг икки елкасидаги у фаришталарга не ҳожат бор эди? – деб жавоб қилди Алишер Навоий. – Салтанат Тангри таоло низомининг ёруғ оламдаги аксидир. Шу вaжҳдан султон муслимларга бош бўлди, Тангрининг ердаги сояси деб улуғланди. Қолдики, салтанат ишлари албатта низом ила, хат-қоғози ила юрсин, ҳар иш номаи аъмол каби, исталган онда келтирилсин. Йўқса, инсон боласининг ёдига қандoқ келур?

Алишер Навоий бу ишга қаттиқ киришди. Бу орада Астрободда халқ исёнига сабаб бўлган Хожа Ҳасан Баттол иши ҳал этилмаган эди, уни келтиришларини буюрди. Хожа Ҳасан баланд бўйли, қоп-қора киши экан. Бечора қўрқиб кетган, тинмай калима қайтарар, оёқ-қўллари титраб турарди.

– Зулм Тангри наздидаги энг катта гуноҳлардан биридир, – деди Алишер Навоий. – Миср фиръавни зулми туфайли сувга чўктириб ҳалок қилинди. Шу сабабли золимни диндан чиққан деб ҳукм қилдилар. Хўш, сиз не учун кишилар бошига фалокат келтирдингиз? Хирож тўлашга қурби етмаганларни шип-шийдам қилганингиз етмай, жазоладингиз?

– Султон буйруқларини кулоқ қоқмай адо этдим! – деди Ҳасан Баттол. – Қай йўл билан бўлмасин, ўлпон хазинага ўз вақтида тугал етиб бориши учун қилдим.

– Ўлпон имкон хорижи солинмағайдир, – деб жавоб қилди Навоий. – Шу сабабдан нисоб жорий қилинди. Қолдики, мулкнинг танобини ўлчағайсиз, нисобини чиқарғайсиз. Ҳосил мислини ўлчашда ҳам шундай қилинғайдир. Қачондан буён салтанат ҳукми шариат аҳкомидан устун бўлиб қолди?

– Амир жаноблари, кекса онам, болам-чақам бор, – деб ўтинди Ҳасан Баттол. – Бир қошиқ қонимдан кечсалар...

Алишер Навоий кулиб юборди:

– Нечук қонингиз ғамидадирсизки, уни оқизишга мос гуноҳ қилмаган эсангиз?

– Ростданми? – ҳайрон бўлиб довдираб қолди Ҳасан Баттол. – Амир ҳазратлари сенинг жонингни олмоқчилар, дейишди-ку?

– Жонингизми? – ўйланиб қолди Навоий, сўнг кулимсиради: – Бутун бу ишлар Астробод солиқларини нисобдан кўп ҳисоблаттирган кишиларнинг инсофсизлиги боис содир бўлибтур. Тезда барчаси қайтадан ҳисоб-китоб қилинғай, ортиқча олинган ҳақ ўз эгаларига қайтарилғайдир. Буйруққа итоат қилганингиз учун сиз айбли саналмағайсиз. Уйингизга боринг, волидангизга биздан дуои салом денг, у киши ҳам бизни дуо айласинлар. Ундан сўнг эса, ғазаб қилинган кишилар қошига бориб узр-маъзурингизни қилинг. Бундан сўнг давлат ишига яқинлашманг, ер-сувингиз бор экан, ризқингизни тупроқдан чиқариб яшайберинг! Ҳукмимиз шу!

“Бошим танимдан жудо қилинғайдир” деб йиғи-сиғи ила аҳли оиласи билан видолашиб келган Ҳасан Баттолдай киши тўсатдан тиз чўкиб, тўлқинланиб:

– Илоҳо дунё тургунча турғайсиз! – деди кўзида ёш билан. – Мундай жўмардликни ҳеч кутмаган эдим! Фақирнинг чибиндек жонини бағишладингиз. Не хизматингиз бўлса ўлгунча қилғайман.

– У ҳолда ўлмаслигингизни тилаймиз! – деди Алишер Навоий. – Ҳукмингизда ҳаддан ошганингиз учун эл ўзини мубаттал, яъни ярамасликка гирифтор санаб, сизга Ҳасан Баттол деган лақаб берибди. Энди шундай қилинганки, кишилар мубаддаллигингиз туфайли сизни Ҳасан Баддол<sup>1</sup> деб атасин!

Бу ишлар шундай давом этарди. Кимдир ерини эгаллаб олган кўшнисидан, яна кимдир қарзини қайтармаган биродаридан, отини майиб қилган шеригидан, сўзга кирмаган ўғлидан ёки бадахлоқ мулозимлардан шикоят қилиб келар, бундай ҳолатларнинг барчасини кескин ва мутлақ адолат ила ҳукм қилиш лозим бўлиб, аслида улар депара-ю қасабаларнинг қозилари қошида тамомланмоғи лозим бўлган ишлар эди. Золимлар шиддатидан ҳайиқиб қолган кишилар қозиларга ишонмай, саройга арзга келишарди. Айниқса, ер ҳисобларида ва нисоб ўлчовларида қозиларнинг илми етарсиз бўлиб, Навоий улардан бир қанчасини Машҳадга ва Самарқандга, ҳандаса ўрганишга йўллашни ихтиёр қилди. Ки, ер тақсимотларида, мулк ва мерос ҳисобларида бировнинг ҳақи бировга ўтмасин, адолат жорий бўлсин дея, шаклларни ҳисоблашда Қозизода Румий ва Шамсиддин Самарқандий ҳисоб усуллариини ўрганишларини тавсия қилди.

Астрободда чоғир кўп ичилар экан. Кишилар Биржанд ва Кошда етишадиган узумдан бир нав чоғир солиб, “Мусулмон гуноҳ қилгай, аммо тавба ҳам қилгай”, дея ичаверар эканлар. Бу ишда табибларнинг ҳам анчамунча қусури бўлиб, улар “Тангри таоло ҳаром яратмагай, фақат инсонни синамоқ учун айримларини ҳаром қилгандир” ва “Мараз ғалаба қилган чоғда ҳаром жинсидан фойдаланмоқ жоиз”, деган фикрдан келиб чиқиб, баъзи дардларни даволашда мусалласу чоғир қўллашга изн беришгани ҳам сабаб бўлибди. Авом эса “Менинг бир дардим бор, юрагим сиқилиб, кайфиятим бузилади”, дея буни одат қилиб олибди. Бу борада Навоий шайхулислом билан маслаҳатлашди.

---

<sup>1</sup> Навоий сўз ўйини қилмоқда: “баттол” – ярамас, ҳаддан ошувчи, “баддол” – қилмишларининг бадалини тўловчи.

– Киши олдига бир табақда узум, бир кўзада май кўйиб, узум ҳалолмидир деб сўрашибди, – деди Шайхулисом. – Албатта ҳалолдир деган жавоб бўлибди. “У ҳолда ҳалолдан бўлган май нечук ҳаром бўлсин”, дея ичабергайлар.

Навоий бу ишнинг маъсиятини халққа муттасил тушунтириб боришни илтимос қилиб, бошқа мавзуларга ўтди.

Астрободда раммоллик, яъни ромчилик ҳам авж олган, бу куфр ишга дарҳол барҳам берилмоғи лозим эди. Донғи кетган раммоллару фолбинлар бир жойга чорланди. Чорланганлар курси устида бир табақ тўла анор турганини кўришди. Барча йиғилгач, Алишер Навоий кириб келди ва йиғилганлардан:

– Сизлар бўлғуси ҳодисаларни айтиб беришни иддао қилибсизлар? – деб сўради.

Паст бўйли, кичкина кўзлари ўйнаб турадиган, серҳаракат бир киши деди:

– Мен бу кеча устурлоб олиб, фалак ишларига назар солдим. Бошингизга саодат куши кўнибди. Тез орада Ҳирийга қайтмоғингиз тақдир қилинибди.

– Илмингиз бормидир? – деб сўради Навоий.

– Имкон борица илм олгандурмиз, – деб жавоб қилди мунажжим.

– У ҳолда “Фала уқсиму би мавоқиъ-ун-нужум” оятини шарҳлаб берингчи.

– Мавқеъ... Юлдуз... Минг бор узр, – деди мунажжим. – Бундай илмимиз йўқ ҳисоби.

– Илм бўлмагач, тафсир қайдан бўлсин? Дилингизни оғритмоқ ниятим йўқ, аммо қаттиқ сўзлагайман. Ғофилдурсизким, ул асбоб ила ҳангома тутибсиз, Ҳақ таоло қазою қадарини унутибсиз, – шундай деб, табақдаги анорлардан бирини олиб, деди: – Кўлингизда шу анор бўлса, билмассизки, нечта хонасию неча пардаси бор ва ҳар хонасида неча донаси бор ва у дона аччиқмидир ё чучук? Асли шуки, ўн сўзингиздан бири ҳам рост келмагай, бунинг қабоҳатини ё билмассиз ё билиб кўзга илмассиз. “Кизб ал-мунажжимун” қавли ила сўзингиз ёлғондур ва ростлик худудидан четда

колгандир ва басират кўзингизга ғафлат пардаси тutilгандир. Арзингиз тингланмайдир, тинглаувчи топилмагайдир ва бориб тавба қилгайдирсизки, шояд қабул бўлгай. Салтанат номидан айтадиган сўзимиз шудир: тавба қилмасангиз, ҳад урилгайдир, то тавба қилгунингизга қадар!

Мунажжимлар қизариб-бўзариб ташқарига чиқишган эди, Бобо Али сўради:

– Амирим, аммо Самарқандда Мирзо Улуғбек ила мавлоно Али Қушчи ҳам илми нужум ила машғул эдилар-ку?

– Инсон боласи фалак ва юлдузларнинг мавжудлигини зарарли ёки фойдали деб ҳукм қила оладиган билимларга эга эмас, – деб жавоб қилди Алишер Навоий. – Сиз айтган зотлар Тангри яратган само ёритқичларининг хусусиятларига боқиб, ҳаракат жадвалларини туздилар ва бундан фойдалар ҳосил қилдилар, масалан, Қуёш ёхуд Ойнинг ботиб-чиқишига қараб вақт тузугини тузган каби. Уларни бунга ундаган ҳол “Куллун фи фалаки ясбахун” ва “Фала уқсиму би мавоқиъ-ун-нужум” калималари бўлди. Минг тавбаким, “Фала уқсиму” юлдузларнинг ҳам қазоси етиб ботиб кетишини, Коинотнинг маълум бир жойларига дафн этилишини билдирмоқда, – дея, Самарқандда фалакиёт олимлари билан қилган суҳбатларини айтиб берди. – Фақирнинг хулосаси шуки, инсонлар ҳам умр самосида юлдузлардай сузиб, ўз мавқеъларида ботгайлар. Ҳар инсон бир юлдуз каби, моҳиятан эса юлдуздан ҳам юксакдир, буни унутманг.

### **ҲИБС**

Бу орада Хуросонда кўп воқеалар бўлиб ўтди. Шулардан бири – Чин ҳоқони элчиларининг Ҳиротга келмоғи эди. Кичик жуссали, шойи-ҳашамга бурканган юздан ортиқ киши ғалати асбоб-анжомларни, куй чалувчи соат, кушдай сайровчи фаввора каби ғаройиб совғаларни келтиришган эди.

Шунингдек, таҳликали ва мудҳиш ишлар ҳам рўй берди, булар – Балхда Дарвишалининг исён кўтариши ва вазири аъзам Мажидиддиннинг ҳибсга олиниши бўлди.

Мажидиддиннинг кўпол феъли ва у жорий қилган солиқлар барчанинг тоқатини тоқ қилган эди. Дарвишали Ҳирийда Мажидиддин Алишер Навоийнинг сўзларини писанд қилмас даражага етганини, ҳатто султон ҳазратларининг энг яқин кишиси қай бир ишни амалга оширса, қаршилик ва туғён эшикларини очишини эшитгач, аҳвол шундай давом этаверса, Амир Алишернинг қуёши қуйи иниб, бу иш менинг ҳаётимга ҳам таъсир кўрсатади, деган ҳаёлга борди. Бунинг устига “Салтанатдаги баъзи фитначи кишилар Султон Ҳусайнни Алишер Навоийни Астрободга сургун қилишга ундаган эмиш, фурсати топилганида таомига заҳар солиб беришни режалаштиришганмиш” деган гап-сўзлар тарқалди. Буни ўз жияни Ҳайдар Сабухий оғзидан эшитган Дарвишали шоён ғазабга миниб, ақл ва фаросат тулпори жиловини қўлдан чиқарди ва ҳаётидаги энг бўлмағур ишга кўл урди. Шоир айтгани каби “Мен буни қилмас эдим, аммо шайтон мендан кучлилик қилди”.

Агар иш шу зайлда кетадиган бўлса, исён кўтариши мумкинлигини билдириб қўйиш ниятида, ўша пайт Балхда ҳукмдор бўлиб ўтирган Иброҳим Ҳусайн Мирзони шаҳардан чиқариб юбориш учун шундай ҳийла ишлатди: хоқоннинг қалбаки муҳрини ясатиб, Муҳаммад Иброҳим Ҳирийга чорлангани ҳақидаги сохта фармонга ўша ясама муҳрни урдирди ва фармонни Иброҳим Муҳаммад Мирзога жўнатди.

Иброҳим Муҳаммад Мирзо ўша заҳоти Ҳирийга қараб йўлга чиқди. Дарвишали эса Султон Маҳмуд Мирзога нома юбориб, лозим бўлгани тақдирда унинг томонига ўтишини билдирди.

Иброҳим Муҳаммад Мирзо султон саройига етганидан сўнг, Дарвишалининг макри барчага аён бўлди.

Султон Ҳусайн бундай беадабгарчиликдан ҳайратда эди:

– Қизиқ, шунчалик тарбият ва иноятимизга қарамай, ҳали зиммасидаги бирон яхшилигимиз ҳаққини қайтармай туриб, бу Дарвишали деганлари ҳийлакорлик ва нонкўрлик йўлига кирганига ҳайронман!



Фитначилардан айримлари ўша заҳоти “Бу ишни у оғойиси Амир Алишерсиз қила олиши мумкин эмас” деб валдирашди.

Ана шу пайтда замонанинг донолик, фаҳму идрок, ақлу фаросатда тенгсиз кишиси бўлган Хожа Гиёсиддин Дехдор султоннинг ҳали-хануз тараддудда эканини кўриб, вазиятни юмшатишга уриниб:

– Дарвишали бир китобдор бўлса, унда исён қилмоққа не ҳад? – деди юмшоқлик билан. – Қолдики, кимлардир бир нималарни қулоғига шивирлаган чиқар? Ёки ёшлигига бориб, Амир Алишернинг Астрободга йўлланишидан норизо бўлса ҳам ажабмас.

– Алишербекнинг Астрободга йўлланишидан нега норизо бўлсин?

– Мен буни демадим. Айрим кишилар Султон Ҳусайн Мирзо Алишер Навоийни Астрободга атай сургун қилди, ҳатто заҳарлаб ўлдирмоқчи деган гап тарқатибди. Шундай гап-сўзлар унинг қулоғига етиб борган бўлса ажабмас.

– Ким тарқатибди?

– Амирнинг ўз жияни Ҳайдар Сабухий. Бу гапни Астрободдан Ҳиротга келганида айрим кишилардан эшитган эмиш.

Султоннинг тараддудда эканидан фойдаланиб, ўша заҳоти кўшимча қилди:

– Муҳтарам султоним, бу қулвачча китобдорнинг беадаблиги учун муборак кўнглингизни шунчалик ҳам қайғуга ботирасизми? Мен ҳозирок Балхга бориб, тез фурсатда уни кишанланган ҳолда қошингизга олиб келаман!

Султон Ҳусайн бу сўзларни эшитгач, хафалиги тарқаб, Хожа Гиёсиддин Дехдорга Балхга элчи бўлиб бориш учун рухсат берди. Хожа ўша куниёк Балхга қараб йўлга чиқди. Орадан кўп ўтмай, султоннинг ўзи ҳам Балх сари отланди.

Хожа Гиёсиддин Дехдор Балхга етиб бориб, Дарвишалини роса маломат қилди ва ширин сўзлар билан ҳоқон иноятига умид уйғотиб, уни султон Ҳусайн қошига тавба ва авф учун бош уриб боришга кўндирди. Дехдор ва

мулозимлар Дарвишали билан бирга билан ўрдугоҳга қараб йўл олишди. Ўрдугоҳга етмасларидан аввал Дехдор улардан ўзиб, ҳокон ҳузурига аввалроқ етиб борди, султон қўлини ўпиб, оқиллик ва тадбирлилик фазилатларини намоён қилиб шундай деди:

– Қулвачча китобдорни тахт яқинигача олиб келдим. Аммо афсуски, йўлда кишан ва занжир ясай оладиган бирон темирчи йўлиқмади. Энди рухсат берсангиз, ўрду бозоридан бир темирчи олиб борсаму амирни кишанга солган ва қўл-оёғидаги занжирлари шиқирлаган ҳолида хузурингизга етказсам!

Султон бу ишни яхшилаб мулоҳаза қилиб кўриб, исённинг сабаби бошқа эканини англаб етган эди. Дехдорнинг топқирлигига кулиб юбориб:

– Дарвишалининг гуноҳлари узра авф чизигини тортдик, – деди мурувватпешалик билан. – Энди ҳеч бир қўрқув ва ҳадиксиз хузуримизга келавериши мумкин.

Дарвишалининг тавбалари тинглангач, Ҳайдар Сабухийни ҳам оёғини ерга текизмасдан султон ҳузурига етказиб келишди. Ҳайдар Сабухий захарланиш билан боғлиқ гап-сўзни мастлик чоғи Абдуллоҳ Нойи деган кишидан эшитганига иқроп бўлди. Бу бемулоҳаза йигитга ҳад уриш жазоси белгиланди ва бир умрга салтанат ишларидан четлаштирилди. Абдуллоҳ Нойини истаб борганлар эса уни кимлардир икки кун аввал уйида ўлдириб кетишганидан хабар топишди. У Мажидиддин эшигида хизматчи бўлган экан. Шу тариқа, ип учлари Мажидиддинга бориб тақалди.

Султон Ҳусайн бўлиб ўтган барча ишларни ипидан-игнасиғача тафтиш қилдирди. Бу орада салтанатда эътибори ортиб бораётган Хожа Низомулмулк пайтдан фойдаланиб, султон қулоғига Мажидиддин қилмишлари ҳақидаги қўшиб-чатилган ғийбат сўзларини етказди. Шундан сўнг султон Ҳусайн Амир Муҳаммад Али Аткага уни ҳибсга олиб, мол-мулкини хатлашга буйруқ берди.

\* \* \*

Оқшом чоғи Мажидиддин нима қиларини билмай боши қотиб ўтирарди. Султон билан унинг орасини ислоҳ қилиш учун ҳатто мавлоно Абдурахмон Жомий ҳам уриниб кўрди, лекин султон у зотнинг сўзларини қабул қилгандай кўринса-да, Мажидиддин бошидан хатар булутлари кетмади. Вазир минг турли гумонлар ичра вазиятдан чиқиш йўлини излар экан, хизматчилардан бири келиб, шоша-пиша хабар берди:

– Жаноби хоҷам! Бир тўп сарбоз ила ясовулбеги бу ён келмоқдалар!

Мажидиддин:

– Ясовулбеги?! – дедию оёқ-қўли бўшашиб кетди.

Ташқи боғ гуллаб-яшнаган, олти бурчакли мармар ҳовузларда ғозлар сузар, оқ нилуфаргуллар тароват таратар, теварак мухташам эди. Лекин бу олий иморатлар, гул-гул сахнлар, тим остидаги ажаб сулув арғумоқлар келгувчиларнинг эътиборини тортмади. Улар куюндай шиддатли, булутдай тунд эдилар.

Вазири аъзам боғига бу кишиларнинг келмоғи унинг салтанат осмонидаги куюши ботганидан, юлдузи куйига шўнғиганидан, обрў-эътибор дарёси қуриганидан ва у ерлардан чақиртаканлар ўсиб чиқишидан, ваҳший ҳайвонлар ин қуриб, умр харобаларида бойқушлар учишидан дарак эди.

Мажидиддинни тутқун қилиб, Боғи Жаҳонорога келтиришди. Низомулмулк ва унинг ўғиллари, шунингдек, Султон Аҳмад Мирзо, Амир Носириддин Ферузшоҳ, Аҳмад Барлос ва бошқа амиру вазирлар девонхонадан жой олдилар. Амир Муҳаммад Али Атка Мажидиддинни қўл-оёғига оғир кишанлар урилган ҳолда уларнинг ҳузурига олиб кирди. Айрим баднафс кишилар бу мажлисда тухматга тил чоғлаб, Хожа Мажидиддиннинг айбларини кўпиртира кетишди. Мажидиддин эса уларнинг айбловларига шундай жавоб бердики, ҳеч бир айб ўз исботини топмади.

Низомулмулк бирор айб топишдан ожиз қолгач, Мажидиддин ишдан бўшатган аламзада амалдор Муҳаммад Амруободийни даъвогар сифатида Мажидиддин қаршисига келтирди. Мажидиддин Низомулмулкка юзланиб:

– Даъвогар сифатида менинг обрўйимга тенг келадиган бир одамни топсангиз яхши бўларди, токи бирон қўполроқ сўз айтса, кўтара олай, – деди.

Шунда Муҳаммад Амруободий:

– Эй Мажидиддин! Мен сендан кам эмасман, балки аслзодаликда сендан устунроқ ҳам тураман. Чунки мен хурр-ал-наслман, яъни наслдан-наслга озод кишиман, қулвачча эмасман. Сенинг онанг эса отанг Хожа Пир Аҳмаднинг мамлукаси, яъни канизаги эди!

Мажидиддин бу ҳақоратни эшитгач, қаршисидаги адоватли кишиларга қараб:

– Нима иддаонгиз бўлса, барини бўйнимга оламан. Фақат мени мана бу беадаб Муҳаммад Амруободийдан қутқарсангиз бас! – деди.

Сўнг душманлари айтгани бўйича қуйидаги мазмунда бир неча сатр иқрорнома ёзиб берди: “Мансабда пайтим мендан ёмон ишлар содир бўлди ва мен ўз гуноҳимга иқрорман”.

Низомулмулк тантана қиларди. Аъёнлар Мажидиддин иқрорномасин олиб, уни ўша заҳоти султонга етказишди ва мол-мулкани тафтиш қилишга рухсат олишгач, шундай бойликка дуч келишдики, Қорун хазинасидан кам эмас эди. Сандиқ-сандиқ жавоҳирлар, нафис матолару гиламлар, олтин-кумуш, жавоҳирларнинг адоғи кўринмасди.

– Ана сенга тархону мана сенга суюрғол! – дерди Муҳаммад Али Атка, ханг-манг бўлиб.

Мажидиддин хазинаси уч кун ташилди. Ароба-ароба нафис матолар, зебу зийнатлар, гиламлар, анвойи анжомлар бош айлантлар даражада кўп эди. Мажидиддиннинг сарватларини ақсимлаш борасида сўз чиққанида, Музаффар барлос:

– Бир-иккиси менга ҳам бўлса, – деган эди, Четин баҳодир:

– Кўзинг тўймас экан-да, – деди хўмрайиб. – Ҳой Музаффар, Қорун қадар сарватинг бўлса ҳам уч маҳал ош егайсан. Етти ё етмиш маҳал емайсан.

– Сен нени англардинг? – деб жавоб қилди Музаффар барлос. – У бойликлар менга ҳаётимнинг воқеаларини сўзлаб тургай. Уларга қараб ўтган умримни эслагайман.

Султон Ҳусайн уларнинг сўзларини эшитиб, шундай деди:

– Бас, сўзимни тингланг! Хазинага кўз олайтирмоқнинг ҳукми шуки, давлатнинг моли – халқнинг молидир. Закоту ўлпондан катра-катра тўпланиб келган хазина гарчи тоғ-тоғ уйилиб ётса ҳам, жумла мўминнинг, минглаб фақиру фуқаронинг давлатга берган ҳаққидир. Шу сабаб, уни еган киши Хуросонда қанча халқ бўлса, шунча кишининг ҳақини еган ҳисоблангай. Қолдики давлат олдида, балки шунча киши олдида ҳақни қайтариб бермоғи дурустдир. Барча мол-мулки, олтин-кумуши, чорваси, асбоб-анжоми хазинага олинсин!

Бу адолатли ҳукми ҳамма бир овоздан маъқуллади.

– У бадбахтнинг ўзи не дермиш?

– Жонини бағишлашизни истармиш, – деб жавоб қилди Чопу барлос. Бу пайтга келиб у анча кексайган ва султон маслаҳатчиси лавозимига ўтказилган эди. – Ҳажга бормоғимга изн берсалар, умримни тавбаю ибодат ила тамомласам дейди.

Султон Ҳусайннинг юзида бир маҳаллар Муҳаммад Ёдгор тутуқланган пайтдаги каби кескин қаҳр акс этди. Қарчиғайдай нигоҳи ясовулбегига қадалди-да:

– Ҳамтовоқлари қатл қилинсин! – деди. – Ўзи эса... тўғри йўлни танлабди. Умрини тамомламоғига ёрдам бергаймиз!

Кутилмаган бу марҳаматдан ҳамманинг эти жимирлаб кетди. Чунки, ундан ажалнинг совуқ иси келиб турарди. Мажидиддиннинг ҳаж сафарини ҳеч ким хушнуд қаршиламади. Ҳатто зиндондан чиқарилган собиқ вазирнинг ўзи ҳам бу хабарни эшитгач, юзига хомушлик булутлари инди, Султон Ҳусайн билан видолашиб, рози-ризолик сўрашга рухсат истади. Ҳусайн Мирзо уни кўришни истамаганини билгач, юм-юм кўз ёш тўкди ва куз кунларидан бирида ҳажга жўнаб кетди.

Сабзавордан ўтиб, Табриз йўлидан борилар экан, Мажидиддин султон қаҳридан қутулиб қолганига ишонгиси келмасди.

Бутун молу мулк, ер-сувлар мусодара қилинди, ёру аҳбоб ўзини тортди. Яхшики, Майманадан эски бир дўст йўл харжи учун яширинча кўмак берди. Ҳажга борувчилар карвони аста-секин илгарилаб борарди. Аламу пушаймонликдан собиқ вазирнинг кўзи очилгандек эди. Мулклар етмасмиди, ер-сувлару иззат-эътибор каммиди? Амрига ҳар ким қўл қовуштириб турмасмиди? Эй воҳ, не кунларга қолди?

Лекин бу одам қисматида ўзини эмас, Алишер Навоийни ва Низомулмулкни айбларди. Шулар бўлмасайди, шоҳ беҳабар, айшимни суриб юрардим деб хаёл қиларди. Навоий Низомулмулк билан тил бириктириб фитна ўчоғини қуриб, султон қаҳру ғазаби тўфонини Мажидиддин томон бурганини нодон ҳам англайди. Ҳатто ҳаж ниятидан қайтиб, оққуюнлилар салтанатига бош уриб боришни, улар билан бирга Хуросонни эгаллаб, душманларидан бешафқат ўч олишни хаёл қиларди.

Бироқ, бунинг учун сарват керак. Бир чақаси йўқ собиқ вазир шу ҳолида гадодан ҳам қашшоқ, уни ким мулозимат ила қарши оларди?

Табризга етар-етмас, шом кўнар-кўнмас шовқин чиқди. Қоронғилик қаҳридан чиқиб келган, юз-кўзларига мато ўралган номаълум отлиқлар карвонни қуршаб олишди.

– Карвон дахлсиздир, султон Хусайн Мирзо изни ила ҳажга бормоқдамиз,  
– деди карвонбоши, султон ёрлиғини кўрсатиб. – Тегинсангиз жазолангайсиз!

– Карвонинг ўзингга буюрсин! – деди бири. – Мажидиддин деган киши қаерда?

– Ана у!

Мажидиддин карвоннинг ортроғида, эндигина туядан тушиб, увишган оёқ-қўлини ростлаб турган эди. Бояги суворий яқинлашиб келди-да:

– Мажидиддин сенмисан? – деб сўради.

– Ҳа, менман.

– Дўзахга равона бўл! – деди суворий, илжайиб. Сўнг кўз илғамас тезлик билан елкасидаги узун сопли болтасини чиқариб, Мажидиддиннинг бўйнига урди. Ихраб йиқилган собиқ вазирнинг белига келиб тушган иккинчи зарба унинг умурткасини чўрт узиб юборди, шу билан Мажидиддин ҳаёти ниҳоя топди.

Қароқчилар бошқа ҳеч кимга тегишмади, тун қоронғисида кўздан ғойиб бўлишди. Карвонбоши инсофли киши эди, хизматчиларга айтиб, ўша ердан бир гўр қазирди, номига жаноза ўқиб, дафн қилиб юборишди.

Шундан сўнг карвон ҳаж сафарида давом этди.

Бу ишлар сўнгида биргина Қора Мўғулнинг жони омон қолди. Бу дағал, кўрс навкарнинг бор бисоти тафтиш қилинса-да, ҳеч нима топилмади. Мўғул ҳақиқатан ҳам бир нима тўпламаган, уйда тўшаги-ю қиличидан бўлак бисоти йўқ экан. Тафтишлар сўнгида ўйлана-ўйлана, “Бор-йўғи бир навкар-ку, унда айб не қилсин” дея ҳибсдан бўшатиб, Пули Нав ўрдугоҳига қора черикка юборақолишди.

### ***САДДИ ИСКАНДАРИЙ***

Астрободдаги ҳаёт бир оз тартибга тушди, бироқ, Навоийнинг кўнгли шод эмас эди.

Бир куни дўстлари Бобо Али, Хожа Абдулло, Хожа Давлатободий ва яна бир қанча кишилар билан Астробод четидаги Искандар Зулқарнайн курдирган Садди Искандарий деворини кўргани отланишди.

Қизғиш сотупроқдан кўтарилган девор ўз ҳайбатини йўқотмаган, аммо кўп жойлари нураб кетган экан. Қачонлардир, ҳақ йўлидаги зафарлар асносида, диёнатсиз кофирлар гала-гала бўлиб ёпирилиб келмаслиги, гуллаб-яшнаган масканларни харобага айлантирмаслиги учун қурилган бу иншоотнинг қалинлиги икки от бўйи, ҳар ер-ҳар ерида ўқчи мезаналари қад ростлаган бўлиб, муаззамлиги ва олис ўтмиш воқеаларидан хабар бериши билан ҳайратли эди.

– Амиримиз султон ҳазратлари билан маслаҳатлашиб, ушбу деворни таъмирлашга жазм қилсалар, улуғ иш бўлур эди, – деди Хожа Давлатободий.

– Камида ўн йил тикланган бўлгайдир... – деди Навоий хаёлчан. – Хийла узун чиқар?

– Ўттиз йиғоч экан, отда уч кун юрилгай эмиш.

– Хайр, – деди Алишер Навоий. – Искандар буйруғи ила тикланмиш эса, шундоқ қолаберсин. Кейинги авлодларга у зотнинг улуғлигидан далолат бериб турсин. Қолаверса, бундан ҳам мустаҳкам девор мўминларнинг қалбида бўлмоғи энг дурустидир.

Алишер Навоий бу сўзларни “Хамса”даги “Садди Искандарий”га ишора қилиб айтганини барча тушуниб турарди. Шундан сўнг улуғ Амир Астробод халқининг тилларида дoston бўлган сўзини айтди:

– Хуросонда энди Искандар деворига сира ҳожат йўқ. Бундан бу ёғига замонанинг Искандари султон Ҳусайн Мирзонинг ўзларидирлар!

Кишилар бу сўзни маъқуллашди, бироқ, Навоийнинг чехраси яна очилмади.

Бунинг сабаби Астробод иқлими унинг сиҳатига ёмон таъсир қилганида эди. Оёқ бўғимларидаги оғриқлар энди бошқа бўғимларга ҳам ўтди, бунинг устига меъда ва бош оғриқлари бошланди. Астробод табибларининг даволари эса, ҳар қанча уринишларга қарамай, кор қилмади.

Бу орада куз келди. Дим ва иссиқ бўлишига қарамай, самода қушлар гала-гала бўлиб жанубга йўл оларди. У қушларнинг таври ажаб эди. Бир-икки кун чуғур-чуғур қилиб бир-бирларига парвоз дарагини беришар, тўда-тўда учиб кўнишарди-ю, бироқ сафар бошланақолмасди. Сўнг худди уларгагина аён бир ҳукми илоҳий ила, кўзга кўринмас бир қудрат чорлагани каби тўсатдан қанот қоқиб, қичқира-қичқира ёппасига учиб кетишарди. Айтишларича, денгиз махлуқлари ҳам шу сингари тўп-тўп бўлиб қайларгадир йўл олармиш. Соҳилга яқин жойлардаги кишилар буни мароқ билан сўзлаб беришар, кўч даври бошланганидаги бемисл овлардан гапиришарди.



Астробод кузида дафна, норинж оғочлари ям-яшил тураверар, аммо хурмолар сарғаяр, анорлару ноклар, олмалар бири қизил, бири сариқ етилиб, олтинга бурканар, қизил, сориг, яшил тўфони шу масканларда ҳам жўш урарди. Ҳатто бир куни денгиз қизғиш тусга киргани кўрилибди, у қизиллик анча вақтгача кетмабди. Сабаби сув тубида бўладиган ғоят майда ўтлар экан. У ўтлар айна маҳал ўзидан кўзга зўрға кўринадиган уруғларини шу қадар кўп сочармишки, уммон қизил тус олармиш.

Фалакнинг бу ажойиботлари Навоийнинг қалбини юпатмас, қалби жонажон Ҳирийни кўмсарди.

Бир куни тонг чоғида шамол эсиб, ёмғир шаррос қуйди, кўчалар сувга тўлиб-тошди. Бир-икки соат ўтиб-ўтмай булутлар тарқалиб, куёш чарақлади. Шунча сувнинг қайга кетгани ажаб эди. Бирпасда теварак исиб, ерлар қуриди. Пешиндан сўнг эса Қум тарафдан совуқ шамол эсди, изғирин шунчалар эдики, тўн киймай илож қолмади. Шу кун девон мажлиси тайин қилинган эди. Кимдир табиатнинг бундай ўйинларидан гапириб:

– Бизнинг Астробод шундоқ, бир кунида тўрт фаслни кўра оласиз, – деган эди, Алишер Навоий:

– Шу сабабдан ҳам бу ерда бир кун бир йилдек ўтар экан-да? – деди ўткир тил билан. Бунга барча кулиб юборди. Зукко ва ҳозиржавоб амирнинг юз-кўзи кулиб турса ҳам, юрак ичида бошқа ғалаёнлар содир бўлаётгани шундан сезилди.

Бошқа бир кун истироҳат учун денгиз ёқасига боришга қарор қилинди.

Денгиз Астрободдан етти фарсах масофада эди. Кета-кетгунча харсанг уйлар, тош ётқизилган кўчалардан, узумзор ва хурмозорлардан ўтиб борилди.

Янада бир оз юрилгач, қаршидан келаётган нам шамол кучайиб, шўр исини димокқа ураверди.

Қумли соҳилда бир қанча киши оёқларига тош бойлашаётган экан. Хожа Давлатободий:

– Булар садаф ва марварид овчиларидирлар, – деб изоҳ берди. – Ўн беш-йигирма қулоч чуқурликда марварид чиғаноқлари не сабабдандир шу ерга

ўрмалаб келурлар. Марварид овчилари қўлтиқларига кичик мешда ҳаво олиб, оёқларига тош бойлаб шўнғиб, чиғаноқларни олиб чиқурлар.

Сўнг тошлоқ ерда ётган бир чиғаноқ парчасини олиб, ичини очиб кўрсатди-да, садаф қай тарз бино бўлишини сўзлаб берди:

– Қаранг, эгаси йўқтур. Аллақачон уйини ташлаб чиқиб кетибдир. Чиғаноқнинг эти юмшоқ, сезувчан бўлгай. Денгиз тубида умр кечирар экан, эт орасига бир қум донаси кириб қолиб, озор бергай. Шунда чиғаноқ уни ўз вужудидан ажралиб чиқадиган суюқлик билан қоплагай, у суюқлик қотиб, садафга ёхуд марваридга айлангай. Қоплагани сайин озори ортавергай. Тавридан фарқлаб бўлмаса-да, Тангрининг қудрати ила бирида марварид, бирида садаф пайдо бўлгай.

Навоий кулимсиради:

– Инсон ҳам шундайдир, – деди у. – Бир зарраи дард қалбига киргай, ранжу озор чеккай, вақти келиб у қалб ичига қарасангиз ё садаф, ё дур кўргайсиз.

Шундан сўнг Хожа Давлатободий кемаларни шарҳлаб берди.

– Балиқчи кемаси бир елканли, олисга сузолмайдиган, япасқи бўлур. Юк кемаси уч елканли, икки қават ёғочдан ясалгай. Ёғочларни бириктиришда темир қўлланмагайлар. Сабаби, тўфонларда сийрилиб чиқиб кетмасин дея. Ҳинд ёнғоғи оғочининг илдизини ура-ура арқон ўрилгай, у шўр сувда намланмагай. Ана ўша арқон билан боғлангай. Кема сиртига балиқ ёғи сурилгай, токи уммон ваҳшийлари уни улкан балиқ деб ўйласинлар...

Сокин тўлқинланиб турган денгиз, унда ҳаёт кечирмоғи ирода қилинган сон-саноксиз жонзотлари ила тимсолий маъноларга айланмоқда эди. Шўр шамол тўнларни, салла печларини юлқилаб, сувларни тўлқинлантириб, кемаларни суриб борар экан, оқ чағалайларнинг чағиллаб учишлари неларнидир ёдга солар, уммон гўё “Унинг фазлидан талаб қилишингиз учун сувни ёриб кетаётган кемаларни кўрурсиз. Шоядки, шукр қилсангиз!” деб шовулларди.

Бир канча вақт соҳилда қолдилар. Сўнг кентга қайтилгач, ҳар ким хайрлашиб, ўз масканига кетди.

Бу кўрилганлар Алишер Навоийга ушбу мисраларни ҳадя этди.

*Ҳар қачонким кемага ул ой сафар рахтин солур,  
Мавжлиг дарё каби ошуфта кўнглим кўзголур.*

Буни ўқиган ёки эшитган ҳар ким диққат қулоғини шу ғазалга жамлар эди:

*Йиглама, эй кўз, недин соҳилга чиқмас кема деб,  
Ким ёшинг дарёсидур ҳар сориким эл кўз солур.*

*Титрабон сиймобдек кўнглим, етар жон оззима,  
Тунд ел таҳриқидин ҳар дамки дарё чайқолур.*

*Сабр кўнгулда, кўнгил ул ойда, ул ой кемада,  
Ваҳки бориб, термулиб кўз, мунграйиб жоним қолур.*

*Дам тугилгандин ўлар элдек етибман ўлгали,  
Сурмасин деб кемасин, баским, нафаслар асролур.*

*Кирма савдо баҳрига оламдан истаб судким,  
Сийм нақди тушса, лекин умр нақди сийголур.*

*Ғарқ етар баҳри фано гам заврақин, эй пири дайр,  
Илгига чунким Навоий бода киштисин олур.*

Форслар дарё, араблар баҳр деб атайдиган бу денгиз унинг умр ва маъни мулкида абётга шу тарз кўчиб, мангуликка муҳрланиб қолди. Эй биродар, бу

олам уммонида сен ҳам ўзингни йўқ деб билақол, ахир, фано денгизи ғам-алам кемасини аёвсиз ғарқ қилиб юборади. Шу сабабли барча оқиллар қилган ишни қил, қўлингга бода киштисини ол, чунки оддий денгизни ҳам, шодлик ва дард-алам уммонини ҳам, нажот кемасини ҳам У яратгандир!

\* \* \*

Астрободнинг нафасларни сикадиган, вужуд намини сўриб оладиган жазирама ёзи тугаб, ғаройиб дарахтлари қизара бошлаганида Алишер Навоий султон марҳаматини ўтиниб мактуб битди.

Мактуб, одобга кўра байт ила бошланган эди:

*Ваҳки, ҳажринг ўти жисми нотавоним ўртади,  
Нотавон жисмимга тушган шуъла жоним ўртади.*

**Кўпдин-кўп дуо ва саломдин сўнгра арзим шуки, бу фақир Хуросонда эканимда ҳам сиздин айру эдим, эндиким, Астрободдамен. Фироқ жиҳатидан иккаласи бирдур, нечунким:**

*Бировки ёрдин айру эрур: асири фироқ,  
Арода хоҳ яқин тут йўлини, хоҳ йироқ.*

Токи бу ерда эканман, баданимга фироқ ўтининг ҳарорати ва кўнгилда иштиёқ суҳбатининг изтиробини кўпроқ бўладир. Сабаб шуки, у ерда эканимда васлингиз давлатига етишмоқ ва сиз билан мулоқотда бўлиб турмоқ саодати мумкинроқ эди. Аммо бундай ҳисоб узоқни кўра олувчи ва чуқур мушоҳада қилувчи ақл тарозусига мос эмас.

*Яна бир ҳисоби дағи бордур,  
Ки ақлу хирад анда нокордур.*

*Эрур сирридин ақли кулл беҳабар,*

*Ким отини дерлар қазоу қадар.*

*Не иш бўлса беҳадду имкон баче,*

*Эрур ул ҳисоб ичра осон баче.*

Умид шуки, Ҳақ субҳонаху ва таоло кўнгулга келмаган восита ва хаёлдан кечмаган сабаб билан мулоқот ҳузурини ва васл сурурини насиб қилгай.

Юборган номангизда битибсизки, “Биз томонга бирон киши юбормадингиз”, деб. Бунинг сабаби шу бўлдики, юборган кишимиз хануз қайтиб келмайди ва олиб борган хатига хануз жавоб келтирмайди.

Яна илтимос шуки, ўз соғлигингизга эътиборни яхши қилингизки, сихат неъматига ҳеч нимани тенглаштириб бўлмас ва ишингизда эҳтиёткорликни унутмангки, нохуш иш воқеъ бўлса, кейинги пушаймонликдан фойда йўқ. Ҳеч вақт кўнгулни Тангри таоло ёдидин холи қилманг ва мусулмонлар арзу додидан ғофил қолманг.

Дўстлар фикридину душманлар макридин бепарволиғ жоиз эмас ва бу иш афсус-надоматдан ўзга натижа бермас.

Подшоҳ давлат ишларини барча ишлардан юқори тутмоғи вожибдир. Тангри таоло амрини ундин ҳам юқори кўрмоқ фарздир.

Сизга бу сўзларни айтмоққа эҳтиёж эрмас, аммо айтмоқдан нуқсон ҳам йўқлиги сабабли шунча сўзга мусаддеъ бўлулди.

*Улким, фироқ мулкида қилмиш мени гариб,*

*Ҳам ул висол давлатини айлагай насиб.*

Шундан сўнг, мактубга ниҳоятда гўзал ва маънос бир ғазал илова қилинган эди:

*То муҳаббат дашти бепоеънида оворамен,*

*Ҳар балият келса ишқ ошубидин бечорамен,*

*Эл нетиб топқай мениким мен ўзумни топманом,  
Буйлаким ишқу жуунун сахросида оворамен.*

*Қайси захмимга қилурсен чора чун мен, эй рафиқ,  
Тийр борони балиятдин саросар ёрамен.*

*Оҳ дуди ичра бир учқун кеби кўрган мени,  
Билдиким ҳижрон тунига кавкаби сайёра мен.*

*Кеча ўртансам, сахар фарёд қилсам, не ажаб,  
Ишқ аро парвонаву булбулга чун ҳамкорамен.*

*Эй харобот аҳли, гар сиз маст ўлуб, мен бўлмасам,  
Айб эмас, невчунки сиз майхора, мен хунхорамен.*

*Эй Навоий, борди деб аҳбоб таъжил этма кўп,  
Ит киби мен эришиб ул корвонни борамен...*

\* \* \*

Султон Ҳусайн Форёбдан жуда чарчаб қайтди. Навоий мактуби шу маҳалда қўлига етди.

Икки дўст – шеъриятга ошно султон ва султонга ошно шоир... Соғинч ва садоқат, донолик ва бадиият уфуриб турган бу битикларни Султон Ҳусайн юраги эзилиб-эзилиб ўқиди. Соф қалбли, нур юзли дўстини бениҳоя соғинганини ҳис қилди. То Навоий бор экан, Астробод тинч-фаровон тургай деган фикридан қайтиб, унинг Ҳирийга қайтишига изн берди.

Зеро, султоннинг ҳам умр куёши пешин қутбидан ўтиб шом сари юмалаган, ҳар икки дўст умрнинг донишмандлик палласига қадам қўйишган эди.

Алишер Навоийнинг Ҳиротга қайтишига рухсат берилгач, бу ҳақда Султон Ёқуббекка мактуб битилди, унда шоирнинг миннатдорлик сўзлари ўрин олди. Ёқуббек мактубни ўқигач, хомуш тортди. Хаёлида яна Хуросон орзуси мавж ураркан, Навоий мактубини зарҳалга ўраб хазинага элтишларини буюрди. Шу тарз, ушбу қийматли мактуб унинг номига Рум, Фаранг, Ускуф қироллари битган мактублар сақланадиган махсус бўлмага – султоннинг хос хазинасига авайлаб жойлаб қўйилди.

Хуросонда ҳам унинг мактублари хазинада эҳтиётлаб сақланарди. Сўнгги ғазални эса Султон Ҳусайн хазинага топширмади, балки ашрафхона деворига ошишларини буюрди. Юксак бадиият тимсоли бўлмиш у ғазал яна анча вақт султон кўзи олдида турди.

### ***АСР ИЗТИРОБИ, ШОМ ҚАЙҒУСИ***

Алишер Навоий Астробод уламози, фузалоси ва умароси ила видолашиб, Ҳирий сари юзланди.

– Шунча ҳурмат, обрў-эътиборни рад қилиб, нечун Ҳиротга қайтишни ихтиёр қилибдилар? – дейишарди Астробод фозиллари. – Ахир, у зотни хирийликлардан зиёда иззат қилмадикми? Девонга ҳам, у кишининг боғу боғчаларига ҳам атай яхчоллар қазилмадимми, ҳар қадамларига фавворалар қурилмадимми? Астрободнинг энг ҳурматли кишилари хизматига етти букилиб турмадимми? Минг афсус...

– Астробод иқлими у кишидаги хилт маразини зиёда қилибди. Саломатликлари ёмонлашиб, ўзлари айтганларидек, ўргимчак ипига оёғи илашса йиқиладиган ҳолга келибдилар.

– Сўзларингиз тўғри, лекин Ҳирий азиматининг сабаби мутлақо бошқа, – деди аъёнлардан Хожа Давлатободий. Навоийнинг Ҳиротга қайтишидан айниқса шу киши кўп ғамгин эди. – Астрободда у зот билан ҳамсуҳбат бўла оладиган биронта киши йўқ! Ҳазрат ўзларининг олий хулқлари боис бошқаларга билдирмасалар ҳам, бундан қаттиқ изтироб чекардилар. Ҳайҳот,

шаҳримиз ўз дур-жавоҳирлари билан эмас, олимлари билан шуҳрат қозонса эди! Афсуски, Астробод бу борада Машҳад-у Ҳиротдан анча ортдадир.

Навоий қарвони Ҳирийга қайтар экан, яна Нишопур ва Машҳад йўлидан юрилди. Йўл узра Фаридиддин Аттор, Имом Ризо ва унинг шоғирдлари Қози Мурод, Қози Робий, Қози Абусалт қабрлари зиёрат қилинди.

Босиб ўтилган йўл узра дов-дарахт, ўт-ўланлар куз маҳсулини кўз-кўзлаб турарди. Боши эгилиб уруғларини сочиб юборган майсалар, полопонларини учирма қилган қушлар, болалаган хайвонлар – барчаси ҳали етиб келмаган, аммо келмоғи муқаррар қишга тайёргарлик кўрмоқда эдилар. Оламлар Парвардигори фаслларни алмаштириш билан, баҳор чоғи яна бир кун қайта тирилмоқ ҳикматига ишора қилмоқда, неъматларини тупроққа қайтадан киритиб юбориши билан ўз қудратини билдирмоқда, тоғу тошлар, дарё-ю денгизлар барчаси чанг зарраси каби кадр-қиймат касб этмаслигини кўрсатиб, шу билан тириклик оламидаги инсон болаларига гўё “Эй дунё аҳли! Ўлиш учун туғилдингиз, сизлар тиклаган иморатлар хароб бўлди. Барчангиз Роббингиз хузурида ҳисоб-китоб қилингайсиз!” деб хитоб қилмоқда эди гўё.

Ҳирийга етиб келишгач, ҳазратни кутиб олишга чиққан мулозимлар куршовида Боғи Жаҳоноро томон йўл олдилар. Султон Ҳусайн Навоийнинг келишига гиламлар солдириб, ҳар тарафни гуллар билан безаттирган эди. Дўстини у остонада кутиб олди. Астрободнинг рутубатли ҳавоси Навоийнинг силласини қуритган, вужуд қувватини сўриб, соғлигини ёмонлаштиргани учун асо тутиб юришга мажбур бўлиб қолган эди. Султон Ҳусайн унинг заиф гавдасини ва қўлидаги асони кўриб, деди:

– Пирим, бир замонлар қўлингизга қилич тутқазган, бироқ уни қаламга алмаштиришингизга рози бўлган эдик? Бу не ҳол?

Алишер Навоий жавоб қилди:

– Кўрингки, кексалик яқин келиб, фақирнинг ҳолига қараб кемшик оғзини очиб кулди ва қаламни олиб, ўрнига асо тутқазиб қўйди.



Султон Ҳусайн Навоий билан дийдорлашувдан беҳад шод эди. Навоий бу шодлик ортида султон ажойиб бир ишни кўзлаганини сезиб турар, бироқ у ишнинг не эканини билмасди. Улар анча вақт Астробод ишларидан сўзлашиб ўтиришди. Султон Ҳусайн Астрободга Бадиуззамон Мирзони юборишни кўзлаган экан, дўстидан шахзода билан сўзлашиб, у ўлкадаги сиёсат нозикликларини бирма-бир аён қилишини сўради.

Шундан сўнг бу икки дўст орасида шундай ғаройиб бир суҳбат бўлиб ўтдики, давр фозиллари у суҳбат мазмунидан орадан икки йил ўтгачгина хабар топишди.

– Сизга бир арзимиз бор, – деди Султон Ҳусайн ва эшик ортида турган эшикбонларга қарата: – Қопқаларни ёпингиз! – деган эди, эшик олдида турган икки кул ўша заҳоти тавақаларни шовкин чиқармасдан ташқаридан беркитишди.

Орадан ярим соатча вақт ўтгач, султоннинг ўзи эшикни очганида, Алишер Навоийнинг ҳам юз-кўзи кулар эди.

Султон Ҳусайн унинг Ҳирийга қайтиши шарафига тўрт хил шоҳона пўстин ва бўрк ҳозирлатган, бир амир ва уч мулозим уларни қўлларида тутиб туришарди.

– Буларнинг ҳар бири бир мамлакатни тимсол қилса не ажаб? – деб жилмайди Султон Ҳусайн. – Яъни, Мовароуннаҳру Хуросон, Ироқ ва Рум. У иш битса, буларнинг ҳар бирининг бағри тоба-тоба олтин-кумуш, дуржавоҳир ила тўлдирилиб, барчаси қаламингиз пойига сочилгайдир. Аллоҳ муваффақ айласин!

– Тангри таоло Сулаймон алайҳиссаломга ғалаба ато этгач, унинг салтанатидаги қумурсқа ҳам саодатга эришди, – деб жавоб қилди Алишер Навоий унга. Сўнг “Аллоҳ осмондан сув тушириб, у ила ерни ўлимидан кейин тирилтирди” оятини ўқиди. Бу – хижратда қакраган кўнгил тупроғига Султон Ҳусайннинг марҳамати ёмғир бўлиб ёғиб, қайта тирилтиргандек бўлганига ишора эди.

Дўстлар хайрлашишди. Кузги Ҳирий осмони тўқ нилий тусда, оғочларнинг япроқлари бири олтин, бири сарик тус олибди. Баъзиларининг эса ҳали яшиллиги кетмаган, куз бўёқчиси теваракни мохир рассом каби турли ранглар билан анвойи қилиб безаб қўйибди. Бироқ, бу гўзалликка яна бир нохуш ҳолат – ота каби кадрдон ва бузрук пир Абдурахмон Жомийнинг дардга чалиниб, тўшакка ётиб қолгани соя солиб турарди. Саройдан чиққач, Навоий “Унсия” га эмас, Жомий боғи томон йўл олди.

Ҳирий фозиллари орасида шундай одат бўлиб, киши кексайгач, ўзи қалбига яқин тутган пир ёки шайх дафн қилинган жой атрофига кўчиб бориб, сўнгги нафасга қадар ўша ерда умр кечиришарди. Маликул-калом Абдурахмон Жомий ҳам улуғ шайх Саъдиддин Кошғарий мозори ёнида курдирган боғида истиқомат қиларди. Унинг хасталиги дарагини эшитган тумонат одам ҳар куни ҳол сўрмоққа келар, ҳозир ҳам кишилар Жомий боғининг дарбозаси ёнида тўпланиб туришарди.

Навоийни кўришгани заҳоти унга йўл очдилар. Навоий асосига таян-таяна, Жомий ётган меҳмонхонага кирди.

Зотурриё<sup>1</sup> кўққис зўрайиб, кекса шоирни тўшакка йиқитган, ҳозир у аранг нафас олар, лаблари ва кўз-қабоқ ости қорайган, бурни ғалати тарзда тиккайиб, кулоқ солинчоқлари осилиб қолган эди. Ёнидаги хизматчи муз ўралган матони дам-бадам манглайига кўяр, табиб Абдулҳай тирёки аралаштирилган маъжундан оз-оз ичириб турарди.

– Зотурриё шиддатли келди, – деди табиб Абдулҳай. – Худо кўрсатмасин, ишқилиб, олиб кетмасин.

Навоий унга жавоб қилмай, устоз бошига эгилди.

Пир шу ҳолатида устига кимдир келганини сезди, қабоқларини аранг очиб, бир муддат таниб-таниёлмай турди-да, сўнг юзига хиёл табассум югурди.

– Алишербек... – қонсиз лаблардан шу сўзлар учди.

– Пирим! – деди Алишер Навоий унинг елкасини қўлини қўйиб.

---

<sup>1</sup>Зотурриё – зотилжам, ўпканинг яллиғланиши касаллиги.

Жомийнинг дудоклари титрар, буришиқ кўллари Алишер кўлини мажолсиз изларди. Ниҳоят топиб, заифона тутиб тураркан, шивирлади:

– Фақирдан... рози бўлгайсиз! Ҳаққингизни... ҳалол айлагайсиз!

Улуғ шеър куёши сўнмоқда эди.

– Минг бора розиман! – деди Алишер Навоий, устозини бағрига босиб, тириш юзини, қош-кўзларини авайлаб сийпаб. – Иншоллоҳ, Тангрим шифо берсин...

Сўнг устоз хануз кўлини кўйиб юбормай турганидан муддаосини англаб:

– Сиз ҳам ҳаққингизни ҳалол айланг, устоз! – деди овози титраб.

– Ҳалол... бўлгай... – деб шивирлади мавлоно, бошини ўғли томонга хиёл буриб. Зиёвуддин тоқчадаги ўрам қоғозни олиб, Навоийга тутди:

– Қиблагоҳ бу номани сиз сафарда чоғингиз ёзиб эдилар. Сизни кўп йўқладилар, муштоқ бўлиб йўлингизга кўп кўз тикдилар.

Жомийнинг бармоқлари шогирди кўлини кўйиб юборди, ўзи бир текис нафас ола бошлади. Табиб яқинроқ келиб:

– Бир оз тин олсинлар, – деди. – Икки оғиз сўз айтиш ҳам ҳолдан тойдиргайдир.

Навоий яна бир оз ўтирди-да, сўнг:

– Мен тонг сахар яна келгайман, – деб дуо қилиб ташқарига чиқиб, қоғозни очди.

Улуғ донишманд унинг шаънига меҳру муҳаббат билан шундай сўзларни битган эди:

**“Сен, эй Жомий, умр бўйи машаққат тортиб, кўнглингдан шу беш ганжни дунёга чиқардинг. Сенинг бу «Беш»инг шундай кучли панжа бўлдики, дарёкафлар кўли буралиб кетди... Бироқ, ҳар хазина ўлчови қаламидан бу ўтар дунё «Беш хазина» билан бойигандир. У «Беш»ликларга сенинг «Беш»инг қачон тенглашади? Уларнинг бир хазинаси сенинг юз хазинангдан яхшидир. Хусусан, у панжаки, ганжадан сарпанжа урганга шер каби ўз сарпанжасини урди, туркийда бир ажойиб кўшиқ куйладик, жодунафаслилар оғзи муҳрланди. Бу қаламга**

**фалакдан офаринлар ёғилсин! Чунки бу ёқимли нақшни ўша қалам яратди ва форсий тил эгаларига, форсча назм дурларини тузувчиларга раҳм қилди: у ҳам форсий тилда ёзганида, бошқаларга сўз айтишга мажол қолмасди. Бу мўъжизакор назм тарозиси қаршисида Низомий ким-у, Хисрав ким бўлди?”**

Афсуски, меҳр куёши Абдурахмон Жомий билан қайта кўришиш насиб бўлмади. Субҳ маҳали мурувват ва футувват қутби мавлоно Жомий Ҳақ раҳматига қовушгани хабари келди. Фасллар Азроили жонларни бирин-кетин суғурар экан, унга навбат келганида гўё “Эй хотиржам-сокин жон! Сен рози бўлган ва рози бўлинган ҳолингда жаннатга кир” дея хитоб қилди. Умрининг азиз онлари ўтган Ҳирий узра унинг жонини кўкларга олиб учди.

Жомий жанозасида Навоий кўз ёшларини тия олмасди. Яқинлар бирин-кетин абадий манзилгоҳларига жўнамоқда эдилар. Умр ҳам гўё бир сафар, қиш изғирини вужудларни қақшатгани каби, ўлим совуғи ҳам жонларни қақшатар, тириклар вужудини озорлар, яқинлару устозлар бошига келган бу тақдир аро киши ўғли барибирам ёлғиз қолгувчи эканини яна бир карра уқтирмақда эди. Бир қанча йил аввал Мовароуннахрнинг энг улуғ олими Хўжа Аҳрор валийнинг, ортидан кетма-кет Фазлуллоҳ Абулайс ўлимининг хабари келган, фалак чархининг бу таври ҳайбат ва қўрқинч уйғотар экан, тирикларга “Шошилининг, қилар ишингизни қилиб, айтар сўзингизни айтиб қолинг!” деяётгандай эди.

Бу оғир мусибат бўлди, зеро, олимнинг вафоти айрилиқларнинг энг ёмонидир. Жаҳонга унинг каби донишманд яна келгайми экан? Олтину кумушлар тупроқ кабидир, уларни ер юзининг исталган жойидан супуриб-тўплаб келса бўлур, бироқ бундай бетакрор зотлар сира қайтиб келмаслар. Буни ҳар ким яхши англади. Султон Ҳусайн ҳам Навоийнинг изтиробини кўриб-билиб турарди. У Ҳирий тепасида мавлоно ҳаққи-ҳурматига улуғ бир мақбара қуришни буюрди ва мисли кўрилмаган фармон имзолади – Ҳиротда бир йил мотам эълон қилди.

## *ХАЗОЙИНУ-Л-МАОНИЙ*

Орадан икки йил ўтди. Ҳирий дейилган шўрпешана нозанин бошига яна кора булутлар тўплана бошлади.

Султон Ҳусайн салтанат ишларини вазирлару амирларга топшириб, ўзи ором истаб узлатга чекинар экан, дунё хирсига ружу кўйган кимсалар салтанатни ҳар кўйга солмоққа бошладилар. Ҳар қайси салтанатда шундай хавф бўлмай. Ҳою хавас, бойлигу мартаба илинжидаги каслар зебу зийнатларга бурканиш орзусида салтанат теграсида уймалашурлар. Тоza юракли, садоқатли кишиларни султон эътиборидан олислаштирурларки, виждон саси қулоғига етмасин дея. Алишер Навоий султоннинг виждони эса, у виждон овозини мангу ўчирмоқ ва султондан абадиян жудо айламоқ лозим.

Абдурахмон Жомийнинг мангуликка рихлати, салтанатдаги низо ва фитналар шоир юрагини ўртаб юборган эди. Ҳирий мамоликида мисли кўрилмаган бойлик таназзули бошланган, бир қарашда салтанатда фаровонлик ҳукм сураётгандай кўринса-да, аслида жаҳолат шоми кўнмоқда эди. Нафис йиғинлар барҳам топди. Ҳусайн Мирзонинг кўнгли энди ҳеч нимани тиламас, баъзи ҳолларда ёлғиз Алишер Навоийга суянарди, холос. Лекин Навоий ҳам узлатга чекинди, шоҳ саройидаги машваратлару муҳокамаларга кўшилмай кўйди. Ҳар нарсани назардан қочирмайдиган кишилар яна “Юксак мажлисларда қатнашмаётганига қараганда, султоннинг Навоийдан кўнгли қолганга ўхшайди” деб башоратлар қила бошлашди. Бироқ, бу ишнинг ҳақиқати ёлғиз Навоийга-ю султон Ҳусайннинг ўзигагина аён эди.

Тоғ бошига қор кўнгани каби, бошлар оппоқ қиш чаманзорларига бурканар экан, тақдир гўё “Идрок қил! Ҳатто сочинг ҳам ўзини ўзгартирмоқда” деб хайқирарди. Бир пайтлар қалин ва қайсар бўлган сочлар сийраклашди. Сочлар не экан, қошлар ҳам айни қисматга дучор бўлди. Ҳа, вужуд батамом ўзгарди! Ҳирсу хавас маразлари пок имон уйида қай тарз бузғунчиликлар қилишини кўрсатар каби, тақдир ҳукмдори вужудга ҳам беморлик маразларини сочиб юборди:

*Менки эллик йил чекиб гам, топмадим хушвақтлиг,  
Топгаменму умринг эмдики ўтмиш хушироғи...*

Мавлоно Соҳиб Доро имкон топди дегунча “Унсия”га чопар, Навоий холидан тез-тез хабар олар эди. Боиси, кексалик чоғида юзлашган беморлик ипи ипдай нозик бўлиб қолган танага печакдай чирмашган, на тонгдан оқшомгача бир туз тотар, на оқшомдан тонггача бир дам кўз юмар, гоҳ иситма оловида ёнар, гоҳ дард совуғида музлаб титрарди. Табиб мавлоно Абдулҳай билан мавлоно Риёзий ҳазрат қошида парвона эдилар. Султон Ҳусайннинг буйруғи билан Чинга қатнайдиган карвонлардан бирига турли маъжунлар олиб келиш тайинланган эди, бироқ, у маъжунлар ҳам кор қилмади. Навоийнинг хаста эканидан хабар топган Ҳирот уламози ва фузалоси ҳол-аҳвол сўраб келишар ва хомушланиб, хаққиға дуолар қилиб қайтиб кетишарди.

\* \* \*

Орадан икки йил ўтди.

Икки йилдан сўнг, бир ажойиб кунда саройга келган аъёнлар шоҳ қабулхонасига настаълиқда гўзал хат ила битилган битик осиб қўйилганига шоҳид бўлишди. Султон Ҳусайн шод, юз-кўзи кулар, барчага ўша битикларни ўқишни буюрарди. Кишилар тўп-тўп бўлишиб, ёзувлар бағридаги маъноларнинг мағзини чақишга уринишарди. Бу – Алишер Навоийнинг султон Ҳусайн шаънига битган миннатдорлик сўзлари бўлиб, унда Тангри таолога ҳамду санодан сўнг, шундай дейилган эди.

**“Аммо баъд сўз байт ул-ҳарамининг саҳро кезувчиси ва назм шоҳбайгининг зеб берувчиси, фақирларнинг ҳақири Алишер, лақаби Навоий, – Тангри унинг гуноҳларини кечирсин ва айбларини беркитсин, – андоқ арз қилурким, бу хоксори паришонҳол кичик ёшимдан ўзумни шеърнинг паришон савдосига гирифтор бўлганимни-ю болалик**

замонидин бери кўнглимни назмнинг пароканда васвасига ошуфта бўлганини ва аввалги шоирларнинг маликул-каломлари дастури билан жамлаб, тартибга келтиришга киришиб, ҳар навъ шеърга зебу зийнат ва оройишу тартиб берганимнинг кайфиятини аввалги девоним мундарижасида, «Бадойиъ ул-бидоя»да шарҳ билан арз қилиб эдим. Ундан кейин, яна у жамъ-у тартибдан сўнг бошқа бир тахмин билан бошқа шеърлар айтилиб, ҳар хил ғазаллар йиғилиб қолган эди, хаёл кечасининг порлоқ юлдузларини-ю кўнгил хазинасининг ёрқин гавҳарларини иккинчи девонимга киритиб, номини “Наводиру-ниҳоя” деб атадим, эл аро машҳурдир.

Интизом ва тартиб бериб, дебочасида азиз суҳбатдошлару буюк зотларнинг хузурларида арз қилдим.

Ундан кейин хаёлимга келар ва кўнглимда айланар эдики:

*Шоирлиг ила шуҳра қилиб отимни,  
Зойеъ қилдим шеър ила авқотимни.  
Энди тузайин Тенгрига то отимни,  
Кўп элга мушавваш этмай абётимни.*

*Эллик била олтмишқа етти қадамим,  
Не маъноким, бўлмади эркин рақамим,  
Не турфаки, сабт этмади эркин қаламим,  
Ким, йўқ биридин хотир аро жуз аламим.*

Агарчи бу тасвир топган икки девон тартибида ва ёзишга киришилган икки дафтарни жамлашда ҳам бу номурод хоксорни ўзида ихтиёр йўқ эди. Нима учунки, шоҳона ҳукмлару эҳсону таҳсинлар ва хоқоний амрлару таълиму талқинлар билан эди.

...Бу янглиғ осмондек зийнатланган даргоҳдан ва бу янглиғ аршсурат саройдан таъсирли хитобу ҳайратли ҳукм етишди. Мазмуни шуки, эй

қадимий хос мулозимимиз ва синашта хос биродаримиз, аввалги икки девонким, бизнинг ҳукмимиз билан тартибга келтирдинг ва барча қисмларини бизнинг маслаҳатимиз ва таълимимиз билан тузатдингким, бирининг ишқдан дарак берувчи шеърларидан бу кўхна дунёнинг баланд гумбазида ошиқларнинг ғавғолари эшитилади ва иккинчисининг шавқли ғазалларидан бу кўхна кўк гумбази равоқида муҳаббат аҳлининг шовкин-суронлари келади. Ундан кейин йиғилган шеърларнинг назм ипига тортилган йирик дурлари адади аввалги девонлардан ортиқдир ва бу латофатсифат яхшилар ва малоҳатли маҳбублар билан яна икки девон тартиб берса бўлиши маълум бўлди. Шундай дилга ёқимли ишни нима қилиб бўлса ҳам удалагин ва бу машғулотдан фойдалироқ иш йўқдир.

Энди аълоси шулки, бу ажойиб ишга кўнгил боғлайсан ва балки ҳукм шу эрурким, бу ажойиб ҳукмга қалам сургайсану тафаккур хилватхонасида хаёлингни шўху раънолари билан базм тузгайсан ва токи осмон айланиб турар экан, инсон жинсининг хаёлига келмаган ажойиб нарсаларни ёзасан ва элга кўргузасан.

Ўзинг биласанки, назм саройининг хосларию шеър денгизининг ғаввослариким, руҳларга ором берувчи наволиғ нафасларидан замона базми тўлибди ва хаёл дарёсидан чиқарган қимматли гавҳарларидан даврон либоси жавохирлар билан безанибди. Ҳеч қайсиси сўз оламининг тўрт иқлимини ололмайди ва тўрт унсурдан пайдо бўлган инсон гуруҳини ҳеч қайсинисидан тўрт девон қолмагандир. Ўз асрида маънолар хазиначиси Амир Хусрав Дехлавий Султон Маликшоҳ Алп Арслон ўғлининг номига тўрт девон тартиб қилган дейдилар ва хотимасини унинг оти билан яқунлаган эмиш ва бу иши ўша замонни яхшию ёмонининг қулоғига етгандир ва бу сўзлар зикр қилинган бўлса ҳам, у тўрт девон номаълумдир ва исмлари бор бўлса ҳам, у девонларнинг ўзи йўқдир. Хаёлга келтириб, қоғозга туширмаганмикин ёки тилига кўчириб, тартибга келтирмаганмикин? “Хамса”сию барча



манзумалари ва китобу рисоалари ўз ҳолича мавжуддир, тўрт девони эса замон аҳлидан кетган меҳру вафо ва инсофу мурувват каби ғойиб бўлган.

Чун Оллоҳ сенга тавфиқ ва мадад берибди, бу мақсаднинг ҳеч кимга ато этмаган негизи йиғилибди. Хоҳлаймизки, фурсатни ғанимат билиб, бу муддао ҳосилига рағбат қилгайсан!

Бу ҳукм қулоғимга етишганидан кейин ожизлик ва хорлик ўтининг тутуни кўнглимдан димоғимга етишди, ҳукм қувватли эдию бажарувчи заиф ва амр бағоят катта эдию тобеълик қилувчи ниҳоятда озғин, ва титроқ баданимни ларзага солди ва ҳиссу хаёлим лашкари бир-биридан қўзғалди.

На узр айтишга журъатим бор ва қабул қилишга ҳафсалаю қувватим, агарчи узр айтиш ҳам ёқимли эмас, аммо ўз ожиз ҳолимни айтмасликнинг ҳам иложи йўқ эди.

*Дедимки, бу ишдаким, бўлурмен маъмур,  
Ҳар нечаким тутмасам ўзумни маъзур,  
Лек иштаки, аждаҳога келтургай зўр,  
Зўр эткай ўзига, истаса қилмоқ мўр.*

Ул қутлуғ зотнинг дунёни кўрсатувчи кўнгил ойнасида равшан кўринур ва у покиза кўнгилни жаҳонни безовчи қадаҳида равшану ошкорадурким, бу бандаи фақирга не ожизликлар шикаст бердию бу заррайи ҳақирга не саргардонликлар рўпара келди. Агарчи дардимга тузалиш умиди пайдо бўлибдир, таом билан шарбат ичилади ва ейилади, мисқол тарозуси билан тортилади ва тонгдан оқшомгача соат шишасига кўз тикиб ўтираман ва дардимга қувват имкони бўлса ҳам, аммо ҳануз хароба қошонамдан ташқари чиқишни хоҳласам, осилган ўргимчак иплари дастгирим бўлиб мадад бермагунча, тебранмоққа тобу тоқат ва ҳаракатга қудрат, балки имкон йўқдир. Юз фил тортолмаган юкни

пашша қандай торта олсин? Батаҳқиқ, ўзи мажруҳ бўлиб қолади. Чумоли минг шер қила олмаган ишни қандай қила олсин? Хусусан беморлигу саломатлик тариқидан айрилади.

*Аввал икки девонга чу қилдим разбат,  
Ҳам эрди йигитлик мададим, ҳам сихҳат,  
Бўлдум чу қарию хаста, йўқ ул қувват  
Кўргузгали андоқ нималарга журъат.*

Куллийроғи шуки, аввалги девонларни тартибга солишда Султони Соҳибқироннинг олий таъбининг ислоҳу ихтимомии беҳад ва ҳар қисмларида ўзгартириш ҳам киритган ва насиҳатлари ҳам беадад эканлиги жиҳатидан у ишлар поёнига етди ва бошланишидан охиригача тартибга солинди.

Бу заифлигу нотавонлигим вақтида ва ожизлигу заифлик ва саросима маҳалида Султон Соҳибқироннинг оламга оро берувчи хоҳиши, нурли кўнглининг таъсири гўёки олам мамлакатининг фатҳига азм қилгандек ва баъзи пайтда айшу шодонлик билан кўллари зар сочувчи ва баъзи пайтда тоату ибодат билан кўзларидан гавҳар янглиғ ёш тўкувчи бўлгани учун бу хашак дарёдек кўнглига кирмас-у, бу зарра қуёшдай кўнглида пайдо бўлмас. Ва Султони соҳибқироннинг ҳиммати юзидан саъй ҳаракатда таълими давомли бўлмаганида, бундай оғир иш рўёбга чиқмас, балки хаёлимдан кечирмоғим ҳам узрли бўлар эди.

Шундай ҳукм бўлганидан сўнг гоҳ-гоҳ ҳолимдан огоҳ бўлмаганида, лаҳза-лаҳза аҳволимдан хабар олиб турмаганида мен нима қила олар эдим? Чумоли Сулаймон алайҳиссаломнинг хаёлига келмаганида, таажжубу ҳайрат бўлмаган бўлар эди. Ва Хулқар юлдузи осмон сатҳида кўринмаса, қачон ҳайрату ҳайронлик бўларди?

Бу хоксор дилимдаги дардимни изҳору номуродликларимни ошкор қилдим ва хорлик тупроғига зулм билан йиқилдим. Иноят саройидан

садо келиб, хидоят корхонасидан нидо етишдики, кўнглингни чўктирма ва хаёлингга ҳар хил васвасларни келтирма, биз ҳар қандай ҳолатда ҳам сенинг ҳолингдан ғафлатда қолмаймиз. Аммо сен бизнинг бу холимиздан ғофилсан, сенинг ёдинг ҳаргиз зойил бўлолмайди ва бу маънолар сенинг кўнглингдан зойилдир. Шундайки, аввалги икки девонингни мукаммал бўлишида ҳам ҳеч ғафлатда қолмадик ва инояту раҳнамоликда ҳеч сусткашлик қилмадик, энди яна шу равиш билан, балки ундан ҳам ортиқроқ эътибор берилади ва ўша аввалги қонун билан, балки ундан ҳам афзалроқ ҳолингдан хабар олурмиз ва оз фурсатда мақсадинг ҳосил бўлгусидир.

Сенинг заиф ҳолингдан хабаримиз бор, шафқат ва бечорапарварлик билан қаерда қолсанг ёрдам қилинур ва шикаста ҳолинг бизга аёндир, марҳамату ғамхўрликлар билан ҳар қандай мушкулинг бўлса ҳал қилурмиз.

*Шаҳдин чу бу навъ лутфу эҳсон топтим,*

*Умид дағи беҳаду поён топтим,*

*Зулмат аро эрдим, оби ҳайвон топтим,*

*Йўқ-йўқки, ўлуб эрдим, янги жон топтим.*

Шундан сўнг кўнглимга ўзгача қувват кирди ва табъим яхшилик ва дадилликка мойил бўлдики, қаламимнинг тезлиги ва равонлиги ортиб, хаёлим булутидан чакмоқ чакқанида, ёмғир ўрнига гавҳарлар ёға бошлади.

Шоҳнинг қабул бармоғини кўзимга суртдим ва мақтовлар кўлини кўксимгаю жонпарвар сўзимга қўйдим ва кўнгил хилватгоҳини хавотир ғавғосидан халос қилдим ва васвасалар хужумидан покладим. Қаламим учини ўткир қилдим табъим оби ҳаётини оташсимон қилдим. Ва ўтган вақтларда айтилган матлаълар тонгини мақтаълар ниҳоясига пайваста

қилиб, хаёлда кечган паришон шеър гавҳарларини мукамаллик ипига тортмоқ билан зийнатлай бошладим.

*Кун бор эрдиким бир газалу икки газал,  
Бал уч газалу тўрт газал баъзи маҳал.  
Маҳвашлардек бори латофатда масал,  
Боглаб кийибон юзга ҳила тўнга хулал.*

Бу поклик шабистонининг парда ортидагилари юз минг зебу зийнат билан табиатим хилватхонасидан жилваи ноз билан чиқиб, ўз хамхоналарининг сафига кирар эдилар ва бу малоҳат сувратхонасининг гўзаллари минг хил оройишу кўриниш билан хаёл хилватхонасидан дилларга ёқимли юришлар билан ҳаракат кўргузиб, фитна солувчи нозанинларга қўшилар эдилар.

Бу вазн билан ҳаракатланувчи дилкашлару мувофиқ сифатлик шўхвашлар эллик, олтмиш ё юзга яқин бўлсалар эди, бу савдойи фақир бир савдогардек, малик-ут-тужжор<sup>1</sup> деса бўлғай:

*Юз хур сифат барчасининг нозу фани,  
Кашмирийю румийю хитоу хўтаний,  
Ким бир шаҳ учун кетургай ул тойифани,  
Тожир ўзин айларга баҳо бирла гани.*

Кашмирийси сеҳргарликда дилрабою дилкаш ва румийси чакқонликда кофирсимон фарангига ўхшаш ва хитойиси қон тўкувчиликда ўқ отувчи ва шер овловчи ва хўтанийси фитна кўзғашда шердек қувватли оҳу овловчи<sup>2</sup>. Бу шаклу шамойилу тартиб билан ва бу зеболигу зийнатлар билан Султони Соҳибқироннинг ҳарамсаройига

<sup>1</sup> Малик-ут-тужжор – тижжоратчиларнинг каттаси.

<sup>2</sup> Хўтан оҳусининг киндигидан “нофа” деб аталадиган мушк олинади, байт шунга ўхшатишмоқда.

киргизар эдим ва битта-биттадан у ҳазратнинг ноёб покиза назаридан ўтказар эдим.

Ва у ҳазрат иноят кўзи билан у раъноларни<sup>1</sup> кўриб ва илтифот назарига солиб, қайси бирини ипак либосида қусури бўлса, ё у ипак либосни беаб турган жавохирлардан тушиб қолиб, бўш жой қолган бўлса, хос хазинадан муносиб рангли ипак либосларни чиқариб, барча қийматли гавҳарлар билан беаб, олиб келиб шўхларга кийгизар эдилар. Ва ҳар қайсисини ўз муносабатига кўра тартиб билан ўз олий мажлисида ўтирғизар эди, яъни айтилган шеър барча латифлик ва қайд этилган шеърлар барчаси нозик маъноли, эллик, олтмиш ёки юз ғазалга яқин йиғилса эди, ҳазрати Султон Соҳибқироннинг фирдавс боғига ўхшаш суҳбатидаю осмон янглиғ ҳузурига ҳозир қилиб, назаридан ўтказар эдим ва у ҳазрат уларга шафқат юзидан боқиб, қайси маъно шўхининг таркиби либосида ва сўзлари кийимида нуқсон кўринса, ўзининг кўнгил хазинасидан муносиб сўз билан у маъноларни ўзгартириб ва у сўз либосида жавохирлардан номуносиблик маълум бўлган бўлса, ўз хотираси хазинасидан ёқуту рангин лаъл ва гавҳару қимматбаҳо дурлар билан зебу зийнатга айлантирар ва ҳар ғазални тартиб билан ўз ўрнига қўяр эди.

Ва бу ожиз фақир бу таълимларни ўзимга дастур қилиб, у тартибни ишғол қилишга киришар эдим. Бундан бошқа яна у ҳазратнинг махсус маънолари хаёлотинию ажойиб мазмунли сўзлари ва дилга ёқимли ўхшатишлари назокатини ва беназир танбехлари мустаҳкамлигини аввалги икки девоним дебочасида шарҳ билан батафсил баён қилган эдим. Бу девонларда ҳам яна ўша кўрсатма билан маънолар жавоҳири аълосидан ва сўзлар нақшу нигоридан ва равонлигию латофатидан ва ширин ҳолату хароратидан ҳеч бир бўлак бир парчасидан йўқдирки, ул ҳазратнинг муборак таъбининг дахли бўлмасин. Балки асли хаёл ул ҳазратники бўлиб, бу банда ҳам ул ҳазратнинг буйруғи ва таълими

---

<sup>1</sup> Ғазаллар “раънолар” деб таърифланмоқда.

билан бир озгина дахлим бордир. Шу сабабли бу девонлар ул ҳазратнинг нозик табъидек беназиру ҳар шоҳбайти ўз бахтли зотидек оламгир бўлгандир. Бу маъно гавҳарлари барчаси ул ҳазратнинг табъи денгизидану зехнининг конидан ҳосил бўлди ва лафзлару ибратлар ҳазинаси шу маънолар гавҳари билан тўлди, шунинг учун унинг номи “Ҳазойину-л-маоний”, яъни “Маънолар ҳазинаси” деб қўйилди.

*Ё Раб, бу хазойинки, мен эттим маъмур,  
Ким, хозини жаннат анга хуштур ганжур.  
Чун келди футурлуқ кўнгулларга сурур,  
Берма андин кўнгул сурурига футур.*

*Бу баҳрки, ганжи ломаконий дедилар,  
Ҳар қатрасин оби зиндагоний дедилар.  
Шаҳ махзани табъидин нишони дедилар  
Ким, ани «Ҳазойин ул-маоний» дедилар.*

Агарки оламни ёритувчи қуёшнинг ўз йўлида оламни бир айланиб чиқишини бир йил деб атадилар ва бир йил тўрт фаслдан иборатдир. Ҳар фаслга ҳам от қўйибдилар. Бу порлоқ қуёш осмонни бир айланиб чиқиши шунга ўхшайдики, денгизу кону ўсимлигу ҳайвонлар – барчасининг натижаси унда зоҳир бўлади ва ундан ўша тўрт натижадан нишона топса бўлади.

Тўрт фаслнинг муқобилига тўрт девон пайдо бўлиб, ҳар бирига бир муносиб от қўйиш лозим бўлди. Шу сабабдан биринчи девонни болалик баҳори ғунчасининг ажойиб гуллари ва ёшлик гулзори боғчасининг ғаройиб чечаклари билан ораста бўлиб эди, “Ғаройибу-с-сиғар” деб аталди.

Ва иккинчи девонни, йигитлигу шайдолик ёзининг даштидаги воқеалар билан зийнатлаган эди, “Наводиру-ш-шабоб” аталди.

Ва учинчи девонни ўрта ёшда ҳаёт майхонасида ишқ билан шавқ қадахидан пайдо бўлган ширин кайфиятлари ёзилиб эди, “Бадоеъу-л-васат” деб от қўйилди.

Ва тўртинчи девон умр охирларида юзланган ишқ дарду машаққати фойдалариким, жонни куйдирувчи оҳлару жонни топширмакким, унда қайд этилибди, “Фавойиду-л-кибар” деб лақаб берилди.

Умид улким, шу тўрт девон султон Соҳибқирон номи билан зийнатланган экан, лақаби билан ҳамда унинг оти билан ер юзида тўлсин ҳамда унинг лақабидек, доврўғи ҳам тўртинчи осмонгача кўтарилсин.

Шукрлар бўлсинким, бу бобда назм сабабини шеър воситаси билан бутун умримни ул ҳазратнинг мадҳи билан кечирдим ва барча ҳаётимни унинг дуоסי билан ўтказдим. Болалик чоғлариким, етти-саккиз ёшдан йигирма ёшгача ҳисобласа бўлади. Умр фаслларининг навбаҳори ва ҳаёт гулшанининг чечаклар гулзоридир, унинг мадҳини “Ғаройибу-с-сиғар” китобида баён қилдим.

Йигитлик замониким, йигирма ёшдан ўттиз беш ёшгача деса бўлади ва бу фаслларнинг ёзидир. Йигитлик даврининг ҳаётбахшлигининг бошидир ва унинг васфида “Наводиру-ш-шабоб” билан тамомланди.

Ва ўрта ёш вақтиким, ўттиз билан қирқ бешгача деса бўлади, бу фаслларнинг кузидир, тириклик боғининг хазонрезги вақтидир. Унинг таърифини “Бадоеъу-л-васат” билан баён қилдим.

Ва қирқ бешдан олтмиш ёшни яқинигача ва бу фаслларни қиш деса бўлади ва инсонни букилган қомат билан алам йўлига кириб, замон аҳли билан хайрлашадиган вақти келганидир, ва унинг дуосида “Фавойиду-л-кибар” номи билан охирига етказдим.

*Сарф эттим анга умр баҳорин дағи,*

*Бўстони ҳаёту лолазорин дағи,*

*Оллида хазони зарнисорин дағи,*

*Кофурфишон қиш била қорин дағи.*

Ва бу вақт мобайнида бир миқдор фурсат топсам, хоҳ “Хамса” назмига, хоҳ “Назму-л-жавоҳир” ва “Мажолису-н-нафоис” ёки “Зубдату-т-таворих” ва бошқа битиклар билан шуғулландим ва ул ҳазратнинг давлати дуосига вақтимни сарф қилдим. Тангрига ҳамд бўлсин, шундай натижаларга эришдимки, бу ишлар тенгдошларимнинг юздан бирига ҳам насиб этмаган ва шундай мақсадларга эришдимки, мен каби юз, балки минг қуллари бор, биронтасининг орзу қадаҳи менга шодлик келтирган май билан тўлмайди. Оллоҳга мақтовлар бўлсинки, бу вақтларда умр водийсининг кўпроғини унинг давлатидан муродларим ҳосил бўлган ҳолда ўтказдим ва ҳаётимнинг охирига орзуларимга эришиб, бахтиёр бўлган ҳолда етиб келдим.

Кўнгилда ҳеч армон қолмади-ю, ҳеч бир орзу кўнглимда қолганини эслолмайман. Ҳар қанча дунё орзу-ҳаваслари бор, барчасига эришдим ва сўзимнинг садосини унинг мадҳида етти осмонга етказдим. Шунча орзулар сабабидан армон жинси қолмабди, охираат йўлининг енгиллик ва осонлиги ва ботин мулкининг бахтиёрлигидир. Ва бу ишлар Ҳақ субҳанаҳу ва таолонинг тавфиқи билан бўлди ва Расулulloҳ жанобларининг шариатларига бўйсуниб билан охирига етди.

Умидим шулки, ул ҳазратнинг давлати иқболи баланд бўлсину бу саодатдан янада баҳраманд бўлайин.

Бу хусусда арзу ҳолимдан бир неча сўз айтаман ва изҳор қиламанки, у шодлик гули очилса, мен ҳам шодликдан ғунчадек очиламан ва шу аризамнинг қораламасини шу дебочага киргиздим, хаттотларга арзим шуки, бу мундарижадан шу аризамни айирмасликларини васият қиламан, токи сўнгги кунгача бу дебочани ўқиганларга шу аризам билан ўз муддаомга етганим маълум бўлсин ва ошкор далил бўлиб кўриниб турсин.



**Шу сабабли то қиёматгача султон Соҳибқироннинг давлатига дуо қилсинлар ва шафқату одамшавандалигига сано айтсинлар...”<sup>1</sup>**

\* \* \*

Аъёнлар Султон Ҳусайн ушбу битикларни ўқигач, саройда туришга тоқати қолмай, ўша заҳоти Навоий қошига отланганини, дийдорлашгач, уни бағрига босиб йиғлаганини ва бутун Хуросон мулкини Навоийнинг сихҳати учун нисор қилишини айтганини сўзлашарди.

Навоийнинг шоҳ қабулхонасидаги битиклари ёнида эса Султон Ҳусайннинг беқиёс ҳурмат ва эҳтиром ила ёзилган ушбу сўзлари турарди:

**«Не девон, Оллоҳ-оллоҳ, жунгеки<sup>2</sup>, софий алфоздин тўла гавҳар бўлгай ва сипеҳр авроқиким, пок маонийдин мамлу ахтар<sup>3</sup> бўлгай... Назм иқлимида қайси берк қўрғонга куч келтурдиким, эшиги анинг юзига очилмади ва қайси азим кишварга табъ черики била турктоз солдиким, фатҳ қилмади. Турк тилининг ўлган жасадига Масих нафаси билан руҳ киритди ва ул руҳ топқонларға туркий ойин ва ҳунар кийдирди...**

**Бу кун назм арконининг рубъи маскунида қаҳрамон ул турур ва мамолик фатҳига соҳибқирон ани десалар бўлур.**

*Эрур сўз мулкининг кишварситони,*

*Қаю кишварситон, хисрав нишони.*

*Дема хисрав нишонким, қаҳрамони,*

*Эрур гар чин десанг, соҳибқирони.*

Бир пайтлар, йигитлик маҳали бир-бирига доимо садоқатли бўлишга онт ичган икки дўст киборлик палласига шу тарз етиб келишди.

Оламнинг мана-ман деган шоҳлари хазинасини безовчи “Хазойину-л-маоний” яратилганидан Ҳирий шундай хабар топди.

<sup>1</sup> “Ғаройибу-с-сигар”дан (Иброҳимжон Сайдуллаев табдили).

<sup>2</sup>Жунге – кема.

<sup>3</sup>Мамлу – тўла, ахтар – юлдуз.

## **902-ЙИЛ. ҲАРАМ.**

Султон Ҳусайн Мирзонинг ҳарамсаройи кўшкнинг орқа тарафида, ҳам ичкаридан, ҳам икки ёндан ўтган йўлдан кирилса бўладиган кенг сахнда бўлиб, ўнгда худди девондаги каби саломхона, маслаҳатхона, ашрафхона, ундан сўнгра Хадича бегимнинг, ундан ҳам нарида султоннинг бошқа хотинларининг оромгоҳлари бўлиб, “Маҳди улё” деб шарафланувчи Хадича бегимнинг ҳарами энг каттаси, ўнлаб жория ва қуллардан таркиб топган эди.

Қуллар асосан шомликлар ва дамашқликлар бўлиб, улар қавму қариндоши йўқ ўғлонлардан сайлаб олинар ва гўдаклигидан пухта тарбия бериларди. Жориялар ҳам шундай эдилар, ғунчачилар уларни бирма-бир танлаб, олиймақом зотлар қошида ўзини қандай тутишни ўргатиб боришарди. Ёш канизларга ташқи ҳовлига чиқишга изн берилмас, хоқон хизматиға фақат ёши улуг, тажрибали жориялар юбориларди. Ҳарам ортида эса аввал кўриқчилар, сўнг қуллар, жория ва каниз ҳужралари, шунингдек, таомхона ва анжомхоналар тизилиб кетган эди.

Султон ҳарамга кириш истагида эканининг хабари келгач, ҳамма шошиб қолди. Жориялар маликаи киромга либос танлашда ва зийнатланишда ёрдамлашар эканлар, шаҳзодаларни ҳам ясантиришга буйруқ бўлди. Икки-уч жория уларнинг бўлмасига чопишди. Ташқи ҳовлига қирмизи гиламлар тўшалди, икки қул султон йўлакчасига гул суви сепиб, атиргул баргларини сочишди, кираверишга эса Ҳинддан келтирилган хуш исли тутатқиларни тутатишди. Султон кўнглига нима ёқишини маликаи киром жуда яхши биларди. Меҳмонхонадаги катта хонтахтага ширинликлар, султон ёқтирадиган балх тути шинниси, Кобул қуробиялари ва ҳалволари тартиблаб қўйилди.

Бир соатча вақт ўтгач, қуллар ҳарам ташқи эшигининг тавақаларини кенг очишди. Султон Ҳусайн тез-тез юриб кириб келди. Зийнатланган қуллар султонга қарамасликка уриниб, таъзимда тек қотиб туришарди.

Гуллар барқ урган ва Румнинг хушбўй шамдонлари терилган улкан даҳлизда уни Хадича бегим эгилиб кутиб олди. Бу нозиктаъб малика аслида Султон Абусаид Мирзога ҳадя қилинган канизлардан бири эди. Абусаид Мирзо Ироқда ҳалок бўлгач, бениҳоя гўзаллиги ва ўткир ишваси боис уни Хусайн Мирзо ёқтириб қолиб, ўз никоҳига олган, Хадича бегим ҳукмдор кўнглига йўл топа олгани учун ҳам тез орада маликаи киромга айланган бўлиб, султондан икки ўғил кўрган эди.

– Ассалому алайкум, давлатпаноҳ ҳазратлари!

Хусайн Мирзо алик олиб, икки қўли билан маликанинг юзидан тутиб, пешанасидан ўпиб қўйди-да, энди қуллар эмас, зийнатланган жориялар очиб турган эшикдан ўтиб, ашрафхонага ўтди. Бу ерда Хўтан оҳуси киндигидан олинадиган нофа мушкининг ёқимли иси анқирди. Зукко Хадича бегим султоннинг тўшакка ўтиришни ёқтиришини билиб, янги тўшакларни қават-қават солдириб, юмалоқ болишларни қўйдирган, унинг қаршисида малика учун солинган тўртбурчак қирмизи гиламча ёнидаги худди шундай қирмизи болиш устида уд чолғуси турарди.

Хадичабегим уд созида тенги йўқ маҳорат эгаси эди. Унинг нозик сеҳргар бармоқлари кўз илғамас ҳаракатлар билан соз торларидан шундай ажойиб садолар чиқарардики, тинглаган киши хуши бошидан учиб, наво афсунига ғарқ бўларди. Зийраклик билан султон кайфиятидаги сезилар-сезилмас ўзгаришни илғаб олар, куй ёки қўшиқни шунга қараб, шўхчану шодонини ёки дарду ҳасратлисини танларди. Муסיқа султон раъйига мос тушгани тақдирда, уни бошқа созлар жўрлигида давом эттириш учун ён хонадаги созанда ва раққоса канизлар нафас чиқармай, маликанинг ишоратини кутишарди.

Султон Хусайн тўрга чордана қуриб ўтирди.

Хадича бегим ҳам одоб билан гиламчага чўккалаб, қўл қовуштириб турди. У султоннинг оқ ва яшил тусларни ёқтиришини билар, шу тусли қабо кийиб, бошига ҳам яшил ва оқ аралаш рўмол солган, устидан султон Хусайн

Биржандан келтирган мовий марваридни ва турли зийнатларни ярашиғлик қилиб қадаб олган эди.

Султон Ҳусайн Мирзо дуо қилиб юзига фотиҳа тортгач, Хадича бегим эшик олдида кўзача кўтариб турган жорияни изига қайтарди-да, узукли кўллари билан шарбатни ўзи қуйиб, хукмдорга узатди.

– Кўнглимиз сизнинг чеҳрангизни ва шахзодаларни кўрмоқни тилади, – деди Султон Ҳусайн, шарбат учун миннатдорчилик билдириб. – Бир қанча вақтдан бери дийдорлашмағаймиз.

– Мен бечора чўрингизга назар қилмасангиз ҳам, валиахдлар қиблагоҳни кўзлари тўрт бўлиб кутишди, султоним, – деди Хадича бегим, ноз ва ишва билан.

Ҳусайн Мирзо маликанинг муддаосини дарҳол англади.

– Валиахд Мўмин Мирзодир, – деди. – Шохғарибимизга ва Музаффар Мирзомизга энг фаровон кентларни ҳадя этгаймиз, қолдики, баҳодир бўлиб улғайсалар бас.

Бу гапдан Хадича бегимнинг юраги шув этиб кетди. У бир маҳаллар худди арслон каби, босган изидану айтган сўзидан қайтмайдиган жўмард султоннинг кексая бошлаган чоғида кўнгилчан бўлиб қолганини аллақачон пайқаб олган эди. Ичидан ўтганини сездирмай, султон ҳузурида қарс ургани истиҳола қилиб, узр сўраб ўрнидан кўзғалди. Ён эшиклардан бирини очган эди, икки шахзода бирин-кетин кириб келишди.

Аслида болалар ота қучоғига отилиши керак эмасми? Лекин сарой одоби бунга йўл қўймас эди. Шахзодалар тўрда тоғдай бўлиб ўтирган султон қаршисида тўхташди-да, кўнғироқ овозда бурро қилиб салом беришди.

Султон алик олиб:

– Келингиз ёнимга, – дегач, улар қиблагоҳнинг икки ёнига чўккалашди. Ҳусайн Мирзо фарзандларининг ёноғидан бир-бир ўпиб, суфрадаги анвойи неъматларни кўрсатиб, сўради:

– Қуробия ермисиз, ҳалвоми?

Хадича бегим юз-кўзига султон чехраси нақшланган болаларига кўрсатилаётган илтифотдан шод ўтирарди.

– Шохғариб Мирзомизга қоп-қора бир тўбчоқ ҳадямиз бор, – деди Ҳусайн Мирзо, кичик шаҳзодага. – Унга Марвда кўзим тушиб эди, сиз учун атай айириб келтирдим. Осмонга учгудек шиддатли, ёши ҳам сиз билан тенг. Баробар ўсиб-улғайгайсизлар. Музаффар Мирзомизга эса Дамашқ қиличи ҳадя қилдик.

– Шаҳзодаларнинг волидаси ҳам илтифотингизга интизордир, – деди Хадича бегим, жилмайиб.

– Маҳди улё маликамиз не тиладики, биз адо этмадик? – деб сўради Ҳусайн Мирзо. – Истагингиз тилга келмасидан буруноқ яхши ҳадялар келтирдик. Бирини амир Алишер Навоий сиз учун Астрободдан келтирибдилар, эҳтиром ила мендан ўтиндилар. Иккинчиси эса Румдан олиб келинди, қошларингиз гўзаллигини иншоллоҳ беркитиб тургайдир.

Султон қўйнидан иккита қизил халтача олиб, Хадича бегимга узатди. Хадича бегим ўзини боса олмай, дарҳол очиб кўрди. Халтачаларнинг бирида ёнғоқ катталигидаги тенги йўқ дур, иккинчисида эса қизил ва сариқ тилладан ишланиб, марваридлар қадалган тиллақош бор экан.

– Султоним! – деди маликаи киром ҳаяжонда, юзи қизариб. – Давлатпаноҳимизга жонимиз фидо бўлсин! Жўмардлингизга жоним фидо бўлсин!

Султоннинг одати шундай, қачонки ҳарамда қолмоқ истаса, ҳадя ила келарди. Ҳусайн Мирзо бир оз вақт болалар билан суҳбатлашиб ўтирди, от миниш, қилич чопишдаги маҳоратлари, мактабдаги сабоқлари ҳақида сўрагач, бу гал одатига хилоф тарзда ўрнидан турди, ўғилларининг юзидан яна ўпиб, кўшкка қайтди. Хадича бегим бугун оқшом Боғи Жаҳонорода чоғир базми тузалишидан хабардор эди. Ғозий султон аҳли аёл ва фарзандлар суҳбатидан ҳам кўра, чоғир базмини хушлагани уни хомушлантирди, бироқ, бир нима дея олмади. Ёстиқ устидаги удга хомуш қараб қўйиб, меҳмонхонадан чикди.

Ҳа, султон Ҳусайн қартайиб бормоқда. Шу ёшида валиаҳд тайинламоғи албатта шарт. Гоҳ Ироқда, гоҳ Ҳисорда бот-бот уруш олови алангаланиб турибди, султон ҳар гал ўлимни бўйнига олиб чопқинга жўнамоқда. Жангу жадал навкар қисматидир, тирик қайтмоғининг ўзи бир бахт, бироқ, шахид кетиши эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Ўз-ўзидан маълумки, Музаффар Мирзо маликаи киромнинг тўнғич ўғли бўлгани учун тахтга лойиқ. Аммо Султон Ҳусайн Хадича бегимнинг сўзларини тингламайди, Бадиуззамон Мирзонинг ўғли Мўмин Мирзони валиаҳд қилиб тайинлашни истайди. Фалакнинг ишларига хайрон қолмай иложинг йўқ, ахир, ўғил турганида набирага не ҳожат?

Булар қалбни тутундай ачиштирувчи ўйлар эди. Салтанатнинг оқила маликалари келажак тадорикларини кўрмоқлари лозимки, авлоди хор бўлмасин, шахзодалар олам завқлари аро фароғатли ҳаёт кечирсинлар. Вақти келиб улар улғайиб, мулку тахт талошига киргайлар. Маликанинг ўткир ақли Хуросон салтанати валиаҳдларнинг ўзаро низолари туфайли парчаланиб кетишини пайқаб турарди. Келажакда Шероз ҳукмдорларининг қудрати ошса ошадики, сира камаймайди. Бироқ, у кунлар етиб келгунга қадар ҳукмдорни чучук сўзлар билан авраб, тахтни Музаффар Мирзога мерос қолдиришига кўндирмоқ лозим. Лекин, қандай қилиб?

Хадича бегим Ғут лақабли ишончли қулига ҳарам оғоси орқали вазир Низомулмулкни чорлашини айтиб, ўзи машваратхонага кирди. Машваратхонада курсиларгина бўлиб, хонтахта, идиш-оёқ қўйилмаган эди. Хадича бегим у ёқдан-бу ёққа юриб, қулини кута бошлади. Қул бир оздан сўнг қайтиб келди-да, вазир Низомулмулк Сабзаворда эканини, Ҳирийга келганида хабар берилишини айтгач, ҳийлагар малика сўз демай ортига, ўз оромгоҳига қайтди.

### ***МУЗАФФАР БАРЛОС***

Музаффар барлос ҳеч ким чорламаса ҳам саройда нима гаплар бўляпти экан деб, суйканиб келаберадиган киши эди. Аввалги шон-шуҳратига

ишонган бу кишидан энди жасурлигу мардоналик кетган, хою ҳашамга мукка тушиб, базми жамшидларда бир жўра бода ичар-ичмас, эски қахрамонликларини айтиб мақтанадиган қилиқ чиқарган, сурбетлиги шунчалар эдики, чорланмаган жойга ҳам бетакаллуф кириб бораверарди. Андишасизликлари сабабли саройдан ҳам, қудратли барлослар тўпидан ҳам анча узоқлашган, шундай бўлса-да, Султон Ҳусайн эски хизматлари боис, унга марҳамат кўрсатишда давом этарди.

Бугун жума, бозор ғужғон. Кобул дарвозаси тарафда янги расталар қурилганини эшитиб, ўзича кўр-савлат тўкиб у ерларни айланган бўлди. Навоий қурдирган мадрасаларга атай разм солиб узоқ тикилди, ич-ичида тан олиб “Нима бўлганида ҳам кўркли, муносиб иморат бўлибди” деб қўйди. Сўнг Ҳавзи Моҳиён ёнидан ўтиб кўшкка кирганида, ҳарам томондан пешанасини тириштириб ўйланиб келаётган вазир Низомулмулкни кўриб:

– Муни ҳарамда не иши бор? – деб ўйлади.

Ҳарам қаттиқ кўриқланар, энг хос кишиларгина унинг ташқи қисмига кира олишарди. Аркони давлатдаги энг яқин кишилар ҳам ўз ихтиёри билан эмас, балки Султон Ҳусайн руҳсати ёки маликалар чорлови билангина кириши мумкин бўлиб, малика агар бирон гап айтмоқчи бўлса, бошқа хонада туриб, номахрам киши овозини эшитмаслиги учун ишончли қул ёрдамида сўзлаша оларди. Ҳатто табиблар ҳам ичкарига киритилмасди. Музаффарнинг ёдига табиб Абдулҳай айтиб берган воқеа келди. Султоннинг канизларидан бирининг оёғи чиқиб қолганида, не қилишни билмай барчанинг боши қотади. Киритай деса – номахрам. Кирмасин деса, оғриқ азоб бермоқда. Хотун табиб ҳеч ерда йўқ... Ниҳоят, табиб Абдулҳай бир усул ўйлаб топади: канизни отга миндириб, икки оёғини унинг қорнига боғлашни, сўнг отни ҳўл беда ва сув билан боқишни буюради. Беда еб, сув ичган отнинг қорни шишгани сайин, бир маҳал чиққан оёқ қарс этиб жойига тушади... Ҳатто дарду иллат илашгани маҳал табиб ҳам кира олмайдиган маъвога Низомулмулк киргани ажаб эди.

Бу маҳалда султон Боғи Жаҳонорода Самарқанддан келган аъёнлар билан зиёфатда машғул, Музаффар истаса ҳам у йиғинга киролмасди. Низомулмулкни кўргани заҳоти уни Хадича бегим чорлатганини билди. Чунки ундан бошқа ҳеч ким вазири аъзамни чорлаёлмасди.

Низомулмулк ҳам уни кўрди. Четланиб ёки ўзини шошаётгандай кўрсатмоқчи эди, бир нима эсига тушиб, Музаффар барлоснинг қаршисига юрди.

– Нечук шаштингиз паст? – деб сўради саломдан сўнг. – Тундсиз?

– Неча ойки, Мирзомизнинг марҳаматидан олисдаман, мен тунд бўлмай, ким тунд бўлсин? – деб жавоб қилди Музаффар барлос. – Эски дўстларни ёдга олмайдилар, ҳол-хотир сўрамайдилар. Бир айб қилдимми деб тун-кун ўйланаман, айбим ёдимга келмайди.

Низомулмулк мажлислар чоғидаги ажаб сурликлари учун султон Ҳусайн бу кишини хос давралардан узоқлаштирганидан, Музаффар барлос ушбу муаммоли вазиятни ўнглашнинг йўлини тополмай юрганидан хабардор эди.

– Сизнинг иззатингиз кўпчилик наздида жуда юксак. Анча вақтдан бери ҳамфикр эканимизнинг ҳурмати, сизга бир йўл кўрсатай, орзулаган марҳаматингизга эга чиққайсиз, иншоллоҳ.

– Шошманг, шошманг, – деб унинг ортидан эргашиди Музаффар барлос. – Айтсангиз-чи ахир, не юмуш бор менга?

– Муҳим, жуда муҳим, – деди Низомулмулк. – Чопмасангиз-чи ортимдан? Сал четга ўтайлик ахир.

Музаффар барлос Низомулмулукка эргашиб, сарвлар остигача борди, бу ерда, кичик мураббаъ ҳовузда қизил моҳбалиқлар оҳиста сузар эди. Низомулмулкнинг юзи шу моҳбалиқлар каби тарам-тарам эканини кўриб “Э тавба... Чоғирданми, ажабо?” деб қўйди.

– Билишимча, султон ичкичиларидан бири сизнинг жиянингиз эмиш? – деб сўради Низомулмулк.

– Шундай, – деб тасдиқлади Музаффар барлос. – Оти Иқлимиддин, менинг кичик оғачамнинг...



– Пухталиқ ила ёнида ун қилиб янчилган хашхош олиб юрсин, – деди Низомулмулк. – Бировнинг кўзи тушмасин.

– Э тавба, хашхош нечун? – тушунолмади Музаффар.

– Вақти келганида биласиз, – деб кўзини ола-кула қилди Низомулмулк. – Катта ишлар юз бергайдир. Ҳа, жуда катта ишлар бўлгайдир. Хуросоннинг энг хурматли кишиларидан бўлгайсиз!

Шундай деб, терс бурилди-да, “Изимдан келманг” деб кета бошлади.

Музаффар унинг ортидан қараб қолди. Қанақа катта ишни назарда тутди Низомулмулк? Бу сирни баҳам кўрганига қараганда, Низомулмулк Музаффар барлосни ўз ёнида кўришни истайди. Тўсатдан барлоснинг эти увишиб кетди. Йўқ-йўқ, вазири аъзам жуда катта бир сирни айтди. Шундай сирки, ундан фақат Султон Ҳусайннинг яқин кишиларигина хабардор. Низомулмулк эса, у яқинлар сафига Музаффарни ҳам қўшмоқчи!

Низомулмулк Султон Ҳусайн наздида иззатли аъёнлардан. Бир қанча вақт аввал саройда киборлар билан суҳбат маҳалида “юрак лаъл” ҳақида сўз кетди. У қўй юраги катталигида бўлиб, ҳали дунёда ҳеч ким ундай катта лаълни кўрмаган, сиртига ўн саккиз ҳукмдор ўз номини ёздирган экан. Лекин уни Мирзо Бобур Қаландар ўғирда туйдириб, ўз одамларига маъжун қилиб ичириб юборганмиш. Суҳбатда шу каби сўзлар айтилар экан, Ҳусайн Мирзо деди: “Менинг хазинамда шундай бир лаъл бор, биронта подшо хазинасида бўлмаган!” Аъёнлар ҳайрон қолишиб сўрашди: “Шоҳим, биз ҳеч эшитмаган эдик-ку? У лаълнинг вазни қанча?” Султон Ҳусайн жавоб қилди: “Хуросон тоши билан олтмиш ман<sup>1</sup> келади”. Барча ҳайратда қолган бир маҳалда ичкарига Низомулмулк кириб келди. Шунда Султон Ҳусайн кулиб дедик: “Мен тилга олган лаъл мана шу бўлади”.

Султон ардоғига сазовор киши билан дўстлик ришталарини қаттиқ боғламоқ лозим, албатта. Шу оқшом унга эҳтиром юзасидан совға-саломлар юборишни кўнглига тугиб, саройга кирмасдан ортига йўналди.

---

<sup>1</sup> *Оғирлик ўлчов бирлиги, бир Хуросон мани – 2.35 кг.*

## **ЯНА БИР ФИТНА**

Султон Ҳусайн Мирзонинг завжаларию канизларидан ўн тўрт ўғли ва ўн бир қизи бор эди. Тўнғичи Бадиуззамон Мирзо ўз амакиси, Марв ҳокими Султон Санжарнинг қизи Бека Робиябегимдан бўлиб, таомилга кўра валиаҳд хисобланса-да, гўзал ва доғули Хадича бегим ҳар хил гапларни гапиравериб султонни бошқа фарзандларидан совитиб, кўнглини ўз ўғли Музаффар Мирзога мойил қилишга уринарди.

Кейинги йилнинг баҳорида<sup>1</sup> султон Абусаид Мирзонинг ўғли Маҳмуд Мирзо султон Ҳусайнга қарши юриш бошлади. Ҳусайн Мирзо кексайганига қарамай кўшинга ўзи бош бўлиб, Ҳисор сари юрди. Астробод амири Бадиуззамон ўз ўрнига ўн бир яшар ўғли Мўмин Мирзони қолдириб, кўшини билан ота лашкарига келиб қўшилди.

Ҳусайн Мирзонинг жангу жадаллардаги тадбирлилиги бу ерда ҳам овоза бўлган эди. Қўшин бўлажак чопқинни муҳокама қилар экан, султон ғалаба қозонмоқ учун қай усулни танлар экан, деб қизиқишарди. Ҳар қандай жангда кутилмаган бир чора қўллаш усули Султон Ҳусайнга Амир Темурдан мерос экани айтиларди. Масалан, кўшиннинг таъминот бўлуқлари ҳар доим ортда, черикдан бир-икки йиғоч масофада туради. Ҳусайн Мирзо бир урушда жанговар дасталардан бирига майдонни айланиб ўтишни ва ёвнинг таъминот бўлуқларини босишни тайинлади. Икки кўшин ёйлоқда сафга тизилар экан, илғор даста таъминот бўлуғини яқсон қилгани ҳақидаги хабар ёвни эсанкиратиб қўйгани учун жангни осон яқунлагани маълуму машҳур бўлди. Нарра қалъасини олишдаги усули ҳам диққатга сазовор. Тепаликда жойлашган у қалъа деворлари қалинлиги боис яқинлашиш имкони йўқ эди. Султон Ҳусайн қалъага кирадиган ирмоқларни тўсишни ўйлади, аммо Нарра ичида суви олти ойга етарлик ҳовузлар борлигини билгач, бу фикридан қайтди. Шундан сўнг усти ёпиқ аравалар қурдирди, икки юз ўқчи араваларда қалъа теграсини айланиб, шинакдагиларни уриб олаверишди. Тепадагиларнинг отган ўқлари арава томига санчилиб қолар, аравадагилар

---

<sup>1</sup> Милодий 1497.

эса истагани маҳал бош чиқариб, талафотсиз ўқ узишарди. Бу иш бир ойча давом этди. Ниҳоят, Нарра амири чидаёлмай дарбозаларни очди, сабр-тоқати қолмаган қалъа аскарлари Ҳусайн Мирзо чериги томон елар экан, орт тарафдаги ўқчилар ҳам етиб келишгач, Нарра аскарлари икки ўт орасида қолди. Бор-йўғи ярим соатлик жанг Нарра амирининг бутунлай таслим бўлиши билан тугади.

Бироқ, бу сафар урушга кирилмади. Ҳисор ғалаёни сулҳ билан якун топди. Бу натижадан қониққан Султон Ҳусайн Бадиуззамон Мирзони Балхга, Музаффар Мирзони эса Астрободга ҳоким қилиб тайинлади.

Фитна мана шу ердан бошланди.

Султон фармонидан воқиф бўлган Бадиуззамон Мирзо ажабланиб:

– Ахир, Астрободда Мўминим ўтирибди-ку? – деди. – Шаҳзоданинг юзхотири йўқми? Қиблагонинг ўзлари суннат тўйида Астрободни тўёна қилган эдилар-ку?

Қадри топталганидан алами келиб, Мўмин Мирзога Астробод дарбозаларини ёпиб олиш ва Музаффар Мирзони шаҳарга киритмаслик ҳақида буйруқ юборди.

Султон бу пайтда Ҳисордан эндигина қайтган эди. Шом намозидан сўнг Ҳусайн Мирзо Алишер Навоийни чорлаётгани билдирилди. Икки дўст ҳовуз ёқасида, ҳазон сайли вақтида кўришдилар. Ҳазон асру хўб тушган, куз наққоши ҳар япроққа бетакрор ва гўзал нақшларини чизган эди.

– Чорламоқдан мурод Бадиуззамондир, – деди Султон Ҳусайн, ғазабини яширмай. – Саркашлик қилгай, ҳукмимиздан бўйин товлагай. Муни ҳар қандай бек ё амир қилса ҳеч иккиланмай дорга торттирардим. Аммо пуштикамаримиздир... Сиздан Бадиуззамон ила сўзлашмоғингизни ўтинсам, не дерсиз?

Навоий султонга чин дилдан ҳамдарад эди. Шаҳзодалар ўзларига берилган мулкни тўла бошқаришга интилишар, бу ишнинг нозик нуқтаси шу эдики, Мўмин Мирзо тахтда экан, унинг ўрнига Хадича бегимнинг ўғли Музаффар Мирзонинг ҳоким этиб тайинланиши Бадиуззамоннинг ғурурига текканини

пайқаса бўларди. Султон Ҳусайн не учун бу қарорга келганини баён қилмади, Навоий ҳам сўрашнинг мавриди эмас деб билди.

– Бадиуззамон Мирзо оқилу фаросатли йигит, амрингиз беҳуда эмаслигини, не тадбирлар кўзлаганингизни фаҳмлагандир, – деди Навоий. – Истагингиз қошу кўз устига, жону дилим ила адо этгайман!

Шу тариқа, Алишер Навоий Балхга йўл олди. Бу сафар Боло Мурғоб йўлидан юрилди. Яшил санавбарлар ўсган кўҳсорлар оралаб Балхга етилди.

Бадиуззамон ила суҳбат чоғида Навоий куйиниб деди:

– Салтанатда кимки бор, султон амрини дарҳол ўринлатгайдир. Қолдики, сиз зиммангиздагини икки, йўқ, уч ҳисса ўринлатгайсиз, чунки ҳам фуқаро, ҳам ўғил, ҳам валиаҳдсиз.

Бадиуззамон Мирзо устозининг ташрифидан шод эди. Унинг айтганларини тўла адо этишга ваъда бергач, кечга томон Балх уламози-ю фузалосини йиғиб, катта зиёфат тузди. Зиёфатдан сўнг ҳам алламаҳалгача шеър ва илм суҳбати қурилди.

Бу иш битганидан қониқиш ҳосил қилган Навоий Ҳирийга қайтиш ниятида эканини айтса ҳам, Бадиуззамон кўнмай туриб олди. Бироқ, Навоийнинг Балхда қолиш нияти йўқ эди, ниҳоят, шаҳзодани кўндириб, йўлга чиқилди.

Балхдан хийла олислашилганида:

– Ҳазратим, ортда чанг кўринди, – деди ҳамроҳ мулозимлардан Хожа Дурбек. – Бир нима бўлганми дейман, ортимиздан киши юборилибди?

Ҳақиқатан ҳам ортда, икки-уч йиғоч масофада бир қанча киши от елдириб келар эдилар.

Тўхташга буйруқ берилди.

Чопарлар етиб келишиб, бир ғалати иш рўй берганини, Бадиуззамон Мирзо қайта чорлаётганини билдиришгач, чор-ночор ортга қайтишга мажбур бўлинди.

Бадиуззамоннинг юзи қаҳру ғазабдан қорайиб кетган, яраланган шер мисол у ёқдан бу ёққа юрарди.

– Ҳошо! – дея асосига таяниб унинг истиқболига юрди Навоий. – Не иш рўй берди, ўғлим?

– Шуми вафо? Шуми оталиқ! – дея тўлғанар эди Бадуззамон. – Пирим, сизнинг сўзингиз кўзу кош устига, аммо падари бузрук...

Шундай деб, қўлидаги ёрликни Навоийга узатди.

Ёрликда Бадиуззамон Мирзони кишанга солиб, Ҳирийга келтириб зиндонбанд этишга амр берилган эди.

– Ҳай Оллоҳ! – деди Навоий ҳам ханг-манг бўлиб. – Мен бу ишнинг не эканини англаёлмадим!

– Энди не қилай? Мундан қутулмоққа чора борми? Кишан урмоққа келса, бўйнимни эгиб чиқайми? Не ўгит берурсиз, пирим?

Навоийнинг ҳам дарду дунёси зулматга бурканган эди.

– Бир нима демоғим мушкул, болам, – деди у. – Тақдир не ёзмиш эса, у бўлғай.

Бадиуззамон бир нима демади. Навоий ҳам на Ҳирийга қайтишни, на Балхда қолишни билмай тараддудда турарди.

– Сиз Ҳирий қайтаберинг, – деди Бадиуззамон, куйиб-ёниб. – Вазифангизни адо этдингиз. Қолгани тақдирга ҳавола.

Навоий саройдан чиқди. Барчанинг кайфияти ёмон, бунинг устига тўсатдан Балх изғирини эсиб, самога қора булутларни уйиб тўпламоқда, куз камчиси ила булутларни ура-ура таъзир бермоқда эди. Бу таъзир боисидан булутлар бағридаги ёмғирларини ёғдиргач, йўллару яйловлар куз ёмғири остида пилч-пилч лой бўлиб кетди.

Шу лой-балчиқ аро кичик карвон Ҳирийга қайтди.

\* \* \*

Султон Ҳусайнга Бадуззамон Мирзонинг тутуми маълум қилинган, дарғазаб бўлганидан кўз олди тиниб кетди. Соқолини тутамлаб, чодирини гир-гир кезди. Сўнг кўшинни Балхга бурди. Унга Булдуруқ баходирни бош қилди, аммо ўзи қўшилмади. Черик энди жазо қўшинига айланди.

Бадиуззамон Мирзо ҳам ота юборган кўшинга қарши ўзи бош бўлиб чиқишга ботина олмади. Бекларидан бирини бош қилиб қарши қўйди.

Бу маҳалда тақдир ўзининг бу ўйинларига Хадича бегимнинг фарзанди Музаффар Мирзони қўшмаса не бўларди? Айнан шу шахзода тарих чархпалагини тескари айлантириб юборди. Бадиуззамон бу мусибатангиз воқеалар не билан ниҳоя топишини кутар экан, Музаффар Мирзо Астробод қалъасига кириб, Мўмин Мирзони асирга олди.

Мўмин Мирзони шундай таърифлашарди: қуюқ сочлари бир оз жингалак, қошлари тўғри ва текис, юзи оқ, ёноғи қирмизи, кўзларида жасурлик ўти чақнаган, хуш хулқли, заковатли ўсмир!

Отасини беҳад севарди. Сабаби, узун кечаларда ота севимли ўғлини ёнига олиб, турли ривоятлар айтар, ўғитлар берарди.

Ҳайбатли, шафқатсиз навкарлар Мўмин Мирзони икки кўлидан тутиб туришарди. Шиддат ва кибр ила кириб келган амаки ва жиян ўртасида шундай гап-сўз бўлиб ўтди:

- Ассалому алайкум, амаки.
- Салом бермагайсен, кўрнамак.
- Салом бермасликка ҳаддим сиғмайди. Аммо саволга рухсат сўрайман.
- Не дейсан?
- Нима учун мени тутуққа олдингиз?
- Султон амрига итоатсизлик қилиб кўрнамаклик қилмадингми?
- Ота амрига бўйсундим-ку?
- Ота улуғми, бобоми?
- Ҳар иккиси ҳам улуғдир.
- Амаки-чи?
- Аввал ота, сўнг амакидир.
- Мана шу сабабдан ҳибсга олиндинг!

– Амаки, ахир сизга қарши кўшин тортмадим-ку? Келмоғингиз отам наздида ноўрин бўлибдики, қалъани беркитмоғимни истади. Қиблагоҳ билан маслаҳатлашсангиз бас, саройнинг тўри сизники бўларди.

– Мана бу шеърни сен битдингми? – деб, Музаффар Мирзо чирмалган қоғозни унинг олдига ташлади. – Ана энди ҳибсда шеърингни битиб ётабергайсан.

Дарҳақиқат, бўлиб ўтган жангда енгилган Мўмин Мирзо бир қоғозга:

*Тизим билан завол топди ўрмонда қанча газанфар,  
Аё дўстлар, Худо ёрдам бермай, бўлди ёв Музаффар,*

– деб битган, битик қай йўсиндадир Музаффар Мирзо қўлига етиб борган экан.

Бу ростгўй, жасур ва соф ўсмир Ҳирийга олиб келиниб, Ихтиёриддин қалъасига қамаб қўйилди. Хадича бегим қўшинда, султон билан бирга эди. Мўмин Мирзо бу ихтилофни отаси донолик ва зукколик ила бартараф этишига қатъий ишониб, зиндонда шижоати ичига сиғмай у ёқдан-бу ёққа юраркан, айти пайтда Мурғоб дарёси бўйида катта зиёфат бўлмоқда, маликаи киром Низомулмулк билан бирга султоннинг маст бўлишини пойламоқда эди.

Тун жодугари вақт хуфтондан ўтганидан сўнг, макр-ҳийла тўрини ёйди. Султон чодирни ёнидаги оқ кигизли чодирда базму жамшид авжида эди. Надимлар кулгили воқеаларни айтиб даврани қиздиришар, чоғир косалари пайдар-пай айлантрилиб, раққослару масхаралар бор маҳоратларини кўрсатиб бўлишган, бу лаззат кайфияти ақлларни ўтмаслаштириб, мастлик ороми ҳаммани ўз домига олган эди. Султон Ҳусайн қават-қават болишларга ёнбошлаб олган, теваракда унинг шаънига “Султони Мансур”, “Ғозийи зафарбардор” каби мақтовлар пайдар-пай ёғиларди. Хонкийик, булдуржин, кўзи гўшлари кетма-кет тортилиб, ҳар кишининг олдига тоғдай қилиб уйиб қўйилди, таомилга кўра у одам буларни еёлмаса, ўзи билан олиб кетиши мумкин эди. Айти маҳалда айлантриб турилган бода ичига солинган хашхош тирёкиси ўз ишини қилиб бўлди. Оби ангурнинг ажойиблигини бир неча бор таъкидлаб, ҳаммага яна тарқатилишини мастона овоз ила буюргани

маҳал Низомулмулк юришлар сабабли бир неча кундирки, фармону нишонлар муҳр босилмасдан қолаётганини билдирди. “Тонг-ла кўргаймиз” деган жавобга эса, кечиктириб бўлмайдиган ишлар бор эканини шипшиди.

Султон Ҳусайн тили зўрға айланиб “Келтирингиз” дегач, Низомулмулк буйруғи билан мунший бир қанча фармон келтирди. Султон уларга карамасдан, ўнг кўлининг ўрта бармоғидаги узукдаги муҳрини босгач, Низомулмулк тиззалари дир-дир қалтираб чодирдан чиқди. Тун қоронғи, юлдузлар кўринмас, машъалалар тевааракни ёритмаётгандай туюларди. Девдай уч киши Низомулмулкка хўмрайиб қараб туришарди. Улар – вазирнинг ишончли навкарлари Ёрали Бахши ва Муҳаммад ясовул бўлиб, учинчиси – эски таниши Қора Мўғул эди.

– Муни дарҳол Ихтиёриддин қалъасига еткуринг! – деди Низомулмулк. – Тилингизни маҳкам тишланг, биров хабар топса жасадингизни итларга егизаман!

Қора Мўғулнинг нигоҳида одамни сескантирадиган хунук ёлқин йилт эди. Низомулмулк буни пайқади, эти бир жимирлаб “Кейинчалик бу хосиятсиздан ҳам қутулиш керак... Тавба, қутурган бўри каби!” деб ўйлади.

Қора Мўғул сакраб отига минди-ю, ортидан шерикларини эргаштириб, Ихтиёриддин қалъаси сари йўл олди.

Шундан сўнг тун янада қуюқлашди. Мастлик булутлари зеҳн ойини тугал беркитди. Султон чодирдаги кулгилар тина бошлади. Низомулмулк султоннинг бояги ҳолатини кўз олдига келтириб, боши эгилиб-эгилиб кетаётганини хотирлаб, “Тавба... Ғалати иш бўлди-я” деб ўйлади. Чодирга қайтиб киргани юраги бетламай, оёқлари беихтиёр уни орқа тарафдаги ҳарам чодир томон сургади.

Бу ерда уни букри қул кутиб турарди

– Маликаи киромга айт, ой булутлар орасига кирди. Балки сираям чиқмас! – деди Низомулмулк тўнғиллаб.

Букри қулнинг туруми ҳам ғалати, қаршисида худди иблис турганга ўхшарди. Низомулмулкнинг маст ақли у ўгирилганида яхшилаб қараш керак,



балки думи ҳам бордир деган ўйга етаклади, кейин хаёлига бирдан Алишер Навоий келди. Нега бундай бўлганига ўзиям тушунолмади, лекин у ўйга хулоса бериши кераклиги учун “Яхшиям Машҳадда экан... Бу ерда бўлганида иш расвойи жаҳон бўларди”, деб ўйлади. Шу он ерга тикилиб, кўрганига ақли бовар қилмай серрайиб қолди. Чунки шундоқ оёғи остида улкан бир соя қимир этмай турарди.

– Ё тавба, бу не? – дея ортига ўгирилганида, Чопу барлоснинг юмилмайдиган чағир нигоҳига дуч келди.

Низомулмулк Чопу барлосдан ўлгудай қўрқарди. Тиззалари қалтираб: “Ҳа, Чопу, бунақа ғалати қараб турибсиз?” демоқчи бўлди, лекин бўғзидан:

– Ҳа... Чоп... – деган сас чиқди, холос.

Чопу барлос индамади, бу махфий ишларга идроки етмай, бурилиб кета бошлади. Низомулмулк бирданига уни тўхтатиб, яхши гаплар айтиб аврагиси келди, аммо Чопу барлос – баттолларнинг баттоли, ўлгудай терсфеъл киши, лутфни тушунармиди? Бирданига ўзини Чопу барлос каби хайбат касб этгандай, Азроилга айлангандай ҳис қилиб, “Ўзинг ким бўлибсан?” деб тўнғиллади-да, чодирини томон кетди.

### ***ҚОРА ЧОПАР***

Тунда уч чопар Ихтиёриддин қалъаси сари еларди.

Тун қора, чопарлар ундан ҳам қора эдилар. От устида қуюқ шарпа ўтирганга ўхшарди.

Самода булут тўла, шивалаб ёмғир урарди.

Ўлим навкарлари либоси, оти, ёпинчиғи саройга мансублигини билдиргани учун дарбозалардан сўроқсиз ўтишди. Ҳеч кимга сўз қотмас, бошқалар ҳам лом-мим демас эдилар.

Қалъабоши хайрон бўлиб ташриф сабабини сўраганида, кўйнидан ёрликни чиқарди-да:

– Дарҳол бажарилсин! – деди, кўзларини ола-кула қилиб. – Ҳаялласанг бошинг кетгай!

Қалъабоши ёрликни очиб, кўзларига ишонмай чопарга қараб қолди.

– Югур, бефаросат! – деди чопар. – Султон мухрини кўрмаяпсанми?

Қалъабоши “Эй воҳ, эй воҳ!” дея зиндон томон кетди. Ёрали Бахши ва Муҳаммад ясовул унинг ортидан эргашишди.

Машъалалар аранг ёғду таратар, ху-ху кушларининг ҳам саси келмас, хуллас, жуда оғир тун эди.

Ярим соат ўтар-ўтмас, навкарлар қайтиб келишди. Бирининг қўлида марварид қадалган кичкина салла ва камон ипи билан чирмалган қоғоз бор эди.

– Мана, саллачаси, – деди бўғиқ овозда навкар. – Султон буйруғи бажарилди!

Қора Мўғул лом-мим демади. Саллани олиб хуржунига солди-да, отига даст миниб, ланг очик дарбозадан чиқиб, яна қайтиб от чоптириб кетди.

Ихтиёридин қалъасида сақланган шаҳзода бобоси муҳр босган қатл фармонини кўриб, қўлидан ҳеч иш келмаслигини билгач, фаришта масъумияти ила:

– Васиятим шуки, ишингиз битгач, бобом фармонини шу камон ипининг бир қаричи ила боғлаб, ўзларига қайтариб беринг. Айтингки, бу ишнинг сўроғини Тангримнинг даргоҳида албатта сўрагаймен! – дея, жаллод қўлида шаҳид кетди.

Камон ипи билан бўғиб ўлдирилган Мўмин Мирзонинг жасади қалъа деворидан пастга ташлаб юборилди. «Шаҳзода қалъа девори оша ҳибсдан қочаман дея ҳалок бўлди», деган овоза тарқатилди.

Олий хулқли амир Алишер Навоий бу вақтда муқаддас Разавия равзаси тавофига кетган эди. Орадан уч кун ўтгач, у Машҳаддан Ҳиротга қайтиб келди ва аянчли хабарни эшитгач, кўзларидан дув-дув ёш оқиб: “Эй воҳ! Шайх Мажидиддин Бағдодийнинг ўлими воқеасига монанд иш бўлибди!” деб хитоб қилди.

Бу сўзнинг маъносини атрофдагилар яхши тушунишарди. Шайх Мажидиддин Бағдодий мавлоно Фаридуддин Атторнинг отаси бўлиб,

авлиёлардан эди. Хоразмшоҳ Султон Муҳаммад мастлик ва тугён ичида, ақл чироғи хиралашиб, нафсу ҳаво шайтонлари билан айш-ишрат базмини қурган чоғида Мажидиддин Бағдодийнинг бошини танидан жудо қилиб, Амударёга ташлаб юборишга амр беради. Эртасига сархушлиги туман каби тарқаб, ақл куёши юз кўрсатганида, қалбидаги жаҳолат кировлари эригач, фармони бажарилганини билиб, афсус-пушаймонлар чекиб “У бадкирдор мен эмас эдим” деб минг тавбалар ила Шайх Нажмиддин Куброга бир товоқ олтин юборади. Нажмиддин Кубро олтинни қабул қилмай, “У олтин бош минглаб хоразмликларнинг бошини олиб кетгай” деб қайғуга чўмади ва энди бу ишни ўнглаб бўлмаслигини айтади. Кибру ҳавога берилган султон бу гапга парво қилмайди, бироқ, ақли мастдан ҳам ноқис Инолчиқ Чингизхондан совға-саломлар ила келган савдогарларни ўлдиргач, бу тупроқлар устига мусибат булутлари қат-қат ёпирилиб келади. Султон Муҳаммад жуда жасур киши бўлгани тарихдан аён. Ҳатто ёв кийимини кийиб олиб, душман чериги орасида жанг қиларди. Қисмат чамбари уни шундай сиқиб келади: Чингизхон ваҳшатидан зир титраган Султон Муҳаммад ҳар бир кент ўзини ҳимоя қилсин дея фармон бериб, ўзи қалъага яшириниб олади.

Навоий фалокатнинг ўхшашлигидан ўртаниб шундай демоқда эди.

\* \* \*

Музаффар барлос саройга эрта келди. Нима учундир ҳамма тунд, кўзини олиб қочар, четланарди. Гўё сарой узра мусибат қуши учиб юрганга ўхшарди.

У кўшқдан ўтиб ичкарига кирганида ҳам аҳвол ўзгармади. Қуллару кўриқчилар хомуш, тараддудда эдилар.

Барлос мирохурга рўпара бўлиб, сўради:

– Султон девондамилар?

Мирохур кўзини олиб қочиб жавоб қилди:

– Йўқ, амирим!

Султон ҳануз хобгоҳдан чиқмаган, куёш кўтарила бошласа-да, келмоғидан дарак йўқ эди.

Не деярини билмай, кайтарда Чопу барлосга рўпара келди. Чопу барлоснинг авзойи бузук, арслондай пишқириб у ёқдан-бу ёққа юрарди.

Музаффар барлос саломлашган эди, Чопу барлос алик олмади. Қайтанга, чағир кўзларини тикиб:

– Сен қайда эдинг? – деб сўради важоҳат билан, ҳозир қилич суғурғудай алфозда.

– Не бўлмишки?

– Ҳали хабаринг йўқмиди?

– Ўлимдан хабарим бор, нима деяётганингдан хабарим йўқ! – деди барлос истиғфор айтиб.

– Ўлимдан ҳам хабаринг йўқ экан! Иқлимиддин сенинг жиянингмиди? – деб сўради Чопу барлос. Нариди турган тўрт навқарга: – Олинг муни, зиндонга тиқинг, кўл-оёғига кишан уриб, бўйнига ғул кийдириг, устига бир чопулчи кўйинг! – деди.

Қоидага кўра, Чопу барлос Музаффарни ҳибсга олишга буйруқ беролмас эди.

– Жойингиздан қимирламанг! – деб ҳайқирди у навқарларга. – Менинг кимлигимни билмайсизми? Чопу барлос менинг устимдан амр қилолмас!

Лекин навқарлар тартиб-қоидани ўйлаб ўтирадиганлардан эмас эдилар. Булар бош деса бошни, салла деса саллани олиб келадиган, не бўлса бўлсин амирининг истагини адо этишга ўрганган шафқатсиз қарчиғайлар каби, дарҳол Музаффарнинг семиз билакларига чилвир солиб, қайчи қилиб бойлаб кўйишди.

– Зиндонбонга Чопу барлоснинг амри деб айтинг! Бош тортса, у бошни ўзим олгайман!

Шундай деб, сал нарида воқеага ҳайрон қараб турган соқчиларга қарата:

– Қопқаларни очмангиз! – деб, кунни кечгача саройда ўтказди. Мирзони кўрмоқ истарди, аммо Мирзо кечгача ҳам девонга чиқмади.

\* \* \*

Кечга яқин миш-мишлар таркала бошлади. Ҳирий жунбушга келмоқда эди. Эшитган борки бир муддат гангиб қолар, жўмард ва одил шоҳнинг бу тутумига ақллари етмай бош чайқашарди. Ким ўз зурёдини қатл эттиргай? Ҳайвону қуш, қурту хашарот ҳам ўз боласини емас! Ҳақир бир дарахт ўзи қуриб борар экан, мева-уруғини эҳтиётлагай. Не бўлмишки, қариб соқолига оқ тушгани маҳал, донишмандлигу оқиллик тимсоли бўлиб эл-юртни тарбият қиладиган у зот... мастликда ўз неварасини қатл эттирибди?

Бу хабар ниҳоятда тез тарқалди. Оз фурсатда Хуросону Моваруннаҳр, Машҳаду Шероз, Табризу Қумга етиб борди.

– Ҳайҳот! Бу не ваҳшийлик?

– Хадича бегимнинг фитнаси эмиш!

– Зоти паст канизак эди. Пастлигига борибди!

– Энди қатлиом бўлғай!

– Сарой бўм-бўш, хувиллаб ётармиш. Ҳар ким жон сақламоқ илинжида уйдан чиқмас эмиш.

– Йўғ-э! Сарой бўш қолармиди?

– Бир Чопу барлос билан уруш беклари арслондай ёл хурпайтириб, ким кўринса ғажигудек кезармишлар.

– Султон Ҳусайн нима қилармиш?

– Мўмин мирзони камон ипи билан бўғиб ўлдиришга фармон берган экан. Таомилга кўра, ўлдирилувчи хонлар сулоласидан бўлса, қони оқмаслиги учун камон ипи билан ўлдирилгайдир. Кичик шаҳзода фармонни қўйиб, икки ракаат видо намози ўқиб олишга изн сўрабди. Намозидан сўнг кўзида ёши маржондай тизилиб, “Бу билан мени ўлдирганингиздан сўнг, шу ипнинг бир парчаси ила фармонни боғлаб, бобомга олиб бориб берингиз” деб ўтинибди.

– Эй воҳ!

– Низомулмулк тутуқланмиш! Боши долонга, моли талонга олинмиш!

– Музаффар барлос тутуқланмиш!

– Сўроқни Чопу барлос қилармиш!.

\* \* \*

Музаффарни қалъа ертўласидаги зиндонга қамадилар.

Ҳирийда зиндонлар икки турли эди. Бири тошдан терилган, кичкина бир кўл сиккулик тешиги бор хона, иккинчиси эса ерга чуқур қазилган ўра бўлиб, маҳбус егулиги юқоридан ип-арқонга боғлаб тушириларди.

Музаффар кечгача шу зиндонда ётди. Бир маҳал тепада ясовул кўринди, у нарвон ташлагач, инқиллай-синқиллай юқорига кўтарилди. Шу заҳоти икки навкар унинг кўлтиғидан тутиб, ёндош хонага еткурдилар.

Ичкарида Чопу барлос бор экан.

Музаффарнинг кўл-оёғига таҳқир маъносида занглаган кишан урилган эди. Кишанини шарақлатиб:

– Чопу! – деди. – Бу бир фитнадир, мундан мени қутқар, отам ҳаққи ёлвораман!

– Отанг киму сен ким? – деди Чопу барлос. Музаффар:

– Низомулмулк айбдор ҳаммасига! – деди-да, ҳарамдан чиқишдаги воқеаларни, вазир ундан жиянини суриштирганини, султон шаробчилари қаторидаги Иқлимиддинга “Вазир жаноблари не десалар қулоқ қоқмай адо этасан” деб тайинлаганини, лекин иш бундай бўлиб чиқишини хаёлига ҳам келтирмаганини оқизмай-томизмай айтиб берди. Чопу барлос ўйланиб туриб, яна сўради:

– Низомулмулк аҳмоқ эмаски, ўз ҳолича бир нима қилса? Айт, ким билан тил бириктирдинг?

– Айтсам ўламан-ку? Агар қолмоғимга ваъда берсанг...

– Сен зотан ўласан! – деди Чопу барлос. – Айтсанг осонроқ ўлгайсан. Айтмасанг, терингга сомон тиқиб, тўрт бўлагингни Ҳирийнинг тўрт томонига осгайман!

– Ростдан ҳам ҳеч чора йўқми? – сўради Музаффар титраб-қақшаб.

Чопу барлоснинг чағир кўзларига, хумдай калласига қараб “Бул Азроил сира раҳм-шафқат билмайди, албатта жонимни олади” деб:

– Хадича бегим! – деб бақирди. – Ҳаммаси Хадича бегимнинг фитналари! Султон унга валиаҳд Мўмин Мирзодир, дея сўйламиш. Маликанинг алами

келиб, Мўмин Мирзо қатлига фармон тайёрлатмиш. Режа тузмишларки, султон маст чоғи муҳр босгай. Шу тариқа султоннинг ўзи айбдор чиққай!

– Тилинг кесилгур, нималар деяпсан? – деди Чопу барлос. – Маликани ҳам ёмон отлиқ қилмоқчимисан? Ўларингда тоза кетгин, хой хўкиз!

– Рост айтяпман! – деди кишанларини шарақлатиб фитначи. – Менга барибир эмасми?

– Сендайлар ўлар чоғида ҳам зарар келтиришни кўзлагай! – деди Чопу. – Айтганларинг тафтиш қилингайдир. Гапинг ёлғон эса, сўзим ҳақ, бўйин томирингни ўзим кесгайман.

– Чопу! – деди Музаффар барлос. – Ота-онам ҳаққи, бир нима қил. Менинг айбим йўқ.

– Шундай бир иш қилдингки, борар жойинг дўзахнинг тубидир, – деди Чопу барлос унга қарамай ташқарига чиқаркан. – Худодан сўрайбер, шояд салқинроқ жой берса...

\* \* \*

Шумхабар Балхга ҳам яшин тезлигида етиб борди.

Бадиуззамон дарду дунёси қоронғи бўлиб, шунчалик қаттиқ хайқирдики, оҳи фалакка етди. Кўзларидан ёши оқиб, бошига тупроқ соча-соча, черикка кўзғалишни буюрди.

Мағрур бу шаҳзоданинг бошига мусибат тоғлари йиқилди. Эй воҳ! Салтанатлару тахтлар суюкли зурёдининг бир кипригига арзирмиди? Ўша заҳоти кўшин кўтарилиб, Ҳирийга қараб юрди.

Бола отадан хун исташи мумкинми? Ҳа, мумкин. Чунки, бир хур мусулмон қатл этилди. Хун олинмоғи, қони ерда қолмаслиги отанинг ҳаққидир. Зотан, “Сен ҳам, мол-мулкинг ҳам ота-онангникидир”. Ахир, шўрлик балоғатга етиб-етмаган, масъум эди. Нега ўлдирилганини ўзиям билмасдан, зору хайрон, жаннатларга қараб кетди!

Ҳирий тўлғанарди. Халойиқ оҳ-воҳ қилар, бу қатл шиддатидан ҳамма лол, нима бўлганига бировнинг ақли етмасди.

– Бир иш бордирки, шундай бўлмиш. Йўкса, ақлу фаросатли шоҳ ундай қилармиди?

– Бадиуззамон исён кўтаргани учун жазо сифатида Мўмин Мирзони ўлдирмиш.

– Бадиуззамон исён қилса, набира ўлдирилгайми?

Ҳирийда Ҳусайн Мирзо истироҳатгоҳидан ташқарига чиқмас эди. Неча кунки, биров султон юзини кўрмасди.

Ҳарамда ҳам вазият шундай, султоннинг ақли тиниқлашгач, ажал тўфони барчанинг бошига келишини, кишилар узра ўлим ёмғири ёғишини, бу фитнага кимки алоқадор бўлса, мудҳиш қийноқларга солинишини ҳамма биларди.

Алишер Навоий бир неча марта ичкига ўтиб, султон хузурига кирмоқни тилади, бироқ рухсат йўқ эди. Ниҳоят, учинчи кез бош уриб борганида кирмоққа изн берилди.

Навоий тез-тез юриб, деярли югургудай бўлиб меҳмонхонага кирганида Ҳусайн Мирзо оддий кийимларда дарча остида, тўшақда ўтирар, олдида Қуръон турарди.

– Мирзом! – деди Навоий, унинг қаршисига келиб, беҳад ғуссаю таассуф ила. Султоннинг қудратли елкалари чўккан, руҳи суст, тушкун ҳолда эди. – Нечук ахир, Мирзом?

– Сира хотирда йўқки, айтсам... – деди Султон Ҳусайн, бўғиқ овозда. – Вой Мўминим! Вой жонимнинг мадори! – дея, дўстининг елкасига бош қўйиб хўнграб юборди.

– Низомулмулкнинг танаси тўрт пора қилиниб Ҳирий дарвозасига осилгай! – дерди Султон Ҳусайн. – Кимки алоқадор эса, терисига сомон тиқилгай!

– Пирим, – деди кейин, бир оз ўзига келиб. Яна анча муддат тек қолди. Сўнг бошини кўтармасдан:



– Бадиуззамон ўғлимиз ила сўзлашинг, – деди. – Менинг юзлашмоққа юзим йўқдир. Отасидир, хун талаб қилмоққа ҳақлидир, не истаса ўринлатилгайдир. Ўлдирса ҳам розиман. Падарингиз боши эгик, деб айтинг.

Навоий хайрлашиб чиққач, султон ўз ҳарами сари юрди. Ҳарамда уни мотам либосидаги Хадича бегим кутиб турарди. У ғам-ғусса ва сўнгсиз афсус ичидаги султонни ҳар хил гаплар билан овутишга уринди. Ахир, султон бу ишни истабмиди? Кўзининг оқу қорасини-я? Сархушликдан фойдаланиб фармонга қўл қўйдириб олингани фитнанинг нақ ўзи-ку? Бадиуззамон Мирзонинг султон фармониға қарши чиқмоғи-чи, кўрнамаклик эмасми? Падари бузрук шафқат қилгайдир дея, Астрободга атайлаб норасида гўдакни бош қилиб қўймоғи не? Ҳа, бу иш тафтиш қилинмоғи лозим. Не бўлса ҳам мараз бир фитнадир!

Хадича бегим султон кўнглини овлашга ҳаракат қиларкан, яна бир фитна етилиб бўлган, айна дамда Музаффар барлос зиндонда захар солинган таомни еб типирчиламоқда эди. Ҳозирча бу ғавғолар давом этаркан, бугун тунда тарашадай қотгач, эрта кун “масмум бўлди”<sup>1</sup> дея хабар чиққайдир ва кўп ишлар Музаффар барлос бўйниға қўйилгайдир. Сурлиги-ю безбетлиги боис, ажал унинг жонини ҳўл қамчини юнгдан суғургандай қилиб тортиб олгайдир, қилмишлари елкасига ортилиб, қўллари бўйниға боғланган ҳолда, гуноҳларини ўтин каби орқалаб дўзахга киргайдир.

\* \* \*

Султон Ҳусайн тушкунлик ичра ғам-алам ва изтиробда қоврилар экан, шу аснода фарзанд доғида қон ютаётган шаҳзода Бадиуззамон хун алангасида машъаладай ёна-ёна, Ҳирийга етиб келди.

Интиқом истагида жўшган қўшин Пули Нав ўрдугоҳида турарди. Бу иш ҳам дарҳол элга ёйилди. Қозилару шайхулислом не деярини билмас эдилар. Шаръий ҳукм чиқариш лозим бўлиб, тарозунинг бир палласида фарзанднинг ота олдидаги бурчи, бошқа палласида ноҳақ ўлдирилган маъсум фарзанд қони турарди.

---

<sup>1</sup> Масмум бўлди – захарланди.

Бадиуззамон ҳам неча кунки биров билан гаплашмас, гоҳида кўзларидан дув-дув ёш оқиб, қурма масжидига кирганича соатлаб чиқмас, жойнамоz устида нуридийдасини эслаб кўз ёш тўқарди. Шундай маҳаллардан бирида масжидга хослардан бири кириб, ўрдугоҳга Алишер Навоий келганини маълум қилди.

Бадиуззамоннинг кўнгли Алишер Навоийни ҳам тиламас эди. Аммо унинг нуруний сиймоси, қалбга таскин берувчи доно сўзлари ёдга келгач, чор-ночор кирмоғига рухсат берди.

Бошқа пайт бўлганида Бадиуззамон Мирзо Навоий номини эшитгани заҳоти йўлига чиқиб қаршилар эди. Таомилга кўра, ўзига пир деб билган бу зот кирганида қошида юкунмоғи лозим бўларди. Бадиуззамон ўрнидан турди-ю аммо қаршисига юрмади, илтифот ҳам қилмади. Навоий уни бағрига маҳкам босди. Бу бағирда чин меҳр ва оталарча ҳамдардлик борлигини ҳис қилган Бадиуззамон ўзини тутолмади, елкалари титраб, ичидан ҳўнграк келди.

– Ўлим ҳақдир, Мирзом... – дер эди Алишер Навоий, унинг елкаларини силаб. – Балоғатга етмаган болаларга ажал етса, жаннатга киргайдирлар, ўшал ерда туриб отойи-онойи ҳаққига дуо қилгайлар...

– Султон “Неварам жаннатга кирсин” деган ният ила қатл қилибдиларми? – деб сўради Бадиуззамон, бўғиқ сас ила, “ота” сўзини тилга олгиси келмай.

– Ҳошо, мирзом! – хитоб қилди Навоий. – Мирзо сархушлигида муҳр бостирмишлар, бир қанча фармонлар орасида экан. Мирзонинг ҳам хабари йўқмиш.

– Сархушликда авлод ўлдирилгайми, пирим?

– Юзига ҳаргиз боқмасмен! – деди Бадиуззамон Мирзо, қаҳру ғазабда ёниб. – Қасос ҳаққимдир. Айбдорлар бизга берилсин! Мўминимнинг бегуноҳ қони ерда қолмасин!

– Айбдорлар жазоланди, – деди Навоий ва бўлиб ўтган воқеаларни айтиб берди. – Аммо ўзлари ор қиладилар, юзлашмоққа юзим йўқдир, дедилар. Бениҳоя пушаймон, ўзларини ўтдан-чўққа урадилар. Сиздан ўтинчим шу:

кўшинни олиб ортга қайтинг, бир оз вақт ўтгач, бир тўхтамак келгайсиз. Оғир гуноҳ содир бўлди, яна бири содир бўлмасин.

Бадиуззамон тиниқ нигоҳли, нур юзли пирининг сўзини тинглаётгандай кўринса-да, хаёли бир жойда эмас, фикрида хануз ўч олмоқ нияти айланарди. Ниҳоят, ақли туйғусидан устун келди.

– Нима ҳам дей, пирим? – деди изтиробда. – Юрагим йиртилгудай бўлаётир... бўйнида ипи билан кўзимни олдидан кетмай қалқиб турибди. Найлайин... Бир оз вақт ўтсин, хун ишини ортга сургайман.

– Ўғил қони ерда қолмасин дея ота қонини оқизмоқ янада оғир гуноҳдир, – деб жавоб қилди Алишер Навоий, беихтиёр хўрсиниб. – Тангри таоло сизни шундай синов билан синабдир. Бу мусибатни кўтармоқ қанчалар оғирлигини мен билмасми эдим? Ҳар қанча мушкул бўлмасин, имон сўзига қулоқ осинг... – дея, “Аллоҳ махлуқотни йўқдан бор қилади, сўнгра уни яна қайтадан вужудга келтиради”, сўнгра Унга қайтарилурсиз” ва “Улар имон келтирдик дейдилар, Аллоҳ таоло уларни синамасми?” оятини ўқиди.

Яна бир оз вақт ўтгач, Алишер Навоий кўзғалди. Одоб юзасидан бир дона узум ейилган бўлса-да, бошқа лутф қилинмади, бунга ҳожат ҳам йўқ эди. Бадиуззамон бу сафар пирини ташқарига кузатиб чиқди, чодир олдида аъёнлар ва беклар тизилиб туришарди, улар ҳам Навоийга таъзим қилишди. Шаҳзода устози билан унсиз хайрлашди.

Шундан сўнг Бадиуззамон анча ўйланди. Ҳар томонлама ўйласа ҳам Навоий ҳақ бўлиб чиқмоқда эди. Ахийри бир қарорга келиб ҳудайчини чорлади-да, бекларни йиғишни буюрди. Беклар бедор эдилар, улар йиғилгач, Бадиуззамон кўшинни изига қайтаришга амр берди.

Шу тариқа кўшин Ҳирийга кирмасдан, ортга қайтди.

### ***НИЗОМУЛМУЛК ҚАТЛИ***

Бу воқеа бутун салтанатни титратиб юборди.

Фитна шунчалар пухта ўйланган эдики, бу ҳийлага Ҳусайн Мирзо ишонувчанлиги боис алданиб қолганини айтгувчи деярли топилмасди. Ахир,

султон фитналардан ғолиб чиқа олгани учун ҳам султондир. Шу сабабли, бу воқеа падар ва фарзанд орасига абадиян совуқчилик туширишидан ташқари, наинки салтанатда, балки теварак-атроф давлатларида ҳам унинг иззатини сусайтирди.

Султон Ҳусайн ўзига келай демасди. Ғам-ғуссага ботган, фитнага алоқадор кимки бор, барчасини дорга торттирган бўлса-да, алам зўр келмоқда, қалбдаги аёвсиз надомат оловини сўндириш учун шаробу чоғирга ружуъ қўйди. Бу жўмард, бағридарё инсон ўзини сира кечиролмасди. Шаробни эмас, ўзини айбларди. Ахир, чоғир ичганнинг қилмиши учун чоғир эмас, ичган кимса айбдордир. Сичқонни филга, арслонни мушукка айлантирувчи у захри шайтонийга яна ва яна бош урар, сархушлик ичра ақли хиралашса ҳам қалбидан тундлик булутлари кетмас, бошини қуйи солинтириб ўтираберарди. Сарой муҳташамликлари аро саф-саф турадиган хизматчилар бари ғойиб бўлишди, энди Ҳусайн Мирзо хизматида фақат Хадича бегиму бир қанча жориялар қолди, холос.

Қатл ишлари билан эса, қаҳру шиддатда тенги йўқ Чопу барлос шуғулланди. Низомулмулк ўша тундаёқ Ихтиёриддин қалъасига қамаб қўйилган эди. Унинг икки ўғли бор эди: Камолиддин Ҳусайн ва Амирулмулк. Фармон берилдики, ҳар икки ўғлининг ҳам боши олиниб, терисига сомон тиқилсин. Низомиддиннинг териси дарвоза кўприги устида шилинсин! Яқинлари Низомиддин Курд ва Абдулазизнинг пўсти қалъа этагида, Хожа Имодулисломники Сарбозорда, Хожа Маҳмудшоҳ Фараҳийнинг териси эса Чорсу бошида шилинсин!

Фармон ўша заҳоти ўринлатилди. Жасадлар дарбозаларда уч кун осилиб турди. Аллақачон тумшуғи эгри қайрилган, кўзлари чағир, бўйни туксиз ўлаксахўр қушлар етиб келишган, гоҳ-гоҳ одамнинг этини жимирлатиб хунук чағиллашарди. Худои таолонинг бу ғалати яратиклари ўлим исини жуда олисдан сезишади. Аммо тирик жонга сира яқинлашишмайди. Ҳозир бу ўлаксахўр қушлар жасад ён-веридан кишилар кетишини кутиб, узоқдан қараб туришарди.

Бу ходисанинг бир жихати шуки, яна фарзандлар катл қилинди. Низомулмулк-ку, қилмишига яраша жазосини олди, Тангри даргоҳида уни янада одил жазо кутаётган бўлса ажабмас. Бироқ, ўғиллари-чи? Уларда не гуноҳ? Уч кун ўтгач, мусулмонлик қоидаларига амал қилиниб, аркондан ечиб олинди-да, бир овлоққа ном-нишонсиз кўмиб юборилди.

### **ҲИРИЙДА ЧОҒИРБАЗМ**

Ҳирий аҳли орасида чоғирхўрлар кўпайган, овлоқлардаги хуфя чоғирхоналарда кишилар пешиндан ё асрдан сўнг киши билмас май базмларига ружуъ кўйган эдилар.

– Ҳой, дину имонинг йўқми?

– Султоннинг ўзи майга муккадан кетмиш эса, фуқароси қандоқ бўларди?

Чоғирхоналарнинг ертўлаларида Жузжон, Шибирғон, Кандаҳор чоғирлари тўла қатор-қатор хумлар тизилган, чухралар хужраларга пайдар-пай ичкилик тўла кўзаларни ташишарди.

Ҳирий бозорига ёндош пастқам кўчада ҳам аҳвол шундай. Гоҳида юзлари қизарган, мастликдан гандираклаган кишилар чиқиб қолишади. Қош қорая бошлаганида ичкарига уч сипоҳ кириб келди. Учаласи ҳам гавдалик, бирининг бетида қилич зарбидан қолган чандиғи бор, тунд киши эди.

– Ҳой чоғирчи! – деди у қаттиқ овоз билан. – Хос бир хужранг бўлса кўрсат!

Чоғирчи уларни кўриб типирчилаб қолди. Чунки келганлар султон саройининг навкарлари эдилар.

– Куллуқ, куллуқ, – дея дарҳол тўшакларни алмаштиргизиб, янгиларидан солдириб, уларни ичкарига таклиф қилди.

Навкарлар жойлашиб ўтириб олишгач, чоғир ва таом келди. Булар лом-мим демай косаларни сипқорар эканлар, ён хужрадагиларнинг сўзлари эшитилиб турарди.

– Ичимга чироқ ёкса ёришмайдир, – деди ўша чандиқли тунд навкар. – Куй, яна ичгаймиз!

Бошқа навкарлар ҳам бу мусибатни билар эканлар, тек ўтираверишди.

– Султоннинг ўзи ҳам, Амир Алишер ҳам уни жуда яхши кўрар эканлар. Аттанг, Амирнинг саройдан кетмоғи яхши иш бўлмабди.

– Бул ишни ким қилибди?

– Низомулмулк экан. Хадича султон бегимни ҳам қора отлик қилмоқчи бўлибди.

– Эй воҳ...

– Амир Алишер саройда туришни истамай, йиғлай-йиғлай ўз боғига кетибдилар. Отойим, онойим ўлганида ҳам мунчалар куймаган эдим, дебдилар...

– Султон-чи?

– Султон не қилсин, айб ўзида бўлса?

Жимлик чўкди. Шу маҳал ён ҳужрадаги кимнингдир товуши эшитилди:

– Ҳай аттанг, Низомулмулкнинг ўйлагани бўлмади. Бир амаллаб Мажидиддинни йўқ қилиб, барча ишларни ўз илкига олган эди. Режаси амалга ошиб, Султон Ҳусайн ўрнига Шоҳ Исмоил келса эди, бизларнинг ҳам бошимиз бир нав юқори кўтарилиб қолармиди?

Навкарлар ялт этиб бир-бирларига қарашди. Тунд навкарнинг баттар қовоғи уйилди.

– Салтанатга шулар келганидан бери нафасим чиқмайдир. Ашуро кунида уйимни эшикларини маҳкам беркитиб йиғлаб-сиқтайман.

– Оққуюнлилар салтанатида қизилбошлар суннийларни тим-тирс қилмоқдалар. Муни эшитган Ҳусайн Мирзо баттар қутурмиш. Ул мамоликда Шоҳ Исмоил қувватга келмоқдадир. Шояд кун келиб...

Учала навкар ҳам ирғиб ўринларидан туришди. Чоғир оёқ остига тўкилди. Салдан кейин ҳужрага кириб боришганида, ёстиқларга ёнбошлаб олган патак соқолли бир неча кишини кўришди. Улар довдираб қолишган эди. “Ия-ия!” деб ўринларидан кўзғалишга чоғланишгани он тунд навкар қиличини яланғочлаб, тўрда ўтирган, афтидан бояги гапларни гапирган кишига бир урган эди, “Воҳ!” дея икки букланиб йиқилиб тушди. Бошқалар

қочишга улгурмадилар, фақат биттаси жароҳатланган қорнини чангаллаб, букчайганича қочиб чиқиб:

– Ҳой халойиқ! Мусулмонни ўлдирди! Ҳой халойиқ! – деб бақира бошлади.

Қоғирхона ари уясидай тўзғиб кетди. Уч навқар ўлдирилганларнинг қийимига қиличларини артиб, яна қайта ташқарига йўналганларида теваарақдаги аснофу ҳунараманд, новвойу темирчи – бари кўчага чиқиб бўлган эди.

\* \* \*

Ҳирий яна чайқалди. Йўқ-йўқ, ғалаён эмас, балки замин ларзага келди.

Аввалига ер тубидан ғалати гулдурос эшитилди. Гўё жуда улкан харсанглар бир-бирига урилиб юмалаётгандай ёки Султон Ҳусайн филлари бараварига чопаётгандай, ёки жуда баҳайбат бир қўл ерни киндигидан тутиб силтаётгандай бўлди. Айни замонда Машҳад тараф сариқ-қизғиш шуълаланиб ёришиб кетди, у шуъла қуюқ эмас, сийрак бўлиб, орасида қизғиш учқунлар яллиғланар эди.

Шундан сўнг замин кучукларнинг қаттиқ вовиллаши, отларнинг саросимали кишнаши, мушукларнинг зорланиб чинқиришию самога гуриллаб кўтарилган сон-саноксиз қушлар фарёди, полапонлар чийиллашлари аро яна силкинди. Одамлар дод-вой солиб уйларида қочиб чиқишар, кимлардир бақирар, хотин-халаж қулоқларни батанг қиладиган ингичка овозда чуввос солар, болалар чириллаб йиғлар эди. Дов-дарахт ларзонга келди, кишилар кўз ўнгида деворлар ёрилиб, ёриқларидан шувиллаб қум тўкилар, уйлар чанг-тўзон кўтариб гупиллаб қулаб тушарди. Бу фалокатнинг ҳар томонда бирданига рўй бериши шунчалар кўрқинчли ва ваҳимали эдики, одамлар эслари оғиб, маст туялардай дуч келган томонга қочишарди.

Бу фалокат бир ёки икки дақиқа давом этди, холос. Шундан сўнг заминнинг ҳоври сусайди, нафас ростлаб, жимиди. Табиат товушлари тиниб, фақат одам болаларининг дод-фарёдлари қолди.

Ғам-алам исканжасидаги Султон Хусайнни шу зилзила ўзига келтирди. Кўшкнинг шифту деворлари майда дарз кетса ҳам султон ўз жойида тек ўтираверди. Лекин ақли тиниклашиб, зилзила уни ҳушига келтиргандай бўлди. Вужудида ғайрат кўзғалиб, тушкунлик алами тутун каби эриб, тиник ақл ила девонга йўл олди.

Аввалгидек серғайрат, шахдам султонни кўрган аъёнлар ўша заҳоти ўзларига келишди. Султоннинг ҳеч нима рўй бермагандек чиқиб келиши ҳаммани тартибга солиб кўйди. Хусайн Бойқаро офатдан келган талафотларни тафтиш қилишни, зарар кўрганларга ёрдам беришни, табиблар ярадорларга кўмаклашишини буюрди. Сўнг рофизий ишига тутинди. Фалокат рофизий ғалвасини ҳам йўқ қилди. Бу худди бир-бирига қарши йўналган икки тўлқинга ўхшар эди. Табиат ҳодисасининг қудратли тўлқини инсонлар ғалаёнини ўша заҳоти босиб-янчиб, тинчитиб ўтди.

Ясовуллар чоғирхонада иш чиқарган у уч сарбозни дарҳол топиб келишди. Ўз ҳолларича иш тутишгани учун ҳад берилгач, фитначилар ҳам топилди, уларнинг бири ўлган, иккитаси эса Ҳирий ташидаги қишлоқлардан бирида яшириниб ётган экан.

Хусайн Мирзо кўпдан буён кўрилмаган шижоат ичида эди. Эгилган қадди тикланиб, руҳи ўзига келгандай бўлди. Бир ёқда зилзила асоратларини бартараф этишга, бошқа ёқда рофизия деб аталган яна бир хавф ҳақиқатини элга маълум қилишга киришди.

Сарбозлар халқ оралаб, кишиларни майдонга даъват этиб юрар эдилар. Жарчилар “Абулғозий Султон Хусайн Мирзо қон тўкилишини истамайдилар! Кўшин Ҳирий остонасида “Бош қани? Калла қани?” деб тургайдир! Ҳақиқатни билмоқчи эсангиз, қозиюл-қуззот ва шайхулислом сўзига кулоқ осинг!” деб жар солишарди.

Тушга яқин ҳали-ҳануз зилзила асоратлари билиниб турган майдонга одам тўлиб кетди. Айни маҳалда девор устида, уламо даврасида шайхулислом кўринди. Теваракни сарбозлар қуршиб олишган, қалъа шинакларидая деворлар устида ўқчилар ўқларини шай қилиб туришарди.



– Ҳой халойиқ, эшит! – деб сўзлади шайхулислом. – Рофизийлар кимдир?

Унинг сўзларини халфалар ва қизил асоли ҳудайчилар такрорлаб, халққа етказиб туришарди.

– Улар имомийларнинг бир тоифасидир. Улар фақатгина Али ибн Абу Толиб авлодидан ўн икки имомни тан олишади. Алини саҳобаларнинг афзали деб ҳисоблашади. Кўпчилик саҳобаларни мунофиқ дейишади, улар гўё Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам вафотларидан сўнг Қуръонни ўзгартирган эмишлар. Шунингдек, мухтарам Оиша онамизни беҳуда айблашади. Шу сабабли Имом Молик дедилар: «Абу Бакрни ҳақорат қилганга дарра уриш керак, Оиша онамизни ҳақорат қилганни эса қатл этиш керак!» Ундан сўрашди: «Нима учун?» У зот жавоб бердилар: «Чунки Оиша розиаллоҳу анҳуни беҳуда айблаган киши Қуръонни инкор қилибди. Ваҳоланки Аллоҳ айтади: «Уни эшитган пайтингизда: «Буни сўзлаш биз учун жоиз эмасдир. Эй пок Парвардигор, бу улуг бўхтон-ку!» десангиз бўлмасмиди?! Агар мўмин бўлсангизлар, ҳаргиз унга ўхшаган нарсаларга қайтмасликларингизни Аллоҳ сизларга панд-насиҳат қилур».

Рофизаларнинг яна бир хислати борки, улар одамлардан асл эътиқодларини яширишни жоиз санашади. Афсуски, бугунги кунда бу хислат кўпгина мусулмонларда бор. Бир куни бир эътиқодда эканларини эълон қилсалар, бошқа кунда бошқасини. Охирида эса асл эътиқодларини маълум манфаат учун яширганларини эълон қиладилар.

Имом Шофиъий улар ҳақида шундай дедилар: «Мен ҳеч қачон бидъат аҳли орасида рофизалардан кўра ёлғончироғини кўрмадим».

Мусулмонлар ушбу адашган жоҳил оқимдан кўра ёлғончироқ, зарарлироқ ва Исломга қарши кофирларга ёрдам беришга мойилроқ ҳеч кимни билмайдилар. Улар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Улар Ислом аҳлини ўлдирадилар ва бут аҳлини ўз ҳолига қолдирадилар» деб айтган исёнчи хаворижлардан-да зарарлироқдирлар.

Улар яҳудий, насроний ва мушрикларга Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам аҳли байтлари ва мўминлар жамоасига қарши ёрдам

берадилар. Улар мушрик, Ислом душманларига Бағдод ва бошқа шаҳарларда қилган ишларида ёрдам беришди.

Бу рофизийлар фирқаси бошқа фирқа ва оқимлар орасида икки хулофаи рошидин: Абу Бакр ва Умарни, – Аллоҳ барчаларидан рози бўлсин, – ҳақорат қилишни бошлаганлари билан танила бошладилар. Рофизийлар уларни лаънатлашади, нафратланишади ва кофирликда айблашади, Аллоҳ барчамизни бундан сақласин! Шунинг учун ҳам имом Аҳмаддан рофизийлар ким экани ҳақида сўралганида, у киши жавоб бердилар: «Улар Абу Бакрни ва Умарни ҳақорат қиладиганлардир».

Улар рофизий, яъни рад қилувчи маъносидаги бу номни Зайд ибн Алини рад қилишгани ва ундан юз ўгиришгани сабабидан олдилар. Баъзиларнинг айтишича, улар Абу Бакр ва Умардан юз ўгиришгани учун рофизийлар деб номланди.

Шайхулислом Ибн Таймийя ушбу оқимни мана бундай таърифлади: «Рофизийлар – бу на соғлом ақли, на соғлом нақли бўлган жамоатдир. Уларда на Аллоҳ томонидан қабул бўладиган динлари бор, на дунё ҳаётида ғалабалари. Ушбу оқим – ёлғон ва жаҳолатда энг маҳкам ўрнашганлардан биридир. Уларнинг дини мусулмонлар сафига ҳар қандай худосиз ва муртадни киритаверади. Улар аниқ бир мақсадга қаратилган ҳолда Ислом умматининг энг яхши инсонларига душманлик қилишади, яҳудий, насроний ва мушриклардан ташкил топган Аллоҳнинг душманлари билан дўстлашишади. Улар очик ҳақиқатни ва мутавотир матнларни инкор этишади, бироқ ўзининг ёлғони, қалбакилиги ва бузуқлиги билан машҳур бўлган манбаларини қадрлаб, эҳтиром қилишади.

Улар айни Шаъбий роҳимахуллоҳ уларни таърифлаганларидеклар. У киши рофизийларга тааллуқли бўлган нарсаларда энг билимдон бўлганлар: «Агар улар ҳайвон бўлганларида эшак бўлардилар, агарда қуш бўлганларида жўрчи<sup>1</sup> бўлган бўлардилар».

---

<sup>1</sup> Жўрчи – ўлимтик билан озиқланадиган қуш.

Бу сўзлардан сўнг халойиқ жунбушга келиб, гувиллашлар авж олди. Бир канча йиллардан бери рофизий фитнаси хақида бунчалик очиқ-ойдин гапирилмас эди.

– Лекин динимиз фатвосиз ва султонсиз, ҳукмсиз ва адолатсиз бир иш қилишингизни ножоиз санайди, – деб давом этди шайхулислом. – Бу ишнинг асли табиатларида бўлгани каби бир фитна экани ва Шоҳ Исмоил рофизийлардан фойдаланиб, Хуросонга кўз тиккани ҳақиқатдир. Каримут-тарафайн султон Ҳусайн Мирзога уларнинг барчасининг бошини найзага илмоқ ғоят осон бир иш. Бироқ, тилларида Аллоҳ сўзини айтгани учун тавба қилишларига имкон яратиб, олижаноблик истадилар. Келиб тавба қилмоқларига уч кун муҳлат берилгайдир. Уч кундан сўнг ҳар кўй, ҳар депара, ҳар қасаба тафтиш қилиниб, адолат ҳукми ўқилгайдир!

Лекин бу маҳалда пойтахтда рофизий деярли қолмаган, ғалаён кечасидаёқ кўпчилиги Шерозга қочиб кетишган эди. Султон Ҳусайн эълонидан сўнг қолган-қутганлари ҳам Ҳирийдан чиқиб, пана-пастқам йўллар билан Шерозга йўл олишди.

\* \* \*

Қотиллик рўй берган кеча тун қоронғисида яна бир одам Самарқанд сари бораётган тижорат карвонига кўшилиб олди. Ўзини тужжор деб танитган бўлса-да, кўриниши, юриш-туришидан сарбоз экани билиниб турарди. У карвонбошининг шубҳа ила қараб-қараб қўяётганини пайқаб, фурсатини топиб кичик бир ҳамён узатган эди, карвонбоши ҳам уни салмоқлаб кўриб, тусмолдагидан хийла кўплигини сезиб, атрофига аланглаб қўйнига тикди ва узун ола тўн кийган, ихчам оқ салла ўраган бу кишини карвонга кўшиб олақолди. Ихчам оқ саллани талабалар ўрар эдилар, бу кишининг туриш-турмушининг ўзи кулгили эди, қилич ва ёй ипи излари қолган кафту бармоқлари, кенг елкаси, кўзидаги шафқатсиз ифодалар унинг жангу жадал кўрган навкарлигини рўй-рост айтиб турса-да, шуни билатуриб толиб салласини ўрагани ажаб. Шу тариқа карвон ўша кишини ўз бағрига олиб, Мовароуннаҳр сари йўл солди.

У киши Қора Мўғул эди. Низомулмулк ўлгач, Шайбонийхон қошига юкунмоқни кўзлаб борарди.

Шунча киши қолиб, тақдир шу одамнинг жонини омон сақлади. Қанча работлару қалъалардан соғ-омон ўта-ўта, ниҳоят, Мовароуннаҳр тупроқларига етиб келгач, енгил нафас олди, хурсанд бўлиб қаҳ-қаҳ отиб кулди ва карвондан айрилиб, Оқ Ўрда сари йўл олди.

### ***ЭЙ ФАРЗАНД..***

Шайбонийхон бу маҳалда Дашти Қипчоқда қўшин тўпламоқда, туркий тупроқларга ўзини ҳақдор деб ҳисоблагани ҳолда, босқин ва чопқин режасини тузмоқда эди. Баъзилар унинг тахту салтанатга тўла ҳаққи борлигини, чунки Чингиз авлодидан эканини таъкидлаб, Самарқанддаги обрў-эътибори суннийларни жон-жаҳди билан қувватлагани боис эканлигини айтишарди. Унинг ўйига кўра, хуросонийларнинг энг мудҳиш хатоси – салтанатга эга чиқиш истагида қизилбошлар билан иттифоқ тузишга уринишгани бўлиб, уларни ҳукмдорлик тахтидан супуриб ташлаш ҳақидаги гап-сўзлар тобора кўпаярди. Лекин, қаҳру ғазабда улар Шайбонийхон қошида ип ҳам эшолмас эдилар. У шунчалар шафқатсиз эдики, ёшни ҳам қарини ҳам бир туки қилт этмай қиличдан ўтказарди.

Ҳа, қадим ва қутлуғ тупроқлар узра хавф булутлари сузиб, бағрида чақину яшинлари ила уруш тўфони етиб келди. Бундай хатарлар қошида темурийзодаларнинг бир-бирига қўшин тортиши сира ақлдан эмаслиги маълум, бироқ, метин бир билак уларни маҳкам тутиши лозимлиги тобора аниқ бўлиб борар экан, ана шундай қудратли бир қўл – султон Ҳусайн Мирзо шиддати ҳам сусайиб-заифлашмоқда эди.

Баъзан шундай бўладики, ҳар қанча тиришилса ҳам фалак ишлари киши орзу қилганидай кетмайди. Саъй-ҳаракатлар сўнгида не ишлар рўй берганига ақл тонг қолиб, киши ҳайрат бармоғини тишламоқдан ўзга чора тополмайди.

Фалакнинг ишини кўрингки, айна маҳалда Бадиуззамон Мирзодан ҳам шундай бир иш содир бўлди. У ўлпон тўлашдан бош тортиб, Ироқ

вилоятларини ўз амирларига улашиб беришга қарор қилгани ва Султон Ҳусайн номини хутбадан чиқариб ташлагани ҳақида хабар етиб келди. Ҳа, ажаб қисматлар рўй бермоқда, янги насл етилмоқда, ишлар ёши улуғлар истагани каби бўлмаётган эди.

Султон Ҳусайн Алишер Навоийни оқшом чоғи саройга чорлаб, тахтиравон юборди. Қабулхонада бор-йўғи бир кул бор экан, холос. Алишер Навоий асосига таяна-таяна ичкарига кирганида, Султон Ҳусайн у ёқдан-бу ёққа одимлар, деворларида машғалалар ярим ёнган, шамлар битаёзган ушбу хонада ундан ўзга ҳеч ким йўқ эди. Шу кеч Султон Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий то тонггача сўзлашиб чиқишди. Тонг ёришмай, оқ ип қора ипдан ажралмай туриб Навоий “Унсия” сари йўл олди. Бироқ, “Унсия”га келиб ҳам тин олмади. Ўзи севган бинафшазор саҳнида у ёқдан-бу ёққа хомуш кезди. Ниҳоят бир қарорга келиб, Бектош бобога довод-қалам келтиришини буюрди-да, фарзанди аржумандга – ўз тарбиятидаги шахзода Бадиуззамон Мирзога насиҳат мактуби битди.

### *НАСИҲАТ*

**“Пайғамбар саллаллоҳи алайҳи вассалам буюрибдиларки, «Ризо-ур-робби фир-ризаил валиди ва сахатун арроби фи сахатул-валиди», яъни Тангри таоло ризоси ота ризосиға вобастадир ва Тангри таоло ғазаби ҳам ота ғазабиға вобаста. Бас, киши ота розилигини олса, Тангри таоло розилигини топғай, агар ота ғазабига учраса, Тангри таоло ғазабига учрамиш бўлғай. Шундай бўлгач, киши қандай қилиб отаси рози бўлмайдиган сўз сўзлагай ё қадам қўйғай? Ва машойих раҳимаҳумуллоҳларнинг сўзи шуки, «Валадука раббука», яъни отанг Парвардигорингдур, шу жиҳатданким, Тангри таоло сени йўқдин бор қилмоқда отани васила қилибдур ва у сени гўдаклигингдан йигитлик вақтинггача парвариш айлагандир. Ва Ҳаким Сулаймон алайхур-рахмата вал-ғуфрон сўзидурким, ота қудратли ва барқарор зот, она эса**

розики марсум, яъни тўйдирувчидир. Ва Адиб Аҳмад раҳматуллоҳ дебдурким:

*Атодин хато келса кўрма хато,  
Савоб бил хато токи қилса ато.  
Атонинг хатосини билгил савоб,  
Сени юз балодин қутқаргай Худо.*

Иброҳим Халилуллоҳнинг отаси Озар буттарош<sup>1</sup> эди, ул ҳазрат атосига насиҳат қилмоқчи бўлганида нидо келдиким, таъзим ва мулойимлик била насиҳат қил!

Ва Юсуф алайҳиссалом оталари Ёқуб алайҳиссаломга билмасдан бир одобсизлик қилиб қўйгани учун<sup>2</sup> унга хабар келдики, барча набийлардан етмиш йил кейин жаннатга киргай. Нуҳ алайҳиссаломнинг ўғиллари Ҳом оталарига тарки одоб қилиб, ота дуо си туфайли ранги қорайиб, пайғамбарлик унинг наслидан олиб ташланди.

Бу сўзни бошлашдан мақсад шуки, сизга ҳамиша хайрихоҳ бўлганман ва сизни умру давлатдан баҳраманд бўлишингизни тилаганман ва дуо қилганман ва сиздан бирор номуносиб иш содир бўлса, ўзингизга айтганман, балки китобларимда насиҳатномалар назм қилиб, сизга тақдим этганман.

Шу пайтда бир неча иш сизнинг тарафингиздан содир бўлганини эшитдим, сизга айтмоқлик вожиб кўриндики, отангиз Ҳусайн Мирзони риоят қилишдан ғофил бўлганга ўхшайсиз.

Бири шуки, вилоят молини маслаҳатсиз олиб турар экансиз ва бу ишингиз маълум эмас эди. Уч-тўрт кун ўтса ҳам ҳеч бир одамингиз келмади, агар ишора қилиб қўйсангиз эди, монелик қилинмас эди.

---

<sup>1</sup> Буттарош – бут ясовчи.

<sup>2</sup> Юсуф алайҳиссалом оталари билан учрашганида, оталари туядан тушиб истиқболига югурганлар. Юсуф алайҳиссалом эса хаёли фаромуш бўлиб, у зот қошига отда борганлар.

**Яна бири шуки, “Астрободга одам юборманг, барибир бермайман” деб хат ёзибсиз. Шу гапни мулойимроқ йўсинда битишингиз мумкин эди. Яна, Ироқ вилоятларини бўлишиб бердим, деб ёзибсиз. Иншооллох, Ироқ қўлга киргайдир. Қўлга кирмасидан бурун отангиз Хусайн Мирзо билан бир-икки марта сўзлашмай, маслаҳатлашмай, бу иш содир бўлса, бу иш бошқалардан содир бўлмай, сиз томонингиздан содир бўлса таажжубдир.**

**Шариат риоясини қилиб ўзингиз соқолни қирқмасангиз эди ва элингизга соқолларини қирқишга рухсат бермасангиз эди. Мунда кўп сўз бор, айтса бўлмас.**

**Яна бири шуки, бир нишонингизни келтирдилар, туғросида отангиз Хусайн Мирзо номини ёзмабсиз. Сиздек оқил, хуштаъб, мусулмон йигитдан шундай ишлар содир бўладими? Агар шу хатни ўзингиз ёзибсиз, агар мунший ёки бошқалар ёзишда хато қилган бўлсалар, нима учун ўзингиз текшириб кўрмай бу ёққа юбордингиз?**

**Ота билан ўғил, ўғил билан ота орасида фарқлар бор. Бойсунғур Мирзонинг ўғилларидан Абулқосим Бобурдек эмас эдингизким, кўп шафқат кўрмаган бўлсангиз. Улуғбек Мирзонинг фарзандларидан Абдуллатиф Мирзодек ё Жаҳоншоҳ Мирзо ўғилларидан Ҳасаналидек, – холисаниллох сўзлайдирман.**

**Сизнинг ишларингиздан бошқалардан кўра кўпроқ хабардорман. Сиз доим шахзодаларнинг улуғи ва Хусайн Мирзонинг суюклиги ва кўз қорачиғи эдингиз. Ўзингиз биласизки, Хусайн Мирзонинг сизга нисбатан кўнгли қандоқлигини ҳеч ким мендан яхшироқ билмайди. Тангри ҳаққи, ушбу ёзганимдек сизга маълум қилиб турибман.**

**Ваҳоланки, сизга Астрободни бериб, яхши навкарлар қўшиб юбордилар ва шундай хабарлар ва кўмакларнинг Ироқдан келишини умид қилган эдилар. Шахзодалар ва беклар ва сарой ичкилари ва бошқалар кўз тутар эдиларки, Ироқ вилояти фатҳ этилса нафақат хизматкорлик, балки отангизга тобелигингизни янада улуғроқ қилар**

эдингиз. Лекин хануз ҳеч ерда ҳеч нима йўқ, сиздан бундай ишларнинг содир бўлиши ҳайфдир.

Қиблагоҳингиз Ҳусайн Мирзо Амир Темурга тўртинчи насабдир. У киши ҳар жума куни хутбада Соҳибқироннинг шариф руҳиға масжиди жомеъда дуо қилдурурлар. Бу ишда Ҳусайн Мирзоға ҳам дуодин ўзга не келгай? Сиз эса мактубингиз туғросидин Мирзонинг муборак исмини чиқарибсиз. Қанийди Ироқдин Маккагача, балки Мағриб замингача олсангиз-у бу воқеа содир бўлмаса эди! Агар қиблагоҳингиз Ҳусайн Мирзони заиф деб ҳаёл қилган бўлсангиз, Тангри таоло қудратлидир. Фарзанд отаси заифлашиб қолганида, хизмат қилиш фурсатини топдим деб жонкуярлик қилиши лозим.

Худо ҳаққи, қиблагоҳингиз Ҳусайн Мирзонинг ва сизнинг азиз бошингиз омон бўлсинким, бу нома битилган кундан йигирма кунча бурунроқ эртадан тушгача, пешиндан оқшомгача тахтда ўтириб, шунча ишлар қилдиларки, неча девон, неча хаттотлар, неча баҳши-ю парвоначилар ўлар ҳолатга келиб, неча хийлалар билан қутулдилар. Бу ишлардан мавлоно Муҳаммад Дарвеш хабардорлар. Шундайки, ҳамма ўз ишини бажариб, қиладиган юмушларини икир-чикиригача охирига етказадилар. Агар аввалдан шу ишлар бўлганида эди, қанча ишлар содир бўлмас эди.

Сиздек соҳиби давлат султон мендек мушфиқ ва сизга хайрихоҳ қулнинг беғараз сўзларига кирибдилар. Ўзингизга маълумки, қиблагоҳингиз Ҳусайн Мирзо ҳузурида сиз учун қандай илтимослар қилмадим! Ўзингизнинг иштирокингизда ҳам бир неча бор шундай ишларни қилдим. Умрингиз узоқ бўлсин. Менинг сўзларимни камдан-кам рад қилгансиз. Шундайки, бу фақирни жони куйганида ўзгаларнинг этаги ҳам куймас.

Бу бир неча сўз густоҳлиқ қилинди, умидим шуки, қабул айлагайсиз. Қабул қилмасангиз ҳам, мен айтишим лозим бўлган сўзларни бўйнимдан адо қилган бўлгайман.



**Тангри таоло шохиддирки, бу мактуб Ҳусайн Мирзонинг буйруғи билан ёзилмадигина эмас, балки хабарлари ҳам йўқдир. Буйруқ билан битилибди, деган ўй хаёлингизга ҳам келмасин. Чунки сизнинг хузурингизда давлат ишларига тегишли сўзларни айтишга масъулман. Шу жиҳатдан густохлик ила ушбу нома битилди...”**

### ***ЭЙ, ҲАЖГА КЕТАЁТГАН ҚАВМ...***

Бу кўхна дунёнинг ҳоли не бўлса бўлсин, эндиликда барча саъй-ҳаракатларни, яшаб ўтилган умрни, саҳву хатоларни, фазилату нуқсонларни хотималайдиган улуғ бир ишни бажариш фурсати етиб келган эди.

Жон қуши ўз Каъбасига интиларди! Рух кенгликларида дунёга келган фикр Масиҳи хочга парчинланмасидан бурун Каъба мақомига кўтарилиши зарурат бўлди. Зотан жасад Исоси ажал хочига михланадиган фурсат сезилар-сезилмас юз кўрсатар, унинг элчиси бўлмиш дард маразлари хуруж қилар, қувват кирар-кирмас, яна дард тўшагига ётқизарди.

Навоийнинг ҳаж сафари овоза қилинмаслиги кўзланган бўлса-да, Ҳирий аҳлига бу хабар тез ёйилди. Ҳаж сафари рухсати сўралган мактуб султон хузурида сўзлаш ҳуқуқига эга бўлган мавлоно Абдулҳай орқали шу вақтда Марвда бўлган Султон Ҳусайнга юборилганида, кишилар унинг мазмунидан хабар топиб, бошқаларга хабар беришди. Шу сабабли, йўлга чиқиш олдидан “Унсия”га тумонат одам тўпланди. Барча улуғ шоир билан рози-ризалик сўраб, видолашарди.

Ҳирийдан Машҳад томон борилар экан, аввалги сафарлар чоғида кўрилган манзаралар яна жонланарди. Туя туёқлари остидан сочилаётган қум саси яна “Таббат”ни эсга солар, фақат, бундан эллик йил аввал шу қумлардан ўтган ёш болакай ўрнида энди донишмандлик мақомига етишган кекса бир киши борарди. Карвонбоши ўзга бўлса-да, қўшиқ ўша-ўша эди:

***Ай қавме ба ҳажрафта, кужоед, кужоед,***

***Маъшуқ ҳамин жост, биёед, биёед.***

*Маъшуқи ту ҳамсояи девор ба девор,  
Дар бодия саргашта шумо дар чи ҳавоед?*

Навоий мавлоно Абдулхай султоннинг жавоб мактубини олиб келишини кутиб туриш мақсадида Машҳадда Чашмайи Соф работига тушди. Дард хуруж қилар, ҳорғинлик вужудни қақшатарди. Бир оз ором олингач, малика Гавҳаршодбегим, Имом Ризо ва Камол Турбатий қабрлари зиёрат қилинди. Шундан сўнг Тусга қараб юрилиб, Рашидия тепалигига тўхталинди. Бу ердан бутун Тус шаҳри кафтдагидай кўриниб турар, қадим тупроғи Фирдавсий, имом Ғаззолий, Ҳорун ар-Рашид, Носириддин Тусий, шайх ат-Тоифий, Жобир ибн Хайён каби фозилларнинг табаррук хокларини бағрига жо айлаган эди.

Шу кичик шаҳарда бунча улуғ зот мадфун экани ҳайрат! Уларнинг руҳи покларига дуо қилар экан, ҳазрат Навоий тилидан шундай сўз дурлари сочилди::

*Авлиёulloҳ мозори Тус вайрони аро  
Кўндурур, йўқ бок агар тавфида кўрса кимса ранж.  
Мунчаким вайрона кездим, ганж бир ҳам йўқ эди,  
Бўйла вайрон ким кўрубдур, онда мадфун мунча ганж...*

Шундан сўнг Син тепалигидаги ҳавоси мўътадил ажаб сафоли боғлардан бирига кўндилар. Машҳад улуғлари зиёрат учун йиғилиб келишди. Дўсту ёронларнинг баъзилари Ҳақ даргоҳига қовушган, бошқалари эса нуроний шоирни кўришдан шод эдилар.

Мўл-кўл, тўкин дастурхон теграсида мажлис қурилди. Лиму ила пиширилган булдуржин<sup>1</sup> мафосилга шифо эканини айтиб, табақ тўла келтирдилар. Уламо ва шуаро ўзларига қизиқарли мавзуларда суҳбатлашгач

---

<sup>1</sup> Булдуржин – бедананинг бир тури.

ва айрим саволларга жавоб олишгач, бир хизматчи кириб, мусикий устои Абу Абдуллоҳ Биржандийнинг қулоғига бир нимани шивирлади. Биржандий баланд овоз билан:

– Аҳли мажлис ихтиёр қилса, хазратимизга бир совға тайёрлаб эдик! – деди баланд овозда. – Рухсат берсалар...

– Рухсат, – деди Алишер Навоий, ўйчан ҳолатда.

Биржандий ташқарига сас берган эди, созларини кўтариб чолғучилар кириб келишди. Улар орасидаги кекса ёшли, қошларигача оқ тушган бир кишини кўриб, мажлис аҳли ўрнидан туриб кетди. У Машҳаднинг машхур ҳофизи Лур Нишопурий эди.

Аввал уд садолари якка-якка ҳаволанди. Қизиқки, ҳар мусикийда кўлланилган даф бу сафар йўқ, савт уд ила берилмоқда эди. Бир оздан сўнг унга қонун кўшилди. Қонун мавжи ҳаволай бошлагач, най жўр бўлди-да, мисли йўқ нафис ва дардли оҳанг таралди.

– Мошоллоҳ! – дейишди мажлис аҳли, навонинг бундай жилваларидан ҳанг-манг бўлиб. – Бу не савтдир, ҳеч эшитмабмиз?

– Мир Алишер жаноблари ижод этган куй, оти “исфаҳоний”дир. Биз хазрат ғазалларидан бирини шу куйга солдик, – деди бир лаҳза тўхтаб Лур Нишопурий.

Мусиқага Нишопурийнинг хиёл хирқи, аммо қувватли овози жўр бўлди:

*Дуди оҳимнинг қуюидек печ ила тобин кўрунг,*

*Тийра ҳажрим оқшомининг баҳри гирдобин кўрунг.*

*Қушким ул ойдин кетурмиш нома, ҳар тирноғидин,*

*Чоклар бўлган кўнгул элтурга қуллобин кўрунг.*

Навоий куй-қўшиқни бошини бир ёнга эгиб, дили ёришиб тингларди. Бир неча йил аввал битилган бу ғазал мазмунининг Ҳижоз сафарига мос тушгани ажаб эди.

*Солики маҳрумким, матлубидин тўлмиш жаҳон,  
Оллоҳ-оллоҳ, жонин ўртар дарди ноёбин кўрунг.*

*Ёр кўйин истаб, ўзлукдин Навоий бўлди фард,  
Каъба эҳромига истиъдоду асбобин кўрунг.*

Кўшиқ тугагач, Алишер Навоий табассум қилиб:

– Эй Лур Нишопурий! Ғазални куйга солдим дедингиз-у, аммо бизни не кўйга солдингиз! – деб лутф қилди.

Лур Нишопурий бу лутфга эътибор қилмасдан Навоийнинг ёнига келди-да, эгилиб, тўнининг этагини кўзига сурмоқчи эди, шоир уни елкасидан тутиб тўхтатиб қолди. Кекса ҳофиз бошини кўтарганида кўзлари жикқа ёш эди.

– Пирим! – деди Лур Нишопурий. – Мен оламда энг ардоқлайдиган уч киши бор эди. Бири мавлоно Абдурахмон Жомий, афсуски, Ҳақ даргоҳига кетди ва ундан айрилдим. Бири Саййид Ҳасан, иншоллоҳ, у ҳам жаннатларга қовушган бўлсин! Яна бири сизсиз! Мен ота-онамдан эрта айрилиб, етимлик азобида улғайганман. Пирдан айрилиш ота-онадан айрилишдан ҳам қайғули бўлишини биламан. Худо ҳаққи, сафар чоғи ўзингизни шоён асранг! Илоҳо, зиёратингиз қабул бўлсин, дийдорингизни кўриш мен шўринг қурғурга яна насиб қилсин!

\* \* \*

Тонгда мавлоно Абдулҳай етиб келгани хабари келди.

Мавлоно йўлда жуда чарчаган эди. Лекин тин олишга фурсат йўқ деб, зудлик билан Навоий қошига еткурмоқларини тилади. Истагани қошига келгач эса, ер ўпиб, султон мактубини ҳазрат Навоийга топширди. Унда шу сўзлар ёзилган эди:

**“Мавлоно Абдулҳай мақсади ҳосил наввоб назарига етказган хатдан ул ҳидоят хислатли олий жанобнинг Макка томонга йўналиш хаёли**

борлиги аён бўлди. Гарчи файз аломатли кўнгил риояти бу илтимосни ижобат иззатига етказишимни тақозо этаётган эрса-да, яна бир томондан, муборак сафарни ихтиёр этишда йўл хавфсизлигига қаттиқ риоя қилиш шартлиги ҳам ёрқин хотирга келмоқда. Чунончи, ҳақиқатларни кўрсатувчи ақлга аён бўлсинки, ушбу вақтларда фитна ва тўс-тўполон чанги томчиларининг кетма-кетлиги сабабли иккала Ироқ ва Озарбайжон вилоятлари шу даражада нотинчки, ундан ортиғини тасаввур қилиш қийин. Агар яна бир марта аъло кўнглимиз ризолиги мулоҳазасини қилиб, бу сафарни ҳозирча тўхтатиб туриб, бу тарафга ташриф буюрсалар, бу ишдан ҳам хужастасифат мулоқот замони янгиланар, ҳам қачон йўллардаги хавфсизлик хабари ойдинлашса, шундан сўнггина йўлга тушсалар мақсадга мувофиқ бўларди”.

Бу иноят мактубини ўқигач, ҳазрат Навоий пайғамбар авлодлари ифтихори Имом Ризо мақбарасининг саодатли улуғлари билан маслаҳатлашди. Уларнинг барчаси чин кўнгилдан дин ва давлат манфаати учун тўғри ишни ул жанобнинг зафарли ўрду томон бориши ва бир амаллаб, Султон Ҳусайн мирзо билан Абулмуҳсин Мирзо орасида ярашув сурати юз кўрсатишига эришишда, деб билдилар.

Навоий жавоб мактубини мавлоно Абдулҳайга топширгач, йиғилганларга юзланиб, табассум билан шу байтни ўқиди:

***Кимки бир кўнгли бузугнинг хотирин шод айлагай,***

***Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлагай.***

Бу – барчага ёд бўлиб кетган ғазал эди. Ҳазрат Навоий бир маҳаллар Султон Ҳусайн Мирзога Астробод тутқунлигидан озод қилишини сўраб битган бу ажойиб ғазал энди фалакнинг бир айланиши билан қисмат фитналари чангалига тушиб қолган султонни қутқариш мазмунида айтилмоқда эди:

*Гарчи халқ озодасимен, ёр азар бандам деса,  
Андин ортуқ англаким, бир банда озод айлағай.*

*Ёрдин ҳар кимки бир сўз дер, туганмасдин бурун,  
Истарамким, аввалидин ёна бунёд айлағай.*

*Ёр ҳижронидин ўлғумдур, бу навъ эрмиш сазо,  
Ул кишигаким, биравга ўзни муътод айлағай.*

*Неча сабр авроқи ёзғай кўнглуму бир оҳ ила,  
Сарсари ишқинг етиб, борини барбод айлағай.*

*Шайхдин зуҳди рийи касб ўлур, ё Раб, қани  
Дайр пириким, фано расмини иршод айлағай.*

*Одам авлодида камдур одамилиқ шеваси,  
Одам эрмас, улки майли одамизод айлағай.*

*Не балодурким, фалак ҳар кимга чекса тиги кин,  
Ёнгилиб аввал менинг жонимга бедод айлағай.*

*Беша ичра девлар мақтули ўлсун, эй парий,  
Гар Навоий ёна азми Астробод айлағай...*

Шундан сўнг фазилатли Амир ҳаж карвонидагилар билан бирма-бир видолашди. Карвондагилар яна қайтиб юз кўришмоқ насиб бўлурми-йўқми, деб йиғлар эдилар. Ҳаж карвони йўлида давом этди, Навоий эса бир қанча аҳбоб жўрлигида Марв сари юрди.

Дард янада зўрайгани учун Навоийга соябонли арава тайёрланди. Ҳар эҳтимолга қарши, машҳадлик табиб Абу Суҳайлдан ҳазратга ҳамроҳлик қилмоғи, кўз-қулоқ бўлиб турмоғи сўралди.

Карвон Марвга етиб келганида ҳаво очик, кушлар чуғурлаб сайрарди. Султон Ҳусайн қалъа қаршисидаги бўлик ёйлоққа кўнган, чодирлари ёнида тиккайган найзаларнинг туғи черик чопқинга шай эканини билдириб хилпирарди. Муҳиммот бўлуқлари томондан сандон ва болға саслари келар, темирчилар қўллари куя-куя силоҳларни тоблашарди. Бир оздан сўнг қулоқни батанг қилиб қаттиқ ўкирик янгради, бу – Султон Ҳусайннинг жанговар филларининг ўкириғи эди. Бир қанча киши катта идишлар теграсида ўралашишар, мабодо филлар жангга киргудай бўлса, хартумига суртиб ғазабга келтириш учун аччиқ қалампир эзмаси тайёрлашарди.

Бир қанча вақтдан буён давом этаётган муҳосара қамали битгулик эмас. Ҳар икки тараф ҳам тараддуду иккиланишда. Боиси, Султон Ҳусайн ўз зурёди устига қаҳру ғазаб ила ташланишга ор қилади. Мунча қалъаларни олган султон учун Марвни олмоқ иш бўлибдими? Бошқа ёқда эса, Абумуҳсин тараддуд қиладики, падар қаршисига кўшин чиқармоқнинг гуноҳи ва маломати оғир бўлмай.

Шундай ўйлар туфайли Ҳазратнинг дилига чироқ ёқса ёришмасди. Улкан оқ чодирга яқинлашганида, уни Бек Мирзо Баҳодир қарши олди.

– Султон ҳазратлари сизни қайта-қайта сўрадилар, – деб, чодирга бошлади.

Алишер Навоий чодирга кирди. Султон Ҳусайн Мирзо ҳам унга пешвоз чиқди. Дўстлар кучоқ очиб кўришишди.

– Қалъага мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифийни юборсам деб эдим, – деди Султон Ҳусайн Мирзо, қисқа ҳол сўрашишдан сўнг. – Абулмуҳсин унинг тарбиясини олмиш, сўзига қулоқ тутуди деган ўйда эдим. Бироқ, шахзода сизнинг элчи бўлмоғингизни истайди.

Асли сабзаворлик Ҳусайн Воиз Кошифий Машҳаднинг машҳур воизларидан бўлиб, мавлоно Абдурахмон Жомий тавсияси билан Ҳиротга

келган ва темурийлар хизматига кирган эди. У Абулмуҳсиннинг мураббийи ва устози бўлиб, шаҳзодага атаб “Ахлоқи Муҳсиний” деган асар ёзган, Хуросоннинг фазилатли кишилари фарзандларига шу китоб орқали тарбия берар эдилар.

– Каъба сафарингизни бузганимиз учун узр тилаймиз, – деди султон, хўрсиниб. – Узримизни қабул айланг.

– Мирзом, – деди олий ахлоқ эгаси бўлмиш Алишер Навоий. – Мен фақир, бу давлатли остонага тупроқдек тушиб эдим, хаёлим шуки, агар ажалнинг сарсари шамоли тупроғимни бу азиз бўсагадан совурса-ю хас-хашакларимни бу остонадан кўтарса ҳам, давлатингизнинг мудом зиёда бўлмоғини тилайман. Ҳеч бир замон бу ахдимдан, сиз билан дўстлигимдан воз кечмагайман ва салтанатингиз учун ҳар қандай хизмат бўлса, илгимдан келганича ўринлатгайман!

Алишер Навоий қисқа дуодан сўнг ташқарига чиқиб, кутиб турган бошқа аравага ўтириб, қалъа сари йўл олди. Ота юзига ёпилган дарвозаларни, деворлар устидаги мудофаага шай ўқчиларни кўриш изтиробли эди. Навоий араваси қалъага яқинлашишганида олийнасаб мусофир келганини билдириб бурғулар чалинди, дарвоза очилиб, бир тўп отлиқ чиқиб келди. Навоий карвонини қарши олиб, теграсини ўраб, ичкарига олиб киришди.

Халойиқ отлиқларни кўрқа-писа кузатарди. Кўчаларда ҳаёт тўхтаб қолгандай, одам оз, қалъа қаршисида қудратли Султон Ҳусайн турганидан бери халқнинг нафаси ичига тушиб кетган, бу ишнинг қандай тугашини кутишарди. Султон Ҳусайн адолат бобида нафақат ўғилларига, балки ўзига ҳам шафқатсиз экани барчага маълум, чунончи, чопқин маҳалида ёлғиз ўғли ўққа учган бир кампир зурёдиннинг хунини сўраб келганида, султон бўйнини рўмол билан ўраб, бир ёнга қилич, бир ёнга олтин тўла ҳамён қўйиб, “Қасос оламан десанг, мана бошим, мақсадинг тирикчиликка пул олиш бўлса, мана пул. Ўғлингни ўлдириш ҳақида буйруқ берганимда, бошқа иложим қолмаган эди. Нима қилсанг қил, ихтиёр сенда!” дегани тилларда достон бўлган эди<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> “Ҳайрату-л-аброр” достонидаги Шоҳ Ғозий ва кампир воқеаси.



Кўшк олдида, оқ от устида Навоийни Абулмуҳсин Мирзо кутиб турарди. Арава тўхтагач, устозининг қийналиб тушаётганини кўриб, у ҳам отидан тушиб келди-да, кўлтиғидан тутмоқчи эди, Навоий уни елкасидан тутиб, бағрига босди.

– Мирзом! – деди меҳри тошиб. – Нечук баҳодир бўлмишсиз!

Абулмуҳсин Мирзо дарҳақиқат елкалари кенг, қуюқ қошлари жиддият-ла чимрилган, кўркам йигит бўлиб етишган эди.

– Пирим! – деди Абулмуҳсин Мирзо ҳам. – Сизнинг дуои шарифларингиз боис шундоқдир.

Саломлашишдан сўнг улар шу яқиндаги боғча сари юришди. Абулмуҳсин уни ашрафхонага бошламоқчи эди, бироқ Навоий эътироз билдиргач, чаман гуллаган оғочлар остидаги супага ўтиришди.

– Ўғлим, – деди Навоий, чуқур ўй ила. – Мирзо ҳазратлари сизга ҳам падар, ҳам шоҳдир. Бошқалар бир тавозеъ ила хизмат қилса, сиз икки тавозеъ ила хизмат қилишингиз зарур. Атойига қарши черик созламоқ не иш?

Шаҳзода бошини қуйи эгиб ўтирар эди.

– Янглиш ва хато кишилик шартидир, ҳар кимда бўлур,– деди Навоий. – Ақлу адаб ила ечиладиган тугун тиғ ила ечилурми? Сиз мамлакатнинг оқил шаҳзодаларидансиз. Салтанат таври шуки, ҳар тутумингиз, ҳар сўзингиз эл наздидадир. Отага қарши черик ила чиқмоқнинг маломатига ким устланур? Ҳеч вақт ўтмай бутун оламга ошкор бўлғай, етти иқлим султонларининг қулоғига етиб борур, халойиқ бу ишни андоқ шарҳлагайким, маломатига тоғлар чидаёлмас. Ул бузрукка адаб шулким, падар сўз айтганида ҳатто бош кўтарилмас, киприк қоқилмас!

– Пирим, – деди бўғиқ овоз ила Абулмуҳсин Мирзо. – Бизнинг сўзимизни ҳам тингласангиз.

– Ҳай-ҳай, – истиғфор айтди Алишер Навоий. – Ёшда улуғ бўлганимиз ва гўдаклигингиздан буён сизга бўлган меҳримиз боис, аввал сўз айтдик.

– Бу навоҳийни бизга ўзлари ҳадя қилиб эдилар, – деди Абулмуҳсин Мирзо. – Ҳолоки, жавонмардлик рутбасига етибмиз, падар даражасида жангу

жадал қилмаган бўлсак-да, шу навоҳийни ҳукмда ва адолатда тутиб турибмиз. Қолдики, ўз ҳукмимиз, ўз адолатимиз ила иш юритсак. Хоқони Мансурнинг ўзлари йигирма ёшларида тамомила ўзғир ва озод эдилар. Аммо, зурёди қирқ ёшга қараб боргайдир, хануз гўдак муомиласини қилурлар...

Алишер Навоий шахзоданинг аламли сўзларини ўйчан тинглаб ўтирарди. Ёши қирққа яқинлашган бу одам хануз гўдакларча фикр юритар, теградаги арслону йўлбарсларнинг, шоқолу бўриларнинг қудратидан беҳабар, ўзини мисли кўрилмаган жасур баҳодирдай хаёл қилар, Ҳусайн Мирзо қаноти остидан чиққани ҳамоно ёв шиддати остида чивиндай янчилиб кетишини фаҳмламасди. Кибру ҳаволи мирзолар Султон Ҳусайн қўли остида тигиз бирлашмоқлари жуда зарурлигини, бир ёқда Султон Абусаид авлодлари, бошқа ёқда Шероз сафавийлари, яна бир ёнда Шайбонийхон кутку солиб турганини назарга илмас эдилар.

– Нусрат шижоатдан эмас, Тангри таолодандир, – деди Навоий, мулойимлик билан. – Ҳар ерда адолатни ўринлатсангизгина зафар ёр бўлгай. Тангрининг адолати ёшу қарига, катгаю кичикка бирдайдир. Инсон не, бутун Коинотга ҳукм қилингандир. Мирзо арзингизни қабул қилмасалар, падар ила ихтилоф қилгаймисиз? Ҳошо! Ҳеч бир маҳалда ундоқ бўлмамиш эса, нечун сиздан бўлсин?

– Мендан сизга бир-икки насиҳат бўлгай, озорга олмагайсиз, – деди сўнг. – Бу ишнинг масъулияти шу қадарки, фақир ҳаж зиёратига борур эдим, қулоғимга етгач, йўлимдан озиб қошингизга келдим. Волидайн абадиятга кетар чоғи дуосини олмоқ мен шўринг қурғурга насиб қилмади, бундан шу улуғ ёшимга қадар изтироб чекурман. Не хайрли иш қилсам, савобини уларга бахш этаман, хаёлимда оз туюлиб, шайхлар дахмаларни супуриб-сидириб, унинг савобини ҳам уларга бағишлагайман. Устозлару пирлар хизматида бўлиб, мени дуо қилсалар, мухтарам отойимнию волидамни дуо қилишларини ўтингайман. Мирзомизнинг давлатхоҳликлариню саховатлари боис бир мунча иморат қурдирган эсам, уларнинг савобини ҳам бағишлагайман, аммо ҳар икковининг бир дийдорига, бир оғиз сўзига зор-

интизорман. Шу ҳолимда Маккаи муаззамага насибам етиб, хажарул-асвадни кўзга сурган ёхуд “Лаббайка” дея кўзимдан ёшим оқа-оқа Тангри таоло ризосини тилаган чоғим, ото ризоси, оно дуосини ололмаганим боис еру кўкдан “Ла лаббайка” деган садо келмоғидан кўрқаман. Мирзо куёши мудом азиз бошингиз устида, фарзандга адаб бермоқ учун қийматли вақтларини зое қилиб бу ёққа келмишлар...

– Қўшин ила келмишлар... – аччиқ кулимсиради Абулмуҳсин Мирзо.

– Ғозий султондирлар, карвон ила келсинларми? – деб жавоб қилди Навоий. – Черик сиз учун эмас, балки бек ва амирларингиз учундир. Чорласа бормаган, ҳукмига риоят этмаган бўлсангиз... Муддао эса маълумдир. Зурёдим дея энг асл неъматларни едириб-ичирибдир, давворанинг энг асл олимларини чорлаб, сизга таълим бермоқларини ўтинибдир, ҳатто бир сафар Биржандда олган жароҳатининг қони қотмай туриб, ўғил-қизларимга дея Ҳирий қайтар чоғида мушмула<sup>1</sup> олмишларки, азиз фарзандларимнинг оғзига етсин деб.

Навоийнинг чин юракдан айтган сўзлари ниҳоят, Абулмуҳсин Мирзонинг қалбини юмшатди.

– Шаҳзодам, – деди Навоий, ҳануз ўша ранжиш ила. – Султонлар сўзи қилич каби бўлғай. Ўғил ила падар қиличи орасида халқ тургайдир. Сиз қилич чиқарсангиз ҳам, Мирзо қилич чиқарса ҳам халқ жабр кўргайдир. Модомики Мирзодан саҳв бўлмиш, ота қошига бормоғингиз ва кенгашмоғингиз энг дурустидир. Сиздан саҳв бўлмиш эса, бош эгмоғингиз яна дурустдир, падардир, авф этгайдир...

– Пирим, – деди мутаассир бўлиб Абулмуҳсин Мирзо. – Мен ўз эркимни яхши билурман. Аммо сўзингизни икки қилолмасман. Амрингиз бошим устига!

– Офарин! – деди Алишер Навоий чехраси ёришиб. – Иншоллоҳ, бу катта муаммонинг тугуни сизнинг пок қалбингиз ила ечилди.

Сўнг шу байтни ўқиди:

---

<sup>1</sup>Иссиқ ўлкаларда ўсадиган мева.

*Бошни фидо айла, ато қошига,  
Жисмни қил садқа ано бошига.*

– Жанобларининг “Хамса”сидан, – бирданига юзи ёришиб кетди  
Абулмуҳсин Мирзонинг. – “Ҳайратул аброр”дан!

*Икки жаҳонингга тиларсен физо,  
Ҳосил эт ушбу икисидин ризо.*

*Тун-кунунгга айлагали нур фош,  
Бирисин ой англа, бирисин қуёш.*

*Сўзларидин чекма қалам ташқари,  
Хатларидин қўйма қадам ташқари.*

*Бўлсун адаб бирла бори хизматинг,  
Хам қил адаб «дол»и киби қоматинг...*

– “Дол” не, “син” каби оқармен<sup>1</sup>, – деди шаҳзода.

Пир ва мурид шу тариқа анча суҳбатлашиб ўтирдилар. Абулмуҳсин Мирзо унинг қалъада яна бир муддат қолмоғини тилар эди, бироқ Навоий тадовиъ<sup>2</sup> сабабли Ҳирийга боришни ихтиёр қилганини айтгач, чор-ночор рози бўлди.

Шу тариқа, алассабоҳ Абулмуҳсин Мирзонинг узр мактуби ила Марв қалъасидан чиқилди. Чодирга келиниб, мактуб эгасига топширилганида султон қаноат ҳосил қилиб, миннатдорчилик билдирди.

– Фарзанд куйдиргиси, ўғил доғи... – деди изтироб билан.

---

<sup>1</sup>Араб ёзувида “дол” қадди эгикликни билдиради, “син” эса сувга ишора.

<sup>2</sup> Тадовиъ - даволаниш

Алишер Навоий Султон Ҳусайннинг дарду аламини яхши англарди. Чунки бир ёнда қиблагоҳ меҳри, бошқа ёнда сиёсат қудрати бир-бирига карама-қарши турарди.

Султон Ҳусайн ўғли билан кенгашиш учун Марвда қолар экан, Алишер Навоий Ҳирийга қайтмоққа изн истади. Дард заҳмати, ёзилажак янги асарлар машаққати, ҳаж истаги барча дунёвий ишлардан чекинишни, пирлар йўлидан бориб, оддий ва одми ҳаёт кечиришни тақозо қиларди. Истакларини сўз ипига маржон каби тизиб, ўз муддаосини шундай баён қилди:

– Бир сафар сизнинг Худо кўнглингизга солган нарсаларни сўзловчи тилингиздан: «Қачонки жаҳондорлик каби ўта масъулиятли бу ишдан зериксам, авлиёларнинг сараси бўлмиш Шайх Нажмиддин Кубронинг ўзидан нурлар таратувчи мақбарасида истиқомат қилувчилардан ёки улут Тангрининг яқини бўлмиш Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг табаррук мақбараси остонасини супурувчилардан бўламан», деган сўз чиққан эди. Бироқ энди сизнинг бу орзуйингиз ушалмайдиган бўлди, менга эса тўла хоҳиш ва рағбат билан ҳаж сафарига боришимга изн бермайсиз. Шунга кўра, сизнинг қутлуғ шахсингиз ваколоти билан қолган умримни Ансорийнинг табаррук мақбараси остонасини супурувчилик билан ўтказишимга ва сарой мулозимлиги ишидан бутунлай бўшашимга рухсат этсангиз. Чунки кексалик заифлиги вужудимга таъсир кўрсатиб, қувватим кетган ва танамда куч қолмаган. Ахир, айтадилар-ку:

***Қулни озод қилгувчи хожалар,***

***Одатда кекса қулни озод қилурлар.***

Султон Ҳусайн Мирзо бу илтимосни инобатга олиб, меҳрибонлик билан шундай жавоб қилди:

– Модомики сиз менинг мамлакатимда ватан тутиб, муқим ва турғун турар экансиз, нимани илтимсо қилсангиз, ўша нарса албатта ижобат иззатини топажак! Чунки бу мамлакат сизнинг муборак вужудингиздан холи

бўлса, юқори ва қуйи табақаларга мансуб бўлган кишиларнинг барча тоифалари ва гуруҳларининг ҳаётида нотинчлик ва беқарорлик юз бериши аниқ!

Султон Ҳусайн олийжаноб Амирнинг муносиб қоматини олтин тугмалар қадалган ва авраси зар иплар билан тикилган қора қундуз пўстин ва мартабасига муносиб бўлган бошқа қимматбаҳо кийимлар билан безатишни буюрди. Шундан сўнг салтанат пойтахти Ҳиротга қайтишга рухсат берилди.

Фақат, хайрлашув чоғи яна бир илтимос бўлди. Илтимос Бадиуззамон Мирзога тааллуқли бўлиб, падар билан ришталарни деярли узиб қўйган қайсар шаҳзода фақат Навоийнинг сўзини олишини, шу сабабли Астробод ислоҳи учун панд-насиҳат қилишини сўради.

Шу тариқа, ҳаж сафари Марвда ниҳоясига етди.

### ***УЛУҒ ЖОРУБКАШ***

Саҳар шамоли булутларни супуриб, самони куёш чиқишига тайёрлаб қўйгани маҳал, шайх Абдуллоҳ Ансорий мақбарасининг хизматчиси бўлмиш кекса киши бомдод намозидан сўнг ҳар доимги одати – китоб ўқишга тутинди.

Бу қария кўп вақтдан бери ушбу даргоҳ хизматида эди. На сиёсатларга, на султонлар раъйига қарарди. Энг қаттиқ замонларда, Абусаид Мирзо эл бошига солган қора кунларда-ю сафавийлар босқинида ҳам ушбу муборак масканга киришга ҳеч ким журъат қилолмаган, баъзи кишилар босқиндан шу даҳмага кириб жон сақлашган, бунинг сабаби шайх Ансорий пок руҳининг иззатидан деб билинарди. Дарҳақиқат, насаби ансорларга бориб тақалган бу улуғ зотни бир Хуросон эмас, Ироқ олимлари ҳам пир деб ҳисоблашарди. У имони комилларнинг гўзал хулқ-атворли йўлбошловчиси бўлиб, «Менинг ишим тоат қилиш ва Тангрининг буйруқларига бўйсуннишдан иборат! – дер эди. – Мақсадим одамларни дўзах ўти билан кўрқитиш ҳам эмас, тоатлар эвазига жаннат ваъда қилиш ҳам. Кимки кўрққани учун Худога ибодат қилар экан, у нафси тилаган нарсадан халос бўлиш йўлини қидириб иш тутган

бўлади. Кимки умид билан бечораҳол яшар экан, унинг тилаги жаннатда осудаликка эришишдир. У холда уни ҳам, муни ҳам ҳақиқатдан узоқ, деб бил. Иккаласига ҳам пул топиш учун мардикорлик қилиш, деб кара. Менинг ишим доим сиғинишдан иборат бўлди. Мен кўрқиш ва умидворлик - иккаласини ўзим учун ҳаром деб билдим. Бандалик амрларини бажариш билан аҳволимни яхши деб билиб, туну кун ишларим шундай экан, бунинг учун мен узрлиман. Тоат-ибодатим бунинг учун лойиқ даражада бўлмаслиги мумкин, лекин бир соатим бусиз ҳам бўлмасин!”

Қария у зотнинг бир байтини ўқиб, дили равшанликка тўлиб кетди. Абдуллоҳ Ансорий шундай деб битган эди:

*Ҳақ йўлида икки Каъба бўлмиш ҳосил,  
Бир — Каъбайи суврат эса, бир — Каъбайи дил.  
Сен сайла ва дилларни зиёрат айла,  
Минг Каъбадин ортиқроқ эмишдир бир дил.*

Қария мутолаага давом этаркан, кушларнинг тонгги ҳамду саноси ва ўтган-кетган шовқинлари аро кимдир келганини сизди. Туриб ташқарига чиққанида, енгил тўн кийган, ҳассасига таянган бир кишини кўрди, сочсоқоли оқарган нуроний чехраси бениҳоя таниш туюлди.

– Ия? – тили калимага келмай ҳанг-манг бўлиб, шоша-пиша истиқболига юрди. – Наҳотки? Кўзларимга ишонмайман! Ҳазрат Навоий?

Ҳа, келган – назм ва миллат қуёши Алишер Навоий эди.

Ёлғиз, аҳбобу мулозимларсиз, одми кийимдаги Навоий билан саломлашаркан:

– Қадамлари қутлуғ бўлгай! Қадамлари қутлуғ бўлгай! – дер, хайратини ифодалашга бошқа сўз тополмай, “Ҳай Оллоҳ! Ҳай Оллоҳ” деб такрорларди.

– Агар рухсат бўлса, шу мақбарада жорубкашлик қилсам деб келдим, – деди Алишер Навоий. – Тилайманки, қаршилиқ қилмагайсиз.

– Ҳай-хай, жорубкашлик<sup>1</sup> не? – Навоийнинг муддаосидан баттар тонг қолиб, қуллуқ қилди қария. – Худо ҳаққи, мени маҳжуб қилманг! Иззатли меҳмоним бўлинг!

– Фақирни дуо қилсангиз етар, – деди Навоий ва девор тагида турган супургини олиб, дахма теграсини супурмоққа бошлаган эди, қария чидаб туролмади, бошқа супурги ила Навоий қабатига кирди. Шундай зот билан ёнма-ён сахни супуришдан бахтиёр эди. Икковлон бу ишни бажариб бўлишгач, шоир ушбу хизмат савобини ота-онасига бағишлаб дуо қилганини эшитиб, ўзини тутиб туролмади, кўзларидан ёши тирқираб оқиб:

– Ота-онангизга жоним фидо бўлсин! – деди. – Сизни бир кўрсам, суҳбатингизни олсам деб орзу қилар эдим. Сиз Ансорий хазратларининг хизматларини қилинг, мен эса сизнинг хизматингизни қилай.

Навоий чолга миннатдорлик билдириб, бундан сўнг ҳар куни келиб туришини айтиб хайрлашар экан, деди:

– Сиздан бир ўтинчим бор. Кишилар бу ишдан хабар топишмаса. Йўқса жорубкашликдан маҳрум қоламиз. Биздан кўра маҳбуброқ кишилар бу юмушни қизганиб, илкимиздан олиб қўямасинлар.

Чол бу сўзлардан завқланиб, елкалари силкиниб-силкиниб кулди:

– Ҳошо! Ҳаргиз хабар топмаслар!

Шундай улуғ зот жорубкашликка келсину Ҳирий аҳли хабар топмасинми? Бир неча кун ичида бу хабар Ҳирийга ёйилди. Халойиқ таажжуб ва эҳтиром ила бир-бирига шуни сўзлар эди. Орадан бир неча кун ўтгач, Абдуллоҳ Ансорий мақбарасига келган Алишер Навоий бу ерда катта издиҳом тўпланганини кўрди.

– Сиздай киши жорубкашлик қилгайдир, бизлар тек ўтиргаймизми?

– У зот киму мен ким? Унинг қошида хасча эмасман, – дер эди Навоий. – Иззатингиз қошида қарздорман, бироқ ўтинаманки, бу хизматни уддалашимга халал бўлмаса...

---

<sup>1</sup> Жорубкаш — масжид, мадраса, хонақо ва мазорни супурувчи киши.



Шундай эса-да, ўша илк кундаги фароғат бошқа насиб қилмади. Кишилар “Ҳазрат Навоий Ансорий қабрини супуриб-сидирармиш” деган гапни эшитиб, ҳар тонг тўпланиб келар бўлдилар. Ҳар куни тумонат киши у келгунига қадар супуриб-сидириб, Навоийга иш қолдирмай уни кутиб туришарди.

Орадан бир қанча вақт ўтгач, Навоий жорубкашликни бас қилди. Тўпланганлар бир-бирларини маломат қилдилар. Савоб илинжида келган кишини савобдан маҳрум қилмадикми, дея сўзлашарди. Кейинги кунларда ҳам у зотдан дарак бўлмади. Билгувчилар у олий зотнинг узлат ихтиёр қилганини, ўз боғида тоат-ибодатга берилганини айтишарди. Лекин, бу ишнинг ҳақиқати ҳеч кимга аён эмас эди. Ҳақиқатан ҳам Алишер Навоий хизматчиларга меҳмон олишни тақиқлаган, руҳият кенгликлари аро тўлғинлашиб етилиб келаётган улкан ижодга тайёрланарди.

Кишилар бу зот қалбида етилиб келаётган у улкан ҳодисанинг не эканини билишмасди. Ахир, намоз олдидан ҳам таҳорат олинади. Қалб таҳорати-чи, у қандай экан? Жорубкашлик баҳона, Навоий сиймосини кўрмаганлар уни кўрганликларидан шодланиб, “Қаранг-а, нур юзли киши экан” деб ҳайратланиб юришса, бошқалари “Нега нур юзли бўлсин? Ахир, у кишининг бутун вужуди нур-ку” дейишарди. Ва унинг авлиёлик хусусиятидан сўзлашарди. Амирлару қозиларнинг золимлари киши ҳақини бемалол еб ўйнаб-кулиб юрганларида, Навоийнинг қилган ишларига лол қолишарди. Чунончи, бир куни аср намозини ўқиғач, шоша-пиша ўзининг боғчаси томон йўл олибди ва орадан сал вақт ўтиб, тезда қайтиб келибди. Бундан у кишининг хизматида бўлганлар ҳайрон қолишибди. Навоий бу ҳолатни тушуниб, шундай дебди:

– Масжидга келаётган чоғимда фалон жойда тўхтаб, таҳорат қилган эдим. Намоз чоғида жамоат бўлиб сафда турганимда, елкамга ёпишиб олган бир чумолини кўрдим. Билдимки, таҳорат қилган жойимда тўнимга илашиб олган экан. Агар елкамдан тушиб кетиб, унга бирор озор етса ва уйига борадиган йўлни тополмай қолса, уволига қоламанми, деб кўрқдим. Шунинг учун ҳам

намоз тугаганидан сўнг шоша-пиша ўша таҳорат қилган жойимга бориб, уни ўз уяси олдига қўйиб юбордим ва кўнглимни Худонинг бир жониворига жабр-зулм қилиб қўйиш хавотиридан халос қилдим!

– Ҳалимлигини қаранг! Бир чумолига шунча марҳамат!

– Бир чумолини айтасизми? Бутун Хуросон аҳлининг солиқларини ўзлари тўлаганларига не дейсиз?

– Йўқ-йўқ, булар у кишининг авлиёлиги туфайли-ку? Эсингиздами, Сулаймон пайғамбарга насихат қилган ёки Иброҳим Алайҳиссаломни кўйдириш учун ёқилган оловни ўчиришга оғзида сув олиб кетаётган ҳам чумоли қавмидан эди?

– Сиз қайдан билардингиз, ҳазрат Алишер Навоий у пайтда не юксак даражотда эдилару чумоли қай мақомда эди?..

### ***ҲАЛОЛ ВА ЯСОЛ***

Султон Хусайн Абулмуҳсиннинг узрини қабул қилиб, Ҳирийга шод қайтди. Навоий султоннинг Астробод ислоҳи борасидаги илтимосини ўринлатиш баҳонасида, унга ўзининг ўй-хулосаларини баён қилишни фурсат деб билди.

Вазият шундай эди: салтанат беклари, амирлари, айрим фузалою уламонинг фарзандлари лавандликларга, ишратбозликка ғарқ бўлишининг сабаби шоҳ сиёсатининг заифлашганида, нафс ва адабсизлик оти ҳирсу ҳавас яйловларига бетизгин қўйиб юборилганида бўлиб, салтанатга яқин кишилар лаззату ҳашам денгизига чўмишни иташар, мамлакатда адолатсизлигу киши қадрини менсимаслик иллатлари яна урчий бошлаган эди. Бир ёнда олий салтанат гуллаб-яшнар, сарватлар ҳар тарафдан Қулзум дарёсидай бўлиб оқиб келар, бошқа ёқдан эса, шайтоний ғулғулалар адолат низомининг издан чиқишига сабаб бўларди. Кибру ҳаволар шунчалар эдики, бир киши зиёфатга Ҳирийнинг тамоми аркони давлатини, олиму фозилини чорламиш. Чорбоғида хийла катта чортоқ, яъни мураббаъ ҳовуз бор экан, у қанд ила тўлғизилмиш. Ташриф буюрган олийнасаб кишилар у қанд ҳовузига маҳлиё

бўла қолмишлар. Буни эшитган бошқалар ном чиқариш учун ундан ҳам фаройиброқ базми жамшидлар тузишга бел боғлашибди.

Бир маҳаллар очлик мусибатида қийналган Ҳирий энди тўқлик балосидан тўлғанарди!

Чуқур мулоҳазалардан сўнг, Алишер Навоий мазкур бошбошдоқликларнинг асл сабабига султон эътиборини қаратишни лозим топди. Чунки кўрилгану идрок қилинган барча ҳодисалар ўша ягона сабаб сари етакламоқда, салтанатнинг энг катта қусурини намоён қилмоқда эди.

Тангри таоло ўз динида ҳалол ва ҳаром чегарасини аниқ белгилаб берди ва салтанат эгаларига ўша дақиқликда, ўша низом асосида иш кўришни буюрди. Оёқ остида ноҳос эзилган чумолининг ҳақиғача кўрсатди, мевачевадан ўт-ўлангача, ҳайвондан инсонгача – барчасининг ҳақи қайдан бошланиб, қайда тугашигача билдирди.

Салтанат таназзулининг энг мудҳиш қусури айнан шу – “ҳалол” ва “ясол” орасидаги фарқда бўлди.

“Яса” деб қонунларни айтар эдилар. Мисол учун, кўча – мўминнинг ҳақи, уни эгаллаш ҳаром. Бироқ, нафақат йўлларни, балки умум мулкани эгаллаб олган, “Нега эгалладинг” дейилса, давлат ёрлиғини кўрсатиб “ясолдир”, яъни қонунийдир деб ўзини ҳақли билгувчи қанчадан-қанча киши айш сурмоқда?! Ваҳоланки, ҳалол ва ҳаром Тангрининг ҳукми, яса эса салтанат буйруғидир. Дарёлару ирмоқларни буриб олган, кишилару давлат ҳақиға тажовуз қилган юзлаб аёну мулозим ўша яса боис ўз тақдирдан хотиржам. Хулоса шуки, яса албатта ҳалолга асосланган бўлғайдир! Ясоқлар, мавзуотлар, ёрлиқлару ҳукмлар Тангри адолатига мос бўлсагина адолат устувор бўлғай. Йўқса, ноҳақ олинган халқ моли чивин қанотича бўлса ҳам жаҳаннамга етаклаб кетғай. Қонунлар Тангри ҳукмларига мос бўлмагач, эл бошига фалокат келмасинми? Юз минглаб ёшу қарининг, эркагу аёлнинг ҳақи қандай адо этилсин? Адолат қай тарз жорий бўлсин?

Алишер Навоий бу ўйларни султон билан тўғридан-тўғри маслаҳатлашиш ниятида эди. Бироқ, Бадиуззамон Мирзога қилинадиган насиҳат айни ечимни

ўз ичига олиши боис, султон Ҳусайн Бойқаро уни ўқигач, мазмунини дарҳол фаҳмлаб олишини биларди.

**“Қуллуқ арзадошт шулким, бир неча сўз хотирга келиб эди, арз қилмоқ вожиб кўрилди”**, деб битди Алишер Навоий, юпқа шойи қоғозга.

\* \* \*

**“Қуллуқ арзадошт шулким, бир неча сўз хотирга келиб эрди, арз қилмоқ вожиб кўрилди.**

Аввало шулким, эрта уйғониб намоз қилинса. Агар эшикда<sup>1</sup> масжид тайин қилиб, фарзлар жамоат била адо этилса – нур устига нур, ва илло беш вақт намоз бори тарк бўлмаса, барчаси масжидда муяссар бўлмаса ҳам, баъзи бори бўлса.

Яна улким, тонгла сабоҳ ҳарамдин чиққач, девонда ўтирилиб арзчи шикоят тингланса, агар бир мазлумга бировдан зулм ўтган бўлса, золимга шундоқ сиёсат қилинсаки, ўзга золимларга ўрнак бўлса.

Яна улким, арз қилувчилар иши тугаганидан сўнг нонушта ҳам баргараф бўлур, ичкихона тайин қилиб, у ерда ўтириб, аркони давлатни тўплаб, мулк ва мол иши муҳокама қилинса, барча ишларга ўзлари етсалар.

Яна бири шулким, давлат арбобларига ҳар иш буюрилса, у иш бир кунда битадими ёки икки-уч кундами, имкон қадар тезроқ битишини талаб қилиб, у ҳақда маълумотлар олиб турилса. Кечроқ битадиган ишни ҳам эрта ё индин ё муддатидан ўтказмасдан ҳар куни қанча миқдор иш битгани ҳақида хабар бериб турсалар. Агар баъзи топшириқлар муддатидан ўтиб кетса ҳам бажарилмаса, шундоқ сиёсат қилинсаки, ўз ишларидан ғофил қолмасинлар.

Яна умид шуки, Ҳақ таоло ичкиликдан қайтишга куллий тавфиқ бергай. Шу пайтда уйқуга шуруъ қилинса, албатта пешиндан бурун бўлмасин. Икки намоз орасида йўлга қўйилиб, белгиланган вақтда

---

<sup>1</sup> Эшикда – саройда дейилмоқда.

ухланса ва бомдод намози вақти ўтиб кетмаса. Бори борча ҳол била ҳар неча ичмоқ ишида эҳтиётлик, балки таъхир вожиб билинса.

Яна бир сўз шуки, молу мулк ишидан ва арзчилар ишларидан фароғат ҳосил бўлгач, чарчоқни даф қилиш учун кутубхона аҳли билан машғул бўлинса. Муносиб кўрилган хизматчилардан бирига тарих ўқиш буюрилса, хусусан “Зафарномани”ни<sup>1</sup>. Агар машойихлар сўзлари ёки баъзи девонлар ҳақида сўзлашилса ҳам номуносиб эмас.

Яна улким, маросимларни бошқарувчига ҳукм қилинсаки, саройда етук имом билан қори тайин қилинса, беш вақт намозни қойим қилинса, яна мухтасиб тайин қилинсаки, элни намозга тарғиб қилиб турса.

Яна улким, ҳафтада икки кун саройда акобирлар йиғилиб, Ҳофиз Муҳаммад Санойига яхши эҳтиром қилинса, балки буюрилсаки, яқинроқ ўтириб, шариат амрларини бажариб берса, токи муборак хотирингизда бу борада етуклик ҳосил бўлса.

Яна шулким, Ироқ мамлакатига фаҳмли, хушфеъл кишилар юбориб, у ердаги аҳволдан доим хабардор бўлиб турилса. Халойиқдан тушган аризаларни ёзма равишда юқорига юборилиб турилса ва у бобда қандай ҳукм жоиз бўлса, шуни қилинса.

Яна бир сўз шулким, шаҳар ҳисоб-китоби ишларига яхши эътибор қаратилса. Шаробхона, фаҳшхона, қиморхона каби ношаръий ишлар бутунлай тақиқланса. Мухтасиблар ҳафтада икки марта бозор аҳлининг нархларни текшириб туришса.

Яна шуким, ишбошига ҳукм қилинсаки, шаҳар масжидини эҳтиёт қилиб, имом ва муаззиндан маҳалла аҳлини сўраб, балки хат олиб намозга тарғиб этсалар. Агар фисқу фасод аҳли уларнинг амри маъруфларига тўсқинлик қилишса, мутасаддиларга арз қилсалар. Яна ҳар масжиднинг имомига тайинласаларки, мактаб очиб маҳалла аҳли фарзандлари ўқитилса.

---

<sup>1</sup> Шарафиддин Али Яздийнинг Амир Темур зафарларига бағишланган асари.

**Яна шулким, ушбу тартиб бўйича шаҳарда гуруҳ тайин қилинса, Хожа Фахриддинга ўхшаш улуғлар шу дастур бўйича қишлоқма-қишлоқ юриб, шу тариқа амал қилинса.**

**Яна шулким, ишбошига ҳукм қилинсаки, вилоятлардаги вақфлардан хабардор бўлсалар. Бузилганини тuzатсалар, зўравонлар қўлида бўлса тортиб олиб, хосилини ўз жойига сарфласалар. Бу ишлар ишбошига буюрилганидан кейин, Хожа Фалонга<sup>1</sup> яна ҳукм бўлсаки, уларнинг ишидан хабардор бўлиб, уларга ёрдам беришда сусткашлик қилинмаса.**

**Яна улким, Ҳофиз Муҳаммад Санойй ғанимат кишидир. Шариат бобида унинг сўзлари қувватлаб турилсаки, токи шариатга ривож етса. Масжиди жомеъга бормоқ тарк бўлмаса. Шу кўрилган тадбир билан жомеъ масжидида шаръий масалалар зикр қилинса.**

**Яна улким, девон бекларига ҳукм қилинсаки, бир кун девонда ўтириб, мусулмонлар ишини барпо қилсалар, бугунги ишни эртага қўймасалар. Яна халқ ишларини ўзлари қилганча қилиб, қила олмаганларини дафтарга битиб, сизга арз қилсалар ва сиздан ҳукм олсалар.**

**Яна шулким, тавочи бекларига ҳукм бўлсаки, мол-мулк девонида муҳр босувчи беклар тартиб ишига машғул бўлсалар, у ерда ҳам ишлар тўхтаб қолмаса.**

**Яна шулким, шаҳар доруғасидан беклар билан Хожа Фалон шундай хабардор бўлиб турсаларки, озгина иш учун кўп нарса талаб қилмасалар. Ҳар бир айбдордан қилган гуноҳига яраша жарима олсалар.**

**Яна бир сўз шуки, бир муносиб киши тайин қилинсаки, Мирзом давлат ишлари билан девонда ўтирганида содир бўлган ҳар қандай ишни кундалик дафтарга қайд этиб борилса, вақти ҳам ёзилса ва қачон**

---

<sup>1</sup> “Бу ишга муносиб кишини ўзингиз тайин қилинг” маъносида шундай дейилмоқда.

бўлган ишни билишга эҳтиёж бўлса, шундан мазмуни ва тарихи маълум бўлса.

Яна бир сўз шуки, беклар ва девон ходимларига, шунингдек, парвоначи ва мухрдор ва муншийга буюрилсаким, таъма умидида мусулмонларнинг ишени кечиктирмасалар. Шаръий ва қавлий арзномани бир тўртбурчак мухр билан топширилган куниёқ битказиб берсалар. Каттароқ арзномаларни ҳам ҳукмдан кўрқиб тезроқ битказсалар.

Яна шулким, мажлис қуриб майхўрликка кўп хирс қўйилмаса. Агар ҳар замонда зарурат туфайли ичишга тўғри келса, хизматчиларга тайинлаб қўйилсаки, таклиф қилинмаган кишилар даврага мутлақо киргизилмаса, мажлисда тартиб ўрнатилса.

Яна шулким, юқоридан ҳар хил ҳукмлар келса, хоҳ катта, хоҳ кичик, бошқа ишга берилмай, пайсалга солмай, агар қилиниши мумкин бўлса дарҳол бажарилса. Агар бажарилиши имконсиз бўлса, жавоби хат орқали юқорига билдирилса.

Яна шулким, ҳар турли арзларни юқорига ёзилганида “наسخ ва таълиқ” хати билан шундай ёзилсаки, ўқишда ўқувчига ташвиш бўлмаса. Туркча хат<sup>1</sup> билан мутлақо хат-ҳужжат ёзилмаса. Чунки бу борада яна бошқа гап бор. Ҳар қанча мактуб битилса ҳам сўзларни иложи борича шарҳлаб ёзилса, ҳар ишнинг тарихи қайси ой, қайси кунда экандир, токи мактубда ёзилган мақсадни англашда шубҳа қолмаса.

Яна шулким, теварак-атрофдан элнинг арзномалари келса, узоқдан келганларини кўп куттирилмаса. Ҳар қайсисига мартабасига яраша илтифот қилинса. Хусусан, Мир Зайнулобиддинга илтифот қилиш вожибдур, шу ишлар доимо эътибордан четда қолмаса.

Яна шулким, у вилоятларни катта иши – чегараларни тўсиб туришидир. Ҳозирги замонда кўнгил истамас ишнинг ўзи йўқ.

---

<sup>1</sup> *Уйғур хати*

Чегараларга ишончли кишиларни қўйиб, мустаҳкам бир тартиб ўрнатилсаки, Худо сақласин, агар бир нотинчлик содир бўлса, дафъ қилгани шай турилса. Умуман, чегаралар хусусида хотиржамлик бўлса.

Яна бир сўз шулким, давлат ишига куч билан шундай машғул бўлсангизки, ҳар қандай ишнинг тагига етсангиз. Аркони давлатни ҳар қайсисига иш буюрилса, муддатида бажарсалар, ичкиликка берилиб, ғафлат билан буюрилган ишни қила олмай, маълумот беролмай қолмасинлар.

Яна бир сўз шуки, от миниш, қуш овига машғуллик кўп бўлмаса. Бундай ишларда меъёрга риоя қилинса, токи бу машғулотлар туфайли давлат ишлари қолиб кетмаса.

Яна бир сўз шулким, чегараларда қиблагоҳингиз Ҳусайн Мирзо навкарлари хизмат қилмоқда. Улар отангиз навкарлари эканлигини ҳисобга олиб, иноят ва ҳурмат кўрсатиш кам бўлмаса. Аммо агар улар томонидан қоида бузилса, дарҳол текшириб жазоси берилса.

Яна бир сўз шулким, ишбоши бекларга ҳукм бўлсаким, посбонларга қаттиқ тайинланса, посбонлар бошлиғи уларни ҳар куни посбонликка келган ёки келмаганини суриштириб турса, токи посбонлик иши оқсамаса.

Яна шулким, девондагиларга ҳукм бўлсаким, атрофдан келадиган савдогарларнинг ҳаққини ҳимоя қилсалар. У вилоятда “тамғо”<sup>1</sup> лафзи зикр қилинмаса. Закотни шарият ва ҳукм йўли билан закотчилар уларни халос қилсалар. Закотчилар ишидан ишбошилар ойма-ой, балки ҳафтама-ҳафта хабардор бўлиб турсалар. Жузвий жарима қилганни куллий сиёсат қилинса зарари йўқдир, токи бу овоза бошқа ерларга ҳам ёйилиб, савдогарларнинг келиши кўпайса.

Яна шулким, сизга майда нарсаларни арз қилинганида албатта уларни ўқишда малоллик бўлади. Аммо барча ишда Тангри таолони унутмаслик керак. Шунингдек, қиблагоҳингиз Ҳусайн Мирзони ҳам эсда

---

<sup>1</sup> *Бож тамғаси*



тутсангиз, токи шу икки иш дунё ва охират саодатини топишингизга сабаб бўлса.

Илтимос шуки, бу мактубни мавлоно Дарвиш Муҳаммадга топширилса. Ҳар икки-уч кунда бир қатла чақириб, ёзилганлар ҳақида мулоҳаза қилиб, яна тайинласангизки, сизнинг хаёлингиздан фаромуш бўлганида унинг ўзи икки-уч кунда бир олиб келиб, эътиборингизга ҳавола қилиб турса. Шунингдек, ушбу ҳаддимдан ошиб ёзганларимдан қайси бири мен айтгандек йўсинда амалга ошса, уни шарҳ билан иноят қилиб, Ҳусайн Мирзога етказилса...”

Бу мактубнинг бир нусхаси Султон Ҳусайнга ҳам юборилди. Умид шу эдики, Астрободдаги вазият Ҳирийда ҳам айни бўлиб, шояд султоннинг ўткир фаҳми уни ақл тарозусига солса, шу васила ила Ҳирий истилоҳи ҳам қилинса...

### ***ШАЙХ БАҒДОДИЙ ЧАМБАРИ***

905-йил<sup>1</sup> келди.

Шу баҳорда Муҳаммад Шайбонийхон Самарқандни эгаллади.

Чингизийлар авлодидан Абулхайрхон невараси бўлмиш бу ҳоқон Чингиз ясасига қатъий амал қиладиган киши эди.

Бу вақтда Самарқандни қўлга киритиш учун кураш бошлаган ёш йўлбарс – Заҳириддин Муҳаммад Бобур султон Ҳусайн Бойқарога ва Бадиуззамон Мирзога нома юбориб, Шайбонийхонга қарши курашда кўмак ўтинди. Умид кўзларини Ҳиротга тикиб, бир қанча вақт интиқ бўлиб жавоб кутди. Аммо, Ҳиротдан садо келмади. Ўн етти яшар ўсмир темурийлар салтанатини сақлаб қолиш учун уринар экан, бениҳоя обрў-эътиборли, тажрибали ғозий султон ҳам, ота изини босаётган Бадиуззамон Мирзо ҳам сукут сақлашни лозим топишди. Бунинг сабабларидан бири эса, маълум бўлгани каби, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг султон Абусаид Мирзо сулоласидан экани эди.

---

<sup>1</sup> *милодий 1500-йил.*

Буни эшитган кишилар бир маҳал Алишер Навоий айтган изтиробли сўзларни эслашар, “Эй воҳ, минг воҳ! Шайх Мажидиддин Бағдодийнинг ўлими воқеасига монанд иш содир бўлди” дер эдилар.

Қисмат чамбари Хуросон салтанатини мана шундай сиқиб келди.

### ***ЛИСОНУ-Т-ТАЙР***

Болалик маҳали қалбга буткул жо бўлган, ҳайрат кўзини очиб юборган “Мантиқу-т-тайр”га бениҳоя эҳтиром ва иззат тимсоли ўлароқ, у маъноларни янада мукамал тарзда ўзига жо айлаган шоҳ асар – “Лисону-т-тайр”нинг яратилиш пайти етиб келди.

Олам янгиланар, ёруғ дунёга келган ҳар жон эгаси ўзидан из қолдириб-қолдирмай йўқлик сари равона бўлар экан, ҳар умр мазмун ва ҳикмат сафарига айланган, йўл мобайнида ҳар лаҳзада Тангри таоло қудрати ва иродасига дуч келинар, шу сабаб, турли мулоҳаза тоғлари ва зако қаноти ила у уммонлару хуноба дарёларидан учиб ўтмоқ дунёда яшаб ўтмоқнинг маънисига тенг эди. “Хазойину-л-маоний” инсон умрининг тўрт палласидан баҳс этувчи хазина эса, “Лисону-т-тайр” ҳазрати Атторнинг “Мантиқу-т-тайр”ига қасида ўлароқ, яна бир хазина бўлмоғи, унда етти тоғ ошиб ўтилмоғи лозим бўлиб, “Хамса”даги “Сабъаи сайёр”, яъни етти сайёра ҳам шуни ифода этар, ёхуд меърож воқеасидаги етти осмон оша учмоқ ҳам баайни шунинг ўзи эди. Аттор қуши ўтган маъволар узра энди Навоий жон қуши ҳам учиб ўтмоғи, Аттор кўрганларига у ҳам назар солмоғи, мушоҳада айламоғи лозим эдики, бу истак ҳар недан қудратли, у кўрилганлар эса албатта ҳикматга айланиши шарт эди. Зотан, ҳаёти дунё ҳам шундан иборат, бу гардуни дунда ҳар ким қуш каби, жиш гўдакликдан кексалик сари қанот қоқар, ризқини топиб-терар, полапон очар... ажал овчиси кўзга кўринмас овлоғидан туриб ўқлаб уриб олар, у ўқлар теккан қушлар питирлаб жон таслим қилар экан, нажот фақат ва фақат Тангри таоло марҳаматига ғарқ бўлиб кетишдагина эди, холос.

Фалак ҳодисаларини-ю улар қатларидаги билимларни ўзига сингдира-сингдира тўлишган ақл энди ўз болини тўқмоқни истарди. Хаёлда асарлар бирин-кетин пайдо бўлар, улардан ҳар бирининг ўз руҳияти, вазни, мақомоти бор бўлиб, олам хазинасидан жой олмоққа даъво қиларди. Оламлар Парвардигори марҳамат қилиб, бундай асар битишга фурсат бергаймикан? Жон куши фарёд ура-ура мангулик диёрларига учиб кетиш олдидан шу оғушларга, дарёю кўлларга, шаҳару қишлоқлар узра қўнаётган ажойиб шомлару тонгларга қараб, яна бир сайрашга улгургаймикан? Ахир, кетилajak диёр сассизлик диёри ҳамдир. У шундайки, биров оҳ урса бошқа карамагай. Арз-додларга ҳеч ким қулоқ солмагай. У маҳалда қилинган дуолару муножотлар мустажоб бўлмагай. Шоҳлару гадолар ёнма-ён, ёруғ оламдан келадиган савобу муждаларига интиқ ётгайлар...

Алишер Навоий энди шу ажаб мўъжиза бўлмиш ижод салтанатининг мутлақ султони эди. Юз минглаб турк, араб, форс сўз лашкари амрига мунтазир, ҳукмига итоат ила бўйсунар ва унинг ихтиёри ила тизилар, маъно кўрғонларини бунёд қилар эдилар. Бу мулкдаги ўзга султонларнинг кўрғонлари эса, дахл қилинмас тарзда, бутун шаън-шавкатию доврўғи билан кўр тўкиб турарди. Жон куши салтанат узра қанот қоққанида, у зотларнинг бетимсол хазиналарига кўзи тушар ва тамоми мутаассирлик ичра, ҳайрату завқларга ошно бўлиб парвозда давом этарди. Етиб борилмаган маъни чангалзорлари гўё Ҳинд элининг фатҳ этилмаган кофиристонлари каби, гулоб ва кофур исини таратиб чаманзорлар ҳосил қилган, Ҳинд эли не, ортида инсон қадами етмаган фасоҳат чангалзорлари барча сирлари ва гўзаллиги билан махфий турарди.

Оламлар Парвардигорининг ҳали ҳеч бир инсон оёғи етмаган, фалак хазиначиси “Орангизда энг пок, энг фазилатли кишигина уларга қадам қўя олади” деган тилсим билан тилсимлаган бу буюк хазиналарини зиёрат айлаш унинг энг бахтиёр қули Алишер Навоийга насиб қилди. Ҳа, фалак тарбиячиси уни шундай тарбият айлади. Замон тупроғи аро ундириб-ўстирди, вужудида истеъдод куртакларини бўрттирди, “Менинг кудратимга,

санъатимга ва тадбирлигимга ҳамд айт” деган эди, у ниҳол қийғос гул очиб юборди! Шундай ҳосил бердики, оламдаги ҳеч бир боғ бундай мўл ва лаззатли ҳосил бермаган!

“Лисону-т-тайр” қоғозга тушар экан, ичкарига киришга фақат Бектош бобогагина руҳсат берилган бўлиб, мункиллаб қолган бу қария Навоий ижодхонасига шам ва сиёҳ-қалам ташийвериб чарчади. Алишер Навоий ўз достонини юксакликнинг етти водийси билан безади, у водийларнинг ҳар бири бир олам бўлиб асарда аксланди. Саодатга тўла у оламларга эришиш ва яна-да юксакдаги кейинги оламга – жаннатларга ўтиш йўлларини бир-бир кўрсатди.

Ниҳоят, хома битди, сиёҳ қуриди, шам ёниб тугади.

*Ё Раб, ушбу турфа шўхи дилфириб,  
Ким онинг васлин манга қилдинг насиб,*

*Эл кўзига доғи маҳбуб айлагил,  
Барча хотирларга марғуб айлагил, –*

деб битди Навоий достон ниҳоясида. Эй жонимнинг эгаси бўлмиш буюк Зот, ушбу маъниларнинг турфа шўх ва дилга фириб солувчи жилвалари васлини менга насиб айладинг. Энди уни элнинг кўзига ҳам маҳбуб, ундан баҳра олгувчи барча кишиларга марғуб айлагин!

*Гарчи мақсудига мубҳамдур баён,  
Қуш тилин эл кўнглига қилгил аён.*

*Кимга ондин ҳосил ўлса муддао,  
Лутф этиб Фонийни ҳам қилса дуо.*

Яъни, ундан баҳра олган кишиларнинг муддаоси ҳосил бўлса-ю, ушбу мисраларни битган Фонийни, яъни дунёдан бошқалар каби тезоб ўтиб кетгувчи кимсани лутф этиб дуо қилсалар:

*Айла онинг ҳам дуосин мустажоб,  
Иккимизни оллидин олғил ҳижоб.*

*Табъима тушса хато бирла залал,  
Килкима саҳв ўлди эрса ё халал.*

*Лутф ила, ё Рабки, борин афв қил,  
Номаи аъмолидин ҳам маҳв қил.*

*Ҳар паришон сўзки ёздим, ё Карим,  
Боридин астазфируллоҳ, ал-Азим.*

Алишер Навоий вужудида ажаб энгиллик ҳис қилиб ҳовлига чиққанида Бектош бобо ухламаган, кўзлари қизариб хожасига боқиб турарди.

Шу он теваракни чаҳ-чаҳга тўлдириб булбул сайрамоққа бошлади. Унинг бетакрор сайроғи тип-тиниқ Ҳирий тонги руҳафзолиги аро завқли ва бетакрор садо бўлиб теваракка ёйилди.

– “Лисону-т-тайр” битди, бек! – деди Навоий, унга қараб. Хушчоғ маҳалларида у Бектошга шундай деб мурожаат қиларди.

– Мошоллоҳ! Муборак бўлсин, пирим! – деди Бектош чол, кексаларга хос хирқи овоз билан.

Шоир ҳорғин табассум қилиб, асосига суяна-суяна юқори айвонга йўналди.

Бу ердан неча йиллардан бери гоҳ худ, гоҳ бехуд оққан Ҳирируд ирмоғи, ёғочлари бўғотларидан чиқиб турган уйлар, у ерда сахар уйғониб, юмушларига уринган кишилар, ўтлоқлару боғлар аниқ кўриниб турарди.

Ҳирий уйғонган, бозор томондан олашовур келар, яна кайдадир туя кўнғироқларининг садоси элас-элас эшитилар, олам узра янги кун бошланмоқда эди.

\* \* \*

Хуросон ва Мовароуннаҳрда **эса** вақт шиддатланди, уруш ва низолар хавфи ортди.

Давру даврон тўлғанар, не-не зотлар оламга келиб, чархи фалак шиддати аро мангулик сари жўнаб кетмоқда эдилар. Орадан юз йил ўтиб-ўтмай бу кишиларнинг биронтаси ер юзида қолмаслиги, ёруғ оламда инсонлар фақат бир-бирларига ёр бўлибгина яшай олишлари тириклик оламнинг мутлак ҳақиқати эди. Ҳа, салтанатлару ер юзини титратган ҳукмдорлар фалакнинг бир айланишида ер тубига қараб кетишди. Хиёнатлару адабсизликлар, май бўстонларининг завқу сафолари-ю мамолик чопқинлари аро Хуросон давлати ҳам оҳиста айланар, унинг тупроқларида ҳаёт кечираётган туман-туман кишилар орасидан етишиб чиққан, Тангри таоло иноят қилгани боис илм булоқларини очган олиму уламо, шоиру шуаро, валию авлиёлар ҳам дунёдан ўтиб боришарди. Бу издиҳомни кузатган ва ақл кўзи билан жаҳон ишларига разм солган зот эса, наинки айни замона аро умр кечираётган кишиларга, балки ҳозир мавжуд ва келажакда ёруғ дунёга келадиган барча инсон болаларига хитоб қилар даражага етиб келди!

*Олам аҳли, билингиз, иш эмас душманлиг,*

*Ёр ўлунг бир-бирингизгаким, эрур ёрлиг иш...*

Бир пайтлар, Ҳирийдан Самарқандга йўл олган ёш Алишер “Умрим мобайнида менга учрайдиган турли ходисаларни мен учун хайру марҳаматларга айлантириб қўйгин”, деб илтижо қилган эди. Улуғ Тангри ул муножотни ҳам зиёдаси билан мустажоб қилди. Шу қутлуғ ёшга қадар турли-туман кишиларга дуч келинди, улар билан гоҳ яқин, гоҳ узоқ бўлинди.

Ораларида қай бири қутб, қай бири абдол, қай бири Хизр эканини билгувчи борми?

Навоий умр хулосалари ҳақида “Махбубу-л-қулуб” деган бир асар ёзиш ҳаёлида эди. Шунингдек “Қиссасу-л-анбиё”, “Насойиму-л-муҳаббат”, “Тарихи мулуки ажам”, “Муҳокамату-л-луғатайн” кабилар ҳам маъни келинчаклари каби юз очар муддатини кутиб, тасаввур ва ақл чимилдиғи аро туришарди.

“Тарихи мулуки ажам” шу чокқача билинган ва исбот топган тарихларнинг қаймоғини жамлаб, нафақат илм аҳлига, балки оддий кишиларга ҳам тушунарли тарзда англаймоғи лозим эди. Зебу ҳашамлар ила безалган ва ҳар турли далил-исботсиз афсоналарни ўзига сингдирган тарихларнинг кўпи султонлару шоҳлар истагига кўра бўрттирилган бўлиб, Алишер Навоий муболағалардан холи, ҳаққоний тарихни акс эттирган асар битишни истарди. “Муҳокамату-л-луғатайн” эса турк қавмининг пайдо бўлиши ва Ёфас Абут-турк фарзандлари ўлароқ дунё бўйлаб ёйилишидан баҳс этароқ, оламнинг турфа халқлари аро шон-шарафга бурканган турк улусининг ўзагини ва турк тилининг виқорини кўрсатиб бериши лозим эди.

Умр сидратул-мунтаҳоси<sup>1</sup> ғоят яқин, ақл қуши у сидрадан ўта олмай, зеҳн Жаброили жон алайҳиссаломига қарата “Мундин у ёғига ўта олмайдурмен” деб узр айтадиган маҳал. Олам узра олтмиш йил қанот қоққан жон қушининг меърожга кўтарилар вақти мана шу эмасми?

Ҳирий боғларининг олтинларига боқар экан, ёдга “Хазойину-л-маоний” келди. Бу кунга қадар неки кўрилган-билинган, ўқилгану ёд олинган, ҳайратланилгану изтироб чекилган эса, барчаси руҳ кимёсидан ўтиб, тоба-тоба олтинга айланди. Воқеалару ҳодисалар дейилдими? Йўқ-йўқ. Алишер Навоий ўзидан юзлаб-минглаб маъно хазиналарини сочиб юборди. “Хазойину-л-маоний” эса, унинг бағридаги хазинанинг ўндан, балки мингдан бири бўлса ажабмас.

---

<sup>1</sup> Оламлар интиҳоси, тугаши жойи. Ундан нарёзи Арш дейилади.

Не ажабки, Ҳирий ҳам ҳозир хазойинул-маоний каби жилва урарди. Ҳирируд ҳамон айқириб оқар, бундан кўп йиллар аввал бўлиб ўтган бир суҳбатни ёдга соларди:

– Суви муздан ҳам совуқ экан... Тағойи, бу сувда балиқлари тўнғиб қолмайдими?

– Тўнғламайди, чунки Тангри шундай яратибдир... Ҳирируд кичик бир анҳор, сиз Жайхун ила Сайхунни кўрмабсиз. Андоқ хайбатлидирки, кемалар сузгайдир, наҳанглар гирдоб ургайдир...

Ашъор уммони эса бу кун туркий салтанатнинг ҳар ерида мавжланиб, бағрида маъно наҳанглари гирдоб урди:

*Турк назмида чу мен тортиб алам,  
Айладим ул мамлакатни якқалам.*

*Низомий олса Барда бирла Ганжа,  
Қадам Рум аҳлига ҳам қилса ранжа,*

*Чекиб Хусрав доғи тиги забонни,  
Юруб фатҳ айласа Ҳиндустонни,*

*Яна Жомий Ажсамда урса навбат,  
Арабда доғи чолса қўси шавкат,*

*Агар бир қавм, гар юз, йўқса мингдур,  
Муайян турк улуси худ менингдур.*

*Олибмен таҳти фармонимга осон,  
Черик чекмай Хитодин то Хуросон.*

*Хуросон демаким, Шерозу Табрес,*



### *Ки қилмишдур найи килким шакаррез...*

Навоийнинг қалби ниҳоясиз шукрона ила тўлди. Умр паллаларини хотималаш ва ягона Парвардигорга гуноҳларни савобларга айлантиришини сўраб илтижо қилиш вақти келган, у эса “Муножот” бўлиб қоғозга муҳрланиши керак эди...

Чунки қисмат дейилган фалак чолғучиси умр кузининг исфаҳонийсини, қиш бахтиёрийсини чалмоқда эди.

### **ТАНГРИ ТУРК ЭЛИНИ ЁРЛАҚАСИН!**

Кишилар ўз миллати билан мақтанурлар, бу уларнинг ҳаққидир. Тиллар турфа қилинганидан мурод, Оламлар Парвардигори ўзига у тилда ҳамд айтилишини истаганидир. Йўқса, Бобил воқеаси юз бермаган ва барча бир тилда сўзлашган бўлур эди. Ҳар тилда гўзал сўз хазиналари ҳосил бўлишининг сабаби ҳам шудир.

“Муҳокамату-л-луғатайн”да у ўз миллатининг, она тилининг фазилатларини кўкларга кўтарди ва унинг гўзалликларига мақтовлар ёмғирини ёғдириб, шу қутлуғ улус орасида дунёга келтиргани учун Тангри таолога ҳамду санолар айтди.

**“Барчасидан араб тили фасоҳат ойини билан билан мумтоз ва балоғат зийнати билан мўъжизавийдирки, ҳеч бир сўз аҳлининг унга даъвоси йўқдир ва сўзи сидқ, иши таслимиятки, Оламлар Малики Жалла ва Аълонинг мўъжизавий каломи низоми у тилда нозил ва Расул алайҳиссалоту васалламнинг саодатга элтувчи ҳадислари у лафз билан ворид бўлибдур. Ва улуг авлиёлар ва олий даражали шайхлар (Аллоҳ уларнинг сирларини муқаддас қилсин) – кўпроқ ҳақиқатлар ва маърифат сурибдурлар ва маъно зеболарини оғзаки сўз либосига киюрибдурлар ва ул қутлуғ, фархунда иборалар ва ул саодатли сўзлар ва ишорат била воқе бўлубдур.**

Мундин сўнгра уч нав тилдурким, асл ва мўътабардур ва ул тиллар иборати гавҳари билан сўзловчининг сўзида зевари ва ҳар қайсининг фуруи, яъни шох ва шохчалари бағоят кўпдир. Аммо туркий, форсий ва хиндий асл тилларнинг бошланиши, маншаидирки, Нух пайғамбар салавотуллоҳи алайхнинг уч ўғлиға – Ёфас, Сом ва Ҳомга бориб етишур. Ва бу воқеанинг қисқа тафсили будурки, Нух алайхиссалом тўфон фалокатидан нажот ва унинг ҳалокатидан ҳаёт топди, олам маъмурлигида башар жинсидан асар ва инсон навидан кўриниш қолмайдур эрди. Ёфасники, тарих аҳли Абут-Турк битурлар, Хито мулкига юборди ва Сомники, Абул-Фурс битурлар, Эрон ва Турон мамлакатларининг ўртасида эга қилди ва Ҳомни, Абул-Ҳинд дебдурлар, Ҳиндистон шаҳарларига узатди. Ва бу уч пайғамбарзода авлодлари зикр қилинган мамлакатларда ёйилдилар ва қалин бўлдилар.

Ва Ёфас ўғлонники, Абут-Туркдур, тарих аҳли иттифоқ била дебдурларки, пайғамбарлик тожи билан сарафроз, расуллик мансаби билан қардошларидан мумтоз бўлди. Ва бу уч тилки, туркий, форсий ва хиндий бўлғай, бу учовининг авлод ва тобеълари орасида тарқалди.

Аммо шуур ёшига қадам қўюлди, чун Ҳак Субҳонаҳу ва таоло таъбга ғаройиботлар сари майлни зотий ва диққат ва заҳматкашликка жасоратни туғма қилган эди, – турк алфозига доғи мулоҳазани лозим кўрилди. Шундай бир олам назарга келдики, ўн саккиз минг оламдан ортик, унда зеб ва зийнат осмони таъбга маълум бўлди, тўққиз фалакдан ортик, унда фазилат ва рифъат хазинаси учради, дурлари юлдузлар гавҳарларидан порлоқроқ, ва бир гулшан йўлиқди, гуллари юксак юлдуздан дур сочувчиоқ. Ҳарими атрофи эл оёғи етмоқдан омонда ва гулларининг ғаройиблиги ўзга қўли тегмоғидан маъмун. Аммо хазинасининг илони хунхор ва гулшаниннинг тикони беҳад ва шудгор.

Хаёлга келдики, ҳамоноки, бу илонлар нишу наштаридан таъб аҳли хирадмандлари бу хазинадан баҳра опмай ўтибдурлар. Ва кўнгулга андоқ эврулдиким, гўё бу тиканлар сарзаниши зараридин назм хайли

гулдастабандлари бу гулшандин базм тузгуча гул иликлай олмай йўл тутуптурлар.

Чун бу тарикда ҳиммат олий эди ва таъб – ботир ва бепарво, ўтарга қўймади ва томошасидан тўймади. Ул олам фазосида таъб сипохи турктозликлар тузди ва у фалак хавосида хаёл қуши баланд парвозликлар кўргузди ва ул ганж жавоҳиридан замир саррофи бениҳоя қийматли лаъл ва ноёб дурлар олди. Ва у гулшан райҳонларидан кўнгил гулчиси сон-саноксиз хушбўй гул ва ёсуманни қўйнига солди...”

Эй, қиблагоҳига эҳтиром кўрсатган ва унинг олий дуосини олган ахлоқли эл! Васфинг борасида Алишеринг ўз ҳолича сўз айтди ва мадҳингни тугал айлади. Уни хайр дуоси била ёд қилгайсан ва руҳини шу билан шод қилгайсан! Бағрингдан яна юзлаб алишерларинг етишиб чиққайдирки, улар ҳам сенинг фазилатларингни булбулдай мадҳ этгайлар!

Тоабад шон-шарафга буркангайсан! Тоабад ер юзида яшагайсан! Тоабад улуғингга кўргузган эҳтиромингни зурёдингдан кўргайсан!

Алқисса шуки, бир ниҳол бор эди, ўсиб-унди, гуллади ва чунон мева тугдики, адоғига етиб бўлмади. У худди хурмо каби эди, унга бирон дунёвий иллат яқин йўлай олмади. Ўз она тупроғи бағридаги маъданларни сингдира-сингдира, шундай маъниларни бунёд қилдики, олам аҳли ҳайрат бармоғини тишлаб қолди. Шундай меваларни бердики, ўз элининг Тўби дарахти каби бўлди. Ахир, Абу Умома<sup>1</sup> айтмадими: «Тўби жаннатдаги бир дарахтдир. Жаннатда бу дарахтнинг шохи кирмаган бирорта уй йўқ. Қанча гўзал қушлар бўлса, ҳаммаси ўша дарахтда бўлади, қанчалик чиройли мева бўлса, барчаси ўша дарахтдадир».

\* \* \*

Қиличини яланғочлаб қиш келди.

Вужудда ҳам гўё қаҳратон совуқлари бошланиб, қорлар ёғди. Бир маҳаллар бошига дасторини кўтариб чиққан лоладан завқ олган, гўдакликдан то кексалик киборлигигача етиб келган зот онгида тўлқин урган сирлар

<sup>1</sup> Абу Умома – фозил, зоҳид саҳоба.

хазинасидан айримларигина ёруғ оламга зуҳур этди. Йўқ-йўқ, хазина эмас, балки билим ва бадиият кўшклари барпо бўлди. Тангри иноят айламаса шундай бўлармиди? Тўрт куббали “Хазойину-л-маоний” саройига инсонлар абадул-абад оқиб келгайлар. “Лисону-т-тайр” қароргоҳида умр паллаларининг меърожини кўргайдирларки, хоксор Алишер Навоий халққа у меърожнинг Буроқ оти бўлиб хизмат қилди. У барпо қилган маъно иншоотларининг кенглиги шу қадарки, бир томонидан учган қуш бошқа тарафига етгунича асрлар ўтади. Уларга зиёрату ибодат илинжида келганлар пойгакда у иморатларнинг меъмори, фуқаронинг хоксори, Алишер Навоий деб аталган фақирни ҳам кўргайларки, ҳаққиға бир дуо қилишлари ўтиниб илтимос қилингайдир.

Бу жасур, содда, дуруст, тўғрисиўз турк улуси орасида дунёга келмоғи ирода қилинган экан, у ўз вазифасини тугал уддалай олдими? Эл бўҳронлар, фалокатлар, мусибатлару фитналар аро гоҳ ўксиниб, гоҳ кўксини кера-кера яшаб келаётган экан, унинг Алишери нималар қила олди? Бу элнинг тарихи не, қайлардан келди-ю қаён кетмоқда? Олимлари ва улуғлари бирин-кетин йўқлик диёрига жўнамоқдалар, ўзлари билан шундай бебаҳо хазиналарни олиб кетмоқдаларки, уларнинг қийматини ифодалашга на сўз етар, на фурсат. Сон-саноксиз улуғларни дунёга келтирибди, қолдики, ўзининг кимлигини англасин, кўкси юксалсин, бошини типпа-тик тутсин!

Шундай асарларнинг барчасини “Муножот” яқунламоғи керак эди. Чархи даввора аро бир Алишер ёруғ оламга келди, еди-ичди, ўйнади-кулди, умрини ўтказди. Тиним билмас кўк суворийси ажал ёрлиғини олиб келмоқда. Ортга қаралганда ёғдуларга чулғанган хотиралар, кишилар чехралари, Шоҳрух Мирзо ва бекларининг нурли қиёфалари, Самарқанднинг қаттиқ қишидаги озурда кунларда саховат кўлини чўзган пиру улуғларнинг нурли сиймолари... саф-саф, фавж-фавж тўлқин урмоқда ва уларнинг барчаси кетган жойларидан туриб “Бизлар бу маконларга сендан бир оз эртароқ келдик” деб туришгандай. Шуларнинг барини идрок қилувчи киши, фалак ўқчиси ёйини буриб мўлжалга олишини аниқ билгани он қандай нидо қилсин? Гўё кўкдан

бир бургут яна тушмоқда, ер юзидаги ёлғиз кабутарни йиллар аввал бошқа бургутлар олиб кетган масканларга чангал уриб олиб кетмоқда эди.

Аллақачон макон ҳам, замон ҳам унутилган, теварак гўё адам даштига айланган, мулки фано ортда қолмоқда, толиб киши бошига келган бу можаро ўзининг ҳақиқатларини дур каби кўрсатмоқда эди.

“Илоҳи...” деб бошланган нидо бир инсоннинг Парвардигор олдидаги нола-ю фарёдлари, саждага бош қўйилгани маҳал фақат унгагина айтиладиган ёлворишлари тимсоли бўлиб дунёга келди. Ер юзининг энг юксак мамлакатлари султонларию халқлари қошида иззатланган, кексалик фойдаларидан баҳра олиб, жон қуши бадан қафасидан чиқмоққа уриниб типирчилар чоғига етиб келган Алишер Навоий, – Тангри унинг гуноҳларини кечирсин ва айбларини беркитсин, – шундай деди:

**Илоҳи, акрам ул-акрамин – сен, ва мен – гуноҳкор.**

**Илоҳи, арҳам ар-роҳимин – сен, ва мен тийрарўзгор.**

**Илоҳи, агарчи журму исёндин ўзга ишим йўқ, аммо сендин ўзга ҳам кишим йўқ.**

**Илоҳи, йўқ эрдим - бор эттинг, тифл эрдим, улуғлар жарғасиға қоттинг, аммо нафсу ҳаво елидин зухдум ниҳолин ушоттинг ва офиятим хайлин ёзуқ сипоҳи турктозидин тарқаттинг.**

**Илоҳи, ёмон афъолимдин паришонлиғим чўқтур ва шум нафсимда пушаймонлиқ йўқтур, мундоқ балодин қутулурға уммидим сендин-ўқтур.**

**Илоҳи, ўзлук ёмонлиғидин ўзлугум била ўта олмайдурмен ва яхшиларнинг этагин ёмонлиғим уётидин тута олмайдурмен.**

**Илоҳи, йиллар ибодат қилғонни рад қилсанг, ҳеч ким дахл қила олмас ва қарнлар исён қилғанни қабул қилсанг, ҳикматин ҳеч киши била олмас...**

**Илоҳи, иноятингға уммидворменким, гуноҳим беҳаддур ва раҳматингға сазоворменким, хатову саҳвум беададдур.**

Илоҳи, дарди холимни ҳар кимга айтсам, рад қилса, санга таважжух  
этқаймен ва агар сен рад қилсанг, нетқаймен ва кимга кетқаймен?

Илоҳи, сенинг йўлунгда туфроғ етса, тўтиёдур ва кесак йўлуқса,  
кимёдур, ғайрингдин қизил олтуң қора туфроғдек беқадру камбаходур.

Илоҳи, ёмонлиғимдин агарчи кўп аламим бор, ғамхорим сен бўлсанг,  
не ғамим бор.

Илоҳи, дунё майли риштасин кўнглумдин уз ва нафсоният  
тийралиғида ҳидоят шамъи била ўзунг сори йўл кўргуз!..

### ***ҒАРОЙИБ БИР ФАРМОН***

905-йил, зулқабда ойининг 5-куни<sup>1</sup> султон Ҳусайн Мирзо салтанат қонун-  
қоидаларига мос келмайдиган бир фармон имзолади. У Алишер Навоий  
ҳақида бўлиб, унда у зотнинг сифат ва фазилатларига батафсил ўрин  
берилганлиги кишиларни ҳайратга чўмдирди. Султон Ҳусайн ҳар доимгидай,  
бу гал ҳам салтанат иқтидорини улуғ амирнинг оёқлари остига ташлади.

**«Яхшиликка йўлловчи Зотнинг буюк қудрати ва баъзи кимсаларни  
баъзи кимсалар устидан даражасини кўтарувчи Зотнинг буюк,  
мукаммал қудрати билан!**

Абулғозий Султон Ҳусайн Баҳодир сўзимиз.

Ўтқир билим ва заковат кўзи эгаларининг кўзларга кўринмас  
нарсаларни кўрингувчи қилувчи кўнгиллари кўзлари, шунингдек  
яратгувчи Зотга бўлган эҳтиёжмандлик майдонининг раҳнамолари  
ҳамда ҳақиқат ва мажоз мулкининг подшолари бўлган билимдонлик ва  
ишонч эгаларининг пок юракларидаги қора нуқталарига яширин ва  
махфий қолмасинки, борлиқ олам ҳайрат водийсидаги тавфиқ ва тавҳид  
манзилларига элтувчи карвон сарбони ҳидоят йўли ва Аллоҳнинг  
буюрганларини улуғлаш йўриғини бошлар ҳамда Аллоҳни улуғлаш ва  
мақташ ишига ёрдам берувчилар томонидан амалга оширилган таҳқиқ  
ва таъйид босқичларининг нурли ўтмиши булутлар қоронғулигига «Бас,

---

<sup>1</sup> 1500 йилнинг 11-июни.

қайси тарафга юзингизни қаратсангиз, ўша томонда Аллоҳнинг «юзи» мавжуддир» ояти нурлари нишонларини бағишлар экан, бир бахтиёрнинг ақл қулоғига «Мендан сўраган борми? Мендан мағфират сўраган борми?» нидоси эшитилади. Бу эса ғайбдан абадий тургувчи давлатнинг кўнглига келган ўй ҳамда ғайбдан кўнгилга келган ва бардавом бўлгувчи иноятдан хабар берадиган фикрга кўра, руҳлар ва жинлар томонидан «Лаббайка Аллоҳумма, лаббайка» деб тил билан айтишга жавоб бўла олади.

Бу сўзларни айтишдан мақсад ва бу гапларни баён этишдан кўзда тутилган нарса шуки, ушбу сулола ҳукмронлиги ёруғ замонининг қуёши бош кўтарган ва ушбу қудратли ва шавкатли хонадон халифалиги дарахтининг униб-ўса бошлаган даврининг бошларидан ушбу улуғвор йўлда бўлган, фаришталар сифатларига ва авлиёлик белгиларига эга бўлган табиатлари муборак жисмлари билан зоҳирий ва ботиний бирликка эга бўлган, ҳар доим абадийликка монанд суҳбатлари ва жаннатни безағувчи учрашувларига катта эҳтиёж пайдо қилган хайрли ишлар асосчиси, эзгу ишларнинг бошловчиси, хоқон ҳукуматининг мададкори, Ҳазрати султоннинг яқин кишиси, қудратли салтанат устунни, тинч ва фаровон мамлакат таянчи, ҳақ, ҳақиқат ва дин ишларини тартибга солувчи олий насабли, ҳидоят нишонли олижаноб Низомиддин Амир Алишер (Аллоҳ таоло ундан ёғиладиган баракаларни доимий қилсин) ҳозирги кунларда асослари мустаҳкам бўлган динимиз раҳнамосининг келтирган далиллари ҳамда «Аллоҳ хоҳлаган кишини тўғри йўлга ҳидоят этади» далилининг тўғри йўл кўрсатиши туфайли бахтиёрлар қаторидан жой олиб, аниқ ишонса бўладиган саодатдан башорат қилувчи «Юзингизни Масжиди Ҳаром томонга ўғиринг!» аниқ-равшан хитоби ҳамда жаҳонни безағувчи «Каъба, яъни Байт ул-Ҳаромни Аллоҳ одамлар учун мақом қилиб қўйди» чақириги эшитилиб турган бир чоғда, ўша муқаддас заминни тавоф этишга рухсат ва Иброҳим Алайҳиссалом тўғрисидаги барча нарсаларни аниқ-равшан баён қилиб

бергувчи оятларда сифатлари баён этилган ва мақтовлари келтирилган ўша муқаддас водийга боришга ижозат олиб, давлатнинг бардавом ҳамда унинг қудрати ва улуғлигининг абадий бўлишини дуо қилиш шарти билан, ўша илоҳий совғанинг қадрига етиш йўлида қадам ташлашни илтимос қилибдилар. Гарчи шу чоққача бир неча бор шу ниятни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган ва шу ишга рухсат берилишини илтимос қилган, бироқ ҳар сафар буюк Яратгувчининг яратганлари ва омонатлари бўлган бандаларнинг манфаатларини кўзда тутиш билан боғлиқ бўлган маълум сабабларга кўра ушбу илтимосни ижобат қилиш имконияти бўлмаган бўлса-да, бу сафар ул жанобнинг биз учун ҳамisha хурматли ва азиз бўлган файзли кўнгиллари розилигини олиш мақсадида, у кишининг илтимосларини бажо келтиришга қарор қилдик ва бажарилиши барча учун мажбурий бўлган қуйидаги жаҳоншумул ва қуёшсифат фармон (Аллоҳ уни ер куррасининг шарқида ва ғарбида кучга эга қилсин) чиқарилиш ва кучга кириш шарафига муяссар бўлди.

Ул жаноби олий Ҳижоз томон йўлга тушганликларини назарда тутган ҳолда, ул зот бу йўлда жойлашган мамлакатлардан қай бирига борсалар ҳам, у ердаги ҳокимлар, аъёнлар, аҳоли ва йўл хавфсизлиги қўриқчилари у кишига нисбатан хурмат-эҳтиром ва иззат-икром кўрсатиб, бир дақиқа ҳам ул Ҳазратга хизмат кўрсатишни тўхтатиб қўймасинлар, ўзларига тегишли бўлган ҳудуддан у киши ва у кишига ҳамроҳ бўлган кишилар ва мулозимларнинг барчасини соғ-саломат ва эсон-омон ўтказиб, хавф-хатар мавжуд бўлган жойлардан ўтишларида қуролли қўриқчилар билан таъминласинлар, ул Ҳазратнинг қутлуғ қадамларини азиз ва муҳтарам билиб, ул зот томонидан билдирилган ҳар қандай миннатдорчилик ва шикоятни қонуний кучга эга деб билсинлар.

Подшоҳни тахтга чиқарган биродарлар, зафар йўлдоши бўлган Соҳибқироннинг фарзандлари, қудрат фалакининг давлат тузувчи



**амирлари, доруғалар, зодагонлар, аъёнлар, турли навоҳийларда яшовчи барча кишилар ҳамда турли табақалар ва тоифалар вакиллари эътиборига маълум қилинадикки, бажарилиши мажбурий бўлган ушбу фармон асосида иш тутсинлар, ушбу қутлуғ фармон мазмуни ва қоидаларидан четга чиқиш ҳолатларига йўл қўймасинлар ва ушбу фармон улуғ зотнинг муборак имзоси билан безатилган, зийнатланган ва чиқарилганлиги сабабли унга ишонч билдирсинлар.**

**Пайғамбар ҳижратининг 905-йили, зулқаъда ойининг бешинчи куни олий зот, – Аллоҳ таоло унинг мартабасини баланд, нуфузини абадий ва ҳукмронлигини бардавом қилсин, – амри билан ёзилди».**

\* \* \*

Ниҳоят, кўнгилларни ўзига чорловчи Каъба дийдорига етиш, хажарул-асвадни тавоф қилиш ва гоҳи асов, гоҳи сокин шу умрнинг хато-ю нуқсонларидан тавба қилиб, Тангрига ёлвориш насиб қиладиган вақт етиб келгандек эди. Бироқ бу пайтга келиб жавзо охирлаб, ҳаво жуда исиб кетди. Сафарда катта қийинчилик юзага келишини ўйлаб, сунбуланинг бошларида, ҳаво хийла салқинлашган маҳалда йўлга чиқишга қарор қилинди.

Бу маҳалда Астрободда яна бир бебошвоқ шахзода – Муҳаммад Ҳусайн Мирзо исён кўтарди. Султон Ҳусайн Бойқаро Астрободга йўл олди, Навоий эса Ҳиротда қолиб, Тангри таолонинг даъватига “Лаббай” деб жавоб бериш учун тайёргарликларини бошлади.

Муҳаррам ойининг охирги чоршанбасида<sup>1</sup> ҳазрат Алишер Навоий йўлга отланди. Халойиқ ила рози-ризалик сўрашилиб, йўлга тушилди. Ҳирий ортда қолди. Айнул-ҳаёт деган жойга истироҳат учун тушилганида Навоийнинг ҳоли яна ёмонлашди: иситма қақшатиб, мафосил қайтадан бош кўтарди. Юришга дармон йўқ эди, сафарни бир ҳафтадан сўнг давом эттиришни режалаштириб, ортга қайтилди.

Жума куни, яъни сафарга бир кун қолганида Ҳиротнинг олийнасаб машойихлари, олимлари ва иршод аҳлидан бир қанча киши тўпланиб,

---

<sup>1</sup> Милодий 1500 йил, 26 август.

“Унсия”га келишди. Улар орасида Шайх Жалолиддин Абусаид Пуроний, миллат ва диннинг қиличи шайхулисом Сайфиддин Аҳмад ат-Тафтазоний, Шайх Али, Мавлоно Муиниддин, Мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифий, Мавлоно Табодгоний, Хожа Имодиддин Абҳарий, саййидлар ва нақиблардан Амир Қавомиддин, Амир Жамолиддин Асиль, Амир Низомиддин Абдулқодир, Амир Шамсиддин Муҳаммад ибн Розий, Ҳирот ва унинг атрофидаги жойларнинг зодагонлари, аъёнлари, раҳбарлари ва бошқа улуғлари бор эдилар. Улар Навоий боғидаги хушманзара айвонга тўпланишди. Олий ахлоқли Амир асоларига таяниб, бу зотлар хурмати учун тик оёқда турардилар.

– Сизнинг баракалар ёғилиб турган шахсингиз Хуросон мамлакати вилоятларидаги тинчлик ҳамда аҳолининг турли табақа ва гуруҳларига мансуб кишилар ўртасидаги осойишталикка сабаб бўлиб турибди. Ҳозир бу диёр Соҳибқирон Султоннинг саховатли вужудидан холи бўлиб, агар сизнинг ўзидан нурлар сочгувчи вужудингиз куёшидан ҳам холи қолса, фитналар юз бериши, уларни бостириш эса имконият доирасидан ташқарида қолиши мумкин. Айниқса, ҳозирги пайтда Муҳаммад Шайбонийхон Мовароуннаҳрга хужум қилган ва Амударёдан жанубга ўтишни мўлжаллаб турган, Ироқ ва Шомдаги вазият ҳам ўта нотинч, йўллар эса ўта хатарли бўлган бир чоғда, улуғ шариат қонунларига кўра ҳам бундай вазиятда ҳажга бориш вожиб ҳисобланмайди. Биз фақирларнинг сиздан илтимосимиз шуки, яна бир марта хуросонликларнинг жонига ора кириб, бу йил ушбу сафарни амалга ошириш фикридан қайтсангиз ва ушбу эзгу ишнинг савобини пиёда амалга оширилган етмиш ҳажнинг савобидан ортиқ кўрсангиз.

Алишер Навоий дард жонини озорлаб турган бўлса-да, Ҳирий фозилларининг қадрдон чехраларига қараб, кулимсираб деди:

– Субҳоноллоҳ! Сиз менинг эл-юрт учун ҳар недан кечишимни яхши билиб туриб шундай қилибсиз. Мен хоксор, сиздай азизларнинг илтимосига қандай қилиб йўқ дея оламан?

Барчангизга, маълум ва равшанки, узоқ вақтдан ва анчагина муддатдан буён ушбу сафарни амалга ошириш борасидаги шу ўй миядан ва ушбу фикр кўнгилдан жой олган эди. Ҳар сафар имкониятга қараб ўша томонга йўл олишга ният қилинганида тенгсиз Соҳибқирон монелик қилардилар. Ҳозир ҳам ўта чиройли бир тарзда хажга боришимга рухсат берган, бу борада муборак йўл фармони ҳам чиқариб, ушбу сафар учун керакли нарсаларни тайёрлаш ва мулозимларнинг харажатларини таъминлаш учун катта миқдордаги маблағ сарфланган бўлса-да, ҳозир ўзимизнинг истагимизни сизнинг илтимосингиздан устун кўришнинг сира ўрни эмас. Қолаверса, «Мўминлар қалбига хурсандчилик киритиш бутун одамлар ва жинларнинг қилган ибодатидан яхшироқдир», деган ҳадисга асосланиб, сизнинг илтимосингизни ижобат этишга лойиқ деб топдик ва бандаларнинг манфаатини кўзлаб, бу сафар ҳам ушбу истагимиздан қайтдик. Бироқ, Аллоҳ таолонинг мен фақирни Маккадан ҳам олисроқ бир сафарга чорловчи фармони етиб келишидан ҳам кўрқмоқдаман.

– Ҳошо! Оллоҳ сақласин!

Навоийнинг бу сўзлари бир оз хавотир, ва ҳатто, бир оз башорат билан айтилган бўлса-да, барчанинг кўнгли ғоятда ийиб кетди. Улар қувонч ва шодлик билан уйларига қайтдилар, қайтадан шаъни улуғ Амирга бўлган ихлос камарини жон белига боғлаб, тилларига ул Ҳазрат ҳаққига айтиладиган дуолар ва мадҳу саноларни келтирдилар.

Пойтахт ва унинг шаҳару қишлоқларини Ҳазрат Навоий эл-юртни ўйлаб хаж сафаридан воз кечгани овозаси тутиб кетди. Эшитган кимки бор, олий хулқли бу зотнинг саховатидан ҳайратга тушар ва ҳаққига чин кўнгилдан дуолар қилар эдилар.

### **“МАҲБУБУ-Л-ҚУЛУБ”**

Тақдир тақозоси билан бир киши умр қайиғига чиқиб, ҳаёт дарёсига тушди. Гоҳ пўртаналар орасида қолди, гоҳ гирдобларга йўлиқди. Гоҳ шохлари сувгача эгилиб тушган қисмат оғочларининг неъматларидан

ризқланди, гоҳ қайиғи умидсизлик саёзликларига ботиб, чиқолмай қолди. Йўлида унга турли-туман бошқа сузувчилар рўпара келди, баъзилари хуш, баъзилари нохуш таассуротлар қолдиришди. Шундай бўлдики, урушларга ҳам кирди, киши қонини оқизди. Узоқ йиллар суза-суза, турли ишларга ва тақдирларга гувоҳ бўлди. Ўзи дарёга тушмасидан аввал рўй берган ишлардан ҳам хабар топди. Қайиқни ҳам, дарёни ҳам, ўзини-ю ўзгаларни ҳам яратган Зотнинг қудратини мушоҳада қилди, унинг ёдини сира унутмади ва ҳаёт ишларидан хулоса чиқарди.

Бу кўп йиллик сузишларда у мангулик тимсолларига айланган жон эгалари билан рўпара келди. Ҳазрати Сулаймон қошидаги чумоли, пайғамбарнинг содиқ хизматкори Ҳудҳуд уни дуо қилди. Тўрт бўлакка бўлиниб, бўлаклари тўрт тоғ устига қўйилган қушлар унинг қошига тирилиб учиб келишди. Шундай бўлдики, қаршисига Сомирий бузоғи чиқиб келди ва ёлғон ваъдаларни сўзлаб бўқирди. Ҳазрати Мусо билан Тур тоғига биргаллашиб саёҳат қилди, қуриган оғоч бағридан чиққан садони эшитди. Билимсизлик тоғу тошлари аро замзам зилолини излаб зир югурди, ниҳоят, Тангри таоло инояти билан қалбидан Замзам эмас, Кавсар булоғи қайнаб чиқди. Бундай ўхшатишларга давом этилаверса, сўз узаяди.

Жоҳиллик подшоҳлари Иброҳим Халилуллоҳни манжинаққа солиб оловга отиб юборган бўлсалар, тақдир қанчадан-қанча кишиларни ўзининг турли-туман ўйинларига дучор қилиб, ҳодиса ва фалокатлар оловига ҳануз отиб юбормоқда-ку? У дамда қаҳру ғазаб ва жаҳолат фиръавни ёнидан жой олгувчилар кимлару Иброҳим Халилуллоҳ қаторидан ўрин олгувчилар ким?

Ҳарорати кўкларга етган у аланга Тангри таоло қудратини намоён этишидан ташқари, ўша пайтда зоҳир бўлган кишиларнинг аслиятини ҳам ёритиб юбормадими? Имон эгаларининг қийматини белгиламадими? Яратганнинг синови шунчалар шиддатлими, ўз ҳабибини оловга отишларигача йўл қўйиб берди? Йўқ-йўқ, жоҳилларнинг кўзигагина шундай кўринди, аслида эса у олов Иброҳим алайҳиссалом учун салқинлик ва омонлик бўлди. Дарҳақиқат, баъзилар сира кўрмаслар. Кимлар учундир

тақдир ўт-алангалари салқинлик ва омонликка айланди, кимларнидир ноз-неъмат боғу бўстонлари жаҳаннам сари йўллади.

Шу сабабли олам аҳли икки фиркага бўлинди: диёнатлилар ва диёнатсизлар. Ер юзидаги барча ёмонликларнинг сабабчиси жаҳолат экани қайта-қайта намоён бўлди. Ёруғ оламда турли қавмлар яшаб ўтишди, “Ақл юритмайсизларми” қонунияти эса сира ўзгармасдан, мутлақ қолаверди! У сузувчи ўз сафари давомида инсонликнинг олий мартабасидан қуйи тушиб, ҳалокатга учраганларнинг бахти қоралигига ҳам, муборакликнинг энг юксак даражасига эришганларнинг саодатига ҳам шоҳид бўлди.

Шундай маъноларни ўзида жамлаган асарини Алишер Навоий “Маҳбубул-кулуб”, яъни “Кўнгилларнинг севгани” деб номлади. **“Аммо баъд, фуқаронинг гадоси ва ғаройиб мастураларининг чехракушони, фақирларнинг ҳақири Алишер, лақаби Навоий (Аллоҳ гуноҳларимни кечирсин ва айбларимни беркитсин!) шундоқ арз қилур”** деб битди у асар муқаддимасига.

\* \* \*

**“Аммо баъд, фуқаронинг гадоси ва ғаройиб мастураларининг чехракушони, фақирларнинг ҳақири Алишер, лақаби Навоий (Аллоҳ гуноҳларимни кечирсин ва айбларимни беркитсин!) шундоқ арз қилур ва адосини ўзига фарз билурким, бу хоксори паришон рўзгор ёшлик замонининг бошланишидан кексалик замонининг ниҳоятигача даврон воқеаларидан ва айланувчи фалак ҳодисаларидан ва даҳри дунёнинг фитначи буқаламунлигидан ва ранго-ранг замонамиз гуногунлигидан узок вақт ва аҳди йироқ ҳар нав бўлак жумбоқ ва суратда қадам урдим, ҳар турли кўриниш ва ҳолатларда югурдим ва ўзимни яхши-ёмоннинг хизмат ва суҳбатига еткурдим. Гоҳ мазаллат ва машаққат вайронида навха уриб йиғладим ва гоҳ иззату ғино бўстонида анжуман туздим.**

*Гоҳе топдим фалакдин нотавонлиг,*

*Гоҳе кўрдим замондин комронлиг,*

*Басе иссиғ, совуз кўрдум замонда,  
Басе аччиғ, чучук тоттим жаҳонда.*

**Ифлос ва нотавонлик хангомида, яъни фалокат ва номуродлиғ айёмида гоҳ илм мадрасаларида сафлар пойгагида ер тутдим, гоҳ уламо мажлисида илм нуридан кўнгилни ёритдим. Гоҳ тақво масжидларида уларнинг қадами етган ерга юз кўйдум ва сажда касратидин манглайим терисини шилдим. Ва гоҳ сафо хонақоҳи аҳлининг идишига сув қуймоқ билан аржуманд бўлдим ва гоҳ фано дайри хайли соқийлигидан сарбаланд бўлдим. Ва гоҳ пасткашлар олдида хорлик ва гоҳ разиллар қаршисида безътиборлик кўрдим.**

**Ва гоҳ ишқ кўйида жасурлик ва одам ўлдирувчи паричехраларға ҳалоклик кўл берди. Ва гоҳ жунун маҳалласида разиллар бўйнимга шапалоқ урдилар ва болалар бошимға тош ёғдирдилар. Ва гоҳ шаҳрим эли ситамидан ғурбатга тушдим ва ғариб халойиққа қўшилдим ва қовушдим.**

**Ва тоғлар чўққиси оромгоҳим бўлди ва гоҳ саҳро этаги паноҳим бўлди. Ва гоҳ ғурбатда алил – ингранувчи ва ғариб элга залил – хор бўлдим. Гоҳ бу шиддатлардан азми ватан қилдим. Ва гоҳ азизлар хизматидан ўзимни баҳраманд ва сўзимни дилписанд ва аржуманд топдим.**

*Гардун гаҳ манга жафоу дунлуқ қилди,  
Бахтим киби ҳар ишта забунлуқ қилди,  
Гаҳ ком сари раҳнамунлуқ қилди,  
Алқисса: басе буқаламунлуқ қилди.*

**Аммо машғуллик ва комронлик чоғида ва кўнгил мулки халқ хужуми булғоғида ва гоҳ амирлик мансабида ўтирдим ва ҳукм ва**

хукумат маҳкамасида арз-ҳол сўрадим, ва гоҳ подшоҳ ноиблигида яқинлик туздим ва тийрак назарли элга ўзимни комрон кўргуздум.

Ва гоҳ ҳурмат ва шараф, иззат ва сахийлик айвонини макон қилдим ва акобир ва шарафли кишиларни таъзим юзидан меҳмон қилдим. Ва гоҳ шодлик боғида базм тарҳи солдим ва соқий ва чолғучи базму садосидан баҳра олдим.

Ва гоҳ султонлар мухолафатларида орага кирдим ва низоларни мувофиқлашга қарор бердим. Гоҳ ҳарб маъракасига ўзимни солдим ва жаҳл ва нодонлик тухматини бўйнимга олдим. Ва гоҳ яхшилик аҳлига ўзумни қотгим ва ҳар навъ хайр ҳужраларини тузатгим, андоқки, саъйимдин работлар барпо бўлди ва андин мусофирларга иншоотлар бўлди.

*Димогима тушубон кўп тасавуру пиндор,  
Ўзумни жоҳу улуглуққа айладим изҳор.*

Бу муқаддимотдан мақсад шуки, ҳар кўй ва кўчада югурибман ва олам аҳлидан ҳар нав элга ўзимни етқурибман ва яхши-ёмоннинг феълу хулқини билибман ва ёмону яхши хислатларин тажриба қилибман. Яхшилик ва ёмонликдан нўш ва ниш кўксумга етибдир ва хасис яра ва сахий жароҳат малҳамини кўнглим фаҳму идрок ила топибдир. Ва замон аҳлидин баёзи асҳоб ва даврон халқидан баъзи ахбобки, бу ҳоллардан хабарсиз ва кўнгиллари бу яхшилик ва ёмонликлардан асарсиздир.

*Не билгай ул кишиким, шаҳду майни тотмайдур,  
Ки, васлу ҳажр киби ул чучук дурур, бу ачиг.  
Билур залил мусофирки, пўя айларда,  
Қуму тўзонг юмишог, тоғу хорадур қатиг.*

Бу нав суҳбатдошларни ва дўстларни уйғотиш ва уларни бу нав холатдин огоҳ қилмоқ вожиб кўриндики, ҳар тоифа хислатларидан воқиф бўлишларига ва ҳар табақа аҳволини англашларига кўмак бўлгайки, муносиб эл хизматиға шитоб қилгайлар ва номуносиб эл суҳбатидан ўзларини четга олишни вожиб деб билгайлар ва бори эл билан махфий розларин сўзлашгайлар ва шайтонлару инсонларнинг макру фирибларига лаққа тушмагайлар. Ва ҳар нав эл суҳбат ва хусусиятики, уларга ҳавас бўлгай, бу фақирнинг тажрибаси уларға етарли бўлгай.

Чун бу битикларнинг қалбларга маҳбублиги маълум бўлди, унга «Маҳбубу-л-қулуб» деб от қўйилди. Ва бу битилган фойдаларнинг кайфияти шундай билиниб, уни уч қисм қилинди: биринчиси – турли тоифа одамларнинг феъл-атвори ва аҳволининг кайфияти, иккинчиси – мактовга сазовор феъллар ва бошқа хусусиятларнинг хосияти, учинчиси – бошқа фарқли фойдалар ва мисолларнинг кўриниши.

Умид улким, ўқиғувчилар диққат ва эътибор кўзи билан назар солгайлар ва ҳар қайси ўз фаҳму идроклариға кўра баҳра олгайлар, битғувчига ҳам бир дуо билан баҳра еткургайлар ва руҳини ул дуо футуҳи била севинтиргайлар...”

Юрак тубларидан сизиб чиққан бу сўзлар бағрида видо оҳанглари сезилиб турганини ундан баҳраманд бўлувчилар дарҳол илғаб олурлар, албатта. “Одатда, кекса қулни озод қилурлар” ҳикматидаги қул бу гал дунё қамоғидаги кишини, озодлик эса Парвардигор марҳаматига қовушиш эканини билдирмоқда эди. Умр наҳрида суза-суза, гоҳ хатар ва ҳалокатларга, гоҳ кишини ютиб юборар наҳангларию илонларига, очофат балиқларига дуч кела-кела шунча йил сузган қайиқ дарғаси бундан бошқа қандай сўз айта олсин?

Шу боисдан, инсонларнинг фазилатлари ва нуқсонлари ҳақидаги фикрларнинг қаймоғи бўлмиш “Маҳбубу-л-қулуб” айни оҳангларда, шундай тилаклар билан хотима топди:



*Илоҳи, бу ажзоким, яхши-ёмон сифоти анда мазкурдур, мақбулу мардуд ҳолоти мастур, битгувчиси агарчи ёмонлардиндур ва яхшилардин эмас, аммо сендин яхшилик тамаъига ўзин ёмонлардин демас.*

*Илоҳи, ани яхшилар орасидин ҳавр этма ва ёмонлар хайлига қотма. Тилига келган била кўнглин содиқ тут ва қаламига ёзилгон била замирини мувофиқ тут. Ўзингдин ўзга сўзин кўнглидин чиқар. Ул ён тутким, санга етишгай ва ул йўлга юрутким, санга қоришгай. Тилига ўзунгдин ўзгани ёвутма ва кўнглини ўзунгдин ўзгага овутма. Кўнглини тасаллийи висолинг била овут ва кўзини тажсаллийи жамолинг била ёрут. Бу замири фарзандин кўзларга маҳбуб эт ва бу бағри пайвандин кўнгулларга марғуб эт.*

*Бу номаки, хомасига қилдинг мактуб,  
Қил аҳли қулуб оллида «Маҳбуби қулуб» .  
Эл айб топардин қилма маъюб.  
Ҳар ким ўқуса насиба этгил матлуб.*

*Бу номазаким, лисоним ўлди қойил,  
Килким тили ҳар навъ эл ишига ноқил.  
Тарихи чу хуш лафзидин ўлди ҳосил,  
Ҳар ким ўқуса, илоҳи, ўлгай хушидил<sup>1</sup>.*

### **МАНГУЛИК АЗИМАТИ**

Хуросон узра қиш бахтиёрийси<sup>2</sup> чалинди.

У энди ёруғ оламга хос бўлган гўдаклик, ёшлик ёки киборлик паллаларидан эмас, тамомила ўзга – мангулик диёрларидан хабар бермоқда эди.

Шу кун Андхўй булутлари сурилиб келдилару Ҳирий узра кетмасдан туриб қолдилар. Шундан сўнг фалак ҳудайчиси оламлар Парвардигорининг ҳукмини ўқиб жар солди.

Гўё осмон узра кўзларга кўринмас ажал суворийлари етиб келишди. Тангри таолонинг жон олғувчи фаришталари ҳозир нозир бўлиб, “Эй

<sup>1</sup> Навоий таърих санъатини қўллаб, ушбу асарнинг ёзилиши санасидан хабар бермоқда. Абжсад ҳисобига кўра, “хуш” сўзи ҳижрий 906, милодий 1501-йилга тўғри келади.

<sup>2</sup> Мунгли оҳангдаги халқ қўшиғи.

хотиржам сокин жон! Сен рози бўлган ва рози бўлинган ҳолда жаннатимга кир” оятини ўқишди. Гўё “Қилиб ўтган ишларингнинг ҳар бири, айтган сўзларингу тутумларинг ҳар лаҳзасига қадар номаи аъмолингга битилди. Умрим яна бир оз давом этсайди, яна бир қанча эзгу ишларни қила олсайдим, деб ўкинмагин. Ёруғ оламдаги умринг тамом бўлди, қиёмат диёрига кетишга тайёрлан. Фурсатинг жуда оз, ҳаётингни сарҳисоб қил, Парвардигоринг хузурига жўнаш пайтинг яқинлашди!” дейишарди.

Ғозий султон Ҳусайн 906-йил, жумодул-аввал ойининг охирларида Астробод юришидан пойтахт сари қайтди. Бу хабар Ҳиротга етиб келгач, ҳазрат Алишер Навоий бир қанча ҳамроҳлари билан бирга султонни кутиб олиш учун йўлга чиқди. Жумодул-охир ойининг иккинчи куни<sup>1</sup> у киши Париён работига тушиб, кечани шу ерда ўтказди.

Тонг отганида Ҳазрат Навоий работ ҳовлисига тушди. Қиров-булдуруқлар дарахтларнинг эгик шохлари-ю новдаларида нуқрадай терилиб қолибди. Умр киши ҳам одамнинг соч-соқолида шундай кумуш булдуруқлар пайдо қилади. Навоий ҳовлини бир оз айланиб, айвонга ўтди. Айвон деворига турли шеърлар осиб кетилган экан.

Навоий асосига таяна-таяна яқин борганида, кўзи биринчи бўлиб муаллифи номаълум бир қитъага тушди. Унинг мазмуни шундай эди:

**“Бу пайтда барча табиблар ожиз қолдилар. Одам Тангри қазосига қарши нима ҳам қила оларди? Дарахтнинг томир шохлари танадаги ҳаракатдан узилганида Афлотуннинг оёғи ожизлик лойига ботиб кетди. Соғлиқ ёмонлашиш томон юз бурганида, Абу Алининг кўлидаги «Қонун» ҳам ёрдам беролмади...”**

Ҳазрат Навоий бу битикларни ўқиб, ёнидаги амир Шаҳобиддинга қайғу билан деди:

– Ҳа, тўғри, ҳар қандай киши бир куни у дунёга равона бўлади. Яратгувчининг тириклик ва ўлим борасида белгилаган тақдирини ким ҳам ўзгартира оларди?

---

<sup>1</sup> 1501-йилнинг 2-январь куни.

Қандли сут ва Кўсавия қасабаси кишилари ёпадиган қозонсимон иссиқ нон билан нонушта қилинган, у ердан чиқилиб, Поёб работига юрилди. Пайшанба куни кечаси Мавлоно Вайс муборак ўрдугоҳдан бу ерга етиб келиб, Султон Ҳусайн шу кеча Амиршоҳ работига кўнганини, эртага эрталаб у ердан жўнашини айтди.

Эртасига бомдодни эртароқ адо этиб, ўша заҳоти йўлга отланишди.

Бир тошга яқин масофа босиб ўтилган, Султон Ҳусайннинг улуғлик ва ҳашамат билан безалган тахтиравони кўзга ташланди. Ажабки, теварак манзаралари мунграйиб, бу ишлар тушдагидай рўй бераётгандай, ўз воқелигини йўқотгандай туюларди.

Ҳазрат Навоий шу дамда бирданига боши айланиб, кўз олди тинганидан хавотирланиб, амир Шаҳобиддинга деди:

– Менга кўз-қулоқ бўлиб турунг, ҳолим ёмонлашмоқда.

Ва ғалати бир шошқинлик ичра, бўйсунмай қўя бошлаган тили ҳамда тобора заифлашиб бораётган овози билан, қайта-қайта “Ашҳаду анла илаҳа иллоллоҳу ва ашҳаду анна муҳаммадан абдуҳу ва росулуҳу” деб такрорлай бошлади.

Бу орада султон Ҳусайн тахтиравони яқинлашиб қолган эди. Ҳазрат Навоий дўсти билан кўришиш учун отдан тушди, бироқ, ҳолсизлиги туфайли Амир Шаҳобиддин ва мавлоно Жалолиддин Қосим унинг икки қўлтиғидан тутиб туришарди.

Султон Ҳусайн ҳам ҳазрат билан кўришиш учун тахтиравондан тушди. Икки киши икки қўлтиғидан суяб, уни Султон Ҳусайн қошига еткурдилар. Ҳазратнинг ҳоли шунчалар эдики, аранг етиб, султон елкасига бош қўйган онда ҳушини йўқотди. Икки дўст – болалик онларидан бери ҳамдаму ҳамнафас, турмушнинг аччиқ-чучукларини бирга тотган биродарлар шу тариқа сўнг бор бир-бирларига бағир очдилар.

Султон Ҳусайн Навоийга ҳар қанча савол берса-да, жавоб қила олмас эди. У зот чалинган ўша касаллик фалажга айланиб, олий насабли Алишер Навоий ҳаракатдан ва тилдан қолди.

Хизматкорлар ва мулозимлар Ҳазратни тахтиравонга ётқизиб, улуғлар билан бирга шаҳарга қайтдилар.

Йўлда кетилар экан, Мавлоно Низомиддин Абдулхай ва Мавлоно Шамсиддин Муҳаммад Гилоний маслаҳатлашиб, у кишининг томирларидан кон олишди, бироқ бу иш ҳеч қандай фойда бермади. Гўё фалак шоири табибларга қарата шундай шеър ўқиди: **“Уринма, эй табиб, бу ишнинг вақти ўтди!”**

Шундан сўнг мулозимлар диллари ғам-андухга тўлиб ва кўзларидан ёшлар тўкиб, Ҳазрат ётган тахтиравон ўрнатилган туяни олдинга ҳайдашди ҳамда қайғу ва ҳасрат карвонлари билан бирга, шаҳарга йўл олишди. Ҳар бир ҳаракатнинг энг юқори нуқтаси тўхталишдир, ҳар бир яратилувчи нарсанинг охири эса йўқолишдир. Шоир айтгани каби: **“Эй кўнгил, тўнтарилган фалак зотида тўхталиш йўқ экан, одам қандай қилиб унда тўхтаб тура олсин?”**

Шундай қилиб, жума кечаси ярим тунда эзгулик биноларининг курувчиси ҳазрат Алишер Навоийни ўзларининг муборак уйларига етказдилар. Эрталаб эса Ҳирийнинг аксарият табиблари ул ҳазратнинг бошларига тўпланишди. Бироқ ушбу табиблар у кишини даволаш ва муолажа қилишга қанчалик уринишмасин ва куч-ғайрат сарфлашмасин, Алишер Навоий аҳволида яхшиланиш ва тузалиш юз бермади, балки касаллик зўрайгандан зўрайиб, оғирлашгандан оғирлашиб бораверди.

Ўша куни Соҳибқирон Султон шаҳарга етиб келиб, Алишер Навоийга бўлган чексиз муҳаббати туфайли «Боғи Жаҳоноро»га бормасдан, улуғворлик ва шукуҳ намунаси бўлган Амирни кўргани шошилдилар. Ҳазратнинг касалликлари бениҳоя даражада зўрайгани ва аҳволлари ўта оғирлашганини кўргач, ўпкалари тўлиб, кўзларига ёш келди-да, бир олам ғам-қайғуга чўмган ҳолда боғ томон йўл олдилар. Бироқ ҳар лаҳзада одам жўнатиб, азиз дўстининг аҳволини сўраб турар, қайғу ва изтиробнинг зўрлигидан бир лаҳза бўлса-да, истироҳат тўшагида ором олмасди.

Шанба куни ҳам Алишер Навоийнинг аҳволида ўзгариш юз бермади, балки вақт ўтган сайин танадаги дармонсизлик кучайиб, касаллик зўрайиб борди.

Ниҳоят, шу ойнинг ўн иккинчисида, якшанба куни эрталаб<sup>1</sup> Ҳақ таолонинг «Қайтгин» деган чорловига «Амрингга бўйсунаман» деб жавоб бериб, боқийлик негизини жон олувчи фариштанинг ихтиёрига топширди ва тириклик гулшани булбулини юқори олам боғларига жўнатди. У кишининг азиз руҳи тан ғилофидан зилолдай оқиб чиқди. Уни тоза ва нафис матоларга ўраб, кўк тоқига кўтардилар.

Йўлда учраган малоикалар “Бу гўзал ва пок руҳ кимнинг руҳи?” деб сўрар эдилар.

Фаришталар “Ғиёсиддинбек ўғли Алишер” деб жавоб қилишарди.

Шу тариқа, ҳазрат Алишер Навоий Ҳақ раҳматига қовушди.

### **ХОТИМА**

Хуросон мотамга бурканди.

Мадрасаи Биллурийда мунодий – яъни, бир нидо қилувчи зот баланд ерга чиқиб, қаттиқ овоз билан “Хамса”дан Фарҳоднинг нидосини ўқирди:

*Аномга бу хабардин тушса ошўб,*

*Ғамимдин хора узра бўлса сарқўб.*

*Жаҳонга ўт солиб завгоси ҳар ён,*

*Етардек бўлса вовайлоси ҳар ён.*

*Бу ваҳшийга хитоб этса «Кўзим» деб,*

*Бу бекасни соғинса «Ёлғузим» деб.*

*Анингдек бўлса шўру изтироби,*

---

<sup>1</sup> 1501 йилнинг 3-январи.

*Ки, бўлса бартараф бурқаб ҳижоби.*

*Қилибон ёд ғампарвардасидин,*

*Югурса, чиқса тўққуз пардасидин.*

Не ажабки, жаҳолат ва адолатсизлик, зулм ва кибр тоғини тешиб имон ва инсоф зилолини чиқазган, маъни соҳибжамолига ошуфта бўлиб, ниҳоят, қора тупроққа қоришган зот энди ҳазрат Навоийнинг ўзи эди:

*Добон «Эй риштаи жонимга пайванд»,*

*Узорин айласа парканд-парканд.*

*Сочидин бўлса юлмоқ бирла маҳжур,*

*Ки, Чинда бўлса мушк ўрнида кофур.*

*Дамимдин дуд олиб кетгайсен охир,*

*Халойиққа ҳижоб этгайсен охир.*

*Дегайсен: «Эй, юзунг руҳум гизоси,*

*Изинг гарди кўзумнинг тўтиёси.*

*Манга бас эрди бу дарди ғамандуд,*

*Ки, то Тангри вужудум қилди мавжуд.*

*Буким сен беҳад эрдинг орзуманд,*

*Ки, бўлгай мунисинг бир турфа фарзанд.*

Шу ерга етганида мунодийнинг овозида йиғи оҳанглари сезила бошлади:

*Ғамимдин бўлмадинг бир лаҳза дилхуш,*

*Ҳамиша бор эдинг зору мушавваш.*

*Гар атфол этса майли сабзау боғ,  
Кичикдин эрди қисмим дард ила доғ.*

*Менинг дардимга қолиб жисми зоринг,  
Менинг доғимдин ўртанмак шиоринг.*

*Тилаб ёқут, лахти хора топтинг,  
Тилаб хуршед, оташпора топтинг.*

*Улуг бўлгон сойи бечора бўлдум,  
Диёру мулкдин овора бўлдум.*

*Манга оворалиғ то чарх берди,  
Фироқимдин ишинг ўртанмак эрди.*

*Бас эрмас эрди умре куймакинг бас,  
Куюб-куюб, кул ўлдунг уйлаким хас.*

*Бу хусрон баски, чун гам руди туздум,  
Сиришким селидин Каъбамни буздум.*

*Буким мен-мен, манга ўлмак дағи ҳайф,  
Улус аҳволима кулмак дағи ҳайф...*

Муни эшитган халойиқ юм-юм йиғлаб, Навоий ҳаққиға дуолар қилар эдилар.

“Ихлосия”да бошқа бир мунодий кўзёшлари соқолиға тома-тома “Муножот”ни ўқирди.

Пешовар сангойилари, Зобулистон гилзойилари ҳам шунда эдилар.  
“Сахар ховар шаҳи чарх узраким хайли ҳашам чекти” ғазалини ўқир эдилар:

*Қазо фарроши чекти субҳнинг сиймин супургисин,  
Музаҳҳаб парларин андоқки товуси ҳарам чекти...*

Ҳа, казо фарроши субҳнинг сиймин супургисин чекиб, музаҳҳаб парларини ҳарам товуси каби урди.

*Китоба сунъ килки сураи ваиш-шамс тафсирин,  
Фалак тоқи ҳавошисида зарҳалдин рақам чекти.*

Не тонгки, айни вақтда “Ваш-шамс” ҳам ўқилмоқда эди:

“Қуёш ва унинг шуъласига, унинг ортидан келган Ойга, у ёритган кунга, уни ўраб олган тунга; осмонларга ва уни тиклаганга, Ерга ва уни ёйганга, нафсга ва уни мукаммал қилганга; унга гуноҳ ва тақвони билдирганга қасамки, Уни поклаган муродига етди...”

Нурлар муаззини Каъба кунгуралари узра гулбонги самад ургани каби, бу тонг ҳам “Унсия”, “Ихлосия”, “Шифоия”, “Қадрия” устини зийнатлар, ҳатто тикбош ва сўз тингламас Кандаҳор пашожийлари ҳам юзларини тирнаб, ўзларини урмоқда эдилар:

*Яқо чок этти гоҳи субҳ ул мотамга ким ошиқ,  
Бу муҳлик шомии ҳижрон ичра юз хуноби гам чекти.*

*Бўлуб матлуб рухсорига маҳв жомидин сармаст,  
Юзин туфроқга қўйди, бошини оллига ҳам чекти.*

Мунча мотамсароликларга сабаб бўлмиш у зот эса Ҳақ раҳматига ковушган, мавж-мавж дуолару фавж-фавж нурлар оғушида хоксорлиги ва



киборлиги, ранжидалиги ва олиймақомлиги ила, ўзи шоён орзу қилган юксак мақомга – оламлар сарвари Расулulloҳнинг азиз дийдорига етишган каби, сокин ётарди:

*Не давлатдурки бу ҳолатда андоқ борди ўздинким,  
Бақо иқлимидин рахтини то мулки адам чекти.*

*Навоий, шояд ул рахравга бу мақсад насиб ўлғай,  
Ким ул дашти фано қатъ этгали йиллар қадам чекти...*

– Ҳой мусулмонлар! – деб нидо қиларди биров. – Миллат қуёши, сирожул-муслимин, қуддуса-сирруху Низомиддин Мир Алишер Навоийни дуо қилинг! Нур ичида ётсин, мақоми фирдавси аъло, тахти ҳавзи Кавсар бўлсин!

– Миллат дема, инсоният қуёши эдилар! Эй воҳ, бундай зот минг йилда бир келгай, ё келмагай!

– Ҳой эл, сени Тангри ёрлақасин! Дунё тургунча тур, сира бош эгма! Шундай кишиларни бағридан етиштириб чиқарган экан, яна ва яна чиқармоғини Худодан тила!

Кексайиб қолган мавлоно Тоёбодий кўзидан ёшлари оқа-оқа, ичидан селдай тошиб келган изтиробини тўса олмай, ёнида турган мавлоно Ғиёсиддин Хондамирга деди:

– Ҳай аттанг! Не орзулар қилиб эдилар-а!

Мавлоно Ғиёсиддин бу сўзни тушунмай, устозига ажабланиб қараб қолган эди, мавлоно Тоёбодий салласининг учи билан мижжаларини артиб, ўкинч билан яна такрорлади:

– Не орзулар қилиб эдилар-а! Йигитлик чоғидаёқ тақдир Самарқандга отиб юборди, ота-онасидан, жигарларидан айирди. Султон Хусайн салтанат бошига келганидан сўнг, юртни тўқис, элни илмли қиламан деб хўб ғайрат кўрсатдилар, бироқ, истагани бўлмади. Инсонларни бахтли-саодатли кўрай

деб, азиз умрларини сарфлаб юбордилар. Ҳаётларининг сўнгида ҳажга бормокни орзуладилар, лекин, у орзу ҳам ушалмади... Шу сабабли, абётларида элдан дуо ўтинавёрдилар. Илоҳо, Тангри таоло руҳини ўзининг файзли даргоҳларида сайр қилдирсин, фирдавсда Расули акрам соллоллоҳу алайҳи васалламнинг ёнларидан жой берсин!..

\* \* \*

Ҳирий кишнинг нуқра чаманзорларига бурканди.

Қай вилоят бўлмасин, эшитганлар бир муддат каловланиб қолишар, ғам-қайғуга чўмиб, марҳум ҳаққига дуолар қилишарди.

Шеърү ғазал, байту достон, девон масжид кабидир. Андоқким, кишилар масжидга ўз оёқлари билан келсалар, абёт уларнинг қалбларига ўзи кириб боргайдир. Гишту лойдан қурилган иморатлар вақти келиб нурагай, бироқ, илму урфон ва абёт мақбаралари ҳеч бузилмагайдир. Табриздан Румга, Самарқанддан Хўтанга қадар поёнсиз жўғрофиялардаги сон-саноқсиз кишилар ҳузурига ўзи етиб боргай, эл хизматида бўлгай ва улуслар қалбида ҳар доим барқ уриб кўкариб, яшнагайдир.

– Эй воҳ! – деди ўсиқ қошли, қиррабурун бир панжобий. – Ул кишини ҳар ким севар, бошида кўтарар эди. Ана, тагин бошида кўтариб кетмоқда.

– Салтанатнинг ақлу заковати эдилар, – деб қўшимча қилди шериги. – Ақл кетгач, қилич ҳоли не бўларди?

Соҳибқирон Султон Ҳусайн ва подшоҳликнинг ҳарам аҳлидан бир неча киши ўша куни “Унсия”га ташриф буюриб, улуғлик курсисидан мотам гиламига ўтирдилар-да, йиғи-сиғи ва нола-фиғон бошладилар ва дафн маросимини саййид ул-мурсалин суннатига мувофиқ ўтказдилар. Зафар ёр бўлган Соҳибқирон, шукуҳ ва ҳашамат намунаси бўлган амирлар, ислом машойихлари, улуғ саййидлар, олимлар, фозиллар ва барча халқ мағфират ёр бўлган ул зот жасади билан биргаликда хиёбон томон юрдилар.

Барчанинг ўтли оҳи эндигина давлатга эришган хасисларнинг манманлик ва кибр байроғи каби осмонга етди. Юракнинг ғам ва қайғудан сув бўлган кони кўз орқали бахтиқаро етимларнинг кўз ёшларидек дам-бадам тупроққа

юмалаб тушарди. Шу пайт ҳавонинг кўзлари шоҳу гадонинг кўнглидагиларга мувофиқ равишда ёш томчиларини ёғдирди. Гўзаллик ва хушбўйлик булутли томчилари эса Арш баробар улуғликка эга бўлган ул зот жасадининг у ер-бу ерига тушиб турарди.

Ҳирот ийдгоҳида ўзидан баракалар сочувчи бўлган ул зотнинг жаноза намозлари ўқилди. Сўнгра ўзларининг жоме масжидлари ёнида шу мақсадда қурилган гумбаз остига олиб келиб, дафн қилдилар. Гўё фалак шоири нидо қилдики: **“Эй тупроқ, бағрингда нима борлигини қаердан ҳам билардинг?”**

Ўша кечаси кўплаб улуғ саййидлар ва олимлар ул ҳазратнинг файзли қабрлари бошида бедор ўтириб чиқишди, илоҳий калом ҳофизлари тонггача тиловат билан машғул бўлиб, бир лаҳза ҳам мижжа қоқмадилар.

Эртаси куни куёш подшоҳи азадорлар каби осмоннинг кўк кийимини кийиб, юлдузлар тўдаси одамларнинг кўз ёши каби тўкилиб кетгач, вафодор Соҳибқирон ҳам мағфират йўлида бўлган Мир Алишер Навоийнинг уйида азадорлик ўрнини эгаллади. Салтанат пойтахти Ҳиротнинг улуғлари ва асилзодалари ул зотнинг ҳузурларига келиб, кўнгил сўраш расмини бажо келтирдилар.

Ўша куни Ҳирот шаҳрининг аксарият масжидларида аҳолининг турли табақалари ва тоифалари вакиллари мотам гиламига ўтириб, ул олиймақом зотнинг руҳлари шод бўлиши учун барча нарсани билгувчи Зотнинг каломини хатм қилдилар.

Соҳибқирон Султон учинчи кунгача кўнгил аҳли пешвоси бўлган ул зотнинг уйида туриб, кўнгил сўраб келганларга таомлар тортиш ҳамда буюклик ва эзгулик Соҳибининг каломини хатм этишни буюрдилар. Чундан сўнг ул Ҳазратнинг ўзидан нур таратиб турувчи қабри бошига келиб, зиёрат расм-русумларини адо этдилар.

\* \* \*

Ўлим хабари Машҳадга ҳам етиб борди. У ернинг кишилари Имом Ризо мадрасасига тўпланишган, Қуръон тиловат қилиб, савобини марҳумга

бағишлар эдилар. Машҳад не, Тафту Табриз, Шерозу Язд, Хуросону Кобул, Самарқанду Ширвонда ҳам халқ ғойибона дуо учун тўпланди. Қора соқолли ёшгина қори йигит “Қуёш ўралиб қолганида, юлдузлар ҳам тўкилганида” оятини ўқирди.

Ғаройиби Ламғонда рўй берди: содда ламғонийлар ғойиби дуога оғизларида ўт тишлаб келишди. Бу билан Тангри таоло иродаси қаршисида ожизликларини кўрсатиб, “Биз сенинг қўйларинг кабимиз” демоқ истардилар.

Шероз шайхулисломи Ҳирийда таҳсил олган киши эди. Жума ваъзи маҳалида Ҳирийнинг улуғ авлиёларидан бири, Низомиддин Мир Алишер Навоий Ҳақ раҳматига қовушганини айтиб, илоҳий неъмат дея иззатланган ғазалларидан бирини ўқиди ва жумла халойиқдан ҳаққиға дуо қилишини ўтинди.

Жума намозидан қайтган тик қадли, оқ юзли йигит ички ҳовлиға кирганида, йиллар ўта-ўта қартайган мушфиқ онаизори устиға қора бурқаъ кийиб, яшил хол-хол рўмол ўраб, чалпаксимон нонларға емак ўраб, уни кутиб турган экан. Ёлғизи, кўзининг оқу қораси кириб келганиға суюниб, гирдикапалак бўлиб олдиға суфра тузади, шарбат келтирди.

– Бу кун бир гап эшитдим, – деди ўғли, маза қилиб онаси тутқазган таомни ер экан. – Хуросонни кўп гапирар эдингиз, ўша ёқдан бир хабар келибди. У ерда Алишер Навоий деган бир авлиё бор экан, оламдан ўтибди...

Онасининг ранги бирданиға оқариб кетганини, қўлидаги коса ерга тушиб синганини кўриб, ҳанг-манг бўлиб:

– Она? – дея сакраб туриб, қўлларини тутди. – Жоним онам, сизға не бўлди?

– Алишер дедингми? – ҳолсиз пичирлади онаизорнинг қонсиз дудоклари.  
– Алишер Навоий дедингми?

– Ҳа, она, нима бўпти?

– Вой, Алишерим... Вой, кичик бегим... – дея ўғлининг қўлиға шилқ этиб тушди.

Бу шўрлик хотин – жория Қутб эди.

Кўп йиллар аввал, Гиёсиддинбек ила тағойилар шаҳид бўлиб, сеvimли бекаси ғам-алам ўтида ҳалок бўлгач, яхши кишилар кўмагида Хирийдан кочган карвонга қўшилиб ўз юртига келган ва қавму қариндошини топган, бир тужжорга эрга тегиб шу ўғлини тукқан, исмини ҳам Алишер қўйган эди. Хожаси сафавийларнинг ўзаро ихтилофларида шаҳид кетгач, бир амаллаб кун ўтказар экан, бот-бот сутдай оқ юзли, ўйчан тиниқ нигоҳли Алишерини кўмсар, билгани – меҳру муҳаббат қўйган суюклиси Хирийда, султон Ҳусайн даргоҳида юксак мартабаларга ноил бўлгани-ю эл таниган бениҳоя ҳурматли шоир бўлиб етишгани эди, холос. Заифа боши билан бозорга чиққанларида хуросонийларни кўриб қолса, ҳар доим ўша кўзининг оқу қорасини сўраб-суриштирарди...

Қутб зор-зор йиғлаб, ўз одатига кўра бир йил мотам тутди. “Алишерим” дея бўзларди. Фарёди фалакка сиғмай кетарди. Гоҳ қўлларини ҳаволатиб, гоҳ юзларини тирнаб-тирнаб, гиря айтиб айланарди. Кўз ёшлари нуқра каби сочилар, улар эса куёш ниҳон бўлгач пайдо бўладиган юлдузларга ўхшарди:

*Оразин ёпқач кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш,*

*Ўйлаким, пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлгач куёш...*

\* \* \*

Қиш **Мовароуннаҳрга** қиличини янада қайраб келди. Кўз етмас уфқларга қадар ясланган дашт қалин қиров-булдуруқлар билан қопланди.

Шайбонийхон Ҳисор сари юрган, Боло Ҳисор яқинига чодир тиккан эди. Устига туғ тикилган катта оқ ўтовдан ҳам, бошқа кичикроқларидан ҳам тутун кўкка ўрлар, қалин уст-бош кийган аскар отларига қарар, бир ёнда катта қозонларда таом пишарди.

Баланд бўйли, миқти гавдали, пўстин кийиб олган киши тез-тез юриб ўтов ичкарисига кирди. Ортидан келган беклар ҳам унинг изидан эргашишди. Ўтов ичи ўтгиз-қирқ киши бемалол сиғадиган даражада кенг эди.

Мева-шарбат келтирилди.

Бошқалар тик турар эдилар. “Ўтирингиз” деган амр бўлгач, барча биринкетин тўшакларга ўтирди.

– Хуросонга юриш қилгаймиз! – деди Муҳаммад Шайбонийхон. – Улус улуғлари дуо бердилар.

– Бош устига, хоқоним! – деди қоровулбеги. – Аммо, у ёқдан икки киши келибди. Тун қоронғусида етишиб эдилар. Қабулингизни истайдилар.

– Ким эмиш?

– Бири навкар эмиш, оти Қора Мўғул. Ҳоли анчайин хароб, черикка кўшилмоқни тилайдир.

– Қандай навкар экан, мен билан сўзлашадиган? Синаб, тафтиш қилинг, дуруст эса черикка олинг. Иккинчиси киммиш?

– Ўзини шоир Биноий деб айтди. Хизматингизда юриб, “Шайбонийнома” деган достон ёзмоқчи эмиш. Аммо нохуш хабар ила келгани учун узр сўраб, омонлиқ истади.

– Не нохуш хабар экан?

– Низомиддин Мир Алишер Навоий Ҳирийда бандалиқни бажо келтирибди.

Шайбонийхон ўрнидан туриб кетди.

– Ҳай Оллоҳ! Ҳай Оллоҳ!

– Эй воҳ! – деди сўнг, сийрак сочли бошини қуйи эгиб. – Турк эли бошига келган энг қаттиқ мусибат мана шу бўлмиш. Мен Хуросонни Навоий бўлгани сабабли босмагай эдим.

– Мусибатнинг сопол тошлари улус бошига ёғилибди, – деди Шайбонийхон, қайғуда. – Мундин сўнгра бу эл бошига ундай зот ё келгай, ё келмагай. Ҳай Оллоҳ!

– Биноийни не буюргайсиз? – деб сўради қоровулбеги.

– Яхши шоир деб эшитганман. Юраберсин, – деди Шайбонийхон. – Черикка маълум қилинг, Хуросон юришига ҳозирлик кўрилсин!

\* \* \*

Азизу жонажон Ҳирий етти кун мотам тутди.

Султон Ҳусайн Навоийнинг иззат-эҳтироми учун мақбара барпо қилишни буюрди. Меъморлару усталар зўр иштиёқ ва меҳр-муҳаббат ила ишлашди. Ажабки, ҳеч ким ҳақ олмоқни истамас эди.

Бир кўркам, Навоийнинг ўзи сингари улуғвор мақбара бунёд бўлди. Султон Ҳусайн бир неча кун тонг саҳар келиб, унинг теграсини супуриб-сидирди. Сўнг мақбара қошида ўтириб, руҳига дуолар қилди.

Наққош Мирийнинг шогирди Абдуллоҳ эса бу маҳал Кобул яшма тошига урина-урина нақш битар эди. Ниҳоят, юксак хулқли, адолат ойинаси, меҳру шафқат манбаи, инсоният қуёши ҳазрат Алишер Навоий дафн этилган Мусалло майдонининг ўнг тарафидаги мақбара пештоқига қуфий хатидаги Тангри оятларидан қуйида, ўзга ёзувга ўрин қолдирилмаган тарзда, шоир ёқтирадиган хатти настаълиқда шундай мисралар битилган лавҳ осиб қўйилди:

*Илоҳи, чун ҳар не қилинур – сенга тақдирдур, қилгувчига қилмоқта не тадбирдур.*

*Илоҳи, тақдир қилганингни қилурга не ихтиёр, қилмасман демоққа кимнинг ҳадди бор.*

*Илоҳи, агарчи залолатқа тушибман, аммо ҳидоятингга талабгорман ва агарчи тамуз<sup>1</sup> ўтига тушгали ёвушибман, аммо раҳматингдин умидворман.*

*Илоҳи, кўнглимни дарду шавқинг муҳаббати била овут ва кўзимни надомат ашки селоби била равшан тут.*

*Илоҳи, тилимни неъматини беқийёсингга шокир айла ва кўнглимни ҳамду сипосингга зокир айла.*

*Илоҳи, қаламимга ҳамдинг рақамига машғуллик бер ва рақамимга халойиқ кўнглига мақбуллик бер.*

---

<sup>1</sup>Тамуз –жаҳаннам.

*Илоҳи, замиримга худписандликни ёвутма ва хотиримни эл нафъи айбжўлигига тутма.*

*Илоҳи, хаёлимни ниёзу дард аҳлига мойил тут ва ниёзим кўзин дардмандлар аёғи туфроғи била ёрут.*

*Илоҳи, подшоҳи Исломни муслимин бошига тутқил бардавом, яъни бандаларнинг устига кўланкангни қил мустадом, то шоҳу гадога дуоғўйлик қилмиш бўлгаймен, вассалом...*

2016–2020